

АРОСАТ



Бу китоб хориждаги Ўзбекистонлик диний гуруҳлар ва диндор муҳожирлар орасидаги ихтилофлар ва Швециядаги Обид қори Назаров жамоасида рўй берган турли хил фитналар ҳақида ҳикоя қилади.

Муаллиф

Саҳвий

2021 йил Швеция

Муқаддима:

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

Аллоҳ мадад берса, ёзишни бошлаган бу китобимда камина охирги ўттиз йилда, Ўзбекистонда ва Швецияда яшаб кўрган кечирганларимни, турли диний гуруҳлар ва машхур имомлар ва сарой муллалари ва ҳукумат орасидаги курашлар тарихини имкон қадар, ҳикоя қиламан. Шунингдек, ўзим ақлимни таниганимдан бери ишонган эътиқодим ва мен яхши кўрган ва холис деб, таниган устозлар тутган йўл ва шу йўлда жонларини берган шахсларни тутган йўлини, бугун хато деган, фикрни беришга уринаётган кимсаларга қарши, ўзимни очиқ раддиямни ва қарши позициямни баён қиламан. Ўзим ҳам ўз умримни бағишлаган ғояни, ақидамни, манҳажимни ҳимоя қиламан. Бу ғояга қилинаётган хуружни ва уларнинг йўлларига эргашаётган кимсаларни, хусусан Швециядаги Ўзбекистонлик муҳожирлар гуруҳи ва уларнинг кимлиги ва динга ва сиёсатга нисбатан бугунги тутган позициялари ва аввалги позициялари ҳақида, батафсил баён қилиб ўтаман.

Мен бу китобни номини «АРОСАТ» деб, номладим. Бундай ном қўйишимга сабаб, бу китобда баён этилган жамоалар, ва диний арбоблар айна бугун йўл тополмай, аросатда қолганлиги ҳикоя қилинади. Нега бундай ном қўйилгани сабабини, китобни ўқувчилар, ўқиш жараёнида янада чуқурроқ англаб оладилар деган умиддаман. Китобни ёзишда, мен ижтимоий, диний адабий роман жанрини танладим. Одатда мен ижтимоий сиёсий ва диний мавзуларда ҳужжатли қиссалар ёзардим. Бу роман жанрида бу китоб биринчи уриниш ҳисобланади. Бу жанрни танлашимга сабаб, ҳужжатли қиссадан фарқли ўлароқ, жараёнлар баъзан адабий шаклда ҳам ёритилади. Ҳужжатли қиссада бундай кенгроқ тасвирлаш имкони йўқ. Ҳужжатли қиссалар судни ҳужжатлари каби, ҳиссиз ва туйғусиз бўлади. Бу китобда туйғулар ифодаси ҳам муҳим рол ўйнайди. Шу жиҳатдан китоб роман жанрида ёзилди. Бадиий жиҳатдан нуқсон хатоларига олдиндан узримни қабул этинглар. Мазмун моҳиятига ҳам муаллиф сифатида, мен масъулман.

Бу китобдаги зикр қилинган шахслар аксари тирик ва хорижда ва Ўзбекистонда яшаб юришибди. Уларнинг аксари, мени танишади ва мен уларни танийман. Китобда зикр этилган шахсларни кўпчилигини, мен шахсан танимайман. Ҳаётда учрашмаганман. Улар ҳақидаги барча фикрлар менинг шахсий фикрларим ва ўзим кўрган кечирганимдан келиб қилган хулосаларимдир. Китоб кенг халқ оммаси учун ёзилди. Аммо, уни тушунишлик диндан бир оз хабари бўлмаган кишиларга бир оз қийинроқ бўлиши мумкин. Сабаби, бу китобда диний манҳажлар ва улар орасидаги ихтилофлар ва диний сиёсий концепциялар орасидаги баҳслар тўғрисида гап боради. Турли хил ўзбек тиллик диний гуруҳлар зикр қилинади. Китобни ўқувчилар, яқин ўттиз йил ичидаги Ўзбекистондаги ва хориждаги ўзбекзабон диний гуруҳлар орасидаги ихтилофлар ва Швециядаги ўзбек муҳожирлари ҳаёти ҳақида ва уларнинг диний манҳажлари ҳақида, қизиқарли маълумотларга эга бўлишади. Баъзи шахслар ва воқеалар иштирокчилар номлари очиқ зикр қилинмасдан ёзилди. Турли сабабларга кўра, шундай йўл тутиш, мақсадга мувофиқ деб ҳисобладим. Асосийси, китобда баъзи кимсалар қилган, иккиюзламачиликлари ҳам, ошкора баён қилинади. Булар бари тарих учун керакдир. Ва шу мақсадда бу китоб ёзилди.

Китобнинг хотимасида эса, келажакда бу гуруҳ вакиллари, қандай манҳажда бўлишлари мувофиқлиги ҳақида ҳам, муҳим фикрлар берилади. Аллоҳу Таоло бу китобни ёзувчига ҳам ва ўқувчиларга ҳам манфаатли қилсин. Китобда номи зикр қилинган кимсаларни ҳам ва менинг ҳам, ҳисоб китобим Аллоҳнинг зиммасидадир. Албатта қиёматда ҳақ ҳисоб китоб бўлажак! Аллоҳу таоло бу можарода ким ҳақ ва ким ноҳақ бўлганини маълум қилажак!

Мен Роббимдан ўша кунда мени ва барча холис мўминларнинг, юзини қаро қилмаслигини тилаб қоламан.

Саҳвий

26.06.2021 2

1 боб

Бу бобда 1990 йилларда илк бора Обид қори Назаров билан учрашганимдан бошлаб, то 2009 йилда Швецияга келиб, яна Обид қори билан учрашганимгача бўлган муддат ичидаги воқеъа ва ҳодисалар, қисқача баён этилади. Булар асосан диний гуруҳлар ва улар орасидаги ихтилофлар ва уларда Обид қори тутган позицияси ҳақидадир. Шунингдек, китобни умумий мазмунини баён этувчи, таништириш қисмидан бошлаймиз.

Муҳожирлар ҳақида

Маълумки, Ўзбекистон мустақил бўлганидан бошлаб, ўтган 30 йилга яқин муддатда ўзбек халқи ҳаётида жуда кўп сиёсий, иқтисодий ва диний ўзгаришлар жараёни рўй берди. Буларни барига тўхталиш ниятим йўқ. Асосийси, ўзбек халқи шу 30 йил ичида ташқи дунёга чиқа оладиган бўлди. Олдинги советлар даврида ўзбеклар СССР ҳудудида юришлари мумкин эди. Бу ҳудуд ҳам аслида бу кунги 15 та , мустақил давлатни ўз ичига олади. Лекин, мустақилликдан сўнги йилларда ўзбеклар Европа ва Америка давлатларига ҳам, кета бошлашди. Шу ўтган 30 йилда дунёнинг кўплаб мамлакатида, ўзбеклар яшайдиган катта кичик диаспоралар пайдо бўлди. Бу муҳожирлар асосан қуйидаги қисмларга бўлинади:

1. Диний муҳожирлар
2. Журналист, ҳуқуқбон, сиёсатчилар, шоир ва ёзувчилар
3. Меҳнат муҳожирлари ёки яхши яшаш илинжида ватанни тарк этган кимсалар

Диний муҳожирлар гуруҳи ҳам икки қисмга бўлинади:

- 1, Европа ва Америка давлатларига кетганлар
2. Жиҳодий урушлар бўлаётган диёрларга кетганлар

Европа ва Америка давлатларига кетганлар

Ўзбек диндорлари бугунги кунда Европанинг барча давлатида ва АҚШ, Канада ва собиқ совет Республикаларида жамоат тарзида яшашмоқда. Улар аксари ватанида тазйиққа учраганлар ва бир қисми тазйиққа учрамасада ватанни тарк этиб кетганлардир. Улар асосан ваҳҳобийликда, ҳизбут таҳрирга аъзоликда, айбланганлардир. Акрамийлар гуруҳи ҳам шунга киради. Булар орасида оз сонли жиҳодчилар ҳам мавжуд. Гуантанамодан озод бўлган ўзбеклардан бир нечтаси Европа давлатларида бошпана олишгани маълум. Булар орасида бир қисми умуман динга алоқаси бўлмасада, ўзини ё акрабий, ё ҳизбий ё ваҳҳобий, ёки сиёсий муҳолифман деб, БМТни алдаб, бошпана олиб келишган. Ўзбекистонда нисбатан машҳур бўлган Обид қори Назаров оиласи билан 2006 йилда Швециядан бошпана олган. Унинг ёнида укалари ва унга алоқадор шахслардан бир нечтаси, оиласи билан биргаликда келишган. Швецияда уларга алоқаси бўлмаган диндорлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Швециядаги ўзбеклар сони уч мингдан ортиқроқдир. Уларнинг тенг ярмини Акрамийлар гуруҳи ташкил этишади.

Жиҳодий урушлар бўлаётган диёрларга кетганлар

Маълумки, шу 30 йиллик муддатда кўплаб ўзбек диндорлари ён атрофимизда бўлаётган уруш майдонларига ҳижрат қилдилар. Бунга сабаб, Каримовнинг диндорларга нисбатан тутган қаттиққўл сиёсати бўлди. Кўпчилик диндорлар қамалди. Баъзилар чет элларга кетишди. Улар жумладан, қўшни Тожикистондаги урушида ва Афғонистондаги урушда ва Чеченистондаги урушларда ҳам иштирок этдилар. Кейинроқ, ҳижрат қилганлар Сурия ва Ироқдаги урушларга ҳам қўшилдилар.

ИШИД пайдо бўлгач, унинг сафига ҳам бориб кирдилар. Ўзбеклар ИШИДга қарши бўлган, бошқа жиҳодий катибаларда ҳам иштирок этганлар ва этмоқдалар. Булардан оз қисми ватанга қайтиб келган ва қамалиб кетишган. Баъзилари ўша ерларда вафот этиб кетишган. Бир қисм аёл ва болаларни Ироқдаги Курдлар қамоқхонасидан Ўзбекистон ҳукумати ватанга қайтариб олиб келди. Баъзилари ватанга ҳам қайтолмасдан урушлар тугагач, у бу ерларда қочиб пана пастқамда, нолегал шаклда кун кўришмоқда. Аллоҳ уларга ёрдам берсин. Журналист, ҳуқуқбон, сиёсатчилар, шоир ва ёзувчилар Ўтган ўттиз йил муддатда дунё бўйлаб тарқалган ўзбеклар муҳолиф сиёсатчилар ва журналист ва ҳуқуқбонлардир. Хусусан Диктатор ИАК даврида улар аксари чет элга чиқиб кетишган. Булар турли туман фикрли ва динга муносабати ҳам турлича бўлган шахслардир. Улар орасида диндори ҳам бор. Динсиз атеистлари ҳам бор. Улар ичида демократи ҳам, коммунисти ҳам, ИАКпарастлари ҳам ва унга муҳолифлари ҳам бор. Улар бири бирлари билан ҳам зиддиятда бўлган шахслардир.

Улар орасида ғоявий бирлик йўқ. Ўзаро дўстона муносабатлар йўқ. Улар бири бирига тош отишда ва мағзава ағдаришда, ўта тубан кимсалардир. Улар орасида ҳурматга лойиқ шахслар ҳам бор албатта. Буларнинг аксарини мен шахсан таниганман ва танийман. Меҳнат муҳожирлари ёки яхши яшаш илинжида ватанни тарк этган кимсалар Шу ўтган ўттиз йилда чет элларда ишлаш учун кетганлар сони милёнларни ташкил этади. Россия ва постсовет Республикаларидаги ўзбек меҳнат муҳожирлари милёнлардан ошиқдир. Шунингдек, АҚШ, Туркия, Европа давлатларида ҳам ишлаш учун келган кўплаб ўзбекларни учратиш мумкин. Шу жумладан Швецияда ҳам. Булар ё бир йиллик иш визаси қилиб ишлаб юришади. Ёки, виза муддати тугагач, виза қилдирмасдан нелегал бўлиб, қора ишларни қилиб кун кўришади. Булар орасидан ҳам баъзилари қочоқлик сўраб бошпана олганлари бор. Баъзилари рад жавобини олиб, нелегал бўлиб яшириниб юрганлари ҳам бор.

Шулардан бири бўлган Раҳмат Оқилов Швецияда теракт содир қилиб, бир умрлик қамоққа ҳукм қилинди. Булардан баъзилари ишлашга келиб, бошпана сўрамасдан ишини ишлаб, яна қайтиб кетишади. Буларнинг сони саноғи аниқ эмас. Лекин, булар орасида ҳам, кейинчалик диндор бўлган ва радикал ғояларга берилганлар учраб туради. Булар тафсилоти ҳам бу китобда батафсил ёзилади. Шунингдек, яна шу каби меҳнат муҳожирларидан бўлган учтаси ва Швеция фуқаролигини олган бир Фирибгар билан биргаликда қўшилиб, бир тонна кимёвий модда олиб, теракт содир қилишга уринганда қўлга олинди. Булар кейинчалик қўйиб юборилсада, Фирибгарни фуқаролиги бекор қилинди. Булар тафсилоти ҳам ўз жойида батафсил баён этилади.

Ихтилофлар ҳақида

Биз таҳлил қилмоқчи бўлган ихтилофлар 3 қисмга бўлинади:

1. Давлат раҳбарига муносабатда
2. Мазҳабга муносабатда,
3. Сарой муллаларига муносабатда,

1. Давлат раҳбарига муносабатда:

ИАК га нисбатан муносабатда сарой муллалари ва холис имомлар фарқи? Мирзиёга муносабатда сарой муллалари ва холис имомлар ва мунофиқлар гуруҳи позицияси?

2. Мазҳабга муносабатда:

Сарой аҳли мазҳаби ва манҳаж ва ақидаси?
Салафийлар ва холис имомлар ақидаси ва манҳаж?

3. Сарой муллаларига муносабатда:

Сарой муллаларининг холис имомлар муносабати
Холис имомларнинг Сарой муллаларига муносабати

Бугун ислом аҳли қуйидаги тоифаларга бўлинадилар:

1. Илм эгаси бўлган ва авомни ҳаққа чақириб, даъватлар қилган шахслар:
2. Диний илми бўлмаган ҳолда, ҳаққа даъват қилувчи шахслар:
3. Диний илми бўлган ва диний даъват қилмайдиган кимсалар:
4. Диний илми йўқ ва даъват ҳам қилмайдиган кимсалар:
5. Илми бўлмаган ва билмаган ҳолда авомни залолатга чақирувчи кимсалар:
6. Илми бўлган ва авомни билиб туриб, халқни ҳаққа чақирмайдиган ва бидъатга чақирувчи ва тоғутларга хизмат қилувчи бўлган кимсалар.
7. Мана шулардан биттасига дохил бўлган ва эргашувчи бўлган кишилар:

Бу китобда зикри келган шахслар ҳам, шу юқорида айтиб ўтилган тоифалардан бирига мансуб шахслардир. Кимни қайси тоифага мансублигини ўқувчилар ўзлари хулоса қилиб оладилар.

1. Диний муҳожирлар Ўзбек диний муҳожирлар юқорида айтиб ўтилганидек, бугун дунёнинг турли мамлакатада бор. Лекин, бу китобда Швециядаги диний муҳожирлар ҳақида ҳикоя қилинади. Акрамийлар ҳам диний қочоқлар бўлишсада, улар билан манҳаж ва ақидавий можаролар йўқлиги учун, бу китобда улар ҳақида тўхталмайман. Улар ҳам майда бўлакларга бўлиниб кетишган ва ҳар бир гуруҳ бошқасидан алоҳида яшашади. Улар орасида биз билан ақидавий ё бошқа жиҳатдан келишмовчилик йўқ. Улар ўзларини мустақил йўлига эга бўлмагани учун, бошқаларга аралашиб кетишган. Улар оддий намозхондан ажралиб турмайдиган ҳолатга келишган. Манҳажий ихтилофларимиз тўқнашмагани учун улар ҳақида бу китобда гапиришга эҳтиёж сезилмади. Демократлар, ҳуқуқбонлар ва журналистлар тоифаси бўлиб, улар орасида атеистлари ҳам бор. Бенамозлари ҳам бор. Намозхонлари ҳам бор. Улар билан ҳам орамизда диний ихтилоф йўқ. Улар ўз билганича ва диндорлар ҳам, ўз билганича яшаб юришибди. Демак, бу китобда булар ҳақида батафсил тўхташга эҳтиёж йўқ. Акрамийларни ва оз сонли ҳизбутларни мустасно қилган ҳолда, диний гуруҳлар ҳақида батафсил тўхталсак, булар ичида энг кўзга кўрингани гуруҳ Обид қори Назаров гуруҳидир. Демак, шу кишининг шахсига ва унинг қавмига ва шогирдларига ва улардаги кейинги даврда пайдо бўлган, баъзи ақидавий ва манҳажий ўзгаришларга батафсил тўхталамиз. Обид қори Назаров ва унинг қавми ва Швециядаги фаолиятига киришишдан олдин бир зум тўхтаб, ўттиз йил ортга қайтамиз. Бу ортга қайтиш бугун мен айтмоқчи бўлган муҳим нарсани осонроқ англашга хизмат қилади. Шу маънода тарихга қулоқ соламиз. Кейин, бу кунга қайтамиз. Швециядаги Обид қори қавми ҳақидаги ҳикоямизни давом этамиз иншааллоҳ.

Яқин тарихга қайтиб қарайдиган бўлсак, диний ихтилофлар бошида асосан икки шахсни турганини кўрамиз. Бу иккаласига эргашувчилар сон саноқсиздир. Шу иккаласи ва уларга эргашганлар ўша пайтдан бошлаб, то шу бизнинг давримизгача ўзаро курашиб келмоқдалар. Бу курашни англаш учун, бу икки шахс орасидаги фарқни англаб олиш керак. Шу фарқни англасак, бугунги кундаги икки томонда туриб курашаётганларни фарқини ҳам англаймиз. Мен қуйида шу фарқни қисқача ёздим. Аммо, бутун китоб давомида, буларнинг тутган манҳажлари орасидаги фарқ ёзилиб боради. Икки томондагилар тутган позицияси ҳам аниқ кўрсатилади. Ва ўртада аросатда юрганлар ҳам маълум бўлади. Зеро, бу китоб номи ҳам Аросатдир. Демак, бу китоб аросатда қолганлар ҳақида, ҳикоя қилувчи китобдир.

МСМЮ ва Абдували қори фарқи

Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф (бундан кейин МСМЮ) ортида сарой муллалари ва тоғут ҳукумати турди. Абдували қори Мирзаев ортида холис имомлар ва улар манҳажига эргашган холис муслмонлар турдилар. Бу иккала шахс, гўёки бири бирига қарама қарши қутб эди. МСМЮ тариқатчи сўфи эди. Нақшбандия тариқати пири эди. Абдували қори ҳар қандай тариқатни бидъат деб, билувчи ва динни фақат саҳиҳ қуръон ва саҳиҳ суннат асосида ушлаган шахс эди. Булар бири Аллоҳ йўлида ва бири тоғутга хизмат қилиб ўтиб кетишди.

Абдували қори 1950 йилда туғилганди. У қирқ ёшида Жомеъ очилиб, имомликка ўта бошлаган. 45 ёшида эса, ўғирлаб йўқ қилинган. Қирқ ёшигача, у расмий имом сифатида танилмаган. Қишлоқда деҳқончилик қилиб, қўй боқиб тирикчилик қилиб юрган. Имомлик даврида ҳам, тирикчилигини шу тарзда ҳалол меҳнат билан ишлаб пул топишни давом эттирган. У расман ҳеч қаерда ўқимаган. Бирорта дипломи йўқ. Унинг имомлик пайтидаги маърузаларини тинглаган одам, бу балоғат ва фасоҳат ва бу шиддат ва чуқур мушоҳадани, бошқа дипломликларда топа олмайди. У ҳозир тирик бўлганида 70 ёшда бўларди. У беш йиллик хизмати билан, бу миллатга яқин юз йилга етадиган катта дарс, илмий мерос қолдирди. Унинг даражасидаги нотиқ у пайтда ҳам йўқ эди. Ҳозир ҳам мавжуд эмас. У миллат ва дин фаҳри ва шарафи бўлган киши эди.

Бугунги сарой муллаларини у билан солиштирганда, сариқ чақага арзимаслигини кўрамиз. Шайхлик иддаосини қилган мутассиб МСМЮни, баъзилар, Абдували қори билан солиштиришади. Ваҳолонки, булар орасида осмон билан ерча фарқ бор. Бу фарқларни улар тутган манҳажда, ақидада, суннатга муносабатда, тоғутга муносабатда, бидъатга муносабатда, динда собит туришлиқда, мардликда ва қўрқоқликда кўрамиз. Абдували қори феномени, ўзбек миллати диний қатлами орасида, ўзигача бўлган ва ўзидан кейингилари орасида маълум бир намуна ва ибрат олишга лойиқ бўлган, шаръий мезон вазифасини ўтайди. Бу муддат камида ўзидан юз йил олдинги ва юз йил кейинги даврни ўз ичига олади. Шу муайян вақи ичида яшаб ўтган дин пешволарига, шу феноменга асосан баҳолаймиз. Бу китобдаги пешволарнинг фаолиятини баҳолаш мезони ҳам шудир.

Менинг қуйидаги шеърим, икки машҳур шайх фаолияти ўзаро солиштирилади

Бири жон фидо қилди, ибрат қолдириб кетди,
Бири фитнаю фасод, бидъат қолдириб кетди.

Буларни тенг деманглар, фарқи, ер бирла осмон,
Бири қўрқоқлик бири, журъат қолдириб кетди.

Бири рад қилди, ботил, тоғутларни доимо,
Бири уларга катта, хизмат қолдириб кетди.

Бири тасаввуф каби, бидъатни тирилтирди,
Бири бу элга тоза, суннат қолдириб кетди.

Бири қайтарди элга, нутилган тавҳидни,
Бири хурофотларга ҳурмат қолдириб кетди.

Бири Ҳақ учун, бири Тоғутга хизмат қилиб,
Қиёмат кунга катта ҳужжат қолдириб кетди.

Бири уйғотди, ғофил, ухлаётган миллатни,
Бири ортидан манқурт, миллат қолдириб кетди.

Бири золимни мақтаб, «муҳтарам зот» деб, юрди,
Бири қуръон ҳадисдан даъват қолдириб кетди.

Булар бир хил яхши деб, алжирайди одамлар,
Бири ҳидоят, бири, ғафлат қолдириб кетди.

Бири иззат кўрмади, бадном бўлди ҳаётда,
Бири иззатда яшаб, шуҳрат қолдириб кетди.

Одамлар билмас булар, ҳаргиз баробар бўлмас,
Чунки, бири нур, бири, зулмат қолдириб кетди.

Фаросат аҳли бўлсанг, ким кимлигин таниб ол,
Бири офату бири, неъмат қолдириб кетди.

Булар ўтди дунёдан, лекин Саҳвий қалбида,
Бири муҳаббат, бири нафрат қолдириб кетди.

Бошқа бир ғазалим ҳам шу икки шайхни ўзаро муқояса қилади.

Ўлмоқ афзалмиди устоз, сизга ёлғондан кўра,
Дину имонни бало фитнага солғондан кўра?!

Нега бу тоғут мараз изминда юрмай кетдингиз,
Хорлиқ афзалми, қиёмат кун уёлғондан кўра?!

Қанчалар шайху имом тоғутга хизмат қилдилар,
Қаро ер афзалмиди, бу сафда турғондан кўра?!

Бу дунёни молу — жонни, охират деб, сотдингиз,
Бу савдо афзалмиди ё динни сотғондан кўра?!

Ҳайбатингиздан ҳануз титрайди сохта салтанат,
Хавфингиз кўпроқ бугун, сиз бор бўлғондан кўра!

Барибир золим мараз, дунёда мангу қолмади,
Ўлмоқ афзал тавқ ила лаънатга қолғондан кўра!

Саҳвий каби, неча минглар қалбидан жой олдингиз,
Ибрат кўрсатган буюқдир, ибрат олғондан кўра!

.....

Саҳвий 2018 йил

Бу китобдаги қатор шахслар фаолияти ёритилар экан, уларга баҳо берилганда, юқоридаги каби услубда, муқояса асосида баҳоланади. Шунингдек, Абдували қори фаолиятда пайтида ўзи ёлғиз эмасди. Унга эргашган холис имомлар ҳам бор эди.

Шулар ҳам Абдували қори билан биргаликда, бугунги ботил фаолият аҳлига ва аросат аҳлига муқояса қилинади. Солиштирилади. Китобни ўқувчиларига буни бошидан эслатиб қўйишни лозим топдим.

Обид қори Назаров

Бу китобда кўплаб шахслар номлари зикр этилади. Уларга доир воқеъа ва ҳодисалар зикр қилинади. Китобнинг бош қаҳрамони Обид қори ва Муҳиддин Ширинов ва уларга эргашганлардир. Улар тутган манҳажлар ва улар ораларидаги ихтилофлардир. Шунингдек, улардан бошқа кўплаб диний жамоалар ва шахслар ҳақида ҳам баён қилинади. Мен Обид қорини таниганимда ҳали 20 ёшлар атрофидаги йигитча эдим. Армиядан келиб. Тошкентга ўқишга бордим. ТошДУни филология факултетига ҳужжат топширдим. Ўқишга киролмадим. Имтихон саргузаштлари ҳам қизиқ бўлганди. Хуллас, ўша пайтда бир ўринга қирқта абитуриент ҳужжат топширган экан. Саводлироқлари ўтиб, (Ёки, пул берганлари ўтиб) биз кабилар йиқилганмизда билдим. Ўқишга киролмай Тошкентда Тошкент қурилиш трестига ишга кирдим. (Главташкентстройга қарашли СУ 10) Мақсадим бу йил ишлаб қолиб, кейинги йил яна ҳужжат топшириш эди. Баъзи шеърларим Тўрткўл тумани компартияси нашри бўлмиш «Коммунизм ғалабаси» (Номига қаранг) номли газетада чиққан эди. Мен ҳам «туя ҳаммомни орзу қилибди» дегандек, ўзимча шоир ёзувчи бўлишни орзу қилардим. Демак, савод етмаган шекилли, имтихондан ўтолмадим. Ишга кириб, ишлаб юрганимда Тўхтабойвачча масжиди янги очилган пайтлар эди. У ерга бориб турардим.

Обид қори Тилла Шайхдаги Абдурашид Баҳромов қорини масжидида имом ноиби бўлиб ишлаган ва кейин, бу масжид очилгач, бу ерга имом сифатида янги келганди. Мен уни Тилла шайхдаги пайтида ҳам кўрган эдим. Хуллас, уни масжидига бориб, қуръон ўқишдан таълим олардим. Жамоладдин (Ёки, Жалололдин) деган, ориққина бир киши бизга қуръондан таълим берарди. Ҳафтада икки кун келардим. Обид қорига учраб, тақсир, қуръонни тажвид билан ўқишни ўрганмоқчиман деганимда, у мени шу кишига дуч қилиб қўйганди. Обид қори у пайтларда ўттизга кирмаган ёш йигит пайти эди. У одамлар билан кулиб, жуда илиқ муомила қиладиган одам эди. Унинг шу пайтдаги сурати ҳали кўз олдимдан кетмайди. У киши 1995 йилдан то имомликдан олинган 1996 йилгача шу масжидда имомлик қилди. Тошкентда ва Ўзбекистонда машҳур шахсга айланди. Хуллас, бу киши тарихи авомга маълум. У вақтида ўзи имомлик қилган масжидда одамларга динни таълим берди. Ижтимоий сиёсий ва диний мавзуларда ўткир маърузалар қилди. Гарчи, у ҳам, давлат расмий таълим даргоҳида ўқиган бўсада, нисбатан холис имом эди. У Андижондаги Абдували қори, Намангандаги Абдулаҳад қори, Қўқондаги Муҳаммад Ражаб акалар каби, ўтмишдаги даҳрийлар даврини танқид қиларди. Жумладан ҳалиям иқтидорда қолаётган ИАКни ва бошқа сарқитларини ҳам. У жуда машҳур имом эди. Атрофига тезда Тошкент аҳли тўпланди.

Унинг кассеталари мамлакат бўйлаб тарқаларди. Ўзим кўп марталаб олиб кетиб, қавмимга тарқатганман. Баъзида маърузаларини эшитиб йиғлаганман. Лекин, мени аксар ҳолларда йиғлатган маърузалар Абдували қориники эди. Аммо, бу сал кейинроқ бўлди. Обид қорининг имомлиги аввалида нисбатан силлиққина кетсада, кейинроқ уни қаттиқ назоратга олишди. У ҳам ваҳҳобийликда айбланди. Диний Бошқарма билан муносабатлари бузилди. Унга нисбатан ҳар томонлама босимлар бошланди. Бу ҳақ сўзни айтувчи даъватчига нисбатан бўлиши керак бўлган нарсалар эди. Бу янгилик ёки,кутилмаган ҳодиса эмасди. Мен Тошкентда кўп қолмадим. Андижонлик Одил Ҳожи деган, бир одам Тошкентдаги Тилла шайх масжидига келиб, бир гуруҳ талабаларга қарата, «бизнинг янги очилган мадрасамизга келинглар. Таълим ва ётоқхона ва овқат бепул. Фақат ўқисанглар бўлди. Диплом ҳам берамиз» деган эди. Мен ишни йиғиштириб, Андижонга кетдим. Бу мадраса сўфилар мадрасаси экан. Одил Ҳожи Пир экан.

Ҳар пайшанба кечаси шомдан кейин, муридлари келиб, биз талабалар ҳам чиқиб, зикр тушардик. Бугун кўплаб видеолар тарқалаётган, сакраб тушиб, зикр тушаётган сўфиларни кўриб кулгим келади. Мен ҳам ўшалар сафида зикр тушганман. Тўғри, мен ўртага чиқиб, сакраб тушмадим. Лекин, халқада туриб, ҳув Аллоҳ, ҳув Аллоҳ! деб бақириб турганман. Ҳожи бунга бизни мажбурларди. Буни қилмасдан илож йўқ эди. Мен унга шу зикрга бормасдан, дарсимни ўқисам бўлмайдим? Десам, менга қараб йўқ! Зикрга чиқасан! деб, ўшқирганди. Одил ҳожининг муридлари аҳмоқ одамлар бўлиб, уни ғайбни билади деб даъво қилишарди. Мен бу даврларни «Истибдод» номлик китобимда батафсил келтирганман. Хуллас, бу мадрасада кўп қизиқарли воқеалар бўлганди. Ш ерда мен Абдували қорини биринчи бора танидим. Шу ердан мен мадрасани тарк этиб, у томонга ўтиб кетдим. Ва ҳаказо.. Аммо, Обид қори акани олдига Тошкентга ҳар борганимда кириб турардим. Андижондан Тошкентга бориб, кейин, Тўртқўлга йўлга чиқардим. Қайтишда ҳам шу йўлдан келардим. Тошкентда эса, асосан Тўхтабой масжидида намоз ўқирдим. У бу танишларникида бир кун ярим кун туриб кетардим.

Аснода Қўқонга ҳам борганман. Намангандаги Гумбазда ҳам бўлганман. Бошқа қатор масжидларда бўлдим. Намозлар ўқидим. Аксарида, оминни жаҳрий айтишарди. Шу каби жаҳрий айтишлик суннат деб билардик. Имоми Бухорийнинг саҳиҳ ҳадислар тўплами ҳам чоп бўлди. Унда ҳам оминни жаҳрий айтишга доир кўплаб ҳадислар бор эди. Айти шу масалада Диний Бошқарма ва ҳанафиймиз деб иддао қилувчилар масжидида доим талашиб тортишишарди. Ўша замонда қайга борсанг, аҳвол шу эди. Абдували қори, Обид қори ва Муҳаммад Ражаб акалар ва Абдулаҳад қорилар ваҳҳобий деб айбланар ва уларга қарши Диний Бошқарма бошлиқ МСМЮ раҳбарлигида кўплаб қаршиликлар бўларди. У пайтларда ИАК ҳали довдираб юрган маҳали эди. У ҳали диктатор эмасди. СССР тугаб, Ўзбекистон мустақил бўлган ва ҳамма ёқ алғов далғов пайтлари эди.

1 сурат

Обид қори ва Диний Бошқарма

Обид қори Назаров билан Диний бошқарма орасида адоват 90 йилларда пайдо бўлган. Тилла Шайх масжидида имом бўлиб ишлаган Абдурашид Баҳромов деган қори ўша замонда муфтий бўлиб турган МСМЮга қарши чиққанди. Баҳром қорини ноиб бўлган Обид қори ҳам устозига қўшилиб, МСМЮга муҳолифат бўлди. Муҳолифлар бир қанча бўлгач, Диний Бошқармадан ажралиб чиқиб, алоҳида Тошкент вилояти бўйича Диний Бошқарма очамиз деб режа қилишди. Бу Вилоят Диний Бошқармаси наригига бўйсунмайдиган мустақил Бошқарма бўлиши керак эди. МСМЮга қарши имомлар бирлашиб, Тилла Шайх Масжидида мажлис ўтказдилар. Булар муфтийликка Обид қори номзодини қўйишди. Обид қори ўзи муфтий бўлишдан бош тортди. Шундай қилиб, булар ҳозирча муфтий сайлашни тўхтатиб турамиз, бошқа ташкилий ишларни янги диний бошқармани, рўйхатга олиш ишларини бажариб олиб, яна йиғиламиз деб тарқалишди.

Хуллас, бу иш охирига етмай қолди. Бу мавзуда мен «Ҳазон Бўлган Умрлар» китобимда ёзгандим. «Ҳазон Бўлган Умрлар» китобидан иқтибос: "Ўзбекистон муслмонлар идораси (Расмий диний ташкилот) Маълумки, СССР даврида 1944 йили даҳрийлар ўз сиёсий мақсадлари учун бутун Иттифоқда атиги учта расмий Исломий ташкилотни ташкил қилишган эди.

1. Сибирия ва Русиянинг Европа қисми мусулмонлари диний бошқармаси
2. Кавказorti мусулмонлари диний бошқармаси
3. Марказий Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси

1944 йил Марказий Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси ташкил этилган кундан бошлаб то 1957 йилгача Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон раислик қилган. 1957 йилдан то 1982 йилгача унинг ўғли Зиёуддинхон ибн Эшон Бобохон раис бўлган. 1982-1989 йилларда эса унинг ўғли Шамсуддинхон ибн Зиёвиддинхон раислик қилган. Бу сулоланинг учинчи вакили даври Горбачевнинг қайта қуриш ва ошкоралик пайтига тўғри келиб қолади. Айни шу 1989 йилларда бутун мамлакат бўйлаб тўстўполонлар бошланган давр эди. Диний бошқармадаги муфтий Шамсуддинхон ибн Зиёуддинхонга мухолиф бошқа имомлар ва оддий мусулмонлар гуруҳи унга қарши жиддий норозилик кўрсата бошладилар. Муфтий Шамсуддинхон ибн Зиёуддинхоннинг ресторанда қизлар билан ўтиргани суратларга туширилиб Тошкент шаҳри бўйлаб тарқатилади. Бу билан муфтийни тақводор эмаслигини исботлашга уринишлар бўлади. Намойишга чиққан оломон Муфтий Шамсуддинхон ибн Зиёуддинхоннинг истеъфосини талаб қилишади. Горбачев даврида КГБ ҳам ўз нуфузини йўқотган ва улар ҳам ўз кадрларига ёрдам кўрсатишга ожиз қолган пайтлар эди. Охири, Шамсуддинхон ибн Зиёуддинхон истеъфога чиқади.

Ошкоралик даврида унинг советларча тутган иш услуби, диний илмий савияси замон талабига жавоб беролмай қолганди. Шундан сўнг то 2003 йил вафотигача баъзи китобларни таржима қилиб юради. Диний идора ишига қайта аралашмайди. Мен бу шахсни на диний ва сиёсий жиҳатдан ўз мавқеъига эга шахс деб билмайман. Булар отаси сабабли амалга эришган кимсалар эди. Ўша тўполондан сўнг диний идорани навбатдан ташқари қурултойи чақирилиб, Ислом институти ректори бўлиб ишлаб келган Булоқбошилиқ масжид имомини ўғли Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф муфтий бўлади. Янги Муфтий давр талабига анчагина мувофиқроқ эди. У тезда ижтимоий сиёсий фаолиятга киришиб кетади. Китоблар таржима қилишни бошлади. Унинг даври мусулмонлар ўртасидаги турли хил ички зиддиятлар авж олган давр бўлади. ИАК режими ҳам кейинчалик унга ва бошқа турли тоифаларга тазйиқлар бошлади. Ўша даврда расмий диний бошқарма имомлари билан ҳужраларда ўқиган ва коммунистик режимга қарши руҳдаги тарбия олган олимлар орасида ўзаро кўп ихтилофлар мавжуд эди.

Муфтий эса ўша гуруҳларни ўзаро бирлаштиришга ҳам астойдил ҳаракат қилган. 1992 йил – илк бор Ўзбекистон Диний идорасининг биносида Ўзбекистонлик уламолар муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф таклифи билан йиғиладилар. Бу йиғилишда ваҳҳобийлик ва муттаасиблик деган, ички ихтилофлар бартараф қилиш ҳақида маслаҳатлашув бўлади ва буни “сулҳ”, деб аташади. Ўша йиғилишда муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф: «Шунинг учун хайрни кўзлаб, бирлик билан ҳаракат қилишимиз ниҳоятда зарур, деган қарорга келдик. Бунинг учун сизларни тўплаганимиз ҳам шу. Мана шу йиғилишимиз сулҳ йиғилиши, иттифоқлик йиғилиши. Агар мен умид қилардимки, биродарлардан туриб, гапиришиб, мана шу гап маъқул бўлса, маъқуллаб, «ўтганига узр» дейдиган мард кишиларимиз бўлса, имом Ҳусайн олган савобларини оладиган одам бўларди шу. Чунки шу қалб кенглиги керак, — деган эди. Мажлисда қатнашган мазҳабпарастлардан Наманган қозиси Умархон домла ва Андижон қозиси Абдуллатиф қози, ва унинг ўғли Муҳаммад Содиқ қори, Абдулҳаким Восиев, ваҳҳобий деб аталадиган тоифага мансублиқда айбланган Абдували Мирзаев ва Муҳаммад Ражаб домлалар қатнашган эди. Хуллас, ўзаро келишувга бормасдан тарқалган бу уламолар ва уларнинг масжидлари қавмлари орасида кейинчалик турли хил фитналар чиқади. Ваҳҳобий ва мутаассиб деган атамалар урф бўлади. Охири бориб режим тарафидан ўшаларнинг деярли ҳаммаси қамалади. Кейинчалик, масжидлари қавми ўзаро тортишиб юрган “мутаассиб” Умархон билан “ваҳҳобий” Аҳад Барноевлар (Гумбаз Масжиди имоми Абдулаҳад қори)

Зангиота 1 сонли зонада битта отрядда ўтиришганди. Бу кунга келиб, улар ўша пайтлардаги жанжалларни мусулмонларга катта зарар берганлигини албатта тушунишганди. Умархон қози 1993 йил қамалиб, 2002 йилда чиқади. Абдулахад қори биринчи марта 1998 ёки 1999 йилда қамалади. Хуллас, муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф даври мана шундай турли хил шовқин суронларга бой бўлганди. У кўплаб янги диний газета ва журналлар чиқаради. Ҳатто СССР олий совети депутати ҳам бўлади. СССР қулагач депутатлиги бекор бўлиб, Муфтийлик мақоми ҳам Ўрта Осиё ва Қозоғистон бўйича эмас, фақат Ўзбекистонга чекланади. Қўшни Республикаларда ўз муфтийлари пайдо бўлади. Авваллари мана шу битта Тошкентда ўтирадиган муфтий Ўрта Осиё даги 5 та Республика муфтийси ҳисобланарди. Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ИАКни Саудияга умрага боришида ҳам катта рол ўйнайди. Кўплаб одамлар шунингдек, жиноятчилар ва бенамозлар ҳам ўша йиллари уни «шарофати» билан ҳажга бориб келишади. Сауд Подшоши ўша йилги Ҳажни Ўзбекистон мусулмонлари учун текин қилиб берганди.

Робитаи Исломиёя ташкилоти СССР мусулмонларига бир миллион дона қуръон ҳадя қилади. Бу ишларда муфтийни ҳиссаси катта бўлади албатта. Шунингдек, бу пайтга келиб, унга ҳам муҳолифлар пайдо бўлади. Унга асосан “Тошкент гуруҳи” имомлари ёки Тошкент шаҳри ва атрофидаги имомлар қарши чиқа бошлашади. Улар ҳам аввалги муфтийни йўқ қилишгани каби, намойишлар ўтказиб, муфтийни истеъфосини талаб қила бошлайдилар. Муфтийни вақф қилинган қуръон китобларни сотганликда айблашади. Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳам Андижондан ва водийдан ўз тарафдорларини чақиртириб, намойишчиларга қарши намойиш бошлайди. Хуллас, охири муфтийни муҳолифлари бошқача йўл тутишади. Улар Тилла Шайх масжиди имоми Абдурашид Баҳромов ҳузурига йиғилиб, ўзларига Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфга бўйсунмайдиган Тошкент шаҳри ва Вилояти учун алоҳида муфтийят очиб, янги муфтий сайлаб олишга ҳаракат қилишади. Ва ҳатто бу янги ташкилотни ўз таниш амалдорлари ёрдамида рўйхатдан ўтказишга ҳам улгуришади. Шу йиғинда Обидхон қорини ҳам Тошкент вилояти муфтийлигига номзодини кўрсатилган. Лекин, у киши рад қилган. «Гадонинг душмани гадо бўлади» дегандек, Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфга муҳолиф имомларни каттаси Тилла Шайх масжиди имоми Абдурашид Баҳромов эди.

Иккаласи ҳам Андижонлик бу икки “шайх” икковиям мазҳабпараст ва коммунистлар даврида тарбияланган “одобли” кишилар бўлишига қарамасдан ўзаро келишолмайдилар. (Шунда сиёсатчи даҳрийларни нима дейиш мумкин?) Шунингдек, Тошкентдаги амалдорлар орасида ҳали катта нуфузга эга бўлган ва Мисрда элчи вазифасида ишлаб турган, собиқ муфтий Шамсуддинхон ибн Зиёуддинхон ҳам муфтийни муҳолифларига «хайрихоҳ» эди. Хуллас, турли хил сабаблар бўлиб, бу ишга охири МХХ балким ИАК ҳам аралашади. 12 Ва иккита диний бошқарма бўлмаслиги учун, Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфни истеъфо беришини ва умуман мамлакатни тарк этишини талаб қилишади. 1993 йил мусулмонларнинг навбатдаги қурултойида у истеъфо беради ва унга муҳолиф гуруҳдан бўлган Мухторжон Абдуллоҳ Бухорий (Мухтор Абдуллаев), муфтий бўлади. Собиқ муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф эса 1993 йилда режим босими остида аввал Чимкентга ва у ердан Туркияга, кейинроқ эса Саудияга кетишга мажбур бўлади.

Унинг давридаги Диний Бошқармада ишлаган кимсалардан бир гуруҳи турли айблар қўйилиб қамалади. Уни ноиби бўлган Андижонлик Зокиржон қори анчагача яшириниб юради. Ва амалдор танишлари ёрдамида қамалмай қолади. Собиқ муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф 2000 йил эса яна ҳукумат талаби билан қайтиб келади. Ўша пайтда пайдо бўлган турли хил радикал гуруҳларга қарши, режим ундан фойдаланишни мақсад қилганди. Шунга ватанига қайтган собиқ муфтий ҳалигача Тошкентда яшайди. Аммо, Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф Диний Бошқарма ишига бошқа аралаштирилмади. Кўпсонли мухлислари билан бирга давлат талаб қилган ва албатта сиёсатга алоқаси бўлмаган китобларни ёзиб, муридлари билан бирга ўнтача сайтни юргизиш билан машғул.

Рамзан Қодировни кўмагида ўзини китобларини сотадиган 5 та дўкон очиб олган. Шулардан биттаси Россияда очилади. Хуллас, ҳам тижорат ҳам таълим кетаяпти. Мен шахсан у билан турли жойларда бир неча марта учрашганман. Мен унинг маърузасидан ҳеч қачон таъсирланган эмасдим. Мени ҳаётимни турли даврларида турли имомлар маърузалари таъсирлантирган. Ҳатто Фозил қорини афсоналари ҳам йиғлатган пайтлар бўлганди. Муфтий ҳазратни бирорта китоби ёки хутбаси менга маъқул бўлган эмас. Аввалига унга холис бўлганман. Кейинчалик эса унга муҳолиф гуруҳга айланганман. Ва то шу кунгача ўзимни унинг муҳолифларидан ҳисоблайман. Кейинги муфтий Мухторжон Абдуллаев асли Қўқон шаҳрида туғилган. Лекин, ўзига Мухторжон Абдуллоҳ Бухорий тахаллусини олган. Мухторжон Абдуллаев 1997 йилгача 4 йил шу вазифада ишлади. Мен у билан 1995 йил ёзида учрашганман. Кабинетида қабул қилиб яхши муомала қилиб, Мадинадаги Сайид Маҳмуд Тарозий Олтинхонтўра эски турк тилига таржима қилиб босмадан чиқариб, Ўзбекистонга вақф қилган икки жилдлик «Риёзус Солиҳин» китобидан битта берган ва аввал ўқитиб, ўқишни биламанми йўқми синаб ҳам кўрган эди.

Хуллас, у киши оддий ва самимий ва анча бўш одамга ўхшаб кўринган менга. Валлоху аълам. Мухторжон Абдуллоҳ Бухорий даврида диний бошқармани аввалги масъуллари ишдан олинадди. Муҳаммад Латиф Жуман ва Шариф Жуманлар қамалиб ҳам чиқишади. Диний Бошқарма чиқарадиган газета ва журналлар аввалги муфтият даврини фаолиятини танқид қилган мақолаларга тўлиб кетади. Мухторжон Абдуллаев даврида мамлакат ижтимоий сиёсий ҳаётида ҳам ва диний бошқарма фаолиятида ҳам жиддий сезиларли ўзгаришлар бўлмади. Мухторжон Абдуллаев анча қари киши эди. У ўша давр талабига ҳам жавоб бера олмасди. 1997 йил истеъфога кетади. Ва 2002 йили оламдан ўтади. Ундан кейин эса нисбатан анча ёш 1953 йили Андижон шаҳрида таваллуд топган (Муҳаммад солиқни кўп йиллик муҳолифи бўлган) Абдурашид қори Баҳромов 1997 йилда муфтий бўлади. 1979-1997 йилларда Тошкент шаҳридаги “Тилла Шайх” жомеъ масжиди имом хатиби вазифаларида хизмат қилган бу шахс охири мансабга эришади. Обид қори Назаров Тўхтабой масжиди имоми бўлгунга қадар, мана шу масжидда Абдурашид қорини ноиби бўлганди. Абдурашид қори Баҳромов 2006 йил август ойида муфтийлик лавозимидан истеъфога чиқиб 2011 йил 26 октябр куни вафот этади. Абдурашид қори Баҳромовни Тилла шайх масжидида имомлик пайтида кўп кўрганман. Бу диний Бошқармани рўбарўсидаги машҳур масжиддир. Бу киши муфтийлик даврида Республикада шов шувли воқеълар кўп бўлди.

1999 йилги портлашлардан сўнг оммавий қама қамалар даврида у муфтий эди. Ундан ИАКни манфаатига хизмат қилиш талаб қилинадиган кўп ҳодисаларда у хизматни қойил мақом қилиб бажаради. Телевидениядан чиқиб “Ҳизбут Таҳрирчиларга, ваҳҳобийларга қиз берилмасин ва олинмасин, уларга салом берилмасин, касал бўлса ҳол сўралмасин, ўлса жанозасини ўқилмасин деб фатволар беради. Мен бунини Товоқсой турмасида ўтирганда телевизордан кўрганман. Лекин, мен шу каби фатвони Худосиз даҳрийларга, бутпараст мушриклар, Яҳуд ва Насороларга ёки, бошқа бирор тоифага нисбатан ҳам берилганини эшитмаганман. Бу фатвони динга қанчалик мувофиқлигини эса, гапирмай ўтаман. Бу изоҳга ҳожати йўқ фатводир. Чунки, диндан хабардор одамлар бу каби, фатволар асли йўқ, пуч нарса эканлигини яхши тушунадилар. Албатта, ИАК режими тазйиқи уни бундай бемаъни фатволар беришга ундаган бўлиши мумкин. Лекин, бу эртага охирада қанчалик ўринли баҳона бўлади, мен билмайман.

2006 йил 8 август куни Абдурашид қори Баҳромовдан кейин Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий лавозимига Усмонхон Алимов тайинланади. Энди Диний Бошқарма раисини аввалгидек, қурултойда сайланмас балким, шахсан ИАК тарафидан тайинлаб қўядиган бўлишганди. 1950 йилнинг Самарқанд вилояти Иштихон туманида туғилган янги муфтий 1987 йилдан эътиборан Пайариқ туманидаги “Имом Бухорий” номли жомеъ масжидда имом-хатиб вазифасида ишлаган пайтида ИАКни назарига тушиб улгурган эди.

Халқаро майдонда умуман Ислом оламида катта обрўга эга эканлигини кечроқ бўлсада англаб етгани учун, ИАК Имоми Бухорий мақбараси ва масжидини қайта таъмирлашга буюрганди. Лекин, махсус мақбара учун Франциядан олиб келтирилган ғишларни Самарқанднинг янги ҳокими Алишер Мардиев (собиқ юстиция вазири) уйига ташиб кетганлиги маълум бўғач, бу воқеъани текширишга шахсан ИАКни ўзи келганди. Ўшанда уни назарига тушган Усмонхон Алимов кейинчалик ИАК томонидан муфтийлик лавозимига тайинланади. Алишер Мардиев 1995 йилдаги мустақилликдан кейинги янги қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексини автори ҳисобланади. Ўзи ёзган Жиноят Кодекси моддаларига мувофиқ ўзи ҳам ҳибсга олинади. Ва ҳалигача озодликка чиққани маълум эмас. Усмонхон Алимов 2006 йилдан то шу кунгача 7 йилдан буён муфтийлик лавозимида ишлаб келаяпти. У муфтийлик даври давомида ўзини ИАКга садоқатли эканини имкон қадар намоён этишга ҳаракат қилаётган режимпараст муфтийдир.

Унинг Арафотда туриб, ИАК номига мактуб ўқиб тушган видеоси интернетда турибди. Очiq ойдин золимларни дуо қилаётган бу кимсани, аллақайси журнал дунёнинг 500 та нуфузли одами сафига киритган. Бу шахсни нимаси нуфузли экани, мен учун шахсан тушунарсиздир. Умуман диний бошқармада ИАК режимига хизмат қилган кўплаб шахслар ўтган ва ҳозирда ҳам бор. Абдулазиз Мансур, Абдуғани Абдуллоҳ, Абдураззоқ Юнус, Юсуфхон Шоқир, Анвар Турсун, Фозил Қори, Раҳматуллоҳ Қосимов ва бошқалар шулар жумласидандир.” Иқтибос тугади. Обид қори Назаров билан МСМЮ орасидаги ихтилоф Мулла Исоқ Бегматов деган, саройпараст мутаассиб, сўфи имом, ҳозирги кунда Тўхтабой масжиди имоми ҳисобланади. Айни шу масжидда, бир пайтлар Обид қори Назаров имом бўлганди. Мулла Исоқ Обид қори отиб кетилгандан кейинги йилларда интернетга чиқа бошлагач, Обид қори ҳақида, қуйида мазмуни матни берилган гапларни айтади. Йотубда турган бу видео «Бемазҳаблик фитнасини тарқатган Абдували, Обид қори ва бошқалар ҳақида | Исҳоқ Муҳаммад ҳафизахуллоҳ» деб номланади. Бу видео шу линкда турибди. <https://www.youtube.com/watch?v=yB7Rv7QeQs8>

Видеони бошида шундай ёзувлар бор: Юртимизда бемазҳаблик фитнасини тарқатган Абдували, Обид қори ва бошқалар ҳақида Исҳоқ Муҳаммад ҳафизахуллоҳ домла ижтимоий тармоқда илк бора ўзларининг илк саҳифаларини саҳифаларини очган вақтда - 2015 йилда ёзиб олинган суҳбат Интервью узунлиги 31 минутдан иборатдир. (Бу ерда 20 минутгача бўлган қисми келтирилди) Мулла Исоқвой бир суратни чоп қилиб интернетга кўяди. Бу суратда ислом оламидаги машҳур уламолар ва юртимиздан чиққан, Абдували қори, Обид қори, ва Абдуллоҳ Бухорийнинг сурати ҳам бор. Исоқ шулар ваҳҳобийлар ва булардан огоҳ бўлинг деб, огоҳликка чақирган. Унга қарши коммент ёзганларга нисбатан, шу интервьюда ўз муносабатини билдиради. Қуйида шу сурат турибди. Бошловчи саволига жавобан у шундай дейди: Ана шу сурат ва ердаги фикрга қарши раддия ёзганлар, уларга қарши фикр билдирганларни номларини айтиб, уларга шахсан раддия беришликни истамаймиз.

Балки, умумий ҳолатларни келтириб ўтаемиз. Биз зотан кириш сўзимизда ҳам айтиб ўтганмизки, бизнинг вазифамиз мазҳабсизликка, ёки, баъзи бир фирқалар ва гуруҳларни аниқ аъзосига айланиб бўлган инсонларни, ҳидоят йўлига қайтаришлик ниҳоятда мушкул. Бизнинг вазифамиз ана ўша бемазҳабларнинг баъзи бир жимжимадор даъватларига, амри маъруфларига алданиб қолаётган баъзи бир ўзлари билган билмаган ҳолатда, ана шу гуруҳларни аъзосига ва малайларига ва ўша фитначиларни хизматчисига айланиб қолиши арафасида турган, шундан бироз хабардор бўлган инсонларга нисбатан бизнинг бу қилаётган ишларимиз ўртак бўлсин! Намуна бўлсин! Ўша йўлдан қайтсин деган маънода, ёки умуман бу нарсаларни тушунмаётган, ислом дини ҳақида бошланғич тарбиядан бошқа ҳеч билмайдиган ва эндигина ибодатга киришаман деб турганлар, шу фитначиларнинг қурбонига айланиб қолмасин! Шуларни сақлаб қолишлик ва шуларни ҳимоя қилишлик асосий мақсадимиз. Шифокорларда қонун қоида борки, касалликни олдини олишлик, уни даволагандан кўра енгилроқ дейишади.

Ўша касалликка учраб бўлган инсонни муолажа қилиш қийин. Аммо, шу касалликни олдини олишлик, шу касалликка учрамаслик учун, касалликни юқиши йўллари бекитишлик, ўша касалликка учраганлардан бошқа инсонларни ажратиб олиб қўйишлик, касалларни эса, алоҳида карантин ҳолати қилиб, бошқа соғлом одамларга жуда кўп жойларда аралаштирмаслик билан сақланилади, ҳимоя қилинади. Дин имон масаласида ҳам, ақида масаласида ҳам, худди шундай юқумли касалликларни тарқатаётган мажозий вируслар бор. Мана шу вируслар соғлом одамларга, соф исломий фитратда турган ёки ҳали ақида, дин нима эканлигини тушунмайдиган, балки энди қизиқишлиги, рағбати уйғонаётган ёшларни йўлдан уриб қўймасликлари учун, уларни сақлаб қолиш маъносида, баъзи бир чора тадбирларни кўриш бизни вазифамиз. Бизни бурчимиз. Токи ўша касалликка булар чалиниб қолмасин. Касаликка чалиниб қолса, уни даволаш қийин. Баъзи, ўша аъзони кесиб ташлашга тўғри келади. Бу эса кундан кунга ўша касалликка чалиниб бораётганлар кўпайиб бориши билан яқунланади. Бу жамиятга ҳар тарафлама зарарни келтиради. Хоссатан диндошларимизга, юртимизга катта зарар келтиради.

Жамиятимизда парокандаликни фитначиликни, бир биримизни қонимизни ҳалол дейишликка олиб борадиган ҳолатларни келтириб қўйишлиги мумкин. Шунинг учун биз, шунақа маълумотларни тарқатаётган кишилар ҳақида, очиқ ойдин маълумотларни бериб қўйишликка мажбурмиз. Мен уларга умумий маънода айтаманки, инсон бир нарсани тўғри тушуниб етолмаса, тўғри тушуниб етганларни, ўша бўйича мутахассиси бўлганларни фикрларига қулоқ солишлари керак. Кимлардир ўша суратдаги одамларни, ҳар хил ижтимоий сайтларда бўлсин, ленталардан бўлсин, уларни маърузаларини, гўёки, даъватларини эшитиб юришган бўлса, мутахассис бўлмагани учун, уларни ширин маърузаларига гўёки, жимжимадор шiorларига ва сўзларига баландпарвоз сўзларига алданиб қолган бўлишлари мумкин?! Буни ҳақиқий мутахассисдан сўрамагунча улар билишмайди. Айрим "газли сув ичманг" деган, шифокор менга ёқмаганидек, уларнинг тинглаб турган нарсани зарарли томонини айтадиган бўлсак, уларга ёқмаслиги турган гап. Лекин, ҳақиқий мутахассислардан, ҳанафий олимлардан, аҳли сунна вал жамоа учун жонини фидо қиладиган алломаларимиздан суриштириб кўрадиган бўлсак, суратлари эълон қилинган кишилар, аҳли сунна вал жамоанинг томирига болта урадиган, динимизнинг душманларига хуфёна хизмат қиладиган инсонлар эканлигини ва кўплаб инсонларни жувонмарг бўлишига, ҳозирги кунда бўлиб турган Ироқ ва Сурия воқеъаси бўлсин, Ливия ёки Афғонистондаги воқеъа бўлсин, Мисрдаги, Судандаги ёки Ямандаги воқеъалар ҳаммасини тагида, мана шу фитначи кишилар берган фатволар бор.

Бошқаларни қонлари ҳалол деб берган фатволари бор. Шунинг учун ўша юртларда қаранг мусулмон мусулмонни ўлдириб бораяпти. Мусулмон мусулмонни молини талаб, ҳаттоки, Аёлига зўравонлик қиляпти. Қизларини аёлларини чўри қилиб, бозорга олиб бориб сотишгача олиб бораяпти. Нимага? Чунки, шуларни фатволари бор мана шунга. Булар арзимас нарса учун, кимларнидир мушрикка чиқаради. Қони ҳалол деб, фатво беради. Буларни фатволарига ишонганлар эса, уларни қонини тўкаяпти. Бизга раддия ёзганлар аввал яхшилаб мутахассислардан ўрганиб олсин! Биз уларни зарарли вирусларни юқтириб олмаслиги учун қиладиган ҳаракатимиз бу! Бу биров бизни мажбурлагани учунмас. Обрў эътибор орттириш учунмас. Кимдир ёзибди: Мисқоллаб йиғилган обрў, челақлаб тўкилади. Бу домла шу суратни эълон қилиши билан тўплаган обрўлари умуман йўқолиб кетибди» Деб ёзибди. Мен бундан умуман хафамасман. Биз бу мақолани обрў йиғиш учун тарқатаётганимиз йўқ! Бизнинг мақсадимиз олий мақсадлар. Аллоҳнинг розилигини топишлик. Мусулмонлар бирлигини сақлаб қолишлик. Бизнинг юртимизга ҳанафий бўйича амал қиладиганларни, бир устоз, бир мазҳаб, бир ақида уламиси, Мотуридий, Ҳанафий ва тариқатда Нақшбандий раҳматуллоҳ алайҳининг кўрсатмаларига, қолдирган илму меросларига амал қилароқ, битта яқдил бўлиб яшашга ташвиқот қилиш ва тарғибот қилишдир. Бизга унақанги сохта обрў эътибор керакмас.

Яна шуни айтамызки, кимдир чиройли шиорларга учиб, бизга мухлис бўлиб турган бўлсалар, бизни кимлигимизни билиб қўйсин! Биз Ҳанафий мазҳабида қаттиқ турадиган, Мотуридий эътиқоди бўйича амал қиладигон, Нақшбандий тариқатидаги одаммиз. Буни билиб билмай юрган одамлар бўлса, бемалол бизни гуруҳдан чиқиб кетиши мумкин. Бизга савол ёзмасинлар, бизни улар билан тортишишлик ниятимиз ва мақсадимиз йўқ. Биз шахсларга жавоб бермаймиз ва умумий жавоб берамиз деб айтиб ўтгандик. Бу ерда келтирибдики: Тўхтабой масжиди собиқ имоми Обид қори тўғрисида тўхматлар тарқатилибди. Биз у киши ҳақида ёмон сўз эшитмаганмиз. дейишибди. Бу сўзни ёзганлар, агар холис ёзган бўлсалар, булар уларни оддий халқ ичида тарқаган маърузаларини эшитишган халос. Улар тўғрисида аниқ маълумотларни билишмайди. Лекин, Биз аҳли илмлар, ўзимизга ўхшаган аҳли илмларни, қайси бирлари ҳақиқатда қандай инсон эканликларини оддий инсонларга қараганда кўпроқ даражада биламиз! Шунинг учун ҳам бу тўғрисида икки оғиз маълумот бериб ўтмоқчиман.

1989 йилда шайх ҳазратлари, яъни, устозимиз МСМЮ ҳазратлари муфтий бўлиб сайланганларидан кейин, бу зотни қўллаб қувватлайдиган юртимизнинг мўмин мусулмонлари ниҳоятда хурсанд бўлишди. Лекин, шולי курмаксиз бўлмайди деганларидек, баъзи бир аҳли илмлар, шайх ҳазратларига нисбатан адоват, уларга қарши туришлик ва раддия беришликлар секин секин жорий бўлишни бошлади. Бу жанжаллар кучайиб бориб, ҳар тўрт йилда уюштирилиши керак бўлган (Муфтий сайлаш қурултойи) қурултой 1991 йилда уюштирилди. Фитначилар фитнасини ривожланиргани учун, келинлар ҳақиқий сайлов қилиб, сайлов орқалик муфтий ҳазратни ҳақиқий сайловда сайлалик деган фикр ўртага ташланди. Ва навбатдан ташқари қурултой уюштирилди. Шу қурултойда шахсан менинг ўзим қатнашганман. Шу шайх ҳазратларига қарши бўлганлардан биринчи ўринга айнан шу, Обид қори турган! Бу ерда ёзишибди яна, устозига қарши турса. Ундоғ бўлади, бундоғ бўлади. Бундай катта алломаларга тил теккизиб бўлмайди. деб ёзишибди.

Ўша ёзганлар билинларки, сизларни ёзганларинг айнан сизлар яхши кўрадиган Обид қорига тегишли. Чунки, Обид қорига шайх ҳазратлари мадрасада дарс берганлар. Уларга устозлик қилганлар. Бир инсон ўзининг устозига нисбатан, устози муфтий бўлганларидан кейин, унга итоат этмасдан, Унга нисбатан ғийбат, бўҳтон, тўхматларни тарқатиб, уларни қоралаб. Уларни туркларни жосуси, уларни муфтий бўлишликка лойиқ эмас, бу одам йўқотилиши керак, бу одам бўшатилиши керак, нима учун Биз диний Идорага итоат этишимиз керак?! Биз ўзимиз алоҳи бўламиз деб ташвиқот қилган Обид қори бўлади. Азизлар билмасанлар билиб қўйинлар! Лекин, ўша қурултойда қани ўша домлалар? Шайх ҳазратларига қарши турганлар қани деганда, бирортаси ҳам қурултойда қатнашмаган. Мен ўз кўзим билан кўрганман ва қулоғим билан эшитганман. Шайх ҳазратлари муфтий бўлганлари фитна фасод уйғотган бир қанча домлалар бўлган. Шулардан энг катталаридан бири Обид қори бўлса, водийда албатта Абдували қори бўлган. Яна бошқалари ҳам бўлишган.

Яна шуни аниқ билдимки, бизнинг шариатимиздадиний таълимни берган устозга қарши ҳеч қачон чиқиб бўлмайди. Устозига қарши чиққан инсонни жувонмарг бўлишлигини, балоларга гирифтор бўлишлигини аниқ ўзим кўрганман. Мана ҳозир ўзинглар ҳам кўриб турибсизлар. Шайх ҳазратларидек буюк бир устозга, буюк бир муаллимга, буюк бир мураббийга, Пири комил бўлган бир инсонга, ўз шогирди, мадрасасида, қўлларида ўқиб туриб, муфтий бўлганларидан кейин, минбарда туриб, уларга қарши гапирган, ана шу сизлар айтаётган Обид қорилар ҳозир нима бўлиб ётганлигини, ўзинглар кўриб турибсизлар, билиб турибсизлар! Мана устозга қарши чиқиб, мусулмонларни битта диний идора атрофида, битта муфтий ҳазратнинг ҳукмлари остида, шуларнинг таълимотлари остида жамлаштиришликка имконият бўлиб турганда, шу Обид қорига ўхшаган тўртта бешта фитначи домлалар, фитнани кўзидилар. Юртимиз мусулмонларини парча парча бўлиб ташлашликка, улар сабабчи бўлиб қолдилар. Ва шунинг натижасида, шайх ҳазратлари мажбур бўлдилар, хижрат қилиб, бошқа жойга чиқиб кетишларига.

Лекин, Обид қорилар, ҳалиям шу масжидларида имом бўлиб туришган эди. Ҳалиям мана бу бемазҳаблар мақтаётган Абдували қорилар, ўша масжидларда фаолият қилиб туришган эди. Нима учун улар ўша пайтда чиқиб кетмади? Чунки, улар мақсадига эришган эди. Улар қарши турган муфтий ҳазратлари бу ердан чиқиб кетдилар. Аҳли сунна вал жамоа, мазҳабда юрадиган мўмин мусулмонлар заифлашди. Уларнинг раҳбари бўлмиш муфтий ҳазратлари кетиб қолдилар. Буларнинг тегирмонига сув қуйилди. Булар хурсанд бўлиб, фаолиятини юритишни бошлади. Булар тўғрисида гап сўз кўп ниҳоятда. Шайх ҳазратлари билан шахсан ўзим суҳбатлашганман. Ўзлари менга айтиб берганларки, ҳижратда юрганимда Обид қори тўғрисида, мендан сўралганда, мен фикримни билдириб, у фитначи деганман, дедилар. Ҳижратдан қайтиб келганимдан кейин, Обид қорининг гуашталаридан тўртта бештаси менинг олдимга бордида, шунақа, Хорижда юрганингизда, Обид қори тўғрисида фитначи деган гапни гапирдингиз. Шу гапингизга жавоб берасиз. Нима учун фитначи деб айтдингиз? деб сўраб туриб қолди дедилар. Шунда мен улардан сўрадим, қани ўзларинг айтингларчи, фитначи деб кимни айтади? десам, Уларни ўзлари айтиб берди. Фитначи деб, одамлар ўртасига низо соладиган, одамлар ўртасида ҳар хил тарқамаган фикрларни тарқатадиган, уларни бир биридан ажратиш ташлайдиган, бир бирига хусумат қилиб, парча парча бўлиб кетишига сабаб бўладиган инсонни, фитначи деб айтади дедилар. Мен уларга айтдим Хўп, сизларнинг устозларинг Обид қори, қандоғ инсон бўлмасам? У айнан шу ишларни қилдику?! Юртимиз мўмин мусулмонларини парча парча бўлиб кетишлигига ким сабабчи бўлди?!

Ўша сиз айтаётган одам, сизларнинг устозларинг сабабчи бўлди! Мен уни фитначи деганимда, тўғри айтганман. Ва бу сўзимга қиёматда ҳам жавоб бераман. Тур бу ердан чиқиб кет! Ҳамманг, деб, уларни ҳузуримдан ҳайдаб юбордим, деганлар шайх ҳазратлари. Ва булар мақтаётган Абдували қори, шайх ҳазратлари муфтий бўлиб турганда, буларга қарши бемазҳабларни, водийни кўзгаган шу инсон эмасми?! Буни биз ўша устозларимиздан эшитганимиздан биламиз. Мен хулоса қилиб айтадиган бўлсам, Аллоҳу таоло, Аллоҳга итоат этинглар. Расулга итоат этинглар. Ва ўзларингдан бўлган иш эгаларига раҳбарларга итоат этинглар, деган. Лекин, номлари зикр қилинган суратдаги инсонлар, ўша пайтда иш амиримиз бўлган, раҳбаримиз бўлган, муфтий ҳазратга итоат этмадилар. У кишининг шогирдлари бўлиб турароқ, уларга қарши курашдилар. Мўмин мусулмонларни уларга қарши кўзгадилар. Мана шу фитналарни уюштирдилар. Мақсадларига гўёки, эришдилар ҳам. Энди биз нима учун, юртимизга шунча зарар келтирган, мусулмонлар орасига тафриқа солган. Мусулмонлар парча парча бўлиб, мусулмонлар ўз устозимиздан, мураббийимиздан, муфтийимиздан айрилишга сабабчи бўлган бир инсонни кирдигорларини нима учун, биз халқимизга тушунтириб қўймаслигимиз керак?! Мақсадимиз кавлашлик эмас. Ҳалиги гап. Вирус токи, бошқаларга юқмасин! Шу вирусни юқтириб олмаган мўмин мусулмонлар эҳтиёт бўлсинлар! Ўзларини сақласинлар ва иложи боринча булардан йироқда юрсинлар!

Яна бир гап. Ҳозир ижтимоий тармоқлар кўпайиб кетган. Ўша суратда бўлганларни маърузаларини тарқатишяпти. Ўша мўмин мусулмонлар билиб билмайми, ўша вирусни суҳбатини эшитишяпти. Улар эса, ниҳоятда чиройли, гўёки тавҳидга чақиради. Гўёки, бирликка чақиради. Аммо, ўзлари қилар ишни қилиб бўлишган. Ўзларининг йўлига чақиришяпти булар.

(Интервюнинг мавзуга мос жиҳати, бошидан 20 минутлик қисми оққа кўчирилди)

Демак, бу маълумотлардан биламизки, Обид қори вақтида МСМЮга қарши бўлган. Аини замонда, унга МСМЮдан кейинги муфтийлик қилган, асл номи Мухтор Абдуллаев бўлган ва ўзини Абдуллоҳ Бухорий деб, номлаган кимса томонидан ҳам кўп қаршилиқлар бўлган. Муфтийнинг масжидлар бўйича ноиб бўлмиш доктор Юсуфхон Шокир деган, кимса бор эди. Бу кимса ҳақида Обид қори менга, бу одам эмас, Бу ИТ бу! деганди. Обид қорига у кимса томонидан кўп тазйиқлар қилинган пайтлар эди. Айнан шунинг даврида Обид қорига тазйиқлар бўлган. Шунинг даврида, у масжид имомлигидан озод қилинганди.

Имомликдан бўшатиш учун ёзилган қарорда, уни Диний Идорани низомига хилоф иш қилганлиги учун вазифасидан озод қилинди дейилган. Тақдирни қарангки, худди шундай қарор Юсуфхон Шокир имзоси билан менга ҳам келганди. Мен ҳам имомликдан шу каби қарор асосида бўшатиш биланман. Кейинроқ қамалганман. Обид қорини МСМЮга ва ундан кейинги Мухтор Абдуллаев деган муфтийга қарши бўлганлигини биламиз. Буни инкор қилиш имконсиз. Шунингдек, Абдували қорини ҳам уларга қарши бўлганлигини биламиз. Бу қаршилиқ бизнинг наздимизда тўғри эди, ва улар тўғри қилган деб биламиз. Лекин, бу ерда тушунмовчилик бўлаётган нарса, нега энди Обид қори Швеция келиб, МСМЮни устозим деб сайтига ёзиб қўйди?! 2015 йил МСМЮ ўлганда унинг сайтида, таъзия эълон қилинди?! Бу фактлар мени, Обид қори ўзи тутган аввалги позициясидан чекинган одам деган, фикрга олиб келди. Бунинг сабабларига алоҳида тўхталаман.

https://www.bbc.com/uzbek/news/story/2007/07/070702_talkingpoint_obidkhon

2007 йилда ББС ўзбек хизматида берган интервьюсида, Обид қорига шу мавзуда берилган саволга шундай жавоб қилган.

Toxir, Angliya Assalomu alaykum Obidxon qori aka. 90-yillar boshlarida Siz va shayx Muhammad Yusuf Muhammad Sodik oralarida ziddiyatlar bo'lgan degan gaplar yurardi. Shunga aniqlik kirita olasizmi? Avvaldan tashakkur.

Обидхон қори: Мен 1990 йилдан 1995 йил охиригача масжидда имом-хатиб бўлиб фаолият кўрсатдим. (Унгача 1985-90 йиллар орасида Ҳазрати имомда ноиб бўлиб ишлаганман). Ўзим мустақил фаолият юритган 5-6 йиллик муддат давомида ҳукумат органлари диний идорани менга қарши гиж-гижлаб келишди. Бунинг асосий сабаби менинг ҳукумат томонидан динга бўлаётган ноҳолис муносабатларга нисбатан, танқидий қарашларим эди. Чунки ҳукумат ҳеч қачон мусулмонларга нисбатан қонуний ва ҳалол муносабатда бўлган эмас. Давлат Исломига ҳамиша тор сиёсий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда ва коммунистик мафкура таъсири остида, муомала қилиб келган. Аслида мен ва диний идора ўртасида ёки, муфтийлар ўртасида бирор низо бўлмаган, алҳамдулиллоҳ. Нима бўлган бўлса, давлат ташкилотлари (ИИБ, МХХ, президент аппарати) томонидан уюштирилган. Аммо бунақа пайтда бошқарувчилар ҳамиша, парда орқасида бўладилар, омманинг кўзига кўринишни истамайдилар. Улар ўз сиёсатларини маъқулламаган одамдан ўз қўллари билан эмас, балки “бегона” қўллар билан, масалан, ўша одамнинг ҳамкасблари воситасида, қасос олишга уринадилар.

Бу саволга берилган жавобдан кўрамизки, Обид қори, МСМЮ ва Диний Идора билан бўлган ихтилофини яширишга уринган. Айбни ҳукуматга тўнкаган. Ҳукуматни ҳам, айби оз эмас, албатта. Аммо, Обид қори билан улар орасида ҳукуматдан ташқари ҳам, ўз ички ихтилофлари бор эди. Бу жавобда шулар айтилмаган. 1995 йил август ойида, Абдували қори ва унинг шериги Рамазон Маткаримов, ИАК режими тарафидан ўғирлаб йўқ қилинди. Бу аср жинояти эди. Бу воқеа ҳаммани ларзага солди. Обид қори шу киши йўқ қилинган пайтда, жума маърузасида, бу жиноятга қарши ўз норозилигини маълум қилиб, маъруза қилди. Бу машҳур маърузаси, унга қимматга тушди. Бу маърузаси уни ҳақда собит турган имомни йўқ қилган золимларга қарши, тилда бўлса ҳам норозилигини айта олиши бўлди. Обид қорининг шу иши, умри давомида қилган аввалги ва охириги ишлари ичида, энг афзали ва иншааллоҳ қиёматда катта ажрларга эга бўлишига сабаб бўладиган амали деб, биламан. Инсон умрида бир бора дуч келадиган оғир имтиҳон, у учун аслида, шу бўлган эди. У бу имтиҳондан иншаллоҳ саломат ўтганди. Оқибати унга оғир бўлди. Лекин. У ўз вақтида золимга, сен золимсан деб, айта олган, кам сонли имомлардан бири бўлиб, тарихда қолди. Бу китобда Абдували қори ҳақида алоҳида бўлим йўқ. У киши ўзи ҳақ деб, билган манҳажда мустаҳкам турди ва шу йўлда жонини фидо қилди. У кишига нисбатан менда ҳеч қандай эътироз йўқ. Бўлиши мумкин ҳам эмас.

Аксинча, Ундан фахрланиш ва ундан ибрат олиш ва унга нисбатан, чексиз ҳурмат бор халос. У киши ҳақида юқорида ҳам, қисқароқ баён қилгандим. У киши номи бу китобни охиригача, қайта қайта такрорланаверади. Обид қори ўша замонларда шахсий суҳбатлардан бирида менга, Абдували қорини устозим деб, биламан. У киши қилган ишларни, биз қилолмаймиз. Бизда у кишичалик журъат ва илм йўқ деганди. Обид қори ўша пайтда, ўз устози бўлмиш МСМЮга эмас, унинг манҳаждаги рақиби бўлмиш, Абдували қорига эргашган шахс эди. У ўша пайтда деярли барча ихтилофли масалаларда, Абдували қори томонида турди. Ҳукуматга муносабатда, сарой мулласарига муносабатда, диний ибодатлар ва суннатга амал қилишда, у Абдували қорига эргашган имом эди. Буни ҳеч ким инкор қилолмайди. Бугун бу ҳақида гапиришни ишташмаётган бўлсада, бу рад қилиш имконсиз бўлган ҳақиқатдир! Абдували қорининг яқин сафдошларидан бўлган ва унга эргашган ва у йўқ қилинганда, унинг ҳимояси учун гапирган шахс, Обид қорининг кейинги давридаги тутган позициясидаги ўзгаришлар нималардан иборат бўлди?! Булар тафсилоти ҳам жойида баён қилинади. Ҳозирча унинг ватандаги тутган манҳажи ҳақида кенгроқ тасаввурга эга бўлаёلمиз.

Демак, мен куйидаги мезон асосида, холис имомлар ва сарой аҳлининг ва хориждагиларнинг фаолиятига ва бу китобдаги ҳар бир шахснинг фаолиятига баҳо беришликни юқорида айтиб ўтган эдим. Мана ўша МЕЗОН. Биз таҳлил қилмоқчи бўлган ихтилофлар 3 қисмга бўлинади:

1. Давлат раҳбарига муносабатда
2. Мазҳабга муносабатда,
3. Сарой мулласарига муносабатда,

Энди Обид қорининг ватандаги даврини шу МЕЗОНга солиб, уни сарой муллеси бўлган МСМЮ билан солиштириб кўрамиз.

1. Давлат раҳбарига муносабатда:

ИАК га нисбатан муносабатда сарой муллалари ва холис имомлар фарқи?! Демак, ўша пайтдаги давлат Раҳбари даҳрий ИАКга муносабатда сарой муллалари ва Мирзиёга муносабатда сарой муллалари ва холис имомлар ва мунофиқлар гуруҳи позицияси? Обид қори ўша пайтдаги давлат раҳбари ИАКга маддоҳлик қилмади. Уни муҳтарам президент демади. Унинг ҳаққига дуолар қилмади. (Шунингдек, ўша пайтда имом бўлган ва холис имомлар деб танилган Абдували қори, Муҳаммад Ражаб, Абдулаҳад қори ва бошқалар ҳам) МСМЮ эса, (ҳижратдан қайтиб келгач) ИАКга маддоҳлик қилди. Уни муҳтарам президент деди. Унинг ҳаққига дуолар ва режимига хизматлар қилди. Унинг зулмига шерик бўлди. (Ҳижратгача даврида у СССР депутати эди. Советлар хизматида эди)

2. Мазҳабга муносабатда:

Обид қори ўша пайтда масжидида тавҳидга чақирувчи, ҳукуматни танқид қилувчи, ўткир ижтимоий ва сиёсий ва диний мавзуда дарслар қилган ва рафъул ядайн қилиб, намоз ўқиган ва оминни жаҳрий айтган. (Шунингдек, ўша пайтда имом бўлган ва холис имомлар деб танилган Абдували қори, Муҳаммад Ражаб, Абдулаҳад қори ва бошқалар ҳам) МСМЮ доим мазҳабга чақирган ва мазҳабга кирмаганларни бемазҳаблар деб, бадном қилган. Оминни жаҳрий айтувчиларни ваҳҳобийлар деб, гап тарқатган. Тасаввуфга чақирган. Бидъату хурофотларни мазҳаб номидан қилишга рухсат берган.

3. Сарой муллаларига муносабатда:

Обид қори Диний Бошқармага аксар ҳолларда итоат қилмаган. Улар айтган нарсаларни бажармаган. Улар тайёрлаб берган фатволарни минбардан ўқиб бермаган. Улар талаб қилсада, масжидда оминни махфий айтишни йўлга қўймаган. Уларга дўстлик изҳор қилмаган. (Шунингдек, ўша пайтда имом бўлган ва холис имомлар деб, танилган Абдували қори, Муҳаммад Ражаб, Абдулаҳад қори ва бошқалар ҳам) МСМЮ эса, ўзи сарой муллеси, муфтий бўлганди. Бадарға қилиниб, қайтиб келгач, ўлгунча диктатор режимига хизмат қилди. У сарой муллаларининг устози ва ҳомийси эди. У аҳли бидъатнинг, сўфиларнинг раҳнамоси эди. У Нақшбандия тариқатидаги пир эди. Демак, кўраяпмизки, Обид қори ўша пайтларда юқоридаги критериялар бўйича, Сарой муллаларига хусусан МСМЮга нисбатан, мутлақо қарама қарши позицияда турган. Таҳлиллар буни тасдиқлайди. Бугунга келиб катта ўзгаришларни кузатяпмиз. Булар ҳам ўз жойида, яна шу МЕЗОН асосида таҳлил қилиб, очиқлаб берилади. Ўша пайтда улар орасида дўстликдан асар бўлмаган. Бугунга келиб, вазият ўзгарди. Мазҳаб масаласида ҳам ва раҳбарга муносабатда ҳам ва бир бирларига муносабатда ҳам, Мезонлар ўзгарди. Лекин, Мулла Исоқ кабилар борки, ҳали ҳануз ўша пайтдаги позициясида қолган. Баррикадани бу томонида ҳам ўз позициясини ўзгартирмаганлар кўп. Жумладан камина ҳам, шулар жумласидандир.

Абдували қори ўғирлаб йўқ қилинганида, Обид қори билдирган муносабати

1995 йилда 29 августда Тошкент аэропортидан ўғирлаб йўқ қилинди. Шу пайтда Обид қори у кишига нисбатан ўзининг мусулмонлик мавқеъсини кўрсатди. Қуйида матни берилётган машҳур маърузаси сентябр ойида бўлганди.

(Маъруза эмоцияга бой бўлган ва илмий фикр ҳақиқий жиҳатидан кўра, адолатсизликка нафрати очиқ ошқора кўриниб туради. Сўзлар талаффузини сақлаган ҳолда, оққа кўчирилди)

Қуйида шу жума маърузасининг аудиосидан, мавзуга доир қисми 23 минутдан бошлаб то охиригача оққа кўчирилди:

(Хутба)

Мусулмонларни ҳурмат қилиш фарз! Мусулмонларни ичидаги олимларни ҳурмат қилиш яна ҳам фарз бўлади. Чунки, ал уламоу варасатул анбиёу деб, пайғамбар саллоллоҳу алайҳи саваллам «олимлар пайғамбарларнинг ўринбосарлари дедилар. Бир жойга борсангиз бошлиқ кетиб қолибди. Ўринида ўринбосари ўтирган экан. Ишингизни ўшайм битириб беради. Бошлиққа қиладиган муомилангизни, Чиройли сўзингизни, илтимосингизни энди, кимга қиласиз? Ўша ўринбосарга қиласизда! Бошлиқ бўлганда, ўринбосарга битта салом билан кифоя қилиб кетардингиз. Энди бошлиқ бўлмагандан кейин, барча муомилангизни, ширин сўзингизни, ўша ўринбосарга қилишингиз ШААРТ!

Шунга ўхшаб, ҳозир ичимизда Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам бўлганларида нима қилардик? Албатта, биз у кишининг зиёратларида бўлардик. Ҳурмат қилардик. Қанийди энди?! Локин биз Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни кўрмоқчи бўлсак, у кишининг насиҳатларини эшитмоқчи бўлса, у кишининг йўлларида юрмоқчи бўлсак. қатга борамиз?! Кимга қараймиз? Кимнинг сўзига қулоқ солишимиз керак? Менинг ўринбосарларим дегандек, меросхўрларим дегандек, уламоларни айтдилар. Олимлар пайғамбарларнинг меросхўрлари! Пайғамбарни яхши кўрган одам дин уламоларини яхши кўриши ФАААРЗ!

Уларни ҳурмат қилиши фарз! Ким олимни ва уламони ёмон кўрса. Билиб қўйин! Нима учун ёмон кўраяпди? Пулини олиб қўйдими? Нонини еб қўйдими? Уйини ё машинасини тортиб олди? Нима? Ҳеч нарса қилмади.

Дин олими, қуръон олими, суннат олими бўлгани учун ёмон кўрди, бу кофир! Кимки, агар дин олимни, ҳеч нарсдан ҳеч нарса йўқ, табиатан ёқтирмаса, у КОФИР!

Агар мусулмонман деб юрган бўлса, у мунофиқ! Олимларни яхши кўриш бу имон аломати. Чунки, пайғамбаримизнинг сўзларини шулар бизга етказяпти. Қуръонни бизга ўргатяпти. Аллоҳга бўлган ҳурмат, шу билан ифода этилади. Шунинг учун ҳам Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васаллам айтадиларки: Лайса мин уммати ман лам южилла кабирано, ва ярхам сағирано ва яъриф ли олимино»

Кимки, бизнинг катталаримизни ҳурмат қилмаса, гўдақларимизга шафқат қилмаса, олимларимизнинг қадрини билмаса, у менинг умматимдан эмас! деганлар, Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васаллам. Каттани ҳурмат қилиш керак! Кичикларга шафқатли бўлиш керак! Дин олимига ҳурмат қилиш ШАААРТ!»! Бу ФАААРЗ!

Бу бизга таълим бу! Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам насиҳатлари бу! Буни мен етказиб қўйишим шарт. Буни сизларга айтмасам, менга гуноҳ бўлади. Аллоҳ асрасин! Шунинг учун, дин олими борми? Ислом билимларини кўтариб юрган киши борми? Ҳурмат қилиш ФАААРЗ!

У агар холис бўлса, бу ишдан дунё, обрў, манфаат, ҳокимият даъво қилаётган бўлмаса, у холис Аллоҳнинг розилиги, Аллоҳнинг буйруғини қилаяпман. Аллоҳ айтган ишни олиб бораяпман деса, шу одамни ҳурмат қилишлик бу фарзга айланади. Кимки, шундай одамни ҳурмат қилмаса, Аллоҳни беҳурмат қилган бўлади. Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васалламни беҳурмат қилган бўлади. Пайғамбарни беҳурмат қилганлар албатта жазосини олади. Улар дуои бадга қоладилар. Улар бадбахт кимсалар. Пайғамбарни ҳурмат қилмайдиган бадбахт кимсаларга айланадилар. Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васалламнинг меросхўрлари бўлган дин уламоларини ҳурмат қилмаганлар булар ҳам бадбахтлар! Булар ҳам кофирлар бўлиб қоладилар! Аллоҳдан паноҳ сўраймиз.

Илоҳим сиз билан биздан шунақа одамлар чиқмасин! Дин олимларини оёқ ости қиладиган, уларни беҳурмат қиладиган, уларни нашаванд палон пистон дейдиган одамларни Худойим бизнинг зурёдимиздан бизнинг ичимиздан чиқармаслигини Аллоҳдан сўраш керак! Чунки, бу энг қабиҳ иш, энг ифлос иш! Дин олимига осилиш, қуръонга осилиш бу бадбахтлик бўлади. Худодан паноҳ сўраймизким, бу энг ёмон нарса! Ароқхўрлик, зинокорлик, қиморвозлик, у бир кун тавба қилади. Тавба қилса Аллоҳ кечиради. Аммо, дин олимига тажовуз?! Бу куфрни, ўзининг душманлигини, ёмон кўришини изҳор қилиш, у ароқхўр эмас, зинокор эмас, қиморвоз эмаслиги маълумку?! Энди, шунга душманлик қилиш, бу ўзидан ўзи, унинг имонини ёқтирмаслиги, унинг динини, исломини, қуръонини ёқтирмасликдан бошқа нарса бўлмай қолади. Аллоҳу таолодан паноҳ сўраймиз.

Пайғамбар алайҳиссалом «салосун ло ястаҳиққу биҳим, илло мунофиқ!» Зушшайбати фил ислам. Ва зулъайн ва имомун муқсит. Уч тоифа одам бор. Шу уч тоифа одамни фақат мунофиқгина беҳурмат қилади. Фақат, кофир ўзи, фақат кофирлигини айтолмайдиган номард, қўрқоқ, ўзини мусулмон деб санаб, мусулмонлар ичида, имоним бор деб, Алдамчилик қилиб, ғаламислик қилиб юрган мунофиқ, уч тоифа одамни беҳурмат қилади. Кимни?

Биринчиси: Исломда соч соқоли оқарган кексаларни, кекса одам. Ким бўлса бўлсин, ўрис бўлса ҳам, жухуд бўлса ҳам, кексами? Ҳурмати ФАААРЗ!

Кимки кексани беҳурмат қилди, у кофир, у мунофиққина шуни хоҳлаб, яхши кўриб шундай қилади.

Иккинчиси: Яна, илмли одам, Аллоҳнинг илмидан озгина кўтариб юрган одам. Қуръон билимидан, суннат. Ислом билимларидан кўтариб, омонатни елкасида кўтариб, одамларга етказйин деб юрганнинг ҳурматиям ФАААРЗ!

Кимки, ўшанинг агар, кимки ўшани беҳурмат қилса уям мунофиқ! Буни биз билмаслигимиз мумкин? Локин, шу сўзни эшитса, ўша одам ўзи билади! Аллоҳ билади ва унинг ўзи билади. Қалбига биинир назар солиб кўрсин. Қани шу дин олимига, ислом билимдонига, бир мусулмон, холис илмли кишига, қайси бир одамнинг дилида, озгина ғарази борми? Кўролмаёпсизми? Ўшани кўролмаёпсизми? Ўша билиб олсин, ўша мунофиқ! Ўшанга қараб айтвомман, эй мунофиқ,, эшитвотсанми? Агар бир мусулмон олимига, у сени пулингни олмаётган бўлса, у сени ўрнингни оламан деяётган бўлмаса, нонингни еб қўяётган бўлмаса, бола чақанга тажовуз қилмаётган бўлса, сен ўшанга бир зарар етказишни хоҳладингми?! Сан мунофиқсан! Йўқ, мунофиқмасман десанг, кел мани олдимга, айтгин, "йўқ, мунофиқмасман" деб. Ҳа унда нимага ёмонлик қиласан? деб биз айтишимизга тўғри келади, кейин. Кимки, бир мусулмон олимига, шундай ғарази борми? У мунофиқ! Буни фақат мунофиқ одам қилади. Мўмин мусулмон одам қилолмийди. Мусулмон мўмин кўрқади, бунақа ишдан. У ҳазар қилади, бу ишдан. Аллоҳга қарши уруш қилиб бўладими? Пайғамбарга қўл текказиб бўладими? У пайғамбармас. Олимлар пайғамбар эмааас! Локин, пайғамбардан қолган ёдгорлик! Улар расулмас, пайғамбармас, локин, пайғамбардан қолган ўринбосар. Ҳурмат қилиш керак! Яхши кўриш керак! Шунда мусулмон бўласиз! Шунда мусулмон бўламиз!

Учинчиси: Имомул муқсит. Одил подшоҳ, адолат билан. Каттани катта ўрнида кўриб, Кичкинани кичкина ўрнинда кўриб, Кучлини ўзига раша муомиласини қилиб, заифларни муҳтожларга, етим есирларга ёрдам қилиб, уларнинг бошини силаб, оҳу воҳига ҳеч ким етмаётганларни, қулоқ солиб, дардига малҳам бўлиб, одиллик билан ҳукм юргизган ҳукмдор! Унга беҳурматлик қилиш, у ҳам мунофиқлик! Бу адолатга қарши чиқиш бўлади. Кимки, одил ҳукмдорга қарши бўлса, у адолатни ёқтирмийман деган бўлади. Ҳақиқатни ёқтирмийман. Зулм зўравонлик бўлсин! Остин устун бўлсин! Ағдар тўнтар бўлсин! дегани, бўлади. Демак, буям мунофиқ, кофирнинг иши. Мўминлик мусулмонлик адолатни яхши кўради. Ҳақиқатни яхши кўради. Ҳақ сўзни, ҳақ ишни, одиллик билан олиб борилган ишни, мўмин мусулмон одам яхши кўради.

Яна Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: Ман умматларимдан кўрқадиган сифатларим учта нарса. Шундан умматларимга бало офат етиб қолишидан кўрқаман дедилар. Биринчиси, дунёпараст бўлиб кетишларидан. Мол параст, дунёпараст бўлиб, мол таллашиб дунё таллашиб. Шунинг оқибатида ҳалокатга дучор бўладилар. Иккинчисичи, Аллоҳнинг китобини очиб олиб, билиб билмасдан фатво бериб, ўзларидан ўзлари жаа билағонлик қиладиганлардан кўрқаман. Булар динни бузадилар. Орқаларидан эргашганларни ҳалокатга олиб борадилар. Учинчиси, илм аҳлини кўриб, дин қуръон илмидан хабари бор. Холис покиза одамни кўрсалару. Уни бепарво ташлаб қўйсалар. Уни ҳурмат қилмасалар. Уни ҳаққини риоя қилмасалар, мана бундоғ ҳолатга тушганида, бир бало келади уларга. Уларга бир фалокат урмасмикан деб, кўрқаман деб, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтган эканлар.

Олимларнинг ҳаққига дейдилар, пайғамбаримиз, осмонлару ердаги ҳамма нарса, ҳаммаси дуо қилади. Фаришталар дуо қилади. Жинлар дуо қилади. Инсофли имонли одамлар дуо қилади. Биз дуо қиламиз, олимларнинг ҳаққига, талабаларнинг ҳаққига, нафақат биз, кумирсқалар. Ҳатто қавагида ётган чумоли, кумирсқадан тортиб, денгиздаги балиққача, олимнинг ҳаққига дуо қиларкан. Нега денг? Ўша кумирсқанинг ҳаёти, ўша олимнинг ҳаётига боғлиқ экан. Олим илм аҳли, ҳеч бўлса, шунинг иши яхши кетса. Фаолияти давом этса, уув қавақда ётган чумолига, барака ёғиларкан. Чумолининг ризқи кенгаяр экан. Чумолининг ини тинч бўлар экан. Денгизда, океанларда яшаётган балиқлар ҳам, олимлар тинч бўлсин, Илоҳим олимларингни хотиржам, дин ишларини олиб боришга ёрдам бергил! Улардан фалокатни кўтаргин! Илоҳим, уларни кейинларини узмагин! Шу олимлар бор бўлсин! Шу олимлар бор бўлсин! Шу дин уламолари бор бўлсин! Деб.

Агар бизнинг ичимиздагилар билмасада, Денгиз, океандаги миллиард миллиард балиқлар биларкан. Чунки, шу балиқлар сув остида осойишта ҳаёт кечиришлари учун, олимларнинг илми шарт экан! Олимлар Аллоҳнинг сўзини гапирадилар. Пайғамбарнинг сўзини гапирадилар. Улар холис. Холис одамлар керак дунёга. Холис одамлар бўлмаса, бу дунё тўнтарилиб кетади. Йўқ бўлиб кетади. Холис одамларгина халққа фойда етказди. Халқ раҳмат демаса ҳам, пул бермаса ҳам, ош нон бермаса ҳам, чопон бермаса ҳам, орден медал бермаса ҳам, хизмат қиладиган одам, бу холис одам бўлади. Пайғамбар сўзи, Қуръон сўзи, шу сўзларни чин дилидан етказадиган олимлар, холис одамлар бўлади. Буни биз билмасак ҳам, балиқлар биларкан. Қумирсқалар биларкан. Балиқларга ва қумирсқага керак бўлган тинчлик, ризку насиба бизга керакмасми? Бизгаям керак!

Пайғамбар айтадиларки: биҳим тумтаруун. Биҳим турзақуун. Шу уламолар туфайлидан ризқланасизлар. Ёмғир шу уламолар туфайлидан ёғади. Балиққа сув керак. Сув ёмғир ёғилишига сабаб бўлган зотлар олимлар бўларкан. Биз олим эмасмиз. Мен ўзимни олим деб ҳечам ҳисоблаёлмайман. Мен талабаман. Тағин бу гапни сизлар бошқача тушунманглар! Ман илм толибиман. Олимлар бор бўлсин! Шулардан биз илм олишимиз керак! Дунёнинг қайси бурчагида яшашидан қатъий назар. Ҳамма вақт, дин олими, шу уламолар шарофати билан, дин давом этиб келган. Уларга ўз даврларида, тўрт Халифадан ташқари, Ҳамма халифалар, ислом уламоларига тазйиқлар қилишган! Имоми Абу Ҳанифа. Шофеъий, имоми Молик, Аҳмад ибн Ҳанбалларни ҳаммаларига, холис бўлишгани учун, шу зотларни уришган. зиндонга ташлашган, қийнашган. Локин, Аллоҳ уларни раҳматига олсин, жойларини жаннатдан қилсин! У зотлар фақат Аллоҳнинг сўзини, тўғри етказишди, холис. Абу Ҳанифани қози қиламан деганда, битта халифа, унамаганлар. Чунки, мен холис ишлолмай қолишим мумкин деб. У кишини Зиндонга ташлашган. Шуларнинг шарофати билан дин, ислом соф ҳолда етиб келди. Давом этади. Бундан кейин ҳам шунақа олимлар бизга керак бўлади. Холис одамлар бўлмаса, бу дунёни одамлар еб қўяди, тупроғни ҳам. Ғаразли одамлар ўзининг эгаллаб турган бир парча курсиси учун, одамларни ўлдиради. Елкасидаги погонини сақлаб туриши учун, одамларни ўлдиради. Уларни ютади. Ейди. Қонини тўкадиган одамлар бооор! Локин, Худога шукр, холис одамлар ҳам бор. Аллоҳнинг бир чегараси бор! Ҳаддан ошганда ўша чегарага келиб урилиб, орқасига қайтиб туради. Оллоҳга шукрлар бўлсин! Локин, бу ўринда Аллоҳнинг имтихони синови. Биз ҳам шу синовдан қулаб, уламоларни ёмон кўрадиган кофир, мунофиқларни томонига ўтиб қомайлуқ! Ўнг қулоқ ва чап қулоқ билан эшитиб олийлуқ! Айтинг айтинг, сиз билан бизнинг ичимиздан шунақа, олимларга азият етказадиган бадбахтлар чиқмасин! Аллоҳ кўтарсин унақаларни!

Силарга уламоларингиз туфайли ёмғир ёғдирилади. Ёмғир ёғмаса, ризқ насиба бўлмайди. Уламолар туфайли сизларга ризқ насиб кеп туради. Билиб олинглар шуни! Бугун мен сизларга айтадиган нохуш хабарни, кўпчиликларинг эшитдинглар. Манам эшитганимга бир икки hafta бўлди. Сизлар менга ўтган жумада, ундан олдинги жумада, бир қанча саволларни бергандинглар. Локин, мен аниқроқ бўлсин деб, жавоб бермай турувдим. У мудҳиш хабар шундан иборатки, ана шунақа олимларимиздан бирлари, Андижон шаҳридаги Жомеъасининг имоми хатиблари, ҳурматли Абдували қорака, фамилиялари Мирзаев экан, Маткаримов Рамазон деган, бир шоғирдлари билан бирга, ўша биз иштирок этиб қайтган, Масковдаги, Исломий Анжуманга таклиф қилинган эканлар. Шунга бориб, у киши бир маъруза ҳам ўқишлари керак экан. Кейин билсак, у киши Анжуманга боролмадилар. Орадан анча вақт ўтгач, кейин билсак, Андижондан Тошкентга 100 рейс билан, самолётда келганлар. Тошкент Аэропортидан таможня текширувчидан, регистрациядан, ҳамма ҳамасидан ўтиб ўтиб, кейин кузатиб қолишган танишлари. У киши ўша самолёт турадиган майдонга чиқиб кетишган. Локин, самолётга етиб боришмаган. У ёғини Аллоҳ билади нима бўлганини?! Ҳозир дом дараксиз. У киши йўқ. Ҳеч ким билмийди, у кишини қаердалигини?! Ҳеч ким тан олмийди. Ман кўрдим, демийди. Ҳеч ким фалон жойда деган, хабарни бермийди. Аллоҳ билади. У кишининг ўзлари биладилар. Ва бу кишига қўлини теккизган, ўша бадбахт билади халос. Ким бу ишни қилган бўлса, ўша билади. Бошқа ҳеч ким билмийди.

Аллоҳдан нажот сўраймиз. Паноҳ сўраймиз. Бу хабар бутун атрофга тарқалиб кетди. Бизнинг вазифамиз дуо. У кишининг қариндошлари, ҳозир ҳамма, ўша Андижон Жомеъ масжиди қавми, ҳаммалари жудаям безовта. Оилаларида тинчлик йўқ. Ака укалари чор атрофга югуриб, мурожаат қилиб юришибди. Ҳамма эшикларни тақиллатишяпти. СНБям қолмаяпти. МВДям қолмаяпти. Ҳамма ҳамма тегишли органларга улар мурожаат қилишган. Локин, ҳали хануз, бир тайинлик жавоб йўқ. Фақат Аллоҳдан мадад. Сизлардан ҳам илтимос қиламиз Аллоҳдан дуо қилб турунлар. Яхши дуо қилинлар! Илоҳим Парвардигоро, у кишини соғу саломат асрасин! У кишини биз холис одамлиги учун, яхши кўрамиз. Аллоҳ учун яхши кўрамиз. Холис одам. Шунинг учун Аллоҳу таолодан сўраймиз, Илоҳим Парвардигоро, у кишини, шу зотни Сенга омонат топширамиз! Ўзинг саломат сақлагин! У кишига қарши бўлган одамларни, Илоҳим, динга қарши бўлган кишилар бошига тушган, кулфатлардан солгин! Бу ташвиш қанча одамларнинг тинчини бузди. Қанча одамларнинг юрагига ғулғула, дин, имон жиҳатидан, дилда ташвиш. Локин, инсоннинг табиий жиҳатиям бору? Инсон мўмин мусулмон бўлиш билан бир қаторда, у ҳам оддий бир одам. Инсон сифатида ҳам биз ташвишдамиз. Мусулмонлик бурчимиз жиҳатидан ташқари. Бизнинг ҳам ҳаётимиз кўзимизга кўриниб қолади, шунақа пайтда. Очиқдан очиқ баъзи бир биродарлар келиб, домла энди ўзизга эҳтиёт бўлинг! Бунақа совет империяси даврида, Худо йўқ, дин бу афюн, диндор бу хурофотчилар. Унақа бунақа деб, айтган гаплар бўлди. Худони сўкканлар бўлди. Аллоҳни йўқ деганлар бўлдию, локин, ўша коммунистлардан биронтаси, бирорта олимни ўғирлаб кетмади. Аввалда бўлган бўлса, бўлгандир. Сталин даврларида. Буни биз кўрмадик. Кўрган оталаримиз бор. Локин, биз охири озгинасини кўрдик. Брежневни кўрдик. Андроповни кўрдик. Горбачевларни даврини кўрдик. Ўша маҳалда айниқса, Черненкони даврида тоза авжга чиқдилар. Динни роса оёқ ости қилдилар. Локин, уларни қаранг, шунча ишни қилдию, бирорта олимни олиб кетиб қолишни, улар хаёлига келмаганми? Умуман бунақа иш бўлмади. Аллоҳу таолодан паноҳ сўраймиз. Ёрдам берсин Аллоҳ бизга! Ёмонларни жазосини Ўзи бериб, инсоф берадиганига инсоф бериб, ёмонига Парвардигори оламнинг балоси юқсин! Мўмин мусулмонлар бу бизга, сизларга синов, имтиҳон. Аллоҳдан умид этиб, соғу саломатлик, тинчлик ва офиятни сўраб қоламиз! Субхонакаллоҳумма ва биҳамдик. Ашҳаду ан лаа илоҳа илло анта астағфирук. Ва атубу илака! Маъруза тугади.

Бу машҳур маърузаси Обид қорини кимлигини билдирувчи, жиддий тарихий ҳужжатдир. Унинг Каримов ҳукуматида муносабатини ва У режим ўғирлаб йўқ қилган, Абдували Мирзаевга нисбатан тутган позициясини кўрсатадиган, муҳим далилдир.

Ихтилофли масалаларда

Обид қори тутган мавқеъ Обид қори ўша пайтдаги давлат раҳбарига, Диний Бошқармага нисбатан қандай муносабатда бўлганини юқорида зикр қилинди. Энди улар билан ихтилофли бўлган диний масалаларда, қандай позицияда турганлигини таҳлил қиламиз. Хусусан, У Абдували қорига нисбатан ва бошқа холис имомларга нисбатан қандай муносабатда бўлганини ўрганамиз. Маълумки, Абдували қори диндаги ихтилофли бўлган масалалардан бири, Оминни жаҳрий айтиш бўйича шундай мавқеъда турганлар.

Абдували қори Мирзаев дарсидан иқтибос: «Оминни махфий айтасан» дейдиган, «бунақа дейдиган», мана шунақа таъқиқлар кўядиган пайтда нима қилайлик? деган саволлар бор. Сабр қилинлар биродарлар! Оминни жаҳрий айтинг деб, биз бировни мажбур қилиб, ё айтганимиз йўқ биродарлар. Лекин, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтган. Уришса, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам билан уришсин! Биз билан уришишмасин улар. Суннатларни ва ҳадисларни бизга ривоят қилиб берган одамлар билан уришсин! Имоми Бухорий билан уришсин! Имоми Муслимлар билан уришсин! Биз бу ҳадисларда баён қилинган нарса, илм, омонат биродарлар.

Буни баён қилмаса, Аллоҳу таоло эртага, ўтдан бўлган жуганни озғига солади. Шунинг учун уришадиган кишилар бошқа, Муҳаммад алайҳиссалом билан уришсин улар! Мана имоми Бухорий бутун ҳадисларни ривоят қилган зотлар билан уришсин! Улар бутун Ислоннинг катта пешволарига қарши бўлишган одамлардир.

Аудиофайлдан оққа кўчирилди.

Сарой муллалари МСМЮ бошчилигида, оминни жаҳрий айтувчиларни бемазҳаблар деб, бадном қилишарди. Улар Ҳанафий мазҳабига тўғри келмаган бўлсада, бошқа мазҳабларда мавжуд бўлган, бу амалларни қилувчиларни, «бемазҳаблар» дейишарди. Ваҳолонки, бошқа мазҳабларда бу амал аслида, бор нарса эди. Лекин, умуман бирорта мазҳабда бўлмаган салафийлар ҳам, ўша замонда оз сонда мавжуд бўлишига қарамасдан, улар ҳаммани бир номлаб, «бемазҳаблар» дейишарди. Ваҳолонки, Абдували қори, Обид қорилар ўзларини ҳанафий мазҳабдамиз дейишарди. Уларнинг сарой муллаларидан фарқи, улар жаҳрий омин дейувчиларни қайтаришмасди. Буни қайтаришликни, улар одамларни суннатдан қайтаришлик деб, тушунишар ва бунга журъат қилишмасди. МСМЮ бошлиқ Сарой муллалари эса, бунга тоқат қилолмасдилар. Улар ҳали ҳозиргача оминни жаҳрий айтишга қарши, тинмай курашмоқдалар. Бугун ҳам бу масалада, жанжаллар тугаган эмас. Обид қори ҳам, бу каби саволларга берган жавобида шундай деган:

Бу масаладаям инсоф билан қараган маъқул бўлади. Оминни айтиш қаердаю, айтмаслик қаерда? Умуман Омин айтишлик суннат. Айтса суннат, айтмаса гуноҳмас. Энди паст айтадимми, баланд айтадимми? Буниси ихтилоф. Бу эски масала. Қадимий масала. Янги гапмас бу. Локин, ўша қадим замондаям ҳанафийлар, Моликийлар ичида айтсин деган. Шофиийлар, Ҳанбалийлар қаттиқ айтсин, деган. Улар ҳам ҳужжатларини олиб келишган ҳадисдан, булар ҳам олиб келишган. Локин, бир бирларини масхара қилишмаган. Бир бирларини сўкишмаган. Бир бирларини ҳақорат қилишмаган. Чунки, бу ерда бир бирларини ҳақорат қилиш, динни ҳақорат қилиш бўлади. Чунки, оминни баланд айтаман деган одам, ҳужжатни христианликдан олиб келмадида. Қаттан опкелди? Ҳадисдан опкелди. Пайғамбардан опкелди. У черковда эшитиб қолдим. Оминни баланд айтаяпди. Шу ёқиб қолди менга демаяптиде?! Агар ўшанақа бўлганда, уни танқид қилинса, уни масхара қилинса, бошқа динни масхара қилган бўларди. Умуман бошқа динни ҳам, масхара қилишга ислом буюрмайди. Кофир динни ҳам, ҳақорат қилиш мумкин эмас. Бунисидачи, исломни ҳақорат қилган бўлади, мусулмонни ҳақорат қилган бўлади, Пайғамбарни ҳақорат қилган бўлиб қолади. (Обид қори сўзи аудиофайлдан оққа кўчирилди.)

Демак, 90 йилларда, холис имомлар деб таниганимиз, Абдували қори ва Обид қорилар бу ихтилофли масалаларда тутган позициялари, бир хил бўлган. Булар сарой муллаларидан бу масалада кескин ажралиб туришган. Нисбатан, сарой муллалари каби, бошқа динларгагина эмас, ўз динимиз ичидаги бошқа мазҳабларга ҳам, толерантроқ бўлишга чақирганлар. Сарой муллалари эса, бошқа динларни ҳурмат қилишга қаттиқ тарғиб қилишади. Бугун ҳам ўша замонда ҳам, шундай қилишган. Лекин, бошқа мазҳабга улар, ўта тоқатсиз бўлиб, мутлақо, заррача йўл беришмаган. Ким ҳанафийликка зид бўлиб кўринган амални қилса, албатта, бадном қилинган. Қамалган. Унга қарши нафақат Диний Бошқарма, балким, ҳукумат жазо органлари ҳам ишга тушиб, тезда гумдон қилишган. Бугун ҳам худди шундай бўлиб турибди.

Биз ёшлигимизда диндан беҳабар эдик. Замона алғов далғов ва нисбатан эркинроқ эди. Холисроқ имомлар Абдували қори ва Обид қори ва бошқалар маърузалари асосида, эътиқодимиз шаклланди. Булар маърузаларида даҳрийлик даврини танқид қилишарди. Уларнинг мусулмонларга қилган зулму зўравонлигини гапиришарди. Уларга ўхшаган холис имомлар кам эди. Саройпарастлар кўп эди. Сарой муллалари на ўтмишни ва на ҳозирни, танқид қилишмасди. Саройпарастларда хурофотлар ва тоғутларга пахта кўйиш, доимий одат бўлса, холисларда китобу суннатни гапириш доимий одат эди.

Бу иккала гуруҳ орасида, кўп ихтилофларга гувоҳ бўлдик. Орасида бирга юриб, шу ихтилофларда, у ё бу шаклда иштирок этдик. Шу қарама қаршилиқда дунёқарашимиз ва диний эътиқодимиз шаклланди. Бошқачароқ айтганда, шулар мени аҳли тавҳид қилиб тарбиялашди. Бидъату хурофотга қарши, қайтмас курашчи бўлиб шакллантиришди. Шу аснода ўзимиздаги бир масжидда имом бўлдим. Шулар каби, бидъату хурофотга қарши курашдим. Тавҳидга қақирдим. Шулар каби, бадном бўлдим. Қамалдим. Менга доимий қаршилиқ қилган мутаассиб имом Жумабой деган нусха, кеча ўлгани хабари чиқди. Бу кимса мен учун, шу сарой муллалари тимсоли эди. Бидъату хурофот тимсоли эди. У менинг қамалишимга ва бадном бўлишимга сабаб бўлган бадбахт эди. Мен шу ўзим тўғри деб, билган йўлимдан ҳаргиз чекинмадим. Бўлиши мумкин бўлган балою офатларни билсамда, ортга қайтмадим. Ҳеч кимнинг гапига, кулоқ солмадим. Оқибатда узоқ йиллар қамоқда ўтирдим. Кейин, назорат остида яшадим. Яна сохта иноят иши очиб, қамашмоқчи бўлишди. Аллоҳ фазли билан мени қутқарди. Ҳижрат диёрига келиб яшаш насиб қолди.

Шунда гувоҳ бўлдимки, ўша курашларда ҳақда турган кишиларда, энди сустлик пайдо бўлганди. Ортга қайтишлик ва муросаю мадорага уринишлик сифати, пайдо бўлганди. Буларга мисоллар ҳам ўз ўрнида баён этилади иншаллоҳ.

Обид қори ҳижрати

Булардан кейин, Обид қорига нисбатан тазйиқлар, кучайгандан кучайиб борди. Уни 1996 йилда масжид имомлигидан расман бўшатишди. У бир муддат ишсиз қолди. Кейин, янада тазйиқлар кучайди ва у энди яширинишга мажбур бўлади. Яшириниб яшашга ҳам қўйишмайди. Унга қарши жиноий иш очилиб, қидирувга берилади. МХХ Обид қорини излаб юрган бир пайтда, 1999 йилда Тошкентда портлашлар бўлади. Бунинг ортидан кўп минглаб одамлар қамоққа олинади. Оммавий қама қамалар бошланиб кетгач, Обид қорининг ватанда қолиб, фаолият қилишдан умиди узилади. Охири ватанни яширинча тарк этиб, қўшни Қозоғистонга чиқиб кетади. Қозоғистондаги ҳаёти, ўта яширинча сирли бўлган. Бу даври ҳақида, унинг шогирдлари Ислом овози сайтида шуларни ёзади.

«Халқ ўртасида таъсири ва обрўси ортиб кетгани, мусулмон оламида тобора танилиб бораётгани ўзбек ҳукуматини анчадан бери ташвишга солиб келар эди. Оқибатда ҳукумат Обидхон қори Назаровга нисбатан сохта жиноий иш очди ва таъқибларни кучайтирди. Ниҳоят, 1998 йилнинг 5 март куни, Қори ака уйни ташлаб кетишга мажбур бўлди. Давлат раҳбарларининг махфий буйруғига кўра, айнан шу куни милиция ходимлари Обидхон қорини ҳибсга олишлари керак эди. Аммо Аллоҳ Ўзининг қудрати Ислом душманларининг макридан устун эканини, яна бир бор намойиш қилди. Ҳукуматнинг яширин режасидан хабардор бўлган холис инсонлар, Обидхон қорини ўз вақтида огоҳлантиришга улгурдилар. Обидхон қори 1998 йил баҳоридан 2000 йил ёзига қадар Ўзбекистонда, 2000 йилдан 2006 йил баҳорига қадар, Қозоғистонда яширин ҳаёт кечирди.» Иқтибос тугади.

2000 йилдан то 2006 йилгача, у Чимкентда турли жойларда, яшириниб, ҳаёт кечиради. Энг яқинлари ҳам, унинг қаердалигини билмайдилар. Ўша пайтда унинг шогирдларидан кўпчилиги қамоққа олинади. Иброҳим деган, Олтиариқлик бир йигит, мен билан турмада учрашганида, уни ўша пайтда қамашганини ва ундан Обид қори қаердалигини сен биласан, айт деб, уришганлигини гапириб берганди. Бунга ўхшаган одамлар кўп бўлган. Товоқсойда ҳам Нодир исмли, унинг шогирдларидан бўлган Тошкентлик бир йигит билан бирга ўтиргандим. Унинг гапириб беришича, ҳукумат Обид қори яшаётган уйни ноқонуний тортиб олмоқчи бўлган. Шунга унинг мухлислар тўпланиб, қаршилиқ қилишган экан. Шуларни кейинчалик, қамоққа ташлашган. Бу йигит ҳам, шулардан бири бўлган экан.

2005 йилга келиб, Обид қорини излаб тополмай юрган МХХ, унинг катта ўғли Ҳусниддин Назаровни ва бир қанча яқин шогирдларини ўғирлаб кетиб, йўқ қилди. Булар МХХнинг қанчалик даҳшатли ва қонхўр ташкилот эканига бир мисолдир. Улар дом дараксиз кетгач, Обид қори БМТнинг Алматидаги қочоқлар қўмитасига, бошпана сўраб мурожаат қилишга мажбур бўлади. У МХХ номли ёвуз аждаҳо чангалидан қутулиб кетишга, ўша пайтда бошқа йўл ва илож топмаганди. Унга бошпана берилиб, оиласи билан Швецияга учиши кутилаётган бир пайтда, МХХ яна уни тўхтатиб қолишга уринди. Қозоғистон ҳукумати билан биргаликда уни самолёт трапидан ушлаб, Ўзбекистонга, турмага олиб кетишмоқчи бўлишади. Лекин, БМТ бунга монетьлик қилди. Аллоҳ шулар сабабли, уни бу золимлардан қутқарди. Обид қори ва оиласи Швецияга учиб кетишди. Унинг Швеция кетгани хабари, ўзбек тилидаги кўплаб ОАВ воситаларида чоп қилинди. Бу пайтдаги таҳликали вазиятлар ҳақида, унинг ўзи ББСга берган интервюсида қуйидагича ёзади: (Интервюдан иқтибос)

Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳийм, мен Обидхон Собитхон ўғли 1958 йилда туғилганман. 2002 йилда Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрига кўчиб ўтдим, 2006 йилгача яшириниб яшашга мажбур бўлдим. 2006 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Қочқинлар бўйича Олий комиссарлигининг ваколатхонасига мурожаат қилиб, Оврўпо давлатларининг биридан бошпана олдим. Тошкентда Ислом институтини битирганимдан кейин, “Тилла Шайх” Жомъе масжидида ноиби имом бўлиб ишладим. Сўнгра, “Тўхтабой” масжидига имом бўлиб ўтдим, 1991 йилдан 95-йил охиригача у ерда имом бўлиб ишладим.

* * *

Обидхон Собитхон ўғли: 1999 йилги феврал портлашлари ортидан қама-қамалар бошланиб кетди. Муслмонларнинг устларига жуда ҳам мусибатли, оғир кунлар келди. Мана шу пайтда Тошкентда, Ўзбекистонда туришнинг асло имконияти қолмади. Бизни ҳам баҳона ва тўхматлар билан қамоққа ташлашлари аниқ бўлиб қолгач, у ердан ҳижрат қилиб чиқиб кетдик. Қозоқ ҳукумати ўзининг фуқароларига нисбатан, Ислом динида бўлган ўзининг муслмонларига нисбатан, демак, сиёсатини анчайин юмшоқ ва айтиш мумкинки, оқилна тарзда олиб борар эди. Ана шундан биз муслмонлар ҳам, қўшни мамлакатнинг муслмонлари ҳам фойдаландик. Жуда бемалол яшадик, деб айтиб бўлмайди, эҳтиётимизни қилган ҳолда умр ўтказдик, ўша ерда илм билан машғул бўлдик.

* * *

Унинг хориждаги баъзи яқин шогирдлари очган «Муслмон Ўзбекистон» сайтида, унинг Швецияга кетганига доир маълумот ва унга қарши МХХ томонидан ёзилган, бир тўхмат мақолага раддия сифатида қуйидаги мақола босилган. Бу сайт ҳозирги кунга келиб, йўқ бўлиб кетган. Мақола «8 йил интизорликдан сўнг хушхабар» деб номланади. Қуйида ўша сайтдаги мақолани ўқишингиз мумкин.

8 йил интизорликдан сўнг хушхабар

Ўзбекистонлик таниқли имом Обидхон қори Назаровнинг БМТ қочқинлар иши бўйича комиссарлиги томонидан Европа давлатларидан бирига кўчирилиши Ўзбекистон муслмонлари учун ўтган ҳафтанинг энг муҳим воқеаси бўлди. Мамлакат ичкараси ва хориждаги неча ўн минглаб муслмонлар ўз имомлари ва устозларининг қаерда эканлиги ҳақидаги хабарни роппа-роса 8 йилдан бери кутар эдилар. Улар бу йиллар мобайнида Обидхон қори аканинг хотиржам жойга чиқиб, ўзларини ошкор этишларини умид этиб яшашган, у киши ҳақларига дуода бўлган эдилар. 2006 йил, 15 март, чоршанба куни бўлган воқеа Ўзбекистон ва унинг ташқарисидаги холис ниятли аҳли Исломнинг қалбига шод-хуррамлик олиб кирди.

Жаҳоннинг бир қатор етакчи ахборот воситалари орқали, кетма-кет янграган бу хабарни эшитиб, мамлакат ичкараси ва хорижда жуда кўпчилик инсонлар, бир-бирларини табрикладилар. Бу ҳодисани иншоаллоҳ нусратнинг яқинлашаётгани аломати сифатида, хушнудлик билан талқин этдилар. Қалб сўзларини шеърга солиб, бир-бирларига ҳада этганларнинг ҳам гувоҳи бўлдик. Бўлиб ҳам бу кўчиш яширинча ва қоч-қочлар билан эмас, балки ғолибона ва ошкора тарзда, ҳамда ҳурмат-эҳтиром билан амалга ошганини айтмайсизми! Бундай шов-шувли воқеа дарҳақиқат Ислом ва мусулмонларнинг ҳамиша ғолиб эканига рамзий ишорадир.

Кимга тўй, кимга аза

Бироқ яна шундай бир тоифа инсонлар ҳам борки, содир бўлган воқеа туфайли уларнинг юраклари алам, изтироб ва ғам-ғусса билан тўлди, эзилди. Бу одамлар Қори акани узоқ йиллар давомида изма-из таъқиб этиб келган, у кишини ушлаб ҳибс этмоқчи бўлган, аммо Аллоҳнинг иродаси сабабли истаганларига эришолмаган Ўзбекистон МХХ ходимлари ва каримовпараст кимсалардир. “Улар макр қилдилар, Аллоҳ ҳам “макр” қилди. Аллоҳ макр қилувчиларнинг энг аълосидир”. Ғаразли мақсадларига етолмаган ана шу аламзадалар энди қўлларигадаги барча воситалар орқали бир ҳалол ва покиза инсонни ёмонотлиқ қилишга, у ҳақида чор атрофга тухмату бўҳтонларни сочишга ҳаракат қиладилар. Уларнинг ана шу йўлдаги уринишларининг дастлабкиси 19 март куни интернетдаги “ЦентрАзия” саҳифаси орқали амалга оширилди. Бу веб-саҳифада Ўзбекистон МХХси “Аҳмад Ризаев” деган қалбаки имзо билан “Террорчидан қандай дўст чиқади?..” номли мақоласифат бир нарсани эълон қилди. “Мақола”нинг сарлавҳасиданоқ ўзбекнинг омадсиз чекистлари уюштирган навбатдаги иғвонинг бадбўй ҳиди келади. Айни пайтда бу “мақола”ни ёзган МХХ югурдаклари билдирган даъволарнинг биронтаси исботга эга эмас. Аммо таъкидлаш лозим бўлган муҳим нуқта шундаки, “мақола”нинг сўнгидан ўқувчилар томонидан қолдирилган мулоҳазалар кишининг диққатини “мақола”дан ҳам кўра кўпроқ ўзига тортади. Биз бу мақолада ана ўша фикрлардан ҳам фойдаландик. “Аҳмад Ризаев”нинг ёзишича, Обидхон қори “Тўхтабой” масжидида имомлик қилган вақтида гўёки “жиҳоднинг ашаддий тарафдорларидан иборат катта бир гуруҳга раҳбарлик қилган, ҳамда турли экстремистик ташкилотлар аъзолари учун ғоявий раҳнамо вазифасини ўтаган”.

“Ризаев”нинг гапига ишониладиган бўлса, Обидхон қори имомлик қилган ва “жиҳоднинг ашаддий тарафдорларидан иборат катта бир гуруҳга раҳбарлик қилган” 5 йиллик муддат ичида МХХ хушсиз, кўр, кар ва шол бўлиб ётган экан-да! Яна “мақола”га кўра, Обидхон Назаров Андижон воқеаларидан бир оз олдин Қирғизистоннинг Қорасув шаҳрига келиб, бу ерда экстремистларни тайёргарликдан ўтказган экан. Агар шунақа бўлса, билиб туриб ўша воқеанинг олдини олмагани, бу ҳақда ўз вақтида айюҳаннос солмагани учун “Ризаев” жиноятчи саналиши лозим эди. Бироқ, “Ризаев”лар бундай қилиши мумкин эмасди. Чунки бугун кўпчиликка ошкор бўлган ҳақиқат шуки, Андижон фожеаси ҳукумат органлари учун анча аввалдан маълум бўлиб, унга Каримов режимининг умрини узайтириш мақсадида атайлабдан шароит яратиб берилган.

Муаллиф Ўзбекистонда Обидхон қорининг кўплаб яқинлари, шогирдлари ҳамда мухлислари ҳибс этилгани, уларнинг нафақат мамлакатда диний адоват қўзғатиш, балки қурол-яроғ ва гиёҳванд моддалар сақлаш, босқинчилик, товламачилик каби жиноятларни содир этишганини ёзади. “А. Ризаев”нинг фикрича, халқаро ташкилотлар ва хорижий элчихоналар О. Назаров кабиларга келажақда Марказий Осиёда уруш чиқариш, ҳамда минтақадаги вазиятни беқарорлаштириш мақсадида ёрдам бермоқда. Бироқ нималар деяётганини яхши англамаган нодон бу сўзлари билан ўзининг нафақат Обидхон қорига, балки умум мусулмонларга, Ўзбекистон халқига қарши чуқур адовати бор, манфур инсон эканини намоён қилади. У нафақат диндорларга, балки, эркинлик ва ҳуррият истаган ҳар қандай инсонга душман эканини тан олаяпти. У ўзининг башараси ниҳоятда даҳшатли эканини сезади.

Халқнинг 15 йиллик нафрати ва лаънати қурбони бўлиб кетишдан жуда-жуда қўрқади. Шунинг учун бу хоин ҳеч қачон, ўз номини очиқ ёза олмайди. Аммо у ҳарчанд яширинишга уринмасин, барибир жазодан қочиб қутулиб қололмайди. Обидхон Назаров яқинлари ва издошларининг истисносиз ҳаммаси тухмат билан қамоққа олингани, ҳеч кимга сир эмас. “Муаллиф” эса ҳукуматнинг мусулмонларга қарши қўллаётган қатағон жиноятларини адолатли иш даражасида мақтаган ва шу билан ўзининг барча мусулмонларга нисбатан нияти бузуқ душман инсон эканини кўрсатган. Бу ҳеч таажжубли нарса эмас. Зеро, МХХ ва ИИВнинг жуда кўп ходимлари, табиатан ана шундай ноқис ахлоқда тарбия топган, ичи ҳасад ва алам билан тўлган инсонлардан иборат эканига, кўп одамлар гувоҳ бўлишган.

Обидхон қори – эл севган имом

Обидхон қори аканинг масжидларига қатнаб маърузаларини эшитган, у киши билан мулоқотда бўлган минглаб одамлар имомнинг халқпарвар, адолатли ва ҳақгўй инсон эканларини таъкидлашади. Мунофиқлар нима деса десин, одамлар Қори аканинг кўплаб яхши фазилатлар соҳиби эканларини иншоаллоҳ, то Қиёматга қадар гапириб юришади. Ўзбек ҳукуматидаги номи сир тутилишини сўраган мансабдорнинг сўзларига қараганда, Қори аканинг террорчилик ва экстремистлик ғояларини тарғиб этганини, ҳеч ким эшитмаган. Домланинг маърузалари ёзилган юзлаб аудиокассеталарни МХХ, ИИВ ва Бош прокуратура ходимлари тит-пит қилиб текширишган, битта қолдирмасдан эшитишган. У кишининг неча юзлаб шогирдлари ва дўстларини қийноққа солиб тергов қилишган. Аммо ўзларини “қувонтирадиган”, жиноят деб баҳоласа бўладиган, пичоққа илинадиган биронта сўз топа олишмаган. Негаки, Обидхон қори ака ўз маърузаларида доим одамларни ҳалол, покиза ҳаёт кечиршига, тўғри йўлдан юриб яхшиликларни кўпайтиришга чақирганлар. Аёллар ва ёшлар тарбиясига, оилани мустаҳкамлашга қаттиқ аҳамият қилганлар. Шунингдек, имом ўз ваъзаларида жамиятдаги бузғунчиликлар, айрим амалдорлар амалга ошираётган жиноятларни танқид қилардилар. Шулар туфайли Қори ака минглаб мусулмонларнинг ҳурматига сазовор бўлгандилар. Аммо у кишининг мухлислари кўпайган сайин фосиқ ва золим амалдорларнинг ғазаби ортар эди. Обидхон қори ака имомлик қилган “Тўхтабой” масжидига жума кунлари минглаб кишилар йиғиларди. Уларнинг ичида жамиятнинг турли хил табақаларига мансуб одамларни: оддий хизматчилар, талабалар, ўқувчилар, нафақахўрлар, зиёлилар, санъаткорлар ва ҳатто милиция ходимларини ҳам учратиш мумкин эди. Албатта бу ҳолатлар ҳукуматга ёқмади. МХХ одамларнинг бир жойга йиғилишлари ҳамда бир одамнинг насиҳатларига қулоқ тутишлари ортида, жамият поклянишини эмас, ҳукумат барқарорлигига нисбатан таҳдидни кўрди. МХХ ўзида воқеликни тўғри баҳолай олиш ва Обидхон қори каби алоҳида талант соҳиблари билан, тил топа билиш қобилиятини пайдо қила олмади. (Нима ҳам дердик, қозонда бори чўмичга чиқади). Оқибатда Обидхон қори акага нисбатан таъқиблар бошланди. У кишининг кўплаб яқинлари ва издошлари тухмат айбловлар билан, узоқ йиллик қамоқ жазоларига ҳукм этилдилар. Уларга нисбатан таъқиблар ҳамон давом этмоқда. Алаmidан ўз хатти-ҳаракатларини идора қила олмай қолган МХХ О. Назаровнинг тўнғич фарзандлари Ҳусниддин Назаровни ўғирлаб кетди. (“Ҳақиқатгўй муаллиф” ўз мақоласида Ўзбекистонда одам ўғирлаш жинояти мавжудлигини инкор этаётган бир пайтда, одамлар ўз уйларининг олдидан иссиқ йўқолган қариндошларини йиллар давомида топа олмаяптилар ва МХХни одам ўғирлашда очиқ айбламоқдалар. МХХ эса ўзини одам ўғирлашда айблаётган инсонларни судга бера олмайди. Чунки ўғрининг қўли титраб туради). Алмати аэропортида Қозоғистон миллий хавфсизлик кўмитаси матбуот котиби Кенжабўлат Бекназаровнинг “Озодлик” радиоси ўзбек хизмати билан суҳбатда айтишича, агар Обидхон қори Назаров Қозоғистондан Европага олиб кетилган бўлса, бу иш халқаро қонунларга асосан амалга оширилган. Бироқ “А. Ризаев”нинг ғазаб билан таъкидлашича, узоқ ҳавога кўтарилишига 15 дақиқа қолганида О. Назаров аэропортга БМТ қочқинлар иши бўйича идораси ходимлари ва журналистлар томонидан қуршаб олинган ҳолда кириб келган. Эмишки, аэропортда худди Рим папасини кузатаётгандек ҳолат вужудга келган.

Лекин гувоҳларнинг айтишича, Обидхон домла оила аъзолари билан аэропортга самолёт учиш вақтидан 1 ярим соат аввал етиб келишган. Билет ва юкларни расмийлаштириш ишлари бамайлихотир бажарилган. Аммо паспорт текшируви нуқтасига келишганда чегара – назорат ходимаси Обидхон қорининг ҳужжатларини алоҳида қилиб четга олиб қўйган. Кейин оиланинг бошқа аъзолари ҳужжатларини шошилмасдан текширувдан ўтказган ва оила аъзоларининг ҳаммасини ичкари залга киритиб қўйган. Кўринишидан ходимларга қандай ҳаракат қилиш лозимлиги, аввалдан ўқтирилган бўлган. Навбат Обидхон қорига етганда текшириш чўзилади. Ҳолатни кузатиб турган гувоҳнинг сўзига қараганда, шу вақт ичида Назаров ҳақида Ўзбекистонга сўров юборилган ва қўшни хонадаги факсга дарҳол жавоб келган. Факсдаги хабарда Қори аканинг 1995 йилда паспорт учун олинган суратлари туширилган ва яна нималардир ёзилган эди. Шундан кейин ходимлар орасида жонланиш сезилади. Миллий Хавфсизлик Қўмитаси подполковниги БМТ хизматчиларига ва Назаровларни расман кузатиб юбориш вазифасини ўз зиммасига олган Халқаро Миграция Ташкилоти (ХМТ) ходимларига Назаровнинг қидирувда экани ва юқоридан уни тўхтатишга буйруқ бўлганини билдиради. Шундан сўнг МХҚ ходимлари, худди Умар Мухторни қўлга туширган италяндардек, Қори акага қизиқсиниб разм сола бошлайдилар. БМТнинг Алматидаги ваколатхонаси ходимлари О. Назаров ва унинг оиласи БМТ ҳимоясига олингани, бу ҳақда Қозоғистон ҳукумати олдиндан огоҳлантирилгани, ҳатто 2006 йил 15 март куни Назаровлар Алмати аэропортидан учиш кетишлари ҳақида Қозоғистон Миллий Хавфсизлик Қўмитасига маълумот юборилгани, бунга жавобан МХҚ Алмати департаменти бошлиғининг ёзма равишда розилиги олингани эслатилади. Аммо рус миллатига мансуб 35 ёшлардаги МХҚ подполковниги: “Бизга юқоридан буйруқ бўлди, улар қўйиб юборилсин ёки фалон қилинсин деб айтмагунича, биз ҳеч нима қила олмаймиз” деб айтади. Шу орада аэропорт кузатув залига тахминан 10 нафар аёл ва 10 нафар эркакдан иборат 20 дан ортиқ формали ва яна бир неча фуқаро кийимидаги махсус хизмат ходимлари кириб келишади ва залда саф тортиб, ўзаро нималарнидир пичирлашиб маслаҳат қилишади. Уларнинг Назаровлар оиласига, ёш болаларга қараб-қараб қўяётганлари сезилиб турарди. Яна бир формали ходим эса, йўловчиларни таажжубга солиб, видеокамерасини ишга солади ва кузатиш залини, у ердаги жиҳозларни, шу баҳонада, одамларни ҳам суратга тушира бошлайди. Махсус хизмат ходимлари Қори аканинг ҳужжатларини олиб қўйиб, ўзларига ичкари залда кутиб туришни айтишади ва шу ҳодиса сабабли самолётнинг учиши ярим соатча кечиктирилади. Учувчилар ва йўловчилар бу ҳолатдан ҳайрон бўладилар. Вазиятнинг қозоқ ҳукумати берган ваъдага хилоф ўлароқ бундай тус олишидан безовталанган БМТ ва ХМТ ходимлари ҳукуматнинг юқори органларига телефон қила бошлайдилар. Ниҳоят, самолёт учиш вақтидан 25 минут ўтганда Остонадан “Назаровлар қўйиб юборилсин!” деган буйруқ келади. Обидхон қори ва оила аъзоларини БМТ, МХҚ ва ХМТ вакиллари алоҳида автобусда то самолёт трапигача кузатиб қўйдилар. “Ризаев”ларга алам қилса арзийди.

“Мақола” муаллифининг О. Назаров БМТ қочқинлар иши бўйича идораси биносида яшагани ҳақидаги сўзлари ҳам болалар боғчаси даражасидаги заифгина тўқимадан иборат. Бундан ўзбек МХХсининг топқирлиги ва сезгирлиги ҳақидаги арзонбаҳо афсонанинг ҳақиқий нархи қанча эканини билиб олса бўлади. Обидхон қорининг қаерда яшагани билан қизиқадиганлар учун энди қуйидагиларни айтиш мумкин: Назаровлар то БМТ ваколатхонасига боғлиқ ишлари тамомига етгунича, Алмати шаҳридаги уйлардан бирида ижарада яшашди. Бу ҳақда қозоқ МХҚси билмаслиги мумкин эмас эди. Аммо бечора ва ношуд “Ризаев” билмай қолгани аниқ. Ҳақиқатда эса, қозоқлар ўзларининг қулоқлари тинч бўлсин учун ёки, “Ризаев”лар Назаровга нисбатан бирор жиноят содир қилиб қўймасин дея, МХХчиларга: “Назаровлар БМТ идорасида яшаяпти, биз уларни тутиб бериш учун у ерга кира олмаймиз” деб қутулган бўлиши керак. Болакай “Ризаев” шу қозоқча гапга ишониб қолган кўринади.

Башаранг қийшиқ бўлса...

“Ризаев”нинг “мақола”сида акс этаётган нодонлик шу даражадаки, “Аҳмад Ризаев” ўзбек халқининг қашшоқ ҳаёт кечираётганига ҳам Обидхон Назаровни сабаб қилиб кўрсатади. Унинг айтишича, одамларнинг тинч ва бойроқ ҳаёт кечирishi учун сарфланиши мумкин бўлган маблағлар О. Назаров ва унинг “тиш-тирноғигача қуролланган” издошларига қарши кураш йўлида сарфланаётган экан. Аслида Обидхон қори ва у кишининг оддий издошлари, олий маълумотли шогирдлари ўзларининг илмлари, ҳалол меҳнатлари билан мамлакат иқтисоди ва жамият тараққиётига улкан манфаатлар келтираётган инсонлар бўлишган. Аммо “Ризаев” кабиларга бу керак эмас эди. Чунки “Ризаев”лар ўзбек халқининг бахтли бўлишини ҳеч қачон хоҳлашмаган. Улар ўзбекларнинг Совет даврида бўлгани каби фақат кул бўлиб яшашидангина манфаатдор, холос. “Ризаев”лар мана шундагина халқни осонгина бошқара олар эдилар. Обидхон қорилар эса халқнинг кўзини очишди, ёшларга ҳуррият, озодлик, ҳалоллик ва диёнат нима эканини ўргата бошлашди. Бу нарса “Ризаев”ларнинг ўтақасни ёриб юбораёзди. Агар “Ризаев”ларнинг бунақа кўрқоқлиги бўлмаганда, Обидхон қорилар таъқиб остига олинмаганда, Каримовлар мамлакат иқтисодини исканжада тутиб турмаганда, ҳатто майда савдогарларнинг молини тортиб олишдек пасткашликка бормаганда, ҳозирда Ўзбекистон иқтисоди камида Қозоғистон билан тенглашган, балки собиқ совет республикалари ичида энг илғор давлатга айланган бўлур эди.

“Ризаев”лар ўз отини очиқ ёзишга ҳам кўрқиб, аравани қуруқ олиб қочаётган бир пайтда Қозоғистон президенти Тошкентга келиб, Каримовнинг шундоқ ёнида туриб, қозоқлар ерида ишлаётган ўзбекистонлик мардикорларнинг Қозоғистон иқтисодига бир йил ичида неча миллион доллар фойда келтирганларини (балки атайлаб) гапириб “мақтаб” ўтди. Халқини ўз юртида иш билан таъмин эта олмаган, қўшни юртларда хорлаб, мардикор қилиб қўйган Каримов бунга миқ эта олмади. Жаноб “Ризаев”, мана сизга Обидхон қорини айблаш учун энг янги факт! Ҳозирги кунларда Ўзбекистонда давлат амалдорларининг халқнинг қашшоқлашиши ҳисобига ўз чўнтақларини қаппайтириш, данғиллама ҳовли-жойлар қуриш, завод-фабрикаларни сотиб олиш ёки шахсий манфаат йўлида сотиб юбориш, чет эл банкларида бойлик тўплаш билан машғул эканлари оддий ҳолатга айланиб улгурган. Яқиндагина собиқ мудофаа вазири Қодир Ғуломовнинг Лондонга қочгани ҳақида интернетда хабарлар тарқалди. Уларнинг бирида Ғуломовнинг Ўзбекистонда қарийб 1 миллион (бу жуда кам) долларни ўзлаштиришда айблангани ёзилган. Ҳа, бу ёзилгани холос. Ёзилмагани, эҳтимол умуман ёзилмайдигани, агар ёзилса, Каримов ва “Ризаев”ларники ҳам очилиб кетиши мумкин бўлгани қанчайкин?!...

(“Жаноб Ризаев”, сиз Гулнора Каримова “хоним”нинг иқтисодий жиноятлари ҳақида ҳеч нима сезмаяпсизми ёки эшитмаяпсиз ҳамми? Ҳа, шу сўзимнинг ўзигаёқ кўрқиб кетаяпсизми?) Юқорида айтганимиздек, “ЦентрАзия”да чоп этилган “Ризаев”нинг мақоласидан ҳам кўра унга нисбатан ёзилган акс садолар эътиборлироқ. Ўша ерда бир одам Аҳмоқ Ризаевга деб жавоб ёзган. (Узр, қўпол ибора бизники эмас). Унинг жавобларидан келиб чиқадиган мантиқ ҳамма учун ҳам ибратли: “Ризаев”нинг ўпкалашича, битта имом Европага кетса кетибди-да, Ўзбекистон аҳолиси Обидхон қориларсиз ҳам яхши яшаши мумкин. Аммо савол туғилади: Унда нима учун Обидхон қори чиқиб кетганига 8 йил бўлибдию ҳалиям одамлар яхши яшай олмаяпти?!... Мақолни сал ўзгартириб, башаранг қийшиқ бўлса, Обидхон қоридан ўпкалама, десак бўлади.

Жаҳлинг чиқса, бурнингни тишла!

БМТ қочқинлар иши бўйича идораси таниқли ўзбек имоми ва Ислом олими Обидхон Назаровни Европага чиқариб юборгани каримовчиларни қаттиқ аччиқлантиргани аниқ. Кунинча кеча ўзбек ҳукуматининг Тошкентда жойлашган БМТ қочқинлар иши бўйича идораси ваколатхонасини ёпиш қарорига келгани ҳам, ана шу алам устида ўйламай қўйилган хато қадамдир. Ҳақиқатан ҳам, ўзбек ҳукумати Қори акани худди, Фиръавн Мусо алайҳиссаломнинг изларидан қувиб келганидек, Тошкентдан 800 километр масофагача изма-из таъқиб қилиб келди, аммо кўзлаган ифлос мақсадига эришолмади.

Фиръавн Мусонинг кейинларидан таъқиб қилиб келиб, “ана тутдим” деган жойида алданиб қолди – Пайғамбарнинг изларидан денгизга тушди-да, сувга ғарқ бўлди. Каримовнинг малайи МХХ ҳам қозоқларнинг ваъдасига учиб, Обидхон қорининг изларидан Алмати аэропортигача келди-да, шу нуқтада қоқилди, бурни ерга ишқаланиб, дунё олдада шармандаси чиқди! Агар МХХ Обидхон қорини Алмати аэропортида ушлаб қолишга уринмаганда эди, у кишининг чиқиб кетишлари бу қадар шовшувга сабаб бўлмас эди. Ўзбек ҳукумати ўзининг неча бор тўкилган обрўсини, яна бир бор тўкмас эди. Аллоҳнинг ёрдами ва тавфиқи Каримов ва МХХнинг ҳийлаларидан ҳамиша устундир. БМТ қочқинлар иши бўйича олий комиссарлигининг Алматидаги ваколатхонаси раҳбари Нарасимха Раонинг “Озодлик” радиоси билан суҳбатда айтишича, 2006 йилнинг 24 феврал куни Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида вақтинча яшаётган икки ўзбекистонлик – Абдувосит Содиқов ва Хайрулло Тожиевлар яшаётган уйларида қозоқ полициячилари томонидан ҳибс этилдилар. Полиция идорасида уларни Қозоғистон миллий хавфсизлик қўмитаси ходимлари сўроқ қилишган. Улар асосан Обидхон қори Назаров яширинган манзилни айтишни талаб қилганлар. МХҚ ходимлари билан ҳамкорликни рад этганлари тақдирда, ушланганларга ўғирлаб кетиш ва яширин тарзда Ўзбекистонга бериб юбориш билан таҳдид қилишган. Кейинроқ халқаро ташкилотларнинг аралашуви сабаб, бу икки мусулмон қўйиб юборилган. Айрим кузатувчилар, бу ишни қозоқ МХҚ томонидан ўзбек ҳамкасбларининг кўнгли учун қилинган шунчаки сунъий ҳаракат деб, баҳоламоқдалар. Ўзбекистон МХХсидаги номини ошкор қилишни истамаган манбанинг ҳикоя қилишича, ўзбек “чекистлари” Назаровнинг Алматида яшаётганини яхши билишган. Аммо улар қозоқларга ишониб, “Назаровни ана ушладик, мана ушладик, деб, ўзларини хурсанд қилиб юраверишган”.

15 март куни эса, улар кутмаган иш бўлди. Қозоқ “кеэнбечилари” ўзбек ҳамкасбларининг қулоғига икки қаричлик лағмондан тўрттасини илиб, Оқсаройга жўнатиб юборишди. Ўғрини қароқчи урса, шунақа бўлади. Буниси ҳам етмагандек, Назарбоев Назаровни Алмати аэропортидан “ҳурмат билан” учириб юборгандан сўнг, орадан 5 кун ўтиб, бу хизматининг эвазига Тошкентга бориб Каримовнинг ошини еб келди. Қандинги ур! Энди Каримов БМТ қочқинлар иши бўйича олий комиссарлигини террористларни ҳимоя қилаётган ярим террорист ташкилотдек қоралайверади. Аммо “террористларга” Алматидан жой бериб қўйган Назарбоевга миқ эта олмади. Аксинча, Обидхон қорига жой берган, уни ҳурмат билан манзилга кузатиб юборган қозоқ президентини Тошкентга меҳмонга чақириб зиёфат берди. Аллоҳнинг санъатига қойил қоласизми, йўқми?! Фойда неча пул? Ҳақиқатдан ҳам МХХ учун кетма-кетига алам қиладиган ишлар бўлмоқда. Халқаро ташкилотлар ўз ишларига холис ёндошиб беайб мусулмонларни ҳимояларига олаётганлари, бунинг устига қозоқ чекистлари Чимкентда қилганлари каби Алматида ўзбек қочқинларини тутиб бермаётганлари Каримовни ғазаблантирмоқда. Шу сабаб аламзада ўзбек МХХси оммавий ахборот воситалари орқали, Обидхон қорига қарши тўхмат мақолалар ташкил қилиш ҳамда бу билан жамоатчиликка таъсир кўрсатиш васвасасига тушган. Аммо бунақа “приём”лар мустақилликнинг илк йилларида ўтиши мумкин эди. Энди эса аҳвол бутунлай бошқа. 16 феврал воқеалари, 2004 йилги портлашлар ва Андижон қирғинидан кейин бундай услубларнинг эътибори тушиб кетган. Ёлғончилиги билан ном чиқарган режимга ҳеч ким ишонмай қўйган. Ёлғончининг рост гапи ҳам ёлғон. Кеча сир саналган нарсалар бугун ошкор бўлиб бормоқда. “А. Ризаев” хизмат қилаётган қонхўр режимнинг ўз халқига қарши жиноятлари кун сайин фош бўлиб бораяпти. Қизиғи шундаки, “А. Ризаев”га ўхшаш бечоралар ўзларининг телба-тескари, аҳмоқона ва ғаразли мақсадларни кўзлаган мақолалари билан худди товўқ ахлат титиб, ўзининг айбини ўзи очгани каби ўз кирдикорларини очиб юборишаяпти. Улар бунақа фитнали мақолалардан қўлларини қанчалик тийишса, ўзларига шунчалик кўпроқ фойда бўларди. Бироқ нодон кимса фойда билан зарарнинг фарқига борармиди.

25 март, 2006 йил «Мусулмон Ўзбекистон»

Шундай қилиб Обид қори Назаров Швециядан бошпана олиб яшай бошлади. Унинг кетгани хабарини эшитган баъзи яқин шогирдлари ва шунингдек. унга алоқаси бўлмасада, уни олдига боришга интилган кўплаб диндорлар БМТ орқалик ёки, бошқа йўллар билан Швециядан бошпана сўраб кела бошладилар. Тез орада Обид қорининг Швецияда жамоаси пайдо бўлди. Ва бу жамоанинг ажабтовур фаолияти бошланди. Булар кимлар ва фаолиятлари қанақа бўлгани китобнинг давомида ўқиб танишасиз. Обид қори Швецияда Алматидан учган самолёт Обид қорини Швецияга олиб келди. У билан бирга, уни оиласи. Ўғирлаб кетилган ўғли Хусниддин Назаровни оиласи, Ўзининг болалари ва қизлари, укалари ҳам оиласи билан ва бир қанча шогирдлари келишди. Баъзи, шогирдлари ўша пайтдамас, ундан олдинроқ ва кейинроқ лекин, ҳаммаси шу 2006 йилда Швециядан бошпана олдилар. Унгача ҳам Швецияда диний қочоқлар бор эди. Ундан кейин ҳам қочоқлар келишда давом этди. Обид қори аввалига Хеллефорс деган ерга келиб тушди. Унинг қавми аксари Стромсундга келди. Бу ерда қочоқларни турли коммунларга тақсимлашади. Улар битта ерда ҳаммаси тўпланиб қолмайди. Обид қорида шундай бўлди. Ўзи бошқа ерга ва қавми бошқа ерга тушди. Кейинроқ Обид қори Стромсундга кўчиб ўтади. Стромсунд Швецияданнинг шимолидаги кичик бир шаҳарча. У Стокхольмдан 600 км узоқликда эди. Лекин, Стромсунддан яна минг километрдан узоқликда шимолда Кируна деган коммун бор. Швеция энига қисқа ва бўйига узун давлат. Узунлиги боши охири, икки минг кмдан узунроқ. Шунга кўра, Стромсунд ҳали Швециянинг энг шимоли ҳисобланмайди.

Мен 2009 йилда швецияга келганман. Мен турган коммун билан Стромсунд ораси 120 км.ча келарди. Мен турган қишлоқда ҳам тўрт бешта ўзбек қочоқлар оиласи бўлиб, мен ўшанда ўзим ёлғиз келгандим. Мен келгач, улар билан танишдим. Улар билан бирга Стромсундга борганман. Обид қори у пайтда, ҳар ҳафта бир кун тўпланиб, маъруза қилар экан. Ўша маърузасига, бу мен турган қишлоқ ўзбеклари ҳам бориб турар эканлар. Шунда қилиб мен Обид қорини охириги марта, 1995 йил сентябрида кўрган бўлсам, кейингиси 2009 йилда Стромсундда кўрдим. Ўтган 15 йилда қори анча ўзгариб кетибди. Соч соқоллар қоп қора ҳолда, кўз ўнгимда қолганди. Энди кўзига очки таққан, соқоллари сариқ ва ҳаво салқинлиги учун эгнида ўзбекча чопон кийган ҳолда кўрдим. Обид қорини анча қариб қолганини ҳис қилдим. У мен кўрган пайтимдан кўра, анча ўзгарганди. Лекин, мийиғида кулиб, қарашлари ўша ўша эди. Хуллас, тақдир қазо шундай бўлиб, энди Швецияда учрашдик. Унинг жамоаси анча шаклланган бўлиб, камида ўттизта хонадондан иборат эди. Булар орасида баъзи, акрабийлар ва ҳизбийлар ҳам бўлиб, улар ҳам тасодифан буларга қўшилиб қолган одамлар эдилар. Миграцион хизмати уларни шу қишлоққа тайинлаган бўлиб, улар бу ерга келиб жамоага қўшилгандилар. Яна, Бангладешдан чечендан ва бошқа миллатлик мусулмонлар ҳам бор эди. Кейинроқ, Сурия ва Ироқдан ҳам келишди. Хуллас, булар бари бир масжидда намоз ўқишарди. Шу масжид деганим бир уйни ертўласи бўлиб, уни булар ижарага олиб, намозхона қилишган эди. Элликтача одам сиғадиган бу ертўла намоз пайтида гавжум бўлиб кетарди. Одамлар сиғмасдан кўчаларга чиқиб қолишарди. Ҳайит намозлари очиқ майдонда ва ёки, бошқа каттароқ биноларни бир кунга сўраб олиб ўқиларди. Хуллас, шу масжидда Обид қори имом эди. Бу имомлиги норасмий бўлиб, Тошкентдаги масжиддаги имомлиги каби эмасди. Қавми ҳам, табиийки, ўзига яқин ва танишларидан ва қариндошларидан иборат эди. Қуда андалари ва қариндошлари ўзи бир жамоат бўларди. Мана шулар бўлмаса. Обид қори бу ерда ёлғиз ўзи келганида, Ширинов каби, ёлғиз қолиб кетарди. У ўзини жамоаси билан келгани учун ҳам, бу ерда яна жамоат ташкил бўлди. Яна фаолият бошланди. Мулла Ширинов Швецияга ёлғиз ўзи келганди. Унда жамоат йўқ эди. У Ўзбекистонда имом ҳам бўлмаганди. У Обид қори каби, машҳур эмасди. Уни биров танимасди. У Швецияда ҳам машҳур эмасди. Унинг қавми йўқ эди. Муриди бўлмаган Пир, пир эмас. Обид қори жамоаси борлиги учун, мулла Шириновлар ва шунга ўхшаганлар, унинг олдига келишди. Уларга тайёр жамоат керак эди. Ёлғиз отни чанги чиқмас дегандек, ёлғиз бўлса, докторлар ҳам бир иш қилолмайди. Мулла Сайфи тақдири ҳам, бунга бир мисолдир. Шунинг учун ҳар бир лидерга, албатта бир жамоат керак бўлади. Бўлмаса у ҳеч ким эмас, бўлади. Обид қорида жамоат бор эди. У ҳам Ўзбекистонда шаклланган жамоат эди.

Бу ерда у жамоатга янги одамлар қўшилмади. Аксинча, борлари ҳам ихтилофлар туфайли, парча парча бўлиб кетди. Хуллас, китобнинг бу қисмида, мана шу жамоат фаолияти ва у ердаги турли воқеъа ва ҳодисалар баён қилинади. Улар орасидаги ихтилофлар ва бўлинишлар ва Обид қорига бўлган суиқасд қиссаси, барчаси шу бўлимда баён этилади.

Обид қори ўз вақтида Абдували қорига эргашган, МСМЮга қарши чиққан имомлардан бири эди. Бу ерда муҳим нуқта шуки, МСМЮга қарши чиққанлардан яна бири, Абдурашид Баҳромов кейинчалик, ўзи Муфтий бўлди. ИАКга хизмат қилди. 1999 йилдаги портлашларда ўзининг машҳур фатвоси билан, тарихда бадном бўлиб қолди. МСМЮ ҳам қайтиб келиб, шунга ўхшаш фатволар берди. Ўлгунга қадар ИАК хизматида бўлди. Баскетбол ўйнаётди бўлди. Доктор Юсуфхон Шокир ҳам, ИАК хизматида ўлгунга қадар турган ва динга хиёнат қилиб ўлган муллалардан биридир. Обид қорига кўп зулмлар, ўша кимса томонидан қилинди. МСМЮга қарши бўлган ва Абдували қорига эргашган имомлардан бўлмиш, Муҳаммад Ражаб ака, Абдулаҳад қорилар эса, қамалишди. Обид қори хорижга кетди. Кейинчалик суиқасдга дучор бўлди. МСМЮ эса, қайтиб келди ва ўзининг ботил ақидасини бемалол тарқатди. У ўзига рақиб кўрган Абдували қори, Муҳаммад Ражаб ака, Обид қори, Абдулаҳад қорилар, энди йўқ эди. У ғалабага эришганди гўёки?! МСМЮ ортида сарой муллалари ва тоғут ҳукумати турди. Абдували қори ортида, юқорида номлари зикр этилган холис имомлар ва улар манҳажига эргашган, кўп минглаб мусулмонлар турдилар. Бу иккала шахс, бири бирига қарама қарши қутб эди. МСМЮ тариқатчи сўфи эди. Нақшбандия тариқати пири эди. Абдували қори ҳар қандай тариқатни бидъат деб, билувчи ва динни фақат, саҳиҳ қуръон ва суннат асосида ушлаган шахс эди. Булар бири Аллоҳ йўлида ва бири тоғутга хизмат қилиб кетишди. Обид қори эса, Абдували қорига эргашган ва тоғутга хизмат қилмаган имомлардан бўлиб тарихда қолди. Унинг манҳажига баъзи ўзгаришлар, кейинчалик Швецияга келгач, пайдо бўлди. Бунга сабаб ҳам бор эди албатта. Китоб давомида шулар ҳақида ҳикоя қилинади.

1 боб тугади

2 боб

Бу бобда мен 2009 йилда Швецияга келганимда кейин то, Обид қори отиб кетилган 2012 йил февралигача бўлган воқеалар қисқача зикр қилинади. Бу боб Обид қорига қилинган суиқасд билан якунига етади.

Обид қори Швецияга келгач, ўзига хос харизма билан, қавмини шакллантиришга киришди. У доим имом бўлиб, одамларга панду насиҳатлар қилиб келган одам эди. У ўзидаги бу сифатни ўзгартира олмасди. У оддий бир одамдек, ўзича жимгина ишлаб, оиласини боқиб, бошқаларга муомала қилганда, тенг шаклда, оддий муомала қила олмасди. У доим ўзини жиддий тутар, одамларга муомалада, албатта насиҳат бериш позициясидан туриб гапирарди. Бу балким, ёшларга нисбатан тўғри бир позиция бўлиши мумкин. Лекин, каттаю кичикка, доимий бундай қилиши ва доимий оддий гапирмай, қироат қилиб гапириши, менимча дуруст эмасди. Обид қори гапни тагига, гап қўйиб гапирарди. У билан гаплашсанг, айтаётган гапига эмас, уни тагидаги гапга эътибор қилиш керак эди. У жумбоқли қилиб, агар сени ўзига рақиб билса, чақиб олиб гапирарди. Олдинлари у, бу услубда ИАКни танқид қилган бўлса, энди шу услубда, мўмину мусулмонларни чақиб оларди. Мен буларга гувоҳ бўлганимдан кейин, ундаги катта ўзгаришларни сездим. Обид қори олдинлари бунақа эмасди. Балким, унга қилинган кўплаб хиёнатлар ва зулмлар уни хулқини ўзгартиргандир?! Унда самимий гапиришдан кўра, кимнидир чақиб олишга уриниш кўпроқ эди, назаримда. Мен ҳали, бу гапларимга кўплаб мисоллар келтираман. Одам ўзини оддий тутиши ва ўзи ёлғизлигида қандай бўлса, одамлар орасида ҳам шундай қолиши, афзал эди. Унинг ўғли Довуд ҳам отасининг копияси эди. Ўзи ёш бола бўлсада, башарасини ақллик қилиб, қироат билан гапириб, отасига тақлид қиларди. Катталар каттага лойиқ, ёшлар ёшига лойиқ қилиқ қилсалар, бу табиий чиқади. Агар бу мезон бузилса, ўзгариб қолса, сохталик вужудга келади. Обид қори билан аввалги учрашувимиздан бошлаб то, суиқасдга учрагунга қадар, ўтган уч йил ичида, аввалги мен билган ва гувоҳ бўлган самимийлик, холислик, унда йўқ эди. Ўрнига, ҳаммадан гумонсираш, ўзини катта тутиш, бошқани ерга уриш, гапга тоқатсизлик, савол беришга ҳам тоқатсизлигини намоён этарди. Унинг атрофида муқаррабинлардан бўлган Доктор Широнов, кейинроқ қўшилган Тоҳир қори ва ўзини ёнидаги Абдувоҳид ва қудаси Ҳасан ака, ва ҳаказолар бўлиб, Обид қори шулар билан маслахатлашиб иш қиларди. Гумонимда, у шу пайтдан бошлаб, Швецияда яшаган йиллар орасида, Саудиядаги ўғли Муҳиддин Назаров, Мулла Сайфи Носиров, ва бошқалар билан ҳам доимий алоқада бўлган. Булар Обид қорининг энг юқори табақали маслахатчилари бўлиб, улар билан келишган бир ишни қилишда, ёнидаги кўп сонли муридлари билан бирга, амалга оширарди. Ёнида, укаси Абдулфаттоҳ Назаров, Абдумалик Назаров, кўп сонли Тошкентдан танийдиган мухлислари, қудалари ва шогирдлари бор эди. Обид қорининг маслахат гуруҳи, юқорида тилга олинган "буюк шахслар" эканини эътиборга олсак, ёнидаги Широнов ва Тоҳир қорилар ҳам қўшиб ҳисобласак, у кишининг манҳаж масаласида ўзгарганлигини англашимиз мумкин бўлади.

У ўзининг Тошкентда пайтидаги тутган манҳажини ўзгартирганига далиллар, аввало унинг "Ислом овози" номли сайтида намоён бўлади. Обид қори ўзининг кўп йиллик маърузалари аудиофайлини ёки видеофайлини тўплаб, ўзи билан сақлаб олиб юрганди. Буларни бир сайт қилиб жойлаштириш керак эди. Шу мақсадда, Швецияга келгач, 2007 йилда, Ислом овози сайтига асос солинди. Бу сайт гарчи «Ислом овози» деб, номлансада, бир кишининг овози деб, тушуниш тўғрироқ бўлади. Бу Обид қорининг овози жамланган сайтдир. Бу сайтда у кишининг кўп йиллик архиви тўпланган. Шунингдек, у ҳали Швецияга келмасдан очилган Мусулмон Ўзбекистон сайти ҳам, шу кишининг шогирдларига тегишли бўлиб, унда ҳам Обид қорини ҳимоясига ёзилган мақолалар, мунтазам чоп қилиб турилган. Улардан бирини олдинги бобда ўқидингиз. Лекин, у сайтда фақат Обид қорининг эмас, бошқа мусулмонларга бўлаётган зулму зўравонликлар ҳам зикр қилинарди. Бу сайтни Англияда яшовчи у кишининг муридларидан бири очган ва юргизган. Ва кейинчалик сайт ёпилиб йўқ бўлиб кетди.

Хуллас, ўша Ислом Овози сайтида, Обид қорининг устозлари сифатида, унинг Тошкентда имомлик пайтидаги рақиби бўлган, собиқ муфтий МСМЮ номи ёзиб қўйилган эди. Мен Швецияга янги келиб, бу сайтга кирганимда, буни ўқиб ҳайратдан қотиб қолганман. Мен нафратланадиган МСМЮ ва ўзи унга кўп йиллар қарши курашган МСМЮ, энди унинг устози эканлиги эътироф этилаётган эди. Бу эса, Обид қори қарашларида жиддий ўзгаришлар кетаётганидан дарак берарди. Қуйидаги шу сайтдаги баъзи маълумотларни ўқишингиз мумкин.

Қори аканинг устозларидан баъзилари;

1. Шайх Муҳаммадхон махсум домла раҳимахуллоҳ
2. Шайх Зиёвуддинхон қори Бобохон раҳимахуллоҳ
3. Шайх Сирожддин (Лазгин домла лақаби билан танилган машхур) устоз раҳимахуллоҳ
4. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимахуллоҳ
5. Шайх Салоҳиддин қори раҳимахуллоҳ
6. Шайх Зокиржон домла раҳимахуллоҳ
7. Шайх Яхёхон қори раҳимахуллоҳ
8. Шайх Солиҳ Ҳусойн раҳимахуллоҳ
9. Шайх Али Хашшон раҳимахуллоҳ
10. Шайх Абдуллоҳ Фунаймон ҳафизахуллоҳ
11. Шайх Абдулазиз қори ҳафизахуллоҳ
12. Шайх Абдулмажид Зиндоний ҳафизахуллоҳ
13. Шайх Яхё ибн Иброҳим ҳафизахуллоҳ

Энди бу рўйхатни тузган муридлар, Араб диёрларидаги шайхлар маноқибига ўхшатиб, Обид қорини ҳам устозларини имкон қадар кўпроқ қилиб, ёзишга ҳаракат қилганлари кўриниб турибди. Аслида, ўзбек диёридаги имомлар бунақа даражадаги шайх эмаслиги, уларга кундек равшандир. Бу рўйхатдаги шахслардан олдинги уч тўрттаси Обид қорига, у ё бу шаклда дарс бергандир. Қолганлари эса, валлоҳу аълам?! У бу кимсани китобини ўқиб, ўзини унинг шогирди ҳисоблаш позициясидан балким, бу тушунарлидир?! Лекин, бу ерда сохталик борлиги кўриниб турибди. Асосийси, бу рўйхатда Абдували қори номи йўқ. Нима учун? Чунки, у киши ҳукумат назарида «ёмон» одам. Уни номини бу рўйхатга киритишлик, у кишига негатив таъсир қилиши мумкин? Обид қори энди ҳукуматга ёмон кўринишни истамай қўйганди. Уни ўрнига, уни мутлақо ўқитмаган Зиндонийларни номини киритиш буларга маъқул кўринган. Зиндоний Обид қорини ўқитмагани аниқ нарсандир. Унинг номи бу ерга нимага қўшилди, валлоҳу аълам?! Айни шу сохталик Обид қорига ярашмасди. Мен учун, унинг устозим деб, юзта шайхни номини ёзганидан кўра, унинг ўзининг гапирган икки оғиз гапи муҳимроқдир. Уни холис ва олим деб, танишга, устозларининг сони кўп бўлиши керак эмасди. Бу иш муридлар қилган катта хато эди. Қолаверса, Обид қорининг устози МСМЮ бўлгани, бугун маълум бўлдимми?!

Улар авваллари, МСМЮ унга устоз эканини билмаганмидилар?! Мулла Исоқ айтганидек, Обид қори ўзи, Тошкентда МСМЮга қарши чиққанида, ўзи ҳам, уни устози эканини билмаганмиди? Швецияга келиб билиб қолдимми?! Булар албатта, тасодиф эмасди. Бу Обид қори қарашларида жиддий ўзгаришлар бўлганини кўрсатувчи, муҳим хабар эди. Обид қори атрофидаги Саудияликлар (Саудияда ўқиганлар) таъсирига тушганди. Улар таъсирида, у ўзини МСМЮга нисбатан тутган позициясида адашган эканман деган, фикрга келган ва бу хатони тузатишга уринган деган, фикрга келишимиз мумкин?! Ўзгаришнинг каттаси бу рўйхатда МСМЮ номи бўлиши эди. Бу дегани, ёки, Обид қори МСМЮга олдинлари қарши бўлгани учун, ундан хуфёна узр сўраб, тавба қилган. Ва уни устозлигини тан олган ва сайтига ёзиб қўйган?! Ёки, у МСМЮга қаршилигича турибдию, муридлари ундан сўрамасдан берухсат, унинг номини ёзиб юборган?! Иккинчиси, эҳтимолдан жуда узоқ бўлган ҳолатдир. Бу рўйхат ўша пайтдан бошлаб, то шу кунгача сайтда турибди. Бу рўйхат 14 йилдан бери ўзгармади. МСМЮ ўлганида, унинг яқинларига, шу сайтда таъзия изҳор қилинди.

Бу ҳам Обид қори билан, МСМЮ орасида илиқлик пайдо бўлганига бир мисолдир.

Ислом овози сайтидан иқтибос.

Оммавий ахборот воситаларида тарқаган хабарларга кўра, бугун – 2015 йил 10 март сешанба куни ўзбекистонлик таниқли уламо шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари 63 ёшда, бу фоний дунёдан боқий оламга, меҳрибон Аллоҳ таолонинг ҳузурига риҳлат қилдилар. Парвардигоримиздан илтижо қилиб сўраймизки, Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларини Ўз раҳматига олиб, қабрларини кенг қилсин, Охиратда жаннатга дохил этиб, олий мақомларга кўтарсин. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари имом Бухорий номидаги Ислом Олий маъҳадида устозимиз Обидхон қори акага таълим берган устозлардан бири эдилар. Шайх ҳазратларининг Ўрта Осиё мусулмонларининг ҳуқуқлари, диний таълим ва маданиятни тиклаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари барчага маълум. Ушбу қайғули муносабат билан шайх Муҳаммад Содиқ ҳазратларининг оила аъзолари, яқинлари ва барча мухлисларига чуқур таъзиямизни изҳор этамиз. Аллоҳ таоло уларга ҳам, бизга ҳам сабри жамил ато этсин.

«Ислом Овози» таҳририяти

10.03.2015

Бу Обид қоридаги ўзгаришлардан бирига келтирилган, бир кичик мисолдир.

Стромсунд қишлоғи

Стромсунд қишлоғида ўзбек мусулмон қочоқлар жамоаси тўплангач, унинг довуғи жумла жаҳонга тарала бошлади. Обид қорини ўзи ҳам, тинмай Озодлик радиосига ва ББС ўзбек хизматига ва бошқа радиоларга интервьюлар берарди. Табиийки, уни ва жамоасини, МХХ ҳам кузатишда давом этарди. У кишига энди муридлар томонидан шайх деган, ном берилди. Ислом овози сайтида доим Шайх Обидхон қори деб, ёзиладиган бўлди. Олдин ўзбек халқи бу кишини, Обид қори номи билан таниганди. Уни биров шайх демасди. Ислом овози сайти у кишини шайх деб ёзиб, устозлари номига ҳам, шайх калимасини қўшдилар. Гарчи, Ўзбекистонда шайх номида МСМЮдан бошқа бирор кимса, мавжуд бўлмаганини ҳаммамиз билсақда, бугунга келиб, бу сўзни ўзига олмаган одам кам қолди. Мен радиосухбатларимдан бирида Муҳиддин Шириновга, шайх деганимда, шу суҳбат тугагач, у менга шу сўзни суҳбатдан қирқиб ташлашимни талаб қилганди. Ваҳолонки, Ширинов бу номга даъвогарлардан кўра, кўпроқ, бу сўзга ҳақлироқ эди. Шунингдек, Зуфарни ва Самақандийни номини олдига муридлари шайх деб, ёзишларини ҳам уларга ярашадиган иш эмас, дейман. Бу калимани олишга, шошмай турганлари афзалроқ эди. Зеро, уларнинг илми бор йўқлигини, бу калима бор йўқлиги, ҳал қилмайди. Қолаверса, Абдували қорини то йўқолгунга қадар, ҳамма қори ака дейишди. Ваҳолонки, у киши, бу «шайх»ларнинг юзтасидан афзалроқ эди. Шу номга лойиқроқ эди. Умуман олганда илм миқдори, бу калима билан ўлчанмайди.

Хуллас, Стромсунд кичкина қишлоқ бўлиб, ўзбеклар жамоаси бир маҳаллага тўпланиб яшашарди. Бу ерда Коммун қурган уйлар бўлиб, ҳаммаси шу уйларда ижарага туришарди. Швецияда аксар аҳоли шахсий уйда эмас, коммунга тегишли ижара уйларда яшашади. Ўзбеклар келгач, кўчаларда гуруҳ гуруҳ бўлиб, айланиб юришарди. Ҳаммаси бирга масжидга келиб кетар ва болалари бирга ўйнашар ва аёллари юзларигача ёпинган ҳолда, тўп тўп бўлиб, юришарди. Бошқаларга бу ҳолат ажабтовур бўлганлиги аниқ. Чунки, бу ерда бу каби, ҳаммаси тўп тўп бўлиб, бирга юрадиган одамлар йўқ эди. Ҳамма ўзининг шахсий ҳаёти ва иши билан, ўзича яшайди. Ўзбеклар жамоаси жамоат бўлиб яшашарди.

Ҳаммасида машиналар бор ва ҳаммаси соқоллик эди. Мактабларга ўқишга борганда ҳам ва маҳаллада юрганда ҳам ва ҳаммаси тўпланиб, масжидга кирганда ва ёки, тўйлар берганда оломон ҳамма ёқни босиб кетарди. Бу ерда тўйлар бўлса, Стокҳолмдан, бошқа ерлардан кўплаб ўзбеклар келишарди. Бу тўйлардаги тўкин дастурхонни, гапирмай қўяверай. Мен Тошкентликларни дастурхонни безашликда, (умуман дунёвий дабдабада) Ўзбекистонда энг пешқадам эканликларига ишончим комил эди. Обид қори гарчи, Тошкентлик бўлмасада, у ерда анча яшаган ва қавмини ярми Тошкентлик бўлгани учунми, бу ерда дастурхонлар шоҳона бўларди. Сомсалар ва ундан кейин ош ва ундан кейинги, торт ейишлар масалан, бизда йўқ бўлган нарсалардир. Бунақаси Тошкентда ҳам бойваччаларда бўлмаса, ҳаммада бўлмаса керак? Бу ерда бирорта, оддий уйдаги йиғин бўлсин, тўйлар дастурхони бўлсин, дабдабасиз бўлмасди. Тўйларда албатта, битта минбар столи бўлиб, у ерга казо казолар ўтирарди. Авомга қатор столлар қўйилиб, уларни ҳам назорат қилувчи, махсус одамлари бор эди. Кимлар келганига қараб, уни ўша категорияни столига олиб бориб, ўша ердаги курсиларни кўрсатиб, марҳамат ўтиринг дейишарди. Хуллас, ҳаммани мақомига яраша, ўрни бор эди. Хизматдаги одамлар бор эди. Казо казолар столига Обид қори жаноблари, Ҳасан ака, Тоҳир қори ва Доктор Шириновлар ва бефаросат номини олган бир нусха ҳам, албатта ўтирарди. Буларга микрофон берилар ва улар одоб ахлоқдан маъруза қилишарди. Олдинлари фақат Обид қори маъруза қилиб, шу билан тўй тугарди. Кейинчалик, у ердаги бошқаларга ҳам микрофон бериладиган бўлди. Маърузачилар ичида бефаросат алоҳида ажралиб турарди. Турқи жирканч бу кимса, шеърлар ўқир ва турли олди қочдилар билан, авомни кулдирарди. Буни мақтов эшитиш фаризаси кучлилиги, Обид қорига маълум бўлган шекилли, унга сўз берилмаган бирорта издиҳом бўлган эмас. Уни ҳам бирорта издиҳомдаги, бирорта маърузаси бирорта одамнинг ёдида қолган ҳам эмас. Чунки, булар «дежурний» маърузалар бўлиб, ҳеч кимга таъсири бўлмасди. Биров эшитмасди. Булар бари шу олди қочди қилиб, тўйни ўтказиш учун бир восита эди халос. ОБИД ҚОРИ ЛИДЕР ТАБИАТЛИ ШАХС ЭДИ. Лидер деганда пешволик сифатига эга ва одамларни ўзига эргаштирувчи шахс эди. Бунақалар арестантлар тилида, «паровоз» дейилади. Унга эргашувчилар «вагон» дейилади. Маълумки, вагонлар то, бирорта паровозга уламагунча, жойидан жилмайди. Вагонларни қайси паровозга уласа, ўша тортган томонга кетаверишади.

Мен одамларга баҳо берганимда, фикримни англатиш учун, шу калималарни истеймол қиламан. Обид қори паровоз ва Муҳиддин Ширинов ҳам паровоз эди. Ҳасан ака, Тоҳир (Абдуллатиф қори) ака, Бефаросат ва бошқалар, вагонлар эдилар. Обид қорига муқарраб бўлган бошқа шахслар ҳам кўп эди. Улардан бири Абдувоҳид бўлиб, у Тошкент районида имом бўлган. Обид қорини шогирдларидан бўлган ва у ҳам қамалиб чиқиб, кейин, БМТ орқалик бошпана олиб, бу ерга келганди. Бу киши ҳам қавмни лидерларидан саналарди. Ўзи вагон табиатли, киши эди. Мулойим, ҳалим одам эди. У Обид қори масжидида имомлик ҳам қиларди. Шу масжидда аксар ҳолларда, у имом бўлиб намоз ўқиган. Қавмни аксари, унга итоат этарди. Бу жамоани «бошқарув ҳайъати» номлик бир гуруҳ бошқарарди. Бу ҳайъатга казо казолар кирар ва уларнинг тепасида Обид қори турарди. Булар жамоатдаги барча масалаларни, биргалашиб ҳал қилишарди. Булар чиқарган қарор, қавмдаги барча аъзоларга, смс орқалик етиб борарди. Уларга бу қарорга итоат этиш, вожиб бўларди. Тўйларда кўплаб хизматлар бўлар ва бу хизматлар тақсимланарди. Аёлларга ким қанча сомса пишириши ва кимни торт пишири ва кимни уйига, қаердан қанча меҳмон келиши ва ҳаказолар аниқ тиниқ ҳисоб китоб қилиниб, ҳаммага ўз вазифаси юклатиларди. Шундай қилиб, узоқ яқиндан келадиган меҳмонларни тўйхонага тўплаб, юзлаб одам йиғилган ерда, дастурхонлар ёзиш ва одамларни меҳмон қилиш, Бефаросатни маърузасини эшитиш, ошни ейиш, ва тарқалиш керак эди. Кейин худди шу ерга, аёллар таклиф қилинар ва уларга ҳам, худди шу каби, хизматлар қилинарди. Аёллар тўйи тугагунча, эракларни у бу кимларни уйига жўнатишар ва улар аёллар тўйни тугатгунга қадар, ўша уйларда ўтириб кутишарди. Бу юзлаб одамнинг ярми, шу қишлоқ аҳолиси бўлиб, қолгани меҳмонлар бўларди. Булар жуда катта бош оғриқ ва ташвиши кўп жамоат эди. Лекин, жамоат бўлиб яшашни шарт, шу ташвишларни бажаришликни тақозо қиларди.

Жамоат бўлмаса, ҳамма ўзича тарқоқ яшаса, бунча ташвиш бўлмаслиги аниқ. Шунингдек, бу каби йиғинларда, Обид қорини хавфсизлиги учун, махсус қўриқчилар бўлиб, улар бу оломон ичидан, Обид қорига зарар етказиб қўйиши мумкин бўлган одамларни кузатиб, уни олдига ким яқинлашса, улар диққатли бўлиб туришарди. Обид қори, бир томондан дабдабани хуш кўрар, ва бир томондан, ўзининг ҳаётига суиқасд бўлишидан хавфсирарди. Шунинг учун ҳам, тўйларга, тасодифий одамлар келишига йўл қўйилмасди. Ҳар бир нотанишроқ бўлиб тўйга келувчини, зимдан назорат остига олинарди. Бу жамоатда ҳамманинг ўз ўрни ва вазифаси бор эди. Булар митти давлатча шаклида яшашарди. Турган битгани ташвиш бўлган бунақа жамоани, фойдалари ҳам кўп эди. Болаларга диний таълим беришлик йўлга қўйилганди. Дунёвий тирикчиликда бир бирларига ёрдамлашишарди. Ўртага пул ташлаб, байтул мол ташкил қилинган бўлиб, бу пуллар жамоани умумий ишларига сарфланарди. Бу пуллардан Ўзбекистонда қамоқда ётганларнинг оилаларига садақалар қилинган. Шу пулларга бир икки марта Стокхольмга бориб, намойишлар ҳам қилиб келишганди. Бизлар ҳам қатнашган бу намойишларда, бизнинг қишлоқ аҳли, ҳар ким ўзича борганди. Бу каби, жамоат ва катта куч, бошқа ерда йўқ эди. Швециянинг жанубидаги Калмарда ҳам, ўзбекларнинг катта жамоаси яшайди. Булар акрабийлар тоифасига мансуб бўлиб, уларда битта бошчи йўқ ва тарқоқ ҳолда яшашарди. Шунгами билмадим, уларнинг бор йўқлиги ҳам маълум эмасди.

Обид қори жамоаси Ўзбекистондан ташқаридаги, ўзбекларнинг энг катта, бир нуқтадан бошқариладиган, тартибли жамоаси эди. Булардан каттароқ жамоат бошқа бир Наманганлик кимса, Тохирвойнинг ЎИХси бўлган бўлиши мумкин?! Лекин, улар бугунга келиб, тамоман йўқ бўлиб кетди. Улар қиссаси ҳали китобда, яна баён этилади. Обид қорининг жамоат қилиши сабаблари, менимча, шулардан иборат эди. Жамоат бўлмаса, ҳамма тарқоқ бўлар ва куч қудратга эга бўлмасдилар. Обид қори Тошкентда, ўзининг катта жамоасига эга бўлган шахс эди. У бу каби, жамоатни олдин ҳам ташкил қилган ва бошқарганди. Шу жамоаси туфайли у машҳур бўлганди. Катта ўғли Ҳусниддинни уйлантирганда, қайсидир ресторанга икки минг кишини таклиф қилиб, тўй қилгани ҳақида, турмада ётганимда эшитгандим. Бу тўйга қайсидир давлатни элчилари ҳам, таклиф қилинган экан. Элчиларни таклиф қилиниши Обид қорини, машҳурликда Республика миқёсидан ташқарига, дунё миқёсига чиқаётганига бир далил эди. Гарчи, диний нуқтаи назардан булар бари, сариқ чақага қиммат нарсалар бўлсада, жамоат лидери учун, муҳим нарсалар эди. Булар бари, унинг куч қудратини кўрсатувчи далиллар эди. Жамоасиз, улар ҳеч киммас бўлиб қолишади. Шунинг учун ҳам кучли лидерлар, жамоатсиз яшолмайдилар. Улар жамоатсиз сувдан чиқиб қолган балиқ каби, бўлиб қоладилар. Жамоат ичида яшаш эса, ўзига яраша қатор ташвишлари бор эди. Булар баёни ҳали ўз ўрнида яна ёзилади.

Брекке қишлоғи

Мен яшайдиган қишлоқ номи Брекке бўлиб, у ерда ҳам уч тўртта ўзбеклар оиласи яшарди. Мен шу қишлоққа келганимдан кейин, улар билан танишганман. Мен Швецияга Россия турмасидан келгандим. Турмадаги кўплаб бўлиб ўтган оғир синов ва имтихонларни «муситақиллик шарофати» номли китобимда, ёзганман. Бу ерда ёзишга ҳожат йўқ, деб ўйладим. Киевдан Стокхольмга ва у ердан Остерсунд деган, шаҳарга самолётда учиб келгач, мени кутиб олган икки аёл, машинасида, шу кичик қишлоққа, олиб келишди. Тунги соат иккиларда, улар мени бир уйга киргизиб, қўлимга уйни калитини бериб, эртага келамиз, деб кетишди. Шу тунда ойнадан ташқарига қараб, ерлардаги оппоқ қорга тикилиб, узоооқ ўй сурганман. Чарчаганимга қарамасдан, ухлолмадим. Икки ракат намоз ўқиб, золимдан кутқарган Аллоҳга ҳамду санолар айтдим. Менга қарши катта жиноий иш очилган бўлиб, шу сабабли Москвада, ўзбек ментлари томонидан ушлаб, КПЗга қамалгандим. Бир хафтага олиб кетамиз деган, ментларни бошқа кўрмадим. Турмада бир йилдан ортиқ муддат қолиб кетдим. Мен Ўзбекистонга депорт бўлишимни кутардим. Булар бари ўн йил қамалиб чиққанимдан кейин, бўлаётганди. Аввал ҳам бирор иш қилмасдан қамалиб, шунча йил азобу уқубат кўриб чиқиб, энди ҳам бирор иш қилмасдан қамалгандим.

Мен БМТга боришни ва бошпана сўрашни ҳам, билмас эдим. Мени ватандан кетиш ниятим ҳам, бўлган эмасди. Мен БМТга бориб бошпана сўрамаганман. БМТ қочоқлар қўмитаси вакиллари, Можайск турмасига менинг олдимга учрашувга ўзлари келишганди.

Улар билан турмада беш соат гаплашганман. Турмада ётганимда «Гражданское содействие» деган, инсон ҳуқуқини ҳимоя қилувчи ташкилот ёллаган адвокат, менга ёрдам берганди. Ўша ерда ишлаган ҳуқуқбон Елена Рябинина менга ёрдамлашган. Ўша ерда «Моя краткое автобиография» деган рисола рус тилида ёзиб, адвокатдан Елена Рябининая бериб юборгандим. Ўша ерда В.В. Путинга очиқ хат ёзганман. Булар бари ўша китобимда бор. Ўша ерда Обид қори Назаровга ҳам, бир хат ёзгандим. Уни ҳам адвокатга берганман. У хат Елена Рябинина орқалик, Швецияга Исмоил Дадажоновга келган. У киши Обид қорига етказган экан. Булар бари Швецияга келишимдан олдинги гаплар. Мен у пайтда, ҳали бу ерга келиш, келмаслигимни ҳам билмасдим. Хуллас, турмада пайтимда Елена Рябинина телефон қилиб, Озодлик радиосидан бир мухбир, сен билан гаплашмоқчи деб, қолди. (Россия турмаларида телефон бор эди) Мен унга нумеримни айтдим. Хуллас, ўша ердан радиога интервью беришни бошлаганман. Бу ҳолат турмадан чиқиб, яна бир йил сарсон бўлиб, юрганимда ҳам ва охири Швецияга борганимда ҳам, давом этган. Швецияга келишим аниқ бўлиб, самолётга мингач ҳам улар мен билан гаплашган эдилар. Бу интервьюлар озодлик сайтида чиққанди. Мен бу ерга келиб, тунда деразадан ойнага тикилиб ўтирган пайтимда, мени бу ерга келганимдан, Швециядаги ўзбекларнинг хабари бўлган экан. Менинг қишлоғимдаги ўзбеклар ҳам, бундан хабардор эканлар. Эрталаб, ухлаб ётсам, эшик тақиллади. Уйқусираб бориб эшикни очсам, уч тўртта ўзбек одамлар турибди. Мен уларга кинглар деб, юзимни ювиб, улар олдига чиқдим. Қучоқлашиб кўришдик. Мен турган уй бир хона бўлиб, ҳали ичида, битта каравотдан бошқа нарса йўқ эди. Ўтирадиган ер йўқ эди. Бу меҳмонларни нима қилишни билмай тургандим. Улар менга, юринг сизни меҳмон қиламиз деб, уйига олиб кетишди. Бу одамлардан бири, бўйи икки метр келадиган басавлат киши исми Шорасул экан. Нариги амаки, Абдумалик тоға дегани экан. Аксар ҳолда, у кишини Тоға деб чақирган. Яна бир ўсмир йигитча исмини Салоҳиддин деб, таништирган. Яна бир кичкина бола Шорасул акани ўғли, Аҳмад экан. Бу тўрт киши, мен Швецияда кўрган биринчи ўзбеклар эди. Шорасул акани мен кейинроқ Бой ота деб, чақирадиган бўлдим. Гарчи катта бой бўлмасада, тўртта боласи борлиги учун, катта пул оларкан. Шунга яраша дабдаба билан яшар экан.

Швецияга келган ўзбеклар ҳаммасида, тўрт беш боласи бор эди. Боласи борларга катта пул берилди. Улар бари ҳеч қаерда ишламасада, тезда бойваччага айланишганди. Баъзиларини боласи ногирон бўлса, янада кўпроқ бой бўлар экан. Давлат ўша болага қарагани учун, ота онасига ойлик тўлар экан. Ногирон боласи борлар «маслакрат»ларга айланишади. Мен Бой ота деб чақирадиган, Шорасул акадан ташқари, Стромсундда ҳам бой оталар бор экан. Обид қорини ўнг кўли Абдувоҳид ҳам, Бой ота экан. Боласи кўплар ишламасада, катта пул олишар ва табиийки, тезда бойваччага айланишарди. Ҳар йили, тўп тўп бўлиб, ҳажга, умрага боришарди. Буларни ичида битта ҳажга бормагани, мен бўлсам керак. Ҳаммаси икки уч мартадан «Ҳожака» бўлишган, кимсалар эдилар. Дастурхонларига эса, ўша дабдабага ўрганган Тошкентликлар ҳам, қойил қоладиган даражада эди. Бой ота мени таклиф қилган дастурхондаги нозу неъматларни кўриб, ҳайрон бўлганман. Бу дастурхон аслида мен учунмас, Тоғага ва у билан келган йигит Салоҳиддинга аталган экан. Улар Бой отани қизларига совчи бўлиб келишган экан. Шу орада мен келиб қолганман ва улар мени таклиф қилишган экан. Дастурхонни кўриб, ҳайратдан ёқа ушлаганман. Ўн хил овқатлар едик, шашлик ҳам бор эди. Бой ота ўзи, Тошкентда ҳам сомса пишириб сотган ошпаз, нонвой экан. Бу ерда ҳам уйда овқатни, ўзи пиширадиган киши эди. Мен уларга қараб, сизлар исрофгар экансизлар деганман. Бу гапимни Тоға менга кейинчалик, кўп марта эслатган. Хуллас, бу Тоға ишлагани келган меҳнат муҳожирини экан. У ҳали биз каби, бошпана олмаган ва кутиб юрган экан. Ҳалиги Салоҳиддин ҳам шунақа экан. Буларга Бой ота қизини бермади. Салоҳиддин Тошкентга бориб уйланиб келиб, Стокҳолмда кўп йил ноқонуний яшади. Охири уни депорт қилишди. Ҳозир Туркияда яшайди. (Бу йигит кейинчалик катта бойвачча бўлиб кетди) Тоға бошпана олиб, бир аёлга уйланиб, Стокҳолмда яшаб юрди.

Унинг оиласи Тошкентда қолган эди. Мирзиё даврида уйига, Тошкентга қайтиб кетди. Бой ота кейинроқ, ИШИДчи бўлиб, Ироққа Сурияга кетди. Шу билан ҳозир Швецияга келолмай Туркияда ё, қаердадир қочиб яшайди. Булар баёни ўз ўрнида батафсил ёзилади. Хуллас, ўша Бой ота мени, Стромсундга олиб боришни айтганимда, у аввал сўраб кўраман деганди. Бу ердагилар бари Стромсундга бориб келиб туришар экан. Обид қори буларга ишонар ва булар, шубҳадан холи одамлар эканлар. Лекин, мени у ерга боришим учун, аввал рухсат олиш керак экан. Мен бунга аввал тушунмаганман, Бу Обид қори ўзининг хавфсизлиги учун ўрнатган, тартиб экан. Бирорта ўзбек, бирорта бегона одамни, у қишлоққа, улардан берухсат олиб бормас экан. Хуллас, Бой ота ҳар ҳафта, маъруза эшитишга Стромсундга қатнардди. Менга рухсат берилгач, мени ҳам олиб борганди. Ўшанда мен Обид қорини кўрганман. Менга нисбатан рухсат берилганидан ва менинг кимлигимни сўраб суритиришганидан, менинг албатта хабарим бўлмаган. Булар бари кейин маълум бўлди. Мени ўзим бир одамни олиб борганимда, Довуд мени алоҳида бир хонага чақириб, сўроқ савол қилганди. Мен у одамни олиб бориш учун рухсат сўрамаган эканман. Рухсат сўрашни ҳам, билмаган эканман. У одамни ўзи, булар мени меҳмонга таклиф қилди деганига, мен ўша пайтда машинам борлиги учун, уни олиб келгандим. Бунинг тарихини ўз жойида, яна батафсил ўқийсиз. Менинг биринчи олган машинам ҳам, шу Стромсунд аҳлидан олганман. Эски Опел машина бўлиб, ойда минг кронадан бўлиб, тўлашга келишиб олгандим. Булар бари машина олиб сотадиган, бизнесменларга айланишганди. Машинани авария қилиб, мусорга ташлаб, кейин пулини тўлаб юрганман. Буларда Ўзбекистондаги уйлари ва пуллари ҳам бўлган ва уларни ҳам сотиб, бир йўллар билан пулини бу ерга олдиришган ва яна Швеция ҳукуматидан ҳам пул олиб, ростакамига бойваччаларга айланишганди. Буларни ҳар бирида иккита, учтадан хотин бор. Туркияда ҳаммасини уйи бор. Булар аксари Ўзбекистонда турмаларда ўтириб, калтаклар еб қийналган одамлар ҳам, эмас экан. Аксари, қўлини совуқ сувга ҳам урмаган ва яхши ҳаётга интилувчи, мошениклар эдилар. Улар Обид қорига у ё бу даражада танишлиги учунгина, БМТни алдаб, бошпана олишган эдилар. Ўзлари молу дунёга берилган ва дабдабаю асъаса билан яшашни, хуш кўрувчи, маишатпараст одамлар эдилар. Обид қори буларга ишонар ва уларни бошқалардан устунроқ кўрарди. Ўзининг хавфсизлигини, шуларга ишонганди. Обид қори шулар орасида туриб, суиқасдга дучор бўлди. Булар бари бугунга келиб, Тошкентга қатнайдиغان бўлиб қолишди. Бу қишлоқ аҳлининг тўю азаси ва дўстларию, издиҳомлари, Ўзбекистоннинг бошқа жойидагиларидан мутлақо ажралиб турарди. Булар орасига келган бегоналар, буларга қўшилиб кетолмасди. Қўшмасдилар ҳам. Булар алоҳида сектага айлана бошлаган кимсалар эдилар.

Обид қори Жамоаси

Обид қори хавфсизлигини ўйлаб, ўз номини Обидхон Назаровдан Обидхон Собитхонийга ўзгартирган экан. Буларни мен суиқасддан кейинги, суд жараёнида билганман. Лекин, ундан бошқалари ҳам, номларини ўзгартириб, Ўзбекистондаги номдан бошқа номга ўтишганди. Бундан ташқари, бу ердаги номлари ҳам бошқача эди. Ҳаммасини иккита учтадан, номи бор экан. Баъзилари умуман шведча исмлар қўйиб, паспортлар олишганди. Обид қорини тушунса бўлади. У Интерполда қидирувда эди. Лекин, бу фирибгарларга нима хавф хатар борки, бундай ўзларини эҳтиёт қилишади, мен тушунмасдим. Булар аксари интерпол нари турсин, Ўзбекистонда ҳам қидирувда бўлмаганлар. Уларни МХХ қидирмас, умуман танимас ҳам эди. Мен бунақа эҳтиёткорликни Швецияда қилишни қўя турайлик, Ўзбекистонда ҳам эмас, турмани ичида ҳам қилмагандим. Булар нимадан бунча кўрқишади, тушунмасдим. Ҳаммаси бир бирига гумон билан қарардилар. Стокхольмдаги намойишда мен шеър ўқиганман. Буларни қарангда, видеода кўрасиз, сўзга чиқиш нари турсин, юзларини шарф билан ўраб, плакатни ортига бекиниб, камерага тушиб қолмаслика ҳаракат қилишган. Булар Ўзбекистондаги МХХми, бошқасими, бизни билиб қолмасин деганми? Наҳотки, улар билмайди?! Булар бу яшириниши билан нима манфаат топдилар? Баъзиларига айтганимда, яқинларимизга зулм бўлмасин, деймизда, дегандилар. Қойил! Мен ҳар осмондан тушмагандим ва ака укаларим бор эди. Укам қамоқда эди, ўшанда.

Булар ўзларининг маишатли ҳаётига, зарар етишини исташмасди халос. ИАК ўлиб, Мирзиё келгач, булар Тошкентга қараб йўл олишди. Чунки, улар Тошкентни танқид қилишмаган ва бирорта ўзларини зарарига ишлатадиган иш қилишмаган эди. Мен юртимга ҳозир ҳам боролмайман. Сабаби, мен ҳозир ҳам бу золим режимни, танқид қиламан. Булар бугун Тошкентга бориб, абгор эшакка салом айтишяпти. Абдулбосит номли бир шахс бор. Унинг ҳам асли исми Аброр бўлиб, эшак билан адаш кимсадир. Бунинг лақаби қулоқ дейилади. Буни ўзлари айтишган. Сабаби, у булар ичида, сал тили чиқиб қолганлардан эди. Ментлар олдига бориб, қавмда нима бўлаяпти, маълумот бериб турадиган шахс бўлган. Обид қори жамоасини ментлар билан алоқа қилиш бўлимида ишлайди, десам, тўғрироқ бўлади, расмий тилда айтганда. Бу киши ўзи жуда мулойим, гаплашганда одамни ҳурмат иззатини жойига қўядиган кимса. Бир тасодиф билан уйига бориб қолдим. Эшигида лотинчада игамбердисон деб ёзилганди. Мен унга бу нима десам, кулиб, ҳа энди тўғри тушунасизда деб қўйди. Эгамбердиев бўлган бўлса, фамилияси энди Игамбердисон бўлибди. Исми эшикда ёзилмаган эди. (Лекин исми Даниел Игамбердисон эканини кейинроқ билганман) Булар махфий хизмат одамлари каби, сирли шахслар бўлиб, турли номларда, зимдан иш қилишга уста эдилар. Лекин, мусулмон исмларини ўзгартиришлари тушунарсиз эди. Бир куни мен Обид қорига ниманидир гапираётим, Собир қори шунақа деди, дедим. Ким у Собир қори? деди. Мен унга ҳайрон бўлиб қарадим, куёвингиз Собир қори дедим. Обид қори менга ҳайрон бўлиб қараб, мен танимийман деди. Ҳамма Собир қори деб, чақирадиган қори йигит, Обид қорини катта кизига уйланган куёвини, Обид қори танимас экан. Унинг исми Собирлиги, биз авомга танитилган. Обид қорига ўзининг ҳақиқий исмида танитилган. Натижада, шунақа система сбой бериб қоларди. Мен ҳам ҳайратда қолганман.

Исмини ўзгартирмаганлар ҳам бор эди. Улардан бири Абдувоҳид ва бири Муҳиддин Шириновдир. Мен буқаламундек тез тез ўзгарувчиларни эмас, ўз исмида, жисмида, амалида, сўзида, ақидасида собит турувчиларни ҳурмат қиламан. Обид қори жамоасида, ҳар кимга ўзига хос ва мос вазифалар ва хизматлар берилганди. Масалан Абдулбосит ташқи ишлар вазири бўлса, яъни, коммун билан ва ментлар билан алоқа қилувчи бўлса, яна кимдир ички ишлар вазири эди. Кимдир таълим вазири бўлса, кимдир тўй маросимлар ўтказувчи масъул. Кимдир намоз ва масжид масалаларига қараса, кимдир шофёрлик ва олди сотди каби, хизматларга масъул. Ҳаммани ўзига хос ва мос иши бор эди. Сайтларга қаровчилар ҳам бўлиб, улардан бири Обид қорини куёви Абдулазиз эди. Бу йигит хакер бўлиб, интернет соҳасига у масъул эди. Ислом овози сайтини ҳам у юргизарди. Матнларни ёзишда, Абдувоҳид масъул бўлса, Довуд Назаров маслаҳатчи ва умумимий кузатувчи эди. Булар ўзаро келишган нарсагина, у сайтга чиқарди. Матнларни ёзишилишига эътибор қилинса, Обид қорини улуғлашлик, ёлғиз одамни, жам сиғада гапириб сифатлашлик, бўлса бўлмаса, сафсаталарни ёзиб улуғлашлик, шуларнинг ижод маҳсулидир. Устозимиз деган имзо қўйилсада, аслида бу таҳрир аъзоларидан бири Довуд ва энди бунга Муҳиддин Назаров ҳам қўшилган. Лекин, Отам шунақа шунақа деб, ёзса, нокамтарлик бўлади деб, устозимиз Обидхон қори ака деб, ёзишади. Ўқувчиларда, ҳа бу сайтни, шогирдлари юритар экан деган, фикр пайдо бўлади. Гўёки, бунга Обид қори болалари, алоқаси йўқдек бўлиб кўринади. Бу сохталик уларга чиройли кўринган бўлса керакки, шу услубдан қайтмасдан келишяпти. Улар буни сохталик эканини англайдиганлар ҳам чиқиб қолишини, ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Лекин, булар Обид қорини мақташда, Бефаросат номли, кимса услубида иш қилмайдилар. Отам зўр, ундай қилган ва бундай қилган деб ёзишмайди. Буларнинг фаросати, бефаросатнинг фаросатидан, устунроқ эканига гувоҳ бўламиз. Бу сайтда албатта, Обид қорини мақтаган матнлар чоп қилинади. Қоралаган бўлса, чоп қилинмайди. Чунки, Обид қорини фақат мақташлик керак! ШАРТ! Холис бўлиш шарти шу! Уни танқид қилсанг тамом! Холис эмас одамга айланасиз! Шу замонда сиёсатчи Намоз Нормўмин тоғамиз ҳам бир ажойиб мақола ёзганлар. Бу киши мақолани холис ёзганлар, деб тушунинг. У киши пахта қўймаганлар. ХОЛИСОҲА ёзганлар. Мана шу мақола.

ЭЪТИРОФ

Ҳурматли дўстлар! Бугун мен ҳаётимнинг энг муҳим эътирофини сизлар билан баҳам кўрмоқчиман. Аҳли қалам биладики, улар ёзадиган нарсалар ҳар замон ҳам самимиятдан иборат бўлмайди.

Чунки қалам аҳли инсонларга ўз ёзганларининг маъқул келишини, жуда кўпчиликка ёқишини ва бу ёзганлари орқали ўзларининг халқ орасида машҳур бўлиб кетишини кўнглининг бир чеккасидан албатта ўтказди. Бу билан ўз самимиятларига путур етказётганларига эса улар эътибор бериб ҳам ўтирмайдилар. Аммо мен бугун сизларга самимий бир эътирофда бўлишни истайман. Бу эътироф кимларнинг ҳақиқатан ҳам халқ, миллат ва ватан қаҳрамонлари эканлиги ҳақидадир. Маълумки, ҳақиқий қаҳрамонлар қаҳрамонлик ҳақида ўйламайдилар, ўз амалларини одамлар уларни қаҳрамон, деб эълон қилишлари учун қилмайдилар. Ҳақиқий қаҳрамонлар ўз соддаликларининг ёнида ҳақиқий эътиқодлари билан Ҳақни, ҳақиқатни жонларини ўртага қўйиб ҳимоя қилишлари билан қаҳрамон бўладилар. Улар бу билан аслида орқада келаётганларнинг жонларини ҳам сақлаб қоладилар. Орқада эса шуҳратпараст, кўпроқ ўз манфаатларини ўйлаган, одамлар бизни қаҳрамон, деб билсин дейдиган тоифалар келади. Одатда мана шу тоифалар фармонларда, қоғозларга, газеталарда, эълонларда, маросимларда қаҳрамон, деб эълон қилинади. Халқ қаҳрамони, халқ ёзувчиси, халқ артисти, халқ муҳолифатчиси ва ҳоказо... Халқнинг ҳақиқий қаҳрамонларида эса бундай унвонлар бўлмайди. Зотан, улар ҳаётларини қаҳрамон бўлиш учун эмас, ҳақиқий инсон бўлиш учун яшайдилар. Бу билан фақат ўзларининг эмас, ўзлари мансуб бўлган миллатларининг, халқларининг кимлигини, шон шарафини ва тарихини кўриб қоладилар. Улар бу билан нафақат халқнинг, балки Ҳақнинг ҳам қаҳрамонларига айланадилар. Аммо улар бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмайдилар, буни анови «халқ» қаҳрамонларига ўхшаб кўз кўз ҳам қилмайдилар... Халқимизнинг шундай қаҳрамонларидан бири ҳеч шубҳасиз Обидхон қори Собитхон ўғлидир. У киши Ислом олими, даҳрий совет тузумидан кейин мусулмон халқимизнинг ўз динини, эътиқодини қайта танишида ва унга эргашишида жуда катта хизмат қилган халқимизнинг асл фарзандларидан биридир. Обидхон қори ўз даъватларини фақат халққа эмас, золимларга ҳам етказа олди, бу билан уларнинг зулмининг ошқор бўлишига катта ҳисса қўшди. Фақат ўзи эмас, бутун оиласи билан Ҳақ йўлида бўлди, натижада ўғилларидан бири золим режим тарафидан ўғирлаб кетилди. Золимлар бу билан чегараланмадилар. Улар муҳожиротда яшаётган Обид қорининг изидан ўз жосусларини юбориб, ўзбек имомининг жонига қасд қилдилар...

Яна шундай ҳақиқий қаҳрамонлардан бири ҳеч шубҳасиз шаҳид (иншоаллоҳ) дўстимиз Фуад Шокирий, яъни Фуад Рустамхўжаевдир. Фуад зиёли айни пайтда иймонли бир халқпарвар йигит эди. У Халқ Ҳаракатининг йиғилишида Каримовнинг зулмига қарши миллат манфаатини ҳимоя этиб сўзлаган самимий чақириғи ва бу йўлдаги саъйи ҳаракатлари учун Русияда режимнинг қотиллари тарафидан шаҳид қилинди. Фуад соф, мард, иймонли ва жасур инсон эди. Унинг сиймоси доимо менинг кўз ўнгимда ва бу сиймо менга ҳақиқий ўзбеклар мана шундай инсонлардир, деган самимий бир таассурот беради...

Халқимизнинг яна шундай фарзандларидан бири золимнинг кўзига тик қараб ҳақиқатни айтгани учун 24 йил қамоқда ўтирган Самандар ака Қўқоновдир. 24 йил айтишга осон. Мен ўзимча ўйлайман: агар мен 24 соат ёки 24 кун Самандар ака каби Каримовнинг даҳшатли қамоғида қолганимда нима бўлар эди.? Бу саволга жавоб бера олмайман, ундай бўлар эди, бундай бўлар эди, деб жавоб берсам ҳам бу барибир сохта жавоб бўлар эди. Чунки бир инсон бунчалик узоқ муддат ноҳақ қамоқда ўтириши учун ҳаёлий тасаввурга эмас, аниқ ва каттиқ иродага эга бўлиши керак. Менинг бу гапим Самандар аканинг қамоқхонада ўтирган у даҳшатли кунларининг бир сониясини, бир дақиқасини ҳам таъриф қилишга етмайди. Яхшиси, эътироф қилай: мен бу ҳақиқий қаҳрамонларнинг қаҳрамонликларини таъриф қилишга ожизман. Зотан, улар бизга ўхшаб, уларнинг сояларидан жон сақлаганларнинг қоғоздаги таърифига мақтовларига муҳтож ҳам эмаслар... Ўзбек халқининг мана шундай қаҳрамонлари бор.

Уларнинг олдида фармонлардаги, қоғозлардаги, газеталардаги, эълонлардаги ва маросимлардаги қаҳрамонлар, улар орасида истиснолар бўлсада, сариқ чақага ҳам арзимайдилар. Халқнинг бу қаҳрамонларининг сони қанча? Улар 3 та эмас, 30 та ҳам эмас, 300 та ҳам эмас, 3000 та ҳам эмас, энг камида 30 мингта менимча.

Бу қаҳрамонлар 27 йил давом этган Ислом Каримов зулмининг чиғиригидан халқимизни омон эсон олиб ўтдилар. Ўзларининг жонларининг ва ҳаётларининг баҳосига бу ишни қилдилар. Уларни қаҳрамон, деб эълон қилишлари учун эмас, буни инсон, дейилган мавжудотнинг фитратида ва табиатида бор бўлгани учун ҳам улар шундай яшадилар... Менинг эътирофим шундан иборатки, халқни Ҳақ яратган ва халқ бор экан, унинг эътиқодини, маънавиятини, аслини қўриш учун ҳаётларини ўртага қўйиб, бу қадриятларни йўқ қилишга уринадиган золимларга қарши курашадиган халқнинг, миллатнинг ҳақиқий фарзандлари ҳам доимо бор бўлади. Охирги ҳақиқат эса мана шундай қаҳрамонларнинг ёнида, йўқ ёнида эмас, улардан орқада, уларнинг соясида жон сақлайдиган бизга ўхшаган инсонлар ҳам доимо бор бўлади... Ҳаётнинг ҳақиқати шулардан иборатдир. Ҳаётнинг эътирофи шулардан иборатдир...

Намоз НОРМУМИН

05.12.2016

Жаноб Намоз Нормўмин тоға, негадир, самимийлиги эътироф этилган мақоласида, бу қаҳрамонлар сафига Туркияда отиб кетилган Абдуллоҳ Бухорийни қўшмаган. Абдували қорини қўшмаган. Ўша пайтда 24 йилдан ошиқ турмада ўтирган Муҳаммад Ражаб акани ҳам қўшмаган. Пешонаси саждага бормаган Самандар Қўқоновни қўшган. Бу мақолани Ислом овози сайти чоп қилган. Мақтов ғаризаси қонди буларни. Обид қори қаҳрамон деб, эътироф этилди. Қойил. Намоз тоға Абдуллоҳ Бухорийни қўшмаслиги, унинг носамимийлигидан эмасди. Бу унинг сиёсий эҳтиёткорлигидан эди. Агар, ИАК Обид қорини улуғлаб, ростдан ҳам қаҳрамон деган, унвон берганида, Нима бўларди?! Тасаввур қилаверингда энди! Ислом овози сайтида, Абдуллоҳ Бухорий отиб кетилганда, таъзия эълон қилинмади. Лекин, МСМЮ бескетбол ўйнаб ўлганида, унга таъзия билдирилди. Булардан қай бири таъзияга ҳақлироқ эди? Ислом Овози сайти, холис ва соф ақидадами? Улар Обид қорини ҳукумат наздида «яхши» одам қилиб кўрсатишга уринадилар халос. Шу сабабли, МСМЮга таъзия берилди. Абдуллоҳ Бухорийга берилмади. Қолаверса, ЎИХнинг амири Тоҳир Йўлдош ўлгани аниқ бўлганида ҳам, бу сайтда унга таъзия билдирилмади. Чунки, Обид қори, ҳукумат назидида, «ёмон» деб, кўрилган шахсларга таъзия билдирса, ўзи ҳам шулардан бўлиб қолардида. Намоз Нормўминни эса, гапирмайман. У киши диндан беҳабар одам. Ва ундан диндаги холисликни талаб қилиш, имконсиз. Ислом Овози сайти модераторлари эса, ўзларини, уламо санайдиган зотлардир. Уларнинг кимлигига, халқ ҳам баҳо берсин! Аллоҳ қиёматда, албатта баҳолайди.

Обид қори қавмидаги ЎИХчилар

Обид қори атрофига Швецияда тўпланганлар ҳаммаси ҳам, Тошкентда унинг масжидида диндор бўлган тақводорлардан иборат эмасди. Мен билган баъзи ўғри каззоблар ҳам бу ерга келиб кўрсам, Обид қори қавмида бор экан. Мен Товоқсойда ўтирганимда ўғирлик қилиб қамалганлар болалар бор эди. Булар Тошкентликлар бўлиб, биттаси Зиёд ва бири Фарҳод деган болалар эди. Буларни Товоқсой зонасида кўргандим. Мен у пайтда бунақа ўғрилардан қанчасига, имон исломдан дарслар бергандим. Кўплаб ўғри каззоблар, Аллоҳ ҳидоятлаб, диндор мусулмон бўлиб кетишганди. Булар ҳам, мендан озми кўпми таълим олишган эди.

Қазони қаранги, бу ерда мен зонада таниган, бир ҳизбут таҳрир партияси аъзоси бўлган йигит ҳам бор эди. У зонада тезда Халифа келади деб, мени бошимни қотирар ва мен хизбутлар билан, кўп тортишиб жанжаллашиб юрардим. Бу болани ўша зонада, хизбут деб чақиришарди. Ўша хизбут ҳам, Обид қори қавмида экан. Энди акрабий бўлибди. У менга хизбут йўли хатолигини ва акрабийлар тўғрилигини, айтишни бошлади. Мен унга қараб, ҳайрон қолардим. Бу бола ҳам, Наманганлик эди. Бу ҳам Акрабийларга қўшилиб, улар билан Қирғизистонга чиқиб, улар билан бирга, бу ерга келган экан. Ўзи ажойиб, хушхулқ йигит эди. Лекин, довдираб, хали хизбут ва хали акрабий бўлиб юрарди. Нариги икки ўғрини, буларга қўшилиши ҳам қизиқ бўлган. Улар зонадан чиқиб, иккаласи икки опа сингилга уйланишган. Бу қизлар қайсидир маънода диндорга айланган, Тошкентлик крутойлардан бўлган.

Булардан бири эрини олиб, чет элга кетамиз деб, Қозоғистонга бориб, БМТга ариза топширган. Ўша бириси Обид қори қавмига қўшилиб, эрини ҳам олиб, бирга Алматига келган. Иккинчиси, Москвада қурулишда ишлаб юрган бўлган. Униси ҳам, бу хабарни эшитиб, Москвадаги БМТ қочоқлар қўмитасига учраб, ўзини тақводорман деб, бу ҳам бошпана олган ва у ҳам Швецияга келган. Хуллас, бу икки опа сингил эрларини, олиб келиб, Обид қори қавмига қўшганди. Бу эрларни мен, ҳали улар ўғри қазоб пайтида кўргандим. Ана шуларнинг диний қарашлари, Обид қорининг, бошқа шогирдларидан ажралиб турган. Булар Афғонистондаги Тохирвойни гуруҳига мойил кимсалар эди. Айни шу кабилар, Швецияда мактабга ўқишга бориб, бизга алоҳида хона берасизлар. Эркаклар алоҳида ва аёллар алоҳида ўқисинлар деб талаб қилишган. Келгиндилар учун бу ерда тил ўргатадиган мактаблар бўлиб, у ерда турли жойдан келган мигрантлар, тил ўрганишарди. Мактаб ректори ўзбек хотинлари талаб қилган учун, синф хонасига эркакларни бир томонга ва аёлларни бир томонга ўтказиб, ўртасига тўсиқ қўйиб қўйган. Хона бир бўлсада, алоҳида ўтирадиган бўлишган. Бу тартиб синфдаги, бошқа миллатга мансуб мусулмон бўлмаган аёлларга ёқмаган. Улар жанжал кўтариб, Мигрантлар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи ташкилотга арз қилишган. Хуллас, Бу воқеъа шов шув бўлиб, Швед марказий телевидениясидан келиб, махсус репортажлар қилишган ва бутун мамлакатга кўрсатишган. Миллатчилар партияси бунга шов шув қилиб, нега диний расм русумлар бизнинг мактабимизга ҳукмронлик қилади деб, парламентда жар солганлар. Бу масалада, турли сиёсий партиялар, ўзаро дебатлар қилишган. Швецияда мусулмон муҳожирлар жамоаси кўп. Араблар ва Сомалияликлар жуда кўп. Ўзбеклар нисбатан кам ҳисобланади. Лекин, бу каби талаб, улар томонидан қилинмаган. Ўзбеклар шуни талаб қилишган эди. Қўйидаги линкларда швед телевидениясида чиққан шу мавзудаги шведча ёзилган мақолалар бор.

<https://www.svt.se/.../man-och-kvinnor-skildes-at-med-skarm> Män och kvinnor skildes åt med skärm PUBLICERAD 5 SEPTEMBER 2010

Маҳаллий аҳолидан ҳам, мусулмонларга ёвқарашдаги шахслар кўпайганди. Охири ректор ўртадаги тўсиқни олиб ташлашга, мажбур бўлган. Стромсундлик аёллар мактабга бормаймиз деб, туриб олишган. Хуллас, бу можаролар Обид қорига катта ташвиш келтирди. У қавмини ичидаги бу, тақводорлиги ҳаддан ошиб кетган аёлларни инсофга чақириб, эрларига насиҳатлар қилиб, бу ер мусулмон мамлакати эмас. Бу ерни ўзини қонун қондаси бор. Буларга биз амал қилишга мажбурмиз. Сизлар бу ерга адашиб келибсиз. Ўша Афғонга кетсанглар бўларди. Бу ерда, биз қонунига амал қилишимиш керак деб, тинчитган. Обид қорининг бу талабидан радикал гуруҳ норози бўлган. Шу пайтдан бошлаб унинг қавмида бўлиниш бошланди. Радикал гуруҳ ва либерал гуруҳ, у ва бу масалада доим тортишадиган бўлишди. Бу ерда бассейн бўлиб, у ерда одатда швед аёлу эркаклар, бирга чўмилишади. Булар аёлларни алоҳида чўмилишини ва шу куни эркаклар келмаслигини талаб қилишган. Коммун бунга рози бўлиб, аёлларга алоҳида кун тайин қилган. Энди тақводор аёллар биргалашиб, чўмилишга борадиган бўлишди. Эркаклар келмасида, ўзлари бирга жам бўлиб чўмилишарди. Мен тақводор аёлларни, биргалашиб чўмилишини, қабул қилолмайдиган, қолақ одамлар жумласиданман. Менинг хотиним бунақа жойга бормаган ва бормади ҳам.

Уйида душ ванна бор. Булар уйида чўмилсалар бўлмасмикан деб, ҳайрон бўлардим. Булар Тошкентлик крутой аёллар бўлиб, булар диндор бўлишидан олдин ҳам, кўп нарсаларни кўрган «маданиятли» замонавий тоифа эдилар. Булар динга ҳам, шу хусусиятини сақлаб киришганди. Бунақалар ичидан кейинчалик, хотинини машина рулига ўтқазиб қўйиб, ўзи уйида бола боқиб ўтирадиган «тақводорлар» пайдо бўлди. Кейинчалик, хотинлари ташаббусни қўлга олишди ва интернетда кечаю кундуз уйини, ўзини, бола чақасини мақтаб, вайсаб ўтирадиган ва молу мулкани кўз кўз қиладиган бефаросатлар вужудга келди.

Кейинроқ, бу радикал гуруҳ Афғондаги Тоҳирвойни ЎИХ ташкилоти сайтига мақолалар юбориб бошлашди. Ўша замонларда мен ЎИХ билан жанжаллашиб, улар мени бадном қилувчи мақолалар босишарди. Шунда Стромсундда яшовчи Нодира исмли бир аёл, (Исми ўзгартирилган) ЎИХга мақола ёзиб, унда Швециянинг ёмонлигини ва мени адашганлигимни ёзиб чиққанди. Бу мақола «сарик товук сомон сочар, ўз айбини ўзи очар» деб номланади. ЎИХдаги Асадуллоҳ Урганжий дегани, мени Швеция ҳукумати берган пулни олиб, шулар талаби билан «мужоҳидларга қарши мақола ёзаётган хоин»га чиқарганди. Лекин, Асадуллоҳ мақоласида ўша мақоласида Стромсунддагилар, қайси маблағ, нима ҳисобига яшаётганини айтишни «унутганди». Мана ўша Урганжий мақоласи:

Овсар Саҳвийга бағишлаб

Оламлар Роббиси Буюк Аллоҳга ҳамду санолар айтамиз. Оламларга раҳмат этиб юборилган жаноби Пайғамбаримизга салом ва салаватлар бўлсин! Биз баъзиларга ўхшаб интернетга ёпишиб олиб, кечаю кундуз дайдимаймиз. Чунки биз шаръий жамоатмиз ва доим хизматдамиз – жиҳоддамиз. Аслида, жамоатимизда кўпчилик интернетдан йироқдир. Магарам, хос биродарлар шу ишлар учун ажратилган. Шунинг учун бўлса ҳам керак, биз виртуал оламга қараганда, реал оламда кўпроқ фаолият юритмоқдамиз, алҳамдулиллаҳ. Сафимиздаги аҳли илм биродарларнинг кўпи ва кофирлар тили билан айтганда, зиёли кишиларимиз, сиёсатчи ва муфтийларимизнинг компьютерлари ҳам интернетга боғланмаган. Шояд виртуал оламдан боши чиқмаётган кишилар бу сўзларни ҳазм қилолмасалар ҳам керак. Бундан бир ойча олдин, гўё расмий кўринишдаги мактуб, бошқа сайтлар қаторида бизнинг электрон почтамызга ҳам келганди. Лекин бу мактубга биз жиддий қарамадик. Чунки бу ёзувчи кимга ёзаётганини ўзи билмай қолгани яққол кўриниб турарди. Ҳар ким ўз тенги билан гаплашгани яхшироқ, албатта. Гарчи каминага мана шу мактубга бир жавоб ёзсангиз, дейилган бўлсада, мен бўпти, деб бошқа хизматлар билан бўлиб, бунга вақт тополмай қолгандим. Тўғрироғи, жавоб беришга арзигудек рақиб эмас, деган фикрим ғолиб бўлди. Шу муддат ичида сайт устида ишлаётган биродарларимизга Мўътабар опа (Аҳмедова)дан ушбу битикка нисбатан жавоб ёзилган мақола келган экан. Биродарлар буни маъқул кўриб, сайтимизга ҳам қўйишган. Лекин муаллиф бечоранинг нимагадир тинчлиги бузилган шекилли, яна ёзишга шошилибди. Опанинг жавобидан тепа сочи тикка бўлган кўринади. Шунинг учун: «Мен опага жавоб ёзишни лозим топмадим. Чунки уни муставосига тушмоқчимасман», деган экан. Нақадар олий мақом!... Бу «муставо»ни кўп ўзбеклар тушунмайди. Гапнинг маъноси, унинг паст савиясига, тубан табақасига тушиб ўтирмайман, демоқчи. Чунки «кампир», деб ҳақорат қилинган бу аёл кишидан бўлган бир қатор оғир саволларига жавоб беришга кўзи етмагач, тинчгина тош отмай ўтаётган карвонга қараб, қаттиқроқ овозда... олисдан туриб... «Аммо, сайт мутасаддиларини мақолага ёзган сўзбошисига жавоб ёзмоқчиман. Уларни ўзлари жавоб ёзишга ҳам қудрати етмаган...», деб туриб, жавоб қайтармаганга жавоб ёзган экан. Ана шундай қилиб, бу кимсанинг бизга аталган иккинчи битиги ҳам менинг қўлимга тушиб қолди. Бу каби бетутуруқ, аҳмоқона ёзувларга жавоб беришни жамоатимиз раҳбарлари эп кўришмайди албатта, шунинг учун мен ҳам бир ўқиб, бу овсарнинг ёзганларида жиддийлик кўрмаганим учун ҳам, кўп аҳамият бермаган эдим. Чунки бундай бекорчилар, кечаю кундуз интернетга ёпишиб олишган. Агар оқилга кифоя бўлгудек бир нима десангиз ҳам, «йиқилган курашга тўймайди» қабилда, бемаъни гаплар билан яна одамларни чалғитишаверади. Ҳозир ҳам ёзмас эдим.

Лекин баъзи мухлисларимиз шунга бир жавоб ёзишимизни сўрашган. Боз устига амиримиздан жавоб ёзиш буюрилди. Энди жавоб ёзиш менга вожиб, чунки динимиз бизга амиримиз ва бошқа масъулларимизга маъруф ишларда қулоқ солиш ва итоат этишни ибодат, деб таълим беради. Шояд илгари ҳам шу сингари бош оғриқларга раддия бериб, уларнинг кавушини тўғрилаб қўйиш билан шуғулланишимга тўғри келгани боис бўлса керак, бу иш каминага топширилди. 49 Ҳаракат номидан бир нима, дейилмади деб, хафа бўлган экан. Энди Асадуллоҳ УРҒАНЧИЙ шахсан менга жавоб ёзган, деб хурсанд бўлиб қолар. Бироқ мен ушбу мақолани Абутов Саҳвийга бағишлаганим билан бу хос у учун эмас. Унга ўхшаш қаламкашлар ҳали кўп топилади. У билан бир қаторда бундай тоифаларнинг йўлларини тутган бошқа ташкилотлар ва шахслар учун ҳам ёздим.

Яна бу битикларда кўпчиликни қизиқтирган, бошқа умумий масалалар ҳам қўшилиб қолган. Шояд, бошқа мусулмон биродарларимиз учун ҳам фойда бўлар, деган умидда, ушбу ишга қўл урдик. Чунки Абутов кабилар лип этиб ёнадию ўчади. Аммо мужоҳидларнинг ёзганлари Ислом тарихида асрларга кўчади, зеро бундай амал Аллоҳ буюрган қалам жиҳодидир. Келинг, энди шошмасдан, обдон ушбу жинойатчининг иккала битигини ҳам кўриб чиқамиз. Ёзувчимиз гапни чўзиб юборганидан мавзуларга бўлиб тақдим этдим. Қулай бўлсин учун бобларга ажратиб ёздим. Сизлар аччиқ ҳақиқатни тан олмаяпсизлар— деган экан. Мана энди ҳақиқатнинг аччиғини бир тотиб кўрсинларчи... Ким ўзи бу киши? Муҳаммадсолиҳ Абутов Ўзбекистон Исломий Ҳаракатига гўё мурожаат қилган, сиёсатга қизиқувчи, аммо Ислом Шариати ва сиёсати нима эканини англаб етмаган шуҳратпараст оддий бир ёзувчи. Ўзбекистон ҳукумати томонидан қамалиб чиққан. Нима эвазига ва қайси хизматлари учун, нима ваъда бериб ва нималарга имзо чекиб чиққанини, биз айтмоқчи эмасмиз. Айни пайтда оиласи билан Швецияда истиқомат қилмоқда. Ўзи каби бошқа сиёсий қочқинлар қатори, ойига ҳукуматдан 2000 доллар маош олиб, интернет кучоғидан чиқмай, куфрнинг инъомларига мамнун ҳолда, бошпана берган ҳукуматига шукр қилиб яшаяпти. Ўзбекистон Халқ Ҳаракати пайдо бўлиши билан унга аъзо бўлган, исломни ва мусулмончилиқни даъво қилгани билан миллатчи экани ўз “мурожаати”ни“ЎИХдаги ватандошларга даъватим”, дея номлаганидан ҳам кўриниб турибди. Умуман олганда Ўзбекистон Халқ Ҳаракати ношаръий ва ўз номи билан миллий – яъни куфрий Ҳаракатдир. Исломий сўз – атамалардан фойдаланиб, содда мусулмонларни лаққиллатмоқчи бўлган ушбу ташкилотларнинг барчаси ўзи тан олганидек, куфр йўлидан чиқмайдиган, мавжуд жоҳилият қонунларига рози бўлиб, шуни дастур қилиб олган ғирт жоҳил тоифадандир. Унинг аввалги мактубидаги ушбу сўзлари Ислом ва мусулмонларга бегона кишилардан эканини яққол намоён қилмоқда: “Биз мавжуд халқаро қонун-қоидалар воситасида кураш йўлини танлаганмиз”. “Халқаро қонун” тарафдори бўлиш учун, у кофир бўлмоғи ё Исломни тушунмасдан даъво қиладиган ғирт жоҳил киши бўлиши керак. Соғлом исломий ақида эгалари ислом ва мусулмонларнинг ашаддий қушандаси бўлмиш “халқаро қонун”чиларни ҳеч қачон дўст тутмагайлар. Қизиқ гап бу! Биз, мусулмонлар тоғутларнинг ана шу “халқаро қонун”ини ер юзидан кўпориб ташлаб, Аллоҳнинг ерида Аллоҳнинг Шариат қонунини ўрнатиш учун жиҳод қилмоқдамиз-ку! Бу овсар эса, ўзининг душман сафидалигини эълон қила туриб “курашмоқчи” экан. Куфр қоидалари воситасида ким билан курашмоқчи булар? Балки “терроризмга қарши” курашмоқчидир?!... Хуллас, бу қаламкашнинг нафақат миллатчи, балки куфрпарвар экани ҳам кейинги битигидан билиниб турибди. Олдинги мактубида бирор марта куфрни зикр қилмаган ёзувчи, кейингисида анча жаҳли чиққан кўринади, нақд 22 маротаба “куфр” сўзини ёзиб юборибди. Ҳа энди, Ўзбекистон ҳукуматидан кўрмаган яхшилиқни Европадан топганидан сўнг, ундан ортиқ бахтиёр борми? Ҳалол емай кўйгандан сўнг, оқ билан қорани фарқламай қолганидек, кофир билан мўминнинг ҳам фарқига борма қолганидан шундай ёзади: “Сизлар ИАК режими қолиб, у ёқларда Афғонистон ва Покистон армияси билан урушяпсизлар. Яъни, сизларни ақидада улар муртад, аммо, мен ақидамда улар мўминлардир”. Афғонистон ва Покистон ҳукуматларининг куфрий эканини ёш болалар ҳам билиди, ҳатто ўзи ҳам билади, қаранг бошқа жойда нима деб ёзади: “Карзай ҳукумати Ислом ҳукумати бўлмаса керак?! У Афғонистоннинг дунё тан олган ва афғон халқини аксарияти сайлаб қўйган раҳбаридир. Сизлар у ерда озчиликку.

Ҳукм сизларда эмаску?!”, яъни ҳукм кофирлар армиясидаку, демоқчи. Демак, кўриниб турибдики, бу ёзувчи – ҳақни топа олмай тентираган, куфрнинг “ОҚ РҲҲАТИ”даги қора жоҳилдир. Нима мақсадда ёзган? Кимлигини билдик, энди нима мақсадда ёзаётганини ҳам кўриб чиқайлик. Ўз “мурожаати”нинг охирида у шундай ёлғонни ёзган эди: “Бу гапларим сизларга холис биродарлик даъватимдир.” “холис биродарлик” бундай бўлмайди. Иккинчи битикда эса шундай дейилади: “Мени ЎИҲга мурожаатим Таянч жамияти сайтида эълон қилинганди. Ва уни нусхасини мен <http://furgon.com/> сайтига кириб сайт мутасаддиларига ҳам юборгандим.” Агар холис бўлса нимага бизга беришдан олдин бошқа сайтларда (ҳатто “Озодлик”да) ҳам эълон қилади?... Нима учун?!... Холис киши мурожаатини, аввало ўз эгасига бериши керак, ундан сўнг, жавоб келсагина, бутун дунёга жар солиши мумкин бўларди.

Аммо “мурожаат” аввало бизга эмас, балки бутун дунёга қилинди. Кейин эса биздан жавоб кутилди. Бу билан гўёки бизни кураш майдонига, аниқроғи сўз ўйинига чақирди. Сабаб?.. Шуми холислик?! Яна бу хатини “расмий” дейишини қаранг! Расмий хат дунёга шундай дoston қилинар эканми? Ёки биз сиёсат нима, расмиятчилик нима эканини билмаган гўлмизми? Бунинг асл мақсади “Осилсанг, баланд дорга осил” деган шиорга ўхшайди. Бир эътибор беринг-а, у фақат бизга ёзмаган экан: “Худди шунга ўхшаш жавобни Иттиҳодул Ажҳод (Ажҳод – билмадим, бу ерда имловий хато бўлганми ё уларни масхаралаш учун шундай ёздими, лекин шундай ёзилган экан) гуруҳидан ҳам олгандим. Аммо, улар ўзлари жавоб беришганди. Сизлардан кўра анча одоброқ эканлар. Худди шунга ўхшаш гапни, Ҳизбутлардан ҳам эшитгандим. Мана Ўзбекистондаги диний жамоатлар ақидаси ва йўли! Таблиғчилар эса умуман сиёсатга аралашмасликларини айтишганди. Аммо, улар анча мулойим жавоб беришганди. Салафийлар эса на у ёқли на бу ёқли бўлмай юришибди ҳалигача.” Кўрдингизми муғомбирни. Бу кўпчиликка ёзиб кўрган. Негадир ҳеч кимга унинг аҳмоқона таклифи, маъқул бўлмаган. Аммо бошқаларга қилган мурожаатлари қани? Уларга қилинган “мурожаат”и расмий бўлганми? Нимага у мурожаатлар сайтларга чиқарилмади?! Ҳа, улар билан гаплашиш ҳеч қандай сиёсий рейтинг бермайдиди. Осилганга кўра баландроқ дорга осилмоқчи бўлганми, Ўзбекистон Исломи Ҳаркатида “мурожаат” баҳонасида номини чиқариб қолишга уринган чоғи. Шунинг учун иккинчи битигини шоша-пиша ёзиб юборган. Ким билан муомала қилаётгани ҳам эсидан чиққан кўринади бояқишнинг. Ҳар қалай “қора рўйхат”дамиз. Бизни “террорист”, дея одамзодга олабўжи қилиб кўрқитишади. Мақсади шухратпарастлик экани оқил кишилар учун кўриниб турибди. Ҳар қалай бизни синаб кўриш учун ёзмаган бўлса керак. Унинг сафига кўшилмаслигимиз ўзига ҳам кундек равшан. Қаранг, биздан олдинроқ “қора рўйхат”га тушмаганларга ёзганида ҳам бирор киши бирлашмаган эканку! Аслида, бундай ташкилотларнинг асосий фаолиятлари ҳам, гап-сўз чиқаришдир. Бу кишининг ишларида яна бир шубҳа кўриниб қолган. Нима эвазига озод қилинганини айтмасакда, аммо ҳар тарафга, бўлиб ҳам исломи Ҳамаоатларга, бирлашиш баҳонасида уларнинг фикрини билишга ҳаракат қилмоқда. Агар ҳақиқатан ҳам жиддийроқ иш қилмоқчи бўлса, душманнинг орқасига ўтиб олиб бутун дунёга жар солмасдан, манзилимизни дўсту душманга эълон қилганмиз, келиб бундоқ, бир пиёла чой устида меҳмон бўлмайдимиз, истаса расмий, истаса норасмий ҳолда суҳбат қурмаймизми?! Биз мусулмонмиз, алҳамдулиллаҳ, ҳар куни катта-катта меҳмонларимизни кутиб оламиз, кузатамиз ҳам. Ватандан кўп қийинчиликлар кўриб, ҳатто қамалиб чиққан биродар келибди, деб қўй сўйиб меҳмондорчилик қилмасмидик. Бир неча кун Қабоилни айлантириб, фаолиятларимиз билан таништириб, биз ватандошларини зиёрат қилиб, ўз кўзи билан кўриб, яқин олиб гапирмайдими, ўғрига ўхшаб сайтимизга хат ташламасдан. Нима, биздан очикда юрган шерлардан кўрқандек, ёнимизга келишдан кўрқадими, нега узоқдан бир нимани ташлайдиган одамдек муомала қилади? Еб кўярмидик келса?... Қучоқ очиб кутиб олиб, яна кузатиб кўярдик. Ахир у озод яшайпти-ку! Ўзбекистондан чиқиш қийин бўлса, Швециядан келиш осонку! Ё кофирлар ижозат бермайдиларми? Қолаверса, Муҳаммадсолиҳ Абутов бизга нисбатан жиноят содир этмаган бўлса, ўзини мусулмон, бизни ҳақиқатан ҳам биродар, деб билса, унга ҳеч қандай хатар йўқ эдику. Шундан кўриниб турибдики, бу ЎҲҲ бўлсин, бошқаси бўлсин, виртуал оламидаги қуруқ сафсаталар холос.

Буларда одамгарчиликнинг иси ҳам йўқ. Бир мусулмон жароҳат олиб турган бошқа бир мусулмонга ҳамдардлик билдириб ҳолини сўрамайдими? Яна кофирларнинг муомаласини мақтаб: “Бу Биз легитим бўлсагу, Саҳвийнинг янги юртига боришга тўғри келса, Аллоҳ сақласин, тасаввур қиялпман; жамоатимизнинг ҳаммаси жам бўлиб Швецияга йўл олаётганини. Устимиздаги мусулмонча кийимлару саллаларни ечиб, ҳатто аёлларимиз ҳам Аллоҳ буюрган ўз ҳижобларини ташлаб, Европага етгач, ярим-яланғоч кийимда юрган аёлларини кўрсалар, ҳалолни ҳалол, ҳаромни ҳаром, демайдиган, Аллоҳни эмас “христос”ни худо, дейдиган бадбахт юртларга боришлари керакми?!.. Хуллас, сувда яшайдиган балиқ қуруқликда яшашга қақирилган. Ахир балиқ сувсиз яшай олмайдику, десангиз, бўлмасам шароит яратиб берамиз, аквариумларимиз ҳам бор, чиройли ва гўзал, дейишади.

Шу ўринда Саҳвий устозим, деган Алишер Навоийнинг мисраларига ўхшатиш йўли билан тушунтирсак, шояд тушуниб қолар. Чунончи Саҳвий бундай дегандида:

Тахаллусим Саҳвий, Хатоий бўлди,
Орзу ҳавасларим ҳавойи бўлди,
Мен ғазаллар ёздим, яхшими ёмон,
Бу йўлда устозим, Навоий бўлди!

Саҳвийнинг даъволарига кўра устоз Навоийнинг ушбу машҳур шеъри ҳам бундай бўлиши керак экан бўлмасам:

Ғурбатда ғариб шодмон бўлар эмиш,
Эл анга шафику меҳрибон бўлар эмиш,
Олтин қафас ичра гар қизил гул битса,
Булбул легитимда омон бўлар эмиш.

Эй устоз! Саҳвийдан хатоий бўлди,
Орзую ҳаваси кўп ҳавойи бўлди,
Булбулни чорлабон олтин қафасга,
Бу даъват дин учун савдойи бўлди.

Аслида адабиёт оламида Фурқат эмас, Саҳвий адашган экан. Шеъриятдан хабардор кишилар билади Фурқатнинг қиссасини. Лекин адашишнинг белгиси шуки, у бошқаларни ҳам адашган, деб ўйлайди. Мана масалан, Саҳвий бизни ҳам “адашган” лигимизни қандай ифодалайди: Аслида ЎИХ ҳам ИАК зулмидан қочиб борган Ўзбекистонликлар томонидан асос солинган бўлсада, кейинчалик уни таркибига бошқа турли мамлакат вакиллари ҳам қўшилиб, ИАК режимига муҳолиф куч эмас, бошқа ғояларни мақсад қилиб олган ҳаракатга айланди. Қаранг, биз ИАКга муҳолиф бўлмай қолибмиз! Сиёсий ҳақоратнинг кўриниши Ўзи бизнинг аҳволимиздан умуман беҳабар бўлгани ҳолда: “Ҳорманглар йигитлар, бормисизлар?”, дея ҳол-аҳвол сўраш ўрнига “Сизлар ҳам сафимизга киригиз”, дейишни қаранг. Биз қайга киришни билмай, сенга ўхшаб тентираб юрганимиз йўқ эдику! Қолаверса, қандай қилиб, узоқ йиллардан буён дунё саҳнасида курашиб келаётган каттагина жиҳодий Ҳаракат, ердан чиққан қўзиқориндек пайдо бўлган кичкинагина, номиям, сурпасиям қуруқ, бўлиб ҳам қуфр аралаш ташкилотнинг қучоғига кириши мумкин! Ўт билан сувни аралаштириб бўлар эканми?!

Бу биз учун ҳақорат эмасми?! Швециядан туриб, НАТОнинг кўзи билан бизга баҳо беришга мусулмоннамоларнинг ҳаққи борми? Қаранг, нима дейди: “Аслида ЎИХ ҳам ИАК зулмидан қочиб борган Ўзбекистонликлар томонидан асос солинган бўлсада, кейинчалик уни таркибига бошқа турли мамлакат вакиллари ҳам қўшилиб, ИАК режимига муҳолиф куч эмас, бошқа ғояларни мақсад қилиб олган ҳаракатга айланди.” Бизни ўзига ўхшаган ватанпарвар, деб ўйлаган кўринади. Ким сизди, ким сезмади, аммо бу “мурожаат”и билан бизни қаттиқ ҳақоратлаган бу қаламкаш.

Худдики, биз тугаб бўлиб, нима қиларимизни билмай, дарбадар бўлиб юргандек тасвирлабди. “Сизлар ҳам бизлар ҳам режим қурбонларимиз. Сизларни кўпчилигингиз фаолиятдан чиқиб, чет элларда бошпана олганлар. Кўпчилигингиз шунга ҳаракатда. Ораларингда аёллар ва аксарияти етим ўсаётган ёш болалар бор. ИАК режими мавжуд экан, сизлар ватанга қайтолмайсизлар. Шунингдек, бизлар ҳам. Биродарлар, сизлар афғон тупроғидаям бежавотир эмассиз. Доимий кўчиш ва саргардонлик ва йўқотиш орасида яшайсиз.” Ана холос! Ҳатто Ҳаракатнинг ичидаги аъзолари ҳам бундай “аниқ ва тиниқ” баҳо беролмайдилар. Бизнинг кўпчилигимиз фаолиятдан чиқиб, чет элларда бу ёзувчига ўхшаб кофирлардан бошпана олаётган эмишмиз. Санаган эканми, қанчаси кетгану қанчаси қолганини? “Кўпчилигингиз шунга ҳаракатда”, деб бу билан бизни силлиқина диндан чиқариб қўйяпти.

Ўзбекистон СНБси, Покистон Ай-Эс-Айи, Исроил Моссади, АҚШ ЦРУси ҳам айна шу орзуда, яъни бизнинг жиҳодий жамоатимизнинг кўпчилиги жиҳод сафидан чиқиб кетиб, тарқалиб, йўқ бўлиб кетишимизни ва бундан бутун дунё кофирлари тинч ухлай олишларини, бу Саҳвий ҳам истаётганини тилидан чиқариб юборибди. ИАКга қарши курашга чақирган киши бўлиб, аслида ИАКни хурсанд этадиган йўлни таклиф қилибди. Негаки, ИАКлар ва жамики бошқа золимлар, минг-минглаб митингчилардан сира ҳам қўрқмаслар, улар фақат қуролли кучдангина, айниқса жиҳоддан ўлгудек қўрқадилар. Унинг гапларидан биздан қочиб, кофирларга қучоқ очиб, бошпана сўраб юрганлар билан бизни баробар қилмоқчи кўринади. Балким, у ана шундайлар билан гаплашиб қолиб, уларга ҳамтовоқ бўлгандир. Ўхшаяпти. Чунки мана бундай жумла ҳам бор экан: “Ичларингда фикрлироқ одамлар бор эканку, алоҳида бўлиб чиқиб кетишган.” Бўлмасам, ана шу қочоқларни чақирсинда ўзининг қучоғига, улар озчилик, қучоғига ҳам сиғишади. Ғоялари ҳам ўхшаш. Ана шулар сенга ўхшаган ватангадолардир. Ёзувларида 40дан ортиқ жойда “сизлар” сўзини ишлатган. Эй овсар! Биз жамоатмиз! Бизнинг Амиримиз бор! Ҳар жойнинг дарвозасидан кирилади! Жаҳон куфри билан жиҳод қилиб келаётган жамоатга бундай муомала қилинмайди! Осмонга тупурсанг, ўзинга қайтиб тушар! Ўша “жаннатмакон” диёрда “тинчгина” яшаб ўтирган яхши, ўша минглаб “дин олимлари” билан. Нима қилардинг мужоҳидларни камситиб?! ИАКга қарши одамларнинг бошини қовуштираман, деб, ҳар нарса аралаштириб юборилмайди. Қисқа сатрларда Аммо, нимагадир менга ЎИХдан эмас, Тошкентлик ўз радикал фикрлари билан менга яхши таниш Мўътабар опа Ахмедова томонидан жавоб берилгани тушунарси бўлди. Нимага тушунарси? Ахир ўқиганлар ҳаммаси тушундику! Биз айта оламиз, Саҳвийнинг гапларига тушунмадик, деб. Аллоҳ йўлида моли ва жони билан курашаётган мўминларга шундай ёзадими?! Саҳвийнинг яна бир нодонлигини кўрингки, шармандасини чиқарган опанинг мақоласини реклама қилиб ҳам берибди. ЎИХ ўз номидан жавоб бериши керак эди. Роса ҳавас экан бечорага бизнинг жавобимизни ўқиш, муштоқ экан, нимагадир ёки кимгадир жуда-жуда зарур бўлиб қолибди. Мана энди ўзига муносиб услубдаги ушбу мақоланинг сабабчиси ҳам бўлиб қолди. Энди бунга ўқиғач, Саҳвийнинг томоғидан сув ҳам ўтмай қолса керагов...

Ва агар мурожаатимда хато бўлса кўрсатиши лозим эди. Мен хато кўплигидан, тўғриси гапни нимадан бошлашни билмай ҳам қолгандим. Баъзи ўринларини қолдириб, қисқароқ қилдим, шуни ҳам ҳазм қилолса катта гап. Ва диний илми деярли йўқ опани мақоласини жавоб сифатида сайтга қўйишган. Гарчи диний илми “ошиб-тошган” Саҳвий, иккала “ижодида” ҳам Қуръондан бирор сўз келтиролмаган бўлсада, тошкентлик опамиз бир битикда 8 жойида оятлар келтирган. Ҳар ўринга оят келтирмоқ ўзига яраша, илм талаб қилади албатта. Бироқ мен Саҳвийнинг савиясига ва ақидасига мослаб, Қуръон ва ҳадисларсиз ёздим. Шунча оятларнинг таржимасини ўқиб ҳам “тушунарси бўлди”, деганидан сўнг, унинг учун китоб очиш ҳайф экан. Аммо, сайт мутасаддиларини мақолага ёзган сўзбошисига жавоб ёзмоқчиман. Уларни ўзлари жавоб ёзишга ҳам қудрати етмаганлари ва шу кампирни жавобини ўзлари номидан жавоб ўрнига тақдим этишларига келсак, ўзимга ва уларга ҳам Аллоҳни Ҳакам деб биламан. Жавоб кутган одам ҳам жавоб ёзадими?

Жавоб ёзмаган экан, дея жавоб ёзадими? Агар биз жавоб ёзган тақдирда ҳам, у фақат хулоса олиши лозим. Ахир бизни мунозарага чақирмаганку, шундайми? Мурожаат қилган одамга ҳакамнинг нима кераги бор? Аллоҳни Ҳакам қилган экан, ўша Аллоҳ мени ёздирди. Яна шуни қўшимча қилмоқчиманки, мен ўша мурожаатни куфр диёридаги кимнидир талаби билан ёзмадим. Ҳеч ким мендан кимга қачон нима ёзишни талаб қилмайди. Тўғри айтади Саҳвий. Чунки у одамлар наздида ҳеч ким эмас! Шунинг учун унга ҳеч ким, ёз демайди... Ёзгани билан, ҳеч нимани ўзгартира олмайди ҳам. Адолатли куфр давлати яхшимасми, сизлар айтаётган зулм куфр давлатидан?! Яхши албатта, адолатли куфр адолатсиз куфрдан яхши. Аммо куфр давлатини у ҳар қанча “адолат” қилсада, Аллоҳ таоло ЗУЛМ деган. Фақат ана шу зулмда ҳаддидан ошганлари бор, ошмаганлари ҳам бор. Лекин биз Саҳвийга ўхшаб адолатли куфр давлатини орзу қилаётганимиз йўқ ва унинг учун жон бераётганимиз ҳам йўқда! Нимага энди, мен шунча йил қамоқда ўтириб чиқиб, яна ўша ерга қамоққа боришим керак эди? Тўғри айтади! Яна қамалсинми? Ётар энди шунча азоблар (гарчи кўзи очилмаган бўлсада)... Ҳижрат фарзку! Фақат доим Ҳабашистонга эмас-да энди. Мадинабоп жой турганда, Ҳабашбоп жойга борилмайдик! Ҳа, вақтинча борса бўлади. Мана Россияга ҳижрат қилган биродарлар секин-аста қабилга – жиҳод майдонларига келишяпти. Ҳатто Европадан келганлар ҳам бор. Агар ўхшатиш жоиз бўлса, Ҳабашистондаги муҳожирлар Мадинадаги муҳожирларни даъват қилмаган бўларди, легитим оламига. Чунки ҳамма ишлар Мадинада бўлгани сингари, дин учун энг керакли жараёнлар жиҳод майдонларида бўлади холос. Сизлар Ислом давлати куришдек улуғ ғояни кўтариб олгансиз. Бу ғоя фақат сиздамас, Ҳизбут Таҳрирдаям бор. Мана, ҳатто “Ҳизбут Таҳрир”да ҳам қуруқ бўлсада, улуғ ғоя бор экан, бироқ афсус Саҳвий ва унинг ҳамтовоқлари бундай ғояни унинг улуғворлигидан ҳатто ўз хаёлларига ҳам сиғдира олмадилар. Қайси ғояни кўтариш керак бўлмаса?! Аллоҳнинг калимасини олий қилмайликми?! Аммо, буни қандай бўлишини ўзларингиз ҳам аниқ тушунмайсизлар. Ана шу фикри Саҳвийни содда ва оддий – Хилофат бўлиши керак, деган ақидадан маҳрум қилди. Бечора тушунмади. Саодат асрини ҳам, Хулофои Рошидинлар даврини ҳам, жами 13 аср дунёга ҳукмрон бўлган Хилофатларимизни ҳам тушунолмади. Ўзи тушунолмагани учун бошқаларни ҳам тушунмайди, деб ўйлади. Бугун шуни тушундимки, дин менинг тор фикримдангина иборат эмас экан. Мана шу Саҳвийнинг битикларидаги энг тўғри сўз бўлди. Дин унинг тор фикрига сиғмади ва сиғмайди ҳам. Бунинг учун фикр сал кенгроқ бўлиши керак. Ахир бу ЎХХнинг йўли эмас албатта. Бундай тор фикрлар учун мосланган тор йўллар бор. Бу йўлда биз юролмаймиз! Саҳвий Ўзбекистоннинг тор сиёсатидан қутулгандан сўнг кенгликка чиқиб, фикрим ҳам кенгайди, деб ўйлайди. Дабдабали гаплардан кўра, ўзимиз ҳам тасаввур этолмайдиган тузумни қуришни шиор қилиб олгандан кўра, бугун қўлимиздан келадиган ишни қилганимиз тўғри деб тушундим.

Аммо энди мен тушунмадим! Биз қўлимиздан келмаган ишни қилдикми?! Биз жамоатимиз миқёсида ўша Саҳвий тасаввур этолмаган Шариатни барпо этиб келяпмиз, алҳамдулиллаҳ. Чунки мана шу Аллоҳнинг фармонидир. Энди шуни мазлумларга ҳам тақдим қилишимиз қолди. Бу йўлда ҳатто ўз жонимизни беришга ҳам тайёрмиз ва бермоқдамиз. Бу қуруқ шиор эмас! Сизлар дин учун мусулмонлар учун шу пайтгача нима фойда келтирдинглар Худо билади?!... Шу оддий ҳақиқатни тан олиш керак. Нима фойда берганларинги Аллоҳ Ўзи билади?! Овсарлик ҳам эви билан-да. Нима қилганимизни билмоқчи киши, агар кўр бўлмаса албатта, сайтимизга кириб, бемалол филмларни кўриб чиқсин. Ёзувларни ўқисин. Марҳамат, бепул. Томдан тарашадай тушмасин. Биз ИАК режимига жиҳод эълон қилганда Саҳвий неча ёшда эди ўзи? Ёки Сурхондарё жиҳодида ва Ангренда амалиёт бўлганда ҳам зулм бормиди Ўзбекистонда?... Ҳадеб, «нима фойда, нима фойда» дер эканда бечора... Ақлини йиғмаган кишига тушунтиришдан нима фойда? Алҳамдулиллаҳ, Худо билади, Аллоҳ билади, дебди. Бўлди. Ана шу Зот билса бўлди. Нима фойда бўлганини Саҳвийнинг билишидан ҳам ҳеч фойда йўқ. Бизнинг фойдамиз тегмаган кўринадидек бу қаламкашга. Мусулмонлар, деганда фақат Ўзбекистондагиларни тушунадидек шекилли. Биз нима қилганимиз тўғрисида Роббимизга беришга жавобимиз бор иншааллоҳ, Саҳвийда ҳам жавоб борми Робб таолонинг олдида? Аммо, реал ҳаётда нима қилаяпсизлар?

Биз реал ҳаётда, Саҳвийлар виртуал ҳаётда қилолмаётган ишларни қиябмиз, алҳамдулиллаҳ. Улар тасаввур қила олмаган ишларни қилиш бизга насиб бўлди. Масалан: у маҳбус бўлди, кофирлардан ўлгунча калтак ҳам еди. Куфрнинг бетига бир мушт тушириш у ёқда турсин, тупуролмади ҳам. Эракман, деб, қўлига қурол ушлолмади. Ваҳоланки, бизда аёлларимиз ва фарзандларимиз ҳам қуролланган. Яна Аллоҳ рози бўладиган ишларни қилиш насиб этди. Бугун Ислום уммати маҳрум бўлган неъматлар бизга берилди. Илоҳий нусратлар ва кароматлар оғушида яшайбмиз. Қуръон мақтаган муҳожир ва ансор бўлиш, жиҳод қилиш ва шаҳид бўлишдек буюк неъматлар ичидамиз. Саҳвийнинг янги ватанидаги минглаб дин олимларига насиб қилмаган иззат ва шавкатимиз бор, алҳамдулиллаҳ. Озодмиз, эркинмиз. Овозимиз борича ҳақни баралла айта оламиз. Европадагиларга ўхшаб, динни чала гапирмаймиз. Тўла гапирамиз. Душманни душман, деймиз, дўстни дўст. Бугун мусулмонларга айна шу нарса етишмайди... Айтаман, десам гап ҳам, қилинган ишлар ҳам кўп. Аммо Саҳвийнинг тор фикрига булар сиғмайди. Кундузи қаергадир бекиниб ётиш, кечаси чиқиб қандайдир амалиёт ўтказиб келиш. Бошқа нима? Ўзларинг ҳам Ислום давлати қуришдан кўра шаҳид бўлиб кетишларинг кўпроқ ишонсанглар керак валлоҳу аълам?! Ҳа бўлмаса нимага кўрқишади биздан? Аввало, биз бекинмачоқ ўйнамаётганимизни кофирлар ҳам билиб бўлган. Биз ёш боламидик, бекиниб ётадиган? Сал бўлсада ақлни ишлатиш керак! Юзлаб оилаларимиз ва бола-чақаларимиз бор эканинику эътироф этди. Энди буёғини ҳам бир тасаввур қилиб кўрмайдими? Масалан, битта оила ҳаёт кечириши учун қанча шароит керак? Бир ўйласин-чи! Ана энди шу шароитларни юзлаб оилаларга кўпайтирсин. Майли бу манзарага мадрасаларимиз билан, ҳарбий таълимгоҳларимизни қўшмай турсин. Айтайлик, қанча маркаб керак бўлади? Ҳаракат билан маҳалланинг фарқи борми? Лекин Саҳвий жиҳодимизни “қандайдир амалиёт” дея масҳара қилди. Ваҳоланки, Ислום қадриятларидан бирини масҳара қилиш, диндан маҳрум қилади. Энди Ислום давлати қуришдан кўра шаҳид бўлиб кетишга ишонишга келсак, бу ҳам ҳаммага насиб қилавермайди. Сизлар ташқарида туриб қуруқ пўписа қиласизлар. Шу пайтгача ҳеч нарса қилмадинглар ИАК режимига қарши. Ўша бир марта Қирғизистонга келиб кетдинглар халос. Ўша Боткентга келган пайтда турмадагиларга қандай тазйиқлар бўлганини билсанглар эди. Мен турмада ўтирганман ва биламан.

Бу ерда Мўътабар опанинг гапи тўғри. Саҳвий ҳали ҳеч нима қилиб кўрмаган ҳам. Қанақа қилиш, нима қилишни ҳам билмайди. Худди бизни бир нима қилишимизни кутган одамдек гапиришини қаранг. Ҳўп, унга ўхшаган “ғамхўрлар” қўл қовуштириб ўтиргандан сўнг, ИАК режими қуласинми? Бир марта Қирғизистонга бориб писта чақиб келган бўлсак, Саҳвий мужоҳидларимиз чақиб ташлаган ўша пистанинг пуч пўчоғини ҳам кўрмаганку! Энди мужоҳидларнинг фаолияти туфайли турмалардаги тазйиқлар кучаядиган бўлса, бунга мужоҳидлар айбдор бўладими? Демак, умуман ҳеч нима қилмаслик керакми? Ёки Саҳвийга ўхшаб сайт очиб, ёзув ёзиб ўтирсак, тазйиқлар камайиб қоладими?! Саҳвий қамоқда ўтириб билган бўлса, биз ўтирмасдан билганмиз ИАК режимининг қандай куфр эканини. Шунинг учун динимиз буюргандек, қўлимизга қурол олганмиз. Саҳвий у пайтда анча содда эди. У пайтлар интернет ҳам йўқ эди. Бугун Худо берди... Қолаверса, Ўзбекистонда жиҳод қилмаётган бўлсак, бошқа жойларда бекор ўтирмаётганимизни тан олибдику! Фақат биз Ўзбекистондан бошламадик Ислумий давлат ҳудудини. Саҳвийнинг ўзи ҳам шундай фикрда: Яъни фақат Ўзбекистонга чекланмайдику Ислום давлати ҳудуди?! Бу каби глобал мақсадлар қўйиш яъни бутун уммат учун қайғуриш, Фаластинни озод қилиш ва ҳоказо...., Ана, энди ўзига келди. Мен ҳар нарсани ўз номи билан айтаяпман. Бу Европа давлатлари ҳам куфр давлати. Худди, Марказий Осиё Республикалари каби. Тўғри гап, олдинги тўғри тушунчада бўлганлик пайтидан қолган илм бу. Кўпчиликнинг шунга ҳам ақли етмайди. Мен куфр диёрида алҳамдулиллоҳ тўла эмин эркин яшайман. Тушунамиз, кўрганмиз, биламиз ҳаммасини. Тўғри, Саҳвий топган қафасида ИАКникига қараганда анча кенгроқ ва эркинроқ нафас олаяпти. Лекин бунга рози бўлишга Аллоҳ ижозат бермайди! Унга бўлаверади, балки унинг учун бу жуда катта нарса, аммо бизга бўлмайди! Энди бўлмайди! Чунки биз куфрий эркинликда эмас, балки Ислумий эркинликдамыз.

Бугун “Озодлик” радиоси тарқатган хабарга қараганда ЎИХ аъзоларини кўпчилигини бошқа халқлар вакиллари ташкил этаётган экан. Бу нарса шуни англатадики, Ҳаракат сафида Ўзбекистонликлар кам. Аввало жамоати таркиби эмас, шаҳидларнинг ўтган йилдаги таркиби бошқа қавмдан эди, дейиш керакмасмиди?! Қайсинисидан шаҳид кўп бўлган бўлса, кам қоладими ё кам шаҳид бўлган бўлса, шундан кўп қоладими? Валлоҳи, сизларнинг аҳволингизни тушунаман. Ва бундан изтиробдаман. Бизни ҳам тушунадиганлар бор экан. Йиллик шаҳидларимизни (87 та эканини) кўриб, тугаяпти экан, деган фикр билан меҳрибонлик қиладиганлар ҳам топилди мана. Агар биз бу ҳисобдан даҳшатга тушганимизда эълон қилмаган бўлардик... Ҳозирги кунда уни қонхўр диктаторлигини бутун жаҳон билади... Халқ намойишга чиқса, уни қўллаётганлар юз ўгирадилар. Бунга исбот далил етарли кўрдик. Мана асл гап. Бу ғамхўрлар яна халқни намойиш қилдириб, олдига солиб ҳайдамоқчи. Йўқ, ЎХҲси ҳам, бошқасининг ҳам топган қуроли содда халқ. Бечора халқни югуртиргани югуртирган. Номни ҳам боплашган ХАЛҚ ҲАРАКАТИ дея.

Яна халқ қирилсин, аммо булар чеккадан бошқариб, мансабларга миниб олсинлар. Ҳа, ош тайёр бўлгандан сўнг, уларни дастурхонда кўрасиз... Шаҳид Амиримизнинг мурожаатини кўрмаганмиди? –Биз халқларни олдига қўйиб, ўзимиз орқада урушмаймиз,– демаганмиди?! Агар ҳозир сизларни ораларингдаги энг ўзини мард санайдиган кимса уларни қўлига тирик тушиб қолса борми, мен тасаввур қила олман қанақа бўлишини мардликни. Худо асрасин. Бомбани белига боғлаб олиб ўлиб кетиш анча осон у ерга тушиб ўтиришдан менимча. Қани, шунчалар осон бўлса, бир ўлиб кўрсатиб бермайдими? Шу йўлда барча кучларни бирлашиш вақти келмадими? Фарқи йўқ буларга ким бўлишидан вақайси дунёқарашда бўлишидан. Бирлашиб, ИАКни йиқиб берсак бўлди-да, булар мақсадига эришиб олишлари учун. Мен ҳамма тоифа бирлашсак ИАКни зулмига тезроқ чек қўямизми дегандим. Кўрдингизми? Фаросатсиз миллатчини. Зулмни (яъни ширкни) бошқа зулм билан чек қўймоқчи экан. Сизлар қурол билан ИАКга пўписа қилган сари, у ҳам дунё жамоатчилига мана қаранглар мусулмонлардан қандай хавф хатар бор? Деб, ўзини репрессив сиёсатини оқлай олди. Ва минглаб диндорларни қамоққа ташлади ва қийнаб ўлдирди.. Ва ҳали бугунгача шу сиёсатни тутиб турибди. Диндорлар ҳуқуқлари ҳақида гапиришга буларнинг нима ҳақи бор? Мусулмонларнинг ўз шаръий қонунлари бор, ана шуни қайтариб беришмайдими? Уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ўзга дин билан таъминлаб бўлмайди. Сизлар ИАК режими қолиб, у ёқларда Афғонистон ва Покистон армияси билан уришяпсизлар. Ҳа бу тўғри гап. Энди оз-моз фикрни ҳам ишлатиш керак. Афғонистон ва Покистон армияси билан урушиш осонми ё қийинми? Бу икки ҳукумат (агар орқасидаги катта тоғутни ҳисобга олмасак, албатта) ИАК режимидан қувватлироқ ва каттароқ эмасми? ИАК режими бирор ҳукумат билан ҳеч урушиб кўрганми ўзи? Икки катта ҳукумат билан жанг қилаётган Ҳаракат майда иш қиладиган бўладими? Ҳозир сизлар нима қилябсиз, ҳеч нима қилмаябсиз, демаётганмиди, энди дарров фаолиятларимизни ҳам тан олиб юборди! Ҳозиргина “кундузи яшириниб ётасизлар”, деган Саҳвийми бу ўзи? Афғонистон ва Покистон армияси билан, ҳа АРМИЯСИ билан, яшириниб ётиб урушиб бўлар эканми? Яъни сизларни ақидада улар муртад аммо, мен ақидамда улар мўминлардир. Мана ниҳоят, Саҳвий ҳам Ислом душманлари сафидалигини ошкор қилди. Гапни шундан бошлаш керак эди... Сизлар аччиқ ҳақиқатни тан олмаяпсизлар. Мана энди тан олиш навбати Саҳвийга қолди. Гапларим ёқмаган бўлса, аччиқ бўлган бўлса, демак ҳақиқат экан шундайми?! Лекин афсус ИАК ҳали бери тахтидан қуламайдиган кўринади. Уни бахти кулгани мана шу бизни орамиздаги ихтилофлардир. Йўқ, асло. Бизнинг орамизда ихтилоф йўқ, асло. Ихтилоф агар бир маслақда бўлса бўлади. Ваҳоланки, биз умуман бошқа маслақдаги – бошқа йўлдаги ва бошқа дунёқарашдаги кишилармиз, Саҳвийлар бошқа ақидадагилардир. Мақсадимиз озод ва эркин ҳукумат қуриш эмас! Балки Ё ШАРИАТ, Ё ШАҲОДАТ!

Асадуллоҳ Урганжий

ЎИХнинг охир оқибат, қирилиб, йўқ бўлиб кетгани ҳақида, ҳали бу китобда яна ўз ўрнида ёзилади. Урганжий ҳам, тириклигида ЎИХни тағаб битганини кўриб, кейин ўлди. Демак, Стромсунддаги бир кичик радикал гуруҳ, ЎИХ билан доимий алдоқда турди. Мен улар билан жанжаллашиб юрганимда, улардан аксари менга уларни мақтаб, уларга қарши гапирмасликни талаб қилди. Фарҳод эса, менинг уйимни ва машинамни сураатга олиб, уларга жўнатди. Улар менга таҳдид қилиб, мақолалар ёздилар. Бу жанжаллар бўлаётган бир пайтда, ҳали Обид қорига суиқасд қилинмаганди. Унга суиқасд қилиниб, комага тушиб қолгач, гуруҳлар орасида келишмовчилик авж олди. Буларга қарши бўлган либерал гуруҳ, улардан узоқроқ бўлиш учун, ими жимида Стромсундни тарк этиб, Мёлбуга кўчиб кетишди. Радикаллар қиссаси жуда кўп ва ўз жойида яна баён этилади.

Опанинг биринчи комментига жавобим

Демак, китобнинг шу ерида мавзуни қисқа муддатга тўтатиб, ЎИХ (Ўзбекистон Ислохий Ҳаракати) ҳақида бир оз маълумот бериб ўтамиз. Бунга сабаб, бир опа Асадуллоҳ Урганжийни мақоласи тагига, шунақа коммент ёзган эканлар. Шу комментга жавоб ёзиш зарурати демак, мавзумиздан бир оз тўхтаб туришни тақозо қилди. Мана шу коммент:

Субҳаналлоҳ! Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун. Нимага мужоҳидла билан ОАВ жангини қилгансиз? Қолмишига куфр АОВларидан бири Озодлик радиосиям аралашгамми, тўғриси кўпам тушунмадимда.. Узр-ку, қанчалик сизга ёқмасада Асадуллоҳ Урганжийни ёзганлари ҳақиқатку.. Ўзимиз жиҳод қилмасак, ҳеч бўлмаганда, Аллоҳ таолонинг динини олий қилиш мақсадида жиҳод қиладиганларни маломат қилмаслигимиз керакда, агар мўъмин бўлсак. Бу ёзганимдан ғазабингиз келиб, блоклаб қўйманг ёки урушиб ташаманг. Сиз ҳам ўз фикрингизни ёзясиз, манам ўз фикримни ёздимда. Фикр алмашиш жиноятмаску, тўғрими? Коммент тугади.

Менинг жавобим: Фикрингизни ёзганингиз учун раҳмат Опа. Урганжийни ёзганлари ҳақиқат дебсиз! Унда сизга баъзи саволларим бор. Урганжий Абдуллоҳ Бухорий (Мирзағолиб Ҳамидов)ни ҳам қоралаб бадном қилиб ёзганлари ҳам тўғрими?! Урганжий буларни ёзганига 11 йил бўлди. Бу мақолалар ёзилган пайтда, сиз гуллар шаҳри Наманганда мазза қилиб яшаётган пайтингиз эди. У пайтларда сизда интернет ҳам бўлмаган ва буларни ўқиш имконига ҳам, эга эмасдингиз. Сиз ва сиз кабилар, бугун ҳамшаҳарингиз бўлмиш Тохирвойни улуғлаб, шаҳид у бу, деб алжирайсизлар. Ваҳолонки, на сиз ва ўша ёшлар, унинг кимлигини билмайсизлар. Сизлар унинг баъзи видеоларини кўриб, яхши кўриб юрган одамларсиз. Менда улар пичоқ билан сўйган қориларнинг расмлари бор. Кўрсатсам бўкириб йиғлайсизлар. Мени ёмонлаб ёзгани балки, тўғридир?! Сизни гапингизга қўшиламан. Мен ёмон одамман.

Аmmo, Абдуллоҳ Бухорийчи?! Сиз уни ёмон одам демасангиз керак?! Улар, уни ҳақида нималар ёзганини биласизми?! Марҳамат бир ўқиб чиқинг! ЎИХ сайтида Абдуллоҳ Бухорийни қоралаб ёзилган мақола.

Умматнинг лўлилари

Бутун оламлар яратгувчиси ва бандаларини Қуръон билан неъматлантирган Аллоҳ таолога ҳамду санолар, олий хулқлар намунаси бўлмиш пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам, у зотнинг аҳлиоиласи ва Қиёматгача у кишига эргашганларга Аллоҳнинг саломи бўлсин. Аллоҳ сизларнинг орангиздаги (жиҳодга) тўсқинлик қиладиган ва ўз дўстларига “Биз томонга ўтинглар” дейдиган кимсаларни аниқ билур. Улар жангга камдан-кам, фақат сизларга бахилликлари келган ҳолдагина келурлар.

Бас, қачон (ёв томонидан) хавф келса, сиз уларни ўлим ўраб (шайтонлаб) қолган кимса каби кўзлари ола-кула бўлиб сиз томонга қараётганларини кўрурсиз. Энди, қачон хавф кетса, улар яхшилик (яъни, ўлжалар) устида очкўзлик қилиб сизларни ўтқир тиллар билан ранжитурлар. Улар (сидқидилдан) иймон келтирмаганлар, бас(шу сабабли) Аллоҳ уларнинг амалларини беҳуда кетказди. Бу Аллоҳга осон бўлган(ишдир). “Аҳзоб” сураси, 35-оят.

“Абдуллоҳ Бухорий” деган кишининг сайтида берилган Ўзбекистон Исломий Ҳаракати радиоси ва унинг “Жума дастури” 100-сонида айтилган гаплар ҳақида фильмларнинг 1- ва 2-қисмини кўриб чиқдим. Қисқасини айтсам, фильмни томоша қилиш пайтида қалбим турфа ҳислар, шуурим турли фикрлар билан банд бўлди. Улар орасидан бирор аниқ нарсани ажрата олмадим. Фильмнинг бу икки қисмини кўриб бўлгач, негадир фикру хаёлимга ғайритабиий равишда узоқ йиллар аввал – ўтган мелодий асрнинг 80-йилларида бўлиб ўтган бир воқеа тушди. Талабалик йилларимиз, СССР деган даҳрий тоғутнинг қулашидан аввалги гуллаган даври. Уч тўртта дўстлар бир ҳам курсимизни шаҳардан салгина ташқаридаги шифохонага зиёрат қилиш учун борадиган бўлдик. Борадиган жойимиз унча ҳам узоқ эмас, йўл кираси 10 тийинлик йўл.

Автобусда одам ҳам унча кўп эмас, 30-40 тача йўловчи йўлга тушдик. Одатда автобус ҳайдовчисининг билет сотадиган ёрдамчиси бўларди. У салонни бир бошидан тушиб, кассадан билет олмаганлардан йўл ҳақи ола бошлади. Биз ўртароқдамиз, биздан олдинда иккита ёш лўли аёллар ҳам кетяпти. Ўша даврларда Ўзбекистоннинг ҳамма ерида лўлиларни кўриш мумкин эди. Улар кўпроқ қаллоблик, муттаҳамлик ва ўғрилиқ билан шуғулланиб, асосий тирикчилиги фол очиб, одамларни алдаш билан бўларди. Лекин ўзларини ҳечам жамиятнинг текинхўр “мита”лари деб билмас, “бизлар фол очиш билан одамларни келадиган мусибатлардан огоҳлантириб, уларга фойда келтиряпмиз”, деб ҳисоблашарди. Билет сотувчи айланиб ҳалиги лўли аёллар олдига етиб келди ва ҳаммага қилаётган мурожаати — “Билетингиз?”, деди. Бу саволдан кейин, одатда билети борлар билетини кўрсатади ёки билет сотиб олиш учун пул узатади. Шу ерда одатдаги табиий воқеалар жараёни бузилди. Билет сотувчи мурожаат қилган ёш лўли аёл ошкора кўйлагини кўтарди, пастдаги кийимининг резинасини чўзиб, ичига қаради ва баланд овозда: “Хўжайеен, шопир акангиз белат сўраёптее”, дедида, резинкани кўйиб юборди. Аслида билет сотувчилар ҳам анойи одамлардан бўлмай, анчайин қайтмаслардан кўйилар эди. Чунки, ҳар куни ҳар хил инсонлар билан мулоқот қилиш, улардан пул ундириш осон ишлардан эмас. Бироқ бу ҳолатда анашу қайтмас одамнинг қандай қилиб биздан ҳам билет олмасдан ўтиб кетганини билмай қолдик. Бечора, бу лўли аёлдан билет учун пул сўраганига бир умр пушаймон бўлган бўлса керак... Воқеанинг кутилмаган гувоҳи бўлиб қолган биз талабалар бутунлай карахт бўлиб қолдик. Автобусда мудҳиш жимлик, ҳеч кимдан садо чиқмайди. Мен ҳаётимда шу пайтгача ва ундан кейин бу каби пасткашлик, бу каби жирканч шармандалик, бунчалар ноинсофликни кўрмаганман. Бу пасткашликнинг бор-йўғи 10 тийин учун бўлаётгани унинг даражасини янада разиллаштирарди. Автобусда кетаётган йўловчиларнинг оддий халқ эканига, оддий халқнинг эса оломон бўлишига ҳам биринчи марта гувоҳи бўлдик. Йўловчилардан баъзилари ўзини ҳеч нарса эшитмаганга олди, бошқалари ҳайрон, яна бошқалари уят ва хижолатда, озчилиги лўлиларга нафратли қараш билан чегараланди. Ҳеч ким уларга танбеҳ ҳам бермади. Лўлиларни олқишлаган бир нечта фосиқбашаралар ҳам топилди. Воқеа “қахрамон”и ёш лўли аёлнинг ўз шеригига қараб, “бопладимми?” дегандек ғолибона, разилона тиржайиб кулгани, шеригининг “яшавор” дегандек унга ҳиринглаб кўшилгани ўлганнинг устига тепгандек бўлди.

Шу воқеадан кейин узоқ вақт қаерда ўта беҳаёлик, ўта пасткашлик, ўта ноинсофлик, ҳар қандай ахлоқ нормаларига тупуриб, ҳар қандай меъёрларни менсимай, қандай қилиб бўлса ҳам гапини ўтказаетган, арзимас нарсага эга бўлиш учун жоиз бўлган-бўлмаган ва ҳар қандай қабиҳ восита ва усуллардан ҳам қайтмайдиган кишини кўрсам, “қип-қизил лўли экан”, деб баҳо берадиган бўлдим. Бундайларга теккан балого қолади, юзинг-кўзинг борми демай чанг солиб, шаллақилиқ қилиб шарманда қилади.

Шунинг учун кўпинча одамлар бундай табиатли кишилар билан тортишиб ўтирмай ўзларини четга оладилар. Орадан йиллар ўтиб, Қуръон билан танишиш бахтига мушарраф бўлганимдан кейин, юқоридаги ахлоқ бани Исроил қавмининг ахлоқи эканини, лўлиларга ана ўша яҳудийлардан ўтганини билдим. Кейинроқ, 15 йиллик муҳожирот даврида эса ҳар бир миллатнинг, ҳар бир умматнинг ҳам ўз “лўли”лари бўлишини тушуниб етган бўлсамда, ҳалигача бирор кишини “лўли экан” демаган эдим.

Бугун “Ihsanilim” фильмларини кўриб, ундаги гаплар ва узоқ ўтмишдаги ёқимсиз хотиралар бирлашиб, худди автобусдаги “бопладимми?”, “яшавор!” деб тиржайган лўли аёлларники сингари совуқ кулиб турган, асли келиб чиқиши Шаҳрихондан бўлган Мирзағолиб, биз билгандаги номи, Умар Андижоний, кейинроқ Абдурахмон ва ҳозирда Абдуллоҳ Бухорийга айланган бу шахснинг башараси кўз олдимга келиб, охириги 15 йилда биринчи марта “қипқизил лўли экан-ку!” деб юборганимни, ўзим ҳам билмай қолдим. Мен сени жуда яхши танийман, эй Мирзағолиб! Мозори Шарифда оилаларга Ҳанафий фикрдан дарс берганинда бир ой, ошиқроқ бирга бўлганмиз. Сен ҳам мени яхши эслайсан. Чунки, оғзингдан илиниб йиғлаб келганинда ёрдам берганман.

Кейин самолётга ўтқизиб Кобулга жўнатиб юборганман. Субҳоналлоҳ, сен етим-беваларнинг кўз ёшлари, шаҳидларнинг пок қонлари эвазига келган байтул-молдан ўғирлаб, Аллоҳнинг номини ўртага қўйиб, берган аҳдингни бузиб қочдинг. Ўтган ўн икки йил давомида муттасил равишда Ўзбекистон Исломиё Ҳаракатининг қаршисига турли тўхмат-бўхтонлар қилиш билан юзлаб, балки минглаб мусулмонларни ҳижрат ва жиҳод йўлидан тўсиб-қайтариш билан машғул бўлдинг. Биз учун авваллари оддийгина байтул-мол ўғрисию хоин эдинг, кейинроқ жамоатга келган ҳар ўн муҳожирнинг тўққизтасидан, сенинг мусулмонларни, асосан Ўзбекистон Исломиё Ҳаракатига ҳижрат ва жиҳод мақсадида келаётганларни йўлдан ураётганинг ҳақида хабарлар кела бошлади. Ҳаракат ўтган ўн икки йил мобайнида сендан кўра муҳимроқ ишлари кўп бўлгани учун, сен билан унчалик иши бўлмади. Ўн икки йил индаманик, ниҳоят зарурат ва имкон топилиб, жамоат ўзининг шаръий вожиботи – шаънини ҳимоя қилиш, ҳамда янги келадиган биродарларни огоҳлантириш мақсадида жамоатга Аллоҳ таолонинг фазли бўлмиш “Жундуллоҳ радиоси”нинг “Жума дастури”да сен ҳақингда асосланган, текширилган маълумотларни берди. Бунга аслида жиҳод қилиб турган жамоатга ўтган йиллар давомида отган тошларинг билан ўзинг бизни мажбур қилдинг. Сен биринчи бошлагансан, биз эмас. Бу бизнинг сенга берган озгина жавобимиз эди холос. Уч ярим соатлик дастурнинг бор-йўғи 11 минутигина сен ва сенга ўхшаганларга аталган эди. Эшиттиришни спектакль дебсан, ғурбатни кўрмаган сендек кишига бу албатта бир ўйин. Лекин Аллоҳ рози бўлсин, бир неча мужоҳид биродарларимиз ҳижрат диёрида (сенга ўхшаб иссиқ ўринларда эмас) ғурбатда юрган минглаб муҳожирларнинг қалбига озгина бўлсада ёруғлик, хурсандчилик кирсин деб, етган билимлари билан ҳаракат қилаётганини сен тушунмайсан. Ўн икки йилда бир марта берган жавобимизга сенинг ўта фосиқона, ўта беҳаёлик билан лўлиларча берган жавобинг кўпчилиكنинг энсасини қотирди. Мўлжал нишонга аниқ теккан кўринади, бўлмаса бунчалик жириллашга не ҳожат? Ўзингга ўхшаган ялоқўр шотирларинг билан, бор билим ва имкониятингни, бор беҳаёлигингни ишга солиб, фильмлар ишлабсан. Уларда дунёда мусулмонларга етган ва етаётган барча мусибатларга Ўзбекистон Исломиё Ҳаракатини айбдор қилибсан.

Бутун бир жамоатни фақат “сен-сен”лаб, оғзингга келган барча нарсага, жавоб талаб қилибсан. Бир кишини сўкиш, айблаш учун мумкин бўлгану бўлмаган ҳақоратлар билан жамоатни кўмиб ташлабсан. Сохта (ёлғондакам) мужоҳид дебсан, золим дебсан, илмсиз дебсан, қотил дебсан, тақфирий дебсан, кофир дебсан, мушрик дебсан, фирқа дебсан, уламоларни ҳақорат қилувчи ва уларга уруш очган (сарой уламоларидан бошқа бирор кишини маломат қилмаганмиз) дебсан, на ибодат қилишга, на жиҳод қилишга ва ҳатто Аллоҳнинг динидан гапиришга ҳам, ҳаққи йўққа чиқариб қўйибсан. Яхшиям ҳидоят сенинг кўлингга эмас, бўлмаса, ҳидоятга ҳам ҳақ бермасдинг! Лўлилик ҳам шунчалик бўладими, астағфируллоҳ!

Ҳатто Абу Жаҳл ҳам Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ва у кишига эргашган мусулмонларга шунча маломат ва туҳматлар қилмаган эди. Аллоҳ жазоингни берсин, ҳаммасидан ошиб тушдинг. Хўп, майли, ҳамма айбловингда қанчадир ҳақиқат ҳам бўлсин, деб фараз қилайлик. Сенга ўшаб фаришталикни даъво қилмаймиз, инсонмиз, билиб-билмай албатта хато қиламиз. Афғонистон Исломи Амирлигимиздан кейин ҳозирча юртларни озод этиб, Исломи ҳукуматни ўрнатолмаган бўлсақда, имкон қадар кофирларга қарши жиҳод қилиб, шаҳидлар бериб нусратланиб келмоқдамиз алҳамдулиллаҳ.

Дунё куфрининг қаршисида бир сиқиммиз холос. Сендақа илмни даъво қилганлар ўзини доно билган ҳолда майдондан қочиб Туркия, Саудия, Миср ва Европа давлатларида иссиқ кўрпаларда шишиб-бўкиб жиҳодга чиқаман деганларни, қайтариб ўтирса, нима қилиш керак? Аллоҳ таоло ўзининг йўлида жонини бераётган бандаларига, лашкарларига ҳар томонлама нусратини берган. Жумладан илм соҳасида ҳам. Сендек худбинларга эҳтиёжimiz тушмаган. Алҳамдулиллаҳ, сафимизда сенданга илммироқ бирордарларимиз талайгина. Қанча-қанчалари сен ниқоб қилиб олаётган китобу суннат йўлида, жонларини фидо қилиб шаҳид бўлдилар. Қолганлари ҳам оятда айтилганидек Аллоҳга берган аҳдларини ўзгартирмай шаҳодатни кутиб турибдилар. Улар сендек аҳдбузарлар эмаслар.

Сурия ҳақида ҳам гапирибсан, Суриядаги жиҳод ҳақида қалбимиз хотиржам, Башир Асад кофир, унга қарши жиҳод ҳақ. Бироқ Афғонистон Исломи Амирлиги босқинчи Америка ва НАТО салибийларидан қайтариб олиндики, биз Афғонистон ва Покистонни ташлаб Сурияга борсак? Ёки “Лал масжид” фожиасининг ё бошқа минглаб шаҳидларнинг қасдини олдикики, Покистонни ташлаб Сурияга борсак? Нима, сен учун Хуросон жиҳоди жиҳод эмасмики, фильмларингда уни тилинга ҳам олмабсан?! Сурияни сендан яхши биламиз, ундаги бугунги ҳолат – зулмлар кеча пайдо бўлмаган. Башир Асаддан олдин отаси Ҳофиз Асад даври ҳам шундай ўтган. Араб давлатлари ичида ўқув юртларида ҳижоб таъқиқланган ягона расво давлат. Буларни аввалдан жуда яхши билардингми? 10 йилдан бери ёнма-ён яшаб, нега жим юрдинг? Ёки Америка Сурияни ураман, демагунча хўжайинларинг унга қарши гапиришга ижозат беришмаганми? Бундан ташқари Сурияга бизнинг Афғонистонни ташлаб бўлса ҳам боришимиз фарзу, ёнгинасида турган сенга жиҳод фарз эмасми? Ёки сенинг вожиботинг у ерга боринглари, бу ерга боринглари, деб туриш билан тугайдими? Покистонда ўзинг ўқигансан, хўжайинларинг Покистон шиаларининг зулмлари ҳақида гапиришга ҳали рухсат беришганлари йўқми? “Лал масжид”да шаҳид бўлган муслималарни ким қатл қилди, номусига ким тажовуз этди? Тирик қолган муслималарни Американинг фоҳишахоналарига ким пуллади? Қолаверса, Амирликнинг кулашида катта тоғутга асосий ёрдамни Покистон ҳукумати бермадими? Покистондаги шиалар яхшию, Суриядагилар ёмон шиами? Нима фарқи бор? Ёки қачон Америка Покистонни ураман деса, кейин бу ердаги жиҳодга даъват бошлайсанми? Шу ўринда яна табиий бир савол туғилади. Сен “сохта” деб, фитнакор деб атаётган мужоҳидлар ўтган 12 йил давомида нима қилди-ю, сен нима қилдинг? Ҳали бизнинг қўлимиздаги қуролларни ўйинчоқ, тепамизда учаётган, бомбалаётган тайёраю вертолётларни ҳам сохта, шаҳидларни ҳам сохта, ёлғондакам ётган, оқиб турган қонларни бўёқ деб, фидойи амалиётларни спектакль деб ҳам “лўли”лик қиларсан?!

Ўзбекистон Исломи Ҳаракати ўтган 12 йил давомида Афғонистонда “Шоҳикут”, “Қалъаи жанги”, Покистонда Вана-1, Дили, Вана-2, Спинкай қишки, Спинкай ёзги, Масъуд, Кўрама, Урукзай, Дараи Одамхел, Мироншоҳ, Мирали жанглари, Афғонистоннинг деярли ҳамма минтақаларида Америка бошлиқ НАТО салибийларига, Покистоннинг шиалардан иборат муртад-кофир аскарларига қарши тинимсиз жанглари олиб борди. Булар албатта Роббимизнинг фазли ва ёрдами билангина бўлган. Биргина “Шоҳикут” жангида 70 дан ортиқ, “Қалъаи жанги” 104 та мужоҳидини шаҳид берди. Ҳаммаси бўлиб, 12 йилда мингдан ортиқ шаҳид (албатта сен буларни шаҳид демайсан, сенингча Туркияда кўрпасида ўлган шаҳид) бердик. Уларнинг ичида 74 ёшли отахонлару 12 ёшли мадраса талабалари ҳам бор. Хўп энди, сен нима қилдинг? Ёрдамлашиб, ёдингга туширишиб юборайликми? Жамоатдан қочиб аввал Саудия ва бошқа араб давлатларида жамоатнинг қаршисига ишладинг.

Муҳожирлар эҳтиёжлари, мужоҳидлар анжомлари ва жиҳодий амалиётлар учун араб давлатларидаги муҳсин кишилар маблағ юбораётган иқтисодий каналларни беркитишга, жидди-жаҳд қилдинг. Бу билан Америка ва дунё куфрининг мусулмонларга қарши уюштирган “иқтисодий блокада”сида фаол қатнашганини биласанми?! Алҳамдулиллаҳ, Аллоҳ таолонинг Ўзигина Раззоқ, сенинг кучанишларинг билан иқтисодимизда бироз қийинчиликлар бўлган бўлсада, ҳеч ким очдан ўлмади. Тўғри, жиҳодимиз ҳам бироз сусайган бўлсада, тўхтаб қолмади. Битта нон емадик, яримта едик, кийимимизга ямоқ тушди. Фақат, душманга отадиган иккита ўқимиз битта бўлиб қолганидан, баъзида шу битта ўқни ҳам топиш қийин бўлиб қолганидан дилимиз хира тортди холос.

Алҳамдулиллаҳ, дунёда ёлғиз мусулмонлар жамоати бўлган Росулulloҳ соллалалoҳу алайҳи васаллам (ўзлари тирик туриб) жамоатининг суннати бўлган “қарзга яшаш ва Аллоҳнинг фазли билан қарзларни тўлаш” қандай бўлишини ҳам кўрдик, кўрмоқдамиз. Сен фақат сенинг гапингга ишониб жамоатга эҳсон юборишни тўхтатган кишиларга зиён етказдинг холос. Охириги 10 йилда Туркиядан паноҳ топдинг. “Осмон тушиб кетса кўтариб қоламан”, деб оёқларини юқорига кўтариб ётадиган читтақдек, ўзингни гўё бутун дин юки бўйнида, бутун дин хизмати елкасида, фақат дин учун яшаётган дунёдаги ёлғиз муҳим одам қилиб кўрсатибсан. Гапларингдан сени Туркияда Хилофотни тиклаб, шариатни қойим қилиб қўйганмикан, деб ўйлайди киши. Ўзингни салкам пайғамбар кўрсатибсан, буюк имомларга тенглаштирибсан, улар билан ўзингни ёпмоқчи бўлибсан. Бизга майли тухмат қил, пайғамбар ва умматнинг пешво имомларига тухмат қилма. Улар сенга ўхшаган бўлмаганлар, улар байтул-мол ўғриси бўлмаганлар, сенга ўхшаб мусулмонлар зиддига, кофирлар фойдасига жосуслик қилишмаган. Улар нафақат мусулмон амирга ёки мусулмон биродарларига берган аҳдларига хиёнат қилмаганлар, улар ҳатто яҳудийга берган аҳдига ҳам содиқ бўлганлар. Олимларга бўлган тухмат сенга ҳам бўлган эмиш, ажабланарлиси яна минглаган тухматлардан бири эмиш. Қани ўша олдинги тухматлар? Сенга ким ҳам тухмат отарди! Илмига амал қилмайдиганларни бугун ким ҳам маломат қиларди. Бугун саҳобалар давримидики, жиҳоддан қочганини маломат қилинса. Аслида бугун жиҳод қилувчилар маломат қолувчилардир. Яна ўзингни уялмай - нетмай садоқатли олимлар қаторидан санабсан-а? Аллоҳнинг дини, пайғамбарининг шаъни, мусулмонларнинг номуслари хорланган бугунги каби кунларда улар нима қилган бўлардилар, мен олимман, деб иссиқ ўринларда дарс бериш билан кифояланармидилар? Жиҳод фарзи айн бўлганидан хабаринг борми ўзи? Ёки буни ҳам инкор этасанми?! Сен зикр қилган уламолар қаердаю, сен қаерда? Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ сенга ўхшаб олқишпараст бўлмаганлар. У зотга таклиф этилган қозикалонлик сенга таклиф қилингандами, кибру ҳавоингдан ёнингдаги шогирдларингни ҳам яқинингга йўлатмай кўярмидинг.

Олдимга қанча кўпроқ солиҳ кишиларни қалқон қилиб қўйсам, айбим шунча ёпилади, деб ўйлайсанми? Аслида, ёлғиз Аллоҳга аён, қанча ҳижрат ва жиҳод ниятидаги солиҳ мусулмонларни орқага қайтариб юбординг, қанча мужоҳидларни сотдинг?! Ёки сен бу ишларингни ҳам динга хизмат, деб биласанми?! Албатта, сенинг хиёнатинг туфайли кофирлар зиндонларида ётганлар Қиёмат куни ёқангдан оладилар, бунга сен ишонмасанг, биз бунга ақида қилганмиз. Шаллақи тилинг билан бугун ёпаётган жиноятларингни Қиёматда қандай ёпаркинсан?! Хўп, Туркияда яна нима ишлар қилдинг? Ўзингни “шайх”, “устоз” деб атаганинг билан келтирган ҳужжатларинг ва ўзингни тутишингдан, ўзингни осмонга кўтарганинг билан ҳали чаламуллалигинг ошкор бўлиб турибди. Ўтган 12 йилда ҳеч бўлмаса, тузук-қуруқ илм ҳам олмабсан. Бор ана, дарс бердим, дерсан. Ўзинг амал қилмайдиган илминг кимга ҳам керак. Мадраса қилдим десанг, бугун умматга мадраса етмаётган эканми? Бизнинг ҳам мадрасаларимиз бор. Лекин жиҳодни ташлабмизми?! Ўзинг амал қилмасанг, бундай илмни беришингдан Исломига ва умуман нима фойда? Қуръон ва ҳадис ўқиб-ўрганиш учунгина ўқитиладими ёки унга амал қилиш учунми? Қуръондаги мана бу оятларни ўзингга ҳам тааллуқли деб биласанми?!

Аллоҳ йўлида(ги жиҳод учун молларингизни)сарфланглар! Ва(бахиллик қилиш билан)ўзингизни ҳалокатга ташламанг! Яхшилик қилинг! Албатта Аллоҳ яхшилик қилгувчиларни севади. “Бақара” сураси, 195-оят.

Албатта иймон келтирган,(ватанларидан)ҳижрат қилган, Аллоҳ йўлида жиҳод қилган зотлар – ана ўшалар Аллоҳнинг раҳматидан умидвордирлар. Аллоҳ мағфиратли, раҳмлидир. 62 “Бақара” сураси, 218-оят.

Эй мўминлар, сабр қилингиз ва сабру тоқат қилишда (кофирлардан) устун бўлингиз ҳамда доимо(кураш – жиҳод учун)риботда белингиз боғлиқ (ҳолдаҳозир) бўлиб тулингиз! Ва Аллоҳдан қўрқингизким,(шунда)шояд нажот топгайсизлар! “Оли Имрон” сураси, 200-оят.

Мўминлардан ўзлари бешикаст бўлиб туриб(жиҳодга чиқмай)ўтириб олган кишилар билан Аллоҳ йўлида мол ва жонлари ила жиҳод қилган зотлар баробар бўлмайди. Аллоҳ молу жонлари билан жиҳод қилган зотларни(бирон узр сабабли жиҳодга чиқмай) ўтириб олган кишилардан ҳам бир даража афзал қилди ва барчаларига гўзал оқибатни (яъни, жаннатни)ваъда қилди. Ҳамда Аллоҳ жиҳод қилгувчиларни ўтириб олувчилардан улуғ мукофот – Ўз томонидан бўлажак юксак даражалар, мағфират ва фазлу марҳамат билан афзал қилди. Аллоҳ мағфиратли, меҳрибон бўлган зотдир. “Нисо” сураси, 95-96-оятлар.

Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқингиз ва Унга яқин бўлиш йўлини излангиз ҳамда Унинг йўлида жиҳод қилингиз, шунда шояд нажот топурсиз! “Моида” сураси, 35-оят.

(Эй мўминлар), сизлар то (дунёда) бирон фитна-алдов қолмай, бутун дин фақат Аллоҳ учун бўлгунга қадар улар билан жанг қилинглар! Энди агар (кофирликдан) тўхтасалар, бас, албатта Аллоҳ қилаётган амалларини кўргувчидир. “Анфол” сураси, 39-оят.

(Жиҳодга чиқмай қолишларида)кўзи ожиз кишига ҳараж-танглик йўқдир, чўлоққа ҳараж йўқдир, хастага ҳараж йўқдир(яъни, улар жиҳодга чиқмаганлари учун айбланмаслар). ... “Нур” сураси, 61-оятдан.

Бас, сиз кофир кимсаларга бўйинсунманг ва (Қуръон) ёрдамида уларга қарши қаттиқ жиҳод қилинг! “Фурқон” сураси, 52-оят.

У мўмин ва мўминаларни остидан дарёлар оқиб турадиган, улар мангу қоладиган жаннатларга киритиш учун ва улардан ёмонлик-гуноҳларини ўчириш учун (уларнинг дилларини Ўзи буюрган, кофирларга қарши жиҳод қилиш каби ҳукмлардан таскин ором оладиган қилиб қўйди). Ва бу Аллоҳ наздида буюк саодат бўлди. “Фатҳ” сураси, 5-оят.

Ҳақиқий мўминлар Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига иймон келтириб, сўнгра (ҳеч қандай) шак-шубҳа қилмаган ва молу жонлари билан Аллоҳ йўлида жиҳод қилган зотлардир. Ана ўшаларгина (ўз иймонларида)содиқ бўлган зотлардир. Мақола тугади.

Бу мақолани Икром Қирғиз номли ЎИХнинг аъзоси ёзган. У Бухорийни жиҳод қилмаётганликда айблайдди. Бошқа кўп гапларни ёзади. Лекин, у на Обид қорини, На Мулла Сайфини, ва на бошқа казо казоларни шу оятларга биноан жиҳодга чиқмасдан, уйда ўтирибди деб айбламайди. Унинг байтул молдан пул олиб кетгансан деган, айблови тўхмат бўлган. Бухорий буни тўхмат деб, айтган. Шунча хизматлар қилиб, Суриядаги урушни қўллаб қувватлаган Бухорийни, ЎИХ шунчалик ерга урди. Хорлади. Унинг айби эса, шулардан қочиб кетгани эди. ЎИХ ўзидан қочганларни ҳаммасини бадном қилган. Унинг сафидан қочган салафийлар, кейинроқ, ИЖИга асос солишган. ЎИХни уларни ҳам бадном қилган. Сиз уларни танимай туриб, тарафини олаяпсиз. Опа демак, ЎИХни гаплари тўғри десангиз, Абдуллоҳ Бухорийни тўғри деманг, энди. Агар Бухорий тўғри бўлса, уларни тўғри деб, айтманг!

Опа мен хали улар қилган жиноятларни алоҳида ёзаман. Токи, сиз кабилар, кимни кимлигини, тушунсинлар! Жиҳод улуғ ибодат. Аммо, буни суистеъмол қилганлар, хоинлар ва золимлардир!

Эслатма: Ўзбекистон исломий Ҳаракати (ЎИХ)Тоҳир Йўлдошев асос солган ҳаракатдир. Унинг тарихи бу китобда, кўп жойда қайта қайта келади. ЎИХ деб ёзилган ерда, демак, шу ташкилотни тушуниш керак. Бу китобда булар ҳақида, ҳали яна кўп жойда ёзилади.

Обид қори радикал эдими?

Обид қори радикал эмасди. У совет даврида туғилган ва совет мактабида ўқиган ва у замонларда, диний таълимни биладиган одамлар жуда кам бўлган. Ўша камлардан бир иккисидан, озроқ диний таълим олган. У динни биладиганлар ҳам, уламолар эмас эди албатта. Улар ҳам нари борса, қуръонни ўқишни ўргатган бўлиши мумкин? У кейинчалик, Ислом институтига кириб ўқиган ва давлатнинг расмий имоми бўлганди. Унда радикал ғоялар бўлмаган ва бўлиши имкони ҳам бўлмаганди. У пайтдаги имомлар ҳозирги ёшлардек, чет элга чиқиб, ўқиш имконига эга бўлмаганлар. Турли туман фирқаларни борлигини ҳам билишмаган. Турли китоблар ҳам ўқишмаган. Улар илми ҳамин қадар бўлгани аниқ. Ҳозирги докторман деяётганлар, улардан кўра олимроқ. Буни инкор қилиб бўлмайди. Аммо, бу дегани, улар қилган хизматларни қадрли йўқ дегани эмас. Обид қори, агар СССР тугаб битмаганда, оддий имом бўлиб, ўтиб кетарди. Унинг даврида, СССР тугади ва эркинлик пайти бўлди. У шу пайтда, расмий имом бўла туриб, норасмий имомларга эргашди. МСМЮни қўйиб, Абдували қорига эргашди. Уни устозим деб, ўзи айтган менга бир суҳбатда. Лекин, уни устозим деб, сайтига ёзиб қўймади. У киши унга ўша пайтда, раҳнамо бўлганди. У шукишига эргашиб, режимни танқид қилувчи нутқлар қилганди. Бу радикаллик эмасди. Бу ҳақни айтишлик эди.

Умматни ухлатиб бериш, давлат томонидан юклатилган вазифаси бўла туриб, у умматни уйғотишга уринди. Ҳукуматга шу ёқмасди. Шу учун Абдували қорини йўқ қилишганди. Шу учун, Обид қорига катта синовлар келди. Лекин, у том маънодаги радикал ҳисобланмасди. У Халифат қуришга чақирмаган. У пайтдаги холис имомлардан ҳеч бири, Халифат қуриш мавзусида гапирмаганлар. Бу мавзуда уларда илм ҳам, тушунча ҳам бўлмаган. Умумий равишда, ислом ҳукми юрса, яхши бўлиши ҳақида, юзаки тушунча бўлган халос. Уни тиклаш манҳажини бўлмаган. Бунақа манҳажлар Ҳизбут таҳрирда бор. Жиҳодчиларда ҳам бор. (Жиҳодчиларда, лекин конкрет, назарий шаклда асосланган, йўл харитаси йўқ) Обид қорида йўқ. Қолаверса, Обид қори Халифат қуриш мумкин деб, айтилаётган манҳажларга кўп ҳам ишонмаган. Уларни гарчи танқид қилмасида, уларни қўллаб қувватламаган. Тоҳирвойини ҳақида у на яхши ва на ёмон гап айтмаган. Ҳизбут Таҳрир ҳақида бу тўғри йўлми ё, хатоми деган, маънода берилган саволга ҳам, илм ўргансангиз, қайси йўл тўғри ва қайси нотўғрилигини билиб оласиз деб, умумий жавоб берган. Булар бари шуни кўрсатадики, у Ҳизбутлар ғазабига дучор бўлишдан ҳам ва жиҳодчилар ғазабига дучор бўлишдан ҳам сақланган. Аммо, ҳукуматни танқид қилган. Бу танқиди ҳам, сиёсий жиҳатдан қилинган эмас эди. Сиёсий муҳолифат сифатида эмас, диний арбоб сифатидаги танқид эди. Яъни, уни ИАК курсисига, даъвоси йўқлиги кўриниб турарди.

Шунга қарамай, унинг қавмида, ЎИХга мойиллар пайдо бўлди. Булар мен олдинроқ айтиб ўтганимдек, кеча намоз ўқишни бошлаган, собиқ (балким, айна замондаги) ўғрилари эди. Одатда шунақалар динга кирса, жуда қаттиқ ушлашадиган ва тезда совиб, қўлини ювиб қўлтиққа урадиган ва ҳатто намозни ҳам ташлаб кетадиган одамлар бўлишади. Бунга кўп гувоҳ бўлганмиз. Хуллас, булар миясида алиф бўлмасида, ўзларича жиҳодчиларга ҳавас қиладиган ва лекин, ўзлари улар олдига, ҳеч қачон бормайдиган, боришга журъат этолмайдиган кимсалар эди. Булар уларга пул жўнатишарди. Сайтига у бу нарса ёзиб жўнатишарди. Обид қори ЎИХ билан келишолмай қолгач, уларни расман қўллаб қувватламагач, Обид қорини ҳам бадном қилишга киришдилар. ЎИХ сайти бир аёлни ҳикоясини ва Обид қорини ББСга берган интервьюсини аралаштириб, бир матн қилди ва сайтига қўйиб қўйди. Бу матнни ўқисангиз, Обид қори Швецияни мақтаб. Бу ерда эркинликлар бор, у бу деб, гапирди. Тагида бир хотин афғондаги машаққатларни гапирди. Икки матнни солиштирилган шаклда чоп қилишди. Ўқиган одам тушунадими, Обид қори Швеция мазза қилиб яшайди. Хотин афғонда шунча азоблар чекиб, жиҳод майдонида юрибди. Хуллас, сен шу хотинчалик ҳам бўлолмадинг деган, маъноси бор эди. Камина бунга ўз пайтида, аудио шаклда муносабат ҳам билдиргандим.

Хуллас, Обид қори қавми, бунга лом мим демади. Тоҳирвой мазҳабпараст мутаассиб бўлиб, кўплаб салафийларни мазҳабга кирасан деб, мажбурлаган. Қамоққа ташлаган ва уриб сўкиб қийнаган. Унинг жамоатидан қочмоқчи бўлганларни, отиб ташлаган. (Унинг амрига кўра, 17 йигит отилган. Бу ҳақида, ЎИХнинг жиноятлари китобида батафсил ёзганман) У том маънодаги золим эди. Аллоҳ унга лойиқ жазосини берсин! У Маъворауннаҳр амириман деб, ўша ўзи ўтирган еридан, Ўзбекистондаги содда мусулмонларни ўзига байъат қилдирган. Бу байъат яширин шаклда, унинг махсус одамлари орқалик бўлган. У шу тариқа, ичкарида, ўзига аскарлар тўплаган. Буларга бойларни пулини ўмариб, уларга юборишни топширган. Хоразмлик бешта йигит, шу касофатни одами орқалик унга амир деб, байъат беришган ва Хивани ҳокимини уйига кириб, бор мол мулкини ўғирлаб, бир кишидан афғонга Тохирга бериб юборишган. Буларни топиб, йигирма йилдан қамашганди. Мен шулардан биттаси билан бирга ўтирганман. Тохирвой у ёқда қўй ёғига ошни еб, амирман деб ўтирганда, бу ёшлар умрини хазон қилиб, турмада калтак еб юришарди. Обид қори қавмидаги аҳмоқлар ҳам Тохирга муридлик қилиб, унинг гуруҳини қўллаб қувватлашарди. Албатта, ҳамма жиҳодий гуруҳлар ҳам Тохир каби, очкўз ва очофат эмасди. Стокхольмда ишлагани келган ўзбеклардан бир тоифаси, банкдан катта пул кредит олиб, Сурияга қочиб кетишади. Суриядаги ал Бухорий Катибасига бориб, қўшилган бу йигитлар, уларга кофирларни алдаб, пулларини олиб келдик. Ишлатинглар деб, уларга беришади. Шунда улар, бизга ўғирлик пул керакмас. Пулларни эгасига қайтаринглар деб, қўлларига етиб келган, шунча пулни, қайтиб банкка тўлаттиришган. Кофирни пули экан, бизга ҳалол деб, еб юборишмаган. Суриядаги Ал Бухорий катибаси амири, Акмал Жўрабоев дегани ҳам, Наманганлик бўлиб, у Тохирни гуруҳидан қочган шахслардан бири эди. Охир оқибат уни, Сурияда шу Тохирни ЎИХни, одамлари қатл қилишди. Ал Бухорий катибаси амири бўлган, 43 яшар Шайх Салоҳиддин номида юрган, Акмал Жўрабоев, 2017 йил, 27 апрель куни Идлибда, масжидда шом намозини адо этаётган пайтда Жобир исмли, ЎИХдан бўлган ва Сурияда ИШИД чиққанида, унга бориб қўшилган, собиқ ЎИХчи манфур кимса томонидан, отиб ташланган. Ал Бухорий катибаси 43 яшар амири, Шайх Салоҳиддин номида юрган, Акмал Жўрабоев, 2017 йил, 27 апрель куни Идлибда, масжидда шом намозини адо этаётган пайтда Жобир исмли, ЎИХдан бўлган ва Сурияда ИШИД чиққанида унга бориб қўшилган, манфур кимса томонидан, отиб ташланди. Тоҳирвойнинг ташкил этган ЎИХ гуруҳи, мусулмонларни қонини ҳалол деб, мол мулкини ўлжа деб оладиган, бераҳм каллакесарлар гуруҳи эди. Улар кўп илмли, мусулмон одамларни қатл қилишган. Ваҳолонки, ўз вақтида Тоҳирвой, Обид қорининг шогирдлари бўлган, Тошкентлик йигитларни ҳам, мазҳабга кирасан деб мажбурлаб, қамаб урган эди. Ўша салафий йигитлар охири, ЎИХдан ажралиб чиқиб, ИЖИ (Исломиий Жиҳод Иттифоқи) деган жамоага, асос солишган. Булар шу Тохирдан қочган, салафий ўзбеклар жамоаси эди. Агар Обид қорини ёнидаги радикаллар ўша, ЎИХ олдида борганда, уларни ҳам уриб, қамаб, мазҳабга киришга мажбурлаган бўларди. Бу аҳмоқлар унинг кимлигини билмасдан туриб, сайтидаги дабдабали олди қочдиларни кўриб, қойил қолиб, сўлакларни оқиб юришарди. Обид қорига бунақа муридлар бўлса, душманни кераги йўқ эди. Булар унча мунча душман қилолмаган зарарни, беришга қодир эдилар. Ва бердилар ҳам. Булар Обид қорини имижига катта путур етказдилар. ЎИХчилар ИШИД пайдо бўлгач, унинг сафига кирдилар. ЎИХ тугатилди. Унинг номи, Халифаликнинг Хуросон қаноти бўлди. Шу қанотга, кейинчалик, Швециядаги кўп ўзбеклар болалари бориб қўшилдилар. Бугун улар Толибонга қарши кураш олиб бормоқдалар.

Фарҳод деган касофат, кофирни молини қандай йўл билан олса ҳам ҳалол деб, тушунарди. Мусулмонларни ҳам алдаб, пулларини олиб, еб кетарди. У кўплаб корхона очиб, кредит пули олиб, корхонани банкрот қилиб, катта пулларни топди. Янги машина олиб, ўзи бировларга айтиб, ёқиб юбортириб, кейин суғурта компаниясидан машинанинг тўлиқ пулини оларди. У ресторан очиб, ёқиб юбориб, суғурта компаниясидан пул оларди. Унинг мошениклиги маълум бўлгач, хронофогденга тушди. Яъни, у энди банкдан пул ололмайдиган қора рўйхатга тушди. Шунда ҳам у ифлос, бировлар номига корхона фирмалар очиб, шу эски ўғирлигини қилиб юрди.

Унинг қилмишлари ҳақида яна кўп нарсалар ёзилади, ўз жойида иншаалллоҳ. У ҳам Обид қорининг муридлари сафида эди. У учига чиққан мошонник эди. ЎИХнинг тарафдори эди. Бой ота ҳам, шунга қўшилиб, ИШИДчи бўлди. Охир оқибат бола чақасини кўришдан маҳрум бўлди. Боласи Аҳмад отасига пул жўнатиб турди. Кейинроқ, терроризмни қўллаб қувватлагансан деб, Аҳмадни қамоққа ташладилар. Бунга ҳам ўша Фарҳод мошонник сабабчи бўлганди. Булар бари Обид қорини қавмидан эди. Булар қорини обрўсига путур етказди. Бунақа дўстларинг бўлса, душманни кераги йўқ эди. Лекин, Обид қорининг душманлари ҳам кўп эди.

Стромсундда болалар таълими

Стромсундда жамоат ёш болаларини ўқитиш ва таълим тарбиялаш, жуда қаттиқ режимда олиб бориларди. Болалар эрталабки намозга, масжидга келишлари шарт эди. Кейин, мактабига бориб келишарди. Кейин, уларни қуръон ўқитадиган устозлари олдига, дарсга чиқишарди. Кейин, спорт ўргатадиган Исмоил дегани, бор эди. Бу қаратдан қора белбоғи бор эди. Ўзи ҳам арабчани, наридан бери биларди. Зиёд иккаласи Суриядаги Бухорий Катибасига бориб, риботда ўтириб, уч тўртта ҳадисни ўқиб, оғзи бурнини бекитиб, видеога олиб, Йотубга қўйиб қўйишганди. Хуллас, фойдасидан зарари кўп бўлган бу кимса, шу жамоатдаги болаларга қаратдан дарс берарди. Ундан сўнг болалар бассейнга бориб чўмилишарди. Кун бўйи шуларни қилиш ва беш вақт намозни масжидда жамоат билан ўқишлари шарт эди. Мен қаттиқ тартибли зонада, жазо ўтаганман. Строгий режимли зонада. Строгач деган ном олганман. Бу болачаларни ҳам, қаттиқ режимли зонада таълим олишганга ўхшатардим. Ҳали намоз фарз бўлмаган гўдакларни, бомдодга уйғотиб судраб келишарди. Болалар оғзини очиб, ухлаб ўтиришарди.

Буларни қуръон ўқишга қизиқтиришарди. Болаларга совғалар улашишар ва ким кўп қуръон ўқишга, мусобақалар ўтказишарди. Хайтларда уларга совғалар улашиларди. Мен рамазон хайитига бир борганимда, ўзим гувоҳ бўлган воқеъани айтмоқчиман. Хайит кунларида, Стромсундда катта дастурхон ёйилади. Бу дастурхонни таърифини олдинроқ айтиб ўтганман. Амир Темур «Ким бизнинг қудратимизга шубҳа қилса, биз қурган иморатларга қарасин!» деган гапни, кўп айтар экан. Обид қори қавмида гўёки, «Ким бизнинг қудратимизга шубҳа қилса, дастурхонимизга қарасин!» деган шиор, борга ўхшарди. Олдин айтганимдек, меҳмонлар даражасига қараб ўтқазиларди. Казо казолар столдан сўнг, уларга яқинроқлар ва ундан пастда яна ўша даражасига қараб ўтқазишарди. Акрамийлар столи, Чеченлар столи, араблар столи ва Ҳизбутлар столи ва хизматчилар столлари бўларди. Булардан даражангиз юқорилагани сари, Обид қори ўтирган столга яқинлашардингиз. Бизнинг бой ота ҳам шу ерда ўтирарди. Миясида алиф бўлмасада, унинг савлатидан от ҳурқарди. Шунга бўлса керак, уни ҳам шу ерга ўтқазишганди. Бу маросимларда ҳар доимгидек, Обид қори маъруза қиларди. Кейин, бефаросат ва у ердаги шунга ўхшаганлар, башарасини ақллик қилиб, одоб ахлоқдан маъруза қилишарди. Кейин, болаларга совға улашиш маросими бўларди. Буни тарк этиш, асло мумкин эмасди. Мулла Абдувоҳид Йўлдошев (лақаби Бой ота) шунақа маросимларда совға тарқатувчи бўларди. У микрофонни қўлига олиб, фалончи ўғли писмадонхон, рамазон ойида қуръонни бир марта хатм қилди, деб баралла чақиради. Бир болача келар, унга биттаси қўлида ушлаб турган совғани топширарди. Ҳамма меҳмонлар қараб, тамошо қилиб ўтирарди. Кейин, фалончи писмадончи ўғли, рамазонда қуръонни икки марта хатм қилди. Хуллас, уч марта, беш марта, адо бўлмай кетди. Мен оғзим очилиб, анграйиб қолдим. Хуллас, кимдир 10 марта, кимдир 20 марта ва кимдир 30 марта деди. Охирида, бир болани ўртага чиқарди ва ким билади, шу бола нечта марта, хатм қилган деб, сўради. Ҳамма ҳайрон эди. Шунда Абдувоҳид фалончи пистончи ўғли, қуръонни рамазонда 33 марта хатм қилди деди. Қий чувлар билан унга совға берилди. Мен даҳшатга тушдим. Абдувоҳиддан сизларни кришангиз кетаяпдими? деб сўрадим. Нега ундан дейсиз? дейди ҳайрон бўлиб. Мен унга рамазон ўттиз кун бўлса, бу бола 33 марта хатм қилгани рост бўлса, ҳар куни бир мартадан кўпроқ хатм қилдими? дедим. У ҳа, тез тез ўқишади болалар деди. Улар овқат емайдими? Намоз ўқимайдими? Ухламайдими?

Бу нима деган гап?! дедим ҳайратга тушиб. Бу болачалар ҳали беш ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар эдилар. Буларга совға салом бериб, ўқитишарди. Қуръонни ёшлиқдан ўқигани, албатта яхши эди. Лекин, бу жуда катта нағрузка эди. Болачалар бешиб қоларди. Совғалар улашиш жараёнида ҳам, баъзи кўнгилсизликлар рўй берарди. Хайитда совғалар, фақат шу ўзбеклар жамоасининг болаларига бериларди. Чунки, уларнинг оталари жамоатга аъзо ва ойига байтул молга бадал тўларди. Атрофдаги бангладеш, чечен, араблар бу жамоага аъзо эмасдилар. Хайит тамошосига, улар ҳам таклиф қилинарди. Уларнинг болалари ҳам ўзбеклар болаларига берилган совғадан бериладими деб, умидвор бўлишарди. Буларнинг болаларига совға бериш, режада йўқ бўларди. Шунақа бўлиб, бошқа миллатлик болачалар совға ололмай хафа бўлиб кетишган. Ота онасига шикоят қилишган. Улар ҳам, бу совгани олиш учун пул бериш лозимлигини билмагани учун, улардан хафа бўлиб юришарди. Шу ерда яшайдиган Аҳмад деган, бир Бангладешликни айтишича, унинг ўғлини совға бермай, хайит кунини хафа қилишган. У менга айтсалар минг крона бўлса ҳам берардим деб, гапирарди. Уларнинг болалари, бу совғалар учун, олдиндан пул тўлаш кераклигини билмасдилар. Бунақа воқеалар ҳам бўлиб турган. Лекин, Сторомсундда шунақа қаттиқ режимли зонада юрган болалар, Мёлбуга кўчиб боришгач, қуръондан ҳам бешиб, намозларини ҳам ўқимай нашаванд, ҳатто даҳрий динсиз бўлиб кетишди. Баъзилар ароқ ичиб, баъзилари ўғирлик қилиб, қамалиб ҳам кетишди. Ширинов бошлиқ либерал жамиятда, бу болалар динга амал қилмай қўйдилар. Булар баёни ўз жойида ёзилади иншааллоҳ.

Хуллас, ўша замонларда Обид қорига, атрофини ўраган Мулла Ширинов. Мулла Тохир, Саудиядаги боласи, мулла Муҳиддин, ва бошқалар томонидан таъсирлар ўтказила бошланган эди. Унга аввалги тутган позицияси нотўғри бўлган деган, фикр сингдиришга уринилган. Ўша пайтда бир воқеа бўлганди. Обид қорига Мисрлик талабалардан бир мактуб келган. У мактубни нусхасини менга ҳам жўнатишганди. Булар кимлигини мен билмайман. Аммо, у мактубда Обид қорини тутган йўли хато бўлгани айтилганди. Уни ИАКга қарши чиққани хато эканлиги ва тавба қилиши лозимлиги айтилган мактуб эди. Мен уни Обид қорига юбордим. У киши менга, имаилимга ёзган жавобиде, буни сайтимда чоп қилмаслигимни, индамай қўяверишим маъқул эканини айтганди. Мен мактубни чоп қилмадим.

Хуллас, Бу мактубда подшоҳга қарши чиқмаслик лозимлиги ва у қарши чиқиб, балога учрагани ва бунга ўзи айбдорлиги айтилганди. Бу мадхалий салафий талабалар мактуби эди. (Мадхалифлар кимлиги ҳақида, яна ўз жойида батафсил маълумот берилади) Шу фикрни унга, юқори эҳтимол билан, ўғли муҳиддин Назаров ва Доктор Шириновлар ҳам айтишган. Чунки, Унда ўзгариш аниқ сезила бошлаганди. Обид қорига, ҳукумат тарафдорлари томонидан ҳам, шу мазмундаги қалтис саволлар берилган. ББС ўзбек хизматига меҳмон бўлган пайтида, унга саволлар бериларди. Шунақа пайтида унга Мисрлик Абу Довуд Зиядуллоҳ деган, кимсадан савол келади. (Бу сохта номда, аслида, ўша мадхалийлар савол йўллаган) У савол ва унга Обид қори берган батафсил жавобини, қуйида ўқийсиз.

Abou Daoud Ziyadllah, Qahira Misr: Assalamu alaikoum Hurmatli Obid qori aka, sizga bir savolarim bor edi faqat iltimos Javob bering: Dunyo Katta Salaf ulomalari,Ulardan ahmad Ibn Hanbal,imam Barbahariy,Usaymin, Alboniy Alloh O'z rahamatiga olsin! Juda kuchli dalillar bilan Hukumatga,Sultonga , hattoki Zolim Hokimga,qarshi chiqishlik Sunnatga zid deb Aytishgan Shunga sizni fikringiz, siz ham shu manhajdanmisiz (Tushunchada)? ibn Taymiya Rahimahullah ham uzlarini "Majmu Alfatva"22/61 va "Manhaj Assuna"3/391 Va Ibn Baz rahimahullahning "AlFatva Ibn Baz"8/23 va ibn Usaymin "Babul Maftuh"3/126 mana shunday deb aytishgan.Sizningcha shu fatvolardan keyin ham Uzbekiston musulmonlari Karimovga qarshi chiqadigan bulsa Sunnatga zid buladimi?? hukumatga qarshi chiqishlik Bu bizga uzga dindan kelmadimikan?? Iltimos Radio Hodimlari mening savolim Obid qori akaga etib borsa!!!Bu juda muhum!oldindan rahmat.

Обидхон қори: Дарҳақиқат бу мавзу долзарб, муҳим масала. Бу мавзу шунинг учун ҳам муҳимки, у мамлакат аҳолисининг диндорига ҳам, ўзгача фикрлисига ҳам баб-баробар тааллуқлидир. Аҳолининг динга амал қилмайдиган қисми бу ўринда фақат дунёвий қонунлар асосида фикр юритади. Мусулмонлар эса ҳам шариат қонунларига, ҳам дунёвий қонунларга назар соладилар. Биз ҳозир бу борада Ислом қонунларида нима дейилгани ҳақида тўхталайлик. Ҳанафий уламолардан Имом Таҳовий “Ақийдаи Таҳовийя” китобида ёзадилар: “Биз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматларидан бирор кишига қарши қилич кўтаришни жойиз санамаймиз. Илло куч ишлатиш вожиб бўлган ўринлар бундан мустасно. Имомларимиз ва раҳбарларимизга қарши бош кўтаришни мумкин деб билмаймиз. Уларни дуои бад қилмаймиз ва уларга бўйсунушдан бўйин товламаймиз. Агар гуноҳ ишларга буюрмасалар, уларга итоат қилишни Аллоҳ азза ва жаллага итоат қилишдек фарз деб биламиз... Адолатли ва омонатдор кишиларни яхши кўраимиз. Зулмкор ва хиёнаткор кимсаларни ёмон кўраимиз”. Бу қоидалардан кўринадики, мусулмон подшоҳлар ва раҳбарлар гарчи золим бўлсалар ҳам уларга қарши қурол кўтариш жоиз эмас. Чунки бундай иш беғуноҳ инсонларнинг қонлари тўкилишига сабаб бўлади. Савол берувчи биродаримиз зикр қилган уламолар ҳам айнан шу нарсаларни кўзда тутишган. Улар ўз фатволарида қуролли кўзғолон кўтаришга монеълик қиладиган икки омилни зикр қилишади: 1. раҳбарнинг очиқ куфрга кетмаслиги; 2. қуролли инқилоб мавжуд зулмни бартараф этишнинг ўрнига ундан кўра баттароқ мусибатларни келтириб чиқариш хавфи; Ҳукуматга қуролли қаршилиқ кўрсатишдан қайтарилган экан, аммо уламоларнинг ҳеч қайсилари золим ҳукмдорни танқид қилиш ёки хатоларини кўрсатиш мумкин эмас, деб айтишмаган. Ёки мутлақ сукут сақлаш афзал дейишмаган. Аксинча Улуғ Раббимиз Аллоҳ таоло, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам, саҳобалар, барча суннат олимлари золимларнинг зулмини имкон борича рад этишга буюришган. Золимлар чиқараётган қонун ва фармонларнинг Қуръонга зид келадиган ўринларига итоат қилмаслик лозим эканини таъкидлашган. Зеро, Ислом адолат ва ҳақиқат олиб келган дин. Ислом халқни подшоҳларнинг зулм ва зўравонликларидан озод этиш учун юборилган. Ислом қуллик ва хорликни мустаҳкамлаш учун хизмат қилмайди.

Оят ва ҳадислар золимларнинг қўлидан тутиб, мазлумлар ҳаққини ундиришни талаб қилади. Аллоҳ мўмин инсонларни мақтаб бундай деган: “Улар шундай зотларки, агар зулмга дучор бўлсалар албатта ғолиб бўлурлар”. (Шуро - 39). “Ғалаба ва қасосни мадҳ этишнинг маъноси нимада, дейилса, жавоб шуки, золимни ҳақ йўлга қайтариш ва тегишли жазога тортиш билан уни ислоҳ этилади. Бу ниҳоятда мақтовга сазовор ишдир”. (Табарий). Аллоҳ яна марҳамат қилади: “Аллоҳ ошкора ёмон сўз айтишни яхши кўрмайди. Илло зулм кўрган инсон бўлса майли”. (Нисо - 148). Демак, мазлум инсоннинг золимга қарши сўзлаш ҳаққи бор. Бу оятнинг тафсирида Ибн Касир мана бу ҳадисни келтирадилар: “Абу Ҳурайрадан ривоят: Бир одам Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдларига келиб қўшнисидан шикоят қила бошлади. Пайғамбар дедилар: “Бор, сабр қил”. У одам икки ёки уч марта келди. Кейин Расулulloҳ дедилар: “Бор, нарсаларингни кўчага олиб чиқиб ташла”. У одам нарсаларини йўлга олиб чиқиб ташлади. Шундан кейин одамлар ундан нима бўлгани ҳақида сўрай бошладилар. У бўлган воқеани айтиб берар эди. Одамлар унинг қўшнисини лаънатлай кетдилар. “Аллоҳ уни у қилсин, Аллоҳ уни бу қилсин, фалон қилсин!” Шундан сўнг унинг қўшниси келди ва “уйинга кир, (энди) мендан бирор ёмонлик кўрмайсан” деди”. (Абу Довуд Ривояти) Пайғамбар алайҳиссалом келажакда мусулмонлар устига золим ҳукмдорлар келишини билганлар ва ўша пайтда қандай йўл тутиш лозимлигини айтиб кетганлар. “Ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: “Эй Абдуллоҳ, сизларнинг устингизга суннатни зоеъ қиладиган, намозни ўз вақтидан кечиктириб юборадиган амирлар келганда нима қиларкинсан?!” Ибн Масъуд сўрадилар: “Эй Расулulloҳ, мени нима қилишга буюрасиз?” Расулulloҳ дедилар: “Аллоҳ азза ва жаллага гуноҳ бўладиган ўринда махлуққа (бандага) итоат йўқ”. (Имом Аҳмад ривояти, 8/493). Сиз агар ҳукуматнинг халқ манфаатларига ва Исломга тўғри келмайдиган фармонларини танқид қилсангиз, сизни ҳукуматга қарши чиқди деб айблайдилар. Агар шу гап рост бўлса, унда жуда кўп одам ҳукуматга қарши чиқарилган бўлади. Нима учун?

Бугун Европада ҳам, мусулмон мамлакатларида ҳам хоҳловчилар учун, Қуръон ўқишни ўргатадиган кўплаб хусусий мактаблар ишламоқда. Уларнинг расмийлари ҳам, бор норасмийлари ҳам. Аммо сиз Ўзбекистонда уйингизда норасмий ёки расмий мактаб очиб, ёшларга Қуръон ўқишни ўргатаман десангиз, қонунга хилоф иш қилган бўласиз. (Ўзбекистонда Қуръон ўргатадиган мадрасалар бармоқ билан саналади. Бир миллион мусулмонга нари борса, битта мадраса тўғри келади). Нима учун буни тақиқлаяпсизлар, ахир фарзандларимиз Аллоҳнинг китобини ўрганиши керак-ку, десангиз сиз ҳукумат қонунларига қарши чиққан бўласиз. Охири сиз бундай режадан воз кечасиз. Қуръонни яширинча ўрганасиз, ўргатасиз. Энди айтинчи, сиз кимга итоат қилган бўласизу, кимга қарши чиққан бўласиз? Бир одам Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўради: Жиҳоднинг қайси тури афзал? У зот жавоб бердилар: “Золим подшоҳнинг олдида ҳақ сўзни айтиш”. (Насоий, 7834). Убода бин Сомит разияллоҳу анҳу дедилар: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз саҳобларидан байъат олдилар. Байъат пайтида у кишига берган ваъдаларимиздан бири шу бўлдики, қаерда бўлмайлик ҳақ сўзни айтамыз – Аллоҳ учун маломатчининг маломатидан кўрқмаймиз. (Муттафақун алайҳ). “Ториқ ибн Шиҳоб айтади: Ийд кунини намоздан аввал хутба ўқишни пайдо қилган одам Марвон бин Ҳакамдир. У шундай қилган пайтда бир одам ўрнидан туриб: “Намоз хутбадан аввал-ку!” деди. Марвон айтди: “У нарсаларга ҳозир амал қилинмайдиган бўлиб кетган”. Шунда Абу Саид Ал Худрий разияллоҳу анҳу дедилар: “Бу одам ўз зиммасидаги бурчини адо этди. Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деётганларини эшитганман: “Сизлардан ким бирор мункар ишни кўрса, бас уни қўли билан тўхтатсин. Агар бунга қодир бўла олмаса, бас тили билан тўхтатсин, бунга ҳам қодир бўла олмаса, бас дили билан қайтарсин. Бу эса энг заиф иймондир”. (Муслим ривояти). Бу ҳужжатлардан кўриниб турибдики, агар қайси бир мусулмон Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам келтирган йўлга тескари иш тутаетган бўлса – гарчи у подшоҳ бўлса ҳам – тартибга чақирилиши керак. Мусулмонлар аввалги замонларда ҳатто халифалар (подшоҳлар) хато қилаётганини кўрсалар, унга ҳақ сўзни айтишдан чўчимаганлар. Лекин, баъзи одамлар тушунмасдан ёки атайлабдан золим раҳбарнинг зулм ва мункар ишларини ошкора рад этиш масаласини «унга қарши бош кўтариш» билан аралаштириб юборади.

Агар биров ҳукумат раҳбарини танқид қиладиган бўлса, уни Ислом тарихида ўтган хаворижларга қўшиб қўяди. Аслида ақоид китобларида қайтарилган “золим ҳокимларга қарши чиқиш” деганда шубҳасиз, уларга қарши жанг қилиш кўзда тутилган. Насиҳат ёки танқид қилиш назарда тутилмаган. Аммо хатони кўрсатиш албатта мулоимлик ва ҳикмат билан, холисона амалга оширилиши зарур. Аввало хато қилган одамнинг ўзига холи равишда насихат қилинади. Агар яқка ҳолдаги насихат ва маслаҳатлар кор қилмаса, ҳамда у одамнинг хатолари оммага зарар келтираётган бўлса, у ошкора огоҳлантирилади. Агар очиқ-ойдин жиноятлар қилаётган бўлса, уни очикчасига рад этилади. Маълумки, жиноятчи ёки хатокор одам давлат бошлиғи, вазир ёки амалдор бўлса, насихатгўйларни, танқидчиларни албатта ёмон кўради. Насиҳат ва танқиддан сўнг зулмини баттар кучайтириб юбориши мумкин. Бундай пайтда фойда ва зарарлар таққосланади. Агар камроқ зарар эвазига, кўпроқ фойда ҳосил бўлиши аниқ бўлса, гуноҳ ишдан қайтаришга рухсат этилади. Аммо насихат жуда оз фойда муқобилида, кўп зарарларга сабаб бўладиган бўлса, сабр қилинади. Аллоҳга чиройли ибодат ва дуо қилиш, ҳамда ўз камчиликларини тузатиш, ўз устида ишлаш баробарида нажот йўллари қидирилади. Кимдир юқорида айтилган қоидаларни ўзига рўқач қилиб: “агар мен шоҳга насихат қилсам, у барибир қулоқ солмайди ва мен билан қасдлашиб қолади” дейди-да, ўзини узрли ҳисоблайди. У одам балки ҳақиқатан ҳам ожиздир, узрлидир. Балки ўз имкониятларини тўғри баҳоламаётгандир. Аммо бундан келадиган аниқ натижа шуки, буни кўрган золим раҳбар ўйлайди: “Демак, мен зулм қилиш воситаси билан мақсад сари тўғри кетаяпман, шу йўлни истаганча давом эттирсам бўлади. Халқ мендан кўрқаяпти. Уларни шундай ушлаб туриш керак!” Энди унга насихат қилинганда келадиган зарар билан уни ўз ҳолига ташлаб қўйиш оқибатида келадиган зарарни ўзингиз ўлчаб кўринг. 69 Бир тоифа кишиларда ақидавий ёки исломий қоидаларни ўз манфаатларига мослаб талқин қилиш, масалани кенгроқ тушунтиришдан қочиш ҳам учраб туради.

Кимлардир Қиёмат азобларидан қўрқмасдан Ислом аҳкомларини давлат раҳбарининг фойдасига буриб шарҳлаб беради. Бу золим подшоҳлар учун айна муддаодир. Бунақада золим мана бундай хулоса қилади: “Мени ҳимоя қиладиган уламоларим бор. Улар халқни менга қарши қўзғолон қилишдан албатта қайтаришади. Ҳатто бирор кимса менга қарши бир оғиз сўз айтадиган бўлса ўша заҳоти унинг оғзини оят ва ҳадис билан ёпишади. Демак, мен Худо олдида ҳам, халқ олдида ҳам ҳақман!” Яна бир гуруҳ кишилар бор. Улар ҳукуматни четдан туриб танқид қилишни қоралайдилар. Давлат раҳбарини фақат унинг олдида танқид қилиш лозим, орқадан гапириш бидъат, дейдилар. Аммо ўзлари ҳукумат раҳбарининг олдида кириб насиҳат қилишга ҳаракат қилмайдилар. Ўзи қила олмайдиган ишни бошқалар ҳам қила олмаётган бўлса, инсон ўзини айблаши керак. Аллоҳ ҳаммамизни тўғри йўлга ҳидоят қилсин.» Иқтибос тугади.

Обид қорига бу каби саволлар, оғирлик қиларди. Бу савол унинг нафсига оғир келгани учун ҳам, узоқ ва батафсил жавоб берган. Таҳовий ақидасида, подшоҳга итоат қилишга буюрилган бўлсада, Ўзини, подшоҳга (ИАКга) итоат қилмагани сабабини, тушунтиришга уринган. Қатор далилларни келтирган. Бу унинг сарой муллаларига ва мадҳалий салафийларга қарши, қилган жавоби эди. Булар бари, мулла Широнова ва шу кабиларга ҳам қарши айтилган сўз эди. Бу савол жавоб 2007 йилда бўлганини инobatга олсак, ўша пайтлардаёқ унга нисбатан диний томондан (Мадҳалийлар томонидан) ҳам босимлар бошланган деб, тахмин қилиш мумкин. Булар бари унинг қарашларида, жиддий ўзгаришларга олиб келганди. Унинг сарой муллаларига муносабати, гапиришдаги риторикаси 180 градусга ўзгарганди.

Элин Йонссонни Стромсундга ташрифи

Швецияда Элин Йонссон исмли журналист аёл бор. Бу аёл русча билади. У Андижон қирғини пайтида Ўзбекистонда ҳам ишлаган. Шу воқеадан сўнг, кўп ўзбек журналистлари Швециядан бошпана олишган. Буларга гарчи тазйиқ бўлмасада, улар БМТга учраб, бизга тазйиқ бўлаяпти деб, бу ерга келишган. Шулардан бири Қудрат Бобожонов бўлади. Буни акаси озодликда мухбир Рассом Туз лақабли, атеист Шухрат Бобожоновдир. Хуллас, Элин, Қудрат билан Ўзбекистонда ҳам учрашган ва озми кўпми таниш эди. Элин Обид қорини қишлоғига бормоқчи бўлиб, менга телефон қилди. Мен унга Абдувоҳидни нумерини бериб, унга телефон қилишни айтдим. Хуллас, Улар келаверсин дейишгач, Элин у ерга боришга, машинада йўлга чиққан. Йўлда келаётиб, таниши Қудрат Бобожонни олдида кирган. Уни ҳам ўзига йўлдош қилиб олган. Қудрат У пайтларда Галима Бухарбаевани Узнюснет сайтида, ўзбек бўлимида ишларди. Галимадан пул олиб, русча мақолани ўзбекчага таржима қилиб қўярди. Бу ноқонуний қора иш эди. Хуллас, Қудрат Элин билан йўлда, меникига ҳам келишди. Бир оз ўтириб, ош еб кейин Стромсундга ўтиб кетдилар. Улар Стромсундга боргач, уларни роса қуюқ меҳмон қилишган. Уларга ўзларининг болалари учун қилинган лагерни кўрсатишган. Бу лагер дегани, бир ойга бир бинони ижарага олиб, у ерга бир ойга болаларни олиб келиб, уларни бир ой мобайнида шу ерда сақлаб, уларга турли ўйинлар ташкил этиш, овқатлари, дарслари ва намозхоналар хуллас, ҳаммасини ўзлари қилишган эди. Лагерга борганларида, уларга бу лагер ҳақида матбуотда ёзмасликни айтишган. Лекин, Қудрат Бобожон бу лагер ҳақида, Галимага маълумот берган. Қизчалар ҳаммаси ҳижобда юргани, болалар қуръон ўқиётгани хуллас, Қудрат дин душмани ва акаси ҳам ўзига ўхшаган атеистлардир. Галима буларни мақола қилиб, ёзиб чиққан. Бу воқеа матбуотда қий чув бўлди. Галимага сайтида, Стромсунддагилар кўп ҳақоратли сўзлар ёзишди. Қудрат Бобожонга ҳам Пона уз сайтига шунақа гаплар ёзилди. Озодликдаги акаси Галимани ва Обид қорини қурултойга чақириб, ўзаро гаплаштирди. Бу шов шув ўша пайтда бўлиб ўтди. Элин Йонссон Қудратдан хафа бўлди. Менга уят деб номланган, (Мне стыдно) бир мақолани рус тилида ёзиб, менга юборди. Мен уни шу пайтда, сайтимда чоп қилганман.

Элин Йонссон у ерда кўрганларини матбуотга чиқармаганди. Элин Йонсон Андижон қирғинига аталган китоб ёзиб, рус ва швед тилида чоп қилдирган ёзувчидир. Андижон мавзусида, МСМЮ ҳукумат тарафини олиб, акрамийларни қоралаганди. Бутун дунё, улар тарафини олиб, золимни қоралаганди. Бу мавзу китобга алоқаси йўқлиги учун, тўхталмадим. Хуллас, ўша пайтда, Стромсунддаги болалар лагери ҳақидаги хабар матбуотда шов шув бўлди. Буни қилган Қудрат ва Галима эди. Лекин, у бунга алоқаси бўлмасада, ўзини афсусда эканини маълум қилди. Қудрат ўшанда ҳижобдаги қизчаларни яширинча, суратга ҳам олган экан. Буни Галима бошқачароқ талқин қилиб чиққанди. Юзларигача ёпиб юрган аёлларни кўрмаган учун, бунақаларни кўрганда исломофоблар юрагига ғулғула тушар ва шов шув қилишарди. Ўша пайтда шу нарса бўлиб ўтганди. Аёлларни юзига ниқоб тортиб юриши, масалан бизда Тўрткўлда умуман йўқ одат эди. Диндор аёллар ҳам рўмолда юрар, ниқоби бўлмасди. Стромсундда ниқоб тақиш йўлга қўйилган экан. Мени ҳайратлантиргани, Бой отани хотини ва қизи мен билан, швед тили мактабида бир синфда ўқишарди. Ниқоби йўқ эди. Бой ота мактабда ўқимасди. У шведлар тилини ўргана олмади. Қизлари ва аёли яхши ўқирди. Булар билан мен синфда мактабда учраб қолсам, саломлашиб ўтиб кетишарди. Менимча, бу нормал эди. Булар ҳам Стромсундга оёғи етса, юзларига ниқоб тортиб олишарди. Стромсундга борган аёлларнинг имонлари зиёда бўлишини ва у ердан чиққан заҳоти, имонлари сусайишини, мен шунда кўрган эдим.

Товоқсойда ўтирганимда, Наманганлик Маҳмуджон ака деган, бир амаки бўларди. Бечора шунақа ҳалим одамки, аёл сифат ҳалим эди. Аптекачи бўлган экан. Тохирвойга алоқадорликда айблаб 7 йилга қамашган. Шу киши ҳикоя қилиб берганди. 90 йилларда Наманганга Саудиядан ўша ерларда қолиб кетган ўзбеклар фарзандлари бўлмиш, бир гуруҳ Саудиялик ўзбек аёллари келишибди. Ака уларни шаҳарга олиб чиқибди. Улар шаҳарга чиқиб, акани кўзи олдида ҳижобларини ечиб, сочларини ёйиб, бир бирига қараб кулиб, кета бошлашибди. Маҳмуд ака улардан уялиб, қарамаслик учун юзини бекитса, улар биздан уялманг дермиш. Улар шунақа қилиб юришни орзу қилишган. Саудияда бунга имкон йўқ. Наманганда, шаҳарда, ҳамма шунақа юради. Булар шунақа ерга келиб, рўмолини ечишган. Хуллас, Стромсундда ниқоб таққанлар ҳам, шведларга юзларини кўрсатишар ва улардан уялишмасди. Мусулмонларга салом бермасаларда, шведларга салом беришарди. Бу ерда тақводан кўра, шаклбозлик, сохтакорлик ва риёкорлик кўпроқ эди. Шведларга салом беришар ва мусулмонлардан юзларини яшириб, саломлашмасдан ўтиб кетишарди. Айниқса, Тошкентлик аёллар динсиз пайтида қанақа бўлса, динга ҳам шу хулқи атвори билан кириб келишганди. Улар эрларига итоатсиз ва молу дунёга, зебу зийнатга берилган, кимсалар эдилар. Жуда кўплари, шу итоатсизлиги туфайли эридан ажралишган. Баъзилари уч талоқ олиб, бошқа эрга тегиб, яна кейин ўз эрига қайта текканди.

Дин аслида аёлни эрига итоат қилишга буюрмайдими?! Буларнинг эрлари ҳам, аёллар олдида тили қисқа эди. Эрлар аёллари билан расман, қонуний ажралишади. Шундай қилиб, аёли болалари билан, давлатдан ижтимоий ёрдам пулини олиб яшайди. Эри, бошқа ерга регистрация қиладида, ишлаб ойлигини тўлиқ олиб юраверади. Агар никоҳи бўлса, эри ишлаб ойлик олса, хотинига давлат ёрдам пули бермасди. Булар шу пулни олиш учун ҳам, хотинидан ажралиб олиб, лекин, бирга яшаб юришарди. Баъзилари, иккинчи хотинга уйланиб олиб, униси билан ҳам буниси билан ҳам яшарди. Фарҳод бир чечен хотинга уйланиб, иккита боласи билан ташлаб кетди. Қашқадарёлик эшак ҳожи деган кимса, иккинчи хотинга уйланиб, Туркияда учта болани туғдириб, кейин талоқ қўйди. Бунақалар сон саноксиз эди. Хуллас, хотинлари социалдан пул олиб, эрига иқтисодий қарам бўлмасди. Эр буларга фақат кечаси, эрлик қиларди. Бошқа пайти уйда, эрнинг гапи ўтмасди. Эрга ҳам яхши томони, хотинларини давлат боқарди. У ишлаб пул топиб, хотин бола чақа боқиши шарт эмасди. Давлатни алдаб пулини олиш, булар тушунчасида ҳалол эди. Лекин, машина сотиб пул топганда, давлатга солиқ тўлашмасди. Машина олиб сотувчилар, сотиб олганда номига ўтказиши лозим бўлади. Кейин, сотиши керак бўлади. Шундай қилиб, йилига бир киши номида ўн, йигирма машина бўлиб кетса, давлат солиқчилари билиб қолишлари ва даромаддан солиқ тўлатишлари мумкин эди.

Шунинг учун ҳам, улар бошқалар номига машина олишар ва сотиб, унга ҳам озроқ пул бериб қўйишарди. Давлатни алдаш мумкин ва яхши эди. Икки уч хотинга уйланиш ва уларни боқмасдан, давлатдан пул олиб ўтиришга мажбурлаш, мумкин эди. Бу пулларга ҳар йили Ҳажга бориб келиш ва Туркиядан уй олиш ва сайру саёҳатлар қилиш мумкин эди. Шуларни қилиб туриб, яна Обид қорини одоб ахлоқдан қиладиган дарсларига келиб, жим ўтириб эшитишарди.

Қори аканинг бир китоби бор эди. Уни йигирмата олим_ биргалашиб ёзган экан. Ўша китобдан дарс қиларди. Бунда ҳар ҳафта бир соат дарс бўлар ва ўша китобдан бир мавзуни, арабчадан ўқиб, таржима қилинарди. Мавзулар ҳам ажойиб бўлиб, ҳалол меҳнат қилиш, бировга ҳасад қилмаслик, хайру садақа қилиш, камтар бўлиш каби, олий ахлоқдан дарслар бўларди. Аксига олиб, бу қавмда, айни шу сифатлар етишмасди. Булар риёкор, фирибгар, каззоб, мақтанчоқ ва дангаса эдилар. Фарҳодни уйига бир куни кирсам, (у пайтда салом алик бор эди) катта телевизор бор экан. Телевизорингни оч кўрайлик десам, югуриб, пардани тортиб, (уйи биринчи этажда эди) ойнани бекитиб кейин, ТВни очди. Мен унга нега ойнани бекитасан? десам, бошқалар кўриб қолмасин телевизор кўраётганимни дейди. Мен ҳайрон бўлдим. Нима, телевизор кўриш мумкинмасми? десам, йўқ, дейди. Буларнинг тақвосига ТВ кўриш, тўғри келмасмиш. Лекин, уйда яширин кўрар экан. Мана шунақа риёкорлар эди, булар. Лекин, ҳожакалиги рост ва соқоллари узун ва узун қўйлақлар кийиб, башарани ақллик қилиб, оғзига мисвок солиб, тақводан гапиришга уста эдилар. Обид қорини ҳалол меҳнат қилиш фарзлиги ҳақида, дарс қилаётган бир пайтида, акрабий бир амаки «Умрида ишлаб бир сўм пул топмаган одамни, ҳалол меҳнатга чақиринганини қаранга» деганди. Мен бу одамни гапига эътироз қилолмадим. Акрабий тўғри гапирган эди. Обид қори имомлик қилиб, маъруза ўқиб, тирикчилик қилганди. Унинг бошқа бирорта касби борлигини ва шу орқалик тирикчилик қилганини, мен билмайман. Хулласи калом, диндорликни даъво қилишсада, дин фақат ташқи кўринишида бор ва ичида динга эътиборсиз одамлар эдилар. Албатта, булар орасида бундай жирканч сифатлардан, холи одамлар ҳам бор эди. Хусусан, мени рақибим бўлиб турган мулла Ширинов юқоридаги каби, жирканч сифатли махлуқ эмасди. Унда бунақа дабдаба ва молу мулкка ружуъ йўқ эди. Уйда юз хил овқат ҳам йўқ эди. Оддий овқатлар экан. Машинаси ҳам оддий ва ўзи ҳам манманлиқдан узоқ, юмшоқ табиатли шахс эди. Бир куни у Обид қори дарсига келиб, уйқусини зўрға тутиб, билдирмасдан жим ўтириб эшитаётганини кўрганман. Бу дарслар эрталабки 8 да бошланарди. Унга ўша ердагилар келишар ва бизга ўхшаган узоқдан келувчилар, соат бешдан йўлга чиқиб, икки соатлик йўл юриб келишлари керак бўларди. Мен у пайтларда Бой отани машинасида бирга борардим. Бойотамиз «илм фан шайдоси» эди. У ҳар ҳафта Стромсундга қатнарди. Маърузалардан унга зарра қадар наф бўлди десам, каззоб бўлишим аниқ. Лекин, у ўша ердагилар билан гаплашиб, машина олди сотдиси ва бошқа ҳазил ҳузул қилиб, вақт ўтказарди. Ошни еб, бола чақасини айлантириб қайтарди. Бу ер унга сайлгоҳ эди. Мен ҳам дарсда ухлаб қолмай деб, зўрға ўтирар эдим. Бомдодни ўқиб, йўлга чиқиб, келганимизгами, ё бу одоб ахлоқ дарсини жуда зерикарли эканигами, ҳамма ухлаб қолмай деб, зўрға ўтирарди. Обид қори жаноблари гапирар ва Довуд видеога оларди. Бу дарслар одоб ахлоқ ҳақида бўлиб, дунёда шунданга зерикарли дарс эшитмаганман десам, ёлғон бўлмайди. Мулла Ширинов доктор одам ва унга бу дарсни, умуман олганда мутлақо қизиғи йўқ эди. У бу ерга, бир нарса ўрганишга келмасди. У ўргатаётган одамдан кўра, олимроқ эди. У ўзини камтар олиб, гўёки, муҳим нарса эшитаётгандек бўлиб, диққат қилиб ўтирарди. У Обид қорини ҳурмати учунгина, уйқудан қолиб, бу дарсга келиб ўтирарди. Қолганлар эса, бу дарсга муҳтож одамлар бўлиб, эшитишлари ва амал қилишлари лозим бўлсада, улар эшитмасдилар. Дарс охирида савол жавоблар бўларди. Бу савол жавобларда менга ўхшаган одобсизлар савол берса, маърузачига ёқмасди. Бу кўриниб турарди. Жавоблар қисқа ва лўнда бўларди. Муҳокамага ўрин йўқ эди. Фақат эшитиш ва итоат қилиш талаб қилинарди. Бу Обид қори бошқаруви даврида эди. Бу давр 2007 йилдан 2012 йилгача давом этди. Обид қори суиқасдга учрагач, раҳбарлик Муҳиддин Шириновга ўтди. Ширинов даври деб, тарихда қоладиган бу давр 2012 йилдан то 2018 йилгача давом этди.

Бу даврлар воқеълари ўз бобида баён этилади.

Жосусликда гумон қилиш фитнаси

Обид қорига суиқасд уюштирилишидан чамаси бир йил олдин, у қишлоққа бир киши келиб жойлашади. Бу одам менинг бир қадрдоним билан таниш бўлиб, у ҳақида кўп нарсаларни гапириб берган эди. Булар хизматда тоғда бирга бўлишган экан. Хуллас, бу одам ҳам кўп нарсаларни кўрганлардан эди. У ҳали уйланмагани учун, булар олдига келди. У уйдан чиқиб кетганига кўп йиллар бўлган ва умри ҳали тоғда, ҳали боғда ўтиб, охири Швецияда қўним топганди. У Обид қорини қавмига келиб қўшилди. Ундан сал олдинроқ, у менинг уйимга келганди. У келганида ёлғиз яшардим. У билан узоқ суҳбатлар қилдик. Хуллас, уни Стромсундга меҳмонга чақиришган экан. Унга бу гапни Ҳасан Темиров деган Ўзининг Қашқадарёлик ватандоши айтган экан. Обид қори Швецияга келган баъзи диндор ўзбекларни, меҳмонга чақирар эди. Бу чақириқ албатта, аниқ синалган одамга нисбатан бўларди. Обид қори шунда, Калмарда яшайдиган Тоҳир қорини ва Мулла Шириновни ва Хатирчилик Абдумаликни ва эшакхожини ҳам меҳмонга чақирганди. Бу меҳмондорчиликдан Ҳасан Темиров хабар топган ва уни бу одамга ҳам айтиб, келишга таклиф қилган. У ёғи нима бўлгани менга қоронғу. Хуллас, бу бола менга, Стромсундга боришим керак деди. Мен у пайтда Стромсунддаги бойваччалардан, бир эски машина олган пайтим эди. Уни шу машинада Стромсундга олиб бордим. У пайтда Обид қори, меҳмон кутаётган экан. Уни олдига Калмардан Тоҳир қори, ва Мулла Шириновлар келаётган экан. Биз буни у пайтда билмасдик. Кейин билдик. Муҳиддинни мен олдиндан танирдим. Калмарда Тоҳир қори билан ҳам бир учрашгандим. Уларни бу ерга меҳмонга келаётганини билмагандим. Биз улардан олдинроқ келибмиз. Обид қори уларни, биз билан бирга ўтирмаслиги учун, алоҳида жой қилдирган. Бизни ўз уйига таклиф қилди. Ўзи бир пас биз билан, бирга ўтирди. Бир пас суҳбатлашиб, товук гўшtidан едик. Шу пайт биров келиб, меҳмонлар келди деб қолди. Обид қори ҳозир келаман деб, чиқиб кетди. Биз уйда қолдик. Шу пайт мен олиб борган одамни ҳам, қаергадир чақиришди. Мен ёлғиз қолдим. Довуд олдимга кириб, бу одам ким? Сиз танийсизми? деб, сўради. Мен унга қараб, кеча танишдим дедим. Уни нега бу ерга олиб келдингиз? деди. Мен унга, сизлар уни меҳмонга чақирган экансизларку дедим. У ким чақирибди? деди. Мен Ҳасан телефон қилган экан, дедим. Кейин, унга бу бола менинг бир танишимнинг таниши экан. Улар у ёқда кўп нарсаларни бошидан кечирган одам, менга кўп нарсани гапириб берди, дедим. У индамай чиқиб кетди. Обид қори келиб, масжидга чиқамиз деди. Биз уйдан чиқдик, Абдувоҳид менга қараб, сизда права йўқ, ҳозир ёмғир ёғаяпти. Мелисалар бўлмайдими йўлда, тез уйга кетинг деди. Хўп, дедимда чиқиб кетдим. Булар мени Тоҳир қори ва Ширинов каби, азиз меҳмонлар даврасига қўшишни истамаганини сездим. Индамадим. Уламолар мажлисида, авомга на ҳожат?! Лекин, кейин билсам, улар ҳалиги мен олиб борган меҳмонни ҳам, автобусга чиқариб, уйига жўнатиб юборишибди. Унинг айтишича, улар унинг олдида, улар меҳмонларни қандай қилиб меҳмон қилишни, тушликка қанақа овқат ейишни, соат неччида бассейнга чўмилишга боришни ва ҳаказоларни маслаҳат қилишган. У ҳам буларни эшитиб, оғзидан сўлаги оқиб ўтирган. Лекин, бир пасдан кейин, уни сиз кетинг деб, автобусга чиқариб, жўнатиб юборишган. Автобус ҳам, Стромсунддан юз км наридаги Остерсундга бориб, у ерда бир соат туриб, кейин, орқага яна Стромсундга қайтиб келиб, кейин, у ердан ўша одам турадиган қишлоққа кетар экан. Буни икки соат кутиб туриб, автобус қайтиб келганида чиқаришса ҳам, одамгарчилик қилишган бўларди. Лекин, улар уни автобус Остерсундга кетадиган пайти чиқариб юборишган. У автобусда Остерсундга бориб, яна ортига Стромсундга қайтиб, кейин, ўзи яшайдиган қишлоққа кетган. Хуллас, беш олти соат йўлда юрган. У буни менга, кейинроқ гапириб берганди. Мен ҳайрон қолдим. Буни меҳмонга чақириб, кейин, автобусга тескари миндириб юборишгани қизиқ эди. Мени ҳам тез кетинг деб, кетказиб юборишди. Менинг айбим эса, бу одамга яхшилик қилиб, олиб келганим эди халос. Бунинг айби, Обид қорини зиёрат қиламан дегани, эди.

Булар майли деб, айтмаганми, Ҳасан алдаганми, билмадим. Агар Ҳасан алдаган бўлса ҳам, бу киши берухсат келган бўлса ҳам, бу одам меҳмон эди. Меҳмонни эса, ҳурмати вожиб эди. Буни Обид қори мендан кўра, яхшироқ биларди. Улар буни била туриб, уни автобусга тескари чиқариб юборишганди. Хуллас, бу ерда биз, керакмас одамга айлангандик. Бизни қувиб солгандек қилишди. Нариги уламо меҳмонларни эса, иззату ҳурматлар билан кутиб олишиб, уч кечаю уч кундуз меҳмон қилишди. Улар уйига қайтаётганда меникига ҳам киришди. Мулла Широнов мени танишим эди. Йўл йўлакай кириб ўтайлик деб кирганди. Буларни Обид қорини уйда меҳмон бўлганини мен билардим. Лекин, уларни менга, у ерда кўрсатишмаган эди. Шу кўришиб қолмасин деб, мени тез кетинг деб, ёмғирда кетказиб юборишди. Обид қори меҳмонни ҳурмат қилиш керак деган ҳадисни, мендан кўра яхшироқ билгувчи шахс эди. Мен ўшанда бу одамни олиб боргандим халос. Менинг ўзимни, у ерга бориш ниятим йўқ эди. Мен чақирмаган ерга бормайдиган одамман. Ҳатто, чақирса ҳам бормаслигим мумкин. Кейинроқ, Стромсундга келишим кераклигини айтиб, Обид қори мени уч марта чақирди. Шу қишлоққа тез кўчиб келмасангиз, бўш уйлар тугаб қолади деганди. Мен бормадим. Широнов ҳам икки марта Мёлбуга келишга таклиф қилганди. У ерга ҳам бормадим. Мен борсам, буларга лойиқ мурид бўлолмаслигимни билардим. Узоқроқ юрганим яхши дердим. Аммо, барибир бўлмади. Жанжал бўлиши тақдир экан.

Бу Ҳасан Темиров учига чиққан фирибгар бўлиб, буни қиссаси ҳали ўз ўрнида яна келади. Ҳасанни ҳозир кўрсам, мошонник деб чақираман. Бунинг сабабини ўзи билади. У болага гап таъсир қилмайди. Сўксанг ҳам, кулиб тиржайиб, гаплашиб кетаверади. Бунақасини ҳали кўрмаганман. Хуллас, бу воқеъа, ўша боланинг қалбида ўчмас из қолдирди. У ҳали шу кунгача, ўша ишни афсус билан эслайди. Уни автобусга тескари қилиб, чиқариб юборган шоввоз, ҳозир Тошкентда юрган Саидакбар эди. У бола Ҳасан туфайли, кўп марта панд еганди. Бой отани уйига совчиликка борибди. Унда ҳам Ҳасан Темиров унга, совчиликка келинг, мен унга айтдим, у бизни кутаяпти деган. Булар келишган, овқат еб, гурунглашиб ўтиришган. Лекин, ҳеч ким совчиликдан сўз очмасмиш. Ҳалиги одам ҳайрон бўлиб, ўзи гап бошлабди. Шорасул ака биз совчиликка келдик. У бу деб. Ҳасан айтган экан сизга, дебди. Бойота ҳайрон бўлибди. Ҳасан мен айтмаганман. Нега алдайсан деб туриб олибди. Хуллас, совчилик ҳам расво бўлибди. Бу Ҳасан мошонник сал олдинроқ, менга телефон қилиб. Бойота қизини менга иккинчи хотинликка берармикан, нима дейсиз? деганди. Ҳасан Украинадан битта Украинка хотин олиб келганди. Бир ой яшагач, у ҳам гумдон бўлди. Шундан бери иккинчи хотин излаб юрибди. Бойотани уч қизи бор эди. Бойота унга қиз бермаслигини, ўзи биларди. Бойота унча мунчасига қизини бермасди. Катта қизини Салоҳиддинга бермаганди. Уни бир озарийга берди. Бошпана ололмай юрган бир озарий бор экан. Шунга қизини берди ва ичкуёв қилди. Исми эсимда йўқ. Бу куёвни мен, Гардаш деб чақирардим. Хуллас, Гардаш куёви, ўша пайтда шу қишлоқда биз билан бирга яшади. Иккинчи қизини бу бола сўраб борганида бермади. Ўзи Стокхольмда юрган бир Тошкентлик меҳнат муҳожирини топиб, шунга берди. У ҳам бир ой яшаб Тошкентга қочиб кетди. Бу қизи ҳомиладор бўлиб қолиб кетди. Кейин, бир қиз туғди. Кейин, уни гуантанамодан келган, бир Тошкентлик ўзбекка узатди. Бизни танишимизга бойота қизини бермади. Кичигини ҳам ўзини ошнаси, каратэчини жиянига берди. Унинг қизини ўғли Аҳмадга олиб берди. Ўзи ИШИДга қараб равона бўлди. Бу болага биров қиз бермади. Ҳамма уни жосус деб, гумон қилди. Биров уйига таклиф қилмади. Ваҳолонки, бу киши ҳаётда кўп меҳнат машаққатларни кўриб келган одам эди. Булар эса, совуқ сувга қўл юлмаган қавм эди. Нима учун билмадим, Обид қори уни жосус деб ўйлаган ва шунга яраша, жуда совуқ муомила қилганди. У киши менга айтишича, буларнинг олдига, меҳр кутиб келган экан. У кўп йиллар муҳожирликда қийналган ва буларни биродарларим, булар менга ёрдам берадилар деб, келган экан. Лекин, улар буни хорлашди. Обид қорини муқаррабларидан бўлмиш, ҳозир Тошкентда юрган қудаси Саидакбарни ажойиб ишлари кўп. У бир уй олиб, унинг томини ремонт қилмоқчи бўлди. Бизнинг қишлоқда Ўшдан келган меҳнат муҳожирлари бор эди. Бойота уларни қаердандир топиб, уйига олиб келганди. Ўшаларни Саидакбар машинасида олиб кетиб, уйини тузаттирган. Улар қори акани бир зиёрат қилайлик деса, у йўқ!

Қори акани кўриш мумкин эмас! деб, буларни қайтариб, олиб келиб ташлаган. Улар менга бунни, алам билан, гапириб беришганди. Ўша қишлоққа бориб, у ердаги қорини кўрмай қайтиб келишганди. Обид қори унга суиқасд бўлишидан кўрқарди. Ҳаммадан гумонланарди. Бир марта мен ҳам борганимда, Ҳасан акани уйида ўтириб қолдик. Хайит маросимими билмадим, нимадир бўлди. Қаердандир уч тўртта чеченлар келган экан. Уларни ҳам Ҳасан акани уйига таклиф қилишди. Мен ҳам улар билан ўтирдим. Шунда чеченлардан бири, кто здес имам? деб қолди. Ҳасан ака наш старший сейчас придёт, деди. Русчаси чалароқ экан. Как его зовут деди, чечен. Ҳасан ака, Абдуллаҳ деди. Мен индамай ўтирардим. Ҳасан ака уларга Обид қори деб, айтишни истамади. Кўрқди. Сабаби, бу чеченлар балким киллер бўлиши мумкинку?! Бу чечен деган, касофатларни ичидан, доим киллерлар чиқади. Хуллас, Ҳасан ака уларни алдамаганди. Абдуллоҳ деб, ҳаммага айтиш мумкин эди. Бу Аллоҳнинг бандаси дегани, эди. Ҳамма одам Аллоҳнинг бандасидир. Обид қори ҳам бундан мустасно эмасди. Лекин, бу нарса уларнинг кўркувига мисолдир. Ҳалиги мен олиб борган бола, кейинроқ шу Стромсундга кўчиб келаман деганида, мен унга биз турган қишлоққа келишни маслаҳат бердим. Лекин, у кўнмади. Стромсундга кўчиб келди. Улар бунни келишини истамасада, у шу ерга келди. Уларнинг жамоатига кирди. Улар бундан янада қаттиқ шубҳага тушдилар. У одам бу ерга келиб, ўзини ўзи хор қилди. Булардан кўп азиятлар чекди. Уни булар мажбурлаб, бу ердан кўчириб юборолмасди. Лекин, ундан ҳаммаси шубҳаланиб бошлашди. Уни доимий назоратда ушлашди. Уни ҳамма МХХ агенти деб, қатъийян ишонишди. Обид қори дарсларида, унга теккизиб маърузалар қилди. Эй сен. тавба қил! Жосуслик қилма! Охиратингни куйдирма! деган маърузалар пайтида, ҳамма ўтирганлар, кўз қири билан унга қараб қўйишарди. Ҳаммаси уни негадир, жосуслигига ишониб қолишди. Обид қори отиб кетилганда, биринчи бўлиб, ҳамма уни излаб бошлашди. Унга телефон қилиб, қаердасан, ёнингда ким бор? деб сўрашди. Фалончи бор деса, бер телефонни шунга деб, у одамдан бунни шу ердалиги, ростми йўқми, сўраб суриштиришди. Гумон қилишдан қайтарилган ояту ҳадисларни ва кўрқмаслик ҳақидаги маърузаларни, тинмай гапирадиган Обид қори, кўрқар ва гумон қиларди. У ҳам, хатокор банда эди. У ҳам хом сут эмган банда эди. У ҳам, хато қилишга ҳақли эди. Ва хато қилган ҳам эди. Аллоҳ уни кечирсин! Суиқасддан кейин швед Полициясидан уч тўрттаси, бу одамни олдига келиб, уйида савол жавоб қилишган. Ундан ким отиб кетган бўлиши мумкин? Кимдан гумонинг бор? деб сўрашган. Уни отилган пайтида, сен қаерда эдинг? деб, сўрашган. Булар бари шуни кўрсатадики, Довуд ёки, кимдир, Полиция билан суҳбатда, кимдан гумонинг бор? деганида, шу одамни айтишган. Шунинг учун ҳам, Полиция бунни уйига келиб, савол жавоб қилиб кетган. Аммо, бу кимсани суиқасдга алоқаси йўқ эди. Аллоҳ уни оқлади. Қотил, Юрий Жуковский бўлиб чиқди. Бунни ҳамма кейинроқ билди. У боладан эса, ҳеч ким, ноҳақдан, ёмон гумонда қилгани учун, узр ҳам сўрамади. Ёпиқлиқ қозон ёпиқлигича қолиб кетди. Унинг қалбига етказилган озору азиятлар учун, ундан узр сўрашлари лозим эди. Бу масала бу дунёда ҳал бўлмаса, қиёматда яна кўтарилади. Бу масала, менинг бу китобимга ҳам кирди. Бизлар ўтиб кетсак ҳам, бу китоб қолади. Бу тарих узоқ вақтгача иншааллоҳ, сақланиб туради.

Араб Баҳори ва унинг ислом оламига таъсири

2011 йил Ислом оламида кўп алғов далғовлар бошланган йил бўлди. Бу йили кўплаб, араб диёрларида мавжуд диктаторларга қарши, халқ ғалаёнлари бўлди. Натижада, қатор диктаторлар тахтидан мосиво бўлишди. Тунис президенти Зайнал Обидин Саудияга қочиб кетди. Миср президенти Ҳусни Муборак тахтидан кетди ва кейинроқ қамалди. Ливия диктатори кўчада, ўз халқи томонидан уриб ўлдирилди. Ироқда Америка кўшинларига қарши, сунний ва шиа жамоалари, партизанлик урушлари олиб боришарди. Бу гуруҳлар шиддатига АҚШ кўшинлар дош беролмаётган эди. Охир оқибат, улар орасидаги сунний гуруҳлардан бўлган Ал Қоида жамоасидан, ислом давлати деб номланган гуруҳ ажралиб чиқди.

Бу гуруҳ кейинроқ 2014 йилда (Ироқ ва Шом ислом Давлати) ИШИДга асос солди. Ал Қоиданинг нисбатан мўътадил бўлагидан, Жабҳатан ан Нусра деган, жамоат ажралиб чиқди. Булар шу бугунгача Сурияда Асадга қарши курашиб келишади. Булардан ҳам яна кўплаб майда гуруҳлар ажралиб чиққан. Ва аксар майда гуруҳлар, улар сафига қўшилган. Бу жиҳодий гуруҳлар орасида, кўплаб сиёсий ва диний ихтилофлар бор эди. ИШИД пайдо бўлгач, ким уни тан олмас, муртад ва қони ҳалол деб, ўлдира бошлади. ИШИДни на Жабҳатан Нусра ва на Ал Қоида тан олмади. Уни Толибонни ҳам тан олмади. Жиҳодий гуруҳлар Исломий Халифатдан юз ўгирдилар. Халифат буларни ўзига душман ва муртад ва қони ҳалол деб, фатво берди. Бири бирини қонини тўка бошлашди. Сурияда ҳукуматга қарши халқ ғалаёнлари қонли тўқнашувларга айланиб кетди. Аллома Қарзовий Сурияда жиҳод фарзи айн деб, фатво берди. Буниси узоқ давом этди. Диктатор Башар Асад, ҳалигача ўз ўрнида ўтирибди. Бунинг сабаблари бор албатта. Бу урушга Россия ва Эрон ҳам аралашди ва Башарни қўллаб қувватлаганди. Хуллас, ҳамма ёқда алғов далғовлар бошланган ва булардан баъзилари тўққиз йилдан ошди, ҳалигача давом этиб келаяпти.

Бу пайтда мен ЎХХ (Ўзбекистон Халқ Ҳаракати) деган ташкилотда фаол эдим. Бу ташкилот лидери Туркиядаги Эрк раиси бўлган Муҳаммад Солиҳ лақаби, Лидер эди. Унинг таркибида, кўплаб ўзбеклар жамоаси бор эди. Жумладан Мулла Широнов ва Тоҳир қори ҳам шулар жумласидан эди. Бу ерда, бошқа ўзбек муҳолифати вакиллари ҳам бўлиб, хуллас, бу ташкилот ҳам Ўзбекистонда араб диёрларидаги каби, халқ кўзғолони уюштириб, диктатор ИАКни иқтидордан кетқозишни ва ўрнига Муҳаммад Солиҳ бошлиқ ДЕМОКРАТИК режим ўрнатишни мақсад қилишганди. Бу ҳаракатга мен ҳам қўшилгандим. Демократик давлат бўлса, динга кенгчиликлар бўлишини, Швеция мисолида кўргандим. Шу эркинлик бизда ҳам бўлса, шунинг ўзи кўп нарсага йўл очарди. Бундан бошқа йўллар, ҳозирча бу умматга манфаат келтиргани йўқ эди. Шу бугунги кунгача бунга мисол кўрмадик. Бу манхажий масала ва уммат бунда чуқур ихтилоф ичида турибди. Бундай ҳаракат кўринишдан хавфли бўлмасада, Обид қори жамоаси қўшилмади. Лекин, Уларнинг вакиллари ҳам таъсис қурултойига бориб қатнашишган эди. Мулла Широнов ва Мулла Тоҳирлар бу ҳаракатга қўшилдилар. Улар Лидерни аҳмоқлигини билиб, кейин, ҳаракатни тарк этишди.

Обид қори, Швециядан ташқарига чиқмасди. У Берлинга ҳам бормади. У интерполда қидирувда эди. Муридлари тинмай Саудияга қатнашсада, у бирор ерга чиқмас эди. Эҳтиётини қиларди. Лидервой билан учрашишдан ҳам, жуда ўзини олиб қочарди. Мен уни нимага бундай қилишини унчалик тушунмасдим. У эҳтиёткорлик учун, шунақа қилар экан. Бунчалик эҳтиёт шартмикан? деб ўйлардим. Лидер билан бирлашган деган, гап сўз Каримовга етиб борса, улар Обид қори ҳам сиёсий курашга кирибди деб, ўйлашидан кўрқар экан. Каримов сиёсий рақибини ўлдириб йўқ қилиши мумкинлигини у билган экан шекилли?! ЎИХ ташкил бўлиб, турли мамлакатларда намойишлар ўтказа бошлагач, Россиядаги фаолигимиз Фуад Рустамхўжаев отиб кетилди. Бу суиқасд ҳалигача очилмади. Қиёматга қолди. 24 сентябр 2011 йилда Фуад Рустамхўжаев отиб кетилди. Орадан беш ой ўтиб, 2012 йили 22 февралда Обид қори отилди.

ИАК режими дунёдаги бўлаётган ғалаёнларни кўриб, кўрқувга тушгани рост эди. Диктаторлар бирин кетин қулаётганди. ЎХХ эса, халқни кўзғатувчи куч бўлиб майдонга тушганди. Бу режим учун хавф саналарди. Обид қори лидер билан, махфий суратда Стокҳолмда учрашди. Ўзини учрашганини оммага маълум қилмади ҳам. Бу ҳам хавфсизлик учун эди. Мен Обид қорини сиёсий лидер бўлишини орзу қилардим. Мен уни Эрдўғон каби, диний сиёсий лидер бўлиб, майдонга чиқишини истардим. Шу мақсадда бир марта уни олдига бориб, айтганман ҳам. У бўлса, йўқ, биз сиёсатни тушунмаймиз. Бизга сиёсат керакмас. Биз тахтга интилаётганимиз йўқ, каби гаплар билан бунақа ҳаракатга қўшилмаслигини билдирганди. Менимча, у рост гапирганди. Яъни. У ўзидан сиёсий лидер чиқмайди деб ҳисобларди. Мен эса, шунча эргашувчиси бор одам, нега сиёсий лидер бўлолмайди деб, ҳайратланардим. Лидервой эса, диндор бўлмасада, сиёсий арбоб сифатида машхур эди.

Лекин, унда ҳам лидерга хос, харизма йўқ эди. Ўзи умуман олганда, шу ўрин ҳалигача муаллақ бўлиб, бўш ҳолда турибди. Шириновда лидерлик харизмаси бор. Лекин, сиёсий лидермас, у сарой муллеси бўлишга лойиқ шахсдир. Шириновни ахлоқи яхши одам. Лекин, у одоб ахлоқдан маъруза эшитиб, ўнганган эмас. У шу ахлоқ билан яралган шахсдир. Ўзи яхши хулқ эгаларини кўрсангиз, улар мусулмон ва кофир ҳам бўлиши мумкин. Бу ахлоқ, маъруза натижаси эмас. Ўзи шунақа яралган бўлади. Фитрати мулойим, ҳалим бўлади. Менга эркакларни мулойим бўлиши унчалик ёқмайди. Мен хотинига сиз деб, гапирадиган эркаклардан нафратланаман. Эркак дегани, эркак сифатига эга бўлиши керак деб, биламан. Лекин, булар ҳам аслида фитрий нарсалардир. Жуда оз қисми, касбий бўлиши мумкин. Маъруза эшитиб бировни ахлоқи тuzалмаса керак деб ўйлайман. Буни ҳали кўрмаганмиз ва учратмаганмиз.

Яна бир Наманганлик лидер, ЎИХ амири Тохирвой бўлиб, унинг характери кўча болалариники каби эди. У кўчадаги бандитлардан фарқи йўқ эди. У диний жиҳодий гуруҳ лидери бўлиб қолди. Агар Афғонга бормаганда, у бандитларга бошлиқ бўларди. Ўғри боши бўларди. Шу табиатли одам эди. Бунақалар динга кирса ҳам, ўз хулқи билан кирадилар. Кейин, ҳамма ёқни расво қиладилар. Мазҳабга кирасан деб, қанча мусулмонларни уриб қийнаган бу одам?! Фарход ва Зиёд ҳам, динга ўша ахлоқлари билан киришганди. Улар диндор бўлиб ҳам, заррача ўзгармадилар. Ўша йилларда Сурияда урушлар бошланди ва у ерга дунёнинг турли еридан ўзбеклар ҳам, бориб қўшилди. Ироқда ИШИД пайдо бўлди. Кейинроқ, Қирғизистонлик ўзбеклар асос солган Тавхид ва Жиход ва Амир Салоҳиддин деган, Наманганлик кимса асос солган, ал Бухорий катибаси деган, ўзбеклар жиҳодий гуруҳлари пайдо бўлди. ЎИХ эса, Толибонга қарши чиқиб, ИШИДга қўшилди. Шу сабабли, уларни Толибон ҳаракати, ўраб олиб қириб ташлади. ЎИХ тугаб битди. Қолган қочганлари, ИШИДнинг Хуросон қанотига қўшилди. Баъзилари, Сурияга кетишди. (Булар қиссаси ўз жойида яна, баён этилади) Бу гуруҳлар интернетга чиқиб, ўзларини рекламасини бошлашди. Интернетда ҳам, улар орасида полемикалар бўлар ва реал ҳаётда ҳам улар, ўзаро душман эдилар. Афғондаги ЎИХ чилар қолдиқлари ИШИДга келиб қўшилдилар. Ундан ажраб чиққан ИЖИ номли ташкилот аъзолари, Сурияга келиб, ал Бухорий катибасини ташкил этдилар. Булар барисида ўзбеклар бўлиб, улар бири бирига ҳам қарши, қуролли гуруҳлар эдилар. Абдуллоҳ Бухорий бу урушларда Жабҳани қўллаб қувватларди. Кейинчалик, Интернетда Зуфар ҳам пайдо бўлди. Швециядаги кўплаб ўзбеклар болалари, буларнинг маърузасини эшитардилар. Кўплари буларга мойил бўлган эдилар. Обид қори отиб кетилгач, Стромсунддаги жамоатни бошқарув Муҳиддин Шириновга ўтди. Унинг даврида жамоат ичида, кўп парокандаликлар бўлди. Жамоат ичидаги ўзбеклар, юқорида номлари зикр этилган қуролли ўзбеклар жамоасига, кета бошлади. Баъзи ёшлар «жиход қилиб, у бу ерни портлатамиз ёки ўрмонга ўт қўямиз» деб, турганида, катталар томонидан тўхтатиб қолинди. Баъзиларини болалари, ИШИДга кетиб, йўқ бўлиб кетишди. Баъзиларининг боласи Афғонга кетди. Бойота ИШИДга кетди. Кимдир ИШИДга қарши уришаётган ўзбеклар гуруҳига қўшилди. Шундай қилиб, у томонда ҳам ўзбеклар ва бу томонда ҳам ўзбеклар бўлган ва бири бирига қарши қурол кўтарадиган бўлишди. Булар бари, Обид қорига суиқасддан кейин содир бўлди. Қори булардан беҳабар қолди. Унинг қавмидаги машхур фирибгар Фарҳодни қилган иши эса, ҳаммасидан ошиб тушди. Булар бари сўнги йиллар воқеъларидир. Лекин, шу жамоанинг тарихидир.

Фарҳод туғма қобилиятли фирибгар бўлиб, у динга кирганида ҳам, ўз сифатини сақлаб қолганди. У қарзга деб, пул олмаган одам йўқ эди. Ҳаммадан қарзи бор ва бермасдан қочиб юрарди. Шу аҳволда бўла туриб, у радикалга айланади. Гарчи, Ўзбекистонда диндор сифатида танилмаган ва БМТни алдаб, диндорман деб, қочоқлик олиб, Швецияга келган бўлсада, Ўзбекистон томонидан расман қидирувда эмасди. Бу Обид қори гуруҳига қўшилиб, 2010 йилда Обид қори қавми Женевага бориб, намойиш ўтказишган пайтида, у ўша ерда нутқ ўқиган экан. Ушани видеоси интернетга чиқиб қолган. Шунда, уни Ўзбекистон қидирувга берган экан. Машинага миниб, Швециядан Грецияга бориб, ўша ерда Тошкентдан келиб, уни кутиб ўтирган бир хотинни олиб келмоқчи бўлган эди.

Унга уйланиб, скайпдан никоҳ ўқитган экан. Йўлда уни Болгария Полицияси томонидан ушлаб, қамоққа ташлашади. У интерполда қидирувда экан. Шундай қилиб, Швеция орага тушиб, бир ойдан сўнг уни чиқариб юборишади. Ваҳолонки, худди шу одам, 2018 йилда, террор қилишга тайёргарлик қилганликда гумонланиб, қамоққа олинади. Буни қиссаси ҳам, ўз ўрнида келади. Қавми тобора радикаллашиб бораётган бўлсада, Обид қори қарашларида, тобора либераллашиш намоён эди. У Озодликка интервью берганида, мусулмонлар демократияга тайёр дерди. Швециядаги демократияни эркинликни мақтарди. Шундай эркинликлар Ўзбекистонда ҳам бўлишини истарди. Лекин, у демократ эмасди. У радикал ҳам эмасди. У демократия учун ҳам, курашмади. Халифат учун ҳам, курашмади. Уни сиёсий жиҳатдан позицияси йўқ эди. У ҳукумат бизга эркинлик берсаю, биз дин иши билан бемалол шуғуллансак, таълим тарбия билан шуғуллансак дерди. Унда Исломий ҳукми ҳаётга қайтаришлик кўрсатилган, йўл харитаси йўқ эди. Харитаси борларга, у қўшилмасди. Атрофидаги ёшлар тобора радикаллашиб бораётган бир пайтда, у тобора либераллашиб борарди. Диний Бошқармага ҳам, қаршилигини гапирмасди. Назаримда Обид қори чарчаган ва қариганди. Унда ёшлиқдаги шижоатдан асар йўқ эди. Шунда ҳам, унинг жамоасини доврўғи, МХХни тинч қўймасди. Улар уни йўқ қилишга, астойдил бел боғлашганди. Бунга сабаб, уларнинг алами ичида қолганди. Улар уни, Алмати Аэропортида ушлаёлмай қайтишган эди. Бу КНБнинг уларга йўл бермагани, сабабидан эди. Ўша пайтда КНБ БМТнинг юзидан ўтолмаганди. Лекин, кейинроқ улар, БМТни дод войига қарамасдан, бошқа ўзбек қочоқларини ушлаб, МХХга бериб юборишди. Шу билан КНБ генераллари, МХХ генераллари олдида, ўзларини оқлаган бўлишди. Булар қиссаси ҳам, ўз жойида келади.

Обид қорига суиқасд қилинди

Обид қори яшаган қишлоқда, Мурод исмли чечен ҳам яшарди. Мен уни бир марта Остерсунддан, Стромсундга бораётиб, йўл йўлакай машинада, Остерсунддан олиб, кетгандим. Мурод ёлғиз ўзи яшар ва оиласи йўқ эди. Унинг Суриядаги чеченлар билан интернетда алоқаси бўлган. Улар буни, у томонга келишга чорлашган. Швецияда у зерикиб, ишсиз, ўқишни ўқиёлмасдан қийналиб юрарди. Диний саводи бўлмаган ва урушлардан қочиб, бу ердан бошпана олганди. Мурод полицияни кузатувида бўлиб, улар уни Суриядагилар билан алоқасини билишар экан. Буни Мурод билмаган. Бир куни уни уйига тўсатдан уч тўртта машинада, йигирматача полиция келади. Унинг уйини титкилаб, ўзини олиб кетади. У бир неча кун, қамоқда ўтириб, қайтиб келади. Худди шу пайтларда Жуковский Стромсундга келган ва Обид қорини кузатаётган экан. Обид қори қавми машинада ўтириб, кун бўйи, ўтган қайтганларни кузатиб ўтирадиган кишини, Муродни кузатаётган полициячи деб ўйлашади. Шу сабабли, полицияга хабар бермайдилар. Агар кимдир телефон қилиб қўйганида, Жуковскийни текширишга полиция келарди. Ва у, бу ерда ўтириб кузатишга имкон тополмасди. Балким, қайтиб кетарди. Лекин, қазою қадар бошқача бўлганди. Жуковский Стромсундга келишдан олдин, бу ерга Малмода яшаётган, Нодира Аминова деган, бир ўзбек аёли ва унинг эри Баходир Пўлатов келиб кетишган эди. Бу эр хотин, Швецияда анчадан бери яшаётган бўлган. Нодира бу ерда ўқиган ва ишлаб юрган экан. Нодиранинг акаси, Умид Аминов Москвада яшар экан. Умид Аминовнинг яна бир номи бўлиб, бошқа паспортда у Тигран Капланов эди. Унда иккита паспорт бор эди. Бири Ўзбекистонники ва бири Россияники эди. 2011 йиллар ўртасида Юрий Жуковский деган ўрис, Москвадан Дания орқалик Малмога келиб, ўзи билан Обид қорини суратини олиб келади. Шу суратни Умидни Швециядаги синглисига кўрсатиб, шу одамни излаб топиш керак дейди. Нодира бу ким деса, бу одам, 14 минг доллар пулни олиб, қочиб кетган деган эмиш. (Нодира буни судда айтганди) Хуллас, уни топишга Жуковский билан Нодиранинг эри, Баходир Пўлатов таксига миниб, Лундга келишади. Уни Лунддан излаш лозимлигини, Умид айтганди. Лундда Баходир масжидларга кириб, суратни кўрсатиб, шу одамни танийсизларми? деб, намозхонлардан сўраб суриштиради. Уни танийдиган одам топилмайди. Улар қуруқ қайтиб келишади.

Демак, МХХ Обид қорини йўқ қилиш ҳаракатига, 2011 йилда киришган эди. Жуковский Москвага телефон қилиб, Умид билан гаплашади. Малмодан Копенгагенга ўтиб, Москвага учади. Бу Жуковскийни биринчи келиши эди. У ҳар сафар, Дания орқалик келган. Орадан икки ой ўтиб, Нодира Аминова, интернетдан излаб, Обидхон Назаров номини, Обидхон Собитхоний деган номга ўзгарганини топади. У (солиқ идорасига) Скаттverketга телефон қилиб, шу номдаги одам, битта одамми деб, сўрайди. Бу номдаги иккала ном ҳам, бир кишиники эканини билгач, у акасига хабар беради. Бу одам Стромсундда яшаётганини ва уни интернетдан излаб топганини айтади. (У пайтда хали, Обид қори ҳақидаги маълумотлар давлат томонидан сир сақланмасди.) Бу биров ҳақидаги маълумотни бировга беришлик, Солиқ идорасининг хатоси эди. Бу аёл акасини, махфий хизматлар билан алоқаси борлигини жуда яхши биладиган ва улар ўлдириш учун излаётганини ҳам, биладиган аёл эди. Лекин, у судда, гўёки, ҳеч нарса билмайдиган одамдек тутди ўзини. Бу одам 14 минг доллар ўғирлаб кетган экан, шунга Жуковскийга уни топишда ёрдамлашдим, деди. Уни ўлдиришга келганини билмадим деди. Суд унинг шу гапига ишониб, қўйиб юборди. Хуллас, у Обид қорини аниқ номини ва адресини билгач, акасига хабар беради. Умид синглисига Обид қори яшайдиган, Стромсундга бориб келишга буюради. Эр хотин машина кира қилиб, қизчаси билан Малмодан Стромсундга бир ярим минг километрдан ошиқ йўл юриб келишади. Баходир Пўлатов қишлоққа келиб, масжидни сўраб суриштиради. Шу пайтда унга кўчада машина ювиб юрган қаратэчи, Исмоил учрайди. У бориб, унга ўзини Тожикистонлик эканини ва бу ерда меҳнат муҳожирини эканини ва намоз ўқишга, масжид излаётганини айтади. Пўлатов маккор эди. Намоз ўқимасди. Лекин, у мусулмонларни алдашни биларди. Исмоил уни масжидга, намозга олиб боради. Исмоил ўзи билмасдан катта хатога йўл қўйганди. Пўлатов пешин намозида Обид қорини кўради. Исмоил уни қорига кўрсатиб, шунақа шунақа экан дейди. У саломлашиб чиқиб кетади. Пўлатов суратдаги одам шу эканини аниқ билганди. Чиқиб, машинасини қўйган парковкага боради. Хотини уни кутиб, ўтирганди. Эр хотин, Стромсунддан ортига қайтишади. Минг км.дан ошиқ йўл юриб, уйига борадилар. Машинани топшириб, акасига Обид қорини қаердалигини топишганини айтишади. Кейин, Жуковский яна қайтиб келади. Уни Копенгаген Аэропортидан Нодира кутиб олади. Унга ижарага машина олиб беради. Уни Стромсундга боришни ўргатиб, ЖПСдан йўл кўрсатади. У минг ярим километрлик йўлни босиб ўтгунга қадар, Нодира Стромсунддан бир хонани ижарага гаплашиб, бир ҳафтага пулини тўлаб кўяди. Жуковский ўша адресга боради. Уй эгаси билан уни орасида, Нодира телефонда таржимонлик қилади. Бу киши турист эканини ва шу ерни кўриб кетишга келганини тушунтиради. Уй эгаси швед учун, уни ким эканини фарқи ҳам йўқ эди. Жуковский ўша уйда ётиб, кундузи машинада, масжид атрофига бориб, кузатишда давом этади. У уч кун кузатади ва Обид қори кимлигига ва қайси уйдан қачон чиқишига ва масжид қаердалигига ва Обид қорини, қачон ёлғиз топиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилади. Кейин, уй эгасига мен кетаман пулни қолганини бер дейди. Уй эгаси пулни бермаган. Яна уч кун тур деган. Шу пулни сўраш жараёнини ҳам Нодира амалга оширган. Жуковский ўша ердалигида ИКА деган, магазинга кириб, сигарета ва озиқ овқатлар олган. Шу жараёнда камерага тушиб қолган. Шунингдек, у Копенгаген аэропортида ҳам, камерага тушган. Ундан бошқа ерларда ҳам, камерага тушган. Хуллас, уч кун туриб, Жуковский Нодирага кемага билет олдиради. У тилни билмасди. У учун ҳамма ишни Нодира қиларди. Стокҳолмдан кемада Литвага ўтади. У ердан пистолет олиб, ортига қайтади. Стокҳолмга келиб, яна Нодира орқалик, машинани ижарага олади. Яна Стромсундга қараб кетади. У энди нима қилишини биларди.

У Обид қори яшайдиган уйни топган ва қори доим кириб чиқадиган эшикни кўрганди. 22 феврал 2012 йил куни, пешин намозига яқин, у Обид қори яшайдиган уйни, подъездига киради. Қори иккинчи этажда яшарди. У учинчига кўтарилади. Шу ерда туриб кутади. Қўлидаги пистолетини учига, глушител ўрнатилганди. Обид қори пешин намозига бориш учун, уйдан чиқади. Невараси таҳорат олаётган бўлади. Улар доимо бирга чиқишарди. Бу сафар негидир, невараси кеч қолади. Обид қори уйдан чиқиб, зинадан пастга юра бошлайди. Тепада турган Жуковский ҳам, пастга қараб юради ва тезда қўлига пистолетини олиб, Обид қорини бошига орқа тарафдан ўқ узади. Қори орқасига қарамасдан йиқилади.

Киллер тезда пастга тушиб, подвалдаги эшикдан кириб, уйни нариги томонидан чиқиб кетади. Подвалдан хар учала подездга кириш ва чиқиш мумкин эди. Буларни Нодира унга кўрсатганди. Швециядаги ҳамма уйлар шунақа қурилган. Глушители борлиги учун, ўқ овозини ҳеч ким эшитмайди. Невараси чиққанида, Обид қори ерда зинада ҳушсиз ётган бўлади. Булар унга нима бўлганини билолмай ҳайрон бўлиб қолишади. Бошидан оққан қонни кўргач, йиқилган деб ўйлашади. Тез ёрдам келиб, уни касалхонага олиб кетади. Бу орада, бу хабар ҳаммага тарқалиб ҳамма саросимага тушиб қолишади. Кимдир Жуковский ташлаб кетган пистолетни топиб олади. Киллер уйдан чиқиб, қўлидаги пистолетни, йўлакка ташлаб кетганди. У ҳам кўрқанидан, уни четроққа ташлашга шошганди. Киллер бориб, машинасига ўтириб, Остерсундга йўлга чиқади. У Остерсундга бориб, машинани топшириб, поездга ўтириб Стокхольмга йўл олади. Унга йўлда Нодира Малмодан туриб, кузатиб, таржима қилиб, ёрдам бериб боради. Стокхольмдан бошқа поездга ўтириб, Малмога боради. Уни Нодира кутиб олади. Умид унга Москвадан пул юборади. Жуковский бу пулга Нодира билан бориб, янги смартфон сотиб олади. Кейин, уни Нодира эри билан, таксида Копенгагенга олиб бориб кўяди. Жуковский Самолётга ўтириб, эсон омон Москвага учиб кетади. Стромсунд қавми Обид қорига суиқасд қилинганини билгач, полицияга хабар берадилар. Полиция келиб, текширув бошлайди. Бу хабар ҳаммадан сир тугилади. ОАВга билдирмасликка уринишади. Менга бу хабарни бир киши телефон қилиб айтди. Мен унга бу аниқми? десам. Ха, деди. Лекин, у мендан шахсини сир сақлашни сўради. Обид қорига учта ўқ отилган деди. Мен бу хабарни ўша пайтда алоқам борлиги учун, Озодлик радиосига айтдим. Манбасини айтолмайман дедим. Манба ҳам айтмасликни талаб қилганди. Улар бу хабарни эълон қилдилар. Нохуш хабар жумла жаҳонга ёйилди. Стромсунддагилар буни сир тутишга уриниб юришарди. Бунақа хабарларни сир сақлаш имконсиз эди. Киллер Жуковский ишни битириб, Умид Аминовдан 50 минг доллар олган. Янги телефонни эса, кейинроқ ишлатаман деб, ҳозир ишлатмасдан олиб кўйган. Шундай қилиб, Обид қори суиқасдга учраб комага тушиб қолди. Бошидаги ўқни олиш зарари кўплиги учун, докторлар уни миядан чиқариб олишмаган. Ўқ бошида қолиб кетди. Шундан бери, уни биз авомлар кўрмадик. Кўрганлар қанақалигини айтишмайди. Жуковский эса, орадан бир йил ўтиб, шу телефонни ишлатгач, ФСБ томонидан қўлга олинади. Уни Швецияга депорт қилишади. Бу ишни ортида турган Ўзбек МХХси, агар Жуковский Умидни айтиб кўйса, ва Умид ҳам Швецига етиб борса, ўзларини сири очилишидан кўрқиб, Умидни йўқ қилишади. Умид Аминовни Швеция қидирувга берган эди. Россия полицияси уни қидираётганди. Лекин, бир куни ўрмондан Умид Аминовни ўлиги топилади. Унинг қўлидаги телефонида кимлигини билишган. Ўлганига анча бўлган ва чириб сасиб, кетган экан. Умид Аминов ўлиб кетди. Жуковский умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Бу ишни буюртмачиси бўлган МХХ, бир четда қолиб кетди. Чунки, киллер билан уларнинг орасидаги халқа узилди. Занжирнинг бир халқаси узилганди. Бу қотилликда асосий ишни қилганлар, Нодира Аминова Баходир Пўлатовлар эса, қамалмасдан қолишди. Улар Суддан чиқиб, Швециядан жуфтакни ростлашди. Шундай қилиб, Обид қори Назаровнинг фаолияти даври тугади. Қавми Аросатда қолди. Чечен Мурод ҳам Сурияга кетиб, ўша ерда, дайди ўққа учиб, вафот этди. Стромсунд қавмига, Мулла Широнов раҳбар бўлди.

2 боб тугади

3 боб

Бу бобда доктор Муҳиддин Ширинов даври воқеълари, унинг шахсияти ва унинг атрофидаги яқинлари ва тутган манхажлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Доктор Ширинов Обид қори қавмининг ундан кейинги раҳнамоси бўлган эди. Унинг даврида қавм ичида кўп ихтилофлар юз беради. Жамоани ярмидан кўпи, Стромсундни тарк этиб, Мёлбу қишлоғига кўчиб кетадилар. Бу муддат Мулла Ширинов даври эди. Унинг ҳукмронлиги даври десак бўлади. Ширинов бу жамоатга 2018 йилгача раҳбарлик қилди. ИАКни ўлимидан кейин ҳам, икки йил у бу қавмни бир қанотига раҳбарлигича қолди. 2018 йилга келиб, Мёлбу қавмида, янада парчаланиш содир бўлди ва Шириновни раҳбарлигига нуқта қўйилди. Обид қорига суиқасд ортида, МХХ ва ШХҲТ турганди Обид қорига суиқасд уюштирилгач, унинг фаолият даври тугади. Саросимага тушган ва довдираб турган қавмга, бу ерга Лунддан кўчиб келган Мулла Ширинов, Абдувоҳид Йўлдошев ва қисман Ҳасан ака ва ҳаказолар умумий равишда, раҳнамолик қилишди. Булар умумий тенг қатори ҳисобланиб. Орасида Обид қори каби мутлақ авторитет йўқ эди. Лекин, Ширинов савияда ва дунёқарашда бошқаларидан анча устун эди. У тез орада тўлиқ лидер бўлиб олди. Обид қори борлигида табиийки, унинг лидерлик сифатлари ҳам, унчалик кўзга ташланмасди. Энди бу қавм доктор Ширинов бошлиқ, бир неча киши томонидан бошқарилди. Бу муддат ичида Обид қори қавми парчаланди. Бир қисми Стромсундни ташлаб Мёлбу қишлоғига кўчиб кетишди. Жамоат иккига бўлинди. Буларга эргашувчилар ҳам иккига бўлинди. Булар бари бу бобда баён этилади.

Обид қорига ва ундан беш ой олдин отиб кетилган Фуад Шокирийга суиқасдни Каримов бошлиқ режим хавфсизлик хизмати МХХ уюштирганди. Шу пайтда терроризмга қарши кураш бўлими бошлиғи генерал Шухрат Ғуломов эди. Бу генерал билан бошлиғи Рустам Иноятов орасида ҳам, ўзаро рақобат бор эди. Иккаласи ҳам, ИАКни олдига бемалол кириб чиқа оладиган қудратли шахслар эдилар. Шухрат Ғуломовга яқин генераллар Гулнора Каримовани, қўллаб қувватлашарди. Булар режасида Каримовдан кейин, Гулнорани курсига ўтказиш ва ўзлари МХХни тўла назоратига олиш бўлган. Бунга рақобат қиладиган гуруҳ бошлиғи, Рустам Иноятов эди. Бу иккала қудратли гуруҳ орасида, зимдан кураш борарди. Обид қорига ва Фуадга қилинган суиқасдлар, генерал Шухрат Ғуломов томонидан уюштирилган. У Каримов режимини араб диёрларида бўлаётгани каби, инқилоблардан сақлаб қолишга ва кейинчалик, ўзини давлат миқёсидаги нуфузини, янада оширишга уринарди. Араб диёрларида кўзғолонлар бўлар экан, Постсовет ҳудудидаги режимлар пайтавасига қурт тушган каби, типирчилаб қолишганди. 2001 йилда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти деган, ташкилот тузилган бўлиб, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти - минтақавий халқаро ташкилот бўлиб, унинг таркибига Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон кирарди.

Россия чеченларни ушлаш учун ва Хитой уйғурларга қарши курашиш учун, Ўзбекистон ҳам ўзи учун хавфли деб, билган шахсларни ушлаш ёки, йўқ қилиш учун, Тожик ва Қирғизлар ҳам шу мақсадда, бу ташкилотга аъзо бўлишганди. Улар террорчилик, сепаратизм ва экстремизм билан курашишга доир, Шанхай конвенциясини имзолашганди. Бу Ташкилотни Тошкентда Терроризмга қарши кураш бўлими очилади. Унга генерал Шухрат Ғуломов бошлиқ бўлади. Бу ташкилот биргаликда, ўзлари учун хавфли деб, билган шахслар рўйхатини тузиб чиқадилар. Шу рўйхатдаги шахсларни, қаерда бўлмасин ушлаш, агар ушлаб олиб кетиш имкони бўлмаса, жисмонан йўқ қилишда, бир бирларига ёрдамлашишга келишадилар. Бу рўйхатда диний ва сиёсий арбоблар бўлиб, Обид қори ҳам кирганди. Уни йўқ қилишлик операциясида, фақат Ўзбекистон МХХси эмас, айнаи дамда, ШХҲТга кирувчи барча мамлакатлар махфий хизматлари биргаликда, ҳамкорлик қилишган. Фуадни йўқ қилиниши ҳам, шу ҳамкорлик натижаси эди. Булар бари ИАК режимини сақлаб қолиш учун қилинган эди.

Обид қори сиёсий лидер эмасди. Уни Каримов тахтига даъвоси йўқ эди. ЎХХ сиёсий ташкилот эди. Уни лидерига ҳам, суиқасдлар қилишга уринишган. Лекин, у Туркия истихбороти назоратида яшарди. Обид қори Швеция истихбороти назоратида эмасди. Бунга у пайтда, эҳтиёж ҳам йўқ деб, ҳисобланган бўлиши мумкин?! СЕПО Обид қорини хавотирларини эшитиб, унга ишонмаганди. Улар кимдир Швецияга келиб, уни отиб кетишини тасаввур қилолмаган эди. Бу ҳақида Довуд озодликка берган интервьюсида айтиб ўтади. Бу СЕПОни хатоси бўлган эди, деган. МХХ бу операцияни бажаришга муваффақ бўлди. Обид қори қавми, қанчалик эҳтиёткорлик қилмасин, ўзларича у бу кимлардан гумонланмасин, тақдирда битилган бу нарсадан, қочиб кетолмадилар. Суиқасд содир қилинди. Пароканда қавм довдираб қолди. Уларда кўрқув ва сарсималик бор эди.

Шу пайтда ЎХХ (Ўзбекистон Халқ Ҳаракати) ҳам заифлашганди. Сабаби, унинг Россиядаги бўлими бошлиғи Фуад Шокирий отиб кетилгач, акрабийлар ҳам Ҳаракатни тарк этишган эди. ЎХХнинг ҳам ички ихтилофлари кўп бўлиб, Берлин қурултойида, атиги бир йилга сайланган лидер, энди яна қурултой ўтказиб, сайланиши керак эди. Бу иккинчи қурултой 2012 йилда май ойида Чехияда бўлиб ўтди. Бу ЎХХнинг охириги қурултойи бўлди. Шунда уч йилга сайланган лидервой ҳалигача ўтирибди. Бу Ҳаракат ҳам парчаланиб йўқ бўлиб кетди. Ундан Мулла Ширинов ва Мулла Тоҳирлар ва мен ҳам 2012 йилда чиқиб кетдик. Ҳозир бу Ҳаракатнинг номи ва сайтидан бошқа нарсаси қолмади. Бу ҳаракат лидер сабабли расво бўлиб, йўқ бўлди. Бунинг тарихи узоқ ва булар ҳақида бошқа бир алоҳида китоб ёзиш мақсадим йўқ эмас. Хуллас, Обид қори Умеёда касалхонада узоқ қолиб кетди. Стромсуддаги қавм орасида у ё бу масалада, либераллар ва радикаллар орасида ихтилофлар кучая бошлади. Шу жанжаллар асосан, аёллар юзини бекитиб юрмаслигини ва қоп қора ҳижоб киймасдан, рангли кийимлар кийишини устида бўлди. Ширинов бошлиқ либераллар бу қавмни бошқа халқдан алоҳида ажралиб, сектага айланиб қолаётганини айтиб, сал атроф муҳитга мослашиш керак ва аёллар ҳам кийинишида нисбатан ажралиб турмайдиганроқ бўлиши кераклигини айтишарди. Менимча, бу тўғри талаб эди. Бу масалада ихтилоф тортишув кўп давом этиб, баъзилари юзини очиб, баъзилар ниқоб тортиб юрадиган бўлишди. Либераллар Мёлбуга кетгач, уларнинг хотинлари ниқобда юрмай қўйишди. Стромсунддагилар ниқобида қолди. Болаларга таълим масаласида ҳам шу каби келишмовчиликлар бўлди. Лагерлар тўхтаб қолди. Уларга таълим беришда ҳам Ширинов томон либераллар енгиллик талаб қилишди. Бу масалада ҳам келишолмадилар. Мулла Ширинов ўзи либерал қарашдаги одам эди. Булар унинг акси бўлиб, улар фақат Обид қорини лидер деб тан олишар ва Шириновни тан олишмасди. Ваҳолонки, Ширинов Обид қоридан устунроқ бўлса борки, кам эмасди. Қолаверса, Ширинов вазиятга мослашишни тарафдори эди. У швед ҳукуматида кўзига бир балодек кўринмасликни истарди. Бу қавмда кўп хато ишлар содир бўлган ва бунақа нарсаларни, яна содир бўлиши бу қавмни, бу ердаги тинч тотув фаолиятига путур етказиши мумкин эди. Узоқроқни кўра биладиган одамлар шундай ўйлашарди. Радикаллар гуруҳига бу нарсалар, унчалик муҳим эмасди. Улар кейин ҳам кўп қовун туширишда, давом этдилар. Ширинов ўзининг шахсий табиати кўрқоқлиги учунми, ёки, ҳалимлиги учунми, ёки, тутган манҳажи шунақа, мулойим супургилик қилишга буюрадими, билмадим, у Каримов режимига ҳам, швед ҳукуматида ҳам. Бошқа бирорта ҳукуматга ҳам, умуман қарши чиқмаслик тарафдори эди. У ҳамма билан келишиш ва тинчлик тарафдори эди. Унинг манҳажида жиҳод йўқ эди. Бу дегани жиҳодни инкор қилади дегани эмас. Яъни, ҳозир қуроллик ҳаракатлар вақти эмас деган, фикрдаги шахс эди. Обид қорини укалари орасида конфликт пайдо бўлди. Абдумалик Назаров жасликда турмада ўтирган ва кўп қийинчиликлар кўрган, оғир босиқ йигит эди. Акаси Абдуфаттоҳ Назаров аксинча, қамалмаган ва енгил табиатроқ одам эди. Буниси либераллар ва униси радикаллар томонида турди. Булар орасидаги келишмовчилик оддий оилавий келишмовчилик эмасди. Бу келишмовчилик, ақидавий манҳажий келишмовчилик эди. Ширинов бошлиқ либерал қатлам олиб бораётган сиёсат, уларга ёқмади. Ширинов бошлиқ гуруҳ чиқараётган қарорларни, булар тан олмадилар. Ораларида ихтилофлар кучайди.

Оилавий бир масалада улар томонидан босимга учраган Абдумалик, акасига сизларни менинг шахсий оилам билан нима ишларинг бор деб, ғазабланиб, акасига қўл кўтаради. Бошига озроқ зарар етказди. Абдумаликни мен Товоқсойда кўргандим. Кейин, Уни Жасликқа этап қилишганди. Шу йигит табиатан, негадир менга яқинроқ эди. Унинг икки акаси, Обид қори ва Абдуфаттоҳлар аксинча эди. Бунда улардагидек, менинг наздимда сохта бўлиб кўринадиган муомала йўқ эди. Оддий, содда, тўғриси ва ўзи билганидан қолмайдиган хилидан эди. У башарани ақллик қилиб, одоб ахлоқдан дарс берадиганлар хилидан эмасди. Мен уни ҳозир ҳам, ҳурмат билан эслайман. Ўғли қамалиб қолганидан хабарим бор. Аллоҳ нажот берсин. Хуллас, Ширинов бошлиқ гуруҳ, бу жанжални Полицияга бориб айтишни тўғри деб, қарор чиқаради. Шу қарор менинг наздимда, нотўғри эди. Мен икки одам бир бири билан уришиб қолса, дарров полицияга югуриш тарафдоримасман. Қолаверса, ҳукми кимдан сўрашга ҳам, қараш керак. Тўғри, бу ерда шаръий қози йўқ. Лекин, шариат амрига итоат қиламан деган, иддаодаги шахслар орасидаги жанжалларни, шариат олимларига ҳавола этиб, ечим чиқаришлик афзалроқ эди. Оқибатда, Абдумалик бир йилга қамалди. Шведлар қамоқхонаси ҳам ажойибда. Унга бир йил қамоқ ҳукми чиқарган Суд. Ҳозир қамоқда жой йўқ, жой бўшаганда келиб ўтирасан деб уйига юборади. Жой очилганда, уни чақириб, ўтқазишди. Ўқиши бошланганда. Яна ўқишга юборишди. Ўқиши тугагач. Яна бориб ўтириб келди. Хуллас, ишдан бекор пайтида бориб ўтириб келарди. Охири шундай қилиб жазо муддати тугади.

Бу орада радикал гуруҳ билан либераллар бир бирига салом алик ҳам қилмайдиган даражага, бориб етишди. Бизнинг қишлоқдаги Бойота ҳам Стромсундга кетганди. У радикалларга қўшилиб, мени кўрса, саломлашмасдан, терс қараб кетадиган бўлди. Радикаллардан менга бирортаси салом бермасди. Ваҳолонки, мен аслида улардан кўра, радикалроқ одам эдим. Лекин, улар каби, ЎИХга ва ИШИДга ва бошқа каллакесарларга эргашмасдим. Уларни қоралаб мақолалар ёзардим. Мени оқ қилганлар, шу радикаллар жамоаси ва Стокхольмда яшайдиган уч тўртта ҳизбутлар бўлди. Шулар, мени кўрсалар салом бермайдиган ва салом берсам, алик олмайдиган одамларга айланишди. Либераллар мен билан алоқаси одатдагидек бўлсада. Улар ҳам чўчиброқ, узоқроқ юришга ҳаракат қилишади. Буларнинг жазо турларидан бири шуки, кимни ёмон кўрсалар, тўйига чақирмайдилар. Шу агар жазо деб ҳисобланса, шу жазога учраганлардан бири мен бўлдим. Бу аслида мен учун янада қулайлик эди. Ишни қўйиб, минг км. масофага бориб, турқи совуқ бефаросатнинг олди қочди маърузасини эшитиб, ош еб келиш, мен учун азоб эди. Шу азобдан қутулдим. Либераллар ҳам, радикаллар ҳам чақирмай қўйишди. Мени ақиқа қилганимда булар ҳаммасини чақиргандим. Кимлар келганигача ҳаммасини, ҳисоб китоб қилиб қўйганман. Шулар чақирсалар боришим вожиб эди. Айни шулар мени, бу вожиботдан халос қилишди. Мен уларнинг бу қарорларига хафа бўлмадим. Уларсиз ҳам куним ўтишини ва уларга асло эҳтиёжим йўқлигини, англлар эдим. Хуллас, бу жанжалларга мен узоқдан кузатувчилик қилардим халос. Менда буларга одоб ахлоқдан ақл ўргатадиган, илм ҳам йўқ эди. Истак ҳам йўқ эди. Ҳозир ҳам шундай.

Суиқасднинг бир йиллигида намойиш бўлди Обид қори отиб кетилган 2012 йил охиридан бошлаб, мен ЎХҲни тарк этиб, ўзим алоҳида, Саҳвий радиоблогини очиб, мустақил фаолият юргиза бошладим. Бу радио интернет радио бўлиб, у 2017 йилгача давом этди. Бу радиода беш йил муддат давомида, диний, сиёсий шахслар билан, мингларча радиосўхбатлар ўтказдим. Булар бари ҳозир архив сайтимда турибди.

<https://sahwii.wixsite.com/website-2...>

Бу радиони юргизиш ҳам ўзига яраша ташвишдан ва моддий маблағ сарфлашдан холи эмасди. Тирикчилик ташвиши билан бўлиб, ҳозирги кунда радиоблог ишламай қолди. Хуллас, бу ерда кўп сонли муҳим ва ҳозир ҳам, актуал бўлган сўхбатлар жамланган. Булар бари келажак, тарих учун, сақланиб турибди.

Балким, имкони бўлса, бу радио яна қайта ишга тушар валлоҳу аълам. Обид қори отилганидан сўнг, орадан бир йил муддат ўтиб, Стокҳолмда бу қотилликка қарши, норозилик норозилик намойиши бўлиб ўтди. Камина бу намойишда нутқ қилдим ва шеър ўқидим. Қуйида ўша нутқ ва шеърни ўқишингиз мумкин.

Ҳурматли Ватандошлар !

Бугун биз муҳтарам устозимиз Обидхон қори акани, ҳаётига суиқасд уюштирилганига бир йил тўлиши муносабати билан, мана шу майдонга тўпландик. Биз Швеция ҳукуматидан мавжуд қонунларга мувофиқ ўша жинойтчилар ушланиши ва жазоланишини талаб қилаёلمиз. Ва умид қиламизки иншааллоҳ охирада бу золимлар учун, Аллоҳу Таъолонинг қўйган жазоси муқаррардир. Обидхон қори акага қилинган суиқасд, ИАК режими тарафидан ўзбек халқига ва мусулмонларига, 20 йил давомида бўлаётган сон саноқсиз жинойтларидан биридир. ИАК режимининг жинойтлари, сон саноқсиздир. Буларни ҳаммасини санашлик имконсиздир. Мен бугун мана шу майдонда, ана шулардан баъзиларини эслашни лозим топдим. ИАК режими 20 йилдан ошиқ муддатда, Ўзбекистон Республикасини бошқаруви давомида зулмни энг кўп кўрган тоифалар, диндорлар бўлди. Албатта, 30 миллионлик Ўзбекистонлик аҳолининг барча қатлами, жабр кўрди. Энг кўп жабр кўргани диндорларнинг турли хил тоифалари бўлди. Хусусан, Биз бугун Обидхон қори акани қотилларини ушлаб жазолашни, талаб қилиб чиққан эканмиз, айна дамда, ИАК режимининг жинойти сифатида ИАК режими жаллодлари тарафидан Ўғирлаб кетиб, йўқ қилиб юборилган Абдуллоҳ Ўтаев, Абдували қори Мирзаев ва Рамазон Маткаримовлар, ва Обидхон қори акани ўғли Хусниддин Назаров ва бошқа ўнлаб ёки юзлаб мусулмонларни ҳам, эслаш керак! Булар мана шу золим режимнинг жинойтларидан биридир. ИАК режимининг жинойти сифатида, яна 20 йилдан бери қамоқда ётган, Муҳаммад Ражаб домлани, ва бошқа диний сиёсий маҳбусларни ҳам эслаш керак. 20 йиллаб зиндонда ётиш биродарлар, осон нарсамас. 20 йилда бир бола туғилса, 20 ёшга киради. 20 йилдан бери уйига бормаган, бола чақасини кўрмаган одамлар бор. Бу ҳам, ноинсоний режимнинг жинойтларидан биридир. Биз мана шуларни ҳам, бугун бу майдонда эслашимиз керак! 1999 йилдаги портлашлардан кейин то, бугунги кунгача давом этаётган 159 модда билан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий тузумига тажовуз қилганликда айбланиб қамоққа олинган ва шу кунгача қамалаётган ва қамоқларда ўлиб кетган ёш қари, эркак аёл мазлумларни ҳам, эслаш керак! Мана булар, золим ИАК режими жинойтларидан биридир! Шунингдек, ИАК режими жинойтлари сифатида, 2005 йилда Андижонда отиб ўлдирилган эркагу аёл, ёшу қариларни ҳам эслаш керак! Мана бу ҳам, золим ИАК режимининг жинойтларидан биридир! Шунингдек, мана шу қамалиб ётганларни, йўқ бўлиб кетганларни, оилаларини, тирик етим бўлиб қолган фарзандларининг кўз ёшларини, йиллаб фарзандини кўролмайдундан ўтиб кетаётган ота оналарни кўз ёшларини, эслашимиз керак! Мана булар ИАК режимининг, оғир жинойтларидан биридир! ИАК режимининг жинойти сифатида, ёлланма қотил тарафидан отиб кетилган журналист Алишер Соиповни, ўтган йили Ивановада ўлдирилган биродаримиз, Фуад Рустамхўжаевни эслаш керак! Мана бу ҳам ИАК режимининг, навбатдаги жинойтларидан биридир! ИАК режимининг жинойтларини, сон саноғи йўқ. Обидхон қори акага қилинган суиқасд, мана шулардан биридир. Шунингдек, ИАК режимининг жинойти сифатида, ўз юртдан ҳижрат қилиб чиқиб кетишга мажбур бўлган, минглаб муҳожирларни ҳам эслашимиз керак! Сиз билан биз, мана шу зулмдан қочиб келганмиз. Мана бу ҳам, ИАК режимининг жинойтларидан биридир! Шунингдек, миллионлаб чет элларда, Россия, Қозоғистон ва Украина турли давлатларда, нон топиш учун, ишлашга кетган, Ўзбекистонда нон йўқлигидан, кетишга мажбур бўлган, ватандошларни эслашимиз керак! Миллионлаб ватандошлар ватангадо бўлиб, дайдиб юришибди. Улар орасида ҳар куни ўтга ёниб, сувга чўкиб, бошқа турли сабаблар билан ўлаётган, умри хазонларни ҳам, эслаш керак! Режимнинг жинойти сифатида дунёнинг турли жойида, бузуқлик қилиб пул топаётган ўзбек аёлларини, миллатнинг фожеъасини, эслашимиз керак! Буларнинг барчаси учун, ИАК ЖАВОБГАРДИР! У дунё ва охирада, жавоб бериши ШАРТ!

Иншааллоҳ буларни, Миср диктатори Муборак каби, Ливияни диктатори Қаддофий каби ва ёки бошқа диктаторлар каби, ИАК ни ва унинг режими амалдорларини, мана шундай хорлик кутади, иншааллоҳ! ИАК, ўзбек халқининг, Ислоҳ ва мусулмонларнинг ДУШМАНИДИР! ИАК Абдували қори ака ва Обидхон қори ака каби, холис дин Уламоларининг ДУШМАНИ ва ёлланма қотилларнинг БУЮРТМАЧИСИДИР! Обидхон қори акага қилинган суиқасд, шахсан ИАК нинг буйруғи билан қилинганлигига, БИЗНИНГ ШУБҲАМИЗ ЙЎҚ! МХХ каби, ҚОНХЎР ЖАЛЛОДлар ташкилоти, бу суиқасдни уюштиришганига ҳам, шубҳамиз йўқ! Бу каби жиноятлар албатта, вақти келади, очилади ва иншааллоҳ, шу дунёнинг ўзида жазосини олажақлар! Ва албатта охиратда бу золимларнинг жазосини олишлиги, шаксиз шубҳасиздир! Мен бу мурожаатимни охирида, золим ИАКга бағишлаб ёзган бир ғазалимни ўқиб бермоқчиман. Эй Золим, Каримов! Мана шу шеър, менинг сенга тилақларим. Умид қиламанки, жосусларинг буни сенга етказди.

Истагим Ҳақдан, абад мотамсаро қилсин сани,
Жабри-зулминг, бошинга битмас бало қилсин сени!

На тушингда, на ўнгингда, ҳаргиз ором бўлмасин,
Доимо, қайғу юрак-бағринг адо қилсин сени!

Халқни хор айлаб сени қанжиқларинг даврон сурар,
Зурриётинг шу дунёда, гадо қилсин сени!

Сен зулм қилган ғариблар оҳу бирла ноласи,
Ҳаққа етгай оқибат, юзинг қаро қилсин сени!

Ёлғиз Аллоҳ ҳаққи, бу қонлар сени тинч қўймасин,
Ҳеч туганмас дарду-ғамга, мубтало қилсин сени!

Ўлгунингча тавбаю, имон муяссар бўлмасин,
Нақди умринг, куфр йўлинда фидо қилсин сени!

Сенга ибрат бўлмади кўп мустабидлар қисмати,
Ўзгаларга қисматинг, ибрат-намо қилсин сени!

Сенга берди лунёда , қасру-сарой, қононалар,
Охиратда манзилинг, ўтдан бино қилсин сени!

Сен ўзинги ман “Худо” деб, ўйлаган эшшакфаҳм,
Манзилинг мангу жаҳаннам ичра, жо қилсин сени!

Фиръавн, Намруд билан, дўзахда мангу бирга бўл,
Қисматинг мангуга, оҳу-ҳасрато қилсин сени!

Қодир Аллоҳ қудратига зарра шубҳам бўлмағай,
Барча қилган зулминга, лойиқ жазо қилсин сени!

Саҳвий истайдир санга, ҳар икки Оламда жазо,
Моли-мулки, тожу-тахтингдан жудо қилсин сени!

.....

Бу линкда ўша нутқни видеоеси бор.

<https://www.youtube.com/watch?v=V4EUJESGV6E&t=1s>

Аммо, майдонда турган, Обид қорининг муридларидан бўлган оломоннинг кўрсангиз, улар нутқ қилишлик нари турсин, юзларини камерага тушиб қолмаслиги учун, бекитиб, яшириниб турганини кўрасиз. Бу намойишда бошқалар ҳам гапирди. Масалан Мулла Абдувоҳид узундан узоқ ва зерикарли қилиб, Обид қорини тарихини гапирганди. Мулла Ширинов ҳам бир нарсалар деди. Бефаросат ҳам бир нималар деб алжиради. Лекин, нетга менинг нутқимдан бошқа нарса чиқмади. Уларнинг нутқи архивида, тарих учун сақлаб турилгандир валлоҳу аълам?! Меники, ўша кундан бери интернетда турибди. Истаган одам, истаган пайти, истаганча эшитиши мумкин. Обид қори отиб кетилганидан кейин ҳам, булардаги кўрқув ва саросима кетмаган эди. Улар доим кўзга кўринмасликка ҳаракат қилиб яшашди. Обид қорини ҳимоясига чиқаман деб, бугун тили икки қарич бўлган, видеога чиқиб, мени ҳақоратлаётган эшақхожи ҳам, у пайтда қўлига микрофон олиб гапиришга духи етмади. Унинг ҳимоясига бирортаси гапирмадилар ва интернетга қўймадилар. Шунга журъатлари етмади. Бугун менга Обид қорини танқид қилма, дейишмоқда. Жаноблар, мен ҳимоя ҳам қилганман ва танқид ҳам қиламан. Сизларда на унисига, на бунисига, журъат йўқ. Шунинг учун сизлар, Тошкентда ялло қилиб юрибсизлар. Мен эса, бугун ҳам террорист сифатида кидирувдаман. Суиқасднинг икки йиллигида ҳам намойиш ўтказилди

Бу қавм ичидаги парокандаликлар даврида, дунёда ҳам кўп алғов далғовлар бўлаётганди. Ироқда ИШИД деган гуруҳ пайдо бўлгандан кейин, унинг сафига кирувчилар дунёнинг чор тарафидан оқиб кела бошлашди. Швециядан ҳам унга кетганлар кўп эди. Булар араблар ва ўзбеклар эди. Бизнинг бойота, келганидан бери ўзини қўйишга жой тополмаганди. У на тилни билмасди. На шофёрликка права ололмади. На бир иш тополмади. Бошқаларга оғирини юклаб юрадиган, кимсага айланди. Арестантлар тилида "кататся на чужие плечо" дейди, бунақаларни. Хуллас, у Швециядан ҳафсаласи пир бўлди. Уйида ҳам тили қисик бўлди. Бировни номига бир вагон, будкани кредитга, ойма ой тўлайдинган қилиб олиб, шу будқада сомса пишиб сотмоқчи бўлди. Униям эпллмади. Социалдан оладиган пулдан, ойма ой беш минг крона тўлаши керак эди. У нариги одам пулни тўлар ва бу унга тўларди. Уйида етишмовчилик бўлди. Бу одам на сиёсатдан ва на диндан беҳабар эди. Халифат қуришлик тўғрисида таллашиб тортишганда, бир куни менга қараб, Худо хоҳласа, икки соатда қурилади Халифат деганди. Бунақа гаплар, жиддий гап эмасди. Биз Аллоҳнинг қудратига ишонамиз. Лекин, шу Аллоҳнинг Ўзи ерда яратиб қўйган жараёнларни, ақлан ҳис қилиб, тан олиб, қабул қиламиз. Бир давлатни қурилиши жараёни, икки соатда бўладиган иш эмасди. Буни Аллоҳ бизга берган ақл, қабул қилмасди. Шу пайтларда, ИШИД пайдо бўлди. Афғондаги ЎИХ унга байъат берди. Толибонга қаршилигини эълон қилди. Туркиядан кўпчилик ўзбеклар гоҳ ИШИДга ва гоҳ Сурияга кета бошлашди. Бизнинг бойота ҳам, ўзини қўйишга жой тополмай қолгани учун, вагонни ҳам, бошқа қарзларини ҳам ташлаб, жиҳодга кетди. У қарздор одам қарзини тўламасдан, жиҳодга кетиши мумкин деган, фатвони ЎИХдан олди. Будкани ташлаб, хайр маъзурни насия қилиб, ИШИДга бориш учун, Туркияга жўнаб кетди. Будқа бошқа одам номига олинганди. У пулни икки йил тўлашга мажбур эди. Унга Будкани, кераги йўқ эди. Будқа тўрта балони бор ва катта, вагондек нарса бўлиб, уни машинага тақиб судраб юрса бўларди. Уни ичида, сомса пишиб сотиш учун имкониятлари бор эди. Нархи 200 минг крона бўлиб, ойига беш мингдан тўлашга келишиб, икки йилга ижарага олишганди. Бу тўлов муддати тугаса, кейин, уни, арзон нарҳда сотиб олиш мумкин бўларди. Бойота олишга олиб, ишлатолмади ва Халифат қуришга кетди. Сомсадан муҳимроқ иш, Халифат қуриш керак эди. Лекин, кошкийди у бориб, Абу Бакр ал Бағдодийни, ошпази бўлиб юрганида, кошки эди. Ёки, бир дайди ўққа учраб, шаҳид бўлса ҳам майли эди. У Халифат қуришга бордию, қараса, бу Халифат, у ўйлагандек, икки соатда қуриладиганга ўхшамади. У Туркияга қайтиб келди. Швецияга келолмади. Уни бошпанаси бекор қилинган ва паспорти ҳам бекор қилинганди. У нелегал бўлиб, қаердадир қолиб кетди. Уйига пул сўраб телефон қиларди. Булар юборган пулга яшириниб, яшаб юрарди. Унга пул юборгани учун, швеция ҳукумати ўғлини қамоққа ташлади. Номига Будқа олинган одам эса, уни тўлашга мажбур эди. Чунки, у контрактни бузолмасди. Бойота кетгач, булар яна бир йилгача, Будқа учун пул тўлашди. Охири, муддати тугагач, эгасига бериб қутулишди. Бойотани Будқаси уларга қимматга тушди.

Лекин, буларда бошқа чора ҳам йўқ эди. Буларни номига олинган Будка учун, булар масъул эдилар. Жиҳодчилардан бири Фарҳод эди. У ҳам бойота каби, ҳаммани ухлатиб, пулини олиб, алдаб юрарди. Яна буларга хайрихоҳлар кўп эди. Эшак ҳожи номини олган Қашқадарёлик ҳам, шунақалардан бири эди. Булар бари миясида алиф йўқ ва бир оз фаросат ҳам йўқ, одамлар эдилар. Бировни алдаб пулини еб кетиб, жиҳодчилик қилишарди. Сухбатларда ИШИД қилаётган қонхўрликларни мақтаб, оғизлари тўлиб гапиришарди. Лекин, очиқ майдонга чиқсалар, юзини биров кўрмаслиги учун, шарф ўраб, камерадан узоқроқ ерга туришарди. Обид қорига қилинган суиқасд муносабати билан, қатор намойишлар бўлди. Бу оғзига ботир кимсалардан бирортаси, башарасини кўрсатишга ботинмадилар. Булар МХХдан кўрқишарди. Уйда эса, тилда ботир эдилар. ИШИДни қилаётган ишига хайрихоҳ эдилар. Умуман олганда виждонсиз ва сурбет одамлар эдилар. Обид қорига қилинган суиқасд ва бу жиноятни уюштирганлар воқеълари, юқорида қисқароқ баён этилди. Бу судларда бўлиб ўтган кўплаб икки чикирларга алоҳида тўхташга ҳожат йўқ деб, ўйладим. Лекин, мен суд жаранларида тўлиқ қатнашгандим. Бу судни боришини, ўша пайтда алоқам борлиги учун, озодлик радиосига узатиб турардим. Улар дунёга жар солиб туришарди. Бу материаллар ҳозир ҳам уларни сайтида бор.

<https://www.ozodlik.org/a/24646453.html> <https://www.ozodlik.org/a/24647853.html>

Обид қори Назаровга суиқасд уюштирилганининг икки йиллиги муносабати билан Стокхольмда ўтказилган норозилик намойишида, камина ҳам қатнашган эдим. Бу ерда ўша ерда майдонда ўқилган нутқ, эътиборингизга ҳавола этилаяпди.

Ассалому алайкум ҳурматли ватандошлар!

Бугун биз Обидхон қори Назаровга суиқасд уюштирилганининг икки йиллиги муносабати билан Стокхольмда ўтказилаётган норозилик намойишига тўпландик. Икки йил олдин Обидхон қори ака отиб кетилган эди. Золим ИАК режими унга ватандан шунча узоқда ҳам тинч яшашга имкон бермади. Бизнинг халқимиз минг йиллардан бери исломни дини деб билган ва унга амал қилиб келаётган мусулмон халқдир. Бу халқ тарихида кўп фожеъларга гувоҳ бўлгани аниқ. Улардан энг каттаси мўғуллар босқини бўлса, унданда даҳшатлироғи коммунист даҳрийлар босқинчилиги эди. Мўғуллар халқимизни талаб юртни вайрон қилган бўлсаларда, охир оқибат ўзлари ҳам мусулмон бўлиб, маҳаллий халқга қўшилиб кетишган эди. Аммо, коммунист даҳрийлар бу мусулмон миллатни қисман бўлсада, ўзлари каби даҳрийга айлантиришди. Бунинг оқибатларини биз бугун ўз танамизда кўриб ҳис қилиб турибмиз. Мустақилликга эришганимиздан бери ҳукумат тепасида турган ИАК ва унинг сафдошлари кечаги коммунист даҳрийлардир. Ва уларнинг дунёқарашлари ҳали ўшандайлигича қолмоқда. ИАК иқтидорда турган давр мобайнида доимо исломга ва мусулмонларга қарши қатағон сиёсатини юргизди. Бу қатағонлар қурбонлари сон саноғини Аллоҳдан ўзга биров билмайди. Ўғирлаб йўқ қилинганлар ёки, турмаларда ўлдирилганлар, Андижонда отилганлар ва 20, 25, йиллаб турмада ўтирганлар сон саноғи бизга маълум эмас. Буларнинг ҳақида йиллар давомида турли хил халқаро ва маҳаллий инсон ҳуқуқини ҳимоя қилувчи ташкилотлар бонг уриб келадилар. 89 Буларга қарамасдан ғарб давлатлари ва АҚШнинг диктатор Каримов режимига нисбатан иккиюзламачилик муносабати тобора яққол намоён бўлмоқда. АҚШ сенати ИАК режимига қурол сотишга розилик бергани ҳақида маълумот матбуотда пайдо бўлганига ҳали бир ҳафта бўлгани йўқ. Сурия диктаторига қарши муҳолифатни кўллаб турган АҚШ ва ОИни, ўзбек диктаторига нисбатан “дўстона” сиёсат юргизаётганларини қандай тушуниш керак?! Россия ва Хитой каби Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо авторитар давлатлар ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Булар “терроризмга қарши кураш” ниқоби остида халқаро қонунларни ошкора оёқ ости қилиб, Қозоғистондан 30 та ўзбек қочоқни Тошкентга берган ва кўплаб уйғурларни ушлаб Хитой коммунистларига топширишганди.

Мисрда халқ сайлаган мусулмон Президент Мурсийни_ жинойтчи генерал Сиси тарафидан кулатилганига нисбатан_ АҚШ давлат котиби Жон Керри “Сиси демократияни ҳимоя қилаяпди” деганини, қандай тушуниш керак?! Ёки, “Араб Баҳори” натижасида қатор араб давлатларидаги ўз халқларига зулм ўтказиб турган диктаторлар кулаб, улар ўрнига очик сайловларда исломий гуруҳларнинг ҳукумат тепасига келганини, Ғарб давлатлари ўзларига ва хусусан Исроилга таҳдид деб ҳисоблайдиларми?! Балки, Ғарб ва Минтақадаги давлатлар ИАК режими кулаб, ўрнига исломий кучлар иқтидорга келиши эҳтимолидан чўчиётгандирлар ва “терроризмга қарши кураш” ниқоби остида ИАК режимини ҳимоясини таъминлаш учун, унга қурол сотишга рози бўлишгандир?! Шулар ва шу каби бошқа, шахсий манфаатлардан келиб чиқиб, уларнинг бу каби диктаторга нисбатан “яхши муомала” қилишларига сабаб бўлаётгандир?! Обид қорини отган жинойтчи Юрий Жуковский деган кимса, Россия фуқароси экан. ФСБ уни жинойт қилганлигини аниқ билсада, Швецияга бермай келаяпди. Ундай жинойтчидан яна, Путинга қарши бошқа шахсларни йўқ қилишда фойдаланишар ва ёки, ИАК билан савдолашишга керак бўлар. Бугун дунёда бўлаётган адолатсизлик ва иккиюзламачиликларни кўриб, кимдан адолат талаб қилишни билмайсиз?! Биз буларнинг қилаётган макру ҳийласидан фақат яратган Зот Роббимиз Аллоҳгагина юзланамиз. Буларнинг барчасини улуғ Аллоҳ кўриб, билиб турибди. Ва албатта Ўзи ҳаммасига лойиқ жазою мукофот беришига ишонамиз. Эътибор беринг суиқасддан кейинги икки йил ичида ИАК хонадонига қандай балою офатлар тушмоқда?

1. Суиқасд амалга ошмай қолгани...;
2. Телиасонера билан боғлиқ халқаро жинойт иш очилгани;
3. Гулноранинг ўз онасига қарши твитлари...;
4. Прага сафарининг қолдирилиши каби, қатор шармандаликлар ИАКга ҳам, улкан балолар келаётганини билдиради. Зулм ва зўравонликнинг оқибати, мана шундай бўлишга маҳкумдир. Бу сафарни қолдирилишига, Парижда яшовчи Муътабар Тожибоеванинг ташаббуси ила уюштирилган хатлар ва Обидхон қори аканинг шогирдлари уюштираётган норозилик намойишлари, сабаб бўлди деган, фикрдаман. Бу озгина ҳаракатга Аллоҳнинг нусрати келгани белгисидир. Бу каби зулм режимига қарши, норозилик намойишларни актив фаолиятли давом эттиришимиз лозим. Биз бу зулм салтанатининг заволини яқин кунларда кўришдан умидвормиз иншааллоҳ! Оят; “ . . . Аллоҳ ўз ишида Қодир Зотдир Ва лекин одамларнинг кўплари буни билмайдилар ” (Юсуф сураси 21 оят)

18 феврал 2014 йил

Обид қори Назаровга суиқасд уюштирилганининг икки йиллиги муносабати билан Стокҳолмда ўтказилган норозилик намойишида ўқилган шеър;

Тақдир саҳифасин инсон очган эмас,
Ҳеч ким битиб қўйганидан қочган эмас,
Ўчирмоқчи бўлди золим овозингиз,
Лекин сизнинг овозингиз ўчган эмас.
Золимларга икки дунё жазо берсин!
Аллоҳ сизнинг дардингизга шифо берсин!

Неъмат қадри йўқотганда билинади
Эслаганда ғамдан диллар тилинади.
Имонига лойиқ синов кўрар инсон,
Сизга бугун кўнгил шуни илинади...,
«Золим ИАК жазосини Худо берсин!
Сизнинг дардингизга комил шифо берсин!»

Аҳли бало бўлган эди Расулulloҳ, (САВ)
Бу қисматга лойиқ кўрди сизни Аллоҳ.

Салафлардан қолган имон йўли шудир.,
Бу сўзимга қуръон гувоҳ, Тангрим гувоҳ!
Бу қисматдан, қалбингизга ризо берсин!
Роббим сизнинг дардингизга шифо берсин!

Золимга ҳақ сўзни айтмоқ жиҳод бўлмай,
Ҳақни айтган имонингиз зиёд бўлмай.
Ҳалок бўлмай ҳақни рад қилган золимлар,
Оқибати мисли Самуд ва Од бўлмай!
Золимларга мангу битмас бало берсин!
Сизга Аллоҳ фазли бирла шифо берсин!

Ўтаяпмиз бу ўткинчи дунёсидан,
Тавфиқ етган, улуш олмай тақвосидан.
Ғам ташвиши тугамайди бу дунёнинг,
Бахтли ҳаёт насиб этсин, уқбосидан.
Тангрим эзгу тилакларга раво берсин!
Сизнинг дардингизга Ўзи шифо берсин!

Биров боқмас бугун бизнинг фарёдларга,
Аллоҳ қўйган жазо бордир, жаллодларга?!
Сизнинг бу халқ тарихида ўрнингиз бор,
Кўп ибратлар кўрсатгансиз авлодларга.
Сизга бизмас, тарих ўзи баҳо берсин!
Қодир Эгам дардингизга шифо берсин!

Саҳвий 21 феврал 2014 йил

Суиқасднинг учинчи йиллигидаги намоиш

Обид қори суиқасдга учрагач, ундан хабар олиш имкони йўқолди. Унинг олдига ҳеч ким боролмасди. Довуд отаси олдида, кечаю кундуз ўтирар ва отасига нима бўлаётганини фақат у биларди. Шундан бери Обид қори ҳақида, оммага маълумот, деярли берилмади. Ҳар замонда у бу деб, умумий гаплар айтиб қўйишади халос. Бу қавмдаги ёшлар интернетдан ИШИД ва ЎИХга қизиқиб, улар билан алоқа қилиб, уларга мойил бўла бошлашди. Баъзилар ўша томонга кетиб, Дайди ўққа учиб, ўлиб кетишди. Либерал томондагилар Шириновни талабига кўра, болаларга диний таълим беришни, анча енгилаштиришди. Уларни масжидга беш вақт намозга чиқишлари ҳам, энди Стромсунддаги каби, назорат қилинмасди. Стромсундда болалар назоратчиси бўлиб ишлаган, Алишер деган, ёши мен билан тенг бир одам бор эди. У Стокҳолмга кетди ва ўша ерда автобус ҳайдаяпди. Унинг ёнига Стромсунддан бошқа бир қанчалари кетишди. Стромсунд қавми уч қисмга бўлинди. Радикаллар ва либераллар ва аросатдагилар. Булар орасида ихтилофлар давом этди. Ҳозир ҳам улар ихтилофдалар. Бу орадаги аросат аҳлига ҳам озроқ тўхтаб ўтиш керак бўлади. Улар Обид қори қавмидан эмас. Акрамий ҳам эмас. Ҳизбий ҳам эмас, лекин, улар шулар билан яшашади. Яъни уларда, манҳажий йўналиш йўқ. Радикалларда йўналиш бор. Либералларда бор. Аросатдагиларда йўқ. Улар ким қаерга тортса, шу томонга кетадиган тоифадир. Дунёда ҳам глобал майдонда, шундай ҳолат кўзга ташланади. Жиҳодчилар ва улар ҳам бир неча тоифа бўлиб, бири бирига қарши. Ихвонлар, салафийлар, Сўфийлар ва сарой муллалари. Яъни, либераллар. Булар ҳаммаси умматни, ҳар тарафга тортишади. Ҳаммаси ўзини йўлини тўғри, бошқасини хато дейишади. Бу аҳвол Ўзбекистонда ҳам мавжуд. Швециядаги ўзбеклар орасида ҳам мавжуд. Дунёда ҳам мавжуд. Жиҳодий гуруҳлар улардан бошқа йўлдагиларга, аксар ҳолда беписанд қарашади.

Гўё улар адашгану, ўзлари тўғри деб, яқинан ишонишади. Ва бу томондаги баъзилар ҳам аксинча, уларни адашгану, ўзларини тўғри деб тушунишади. Бунақа эмас! Икки томон ҳам ўз вазиятларига кўра, тўғри йўлда бўлишлари мумкин! Ёки, аксинча, иккаласи ҳам хато бўлиши мумкин! Бир қолипга солиш ва умумлаштириш керак эмас. Замон ва маконга қараб, иш қилиш керак. Минг йил олдинги замонга эмас, минг йилдан кейин, келадиган замонга эмас, шу бугунги замонга ва маконга қараб иш қилиш керак! Маҳдий келса, Исо алайҳиссалом тушса, улар ўзлари билади, нима қилишини. Ўтмишда ҳам, ким нима қилган бўлсалар, ўша вазиятига мос иш қилган. Биз ўзимизга мос ишни қилайлик! Ўзимизни минтақага ва миллатга ва вазиятга мос, мувофиқ ишни қилайлик. Ҳар ерни ва замонни ўзини мезони тарозиси бўлади. Бу масаладаги ихтилофлар қиёматгача тўхтамаса керак валлоҳу аълам.

Мёлбу дегани, Стокҳолмдан икки соатча йўлда, жанубда жойлашган бир кичик қишлоқ. Обид қори қавмидаги либераллар гуруҳи, ўша ерга кўчишди. Стромсундда қолганлари ридикаллар ва аросатдагилар ва баъзи, либерал мустазъафинлар эди. Ширинов қавмини, Швед ҳукумати наздида, энг беозор ва муътадил қавм сифатида, тақдим этишни истарди. У Мёлбуда масжид очди. Жамиятини расмий рўйхатдан ўтказди. Бу ерга швед журналистини чақириб. Уларга интервьюлар берди. Уларга бу ўзбеклар жамоаси радикал эмас, консерватор жамоат деган, таассурот уйғотишга уринди. Буларни ўз ораларида ҳам, кийинишда ҳам вазиятга мослашишга ундади. Аёллари юзини ёпмайдиган бўлди. Болаларга кўп эркинликлар берилди. Болалар ўқитувчисига шикоят қилиб, давлат уларни ота онасидан ажратиб олган ҳоллари ҳам кўп бўлди. Эркинбойни (Бошқа бир исми Жамол) ўғлини бешиқдаги боласигача, давлат олиб қўйди. Эркин Стромсунддаги устунларидан бири эди. Тарбияси қаттиқроқ бўлган. Боласи мактабда шикоят қилибди. Болаларини олиб қўйишди. Булардан бошқаларини ҳам болалари, ота онасини зўравонлигидан шикоят қилиб, шу туфайли, давлат олиб қўйганди. Асли Тошкентлик бўлган ва Тимрода турган Бекзод (бу ерда унинг номи Башир эди) деган, йигит, шу боласини олиб қўймасин деб, Туркияга юбориб, сақлаганди. ИАК ўлгач, у болаларини олиб Тошкентга кетди. Диний қочоқ бўлиб юрганлар Тошкентга бемалол боришлари, уларни бу ерга БМТни алдаб келган, фирибгар эканликларига далилдир. Энг қизиғи, Обид қори қавми, айнан шуларни ўзига яқин тутар ва уларни муқарраблардан деб, ҳисоблашар эди. Ҳозир Тошкентда юрган Саидакбар ҳам, яна кўп бошқалари ҳам, Обид қорини яқинларидан эдилар. Ҳозир ҳам шундайдир. Тошкентга бемалол бориб келадиган одамлар, Обид қорига энг яқин одамлар бўлишган. У ерга қадамини босолмайдиганларга, Обид қори ва унинг қавми гумон билан қарашган. Ҳозир ҳам шундай. Хуллас, Мёлбудаги болалар энди ота онасига бўйсунмай қўйишди. Сал ғиринг деса, мактабга бориб, шикоят қиладиган бўлишди. Булар бари Ҳокимиятда ўтирган либерал шахс Муҳиддин Ширинов даврида, содир бўлди. Ширинов радикал гуруҳни эплаёлмади. Обид қори, бир амаллаб босиб турганди. У нисбатан қаттиққўл ҳукмдор эди. Энди ҳалимроқ ҳукмдор келганида, қавм унга бўйсуншдан бош тортиди. Кейинроқ, ўшалар орасига кириб борган, эшак ҳожи (лақабли) ва бошқа радикаллар томонидан, унга қарши катта фитналар уюштирилди. Охир оқибатда Ширинов ҳокимиятдан қувилди. Ҳозир ҳам Мёлбуда анархия давом этмоқда. Мулла Тоҳир ҳокимликни эплаёлмайдиган шахс эди. Қавми аросатда қолди. Булар энди бугуннинг гаплари. Шириновни хавотир олганича бор эди. Келажакда радикал ўзбеклар бутун дунё бўйлаб, жумладан шу Швецияда ҳам терактлар уюштиришини ва ўзбекларни бадном қилишини вақт кўрсатди. Лекин, Ширинов буларни олдиндан, сеза билган ва имкон қадар қавми сақлаб қолишга уринаётган эди. Демак, кейинроқ, Швециядаги ва бошқа давлатлардаги муҳожирлари орасидан ҳам, радикаллар чиқа бошлади. Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистоннинг минглаб ватандошлари, Сурия ва Ироқдаги Ислом давлати жангарилари сафига бориб қўшилди. 2012 йилда Чикагонинг Федерал Қидирув бюроси томонидан асли Ўзбекистонлик Жамшид Мухторов қўлга олинди. У Афғонистондаги ИЖИга қўшилмоқчи бўлгани ва Туркияга учмоқчи бўлганида, ушланди. У ҳалигача АҚШда қамоқда қолмоқда. 2017 йил 1 январь куни Туркияда рейна клубида, 39 кишининг бошига етган, ўзбек миллатига мансуб Абдулқодир Машарипов Афғонистон ва Покистонда яшаган ва ҳарбий тайёргарликдан ўтган ЎИХнинг аъзоси эди.

Санкт-Петербург метросидаги бомба портлатиб, 16 кишини ўлдирган ва ўзи ҳам нобуд бўлган 22 яшар Акбаржон Жалилов, асли қирғизистонлик ўзбек эди. 2017 йилда асли Тошкентлик ўзбек Сайфулло Соипов, Нью-Йорк шаҳри кўчасида одамларнинг устига юк машинасини ҳайдаб, 8 кишининг умрига зомин бўлди, Бу террор амалиётини содир этиб, Ўзбекистонни жаҳон жамоатчилиги кўз ўнгида, ёмон отлиқ қилди. Кейинроқ, апрел ойида юк машинасини Стокҳолм кўчаларидаги, пиёдалар устига ҳайдаб, беш кишини ўлдирган бошқа бир ўзбек Раҳмат Оқилов эса, Швециядан бошпана сўраган, аммо рухсат тегмагач, мамлакатдан чиқариб юборилиш хавфи остида яшаган. Ва шу пайтда, ИШИДга "ёрдам" бериш мақсадида, Раҳмат Оқилов Стокҳолмда теракт уюштирган эди. Агар унга бошпана берилганида, у ИШИДга ёрдамлашмаслиги ҳам мумкин эди. Кейинроқ эса, Стромсундлик Фарҳод мошонник бир тонна кимёвий модда билан, теракт тайёрлашга уринаётганида ушланди. Булар ҳали ўз ўрнида баён этилади. Ҳозир Обид қорини отиб кетилганига икки йўл тўлаётганиди. Шу муносабат билан Ширинов бошчилигида Обид қори қавми, Стокҳолмда суиқасднинг уч йиллигига атаб, намойиш ўтказишди. Камина ҳам қатнашган бу намойишда қўйидаги нутқ ирод қилинганди. Ҳар доимгидек, бугун интернетда бу намойиш ҳақида, каминанинг нутқидан бошқа, бирорта маълумот топилмайди. Суиқасднинг уч йиллигида ўқилган нутқ:

Ассалому алайкум ҳурматли Ватандошлар ! Бугун биз Обидхон қори акани ҳаётига суиқасд уюштирилганига уч йил тўлиши муносабати билан ҳар доимгидек яна, мана шу майдонга тўпландик. Биз Швеция ҳукуматидан ҳалигача топилмаган жиноятчилар ушланиши ва жазоланишини талаб қиляпмиз. Гарчи борган сари бу жиноятчилар топилиши ва жазоланишидан умид узаётган бўлсакда, барибир тинмасдан жиноятчилар топиб жазоланишини талаб қилиб чиқишлигимиз лозим. Бу каби ҳақиқат рўёбга чиқишини талаб қилишда тўхтамасдан давом этишлик, ҳар йили бўлсада намойишлар қилишлик бу ҳукуматга ва унинг ҳуқуқ тартибот органларига эртами кечми, ўз зиммасидаги вазифаларини бажаришлари, жиноятчилар топиб жазолашлари лозимлигини эслатиб туради. Улар бу суиқасдга учраган одамни, Обидхон қори Назаровни биз учун, ўзбеклар учун, ўзбек халқи учун кимлигини қандай қадр қимматга эгаллигини оз бўлсада, тушунишларига хизмат қилади. Шу билан бирга, ИАК номли диктаторга унинг буйруғи билан суиқасдга учраган имомни ҳали тириклигини ва унинг тарафдорлари ҳали мавжудлигини ва у кишига қилинган жиноят унутилиб кетмаслигини ва бу жиноят эртами кечми очилиши ва иншааллоҳ жиноятчилар жазоланиши, яна бир англашига сабаб бўлади. Бу йил ИАКнинг мустақил Ўзбекистон Республикаси Президенти бўлганига 25 йил тўлди. Бу каззоб ўзи ёзган «бир киши икки мартадан ортиқ Президент бўлиши мумкин эмас» дейилган, Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 90 моддасини намойишкорона бузиб, 77 ёшга кирган қари тулки, уялмасдан мана тўртинчи марта, Президентликга ўз номзодини қўймоқда. Бу ўтган 25 йил давомида, бу мастабиднинг зулмига дучор бўлмаган хонадон қолмади. Ўз халқини адолат истаб майдонга чиққанида ёш қари эркак аёл демасдан оммавий отиб ўлдирадиган ва яна ҳеч нарса кўрмагандек, ўз ўрнида ўтирадиган давлат раҳбари борми яна?! Халқи ейишга нон тополмай сарсон юрсада, қизлари Парижда, Женевада, Америкада миллионлаб долларга қасрлар сотиб оладиган давлат раҳбари яна қаерда бор?! Бизга ўхшаб халқи кунига икки соат чироқ ёқадиган ва қишда ўчоғига тезак ёқадиган ва лекин газини чет элга сотадиган давлат яна қаерда бор?! 94 Ўз халқини 25 йил давомида ўзи ваъда қилган «Буюк келажак»га олиб чиқиш ўрнига, буюк инқирозга олиб келди. 25 йиллаб қамоқда қолаётган маҳбуслар яна бошқа қайси мамлакатда бор? Жами аҳолиси 30 миллион бўла туриб, 5, 6 миллионга яқин фуқаролари иш излаб бошқа давлатларга кетадиган давлат қаерда бор?! Ўзи туққан боласини пулга сотадиган аёллар, ўзбекдан бошқа яна, қайси бир миллатда бор?! Ўз имомларини, дин пешволарини ўғирлаб кетиб йўқ қиладиган ҳукумат, яна қаерда бор?! Ўз фуқароларини хорижда ҳам отиб ўлдираётган давлат, қаерда бор?! Мана яқинда Туркияда биродаримиз Абдуллоҳ Бухорий жонига суиқасд қилинди. Обид қори акадан олдинроқ биродаримиз Фуад Шокирий, отиб кетилган эди. Булардан олдин қанча инсонлар жонига суиқасдлар қилдинди. Ҳалигача бу жиноятлар очилмади.

Ҳалигача жинойтчилар жазоланмадилар. Биз буларнинг барчаси Аллоҳнинг адолатли жазосига учрашига, шубҳа қилмаймиз. Бу дунёда бўлмаса, охиратда бу жазо муқаррардир! Аммо, мана шундай мустабиднинг қилаётган ҳийла найрангларига, Ғарб олами бепарволигини қандай тушуниш мумкин?! АҚШ ва Англия давлатлари Афғонистондан олиб чиқаётган ҳарбий машиналарни ИАК режимига бераётганларини қандай тушуниш мумкин?! Германиянинг эса, ўз ҳарбийлари жойлашган Термиздаги ҳарбий Базани ижара муддатини яна узайтирганлигини ва бу база учун, ИАК режимига ҳар йили 10 миллионлаб доллар бераётганлигини қандай тушуниш мумкин?! Бу қурол аслаҳалар кимга қайси душманга қарши ишлатилади?! Андижонда бўлгани каби ўз халқини қиришга ишлатилмайдими? Андижон фожеъаси сабабли ИАК режимига қурол сотмаслик каби санкцияларни қўллаганлар ҳам ва кўп ўтмай уни бекор қилган ҳам ўшаларнинг ўзлари эмасмиди? Бу ўзбек халқининг дод фарёдига қулоқ соладиган Аллоҳдан ўзга ким бор?! Биз фақат Аллоҳга суюнишимиз ва зулмга қарши турли йўл ва воситалар билан курашишимиз лозим! Бу қонхўр режим ағдарилмас экан, ўзбек халқининг боши балою офатлардан ташқарига чиқмайди. Бу ИАК каби мустабидлар тирик экан, бу халқ рўшнолик кўрмайди. Бунга мана ўтган 25 йил ичида амин бўлдик. Обидхон қорининг бизга ўрнаги ҳам шундаки, у зулмга қарши ҳақни гапирган киши эди. Жим ўтирганида ҳақни айтмаганида ИАКнинг имомларидан фарқи қолмаган бўларди. Унинг улуғлиги ва азизлиги ҳам айни шундадир. Ва эртага Аллоҳнинг ҳузурдаги улуғлиги ҳам айни шу сабабдан бўлса ажабмас?! Зулмга қарши индамай жим туришлик, унга рози бўлишлиқдир! Мен бугун бу майдонда турган ва бошқа ердаги Обидхон қорининг издошларини ҳаммасини у кишига амалда эргашишга ва зулмга қарши жим ўтирмасдан имкон қадар курашишга чақираман! Акс ҳолда бу инсонга лойиқ издош бўлолмаслигини англашликка чақираман! Сўзимнинг охирида Аллоҳдан қори акамизга шифои комил сўраб барча ислом аҳлини рўшноликка етказишини дуо қилиб қоламан. Саҳвий

Юқорида ўқиганларингиз нутқлар бари Стокхольм майдонида намойишда ўқилганди. Мен Обид қорига суиқасд қилинганида, уни ҳимоясига чиқиб, шу нутқларни қилганман. Унинг муридлари эса, башарасини видеога тушиб қолмасин деб, юзларини ҳам бекитиб, плакатни ортига ўтиб туришган. 95 Чунки, улар Обид қорини ҳимояси учун майдонга чиққанини, МХХ билишини исташмасди. МХХ билиб қолса, булар Тошкентга боролмай қолишарди. Буларга Обид қорини ҳимоясидан кўра, ўзларини хавфсизлиги муҳимроқ эди. Бугун бу виждонсизлар уялмасдан Обид қорининг ҳимоячиси ролини, ўйнашга ўтдилар. Менга қарши ҳужум бошладилар. Мени бу китобимда, унга тухмат қилганликда айблашмоқда. Мен уни ҳимоясига чиққанимда, булар қаерда эдилар?! Нега булар уни, боласини ўғирлаган ва уни ватанидан қувғин қилган ва киллер юбориб, уни оттирган режимга қарши ҳужум қилишмайди? Нега булар шу режимни мулозимлари билан ҳар куни гаплашиб, Ўзбекистонга боришга уринишяпти? Нега булар, Обид қорини вақтида ҳимоя қилган ва бугун бир оз танқид қилган одамга қарши, жазавага тушмоқдалар?! Қани буларда инсоф? Қани буларда виждон?! Обид қорини катта хатоси, шунақаларга ишонгани эди. Бундайлар билан на Халифат ва на демократия куриш, мумкин эмасди. Булар бари ахлатга ташлаб юборадиган чиқиндилар эдилар, халос.

Шириновнинг Анжуманлари

Мулла Ширинов даврида Барака номли бир норасмий банкка асос солинди. Бу Банк қиссаси ўз ўрнида, яна келади. Мулла Ширинов даврида Қавмни Швециядан туркияга оммавий кўчиришлик каби, катта ғояни амалга оширишга киришилди. У пайтда Ўзбекистонга йўллар ёпиқ эди. ИАКни ўлимидан сўнг нима бўлиши ҳам, даргумон эди. Шунга мақсад Туркияга оммавий кўчишлик бўлиб, бу ишни амалга оширишлик ҳам, ўзаро келишув асосида бўлиши керак эди. Пароканда бўлган қавмни, бир жойга тўплаш учун, Анжуман номлик бир тўпланиш уюштира бошлашди. Бу анжуманлардан бир нечаси бўлди ва натижасиз тугади. Шунақа анжуманларда ҳамма чиқиб, у бу мавзуда ўз фикрини билдирарди.

Лекин, Муҳиддинни бир Бефаросат номли, акаси бўлиб, у доим интернетда, ўзини уйини, хотинини, боласини, қизини, келинини, машинасини, қимматбаҳо нарсасини, нимаси борки, барини мақташ касалига дучор бўлганди. У икки одам тўпланган мажлисда албатта, ўшалардан бирини, мақтамасдан кетолмасди. ФБдаги саҳифасида ҳам, тинмасдан кечаю кундуз у бу нарса ёзиб, мақтанчоқлик қилиб ўтирарди. Бу бефаросатнинг, бу қилмишларига доир баъзи нарсаларни ҳам, бу китобга киритиб ўтдим. Бу бефаросат шулар билан бу китобда, тарих бўлиб қоладиган бўлди.

Анжумандаги бефаросатнинг нутқи

Обид қорига суиқасд қилиниб, комага тушиб шифохонада узоқ қолиб кетгач, унинг қавми орасида ўзаро ихтилофлар бошланди. Ширинов бошлиқ либерал қанот нариги радикал қанотга қарши бўлди. Радикаллар ИШИДга хайрихоҳлар ва Афғондаги Тоҳирвойни тарафдорларидан иборат бўлган гуруҳ эди. Шунингдек, ҳар икки томонга ҳам мойил бўлган ва ўз позицияси йўқ, аросатдагилар ҳам кўп эди. Либерал гуруҳ Стромсундни тарк этиб, Мёлбуга кўчиб кетди. Аросатдагилар ҳам улар ортидан, жуфтакни ростлаб қолишди. Радикаллар Стромсундда қолиб кетишди. (Улар орасида, радикал бўлмаган лекин, кўчиб кетолмай қолган, мустаъзафинлар ҳам бор, албатта) Мёлбу қавми билан Стромсунд орасида алоқалар, деярли тўхтади. Баъзи аросат аҳлидан у бу ким, Мёлбудан рухсат сўрамасдан, у ерга ўзича кўчиб борса, уни жамоатга қўшмай қўйишди. Баъзилар Стокхольмга йўл олишди. Хуллас, Обид қори қавми пароканда бўлганди. Доктор Ширинов пароканда бўлиб кетган бу қавми, қайта тиклашга ҳаракат қиларди. У шу мақсадда "Анжуман" деган, дабдабали ном қўйиб, мажлислар ўтказа бошлади. Бу мажлисга радикаллардан бошқа, ҳамма таклиф қилинарди. Ҳамма келувчилар ўртага пул ташлаб, шу пулга ош дамлашар ва ўзаро ўтириб, суҳбатлашишарди. Анжуманлар то Ширинов Мёлбудан ҳайдаб юборилгунга қадар, давом этди. Либераллар орасида ҳам, ўзаро ихтилофлар чиқиб, Ширинов раҳбарлигини тан олишмай қўйишди. Охир оқибат Ширинов Мёлбуни тарк этди. Ўзи аввал яшаган жойига, Лундга кетди. Хуллас, шу анжуманларда бизнинг қаҳрамонимиз, Бефаросат номли ноёб нусха ҳам, қатнашарди. (Кейинчалик, Ширинов кетгач, у ҳам анжуманни тарк этди) Мен бу каби анжуманлар уюштиришда, Шириновнинг мақсади нималигини яхши тушунаман. У Швециядаги ўзбек диаспорасини бирлигини сақлаш ва уларни бирлаштириб, ўзи орзу мақсад қилаётган "буюк кўчиш"га кўндиришлик эди. Бу кўчиш Туркияга бўлиши режаланганди. Ўзбеклар жамоаси ҳаммаси, ўша ерга ўтиб, шу ерни ватан тутиб яшаб қолиши режаланганди. Бефаросатни эса, бу каби йиғилишларда, фурсатни бой бермасдан ўзини, ё у бу нарсасини мақташлик мақсади бўларди. Бу йиғилиш қатнашчилари аксари ош ейишга борадиган ва миясида дин ва миллат ғами йўқ, кимсалар эди. Буларга Туркияга боришликнинг умуман кераги йўқ эди. Швецияда уларга ишламасада, давлат боқиб турарди. Туркияда уларга давлат, бир пул бермаслиги аниқ эди.

Хуллас, Анжуманларда бирида Доктор Шириновдан кейин, ҳар доимгидек, бефаросатга сўз берилади. Бу нусхани бирор бир йиғилишда гапирмасдан ўтган пайти бўлган эмас. Гапирганда доимо одоб ахлоқ мазуси бўлиб, гап орасига ўзини рекламаси ҳам албатта, кириб кетарди. Бефаросат гарчи бефаросат лақабини олсада, унинг фаросати, ўзи кўзлаган мақсадни чиройли тарзда, сихни ҳам кабобни ҳам куйдирмасдан гапиришга етарди. У пихини ёрган фирибгар эди. Биродарлар деди, у микрофонни қўлига олиб, ўз одатига кўра, сузилиб, қийшайиб, ўтирганларга тиржайиб қараб олиб, сўзида давом этди. «Биз мол дунёга берилиб кетаяпмиз. Кечаю кундуз пул деб югурамиз.» (ўтирганлардан баъзилари, буни гапини эшитиб, истеҳзоли кулиб қўйишди. Чунки, булар ичида молу дунёга берилган одам битта бўлса, у ҳам шу бефаросат ва иккита бўлса, биттаси шу эди.) «Биз охиратни ўйлашимиз ҳам керак» деди, у башарасини ақллик қилиб. Доктор Ширинов уни доим, калла силтаб тасдиқлаб турарди. У акасини, ҳеч қачон ёлғизлатиб қўймаган. Доим уни қўллаб қувватларди. Ширинов гарчи, у каби бефаросат бўлмасада, унга юрак ютиб, сиз бу ўзизни бунча реклама қилаверманг. Бу иш уят бўлади деб айтолмасди.

Уни хафа қилиб қўйишдан қўрқарди. Зеро, бу пароканда қавм ичида, Широнова унданда қадрдон кимса йўқ эди. «Мана мен ҳам дунёга берилганман. Фақат сизларгамас, бу гап ўзимга ҳам тегишлидир. Мени биласизлар, вилла уйим бор. Шу уйни олганимдан бери, туалетини ремонт қилишни ўйлаб юрардим. Мана икки ой бўлди, шу туалетни ремонт қилдирдим. Янги ҳаммом, янги туалет, янги лаковина, кафел хуллас полларигача, тоза қилиб, янгилатдим. Ҳали буни арзон усталарга қилдирганда, юз минг кронадан кўп пул кетди. (Стокҳолмда қора ишловчилар кўп бўлиб, улар расмий фирмалар қиладиган ишни, ярим пулига қилади) Мана сизга дунёга берилишни бир мисоли! Ахир мени ўша эски туалетим ҳам, яхши эдику?! Мен шунча пулни сарфлаб, шу туалетни қилдирмасдан, шу пулни камбағалларга садақа қилсам бўлардику?! Лекин, мен дунёга берилганим учун, шу туалетни янгилатдим, деди у. Сизлар мен каби, дунёга берилманглар деб, сўзини тугатди. "Бир ўқ билан икки қуённи уриш" деб, шуни айтса керакда?! Фаросатли, Бефаросат, одамларга ўзининг туалетини янгиланини ва юз минг крона сарфлаб ишлатганини айтиб, мақтаниб олди. Унинг ичида мақтаниш ғаризаси, шу билан қонди. Анжуманга келиб, шуни айтмасдан кетса бўлмасди. Бунинг иложи йўқ эди. Айтмай кетса, кейин сайтида суратларни қўйиб, ҳам гапириши мумкин эди. Лекин, у бу тайёр мажлисдан унумли фойдаланиб қолди. Шу билан бирга у, ўзига айтилиши мумкин бўлган гап сўзни ҳам, олдини олди. Бу қимматбаҳо туалетни хабарини эшитган бирор кимса, унга «сиз дунёга берилган одам экансиз» деб, қолиши мумкин эдида. Бу Карнеги услуби бўлиб, "душманни сенга отадиган қуролни, қўлидан олиб қўйиш" дейилади. У одамлар унга айтиши мумкин бўлган гапни, улардан олдин ўзи, ўзига айтиб оларди. Шу билан бошқаларда, унга шу гапни гапиришга эҳтиёж қолмасди. Туалетни хабарини эшитган авом ҳа, шунақа қимматбаҳо туалети бор эканда, билмагандик. Энди билдик деб қолишди. Ҳеч кимни хабари бўлмаган туалетдан, ҳамма хабардор бўлди. Анжуманда бошқа нима гаплар бўлса, ҳаммаси унутилди. Лекин, у мажлиснинг асосий муҳим янги хабари, шу Бефаросатнинг қимматбаҳо туалети эди. Туалетни гапирмаса, биров билмасди. Гапирмаса, бу бефаросатни мақтаниш ғаризаси қонмай қоларди. У бу ғаризани қондирмаса, яшолмасди. Бу ғаризаси худди сув ва ҳаво каби бўлиб, уни қондиришга доим мажбур эди. Широнова кабилар, ақллик, доно гапни эшитган одам каби, бош чайқаб тасдиқлаб ўтирарди. Ваҳолонки, у бу каби, гапларни гапириш, бачканалик эканини яхши англари. У доим қовун туширадиган акасини, бу сафар ҳам қовун туширганини билиб ўтирарди. Лекин, унга қарши ҳеч қачон, гапирмаган ва гапирмасди. Бу бефаросат туалетидан бошқа, яна кўплаб нарсалари борлигини ҳам, шу каби, гап орасида усталик билан қистириб ўтган жойлари кўп бўлган. Навбати билан уларга ҳам тўхталамиз. Туалет жумла жаҳонга машҳур бўлди. Ва менга ҳам етиб келди. Баъзи, Широнова кабилар бу туалетга кириб ўтириш "бахтига" ҳам муяссар бўлишган. Лекин, у анжумандаги кўпчилик бу "бахтдан" маҳрумлигича қолмоқда. Бу анжуманда бошқа нима гаплар бўлган бўлса, бари унутилди. Туалет эса, тарихда қолди. Ва менинг китобимга ҳам кирди.

Бир ўқ билан уч қуённи уриш санъати

Бефаросат ўзи етим бўлиб, ёшлигида фақирликда қийналиб, қўни қўшнилари ичидаги бойларга ҳавас қилиб, ўша нарсалар менда ҳам бўлса эди, деб орзу қилиб яшаган шахс эди. Шунгами, хуллас. У тиришиб тирмашиб, пул топишга уринар ва пул топса, буни бошқалар кўришини истарди. Бу истак, унинг ёшлигидан қалбида қолган жароҳат асари бўлиб, у доим бошқаларга ҳавас қилиб яшаган ва энди, унга бошқалар ҳавас қилишини хоҳларди. Буни кўрмаганини кўргани курсин дейди, ўзбеклар. Русларда бу касални "комплекс неполноценности" дейишади. Яъни, ўзидаги нуқсонни яширишга, доимий равишда беихтиёр уриниш, дейилади. Бу ҳам аслида, руҳий касалликнинг бир тури, ҳисобланади. Мания величия ёки мания преследования каби турлари ҳам бор. Хуллас, бефаросат қўлига пул тушса, розкош ҳисобланадиган нарсалар олар ва буни одамларга турли йўллари билан кўрсатиб, ўзича уларни бунга қойил қолдирарди. Лекин, одамларга кўрсатиш ва мақтаниш тўғридан тўғри қилинса, сал ноқулайроқ бўлгани учун, у буни сал айланма йўллари билан амалга оширарди.

Унга одамларнинг у ҳақидаги фикри, мақтови ва олқишлари жуда муҳим ҳисобланарди. У ўзига ҳақорат етиши мумкин бўлган, ҳар қандай нарсадан узоқроқ юришга ҳаракат қиларди. Чунки, нафси ҳақоратни кўтаролмайдиган, нозик табиат шахс эди. Унга диндаги яхши амалларни бериё қилиш ва «Аллоҳ розилиги учун қилиш» деган, тушунчаларни қизиғи йўқ эди. Аллоҳ барибир билади, ҳамма нарсани деб кўярди. Унга одамлар билиши ва мақташи жуда муҳим эди. Шунинг учун у, ўзини кўз кўз қилишни устида, доим бош қотириб, турли йўлларни топарди. Ўзини қилмишини нокамтарликка йўймасинлар деб, мақтаётган нарсасини очикдан очикмас, ўраб айлантириб мақтарди. Хуллас, бу кимсанинг ҳангомалари кўп. Шуларда навбатдагиси қуйидагича бўлди. Бефаросат эски уй анжомлари сотадиган магазиндан, икки киши ётадиган каравот сотиб олди. Каравот нархи беш минг крона эди. Каравот янгиллигида ўн минг крона бўлганми. Йигирма мингми хуллас, бу ерда арзонроқ сотиларди. Аслида бу ерда оддий каравотлар 200 крона турса, буларнинг олгани, анча қиммат ҳисобланарди. Опасини ўғли ҳам, ундан машина олишга ёрдам учун пул сўраганди. Гарчи, саховатли қалб эгаси бўлмасада, у яқинларига ҳар замонда бўлсада, озроқ ёрдам қилиб турарди. Жиянига ҳам, минг доллар жўнатганди. Бу қилган саховати ва каравотни хабарини авомга етказиш учун, боши қотди. Энди буни қандай қилиб, авомга овоза қилсам экан деб, ўйланиб ўтириб, охири бирдан эврика эврика деб, бақириб юборди, Архимедга ўхшаб. Унинг шайтонлари, унга ажойиб бир фикрни илҳом қилганди. Дарров кўлига қаламини олиб ёзини бошлади. Унинг қаламидан қуйидаги матн ёзилди: «Бугун ётишга спалний олишга магазинга боргандик. Нархи 20 минг крона экан. Шуни олмоқчи эдим. Шу пайт ўғлим фалончи, дада шуни олманг деб қолди. Буни нархи қиммат экан. Буни олмангда, бориб эскисидан олинг. Пулни қолганини амакимга юборинг. Унга ёрдам бериш керак. У камбағалку деди. Шунда мен ўйлаб қарасам, Ўғлим рост айтяпти. Мен унинг ақлига тан бердим. Мени ақлим етмаган нарсани, ўғлим билар экан. Мен унга хўп бўлади, сени айтганингдек қиламиз, дедим. Бориб, беш минг кронага эскироқ бўлсада, Худди, янгидек кўринадиган каравотни олдик. Қолган пулни жиянга юбордим. Шундай қилиб саховат ҳам қилдик. Каравотлик ҳам бўлдик. Ўғлимни доно маслахати билан, шунча яхшиликлар бўлди деб тугатди у матнни. Кейин, чоп қилди ва қилган ишидан мамнун бўлиб, тиржайиб қўйди. У энди бир ўқ билан, учта қуённи урганди. Авомга учта мужда жўнатилди. Бири беш минг сўмлик каравот олганлиги. Бу ҳам аслида анча қиммат нарх эди. Бошқаларда бунақа каравот йўқлигини, у биларди. Бу хабар авомга етказилди. Эшитиб куйсинлар! Иккинчиси, жиянга қилинган саховатдан ҳам, халқ хабардор бўлди. Билсинларки, мен саховатли одамман. Учтинчиси эса, ўғлини ақлли, заковатли бола экани, авомга маълум бўлди. Отасини исрофдан қайтарган ўғил сифатида гавдаланган бу йигитча, кейинроқ, 40 минг долларга мерседес олиб, "адажон" деган нумер қўйиб, отасига совға қилган, саховатли йигит сифатида ҳам гавдаланади. Уни исрофгарлиги айтилмайди у пайтда. Тўртинчи қуён ўзи бўлиб, хато иш қилмоқчи бўлганида, боласини маслахатига кириб, тўғри иш қилган ота сифатида тасвирланди. Бефаросат гарчи бефаросат бўлсада, шу каби ҳийла найрангларга, фаросати етарди. Авом ҳам бефаросат бўлиб, унинг бу ёзганлари тагига зўр, офарин, борақаллоҳ каби, сўзлар ёзиб, уни хурсанд қилишарди. Буларни барини кузатиб юрадиган мулла Ширинов эса, гарчи мияси лиммо лим фаросат бўлсада, акасига заррача бермасди. Агар унга озроқ улашса, камайиб қолмасди. Шириновни фаросатини, ўнта одамга бўлиб берса ҳам, ҳаммасига етарди. У акасига хиёнат қиларди. Акаси эса, уни хиёнатини сезадиган фаросатга эга эмасди. Натижада, ука жим туриб кузатар ва акаси авом олдида, бачкана гаплари билан масхара бўларди. Бу масхаравозлик афсуски, ҳалигача тугаб битмади. Фаросатлик билан, Бефаросатнинг дўстлиги шунақа эди. Бефаросатда уят бўлмайди. Уяти бўлса одамни, бефаросат дейилмайдида. Уяти йўқ одамларга, фарқи йўқ. Хотинини мақтаса, қизини мақтаса, ўғлини мақтаса, келинини ҳам мақтаб чиқса. Бир муридани хотини билан, интервью уюштириб, келини зўрлигини ва Машинасини, қўйлагини, Люстрасини, туалетини, каравотини, кимга қанча пул берганини, хулласи калом, адо бўлмайди ҳамма нарсани мақтаб юрса, уятмасми? Бунақасини ҳаётда, кўрган одам бормикан?! Нега Ширинов хотинини мақтамайди?! Ўғлини мақтамайди?! Машинасини мақтаб, ёзиб чиқмайди?! Яна алламбалосини ёзмайди?! Акаси тинмасдан ёзади, шуларни. Буниси жим.

Сукут сақлайди фақат. Бу ишлар тўғри бўлса, ўзи ҳам ёзса бўлардику?! Ўзи бунақа қилишни ўзига, ор деб билади. Чунки, фаросат бор, Широнова. Анави бефаросатга гапирмайди лекин?! Индамай кузатиб юради. Қойилман буларга. Мана сизга дўстлик ва биродарлик! Мана дўстига садоқат! Бу бефаросат, жумла жаҳонга кулгу бўлаётганини англамайди. Англайдигани эса, унга гапирмайди. Бу бефаросатга муридлик қилаётганлар эса, улардан ҳам ошиб тушади. Улар боласига қанақа кийим олгани, қанақа иштон олгани ҳамма ҳаммасигача гапиришади. Одам деганда фаросат бўлмаса, қийин эканда.

Толиби илмга жавобим

2014 йилда Туркияда яшайдиган Абдуллоҳ Бухорий номида фаолият юритган Андижонлик Мирзағолиб Ҳамидов отиб кетилди. Бу йигит ЎИХни сафида бўлган ва у ердаги исми, Абдурахмон эди. Америка кирганидан кейин, ЎИХ сафидан кўплаб одамлар, чиқиб кетишди. Шу пайтда Абдуллоҳ Бухорий аввал Мисрга ва кейин Саудияга боради. Охири айланиб, Туркияга кетади. У ердаги Афғонистонлик ўзбеклар қишлоғида яшайди. Турк аёлига уйланади. Кейин, Истамбулга келади. У ерда мадраса очиб, дарс бера бошлайди. ЎИХ уни ўн минг долларни, ўғирлаб олиб кетганликда айблаб, сохта маълумот тарқатади. Бу ЎИХнинг тарк этиб кетгани учун, уни бадном қилиш учун қилинган тўхмат эди. Абдуллоҳ Бухорий ЎИХга молу мулк садақа қилишга, Покситонлик, ва Арабистонлик бойларни тарғиб қилиб юрган. Уни ўзи бу жамоани тарк этгач, уларга Бойлар бермоқчи бўлган пулни, беришдан қайтарган. Пулни уларгамас, бошқа ерга беришни тавсия қилган. Уларга қарши ошкора гапириб, уларни зулм қилишда ва мазҳабпарастликда айблаб, танқид қилган. Шунгача ва ундан кейин ҳам, ҳали ЎИХни танқид қилувчи, имому шайх чиқмади. ЎИХни жиноятларини биладиган одамлар кўп бўлишига қарамасдан, Бухорий каби, юрак ютиб, унга қарши ошкора қаттиқ гапирадиган одам йўқ, шу кунгача. Ваҳолонки, гапириш керак эди. Улар қилган жиноятлар, тарихда қолиши керак эди.

Абдуллоҳ Бухорий отилганда Ислом овози сайти таъзия билдирмади. У пайтда, Қалам гуруҳи ва сайти йўқ эди. Фуад Шокирий отиб кетилганда ҳам «Ислом овози» сайти, таъзия билдирмади. Ваҳолонки булар ҳам холис машҳур ва ўзбек имомлари эдилар. Булар Обид қорига, алоқаси йўқ бўлган одамлар эди. Ислом овози сайтини юргизадиганлар крайний либераллар бўлиб, радикализмни сал ҳиди чиқса, ҳам ўзларини четга олиб туришади. Фуад ва Бухорийлар Ўзбекистон ҳукуматини танқид қилувчи шахслар эдилар. Обид қори ҳам бир пайтлар танқидлар қилган бўлсада, энди шу танқидий руҳ сўнган ва унга суиқасд қилинган, умуман танқид қилиш позициясидан қайтишган эди. Обид қорини ўғли Муҳиддин Назаров отасини отиб кетган режимга қарата, танқидий на бирорта мақола ёзди? На бир оғиз сўз гапирди?! Аммо, уни тили ўткир ва отасига сал тил теккизган муслмонларни, чақишга тайёр кимса экан. Буни мен ҳам сал кейинроқ билдим. Ўша замонларда Обид қорига аталган бир шеъримни, Фбда эълон қилдим. Шу шеърга ундан (Толиби илм) номидан дўқ пўписали коммент келди. Унга аудио шаклда жавоб бердим. Ўша аудиони матнини қуйида ўқишингиз мумкин.

Толиби илмга жавобим

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим Ассалому алейкум қадрли радио тингловчилар. Сиз Саҳвийнинг радиоблогини тинглаяпсиз. Бугун мен иншааллоҳ Толиби илм деб ўзини номлаган кимсани, ёзган бир изоҳига муносабат билдирмоқчиман. Мен 9 феврал куни Бир имом ҳақида эртақ, деб номланган шеъримни эълон қилдим.

Бир имом ҳақида шеър:

Бир имомдир менинг бу, эртагим қаҳрамони,
Бу дoston шу имомнинг ҳаётининг баёни.
Ким эдию, ким бўлди, нима бўлар оқибат,
Биз кўрган билганимиз баён қиламиз фақат.
Ўқиганлар эртагим ўзбеклар, мусулмонлар,
Айтишса ўз фикрини, марҳамат бор имконлар.
Агарчи топсангизлар бирор хатою саҳви,
Муҳокамага тайёр, радиоблог саҳвий.

.....

Бор эди битта имом, ўзбек деган диёрда,
Эл ичра шуҳрат топиб, тушганди эътиборга.
Замона эди шундай, даври истиқлол эди,
Ким нимани истаса, айтиш бемалол эди.
Зулм даврони тугаб, келиб қолдику бир бахт,
Озон сасидан саҳар, уйғонар аҳли пойтахт.
Ўша пайтда ҳам асло, расмий мулла имомлар,
Ҳукуматни авайлаб қилганлар эҳтиромлар.
Очиқ ҳақни айтишга журъат керак одамга,
Ҳар кимгамас ҳақ дея, жар солишлик оламга.
Беш ўнта шахс топилди, бутун мамлакат бўйлаб,
Шулар гапиришарди, уммат аҳволин ўйлаб.
Бошқалари ҳукумат саройга тобеъ эди,
Олдинги ҳаётига тўла мутобеъ эди.
Бу ҳақпарвар имомлар, асло бундай эмасди,
Улар китоб суннатга зид бирор сўз демасди.
Улар дарс олмаганди махсус расмий даргоҳда,
У ерда дарс олганлар динфуруш ва гумроҳда.
У масканлар динфуруш тайёрлашин билар эл,
Шундай жойга боришга, қайси аҳмоқ боғлар бел?!
Булар таълим олишган яширин ҳужраларда,
Зулмга қарши дилда, алам бордир аларда.
Келганида эркинлик ва бир оз имконият,
Кўрди кимлар борлигин бу элда инсоният.
Бизнинг қаҳрамон гарчи таълим олсада шунда,
Динга бўлган садоқат ихлос бор эди унда.
У бўлган бўлсада гар, расмий гуруҳга мансуб,
Расмий гуруҳлар ҳали бўлмаган тўла мағлуб.
У воз кечди улардан, ўтди булар ёнига,
Ўшанда у танлади, жафони ўз жонига.
Бу танлов очиқ ойдин ва ихтиёрий эди.
У динфурушлар билан, бирга эмасман деди.
Бу беш ўнта имомни, танийди бизнинг диёр,
Улар ваҳҳобий деган, элда машҳур тамға бор.
Охир оқибат бўлди, бўлиши керак ишлар,
Бошланди қатағонлар, турли туман ташвишлар.
Расмий имомлар дарров топди давлат тилини,
Улар давом эттирди, динфурушлик йўлини.
Бу ваҳҳобий деганлар, қамалди ва йўқолди,
Кўплари қочиб кетди, ким аросатда қолди.
Деманглар булар бари Саҳвийнинг эртагида,
Бу имом турар эди золим бурнин тагида.

У ўзидан олдин кўп зулмга учраганни,
Эшитганман, уларнинг айбсиз эди, деганни.
Бу мавжуд сиёсатга қарши чиқишлик эди,
Бу бир журъат ва ўтга ўзни уришлик эди.
У бу ишни қилмасдан, жим ўтирса бўларди,
Шунда балким тегишмас, имом бўлиб қоларди.
У жим ўтиролмади, дилда исён жўш урди,
У ҳақни айтиб қолиш йўлида собит турди.
Бизнинг қаҳрамонга ҳам, етишди кўп ташвиш ғам,
Синов қайдан келишин, албатта билмас одам.
Уни қилдилар жудо, аввал молу мулкидан,
Унга қарши турганлар айёр эди тулкидан.
Уни ушлолмадилар, излаб оввора сарсон,
Алаmidан охири қилишди ўғлин гумдон.
Дарбадарликдан ўзга топмади бошқа чора,
Тарк этди бу ватанни, энди имом бечора.
Яширин у бу кимни, мадад эҳсони билан,
Яшаб юрди ҳар ерда, мавжуд имкони билан.
Яшириниб яшашдан, каттароқ бир азоб йўқ,
Яширинган одамнинг, кўнгли ҳаргиз бўлмас тўқ.
Охир оқибат кейин, қавми қардоши билан,
Содиқ муридларию, кўзида ёши билан.
Кўчиб кетди европа давлатига бу имом,
Шу билан бўлди гўё, ташвиш машаққат тамом?!
Бу диёрда бир муддат яшашга бўлди имкон,
Яна ўша дарс, таълим, хотиржамлик ҳукмрон.
Лекин, тарк этмаганди, уларни бу шубҳалар,
Ҳар бир келиб кетгандан, қўрқиб турарди улар.
Сўнган эди имомнинг руҳидаги исёни,
Балки ортиқ курашга қолмагандир имкони?!
Унда йўқ эди энди, аввалги оташин нутқ,
Одоб ахлоқдан нари ўтолмас сақлар сукут.
Яна уни олдига келди бир неча имом,
Мадҳалийлар таълимин олган шахслар батамом.
Булар бири мазҳабчи сулҳга мойил эди,
Бирини фикри ҳам йўқ, ҳар ишга қойил эди.
Булар ўтказишди ўз таъсирини имомга,
Эришдилар имомнинг олдида эҳтиромга.
Подшога итоатни, вожиб деб билар булар,
Имом нега подшога, бир умр исён қилар?!
Мазҳабпарастлар шайхи мақтаса гар подшони,
Қандай қилиб рад қилсин, имом бу иддаони?!
Мадҳалийлар таъсири синдирди бу имомни,
Кўрсатарди у энди мазҳабга эҳтиромни.
Сиёсий мавқеъсини ўзгартирди бу кимса,
Унга таъсир кўрсатди, уч тўрт мадҳалий хумса.
Шунча йиллик курашиб ўтган умри ҳосилин,
Одамзод бундай пайтда ўйлаб қолиши тайин.
«Шунча чеккан азоблар сабабчиси ўзимман,
Энди тангридан фақат, тилайдирман тўзимман.
Демакким, адашибман, хато экан бу йўлим,
Шу сабабли боғимда хазон ургандир» гулим.»

Бу аччиқ хулосалар унга бермасди ором,
Бу йўл тўғрилигини тасдиқлашар бардавом.
Имом одоб ахлоқдан ўзгасига ўтмади,
Лекин, бу билан қазо битган нарса кетмади.
Золимлар жўнатган бир қотил, нобакор, жаллод,
Куппа кундуз кун унга, қилди суиқасд бедод.
Бу суиқасддан лекин, вафот этмади имом,
Фақат даволанишда доим бўлди бардавом.
Бир йил, икки йил ўтди, бу энди табиий ҳол,
Имкони йўқ сўрашни, ундан ҳеч ким ҳол аҳвол.
Бу орада бу ерга, ушлаб келинди жаллод,
Унга жазо берилди, қамалишга умрбод.
Бу орада ит каби, ўлди қутирган золим,
Ундан қочиш шу ерга, келган эди бу олим.
Орадан ўтди беш йил, ўзгарди бутун олам,
Фақат ўзгариш йўқдир, бир нарсада ҳалиям.
Унинг соғлигидан йўқ, хабар олиш имкони,
Биров билмайди аниқ, танасиндами жони?
Бугун уни кўришга имконсиздир муридлар,
Лекин, тинмай айтишар, саловоту дурудлар.
Имомнинг ўғли фақат икки ўт ичра ёнар,
У ўзининг буюк зот эканига ишонар.
У ўйлайди отасин, яширгани тўғридир,
Ошкора қилиш хавфли, атроф тўла ўғридир.
Унга айтгандир балки, жим юр деб, у бу кучлар,
Улар мажбурлар деган, иддао таги пучлар.
Нима бўлганда ҳам шу, нарса аниқдир, аммо,
Имомдан дарак йўқдир, шудир катта муаммо?!
Албатта уни кўриб келишар «буюк зотлар,»
Оддий муридлар бундай муаммодан озодлар.
Шу тариқа уларнинг ҳаёти этар давом,
Фақат баъзи нарсага, тушунмас мендек авом.
Бу имомнинг аввалги босиб ўтган йўлига,
Бу кунга ҳолат мосми, бу саволим ўғлига.
Бу йўл бошида имом билардику барибир,
Синов машаққат бўлар, бўлар, не битса тақдир!
У буларнинг барига, бир бир чидаб келдику,
У шу йўлда шаҳодат, топишга оз қолдику?!
Энди балким, у беҳуш, билмайди ўз аҳволин,
Демак, бу сирли жимлик, иши аҳли аёлин.
Балким, ўзига келиб, англаган бўлса имом,
У бу ишга эътироз билдирар эди тамом.
Балки, у келгандан сўнг, яна ҳуши ўзига,
Эшитиб воқеъликни, кирган ўғлин сўзига?
У ҳам маъқул кўргандир, шу тариқа жимликни,
Жозибаси ортади ҳар доимо сирликни.
Бу тахминлар барчаси энди Аллоҳга аён,
Аллоҳ истаса агар бир кун қилинар баён.
Биз бу каби мавқеъни кўрмаганмиз тарихда,
На бир саҳиҳ тафсирда, на матнга шорихда.
Биз биламиз бу динда, кўп ўтган олим инсон,
Улар кўпи шаҳодат билан топширгандир жон.

Бу тарихда кўп бўлган золимларга исёнлар,
Булар ҳақида кўплаб ёзилгандир дostonлар.
Тарихда кўпдир ибрат, мардлик ҳақида китоб,
Ёки хиёнаткорлар, аҳволи бўлган хароб.
Бир умр золимларга қарши курашган имом,
Қалбида бугун йўқми, золимлардан интиқом?!
У ҳақни гапирганди, туриб золим ёнида,
Доимо даъват қилган золимлар исёнида.
У энди дом дараксиз, муридлар иш билан банд,
Улар шу яшаб турган кунлари билан хурсанд.
Имом ҳақида энди неларни битар тарих,
Келажак авлодга не, ибрат берар муаррих?!
Шу саволлар мен омий англамаган еридир,
Балким, бу деганларим, ҳали мингдан биридир?!
Шу ерда бу эртагим, тугар, бўлади тамом,
Тезроқ соғайиб чиқиб, жойига қайтсин имом!

Бу шеърни бошида айтган эдимки,

Агарчи топсангизлар бирор хатою саҳви,
Муҳокамага тайёр, радиоблог Саҳвий.

Деб, қўйилган ери бор. Яъни, агар бирон хатоси бўлса шу сўзларимни, марҳамат мен буни сизлар билан очиқ ойдин, муҳокама мунозара қилишга тайёрман» деб, хабар берган эдим. Лекин, ҳозиргача ҳеч ким мунозарага чиқмади. Фақат Толиби илм деган кимса, шундай изоҳ ёзибди. «Бу шеърда қип қизил тухматлар бор. Масалан: ахлоқ мавзусидан чиқмайдиган бўлиб қолди. Мадҳалчилар ва мутаассиблар, таъсир ўтказди. Деган маънодаги гаплар ғирт ёлғон ва тухмат. Бу каби тухматларни тўқиб чиқараётганлар, Аллоҳнинг олдида жуда аламли азобга йўлиқиши хавфи кучли. Ислом душманлари виж виж бўла туриб, мусулмон биродарлари билан уришиб юриш каби аҳмоқликдан Аллоҳ Ўзи асрасин!» деган экан Талаба Толиби илм деган кимса. Кейин мен суриштирсам бу Талаба, Обид қорини Саудияда ўқийдиган Муҳиддин деган, ўғли экан. Бундай айтганда, ўғли менга шундай хат ёзаяпти. Хўп, мен у болани кўрмаганман ҳам. Танимийман ҳам. Билмийман ҳам. Лекин, шундай биров борлигини эшитганман. Ўзига талаба Толиби илм деб, ном қўйган экан. Шайх деб қўйса ҳам, бўлаверарди. Бемалол ақл ўргатяптию мана?! Мана шундай, аламли азобга йўлиқишни хавфини кучли эканини хабарини беряптию?! Бу ўзини шайх деса ҳам бўлаверар экан. Лекин, энди камтаринлик қилаяпти шекилли? Майли, Мени унга айтмоқчи бўлганим шуки, «мусулмон биродарлари билан уришиб юриш каби, аҳмоқликдан Аллоҳ Ўзи асрасин!» дебди. Омин, Аллоҳ асрасин! Тўғри айтасан жўра. Лекин, мен ҳали уришаётганим йўқ. Уриш бундай бўлмайди. Сен у амакиларинга ақл бергин! Уриш қандай бўлишини, сен ҳали билмас экансан. Мен ҳали уришаётганим йўқ. Мен ўзимнинг фикримни билдираяпман. Ўзимни фикримни айтиб, мабодо шу фикрларни нотўғри деб, билувчилар бўлса, марҳамат, муҳокамага ва мунозарага тайёр эканимни, айтаяпман. Мен уришаётганим йўқ. Бундан ташқари, сен менга аламли азобга йўлиқиш хавфи, кучли эканини ёзаяпсан. Сени отангни юрий Жуковский отиб кетганида, сен қаерда эдинг?! Нега сен бирон мақола ё, аудио шаклда бирор нарса ёзиб чиқмадинг?! Жуковскийни ҳам, нега мана шундай аламли азобга учраши ҳақида гапирмадинг?! Нега сен, Каримовга нисбатан, ё Иноятовга ва бошқа золимларга, шунақа мўмин мусулмонларни азобга ва қийноққа солиши, аламли азобга учрашга сабаб бўлишини, уларга гапирмадинг?! Нега менга гапиряпсан?! Ҳали мен, ҳеч нарса ёзганим йўқ. Бир ёмон ва ҳақоратли бир нарса йўқ. Сен тухмат деб, ҳисоблаган нарсаларни, мен тухмат демайман. Мен айнан тўғри деб, биламан. Истасанг муҳокамага чиқ, деяпман. Ёки, ўша ким истаса, чиқсин?! Сен ўтириб олиб, тухмат дейсан, бу ёқда. Дўқ пўписа билан муносабат қиласан менга?!

Мен у ё бу кишига муносабатимда, ўзим билган ва тушунган, ақидамдан келиб чиқиб муносабат билдираман. Обид қори акага ва бошқага, менга фарқи йўқ уни, сени отангми ё, отанг эмасми? Менга сенинг дунёда бор йўқингни, фарқи йўқ?! Ёки, Абдували қорига ёки бошқа шайхларга, шайх МСМЮ мана ўлиб кетган, мутаассиблар шайхига, бошқа шунақанги ҳаказоларга, кимгадир қанақанги бир фикр, муносабат билдирсам, ўша ўзимдаги бор, мавжуд ақидамдан келиб чиқиб, у ё бу амалини тўғри ё, нотўғри деган фикр билдираман. Сен нимани, талаб қилаяпсан мендан?! Мен сени дадангни сен каби яхши кўришни талаб қилаяпсанми?! Обид қори акани куёвларидан бири, тўрт беш йил олдин айтган эди: -Сиз қори акани ҳурмат қилмийсиз. «Нега ҳурмат қилмиман? десам, «Йўқ, қиласизу, лекин, бизчалик ҳурмат қилмийсиз» деган эди. «Мен сенчалик ҳурмат қилишим учун, менга ҳам бир қизини бериши керакда деб, айтувдим. Куёви эдида у. Бунақа аҳмоқона талаб.....?!

Мана шайхни муридлари шайх ўлганда, отамдан ҳам яхши кўрар эдим деб, ёздилар. Мана бу мутаассиблик бу! Тоҳирни муридлари Асадуллоҳ Урганжий дегани, Тоҳирни «отамдан ҳам яхши кўраман» деб ёзди. Мен унга бир (овозли) изоҳ ҳам берганман. Мана радиода турибди, ўша изоҳларим. Мана, кўзлари кўр бўлган мутаассиблик. Мен энди нима? Сени отангни, отамдан ҳам яхши кўраман, дейишим керакми?! Мёлбудаги муридлар айтаётгандир?! Мен икки дунё айтмайман бу гапни. Мени отамдан улуғ инсон йўқ, мен учун. Мен қори акани ҳурмат қилганман. Бундан кейин ҳам қиламан. Сен аҳмоқона гапларни ёзиш, ёзмаслигиндан қатъий назар! Буни мен ақидам ва тушунганим, динимдан келиб чиқиб қиламан. Мен қори ака ҳимоясида майдонларда маърузалар қилганимда, шеърлар ёзганимда, сен қаерда эдинг?! Сени отанга аталган «Аллоҳ сизни дардингизга шифо берсин» деган, шеърларимни сен ўқиганмисан?! Ёки, бирор марта менга, раҳмат деб қўйганмисан?! Тўғри, мен сизлардан ва ўша муридлардан, раҳмат эшитиш учун ёзмаганман. Сизлар раҳмат айтишни биладиган, виждонли одамлар эмасизлар. Лекин, мен шуни ёзганимда, ўзимнинг ақидамдан келиб чиқиб муносабатда бўлганман. Сизлардан бирортангиздан ё раҳмат ё, бошқа нарса кутмаганман. Худди шунингдек, бу шеърни ёзганимда ҳам, ўз тушунган ақидамдан келиб чиққанман. Менга фарқи йўқ, сизларни менга муносабатларингни. Чунки, менда муносабат билдиришим учун мавжуд фикр ва ақида бор.

Қолаверса, мен бу шеъримда ҳали, ҳеч қандай ортиқча гап гапирмадим. Мен бу шеъримда у одамни виждонли, динфуруш эмаслигини ва Ўзбекистонда қилган хизматларини эътироф этдим. Сен менинг дадам ҳақида шеър ёз! Мен сени топиб бориб, пешонангдан ўпар эдим. Қайда бўлсанг топиб. Майли, у сени ишинг. Мен нима демоқчиман? Сен тухмат дебсан?! Агар тухмат бўлса, буни ёзиб туриб қочивормасдан, мен билан суҳбатга чиқмайсанми?! Гаплашиб туриб, ўша тухматми ё тухматмасми, ҳал қилиб олсанг бўлмайдимми?! Ё ўша одамлар чиқмайдимми?! Мен ўз фикримни билдирыпман. Мёлбудагилар демократия ўйинини бошлаган эдику?! Ҳамма ўз фикрини айтишга ҳақли деб. Сен Саудияда яшаб, ўн ўн беш йилдан бери, бунақа демократик ўйинлардан хабаринг йўқ шекилли?! Дўқ пўписа қилиб гапирадиган бўлиб қолгансан. Сени талабинг шуки, «Биз уламои кироммиз. Биз биламиз. Биз гапирганда ҳамма жим туриб эшитсин». Бунақангни концепцияда туриб гаплашма, мен билан. Мен ўз фикримни айтаман, сен ўз фикрингни айт. Сенинг кимлигингни, менга фарқи йўқ. Ўзингни ким эканлигингни аниқла! Сени олдинда ҳамма жим турадиган....,

Бунақа одам йўқ мен учун. Агар фаросат бўлса, бунақа давр ҳам ўтиб кетганлигини тушунишларинг керак энди. Бундан бу ёғига. Ҳар бир инсон ўзини қилган амалини ўзи, ақли билан ўйлаб, фикрлаб, ўзи масъулият билан гапирди ва жавоб беради. Ҳамма бир нарсани тўғри деб, ўнта одам тўғри деса, қолган юзта одам, юзтаси ҳам тўғри деб тураверадиган, ҳеч ким бир нарса гапиришга, журъат қилмийдиган давр ўтди. Ҳаммани ўз фикри бор. Бўлиши керак! Мутаассибларгина фикрламасдан қарсак чалиб турадиганлар, ана у, энди у, Мёлбу қавми ва сени ўша, сенга ўхшаганлар улар. Мен нима демоқчиман? Агар мени тухмат қилди деб ҳисобласанглар, марҳамат мен тайёрман. Тухматми йўқми бир гаплашайлик. Бир муҳокама қилайлик.

Обид қори акани Ўзбекистондаги даврида, Каримовга қарши бўлиб келганлиги, бу аниқ нарса! Бу шубҳасиз нарса. Аммо, у ўзини устозим деб ҳисоблаган шайх МСМЮ, ўша Каримовни муҳтарам зот деб, унинг хизматини қилиб, унинг давлатида шайх бўлиб, китоблар ёзиб, ўтиб кетди. Шайх ўлганида Ислом овози сайтида, таъзия эълон қилинди. Бу нима деган гап?! Шундай позиция бормиди Обид қорида?! Агар шайхни йўли тўғри бўлса, бу нега қаршилиқ қилди бир умр, Каримовга?! Нега бу ҳам шу ёқда юрмади? Шунинг йўлидан юрмади?! Каримовни дуо қилиб юрса бўлаверардию?! Мантиқ қани бу ерда?!

Мени эсимда Обид қори ака, ҳали у 92 чи йилларда бир борганимизда, ўша муфтийга қарши фикрлар айтган эди. Мен билан бир гаплашганида. Обид қорини позицияси ўша пайтларда муфтийга қарши бўлган! Муфтийга қарши анулар йиғилганда, ҳалиги Тилла Шайхдаги йиғилишда, у киши ҳам қатнашган. Алоҳида бир муфтият қиламиз, у бу деб. Яъни, у кишининг позицияси, муфтийдан алоҳида бўлганлиги бу янгиликмас. Мен тўғри деб биламан шу позициясини. Каримовга қарши бўлганини ҳам, тўғри деб биламан. Тўғри деб билганим учун ҳам, ўзим ҳам шундай позицияда бўлганим учун ҳам, ва у кишини бугун, шу позициядан чекинди, деяпман. Ва бунга далиллар бор. Мен биламан масалан Широнов ўзбек ҳукуматини танқид қилмайди. Имомларни ҳам танқид қилмайди. Уларни ҳам яхши деб, мақтайди. Улар билан сулҳ қилишга чақирадиган, бир одам. Унинг позицияси шундай. У шундай бўлишга ҳақли. Бу унинг иши. Лекин, Обид қори унинг акси эди. У бир умр қарши бўлиб келган Каримовга. Лекин, икковлари апоқ чапоқ бўлиб, икковлари Стромсундда бир муддат бирга яшашди. Фитна фасод чиқиб, кейин тарқалиб кетишди. Мен нима демоқчиман?! Мен Обид қориларга ўша пайтда эргашган одамман. Менинг позициям ҳалиям ўзгармади. Ўша ўша. Лекин, ўзгариш бўлди, кейинчалик Обид қори акани ўзида. Нима учун бўлди ўзгариш?! Мана шу мадхалийлар, мутаассиблар таъсири сабабли бўлди.

Мен биламан мадхалийлар кимлигини?! Ўша салафий мадхалийларни. Подшоҳга итоатни вожиб дейдиган, сен ўқиб юрган Саудиядаги мадхалийларни кимлигини, мен биламан. Фарқи нима? Бугун Каримовга итоатни вожиб дейдиган мутаассиблардан, У қиролга итоатни вожиб дейдиган мадхалийларнинг фарқи нимада?! Бошқа тарафи эса, Обид қори ака, бир умр қаршилиқ қилиб келдида, хорижга келганидан кейин, унга қарши турли хил таъна маломатлар кела бошлади. Мисрдаги бир гуруҳ салафийлар унга хат ёзди. Бир нусхасини менга ҳам юборишган экан. Мен уни Ислом овози сайти орқалик, қори акага юборганимда, беш олти йил олдин, қори ака айтган, «менга ҳам келган, буни чоп этмай, индамай қўявуринг» деган. Мисрдаги бир гуруҳ салафийлар қори акага ёзган экан, сиз хато йўлда бўлгансиз. Ҳукуматга қарши чиққансиз. Танқид қилгансиз. Шунинг учун шунақа балоларга учрагансиз. Узингиз айбдор ҳаммасига. Оят ҳадислар билан ёзилган хат эди бу. Бу хатни жўнатишган улар қори акага. Нусхасини менга ҳам юборишган. Яъни, бунақанги нарсалар у кишига таъсир қилган. Сени ўзинг хато эдинг деган, гаплар. Бу ёқда шайх МСМЮ бориб у Каримовни муҳтарам зот деб ўтирибди. Бу эса уни устозим деса?! Сайтида ёзиб қўйишибди муридлари. Бу кўриниб турибдику?! Ўйланадику у ҳам?! Мен кетган йўлим қайси йўлу, булар нима қиляпти?! Бу ёқдан Муҳиддин Широнов келса, у ҳам шу позицияни қўллаб қувватлаб гапирса, оят ҳадислар билан. Яъни, осмондан олиб гапирётганим йўқ мен бу (шеърдаги) айтаётган гапларимни. Позицияни ўзгарганлигини.

Яна бир нарсани айтиш керак, ҳозир ёзаяпти озодлик радиоси, Ўзбек режимининг ашаддий танқидчиси, у бу деб, Обид қори акани. Аслида, Абдуллоҳ Бухорий Обид қори акадан юз баробар кўпроқ танқид қилган. Жиддий далиллар билан. У имомларини ҳам, шайхини ҳам. Муллоларни ҳам, Режимни ҳам, ҳукуматни ҳам. Ва тўғри қилган. Аллоҳ уни раҳматига олсин! Обид қори ака танқид қилишда, унинг даржасига чиқмади. Тўғри, Обид қорини 25 йиллик хизмати бор. Буни инкор қилмаймиз ва буни тан оламмиз. Бир пайтлар Ўзбекистон Исломий Ҳаракати деган жиноятчилар тўдаси, бир китоб ёзиб интернетга қўйганди. Бу китоб, Обид қори акани, швецияга келган пайтида 2006 йилда, ББСга интервью берган экан. Ўша интервьюсини матнини олган.

Бир аёлни Афғонистонга бориб, кўрган кечирган қийинчиликларни ёзган. Ўша ёзган матнни олган ва икковини аралаштириб, бир китоб қилиб қўйиб қўйибди. Тепа қисмини ўқиса, Обид қори акага ББС савол бераяпди. Швеция ҳақида, Швеция қандай у бу деб. Обид қори ака жавоб бераяпди, Швеция яхши, мусулмонларга эркинлик берган. У бу деб, Швеция яхши деб гапирса, тагида ҳалиги, умуман мавзуга алоқаси бўлмаган, Афғонистонга борган бир ўзбек хотин, ўзини кўрган азобини, тоғларда юрдим, у қилдик, бу қилдик, уям ёзаяпди, шу ерда ўзини дийдиёсини. Яъни, шундай қилиб, солиштириб, бир текст қилганда, Ўзбекистон Исломий Ҳаракати сайтига чиқариб қўйган. Бу билан нима демоқчи бўлган? Обид қори акани гапини қарангу, ману бу хотинни гапини қаранг, яъни, масхара қилмоқчи бўлган. Сен қаерда эдинг ўшанда?! Аллоҳнинг азоби бўлади сизларга деб, огоҳлантирмисанми уларни?! Ёзмадингми уларга шу нарсани?! Мен тўрт йил олдин бу текстни ўқиб, муносабат билдирганман. Раддия берганман. Бу кишини ислом оламидаги хизматларини, бошқасини гапириб, мен муносабат билдирганман. Сен қаерда эдинг?! Сен Абдуллоҳ Бухорий отилганда қаерда эдинг?! Нега ёзмадинг дўзах азоби бўладми йўқми, ўша отиб кетганларга?! Сен фақат дадангнигина қайғурасанми ё, бошқа мусулмонларни ҳамми?! Ўтган йили биз ном нишонсиз йўқ бўлган, ўғирлаб кетилганларни излаб, ким танийди, ким билади, гапирадиган борми? деб, излаганимизда, сен қаерда эдинг?! Сен нега чиқиб гапирмадинг? Фалончи писмадончини, мен танир эдим, деб?! Сен қаерда борсанки, биз сени танисак?! Мен сени бугун кўриб турибман. Менга дўқ пўписа қилиб, Аллоҳнинг азобига йўлиқиш хавфи кучли деб ёзганингни ўқиб, мен сени дунёда борлигингни билаяпман. Сен олдин қаерда эдинг?! Сен дуо қилаётган, сен ўқийдиган ердаги, шайхларинг дуо қилаётган, ўлиб кетган Сауд қироли Абдуллоҳ беш миллиард доллар бериб, Мисрдаги мусулмонларни қирдирганида, сен қаерда эдинг?! Сени бирон ёзган нарсанингни ўқимадику?! Сен ёзмадингку бирон жойга, Аллоҳнинг азоби келади деб?! Сен менга ёзаяпсан, Аллоҳнинг азоби келишини, Субҳоналлоҳ!

Мен сени дадангни нима қилдим? Ҳақорат қилдимми?! Нима қилдим? Менга нега бундай дўқ пўписа қиласан?! Аллоҳнинг азобидан ҳаммамиз кўрқамиз ва раҳматини умид қиламиз. Бу масалада сен билан баробармиз. Сенга жаннат башорати берилган эмас. Сени ҳам Аллоҳнинг азобидан кўрқининг, жуда мақсадга мувофиқ. Худди, мен кўрқинга қанчалик ҳақли бўлсам, сен ҳам кўрқсанг ҳеч хато қилмайсан аслида. Аллоҳ мағфират қилсин ҳаммамизни! Мен нима демоқчиман? Ўша Обид қори акани, ўша отиб кетишдан илгариги фаолияти. Мен бир мунча биламан, бу фаолиятни қандай бўлганини, ичида юрганам учун. Мана сайтида ҳам турибди, шайтоний хулқлар, Раҳмоний хулқлар, яъни одоб ахлоқ. Бошқа нарса йўқ у ерда. Яхшидир бу нарса. Кимгадир керақдир, майли! Аммо, жамиятнинг эҳтиёжи кўпроқ бўлган мавзулар ҳам бор эди, демоқчиман. Тўғри, Обид қори ака гапирган, ўша араб баҳори пайтида, бошқа пайтда, Озодлик интервью олганида, ўша саволларга жавоб бериш жараёнида, шундай сиёсий мавзуларда гапирган. Битта яримта, ўша ўзини қишлоғида ҳам гапирган. Лекин, 99% ўша одоб ахлоқ. Мен шуни айтмоқчиман. Буниси ҳам майли.

Энди у кишини отиб кетганидан кейин, ундан кейинги воқеъларга менинг эътирозим. Менинг ёзган шеърим, ундан олдинги ёзган шеърим, ундан олдинги «Обид қори ҳақида қаердан хабар топамиз?» деган мақола, ундан олдинги укангни. (Довудни) номига ёзилган очиқ хат, яъни, мана буларнинг ҳаммаси, менинг эътирозим мана шунда. Обид қори ака режимни бир умр танқид қилиб келди. Тўғри, даражаси ҳар турли бўлиши мумкин. Масалан Абдуллоҳ Бухорий даражасида бўлмаса ҳам, режимга қарши муҳолиф фикрда бўлган ва гапирган. Унинг ўтмишдаги тарихи ва бошқа қилган нималари бор. Лекин, шундай одамни яшириб қўйиб, уни энди ҳеч кимга кўрсатмай, мана бу Довудни қилаётган иши, ўша ердаги Довудга ким ақл бераётган бўлса, мен мана шу ишларга қаршиман. Яшириб, бир қанақадир, куракда турмайдиган ишлар қилишяпди. Менинг ёзувим, чизувим, чақиригим ҳаммаси шу ўзи! Яна бир нарсани айтиш керак, мана Озодликда (Радиоси сайтида) кеча пайдо бўлди. Қори ака ҳақида маълумот берилади, видео берилади, у бу деган, хабар пайдо бўлди. Яхши, раҳмат! Шуни кўриб хурсанд бўлдик. Мана бўларкану шундай қилса?! Масалан, бу ёзув чизувга ҳам ҳожат қолмасди. Бошқа қий чувга ҳам. Энди у (Довуд) менга қарагани ҳам йўқ.

Эътибор ҳам бермади. (Яъни, мурожаатларимга) Чунки, катта одамлар булар. Довуд Назаров катта одам. У энди биздек кичикна одамлар билан гаплашмийди. Майли. Озодлик билан гаплашиб. Ўзини даражасидагилар билан. Ўша гаплашиб эълон қилибди. Энди нима чиқар экан деб ҳайрон бўлиб турувдик. Мана суратни кўрдик. Обид қорини. Лекин. У ҳақида ҳали видео йўқ. Бошқа нарса йўқ. Бу ерда битта нарса мен учун тушунарсиз. Довуд ўша озодликдаги интервьюсида айтяптики, (Озодликдан иқтибос: Улар жудаям махфий ҳолда, жудаям эҳтиёткорлик билан, деярли энг яқинларидан бошқа ҳеч ким билмайдиган ҳолатда ҳаёт кечираяптилар ва даволанишни давом этаяптилар. Улар қаерда ва қандай ҳолатда даволанаётганликлари, қандай ҳолатда ҳаёт кечираётганликлари ҳам, Швеция ҳукумати, Швеция давлати томонидан қаттиқ, махфий масала сифатида қабул қилинган, - деди Довуд Назаров.

<https://www.ozodlik.org/a/28320889.html>

Мана шу гапида каззоб Довуд Назаров. Мен шуни ҳам айтиб ўтмоқчиман. Мен Швецияни биламан. Швецияда саккиз йил бўлди яшаяпман. Шунинг учун мана шу сўзида каззоб деб, айтяпман. Хоҳласа мени судга берсин. Мен судни олдида гаплашаман, ўша бола билан. Мен ўтирмаган швед турмаси қолувди. Ундаям ўтириб кўрайлик. Марҳамат. Бу давлат сирини эмас. Бу қори акани касал бўлиб ётганлиги, Швеция давлати учун, ҳеч қанача сир эмас. Бу бир пашшадан фил ясашдир. Йўқ нарсани кўпайтиришдан бошқа нарсамас, Довуднинг бу гаплари. Полициянинг бир бўлими, СЕПО эмас унда ҳам, (Махфий хизматлар эмас) хабар олиб туриши мумкин. Ҳар замонда учрашиб туриши мумкин?! Шу халос. Улар ҳам яшириниб юришни тавсия қилиши мумкин. Мажбурламайди. Агар у одам ўзи очиққа чиқишни истаса, у чиқаверади. Унга ҳеч ким давлат сирини очибсан демайди. Бу гаплар энди оммага, Довуд ўзини шундай, бир ваҳима қилиб кўрсатишни хоҳлаётгани учун гапириляётган гап халос. Марҳамат, шу сўзимга Довудними, ё кимнидир эътирозини бўлса, мен суҳбатга тайёрман. Албатта, радиосуҳбат қиламиз ва суҳбатни эълон қиламан радиода. Одамлар ҳам эшитади. Истаса хотиржамлик билан, мени судга берсин. Ва мен у билан, судда гаплашаман. Судни жараёнларини ҳам албатта, радио орқалиқми, мақоладами, жамоатчиликка эълон қилиб бораман. Ўша судимиз қандай бўляётганлигини. Агар мени судга берса марҳамат, хотиржамлик билан бериши мумкин. Мен турмада ўтиришга ўрганган одамман. Бу муаммомас мен учун. Шу сўзимни хато эканини исбот қилиб, мени қамашса, жуда ажойиб!

Энди, менинг эътирозим нимада?! Обид қори ака бизга динни таълим берган. Ўша пайтда яъни, совет пайтида. Динни биладиган одамлар йўқ пайтида. Ҳозир энди, ёмғирдан кейинги кўзиқоринга ўхшаб, шайхлар пайдо бўлган. Йигирма ёшга кирганми, кирмаганми, ўзини шайх деб аташади. Лекин, Обид қори ака ўша замонда, ўзбек халқига диний таълим берган имомлардан бири. Яъни, беш ўнта холис имомлардан бириси. Буни мен сендан кўрқаним учун айтаётганим йўқ. Буни мен шундай тушунганим учун айтяпман. Мен инсон зотидан кўрқиб, бир нарсани ундай ё, бундай деб, гапирмайман! Мен қандай тушунсам ва билсам шундай гапираман. Бизга динни таълим берган одамларнинг қанчаси бугун йўқолиб кетди? Ўғирланиб йўқ бўлиб кетди. Кўпчилиги ўлиб кетди. Кўпчилиги қамалиб кетди. Масалан Муҳаммад Ражаб акалар 24 йил бўлди қамоқда ётибди. Обид қори акани улардан нимаси ортиқ?! Абдулаҳад қоридан нимаси ортиқ?! Қайси маънода, яъни, уям шундай бир холис инсон ва буям шундай холис. Яъни, ўзбек ҳукумати уларни пастроқ ва Обид қорини баландроқ кўради дейиш, бу сизларни талқинингиз бу! Бу Довудни интервьюларида гапирадиган сафсатаси бу! Яъни, мен айтмоқчиманки, бизга дин йўлини, имон ва ислом йўлини таълим берган кишилар, бу йўлда машаққат келишини ва бу йўлда турли хил синов бўлишини ҳам, ўзлари айтганлар. Яъни, бу янгилик эмас бу! Обид қорига бўлган зулм ва зўравонлик, бу янгилик эмас бу! Дин йўли шунақа эди. Бугун бўляётгани йўқ бу! Пайғамбарларга бўлган ва солиҳ кишиларга бўлган бу зулмлар. Бугунги кундаги дин олимларига бўляётган бўлса, бу нормал бу! Абдуллоҳ Бухорийни отиб кетишди. Фуад Шокирийни отиб кетишди. Улар ҳам имонни, исломни холис бир дин деб, тушунган.

Холис етказишга ҳаракат қилган. Дин учун холис кишилар эди. Холис имомлар эди. Обид қори ака ҳам шулардан биттаси. Яъни, у киши умри давомида Каримовга қарши бўлиб келиши ва бундан кейин ҳам қарши бўлиши, бу айна тўғри ва шарафли йўл ва шарафли ўлим шу! Энди, мана суиқасд қилинди. Алҳамдулиллоҳ, у кишини Аллоҳ асради. Энди яширинишлиги нима?! Бу нима дегани? Бу Мирзиё яна одам юбориб, яна бир нарса қиладими? Шунақа ҳам тупой ўйлайдиган одам бўладими?! Қолаверса, биз ўлишимиз керак ҳаммамиз. Бу дунёда ўлмайдиган одам бўлмайди. Энг яхши одамлар ҳам ўлади. Обид қори акадан олдин ҳам, кўп яхши одамлар ўтган бу дунёдан. Ҳозир ҳам ўтаяпди. Бундан кейин ҳам ўтади. Яъни, бу нарсада истисно бўлмайди. Биз бугун ўламизми, эртага ўламизми, Аллоҳу аълам! Ўз кураш йўлимизда, мард бўлиб туриб, жасорат билан ўлиш бошқа. Ҳаммадан яшириниб, ҳаммадан қочиб, ҳеч кимга ҳеч нарса гапирмай, қочиб кураб ўлиш бошқа! Мен мана шунга қаршилик қиляпман.

Агар кимдир келиб яна отиб кетса, шаҳид бўлмайдими? Шаҳид демаймизми?! Мен шундай қилсин, шундай бўлсин, мен шундай бўлиши тарафдориман деяётганим йўқ. Ўзи биров яна келишини ўзи даргумон! Биттаси ётибди бир умрлик қамоқда. Яна кимдир келишига ақл бовар қилмайди. Энди, мабодо, шундай бўлиб қолса?! Милёндан бир эҳтимол, бўлиб қолсаю, шундай бўлса, унда нима бўлади?! Аллоҳ шаҳодат берибди деймиз. Абдуллоҳ Бухорийни мана, отиб кетишди. Нима, ютқиздими Бухорий?! Бу оддий нарсалар ўзи. Бу шаҳидликни гапирадиган, шаҳидликни улуғлиги, савоблиги, фойдалари ва қиёматда унга қанча ҳури айнлар берилиши ва ҳаказоларни гапирадиган шайхлар, ўзлари шаҳидликдан қочаётгандек назаримда?! Ҳеч шошаётганлари йўқ, ўзлари жаннатга. Бу гап ҳаммага тегишлик. Бу гапни фақат Обид қори ака ҳақида, айтаётганим йўқ. Ўша ўзини шайхман деяётган, бошқаларга тегишлик. Мана сени ўзинг, менга хат ёзган Обид қори акани ўғли. Сен қаерда эдинг, мана шу курашлар давомида?! Сени бор йўғингни биров билмайдию?! Сен фақат менгагина аламли азоб ҳақида, хабар беришга маъмурмисан?! Ёки, мусулмонларнинг ўзаро уришиб юришлиги аҳмоқлигини гапиришга. Сен аҳмоқликни, уришиш қанақа бўлишини биласанми?! Сен ИШИДга ва Жабҳатун Нусрага айт, уришмасинлар! Сен Ўзбекистон Исломиё Ҳаракати ва Толибонга айт, бир бирини ўлдирмасин! Яъни, мусулмонлар бир бирини ўлдирмасин, деяётган бўлсанг ва шуни аҳмоқлик деяётган бўлсанг. Биз ҳали у даражага бормадик. Биз ҳали фақат сўз, фикр билдириш асносидамиз халос. Мен ўз фикримни айтаяпман. Кимдир уни зиддига, ўз фикрини айтиши мумкин?! Истаса мен билан мунозара ва муҳокама қилиши мумкин. Мана, радиода гаплашамиз. Ҳурматини жойига қўйиб, ҳожи ака, қори ака деб. Гаплашмаса, омон бўлсин! Бу менинг фикрим. Мен ўз фикримни айтаяпман. Сен эса, маърузангни менга қилма Ҳожи! Уламо бўлиб кетган бўлсанг ҳам. У ёқда билмийман, ким бўлиб, кетган бўлсанг ҳам. Сен ҳали ўз ўрнингни топиб ол ҳаётда. Биз сени танимиймиз. Сени бир танийлик олдин. Ўзингни танит кимлигингни! Нима кароматинг борлигини?! Шайхмисан, ҳожимисан? Кимлигингни билайлик сени. Томдан тараша тушгандек, келиб туриб, Аллоҳнинг азоби бўлишини гапирасан. Уялмайсанми?! Сен гапираётган одамнинг, душман эмаску, сени даданга?! Уни бошқа ёзганларини ҳам ўқиганмисан?! Ё фақат, бугун шуни ўқиб қолдингми?! Яъни, инсоф керак одамга, сал фаҳм фаросат керак, бир нарсага фикр билдирганида. Менинг яна айтмоқчи бўлганим, ўша отиб кетганидан кейин, бир йилми, икки йилми, тушунарли эди. Бу Довудни ва ўша ердаги бошқаларни сукут сақлаши, гапирмаслиги тушунарли эди. Уни тушуниш мумкин. Ва лекин, уч йил, тўрт йил, беш йил?! Бу нима бу?! Бу нима деган гап?! Мана шу, мени эътирозим. Шунинг учун мен ёздим, бу ёзган нарсаларни. Шунинг учун мен Довудга, очиқ хат ёзганман. У жавоб бермади. Майли, бу ўзини иши. Бу ҳали урушмас эди, сен айтгандек. Уруш қандай бўлишини сен, агар хоҳласанг кўришинг мумкин. Ўша ўзини номини бекитмасдан, Толиби илм демасдан, менга қарши очиқ ойдин чиқадиган одамлар бўлса, хоҳлаган нарсасини ёзиши мумкин. Марҳамат, мен ўзимни сайтимда чоп қиламан, менга қарши ёзган ҳамма нарсасини. Ва ўзимни муносабатимни билдираман. Мен сизлардан фарқли ўлароқ, авлиёман деяганим йўқ. Мен айбу хатоси кўп, лекин, ўзини мусулмон ҳисоблайдиган одамман. Лекин, имон иддао қиламан. Буни кимдир тан оладими йўқми, мен буни иддао қиламан.

Аллоҳу таоло ҳал қилади энди, эртага. Тўғримиди ё нотўғримиди бу имон?! Мен очиқ одамман. Очиқ гапираман. Менинг фикрларим очиқ ойдин. Энди булар ҳам, кечадан бери демократия ўйини қилиб, эркин фикр, ҳамма гапириши мумкин, деяётган одамлар..., Мана, мен фикримни гапирдим. Марҳамат. Истасанглар энди сизлар чиқинглар, мунозарага, гаплашайлик. Булар очиқ мунозарага чиқмайди, сектантлар. Шунинг учун ҳам, мен буларни, сектантлар дейман. Яъни, яширин ва сирли одамлар. Мен яширинмасман. Очиқ одамман. Менинг табиатимни Аллоҳ шундай яратган ва бундан кейин ҳам, шундай бўлиб қоламан. Ниманики, ўйласам ва тўғри деб билсам, шуни гапираман. Хато бўлса, у ё, бу нарсани кимдир муҳокамада гапирса, тушунтирса, тавба қиламан ва хатолигини тан оламан. Ҳозирча, муҳокама ва мунозара бўлгани йўқ. Жим житлик. Ёки, ташқаридан мана бундай ҳар хил номлар билан, тош отиш бўлаяпди халос. Қачон бир очиқ юз билан, маскаларни ечиб, майдонга чиқасизлар?! Мен маскани ечиб, ўзини юзи билан гапирадиган ва ўзини фикри билан фикрлайдиган одамларни, кўп бўлишини истайман. Ҳамма учун битта одам гапирмасдан, ҳамма ўзи учун гапирадиган бўлиши керак. Бу қавмни, пирга қўл берган муридлардан фарқи йўқ. Муридлар учун пир, ҳамма нарсани ҳал қилгани каби, буларда ҳам бир иккита одам, ҳамма нарсани ҳал қилади. Ҳамма нарсани шулар гапиради ва ҳамма нарсага масъул, шулар. Қолганларда фикр ҳам йўқ. Фикрга ҳожат ҳам йўқ. Аслида, ўша бўлиши керак эди, ҳар бир одамда. Бу бугун давр талаби. Замон талаби. Мана шу шаклдаги таълим тарбия, бизни инқирозга олиб келди. Агар бизнинг халқимиз ҳам, мусулмонлар ҳам ривожланишни истасалар, ҳар бир одамнинг, ўзининг фикри бўлиши керак. Динда айнан. (Яъни, ўз шахсий Диний тушунчаси бўлиши керак) Бу демократиясини қўйиб қўяйлик бир четга. Ўша имоми Моликнинг сўзи, асосий манба шу. Шуни байроқ қилиб кўтариб олиш керак! Ҳар қандай одамни сўзини олиш ҳам мумкин ва ташлаш ҳам мумкин. Илло, битта кишининг сўзи, фақат олинади. Расулulloҳ САВнинг сўзигина, фақат қабул қилинади. У кишининг сўзи фақат олинади. Яъни. Ваҳй асосидаги сўзлари. Мана шу шиор шу! Бошқа ҳамма қори аками, ҳожи аками, ким бўлсаям, у ҳам бизга ўхшаган одам. Унинг хатоси бўлиши мумкин, тўғри гапи бўлиши мумкин?! Унга қарши фикр билдириш мумкин! Пайғамбарлар фикрига қарши фикрлар, гапиришгану мушриклар?! Бизнинг ҳожи акаларни фикрига қарши, фикр гапирсанг, танқид қилсанг, дод, вой дод, сенга Аллоҳнинг азоби келади деб, тўполон қилишади.

Сен бунча шоштира, Аллоҳнинг азобини! Аллоҳнинг Ўзи билади, уни қаерга туширишни. Сен ҳам ундан паноҳ сўра ўзинга, худди мен ҳам сўраганим каби, ўзимга. Аслида гапириш керак. Ўша ҳожи акаларгаям, ҳар қандай одамга. Унинг фикрига, бошқа одамни гапириш ҳаққи бор. Дин мана шу. Диндаги асос мана шу! Агар мана шу асос тўғри бўлса, марҳамат, шунга асосан ҳаёт кечирайлик, тамом! Менинг позициям, мана шундан келиб чиққан. Мен гапираман, агарчи бу ёқадими, ёқмайдими, қайсидир ҳожи акага, муридларига, буниси мени қизиқтирмайди. Мутассиб муфтийга қарши, бутун бошли китоб ёзгандим. Унинг муридлари шунга мажбур қилганди одамни. 2015 йилда у ўлганидан сўнг, қий чув бўлиб, унга қарши ўзимни муносабатимни билдирдим. «Мутаассибларга раддия» деган, бир рисолам бор. Яъни, унга раддия ёзилди, нима учун?! Мен уни хато деб биламан ва шунинг учун ёзаяпман, далил ва исботи билан. Ва бу менинг ҳаққим. Энди ёзилиши у ерда, МСМЮни шогирдлари мени ҳақорат қилиб, ёмон гаплар гапиргани учун, менинг жавобим ҳам, шунинг баробарида бўлди. Мен худди шундай китоб, яна ёзишим мумкин иншааллоҳ! У китобнинг ичидаги гапларни ҳурмат билан бўлиши ё, бўлмаслиги, менга қилинган муносабатга боғлиқ бўлади халос. Айтмоқчи бўлганларим қисқача, мана шулардан иборат эди. Ҳар ҳолда беш йил деганда, қори акани битта суратини кўрдик. Яхши. Алҳамдулilloҳ, тирик, соғ омон экан. Раҳмат довудга, бу «давлат сири»ни ошкор қилгани учун. Агар бу давлат сири бўлса. Уни қамаш керак эди, аслида. Энди, у ўзи сафсата гаплар эди. Ўзи ҳам билади. Майли. Хурсанд бўлганим шуки, шу ишни булар қилиши керак эди, аслида. Жим ўтиравермасдан. Сирли, яширин одамларга ўхшаб. Мана энди қилишди. Мени ёзганларим учун қилди деб, айтаётганим йўқ. Ўзи хоҳлаган ва қилган. Раҳмат. Мард бўлайлик. Ўша ишни қилгани учун раҳмат айтиб қўяяпман.

Энди, у кишини унутулиб қолмаслигини истасалар, ўзлари ҳам бу ишни қилиши керак. Буни кимдир талаб қилмаса ҳам, ўзлари қилиши керак. Дунё ўзгаряпти. Ҳаёт ўзгаряпти. Беш ўн йилдан кейинги ёшлар, дунёда Обид қори деган, одам борлигини ёки, бўлганини билмайдилар ва танимайдилар. Валлоҳу аълам! Чунки, мана кўряпмиз, қанақа бўлаяпти, ўзгаришлар?! Нималар бўлиб кетаяпти?! Хулласи калом, шунақа ошна. Мана шулар, менинг жавобим, мана шу Толиби илм ёзган изоҳга. Мабодо яна, кимлардир ниманидир хоҳласа. Мёлбуданми, бошқа жойданми, марҳамат биз тайёрмиз. Агар жим бўлишса. Омон бўлишсин қиёматгача. Ҳозирча шу, менинг бошқа гапим йўқ! Аллоҳ инсоф берсин ҳаммамизга. Жумладан менга ҳам. Субҳонакаллоҳумма ва биҳамдик. Роббано астағфирук. Ва атубу илайк! Саҳвий радиоблоги архивидаги аудиофайлдан қоғозга кўчирилди

Ширинов қавмидаги баъзи воқеалар

Бу китобим ёзилиши эълон қилинган пайтларда, мен Фбда куйидаги билдиришни ёзгандим.

Яна Муҳиддин Ширинов ҳақида

Мен Муҳиддин Ширинов ҳақида буни таъкидлашимга сабаб, Муҳиддин Шириновга қарши кимсалар бор ва улар мени унга қаршилигимни, ўзларича бошқача тушунайдилар. Бундан уларни хурсандликларини англаш мумкин. Шунинг учун мен алоҳида бу постни ёздим.

1. Муҳиддин Ширинов менга ҳеч қандай ёмонлик қилмаган. Ўзаро нормал муомала қилганмиз. Ҳозир ҳам орамизда жанжал йўқ. (Гарчи, алоқа ҳам йўқ)
2. Муҳиддин Ширинов инсон сифатида, бошқалар билан муомалада, оддий ва хушмуомилалик инсон. Унда кибр йўқ. Қўполлик йўқ. Ҳазилкаш, мулойим одам. Бир сўз билан айтганда "одобли" бола.
3. Муҳиддин Ширинов омонатдор ва муомилада ишончли одам. Менинг унга қаршилигим, унинг сарой муллаларига ва тоғут режимига нисбатан тутган манҳаж масаласидадир.
4. Муҳиддин Ширинов мени, Мёлбу аҳличалик ортимдан ғийбат қилган эмас. Менга, ким мени ортимдан нима дегани, етиб келади. У томонидан бирорта, ёмон гап эшитмаганман. Аксинча, мени ғийбат қилганларга, мен ҳужум қилмадим. Менга ҳеч қандай тажовуз қилмасада, Шириновга қарши чиқаяпман. Юқорида айтганимдек, у билан манҳажда келишолмаймиз. У биз умримизни сарф этган йўлни, ботилга чиқаряпти.
5. Мени унга ва у бошлиқ Қаламга қаршилигим шахсий масала эмас. Мен уни шахсини ҳақорат қилмаганман ва қилмайман ҳам. Лекин, мен уни ва унга эргашганларни адашганлар деб, биламан. Шу билан бирга, у ўзи танлаган йўлда, кетишга ҳақли. Менга ўзимнинг йўлим тўғри. Қиёматда кимнинг йўли тўғрилигини, Аллоҳ баён қилади. Яқинан ишонаманки, Ширинов йўли залолатдир. Валлоҳу аълам.
6. Китоб ёзишдан мақсад, бу кабиларга бошқалар ҳам, ҳақ йўл экан, деб эргашмаслиги учундир. Булар бизнинг тутган йўлни инкор қилдилар. Биз ҳам ўзимизнинг ғоямизни ҳимоя қилишга ва аксинча, буларнинг йўли нотўғрилигини гапиришга ҳақлимиз.
7. Менинг бу манҳажий ва мазҳабий ихтилофимдан Муҳиддин Шириновга қарши, бошқа кимсалар, манфаат топишга уринмасинлар. Зеро, мен сизларни тарозига ҳам тош босмайман. Мени Шириновга қаршилигим, сизлар томон бўлдим дегани, эмас.
8. Мен Муҳиддин Ширинов салом айтган кимсани, эшак деб, мурожаат қиламан. Уни мени наздимда эшакчалик ҳам, қиймати йўқ. Лекин, бу дегани, Муҳиддин Ширинов ҳам шунақа дегани эмас. Агар Ширинов сарой муллеси бўлиб, шу кимсани ўрнига ўтириб, шу гапларни гапирса, шунгача етиб борсак, у ҳолда ўшанда унга, бу ҳозирги муносабатим янада ўзгариши мумкин. Ва ўзгариши аниқ!
9. Муҳиддин Шириновни шахсига ҳам, китобимда алоҳида тўхталиб, кенгроқ ёритиб ўтаман иншааллоҳ! Унда салбийдан кўра, ижобий жиҳатлар кўп шахсдир. Валлоҳу аълам.

10. Буларни баъзи кимсаларга, алоҳида англатиб қўйиш учун ёздим. Ҳамма, мени бировлар закази билан иш қилмаслигимни, билиб олишлари керак. Мен нимаики ёзсам, бу бировни буюртмаси эмас. Аввало тақдири азал ва менинг шахсий фикрим ва истагим учундир ҳалос. Бугун шу нуқтадан давом этмоқчиманки, Обид қори қавми иккига бўлинган. Ва бу китоб ёзилиши гарчи, Муҳиддин Шириновни, эшакка саломи туфайлидан бошланган бўлсада, фақат Шириновга қарши қаратилган бўлмайди. Радикаллар менинг Шириновга қаршилигимни, нотўғри тушунишмасин. Мен ўз фикрига ва қарашига эга шахсман. Мен на у ва на бу томон, тарафдори эмасман. Мен бу китобда на қораловчи ва на оқловчилик қилмайман. Мен нима ёзсам, кўрганим, эшитганим ва хулосаларимдан иборат бўлади. Ҳеч қандай кимсанинг савлати, ҳайбати ва ҳақорати, мен тўғри деб, билган нарсани ёзишимдан қайтаролмайди. На дўқ пўписаси, на яхши гапи ва на у бу кимсани шайхлиги ва на омилиги бу китобни ёзишимдан қайтара олмайди. Мен адолат ва инсоф тарозусида ёзаман иншааллоҳ. Шу ёзганларимга, ўзим масъулман. Мени ким тараф эканимга, ҳайрон бўлиб, бош қотирманглар. Мен сизлардан ҳеч ким тараф эмасман. Мен сизлар учун кўзгуман. Башаларинга кўзгу тутаётган шахсман. Мен сизлардан ҳеч кимга байъат бермаганман. Шогирд бўлмаганман ва бўлмайман ҳам. Мени ҳеч кимдан тили қисқа ерим йўқ. Қўрқадиган ҳам ерим йўқ. Мени сизларга, бирорта эҳтиёжим йўқ. Ана шунинг учун ҳам, холис туриб ёзаман. Сизга қарам бўлсам, холис бўлолмасдим. Мени холислигимга шубҳангиз бор, биламан. Сизлар учун Обид қорини мақташлик, холислик ҳисобланади. Бундан бошқа мезон йўқ сизда. Мен учун холислик тушунчаси, бошқачароқ. Менга қайси қорини, кимлиги фарқи йўқ. Шу ергача нима ёзсам, Аллоҳ қодир қилганича, эсимда қолганича ёзаяпман. Кўп нарсалар унутилган бўлиши мумкин. Китоб тугагунга қадар, эсимга тушган нарсалар шу китобга кирилади. Демак, ҳозир Ширинов ҳукмронлиги даври ва у киши Барака номли банкка асос солди.

Номи Барака бўлсада, ўзи баракали бўлмаган бу банкда, асосан шу қавмнинг пуллари сақланади. Яъни, ҳаммаси шу банкка қанча миқдорда пул қўяди. Ёки, ишлайдиганлари, ҳар ойда қанчадан ўтказиб бораверади. Бу пуллар ўз навбатида, шуларга қарзга берилади. Бу қарз беришлиқда Муҳиддин Ширинов ҳийлаи шаръий, ўйлаб топган. У пулни ўзини бериб, 15% устига қўйиб қайтарасан демайди. Чунки, бу рибо бўлади. У бу кимга машина керакми, шуни Банк ҳисобидан олиб, ҳалигига, қимматроқ нарҳда, насияга сотилади. Яъни, у кимса. Банкка пулни бир йилдами иккими, хуллас, 15% ортиқ тўлайди. Шу тартибда бу банк йўлга қўйилди. У бу кимлар уй олди. Кимлардир машина олишди. Бу пуллар бари расмий эмас, норасмий ҳисоб китоб қилинади. Хуллас, бу ерда давлатга солиқ тўланмаслигини ҳисобга олмаганда, бошқа ноқонуний ери йўқ. Бу 15% фойда, шу банкни харажати ва Муҳиддин Ширинов очган, Қалам жамоасига ва шунга ўхшаган ишларга сарфланади. Банкир Абдулазиз бўлиб, яна уч тўртта кимса, уни бошқарувчиси ҳисобланади. Банк очиши ва йўлга қўйиши Муҳиддин Шириновни, оддий мулла эмас, юқори даражадаги дунёвий ишлар бўйича ҳам, мутахассис эканини кўрсатади. Лекин, бу банкдан ким машина олган бўлса, Фоизи кўплигидан норози бўлиб юрганини эшитганман. 15% қайтаришлик энди ўзларига оғирлик қилаяпти шекилли?! Қизиғи шундаки, Муҳиддин Шириновга қарши радикаллар ҳаммаси, унинг банкига аъзо ва банки орқалик, у бу нарсалар сотиб олишган. Эшакни ўзи ҳаром, хизмати ҳалол дегани, шу бўлса керакда?! Муҳиддин Ширинов ҳукмронлигида, Обид қори учун ўтказилаган намойишларни барчаси, у томонидан ташкиллаштирилди. Унинг ўзи биринчилардан бўлиб, микрофонни қўлига олиб, ўртада бошловчилик қиларди. Ундан кейин, даражага қараб, Абдувоҳид Йўлдошев гапирар ва албатта кейин, даржасига кўра, бефаросатга, навбат келарди. Яъни, микрофон ҳам, одамига қараб, навбати билан бериларди. Бунақа майдонда гапиришни, назаримда булар эплай олмасдилар. Булар гапирган гаплари, менга қизиқарли эмасди. Уйда ўтириб, ошнаси билан гаплашаётган одамдек, гапиришарди. Бунақа маърузалар видеога туширилсада, авомга кўрсатилмасди. Кўрсатишга уялсалар керакда?! Чунки, уни эшитганлар кулган бўларди. Булар тайёр матн билан ҳам, келишмасди. Шунчаки, ўртага чиқиб, қори акамиз, ундай бўлган ва бундай бўлган каби, сафсата гаплардан гапиришарди.

Қори акани қанақалигини, бу ерда турганлар ҳаммаси билишарди. Уларга ҳам, бу гапларни кераги йўқ эди. Жиддий сиёсий матнлар йўқ эди. Менга буларнинг издихомлари ёқмас эди. Бир куни майдонда турсам, олдимга Абдуллоҳ келди ва Абдувоҳид акам сўраяпдилар сизни маърузангизни текстини деди. Мен ҳайрон бўлдим ва бердим. У олиб бориб, Абдувоҳидга берди. У кўриб, ўқиб, қайтариб берди. Абдуллоҳ қайтиб олиб келди. Мен унга қараб, нима бу текширувдан ўтказдингларми? дедим. У йўқ, у бу деб, кетди. Абдувоҳидни бу иши менга ёқмади. Сен кимсан ва нега мени цензура қиласан?! Абдувоҳид ўзини уламо санайдиган одамлардан бири. У бир марта Суд залида ўтирганда, (Нодира Аминова ва Баходир Пўлатовлар суди эди) менга қараб, жим ўтиринг деганди. Мен унга ҳайрон бўлиб қарагандим. Суд залида ҳамма ўтирибди. Мен Жуковскийга ёрдамлашган Нодиранинг, гапига эътирозан, нималардир деганимда. У жим ўтиринг, деб, шунақа деганди. Кейин, ташқарига чиққач, ҳамма овқат еяётган столга бориб, Унга қараб шундай дедим: Мен сизлардан ҳеч бирингизга пир деб, қўл бермадим. Амир деб, байъат қилмадим. Устоз деб шогирд тушмадим. Мен сизларни, мен билан тенг мусулмонлар деб, биламан дедим. Агар шунақа бўлмаса, бу ерда кимдир, ўзини менинг устимдан ҳукмронлик қилишга ҳақдор деб, билса гапирсин! дедим. Бу гапларим Абдувоҳидга қаратилганди. У Стромсундда ҳаммага ақл ўргатиб, ўрганиб қолган ва менга ҳам ҳукмронлик қилишни истарди. Ўзи мени тенгим бўлиб, на ёшда ва на ақлда, (Валлоҳи аълам) мендан ортиқмасди. Мен унга, агар Халифа бўлса ҳам, итоат этмаслигимни айтганман. Ҳозир ҳам таъкидлайман. Мен Ўша Абдувоҳид Йўлдошев Халифа бўлиб қолса, (бундай эҳтимол эса, жудаям яқин) унга байъат бермайман. Унинг салтанатини рад қиламан. У менга қарши, бор қўшини билан жангга кириши мумкин. Мен Ҳизбут Таҳрирдан Халифат чиқса. Унга ҳам итоат қилмаслигимни, аввалдан айтганман. Бу китобимда ҳам ёзаман. Агар мен ўлгунга қадар, шу Абдувоҳид ва ёки, бирорта хизбут Халифа бўлса, Мен улардан бароат эълонимни қилдим. Ўзини ҳаммадан ақлли ҳисоблаб, ҳаммага ақл ўргатувчилар, бефаросат одамлар бўлади. Сен кимсанки, мени ёзган матнни цензура қиласан?! Сенга ким бундай ҳуқуқ берган?! Сен сўзга чиқиб, сафсатани гапирганда, мен цензура қилмадимку сени. Сен менга имоммисан?! Устозмисан?! Кимсан?! Мендан ортиқ еринг борми?! Пулинг ортиқдир, биламан. Туркияда уйинг бор. Бойота деган, лақабинг бор. Бу пуллар бари, қаердан келганини ҳам биламан. Шу пуллар учун, менга ақл ўргатишга ҳақлиман десанг, адашибсан ошна. Мен сенга, мен билан нормал, тенг мақомда гаплашишни тавсия қиламан. Бундан бошқасига мен розимасман. Мени цензура қилма. Сенгамас, менга жим тур дейишлик. Суд залида, Судя ўтирибди. Агар лозим топса, у айтсин! Сен эмас! Мулла Абдувоҳид Йўлдошев сен мен учун, ҳеч ким эмассан! Шу матн бу китобга кириши керак эди. Мана кирди. Муридларинг етказса, ўқиб кўрарсан. Бу сен эккан уруғнинг мевалари деб, қабул қил!

Шунақа кимсалар Шириновнинг муқаррабларидан ҳисобланишарди. Булар гўёки, Обид қорига ҳам, яқин муқаррабинлардан эдилар. Уни отиб кетилишига, бу содиқ муридлар монеъ бўлполмадилар. Буларнинг бори йўқлиги, бир пулга қиммат эканлиги, кўриниб қолди. Обид қори қавмида хулқи одоби, нормал одамни ўзи йўқ эди. Бўлса, шу бир Абдуллоҳ дегани бор. Муомаласи ва одамгарчилиги бор одам, шу халос. Қолгани бир пулга қиммат ҳаммаси. Радикаллар ҳаммаси, Обид қорининг Швециядаги тарбиясини олган муридлари бўлиб, улар ичида на динни ва одамгарчиликни биладигани йўқ эди. Буни улар билан муомала қилиб кўрган одамлар, яхши билишади. Муҳиддин Ширинов Обид қорининг муриди эмасди. У умуман, бошқа ердан келган шахс эди. Муҳиддин Шириновни ўлса, ўлиги ортиқ мен учун Обид қори муридларидан. Лекин, мен Муҳиддин Ширинов манҳажига қаршиман ва бу китоб, уни эшакка йўллаган саломи учун, уларга раддия сифатида ёзилаяпди. Шириновга қаршиман ва лекин, у менга наригилардан кўра, ҳурматлироқдир. Шуни англаб олинглар! Мен сизларни, ўн йил ўргандим ва кимлигингизни биламан. Эртага ўлсам, ҳамманг хурсанд бўлиб, лаънатлар айтасиз ортимдан. Майли айтинглар. Лекин, шунда ҳам, шуни биламанки, Муҳиддин Ширинов айтмайди. У мени яхши кўрганидан эмас. У табиати шунақа, яхши одам. Унда сизлардаги каби, захар йўқ. Бу сифатлар унинг ижобий хусусияти ва назаримда, айнан шу сифати, унинг заиф нуқтасидир.

Ширинов қавмидаги ихтилофлар

Ҳар қандай жамоатни бузилиши ва парчаланиши албатта, у ердаги одамларнинг кўз қараши ва ақидаси, бир хил эмаслигидан келиб чиқади. Буни мисоли Пайғамбар алайҳиссаломдан бошланган. Мунофиқлар ўша пайтдаги мусулмонлар билан, бир хил дунёқарашда эмасди. Лекин, улар шулар орасида юришга мажбур эдилар. Вазият тақозоси шу эди. Улар ўзини ошкора қилолмасдилар. Нифоқ қалбда бўлади ва ошкора бўлмасада, доим ўз эгасини бошқариб туради. Қалдаги нарсани ошкора қилиш учун эса, Муҳит лозимдир. Муҳит бўлмаса, қалбдаги нарсалар, яширин ҳолда қолаверади ва қалб эгалари мунофиқ бўлиб, сўзи бошқа ва амали бошқа бўлиб, юраверадилар. Мулла Шириновда ўзининг жамоаси йўқ эди. У Обид қори жамоасига келиб, вазият тақозоси билан, бошқарувга чиқиб қолди. Обид қори ҳам бу жамоани Швецияда жамлаб, тарбия қилмади. Уларни Тошкентдаги давридан топган эди. Бирга келгани учун ҳам, жамоат пайдо бўлди. Агар шу ерни ўзидан, жамоат қиламан деса, албатта, қилолмасди. Муҳит бунга йўл бермасди. Муҳиддин Ширинов ҳукмронлиги даври, қавмидаги радикаллар ва либераллар тўқнашувига, тўғри келган пайтлар эди. Муҳиддин Ширинов радикалларни панду насихат билан, ўзини йўлига сола олмасди. Уларга гапи ўтмасди. Радикаллар табиатан қизиққон одамлар бўлиб, кўпроқ эмоция билан иш қилишади ва аксари илмсиз бўлади. Маълумки, эмоция тез сўнувчи ва ўзгариб турувчи бўлади. Булар табиатан тошбағир ва қаттиққўл, одамлар бўлиб, агар динга кирмасалар, албатта ўғри, босқинчи бўлиб кетишарди. Лекин, шунақалар диндор бўлса, албатта аввалида динни қаттиқ ушловчи, ўта радикал бўладилар. Лекин, уларда барқарорлик бўлмайди. Улар тезда совиб қолишади. Қанчадан қанча радикалларни, орадан вақтлар ўтгач, бенамоз бўлганини ва ҳатто, динини ўзгартириб, христиан бўлганини биламиз. Уларнинг аввалдаги радикаллиги ҳам, тақвонинг кучлилигидан эмасдир. Фитратидан, эмоцияси тошганидан эди. Исмоил билан Зиёд, Сурияга бориб, видеога тушганида, айна шу фитрат талабини қондиришганди. Зеро, улар у ерда қолиб, жангда шаҳид бўлишни исташмасди. Улар Швециядаги маишатли ҳаётни, жиҳодда ўлса, шаҳид бўлиб, эга бўладиган жаннатга алмашмасдилар. Шунинг учун ҳам улар, ортига қайтиб келишди. Бу бир сайру саёҳат эди, халос. Бойота ҳам, агар шу ерда ишлаб, пул топиб, уйда тили қисик бўлмаганида, Вагон Будкани пулини тўлашга қодир бўлганида эди, албатта, унга Халифат қуришлик, унчалик «муҳим» бўлмасди. У бу ерда, йўлини тополмади. Мияда алиф йўқ эди. У Ироққа бориб, қолиб ҳам кетмади. Жони ширинлик қилиб, Туркияга қайтиб келди. Энди унга Швеция паспорти керак. Пул керак. Бу ерга келиб, бола чақасини ва невараларини кўришни истайди. Энди, унга шу керак халос. Халифат кераги йўқ. Лекин, у шу нарсалар борида, қадрига етмади. У шунақа аҳмоқ одам эди. Бошқа радикаллар ҳам, ҳаммаси шундай. Ҳожи Эшак дегани ва Зиёд ва Фарҳод, ва бошқа радикаллар ҳам аслида, шундай одамлардир. Мен радикал деганда, Мужоҳидларни назарда тутмайман. Зеро, мужоҳидлик ва радикаллик бошқа бошқа нарсалардир. Мужоҳид дегани булар каби, қонхўр ва жаллод одам бўлмайди. Тохирвой табиатан, жохил одам эди. Баджаҳл ва сиёсий саводсиз одам эди. Унинг жамоати куч билан, қилич билан ушлаб турилди. Мазхабга кирасан деб, кўп одамга зулмлар қилинди. Ваҳолонки, айна шу нарса, динда йўқ эди. У буни ўзининг баджаҳллиги сабабли қилди, халос. Унинг Салоҳиддин деган, жаллоди бор эди. Мусулмонларни пичоқ билан сўядиган қотил эди. Кўп одамларни жосусликда гумон қилиб, ўлдирдилар. Радикаллар жиҳод қиламиз десалар, натижа шу бўлади. Жиҳод ҳам бир ибодат. Уни Аллоҳ буюргани каби, ва Аллоҳ розилиги учун қилиш керак. У ўйинмас ва суратга тушиб келадаган, жой эмас. Жонидан кечишга тайёр одамлар, жиҳодга киради. Жонидан кечишга тайёр бўлишлик ҳам, одамдан анча нарсани, талаб қилади. Бунга одам руҳан тайёр бўлиши керак, бўлади. Буларда на ақидавий, на руҳий тайёргарлик йўқ. Булар маишатда юрган одамлар эди. Улар у ердаги дуч келадиган машқатларга, руҳан ва жисмонан тайёр эмас эдилар. Сал дўппи тор келганда, қочиб қолишди. Ўзи аслида, ИШИДчилар пайдо бўлиши ва йўқ бўлиши ҳаммаси, нотабиий бўлди. Ислом уммати жоҳиллари, ким байроқ кўтариб чақирса, эргашиб кетаверадиган одамлардир. Бунақалар тинч жамоатни ҳам, ичидан бузадилар. Ўзлари ўша ерларга бориб, жон фидо қилишни исташмайди.

Бу ердаги вазиятни ишдан чиқариш учун, фитна фасодларни тўхтатмайдилар. ИШИДни қонхўрликлари туширилган видеолар тарқаларди. Булар уни мухокама қилишар ва бир бирларига жўнатишарди. Уларга ҳавас қилишар ва мазлумларга ачинишмасди. Ваҳолонки, ИШИД фақат, мусулмонларни қатл қилган гуруҳ эди. Улар такфирчилар эдилар. Мусулмонни кофир деб, кейин ўлдирардилар. Уларга Швециядан пуллар ҳам жўнатилган. Азамат йигитлардан бири, Туркияга машинада йўлга чиқади. Унга Стокхольмдан биттаси бир компьютер бериб, "шуни Истамбулда фалончига бериб қўйинг" дейди. Азамат йигит, йўлда қўшиқни айтиб, Туркия чегарасигача етиб боради. Шу ерда уни компютерини олиб, ичини очишади. Не кўз билан кўрсинки, у ерда 200 минг швед кронаси нақд пул бор эди. Чегарачилар пулни олиб қўяди. Азамат йигит, бу пулни борлигини билмасди ҳам. У пул ким томонидан, кимга юборилгани менга маълум бўлсада, бу китобга номларини, киритмаслигини маъқул топдим. Пулни эгасига нисбатан, ҳозир ҳам, ҳурматим борлиги учун шу ерда, бу қиссани тўхтатдим. Шуни биламанки, радикаллар нафақат бошқаларни ишончини суистеъмол қилади. Улар мусулмонларни, бошқалар кўз олдида кадрсизлантирувчи кимсалар ҳамдир. Бунга мисоллар сон мингта.

Ширинов Мёлбуга кўчар экан, у ерга Стромсунддаги радикаллар келмаслигини хоҳларди. Лекин, Шириновда ресурс йўқ эди. У бу қишлоққа ким келадию, ким келмаслигини назорат қилолмасди. Бунақа имконият, Обид қорида ҳам йўқ эди. Бунақа салтанат, Тохирвойда бўлган. У жамоатидагиларни, қаттиқ назорат қилган ва қаттиқ жазолаган. Булар бундай қилолмайдилар. Бу ерда Швед ҳукумати бор эди. Аросатда қолганлар тоифаси, бир одамга эргашмаса ўзларича яшай олмайдилар. Радикалларда ўзларини имоми бор. Либералларда, ўзларининг лидери бор. Аросатдагиларда йўқ. Шунинг учун аросат аҳли ҳам, Мёлбуга қараб йўл олди. Радикаллардан баъзилари ҳам, у ерга кетди. Гарчи, уларни келишини Ширинов истамасада, улар у ердан жой топиб, жойлашиб олишди. Ана шунда, бу радикаллар билан Муҳиддин Ширинов қавми орасида, яна ихтилофлар ва келишмовчиликлар пайдо бўлди. Мана шу жанжаллар оқибатида, Муҳиддин Ширинов томондагилар камайиб кетди. У томон кўпайиб кетди. Оқибатда, Муҳиддин Ширинов салтанатига путур етди. Охири у иқтидордан қулади. Бу радикаллар билан Ширинов ихтилофи қиссасига, алоҳида тўхталамиз. Муҳиддини қулашига, унинг яқин дўсти ва акаси мулла Тохир (Абдуллатиф қори) ҳам бевосита кўмаклашди. Айнан у бу радикалларни, бу ерга келишига изн берганди. У келишга рухсат бермаса, улар бу ерга келишмасди. Унинг ўзи эса, Муҳиддин Ширинов каби, стратегик фикрловчи шахс эмасди. У киши анъанавий муллаларнинг, типик вакили эди. У кишида, сиёсатдан асар йўқ эди. Шунга яраша, фирибгарлик ҳам йўқ, содда одам эди. Маълумки, содда одамлар бошқарувга келса, фалокат юз беради. Бу зоти бобаракот ҳақида, ўз жойида яна, алоҳида гапираман.

Мёлбудаги забардаст уламолар

Тохир қори, Муҳиддин Ширинов командасидаги кадрлардан биридир. Унинг ҳукуматидаги, диний бошқарма раисидир. Умуман олганда Мёлбуда, «забардаст уламолар» деб, номланган уламолар гуруҳи бор. Улар маърузалари соундклоунд сайтига юкланган ва у ерда, алоҳида саҳифада турибди. Мен бу уламоларни 2017 йилда кўриб қолдим ва улар ҳақида бир мақола ёзгандим. Қуйида шу мақолани ўқинг.

Диққат янгилик! Қадрли саҳифамиз мухлислари. Мен сизларни диққатингизга ҳавола қилмоқчи бўлган янгилик шуки, Қуйидаги линкда <https://soundcloud.com/zabardastulamolar> «забардаст уламолар» номли интернет радио очилибди. Мен янги деяётган бу интернет радиода 561 овозли файл юкланган экан. Яъни, бу дегани бу интернет радио, икки уч йилдан бери фаолият қилаётганига далилдир. Бу забардаст уламолар ким экан деб, қарасам, биттаси менга эскидан таниш бўлган, Қашқадарёлик ёки Навоийлик туркияда яшовчи, шайх Абдуллоҳ номли йигит ва яна бири бугунги Мёлбу қишлоғи имоми бўлиб турган, Тохир қори экан. Бу кишиларнинг забардаст уламолигига, шак шубҳа йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмас

албатта. Лекин, шундай бўлсада, камтарлик юзасидан бу радиога бошқа ном қўйсалар, албатта яхши бўларди деган, фикрдаман. Лекин, нима бўлгандаям, мен бу қориларни бир пайтлар ўз саҳифамга, у бу масалани муҳокамаси учун таклиф қилганман ва гаплашганман. Мен Туркияда юрган булар каби, яна бошқа кўплаб, «забардаст уламолар» борлигини билардим. Лекин, улар алоҳида интернет радио очиб, гапираётганидан беҳабар эдим. Бундан энди хабар топдим. Дарҳақиқат «забардаст уламолар» жим туришмаётган ва жиддий мавзуларда гапираётган эканлар. Мен Тоҳир қори гапираётган мавзуларни қисқача рўйхатини ҳам келтириб ўтмоқчиман:

00-Таҳовия ақидаси: Эътиқодни тузатишнинг аҳамияти 01-Таҳовия: 1-3 матнлар 02-Таҳовия: 4-6 матнлар 03-Таҳовия: 7-9 матнлар 04-Таҳовия: 10-12 матнлар 05-Масжидга келиш ва қиблага юзланишлик 06-Такбир 07-Намозга киришиш 08-Аллоҳдан шайтоннинг ёмонлигидан паноҳ сўраш ва қироатдан таъсирланиш 09-Унутилган неъматлар 10-Меҳрибон ва раҳмли, Қиёмат кунинг подшоҳи 11-Агар қалб тирик бўлса 12-Ибодат қилишликни ёрдам сўрашдан муқаддам қилмоқ 13-Ҳидоят ва тўғри йўл 119 14-Ҳидоятга кўра инсонлар уч турда бўлишади 1 5-Аллоҳнинг ғазабига тушган ва адашганларни йўлларига эргаштирма! 16-Намоздаги рукуъ 17- Намоздаги рукуъ (2) 18- Намоздаги рукуъ (3) 4-дуо 19-Рукуъдан тургандаги ҳолат 20-Намоз гапирган пайтда 21-Саждалар дастурхонида 22-Саждани 6 вазифаси 23- Саждани 6 вазифаси (2) 24-Икки сажда орасидаги ҳолат 25-Ташаххудга ўтиришлик ва аттаҳиётнинг маъноси 26-Пайғамбаримизга саловат айтишлик

Ҳозирча бу радиога юкланган Тоҳир қорига тегишли файллар, мана шулардан иборат. Абдуллоҳ эса, усули фикрдан 15 минутлик дарслардан, юзтадан ортиқ дарс қилган экан. Бу мавзу оддий оми халққа қанчалик муҳимлиги, менга қоронғу. Шунингдек, уни яна бошқа мавзуларда, анчагина маърузаси мавжуд. Бу «забардаст уламолар» сафига яна, Абдували қори Мирзаев дарсларидан қисқача 5 ё 10 минутлик қилиб, анчагина юкланган. Яхши «забардаст уламолар» жумласига у кишини ҳам қўшишибди. Бу учун уларга алоҳида ташаккур айтаман. Шунингдек, у ерда Обид қори Назаров маърузалари ҳам бор. Лекин, Обид қорини устози, шайх МСМЮ маърузалари бу ердан жой олмаган. Яна кимлиги менга номаълум бўлган «забардаст уламо» пайғамбарлар қиссасидан гапирган. Бу ерда Содиқ Самарқандий маърузалари йўқ. Уни нега «забардаст уламолар» сафига киритишмагани, менга қоронғу албатта. (бу менга кундек равшан аслида) Шунингдек, бу ерда марҳум Абдуллоҳ Бухорий маърузалари ҳам, мавжуд эмас. Булар ўзлари алоҳида интернетда сайтлар очиб, фаолият қилишган ва қилишяпти. Бу «забардаст уламолар» билан, улар манҳажда ихтилоф бўлиши ҳам мумкин?! Шунга улар бу ерга киритилмаган бўлсалар эҳтимол?! Бу уламоларни забардастми ёки, зеридастми, унинг мезони нималиги ҳам аниқмас. Хуллас, ўқувчилар бир кириб кўришга арзийдиган бир сайт очилибди. Бу радионинг тепасида эса « ! . Эй Пайғамбар Сенга Роббингдан нозил қилинган нарсани етказ Агар шундай қилмасанг Унинг элчилигини етказмаган бўласан Аллоҳ сени одамлардан сақлайдир , . . Албатта Аллоҳ кофир қавмларни ҳидоят қилмас , .» (Моида 67) ояти ёзиб қўйилган. Яъни, бу оятда мазмунига кўра Аллоҳу Таоло Расулига Ўзи нозил қилган ҳақни етказишни буюряпти. Ва Пайғамбарларга ворисмиз дейувчи «Забардаст Уламолар»га ҳам, бу вазифа мерос бўлиб тушади. Шунинг учун, улар ҳам ҳақни етказишлари лозимдир. Бу радио тепасига, шу оятни қўйилиши ва кейин юқоридаги мавзуларда маърузалар қилиниши, шу оятга амал қилинаётганига «далилдир» гўё. Албатта, умматга улар беҳабар бўлган, улкан ҳақиқатлар етказиляпти. Бу муҳим мавзуларда шу «забардаст уламолар» гапирмаса, бу уммат залолатда кетиши шубҳасиздир. Бу албатта катта янгиликдир. Бу нарсани ими жимида қилмасдан, оммага ошқора қилишлик лозим. Шу мақсадда мен, бу мақолани ёзаяпман. «Забардаст уламолар» радиосига омадлар тилаб қоламан. Фақат уларга битта эслатмам шуки, бу радио номини ўзгартириш керак. Чунки, бу иддаога далил исбот сўрайдиган, битта яримта аҳмоқлар чиқиб қолиб, сизларни бошингизни оғритиши мумкин. Ёки, ўзларини уламолигини билдириб туришлик лозим дейишса, у ҳолда ўзларинг биласиз. Хуллас, ўзбек халқи ҳеч қаердан ололмаётган «ўта муҳим» маълумотларни, шу янги интернет радио орқалик, олиш имкониятига эга бўлишди. Бу эса шубҳасиз катта ютуқдир!

20.03.2017

Демак, юқоридаги саҳифада «Забардаст Уламолар» маърузалари жамланган бўлиб, Тохир қори улардан биридир. Бошқаларига ҳам алоҳида, тўхталаман. Бу Ҳозир Тохир қори ҳақида қисқа таништирув қиламиз. Камина бу зоти шарифни таниганимга 10 йилдан ошди. Агар у киши Абдували қорини шогирди бўлмаганида, тасодифан унга учраб қолмаганида эди, у албатта, яхши сарой муллеси бўларди. Афсус, у киши ҳозирча, бу имкониятдан маҳрумлигича қолмоқда. Камина у кишини фақат, яхши тарафдан биламан халос. Шунга, бу ёзаётганларимни ўқиганлар, мени тош бўрон қилишмас деган, умиддаман. Мен яшаган бир қишлоқда Камолиддин деган, дунган миллатига мансуб, бир йигит бор эди. У Тошкентда туғилиб ўсган бўлсада, Бойота уни хитой дерди. Тошкентликлар ўзларидан бошқани, асло қабул қилмайдилар. Бойота мени қорақалпоқ деб, чақирарди. Булар бари, камситишлик учун айтиларди. Менинг миллатим эмас, ўзим Қорақалпоқдан бўлганим учун, шунақа дерди. Агар миллатим қорақалпоқ бўлганида ҳам, бу айб бўлмаслиги керак эди. Одамлар бари, бир ота онадан тарқалганлар. Ким қайси миллат эканини, фарқи йўқ. Аммо, булар учун, катта фарқи бор эди. Ўша Хитой, аввал Стромсундга ва кейин, Мёлбуга кўчганди. У билан салом алигимиз бор эди. (Ҳозир, у ҳам гаплашмай қўйди) У қизини узатаётганда, мени тўйига таклиф қилди. У пайтда ҳали Мёлбу мени оқ қилмаган ва баъзи танишларим, тўйга айтишарди. Мен бордим. Тўйхонага Камолни машинасида кетдик. Хуллас, тўйда ҳар доимгидек, Тохир қори катта минбарда. Ёнида бефаросат ўтирибди. Булар жойи, доим шу ер эди. Мени авомлар ўтирадиган, бир столга ўтқазиди. Атайлабми, тасодифми, у ерга Мулла Ширинов ҳам келди. Шунисига эътибор қилганманки, Мулла Ширинов минбарда ўтирмасди. У хизматда юргани учунми ё, бошқа сабабми билмадим, минбарпараст эмасди. Хуллас, биз ўтирган столда, ҳар икки томонида тўла одам ва мени рўбарўимда Ширинов ўтирди. Энди икки уч йилда, бир учрашадиган одамларни кўрганда, одам салом алик қилсан ва у ёқ бу ёқдан гаплашсан. Қолаверса, биз тўйга келгандик. Одоб ахлоқдан дарс эшитишга эмас. Тохир қори маъруза бошлади. У намозни масжидда ўқимаганлар мунофиқ ва бошқа деб, шунақа ҳадисларни айтиб, бу ўтирганларни масжидда ўқишга чақирарди. Мен бу масалада Шириновга қараб, Ўртоқ Ширинов мен масжидда ўқимийман намозни. Мунофиқ бўлдимми? дедим. У менга у бу нарсалар деди. Хуллас, мен унга менга ҳам, микрофон беринглари ва мен бунга раддия билдираман дедим. Бизни шов шувимиз, атрофга эшитиларди. Бефаросат микрофонни олиб, Эй Муҳиддин, жим ўтиринглари! деб бақирди. Шириновга эмас, у менга айтаётганди. Лекин, менинг номимни эмас, Шириновни номини тутиб гапирди. Мен Шириновга қараб, жумада маъруза пайти, жим ўтириш вожиб эканини билардим. Сизларни тўйда ҳам, жим ўтириш керак эканда? дедим. Менга керакмас маърузаларинг деб, тўйхонадан чиқиб кетдим. Шу ердан уйга кетмоқчи эдим. Уйим минг километр узоқликда эди. Лекин, машинам Хитойни уйда қолганди. Ширинов ортимдан чиқиб, мени овқат еб кетинг деб, анча гапирди. Мен унга, бу тўйда нима кераги бор, бунақа маърузани? Ким кофир ва ким мунофиқи эканини, шу тўйда айтиш шартмиди? дедим. Тўйда, ҳамма хурсанд бўладиган нарсалардан гапириш керакмасми?! Хуллас, Муҳиддин гапингиз тўғри у бу деди. Мен пиёда кетолмаслигим учун, қайтиб тўйхонага кирдим. Бир бурчакда ўтириб, овқат еб, чиқиб кетдим. У ердан Камолни уйига бориб, кейин, машинамда уйга кетдим.

Менинг Тохир қорига эътирозим шуки, у бу ҳадисларни бизни воқеъликка тўғрилаб гапираяпди ва бу иши хато. Бу ҳадислар саҳобалар яшаётган, Мадина шароитида айтилди. Масжидда намоз ўқимаган мунофиқ деган, ҳадис айтилган пайтда, Мадинада шу мунофиқилардан бошқа ҳаммаси, намозни масжидда ўқишарди. Бугун биз куфр диёридамиз. Биз кечаю кундуз ишдамиз. Мен автобус ҳайдайман. Автобусчилар билади, намозлар ўқиш қанчалик муаммолигини. Одамларни куттириб, қўйиб, Намоз ўқиб бўлмайди. Мен ҳар куни иш қоғозига қараб, қайси намозни қаерда ўқийман экан деб, режа қиламан. Намоз ўқишни жуда мушкул иш бўлиб, буни ишлаб кўрмаганлар билмайди. Булар аксари социалда ўтириб, давлатдан пул олиб, масжидда намозни ўқиб, масжидга бормагани мунофиқ дейишади. Ваҳолонки, мен намоз учун икки марта, ишдан ҳайдалганман.

Фақат, шу намоз ўқиганим учун! Мен намоз учун, турмаларда калтаклар еганман. Турмада шу намоз ўқиган учун, калтаклашарди. Булар ё қамалган эмаслар, ё хали ишлаб пул топмаганлар, масжидда намоз ўқиб, кейин бошқаларни мунофиқ дейишлари тўғрими?! Текинхўр бўлиб, муттаҳам бўлиб, масжидда намоз ўқигандан, менга ўхшаб, ишлаб пул топиб, намозларни югуриб, у ер бу ерда ўқиб юрган афзал эмасми?! Мана ҳозир, шом кечки, 23, хуфтон 24 ва бомдод тонги 2 да бўлади. Соат бешда ишга кетишим керак. Қачон ухлайман?! Масжидга қачон бораман?! Сахобалар шунақа пайтида, масжидга борармиди?! Аксар масжидга борадиганлар ишламайдиган одамлардир. Яна бошқаларни, ишда юриб, бормагани, маломат қилишади. Сизлар масжидга, биров кўрсин деб борасизми? Мёлбу қавми Тохир қорини ғазабдан кўрқиб, масжидга бориб, намоз ўқиши мумкин. Лекин, намоз Тохир қори учун ўқилмайдими?! Намоз учун, бу дунёда на мукофот ва на жазо йўқ. Намоз учун нима бўлса, қиёматда бўлади! Масжидга, у бу қори ака кўрсин деб, борилмайди. Минг йил одинги, бошқа бир шароитда айтилган ҳадисни, бугунги шароитга мослаш хатодир. Бизга ўзимизнинг шароитдан келиб чиқиб, фатво бериш керак! Биз куфр диёридаги оз сонли мусулмонлармиз. Бу масжид дегани ҳам, бирорта уйнинг ертўласи. Расмий масжид эмас. У ерга бориш ва бормаслик, юқоридаги ҳадисларга қанчалик мувофиқ бўлади?! Замон ва маконга қараб, фатво берилмайдими?! Агар шуни айтиш шарт экан, тўйда айтиш керакмиди?! Хўп, айтишган экан, унда бошқа, алтернатив фикрга ҳам қулоқ солиш керакмасмиди?! Нега энди авом, фақат у кишини талқинини эшитиши керак?! Шу ҳадисларга доир, бошқа фикрни айтиш мумкинмасмиди? Менга сўз беришмади. Чунки, казо казолар обрўсига путур етиб қолишидан кўрқийди. Бу нарсалар бари тўйда бўлди. Шундан сўнг мени, тўйга айтмай қўйишди. Тохир қори, муҳолиф фикрга тоқатсиз одам эди. Унинг фикрига қарши фикр айтилишга, тоқат қилолмасди. У Ширинов каби, «демократ» эмасди. У жим ўтириб, тинглайдиган аудиторияга, воизлик қиларди халос. Обид қори ҳам шундай эди. Ширинов эса, булардан фарқли ўлароқ, ҳаммани жим ўтирғизиб, фақат ўзи гапирадиган хилидан эмасди. У дискуссия қилишдан қочмасди. У микрофонни, бошқаларга ҳам берадиган хилидан эди. Наригилар микрофон кўлига тушса, то тўй тугагунча, бошқага бермайдиган хилидан эдилар. Агар бу маърузалар одамларнинг кундалик муаммоларига, тўғридан тўғри алоқаси бўлмаса, қандайдир абстракт нарсаларни гапирилса, бундай маърузани нархи бир танга бўлади. Уни биров эшитмайди. Қалбларга кириб бормайди. Нотиқлар шуни ҳисобга олишлари, жуда муҳимдир. Аммо, бу ерда бунга, биров эътибор қилмасди. Ҳеч кимда, эътироз билдиришга журъат йўқ эди.

Қаламнинг устунлари

Доктор Ширинов Мёлбуга боргач, у ерда Қалам жамоасини ташкил қилди. У 2011 йилдан то 2012 йил бошигача, Тохир қори билан бирга, ЎХХ сафида фаолият қилди. ЎХХ ҳам расво бўлиб, тарқалиб кетгач, булар ҳам уни сафидан чиқиб кетдилар. Доктор Ширинов ЎХХни тарк этгач, ўша ўзи аввалдан ўйлаб юрган лойиҳани амалга оширишга киришди. Бу Қалам номлик, жамият очишлик эди. Бу жамиятнинг аъзолари, дунёнинг турли ерларида яшашлари ва айна дамда бу жамиятга аъзо бўлишлари мумкин эди. Қалам сайтини эса, ўша маҳалла аъзолари тўпланадиган, виртуал чойхона сифатида очмоқчи бўлишди. Умумий мақсадларда чиройлик кўринган бу лойиҳа, амалда кутилган натижани бермади. Бу сайт Қалам жамоасини сайти бўлиб турибди. Лекин, у кўп минглаб одамни бирлаштирган ва турли нарсалар муҳокама қилинадиган, Форумга айланмади. Унга аъзолар томонидан юборилган материаллар, модераторлар томонидан қўйиб борилади. Цензурадан ўтмаса чоп қилинмаслиги мумкин. Уларда ички махфий цензура мавжуд бўлиб, бу Қаламнинг тутган позициясига зид бўлган бирор материал, сайтга чиқиши мумкин эмас эди. Қаламнинг позициясига келсак, диний жиҳатдан Қалам жамиятдаги ижтимоий мавзуларда фатволар берадиган сайт эмас. Улар ўзларини ҳанафиймиз деб, иддао қилувчи ва одоб ахлоқ мавзусидан нарига ўтмайдиган кимсалар, сайти халос. Унда ёшларни тарбиялашга доир, баъзи, зерикарли материаллар бор. Баъзи, воқеъа ва ҳодисаларга, қисқача муносабатлар ҳам бор.

Лекин, Қалам сайтида жиҳод, ҳижрат, Халифат қуришлик, Ўзбекистонда исломий вазиятга доир ва сарой муллаларига танқидий, бирорта нарса йўқ. Бўлиши мумкин ҳам эмас эди. Шу билан бирга Қаламчилар ўзлари мутлақо қарши бўлган, Ҳизбут Таҳрирни, Салафийликни, Жиҳодчиларни ва Толибонни ва шунга ўхшаган ислом оламидаги мавжуд диний гуруҳларни, танқид ҳам қилмайдилар. Сиёсий жиҳатдан эса, улар Ўзбекистон ҳукуматини, ҳеч қачон танқид қилишмаган ва қилмайдилар ҳам. Уларнинг сайтида мунтазам материаллар чоп қилувчи, асосан тўртта шахс бор. Бу тўрттасини, Қаламнинг тўрт устуни дейиш, мумкин. Бу тўрттасидан бошқалар ҳам, кам сонли у бу нарса юборган бўлиши мумкин. Улар Қаламнинг асосини ташкил этмайдилар. Бу тўртта шахснинг биринчиси М. Шириновдир. Унинг материалларида ҳам жиддий, диний сиёсий аналитик хабарлар мавжуд эмас. У асосан, у бу кимлар билан интервьюлар қилади. Ўзи борган еридаги бирорта нарсани тасвирга олиб, Қалам учун деб сайтига юборади. Ахборот хизматини бажарувчи каналлар сингари, ҳар бир материал охирида, Қалам учун деб қўйишади. Бу муаллифлик ҳуқуқини иддао қилишликдир. Ширинов Қаламнинг асосчиси ва юргизиб турувчи асосий шахсдир. Устунлардан яна бири Тоҳир қори (Абдуллатиф) деган, киши бўлиб, бу киши Мёлбудаги «забардаст уламолар»дан ҳисобланади. Мёлбу дегани, Обид қорини қавми яшайдиган қишлоқ номи. У ерда "забардаст уламолар" кўп бўлиб, шулардан бири Тоҳир қоридир. Бу зоти шариф, асосан бирорта диний мавзуда маъруза қилиб, шуни сайтга юбориб туради. Бу кишининг мисоли, паровоз қаёққа тортса, ўша ёққа кетадиган вагон мисолидир. У киши табиатан яхши одам бўлиб, агар диний илм эмас, бошқа дунёвий соҳада ўқиганида, албатта ўша соҳанинг, яхши мутахассиси бўларди. У билан учрашган ва гаплашган одам, уни яхши одам деган, фикрга келарди. У табиатан мулойим ва одобли одам эди. Унинг ягона айби, у паровоз эмас. Бу унинг табиатида йўқ. У вагон табиатли киши бўлиб, одатда вагонлар, паровоз тортмаса жойидан жилмайди. Ширинов эса ўз табиатига кўра, паровоздир. Тоҳир қорини атрофида, (Ҳизбут Таҳрирни, Жиҳодчиларми? Хуллас) бошқа жамоат бўлганида ҳам, у бемалол ўша жамоат вакили бўлиб фаолият қила оларди. Чунки, унда ўзининг шахсий қараш ва позицияси йўқ одамдир. Атрофида акрабийлар бўлса, у кишидан яхши акрабий чиқарди. Жиҳодчилар бўлса, у киши жиҳодчилар, уламози бўларди. Таблиғчилар бўлса, ундан яхши таблиғчи бўлмасди. Нурчилар бўлса, у киши нурчи бўларди. Унинг атрофида Ширинов бўлгани учун, у киши Ширинов ортидан эргашувчи бўлди. ЎХХга ҳам, унинг таклифи билан кирди. У билан бирга чиқди. Қаламга ҳам унинг таклифи билан кирди. Албатта, биргаликда чиқадилар. Хулласи калом Тоҳир қори ўз «қимматли» маърузалари билан, Қалам сайтини тўлдириб туришга хизмат қилаётган, Шириновдан кейинги, «забардаст уламолар»дан биридир. Устунлардан учинчиси, Обид қори Назаровнинг Саудияда ўқийдиган ўғли, Муҳиддин Назаровдир. Бу йигитни мен кўрмаганман ва гаплашмаганман. Билишимча, у киши уламои киромликка даъвогар шахслар, жумласидан бўлиб, Саудияда ўқиган. Уни Қаламдан бошқа бирор жойда, бирор нарсаси борлигини мен билмайман. Докторми, профессорми, унисини ҳам билмайман. Билганим шуки, у Ўзбекистон ҳукумати ва сарой муллаларига нисбатан тутган позициясида, Ширинов билан бир хилдир. Диний қарашларини ҳам, билмайман. Билганим шуки, у ҳам Ҳанафийликни иддао қилади. Шириновга маъқул жиҳатлари кўплигидан бўлса керак, уни ҳам қаердандир топиб, Қаламга материал бериб туришга кўндиришган. У ҳам Қаламнинг мунтазам корреспондентига айланган. Ёзадиган нарсалари, асосан одоб ахлоқ мавзуси бўлиб, жиддий сиёсий, диний мавзуларга кирмайди. Тарихий шахсларни одобини ёзиб, шулардан ўрнат олишга чақиради. Диний фатволарини кўрмадим. У Менга ёзган бир комментига, мен берган аудио жавобимни матнини ҳам, юқорида ўқидинлар. Қалам устунларидан яна бири, Шириновни акаси деб, номлаганим бефаросат кимсадир. Бу кимса Ширинов билан, одоб ахлоқдан қатор суҳбатлар қилган. Буларни сафсатасини биров эшитиб, одобли бўлишига катта шубҳам бор?! Лекин, шунақа нарсалар билан, Қалам сайти тўлиб турибди гўё?! Бошида катта дабдаба билан бошланган бу ҳаракат, кутилганидек натижага эришмагани, кўриниб турибди. Бўлиб ҳам, бу ерда асосий битта мақсад бўлган ва ўша мақсадга эришганлари аниқ. У ҳам бўлса, бу тўртта устун, ўзларини Ўзбекистон ҳукумати ва сарой муллаларига нисбатан дўст эканликларини ва экстремист ва террорист эмасликларини, ДХХга билдиришни, зимдан мақсад қилишган.

Шу мақсадига етганлари аниқ. Чунки, ДХХ буларни ҳам албатта, кузатиб боради. Булар ҳақида, ўзининг хулосасини чиқаради. Самарқандий ва Зуфарни экстремист деб, қидирувга берилган бир пайтда, аҳли Қаламни, ҳеч ким қидирмаяпти. Мана шуниси, Қаламчиларнинг асосий «ғалабаси»дир. Бировларга таъсир ўтказиш, уларни тарбиялаш ва динни ўргатиш каби, мақсадига булар бу сайти билан, етмасликлари аниқ. Бунақа мақсад аслида, асосий мақсад ҳам эмас. Асосийси, ДХХни тинчлантиришлик. Уларга ўзларини дўстлигини билдиришликдир! Бу мақсадига Қаламчилар тўла эришган деб, ўйлайман. Энди иккинчи қадам ўлароқ сарой муллалари билан дўстлашиш ва улар орқалик ҳукумат мулозимлари билан, алоқаларга ўтишдир. Бунга ҳам ҳаракатлар бошланган. Натижаси эса, вақт масаласидир.

Ҳасан ака ҳақида

Мёлбудаги забардаст уламолардан яна бири, Ҳасан (Ҳошимжон) акадир. Албатта, забардастлар ичида, биринчи рақамлиси Обид қори Назаров бўлади. Ундан сўнг Тоҳир қори бўлса. Учинчи ўринга Ҳасан акани кўямиз. Бу ўлчовлар нисбийдир. Ҳасан ака рақами биринчи ёки, иккинчи бўлиши ҳам мумкин. Ҳасан ака забардастликда, Обид қоридан ҳам устун бўлсада, ўзи табиатан камсуқумлиги учун, Обид қорини устоз деб билади. У кишига ўзини эргашувчи ҳисоблайди. Шунингдек, катта ўғлига, уни қизини келин қилган, қудаси ҳисобланади. Маълумки, тенг тенги билан ва тезак қопи билан дегандек, бу уламои киромларнинг қудалари ҳам, уламолардан бўлади. Куёв ёки келинлари ҳам, шу тоифага мансуб бўлади. Қуда андачиликдаги бу ўлчов, азалдан мавжуддир. Давлат раҳбари ҳам ва бошқа давлат мулозимлари ҳам ва оддий авом ҳам, шу асосда қуда андачилик риштасини боғлашади. Бу синфий ажралишнинг бир тури бўлиб, ҳар тоифанинг ўзининг тенги борлигини кўрсатиб туради. Ҳасан ака илмни кимса бўлишига қарамасдан, на масжидда маъруза қилади ва на интернетда сайт очиб, даъват қилади ва на бирор нарса ёзади?! Унда бу жиҳатдан, ҳеч нарса йўқ. У уйида шогирдларига дарс берувчи, илм аҳлидан халос. Гарчи, ақидаси соф бўлсада, минбарда маъруза қиладиган одам эмас. На бирор издихомда сўзга чиқиб гапиргани ва на одоб ахлоқдан маъруза қилгани, менга маълум эмас. Мутлақо махфий одам. Гарчи, ўғиллари қори бўлсада, молу дунёси кўп бўлсада, анави бефаросатга ўхшаб, кечаю кундуз интернетда ўтириб олиб, ўзини оиласини реклама қилмайди. Ваҳолонки, бунинг ўғилларини фазилати, бефаросатнинг болаларидан, юз чандон юқоридир. Лекин, Ҳасан акада реклама хусусияти нўноқлигидан, бу томонлари ҳалигача, авомга номаълумлигича қолмоқда. Қизиғи шундаки, ўғиллари ҳам гарчи, уламои киромликка даъвогарлардан бўлишсада, масжидда кичик доирада, у бу нарсаларни гапиришсада, отасига ўхшаб, махфий одамлардир. Буларда ўзининг оиласини ва пулини реклама қилиш сифати, мутлақо йўқ. Лекин, авом уларни таниб билиб, ҳурмат қилишади. Ҳасан ака гапирганда оддий ва содда одамга ўхшаб гапиради. У башарасини ақлик қилиб, сохта гапларни ишлатиб, одоб ахлоқдан дарс бермайди. У билан гаплашганда, авом халқнинг вакили билан гаплашаётгандек бўласиз. У гапирганда, гапни тагига гап қўйиб гапирмайди. Биринчи рақамли уламога ўхшаб, гапириш услубида, гапни тагидаги гап билан, рақибига зарба бермайди. Асосийси, гапини ичида заҳари йўқ. Очиқ ва оддий ва содда одам. Айни шу хусусияти унинг ютуғидир. Гапни тагига гап қўйиб, чақиб олиш эса, уламоларга хос бўлган фазилат эмас. Бу биз авомга хос, иллатдир. Аммо, бу иллат уламои киромларда ҳам, топилади баъзан. Ҳасан акада ижобий сифатлар кўп бўлсада. Унинг бир илллати бор. У гарчи илмни бўлсада, авомни ҳаққа даъват қилмайди. Гапирмайди. Ундан бировни танқид қилувчи, гап эшитмайсиз. Мақтовни ҳам, эшитмайсиз. У ҳеч бир диний тоифага, қарши эмас. Лекин, дўст ҳам, эмас. У ҳукуматни ҳеч қачон танқид қилган эмас. Мақтаган ҳам, эмас. У авомни ҳаққа чорлаган ҳам, эмас. Залолатдан қайтарган ҳам, эмас. Лекин, у илмни одам. Илм агар пайғамбарлар мероси бўлса, дунёда жимгина, бир чеккада яшаб, ўтиб кетган бирорта пайғамбар бўлган эмас. Улар доим авомни тавҳидга чақирган ва шу йўлда тинмай курашиб, ўтган шахслардир. Ҳасан акада бу сифатлар йўқ. Илм бор. Ахир илм, ўша сифатлар бўлишини тақозо қилмайдими? Бу одам ахлоқи жиҳатидан ёмон одам эмас.

Лекин, илми бўлмаганда, уни комил инсон дейиш, мумкин бўларди. Шу илми борлиги, унга нуқсон бўлиб турибди. Чунки, илми бўлган одамнинг, бунақа махфий ҳаёт кечирishi, айна нуқсондир. Пайғамбарлар йўли эмасдир. Валлоҳу аълам.

Бунга Ҳасан ака муносабат билдириб, қуйидаги қисқа бир хатни йўллабди.

Ҳасан аканинг жавоби

: Assalamu alaykum va rahmatulloh! السالم عليكم ورحمة هلا Мухаммад солих яхшимисиз, соғлиқларингиз, ўғлингиз, аҳлиянгиз тинчмисизлар? Аллоҳ ҳамиша офият берсин! Мен ҳақимда фесбукда мақола ёзибсиз, мақтовларингиз учун раҳмат! Лекин бироз ошириб юборибсиз Аллоҳ гуноҳларимизни кечирсин!

بما يقولون ۞ اللهم اجعلني خيرا مما يظنون والتواخذني

Ва танқидингиз ҳам ўринли. Бунинг учун раҳмат. Айтганигиздек менда, оммани олдида гапириш қобилияти йўқ! Лекин тор доирада дарс беришда эса Аллоҳга шукр, бироз қўлимдан келади. Хатто шу даражадаки бошим қаттиқ оғриб турса ҳам, дарс айтсам бош оғригим йўқолиб кетади. Бу менга раббимнинг буюк неъматларидан Алхамду лиллаҳ! Гапларингиз тўғри, камчилик нуқсонларим кўп, шунинг учун ҳам истиғфорга буюрилганмиз. Раҳмат саломат бўлинг! السالم عليكم ورحمة هلا

Hasan Abo Bakr

Ҳасан ака бу жавобда нақадар камтарлик қилгани кўриниб турибди. Асосийси, у киши менинг танқидимни, ўзига ҳақорат деб, қабул қилмади. Баъзи бировларга ўхшаб, муридларини, менга қарши жангга ташламади. Бу жуда муҳим хусиятдир. Бу киши кабилар, ўзбек уламолари орасида жуда камдир. Аксари менинг ёзган хатларимга, жавоб ҳам беришмайди. Ўзларини осмондаги ой каби, тутадилар. Шунақа кибрилардан бири, Обид қорини ўғли Довуд Назаров бўлса, иккинчиси унинг акаси, Муҳиддин Назаровдир. Уларга ёзган очиқ хатларимга, ҳалигача жавоб беришмади. Уларга танқид ёқмайди. Уларни фақат мақташлик керак, халос. Ҳасан ака менга, қисқа бўлсада, жавоб йўллади. Довуд ва акаси жим турибди. Шундан ҳам, кимнинг кимлигини билишлик мумкин. Менга хат йўллаган учун Ҳасан ака, бир ери камайиб қолгани йўқ. Бу оддий одамгарчилик халос. Бу одоб ахлоқни амалда қўллашликдир, халос. Наригилар одобдан ҳаммага дарс беришадю, ўзларини эса осмондаги ойдек тутадилар. Саломга алик олишга, кибри йўл бермайди.

Фаросатли Шириновнинг Бефаросат акаси

Ширинов жаноблари Обид қорига суиқасд қилинганидан кейин, бир йилча муддат Стромсундда яшади ва жамоага раҳнамолик қилди. Шу муддат ичида, кўп ихтилофлар чиқди ва Ширинов қавмини бу ердан кўчиришга қарор қилади. Улар Мёлбу қишлоғига кўчишга ҳаракат бошлайдилар. Бу кўчишлик жараёни ҳам, сирли бўлиб, қавмдаги либераллар кўчиши ва радикаллар қолиши керак эди. Қавмни иккига бўлишга қарор қилинганди. Кўчишлик ҳам, осон иш эмасди. Буни ҳамма ҳам эплаёлмасди. Шунинг учун ҳам, бу жараён узоқ давом этди. Обид қорига суиқасд қилинганидан кейин, кўплари Стромсунддан, Стоқхольмга кўчишди. Булар жамоатни тарк этганлар эди. Жамоатда қолишни истаганлар ё, Стромсундда қолиши ва ёки, Мёлбуга кетиши лозим эди. Катта уламолар ҳаммаси, Мёлбуга кетгани учун, аросатда юрганлар ҳам, ўша ёққа кўча бошлашди. Стромсундда радикаллар ва кўчишга чора топмаганлар қолди, халос. Стромсунд Стоқхольмга 600 км. Узоқликдаги кичик бир қишлоқ эди. У ерда иш йўқ. Бунча келгиндига у ердан, иш топиш амри маҳол эди.

Лекин, Мёлбу қишлоғи ҳам, Стокҳолм жанубида, икки юз кмлик масофада бўлиб, у ерда ҳам иш йўқ эди. У ерга кўчганлар бари, ишлаш учун Стокҳолмга қатнашарди. Келгиндилар қилиши мумкин бўлган иш, ё автобус ҳайдашлик ва ёки, такси фирма очиб, таксичилик қилишлик эди. Ўзбек келгиндилардан, бошқа каттароқ лавозимда ишлайдиганлар чиқмасди. Болаларидан, эҳтимол келажакда чиқиши мумкин?! Катталари бу ерни талабига жавоб берадиган, одамлар эмасди. Бир тоифа ўзбеклар, Стокҳолмда яшашарди. У ерда меҳнат муҳожирлари ҳам, кўп эди. Уй олиб яшайдигани камроқ эди. У ерда иш кўп ва лекин, уй топиш, амри маҳол эди. Уй олганлардан бири доктор Шириновнинг, Бефаросат номлик акаси бўлиб, у Банқдан қарзга пул олиб, вилла сотиб олганди. Шу уйини мақтамаган куни йўқ. Кўрмаганини кўргани курсин эканда. Бу кимсани, ажойиб хусусиятлари кўп бўлиб, бу китобда у ҳақида ҳам, юқорида бир оз ҳикоя қилинди. Қуйидаги мақола унга атаб ёзилган мақолалардан бири бўлиб, бунда сарой муллаларига пахта қўядиган кимсалар танқид қилинган. Бу масала аслида, манҳаж масаласидир. Бугунги кунда Шириновни тутган манҳаж ҳам, аслида шудир. Сарой муллаларига нисбатан бундай юмшоқлик қилиш ва уларга дўстлик изҳор қилишлик, ҳақ аҳлига нисбатан хиёнат эди. Бугун булар бари, сарой муллаларига дўстлик изҳор қилишга, киришдилар. Доктор Шириновни ёнидаги, доимий ҳамроҳларидан бири, энг яқини десак, ҳам муболага бўлмаса керак, бу Бефаросат номи билан машҳур бўлган, ўша турки совуқ кимсадир. Бу нусха забардаст уламолар сафидан жой олмаган бўлсада, лекин, у ҳам уламои киромликка даъвогарлиги аниқ. Ширинов билан бу турки совуқни нималар боғлаб туриши, менга қоронғу. Чунки, буниси ҳақиқатда фаросатдан жудо бўлган пасткаш ва унисада, виждон, одамгарчилик ва озми кўпми, тақво деган, нарсалар бор. Одамзод табиати билан яралар экан. Шириновни мақтовга учмаслиги ва оддийлигини қаранг ва бефаросат исмли акаси, унинг акси. Буниси тинмасдан молу дунёсини кўз кўз қилиб мақтанади ва риёкорлик қилади. Шириновда ҳам, ундан кам эмас молу мулк. Лекин, у жим жит. Одобдан маъруза қилишни эса, ўша бефаросатга чиқарган. Ўзини аҳволи шу бўла туриб, тинмасдан бошқаларга, ақл ўргатади, бефаросат! Демак, қуйидаги келтириладиган мақолалар ва шеърлар, унга аталган бўлиб, турли вақтларда ёзилган.

Динга хиёнат ва садоқат баробар бўладими?!

Узоқ тарихдан бўлиб келганидек, бугунги кунда ҳам ислом уммати, турли хил ихтилофлар ичида яшайди. Бу ихтилофлар ақидавий ва фикрий ихтилофдан иборат бўлиб қолмасдан, ҳаётнинг турли сиёсий ва ижтимоий мавзуларини ҳам, қамраб олади. Ислом умматининг бир қисми бўлган ўзбеклар ҳам, бу ихтилофлардан холи эмас, албатта. Ихтилофларни бугунги интернет асрига келиб янада, авж олганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Вирутал майдондаги ихтилофлар, сон саноғи йўқ. Реал майдонларда қонлар тўкилмоқда. Хўш, бу яхшими ё ёмонми? Бу яхшими ё ёмонлигини баҳолаш, ҳар кимнинг ўзига ҳавола. Мени таъкидламоқчи бўлганим шуки, бу бугуннинг воқеъелигидир. Ҳар бир тоифа ва гуруҳ ўз қарашига эга бўлишга, албатта ҳақлидир. Ўз қарашидан келиб чиқиб, у бу воқеъа ва ҳодисага муносабат билдириши, табиийдир. Аммо, битта нарсани мени ҳайратга солади. Бирорта тоифани, қарашидан қатъий назар, у билан дўстона алоқа қилиш мумкин бўлган шахслар мавжудлигига, мен ҳайратдаман. Турли тоифалар ўз манҳажларига мувофиқ бўлмаган шахслар билан, муомала қилмасликлари аниқ. Буни тушунса бўлади. Лекин, барчага бирдек яхши муомалада бўладиганларни, тушуниш имконсиз. Бу тутуриқи йўқликми? Бебурдликми? Ёки, олийжанобликми? Аслида шундай бўлишимиз керакми? Мен шунга ҳеч тушунолмаман. Мен ИАК режимида кўп зулмлар кўриб, бугун хорижда яшаётган Ўзбекистонликлардан бири менман. Беҳисоб зулмларни кўрдим ва буларни китобларимда, ҳикоя қилдим. Шу режимга хизмат қилиб келган муллаларга ҳам, нафратимнинг чеки йўқ. Буларни динфурушлиги ва виждонсизлигига, кўп минглаб мисоллар бор. Лекин, хориждаги диний қочоқ бўлиб яшаётган кимсалар борки, ўша сарой муллаларига нисбатан, дўстона кайфиятда бўлишади. Бу уларни ҳаққи албатта. Улар кўпи, ҳали зулму зўравонликларни кўрмаганлар. Баъзи кўрганлари ҳам ўша азобларга, сабр қилолмасдан жонини сақлаш учун, нима бўлса қилишган.

Энди улар сарой муллаларига нисбатан, иззату ҳурмат лозимлигини бошқаларга уқтиришади. Ёшларга «одоб ахлоқ»дан таълим беришади. Хўп, бу ҳам уларнинг ҳаққи, дейлик. Худди, нимани истасак гапиришлик, бизнинг ҳаққимиз бўлгани каби, улар ҳам нимани истаса, гапиришади. Аммо, мени тушунмайдиган нуқтам шуки, қуръони каримда қатор оятларда, хоин ва амалсиз олимларни мазаммат қилингани, хабари берилади. Агар шу ИАК режимига хизмат қилиб келган шайхлар, шу оятлар таҳтига тушмаса, унда бу оятлар таҳтига кимлар тушади? Бу оят таҳтига тушадиган, бирорта одам борми бугун дунёда? Агар ИАК режими муллалари яхши бўлишса, дунёдаги қайси мамалакатда, бу оятлар таҳтига дохил бўладиган муллалар бор? Ёки, бу оятлар таҳтига дохил бўлувчи олимлар, бу умматда бўлмайдими? Бунақалар олдинги умматда мавжуд бўлишганми фақат?! Аллоҳу Таоло айтади: (Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), уларга (яхудийларга) бир кимсанинг хабарини тиловат қилинг — у кимсага оятларимизни билдирган эдик. Бас, у ўша оятларимиздан четлангач (яъни уларга амал қилмагач), уни шайтон эргаштириб кетиб, йўлдан озгувчилардан бўлиб қолди. Агар хоҳласак уни ўша оятлар сабабли (юқори даражаларга) кўтарган бўлур эдик. Лекин у Ерга (яъни молу дунёга) берилди ва ҳавойи-нафсига эргашди. Бас, унинг мисоли худди бир итга ўхшайдик, уни ҳайдасанг ҳам тилини осилтириб тураверади ёки (ўз ҳолига) кўйсанг ҳам тилини осилтириб тураверади. Бу Бизнинг оятларимизни ёлғон деган кимсаларнинг мисолидир. Улар тафаккур қилсинлар учун бу қиссаларни сўйланг. Аъроф сураси 175, 176 оятлар Шу икки оятнинг шарҳида Алоуддин Мансур шуларни ёзган. Изоҳ. Ушбу икки оят гарчи Мусо пайғамбар давридаги мол-дунёга берилган бир яҳудий «олим» ҳақида нозил бўлган эса-да, бу оятларнинг ҳукми билган илмига амал қилмай, динфурушлик билан кун ўтказадиган, «уламолар»нинг барчасига тааллуқлидир. Зотан, илм кишининг диёнат ва эътиқодини зиёда қилиш ўрнига аҳли давлат, аҳли дунёларга қул қилиб қўйса, у илм эмас, балки жаҳолат илмсизлиқдир. Демак, бу оятларда сифатлари зикр қилинган олимлар, бу уммат ичида ҳам бўлиши мумкин экан. Бошқа оятларда шундай дейилган: Таврот юкланган — берилган, сўнгра уни кўтара олмаган (яъни унинг кўрсатмаларига амал қилмаган) кимсалар (яхудийлар)нинг мисоли худди китобларни кўтариб кетаётган эшакка ўхшайди (яъни, унинг вазминлигидан чарчаб-толадилар-у, аммо у Китобнинг ичидаги нарсалардан фойдаланмайдилар). Аллоҳнинг оятларини ёлғон деган қавмнинг мисоли нақадар ёмондир. Аллоҳ бундай золим қавмни ҳидоят қилмас! Жума сураси 5 оят. Биз нозил қилган ҳужжатлар ва ҳидоятдан (Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳақ Пайғамбар эканлиги ҳақидаги) нарсаларни одамларга Китобда (Тавротда) равшан қилиб берганимиздан кейин яширадиган кимсаларни, шубҳасиз, Аллоҳ лаънатлагай ва лаънатловчи зотлар (фаришталар ва мўминлар) лаънатлагайлар» Бақара сураси, 159 оят «Эсланг, (эй Муҳаммад), Аллоҳ Китоб берилган кимсалардан «Албатта, у (Китобни) одамларга очиқ баён қилурсизлар ва яширмайсизлар!» деб аҳд-паймон олган эди. Сўнг улар бу аҳд-паймонни ортларига ташладилар ва уни озгина қийматга сотдилар. Уларнинг бу олди-сотдилари нақадар ёмон иш бўлди» (Оли Имрон сураси, 187 оят) Бу мавзуда, қатор ҳадислар ҳам мавжуд. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Кимки Аллоҳнинг Юзи қасд қилинадиган илмни, фақат бирон дунёвий нарсага етишиш учун ўрганадиган бўлса, қиёмат кунида жаннатнинг ҳидини ҳам топмайди» (Абу Довуд ривояти) Мени ҳайратга соладиган нарса шуки, мана шу оят ва ҳадислардаги каби, шахслар бугун борми?! Бўлса, улар қаерда?! Ўзбекистон уламоларига тил теккизмасак, бошқа қаерда бор, бундай хоинлар?! Менинг шахсий хулосам шуки, мазкур оятлар таҳтига ИАК режимига хизмат қилувчи, барча муллалар дохилдир. валлоҳу аълам. Мен дунёда ислом ва мусулмонларга қарши, энг катта душманлик қилган тузумлардан бирини, ИАК режими деб биламан. Бу зулму зўравонлик, ҳали давом этаяпти. Муллалар шу режимга хизмат қилишган ва қилмоқдалар. Шундай экан, уларни мазаммат қилишликка, шу оятлар бизга далилдир. Уларни айни шу оятлардаги шахслар деб, тушунамиз. Агар шундай бўлмаганларида эди, Муҳаммад Ражаб ака каби, 25 йиллаб турмада ётишарди. Абдували қори каби, ўғирлаб йўқ қилинарди. Обид қори каби, ватанидан бадарға қилиниб, яна отиб кетиларди. Агар шулар тўғри бўлсалар, Абдували қорилар адашгани, рост бўлади. Муҳаммад Ражаб қори турмада ётгани ҳам, тўғри бўлади.

Бошқа минглаб диндорлар қамалгани, тўғри бўлади. Агар шу сарой имомлари тўғри йўлда бўлсалар, бу дунёда хато йўлни ўзи қолмаган бўларди. Бу нима деган гап?! Бу қандай мавқеъ?! Бу қандай мезон?! Булар учун Абдували қори ҳам яхши ва сарой шайхи ҳам, бирдек яхши. Обид қори ҳам яхши ва Анвар Турсун ҳам яхши. Ҳаммаси яхши ва ёмони йўқ. Ҳаммасини яхши кўришади. Ҳаммасини мақташади. Каминани бир шеърида шундай дейилганди:

Ўзбек деган, бир ажойиб миллат бор,
Яхшини ҳам, ёмонни ҳам мақтайди.
Мақтайди ким бўлса, фарқи йўқ, зинҳор,
Ул ённи ҳам, бул ённи ҳам мақтайди.

Даҳрийлар қўл остинда кўп дод қилган,
Золимларнинг зулмидан фарёд қилган,
Чорак аср элга истибдод қилган,
Қаттол золим султонни ҳам мақтайди.

Фарқин билмас ҳалол билан ҳаромни,
Бир хил севар, куфр билан исломни,
Мақтар Уйғун билан, Ғофур Ғуломни,
Фитрат билан Чўлпонни ҳам мақтайди.

Ажойиб бу элнинг, ақлу зақоси,
Сталин, Ленинлар бўлган даҳоси,
Ҳисоби йўқ чеккан, жабру жафоси,
Жаллодни ҳам, қурбонни ҳам мақтайди.

Хоинларни мақтар, содиқларни ҳам,
Ёмонни кўп мақтар, яхшиларни кам,
Мақтовдан бенасиб қолмас ҳеч одам.
Ростгўйни ҳам, ёлғонни ҳам мақтайди.

Фарқи йўқ бу элга, оқни қорадан,
Зўравон золимни, бир бечорадан,
Ўзгармас, юз йил ўтсада орадан,
Ботилни ҳам, қуръонни ҳам мақтайди.

Шоири васф этади Оқсаройни,
Мақтайди фарқи йўқ, гадою бойни,
Мақтар ер осмону, юлдузни ойни,
Раҳмонни ҳам, шайтонни ҳам мақтайди.

Ақл бовар қилмас бундай мезонга,
Адолатли мезон керак инсонга,
Айланганда одамзод бир ҳайвонга,
Тубан, разил инсонни ҳам мақтайди.

Хиёнат билан садоқат баробар бўладими? Яхши амал билан ёмон амаллар баробар бўладими? Мардлик ва жонфидолик билан, қўрқоқлик ва писмиқлик, баробар бўладими? Бу саволга мен эмас, Аллоҳу Роббал оламин жавоб беради: Наҳотки ёмонликларни қилганлар уларни иймон келтириб, солиҳ амаллар қилганларга ўхшаш қилмоғимизни, ҳаётлари ҳам, мамотлари ҳам баробар бўлишини гумон қилсалар?! Уларнинг қилган ҳукми нақадар ҳам ёмон! Жосия сураси 22 оят

05.07.2017

Юқоридаги мақола, бу Бефаросат Анвар Турсунни мақтаб, бир мақола ёзганида, унга раддия ўлароқ ёзилганди. Қуйидаги шеърлар ҳам, ўша бефаросатга аталган:

Мен сени танидим, тобора яқин,
Одамга ўхшаган ҳайвон, маймунсан!
Айтай, ўзинг англаб олмаган учун,
Сен устаси фаранг, буқаламунсан!

Турфа рангда жило, бериб ўзинга,
Молу дунё билан, тўла мафтунсан.
Мувофиқ эмассан айтган сўзинга,
Сен худбин, фирибгар, буқаламунсан!

Билардинг, агарда бўлмасанг аҳмоқ,
Сен булбул эмассан, калхат, қузғунсан.
Андишани отин қўймагил қўрқоқ,
Сен фаросати йўқ, буқаламунсан.

Халойиққа қилиб, ўзингни кўз кўз,
Авомни қиласан сеҳр, афсун сан.
Сени таърифинга топилмайди сўз,
Қисқача айтганда, буқаламунсан.

Сафсата сотарсан, авомни алдаб,
Ўзингча уламо, гўё, охун сан.
Фақат дунё сенга мақсаду, матлаб,
Товусдек, товланган, буқаламунсан!

Ҳаммага дўстликни қиларсан изҳор,
Демак, ақли заиф, ёки мажнунсан!
Мўмин ҳаммага дўст бўлмайди зинҳор,
Сен буни англамас, буқаламунсан!

Ўткинчи молу мулк, аҳли аёлга,
Эга бўлганингдан шоду, мамнунсан.
Сени биродар деб, бордим хаёлга,
Сўнг билдим кимлигинг, буқаламунсан!

Уммат қайғусида бўлдингми бир оз?,
Умрингда бир бора, жигари хун сан?!
Сенда йўқ ҳеч кимга, ҳаргиз эътироз,
Муҳитга мослашган буқаламунсан!

Уялмай одобдан насиҳат қилар,
Бўйи калта, лекин, тили узунсан.
Аллоҳ кимлигингни яхшироқ билар,
Менинг билганим шу, буқаламунсан!

Менга ноҳақ захрин сочади дема,
Ҳақ сўзни эшитиб, бўлма маҳзун сан.

Тагин мендан қўрқиб қочади дема,
Сен номард, ва разил, буқаламунсан!

Сенга ҳам етади, навбат ниҳоят,
Бу аҳволда бўлиб кетма, малъун сан.
Саҳвий, тилар сенга, рушди ҳидоят,
Гарчи, жирканч, манфур, буқаламунсан!

17.06.2021

Бефаросатга

Бугун сен, хоин имомлар наздида,
Эътибори муҳим бўлган одамсан.
Ҳақни англаган авомлар олдида,
Залолатда муқим бўлган одамсан!

Биламан, тилинга қанча заҳар бор?,
Дилинга маразинг, унданда бисёр,
Асл башарангни қил энди, ошкор,
Кўпчиликка, мавҳум бўлган одамсан.

Ўзинг бўлсангда бир, разил ва қўрқоқ,
Тинмай ўргатасан, одобу - ахлоқ,
Сенинг устозларинг, қилган сени оқ,
Фаросатдан маҳрум бўлган одамсан.

Ўзингча саховат пешасан гўё,
Борми бирор ишинг, қилган бериё?,
Таратдингми бирор зулматга зиё?,
Издиҳоми гавжум бўлган одамсан?!

Нега золимларга қўясан пахта?,
Эркакмисан ёки, бўлдингми ахта?!
Сени ҳам жойинг бўлганди, авахта,
Авф этилган, «марҳум» бўлган одамсан!

Ғурур қилиб, молу - дунё пулинга,
Авомни чорлайсан ботил йўлинга,
Жанга киргил, қалам олиб қўлинга,
Сен мен учун, маълум бўлган одамсан!

Сенга не бор, динсизлар маконида?,
Сенинг жойинг динфурушлар ёнида,
Мақоминг, тоғутлар жиғилдонида,
Еб битиргач, ҳазм бўлган одамсан!

Давом эттир, ортимдаги ғийбатни,
Кутавергил, олдинда, мусибатни,
Айтай, сендаги мавжуд, бир сифатни,
Сен бутунмас, ярим бўлган одамсан!

Ҳақдорни ҳаққин ўзига бер, энди,
Ўзингни ўнглаб, сўнг кўкрак кер, энди,
Эккан уруғинг мевасин тер, энди,
Бизга ноҳақ, ҳужум қилган одамсан!

Саҳвий кўрқма, булар қилар деб, бадном,
Қолмаса қолмасин, сендан яхши ном,
Сендан кўрқсин хоин, муллаю - имом,
Сен қуроли назм бўлган одамсан!

Доктор Шириновнинг мазҳабга муносабати

Биз биринчи бобда, Абдували қори ва Обид қориларни мазҳабга муносабатини ўргангандик. Бу ерда Муҳиддин Шириновни муносабатини ўрганамиз. Шунинг билишлик лозимки, мазҳаб масаласида, Ширинов ва унинг командасидаги шахслар бари, бир хил позицияда турадилар. Мен қуйида келтираётган матн муҳиддин Шириновнинг, мен билан мазҳаб масаласида қилган суҳбатидан, бир парчадир. Бу суҳбат бир ярим соатлик бўлиб, бу ерда мавзуга доир 25 минутлик ери келтирилган. Суҳбат аудиофайлдан оққа кўчирилди.

Саҳвий радиоблогидаги суҳбат Ассалому алейкум қадрли радио тингловчилар. Сиз Саҳвийнинг радиоблогини тинглаяпсиз. Бугунги суҳбатдошим ҳадисшунослик фанлари доктори Муҳиддин Ширинов жаноблари бўлади.

Саҳвий: Ассалому алейкум.

М. Ширинов: Валекум ассалом.

Саҳвий: Муҳиддин хабарингиз бор, ўтган ҳафта «Зулмага ким хизмат қилаяпти? Мазҳаблими ё мазҳабсизми?» деган мавзуда, Озодлик радиосида тортишув баҳс бўлди. У ерда сиз ҳам қатнашдингиз ва фикрлар билдирдингиз. Бугунги суҳбатимиз сиз билан шу мавзуга тегишли бўлади. Суҳбатимиз бошидан Абдували қорига тегишли бир аудиони эшитиб, кейин бошласак, маъқул бўлса?!

<https://www.youtube.com/watch?v=b5KK7FU2V3M>

М. Ширинов: Ҳа, бемалол.

Абдували қори Мирзаев дарсидан иқтибос: Имоми Молик айтдиларки: Ҳаммани сўзини қабул қилинадиям ва уни ташланадиям. Магар, бу қабрни эгасининг сўзини албатта, қабул қилинади. Яъни, Муҳаммад алайҳиссаломнинг қабрига ишора қилиб қўйдилар. Пайғамбаримиз Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам маъсумдирлар. Хатодан холи у киши. У кишининг сўзлари албатта қабул қилинади. Бошқа одамларнинг сўзи тўғриям ва нотўғриям бўлиши мумкин. Тўғри бўлса иккита ажр олади. Нотўғри бўлса битта ажр олади. Лекин, Биз нотўғрилигини билсак, унга итоат қилмаслигимиз керак бўлади. Уни қабул қилмаймиз. Лекин, у киши қуръон ва ҳадис асосида, хатога кетган бўлса, ажрланади. Битта ажрланади. Аммо, унинг хатолигини, илми етарлироқ бўлган кишилар билса, бунга итоат қилмаслиги керак бўлади. Пайғамбар алайҳиссалом айтдилар: Ҳадис: Мен сизларга икки нарса қўйиб кетаяпман. Шунинг маҳкам ушласанглар ҳаргиз адашмайсизлар. Ҳар қандай китоб, китобу суннатга (қуръону ҳадисга) эгилиши керак. Китобу суннат, ҳеч бошқа китобга эгилмайди биродарлар! Биз бунинг яхши билишимиз керак. Ҳар қандай китобни, китобу суннатга, бошини эгиб оборамиз. Тўғри келса, қабул қиламиз. Тўғри келмаса, қабул қилмаймиз биродарлар. Шундай кишилар бўладики, қуръони каримни ва Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини тушунишлик учун, мутлақ мужтаҳид бўлишликни шарт қилинадики, тўғри, китобу суннатни илмини билишлик шарт бунга, лекин

бир кишини, шарт қилинадик, уни мужтаҳиди мутлақ деб, унда шундай сифатлар бўлиши шарт қилинадик, бу сифатлар Абу Бакр ва Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳумода ҳам, топилмайди биродарлар. Бундай қилиши керак, қуръонни билиш учун, ундай сифати бўлиши керак, бундай сифати бўлиши керак, у нарсаларни, бу нарсаларни билиш керак, дейиладики, агар буни текшириб қарасангиз, Абу Бакр ва Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳумода ҳам, йўқ бўлган сифатни шарт қилишади. Бу нарса, қуръони каримнинг ўзининг баён қилишига, «Қуръонни Биз одамларга осон қилдик, буни тафаккур қилувчи борми? (Қамар сураси 17 оят) деб, «Бу оятларни одамлар тафаккур қилиш учун, Биз буни жўнатдик деяпди, Аллоҳу таоло. Шунинг учун қуръони карим мўъжизаси ва Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини мўъжизаси, қиёматгача боқий. Ҳамма китоблар шу қуръон ва ҳадисга бўйсунмоқлиги керак»

Саҳвий: Хўп, мана бу яқинда 27 август келса, ўзбек режими тарафидан ўғирлаб кетиб, йўқ қилинганига 20 йил тўладиган Ўзбекистонлик машҳур имом Абдували қори Мирзаевнинг фикрлари эди. Сиз бизнинг ўша кунги охирига етмай қолган масаламиз бўйича ва мана бу Абдували қори акани айтган фикрларига умумий фикр билдирсангиз. Менинг яна кўп саволларим бор. Вақти соати билан бераман. Марҳамат.

М. Широнов: Бисмиллоҳир роҳманир роҳим. Демак, бу масала чигаллиги шундоқ кўриниб турибди. Тарихда ўша замонлар бўлганки, унда мазҳаблар бўлмаган. Кейин, мазҳаблар шаклланган ва мазҳабларга эргашиш масаласи қай шаклда ечилиши керак деган савол, бу сиз ҳозир бу аллома, Абдували қоридан (Аллоҳу Таоло у кишига нажот берсин қаерда бўлсалар ва ислом умматига у кишини хизмати давомли бўлишини насиб этсин!) У кишининг гапларидан ҳозир бир иқтибос келтирилди. Бу иқтибосни у саволни берилган мавзуси ва ундан кейинги батафсил эшитилганда, одатда яхшироқ тушунилади. Лекин, эшитган сўзларни ўзини оладиган бўлсак, зоҳирини оладиган бўлсак, демак, умумий шаклда, бир неча жиҳатидан кўриш мумкин албатта. Мусулмон ўлароқ ҳамма ислом уммати ижмоъ қилган нарса шуки, мусулмон деганни ўзи, ўша исломга кириш, калимаи шаҳодат, яъни, бу калимаи шаҳодатда, Аллоҳу Таолонинг ўз Холиқлигини тан олишлиги ва ўша Холиқи бандалар ичидан баъзиларини сайлаб, пайғамбар қилиб, бошқаларга Ўзи истаган ҳукмларини етказишлиги маънолари мужассам бўлади. Ва ўша тушунчанинг ажралмас бир қисми шуки, инсон ўз ўзидан фақат Аллоҳга ва унинг пайғамбари Аллоҳдан деб етказган маълумотларга эргашишлиги керак бўлади. Мана шундан келиб чиққанда, бу борлиқ, инсон, жамият ва мавжудотларни яратган Аллоҳнинг, ўз бандасига фойдали деб берган маълумотларига, ҳар бир эшитган маълумотларини бўйсундириши бу тўғри ёндашув. Бунда, савол бўлиши мумкин эмас! Лекин, буни биз ўзимизга боғлаб тушунадиган бўлса, буни баъзи мураккаблик томонлари бор. Асли, ўша мураккаблик томонлари борлигидан, мазҳаблар юзага келган десак, ёки, уламоларнинг мазҳаб шаклда, ёки, якка якка шаклда, ижтиҳод қилганлигининг ва уларнинг бир биридан фарқи бўлганлигининг сабаби ҳам айнан шунда. Агар ҳар бир инсон, Аллоҳнинг муродини ва Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васаллам етказганидек, қуръонни бутун ёд билса, ёки, Пайғамбаримизнинг ҳам маълумотларидан хабардор бўлса, ва баъзи бир ўзгаришларни қачон ва қаерда бўлганлигини била олганда, мазҳаб у ёқда турсин, ҳатто бу уламоларга ҳам, эҳтиёж бўлмасди. Агар ҳар бир инсон шуни билиш имкони бўлганда?! Ҳамма муаммо, айнан, ҳар бир инсон, ҳамма масъалада, Аллоҳу таоло ва пайғамбарини етказган маълумотларини ё, эшитмаганлиги, ё, ёддан билмаганлиги, инсонлардаги иккинчи ажралмас хислат шуки, эшитган, ёдлаган сўзлари, маълумотларни, англаб етмаслиги, яна бир бу ерда муҳим жиҳат, ўша берилган маълумотларда, агарчи, қуръонда ҳамма нарса, умумий шаклда баён қилинган деган, эътиқодимиз бўлса ҳам, эътиқодимиз ўша қуръон ва манбаларда бир мужмал тарзда, мужмал деганда, ўзбек тилида ишлатиладиган маънода эмас, умумий шаклда, ёки бир қисқа қисқа ишоралар шаклда маълумотлар берилган. Ва ҳар бир янги мусулмон кишини, қиёмат қоим бўлгунча учрайдиган ҳолатлари, якка якка конкрет айтилмаган. Ва шу ва яна бошқа бир қанча сабаблари бор. Яъни, бу ерда нафй масаласи бор. Баъзи оятларни умумий ва хослаб келиши бор. Бу ҳадисларда ҳам учрайди. Мана шу сабабларга кўра, ўз ўзидан, инсонлар ичида, Аллоҳнинг муайян бир масалада, ва унинг пайғамбарининг муайян бир масалада, кўрсатмаси нима

эди? Ёки, у кишининг энг сўнги қилган ишлари бу ишни қилишликмиди ёки қилмасликмиди? деган, чунки, пайғамбаримиз ҳаёти давомида, баъзи бир ишлар, исломдан олдинги бўлган ишларни, маълум бир пайтлар давом этиб кейин тўхтатилиши ёки, ҳатто, баъзи бир ишларни ислом даврида қисман жоиз деб, билиниши ва кейинчалик эса, тўхтатилиши каби, ҳодисалар бўлган. Мана шу мураккабликлардан келиб чиқиб, уламоларга эҳтиёж бўлади. Яъни, кимлардир мана шу нарсаларни ўрганиш учун, кўпроқ вақт сарфласа, ва албатта пайғамбаримизга замон нуқтаи назаридан яқин бўлган кишиларга, тушунишлик осонроқ бўлади. Замон узоқлашгани сари, бу масалаларда тадқиқот юргизиш ва уларни тагига етиш қийинлашади. Мана шулардан келиб чиқиб, ўз ўзидан пайғамбаримизнинг даврида ҳам, саҳобалар замонида ҳам, саҳобаларни баъзи масалаларда турли фикрда бўлишлиги, пайғамбаримиз даврида ҳам учради бу. Пайғамбаримиздан кейин саҳобаларнинг даврида мана шундай баъзи масалаларда турли фикрда бўлишликнинг сабабларининг бири ҳам шу. Ва яна бир нарса кузатилдики, уларнинг даврида, Улар ўзларини ичида, нисбатан камроқ илмли бўлган ва уларга шогирд тушган тобеъинларни, ўзлари билганча ўргатдилар. Ва уларнинг баъзилари, яъни, саҳобаларнинг камроқ илмли бўлганлари, ўзлари илмироқ деб билган саҳобалардан фатво сўраб, ўша олим деб танилган ва фақиҳ деб танилган уламолар атрофида йиғилишди. Ва булар кейинчалик, мазҳаблар, фикҳий мазҳаблар кўринишига етиб келди. Лекин, бу дегани, якка тарзда, ёки тарқоқ шаклда, мустақил фикҳий қарашларга эга бўлиб, фикҳий мазҳаб шаклга эга бўлмаган қарашлар ҳам давом этди. Яъни, у айтилган гап албатта тўғри. Ўша имоми Моликни гаплари ҳам. Лекин, айтилган гап масалада, оддий мусулмон ёки, оддий мусулмон эмас, бир қадар илмга эга бўлган кишига ҳам, бир оят ё ҳадисдан, бир ҳукми тўғридан тўғри ўзи тушуниб кетиши, осон иш эмас. Бўлиб ҳамки, баъзи ҳадисларни ўша маънода уни тўлдирувчи ёки уни чеклайдиган ёки уни бекор қиладиган бошқа оят ёки ҳадислар бўлиши мумкин?! Мана буларни эса, бирданига ўнглаб тушуниб олиш, оддий мусулмоннинг қўлидан келадиган иш эмас. Ва шундан келиб чиқиб, умумий йўналишдан бу гапларни албатта дастакланади. Аммо, уни биз ўзимизни масаламизга татбиқ этадиган бўлсак, Унда баъзи қўшимча тафсилотлар, унга боғланишга тўғри келади.

Саҳвий: Хўп. Саҳиҳ ҳадислар тўплами деб тан олинган ҳадислар бор Ислом оламида. Ўша сиҳоҳи ситтама ёки ундан бошқа. У ҳадисларнинг ҳар бирининг устида яна алоҳида татқиқотлар ва ихтилофлар бўлишига қарамасдан, умумий маънода тан олинган ўша олти саҳиҳ ҳадислар тўплами бор. Шуни бугун ислом уммати ўқиб, амал қилишга ҳақлими йўқми?! Ё фақат мужтаҳид бўлиши керак. Мужтаҳид эса, ўша ўша ўша шартлар бор. Ўша шартларни қилганидан кейин мужтаҳид бўлади. Кейин ўқиса мумкин бўлади. Аммо, ўша шарт топилмаса қуръон ва ҳадисни ўқиш мумкинмас. Чунки, тушунмайди. Уни эса, фақат мужтаҳид тушунади деб, мужтаҳидга хослаб қўйиш керакми?! Ё бир инсон ўша нарсани ўқиб амал қилишга ҳақлими?! Якка суратда ҳар бир мусулмон одам, фарқи йўқ, қайси миллат ва дунёнинг қайерида яшашидан?! Сизни фикрингиз?! Сиз айтаётганларни сизнинг фикрингиз деб тушунамизми ё дин шу, деб тушунамизми?! Шуни ҳам айтиб кетинг.

М. Ширинов: Ҳа сизни фикрингиз деб айтишингиз мумкин. Лекин, ўша айтаётган фикрларимни, мен имкон қадар ўша, турли уламоларни мана шу мавзуда ёзган манбаларига, бўлиб ҳам, мана бу мавзуда кераклича манбаларга мурожаат қилинди, деб ўйлайман. Лекин, албатта бу ўринда, яъни бу масалага боғлиқ, кейинги келадиган масалаларда, кўплаб бу масалага боғлиқ ўринларда, албатта уламоларни кўплаб ихтилофлари борлигини қайд этишимиз керак! Бир масалани ўзида, бир қанча қарашлар бор. Хўп, сиҳоҳи ситта дедингиз, олти саҳиҳ китоблар, бу гап кўпроқ тарқгани билан, бу бир оз, баҳсли атама. Саҳиҳ китоблар деб туриб, биринчи Бухорий ва Муслимининг саҳиҳ китобларига айтилади. Баъзилар Имоми Термизийнинг жомеъларига ҳам, шу сифатни қўшишади. Бундан ташқари сиҳоҳи ситтадан ташқарида бўлган Саҳиҳи ибн Ҳиббон, саҳиҳи ибни Хузайма ва бошқа, баъзи китобларга нисбат берилади. Аммо, сиҳоҳи ситта деган, китобларнинг, қолган тўрттаси, бу сунанлар. Имоми Термизийникидан ташқари. Насоий, Абу Довуд, ибни Можжа булар саҳиҳлар эмас. Уларни ичида кўплаб, заиф ҳадислар ва ҳатто мавзу дейилган, ҳадислар ҳам бор.

Аслида, ўша саҳиҳи Бухорий ва саҳиҳи Муслимнинг ичида ҳам, танқидга учраган ҳадислар бор. Бу бўлак мавзу. Ҳозирги кунда, мана шу мавзуда ҳам, кўплаб саволлар тушаяпти. Бунини балки, бошқа бир суҳбатда, уни атрофлича кўриб чиқиш мумкин. Яъни, мана шу айтилган ҳадис тўпламлари, агар шу ҳадис тўпламларининг муаллифлари, фақат уларнинг назарида саҳиҳ даражасига етиб борган, ҳадисларни киритаман деб, ўзига шарт қўйган бўлса ва шартини муқаддамададир ёки, умумий шаклда шу шарт қўйганлигини айтса, демак, бу ерда тўпланган ҳадислар камида, ўша муаллифнинг наздида, саҳиҳ ҳадислар бўлган бўлади. Бу ўша бир муҳаддиснинг наздида, саҳиҳ дейилиши нимани англатади? Бу ҳам бўлак бир мавзу. Балки, ўша кейинги суҳбатларга, боғлиқ мавзу бўлиши мумкин? Лекин, шундай бир ўз соҳа мутахассиси, ҳар қалай ихтилофли, ҳадис илмида ҳам, унинг қойидаларнинг татбиқотида ҳам кўплаб, турли қарашлар бор. Лекин, камида, ўша муаллифнинг наздида саҳиҳ дейилган ҳадисга, оддий мусулмонлар қай тарзда муносабатда бўлиши керак? Бу ерда, ўша умуман фикҳий масалаларга кираётиб, назардан қочирмаслик керак бўлган нуқта шуки, бу ҳадислар ёки оятлар, ўша фикҳий ҳукм ҳадислари ва оятлари, ҳадисларнинг ҳаммаси эмас. Фақат ҳадислар ва оятларнинг бир бўлаққинаси халос.

Ҳадисларда фақат фикҳий, масалан таҳоратни бундай қилинади ва намозни бундай ўқилади дейишдан ташқари, ҳаётнинг кўплаб маънавий жабҳаларига доир маълумотлар таълимотлар, ўз ичига олинган. Албатта, бундай ҳадисларни оятларни ўқиш ҳаммага тавсия этилади. Лекин, мана бу ҳукм оятлари ва ҳукм ҳадисларини ўқиш ҳам, ҳар бир мусулмонга албатта очиқ. Фақат уни татбиқ этишида, уламоларнинг тавсиялари борки, ўша бу ерда ўша оятларни ўрганиш маъносида албатта, у яхши нарса, ўша ҳадисни зоҳирий бир маъносини тушундим деб ўйлаб, татбиғига бирдан киритиб кетишиш, ҳикматдан бўлмаслиги мумкин. Шу ўринда бир мисолни айтиб ўтаман: бу жуда долзарб эмас, лекин. Барибир ўша маънони, қайсидир маънода ифодалайди. Мана, жамоати таблиғ деган, жамоатни биламиз. Исломни ёйишда, исломни омма халққа, омmani тилида оммага етказишда катта хизмат кўрсатган умумий шаклда етказган, шундай даъват жамоати. Уларга танқид этиладиган нуқталардан бири шуки, Уларда илмга эътибор биров, паст дейилади. Улар ўзларини исломни катта уламози деб тақдим этмаганидан балки, қисман узрли ҳам бўлиши мумкин? Чунки, пайғамбар алайҳиссаломни, «Кимки мендан бир оятни эшитса ҳам, бошқаларга етказсин» деган ҳадислар, ёки умуман, динни ўзлари билганча, етказиш мақсадини адо этаётган, деган нуқтаи назардан уларни оқлаш мумкин?! Уларни ўзлари ҳам биз оддий мусулмонларни масжидга боғлаб берамиз. Бундан бу ёғига қолган ишлар, имомлар ва ўша ердаги дин илми мутахассисларини иши, дейишади. Лекин, илмсизлик нималарга олиб келишини нималарга олиб келишини мисоли сифатида айтмоқчиман. Бир ҳадис бор: Ман истажмара фалювтир. Кимки, агар таҳорат ушатганда, кесакларни тоқласин» деган. Биламиз аввалги пайтларда таҳоратга чиққан киши, тош кесаклар ишлатилганку?! Ҳозиргача баъзи қишлоқ жойларида, шу шаклда бўлиши мумкин? Ҳозирги ҳолатда, Ўзбекистонда билмадим. Яъни, маъноси шуки, кимки кесакларни ишлатганда, (фалювтир) тоқласин! деган сўз бор. Лекин, айна пайтда, биз биламиз, Автара ювтиру сўзи, витр намозини ўқисин деган маънода ҳам келади. Юзаки қаралганда тоқ қилсин деганни, тоқ қилиб намоз ўқисин деб, ҳам тушуниш мумкин?! Шу жамоати таблиғга янги қўшилган, араб бўлган, арабларга биласиз динни англашлик анча осонроқ бўлади. Чунки, араб тилида кўп ҳадисларни оятларни енгил тушуниши мумкин? Тўғри, ҳаммасинимас, анча мунча илмлар керак бўлади. Лекин, анча мунча ҳадисларни тушуниб олса бўлади. У инсон ўша шаръий илмларни ўқимаганлигидан, оддий авом энди. Араб авоми дейлик, мана шу ҳадисни эшитгандан кейин, унда тасаввур бўпдики, қачон бориб инсон таҳоратини ушатса, ундан кейин витр намозини ўқиш керак экан, деб тушунибдида, ўртоғлари эътибор беришса, ўша киши бориб таҳоратни ушлатиб келар экан, таҳорат қилмасдан, обдаста билан таҳорат қилмасдан, уч ракатми билмадим, бир ракатми тоқ қилиб ўқиб қўяркан. Кейин сўрашибди у кишидан, сиз сал ўша таҳорат қилмагандек бўлдингизми деса, Нега таҳорат қиларканман дебди. Намозга таҳорат қилинмайдими? дейишса, мана ҳадис бор деб туриб, ўша ҳадисни келтирган. Яъни, бу билан нима демоқчиман? Ҳали оддий, ўша шариятни ўз атамаларини, фикрлаш ўзани деймизми? Кўрсатадиган, баъзи ёрдамчи илмларни, ҳеч бўлмаса, бошланғич илмларга эга бўлмасдан,

ҳукм оятларини ва ҳукм ҳадисларини ўқибоқ, мен ўшани, ҳар тарафлама тўғри англаб етдим, деб, татбиққа ўтиб кетишлик, ҳикматдан бўлмаслиги мумкин?! Аммо, мен ўша суҳбат давомида айтиб ўтган Дехлавийни, Шоҳ Вилуёллоҳ Дехлавий, бу киши Ҳиндистондаги ислохотчи, баъзилар ўз даврининг, жузъий ижтиҳодга эришган бир киши дейишади. Ўша киши, ўзининг китобларида бу Ҳанафий уламоларидан, агар бир киши мана шундай нарса билан ўзини, бу ерда мисол келтиришган. Бу ерда Ҳанафий уламоларидан, энг бошланғич вакиллари Имоми Абу Юсуф ва Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний, буларни мана шу мавзудаги фикрини келтирган. Бир киши агар, бир ҳадисни ўқиб туриб, зоҳирий маъносини, мансуҳ бўлганини билмасдан, масалан, баъзи ҳадисларда ғийбат қилишлик, рўзани очишлиги тўғрисида ҳадислар бор. Ёки бўлмаса, ҳижома, қон олдириш таҳоратни бузиши тўғрисидаги ҳадис борда. Ўшандан келиб чиқиб, бузилди деса, ўзи авом. Шундай қилган бўлса, қандай муносабат билдирилади? деса, жоизми ё жоизмасми? деганда, Имоми Абу Юсуф йўқ, бу кишига жоизмас деган, маънода гапирган. Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний ва бошқа ҳанафий уламоларда, агар бир инсон ўзи, буларни тушунишимиз мумкинки, авом жуда авом эмас, агар авом десангиз ҳам, балки, ўшандай ҳолатда, ўша ҳадисни зоҳирига амал қилганда, ўша одамни узрли тутиш, фикри ҳам айтилган. Яъни, икки хил қараш бор, бу масаладаям. Яъни, сиз айтгандек, албатта, ҳадисларни, оятларни ўқиш керак. Оят ва ҳадислар фақат ҳукмий масалаларга, боғлиқ эмас. Оят ва ҳадислардан, ислом фалсафаси, Ислом дунёқарашини, Исломни турли масалаларга фикрий ва ғоявий балки, баъзан ҳиссиётга боғлиқ масалалардаги Ислом дунёқарашини, англаб етиш учун албатта, одамларга имкон қадар исломнинг асл манбаси бўлмиш, қуръон ва ҳадисга инсонларни боғлашлик керак. Шу маънода тушуниш керак, шайх Абдували қорини гапларини деб ўйлайман. Ва айни пайтда, ҳукмий масалаларга боғлиқ оят ва ҳадисларга ёндашаётганда, оддий авомларга, оддий мусулмонларга, эслатма ҳам берилиши керакки, бу ҳукмларни, худди масалан қонунларни, мисол қилиб олингандаям, қонунларни ҳамма жойда ёзиб қўйиши мумкин? Лекин, уларнинг англаб етиш учун, шарҳлари ёзилган бошқа тўпламлари бўлади. Уларни юрист деймиз. Ўша ҳуқуқшунослик фанини ўқиб, бир малака орттирган кишиларгагина, ўша қонун, конституция бўлсин, ёки, бошқа қонунлар мажмуаси, уни маълум бир ҳолатга тушуниш, мана бу шуни англатади. Буниси шуни англатади. Бу ери бундай бўлган билан, асли бу ерда истисноси бор. Мана буни бошқа бир қонун билан, тўқнашадиган жойи бор. Буниси, мана бу ерга ишлайди. Буниси бу ёққа ишлайди, деган, Ёки, бу қонун масалан ундан кейинги парламент йиғилишида, бекор қилинди. Яъни, демоқчиман, мутахассислик даражаси керак бўладиган ишларга, ўша қонунни эшитиб, татбиғини ўзи қилишда, оддий инсонларга албатта, эслатма берилиши керак! Баъзиларини, ўша ўқиган киши енгил тушуниши мумкин? Лекин, муаммо шундаки, ўша енгил тушунадиган оят ва ҳадисларни ҳам маъносини тўлдирадиган ва маъносини бошқача қилиб ишлашни талаб этадиган ёки, ўшани мансуҳ бўлган ҳолат, бўлиши мумкин?! Ўша томонлари бор. (Аудиофайлдан 23 минутлик ери оққа кўчирилди)

Демак, юқоридаги савол жавоблардан биламизки, доктор Муҳиддин Ширинов, мазҳабда бўлишлик шарт деган, фикрни турли туман далиллар билан, исботлашга уринади. Абдували қорининг сўзини, рад қилади. Ва шу билан бирга, мен Муҳиддин Шириновдан олимроқ деб, биладиган Аллома Албонийни ва ундан олдинги ва кейинги ўтган бошқа, қатор уламоларнинг мазҳабга кириш шартмас деган, сўзларини ҳам рад қилади. У бу раддиясида шахсий фикрини айтади ва мазҳабчи уламолар сўзидан, далиллар келтиради. Мазҳабга чақирувчи уламолар ҳам кўп ва буни инкор қилмаймиз. Лекин, мазҳабда юришни, мутлақо инкор қилувчи уламолар ҳам, кўп ва буни у ҳам рад қилолмайди. Баъзилар мазҳабда юриш ҳам мумкин ва лекин, бу шарт ва вожиб эмас, дейишган. Баъзи уламолар, мазҳабларни бидъат ва унда юришга шариат буюрмайди, дейишган. Шулардан бири Аллома Муҳаммад Султон ал Хўжандий бўлади. Қуйида у кишининг китобидан бир парчани эътиборингизга ҳавола қиламан. Бу китобни тўлиқ шаклда қуйидаги линкдан ўқишингиз мумкин.

<https://siyosat.files.wordpress.com/2019/07/d09cd0b0d0b7d185d0b0d0b1d0b3d0b0-d0bad0b8d180d0b8d188-d188d0b0d180d182d0bcd0b8.pdf>

Иймон ва Ислом ҳақиқати баёни

Билинги, Ислом аҳлидан жуда кўплари, жоҳиллари уёқда турсин, олимлари ҳам, мусулмон киши албатта, тўрт имомга – Абу Ҳанифа, Молик, Шофий, Аҳмад – уларга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин – нисбат бериладиган мазҳаблардан бирини маҳкам ушлаши лозим, деб айтадилар. Бу хато фикр ва Исломни билмасликдир. «Саҳиҳайн»да келган машҳур, саҳиҳ Жибрил ҳадисида келади: Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир куни одамлар ичида ўтирган эдилар, ҳузурларига Жаброил келиб: «Иймон нима?» деб сўрадилар. «Аллоҳга, Унинг фаришталарига, У билан йўлиқишга, Унинг пайғамбарларига иймон келтиришинг ва қайта тирилишга иймон келтиришинг» дедилар. «Ислом нима?» деб сўрадилар. «Ислом – Аллоҳга ибодат қилишинг ва Унга ширк келтирмаслигинг, намозни барпо қилишинг, фарз қилинган закотни адо этишинг ва Рамазон рўзасини тутишинг» дедилар. «Эҳсон нима?» деб сўрадилар. «Аллоҳга гўё Уни кўриб тургандек ибодат қилишинг, гарчи сен Уни кўрмасанг-да, У сени кўриб турибди» дедилар...». (Бухорий (1/114, 8/513 Ал-фатҳ), Муслим (1/164 Нававий). «Саҳиҳайн»да келган Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ислом беш (асос) устига қурилган: Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад Аллоҳнинг элчисидир деб гувоҳлик бериш, намозни барпо қилиш, закотни адо этиш, ҳаж қилиш ва Рамазон рўзасини тутиш» (Бухорий (1/49), Муслим (1/176-177)). Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда айтилишича, бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: «Ё Расулulloҳ, мени жаннатга киришимга сабаб бўладиган бир ишга йўлланг», деди. У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ла илаҳа иллаллоҳ ва Муҳаммадун Расулulloҳ деб гувоҳлик берасан, намозни барпо қиласан, закотни ўтайсан, Рамазон рўзасини тутасан», дедилар. Ҳалиги одам: «Жоним Қўлида бўлган Зотга қасамки, бунга бирон нарсани зиёда ҳам қилмайман, бундан бирор нарсани камайтирмайман ҳам», деди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аъробий агар сўзида содиқ бўлса, нажот топди», дедилар (Бухорий (3/261), Муслим (1/174)). Ҳадис шориҳлари айтишларича, унда ҳаж зикр қилинмади, чунки у пайтда ҳали фарз қилинмаган эди. Бухорий ва бошқалар ривоят қилишларича, Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу айтадилар: «Биз Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан масжидда ўтирган эдик, шу пайт туянинг устида, бир киши кириб келди. Туясини масжидга чўктириб, сўнг уни боғлади, сўнг: «Қайси бирингиз Муҳаммадсиз?» деб сўради. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобалари ичида, суяниб ўтирган эдилар. Биз: «Суяниб ўтирган манови оқ юзли киши» дедик. Ҳалиги одам у зотга хитобан: «Ибн Абдулмутталиб?» деди. «Эшитяпман сени» дедилар. У Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Мен сени саволга тутаман ва қаттиқ сўрайман, мендан аччиқланмайсан» деди. «Кўнглингга келганини сўра» дедилар. У деди: «Сенинг Парвардигоринг ва сендан олдингиларнинг Парвардигорига қасамёд қилиб, сендан сўрайман, барча инсонларга сени Аллоҳ пайғамбар қилиб юбордимми?» У зот: «Ҳа, Аллоҳим (гувоҳ)» дедилар. «Аллоҳга қасамёд қилиб сўрайман, бир кеча-кундузда беш марта намоз ўқишимизни, Аллоҳ сенга буюрдими?» деди. «Ҳа, Аллоҳим (гувоҳ)» дедилар. «Аллоҳга қасамёд қилиб сўрайман, йилнинг бир ойида рўза тутишимизни сенга Аллоҳ буюрдими?» деди. «Ҳа, Аллоҳим (гувоҳ)» дедилар. «Аллоҳга қасамёд қилиб сўрайман, мана бу садақани бойларимиздан олиб, камбағалларимизга тарқатишга сени Аллоҳ буюрдими?» деди. «Ҳа, Аллоҳим (гувоҳ)» дедилар. Шунда ҳалиги одам: «Сен олиб келган (дин)га иймон келтирдим, мен ўз ортимдаги қавмимнинг элчисиман, мен Саъд ибн Бакр қабиласидан, Зимом ибн Саълабаман» деди» (Бухорий (1/148) ривояти.Шунингдек, Насоий (4/24) Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан, Доримий (1/165) Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилганлар). Аллоҳ таоло бандаларига амр этган ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни, уни баён қилиб бериш учун элчи қилиб юборган Ислом, шудир. Тўрт мазҳабдан биттасига тақлид қилиш фарз ҳам, суннат ҳам эмас Мазҳаблар илм аҳлларининг баъзи масалалардаги фикрлари, тушунчалари ва ижтиҳодларидир.

Бу фикрлар, ижтиҳодлар ва тушунчаларга эргашишни, бирон кишига на Аллоҳ, на Расули фарз қилгандир! Зеро, улар ичида тўғрилари ҳам бор, хатолари ҳам. Холис (юз фоиз) тўғрилик эса, фақат Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламдан собит бўлган нарсалардир. Кўп ҳолларда имомлар бирон масала (да бир фикр) га борганларидан сўнг, ҳақ ундан бошқасида экани маълум бўлиб қолса, ундан қайтганлар. Шунга кўра, ким Ислom динига киришни ва иймон шарафига мушарраф бўлишни истаса, унга фақат «Ла илаҳа иллalloҳ ва Муҳаммадун Расулulloҳ» деб гувоҳлик бериш, беш вақт намоз ўқиш, закот бериш, Рамазон рўзасини тутиш ва агар йўлига қодир бўлса, ҳаж қилиш лозим бўлади. Аммо, тўрт мазҳабдан бирига ё бошқа бирон мазҳабга эргашиш фарз ҳам, мандуб ҳам эмас, мусулмон киши улар ичидан айнан бирини маҳкам ушлаши, фарз эмас. Аксинча, айнан бир мазҳабни, унинг ҳамма масалаларида маҳкам тутган одам хато қилувчи ва кўр-кўрона тақлид қилувчи мутаассибдир. Ва у динларини бўлиб, гуруҳларга бўлиниб олган, кимсалардан бўлади. Аллоҳ таоло динда гуруҳларга бўлиниб олишдан қайтарган. Аллоҳ таоло айтади: «Динларини бўлиб, ўзлари ҳам гуруҳларга бўлиниб олган кимсалар тўғрисида бирон нарсада (масъул) эмассиз» (Анъом: 159). «Мушриклардан бўлманглар! Улар (яъни мушриклар) динларини бўлиб, фирқа-фирқа бўлиб олгандирлар. Ҳар бир фирқа ўз олдидан нарса билан хурсанддирлар» (Рум: 31-32). Ислom дини битта диндир, унда фақат Муҳаммад соллalloҳу алайҳи ва салламнинг йўллари ва ҳидоятларидан бошқа эргашиш фарз бўлган на мазҳаблар ва на йўллар мавжуд! Аллоҳ таоло айтади: «Айтинг: Менинг йўлим шудир. Мен Аллоҳга даъват қиламан. Мен ва менга эргашган кишилар аниқ ҳужжатга — ишончга эгамиз. (Ҳар қандай шерикдан) Аллоҳни поклайман. (Зеро) мен мушриклардан эмасман» (Юсуф: 108). Бу мазҳабларда эса, уларга илмсиз равишда тақлид қилувчилар томонидан жанжал ва тортишувлар жуда кўпайган! Ваҳоланки, Аллоҳ таоло айтган: «... ва (ўзаро) талашиб-тортишмангизки, у ҳолда султлашиб, кучқувватингиз кетур. Сабр-тоқат қилингиз! Албатта, Аллоҳ сабр қилувчилар билан биргадир» (Анфол: 46). Аллоҳ жалла жалолуҳу бирлашишга ва Унинг Китобини маҳкам тутишга буюриб айтган: «Ва барчангиз Аллоҳнинг арқонига (Қуръонга) боғлангиз ва бўлинмангиз!» (Оли Имрон: 103). Ислom динининг асоси фақат Аллоҳнинг Китоби ва Расулининг суннатларига амал қилишдир. Ҳақ Ислom дини шудир, унинг асли ва асоси Китоб ва Суннатдир, бу иккиси мусулмонлар келишмаган ҳар бир ишда мурожаат қилинадиган маржеъдир. Кимда ким келишмовчиликни бу иккисидан бошқага қайтарса, у мўмин эмас! Аллоҳ таоло айтганидек: «Йўқ, Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича ва кейин сиз чиқарган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунларича - бўйсунмагунларича зинҳор мўмин бўла олмайдилар» (Нисо: 65). Имомлардан бирорталари ҳам менга тутган йўлимда эргашинглар, демаганлар! Балки, биз олган ўридан олинглар, деганлар! Қолаверса, бу мазҳабларга кейинги асрлар тушунчаларидан, кўплари қўшилиб кетган, улар ичида кўплаб ғалат ва ифтирозий (яъни, фаразан айтилган) масалалар борки, уларни ўша нисбат берилаётган мазҳаблар имомлари кўрганларида эди, улардан ва уларни айтган кишилардан, ўзларининг безор ва пок эканларини, эълон қилган бўлардилар! Илм ва дин билан маъруф бўлган, салаф имомларидан ҳар бири, Китоб ва Суннатнинг зоҳирини маҳкам тутганлар, шу иккисини маҳкам ушлашга ва уларга амал қилишга одамларни, тарғиб қилганлар. Бу Имом Абу Ҳанифадан, шунингдек, Моликдан, Шофийдан, Аҳмаддан, Суфён Саврийдан, Суфён ибн Уяйнадан, Ҳасан Басрийдан, Абу Юсуф Яъқуб Қозийдан, Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийдан, Абдурраҳмон Авзоийдан, Абдуллоҳ ибн Муборақдан, Имом Бухорийдан, Имом Муслимдан ва бошқалардан – раҳимаҳумуллоҳ – собит бўлгандир. Улардан ҳар бири динда бидъат чиқаришдан ва маъсумдан бошқасига тақлид қилишдан огоҳлантирганлар. Маъсум (гуноҳдан сақланган, пок) зот, фақат Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламдирлар. У зотдан бошқа ҳар қандай киши, ким бўлишидан қатъий назар, маъсум эмасдир, унинг сўзидан, Китобу Суннатга мувофиқ келгани олинади, уларга зид келгани қандай сўз бўлмасин, ташланади! Имом Молик раҳимаҳумуллоҳ айтганларидекки, у киши: «Мана шу қабр соҳибидан бошқа, ҳар қандай одамнинг сўзи олинади ҳам, ташланади ҳам», деб Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг қабрларига ишора қилганлар.

Барча муҳаққиқлар, жумладан тўрт имом ҳам, мана шу йўлни тутганлар, улардан ҳар бири қотиб қолган тақлиддан огоҳлантирган! Чунки, Аллоҳ таоло, Ўзининг Китобида бир неча ўринда тош қотган муқаллидларни айблаган! Илгаригилару кейингилар ичидан кофир бўлган кишиларнинг аксарияти аҳбор (яхудий уламолари) ва (насроний) роҳибларга, машойихлар ва ота-боболарга тақлид қилиш орқалигина, кофир бўлишган! Имом Абу Ҳанифа, Молик, Шофиий, Аҳмад раҳимаҳумуллоҳ ва бошқалардан қуйидаги сўзлар собит бўлганки: «Қаердан олганимизни билмасдан туриб, бизнинг сўзимиз билан фатво бериш ё, бизнинг сўзимизни ушлаш, ҳеч кимга ҳалол бўлмайди» Улардан ҳар бирлари: «Агар ҳадис саҳиҳ бўлса, шу менинг мазҳабимдир», деб очиқ айтиб қўйганлар. Яна улар: «Агар мен бир сўзни айтсам, уни Аллоҳнинг Китоби ва Расулининг Суннатларига рўбарў қилинг, агар уларга мувофиқ келса, қабул қилинг, агар зид келса, рад қилинг ва менинг сўзимни деворга уринг», деганлар. Бу айтилганлар ўша улуғ имомларнинг сўзларидир, Аллоҳ таоло уларни дорус-саломга (жаннатга) дохил қилсин.

Лекин, одамлар назарида мужтаҳид ва маъсум (гуноҳдан холи) саналиб қолинган кейинги даврлардаги муқаллидлар ва дафтар қоралаган ёзувчилар қилмишига минг таассуфлар бўлсинки, улар мазкур тўрт имом ва уларнинг машҳур мазҳабларидан бирига тақлид қилишни (яъни далилини билмасдан эргашишни) одамларга фарз қилиб қўйдилар. Улардан бирини ўзига лозим тутгандан сўнг энди ундан бошқасининг сўзига амал қилишни, ман қилдилар, гўёки уни итоат қилиниш лозим бўлган пайғамбардек, қилиб қўйдилар! Кошки, улар ўша имомларнинг ўз оғизлари билан айтган сўзларини, билишганида! Бироқ, афсус, улардан кўплари, ўзлари эргашаётган имомнинг исмидан бошқа, ҳеч нарсани билишмайди! Мутааххирлардан (яъни, кейинги давр вакиллари) баъзилари, (ҳаётда учраши қийин бўлган) турли масалаларни ихтиро қилиб, йўналишларни ўйлаб топиб, уларни имомга нисбатладилар. Улардан кейин келганлар бу масала ва йўналишларни имомнинг сўзи ва мазҳаби деб, ўйлайдиган бўлдилар. Ҳолбуки, улар имомнинг сўзларига зид эди ва имом унга нисбат берилган, бу нарсалардан пок эди! Бунга мисол қилиб, кейинги даврлар ҳанафийларининг намоздаги ташаҳҳудда, ишораи саббоба қилиш (яъни, кўрсаткич бармоқ билан ишора қилиш) ни ҳаром санаганларини, ёки Аллоҳнинг қўлидан мурод Унинг қудрати деб айтишларини, ёки Аллоҳ таоло, Ўз зоти билан ҳамма маконда мавжуд, У арш устида барқарор эмас, деб айтишларини келтириш мумкин. Бу ва шунга ўхшаш ишлар билан, мусулмонларнинг бирлигига путур етди, уларнинг жамоатлари ва жамиятлари бўлинди, ўрталаридаги жарлик кенгайиб, уфқлар нифоқ ва шиқоқ (ажралиш) билан тўлди. Баъзилари баъзиларини бидъатчига чиқардилар, ҳар бир жамоат арзимаган нарсада, ўзига хилоф гап айтганни адашганга чиқарди, ҳатто бир бирларини кофир санаб, бир-бирларининг бўйинларига қилич урдилар. Ростгўй ва омонатли пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам хабар берган нарсага, мисол бўлиб қолдилар. У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтгандилар: «Ҳали умматим етмиш уч фирқага бўлиниб кетади, ҳаммаси дўзахда бўлиб, фақат биттаси (нажот топади)». «Улар кимлар ё Расулуллоҳ?», деб сўралганда: «Мен ва асҳобларим тутган йўлни тутганлар», деб жавоб берганлар (Термизий 2641), Ҳоким (128-129) ва бошқ Кейин келганлар ўзгартирдилар, алмаштирдилар, фақат бир мазҳабга тақлид қилишни шарт санаб, бўлиниб кетдилар Буюк Аллоҳга қасамки, мусулмонлар комил мусулмон бўлиб, исломларида содиқ бўлган даврларда, нусратланган, ўлкаларни фатҳ қилган, дин байроғини баланд кўтарган эдилар. Хулафои рошидийн ва уларга яхшилик билан эргашган кишилар каби. Лекин, мусулмонлар қачонки, оламлар Парвардигорининг буйруқларини ўзгартиришгач, Аллоҳ таоло ҳам, улардан неъматни ўзгартириш, қўлларидан давлатни олиб қўйиш ва халифаликни кетказиш билан, уларни жазолади. Бунга жуда кўп оятлар, гувоҳ бўлади. Хос мазҳабларни лозим тутиш ва уларга гарчи ботил билан бўлса-да, таассуб қилиш, улар ўзгартирган буйруқлар жумласига киради. Бу мазҳаблар дастлабки уч асрдан кейин пайдо бўлган, **бидъат ишлардан эканига шак-шубҳа йўқдир**. Дин ва савоб деб эътиқод қилинган ҳар бир бидъат, залолатдир! Салафи солиҳлар Китобу Суннатни ва бу иккисининг йўлланмаларини, ҳамда уммат ижмоъ (иттифоқ) қилган нарсани, маҳкам ушлар эдилар.

Ва Аллоҳнинг раҳматига сазовор, Аллоҳ рози бўлган ва уларни ҳам, рози қилган мусулмонлар бўлгандилар. Аллоҳ бизни ҳам, улардан қилсин ва охиратда улар қаторида тургизсин. Лекин, мазҳаблар бидъати ёйилгач, бунинг ортидан бирликнинг парчаланиши ва мусулмонлар бир-бирларини залолатга нисбатлашлари келиб чиқди. Ҳатто, масалан, ҳанафийнинг шофиий имом ортида намоз ўқиши жоиз эмаслиги ҳақида фатво бердилар. Гарчи тилларида тўртала мазҳаб аҳли ҳам аҳли сунна деб айтишса ҳам, амаллари сўзларининг ёлғон эканини исботлар, амаллари сўзларига зид эди. Масжидул Ҳаромдаги мана бу тўртта мақом (яъни, имом учун қилинган махсус ўрин, меҳроб) ана шу бидъатларга яққол мисол бўлади. Шу билан мусулмонлар бир неча жамоатга бўлиндилар, ҳар бир мазҳаб кишиси намоз учун ўз мазҳабининг жамоатини кутиб турадиган бўлди! Шу каби бидъатлар сабабли Иблис ўз мақсадларидан бирига, яъни мусулмонлар жамоатини бўлиш ва бирлигини парчалашга эришди. Бу каби ишлардан Аллоҳнинг Ўзидан паноҳ сўраймиз. Аллома Муҳаммад Султон ал-Маъсумий ал-Хўжандий раҳимаҳуллоҳ асаридан иқтибос эди.

Мазҳаб масаласида менинг эътирозим шундай: Бугунги ўзбекистон сарой муллалари ҳанафиймиз дейишади. Айни дамда улар ақидада мотуридиймиз, дейди. Нега энди ақидада Ҳанафий эмас?! Кейин, уларнинг ҳанафийлиги ҳам, аниқ эмас хали. Жойи келганда, бошқа мазҳабдаги фатволарни олишади. Масалан уч талоқ масаласида, кўп олишади. Тариқатда Нақшбандийликни иддао қилишади. Уни нима кераги бор, уммат учун?! Унга киришлик ҳам ихтиёриймасми?! Ундан бошқасига киришлик ҳам, шундайдир. Нега, бошқа мазҳабга, қаттиқ қаршилиқ қилишади?! Нақшбандий тариқатида бўлиш ва мазҳабда бўлишлик, аслида ихтиёрий нарсалар эмасми?! Ким қайси мазҳабни истаса, шунда юрса бўлмайдими?! Қолаверса, умуман мазҳабсиз яшаса, бўлмайдими?! Умуман мазҳабсиз, тоза салафий мусулмон бўлиш, мумкин эмасми?! Албатта, мумкин ва юқоридаги аллома Хўжандий китобида, бунга қатор ҳужжатлар келган. Булар ҳам шаръий ва ҳам қонуний, мумкин бўлган нарсалардир. Булар бир мазҳабга мутассиблик қилишадида, бошқасини рад қилиб, муаммони йўқ ердан, ўзлари сунъий тарзда пайдо қилишяпти. Ўзбекистонда Конституциявий давлат экан, унда инсон ҳақ ҳуқуқи таъминлангани, ёзиб қўйилган экан. Кимни қайси мазҳабга кириши ва кирмаслигини назорат қилишга, ҳеч кимнинг ҳаққи йўқдир! Диний Бошқармадагилар Конституцияга ва диндаги мавжуд, аслий танлаш каби, эркинликка қарши иш қилишяпти. Ҳукумат буни билиб, уларга шундай ҳуқуқлар бериб қўйди. Менинг эътирозим ана шуларгадир. Бугун Ўзбекистонда ҳанафий мазҳабига киришликни давлат сиёсати даражасига кўтаришди. Бу эса, Диний Бошқарманинг тарихий хатосидир. Радикаллар мазҳабсизларда бўлади ва ҳанафий мазҳабида бўлсалар, давлатга итоатли бўлади деган, ботил ақидани ҳукуматга сингдиришди. Шу сабабли, Диний Бошқарма ва ҳукумат орасида, келишув пайдо бўлди. Қўшни Афғонистондаги Толибонни ҳам ҳанафий мазҳабида эканини ва ҳанафийлик ҳукуматга итоатдан иборат эмаслигини, бу ҳукумат тушунмасди. Бу мавзуда Диний бошқарма ҳам, чурқ этиб оғиз очмайди. Мана шулар, бугунги ихтилофларнинг асл сабабидир.

Бу бобда дунёдаги содир бўлаган турли ва воқеълар ва Широнов қавмидаги ва Стромсунд қавмидаги ихтилофлар зикр қилинади. Ва китоб ёзиш жараёнида келган комментларга муносабат билдирилади.

Мёлбу қавмидаги фитналар ҳақида

Мулла Широновга қарши гуруҳ ва уларнинг орасидаги жанжалларга киришдан олдин, қисқароқ суратда, Қаршилиқлар гуруҳи ҳақида_ маълумот бермоқчиман. Қашқадарёлик бўлган ва бугунги кунда хорижда яшаётган_ бир гуруҳ шахслар борки, улар ҳақида ҳам бу китобда тўхталиб ўтишим зарур. Булар Обид қори қавмидан ҳисобланишади. Булардан баъзилари четда” ва баъзилари, Швецияда яшашади. Қаршилиқлар ичида атеисти бор. Радикали бор. Демократ диндори бор. Динсиз демократи бор. Ҳаммасини уламси Канададаги Акмал Ҳайдаров деган, йигитдир. Акмал Ҳайдаров ва Ҳасан Темировлар ёшлиқдан дўст бўлиб, бирга институтда ўқишган. Акмал Туркияга кетиб, у ерда Лидервойга қўшилиб, кейин, уйига қайтмасдан, БМТдан бошпана сўраб, Канададан қўним топган. Уни ошнаси Ҳасан, Қозоғистон орқалик бошпана олиб, Швецияга келган. Буларнинг таниши Байрамали Юсупов деган йигит, Даниядан бошпана олган. Қарши гуруҳига кейинроқ Асрор Эгамбердиев (Бу китобда шу нусха, Эшак Ҳожи лақабида зикр қилинган) келиб қўшилади. (Буни ҳозирда исми шарифи ўзгартирилган, ўзи нажас бўлсада, солиҳ деб ном қўйган) хуллас, бу гуруҳда яна бир икки шасхлар бор. Дилмурод Худойкул дегани ҳам Қаршилиқ. Лекин, уни бу гуруҳ, ўз сафига қўшмайди. Баходир Чориев каби, Қашқадарёлик демократлар бор. АҚШда яшайди. Бу китобда Қашқадарёликларнинг атеистлари ва демократлари ҳақида ёзилмайди. Булардан Даниядаги Байрамали Юсупов, Обид қори қавмига, тез тез келиб, меҳмон бўлиб турган. У ҳар йил ёзни, шулар яшайдиган қишлоқда ўтказарди. Боласи Стромсунддаги лагерда болаларга қўшилиб, ўйнаб кетарди. Байрам қарашлари радикал эмасди. У кейинчалик. Каримберди Тўрамуродов деган, бир кимсани Данияга таклиф қилиб, у орқалик ўзини, Ўзбекистонга боришига ҳаракат қилиб кўрди. У нусхани яна Швециядаги қатор шахслар ҳам меҳмон қилишди. Бефаросат ҳам унга қимматбаҳо ботинка совға қилиб, хурсанд қилиб жўнатишди. Лекин, унинг ташрифидан кутилган натижага эришолмадилар. Булар қиссаси, ўз жойида тафсилоти билан ёзиларди. Акмал Ҳайдаров ва Ҳасан Темировлар билан, мен Таянч номли бир ташкилотга аъзо бўлганмиз. 2009 йилда ташкил этилган бу жамият, 2011 йилда тугатилди. Жамиятни расман рўйхатдан ўтирган ҳам ўзим бўлдим. Тугатган ҳам ўзим бўлдим. Унинг сайтини очган ва бу жамият номидан ҳамма ишни қилган ҳам, мен бўлдим. Жамиятга Акмал Ҳайдаров раис ва Ҳасан Темиров раис ўринбосари бўлганди. Камина матбуот котиби, эдим. Хуллас, Таянч жамияти мавжуд бўлиб турган икки йил давомида, мен унинг сайтини очганман. Унинг номидан мурожаатлар ёзганман. Унинг номидан ЎХХга аъзо бўлганман. Унинг номидан, турли туман мажлисларда қатнашганман. Раис ва муовини на бир марта, сайтга мақола ёзган, на бирор нарса қилган?! Иккаласи ҳам дипломи бор, одамлар экан. Тўрт қатор нарсени тузукроқ ёзишни билмасдилар. Мен дипломи саводсизларни кўплигини, шу Қаршилиқлар ичида кўрдим. Лекин, Акмал ҳам Ҳасан ҳам, радикал эмасди. Буларни бошини, Халифат куриш қайғуси оғритмасди. Булар оддий инсоний ваъдага вафо қилиш, гапирса тўғри гапириш каби, оддий сифатлардан ҳам маҳрум кимсалар, эдилар. Булар Туркиядан уй олиб. ўша ерда сайру саёҳат қилиб, маза қилиб яшашни хуш кўрадиган, шахслар эди. Бу иккала нусхани яқиндан таниганим учун, улар ҳақида гувоҳлик бераяпман. Булар ишончга, лойиқ одамлар эмасди. Булар билан разведкага боришни, ҳеч кимга маслаҳат бермасдим. Бу иккаласи икки йилдан ортиқ, бу жамиятга раис ва муовин бўла туриб, бирорта иш қилмаган эдилар. Банқдан ҳисоб очиб, пул қўямиз деб келишгандик. Бир сўм ҳам қўйишмади. Бу иккала шахсда, ёлғон гапириш, ваъдага вафо қилмаслик ва омонатга хиёнат қилиш сифатлар комил топилганди. Акмалда бир оз уят ва виждон борга ўхшасада, Ҳасанда уни асари ҳам кўринмасди.

Бу иккала шахс ўша пайтда ЎХХ фаолиятида, ўзларини сустигини ва саботли шахс эмасликларини кўрсатдилар. Булар ўн йил олдинги тарихдир. Булар ҳақида ҳали, бошқа бир китобда алоҳида ёзиш ниятим бор. Байрамали Москвада Елена Рябинина кўмагида Даниядан бошпана олганди. Мен ҳам шу аёл орқалик ҳуқуқий кўмак олганим учун, Байрамни Швецияга келмасимдан илгари, таниганман. Қаршиликлардан яна бири, юқорида айтилган, Эшак ҳожи лақабли шахс бўлиб, у Украина орқалик Швецияга келганди. Уни Украинада кўрганман. У пайтларда қоровуллик қилиб, Бир хоналик уйда, расвоси чиқиб яшарди. Швецияга келиб тили чиқди. Пули кўпайди. Ҳожака бўлди. Кейинроқ, эшак ҳожи бўлди. Ўзи на диний ва на дунёвий саводи йўқ одам, бугун оғзини тўлдириб, ҳаммага ақл ўргатадиган бўлди. Бу аҳмоқ кимсани, ўзини Қаршилик земляги Тулкин Қараев, қилган бир ифлос ишини, бир мақола қилиб ёзиб, шарманда қилганди. Қаршиликлар бири бирига ҳам, қаршилик қилишарди. Шунинг учун ҳам буларни, Қаршилик қилувчилар деб айтайман. Эшак ҳожи, Стромсунда келиб, анча ўзгарган эди. Уни олдинги пайтини кўрган одам, бугун танимасди. Агар у бу ерга келмаганида, оддий чўпон бўлиб, Тинчгина яшаб ўтиб кетарди. Бу ердаги имкониятлар, уни радикалга айлантирди. У бу ерда интернет деган, нарсани кўрди. Шу ерда, ИШИДни жиноятлари акс этган, видеолар билан танишди. Шу муҳитда, у радикаллашади. Шириновга қарши чиққан ва уни ота онасигача ҳақорат қилган кимса шу бўлади. Чунки, унда на исломий ахлоқ ва на оддий одамгарчилик, йўқ эди. Кейинчалик, шу китоб ёзилиш жараёнида у менга ҳам, ҳақоратли аудиофайллар жўнатди. Ўзини ифлослигини тасдиқлади. Аллоҳ уни лаънатига олсин! Чунки, ким бировни ота онасини сўкса, ўз ота онасини сўкка бўлади. Ким ўз ота онасини сўкса, Аллоҳ уни лаънатлайди. Бу ҳадисда келган хабар. Шунинга асосан, мен уни лаънати дейман. Кейин, у менга қарши видеолар қилиб чиқди. У кейинроқ. Млэбуга кўчиб борди. У ерда Шириновга қарши фитналар қилди. Бу нусха, Шириновга қарши, ўз манхажини далил билан тушунтириш ва илмий мажлис қилиш савиясидаги одам эмасди. Янада мантиққа зид ери, у Мулла Сайфини, ва Обид қорини ва Тохир қорини гўё, яхши кўрувчи муридларидан эди. Ваҳолонки, ана шулар Мулла Шириновни, ҳурматини жойига қўядиган одамлар эдилар. Бу аҳмоқ эса, уни беҳурмат қилар ва яна уни ҳурмат қилувчиларни, яхши кўришни иддао қиларди. Чунки, улар ҳурмат қиладиган Мулла Сайфи ҳам ва Мулла Тохир ҳам, Шириновни ўзига қадрдон деб, биларди. Булар эса, Шириновни бир пулга олишмасди. Менга уламоларга тил теккизманг. Уларни гўшти заҳар деб, ақл ўргатадиганлар, Шириновга қарши бемалол гапирар эдилар. Ваҳолонки, уламолар гўшти заҳар бўлса, Шириновни гўшти ширин бўлмаслиги керак эди. Мулла Сайфини гўшти заҳар бўлса, Шириновни гўшти ширин бўладими?! Булар иккаласи бир, илмий даражадаги шахслар эди. Обид қори комадада қолиб кетган ва ундан хат хабар йўқ эди. Уни ҳақида маълумот на Мёлбуга ва на Стромсундагиларга берилмасди. Ваҳолонки, бу иккала қишлоқдагилар, уни бирдек яхши кўришарди. Лекин, булар ўзаро келишолмасди. Ширинов Стромсундаги радикалларни, Мёлбуга келишига қаршилик қилган. Лекин, унинг қўлида уларни тўхтатиб қоладиган, ресурлар йўқ эди. Улар у бу кимни ёрдамида, уй топиб, кўчиб келиб, жойлашиб олишарди. Ҳожи эшакни келишида, Мулла Тохир ёрдамлашган. У бу билан, Калмарда бирга яшаганди. У бу калтафаҳмни менинг сўзимга қулоқ солади деб, ўйлар эди. Лекин, унинг ичидаги кибри ва шайтони кун сайин, соат сайин ўсиб борар ва у бировга қулоқ соладиган одам эмасди. Шириновга қарши бўлган ва унга қарши, кўп фитналар уюштирган шахс шу бўлади. Уни мўмин қобил бола бўлиб юришини зиммасига олган Тохир қорини, унга энди гапи ўтмас эди. Доктор Ширинов унинг рухсатисиз, бу жамоага келганларни, оқ қилишга қарор қилади. Яъни, улар билан алоқа қилмаслик, уларни меҳмонга чақирмаслик, уйига бормаслик, салом бермаслик ва улар билан қуда анда бўлмаслик ва ҳоказоларни қилмасликни, ўз қавмидан талаб қилади. Мен Шириновни бу талабини, Абдурашид Баҳромовнинг 2000 йиллардаги машҳур фатвосига ўхшатаман. Ўшанда у муфтий эди. У телевиденияга чиқиб, ўша пайтда қамалаётган минглаб ваҳобийлар ва Ҳизбут таҳрир йигитларига нисбатан, худди шу Муҳиддин Ширинов айтган каби, муомила қилиш ҳақида фатво чиқарганди. Бу фатвоси албатта, ботил фатво эди. Бу фатво унга бўлган босим туфайли, чиқарилган МХХ фатволаридан бири эди. Шириновнинг талаби ҳам ботил эди.

Мен турмада ўтирганимда, Хизбутлар ўзлари ичидаги, тавба қилганларни оқ қилишарди. Улардан оқ қилинган кишига, салом берилмасди. Касал бўлса ҳол сўралмасди. Хуллас, мўминлик ҳаққи, адо этилмасди. Мен бир оқ бўлган хизбутни илтимосига кўра, биринчи сектордаги Ҳафизуллоҳ Носировни (Мулла Сайфини укаси) олдига боргандим. Унга ҳалиги хизбут масаласида гапириб, нега унга салом бермайди, хизбутлар деб сўрадим. У одамни яхши одам деб ўйлайман, дедим. Ҳафизуллоҳ бунга ҳужжат қилиб, жиҳодга чиқмай қолган уч одамни мисолини келтирганди. Ўшаларга жиҳодга беузр чиқмай қолишгани учун, салом берилмаган ва жамоатдан ажратиб, ўз ҳолига ташлаб қўйилганди. Уларнинг тавбаси қабул қилингани ҳақида оят тушган. Кейин. Улар билан гаплашиб кетишган. Булар қиссаси қуръонда, тавба сурасида келади. Шу нарсани Хизбутлар далил қилиб, ўзлари ичидаги, ҳукуматга тавба хати ёзган хизбутларни, оқ қилиб, гаплашмасдан юришарди. Ширинов ҳам худди, шу ишни қилганди. У қавмидан янги келганлар билан, алоқа қилмасликни, салом бермасликни, ҳол сўрамасликни, умуман ҳеч бир шаклда, алоқа қилмасликни талаб қилади. Ҳатто, буни қоғозга ёзиб, шунга имзо қўйишни талаб қилади. Ширинов қуруқ гапни ҳужжат қилиб бўлмайд деб, қоғозга ёзиб, имзо қўйдириб олмоқчи эди. Шунда бу, жиддий ҳужжатга айланарди. Бу ҳам бир аҳду паймон беришликнинг, бир тури эди. Қавмдан ҳужжатга имзо чекишни талаб қилади. Шунда баъзилар, имзо чекишдан бош тортишади. Ширинов Обид қорини укаси Абдулфаттоҳни, шу имзодан бош тортгани учун, оқ қилади. Сабаби, бу кимса, Зиёдни ишга олган ва уни ўз фирмасидаги таксига, шофёр қилиб қўйганди. Зиёдвой эса, ўша Сурияда видеога тушиб келган, қаҳрамонлардан бири эди. Абдулфаттоҳ укаси Абдулмалик билан жанжаллашганида, шу Ширинов унинг жонига оро кирган ва унга полиция бориб, ариза беришни, маслаҳат берганди. Энди у, шу Шириновни талабига исён қилди. Унинг айтганини қилмади. Шириновга қарши чиқди. Зиёдни ишга олди. Бу иши туфайли, Ширинов уни оқ қилди. Бунга ўхшаган нарсалар, кун кундан кўпая борди. Ширинов ҳокимиятига путур ета бошлади. Унга ҳатто энг яқин қадрдони, Тохир қори ҳам, баъзан унга эътироз қила бошлади. Лекин, унинг бефаросат номлик акаси, шу каби, мажлисларда доимо қўллаб қувватлаб турарди. У гарчи бу қавмдан бўлмада, мажлисларда ҳозир у нозир эди. Ширинов билан булар, ҳасан ҳусан каби, эдилар. Лекин, Мёлбудаги Шириновга қарши чиқаётганлар, аксари, Стромсундда қолган ултра радикаллар эмасди. Булар Ширинов билан бирга, улардан воз кечиб, Мёлбуга келган кишилар эди. Лекин, эшақхожи каби, радикаллардан бир гуруҳи, бу ерга ҳам келиб, шу фитналарни пайдо қилишганди. Агар улар келмаганида. Стромсундда яшаб қолганида, балким, Мёлбудаги парчаланиш содир бўлмасди?! Лекин, улар, булар истамасада, ордидан келишди. Чунки, қўйларга чўпон керак эди. Стромсундда чўпон йўқ эди. Мёлбудаги чўпон, бу қўйларни боқишни истамасди. Лекин, қўйлар чўпон истамасада, келиб олишди. Бу ердаги тартиб қоидалар, уларга ёқмади. Болалар тарбиясига доир, анча енгилликлар пайдо бўлганди. Буларга ўша кейин келганлар, қарши чиқишди. Ҳалиги қоғозга имзо қўйиш жараёнида, Ширинов буткул мағлубиятга учради. Унга озгина одамлар эргашди. Аксари қарши чиқди. Унинг рақиблари унинг ўғлини, тунги клубдан чиқиб келаётганини суратга олиб, тарқатишди. Бу билан Шириновга бир зарба бердилар. Бу болани тунги клубга бориши, агар шаръий ҳукумат бўлганида ҳам, жазо бериладиган иш эмасди. У агар зино қилган бўлса, ўшани тўртта одам гувоҳ бўлган бўлса, ана шунда маҳкамага бориш мумкин бўларди. Бу ерда ҳали, уни биров зино қилаётганини кўрмаганди. Қолаверса, бу ер Ислом ҳукми юриб турган мамлакат эмасди. Истаган одам, истаган ерга кириб чиқиши мумкин бўлган, давлат эди. Ширинов ўғлидан суриштириб, уни у ерга овқатланиш учун кирганини билгач, улардан ўғлидан узр сўрашни, талаб қилади. Улар узр сўрамадилар. Бу ва шунга ўхшаш турли туман нарсалар, Обид қори қавмини ярмисига ҳукмронлик қилаётган Шириновни, қолган обрўсига путур етказди. Унинг сўзи қавм ичида, қадрланмайдиган бўлди. Унинг рақиблари мажлисларда, унга қарши беҳурматлик қилиб, гапира бошлашди. Булар аксари, аслида либерал тоифага мансуб кимсалар эдилар. Лекин, Ширинов ва унинг бефаросат акаси, ултра либерал эди. Оддий либераллар қарашли, ултра либераллар учун, радикал бўлиб кўринарди. Млёбу қавмидан бир гуруҳи, Туркияга кўчишга ҳаракат қила бошлаганди. Шириновнинг у ерда, танишлари кўп эди. Шулардан бир гуруҳи кейинроқ, Регистон жамоасига асос солди.

Бу жамоани Тохиржон Абдуғани ўғли деган, Паркентлик йигит бошқаради. Тохиржон билан Шириновни диний ва сиёсий масалалардаги тутган позицияси, деярли бир хил эди. Мазҳаб масаласида ҳам, бошқа масалада ҳам, булар орасида ва қавмида, ихтилофлар йўқ эди. Лекин, Туркияда Шириновга ва Регистонга ҳам, шу масалаларда муҳолиф бўлган бошқа бир куч бор эди. Бу куч Самарқандий ва Зуфар ва уларнинг тарафдорлари эди. (Олдинроқ, у ерда, шундай муҳолиф шахс, Абдуллоҳ Бухорий эди) Шунингдек, у ерда ИШИДга тарафдор бўлган ал Косоний лақабли, яна бир шахс бор эди. Бу кимса, омма олдида чиқмасдан, зимдан иш қилувчи бўлиб ва унинг ҳам эргашувчилар етарли эди. ИШИД гумдон бўлгач. Косоний ҳам подполний режимга ўтди. Исломи биз деган сайти ҳам, гумдон бўлди. У сайтда ўзбек тилида, ИШИДни қўллаб қувватловчи кўп нарсалар бўлар эди. Баъзилар фикрича, Косоний бугун ҳаётда мавжуд эмасдир. Баъзилар, уни Сурияга кетган дейишади. Косоний қачонлардир Абдували қорида ўқиган ва кейинчалик, қарашлари такфирчиларга яқин бўлиб, улар каби, ултра радикаллар тоифасига мансуб бўлиб қолган, кимса эди. Булар орасида энг юмшоғи, Мулла Шириновнинг жамоаси бўлиб. унинг беозор Қалам гуруҳи эди. Бу жамоа бугун ҳам, шу қўй оғзидан чўп олмайдиган мулоим ва ҳалим деган, мақомни ўзларида сақлаб қолмоқда. Унда бугун атига бир неча аъзо бўлиб, улардан бошқа одамлар, бугун уни қабул қилмай қўйган эди.

Мёлбу қавмига Самарқандийни ва Зуфарни эшитишлик, маън қилинди. 2015 йилда биз Ўзбекистон президентлигига номзодларни тўплаб, интернетда виртуал сайлов ўтказдик. Бу сайлов, анча шов шувларга бой бўлганди. Бу мавзу, бу китобга дахлдор бўлмагани учун, у ҳақида, ҳикоя қилишга эҳтиёж сезмадим. Кейинги йилда, 2016 йил 29 августда_ диктатор ИАК миясига қон қуйилиб, ҳаром ўлди. Бу кимса ўлими, Ўзбекистон халқи учун, кўп узоқ кутилган хурсандлик эди. Бу кимса, ислом динини ва мусулмонларнинг душмани эди. У Абдували қорини ва бошқа кўплаб одамларни, ноҳақ қурбон қилган золим эди. Аллоҳ унга лойиқ даражада, азоблар берсин! Омин!

Стромсунддаги нодир шахслардан бири, асли Қаршилиқ Дилмурод Худойқулов деган, кимса эди. Бу одам Қаршилиқлар гуруҳидан бўлиб, диний саводи йўқ, кимса эди. У Кореяда ишлашга бориб, у ердан кейин, Ўзбекистонга кетмасдан. Швецияга келиб, бошпана сўраганди. Шу пайтда Мухожир овози деган, сайт очганди. У пайтда унинг Қаршилиқ бир таниши, Эрк партияси лидерига мухлис бўлган, Қаршилиқ Дўстназар Худойназаров деган, кимса эди. Бунга бошпана олишга ёрдамлашаман деб, унга айтиб, Эркчилардан бўлган Қудрат Бобожонни Пона уз деган, сайтга мақола ёзиб туришни талаб қилганди. Дилмурод Худойқул Қудратни сайтга, ўша пайтлар, кўп мунозарали мақолалар ёзди. Ҳуқуқбон Муътабар Тожибоева, унинг ўша мақолаларини ҳалигача сақлаб қўйибди. У мақолалардан бирида, У агар менга фатво берсалар, ўзимни ўзим портлатаман деб, ёзганди. (Яхшиямки, унга биров, фатво бериб юбормади) Хуллас, бу кимсани бу каби, сафсаталари, Туркиядаги Эрк лидерини ҳеч безовта қилмасди. Пона уз сайти, Эркчилар сайти эканини ҳамма биларди. Бу мақолаларга Толиб Ёқубов, мен ва бошқалар раддия берганмиз. Хуллас, шу воқеъадан кейин, бу кимса менга қарши бўлиб қолди. Унинг ақидаси бузуқ ва диний саводи йўқ одам эди. У туркийпараст одам бўлиб, туркийлик билан фахрланаман деб, кўп тутуриқсиз, сафсаталарни ёзарди. У Абдуллоҳ Ориповни ҳам, мақтаб бир мақола ёзганди. Унинг бир мақоласи эсимда қолган. Бу мақола «мен президент бўлсам» деб, номланади. Мазмуни шуки, агар мен президент бўлсам, Ўзбекистонни Исломи Республикаси деб, эълон қиламан. Қамоқдаги махбусларни озод қиламан. Ўзбекистонда шаръий ҳукм юритишни жорий қиламан. Россияга қарши, уруш эълон қиламан. Доғистон ва Чеченистонни ва татарларни, руслар зулмидан озод қиламан. Америкага уруш эълон қиламан. Афғонистонни озод қиламан. Исроилга қарши, уруш эълон қиламан. Фаластинни озод қиламан. Хитойга қарши уруш эълон қиламан. Уйғурларни озод қиламан. Ва ҳаказо ва ҳаказо.. Хуллас, у президент бўлса, шуларни қилмоқчи экан. Орзуга айб йўқ дейди, доно халқимиз. Менимча ундай эмас. Орзуда кўп айб бўлади. Бу киши бу оламшумул орзуларни қилибди. Лекин, нақадар реал, бу орзу?! Бу кимса, ўша сайтда мени кўп ҳақоратлар қилган эди. Бир куни Стромсундда хайитда, уни кўрдим. У Ҳасан аканинг, меҳмони экан.

Хуллас, бақир чақир бўлди. Ҳасан ака, бизни уйига олиб кетди. У ўша ерда, мендан узр сўради. Мен унга матн қилиб ёзиб беришни талаб қилдим. Чунки, у мени, сайтида омма олдида, ошкора ҳақорат қилганди. Энди узри ҳам, ошкора бўлиши керак эди. У узрини ёзиб юборди. Мен сайтимга қўйдим. Шу кимса, бугун Мёлбу қавмида яшаб қолди. У энди ўзини ўнглаб олган ва бугунги қарашлари бошқача бўлган деб, ўйлайман.

Дилмурод Кенжаевдан (Худойқулов) келган узр хати

Қадрли саҳифамиз мухлислари! 2009 йил ва 2010 йилларда Дилмурод Худойқулов имзоси билан Юсуф Расулнинг «Янги дунё» сайтида изоҳ сифатида ва ўзи очган «Муҳожир кундагилиги» саҳифасида мақола шаклида, менга қарши кўпдан кўп, турли туман ноҳақ асоссиз ҳақоратлар қилган киши эди. У энди мендан, ўша қилмишлари учун узр сўради. Ва бу узрини сайтимда эълон қилишлик учун, ёзма шаклда юборди. Мен у кишини, узри ёзилган мактубни эътиборингизга ҳавола этаман. Ва албатта ноҳақ қилинган ҳақоратлар учун, ўз қилмишини хатолигини тушуниб, Аллоҳдан қўрқиб шу дунёнинг ўзида узр сўраган одамни, узрини қабул қилдим. Аллоҳ уни ва мени ҳам, хатоларимизни мағфират қилишини тилаб қоламан.

Assalamu alaykum Abutov Muhammadsolih aka Men bir vaqtlar ba'zi yozgan maqolalarimda sizni MXXchi, milisa odami, murtad, kofir, savodsiz deb asossiz yozgan ekanman. Sizga nisbatan yozgan shu so'zlarim uchun tavba qildim va sizga nisbatan shunday nomaqbul so'zlarni ishlatganim uchun bugun sizdan ko'pdan ko'p uzr so'rayman. O'sha vaqtlar yoshlik qilganman, mening o'zim ilmsiz, savodsiz bo'lganman, qiziqqonlik ustida, johilligimdan shunday so'zlarni yozib yuborganman. Bugun ko'p pushaymonman. Hozir ham o'zimni savodsiz, johil deb bilaman. Sizni yaxshi inson deb gumon qilaman. Mening o'zimning xulqim yomonligidan o'sha vaqtlar shunday no'to'g'ri harakatlarga yo'l qo'yganman. Sizdan yana bir bor uzr so'rayman. Hammamizni Allohning O'zi to'g'ri yo'lga yo'llasin, amin. Hurmat ila Dilmurod

Бу одам Қаршилиқ бўлиб, уни қаршилиқлар гуруҳи, ўз сафига қўшмайдилар. Бу кабилар, Ўзбекистонда ҳеч қандай зулмга учрамаган ва шунчаки, яхши ҳаёт учун бу ерга келган шахслардан эди. Буни Дўстназар Худойназар, олиб келганди. У киши ҳам Қаршилиқ учига чиққан, мошенник бўлиб, кўп одамни бошпана олиб бераман деб, алдаб пулини олган ва у одамлар, депорт бўлиб кетган эди. Дилмурод Худойқул эса, хатосини тан олган мард кимса сифатида, менинг бу китобимга кирди. Қаршилиқлар ичида хатосига тавба қилган ягона шахс, шу бўлади. Бошқасида бу каби, мардлик шу пайтгача топилмади.

Бу Дўстназар дегани, Туркиядаги, Лидерни муриди бўлиб, ҳалигача унга садоқат билан хизмат қиляпти. Бугун у Украинада юрибди. Уни ҳаммадан қарзи бор ва у қарзни бермасдан, қочиб юрибди. Фарҳод Тошмуҳамедов ўша билан бирга, ресторан очиб, бизнес қилишмоқчи бўлди. Икки фирибгар бир мақсадда бирлашишди. Ресторанни очиб, бизнесни бошлаб, кейин банкрот қилишди. Ресторанни ёқиб, суғуртадан пул олишди. Хуллас, бу каби ишлардан кўплаб содир қилинди. Бу фирибгарлар ҳам, шу Стромсундда яшашган ва қисман у ерда, тарбия топгандилар. Буларга Обид қори радикал ғояларни, ўргатган эмас. У одоб ахлоқдан дарслар берарди. Аммо, булар шу дарсларни эшитган сари, одобу ахлоқсиз бўлиб боришарди. Булар бари, Обид қори маърузаси акс натижа бераётганига, далил эди. Интернетда ўша замонларда ЎИХни ва ИШИДни, рекламаси зўр кетаётганди. Буларга одоб ахлоқ дарсларидан кўра, ўша қонхўрликларни тамошо қилиш, маъқулроқ эди. Чунки, фитратлари шуни талаб қиларди. Бугун ҳам аҳвол ўзгармади. Дилмурод Худойқул балким ўзгаргандир?! Лекин, бошқалари гўрда ўзгармаса, бу дунёда ўзгарадиган кимсалардан эмасди. Валлоҳу аълам. Обид қори суиқасдга учрамасдан олдин, бунақаларни босиб турарди. Уни ўша эскидан машхурлиги ва салобати бор эди. Ундан кейин, бунақа шахс қолмади. Доктор Шириновда унақа салобат йўқ эди. У оддийроқ ва ўзини паст тутиб гаплашадиган одам эди. Ўша замонларда нетда, Зуфарни маърузалари тарқала бошлади.

Зуфарни баъзи дарсларида, ИШИДни қилган ишларига нисбатан, ижобий баҳо берилганди. Мен уни ҳам, бошқасини ҳам, кўп эшитмаганман. Лекин, шунақа мазмунли маърузасидан бир иккита, эшитиб қолганман. Бу маърузалар Мёлбудаги ёшларга, таъсир қилганди. Улар орасида, ИШИДга кетишни мақсад қилганлар бўлди. Баъзилари, у бу ерни ёқамиз ёки, портлатамиз деб, хаёл қилишган. Булар ёшлар ва ҳали нима қилаётганига, ақли етмайдиган кимсалар эди. Буларни ота оналари тўхтатиб қолишган. Зуфарни эшитишни таъқиқлаб қўйишганди. Зуфарга келсак, ўша пайтларда менга бир одам хат ёзиб, Зуфарни эшитсак бўладими? деб сўраган эди. Мен у одамга аввал мен уни ўзим эшитиб кўрайчи, ким экан у одам? кейин, фикримни айтаман дедим. Зуфарни эшитишни, Мёлбу қавми ўша пайтда таъқиқлаган эди. Мен уни икки учта, маърузасини эшитиб, чиқдим. Бу маърузалар сарой имомларига ва тоғут ҳукуматида хизмат қилиш ва ҳаказо мавзуларда бўлиб, мен у ерда ақидамга зид, бирор нарса топмадим. Мен у болани гапириши табиийлиги ва ҳатто ўз лаҳжасида гапириши ва сохталикдан холи ва дин қайғуси бор одам эканлигини, ҳис қилдим. Кейин, атайлаб, яна бир иккита, нарса эшитдим. Тўғриси, мен Абдували қоридан бошқани маърузасини эшитиб маза топмаганман. Шу болани эшитиб, маза қилдим. Баъзи, жиҳатига қўшилмаган жойим ҳам бўлди. Кейин, савол берган одамга қуйидаги мазмунда жавоб ёздим. Мен бу йигитни эшитиб, гўёки, Абдували қорини эшитгандек бўлдим. Бу йигитда сохталик йўқ экан. Овоз оҳанглари пасайиши ва кўтарилишида, табиийлик бор. Дард бор. Дин ғами бор. Бу нарса муҳим ва бугун кўпчиликда топилмайди. Ақидаси соф ва сарой лайчаси эмас экан. Хуллас, бу менинг жавобимнинг қисқача мазмуни эди. Мен ҳали бу мавзунини, яна ўз жойида, батафсил баён этаман.

Шу замонда (ҳозир ҳам) сарой муллалари сайтида шу каби, саволга, қуйидагича жавоблар бўларди.

Саволим қуйидагича, чет элдан туриб Содиқ Самарқандий, Абдуллоҳ Зуфар, Абдуллоҳ Новқатий, Маҳмуд Абдулмўмин исмли шахслар, турли диний саволларга жавоблар ва фатволар беришмоқда. Биз улар билан кўриша олмасак, яшаш жойини билмасак, улардан тўғри йўл сўраш, берган фатволарига амал қилиб, эргашиш мумкинми? Жавобингиз учун аввалдан раҳмат Мисол учун шулардан Абдуллоҳ Зуфар номи билан танилган йигитни олайлик. У Миср Араб Республикасида бироз таълим олган. Кейин Миср ҳукумати томонидан таъқиқга учраб, Швецияга бориб, ўша ерда ўзбек тилида билимсизлик билан турли ихтилофларни кўзғашни бошлаган. Аслида унинг аудио ёзилган гап-сўзлари илмсиз эканини яққол исботламоқда. Оят ва ҳадисларни зоҳирий – юзаки маъносини олиб, мазҳабсизликка тарғиб қилиб, мужассима (Аллоҳ таолога жисм сифатини берувчи тоифа) ва хаворижларни ақидасига тарғиб қилаётгани, кўпчилик илм аҳлларига сир эмас. Минг афсуски, сиз айтиб ўтганингиздек, бугунги кунда кўплаб ёшлар, ўзларининг диний эҳтиёжларидан келиб чиқиб, унинг гап-сўзларини фарқлай олишмаётир.

Тақдирни ўйинини қарангки, Зуфар устида, сарой муллалари фатвоси билан, Широнов бошлиқ Мёлбучилар фатвоси, бир хил бўлди. Бугун Ўзбекистонда ҳам, Самарқандий ва Зуфарни эшитиш таъқиқланган. (Абдували қори, Абдуллоҳ Бухорий ва Обид қорилар ҳам) Бугунга келиб эса, чет элларда юрган уламолар гуруҳи, Зуфарни эшитмаслик ҳақида, алоҳида фатво чиқаришди. Бу гуруҳдан анча олдин, Мёлбу раҳнамолари, ўз гуруҳига уни ва Самарқандийни маърузаларини эшитишни, таъқиқлаган эди. Ҳукумат эса, уларни эшитувчиларни, жиний жавобгарликка тортади. Шу жиҳати билан Самарқандий ва Зуфар, Абдували қори даражасига чиққан эди. Булар ҳақида, яна ўз ўрнида тўлиқроқ баён этаман.

Очиқ хатлар

Обид қорига суиқасд қилинган, ундан дом дарак бўлмайдиган кетди. Лекин, уни Мёлбудаги оз сонли, казо казолар кўришарди. Бу кўришиш сирли бўлиб, саноқли одамларгина сирли равишда кўришарди. Бу дегани, Довуд отасини, ўз қавмига кўрсатишга кўрқарди. У буларга ишонмасди. Булар унинг ишончидан чиққан одамлар эди. Лекин, халқ оммасига ҳам, отаси ҳақида, конкрет маълумот бермади. Кутиш жараёни жуда чўзилди.

Менга Фбдан кўп одамлар хат ёзиб, Обид қори ака яхшимилар? деб сўрашарди. Бир куни мен Довудга очиқ хат ёздим.

Довудга очиқ хат

Ҳурматли Довудхон қори жаноблари! Гарчи бир давлатда яшасақда, сизни топиш мен учун имконсиздир. Шу сабабли очиқ хатимни, сайтимда чоп қилдим. Умид қиламанки, бунга жавоб берарсиз. Мен бошқалардан фарқли ўлароқ, доимо интернетда кўплаб одамлар ва ҳам юртларим билан алоқада бўламан. Менга аксарият ҳолларда «Қори акани аҳволлари яхшимилар? Ўша ерда яшайсиз билсангиз керак? деб сўрашади. Мен эса мана тўрт йилдан ошдики, ҳа тузалапди эканлар. Ўғлини айтишича яхши экан, деган гап билан кифояланаман. У бу кимдан суриштирсам, биров бир нарса билмайди. Ҳаммаси Довудхондан сўранг дейишади. Сиз ўзбек МХХлари каби, сирли одамсиз. Сиздан эса маълумот олиш имконсиздир. Мен олдин бир икки йил, бу каби яширинишларга ва сизни қори ака ҳақидаги саволларга олди қочди, жавоблар бераётганингизга унчалик эътибор қилмасдан юрдим. Лекин, тўрт йил ўтиб бешинчи йилга яқинлашмоқда. Бу орада киллерни ушлаб қамашди. Лекин, ҳали ҳануз тушунарсиз, сирли жимлик давом этмоқда?! Бу ҳолат мени тобора ҳайратга солмоқда. Шу муносабат билан сизга қуйидаги баъзи саволларни бермоқчиман:

1. Сиз ва (бошқалар ҳам биргалиқда) Обид қори ака эс ҳушини билмаган пайтларда, уни ҳақида маълумотларни элдан яширишга ҳаракат қилдинглар. Энди эса, қори ака тузалгач, ўзлари шу каби, яшириниб яшашга қарор қилдиларми? Шу сабабли у кишини ҳозирча яшириниб турибдиларми? Ундай бўлса, бу яшириниш қачонгача давом этади? ИАК ўлгунчами? Ёки...? Қачонгача? Бу МХХдан қўрқувми?

2. Ёки, ҳали у киши эс ҳушига келмагану, сизлар яширин тутишга қарор қилганмисизлар? Агар шундай бўлса, бундай қарорга қайси мантиқ ва ёки, диний далил асосида келгансизлар?! Бу нима ўлимдан қўрқувми? Наҳот мусулмон киши, ўлимдан шунчалик қўрқса?! Мен билган қори ака ундай қилмасди. Қўрққанида бутун умри давомида хавфу хатарлар ичида туриб, ҳақни баралла айтмасди. Энди нима бўлди?

3. Обид қори ака ўзбек халқига таниқли одам. У кишини ҳақида маълумот бермасдан яшириниб ўтиришларинг, қайси диний далилга ва на мантиққа тўғри келади? Сиз яширинсангиз биров сўрамасди. Мен яширинсам биров сўрамасди. Обид қори ака ундай одаммас. У киши аввал бошдан танлаган йўл, бу яшириниб яшаш йўлимас. Бу яширинишнинг шаръий далили нима? Агар SÄPO айтгани учун шундай қилаяпмиз, деган иддаоларинг бўлса, мен аниқ биламанки, SÄPO бунга мажбурламайди. Балки, тавсия қилгандир. Лекин, бу даражада уч тўрт йиллаб, яшириниб олишларингни қандай тушуниш керак?! Агар истасангиз мени, мана шу очиқ хатимни, уларга кўрсатиб устимдан шикоят қилишингиз мумкин. Мен сиз билан бу мавзуда, улар олдида ҳам, бошқа ерда ҳам гаплашишга тайёрман.

4. Швецияга келганимдан бери биламанки, олдин ҳам ўзларингча қори акани эҳтиёткорлик қилардинглар. Стромсундга у бу кимларни келишини истамасдинглар. Ҳаммадан гумонланардинглар. Лекин, барибир қазою қадарни, ўзгартириб бўлмас экан. Бўлар иш бўлди. Бало, умуман кутилмаган ердан келди. Бугун у киллер, умрбод қамоқ жазосига маҳкум қилинди. Энди нимага бунча қўрқув?! Қазою қадарга имон келтириш шундай бўладими? Наҳотки, яна кимдир келиб, суиқасд қилиши мумкин?! Наҳотки, МХХ яна бошқа кимсани, қори акани отиб келишга юборади?! Наҳотки, шунга сизлар ишонасизлар?! Қолаверса, қадардаги нарса бўладику барибир? Қачонгача одам яшириниб яшай олади? Яна ким Обид қори каби машҳур ва кўп сонли қариндошу мухлислари бор одама..?!

5. Обид қори ака сизни дадангиз. Лекин, у киши 30 миллионли ўзбек халқининг таниқли имомидир. Бу рутбани бекор қилиб бўлмайди. У кишини соғлиги ва қаердалиги, ҳаммани қизиқтиради. Тўғри, холис инсонлар билан бирга, ИАК ва унинг МХХлари ҳам қизиқишлари мумкин. Лекин, у маразлардан қўрқиш, бошқа минглаб холис мусулмонларни ҳам, у киши ҳақида, улар олишни истаган маълумотларни олишдан, тўсиб қўймаслиги керак. Қолаверса, ўлимдан бунчалик қўрқув, шаръан жоизми?!

Дунёда ҳар куни, минг минглаб одамлар ўлаяпдику? Улардан фарқимиз нима?! Барибир ҳаммамиз ўламизку?! Ё шундаймасми?! Мен агар қори акани олдинги ишларини билмаганимда, бунинг отини қўрқоқлик деган бўлардим, халос. Одам деган, ўлимдан бунчалик қочмайди. Таваккал қилиш ва мард бўлиш керак. Беш кунлик ҳаётда қўрқиб яширинмасдан, тик яшаб ўтиш керак. У кишини холис мухлислари, душманларидан кўпроқдир. Бу қилаётган ишингиз ва тутган йўлингиз тўғрилигини, сизга кўп сонли яқинларингиз ва қори акани шогирдлари, уқтиришган бўлса керакки, шуни қилаяпсиз? Менинг ожизона фикрим шуки, бу йўлларинг ва ишларинг ҳам шаръан ва ҳам мантиқан хато йўлдир! Мен сиздан, агар менинг фикрим хато бўлса, ўша сиз суянган ва тўғри деб билган, исботу далилларни мен билан ўртоқлашингизни сўрардим. Агар сизда, бу саволларга радио орқали жавоб бериш ва муҳокама қилиш истаги бўлса, марҳамат мен тайёрман. Истасангиз ёзма жавобингизни юборинг, сайтда чоп қиламан. Агар бу саволларим сизнингча, мавжуд швед қонунларига зид жойлари бўлса, адвокатингиз билан бирга, бу учун мени, истаган маҳкамага беришингиз мумкин. Мен сиз билан Суд олдида, гаплашишга тайёрман. Агар бу саволларим шариатга зид бўлса, марҳамат буни жавобингизда исботланг. Ёки бошқа исботловчи уламолар бўлса марҳамат, суҳбатга таклиф қилиб қоламан. Агар бу саволлар учун сиз ва қавмингиз менга нисбатан муносабатингиз совуқлашса, у ҳолда бунга тўла ҳақлисизлар. Менга шу ҳақида маълумот бўлса, кифоя. Агар бу саволларимни эътиборсиз ва жавобсиз қолдирсангиз, унда демак, начора?! Менда ҳам, ана шунга яраша муносабат ва муомала қилишдан бошқа илож қолмайди. Мен дангал одамман ва менда сирли нарса йўқ. Нима тушунсам ва билсам шуни, очиқ ойдин гапираман. Шундай қилишни тўғри деб биламан. Шунинг учун ҳам, сизга шу саволлар билан мурожаат қилдим. Жавобини кутиб қоламан.

Саҳвий

26. 08. 2016

Довуд иззатталаб бола ва буни ҳамма билади. Мен унга иззатини жойига қўйиб, сизлаб хат ёздим. Бу хатга жавоб, ҳалигача келмади. Қиёматгача келмаса ҳам керак?! Ҳасан акага ёзилган бир хатга, у кишидан жавоб келди. Унинг боласича бўлмаган, Довудга ёзилган хатга, ундан жавоб келмади. Ҳасан ака қаердаю, Довуд қайда?! Шу ердан ким ўзини, қандай тутишини англаб олаверинг. Кейинги йили ҳам, Обид қоридан дом дарак бўлмади. Шунда мен қўйидаги мақолани ёздим.

Обид қори ҳақида қаердан хабар оламиз?

2012 йил 22 февралда Обид қори Назаров ўз уйи олдида отиб кетилганди. Шундай бери мана, қарийб 5 йил ўтди. 22 феврал келса, беш йил тўлади. Шундан бери бу дунёда, қанча ўзгаришлар бўлмади? Чорак асрлик диктатор ИАК ҳам, ўлиб кетди. Яна бошқа минглаб одамлар, ўлиб кетишди. Бу суиқасдни уюштирган киллер Юрий Жуковский деган, нусха ушлаб келиниб суд қилиниб, бир умрлик қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Фақат бир нарса ўзгармади. Ҳалигача, ўзгармасдан қолмоқда. У ҳам бўлса, Обид қорини аҳволи ҳақидаги, яқинларининг сирли сукутидир. Бу сукут яна қанча давом этади, Худо билади? Ҳаммага таниқли одам, жим жит бўлиб кетиши ва у ҳақида ҳеч бир хабар бўлмагани, тушунарсиздир. Ахир у кишини бир видеога тушириб, интернетга қўйсалар, икки минутлик видеода, элу халққа унинг аҳволини тузуклигини, кўрсатсалар бўлмайдимми?! Агар шуни қилишса, нима бўлади? Яна бир киллер, Мирзиёев томонидан келиб, яна отиб кетадимми?! Минглаб одамларни бундай мавҳумликда тутиб туришликни, кимга ва нимага кераги бор?! Мен шу масалада, олдинроқ Довуд Назаровга очиқ хат ёздим. Нималар бўлаяпди?! Хабар беринглар, дегандим. Менинг хатимга жавоб келмади. Ҳеч ким ҳеч нарса кўрмагандек, жим жит юришибди. Баъзи бир яқинларига кўрсатишяпди, деб эшитдим. Бошқаларга эса йўқ. Бундай муносабат тушунарсиздир. Бошқалардан шубҳаланишадими?!

Нимага у кишининг аҳволи «давлат сири» даражасида, сир сақланиши керак?! Биз ўлган одамга мағфират сўраймиз. Агар кимнидир ўлганлигини аниқ билсак. Касалга шифо сўраймиз. Агар касаллигини билсак?! Қори акага нима сўраймиз? Касалми, соғми билмаймиз?! Бу жимлик сабаби нима?! У киши ҳақида, кимдан нима сўрашни билмасак?! Сўрашлик ҳам, маън қилинганми?! Ҳол аҳвол сўрашлик, жиноят бўлиб қолдимми?! Нега сўраганимизда, биров жавоб бермайди?! Ҳатто, бориб у кишини кўриб келганлар ҳам, бориб келганлигини инкор қилмасада, бирорта нарса гапиришмайди?! Бу каби ҳолат, дунё тарихида, аввал бўлганми ёки, бу биринчи ва охириги ҳодисами, валлоҳу аълам?! Мен бу жимлик, у кишининг ўзи томонидан қилинаётган деган, фикрдан узоқман. Демак, бунга унинг яқинлари, ўзлари қарор қилишган. Хўп, бу жимлик қачонгача давом этади?! Беш йил бўлди. Яна неччи йил шундайлигича қолади?! Бу ишни тагида, биз билмаган нима сир ва ҳикмат бор?! Нега бу ҳақида, одамлар гапиришга ҳам кўрқишади?! Мен шунга ҳайронман. Мёлбудаги ўнта одамдан сўрасам, нега сўрамайсизлар десам, ҳаммаси бу масалада, гапни олиб қочишади. Ўзингиз сўранг дейишади. Мен Аллоҳ йўлидаги даъватчиларга, турли туман мусибатлар етишини ва бу йўлда кўплаб одамлар шаҳид бўлиши, қамалишини билардим. Қанча имомлар қамокда ётишибди? Аллоҳ уларга нажот берсин. Қанча имомлар ўлдириб, йўқ қилинди?! Аллоҳ уларни раҳматига олсин. Ҳақни гапиргани учун ўлдирилганлардан бири, Туркиядаги Абдуллоҳ Бухорий эди. Ўлимдан қочиб қутулган одам йўқ, бу дунёда. Қасам ичиб айтаманки, яширинганлар ҳам, очикдагилар ҳам ажали етган кунда ўлади. Шундан бир соат олдин ҳам, кейин ҳам эмас, ўша муддатда ўлади. Шундай экан, бу жимликни қандай тушуниш мумкин?! Энг асосийси эса, бунга нега ҳамма рози ва ҳамма жим қараб турибди?! Субҳоналлоҳ, мен ҳам гапирмасдан жим туришим мумкин эди. Лекин, менга бу бу сирли жимликни, тагидаги мантиқни тушунтирадиган, одамнинг ўзи йўқ. Кимнидир қаҳру ғазабидан кўрқиб жим туришлик эса, бу менинг одатимдан эмас. Мёлбу қавми тобора яширин сектага ўхшаб кетаяпти. Акримийларни сектант дейишарди. Аслида, улар буларга қараганда, анчагина очиқ одамлардир. Мен сизлардан қори аканинг соғлиги ҳақида, оммага ва жумладан менга ҳам маълумот беришларингни талаб қиламан. Ўша бориб кўриб келганлар ва ёки, яна кимда бунақа маълумот бўлса, демак айтишлар энди?! Бу бизнинг ҳам ҳаққимиздир. Чунки, биз ҳам у кишига, душман эмасмиз. Шу хатимни ўқувчилардан илтимосим шуки, менга бошқа қори ака ҳақида, саволлар берманглар. Сабаби, мен Швецияда яшасамда, у киши ҳақида, ҳеч нарса билмайман. Билувчилар эса, бу маълумотни ўзлари билан, қабрига олиб кетишади. Шундай экан, бу масалада менга бошқа мурожаат қилманглар. Энди ошкоралик, эркинлик ва демократия ўйинини ўйнамоқчи бўлганларга эса, мурожаатим шуки, менинг шу хатимга қарши, кимда мунозара қилиш истаги бўлса, марҳамат мен бунга тайёрман. Менинг радиоблогимда истаганча гаплашишимиз мумкин?! Агар, демократлик иддаоларинг ҳам, ҳар доимгидек ёлғон бўлса, унда менда сизга айтадиган бошқа гап йўқ. Омон бўлинглар!

Саҳвий

12. 02. 2017

Кейинги йили эса, мен тўғридан тўғри Обид қорини ўзига мурожаат қилдим. Агар у ҳушига келган бўлиб, ақли жойида бўлса, унинг ўзи жавоб ёзиши мумкин деб, ўйладим.

Обид қорига очиқ хат

Ассалому Алайкум қори ака. Тинч омонмисиз? Тузалиб қолдингизми?! Сизни тузалиб кетди ва гаплашяпти деб, эшитганимизга ҳам икки йилдан ошди. Сизни омма олдига қайтишдан, бугун нима тўсаётганига, шахсан мени ақлим етмайди. Сабаби, энди сизга нисбатан хавф хатар, мутлақо мавжуд эмас. Мен бунга аминман. Сизни отиб кетишганига ҳам, мана олти йил тўлди. Бу муддат ичида, кўп нарсалар содир бўлиб ўтди. ИАК деган золимни, ер ютди. Сизга ўқ узган Юрий Жуковский умрбод қамок жазосига, ҳукм қилинди.

Уни ортида турган Умид Аминов деган кимсанинг, ўлгани расман хабар қилинди. Булар сизни ўлдиришни истаган кимсалар эди. Ўзларига Аллоҳ кифоя қилди. Яна бир янгилик шуки, ИАК ўрнига келган Мирзиёев, МХХ генерали Шухрат Фуломовни умрбод қамоққа ҳукм қилди. Айнан шу кимса, сизни ўлдиришни буюртма қилган шахс эди. Мен бунга аминман. Сабаби, у Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг терроризмга қарши курашув бўлимини бошқарди. ШХТнинг аксилтеррор тузилмасига Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон кучишлатар тизимлари аъзодир. Бу бўлим Тошкентда жойлашгандир. Бу бўлимда шу давлатлар томонидан тақдим қилинган шахслар рўйхати, мавжуд бўлиб, бўлимдаги куч ишлатар тузилмаларига бу рўйхатдаги шахсларни, қаерда бўлса ҳам ушлаб келиш ва ёки жисмонан йўқ қилиш вазифаси топширилган. Бу ҳақида камина, бундан олти йил олдин бир мақола ҳам ёзгандим. Айнан шулар сизни ҳам, жисмонан йўқ қилишга уринишган. Шу рўйхатга тушган бўлса керакки, Фуад Рустамхўжаев ва Абдуллоҳ Бухорий деган йигитлар, отиб кетилди. Буларни отилишда Россия ва бошқа ШХТга аъзо давлатлар махсус хизматлари, ўзаро ҳамкорлик қилишган. Хуллас, нима бўлгандаям, улар мақсадига етолмадилар. Ўзлари бугун қамоқда Жасликда ўтиришибди. Р Иноятов деган ифлос ҳам, истеъфога кетди. Катта янгиликлар бўлаяпти. Бугун сизга нисбатан хавфу хатар йўқ. Энди ошкораликка чиқишингизга монеълик қиладиган нарсанинг, ўзи йўқ. Аммо, сиз узлатни ихтиёр этсангиз, бу албатта сизнинг ҳаққингиздир. Лекин, бир умр яшириниб яшашга, сизни биров мажбурламайди. Бу сизни хоҳиш иродангизга биноан бўлади халос. Ёки, атрофингиздагилар, ҳалиям ваҳимада ўтиришгандир. Қўрқанга қўша кўринадидеган, гап бор. Улар олдин ҳам шунақа кўрқишарди. Лекин, бу кўрқишлари Аллоҳнинг тақдирини ўзгартира олмади. Сиз жаноб, агар соғлингиз кўтарса, оммага кўринишингиз мақсадга мувофиқдир. Тирик одамни яшириниб яшаши, имкони йўқ нарсадир. Қавмингиз ҳам сиздан кейин парокандаликка юз тутди. Бугун улар ҳам, фитна фасоддан боши чиқмай қолишди. Начора? Одам бор ерда, фитна албатта бўлади. Энг ёмони улар, бугун сиз тутган, сиёсий мавқеъдан чекинишди. Улар Сауд мадҳалийлари манҳажига ўтишди. Бугун улар сиёсатга аралашмайдиган ва ҳукуматни ва сарой имомларини мақтайдиган, кимсаларга айланишди. Буларни сиз билмасангиз керак? Сиздан бу нарсалар, яширин тутилади албатта. Аммо, бор гап шу. Қори ака жимлик ва сукунатни бузадиган вақт келди. Бугун сиз майдонга отилиб чиқадиган ва жиддий, сиёсий маърузалар қиладиган вақт келди. Сиз айбдор одам эмассиз. Айбдорлар қочиб, кўрқиб яшириниб яшасин! Сиз бугун, ўзингиз йигирма йил курашган золимлар устидан, ғалаба қозонаётган пайтингиздир. Манфур сарой имомларини хиёнатларини аввалгидек, очиқ ойдин гапирадиган даврингиздир. (Агар соғлигингиз кўтарса, албатта) Золимларга Аллоҳ кифоя қилди. Бундай пайтда жим туришлик, мумкин эмас. Доий илаллоҳ бўлган шахслар, манҳаж шуми?! Дунёда фитна фасодлар тўлиб ётибди. Ироқда Халифат чиқди. Бу Ҳизбут таҳрир халифаси эмас. Бу бошқа халифат. Уч йилга бормай, униям тор мор қилишди. Ислом уммати парча парча бўлиб, бир бирини еб ётибди. Бундай пайтда уммат уламолари, хилватда ўтирмайди. Сизни оммага чиқишингизни ва 90 йиллардаги каби оташин, сиёсий маърузалар қилишингизни кутамиз. Қавмингиз бу гапларни, сизга айтмайди. Айтадиган одамларни, сиз билан учраштирамайди. Шу сабабли сизга мактуб ёздим. Шояд, бундан хабар топиб қолсангиз. Сизни соғиндик қори ака. На қавмингиз ва на ўғилларингиз сиз каби, довюрак юрагида ўти бор одамлар бўлишмади. Қаламчилик қилиб юришибди. Олти йилдан бери сизни кўрмадик ва эшитмадик. Энди бу жимликни тугашини, умид қилиб қоламиз.

Саҳвий

18. 02. 2018

Булар бариси эътиборсиз қолиб кетди. Улар ўшандан бери, то шу кунгача, Довуд отаси ҳақида, оммага маълумот бермади. Бу ҳолат ҳалигача мавҳумлигича қолмоқда.

Швециядаги акрабийлар ҳақида

Швециядаги ўзбеклар орасидаги катта гуруҳ, акрамийлар гуруҳидир. Булар сони икки мингтадан ошиқроқ. Обид қори қавми улардан кейинги, катта гуруҳ эди. Улар парчаланиб, иккига ажралиб кетди. Акрамийлар ҳам ўзаро парчаланиб кетишган. Лекин, улардан ҳеч ким, Обид қори қавмига қўшилмади. Мен шунисига эътибор қилдимки, акрамийлар тоифаси бошқаларга қўшилмас экан. Улар ўзаро парчаланса ҳам, майда гуруҳлар орасида ўзаро борди келдилар қилишда, давом этмоқдалар. Уларда кўзга кўринган диний лидер йўқ. Аммо, уларнинг бунга эҳтиёжи ҳам йўқ. Улар бошқалар билан бирга, ҳаёт кечиришлари мумкин. Лекин, уларга қўшилиб кетмасликлари аниқ. Стромсундда яшаган акрамийлар, Обид қори қавмига қўшилиб кетмадилар. Лекин, бир масжидда намоз ўқишар ва тўйларда бирга ўтиришарди. Аммо, улар Обид қорига муридлик қилмасдилар. Лекин, улар ибодатларида қоим ва улар бошқалар билан муомилада, Обид қори қавмидан кўра анча одамгарчилик жиҳатидан устунроқ одамлар эди. Уларда диний илм бўлмасада, Мёлбучиларга ўхшаган, оғзи бузуқ Ҳожакалар ҳам йўқ эди. Уларда диндорликдан кўра, оддий ўзбекларга хос одамгарчилик ва бошқаларга яхши муомила қилиш каби, сифатлар мавжуд эди. Булар одамларни алдамасдилар. Стромсунд қавми пачоғи чиққан машиналарни, шпатлевка қилиб, краскалаб, янгидек қилиб, одамларни алдаб, қиммат сотишга уста эдилар. Буларда бунақа сифатлар йўқ эди. Бу машиналар бир йилга бормасдан пачоғи чиқиб, шпатлевкаси тўкилиб қоларди. Баъзилар билиб қолиб, қайтариб олиб келишганлари ҳам, кўп бўлганди. Акрамийларда бунақалар йўқ эди. Улар булар каби, тақводорликни даъво қилишмасада. Улардаги тақво булардан анча, устун эди, менинг назаримда. Тақво нима ўзи? Тақво Аллоҳдан кўрқиш ва ҳалол бўлишдир. Бу сифатлар кўринишлари соқоллик ва оғзиларида мисвоклар бўлган ва икки уч мартадан ҳаж қилганларда, афсуски, йўқ эди. Соқоли бўлмасада, мисвоки бўлмасада, акрамийларда бор эди. Булар ичида ҳажга борганлари камроқ бўлиб, баъзилар яқинларда бориб келишди. Асосийси, менинг гувоҳ бўлганим шуки, акрамийлар пул топиб, бойиб кетсада, буларга ўхшаб, ўзларини катта тутиб, бошқаларга кибрлик билан муомила қилмасдилар. Ваҳолонки, буларда ҳам, диний илм йўқ эди. Диний илмлилар эса, Худо урган одамлар эди. Мен буларга ўн йиллар давомида, кўплаб гувоҳ бўлганман. Мен Аллоҳ учун ҳақни айтиб, Ҳақ гувоҳлик бераман. Бу китобимдаги гувоҳлигим заррача бўлсада, ёлғонда холи ва барча ёзганларимга далил исботларим бордир. Буни бугун булар тан олмаётгани, мен учун тушунарлидир. Булар ҳақни, ҳеч қачон тан олмаганлар. Мен эса, ҳақни айтишдан ҳеч қачон, ҳеч кимсадан чекинмаганман. Менга дўқ пўписа қилувчилар кўп бўлган. Аллоҳ уларга кифоя қилди. Бу ёғига ҳам, Аллоҳ кифоя қилсин дейман. Акрамий бўлиб қамалганлар орасида, аслида улардан бўлмаганлар ҳам бор эди. Булар Иваново ўзбекларидеб ном чиқарган 12 та ўзбек оиласи бўлиб, улардан беш олтитаси акрамий бўлмасада, акрамийликда айбланиб, Ивановада қамалиб қолишганди. Уларни Граждаское содействия ташкилоти, ҳимоясига олди. Улар ҳам Швециядан бошпана олиб. биздан анча кечроқ келишди. Хуллас, ўшалар орасидаги акрамий бўлмаганлардан, асли Андижонлик Қобил ҳожи деган, ўзбек олигархи бор эди. Бу киши Андижонда бизнесмен бўлган ва Жомеъга ёрдамлар қилиб юрган одамлардан биридир. Бу кишини молу дунёси, Бефаросатникидан ўн баробар кўпроқ бўлсада, буни ҳеч билдирмайдиган ва камтарона юрадиган одам эди. Баъзилар шунақа бўлади. Ўзи катта бой бўлиб, лекин, билдирмай яшайди. Баъзилар, бефаросат каби, озгина нарса топса, тинмай жумла жаҳонга овоза қилади. Иванова ўзбекларидан яна бири Маҳмуд ака деган, одам бўлиб, у киши касалванд одам эди. Шунингдек, яна иккита ака ука бўлиб, акаси Абдурауф ва укасини исми Иззатуллоҳ эди. Булар акрамийлар гуруҳидан эмасди. Лекин, шуларга алоқадор деб, Ивановада қамалишган эди. Булар Обид қори муридларидан ҳам эмасдилар. Лекин, Қобил ҳожи улар билан яшарди. Улар ҳожини сафига қабул қилишди. Ҳожи улар даражасидаги, бойваччалардан эди. Улардан ҳам каттароқ бойроқ эди. Бойларни эса, биз ўзбеклар, ҳар дорим ҳурмат қиламиз. Наригилари бунақа бойлар эмасди. Улар на Обид қори қавмига, на акрамийларга ва на бошқаларга қўшилмасдан, ўзларича яшаб юришибди. Кейинроқ, Абдурауф Мёлбуга кетди. Ортидан укаси ҳам кетди. Лекин, уларга қўшилмадилар. Хуллас, булар аросатдаги қавмлар эди. Маҳмуд ака ҳам Тимродаги масжидда, муаззинлик билан умри ўтаяпти.

У киши билан биринчи учрашганимизда, ўзини қатор касалликларини айтиб, ана ўламан мана ўламан деб, гапирарди. Бунга ҳам ўн йилдан ошди. Хуллас, у киши ҳали соғ омон ва мендан кўра, анча чаққонроқ. Тимрода имомлик қилган мулла Юсуф дегани, бор эди. У таблиғчи бўлиб, Швецияда ҳам, кўчама кўча, уйма уй юриб, одамларни даъват қиларди. У ўзи таблиғчи бўлганига билмадим, хушмуомилалик эди. Мен уни сиёсатга аралашмаслигини билардим. У Покистонда неччи йиллар юрган ва охир оқибат бу ерга келиб қолганди. Ҳозир Дубайга кетди. Ўша ерда таблиғчилик қилаётгандир билмадим. У одам билан мен тенгдошман. Таблиғ жамоаси мен ёқтирмайдиган жамоатларнинг энг биринчисидир. Бунга кўп сабаблар бор. Хуллас, бу зоти шариф мени, таблиғга муносабатимни биларди. Шунга яраша муомиласини қилган. У динсизларга қилган юмшоқ ва мулойим муомиласини, диндор ва лекин, таблиғга қарши одамга қилмасди. У ҳам ўзини таблиғ жамоасини, шу йўл билан ҳимоя қилса керакда?!

2016 йилда 29 август куни диктатор Каримов, миясига қон қуйилиб ўлди. Бу бутун ўзбек халқи учун катта байрам ва шодиёна кун эди. Айниқса. Унинг режмидан зулм кўрганлар учун хурсандлик куни бўлди. У Абдували қори каби, холис имомларни қатл қилган, қамаган ва сургун қилган золим эди. У минг минглаб мусулмонларни турмада, умрини хазон қилган золим эди. У милёнлаб ўзбекларни чет элларда қул бўлиб ишлашга мажбур қилган, диктатор эди. Туркиянинг Истанбул шаҳридаги Reina тунги клубида, 2017 йилнинг 1 январига ўтар кечаси, Абу Муҳаммад Хуросоний лақабли, асли Ўзбекистонлик Абдулқодир Машарипов 39 та одамни отиб ташлади. Бу кимса ИШИДчи бўлиб, аввал ЎИХда бўлган ва кейин, Туркияга келганди. Бу кимса қочишга улгурди. Абдулқодир Машарипов 16 январь куни Истанбулда, терактдан кейин, 16 кун ўтгач, полиция махсус амалиёти натижасида, қўлга олинган. Амалиётда 2000 полициячи иштирок этган. Reina тунги клубига қилинган ҳужум учун масъулиятни "Исломиё давлат" гуруҳи, ўз зиммасига олган. Бу ҳужумга алоқадорликда айбланиб қўлга олинган 57 одамдан бири, унинг турмуш ўртоғи Зарина Нуруллаева эди.

2017 йил апрелида 40 ёшли Раҳмат Оқилов деган нусха, юк автомобилени олиб қочган. Машинани Стокгольм марказидаги пиёдалар хиёбонига ҳайдаган, имкони борича кўп одамни босиб кетишни қасд қилган. Оқибатда беш инсон, ҳаётдан кўз юмган, 70 киши жароҳатланган. Судда айтилишича, айбланувчининг мақсади "қўрқув келтириб чиқариш ва Швециянинг "Исломиё Давлат"га қарши коалициядаги иштирокини, тўхтатиш бўлган. Лекин, ИШИД буни ўз зиммасига олиб, баёнот бермади. Раҳмат Оқиловга бир умрлик қамоқ жазоси эълон қилинди. Булар бари, Ширинов ҳукмронлиги пайтида содир бўлган воқеалар эди. Булар бари Шириновни, бу қавм билан боғлиқ, келажакдаги режаларига хавф соларди. У бу вазиятда нима қилса, сихни ҳам кабогни ҳам, куйдирмаслик йўллариини изларди. Мана шулар бари, унинг радикалларга нисбатан мурасасиз бўлишга ва улардан тоза, бир жамоат ташкил этишга ундарди. Буни қилиш учун, у қанча ҳаракат қилмасин, борган сари чалкашиб кетар ва борган сари, Мёлбу қавми, ундан юз ўгирарди. Диктаторни ўлими ҳам, уни Ўзбекистонга нисбатан позициясини ўзгартирган эди. У ҳам отаси тириклигида учрашиш учун, ватанга бориш мақсадида, йўл излаб бошлади. Шунингдек, Туркияга кўчиш режаси ҳам, барбод бўлаётганди. У ерда ҳам, ўзбек радикаллари томоша кўрсатарди. Швецияда ҳам радикаллар, тинчлик бермасди. Ўзи табиатан анча қўрқоқ бўлган Шириновга, қавм ичидаги эшак ҳожига ўхшаган ИШИДчилар ҳам, тинчлик бермасди.

Терактларга Ислом Овози сайти муносабати

Ўша ғала ғовур пайтларда Мёлбуда Ислом овози сайтини модератори бўлган Абдувоҳид Йўлдошев, Абдулазиз, Довуд Назаров, Муҳиддин Назаров, ва мулла Шириновлар томонидан Туркияда қилинган террор муносабати билан Обид қорига тегишли, Ислом овози сайтида муносабат билдирилди. Бу муносабатни билдиришлик истаги, менинг назаримда Муҳиддин Шириновдан чиққан бўлиб, Наригиларда сиёсий онгни, ўзи йўқ эди.

Бу муносабатдан мақсад Обид қорини бу каби, террорлардан поклаш ва буларни унга алоқаси йўқ деган, муждани беришлик эди. Бу муждани бир томондан ўзбекистон МХХсига ва бир томондан СЕПОга берилиши, назарда тутилди. Чунки, ҳар иккалар махфий хизматлар, бу сайтни кузатиб боришини, булар ҳам яхши билишарди. Баъзи тахминларга кўра, Хитой ва Исроил разведка хизматлари ҳам, бунақа сайтларни кузатишади. Ақшни эса гапиришга ҳожат йўқ. Шунинг учун ҳам, булар йотубдаги Обид қорининг Швецияга келган вақтида берган, мусиқа ҳаром деган фатвосини ҳам гумдон қилишди. Мақсад одамлар Обид қорини демократлигига шубҳа қилмасин дейишган. Мусиқага қарши чиққан радикал деб, ўйламасин, дейишган.

Қуйида Ислом овози сайтидаги муносабат

Туркиядаги террор амалиётларига муносабат Туркия барча соҳаларда яхшилик томонга қараб ривожланиб бораётгани ҳаммага маълум ва машҳур. Бундай ижобий ўзгаришлар Ислом ва мусулмонларнинг ташқи ва ички муҳолифларига ёқмаслиги боис улар бу мусулмон ўлкага нисбатан душманона ҳаракатларда бўлиб келмоқдалар. Кеча Истанбулнинг халқаро аэропортида амалга оширилган террор хуружлари шулар сирасига киради. Бу каби террор хуружлар ва бошқа турли-туман фитнаю иғволарнинг асл манбаи бир – Ислом душманлари томонидан уюштирилапти.Зулму туғён ва ваҳшийликлар остида мазлум ҳолида ҳалок бўлаётган инсонлар, уларнинг аҳл-оила ва қариндошларига ўз таъзияларимизни изҳор этамиз. Аллоҳ таоло барча муъминларни Ўз раҳматига олсин, Туркиядаги мусулмон халқ ва адолатпарвар ҳукуматга Ўз даргоҳидан мадад ва нусрат ато айласин, шу қатори барча Ислом диёрларини кофиру мунофиқларнинг фитна-фасодларидан қутқарсин.

«Ислом Овози» таҳририяти

Худди шунингдек, Стокҳолмдаги террорга ҳам Ислом овози сайти муносабат билдирди. Бу муносабатда, Обид қорини номини сотиб, бошпана олишга уринадиган кимсалар кўплиги айтилади. Раҳмат Оқиловга ишора қилинади. Гарчи, Раҳмат Оқиловни Обид қорини шогирдиман дегани ҳақида, бирорта маълумот бўлмасада, бу баёнот билан, шу кабилардан бароат эълон қилинган эди. Яъни, яна у бу кимса, Обид қорига яқинман ва бошпана беринглар деб келса, бериб юрманглар. Обид қорини номини сотиб юрган одамлар улар, дейилаётган эди. Лекин, шуларнинг ичида аксари, худди шундай қилиб, келишган эди. Булар орасида дини учун, қамоқда ўтиргани кам эди. Аксари фирибгарлардан иборат эди. Қуйида Раҳмат Оқилов ишига Ислом овози сайтини муносабатини ўқинг.

Ғаразли кимсалар шайх Обидхон қори номини суистеъмол қилмоқчи

Ўтган йилнинг апрел ойида Стокгольмда содир этилган террор ҳужуми учун айбдор деб кўрилаётган Ўзбекистон фуқароси Раҳмат Акилов, суриштирувлар натижасида маълум бўлишича, устозимиз шайх Обидхон қори Собитхон ўғилларининг обрў-эътиборларидан ўзининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланмоқчи бўлган. У Швецияга келган илк кунларида ўзини Обидхон қорининг тарафдори экани, Ўзбекистонда унга катта хавф борлигини, ватанига қайтса ҳукумат томонидан тазйиққа учрашини даъво қилган. Аммо Швециянинг тегишли идоралари Р. Акиловнинг сўзларида ҳеч қандай асос йўқлиги учун унинг бошпана сўраш талабини рад этганлар. Акилов Р.нинг хатти-ҳаракатлари, дунё қараши ва диндорлик ҳолати воқелиқда иддао қилаётганидек эмаслиги маълум бўлган. Бинобарин, унинг сўзларида ростлик йўқ деб, топилиб Швецияни тарк этиши тўғрисида, қарор қабул қилинган. Аммо Раҳмат Акилов ҳуқуқ-тартибот идораларидан яширин ҳолда Швецияда ноқонуний яшашда давом этган. 2017 йил 7 апрелга келиб, Стокгольм шаҳрининг марказида тўхтаб турган юк машинасини ўғирлаб, тўсатдан пиёдалар юрадиган кўчага ҳайдаб кириб, одамларни босиб кетди. Натижада 5 инсон ҳалок бўлди.

Уларнинг энг кичиги 11 ёшлик қизчадир. 10 дан зиёд одам жиддий жароҳат олди. Бу жирканч террор хуружи ортидан Р. Акилов қўлга олиниб, бир йил давомида атрофлича тергов қилингани айтилмоқда. Ниҳоят, келаётган сешанба куни унинг суди бошланади. Бу борадаги янгиликларни Швеция матбуоти батафсил ёритиб бормоқда.

Швеция: Шайх Обидхон қори маърифатпарвар инсон

Шу ўринда эслатиб ўтиш зарурки, Швеция шайх Обидхон қори Собитхон ўғилларига 2006 йил Ўзбекистон ҳукуматининг таъқиб ва тазйиқларидан қутқариш мақсадида, сиёсий бошпана берган. У киши ўшандан бери оилалари билан Швецияда махсус ҳимоя остида, истиқомат қилиб келмоқдалар. Кўпчиликка маълум, 2012 йил уюштирилган ваҳшиёна суиқасд ҳаракати оқибатида, Қори ака оғир жароҳатланганлар. Швеция маҳкамаси ва ҳуқуқ-тартибот идоралари бу суиқасд ҳаракати ортида, Ўзбекистон МХХ си турганига далолат қилувчи жиддий ишоралар борлигини, айтиб келишади. Бу ишга алоқадор деб топилган бир неча инсонлар, маҳкамага тортилган ва асосий ижрочи Ўзбекистон фуқороси Юрий Жуковский бир умрли қамоққа ҳукм этилган. Шу билан биргаликда Швеция ҳукумати Ўзбекистон томонининг бўҳтонларига, асоссиз айбловларига жавоб ўлароқ, шайх Обидхон қори ҳақ учун курашадиган маърифатпарвар инсон эканлигини, у кишининг фаолияти, маъруза ва асарлари, доимо исломий таълим тарбия, одоб-ахлоқ йўналишида бўлганини таъкидлаб келади. Шайх Обидхон қорининг халқ ўртасида ҳурматлари баландлиги сабаб, бундан ўзининг моддий ва ижтимоий манфаатлари йўлида фойдаланмоқчи бўладиган инсонларни, кўп учратиш табиийдир. Асоссиз даъволар Швецияда давлат идораларига ўзини мазлум ва ёрдамга муҳтож инсон қилиб кўрсатиш асносида, Обидхон қорининг номларини суистеъмол қилиш ҳаракатларига юзлаб мисоллар борлиги, айтилади. Шайх Обидхон қорига ўзини ё у – ё бу шаклда яқин инсон сифатида, танитишга урунишлар жуда кўп. Бундай ҳолатлар анча йиллардан буён, дунёнинг бир қатор мамлакатларида кузатилмоқда. Унутмаслик керакки, Швецияда шайх Обидхон қорининг номларини суистеъмол қилиш орқали, сиёсий бошпанага эришиб бўлмайди. Бу ҳолат қачонки инсоннинг ҳаёти ҳақиқатдан ҳам хавф остида қолганини росмана йўллар билан исботлансагина, амалга ошиши мумкин холос. Айниқса, шайх Обидхон қори ва у кишининг издошларига тегишли маълумотларни тўплаш, умуман олганда Швециядан бошпана олиб, ҳаёт кечираётган кўпдан-кўп мусулмонларни кузатиб, МХХ га етказиб туриш амалиётлари ҳақида тез-тез хабарлар чиқиб туради. Биз – мусулмонлар бундай разил мақсадли кимсаларга Аллоҳнинг Ўзи кифоя қилсин деб, дуо қиламиз. Барча беайб инсонларни уларнинг ёмонлигидан асрасин, қилаёган бузғунчиликлари ўзига уриб, даф бўлсин. Меҳрибон Парвардигоримиз барча мазлум инсонларга нажот берсин.

«Ислом Овози» таҳририяти

Хуллас, бу икки муносабатда, кўп нарсалар баён этилган. Шайх Обидхон қорининг халқ ўртасида ҳурматлари баландлиги сабаб, бундан ўзининг моддий ва ижтимоий манфаатлари йўлида фойдаланмоқчи бўладиган инсонларни кўп учратиш табиийдир. деган ери, ўша бошпана изловчиларга тегишли бўлса, "Айниқса, шайх Обидхон қори ва у кишининг издошларига тегишли маълумотларни тўплаш, умуман олганда Швециядан бошпана олиб ҳаёт кечираётган кўпдан-кўп мусулмонларни кузатиб, МХХ га етказиб туриш амалиётлари ҳақида, тез-тез хабарлар чиқиб туради." деган матн, орамизда жосуслар бор. Эҳтиёт бўлайлик деган, мессежни берар эди. Мантдаги «У кишининг фаолияти, маъруза ва асарлари доимо исломий таълим-тарбия, одоб-ахлоқ йўналишида бўлганини таъкидлаб келади.» деган ери эса, Обид қорини радикал эмас деганидир. Бу тўғри гапдир. Обид қори хорижда одоб ахлоқдан бошқа мавзулар ҳақида гапирмаган эди. Айни шунга, булар ўзлари жуда ишонишади ҳам. Буни ўзлари ҳам, сайтида ёзиб чиқишди. Лекин, мен худди шу гапни, ўша "Бир имом ҳақида шеър" деган, шеъримда айтганимда, мени тухматчига чиқаришганди. Тезда тавба қилмасанг, офат келади деб, башорат беришганди.

Энди шу гапни ўзлари таъкидлашди. Лекин, ҳеч ким уларга бало келади деб, қўрқитмади. Аксинча, бало келмасин деб, улар шу гапни ёзиб қўйишди. Яна бир қизиқ жиҳати шу эдики, бу баёнотларда, очикдан очик терактлар қораланарди. Лекин, шунга қарамай радикаллар буларни бадном қилишмасди. Шу қавм ичидаги, ИШИДчи Радикаллар тарафдорлари, буларни «демократлар» дейишмасди. ИШИДчи ўзбеклар буларни муртад деб, жар солишмасди. Шириновга нисбатан эса, (жумладан менга нисбатан ҳам) айнан шуни қилишди. Унинг қавмидаги радикаллар сони эса, тобора ошиб бораётган бир пайтда, булар страховка қилиб қўйишган эди. Лекин, бу билан, натижа бўлмади. Стромсунддан барибир террорчиликда айбланганлар чиқди. Лекин, Ислом Овози сайти улардан бароат эълон қилиб, баёнот ҳам бермади. Сурияга бориб видеога тушиб, қайтиб келган иккита азаматга ҳам, Ислом овози сайтида, бароат эълон қилинмади. Бунинг иложи йўқ ҳам эди. Чунки, улар шак шубҳасиз, Обид қорининг муқарраб муридларидан эдилар. Улар ҳақида ўз жойида яна баён этилади. Бу матнларни юқори эҳтимолга кўра, доктор Ширинов талаби ва аралашувига кўра ёзилган бўлиб, нариги муллабаччаларни, бунақа нарсага савияси етишмаслиги аниқ эди. Булар бари хавфсизлик учун, страховка эди. Ширинов қавмини мана шундай, эҳтимолий балолардан кўришга уринарди. Нодон қавм барибир, уни оқ қилди ва Мёлбудан бадарға қилди.

Қай биримиз Ҳанафийроқмиз?

2015 йилда мазҳабпараст мутаассиб шайх, МСМЮ ўлди. Бу кимса тариқатчи, бидъатчи ва мутассиб мазҳабчи эди. У мазҳабига кирмаганларни, бемазҳаблар деб, бадном қилиб кетди. У ментларга қамалган одамларни уриш ва қийнашни жоиз деб, фатво бериб кетди. У бугунгача тугамаган фисқу фасодларни бошида турган ва энг катта раҳнамози бўлган, кимса эди. У тоғутларга хизмат қилишни машруъ қилган, шайх эди. У қўрқоқ ва ҳақ учун жонини фидо қиладиган, мард одам эмасди. Унинг ўлиmidан бошлаб, мен ва унинг муридлар орасида бошланган тортишувлар, шу кунгача давом этмоқда. Унинг ўрнига келган абгор эшак, у пайтда ўзини номини ўзгартириб, Муҳаммад Нур деган, номда чиқарди. Қуйида у билан озодлик радиосида бўлган баҳсни тинглашингиз мумкин.

https://www.youtube.com/watch?v=ESY5s2_EVVI

Ўша пайтларда мен сарой муллаларининг ҳанафийлик иддаоси, сохталигини кўрсатувчи Абу Ҳанифанинг ҳаётига доир, бир мақола ёзганман. Бу мақолада имомнинг саройга хизмат қилишдан бош тортгани ва шу учун калтак еб, қамоқда ўлгани зикр қилинади. Бугунги сарой муллалари тоғутларга хизмат қилиб, яна ўзларини Ҳанафиймиз дейдилар. Ваҳолонки, ҳақиқий ҳанафийлик, саройга эмас, ҳаққа хизмат қилишлиқдир. Бугун ҳам бу масала, долзарблигича қолмоқда. Хориждаги казо казолар эса, Халифага итоат этмаган Абу Ҳанифани мазҳабидамиз деб туриб, Мирзиёевни хизматига боришга интилмоқдалар. Кошкийди, булар ҳанафиймиз демасалар, афзал бўларди. Улар қилаётган ишлари бу кишининг эргашувчиларининг ишимас. Қуйида шу мақолани эътиборингизга ҳавола этаман.

Қай биримиз Ҳанафийроқмиз?

Кириш;

Маълумки, бугунги мустабид режимга итоатга тарғиб қилувчи ўзбек имомлари ўзларини Ҳанафий мазҳабдамиз деб, иддао қилишади. Бугун диёримиздаги бидъату хурофотларни ҳам «ҳанафийлик» деб, ҳисоблашади. Мустабид режимга хизмат қилиб, унга итоат этишни «ҳанафийлик» ва унга қарши чиқишни «ваҳҳобийлик» дейишади. Мустабидларга итоат қилишликни ҳанафий мазҳабига қандай алоқаси бор?

Абу Ҳанифа мусулмонларни мустабидларга итоат қилишликка чақирганми? Бугунги ўзбек режими тарафидаги шайхлар ва уламолар билан, унга муҳолиф турган диндорларни қай бири, ҳанафий мазҳабига амал қилмоқдаю, қай бири каззоблик қилмоқда? Бу каби саволларга умумий жавоб сифатида, қуйидаги мақолани ёзишни ният қилдим.

Абу Ҳанифа зулмга исён кўтарувчи мазҳаб асосчиси бўлган эди

Аслида эса Ҳанафий мазҳаби асосчиси Нўмон ибни Собит раҳимаҳуллоҳ зулмга қарши, исёнкор шахс бўлганлар. Бизнинг диёримизда, имоми аъзам лақабли Ироқлик машҳур мужтаҳид, Абу Ҳанифанинг тарихи, деярли ўрганилмади. У кишининг тарихига доир, баъзи ўзбек тилидаги китобларда ҳам, олди қочди хурофотлардан бошқа нарса топилмади. Бугунги ўзбек имомлари, у кишининг ҳаётини афсоналаштириб, ўзлари қилаётган бидъату хурофот амалларини унинг мазҳабига нисбат бермоқдалар. 80 ҳижрий йилда туғилган имом 150 ҳижрийда вафот этган. (мелодий 699-767) Умрининг 52 йили Уммавийлар халифалиги ва 18 йили Аббосийлар халифалиги даврида ўтган Абу Ҳанифа ижтимоий фаол шахс сифатида шу даврдаги ҳукумат талашаётган турли гуруҳлар орасидаги сиёсий курашлар жабҳасида, фаол иштирок этган. Гарчи у кишининг, ўзидан кейинги 13 аср орасидаги мусулмон авлодлар, ҳанафий мазҳаби асосчиси, сифатида таниган бўлсада, шайх ўз замонасида, ўлимидан кейингидек, машҳур ва қадрли бўлган эмас. Энг ёмони эса, у кишидан кейин у киши номидан тўқилган, афсоналарнинг кўплигидадир. Турли хил бидъату хурофотларни, у кишининг мазҳабига алоқадор қилиб кўрсатишликдадир. У киши яшаган давр, Халифат тахти учун турли гуруҳлар орасида, курашлар авжига чиққан, фитналик давр эди. Абу Ҳанифа зулм ва зўравонлик сиёсатини юритган Халифалар, уммавийлардан бўладими ёки Аббосийлардан бўладими, ҳаммасига қарши турган. Абу Ҳанифа мазлумлар тарафида турган имомдир. У кишининг ҳаётини тушуниш учун, ўша даврдаги қонли воқеаларга бир назар солишлик лозим бўлади. Мен мақоламда тарихий фактларни ёритиш учун, 20 асрнинг буюк олими Мисрлик доктор Муҳаммад Абу Зухра (1898- 1974) нинг «Абу Ҳанифа» деб номланган ва Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳнинг ҳаёти зикр қилинган китобидан, қисқача иқтибослар келтираман. Абу Ҳанифанинг Уммавийлар Халифалигига қарши исёнларда иштироки, Али разияллоҳу анҳу вафотидан кейин, Уммавийлар сулоласи Халифатни ўз қўлларида ушлаб қолар эканлар, уларнинг ҳокимиятини ислом оламида, ноқонуний нолеғитим деб, ҳисоблагувчилар, жуда кўп эди. Шулардан бири Али разияллоҳу анҳунинг авлодлари ва уларнинг тарафдорлари бўлса, иккинчиси Пайғамбар алайҳиссаломнинг амакилари, Аббос разияллоҳу анҳунинг авлодлари эдилар. Бу иккала авлод вакиллари Исломи дини пайғамбарига қариндош бўлганликлари ва Муовия разияллоҳу анҳунинг эса қариндошлик риштаси бўлмагани учун ҳам, ислом уммати уламолари халифа бўлиш ҳуқуқига Уммавийлардан кўра «Аҳли Байт» Али разияллоҳу анҳунинг авлодлари, ҳақлироқ деб билишарди. Аббосийларга ҳам хайрихоҳлар бор эди. Аббосийлар ва Алавийлар (Али разияллоҳу анҳунинг авлодлари ва тарафдорлари) муҳолифат иттифоқи ташкил қилиб иқтидордаги Уммавий Халифаларга қарши, курашга кирдилар. Исломи умматининг бирлигига раҳна солган бу сиёсий фитна сабабли, ҳаммаси мусулмон бўлган гуруҳлар, ўзаро қирғинбарот жанга кирдилар. Бу қонли курашлар узоқ давом этди. Аббосийлар ва Алавийлар уруғидан кўпчилик шахслар, Халифат тарафидан қатағон қилинди. Исломи ёйилган улкан ҳудуддаги барча вилоятларда, Уммавийлар маркази Дамашққа қарши, исёнчилар кўпая бошлади. Уммавийларнинг ўнинчи Халифаси, Ҳишом ибн Абдулмалик даврида, Али разияллоҳу анҳунинг авлодларидан бўлган, Зайд ибн Али Зайналобидин унга қарши исён кўтаради. 121 ҳижрий йилда бошланган бу исён ҳаракати, 11 йил давом этиб, охири 132 ҳижрий йилда, Зайд ибн Алининг қатл қилиниши билан тугади. Халифага қарши бу ҳаракатни 41 ёшли Абу Ҳанифа қўллаб қувватлаган эди. Доктор Муҳаммад Абу Зухра «Абу Ҳанифа» китобида, бу воқеани шундай ёритади.

Иқтибос; Зайд ибн Али Зайналобидин Халифа Ҳишом ибн Абдулмаликка қарши исён кўтарганида, Абу Ҳанифа имомни қўллаб қувватлаганлардан бири бўлганди. Абу Ҳанифа «Унинг (Халифага қарши бу чиқиш гўё, Наби САВнинг Бадр жангидаги мушрикларга қарши

чиқиши кабидир» деганди. Ундан, нега ўзи ҳам бирга чиқмагани сабаби сўралганида, «Агар одамлар уни ҳам, отасини хор қилганлари каби, хорламасликларини билганимда эди, албатта у билан бирга чиққан бўлардим. Чунки, у ҳақ имомдир. Лекин, мен унга мол билан кўмаклашаман.» деди ва унга 10 минг дирҳам жўнатиб юборди. Аҳли Байтдан бўлган бу имомни Абу Ҳанифа наздида қадри қиммати бор эди. Абу Ҳанифа имоми Зайдни илмини, динини ва хулқини қадрларди. Уни хилофатга ҳақдор деб ҳисобларди. Мол билан уни қўллаб қувватларди. Ва кўрдикки бу имомни ўзи ва кейин ўғиллари ва кейин неваралари барчаси, уммавийлар қиличи билан қатл қилинди. Буларни бари Абу Ҳанифани, қаттиқ қайғуга солганди. Иқтибос тугади. (Абу Ҳанифа китоби 36 чи саҳифа)

Бу имом қатл қилинган 132 ҳижрий йилда, Ҳанафийя мазҳаби асосчиси, Абу Ҳанифа 52 ёшда эди. Уммавийларнинг Кўфадаги волийси Абу Ҳанифани ўзига муҳрдор, котиб бўлишга таклиф қилади. Абу Ҳанифа уммавий Халифалардан норозилиги учун, бу мансабни қабул қилишдан бош тортади. Доктор Муҳаммад Абу Зухра «Абу Ҳанифа» китобида, бу воқеани шундай ёритади.

Иқтибос; Волий агар Абу Ҳанифа бу таклифни рад қилса уни жазолайман деб, қасам ичади. Одамлар келиб Абу Ҳанифага котиблик амалини қабул қилишни маслаҳат беришганда, Абу Ҳанифа «Агар мендан Восит масжидига, эшик таёрлаб беришни талаб қилганида ҳам, мен бунга кўнмаган бўлардим. Одамни ўлдиришга фармон ёзиб, унга муҳр босишни мендан талаб қилишса мен қандай қабул қиламан? Аллоҳга қасамки, мен бунга, ҳеч қачон қабул қилмайман » деб жавоб берди. Миршаблар уни ҳибсга олишди ва зиндонбанд қилиб, калтаклашди. Имом барибир таклифга кўнмади. Жаллоднинг ўзи охири Волийни олдига келиб, «бу киши ўлиб қолади» деди. Волий «унга айт бизни қасамимиздан чиқиш йўлини кўрсатсин» деди». Жаллод Абу Ҳанифа ёнига келиб, волийнинг сўзини айтганида, «Агар мендан масжидга эшик таёрлаб беришни талаб қилганида ҳам, мен бунга кўнмайман» деди. (Яъни, Абу Ҳанифа, волийга қасамидан чиқиш йўлини ҳам, кўрсатишдан бош тортди) Волий уни қўйиб юборишни, буюрди. Қамоқдан чиққан имом Кўфани тақр этиб, Маккага жўнаб кетди. Ўша пайт, 130 ҳижрий сана эди. То Аббосийлар давригача, ўша ерда яшади. Абу Жаъфар ал Мансур даврида, Кўфага қайтиб келди. Иқтибос тугади. (Абу Ҳанифа китоби 39 чи саҳифа)

Абу Ҳанифанинг Аббосийлар Халифалигига қарши исёнлари

Аббосийлар ва «Аҳли Байт» вакилларининг уммавийлар ҳукмдорлигига қарши исёнлари узоқ давом этсада, натижа бермаётганди. Хуросондаги Абу Муслим бошчилигидаги исёнчилар ҳижрий 132 (750 мелодий) йилда Хуросон маркази Марвни кейин, кетма кет Тус ва Нишопур қалъаларини босиб олади. Уммавийлар Халифаси Марвон Абу Муслимга қарши катта қўшин жўнатади. Аббосийлар ва алавийларнинг кўп йиллик исёнларини аёвсиз тарзда бостириб келган Уммавий Халифалар, Абу Муслимга қарши чорасиз қолдилар. Абу Муслим бошчилигидаги қўшинлар, 750 йилда (ҳижрий 132 йил.) Зеб дарёси бўйида уммавийларнинг катта қўшинини, мағлубиятга учратди ва халифат заифланиб қолган Дамашқ, осонлик билан Аббосийлар қўлига ўтади. Аббосийлардан Аҳмад ас Саффоҳ Халифалик тахтига ўтиради. Абу Муслимни, Хуросон волийси қилиб тайинлайди. Аҳмад ас Саффоҳ халифат пойтахтини Дамашқдан Ироққа кўчиради. Саффоҳ кўп ўтмай вафот этади. Унинг ўлимидан сўнг 754 йилда укаси Абу Жаъфар ал Мансур Халифа бўлади. Абу Муслимнинг Аббосийларга шунча қилган хизматларига қарамасдан, уни ўзи учун ҳам таҳдид ҳисоблаган Халифа ал Мансур, Абу Муслимни 755 йилда учрашувга чақириб, хиёнаткорона ўлдиради. Бу вақтда Абу Ҳанифа Маккадан Кўфага қайтиб келади. Ўша пайтда имом 56 ёшда эди. Уммавийлардан қонли қасос олган Ал Мансур ўзи билан иттифоқчи бўлган «Аҳли Байт» вакилларига ҳам катта кичик мансаблар улашганди. Лекин, Алавийлар ва Аббосийлар орасидаги иттифоқ, дарз кета бошлади. Кеча уммавийларга қарши бирга курашган, муҳолифатчи иттифоқчилар энди, ўзаро бир бирларига адоват қила бошлашганди. Бу орадаги адоват тобора кучая борди. Доктор Муҳаммад Абу Зухра «Абу Ҳанифа» китобида бу воқеани шундай ёритади.

Иқтибос; Кўфага қайтиб келгач имом, яна масжидда халқа қилиб дарсларини давом эттира бошлади. Уммавийларга байъат қилган барча фақиҳлар энди, Абу Жаъфар ал Мансурга байъат беришганди. Абу Ҳанифа хутбасида ўзини янги Халифага байъат берганига, ишора қилиб ўтади. Булар Абу Ҳанифанинг Аббосийлар билан, аввалги даврда яхши муносабатлар ўрнатганига ишора қилади. Аммо, Абу Ҳанифа уммавийларнинг Али разияллоҳу анҳу ва Наби саллоллоҳу алайҳи васаллам авлодларига нисбатан қилган, зулму зўравонликларига гувоҳ бўлиб келган эди. Аббосийлар ҳам шу йўлни ушлашди. Аҳли байтнинг кадри қимматини лозим тутмади. Натижада Аббосий Халифа ал Мансур билан, Абу Ҳанифа орасида, совуқлик пайдо бўла бошлади. Бир куни Халифа ал Мансур хотини Ҳирра билан жанжаллашиб қолди ва Абу Ҳанифани ҳузурига чақиртирди. Ҳузурига келган имомга қараб, Халифа; Эй Абу Ҳанифа эркак кишига, қанча аёлга уйланиши мумкин? деб сўради. Тўрттагача мумкин деди, имом. Чўри, канизаклардан қанчагача мумкин? деди, Халифа. "Истаганича, уларнинг адади чегараланмаган" деди, имом. Энди бирор кимсага, бунга қарши гап айтиши жоизми? деб сўради Мансур. Йўқ деди, имом. Эшитдингми?! деди, Халифа хотинига қараб. Шунда Абу Ҳанифа Халифага қараб «Аллоҳу Таъоло буни адолатли кишиларга ҳалол қилгандир. Агар кимки адолатли бўлмаса, ёки адолат қилолмай қолишидан қўрқса, битта аёл билан кифояланиши лозим. Аллоҳу Таъоло қуръонда «Агар адолат қилолмасликдан қўрқсангиз, Бас, биттасига (кифояланинг)!» деган ва бизга Аллоҳнинг одоби билан одобланишлик ва мавъизаси билан ибратланишлик лозимдир» деди. Халифа узоқ сукутга чўмди. Абу Ҳанифа саройдан чиқиб уйига кетди. Кўп ўтмай орқасидан Халифанинг хотини, Ҳирра юборган совға саломларни кўтариб ходимлари келишди. Ҳирра имомга канизак, сарполар, олтин ва битта Миср эшагидан совға қилганди. Имом совғани рад қилди. Ва унга саломимни айтинг ва айтингки, «Мен Аллоҳ учунгина, бу мақомда турдим. Кимгадир яқин бўлишлик ёки, мол дунё орттириш учун эмас, деди. (Имомнинг сўзидан кейин, Халифа бошқа хотинга уйланишдан воз кечганди) (Абу Ҳанифа китоби 43 чи саҳифа)

Аббосий Халифа Абу Жаъфар ал Мансурга қарши, Аҳли Байтдан бўлган Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ва унинг укаси Иброҳим исён кўтардилар. Буларнинг отаси Абдуллоҳ ибн Ҳасан Халифанинг зиндониди эди. Абу Ҳанифа эса, у билан кўп йиллик илмий алоқаси бор эди. Бу исён воқеъасини Муҳаммад Абу Зухра «Абу Ҳанифа» деб номланган китобида шундай ҳикоя қилади.

Иқтибос; Муҳаммад ибн Абдуллоҳ 145 ҳижрий йилда (762 мелодий) Мадинада Халифа ал Мансурга қарши исён кўтаради. Уни Хуросон волийлари ҳам қўллаб қувватлашарди. Лекин, улар йўлнинг узоқлигидан ёрдамга етиб келолмадилар. Мадинада ўша пайтда яшаётган имоми Молик ҳам ал Мансурга қарши исён қилишга фатво берганлиги ибн Касир ва ибн Жарир тарих китобларида ривоят қилинади. Имоми Молик одамларни Муҳаммад ибн Абдуллоҳга байъат беришга чақирган. Одамлар зиммамизда Мансурга берилган байъат борку деб сўраганларида, Имоми Молик «Сизлар унга байъатга мажбур қилингансиз. Мажбурий байъат байъат ҳисобланмайди.» деб жавоб берган. Кейин одамлар Муҳаммад Абдуллоҳга байъат бера бошлашган. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ва Ироқда исён бошлаган унинг укаси Иброҳим ибн Абдуллоҳ исёнлари, уларнинг қатл қилиниши билан якун топди. Имоми Молик ўз фатвоси учун жазоланди ва калтакланди. Абу Ҳанифанинг мавқеъи эса Моликдан ҳам қаттиқроқ бўлган эди. Абу Ҳанифа ўз дарсларида, Мансурнинг амалдорларини мусулмонларни қатл қилишда, унга ёрдам бермасликга даъват қилган эди. (Абу Ҳанифа китоби 45 чи саҳифа)

Айтиш лозимки, бу сиёсий курашларда дин уламолари иштироки, албатта улкан бўлган. Чунки, ўша пайтдаги ҳукмдорлар мусулмон бўлганлар ва шаръий аҳкомлар асосида, жинойтларга жазолар белгиланган. Лекин, ўша пайтдаги Халифалар ва улардан кейинги Усманий Халифалар, асрлар давомида мустабидларча ҳукмронлик қилганлар. Ҳеч қачон халқни ва дин олимларини, ўз эркига қўймаганлар. Дин олимлари ўша даврлардаги фитналарнинг, қурбонлари бўлиб келишган. Муҳаммад Абу Зухра «Абу Ҳанифа» деб номланган китобида шундай ҳикоя қилади.

Иқтибос; Ибни Жарир ат Табарий айтади; Халифа Абу Жаъфар ал Мансур Абу Ҳанифани Боғдодга чақириб, Қозиюл қуззот лавозимига таклиф қилди. Имом бош тортди. Халифа унга бошқа амаллар таклиф қилди. Имом рад қилди. Охири уни шаҳар ишларига масъул қилиб қўйди. Халифанинг имомни Бағдодга чақиритдан мақсади уни Кўфадан узоқлаштиришлик эди. Абу Ҳанифа Бағдоддалик пайтида Халифа Кўфадаги барча Алавийларнинг раисларини тўплади ва қамоққа ҳукм қилди. Мол мулкларини мусодара қилди. (Абу Ҳанифа китоби 47 чи саҳифа)

Бу воқеъадан хабар топган Абу Ҳанифа қалбида Аббосийлар Халифалигига нисбатан адоват ва нафрат пайдо бўлади. Адолат тарафдори бўлган имом, Халифанинг бу зулмига рози бўлиб туролмасди. Халифага нисбатан муносабати совуқлашган имом унга тик қараб золим олдида, ҳақ сўзни айтишга қарор қилади. Абу Зухра «Абу Ҳанифа» деб номланган китобида шундай ҳикоя қилади.

Иқтибос; Мусулликлар Халифага қарши исён кўтаргани хабари келди. Мансур барча фуқаҳоларни тўплади ва улардан « Мўминлар зиммасидаги шартномага амал қилиши вожибдир. Мусулликлар менга итоатга байъат қилишганди. Энди мен тайинлаган волийимга исён қилмоқдалар. Уларнинг қонлари мен учун ҳалолми? деб сўрайди. Шу ердаги шайхлардан бири « Сизнинг улар ҳақидаги гапларингиз тўғри. Агар уларни авф этсангиз яхши. Агар жазоласангиз бунга ҳақлисиз» деб жавоб беради. Шу ерда ҳозир бўлган Абу Ҳанифа «Нималар деяпсиз эй шайх? Бизлар (мўминлар) Халифат давлатида ҳам тинчлик ва омонликда бўлмаимизми? деди. Кейин Мансурга қараб, «Сен улар билан сенинг ҳақинг бўлмаган нарсага, шартнома қилгансан. Улар ҳам сенга, сен ҳақдор бўлмаган нарса билан, шартнома қилишган. (Яъни, сен Хилофатга ҳақдор эмассан. Ва уларни сенга итоат қиламиз деган байъати ҳам ноҳақдир) деди. Мўминларни қонини тўкиш ҳалол бўлмайди, магар учта ҳолатда ҳалолдир. Агар уларни мол мулкни мусодара қилсанг, молни ноҳақ олган бўласан. Аллоҳнинг шартлари риоя ва амал қилишга ҳақироқдир» деди. (Абу Ҳанифа китоби 49 чи саҳифа)

Бу воқеъадан сўнг Халифа Мансур имомга, Кўфага қайтиб кетишга буюради. Бу вақтда 148 ҳижрий йил эди. (765 мелодий) Имомнинг икки йил умри қолганди. Бу каби, жонини хатарга қўйиб Халифага ҳақ сўзни айта олишлик, ҳақиқий олим мужтаҳид имомларнинг сифатларидир. Абу Ҳанифа ҳам, фидокор олим бўлган эди. Халифа уни ўзига оғдиришлик ва у орқали ўзи олиб бораётган зулм сиёсатини, халқ орасида қонунийлигини таъминлашга урининаётганди. Абу Ҳанифа ислом оламида машҳур бўлган ва кўплаб шогирдларга эга бўлган олим эди. Бундай одамларни мустабидлар, ўзларига хизмат қилишларини истайдилар, албатта. (Худди бугунги мустабидлар истаганлари каби) Лекин, қанча ҳаракат қилмасин, мансаб ва амал таклиф қилмасин, кўрқитиб тазйиқ қилмасин, совға салом юбориб ўзига мойил қилишга уринмасин, Халифа ал Мансур бунга эришолмади. Абу Ҳанифа совғаларни рад қилди. Мансабга унамади. Халифага ҳақ сўзни айтишдан кўрқмади. Бугунги дин пешволари каби, мустабидларга хизмат қилмади. Гарчи, у даврдаги мустабидлар, Халифалар эдилар. Бугунги мустабидлар, даҳрий дин душманларидир. Бугунги дин пешволари бутун ҳаётида, зулмга қарши курашиб жонини фидо қилган Абу Ҳанифанинг мазҳаби номидан, бугунги мустабидларга хизмат қилишмоқда. Бу имоми аъзамга ҳам ва динга ҳам хиёнатдир! Бу хиёнатни қилаётганлар Абу Ҳанифанинг мазҳаби номидан эмас, ўзларининг номидан қилсалар яхши бўларди. Чунки, Абу Ҳанифа булар каби, зулмга хизмат қиладиган кимса бўлмаган. У киши зулмга қарши тургани учун, қамоққа ташланди ва калтакланди. Калтак оқибатида жон топширди. У кишининг вафоти тарихини Абу Зухра «Абу Ҳанифа» деб номланган китобида, шундай ҳикоя қилади.

Иқтибос; Ривоят қилинадики, Халифа ал Мансур Абу Ҳанифани, Бош Қозилик лавозимига ўтиришга таклиф қилади. Имом бош тортади. Халифа уни ҳибсга олишга ва 110 дарра уришга буюради. Кейин зиндондан чиқариб, уйига юборади. Ва кейин баъзи масалалар юзасидан фатво беришни сўраб, унинг уйига одам жўнатади. Имом фатво беришдан бош тортади. Халифа уни яна, қамоққа қайтаради ва унга нисбатан қаттиқ ёмон муомала, тазйиқ

қилишни буюради. Ровийлар мана шундан сўнг имомни, бошқа дарс мажлисида ўтирмаганлигига иттифоқ қилишган. Лекин, ровийлар уни, шу зарбадан кейин етган жароҳат туфайли ўлдими ёки зиндонда заҳарлаб ўлдирилдими, бу масалада ихтилоф қилишади. Абу Ҳанифа 150 ҳижрий санада, Бағдодда вафот этади. Хизрон қабристонига дафн этилади. Ва қабри машхурдир ва зиёратгоҳдир. (Абу Ҳанифа китобидан иқтибос)

Имоми Суютий ёзишча «Абу Ҳанифа ўлимани яқинлигини ҳис қилди ва саждага борди. Шу саждада пайтида, жон берди.» Имоми Заҳабий Абу Ҳанифа вафоти ҳақида, шуларни ёзади; Абу Ҳанифа жасадини Халифа томонидан тортиб олинмаган, тоза ерга кўмишларини васият қилади. Ироқ аҳли, улуғ имомнинг жанозасига тўпланади. Ривоят қилишларича унинг жанозасида, эллик мингта одам қатнашган. Халифа ал Мансур ҳам, жаноза намозида иштирок этган. Ҳанафий мазҳаби асосчиси, Нўъмон ибн Собит Абу Ҳанифа мана шундай вафот этганди. Бугун у кишининг мазҳабидамиз, деяётганлар эса, золимларга хизмат қилиб, шу амалларини Ҳанафий мазҳабидан деб, иддао қилмоқдалар. Зулмга қарши турганларни эса ҳанафий мазҳабидан чиққанлар деб, жар солишмоқда. Ваҳолонки, зулмга қарши исён қилишлик, айна ҳанафийлик яъни, Абу Ҳанифанинг йўли, мазҳаби эканини кўпчилик билмайди. Шундай экан, ким ҳанафийроқ ёки ҳанафийликка яқинроқ ва кимлар даъвосида каззоблигини, ўқувчилар ўзлари хулоса қилиб оладилар, деган умиддаман. Аллоҳу Таоло золимлардан қилмасин ва золимларга ён босадиганлардан қилмасин. Динфурушлик қиладиган ва динини дунёга сотадиганлардан қилмасин. Омин.

Саҳвий

15 май 2015 йил.

Ваҳолонки. бугун ҳам ватанга қайтиш ва ҳукуматга хизмат қилиш иштиёқида турган, казо казолар ўзларини Ҳанафиймиз деб, иддао қилишади. Жумладан Мулла Ширинов ҳам. Улар мансуб мазҳаб пешвоси эса, халифага итоат қилмаган ва шу учун қамоқда қатл қилинганди. Бу уларнинг ҳанафийлик даъвосининг, ботиллигига бир далилдир. Валлоҳу аълам!

Абдували Валижон комментига муносабат

Китоб ёзилиш жараёни давом этар экан, радикаллар менга ҳужумга ўтишни бошлашди. Улар орасида Шириновга қарши кимсалардан бири, тинмасдан изоҳлар ёзарди. Мен унга троллик қилмасдан кимлигини айтиб, раддия ёз десам, у кимлигини очиқлашдан бор тортди. Лекин, у эшакхожи каби, фосиқ кимса эмасди. Гапларни одоб доирасида ёзарди. Лекин, у ҳам Шириновга қарши одам эди. Хуллас, Шириновга қаршилар менинг китобимда, у ҳақидаги ижобий дея, баҳоланган сифатларни кўриб, чидаб туролмадилар. Улар менга юборган баъзи ёзувларида, мени Ширинов билан хуфёна келишиб олиб, бу китобда уни мақтаб, радикалларни ёмонлаётганимни ёздилар. Менга келган ҳақоратларга тўла ёзувларда, гўё мен бу китобни, Шириновни мақташ учун ёзаётганим айтиляпти. Мен эса, бундай нарсаларни кутгандим. Мен бу китоб учун радикаллар томонидан ва либераллар томонидан ҳам бўлиши мумкин бўлган, турли туман ҳужумларни кутгандим. Демак, бари кутилгандек бўлаяпти. Биттаси Шириновга қарши ҳужжат сифатида куйидаги изоҳни ёзибди.

Abduvali Walijan Sahwii Muhammad Salih aka fikrlashingiz qiziq judayam. Şirinovda heç kimda yöq sifati bor. Şirinov oçiq jihatni inkor qiladigan şahs. Bu esa muradlik hisoblanadi. Payğambarimizdan keyin bir qavm zakotni inkor qilganligi uçun, qatl qilingan. Yana jihat deb İŞİD, yoki zolim yöldoşni harakatini tuşunib qolmang. Muslmon odam buni inkor qilmasligi kerak. Albatta hozir yoki ertaga qilinadi demoqçi emasman. Şartlar töğri kelganda imkoniyat paydo bölganda albatta qilinışı kerak. İslomni yuksalişi, Allohning kalimasi oliy bölişi, nohaqliklar, zulmlar töhtaşi uçun. Bundan taşqari yana bir misol, ozodlikda kufr ahli bilan bahs bölganda oçiqçasiga

Ўзбекистонда демократик тuzum бўлиши керак деганди, оша Ширинов. Мен бу гапни гапириб қоysам кoфир бўлиб қoлман. Бошқа мавзуларда албатта ҳамма муслмонлар бири билан келишиб кетаверади. Сиз кoпинча одoб ахлоқ мавзусига янгил қарaysиз. Payғамбаримиз тавҳид ва ақидавий даватларидан кейин одoб ахлоқга кoп қақирганлар ва саҳoбаларни шундай тарбия қилганлар. Абдували қoрака ҳам мана шу ҳадисни кoп такрoрлаганлар; Гoзал хулқларни камoлига yetkazгани кeldим, - деб. Аллоҳ қurонда Payғамбаримизни ; 4. Албатта сиз улуг' Хулқ устидасиз. I z o h . Айрим муфассирларнинг айтishларича, бу oятдаги «улуг' Хулқ»дан муrод улуг' диндир. Zero Аллоҳ таоло наздида Ислom диндан суyуқлироқ ва гo'залроқ бирон хулқ yo'қдир. Oisha (Аллоҳ undan rozi bo'lsin) onamizдан Payg'ambar alayhis-salomning axloqlari to'g'risida so'ralganida: «U zotning xulqlari Qur'on edi. 167 Qur'on rozi bo'lgan ishdan rozi, Qur'on norozi bo'lgan ishdan norozi bo'lar edilar», деб javob қилганлари ҳам yuқoridagi tafsirni quvvatlaydi. Zotan Rasulullohning o'zlari ham: «Darhaqiqat men ulug' xulqlarni kamoliga yetkazish uchun payg'ambar қилиб yuborilganman», деб marhamat қилганлар. Hayotda ham шу narsa koiridiki odob ahloq juda zarur ekan. Masalan Suriya Шom jihodida mana шу narsa yetishmadi. Odob ahloqning yoqligi, ohiri oғir oqibatlarга olib keldi . Jihad faqat shijoat yoki otib odirishdan baqir қақirdan iborat emasku. Abdulloh Azzomni bir gapini oqigan edim. Шeyhul mujahidin aytadilarki ; Mujohidda ahloq odob bo'lmasa, bu narsa odamlarni uyqusini qochiradigan Islomга koch zarar beradigan narsага aylanar ekan. Endi hozirgi voqelikka қarasangiz ham, fecbokda tortishib o'tirganlarni aksarida bu narsa topilmaydi. Salafiylikni davo qila turib, mayli bidat ahli bo'lsin mashara, haqorat қилиб, boши mantaj шantajdan чиқmayapti. Aslida yaqinda qamalib ketganlarda ham, Islom odobi, siyosiy ong, muomala madniyati yoq edi. Шу yaqin yildagi tarihni қarasangiz ham johil yo'ldosh sabab va uni qotirга қилган muomalasi uni quturtirb yubordi. Шу ishlar sabab O'zbekiston muclmonlariga koch taziq, zulmlar bo'ldi. Изох туғади.

Бу китoб ёзишлиши ажойиб бўлди ва бўлмоқда. Чунки, мен Шириновга қаршилигим учун ва уни эшакка салoми учун, китoб ёзишга киришдим. Бундан эса, аввалига радикаллар хурсанд бўлишганди. Энди эса, китoбда Шириновни улардан устунлиги ёзилаётганини кўриб, жазавага тушишяпти. Уларга Шириновдаги мавжуд, ижобий сифатларни ёзишим ёқмаяпти. Улар мендан Шириновни, буткул бадном қилишимни ва уларни oқлашимни кутишган шекилли?! Жанoблар мен сизлардан фарқи ўларoқ, Аллоҳга имон келтирган ва адолат тарафдoри бўлган oдамман. Мен Ислom oламида, радикаллар нималар қилаётганини ва либераллар нималар қилаётганини ва сарой муллалари нималар қилаётганини кўриб, кузатиб келаётган oдамман. Бу динга ва бу умматга радикаллар каби, zarar etkazgan тоифа, ҳали бўлган эмас. Буни нафақат Обид қoри гуруҳи мисoлида, балким, дунё мисoлида ҳам кўриб турибмиз. ЎИХни ва ИШИДни ва бошқа қурoлли гуруҳларни, ноҳақдан минглаб муслмонлар қонини тўкканлигини, мен ҳам биламан. Жихoд масаласига келсак, уни қиёматгача бўлишлиги ва имом бошчилигида қилиниши (Якка тартибдамас) ақидамизда бор. Жумладан Ширинов ўзини мансуб санайдиган, ҳанафийликда ҳам жихoд бор. Ширинов буни инкор қилиши мумкин эмас. Уни ҳoзир Ўзбекистонда демократия бўлишини истайман дейиши ҳам, ажабланарли гап эмас. Буни мен ҳам айтганман. Обид қoри ҳам айтган. Бошқа казо казолар ҳам, айтишган ва агар айтмаган бўлсада, рад қилишoлмайди. Шу жумладан мулла Сайфи ҳам ва бошқалари ҳам. Зеро, булар ҳали демократик эмас, шу бугунги Ўзбекистонга бoришга уринмоқдалар. Бу дегани, Мулла Ширинов, демократ дегани эмас. Бу масалага, бу китoбда ҳали кўп тўхталамиз. Ҳoзир дунёда бўлаётган, у бу ердаги қурoлли урушларни, Ширинов ҳам ёки, бошқа шайхлар ҳам, фойда зарарига қараб, тўғри ёки, нотўғри дейишлиги мумкин. Унда ҳам ҳаммасини эмас, албатта. Лекин, умуман рад қилолмайдилар. Ислom oвози сайти, терактларга қандай муносабатлар билдирганини ўқимадингизми? Сиз изoҳда айтган мужoҳид ахлоқи масаласи, жуда муҳим масаладир. Бугунги радикалларда шу нарса бoрми?! Обид қoри қавмидаги радикалларда бoрми?! Ҳoжи деган эшакда бoрми?! Ҳoжи эшак, Обид қoрини маърузаларини ва Тохир қoрини маърузаларини кечаю кундуз эшитадиган ва давлат пулига хажга бoриб келган хoжику?! Булар жихoдга бoрса нималар бўлишини, ИШИД кўрсатди. Булар муслмонлар қонини тўкадиган, қонхўр жаллодлар халос. Буларнинг бу динга зарари, дин душманларининг зараридан кўпроқдир. Жихoд бўлиши керак ва бўлади ҳам. Буни инкор қилмайди, ҳеч ким.

Лекин қачон ва қаерда бўлишига, ихтилофлар бўлиши мумкин? Умуман ер юзида, қуроллик жиҳод бўлмайди! дейишга Ширинов ҳам, бошқаси ҳам ботинолмайди. Буни учун диндан чиқиши, керак бўлади. Ширинов эса, динни ғайбида ҳам ушлайдиган, шахс деб биламан. Кўп одамлар борки, диндорлиги одамлар орасида бўлади. Ёлғиз ўзи қолса. диндор бўлмайди. Шириновни шу ёлғиз қолган пайтида ҳам, дини билан қоладиганлардан деб, биламан. Бефаросат акасига ўхшаб, одамни олдида бошқача, ортида бошқача гапирадиганлардан эмас. Буларга менда далил ҳужжатлар бор. Акаси жиҳодни умуман йўқ деса ҳам, мен ажабланмайман. Ундан буни, кутиш ҳам мумкин. Шириновдан эса, бу даражага боришликни кутиш мумкин эмас. Аллома Қарзовий Сурияда жиҳод, ҳар бир мусулмонга фарзи айн бўлди деб, фатво берганди. Муҳиддин Ширинов ва у каби, Туркиядаги Регистончилар ва мулла Сайфи ва ҳатто сарой муллалари ҳам ва бошқалари ҳам (Мисрдаги Азхар шайхлари мустасно) Қарзовийни инкор қилмайдилар. Уни аллома мужтаҳидлигини, илм эгаси бўлганлар инкор қилмайдилар ва қилолмайдилар. (Лекин, радикаллар орасидан инкор қилувчилар кўп чиқади) Яъни, У киши жиҳодни фарзи айнлигини айтиб, фатво берганди. Камина бу фатвони 2013 йилда, арабча матнини ва таржимасини сайтимга қўйгандим.

<https://siyosat.wordpress.com/.../%D2%9B%D0%B0%D1%80%D0.../>

Қарзовий Суриядаги ҳар бир мусулмонга жиҳодни фарзи айн деб фатво берди

Фатво 10та шартни ўз ичига олган;

1. Сурияда Режимга қарши жиҳод ҳар бир мусулмонга фарзи айн ва ота онасини ризоси шарт қилинмайди. Уммат устида уларга мол ва силоҳ билан ёрдамлашиш фарздир.
2. Ҳар бир айғоқчи режимга хуфёна ёрдам берувчини жазоси зулми баробаридадир. Огоҳ бўлингки у қатлдир.
3. Халқини қатл қилишга буюрилган ҳар бир ҳарбий оқибати қандай бўлишидан қатъий назар хизматдан қочиши (бўйин товлаши) лозим.
4. Барча урушда, ҳарбийдан қочишда, намойишда ва ҳукуматдан ажралишда ўлдирилганлар Аллоҳ изни билан шаҳиддир!
5. Ҳар бир вазифадор шахс ва давлат ишчиси инқилобга маълумоти билан ёрдам бериши керак.
6. Бу ерда мазлум алавийлар бор. Ҳукумат тарафида урушга чиқмаган. Уларни ўлдириш ҳеч қачон жоиз эмасдир.
7. Хавфсизлик хизмати ва ҳарбийлар ичидаги аёлларга жинсий тажовуз қилган ва зўрлаган шахслар қатл қилиш вожибдир.
8. Ҳар бир шахсга ва тоифаларга ва диний гуруҳларга режимга қарши инқилоб курашига қўшилиш лозимдир.
9. Аёлларга ўз имкони ва қудратларига қараб инқилоб учун курашга ҳисса қўшишида ҳеч қандай хараж йўқдир.
10. Ҳозирги кунда Закотни Сурия инқилобини қўллаш учун ва у ердаги мужоҳидларга ёрдам бериш учун сарфлаш авлороқдир.

الشيخ القرضاوي يقول الجهاد في سوريا فرض عين : و يقتي بما يلي الجهاد فرض عين على كل سوري و ال يشترط موافقة اللب و الم و على اللمة أن تعينهم بالمال والسلاح – 1 كل شبيح او مخبر او عوايني حكمه حكم الظلمه أال و هو القتل – 2 على كل عنصر من الجيش يطلب منه قتل الشعب النشفاق مهما كانت عواقب ذلك – 3 كل من يقتل ان كان بالقتال او النشفاق او المظاهرات او التشيع هو شهيد ياذن هلا – 4 على كافة الموظفين و العاملين بالدوله بمساندة الثورة بالمعلومات – 5 هناك علويون مظلومين و ال يجب التعامل معهم على انهم قتله و ال يجوز قتلهم ابدا – 6 عتاصر المن و الجيش الذين يعتدون جنسيا على النساء قتلهم واجب – 7 على كافة افراد الطوائف و الديان المشاركة بالثورة و بقتال النظام – 8 ال حرج من مشاركة النساء بالثورة بما يقدرون و يستطيعون – 9 الزكاة أالن أولى أولوياتها هو دعم الثورة السورية ودعم المجاهدين فيه

Юқоридаги изоҳда Abduvali Walijan Шириновни, озодликда суҳбатда, ўзбекистонда демократик тузум ўрнатилиши керак деб, айтган дейди. Абдували инсоф қилинг укам. Обид қори нима деганди?! Обид қори Ўзбекистонда халифат қурилсин!, дедими?! Обид қори ўзини демократ қилиб кўрсатишга уринишини, сизлар кўрмайсизларми?!

Унга суиқасд қилинганидан кейин ҳам, Довуд отасини демократия учун курашган шахс сифатида таърифлаб, кўп ерда гапирди. Ҳатто, уни Ўтубда турган, мусиқани ҳаром деб берган фатвосини, олиб ташлагача борди. Унда Обид қори мусиқа ҳалолми ё ҳаромми? Деб берилган бир саволга, Стромсундда гуллар олдида туриб, оқ кийимларда видеога қараб, қоғоз ушлаб, олдинги уламоларни, бу ҳақидаги фатвосини ўқиб берганди. Бу видеони ҳозир ўтубдан тополмайсиз. Довуд уни олиб ташлаган. Чунки, отасини мусиқага қарши одам деган, гап чиқишини истамаган. Уни демократ деб, талқин қилишга уринган. Сизларга ҳайронманда, Ўзбекистонда шу бугун нима қуриш, умматга манфаатли бўлади? Нима қуришлик имкони бор?! Реалроқ? Амирликми? Халифатми? Диктатурами? Демократиями?! У ерда яшаётган 33 милёнлик аҳолини диний савиясини ҳам, ҳисобга оласизларми йўқми?! Бу халқ нимани истади?! Буларни ҳаммасини ўлдириб, йўқ қилолмайсизлар барибир.

Ал Жазира телеканали журналисти, Даниялик журналист Майкл Андерссон, Обид қори Назаров ҳақида 25 минутлик филм ишлади ва инглиз тилида эълон қилди. Филмда кўп одамлардан олинган интервьюлар бор эди. Майкл бу филмни суратга олиш жараёнида меникига келиб, меҳмон бўлиб, мендан ҳам интервью олиб кетганди. Хуллас, шу филмда Довуд Назаров, отасига қилинган суиқасд ҳақида гапирганида, "отам Ўзбекистонда демократия қуриш учун курашган" дейди. Обид қори демократмиди?! Ёки, Халифатчимиди? Инсоф қилинг одамлар, у бу масалада, аросатда эди. У иккала манҳажни ҳам, очиқ ошкора қабул қилмаганди. Иккаласини ҳам, инкор қилмасди. У бу масалада авваллари (Тошкентдалигида) умуман позицияси йўқ, одам эди. Кейинроқ, демократияга мойиллиги сезила бошлади. ББСга ва Озодлик берган интервьюларини кўринглар. У Швецияни шу демократияси учун, эркинлиги учун мақтаганди. Шу учун, ЎИХдаги радикалларнинг ғазабига учраганди. Швециядаги радикаллар Обид қори демократияни мақтаса, жим туришади. Бошқалар шу гапни айтсалар, вой дод, бу демократ деб, жар солишади. Қани сизларда инсоф?! Энди сизлар Шириновни демократия тарафдори, деяпсизлар. Обид қорини нима тарафдори эканини айтмайсизлар. Буларнинг, бу масалада, бир биридан фарқи йўқ эди. Аввал ҳам, бугун ҳам фарқи йўқ. Обид қори муридлари орасидаги радикаллар, нега Обид қорини демократ деб, маломат қилмайдилар? Хўп, У демократ бўлмаса, ИШИДчи ва ёки, ЎИХчи эди, денглар ахир! Буни ҳам албатта, айтмайсизлар. Айтолмайсизлар. Қани сизларда адолат? Инсоф?! Мен Шириновни ўзбек сарой муллаларига дўстлик изҳор қилиши ва сарой мулласи бўлишга уринаётгани учун ва аввалгиларни йўлини ботилга чиқараётгани учун ва мазҳабга одамларни сарой муллалари каби, мажбурлаётгани учун, унга қаршиман. Шунга раддия мақсадида, бу китоб ёзилаяпди. Сизлар унга қарши, тарозига қўйса тош босадиган нарсага эга эмассизлар. Қуруқ сафсата билан, унга қарши чиқаяпсиз ва чиқмоқдасиз. Лекин, Обид қорига, худди шу нарсалар учун, қарши чиқмагансиз?! Мулла Ширинов ва Обид қори орасида, нима фарқи бор?!

Шириновга қарши ёзилган комментларга муносабат

Китоб ёзилиш жараёнидаги воқеалар ҳам, китобга кириб бораяпди. Демак, шулардан баъзиларга тўхталамиз. Менга Фбдан Шириновга қарши бўлган кимсалар томонидан комментлар ёзилаяпди. Шахсийга ҳам, баъзи ёзувлар келди. Бу бўлимда шуларга тўхталиб, муносабат билдираман.

Abdulloh Muhammad исмли Фб фойдаланувчиси дан келган коммент. Assalamu alaykum va rohmatullohi va barokatuh Aka yaxshimisiz Shvetsiyadagi uzbeklar jamoati haqida yozayotgan kitobigizni uqib boyabman valekum assalom xўp siz kimsiz taniшайлик мен sizni танийманми шветдамисиз Yoq Birlashgan arab Imorotda yashayman Hullas kitobingizda Shirinov va Muqim Mahmud haqida yozganlariz tugridir ammo Obidhon qoriaka haqida hamda Abdullatif domla haqida ancha muncha bulmagur narsalarni ham yozibsiz yani bu ikki ahli ilmni haqlariga utgansiz Aka, tugri fikrlar ham yozilgandir orasida ammo shaxsiy g'araz ham aralashgandek guyo kup urinlarda Malumotlar sahihigini yaxshilab tekshirib Allohdan qurqishni maslahat beraman sizga,

chunki siz hurmat qilgan Shayx Abdulloh Buhoriy, Shayx Sodiq Samarqandiy, Shayx Abdulloh Zufarlar ham hali biron marta Sayfulloh domla bulsin Obidxon qoriaka yoki u kishini ugillari bulsin yoki Abdullatif domla bulsin biron nojuya gap gapirishmagan ular haqida, albatta kamchiliklari bisyordir, ammo bu narsalarni ularni uzi bilan shaxsiyda muhokama qilib olingani maqulmidik, zero musulmonlar orasida itritfoqqa putur yetmagani avloroq deb o'yleman. Albatta ashaddiy murjia bulgan ilmoniy shaxslarni Ummatga tanutish yaxshi narsa ammo Ahli Sunna va jamoa hududlarida qullaridan kelgancha qoim bulib turgan Ahli Ilmlarni ham badnom qilishdan extiyot bulgan maqulmikin vallohu a'lam. Ala kitobingiz tarix uchun yaxshi malumot manbai bulib qolsa yaxshi albatta ammo uyerda hammasi sahih ishonchli malumotlar deb guvohlik bera olasizmi shunisi qiziq menga? Men hech qachon Shvetsiyaga aloqam bulmagan , shunchaki Ahli Ilmlar haqida yozganlarizga uz fikrimni bildirib utdim bir musulmon sifatida Тохир кори ва Мулла Сайфи ахли илм экан, Ширинов хам, ахли илмга кирадими? На илми бор озми купми ammo murjia demokrat deb bilaman Шу билан савол жавоблар тугади.

Муносабатим: демак, кўриниб турибдики, бу киши Дубайдаги биродарлардан бири бўлиб, у кишига, Обид қорига ва мулла Сайфи ва Тохир қориларга нисбатан ёзилган нарсалар ёқмаган. Мулла Шириновга ва унинг бефаросат акасига нисбатан ёзилган нарсалар, тўғри экан. Бу ўлчов, Стромсунддаги ва Мёлбудаги Обид қори муридларининг ўлчовидир. Бу ўлчов ҳам радикал ва ҳам либерал бўлган лекин, Обид қори ва Тохир қори ва Мулла Сайфининг мухлислари ўлчовидир. Мени бу ўлчовни мавужудлиги ажаблантирмайди, албатта. Зеро, мен Обид қорини яхши кўриш ва мақташлик, улар учун диннинг устуни эканлигини ва унга қарши, сал бўлсада гапиришлик, Аллоҳу расулга қарши гапиришданда, оғирроқ қабул қилинишини, биламан. Бу мутассиблар учун, оддий ҳолат. Норма десак ҳам, бўлади. Бугун одамлар Аллоҳни инкор қилишади. Расулни масхара қилишади, булар ғиринг демайдилар. Нимаям десинлар?! Ер юзини ярмидан кўпи, атеистлар бўлса. Мушриклар ва кофирлар бўлса, Булар, уларга қарши, нимаям дерди?! Энди Мулла Обидга, сал қарши гапрингчи, тамом, осмјн узилиб ерга тушади. Менга масалан, мулла Обидни, мулла Тохирдан, фарқи йўқ. Мулла Шириновни, мулла Сайфидан фарқи йўқ! Булар бари, битта манхаж устидаги одамлардир. Буларга эса, фарқи бор. Эслатмалар беришади. Шириновга қарши ёзсангиз майли. Бўлаверади. Уни акасига ҳам, қарши ёзиш мумкин. Бошқасига тил теккизсанг, тамом! Бу ўлчов, қанчалик холис, Аллоҳ қиёматда айтади. Булар Обид қорини томга чиқариб, нарвонни олиб қўйишган. Энди пастга йўл йўқ. Жаноблар Обид қори ҳам, биздек оддий одам. Унга ваҳй тушмайди. Униям хатоси бор ва тўғри ишлари бор. Бизда ҳам шу. Ҳеч фарқимиз йўқ. Осмонга кўтараверманглар, у бу кимсани. Булар ҳам биздек одам. Мен Шириновга қарши ёзсам, нега уларга қарши ёзмаслигим керак экан?! Нега менга уларнинг муридлари чиқиб, насиҳат қилишадию, Ширинов тарафдорлари чиқишмайди?! Нега Обид қори ва Тохир қорини муриди, эшакҳожиди, мени ҳақорат қиладию, Шириновни муридлари, мени ҳақорат қилмади ҳозирча?! Шунинг ўзи, икки томондагилар кимлигига, далил эмасми? Кимнинг муриди қанақалигига, далил эмасми?! Мен тупураман эшакҳожигаям ва бошқасигаям ва мен ёзганларимга ўзим масъулман. Буни китобни бошида ёзганман. Мен ўзим кўрганимни ва билганимни ва хулосамни ёзаман. Агар Шириновда эшакҳожиди каби, ифлосликни кўрганимда эди, албатта унга қарши ҳам ёзардим. Мен учун Ширинов билан, Обид қорини фарқи йўқ. Бу сизлар учун бор, халос. Сизни мезонингиз сиз учун тўғри. Мен учунмас. Менда булар ҳақида эскидан кузатиб юрган, кўп йиллик маълумотлар ва хулосалар бор. Мен Марсдан келганим йўқ. Мен ярим асрдан бери, шулар орасидаман. Кўриб, кузатиб, ким нима қилаяпти ва ким нима деяпти, гувоҳи бўлиб юрган одамман. Мен ўзим билганимча, гувоҳлик бериб кетаман. Обид қорини ва Мулла Сайфини мақташ керак бўлса, буни Ислом овози сайти ва бошқа муридлари, қойилмақом қилиб бажаришади. Бу менинг вазифамга кирмайди. Мен аввал ҳам айтгандимки, мен оқловчи ёки қораловчилик қилмайман, деб. Мен у бу нарса ёзсам, демак, шунга қандайдир сабаб бор. Далил бор. Асоси бўлмасдан ёзмайман. Аслида кўп нарсалар, ҳали ёзилмай қолаяпти. Буни қайта таҳрирда, кўшиб кетаман иншааллоҳ!

Иккинчи изоҳ: Muoz Abdulhakim номли Фб фойдаланувчисидан келган. Бунга кўра, Ширинов куйидаги хатоларни қилган.

Унинг ёзувларини куйида ўқийсиз: akajon bu bola yosh muommo emas biz da ham bu jarayondan utganmiza Отасини айбдор деяоласанми шуда 172 Ўзбда ҳам борку бу ман айтмоқчи болганим haligi taxis qoshni korib gapirganda tan olmasdan bil aks uzini ayiblaganini айтмоқчи edim va kechirim sorashi kk deb mikrafonda gapirganida hayron qolgan edik biz shirinovni nima uchun yomon koramiz aslida men juda juda hohlardim bu kishibi mjölbyga kelishini juda ihlosim baland edi manimcha bolaga minus boladi bola aytganizdek ne prichom hullas kelgandan keyin Tohir aka siz aytgandek teplavozlikdan vagonga aylandilar oldidagi shotirlari bn uzidan sepo yasab oldim hammani birmabir suhbatga charib filtr qilib oldi man u kishiga aka biz ment emasmiz biz terorga qarshimiz unqalardan emasmiz agar unaqalar kelayapgan bolsa bilgan holatda kelyapti oldindagi odamlatizni yarmi togchi edi bir payitöar mana fikri uzgardi kelyapganla ham uzgarar lekin bizni juda katta muommolarimiz bor oldimizda yaoshlar aynib ketish arafasida hamma kuchni ularga tashlaylik universitetet ga kirishiga sharoitlar qilaylik desak u lavzan aytgan gapi bu ishlar uzoq kelajak ishlari qilib bolmaydi tirkiyaga kochgandan keyin qilish kk dedi hullas äähhammani turkiyaga davat qilish i boshladi leki mana 5 yul boldi шу ёзувларни китобимда ишлатаман ba uzi na shotirlari kochsi тагига фикримни бераман хўпми uzi Rinkeby dan firsta handbuy oldi ish oldi ishlab yuripti yoshlardan bariga narkamans dahriylar chiqdi lekin hammasi bitta bittadan uy oldi turkiyadan lekkn Hasan dodadan boshqa hech kim kochmadi Hasan dodadan boshqa hech kim kochmadi qaytangi turkdagibuylar sotilyapti hozir va tishlentdan uy olishmoqchi lekin strasat qilgan biz boldi yani u kelguncha 10 ta oila hech kom kochmaydi bettan uzi Rinkeby dan firsta handbuy oldi ish oldi ishlab yuripti yoshlardan bariga narkamans dahriylar chiqdi lekin hammasi bitta bittadan uy oldi turkiyadan lekkn hech kom kochmaydi bettan yoshlar kochishbi tasavvur ham qilolmayapti sababi qolida hunarinyoq hammasi zavud fabrikadöga 20-5 ninlin oylikga utib olgan ming ular na tirkiyada na uzb na dubayda yasha oladilar ular na tirkiyada na uzb na dubayda yasha oladilar endi ularni farzandlari bu shved tizimiga mahkum bolib boldi 5 yil hamma parokandalkn va ajralish bilan yashab kelyapmiz 5 yil hamma parokandalkn va ajralish bilan yashab kelyapmiz shirinovchi va unga. qarshi lar bir biri bilan bordi keldi si hamnyoq u usha payitda bir nizom yozib chiqandi rasimga ham oldirishmagan hulls usha payitda Ziyod farhod va Bohodir akalar bn salomlashish mumkin emas ulardan qiz olish mumkin lekkn berish mumkinmasligi utiga kelsa kirgizmaslik Samarqandoynibdarsiga qatnashmaslik yana bir qanchasi ga qol qoydira boshlagan edi endi siz uylang de bu jamoat Qori aka jamoati endi siz uylang de bu jamoat Qori aka jamoati radikallikda közi ochilgan jamoatga bu shartlarga qol qoydirishlik kfurni boyniga olishlik degandek tuyuldi va janjal boldi mumkinnishonmassiz lekin sizga aytgan gaplarimni luboy shu yerdagi odam tasdiqlaydi

Муносабат: Бу матнни ўзгаришсиз эълон қилдим. Уни имло хатолари кўп. Лекин, уни тузатишга ҳожат йўқ. У комментни ўқиганлар, мазмунини тушунишлари мумкин. Хуллас, бу матнда зикр қилинган суратда, Шириновни боласи ва ортида бир қиз, уни кучоқлаб турибди. Швеция учун оддий ҳолат. Тақводорлар учун, катта муаммо. Шу суратга изоҳлар юқорида ёзилди. Бошқа нарсалар ҳам ёзилган. Мен олдиндан биладиган, маълумот эди булар. Мен бошқа бўлимларда, буларга алоҳида тўхталаман. Доктор Шириновни ўғли ўсмирлик пайтидан, шведлар мактабида ўқиган. Демак, отаси каби, диний илми бўлмаслиги мумкин. Қолаверса, Мёлбудаги кўпчилик тақводорларнинг болалари ҳам, худди шу каби, ишларни қиладилар. Энг ёмони диндан чиқиб, атеист бўлиб кетганларидир. Мактабларда дунёни яратилиши, атеистик нуқтаи назардан ўргатилади. Шунинг учун баъзиларининг боласи, динни тарк этиб, Худо йўқ деб кетган. Қолаверса, ҳидоят Худодан. Уни банда, бандага ато этолмайди. Қуръонда бизга пайғамбарлар қиссалари баён этилади. Унда Нуҳ алайҳиссаломнинг ўғли кофир бўлгани ва хотини кофирлиги айтилади. Ким Нуҳ алайҳиссаломни айблашга, журъат қила олади?! Мёлбуда ким, Нуҳ алайҳиссаломдан кўра, боласига яхши тарбия бераоламан, дея олади?! Шириновни боласи қизлар билан кучоқлашгани, ҳали ажабланарлимас. Бу қайсидир маънода нормал ва фитратга мос нарса.

Болалар билан болалар, кучоқлашишидан Худо асрасин! Бу нарсалар бўлмаслигига, ким кафолат беради?! Қолаверса, зинокор бўлгани, атеист бўлганидан кўра енгилроқдир. Қанча болалар атеист бўлиб кетишяпти?! Ўзбек атеистлари, Ўзбекистонда ҳам кам эмас. Имону ҳидоят, Худодандир! Ҳаммамизни фарзандимиз бор. Уларнинг келажашини қайғураемиз. Лекин, ҳеч кимда уларнинг кофир ва мушрик бўлиб кетмаслигига, кафолат йўқ! Бу ерда Шириновни, қанчалик айби бор?! Ҳамма тақводорни, боласи, тақводор бўлмаслиги мумкин! Ҳамма ўғри каззобнинг боласи, ўғри каззоб бўлмаслиги ҳам мумкин! Иброҳим алайҳиссаломни отаси ким эди?! Муҳаммад алайҳиссаломни отасичи?! Кофиристонда яшайдиган мусулмонларнинг фарзандлари, аксари бузилиб кетишяпти. Буни ўзбеклардан кўра, бошқа мусулмон миллатларда кўриш мумкин. Ўзбекларни ҳам демократ қатламида, бунақалар оз эмас. Аллоҳ ҳидоят берган қанчалаб Европаликлар, исломга киришяпти. Айни шуни, ҳидоят Аллоҳдан эканига бир далил, дейиш мумкин. Ўзбеклар орасидаги бузуқлик, шведларникидан анча кўпроқдир. Бу масалада мен, Шириновни айбдор дея, олмайман. Жумладан бошқалар ҳам. Ҳозир ҳаммасини боласи, отасига қулоқ солмай қўйган. Қўлидан нима келади?! Шунинг учун Ширинов Туркияга кетиш керак, дерди. Туркияга кўчиш режаси, расво бўлди. Энди Ўзбекистонга кўчамиз деган, режаси бор буларнинг. Лекин, бу ҳам, хом режалардан биридир. Қолаверса, изоҳ муаллифи фикрига қўшиламан. Швецияда туғилиб ўсган болаларни, на Туркия ва на Ўзбекистон, ўзига жалб қила олмайди. Менинг ўғлим ҳатто, бошқа шаҳарга кўчишимга рози эмас. Мен бошқа ерга, шу туфайлидан оилавий кўчолмай ўтирибман. Бу ер унинг ватани. Менга Швециянинг қаерида яшашликни, фарқи йўқ. Лекин, унга фарқи бор. Кўчишлик, уни бу ердаги танишларидан жудо қилади. Менинг ўзим, умрим давомида доим кўчиб, дайдиб, ўтиб кетаяпман. Бу қисматни фарзандимга, раво кўрмасдим. Ҳеч бир ота она фарзандини, ёмон бўлишини истамайди. Лекин, Аллоҳ битган тақдир ва қисмат бор. Баходир ошпазни бир ўғли, ИШИДга кетди. Шу билан дом дараксиз бўлди. У ҳам Шириновни боласи каби, ўсмир эди. Масжидда учраб қолса, салом ҳам бермасди. Ақидаси такфирчиликка мойил эди. Бу ерда, икки томонга ҳам оғишликда, ҳаддан ошишликни кузатамиз. Либераллар, болалари ултра либерал, бўлиб кетишади. Динни тарк этиб кетишди. Радикаллар, боласи ултра радикал бўлиб, уйини тарк этиб, урушга кетиб йўқ бўлишди. Бу ҳар иккаласи ҳам, ота оналар учун оғирдир. Лекин, ўғли кофир, атеист бўлиб кетгандан кўра, имонли бўлиб, ўлиб кетгани афзалроқдир! Буни ҳеч ким инкор қилолмаса керак?! Ўрта йўлда юришликни эса, ҳамма ҳам эплаёлмайди. Қолаверса, бу муаммо фақат Швецияга хос эмас. Ўзбекистонда ҳам бор, бу муаммо. Дунёнинг ҳамма ерида бор. Бу муаммога ечим эса, йўқ! Бу ёғи, қазою қадарга ҳавола халос! Аллоҳ авлодларимизни, имонли бўлишини насиб этсин! Зурриётимиздан кофирлар чиқармасин! Комент ёзганларга ташаққуримни изҳор этаман. Агар ҳақоратсиз, инсоф билан коментлар ёзилса. улар китобга киради ва мен уларга ҳам ўз муносабатимни билдираман.

Абдували Валижоннинг иккинчи коментига жавобим

Демак, бу қисмда ҳам мени постларимга келган изоҳлардан бирига муносабат билдираман. Бу коментни ёзган шахс Abduvali Walijan исмли киши бўлиб, шахси менга нотаниш одамдир. У ким бўлсада, ўз фикрини ёзиб қолдирганига ташаққуримни айтаман. Қуйида шу коментни ва унга мени жавобимни ўқийсиз. Abduvali Walijan Sahwii Muhammad Salih aka yozuvlaringizni vohima qilib, menga hujum qilişyapti, yoki jihod fikrda bōlganlarga radikal deb kufr ahli qōygan atamalarni işlatmasangiz tōğri bōladi. Bunday olib qaralsa Abdulvali qoraka ham raidkal edilar yoki Payğambarimiz ham radikal bōlganlar. Qandaydir bir haqoratga oħşab ketadi. Fikrga qarşî fikrga doim oçiqman deganingiz uçun yozyapman. Lekin fikringizga qarşî fikr bildirilsa salkam duşmanga aylantirib olyabsiz. Özingiz aytyapsiz fikrlarim tōğri yoki notōğri bōlişî mumkin deb. Notōğri deb bilganimni aytdim. Etibor bersangiz sizdan ołaroq sizga duşman ołaroq qaramayapman. Şirinov haqida aniқ eşitganim Misrdagi ihvonlarga oħşab harakat qilib, hukumatga yetiřa olmay inqirozga uçrasa ham yana huddi řu tinç yōl bilan harakat qilamiz deganini aytgandi. Ozodlikdagi gapi ham řuki, hozir dunyodagi eng yahşî tajribadan oтgan sistema demokratik sistema bōlişî kerak degandi. Obiq qoraka bunday oçiq fikrlarini bilmayman. Öz.Halq.Harakatiga

qöşilganda ham, tayinlik nuқтаgaça birgamiz deganlarini eşiťganman. Şvedsiyani maqtaş odamni İslomdan çiqarib qöymaydi. Payğambarimiz Habaşistonni podişohini adolatli deb maqťaganlar. Hozirgi Saudiya bilan Yevropani bazi qonunlarini solişťirganda Yevropaniki İslomga yaqinroq bölib çiqadi. Saudiyada adolatsizlik, zulm boşqa davlatlardan köra köproq. Bu gapni aytgan odam dindan çiqib qolmaydi. Umuman bir imkoniyat bölganda siz bilan bir oçiq muloqot, fikr almaşış mana şu mavzularda bahs münazara qiliş niyatim bor.

Комментга муносабат: Хўп, радикаллар хужумга ўтди деганимда, менга телграммдан ҳақоратли файллар юборган бир нажас, хунасани назарда тутдим. У эркак бўлганида шу ерга чиқиб, мард бўлиб раддия ёзарди. Лекин, у фаҳми фаросати, бунга етмагани учун, бу ерга чиқмасдан, махфийда ҳақорат қилиб, дўқ ураяпди халос. Ваҳима қилиб ёзмадим. Чунки, у ваҳима қилишга арзимайдиган шахс. Унга гапни кўпайтирмасдан қўлингача пичоғингни олиб кел. Мени ўлдирмоқчимисан, кел дедим. Бу гап бошқаларига ҳам, тегишли. Менга дўқ пўписа қилиш керакмас. Ўлдиришга духи етадиган одам, алжираб ўтирмайди нетда. Уларга айтадиганим, мени ўлдиришдан олдин, ўша уламоларинга бир фатво чиқартириб олинглар. Қони ҳалол деган, фатво бўлса, кейин, бемалол ўлдирасиз. Агар ўлдира олсангиз, унда ҳам. Чунки, фатво бўлмаса, мусулмонни қонини тўккан бўласиз. Жаҳаннамни вожиб қиласиз. Шунга сизга маслаҳат, ИШИДни услубини қўлланглар. Аввал кофир деб, фатво олиб, кейин, кофирни ўлдиряпман деб, бемалол келасиз. Қолган умрингизни турмада ўтказганда ҳам, кофирни ўлдирдим деб, хотиржам ўтирасиз. Шунинг учун, фатво чиқартириб олинглар аввал.

Радикал сўзига келсак, бу сўз ҳақоратмас. Бу калима бир нарсани тезда, кечкин ўзгартиришни истаган одамга, нисбатан айтилади. У мусулмон бўлмаган шахсга ҳам, тегишли бўлиши мумкин. Бунақалар ҳамма жамиятда бор. Буни мужиҳодларга алоқаси йўқ. Кескин ўзгариш тарафдорлари деган, маънода ишлатилади. Мен Обид қори қавмидаги жанжалларни баён этар эканман, уларни фарқлаш ва тутган йўлида, бир биридан ажратиш учун, либерал ва радикал терминларини ишлатдим. Мужоҳид дегани, қўлига қурол олиб, ким дуч келса отиб. зўравонлик қиладиган одам эмас. Бунақаларни қароқчи дейилади. Мужоҳид эмас. Хулқида, ҳожи эшак каби, қароқчилик бўлган шахслар, қўлига қурол тушиб қолса, ЎИХни қилган жиноятларни қилувчи, қонхўр жаллодларга айланишади. Булар на мусулмонларга ва на инсониятга, заррача манфаат бермайдиган, жамиятнинг ахлатларидир. ЎИХни раҳбари нормал мусулмон бўлганида, бунақа жиноятлар бўлмасди. Булар жиҳодни ҳам, расвосини чиқарган жиноятчилардир. Ғояси ислом бўлган шахс ва мақсади Аллоҳ ризоси бўлган шахс, қуролини қачон ва кимга кўтаришини, яхши билади. Мен уч тоифани жаҳаннамга биринчилардан бўлиб кириши ҳақидаги ҳадисни, мазмунини, энди тобора тўлиқ англаяпман. Булар бири бой одам ва хайру саховат қилган. Лекин, Аллоҳ ризосини мақсад қилмаган. Одамларга кўз кўз қилиш ва мақтов эшитиш ниятида қилган. Кечаю кундуз, молини кўз кўз қилувчиларни кўриб турибмиз. Бириси, мулла ёки, шайх бўлган. Илм олган ва илм берган. Бу ҳам шайх ва қорака деган, номларга эга бўлишни ва иззат ҳурматда юришни истаган. Шунга эришган ҳам. Учтинчиси, мужоҳидман деб, қўлига қурол олиб жангларда қатнашган. Ҳатто, у қўрқоқлик қилмасдан, мардонавор жанглар қилган. Авом уни зўр, ботир ва қаҳрамон дейишган. У шуни эшитишни истаган ва шунга эришганди. Буларни қиёматда кофирлардан олдинроқ, бурнини ерга ишқалаб, судраб жаҳаннамга ташланиши хабари берилган. Уч тоифа олим, бойвачча ва мужоҳидлар жаҳаннамга ўтин бўлишди. Аллоҳга, бунақа яхши амалларни, риёкорона қилувчиларнинг кераги йўқ экан. Бу ҳадисни мазмунини фикрлаб, бугунги шу уч тоифа одамларга қараб, ҳайратда қолиб ўйланаман. Субҳоналлоҳ, бу мўъжизаку?! Агар шу ҳадис бўлмаганида ҳам, майли эди. Аниқ тиниқ кўришиб турибдику?!

Коммент мазмунидан таъкидланаяпдики, Саудияда зулм ва адолатсизлик, Швециядагидан кўра кўпроқдир. Бу ҳақ гап. Ўзбекистонда ҳам, худди шундай. Энди коммент муаллифини ўз фикрида ноҳолислигига қарангки, у Шириновни демократ деб, маломат қилмоқчи бўлади ва айни замонда, Ундан асло фарқи йўқ бўлган, Обид қорини демократ эмас, демокчи бўлади. Ваҳолонки, Шириновни Ўзбекистонда демократия бўлиши учун, ЎХХга қўшилгани тўғри эди.

Мен ҳам аслида, шу мақсадда, унга қўшилганман. Шунинг учун мени, баъзилар ихвон дейишади. Гарчи, ўзим уларга алоқам бўлмасида, мен улар тутган манхажни тўғри деган, фикрдаман. Қолаверса, улар ортида кибор уламолар жамоаси, Дунё мусулмон уламолари жамоаси турибди. Эрдўғон ҳам бунга бир мисолдир. Манхаж масаласида, мен бугун уммат учун манфаатли йўл шу деб, биламан халос. Агар Широнов ҳам, шу фикрда экан, бунга ажабланарли жойи йўқ. Қолаверса, Обид қори ҳам, шундан бошқа фикрда эмас. У ҳеч қачон Ўзбекистонда, Халифат қураман демаган. Абдували қорига келсак. у кишини Каримов ҳукумати радикал дерди. Сиз ҳам шуни айтдингиз. Мен ундай демасдим. Радикал дейиш учун, уни ҳукуматга қилган тажовузига, бир мисол келтириш керакда. У ҳукуматга қарши ҳеч қандай ҳаракат қилмади. Аксинча, у уларни ўзлари чиқариб қўйган қонунига амал қилишга чақирди. Уни радикал дейишга, ҳуқуқий асос йўқ эди. Абдуллоҳ Бухорий билан, беш олтига суҳбатлар қилганман. Унга шу саволни берганман. Раҳматлик Бухорий сиёсий жиҳатдан кенг фикрловчи эмасди. У «Ўзбекистон халқи исломий давлатда яшашни истайди,» деганди. У Ўзбекистонда исломий давлат қуришини, баралла очиқ ва ошқора айтганди. У шу сўзларни айтгани учун, отилди. Уни отиб кетишганда, Ислом овози сайти, таъзия билдирмади. Обид қорини унга алоқаси йўқ деган, мессенж бериш учун, таъзия берилмади. ЎИХчилар ва баъзи улар тарафдорлари эса, унинг ўлимига хурсанд бўлишди. Энди Обид қорига келсак, у сиёсий қарашлари кенгроқ эди. У бундай гапни айтмасди. Айта олмасди ҳам. Бу гапни айтишлик, реалмаслигини у биларди. Ўшлик Рафиқ қори гапирарди. Аллоҳ уни мағфиратига олсин. У киши ҳам, сиёсатдан узоқ одам эди. Сиёсий реаллик деган, тушунча бор. Шу нарсани яхши тушунишлик керак. Обид қори тушунгани учун ҳам, ҳеч қачон Халифат қураман, демаганди. Айтса ҳам, бу қуруқ гап бўлиб қоларди. Лекин, у демократман ҳам, демасди. Лекин, у айти шу демократия, ротакамига бўлишини истарди. У демократия бўлса, қанақа бўлишини Швеция мисолида кўрди. Шунинг учун уни мақтади. Лекин, у демократия қуришни истайман, демасди. У радикалларни маломатига, нишон бўлишни ҳам истамасди. Бор йўғи шу эди халос. Уни Широновдан бу масалада мутлақо, фарқи йўқ эди. Энди сизлар буларни фарқлаясиз. Униси яхши ва буниси демократ, деяпсиз. Инсоф қилинлар. Широнов ким бўлса, Обид қори ҳам шу! Обид қори Ўзбекистонда Халифат ёки, амирлик қураман демаган. Унда нима қуради?! У шу ҳукуматни либераллаштиришни, қонунларга ўзгаришлар киритишни ва мусулмонларга эрк беришни гапирарди. Буни номи демократия бўлмаса, нима?! Гапни айлантириш нима керак? Бу бари, гап ўйини халос! Обид қори демократия учун курашди деб, Довуд айтганди, ўша ал Жазирага берган интервьюсида. Гарчи, Обид қорини демократлиги ҳам, шубҳали бўлсада, бу гапида жон бор. У том маънодаги Абдураҳим Пўлатов каби, демократ бўлмаган. Демократия ягона ҳақ йўл, демаган. Буни ҳам айтолмайди. Демократия Аллоҳ Пайғамбарига нозил қилган, ваҳий эмас. Ҳеч ким "Аллоҳ нозил қилган ваҳидан афзал йўл бор" дея, олмайди. Буни айтган одамда, имон қолмайди. Широнов буни англамайдиган даражада, аҳмоқ эмас. Обид қори ҳам, буни биларди. Лекин, бугунги мавжуд шароитда, умматга манфаат келтириши мумкин бўлган ягона йўл шу, деган фикрда эдилар. Икки зарардан енгилиги танлаш керак бўлса, демократияни танланади. ИШИД вариантыни кўрдик. Бошқаларни ҳам кўрдик. Буни Обид қори ҳам, Широнов ҳам биларди. Мен авом билганни, булар билмайдими?! Муаммо, шуларга эргашганларда эди. Улар балониям билишмасди. Улар аравани бири у ёққа ва бири, бу ёққа тортишарди. Сиз жаноб кимсиз, мен билмайман. Лекин, мен сиз билан бу мавзуда, мунозарага ва муҳокамага тайёрман. Лекин, ҳозир эмас. Китоб тугамагунча вақтим йўқ. Катта босимда ишляпман. Хуллас, Омон бўлинг! Китоб тугагунга қадар ёзилган комментлар ва уларга менинг муносабатим ҳам, шу китобга киради. Шуни аввал ҳам айтганман ва яна такрорлайман.

Опанинг иккинчи комментига жавобим

Бу қисмда ҳам демак, комментга муносабат билдираман. Мен олдин кўрмагандим, бугун кўрдим, бу опани бир комментини. Хўп, аввал коммент билан танишинг. Муҳаммадсолиҳ Абутовнинг постларига ёзган изоҳ(комент)им

Постингиздаги Абдуллоҳ Муҳаммадни ёзганлари тўғри. Биз Обидқори домлани нима учун яхши кўрамыз? Шайх Обидқори домлани шу пайтгача Аллоҳ таолонинг соф исломига ҳиёнат қилганларини кўрмадик. Биз Абдулатиф қори домлани нима учун яхши кўрамыз? Шайх Абдулатиф қори домлани шу пайтгача Аллоҳ таолонинг соф исломига ҳиёнат қилганларини кўрмадик. Биз Сайфуллоҳ Носир домлани нима учун яхши кўрамыз? Шайх Сайфуллоҳ Носир домлани шу пайтгача Аллоҳ таолонинг соф исломига ҳиёнат қилганларини кўрмадик. Биз нима учун Муҳиддин Обид қори ўғли домлани яхши кўрамыз? Шайх Муҳиддин Обидхон қори ўғли домлани шу пайтгача Аллоҳ таолонинг соф исломига ҳиёнат қилганларини кўрмадик. Шахсан ман Асрор деган диндошимизниям ёмон кўрмайман, гарчи у одамни танимасамда. Асрор ҳақида сизнинг ёзганларингиздан билдим. Асрор биродарнинг ягона айби, ер юзида Аллоҳ таолонинг ҳукми жорий бўлсин, мусулмонлар куфр демократия остидамас, Аллоҳ таолонинг шариати остида яшашсин дегани учун, сиз Асрор биродарни ёмон кўриб, кофир швед полисига мободо Асрорни устидан шикоят қилсангиз, ислом динидан чиқиб қоласиз, шундан эҳтиёт бўлинг. Биз Ширинов домлани нима учун ёқтирмаймиз? Ширинов домла, Аллоҳ таолонинг соф исломига ҳиёнат қилганла, ҳамда мент аброрга қўл бердила. Ширинов домла бидъат бўлган Мавлудни жоиз дейла, буни сиз билан қилган радиоблогингиздаги суҳбатинада эшитганман. Яна сизни ёзганларингиздан билдимки, Ширинов домла жиҳодга қарши эканла. Биз нима учун Муқим домлани ёқтирмаймиз? Муқим домла жонли эфирларида ўзлари гапирганла. Ҳар қандай қуролли жамоатларга қаршиликларини, бундан чиқадики Муқим домла жиҳодга қаршила. Яна Муқим домла, тўрта мазҳабда харом бўлган мусиқани ҳалоли бор дейла, астаффируллоҳ. Яна Муқим домла мент аброрга қўл бердила. Узрқу, бу охириги ёзганим сизга қаттиқ ботса, сизни ҳафа қилса, буни учун олдиндан узр сўрайман. Сиз ҳақингизда шу пайтгача яхши гумондайдим, ёзганларингиз тўғридир деб ишонганларимам борида. Энди кўряпманки, сизда холислик йўқ экан. Сизнинг одамларни яхши ёки ёмонга ажратишингиздаги ўлчовингиз шариат меъзони эмас, нафсингизга ёқадиган демократча меъзон экан. Аллоҳ таоло сизни ислоҳ қилиб, инсоф берсин. Агар сизни меъзонингиз шариат меъзони бўлганида, бидъатчи Ширинов домла билан, бидъатчи бўлмаган Сайфуллоҳ Носир домлани бир ўринга қўймасдингиз? Сизни меъзонингиз шариат бўлганида, шайх Обидхон қори, шайх Абдулатиф қори, шайх Сайфуллоҳ Нодир ва шайх Муҳиддин қори домлаларни ёмон ишларидан яхши ишлари кўплигини инобатга олиб, омма орасида уларни бадном қилгандек, ўзингиз учун тўғри, аммо шариат меъзонидан қаралганда нотўғри бўлган бунақа фикрларингизни ёзмасдингиз. Сиз омма ичида ёздингиз, энди бизлар ҳам омма ичида сизни ёзганингиз хатолигини постингиз изоҳи(коменти)да ёзаямизда, буни учун бизлардан ҳафа бўлиб, мободи бизларни блоклаб, бизларга лой чаплаворишга ҳақингиз йўқ. Яна бир бора бу ёзишим билан сизни ҳафа қилган бўлсам олдиндан узр сўрайман. Аммо бундан буёғига сизнинг ёзганларингизга ишонмайман. Сабаби сизда холис йўқ экан. Қолаверса ўлчовингиз шариат меъзони эмас экан. Саломат бўлинг! Опанинг коменти тугади. Қуйида менинг опага жавобимни ўқинг.

Менинг муносабатим: бу коментни ёзувчилар ва шунга ўхшаган бошқалар, бир нарсада фикрлари бир бирига мувофиқ келади. Яъни, Обидқори, Сайфуллоҳ Носир, Муҳиддин Обид қори ўғли ва Абдулатиф қорилар яхши ва исломга ҳиёнат қилмаган экан. Доктор Ширинов ва уни акаси, ҳиёнаткор экан. Абдуллоҳ Муҳаммадни ёзганлари тўғри дейди опа. У йигит ҳам шу мазмундаги коментни ёзганди. Демак, булар наздида, Ширинов ҳиёнат қилгану, мулла Сайфи ҳиёнаткор эмасмиш. Бу тоифа қайси мантиқ асосида фикрлайди, шуниси менга қоронғу. Мулла Ширинов, шу номлари зикр этилган ва исломга ҳиёнат қилмаганлиги иддао қилинаётган Сайфуллоҳ Носир, Муҳиддин Обид қори ўғли ва Абдулатиф қорилар билан бирга, Қаламда ҳамкорлик қиладилар. Улар бир бирига дўст ва меҳрибон, ака укалардир. Нега уларни орасини ажратасизлар?! Мени тушунмаганим шуки, Ширинов хоин бўлса, Мулла Сайфи нега хоин эмас? Мулла Тоҳир нега хоин эмас?! Опа сиз буларни орасини қайси асосда, ажратаясиз?! Сиз эшақхожини Қаршидаги қамалиб кетган ошнасини хотинини Туркияга олиб келиб, уч боласи бўлгач, талоқ қилганини, менга ёмонлаб гапиргансиз. Энди эса, уни мақтайсиз. У ИШИД тарафдори эди.

ИШИДчилар бир одамни тириклай ўтда куйдирганига, у зўр бўлди ва яхши бўлди деб мақтаганиди. Шу пайтда машинада кетаётгандик. Бунга бошқа одамлар ҳам, гувоҳ бўлган. Лекин, у Ислом шариати билан яшашни истаганми йўқми, билмадим. Ислом шариатини истаган одам, бировга хусумат қилса, ота онасини ҳақорат қилмайди. Буни, нафси истаги билан яшайдиган кимса қилади, халос. Сиз уни полицияга берсанг, диндан чиқасан дебсиз. Булар полициядан кўрқади ва лекин, Худодан кўрқмайди. Уйимни суратини ЎИХга юборган Фарҳод деган, мошеник бор эди. Уни масаласига ҳали, алоҳида тўхтайман бу китобда. Ўша пайтда мен сайтимда, бу суратларни қандай қилиб, ЎИХ сайтига бориб қолганлигини полиция текшираяпти деб, ёздим. Ваҳолонки, Полиция текшираётгани йўқ эди. Мен буларни Аллоҳдан эмас, Полициядан кўрқшини билардим. Эртасига Фарҳод, мен суратга олмадим у бу деб, узр сўраб келди. Асрор деган итни мен ҳам онасини сўкардим. Агар у каби виждонсиз бўлсам. Менда шаръий ўлчов борда. Мен уни онасини сўксам. У балким имонлидир. Мен уларни ноҳақ сўккан бўламан. Унда эса, на имон ва на виждон йўқ экан. Унга Аллоҳнинг лаънати бўлсин! Аллоҳ уни икки дунёда хор қилсин! Мени ёзаётганларимга кимда эътироз бўлса, Шу ерга ҳақорат қилмасдан ёзса, мен жавоб берардим. Бериб келаяпман ҳам. Унинг миясида шуни ёза оладиган, озгина бўлсада, фаросат йўқда. Бу иккала хотинни ҳам бахтиқаро қилган аҳмоқ бўлади. Яна менга дўқ қилиб, овозли файллар юборган. Мен унга понт қилмасликни ва шаҳар бедарвоза эмаслигини эслатиб қўйдим. У бунга ақли етадиган кимса экани, аниқ. У бу маишатли ҳаётига нуқта қўймоқчи эмас. Бунга духи етмайди. Бу Қаршилиқлар гуруҳини, Ўзбекистон ҳукуматига яқинлик қилишга уринаётгани ҳақида, шу китобда ҳали кўп нарсалар ўқийсиз. Буларни сиз Ислом шариати билан яшашни истайдиган одам, деяпсиз. Булар Мирзиёев бошлиқ ҳукуматга бориб, Қаршида яшашни истаётган шахслардир. Сизга ҳали бу жиҳатлари, қоронғу албатта. Сизга келсак, сиз санаб ўтган, сизни наздингизда хоинлик қилмаган, уламолар билан Мулла Шириновни орасида, заррача фарқ йўқ! Улар ўзаро биродар. Улар ўзаро қадрдон. Улар биргаликда ҳамкорлик қилиб келишади. Сиз ва сиз кабилар, тушунмасдан уларнинг орасини ажратяпсизлар. Қолаверса, ҳукуматга яқинлашишлик, сарой имомларига яқинлашишлик, мазҳабга киришлик ва ҳаказо каби, шу китобнинг асосий жиҳати бўлган масалаларда, мулла Ширинов ва сиз санаган муллалар, бир хил позицияда туришади. Мулла Носировни Мирзиёевга муносабати, сизга маълум. У Ўзбекистонга бориб, Халифат қуриб бермоқчимиз?! Улар сиз айтган кимсадек, ислом шариати билан яшамоқчимилар, Ўзбекистонга бориб?! Бошқалари ҳам, худди шу позицияда. Мулла Ширинов абгор эшакка салом айтганда, айна шу мақсадда айтганиди. Буларни биргаликда ҳамкорлик қилувчи қадрдонлар эканига, кўплаб мисоллар бор. Сиз буларни негадир кўрмайсиз. Мужоҳидлик даъво қилганлар орасида, эшакхожи кабилар, ИШИДчи бўлиб, ёки, ЎИХчи бўлиб чиқишади. Буларга қон тўкиш бўлса бўлди. Кимнинг қонини тўкишни фарқи йўқ. ЎИХчилар ИШИДга бориб қўшилгач, уларга қарши бўлган жиҳодий гуруҳларга қарши, уруш қилдилар. Ҳалабда Имом ал Бухорий катибасини Наманганлик Амири Салоҳиддин (Акмал Жўрабоев) ҳам, ЎИХчилар томонидан ўлдирилди. Бухорий катибасидагилар ҳам мужоҳидлар эди. Сиз мақтаётган каллакесарлар ҳам, ИШИДдаги ўзбеклар эдилар. Сизни савиянгизни биламан ва бу нарсаларни ёзишда, ўзингизча холис туриб ёзганингизни ҳам тушунаман. Чунки, сиз кабилар кўп ва уларнинг савияси менга маълум. Мени ИШИДга қаршилигимни, сизлар ислом шариатига қаршилиқ деб, тушунайсиз. Ваҳолонки, бутун дунё мусулмон уламолари, унга қарши бўлганди. Жумладан сиз севувчи МСМЮ ва сиз юқорида номини зикр этган, казо казолар ҳам ИШИДга қаршидир. Булар ИШИДни инкор қилса, сиз жим турасиз. Мен инкор қилсам, ё Мулла Ширинов инкор қилса, вой булар демократ экан деб, жар соласиз. Сиз нега энди, бу муллаларни орасини ажратяпсиз? «Биз Ширинов домлани нима учун ёқтирмаймиз? Ширинов домла, Аллоҳ таолонинг соф исломига хиёнат қилганла, ҳамда мент аброрга қўл бердила. Ширинов домла бидъат бўлган Мавлудни жоиз дейла, буни сиз билан қилган радиоблогингиздаги суҳбатинада эшитганман. Яна сизни ёзганларингиздан билдимки, Ширинов домла жиҳодга қарши эканла.» Опа сиз Муҳиддин Шириновни соф исломга хиёнат қилганла, дегансиз. Бу хиёнатни нималигини ёзмабсиз. Мавлудга келсак, уни жорий қилган ва Ўзбекистонда оммалаштирган шахс, сиз севган МСМЮ бўлади.

Шириновни жиҳодга қаршилигини сиз ўйлаганчалик эмаслигини, аввалги комментларга муносабатда айтганман. Уни абгорга қўл беришига келсак, бошқалари ҳам шу қўлни беришга тайёр туришибди. Муҳиддин нима қилса, мулла Сайфи ва мулла Тохир билан, бирга қилади! Сиз уларни нега хиёнат қилган деб ёзмайсиз?! Мулла Сайфини президентга мурожаатини нега хиёнат деб жар солмадингиз?! Уни қилган ишини, Шириновни эшакка саломидан нима фарқи бор?! Абгорни мент дейсиз ва ёмон кўрасиз. Булар бари, у билан яқин дўстлигини билмайсиз. Зуфарга қарши фатво чиққанини ёзгандим. (Бу фатво, шу китобни охирида ҳам келади) Шу фатвода, хориждаги қатор ўзбек уламолари уни эшитишни ҳаром деганди. Шулар кимлигини сиз биласизми?! Зуфарга қарши гуруҳда, фақат Ширинов эмас, юқорида сиз санаб ўтган муллалар, бари бор. Бундай ташқари, сиз мақтаган эшакхожи, ИШИДчини булар устозлари бўла туриб, Булар ўзлари ИШИДчи эмаслар. Булар бари ИШИДга қарши. Ҳожи эшакни ИШИД тарафдори бўлгани учун, мақтайсиз. Мени ИШИДга қаршилигим учун мезонинг шариат эмас экан, дейяпсиз. Нега сиз шу ИШИДга қарши бўлган Мулла Сайфини, Мулла Тохирни, мулла Муҳиддин Назаровни қораламайсиз?! Қани сизда инсоф? Нега МСМЮни қораламайсиз? Қани сизда адолат мезони?! Агар ИШИДга қаршилар ёмон бўлса, демак, мен ёмонман. Ва улар ҳам, ёмон бўлиши керак эди. Сизда ўлчовлар бузилгани, аниқ кўриниб турибди. Опа сиз ёзибсиз: "Агар сизни меъзонингиз шариат меъзони бўлганида, бидъатчи Ширинов домла билан, бидъатчи бўлмаган Сайфуллоҳ Носир домлани бир ўринга қўймасдингиз?" Агар сизда мулла Сайфи ва Мулла Ширинов ҳақида мен билан маълумотлар бўлганда, сиз буларни орасини ажратмас эдингиз. Буларни ўзларини шу масалада оммага, ошқора қилиб, муносабат билдиришини сўранг! Уларни сиз яхши кўрасиз экан. Улар сизни илтимосни бажарсалар керак?! Мулла Сайфига хат ёзиб, айтишда, у Шириновни бидъатчи ва мен унга қаршиман деб, ёзиб, эълон қилсин! Муҳиддин Назаров ҳам, шуни қилсин! Мулла Тохир ҳам шуни қилсин! Шунда мен уларни, Шириновдан бароат эълон қилган ва унга алоқаси йўқ экан дейман. Марҳамат, сиз шуни улардан талаб қилинг ва улар шуни қилсинлар! Агар шундай қилишмаса, демак, сиз уларни орасини ажратишда адашаётган бўласиз. Сиз уларни биргамас деган, иддаода каззоб бўласиз! Агар сизни мезон шариат бўлса, қуруқ гапни гапирмасдан, шуни қилинг! Яна сиз ёзибсиз: "Сизни меъзонингиз шариат бўлганида, шайх Обидхон қори, шайх Абдулатиф қори, шайх Сайфуллоҳ Нодир ва шайх Муҳиддин қори домлаларни ёмон ишларидан яхши ишлари кўплигини инобатга олиб, омма орасида уларни бадном қилгандек, ўзингиз учун тўғри, аммо шариат меъзонидан қаралганда нотўғри бўлган бунақа фикрларингизни ёзмасдингиз." Сиз ҳам бошқалар каби, доктор Шириновни бадном қилиш шариат мезонида тўғри ва бошқаларни бадном қилиш хато деган, фикрни ёзаяпсиз. Сизни мезон, қайси шариатники? Ислом шариатими ё бошқами?! Нега энди Шириновга қарши ёзиш мумкину, бошқасига мумкин эмас?! Бу мезонни қайдан олгансиз ўзи?! Қолаверса, мен бадном қилишмас, кўрган билганимни холис ёзаяпман, ўзимни фикримда. Муҳиддин Ширинов демократу, улар демократмасми? Улар Халифатчимми?! Сиз мақтайдиган МСМЮ халифатга хизмат қилганмиди?! Мулла Сайфи Ўзбекистонга борса, халифат қурмоқчимми?! Нега буларни мақташ, сизни шариатда мумкину, бадном қилиш мумкин эмас?! Буларни Шириновдан нимаси ортиқ?! Ўзи аслида сизнинг мезон, шариат мезони эмас. Сиз бунга англашга ҳам, ожизлиқ қилаяпсиз халос. Менинг мезоним шариат ва мен айна шариатдан келиб чиқиб, шуларни ёзаяпман. Бу динда ҳеч кимнинг шахсини муқаддаслаштиришлик йўқ. Саҳобалар Пайғамбаримиз бир нарса деса, бу сизни фикрингизми ё ваҳийми деб, сўрашарди. Шахсий фикрим десалар, унда бу фикр хато. Мана бундай қилиш керак, дейишарди. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга эътироз билдиришарди. Улардан кейинги халифаларга ҳам, худди шундай муомила қилинди. Ислом йўли шу. Шариат мезони шу. Мен шуни тутган ҳолда, дунёдаги бугун мавжуд, ҳар қандай муллага ва шайхга ва уламога қарши, ўз фикримни айтаман ва ёзаман. Ва бунга ҳақлиман. Унинг гапи ва қилган иши тўғри ва хато бўлиши мумкин деб, биламан. Шунинг учун ҳам, сиз бу иддаода ноҳақсиз. Мени ёзганларим шариатга зид эмас. Агар сиз фатво сўрайдиган уламолар, бу китобни "шариатга зид ва ўқиш ҳаром!" деб, фатво чиқаришган бўлсалар, менга ҳам кўрсатинг шуни. Агар бу фатво йўқ бўлса, демак, бу китоб шариатга зидми ё, мувофиқми, бунга баҳолаш сизгамас! Сиз ҳали ўзингиз қайта қайта такрорлаганингиздек.

алифдан калтакни фарқлай олмайдиган аёлсиз. Сиз у бу кимсалардан олган ва эшитган фикрни, айтишингиз мумкин. Лекин, бу шаръий ҳужжат эмас. Сизни гапингиз билан, бу китобни шариатга мосми ё, мос эмасми, ажратиб бўлмайди. Ўша казо казолардан сўранг ва фатво олиб, кўрсатинг. Мен ишонаманки, сиз сўрасангиз шунақа фатво, албатта чиқаришади. Ҳаракат қилинг! «Сиз омма ичида ёздингиз, энди бизлар ҳам омма ичида сизни ёзганингиз хатолигини постингиз изоҳи(коменти)да ёзаямизда, буни учун бизлардан ҳафа бўлиб, мободи бизларни блоклаб, бизларга лой чаплаворишга ҳаққингиз йўқ.» дебсиз. Мен сизни блокламадим. Лой чапламадим. Сизни комментга жавобимни ёздим. Агар ҳақорат бўлмаса, мен ҳақорат қилмайман. Ҳожи эшакни ҳақоратли файллари менда турибди. Уни сиз эшитишни истасангиз, беришим ҳам мумкин. Шу гапларни айтган одам, мусулмонми кофирми?! Шу гапларни мен сизга айтсам, мени ким дер эдингиз?! Мен, ким мени ҳақорат қилса, мен уни ҳақорат қиламан. Бу менинг шаръий ҳаққим бўлади. Бу поэзияда туриб, муомиламни қилиб келаяпман. Бу китобда кимни у ё, бу шаклда танқид қилган бўлсам, шуни қилишга шаръан ўзимни ҳақли деб қилганман. Ўзимга далил қилиб олган ҳужжатим бор. Бу далиллар тўғрими ё нотўғрими, буни қиёматда биламиз. Аммо, мен асоссиз нарсалар ёзмайман. Сизни ҳам асоссиз гапларни ёзишдан қайтараман.

4 боб тугади

Бу бобда ҳам доктор Шириновни ҳукмронлик давридаги Мёлбу қавмидаги ва Стромсунддаги ва Швециядаги диндорлар орасидаги воқеълар ҳикоя қилинади. Бу боб Шириновни иқтидордан кетиши билан тугайди.

Мёлбудаги Шириновга қарши фитналар

Комментчилар комментига, муносабат ёзишлик, мени китобни ёзишдан, чалғитиб қўйди. Буларнинг бари вақт етишмай қолаяпти. Менга етиб келган, баъзи хабарларга кўра, Мёлбу аҳли ичидаги ақллироқлари айтишича, мен бу китобни, Ўзбекистонга кетиш учун ёзаяпман экан. Қизиқ гап бўлди. Саидакбар китоб ёзмасдан, бориб келдику?! Мёлбудан яна қанчаси бориб келди?! Мен бу китобни Шириновнинг абгор эшакка, саломи сабаб бўлиб, ёзишни бошладим. Ширинов эса, ўша эшакка, Ўзбекистонга боришлик учун, салом берганди. Энди мен буни ёзиб, Ўзбекистонга борар эканманми?! Сизлар қайси аъзоларинг билан, фикрлайсизлар? Қайси аъзоларингидан бундай фикр чиқади?! Қаердан чиққанлигини билмадим, лекин бошдан чиққан эмас, бу фикр. Майли, фикрлаш ҳуқуқи дахлсиздир. Бизда бир хато тушунча бор. Ислон динига ҳам, у бу шахсларга қараб, муносабат билдиришлик иллати бор. Шахсларни хатоси, диннинг хатоси ва ёки, аксинча, шахсларни фазилати, диннинг фазилати деб, тушунилади. Ваҳолонки, бу хатодир. Тарихий нуқтаи назардан, қараш керак. Булар бари ўтиб, йўқ бўлиб кетади. Улардан қолган нарсалар, тарихда қолади. Шунга қараб хулоса берилади. Имоми Бухорий ўз даврида, қадри бўлмаган одам эди. Лекин, ўлимидан сўнг ўтган 12 асрдан бери, қадрланади. Эртага бизлар ҳам ўтамыз. Бу ихтилофлар бари, унутилади. Биздан қолса, мерос бўлса, шу китоблар қолади. Кейинги авлод шуларга қараб, бизни баҳолайди. Динни, шахсларга боғламаслик керак. Шахслар роли ҳам жамиятда, катта бўлади. Лекин, у барибир вақтинчалик ва тезда унутилади. Мероси узоқ йиллар қолади. Абдували қори, шу мезондан келиб чиқиб қаралса, тарихий шахсдир. Ундан қолган мерос, иншааллоҳ, узоқ йиллар ўзбек миллатига, катта хизматлар қилади. Унинг мероси, унинг зиддига чиқадиган ботил ақида соҳибларига, тинмасдан зарбалар беришда давом этади. Унинг ўзи йўқ бўлганига 25 йилдан ошсада, биз унинг қолдирган мероси асосида, бугун тирик турганларга раддия бераяпмиз. Яна юз йилдан сўнг ҳам, худди шу ҳолат, такрорланади, валлоҳу аълам. Мен бу китобни ўқувчиларга, аллома Абдували қорининг мероси жамланган сайтимни ҳам зиёрат қилишларини тавсия қиламан.

https://sahwii.wixsite.com/website?fbclid=IwAR1k5Gp-LSqqC12G-D-GCner2cfwm_0pxkLLEASg4kib2eWealS1ljC5sZM

Бу сайтда, у кишининг бизга қолдирган мероси, жамланган. У киши миллат ва дин фахри бўлган, фидокор шахс эди. Уни фақат чуқур эҳтиром ва ҳурмат билан, эслаймиз. Биздан кейингилар ҳам, шундай қилишларига умид қилиб қоламиз. Менинг китобим ҳам, асосан кейинги авлодлар учун ёзилаяпти. Мени Ўзбекистонга боришим бормаслигим, булар майда нарсалар. Китобга юклатилган вазифа эса, тарихийдир. Бу китоб, номлари зикр этилган шахсларни ва воқеъа ҳодисаларни, узоқ йиллар ўзида ташиши ва кейинги авлодларга етказиши лозим. Зеро, менинг бошқа китобларим ҳам, худди шу мақсадда, ёзилгандир. Бу китобдаги шахслар, ҳозир тириклиги учун, менга катта қаршиликлар бўлаяпти. Бу ҳам табиийдир. Лекин, бу одамлар яқин йилларда ер юзида мавжуд бўлмаслигини ва бу китобни, мутлақо, янги келадиган авлодлар ўқишини, ҳисобга олишлик керак. Биз ихтилоф қилаётган масалалар, ҳали бери ўзининг актуаллигини йўқотмайди. Яқин юз йил ичида, ўзбек миллатида бу масалалар, актуаллигича қолади. Демак, китоб ҳам шу муддат орасида, актуаллигини йўқотмайди. Бу китобга ана шундай, тарихий нуқтаи назардан қараш, тўғрироқ бўлади, валлоҳу аълам. Баъзилар менга алоқага чиқиб, бу китоб Шириновга қаршимиз, ёки уни мақташлик учун ёзиляпдими? деб, сўрашгача боришди. Одамлар наздида, бу китоб Шириновга қаршимас. Аксинча уни мақташлик учун ёзилганга ўхшаяпти экан.

Бунисига мен, шундай дердим. Китоб ёзилишига сабаб, Муҳиддин Шириновни эшакка йўллаган саломни бўлди. Унинг манҳажига қаршилигимни, баён этишга киришдим. Воқеъларни узоқдан бошлашга тўғри келди. Табиийки, орада кўп воқеълар ҳам, бу китобга кириб кетди. Зеро, тарихда қолишлиги эътибори учун, шуларни ҳам, ёзилиши зарур эди. Шириновга қарши гуруҳлар, бу орада менга қарши, жанга кирдилар. Табиийки, улар Шириновга қарши ва уни ёмонлашни, шариат мезони деб, билардилар. Ундан бошқаларни ёмонлаш, шариат мезонга зид деб, тушунардилар. Зеро. Шу фикрдаги одамлар кўплиги ва улар томонидан ёзилаётган комментларга, мени жавоб беришга мажбур қилди. Орада Шириновни мақташ ва улардан устунлигини кўрсатиш зарурати ҳам, пайдо бўлди. Шириновда эса, мақташга лойиқ сифатлар кўплаб топилади. Наригиларда эса, аксинча, микроскопда излаб ҳам, фазилат тополмайсиз. Шундай қилиб, бу китоб баъзиларда, Шириновга қаршимас ва ҳатто, уни мақташлик учун ёзилаётгандек, тассаввур уйғотадиган бўлди. Мен эса, бу китобни аввал бошдан Шириновга қаршилигим учун, ёзишни бошлагандим. Шу йўналишда давом этаяпман. Лекин, мен улар каби, Шириновни шахсини ёмонламайман. Уни ҳақорат қилмайман. Шунингдек, у бу манҳаждаги ягона шахс эмаслигини ва унинг атрофида, у қабилар кўплигини ҳам айтиб ўтаяпман. Худди шу ери, ўша шайхларни муридларига ёқмаяпти. Уларга фақат Шириновни ёмонлаш ва бошқаларини мақташлик керак эди. Жаноблар, менинг китобим вазифасига, уларни мақташлик кирмайди. Мени ўзимдаги мавжуд мезон асосида, ҳаммасига баробар фикр билдираман. Қолаверса, сизлар истасангиз, ўзларинг бир китоб ёзиб, унда Шириновни қоралаб, бошқа шайхларни мақташларинг мумкин. Бу ишни қилишдан, сизни ҳеч ким тўсмайди. Бу китоб эса, меникидир. Унда нимани ёзишни, сизлар ҳал қилмайсиз. Қолаверса, бу китобга баҳо беришлик, ҳам ҳозирги тирикларга эмас. Бу келгуси авлодга, қоладиган иш. Чунки, сизлар холис туриб баҳолаш имконидан, узоқдасизлар. Эътирозлардан яна бири шуки, китобни махсус хизматлар ўқиши мумкинлиги ва уларга сирли маълумотлар очиқланишидир. Шу нуқтада менинг позициям қуйидагичадир. ДХХми ёки, СЕПОми хуллас, махсус хизматлар бу китобни ўқисалар, янгилик топмайдилар. Чунки, улар аввалдан билган нарсалар, ёзилаяпти халос. Уларга бу маълумотлар сир эмас деб, ўйлайман. Тўғриси айтсам, улар менинг китобимни ўқишига ҳам, унчалик ишонмайман. Ислом овози сайти таъкидлашича, Уларнинг жосуслари, уларнинг орасида юрганмиш. Улар ДХХ га, маълумот юбориб турармиш. Модомики, бу иддао ҳақ экан, менинг китобимдан ўқиб, маълумот олишга на ҳожат?! Қолаверса, Улар Тошкентга бориб келишаётган бўлсалар, ДХХ менинг китобимни ўқиб, оворга бўлиб юрадими?! Тошкентга борган шоввозларни чақириб, соатлаб суҳбатлар қилмайдими?! Буни қилмайди деб, ким кафолат бера олади. ДХХларни шунчалик аҳмоқ деб, ўйлайсизми?! Ёки, Тошкентга борганлар, уларга сир бой бермасдан келадиган, ўта зийрак ва кўрқмас одамларми?! ДХХ уларни, истаган куйига ўйнатишини наҳотки, ўйлаб кўрмайсизлар?! Менимча, уларнинг фаросати бунга етса керак?! Қолаверса, бугун сизлар ҳаммангиз, улар билан алоқа қилишга уринаяпсизлар. У ё бу шаклда, уларга яқинлик изҳор қилмоқдасизлар. Мулла Сайфини Мирзиёевга мурожаати нимани англатади?! Шириновни саломичи?! Ширинов командасигина эмас, унга қаршилар орасида ҳам, бу ишни қилаётганлар бисёр. Қаршилиқлар гуруҳини қиссасида, бунга алоҳида тўхталаман. Модомики, аҳвол шу экан, бу китобни ДХХга, нима қадри қиймати бўлади?! ДХХ бу китобсиз ҳам, истаганча маълумот тўплаш имконига эгадир. Демак, бу иддаоларинг ҳам, таги пучдир. Булар бари китобга доир эътирозларга, умумий жавобим эди. Демак, воқеълар ривожини кузатишда давом этамиз.

Ширинов Мёлбу аҳлидан юқорида номлари зикр этилган шахсларни, Фарҳод Тошмуҳамедов (ҳозирги исми Давид Идриссон) Фарҳодни божаси Зиёд ва ўғли ИШИДга кетиб қолган Баходир ошпаз ва шуларга ўхшаш радикаллар деб, танилган бошқа шахсларни, Мёлбуга келтирмаслик, улар билан учрашганда салолашмаслик ва уларни уйига чақирмаслик ва улар чақирса бормаслик ва уларга қиз бермаслик ва улардан қиз олмаслик ва улар билан ҳеч бир шаклда алоқа қилмаслик, шартлари ёзилган, бир қонун ишлаб чиқарди. Бу нарса қоғозга ёзилган бўлиб, уни ўқиб, шу талабларни бажараман деб, ҳар бир шахс имзо қўйиши лозим эди. Буни Ширинов томондагилар ҳаммадан талаб қилишди.

Мёлбу аҳлидан эса, улар билан эскидан алоқаси борлар ва қуда анда бўлиб бўлганлар, бор эди. Булар олдин ҳаммаси бир жамоат бўлиб яшашган ва орасида борди келдилар, доимий бўлиб турганди. Обид қорига суиқасд қилинганидан сўнги воқеъа ва ҳодисалар ва улар орасидаги ихтилофлар ва шу туфайли қавми ярни Мёлбуга кўчишлари, содир бўлганди. Энди булар кўчганидан кейин ҳам, улардан баъзилар булар ортидан, Мёлбуга кела бошлашди. Улар келишини булар иташмасида улар келишарди. Уларнинг келишларини тўхтатиш имкони, Шириновда йўқ эди. Тохир қори юмшоқ шахс бўлиб, у ҳаммага бир хил муомила қиларди. Баъзилар Мёлбуга келишда, унинг оғзаки розилиги билан келишарди. Ширинов бунақаларни келишса, бу ерни ҳам бузишини айтар ва уни қаттиққўл бўлишга чақирарди. Тохир қори қаттиққўл бўлолмасди. У ўзининг Калмарда яшаган пайтидан бошлаб, содиқ муридига айланган, эшакқожига ҳам Мёлбуга келишга рухсат берганди. Ширинов агар у келса, сиз бунга масъул бўласиз деб, масъулиятни Тохир қорига юклаганди. Кейинроқ, бу Шириновга қарши фитналар чиқарганда, Шириновни ҳақоратлар қилганида, Ширинов Тохир қорига, бу сизни одамингиз бўлади тақсир. Сиз уни Мёлбуга келтиришга рози бўлгансиз. Энди буни ўзингиз тийиб қўйинг деган. Тохир қори эшакқожини у бу деб, насиҳат қилиб қўярди. Лекин, Тохир қорини, ўз ўғлига кучи етмай қолган бир пайтда, у эшакқожини тийиб қўя олмасди. Унинг одоб ахлоқдан тинмай қилаётган, маърузасини ҳеч ким эшитмасди. Хуллас, шу фитначилар, Стромсундда яшаб қолмасдан Мёлбуга келишди. Бу ерда ҳам фитна чиқаришди. Ваҳолонки, Ширинов олиб борадиган сиёсат, уларга ёқмаслиги аниқ эди. Улар буни Стромсундда кўрган ва гувоҳ бўлган эдилар. Шу ердаги фитналар туфайли Ширинов, ўзига тегишли қавми олиб, у ердан кўчиб кетганди. Лекин, булар энди ўзлари яшаб юрмасдан, улар ортидан кўчиб боришди. Обид қори эса, қаердалиги аниқ эмасди. Лекин, шуниси аниқки, у ҳам Мёлбудан узоқ жойда эмасди. Унинг олдига махфий суратда, казо казолар, яширинча бориб туришарди. Отаси Швецияга келганида ҳам, уни ўғлини олдига олиб боришганди. Лекин, бу ҳам сирли бўлиб, Мёлбу қавмидан ҳам, сир сақланганди. Хуллас, булар суиқасддан олдин ҳам, сирли одамлар эдилар. Суиқасддан кейин, аввалгидан ҳам баттароқ, сирлилигича қолишди. Шуниси аниқки, унинг ўғли, Довудга бу ердаги радикалларни, асло кераги йўқ эди. У булар касофатидан, отасига гап сўз келишини истамасди. Булардан узоқроқ юришга уринишарди. Мёлбудаги Ширинов бошлиқ катталар бари, Довуд билан алоқаси яхши эди. Обид қорини, ана шуларгина кўришга муваффақ бўлишган. Бу кўришлик жараёни ҳам, сир бўлиб, учрашув ҳақида, ҳеч кимга ҳеч қандай маълумот бермаслик шарт қилинганди. Стромсунддаги радикаллар ана шуларни била туриб, улар буларни ёқтирмаслигини била туриб, улар буларни келишини иташмасида, у ерга кўчиб боришди. Эшакқожи у ерга борганида, биров кутиб олмаганди. Унинг юкларини машинадан туширишга, биров ёрдамга келмаганди. Уни чақирилмаган кимсалигини унга уқтириб қўйишганди. Безбетлик шунчаликкача бордики, шуларни барини кўриб била туриб, у шу ерга борди. Қўйларга, эргашиб юришга бир эчки керак. Бўлмаса ўзича ўтлаб юролмайдилар. Буларга ҳам, пешволик қилишга кимдир, бир раҳнамо керак эди. Ўзича яшолмасдилар. Пешволар эса, буларга пешволик қилишни иташмасди. Чунки, булар бирор пешвога ҳам, эргашадиган қавм эмасди. Булар борган ерида, фитна чиқарувчи, фитнакор кимсалар эдилар. Булар келиб, Мёлбуда ҳам, фитналар чиқаришди. Ширинов қавмидаги унинг сиёсатидан, норозилик ошиб бораётганини эътиборга олмади. Ширинов Обид қори каби, масжидда имомлик қилмаганди. Унда жамоатни бошқариш тажрибаси йўқ эди. У шу ерда Швецияда, Обид қори қавмига, кутилмаганда, пешво бўлиб қолганди. Унда тажриба йўқлиги панд берди. У қавмдаги норози қатламни, ўзига оғдиришга астойдил ҳаракат қилмади. У чиқарган қонуни, ундан норозилар сонини кескин ошишига олиб келди. Булардан бири, аввал зикр қилинган воқеъа эди. Фарходни божаси бўлмиш Зиёд, Туркияда яшарди. У энди Фарходни куёвига ҳам, айланганди. Фарходни эрдан ажрашган бир синглисини, Тошкентдан олиб келиб, иккинчи хотин қилиб олиб, у билан Туркияда яшаб юрди. Кейин, бу ёқдаги биринчи хотинни талабига биноан, у хотинни талоқ қилиб, Швецияга қайтиб келди. Уни ва шериги Исмоилни, СЕПО ўз назоратига олиб, Қаерда юрганини билиб туришлик учун, оёғига «браслет» тақиб қўйди. Обид қорининг укаси Абдулфаттоҳ Назаров, такси фирма очиб, Стокхольмда иш қиларди.

Фирмасидаги такси машинасига, шофёрлик қилиб ишлашга, шу Туркиядан қайтиб келган Зиёдни, ишга олади. Шириновни қонунига кўра, Зиёд билан, алоқа қилмаслик шарт эди. Абдулфаттоҳ бу қоғозга имзо қўйган бўлсада, ваъдасига вафо қилмади. Унинг машинасини ҳайдашга, одам керак эди. Моддий манфаат ҳам, уни ваъдага вафо қилишдан бош тортди. Ширинов ундан Зиёдни ишдан олишни ва у билан алоқани узишни, талаб қилди. Абдулфаттоҳ Назаров бош тортди. Шу туфайли у ҳам, Млёбу қавмидан оқ қилинди. Ширинов тарафдорлари томонидан, у билан аввалгидек, дўстона алоқа қилишлик тўхтатилди. У ҳам муҳолифатга қўшилди. Муҳолифлар сони, тобора ошиб борди. Стромсундда пайтида, Шириновга тўла итоатда бўлган ва унинг маслаҳатига кўра, укасини устидан полицияга бориб ариза берган Абдулфаттоҳ Назаров, энди Шириновга муҳолиф гуруҳга ўтиб олган эди. Шу тариқа Мёлбуда, Шириновга қаршилар сони оша бошлади. Забардаст уламолардан бўлган Ҳасан ака ва унинг ўғиллари ва Обид қорининг қудалари Носир ака, укаси Абдуллоҳ Исолар ва Обид қорининг барча куёвлари ва мулла Абдувоҳид Йўлдошевлар, тўлалигача Ширинов командасида эдилар. Тохир қори ҳам Ширинов командасида бўлсада, у қайсидир маънода, унга муҳолифлар билан ҳам яхши эди. Бу одам табиати ҳалим ва ҳеч кимга жиддий, муҳолиф бўла оладиган шахс эмасди. У Шириновга ҳам ва унинг муҳолифларига ҳам, бир хил бўлиб, орасатда қолди. Уни ҳар икки томон, ўзига яқин тутарди. Ҳар икки томон, уни ҳурмат қиларди. Ҳар икки томон, ундан хафа эмасди. Бу киши сихни ҳам, кабобни ҳам куйдирмаган шахс эди. Ҳозир ҳам, ҳар икки томонни, у билан яхши алоқаси бор. Ҳозир ҳам, у Шириновнинг Қаламида, фаол шахс. Қаламга муҳолиф гуруҳда ҳам, ҳурматга лойиқ кимса ҳисобланади. Бу эса, гапни очиқ айтганда, Шириновга хиёнат эди. У кескин шаклда ўз позициясини айтолмаганди. У айтолмасди ҳам. Бу Шириновга қаршилиги учунмас, унинг фитрати шунақалиги учун эди. Вагон табиатли шахслар, шунақа бўлишади. Шунақа бўлмаганда, улар паровозга айланишарди. У айна вақтда ҳам, ҳеч ким томон эмас. У айна вақтда, ҳамма томон эди. У ҳозир ҳам, худди шу, мақомида собит турибди.

Ширинов билан қилинган савол жавоблар

Мен 12 йилдан ошди, ФБда фаолман. Кунда, кун ора, Фбга нимадир ёзаман. Ўнлаб китоблар ва минглаб шеърларим босилган, бу саҳифада. Бундан ташқари «Ислом ва сиёсат» номли саҳифа ҳам, каминага тегишли бўлиб, бу сайтда диний сиёсий мавзуларда, савол жавоблар қилиб борардим. Шунақа савол жавоблардан бир нечтаси, доктор Муҳиддин Ширинов билан бўлган эди. Булар бари, Ширинов шахсиятини, манхажини, ўрганишлик учун зарур ҳужжатлардир. Шунинг учун ҳам, булар бу китобга кирди. Бу саволлар баъзилари, Каримов ўлганидан кейин, Мирзиёев иқтидорга келган пайтида бўлганди. Саволар ҳам шунга қараб берилган. Қуйида ўша савол жавобларни ўқийсиз.

Ўзбек диктатори ўлимидан сўнг Ўзбекистонда янги бошқарув ички ва ташқи сиёсат қандай бўлади? Бу савол бугун ҳамма Ўзбекистонлик ватандошларни қизиқтиради. Шу сабабли «Ислом ва Сиёсат» саҳифаси қатор ватандошларга бир қатор саволлар билан мурожаат қилди. Қуйида ҳадисшунослик фанлари доктори, Муҳиддин Ширинов жавоблари билан танишасиз.

Савол: Ўзбек диктатори вафотидан кейинги келадиган давлат раҳбари ИАК сиёсатини давом эттирадимми ёки, бошқа тараққиёт йўлини танлайдимми?

Жавоб: Буни албатта вақт кўрсатади. Бир томондан ҳокимиятнинг ИАК билан узоқ муддат бирга ишлаган шахслар қўлига ўтаётгани белгилари бу сиёсатнинг ўзгармаслигига ишорат қилса, иккинчи томондан бу шахсларнинг стратегик манфаатлари айнан мавжуд сиёсатни ўзгартиришда ётганидан келиб чиқиб ўзгаришга ҳам бироз умид қилса бўлади.

Савол: Сизнингча, янги ҳукумат ИАК режимига мухолиф бўлган хориждаги сиёсий фаолларни ва кўп сонли ватандошларимизни, ватанга қайтишига имконият ва шароит берадими?!

Жавоб: Бирдан рухсат беришларини кутмаяпман. Аммо бир муддатдан кейин шу каби қадамларнинг камида баъзилари ташланиши эҳтимоли мавжуд.

Савол: Бугунги ўзгаришлар даврида, узоқ йиллар қувғинда юрган сиёсий мухолиф гуруҳлар янги президент ва ҳукуматга нисбатан қандай муносабатда бўлиши ва қандай сиёсий қадамлар қўйиши лозим деб ҳисоблайсиз?

Жавоб: Буларнинг ҳаммаси ўзаро бирлашиб янги ҳукуматга самимий руҳдаги, кенг қамровли ярашув ва ҳамкорлик асосига қурилган, пишиқ ишланган конструктив таклифларни тақдим этишлари лозим. Бу таклифлар тор шахсий, гуруҳий ва ҳатто маълум бир қатламга оид манфаатлардан тепароққа кўтарила олган ва ўзбекистонликларнинг стратегик манфаатларини бирламчи қилиб акс эттирган бўлиши лозим.

Савол: ИАК давридан кейинги Ўзбекистонда, қайси соҳаларда қандай ислоҳотлар қилиниши зарур деб ҳисоблайсиз?

Жавоб: Деярли ҳамма соҳаларда ислоҳотлар лозим, аммо албатта приоритет халққа босқичма-босқич бўлса ҳам сиёсий ва иқтисодий эркинликлар бериш, маҳкамаларнинг ҳокимиятдан мустақиллигига, матбуот эркинлигига, қонун олдида ҳамманинг тенглигига эришиш ва фуқаровий жамият муассасаларининг шаклланишига катта диққат қаратилишин зарур. Сабаби, айнан мана шу соҳалардаги ислоҳотлар бошқа соҳалардаги ислоҳотлар муваффақиятига ҳисса қўшади.

Савол: Янги Президентга ва ҳукуматга ўз ички ва ташқи сиёсатида нималарни амалга оширишни тавсия қилган бўлардингиз?!

Жавоб: Ҳозирги вазиятга жуда масъулият билан ёндашиб янги тарих ёзишни бошлаш. Ўз халқининг ҳамма қатламларини ичга олган кенг қамровли ярашув сиёсатини йўлга қўйиш. Эътиқоди учун қамалганлар озод этилсин, ҳижоб қарши курашилмасин ва билиб билмасдан халқнинг бир бўлагини қолганларига қарши душманга айлантирилмасин. Бу каби ярашув сиёсатидан мақсад ҳозирда муаммонинг бир бўлагига айланиб қолган жамиятнинг кўплаб қатламларини ечимнинг бир бўлагига айланишига эришиш бўлмоғи даркор. Ундан ташқари, бундай кечиримлик, ярашув ва келишув сиёсати катта ҳамждаги ресурсларни тежаш билан бир қаторда, кўплаб янги ресурс ва ҳамкорлар ҳам тақдим этади. Бу таклиф ҳаётга татбиқ этилса, ундан ютувчи ягона томон ҳамма ўзбекистонликлар бўлади, чунки бунда Ўзбекистон жамиятининг ҳамма қатламлари манфаатларининг аксарияти акс этган ҳамжиҳат, аҳил ва иноқ халқ-ўзбекистонликлар, ҳамда рақобатбардош ва ривожланган Ўзбекистонни яратиш имкони юзага келади, иншоаллоҳ.

.....

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига расман 25 йил тўлаётгани муносабати билан «Ислом ва Сиёсат» саҳифаси хориждаги қатор ватандошларга қуйидаги саволлар билан мурожаат қилди. Қуйида шу саволларга ҳадисшунослик фанлари доктори Муҳиддин Ширинов жавоблари билан танишасиз.

Савол: Ота боболаримиз курашган ва орзу қилган мустақилликка етдикми? Том маънода мустақилликка эришганимизга ишонасизми?!

Жавоб: Аждодларимиз орзу қилган ва ҳозирги авлод ҳам истаган ва умид қилаётган мустақиллик рўёбга буткул чиқиши учун яна анча ишлар қилиниши лозим. Бунинг учун Ўзбекистонимиз унинг ҳамма фарзандлари ўз орзу-умидларига етиши учун барча имкониятлар яратилган юртга айланиши лозим. Бу иш учун эса халқимизга ҳаётнинг турли жабҳаларида ҳозиргидан анча кўп эркинликлар берилиши керак бўлади. Дунёда том маънода мустақил юртлар (агар мавжуд бўлса) жуда-жуда кам, афсуски Ўзбекистоннинг бу ўлкалар рўйхатига кира олиши ўта мушкул иш.

Савол: Кўплаб ўзбек зиёлилари таъкидлаганидек, «Мустақиллик меъмори» ИАК деб ҳисоблайсизми?

Жавоб: Юртимиздаги мустақиллик худди, бир неча собиқ Совет Иттифоқи таркибидаги республикалар каби, бу Иттифоқнинг тугатилиши оқибатида юзага чиқди.

Савол: Шахсан сизни ва оила аъзоларингиз тақдирида бу мустақиллик (Ижобий ё салбий) қандай акс этди?

Жавоб: Бу саволга жавоб беришда албатта агар бугун Ер юзида Ўзбекистон деган давлат бўлмаса нима бўларди, деган саволни унутмаслик керак. Шу маънода Ўзбекистоннинг мустақил юртга айланиши, менинг шахсий ҳаётимда кўплаб ижобий ва баъзи салбий ҳолатлар келтириб чиқарди.

Савол: Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги шахсан сиз учун байрам ҳисобланадими?

Жавоб: Шак шубҳасиз, бу воқеа Ўзбек халқи учун тарихий санадир. Бу неъматнинг қадрини унга эришолмаганлар билади. Биз ўзимизнинг ҳолатимизни Чеченистон ва Уйғуристон каби мустақиллика эришиш учун кўп курашган, курашаётган халқлар ҳолати билан солиштирсак ҳақиқат гавдаланади. Тўғри бизда ҳали қилиниши лозим ишлар ва ечилиши долзарб бўлган муаммолар сонсаноксиз бўлиши мумкин, аммо Ўзбекистоннинг мустақил бўлиши каби биз деярли «текин»га эришган неъмат ўта улкан ютуқдир. Буни яқин кеалжак албатта кўрсатади, иншоаллоҳ.

Савол: Бу кун муносабати билан халқимизга нима тилакларни тилаган бўлардингиз?!

Жавоб: Бу неъматни қадрига етишни, ундан кўзланган асл мақсад ва манфаатлар юзага чиқиши учун ҳикмат, ақл, уюшқоқлик ва ҳамкорлик билан ишлашни илтимос қилган бўлардим. Сурия каби юртларда содир бўлаётган мудҳиш воқеалардан тўғри хулоса чиқариб, ҳамма Ўзбекистонликларни, ҳам ҳукумат ва ҳам оддий халқни бир ёқада бош чиқариб Ўзбекистон ҳамма ўзбекистонликлар учун бирдек ҳуқуқ, масъулият ва имкониятларни берадиган, ҳукумати халқни олдида давомли ҳисоб-китоб берадиган ва унинг хизматида бўладиган, халқни ҳам ўз ҳуқуқ ва масъулиятига жиддий ёндашадиган бир юрт бўлиши учун курашишини сўраб қоламан.

Доктор Муҳиддин Ширинов жанобларига жавоблари учун ташаккур айтамин.

.....

«Ислом ва Сиёсат» саҳифаси, хориждаги қатор ватандошларга қуйидаги саволлар билан мурожаат қилди. Қуйида шу саволларга ҳадисшунослик фанлари доктори Муҳиддин Ширинов жавоблари билан танишасиз.

Савол: Бугунги кунда хориждаги ўзбек тилидаги эшиттиришлар олиб бораётган Озодлик, ББС, Америка овози каби расмий радиоларнинг ўзбек хизмати фаолиятига муносабатингиз?

Жавоб: Озодлик қайсидир маънода (албатта иш берувчисининг чекловлари ичида) ўз вазифасини қониқарлига яқин даражада, ББС қониқарлидан анча паст бажармоқда. "Америка овози" нинг эса умуман бор-йўқлиги деярли сезилмайди.

Савол: Интернетда фаолият қиладиган Узбек ФМ, Туғён ва бошқа интернет радиолар фаолиятига муносабатингиз?

Жавоб: Ўзбек ФМнинг на бори ва на йўғи билинмайди. Туғённинг майдонга киришга уринишлари ҳақида озгина хабарим бор. Назаримда Сизнинг радио блогингиз ва Туғён деярли бир даражада. Бу уринишлардаги асосий муаммо молиявий ресурслар етишмаслиги ва шу сабабдан, мен улардан шахсан, кўп натижа кутмайман. Бу қабилдаги уринишлар нари борса "жон сақлаш"га етади. Аммо бу ишлар устида турган кўнгилли тарзда фидойилик билан фаолият олиб бораётган ватандошларимиз фаолиятига тасаннолар айтаман ва муваффақият тилаб қоламан.

Савол: Хориждаги Ўзбекистонликлар томонидан юритилган кўп сонли интернет сайтларидан қайсиларига кирасиз ва қайсиларини мақолаларини кўпроқ эшитиб борасиз? Қайси мавзулар сизни қизиқтирмайди?

Жавоб: Озодлик радиоси сайтини доимий кузатиб бораман. Шунингдек вақт топганимда Дунё ўзбеклари, Ўзбекистон халқ ҳаракати ва Ҳаракат сайтларига ҳам кириб тураман. Сизнинг "Ислом ва сиёсат" блогингизни ҳам кузатиб бораман. Булар орқали Ўзбекистонга тегишли янгиликларни кузатаман. Баъзи-баъзида инсон ҳуқуқлари масалаларини ёритадиган сайтларга, жумладан Мўтабар опанинг сайтларига, мурожат қиламан. Шу билан бир қаторда бир неча исломий вебсаҳифаларни ҳам, жумладан "Ислом овози" ва УЗ домийнидаги бир неча веб саҳифаларни текшириб тураман. Мен юқорида тилга олинган манбаларнинг баъзилари, ўта бир тарфалама ёндашиши ва ахлоқий нормалардан жуда узоқлигини билсамда, ўзбекистонлик турли қатлам вакилларининг қараш ва ёндашувларини ўрганиш мақсадида ҳам кузатаман. Кундалик дунё хабарларини эса, доимий тарзда BBC WORLD, Ал-Жазеера WORLD, CNN ва Euronewsлар орқали кузатаман.

Савол: Ўша радио ва сайтлар масъулларига, ўз фаолиятларига доир нималарни тавсия қилган бўлардингиз?

Жавоб: Ўзи бундай фаолиятни йўлга қўймаган кишининг бу борада гапириши ўринли эмасдир, чунки "маслаҳат бериш" ҳамisha осон "иш қилиш" эса доим мушкулдир. Лекин мен хориждаги турли қатламларга тегишли ўзбеклар фаолиятини кузата туриб бир хулосага келганман, уларга жамоавийлик, муассасавийлик ва профессионалик етишмайди. Бунинг асосий сабабларидан бири ҳам молиявий ресурсларнинг йўқлигидир. Шунинг учун менинг таклифим, фаолиятларини ана ўша мақсадларга етиштирадиган йўналишни буриб, унинг тамалларини қуриш орқали одим отишдир.

Савол: ОАВлар ва турли сайтлар орасидаги турли фикрлилик ва ўзаро рақобатни қайси шаклда ва қандай бўлгани, сизнингча тўғри ва мақсадга мувофиқдир?

Жавоб: Бу соҳада фаолият олиб бораётган томонлар англаб етишлари зарурки, 30 миллионлик Ўзбекистон аҳолиси каби, улар ҳам қайсидир маънода турли қатлам намояндалигини қиладилар ёхуд турфа манфаат эгалари хизматини ойлик учун бажарадилар. Бизнинг эса, бор-йўғи битта Ўзбекистонимиз ва битта Ўзбек халқимиз мавжуд яъни, муроса, келишув ва ярашув йўлини излаб топишга мажбурмиз. Шундан келиб чиқиб улар, ўз муҳолифлари ва конкурентларига тоқатлилиқ билан ёндашиб, ўзлари ёритаётган масалалар ҳақида бошқача қарашларни ҳам босиқлик ва имкон қадар обективлик билан ёритсалар, ватанимизнинг муаммоларига ечим излашда ҳисса қўшган бўладилар.

Ҳурмат билан, Муҳиддин Ширинов

27 май, 2016 йил.

Юқоридаги учта, бир биридан алоҳида вақтда ва турли мавзуларда берилган саволларга, Муҳиддин Ширинов, ўқиганингиз каби, жавоблар берган. Булардан уни "демократ" деб айблаётганлар иддаоси, ботил экани ҳам, маълум бўлади. Шунингдек, унинг глобал миқёсда фикр юрита оладиган шахс эканини ҳам кўрсатади. У Ислом ҳукмини имкон қадар қон тўкмаслик йўли билан, ёки, енгилроқ зарар ҳисобига келиши, тарафдори халос. Бу масалада менинг, у билан ихтилофим йўқ. Мендаги ихтилоф унинг, шу бу кунги хоин сарой муллаларига, дўстлик изҳор қилишидадир. Мазҳабга чорлаши ва аввалгилар манҳажини, инкор қилишидадир. Бутун бошли китоб, айнан шулар учун ёзилаяпти. Радикалларда эса, Шириновга қарши тура оладиган интеллект эгаси йўқ. На диний ва на сиёсий ва на бошқа жиҳатдан, унга қарши мужодалага кира оладиган савиядаги, кимса йўқ. Бу саволлар ва уларга доктор Ширинов жавоблари ҳам, унинг сиёсий қарашларини билдирувчи, тарихий бир ҳужжатдир.

Булар доктор Ширинов шахсига доир материаллар бўлгани учун ҳам, бу китобга киритилди.

Обид қорига аталган бир шеърим ҳақида

Демак, кейинги воқеълар ривожи, бу китобда Ширинов ҳақида, давом этишга йўл бермаяпди. Мёлбу қавми ҳужумга ўтди. Демак, Обид қори шахсиятига яна, кўп жойда тўхталамиз. Обид қорини шахсини муқаддаслаштириш шунчаликка борганки, Обид қорини танқид қилувчига нисбатан қилинган нафрат, Аллоҳни борлигига ва бирлигига ва Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳақ расул эканига, имон келтирмайдиган ва ҳақорат қиладиганларга нисбатан, қилинмайди. Кофирлиги аниқ бўлганларга, шунчалик нафрат буларда бўлмаган. Обид қори дахлсиз шахсга айланган. Бунга қисман, унинг ўзи ҳам сабабчи бўлган эди. Унинг ўзи гап кўтармайдиган нозик шахс эди. У энди, мен Тошкентда пайтида кўрганим, Обид қори эмас эди. Орасидаги фарқ осмон билан ерча эди. Унинг қавмидагилар балким, унинг шу ўз шахсига нисбатан, иззатталаблигига биноан, шунақа бўлиб қолишгандир билмадим?! Унинг ҳақида мақтов ва ҳамду санодан бошқа нарса айтиш, мумкинмас бўлиб қолганди. Ширинов эса, муттлақо, унинг акси бўлиб, у оддий одам эди. Уни доим мақташга ҳожат йўқ эди. Уни фикрига қарши фикр гапириш ҳам мумкин эди. Менинг билганим шуки, Пайғамбар алайҳиссалом ҳам, шундай оддий бўлганлар. Қуйидаги шеърни мен 2017 йилда, ёзганман. Унда Обид қорига нисбатан шу масаладаги эътирозим, баён этилган эди.

Менга дерки: менинг фикру хаёлим,
Даъват йўлин танлаб олса бир олим.
Албатта бу улуг синов йўлидир,
Бу йўл оқибати, кўп қайғулидир.
Лекин, бу йўлда бор Тангри ризоси,
Бу йўл пайғамбарлар йўлин асоси.
Лекин, машаққатлар кўпдир бу йўлда,
Юрарсан гоҳи тоғ ва гоҳи чўлда.
Баъзида иблис ҳам васваса қилар,
У сени ҳар нозик жойингни билар.
Бу ишни душвордир бажармоқ холис,
Бу йўл машаққатли ва жуда олис.
Йўлда қолиб кетган карвонлар қанча?,
Манзилга етмаган сарсонлар қанча?!
Гоҳо ҳужум бўлур очик душмандан,
Улар қасд олишни иташар сендан.
Гоҳо қилур хуруж, аҳли маломат,
Ундан қолган эмас кимса саломат.
Гоҳ сенга душманлик қилар қариндош,
Гоҳ сени тушунмас қавм ила қардош.
Гоҳ қарши чиқишар муллаю имом,
Улар сени қилар оламга бадном.
Курашмоқлик керак ҳаммаси билан,
Баъзан ўз холаю аммаси билан.
Тугамас бу жанжал яқин орада,
Яшарсан доимо шу можарода.
Бу орада сенга топилар албата,
Бир нечта мухлислар қўйган муҳаббат.
Улар сени мақтар, буюк доно деб,
Жаҳонда тенги йўқ, бир уламо деб.
Атрофингда бўлар, ҳар кун гиргиттон,
Иззату ҳурматга кўникар инсон.

Бу эса балонинг каттаси бўлар,
Буни англамаган кимса, йиқилар.
Мухлислар кўплиги, бу ҳам тузоқдир,
Буни англаганлар, бундан узоқдир.
Баъзиларнинг нафси, истайди икром,
Бошини чалғитиб, айлаб олар ром.
Эшитмоқлик мақтов, унга ёқади,
Энди танқид қилсанг, оғир ботади.
Энди бундай кимса, даъват қилолмас,
Энди бу йўл узра, холис бўлолмас.
Унга бу шайтоннинг бир тузоғидир,
Барча тузоғидан, ёмонроғидир.
Ҳар турли балодан ўтсангда омон,
Бу тузоққа тушиб қолишинг, ёмон.
Холис бўлиш керак, бу йўл устида,
Холис бўлолмаган шайтон дўстида.
Бўлса агар сенда, бир холис юрак,
Мақтов ва иззатни, қутмаслик керак!
Буюк Аллоҳ ризосидан ташқари,
Анғласанг, бир пулга қимматдир, бари.
Тангри ризосини қутмоқлик керак,
Шу билан дунёдан ўтмоқлик керак!
Казо казоликни қилсанг иддао,
Бу нарса холислик учун, бир бало.
Иззату икромдан қўйилса тузоқ,
Бундан омон бўлиш, имкондан узоқ!
Кўп одамлар бунга, мубтало бўлган,
Холислик учун бу, бир бало бўлган.
Бу нарса оғирдир, ўйлаб қарасанг,
Қилмоқ керак доим, нафсинг билан жанг.
Бу шартлар оғирдир, балким, имконсиз,
Адашсанг кетарсан шарафсиз, шонсиз.
Бу йўлда адашмай ўтолганлар оз,
Шу йўлда жон берсанг, бу жудаям соз.
Аммо, ожиз махлуқ инсон эканмиз,
Кўп хато қилувчи, нимжон эканмиз.
Шу сабаб бу улуғ, шарафли йўлда,
Кўп инсонлар иши, ўлдаю жўлда.
Гарчи етмасакда, улуғ шарафга,
Кетармиз, улуғлар кетган тарафга.
Бу йўлда оввора, сарсонмиз гарчи,
Мақсаддан адашиб, ҳайронмиз гарчи.
Ё Раббий бизларни тўғри йўлга сол,
Мақсадга етгизиб, сўнг жонимиз ол.
Риёю сумъадан, асрагил Ўзинг,
Насиб этгил бизга, кўрмоқлик Юзинг.
Агарчи адашган бечоралармиз,
Ўз нафсимиз билан, овворалармиз.
Бизга раҳм қилғил, эй қудратли Зот,
Бу синов йўлида бер, сабру сабот!

24.04.2017

Муридлари тан оладими йўқми, Обид қори шунақа, ўзининг шахсини улуғлайдиган кимса эди. Унга мақтовлар ёқарди. Уни мақтамайдиганларни, ўздан узоқлаштирарди. Беҳурмат қиларди. Унга қўшилиб қавми ҳам, беҳурмат қиларди. Бунақа бўлишлиги, унинг камчилиги эди. Бу динга ва имонга ва холисликка, катта хатар эди. Лекин, у шундай бўлган эди. Уни булар тан олмасалар ҳам, аслида бор гап шу. Бугун ҳам унинг муридлари, менга алоқага чиқиб, ким ҳақида ёзсангиз ёзинг! Фақат, Қоракани тинч қўйинг, дейишяпти. Мен қоракани, ҳақорат қилмаяпман. Унга бўлган, аввалдан тўпланиб келган фикру мулоҳазаларимни ёзаяпман халос. Буларга айни шу, қаттиқ ботаяпти. Истасалар мен билан шу мавзуда, мунозарага чиқишлари мумкин эдику?! Менга қарши мунозарага майдонига ким чиқсада, агар мени ҳақорат қилмаса, эшакхожига ўхшаб, ота онамни ҳақоратламаса, (Аллоҳнинг лаънати бўлсин унга) у билан, шу ерда, ёзма шаклда мунозара қилардим ва шу мунозара матни, китобга кирарди. Шунақа мард топилмади. Мёлбу менга қарши, бир нажасни йўллади. Бу нажас кимса, менга олдиндан Троллик қилиб, Ma'mur Mu'min деган тролл, томонидан кўп комментлар ёзилганди. Энди бу тролл юзини очди. Бу лаънати Эшак Ҳожи экан. Сахифасига беш олтита видео қўйиб. Менинг шахсимга ҳужум қилган. Мен у видеоларни эшитмадим. Менга эшитганлар айтишди. Агар у мард эркак бўлганида, шуларни троллик қилмасдан ва ота онамни ҳақоратламасдан гапирар эди. У бундай қилмади. Ҳақоратлар жўнатиб, энди башарасини очди. Лекин, у энди мен билан мунозара майдонига ярамайдиган шахсга айланган. У қизил чизиқни, кесиб ўтган. Энди у билан, нормал мулоқот имкони йўқ. Унинг гапларига жавоб ҳам, берилмайди. Уни масаласи, Аллоҳ бир йўл бергунга қадар шундай қолади. Унинг видеода айтган гапларига келсак, бу каби гапларни Мёлбу қавмидагилар деярли, ҳаммаси айтиб келишади. Улар менигина эмас, бошқаларни ҳам устидан кулиб, масхаралаб келишган. Мен буни, бугун билиб қолмадим. Бу аввалдан маълум нарсалар эди. Бунга менинг, кўп далилларим бор. Ислом овози сайтида, Шайтоний хулқлар деган, бўлим бор. Бу ерда Обид қорини, шайтоний хулқлар ҳақида маърузалари жамланган. Булар шу шайтоний хулқларни эшитиб, тўла ўзлаштириб олишган. Буларда шайтоний хулқларнинг ҳаммаси топилади. Ўзини ҳажга борганига ва мени боролмаганимга шаъма қилиб, жаннат эшиклари ёпилади, дебди. Демак, эшак ҳажга борса, Ҳожи эшак бўлар экан. Одам бўлмас экан. Бунинг номи бу китобда, Ҳожи эшак бўлиб қолади. Ҳожи эшак бугун, Обид қорини ҳимоячиси бўлиб майдонга чиқибди. Бундан бошқа одам қуриб қолибдимики, шуни чиқаришибди. Мен ҳожи эшакка, жавоб бермайман. Агар мард бўлиб, ҳақоратига тавба қилиб, узр сўраса, мунозарага чиқишим мумкин. Бўлмаса, унга мен томонидан, эътибор бўлмайди. Бу китобда мен, манҳажида ихтилоф қилган шахслар ва манҳажидан ташқари, менинг шахсий душманам деб, таниган шахслар бор. Бефаросат шулардан биридир. Ҳожи эшак иккинчиси бўлди. Стромсундда мени кофир деб, юрган такфирчилар бор. Шулар билан мен, бу дунёда ҳам ва қиёматда ҳам адоватдаман. Шулар бу китобда бадном бўладилар. Шулар менга бу ҳаётда ҳам душмандирлар. Бу кабилар Обид қорига муридлик қилиши ҳам, қоракани зарарига бўлди халос. Чунки, булар тутуриқи йўқ, беқарор одамлар бўлиб, буларда ахлоқ йўқ. Чегара йўқ. Принцип йўқ одамлардир.

Ўғрилар орасида, қонундаги ўғрилар бор. Уларда ўзига яраша қонун қоидалар ва тушунчалар бор. Уларда қизил чизиқлар бор. Улар қизил чизиқ ичида, юрадилар. Падло ва западло деган, нарсаларни қилмайдилар.

Шунингдек, уларга қарши чиққан гуруҳни, беспределшиқ деб аталади. Буларда чегара йўқ. Қонун қоида йўқ. Ўйин қоидаси йўқ. Чест и достоинства деган, нарсалар йўқ. Булар беспределшиқлар, дейилади. Ислом оламидаги қуроллик гуруҳларни, шу иккаласига ўхшатаман. Биттасида қонун қоидалар бор. Яъни, қуръон ва ҳадис бор. Ахлоқ бор. Ор номус бор. Иккинчиси, ИШИД ва ЎИХ кабилар бўлиб, булар беспределшиқ, тоифалардир. Қўлида қуроли борми, кимни ўлдиришидан қатъий назар, фарқи йўқ! Қонун қоида йўқ. Ҳаммага дўк уриб, ким уларга фарши фикр билдирса, кофир деб, ҳаммани ўлдиришади. Ҳаммага тазийқ ўтказиш йўли билан, ўзига бўйсундиришга уринишади. Ҳожи эшак ҳам, шунақа беспределшиқлар гуруҳидандир. У доктор Широнови ота онасини, ҳақорат қилганди. Бу аудиофайллар менга келганди. У эшак энди, шу каби, файлларни менга ҳам юборди. Лаъналлоху алайка фиддунё вал охират! Беспределшиқ ва такфирчилар шулардир.

Булар ўзларини шу сифатини, одамлардан яширишади. Шу сабабли, турли хил троллар номидан саҳифалар очиб, менга олдинлари ҳам, Нусрат Яқин деган, профилдан кўп ҳақоратлар келганди.

Энди гумонимча, бу ҳам шу Эшак ҳожи экан. Мен ўша пайтда, унга атаб бир шеър ёзгандим.

Ўзини Нусрат Яқин деб номлаган фирибгарга атаб;

Нусрат эмас, кулфат яқин, де,
Сендек, қалби мудроқлар, учун.
Иззат эмас, хорлик яқиндир,
Сандек, мараз, қўрқоқлар учун!

Нима қилар эдинг гапириб,
Катта гапни, жиҳодни, аҳмоқ?!
Кимга, нега қиларсан, фириб,
Жиҳод қилмас, сенингдек қўрқоқ!

Сен фирибгар, иссиқ жонинги,
Асрашликни, қиласан гумон.
Сенга ўхшаган муттаҳамлар,
Сабабли, халқ бўлмоқда қурбон!

Эшакфаҳм, Маккада туриб,
Гапирмасанг, кўнглинг тўлмайди.
Сендек, Ҳажга борар кўп Эшак.,
Аммо, “Ҳожи эшак” бўлмайди!

Чумчуқ каби экан юрагинг,
Бало борми, беришга фатво?!
Аҳволинга қара, эй каззоб,
Бўлолмассан, сен аҳли тақво!

Фосиқлигинг ўзинга маълум,
Хатоси йўқ, бу айтганимда.
Аслида, мен хато қилгандим,
Сени итга ўхшатганимда.

Итлар сендек, панада туриб,
Кутмаганда, аккиламайди.
Итлар сендан, минг бора афзал,
Индамаганга, индамайди!

Сенга улуғ Қудратли Аллоҳ,
Кифоя қилсин, эй мараз дил.
Охиратдан ташқари, жазо,
Дунёда ҳам келар, шуни бил!

Саҳвий

2013 йил октябр

Бу каби Радикаллар муаммоси шундаки, улар тинчгина, Швецияда ўтириб, троллик қилиб, ўзини номидан эмас, бошқа бошқа номларда, бошқаларни жиҳодга чорлашади.

Ёшларга Сурияга ва Ироққа боришга ундашади. Ўзлари бормайдилар. Ўзлари бу ерда, тинчгина яшаб юришади. Буларга жаннатни кераги йўқ. Булар интернетда зўр бериб, уларни мақташади халос. Ким уларга қарши бўлса, бадном қилишади. Энди шу мунофиқлар, Ўзбекистонга боришлик учун, ДХХ билан гаплашиб юришибди. ДХХ улардан сўраган маълумотларни, тақдим қилишади. Мақсадлари Ўзбекистонга бориб, яшаб қолишлик эмас. Уларга у ердаги машаққатли ҳаётни, кераги ҳам йўқ. У ерда буларга давлат пул бермайди. Булар ишлаб боласини боқолмайди, у ерда. Булар Ўзбекистонга, йўл очиб олишмоқчи халос. Булар бориб келиб юришига, тўсқинлик бўлмаслигини иташади. Агар ДХХ, шу ерга келиб яшайсан, қайтиб кетишга йўл йўқ деса, бирортаси бормасди. Булар бориб келиб юрмоқчилар, халос. Лекин, булар ДХХга ўзларини ИШИД тарафдори эканлигини, асло айтишмайди. Бу аниқ нарса. Булар ўзларини ДХХга беозор, қўй оғзидан чўп олмаган, мулойим қилиб кўрсатишади. Булар аини замонда, қидирувда бўлган Обид қорини муридими, дейишади.

Кошки эди, унинг номини аралаштирмасалар?! Кошки эди, унинг номидан гапирмасалар?! Унинг номидан гапириш ва уни ҳимоя қилиш, шуларга қолдимми?! Ваҳолонки, мен уни ҳақорат қилмадимку?! Агар ҳақорат қилган бўлсам, уни ҳимояси учун Довуд Назаров ва акаси ва бошқа яқинлари борку?! Эшакларга қолдимми, уни ҳимояси?! Қаршилиқлар гуруҳи бу фитнани, ортида турибди. Бу эшак нима гапиришини, улар билан маслаҳатлашиб қилмоқда. Қаршилиқлар гуруҳида, менга қарши бўлган ва умри давомида иккиюзламачилик билан, олдимда бошқа, ортимдан бошқача гапириб келган кимса, Даниядаги Байрамали Юсупов бўлади. Бугун Ўзбекистонга боришга уринаётган ва хавфсизлик кучлари билан, алоқада бўлаётган шахслардан биттаси шудир. Эшак ҳожи унинг муриди ва эргашувчиси халос. Зеро, унинг ўзида, бир фикр йўқ. У бошқалар фикри билан иш қиладиган шахсдир. Бундай кимсалар, Обид қорига мурид бўлиши эса, унга зарардан бошқа нарса келтирмади. Лекин, у аини шунақаларга эътибор қилиб, муридликка қабул қилди. Ва буларнинг касофатига қолди.

ДХХ ишлаган кинолар, гапиришга ҳужжат бўладими?

Мен Ўзбекистонда бир масжидда имомлик қилгандим. Икки йилча имомлик қилиб, ўн йил қамалдим. Бу имомлигим расмий эди. Диний Бошқарманинг ҳужжати бор эди. Сотиб олган фатволар бор эди. Хуллас, мени масжидим Обид қориникидан кўра каттароқ эди. Одами уникдан оз эди. Унинг масжиди Тошкентда бўлгани учун, одами кўп эди. Меники, Тошкентдан минг км. Узоқликда ва кичик районда эди. Бизда видеокамералар бўлмаган ва хутбалар ёзиб олинмасди. У замонда бунақа нарсалар, пули кўпроқларда бўларди. Обид қорақада бўлган. Менинг хутбаларим асосан, Абдували қорининг хутбалари асосида бўларди. Яъни, мен китобдан ўқимасдим. Ўша ояту ҳадисларни, ўзим шарҳлардим. Менинг қавмим тавҳид аҳли бўлиб, тарбияланганди. Юзлаб ёш болалар муаллимус сонийдан ва қуръондан дарслар оларди. Сарфдан муаллимуссарф деган татарча китоб бўларди. Хуллас, катта жамоат эди. Мен қамалгач, улар сарсон бўлишди. Кўплари қамалишди. Кўплари ароқхўр бўлиб кетишди. Хуллас, кўплари намозхонлигича қолган. Ҳаммаси тазйиққа учради. Қамоқда жамоатим ҳам, Обид қорини Стромсунддаги ва Мёлбудаги жамоатини қўшганимизда ҳам, меники каттароқ эди. Улар ўғри каззоблар бўлиб, шу ерда қамоқда, диндорга айланишган йигитлар эди. Улар Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан бўлиб, йил сайин озодликка чиқишар ва ўрнига бошқалари келарди. Бу йигитлар ҳам, алҳамдулиллоҳ аҳли тавҳидлар бўлиб кетишган. Мен тавҳид аҳли эдим. Ширк аҳли эмасдим. Ҳозир ҳам шу! Мен озодликка чиққанимдан кейин, тазйиқлар тўхтамади. Янги жиноят иши очилиб, қамашга келишганида, Аллоҳ мени асраган экан, Останада эдим. Хуллас, у ердан Москвага кетдим. У ерда ушлаб қамашди. У ерда бир йилдан кўп қолиб кетдим. Аллоҳни мадади ила Швецияга келдим. Менинг бутун Ўзбекистонда шогирдларим бор. Баъзилари мен билан унча мунча ёзишиб туришади. Қаршида ҳам менинг қавмим бор.

Улар бу Швециядаги Қаршиликлар каби, фирибгар ва аҳмоқ одамлар эмас. Улар дин имон йўлида, мустаҳкам турган йигитлардир. Улардан кўпчилиги қамалди. Каримов ҳукумати уларни, турли хил айбловлар билан айблаб қамади. Бу ҳолат янгилик эмасди. Бу Каримов даври учун оддий ҳол эди. Абдували қорининг қавмидан қамалганлар қанча?!

ЎИҲга бориб қўшилиб, у ерда ҳам, тазйиққа учраганлар қанча?! Обид қори қавмидан қамалганлар ва йўқолганлар ва четга қочиб кетганлар сони қанча?! Бу нормал ҳолат эди. Агар мен Швецияга, ўша жамоатимни ўндан бири билан келганимда эди, менинг атрофимда ҳозир, Мёлбудагидан кам одам бўлмасди. Мен бу ерга, бир ўзим келганман. Булар каби, яхши ҳаёт учунмас. БМТни алдаб, диндорман деб келмадим. БМТ менинг олдимга келганди Можайск турмасига. Мен бу ерга келишни орзу қилмагандим. Обид қорини атрофидаги фирибгарларга ўхшаб, уни номини сотиб, бошпана олмаганман. Булар шундай қилиб, бошпана олишганди. Энди булар, Ўзбекистонга қатнаб бошлашди. Обид қори боролмайди. Буларга йўл очиқ. Қани мантиқ?! Агар Обид қори террорист экстремист бўлса, уни атрофидагилар ким бўлади?! Ўзбекистон ҳукумати яқинда, Обид қорини террорист экстремист деган, кино чиқарди. Бунақа кинолар, олдинлари ҳам чиққан. Менга қарши ҳам чиқаришган. Обид қори жиноятчи деб, ҳисобланиб турган бир пайтда, уни атрофидагилар Ўзбекистонга бемалол бориб келишини, қандай тушуниш мумкин?! Менга қарши ишланган ватангадолар деб, номланган бир кино бор йотубда. Унда менга қарши бўлиб, мени қамалишимга сабабчи бўлган имом, жумавой деган киши, мени ота онасини кофир деб айтган дейди. Бу кинони МХХ ишлаган ва бу кино 2011 йилда ишланган. Шу кинодаги гапни, Мёлбудаги нажас ҳам, ўзига далил қилиб олган. Ўзи ИШИДчи бадбахт, мени такфирчиликда айблади. МХХни киноси ҳужжат бўлса, Обид қорини террористлиги ҳам, аниқ исботини топибдику?! МХХ киносига қараб, бировга айблов қўйилса, Обид қори ким бўлади?! Истасанглар мен МХХ кинолари асосида, Обид қорига қўйилган айбловларни, бир бир санаб бераман. Далилим шу кинолар бўлади. Шулар сизга етарли далил бўладими?! Менга кейин бошқа эътирозларинг қолмайдими?! Бугун ўша нажас гапираётган гаплар, шу кинога асосланган. Мёлбучилар учун, бу катта ҳужжат бўлаяпти. У ифлос имом ҳам, яқинда ўлди. Уни ўлгани муносабати билан, мен қуйидагиларни ёзиб эълон қилдим.

Рубоий

Охири ўлди Тўрткўлнинг имоми,
Мушрик, ифлос кимса эди, ҳароми.
Жойи жаҳаннамда бўлсин то абад,
Лаънат билан қолсин, тарихда номи!

Саҳвий

1984 йил Туркменистоннинг Тошҳовуз районида Тўрткўлга имом бўлиб келган, Жумавой исмли бу киши, аввал Тўрткўлдаги эски масжидда, имомлик қила бошлади. СССР даврида Бухородаги Мир Араб мадрасасида ўқиган экан. 90 йилларга келиб, Тўрткўлда катта янги масжид қурилиши бошланди. бу кимса ўша масжид қурилишига бош қош бўлган. Беш йил давомида қурилган бу масжид битгунча бу кимсани уйи қуриб битирилган. Бунинг ноиб бўлган кишилар билан бу орасида қурулишга доир ўғирликлар устида жанжаллар бўлган. Ўзбекистон мустақил бўлгач, бу туркман паспортини топшириб, Ўзбекистон фуқароси бўлиб олди. 1992 йилдан бошлаб бу билан менинг орамизда диний ихтилофлар бошланди. Адоватга айланган бу ихтилофлар 1995 йил охиригача, мени қамалишимгача давом этди. Бу нусха, бизнинг масжидмизни ваҳҳобийлар масжиди деб, МХХ билан ҳамкорликда бизга қарши тинмасдан курашди. Мозорларга қўйлар сўйиб, авлиёдан мадад сўраб қуръон ўқиб пул олиб, юрадиган кимса эди. Мендан кейин ҳам, кўплаб диндорларни қамалишига сабаб бўлган. 2000 йилдан Беруний районида кетиб, Султон Увайс қабристонидан имом бўлган. Мозорларга хўжайин бўлиб, кечаю кундуз динфурушлик қилиб, ҳаром гўштдан еб чўчкадек семириб, 2021 йил 18 июлда коронавирусдан вафот этган.

Аллоҳим буни қабрида, лойиқ азобларга дучор қилсин! Қиёматда юзини қаро қилиб, динфуруш хоинларга бериладиган, лойиқ жазоларидан берсин! Бундан бошқа динфурушларга ҳам, шундай жазоларни тилаб қоламан.

19.07.2021

Бу имом ва унга ўхшаган динфурушлар, кўп эди. Ҳозир ҳам кўп. Шулардан бири абгор эшак бўлади. Бугун шунақалар ёнига боришга уринаётган ва шунақалар орқалик ДХХ билан алоқа қилишга уринаётганларни ким деб аташ мумкин?! Сизлар шу мақсадда ҳижрат қилганмидингиз?! Қани сизларда мантиқ?! Қани сизларда фаросат?! Ўзбекистонга бормоқчи бўлаётганлар ҳаммаси, ИШИДга ва ЎИХга мойиллардир. Тутуриқи йўқ бевурдлардир. Ким қаёққа тортса кетаверадиган, ўзининг шахсий фикри йўқ одамлардир. Ширинов командаси бундан мустаснодир. Данияга келиб олиб, ҳаммага ҳижрат фарз бўлди деб, фатво берган шахс, Байрамали Юсупов бўлади. 2010 йилда унинг фатвоси билан, кўп одамлар оиласи билан бирга Қозоғистонга бориб, Алматидаги БМТнинг қочоқлар қўмитасига ариза беришганди. Булар бари диндормиз ва бизга тазйиқ бўлаяпди деб, бошпана сўрашганди. Буларни орасига Тошкентликлар ҳам қўшилди. Хуллас, булар жами 29 киши ва оиласи билан бирга эдилар. Ҳаммасини Қозоғистон ҳукумат ушлаб, Ўзбекистонга бериб юборди. Ҳаммаси қамалиб кетди. Энди ҳижрат вожиб бўлди деб, фатво берган кимса, Ўзбекистонга боришга ҳаракат қилаяпди. Ментлар билан, кунда кун ора гаплашиб, тавба тазаррулар қилиб, хуллас, қайтишга уринаяпди.

Кеча, сен эмасмидинг, ҳаммага ҳижрат фарз бўлди деб алжираётган?! Бугун нима ўзгарди?! Халифат қурилдими Ўзбекистонда?! Сенда тутуриқ йўқ, бевурдсан. Мен ўша фатво берганинга ҳам, сенга эътироз қилганман. Бу қандай гап? Қаерга боради булар? Ким уларни кўзи тўрт бўлиб кутаяпди, четда? Бунақа бемаъно фатволар нимага керак деганман?! Ўша пайтда мен гаплашиб турадиган Тохир қори ҳам, шунақа деганди. Бунақа гапларни, гапириш керакмас, деганди. Тазйиқлар бўлганда, ҳаммага ҳижрат вожиб бўлмайди. Яна бутун бошли мусулмонлар яшайдиган мамлакатда, ҳаммага вожиб бўлмайди! Чунки, мустаъзафинлар эди, ҳаммаси. Булар қиссасига ҳали, яна тўхталамиз иншааллоҳ.

Такфирчилик ҳақида

Такфирчилик масаласига ҳам, қисқача тўхтаб ўтаман. Бу мавзуда бугун, кўп гаплар гапириляпди. Ўзини Такфирчи деб, номлаган гуруҳ йўқ. Бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Бу ерда кўпроқ у ё, бу гуруҳлар ўзининг рақибини шунақа деб, номлайди. Бунда асосан ИШИД чи ЎИХ каби гуруҳлар, назарда тутилади. Бунақаларни келиб чиқиши ҳам, тарихи ҳам бор. Бунақа деб номлаш, уларни танитиш ва қисман ҳақоратлаш маъносидадир. Асл маънода, бу ном ҳақорат ҳисобланмайди. Дунёдаги барча мусулмон гуруҳлари у ё, бу маънода такфирчидир. Жумладан мен ҳам. Обид қори ҳам. Ҳатто, Мулла Ширинов ҳам. Яъни, мен, қуръон кофир деганларни, кофир деб, биламан. Булар китоб аҳлидан бўлган ва мушриклардан бўлган кофирлардир. Буларни бошқа шайхлар ҳам, кофир дейишади. Буларни қуръонийлар гуруҳи, ғайридин имонли дейишади, халос. Полшада яшаб юрган Ҳабибуллоҳ Каримов ва Камоладдин Йўлдошев деган шахслар, буларни имонлик одамлар ва мангу дўзахда қолмайди деб тушунишади. Умуман қуръонийлар ақидаси шундай. Баъзи кўлига қурол ушлаган гуруҳлар борки, ана шу кофирга чиқаришда, жуда пешқадамдирлар. ИШИД шулардан каттаси эди. ЎИХ эса, ўзбеклар ташкил этган, шунақа гуруҳ эди. Бунақалар бошқа ерларда ҳам, топилади. Мен такфирчилик қилмаганман. Лекин, менинг ақидамда, бенамозни, имонлик шахс эмас деган, тушунча бўлган. Бу фикрда пайтим ҳам, бенамозларга сен кофирсан демасдим. Уларни динга чақириб, имонга даъват қилардим.

Бизнинг ўзбеклар яшайдиган диёрда, бенамозлар кўп эди. Улар билан бу мавзуда, ихтилоф ҳам бўлмаган. Чунки, бу нарсалар овоза қилинмасди. Бу дилимиздаги тушунча эди. Лекин, Навоий турмасидаги пайтимда мен, бу ақидамни ўзгартирдим. Бенамозларни, агар имон келтирган бўлсалар, намозни фарзлигини инкор қилмасалар, кофир деб, билмайдиган бўлдим.

Бу ҳам, биров айтгани учунмас, ўзим ҳаётим давомида кўрган кечирганларим ва шахсий тажрибамдан кейин, келган хулосам эди. Бенамозни кофир дейувчилар ҳам ва кофир эмас, дейувчиларда ҳам, далиллари бор. Икки томон далилини ҳам биламан. Қалбим аввал унисига мойил эди. Кейин, бунисига мойил бўлди. Ҳозир ҳам, шу ақидада турибман. Бундан бошқа мени такфирчилигим йўқ ва бўлган эмас. Баъзи араб шайхлари, шу мавзуда китоблар ёзганлар. Абдулқадир бин Абдулазиз деган мисрлик олимни «Аль умда» номлик китоби бор.

Шайх МСМЮга кофирлар ким? Деб, савол берилганда шундай жавоб берган. Ассалому алайкум! Ҳурматли устозлар, эшитишимча манбалардан бизни яратган зот Аллоҳ Қуронда кофирларни нажосат билан тенглаштирган ўзи яратган бўлса ҳам, кофир бандаларини ва яна улар сизларга душман улар дўст эмас деб, Қуръонда айтилган экан. Шу гап тўғрими? Агар тўғри бўлса кофирлар кимлар? Христианлар ҳам кофирми ёки фақат Худо йўқ дейдиганлар кофирми?

«Зикр аҳлидан сўранг» ҳайъати: - Ва алайкум ассалом! Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Жаброилнинг ҳадисида жумладан, қуйидагиларни айтганлар: «Иймон – Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига(хусусан охириги пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам) ва охират кунига иймон келтирмоғинг ҳамда яхшию ёмон қадарга иймон келтирмоғинг». Аллоҳ таоло Нисо сурасида:

«Ким Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, расулларига ва охират кунига куфр келтирса, батаҳқиқ, бутунлай залолатга кетибди», деган (136-оят). Бас, Аллоҳ таоло ушбу жумлага иймон келтиришни шаръий эътибордаги иймон қилди. Ушбу жумлага иймон келтирганларни «мўмин» деб номлади. Шунингдек, ушбуга куфр келтирганлар «кофир» деб номланадилар. («Сунний ақийдалар» китобидан). Насоро (христиан) лар ва яҳудий динидагилар ҳам, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг пайғамбарликларига иймон келтирмаганлар жумласига киради. Пайғамбар деб билиш бошқа, иймон келтириб ва шариятига амал қилиш мутлақо бошқа. Валлоҳу аълам!

Яъни, МСМЮ ҳам демак, маълум маънода, такфирчи бўлган. У бу кимларни кофирлар деб атаган.

2010 йилда Обид қорига кофирлар ким деб савол берилганда у қуйидагича жавоблар берган.

Обид қори Назаров: Иймонсиз дегани Оллоҳ таоло томонидан пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам олиб келган нарсаларга ишонмайдиган, уни тасдиқ қилмаган одам ёки одамлар. Пайғамбар “иймон бу Оллоҳга, унинг малоикаларига, унинг муқаддас китобларига, пайғамбарларга, охират кунига ва яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам Оллоҳдан эканига ишонишингдир” деганлар. Мана шу иймоннинг олти рукни ҳисобланади. Шу олти рукндан бирортасига иймон келтирмаса инсон, ишонмаса, ўша иймонсиз бўлган бўлади.

Озодлик: Жуда кўп эшитамиз, кейин бизнинг веб-саҳифамизга келган шарҳларда ҳам, айниқса диндорлар бир-бири билан баҳслашадида, ўшанда бир-бирига нисбатан “иймонсиз” деган сўзнинг ишлатилишига гувоҳ бўламиз. Бунинг қўлланилишига ҳукм қандай?

Обид қори Назаров: Бу нарсага ҳам эҳтиёт бўлиш керак. Бундай сўзларни айтишдан тилни тийиш керак. Чунки иймон инсоннинг қалбида бўлади. Буни билиб бўлмайди. Пайғамбарга (с.а.в) Халид ибн Валид “бир мушрик инсонни ўлдирдим” деб унинг ўлдирганлиги хабари келади. Шунда Расулulloҳ унинг калима айтганини эшитадилар.

Яъни калима айтиб кейин ўлдирилганининг хабарини эшитадилар. Шунда Пайғамбар алайҳиссалом “Ла илаҳа иллаллоҳ” деганни ўлдирдингми, деб қаттиқ танбеҳ берадилар. У “Қилични кўриб кейин калима айтди” деганда, Пайғамбар алайҳиссалом “Сен унинг қалбини ёриб кўрддингми? Сен унинг дилини билдингми?” дейдилар. Бу сўзни бир неча маротаба такрорлаганлар. Демак, иймонсиз деган сўзни айтишдан тийилиш керак. Лекин иймон калимасининг маънолари кенг. “Баъзи амалларни қилган одамнинг иймони чиқиб кетади” деган ҳадислар бор.

Масалан зино қилган одам зино қилаётган пайтда иймонсиз ҳолда бўлади, ароқ ичаётган одам ароқ ичаётган пайтда иймонсиз бўлади ва шунга ўхшаш. Гуноҳи кабира қилаётган одам ҳақида ҳам қаттиқ таҳдид бор. Баъзи олимлар “Шундай ҳолда ўлса, иймонсиз бўлиб, кофир бўлиб дўзахга кетади” дейишган. Лекин бунинг умумий хулосаси шуки, ўша ҳам агар мусулмонлик даъвосида бўлса, уни мутлақ иймонсиз ёки кофир деб ҳукм қилинмайди. Оллоҳга ҳавола қилинади. Унинг ҳукми гуноҳи кабиралигича қолади. Гуноҳи кабира қилган одам иймонсиз деб айтилмайди. Албатта гуноҳга тавба қилган одам гуноҳи кечирилади деб умид қилинади. Лекин тавбаси ҳақиқий тавба бўлиши керак. Тавба қилаётган пайтда қаттиқ афсус-надоматда бўлиши ва шу гуноҳни қайтиб қилмасликка қатъий қарор, азм қарор қилган бўлиши ва ўша гуноҳнинг асоратларидан ўзини поклаши, тозалаши, ўзини халос қилиши керак бўлади ва тавба қилган одамнинг тавбасини Оллоҳ қабул қилади ва у мусулмон ҳисобланади.

Кофир

Обид қори Назаров: Кофир деган калима ҳам луғавий маъноси яшириш, бекитиш дегани. Истилоҳдаги маъноси эса Пайғамбар соллоллоҳу алайҳи васаллам Оллоҳ таоло томонидан олиб келган нарсаларни қасддан инкор қилиш, уни рад этиш ва ўз ўзидан динда маълум бўлган нарсаларни инкор қилиш бу куфр бўлади. Куфр яъни кофирликнинг ҳам маънолари, шарҳлари бор. Буни ҳам уламолар, жумладан Ибнул Қаййин раҳимаҳуллоҳ икки қисмдан иборат деб шарҳлаганлар. Куфри акбар, куфри асғар яъни катта куфр, кичкина куфр. Катта куфр ўша иймонсизлик. Яъни диндан чиқади ва кофир бўлган одам дўзахда абадий қолади. Кичкинаси эса гуноҳи кабиралар. Яъни Пайғамбар соллоллоҳу алайҳи васаллам “Мендан кейин сизлар бир бирингизнинг бошингизни кесадиган кофирларга айланиб кетманг” деганлар. Мана шу ерда куфр калимаси ишлатилди. Одам ўлдириш бу гуноҳи кабира, лекин бу куфр эмас. Одам ўлдирганни кофир деб ҳукм қилинмайди. Лекин унинг нияти, эътиқодига қаралади.

Озодлик: Баҳсларимизда кўп тилга олинадиган сўзлардан бирида шу. Мана бошқа дин вакилларига нисбатанми, масалан Герт Вилдерс ҳақида маълумот бердик. Кейин Герт Вилдерс чизган карикатураларни веб сайтларда чоп этган газеталар, бу ҳақда гапирганлар, бу ҳақда ёзганлар ҳаммасига бирдек кофир деган, сўз ишлатилди. Мана Ўзбекистон ҳукуматига кофир деган сўзлар, милиционерларга нисбатан кофир деган сўзлар кўп ишлатиладида, мусулмон шарҳловчиларимиз томонидан. Ҳар ҳолда уларнинг қўяётган шарҳлари мазмунидан кўра биз мусулмон деб ўйлаймиз, тахмин қиламиз. Бунга қандай қарайсиз, нима дейсиз?

Обид қори Назаров: Одамлар баъзилар айтадики, “Кофир деб бўлмайди инсонни. Кофирми ёки кофир эмаслигини Оллоҳ билади” дейди. Нотўғри бу нарса. Чунки кофир деган сўз, бу атама мусулмондан, мусулмон эмасни ажратадиган атама. Бу сўкиш эмас. Баъзилар буни ҳақорат деб тушунади. Унақа эмас. Масалан Пайғамбар соллоллоҳу алайҳи васалламни ҳақорат қилса, динни ҳақорат қилса, нафақат пайғамбарни диндаги маълум нарсани масҳара қилса, ҳақорат қилса, у албатта кофир. Унда ҳеч тортишув йўқ. Бунга талашин керак эмас. Чунки ўшалар динга ишонмаганидан, динни ёмон кўрганидан масҳара қилади ва бунинг ҳукми кофир. Бу ерда ҳеч мунозара йўқ. Жуда бўлмаганда бу сўз эркинлиги. Унинг номи шу кофир. Ҳеч нарса қилмайди. Айтилаверади.

Озодлик: Энди масалан Ўзбекистон ҳукуматига нисбатан ёки мана биз кўпинча прокурорлар, милиционерлар ҳақида баъзида, материаллар берамиз. Уларга нисбатан ҳам ишлатилади кофир деган сўз.

Обид қори Назаров: Асли келиб чиқиши, ота-бобоси мусулмон бўлган, ўзини мусулмон деб ҳисоблайдиган инсонга нисбатан, кофир деган калимани ишлатишда эҳтиёт бўлинади. Мусулмонлигини тан олмайдиган, очиқчасига мусулмон эмаслигини гапирадиган одамларга нисбатан ишлатилиши, бу бошқа масала. Лекин мана ҳозирдаги мусулмон мамлакатлардаги ҳукуматлар раҳбарлари ёки мана милиция ходимлари, булар зулм устига қурилган, диктатура устига қурилган, халқни эзиб, унинг қонини сўриб дегандай, мана шундай жиноятлар содир этиш эвазига, яшаётган ҳукуматлар ёки уларнинг малайлари, жаллодлар, мусулмонларни ўлдирётган, уларни ўғирлаб ёки таҳқирлаб ҳақорат қилаётган одамлар масаласида, бу нозик нарса. Аввало ўшандай инсонларнинг ўзи қўрқиши керак. Яъни кофир бўлиб қолаётган бўлиши эҳтимол. Лекин биз уни очиқ-ойдин ҳукм қилишдан тийиламиз. Кофир деб ҳукм қилиш, ўлимга ҳукм қилиш билан баробар. Шунинг учун бундай тийилади. Уламолар учун энг қийин амал дейишган. Аслан ота-бобоси мусулмон бўлган ва ўзи ҳам мусулмонлик даъво қилаётган одамни, кофир деб ҳукм қилиш бу энг оғир масала, илмли одам учун. Лекин илмсиз одамлар,, бу нарсага кўпинча чуқур аҳамият бермайдилар. Улар гапириб юбораврадилар. Бундан эҳтиёт бўлиш керак. Лекин албатта шу масала кўтарилганда, бизлар таъкидлашимиз керакки, эҳтимол ўшалар кофир бўлиб қолаётган бўлиши мумкин. Ҳижобга қарши ёки ислом амалларига қарши, Қуръон ўқишга қарши, ўқитишга қарши ҳатто бу ёқда масалан Ғарбда, Европада динга ишонмайдиган, мусулмон бўлмаган одамларчалик, муомала қилишни билмайди. Бу кофир бўлиб қолиш эҳтимоли жуда ҳам катта. Эҳтимол бўлиб бўлгандир анча-мунчаси. Лекин биз уни умумий тарзда айтаемиз. Хоссатан, алоҳида бир шахсга, нисбатан қўллаш қийин. Ундан тийилиш керак. лекин умуман олганда, ҳижобга қарши курашаётганлар, ҳақорат қилаётганлар, сўкаётганлар эшитиб қўйиши керак албатта, бу сўзларни. Кофир бўлиб қолса, ўзидан кўради. Оллоҳнинг ҳукми бу. Бизники эмас. (Озодлик радиосидан олинди)

Демак, Обид қори ҳам, қайсидир маънода такфирчидир. Лекин, мусулмонни кофирга чиқаришдан ҳамма имомлар қайтаришган. Бу мусулмонни кофирга чиқариш ва қатл қилиш, аксар ҳолларда, ИШИДда кузатилди. ЎИХ ҳам шу каби, ишларни кўп қилган. МСМЮ Очиқ хат китобида, Ироқ ва Суриядаги урушларни бемазҳаблар ва такфирчилар бошлади деб ёзади. Шунда мен унга раддия маъносига, бир мақола ёзгандим. Қўйида шу мақолани ўқийсиз.

Мазҳабингиз шумиди?

Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг “Очиқ хат” номли китобидан Иқтибос; “Араб баҳори” ҳақида “Араб баҳори” номини олган қаҳратон қиш сабабли Сурия, Миср, Ливия, Тунис, Яман ва бошқа давлатларда фуқаролар уруши бошланди ва авж олди. Мазкур минтақаларда кўплаб аҳоли ҳалок бўлди ва бўлмоқда. Шаҳар-қишлоқлар вайрон бўлди ва бўлмоқда. Хотинлар тул, болалар етим қолди ва қолмоқда... Бу аламни ҳодисаларда ҳам уруш ҳаракатларини асосан бемазҳаб ва такфирчилар олиб бордилар”. Иқтибос тугади.

«Бемазҳаб ва такфирчилар» кимлар? Бемазҳаб дегани салафий деганидир. Ёки, атайин камситиш учун салафий деган сўзни ишлатмасдан лекин, айнан ўша маънони ташувчи муқобил калимадир. Маълумки, Ислом пайдо бўлганидан бошлаб ақида ва фикрда турли туман тоифаларга фирқаларга ажрала бошлаган. Бу ажралиш авалига шиа ва сунний деган икки асосий йўналишда бўлса, кейинчалик шу иккаласи ичида ҳам турли мазҳаблар пайдо бўлган. Суннийлар томонидан тан олинган ва кўпроқ тарқалгани 4 та мазҳаб бўлиб, булар Моликий, Ҳанбалий, Шофий ва Ҳанафий мазҳабларидир. Аслида булардан ташкари кўплаб мазҳаблар бўлсада, шу 4 таси ислом оламида кўп тарқалган ҳисобланади. Дунё мусулмонлари ўз тарихий тараққиёти давомида турли воқеъа ва ҳодисалар сабабли ана шу

мазҳаблардан бирига мансуб бўлишган ва шу ўзлари мансуб бўлган мазҳабни тарқатишган. Лекин, айна дамда мавжуд мазҳабларга мансуб бўлмаган уламолар доимо бўлган ва ҳозир ҳам бор. Қадимда уларни салафий деб номлашмаган. Аҳли ҳадислар дейишган. Салафий сўзи ҳам аввалги салафларга эргашувчи деган маънони билдиради. Яъни, бу умматни аввалгилари саҳобалар эдилар. Улардан кейингилар учун улар салаф ҳисобланадилар. Бугунги салафий деган тоифалар ўша саҳобаларга эргашишни иддао қиладиган кимсалардир. Мазҳаблар эса саҳобалар даврида бўлган эмас. Бу умматни аввалги юз йилида бирорта фикҳий мазҳаб шаклланган эмас. Мазҳаблар асосчилари асосан, ҳаммаси қуръон ва ҳадисдан ҳукмлар ижтиҳод қилишган бўлсада, бир бирларига ихтилоф қилишган. Оддий оми одамларга эса, ўшаларнинг биттасига эргашишдан бошқа чора қолмаган. Ўша даврда қуръон ва ҳадислар, китоб шаклида жуда кам бўлган. Ва жуда кам одамларгина уларни ўқиб, ижтиҳод қила олган. Мазкур мазҳабларнинг давомчиси бўлган уламолар бу мазҳабларни, шу кунгача етиб келишларига катта ҳисса қўшганлар. Бизнинг диёрларимизда инқилобгача бўлган даврда асосан суннийликнинг Ҳанафий мазҳаби, кенг тарқалган эди. Руслар ҳукмронлиги даврида, халқ оммаси тамоман динсиз бўлиб қолди. Ўтган асрнинг охирига қараб, эркинлик даври келганида халқ яна динга ружуъ қўя бошлади. Лекин, бу халқга энди, қайси амал қайси мазҳабда эканини, фарқи йўқ эди. Аслида бунга ҳожат ҳам йўқ эди. Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари муфтий пайти эди. Айна у ўша даврда мазҳабда бўлиш кераклигини тарғиб қилар ва қайси имом қайси амални аллақайси мазҳабга мувофиқ қилмаганини уқтирарди. Ўша пайтда оддий халқ, ким мазҳабдаю, ким мазҳабсиз тушунмас эди. (Ҳозир ҳам тушунмайди) Мазҳаб тарафдорлари амалда турганлиги учун, улар наздида мазҳабга зид кўрилган тарзда, амал қиладиган имомларни ваҳҳобийлар деб, аталди. Ваҳҳобий имомлар деганда, мазҳабни тан олмайдиган имомлар тушуниларди. Аслида эса ўша, ваҳҳобий дейилган ва қатағон қилинган Абдували қори, Обид қори, Абдулаҳад қори, Муҳаммад Ражаб қори ва бошқалар каби имомлар, ўзларини имоми аъзам мазҳабидамиз дер эдилар. Ўша пайтда бошланган ваҳҳобийлар ёки бемазҳаблар ва мазҳабчилар можароси, охир оқибат ИАК режимининг ғалабаси билан тугади. Ҳаммаси қатағонга учради ёки бадарға бўлди. Бу курашни ғолиби ИАК бўлди. Лекин, дунё бўйлаб ислом оламида, салафийлик оқими тобора ривожланиб кетаётгани. Бу йўналиш жуда оддий бўлиб, бирорта мазҳабни тутмаслик ва қуръону ҳадислар асосида амал қилишдан иборат эди. Бу ҳам оддий одамлар қила оладиган иш бўлмагани учун ҳам, салафий йўналишидаги уламолар пайдо бўлганди. Бу каби уламолар, араб диёрларида ва Покистон ва Ҳиндистонда жуда кўп. Уларнинг катталаридан бири, аллома муҳаддис Носируддин Албоний эди. Шунингдек, Дунё Мусулмон Уламолари Уюшмаси (ДМУУ) раиси доктор Юсуф Қарзовий ҳам, ўзини мавжуд бирорта мазҳабда эмаслиги, таъкидлаган. Умуман олганда ислом оламида салафий қарашдаги олимлар, жуда кўпдир. (Саудиядаги Мадҳалий салафийлар ва Миср ва Покистонда ҳам, катта катта салафийлар жамоалари бор.) Айна ўша «бемазҳаблар» бошлиқ уюшмага бизнинг шайхими, з Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари ҳам аъзо эди. Айна ўша уюшмани ИШИД га қарши баёнотини мазмунини, бир масжидда гапириб бергани видеоси, интернетда эълон қилинганди.

Такфирчиларга келсак, аслида ислом оламида ўзларини такфирчи деб, номлаган гуруҳ йўқ. Лекин, жиҳодчи гуруҳлар орасида, уларга қарши урушаётган давлат ҳарбийларини ва полициясини, гарчи улар ҳам мусулмон бўлсаларда, кофирга чиқариб фатво берувчилари бор. Булар Афғонистонда, Покистонда, Саудия, Ироқ, Сурия хуллас, барча мусулмон давлатларидаги уларга қарши уришадиган ҳарбийларни ёки, уларга ёрдам берувчиларни кофир дейишади. Шу каби хато фатволар билан, улар мусулмонларни қатл қиладилар. Бу каби ҳола, Афғонистонда, Вазиристонда, Чеченистонда, Ироқу Шомда кўп кузатилинган. Мана шулар каби гуруҳларни, «такфирчилар» дейилади. Лекин, улар ўзларини шунақа деб атамайдилар. Улар салафийлар орасида ҳам ва мазҳабпарастлар орасида ҳам бор. Айтиш жоизки, бугунги салафийлар ҳам, ёки ҳанафий мазҳабчилар ҳам, яна ички турли хил гуруҳларга бўлинганлар. ЎИХ асосчиси Тоҳир Йўлдош мутаассиб мазҳабпараст бўлган ва уни гуруҳига бориб қўшилган салафийларни, қатағон қилган. Лекин, у АҚШга ва ИАКга қарши

курашадиган мазҳабчи, ҳанафий эди. Бу шайх эса, Қаддофий ва Рамзан каби, мустабидлар ёнида туриб, суратга тушишни фахр биладиган, мазҳабчи ҳанафий кимса эди.

“Араб баҳори” ни «бемазҳаб ва такфирчилар» га алоқаси борми?

Маълумки, тарихда “Араб баҳори” номини олган яқин шарқ мамлакатларидаги рўй берган халқ ғалаёнлари 2011 йил бошидан бошланган эди. Бу ғалаёнлар оқибатида Тунис диктатори Бен Али мамлакатни тарк этиб Саудияга қочиб қолди. Ливия диктатори Қаддафий ва унинг яқинлари хору зор бўлиб ўлди ва ёки қамалди.

Миср диктатори қамалган бўлсада, охир оқибат хоин генерал Сиси Саудлар ёрдамида ҳукуматни қўлига олди. Ва халқ сайлаган президент Муҳаммад Мурсийни қамоққа ташлади. Сурияда эса ўша пайтда бошланган халқ ғалаёнлари ҳалигача, давом этиб келмоқда. Бирин кетин қулаётган мустабидлар билан яқин алоқалар ўрнатган, дунёдаги қудратли давлатлар уларни сиёсий саҳнадан кетишини истамасдилар. Башар Асад Русияга қадрдон бўлса, Муборак АҚШни ва Исроилни яқин иттифоқчиси эди. Мурсий эса аксинча, на Ғарб ва на Русия билан Хитойни манфаатига ўйнамоқчи эмасди. Шунингдек, у Саудларга ва Исроилга ҳам ёт қарашдаги халқчил қадриятлар тарафдори эди. Шу сабабли мустабидларга мос бўлган Сисини сиёсий саҳнага олиб келишга ҳаракатлар қилинди. “Араб баҳори” натижасида бошланган халқ ғалаёнлари яна қатор араб мамлакатларида бўлиб ўтган бўлсада, деярли натижасиз тугади. Яманда Абдуллоҳ Солиҳ ўрнига, унинг АҚШпараст сиёсатини давом эттирувчи меросхўри келди. Иордания ва Саудияда норозилик намойишлари куч билан бостирилди. Лекин Сурияда бошланган уруш, ички ва ташқи сабабларга кўра ҳануз давом этмоқда. Бу урушда диний ва демократик муҳолифатни Ғарб қўллаб қувватлаган бўлса, Асадни Русия ва Эрон қўллаб қувватлади. “Араб баҳори” натижасида бошланган Суриядаги нотинчлик қўшни Ироққа таъсир кўрсатмасдан қолмади. Ироқда Саддам Ҳусайн режими афдарилганидан кейин ҳукуматга келган, Нури ал Маликий бошлиқ Шиалар ҳукумати, мамлакат аҳолисини ярмини ташкил этувчи суннийларга нисбатан, қатағон сиёсатини юргизаётганди. Унга қарши бўлган сунний қабилалар, Саддамчи Баасчилар ва диний гуруҳлар қўшни Суриядаги урушлар бошлангач ўша томонга ўтиб урушга кирдилар. Маълум муддат ўтиб, улар орасида ихтилоф чиққач улар яна Ироққа қайтиб, сунний қабилалар ёрдамида ал Маликий назоратидаги ҳудудларни ўз назоратига ола бошладилар.

Аввалига ўзини Ироқ ва Сурия ислом давлати дея, номлаган гуруҳ ўтган йили ўзлари назорат қиладиган ҳудудда исломий халифат давлати, ташкил қилинганини эълон қилдилар. Бу гуруҳ куч қудрати, борган сари оша бошлади. Бу Ироқ уруши, қўшни Сурия уруши таъсиридан кейин очилган иккинчи, кураш жабҳаси эди. Яман аҳолисини ярмидан кўпини ташкил этувчи, шиаликни зайдийлар тоифасига мансуб аҳоли, Али Абдуллоҳ Солиҳнинг меросхўри бўлган, сунний президент Ҳоди Мансурга қарши Эроннинг мадади ила, жанг бошладилар. Қисқа муддатда зайдийларнинг Хусий қабиласи бошчилигидаги шиалар, Санони ўз назоратига олди. Президент Ҳоди Мансур Саудияга қочиб кетди. Ўзи атрофидаги халқ ғалаёнларидан доимо кўрқиб яшайдиган Форс Кўрфази мамлакатлари амирлари Саудия бошчилигида, тезда бирлашиб, АҚШни қўллови билан, Хусийларга қарши жангга кирдилар. Бу бир мамлакатни ички иши, унга биз аралашшига ҳаққимиз йўқ дейдиган, казо казолар, бу сафар Яман можароси Яманликларнинг ички иши, деб айтмадилар. Бу уруш яқин шарқ мамлакатларида очилган учинчи кураш жабҳаси эди. Албатта, Миср ва Ливиядаги қисқа муддатли жангларни ҳисобга олмаганда “Араб баҳори” дея аталадиган воқеалар таъсирида бошланган катта жанговар ҳаракатлар, шулардан иборатдир. Бу каби мустабидларга қарши халқ ғалаёнларини, келтириб чиқарувчи ички ва ташқи омиллар кўп эди. Хусусан, доимо диний ва сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий омиллар ички ва ташқи таъсир асосида, ҳаракатга келтирилади. Бу норозилик ҳаракатларини қўллаб қувватловчилар, мустабид тузумга қарши турадиган демократлар, (илмонийлар) ва мўътадил ва муташаддид диндор мусулмонлар ва ўша давлатларда яшовчи христианлардан иборат эди. Шунингдек, мустабид тарафида турадиган уламолар ҳам етарлича эди.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳам аъзоси бўлган, Дунё Мусулмон Уламолари Уюшмаси (ДМУУ) Тунис, Ливия, Миср, Фаластин, Сурия, Ироқ ва бошқа қатор араб ва мусулмон ўлкалардаги мустабидларга зўравон босқинчиларга қарши курашни, доимо қўллаб қувватлаб, фатволар чиқариб келган эди. Уюшма раиси доктор Юсуф Қарзовий, Суриядаги ҳар бир мусулмонга жиҳодни фарзи айн деб, фатво берганди.

Фатво 10 та шартни ўз ичига олган;

1. Сурияда Режимга қарши жиҳод ҳар бир мусулмонга фарзи айн ва ота онасини ризоси шарт қилинмайди. Уммат устида уларга мол ва силоҳ билан ёрдамлашиш фарздир.
2. Ҳар бир айғоқчи режимга хуфёна ёрдам берувчини жазоси зулми баробаридадир. Огоҳ бўлингки у қатлдир.
3. Халқини қатл қилишга буюрилган ҳар бир ҳарбий оқибати қандай бўлишидан қатъий назар хизматдан қочиши (бўйин товлаши) лозим.
4. Барча урушда, ҳарбийдан қочишда, намойишда ва ҳукуматдан ажралишда ўлдирилганлар Аллоҳ изни билан шаҳиддир!
5. Ҳар бир вазифадор шахс ва давлат ишчиси инқилобга маълумоти билан ёрдам бериши керак.
6. Бу ерда мазлум алавийлар бор. Ҳукумат тарафида урушга чиқмаган. Уларни ўлдириш ҳеч қачон жоиз эмасдир.
7. Хавфсизлик хизмати ва ҳарбийлар ичидаги аёлларга жинсий тажовуз қилган ва зўрлаган шахслар қатл қилиш вожибдир.
8. Ҳар бир шахсга ва тоифаларга ва диний гуруҳларга режимга қарши инқилоб курашига қўшилиш лозимдир.
9. Аёлларга ўз имкони ва қудратларига қараб инқилоб учун курашга ҳисса қўшишида ҳеч қандай хараж йўқдир.
10. Ҳозирги кунда Закотни Сурия инқилобини қўллаш учун ва у ердаги мужоҳидларга ёрдам бериш учун сарфлаш авлороқдир.

Хулоса; Юқоридагиларни ўқиган ўқувчилар, шайхни гаплари қанчалик ҳақиқат ёки, аксинча эканлигини ўзлари, хулоса қилиб тушуниб оладилар деган, умиддаман. «Араб Баҳори» мазлум халқларнинг мустабидларга қарши норозилик ҳаракати эди. Уни на бемазҳаблар ва на мазҳабчилар ва на ғарб ва на шарқ, амалга оширди. Балки, бу зулмга адолатсизликка қарши, қора халқнинг туғёни эди. Ва бу туғённи, шу шайх ҳам аъзо бўлган Дунё Мусулмон Уламолари Уюшмаси (ДМУУ) раиси доктор Юсуф Қарзовий ҳам, қўллаб қувватлаганди. Нега бу шайх, шуни била туриб, ўзи аъзо бўлган ушюмани намойишкорона хато қилаётганлигини айтиб, тарк этмади? Нега Сурия уруши бошланганидан 3 йил ўтгач, ўша уюшманинг ИШИДга қарши баёнотини Тошкентдаги бир масжидда гапириб беради?

<http://www.ozodlik.org/media/video/25448571.html>

Ахир ўша уюшма Суриядаги Асадга қарши урушни ҳам, қўллаб баёнотлар чиқарган эдику?! Қаддофий ўз халқини учоқлардан бомбардимон қилса мазҳабдаю, унга қарши чиққан халқ бемазҳаб бўладими? Бен Али тонналаб олтинни ўз саройига яшириб қўйиб, халқи ишсизликдан ўзига ўт қўйсаям, у мазҳабда бўлаверадию, унга қарши чиққанлар, мазҳабсиз бўладими?! Муборак 33 йил Миср халқини қонини ичди. Бу АҚШпараст каззоб Ғазодаги камалда яшаётган, бир ярим миллион фаластинликни, ташқи дунёга чиқадиган ягона дарчаси бўлмиш, Рафах ўтиш чегара пунктини, Исроилни талабига биноан бекитиб қўйса мазҳабда бўладию, унга қарши намойишга чиққанлар, бемазҳаб бўладими? Асад деган золим, ўз отаси каби, ўз халқини қирса, балки алавий мазҳабига мос келар, лекин, бу золимга қарши чиқиш, мазҳабсизликми? 13 май келса, «мазҳабдаги» ИАК Андижонда намойишга чиққан, ўз халқини қирганига, ўн йил тўлади. Шайх бу воқеалар содир бўлганида, шу мазҳабдаги режим тарафида турган эди. Ўша воқеаларга бағишлаб шоир Юсуф Жума қуйидаги шеърни ёзганди.

«2005 йил 17 майда ўзбекистон телеканали оркали шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф қамокда бегуноҳ ётган диндорларни айблади. Андижонлик бўла туриб қонга ботган Андижонга ҳамдардлик билдирмади.

Бир умр қурилган нақшин иморат
Ўт қўйсанг бир зумда бўлади ғорат.
Тоатдан кошона қурдингиз, бироқ,
Хушомад олови айлади тупроқ.
Мен авом уққанни уқмадингизми?!
Хазратим, Худодан кўрмадингизми?!

Гўдаклар қонига чўқди Андижон
Кўзидан уммонлар тўқди Андижон.
Яна бир маҳшарни чекди, Андижон
Букилган қаддимни букди, Андижон!
Дилни эл ғамида сиқмадингизми?!
Хазратим, Худодан кўрмадингизми?!

Шоирлари маддох, олими нодон,
Аҳли хиёнатга иблисдир сарбон.
Букун Андижонга қулаган осмон
Йиғлайди Туркистон, йиғлайди Турон
Жонни Андижонга тикмадингизми?!
Хазратим, Худодан кўрмадингизми?!

Каъбадир мазлумлар Ҳақ деган майдон
Фарғона Каъбадир. Уққин мусулмон.
Пайғамбарлар руҳи шу ерда гирён
Шу ерда гирёндир эр Дукчи Эшон.
Сиз жаллод қўйнидан чиқмадингизми?!
Хазратим, Худодан кўрмадингизми?!

Кўзиси сўйилса йиғлайди қўйлар
Отилган миллатни айтинг, ким ўйлар?!
Андижонда аза, Тошкентда тўйлар
Худодан кўркмаслар Худодан сўйлар.
Кўркув бутларини йиқмадингизми?!
Хазратим, Худодан кўрмадингизми?!

Шайхи сиз бўлсангиз, ёнади жоним,
Авомда не гина, бокий армоним.
Қиёмат кунида йўқдир гумоним
Ёқангиздан олар, қон Андижоним.
Мазлум жонига жон суқмадингизми?!
Хазратим, Худодан кўрмадингизми?!

Юсуф Жума

.....

Хуллас, саволлар кўп. Одамларни қонга ботирган ИАК қайси мазҳабда эди? ИАКга қарши чиққанлар бемазҳаб бўлиб, унинг тарафида турганлар мазҳабий бўладиларми?! Дунёдаги бўлаётган барча уруш жанжалларни, бемазҳаблар қиляпдими? Украинадаги урушни қайси бемазҳаблар қиляпди. Бир тарафда АҚШ, бир тарафда Рус.

Ёки, Саддамни қайси Мазҳабсизлар, дорга осдилар? Ироқда қайси Мазҳабсизлар, миллионлаб одамни ёстиғини қуритди? Афғонистонга қайси Мазҳабсизлар, қўшин олиб кирди? Буларни мазҳабини нега айтмагансиз шайхим? Яманда, Кўрфаз давлатларида, қайси мазҳабсизларнинг ҳарбий базалари жойлашган? Ўзимизнинг Термизда, қайси мазҳабсизлар ўрнашиб олишган? Нега мазҳабсизлар қилаётган жиноятлар, ҳаммаси очиқ айтилмайди. Нега?! Албатта, шайх бу саволларга энди, жавоб бермайди. Лекин, у тиригида ҳам, унга берилган шу каби саволларга жавоб бермаган эди. Чунки, у шайх бу саволларга, жавоб бера олмас эди. Жавоб берса, эҳтимол, мазҳабидан чиқиб, бемазҳаб бўлиб қолишга тўғри келарди.

Мен бу шайхга ва барча мазлум мўминларга Яратган Эгамдан мағфират сўраб, ҳеч қачон мени, шу шайхнинг мазҳабида қилмаслигини дуо қилиб қоламан.

3 апрел 2015

Кофирлар кимлар? деган, бир саволга мен ҳам, қуйидаги мақоламда жавоб берганман.

Кофирлар деганда, Аллоҳни ва ислом динини ва қуръонни тан олмаган ва Муҳаммад алаҳиссаломга пайғамбар деб, имон келтириб эргашмаган кишилар, назарда тугилади. Уларнинг кўп турлари бор. Асосийларига тўхталиб ўтамиз. Китоб аҳли бўлган кофирлар. Бутпарастрлар. Атеистлар.

1. Китоб аҳлидан бўлган кофирлар.

Китоб аҳлидан бўлган кофирларга насоролар ва яҳудийларнинг барча тоифалари мансубдирлар. Буларга ўз вақтида китоб нозил қилинган ва пайғамбарлар юборилганди. Уларнинг динлари аслида тўғри эди. Лекин, улар динларини ўзгартирдилар ва ҳақ йўлдан оздилар. Тўғри дин Ислом келганида эса, уни қабул қилмадилар ва рад қилдилар ва кофир бўлдилар. Аллоҳ Таоло айтади: Албатта, Аллоҳ Масиҳ ибн Марямдир, деганлар батаҳқиқ, кофир бўлдилар. Моида сураси 72 оят Аллоҳ Таоло айтади: Албатта, Аллоҳ учтанинг биридир», деганлар батаҳқиқ, кофир бўлдилар. Ягона Илоҳдан ўзга ҳеч қандай илоҳ йўқ! Агар айтаётганларидан қайтмасалар, улардан куфр келтирганларини албатта аламли азоб тутадир. Моида сураси 72 оят Кофирларнинг бу тури билан муомала қилишга доир қатор кўрсатмалар бор. Аллоҳу Таоло айтади: (Эй мўминлар), сизлар аҳли китоб билан фақат энг чиройли йўсинда мужодала-мунозара қилингллар, магар уларнинг орасидаги зулму-зўравонлик қилган кимсалар билангина... Ва айтинглар: «Биз ўзимизга нозил қилинган (Қуръон)га ҳам, сизларга нозил қилинган (Таврот ва Инжил) га ҳам иймон келтирганмиз. Бизларнинг илоҳимиз ҳам, сизларнинг илоҳингиз ҳам Бир (илоҳ)дир ва бизлар Унгагина бўйинсунгувчимиз» Анкабут сураси, 46-оят Тарих турли даврларда мусулмонлар асосан шу каби, китоб аҳли билан биргаликда яшаганлар. Шу даврларда уларга нисбатан фикҳий қоидалар шаклланган. Олди сотдилар қилинган. Уларнинг таомларини ейиш ва аёлларига уйланиш мумкин бўлган. Аллоҳу Таоло айтади: Бугун сизлар учун барча нарсалар ҳалол қилинди. Аҳли китобларнинг таомлари сизлар учун ҳалолдир ва сизларнинг таомларингиз улар учун ҳалолдир. Қачонки зино қилмай ва яширин ўйнаш тутмай маҳрларини бериб уйлансангиз, сизлар учун мўминалар орасидан ўзларини ҳаромдан сақлаган аёллар ва сизлардан илгари китоб берилган кимсалардан бўлган, ўзларини ҳаромдан сақлаган аёллар ҳам ҳалолдир. Кимки иймонидан қайтса, унинг қилган амали беҳуда кетиши аниқдир ва у охиратда зиён кўргувчилар тоифасидандир» Моида сураси, 5-оят Ислом ҳукми юриб турган давлатлар Дорул Ислом деб аталган. Бу ерларда яшайдиган китоб аҳлига алоҳида солиқ солинган. Мусулмонлар закот берсалар, улар зиммийлик солиғини тўлашган. Зиммийлик солиғи деб, уларни шу ислом давлати ҳимоясида тургани учун тўланадиган алоҳида солиқдир. Улар шундан бошқа солиқ тўлашмаган. Зиммийлар чўчқасидан ва маст қилувчи ичимликларидан солиқ олинмаган.

Ислом давлати буларни истеъмолини уларга маън қилмаган ва лекин. Уларни ҳимоясини ўз зиммасига олмаган. Зиммийлар моли ва жони дахлсиз деб эълон қилинган. Уларни молини олиш ва қатл қилиш жиноят ҳисобланган. Шу маънода Пайғамбар алайҳиссаломнинг бир ҳадислари ҳам бор. Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Пайғамбар алайҳиссалом «Кимки, (Муоҳидни) зиммийни ўлдирса, жаннатни ҳидини ҳам, ҳидламайди. Жаннатнинг ҳиди қирқ йиллик масофадан, келиб туради» деганлар. Бухорий ривояти Бу каби оят ва ҳадисларда, мусулмонлар билан ўзаро келишиб, яшаётган китоб аҳлидан бўлган кофирларга нисбатан қилинадиган муомала маданиятини кўришимиз мумкин. Лекин, тарихда улар томонидан мусулмонларга қарши қуролли ҳуружлар бўлганида, уларга қарши қуролли жанглар қилишган. Бу каби жанглар пайтида, ҳақ ҳуқуқлар ўзгаради. Уруш пайтида, урушнинг қонун қоидаларига амал қилинган. Молу жони ҳалол бўлиб, асирга олинган аёллари чўрига айланган. Қадимда насоролар орасида камчилик мусулмон гуруҳлар деярли яшамаганлар. Бу ҳолат охири 2 аср ичида, европалликлар, Ислом оламини ишғол қилишни бошлашга пайдо бўлди. Энди Исломий давлат мавжуд бўлмаган бугунги кунда, буларга муносабат қандай бўлиши керак?! Аллома Қарзовий бир китобида бугунги кундаги дунёвий давлатларда мавжуд конституцияни, Қомусни, тарихда бўлган мусулмонлар ва кофирлар орасидаги келишувга қиёслайди. Модомики, бирорта давлат Қомусида, ҳар бир фуқаро бир хил ҳақ ҳуқуққа эга эканлигини битиб қўйилган бўлса, Давлат шу ҳуқуқни таъминласа, шу давлатда яшовчи мусулмонлар, шуни қабул қилсалар, шунга биноан амал қилишлари лозим бўлади. Китоб аҳлидан бўлган кофирлар бугунги кунда, дунёнинг ҳамма ерида бор. Асосан Европа ва Америка қитъаларидаги барча давлатлар аҳолиси аксарияти шулардан ҳисобланадилар. Бугунги кунда бу давлатлар демократик давлат ҳисобланади. Улар орасида мусулмонлар, камчилик бўлиб яшашади. Мусулмон камчиликни ҳам, насроний кўпчилик билан, ҳақ ҳуқуқлари бир хилдир. Шунга кўра, бу давлатлар Дорул омон ҳисобланади. У ердаги яшовчи насронийлар моли ва жони мусулмонлар тарафидан дахлсиз, бўлади. Худди, Ислом давлатидаги зиммийлар моли ва жони дахлсиз бўлгани каби. Айни дамда, мусулмонларнинг моли ва жони ҳам, улар тарафидан дахлсизлиги таъминланади. Сулҳ келишувида икки тараф ҳам, бир бирини моли ва жонига дахл қилмасликка келишгани каби, бу давлат фуқаролари ҳам, Қомусни қабул қилиш ҳисобига, ўша келишувга эришган ҳисобланадилар. Ва бир бирларини моли ва жонига дахл қилиши ҳаром бўлади. (Шунга асосланган ҳолда, аксар уламолар, мусулмонларни, ўзлари яшаётган номусулмон давлатларда терактлар ва бошқа жинсий ишлар қилишини ҳаром, дейишади. Чунки, бу шартномага тажовуз ҳисобланади. Мусулмон киши ваъдага вафо қилиши керак!) Бу қоида аслида, бугунги кундаги аҳолиси аксари мусулмон бўлган давлатларга ҳам тегишлидир. Чунки, аксар аҳолиси мусулмон бўлган давлатлар ҳам бугун Қомус асосида яшайдилар. Ислом давлатида эса, Қомус бўлмайди. Ислом давлати Қомуси қуръондир. Қомус асосида яшовчи давлатларги мусулмонлар ва кофирлар бир хил, ҳақ ҳуқуққа эга эканлиги битиб қўйилган бўлса, демак, шу давлатдаги камчилик аҳоли, мусулмонларми ёки, насронийларми, ким бўлишидан қатъий назар, ҳақ ҳуқуқлари дахлсиздир. Давлат уларни ҳуқуқини, ҳимоя қилиши лозим. Ўзбекистон каби, аҳолиси аксари мусулмон давлатларда эса, ҳукумат мусулмонлар ҳуқуқини поймол қилиш билан оввора. Мустақил бўлганидан бери, диндорларга қарши кураш тўхтамаган. Ваҳолонки, бу давлатда Конституция бор. Ва унда ҳаммага виждон эркинлиги кафолати берилган. Аҳолиси аксари мусулмон бўлсада, ҳукуматдагилар мусулмон бўлмагани учун ҳам, шу каби қонун бузарликлар кўплаб учрайди.

2. Бутпарастлар

Бутпарастлар деганда, бугунги кунда Буддага ибодат қилувчиларни ва оловга, тошга ва бошқа турли туман шаклларга, санамларга, ҳайвонларга, ҳайкалларга ибодат қилувчиларни тушунамиз. Бутпарастларга нисбатан мусулмонлар муносабати қуръонда кўрсатилган. Аллоҳу Таоло айтади: Уларнинг Аллоҳдан ўзга ибодат қиладиганларини сўкмангиз, токи билмасдан, зулм ила Аллоҳни сўкиб юрмасинлар. Шундай қилиб, ҳар бир умматга амалини зийнатлаб қўйдик. Сўнгра эса қайтиб борадиган жойлари Раббиларигадир. Бас, У қилиб

юрган ишларининг хабарини берур. Анъом сураси 108 оят Бу оятда Аллоҳу таоло мусулмонларни кофирлар ибодат қиладиган бутларни сўкишдан қайтаради. Токи, улар Аллоҳни сўкмаслиги учун. Бу эса, жиддий асосдир. Худди шу муомилани барча бутпарастларга ва бошқа дин вакилларига нисбатан қилиш керак. Токи, уларни ибодат қиладиган тошини сўксангиз, улар жоҳиллик қилиб Аллоҳни сўкмасин. Мусулмонлар улар ибодат қиладиган нарсаларни Илоҳ деб тан олмайдилар. Уларга имкон қадар яхши сўз билан англатадилар. Лекин, сўкиб, масхаралаб уларни жоҳиллигини оширмасликлари лозим. Масхаралаш мусулмонлар сифатимас. Бугунги кундаги аҳолиси дунёдаги давлатлар орасида энг кўп бўлган Хитой ва Ҳиндистон давлатларида ва Осиёнинг қатор давлатларида шу каби бутпарастлар яшашади. Улар орасида оз сонли мусулмонлар ҳам бор. Хитой давлатининг уйғур мусулмонларига нисбатан қиляётган зулму зўравонлигини неччи йиллардан бери кўриб эшитиб келаямиз. Аллоҳ уларга кифоя қилсин ва мусулмонларга нажот берсин. Хитой ҳам Конституциявий давлат бўлишига қарамасдан, барча фуқарони тенг ҳақ ҳуқуқ билан таъминлаган эмас. У ердаги мусулмон озчиликка нисбатан ҳеч қандай ҳақ ҳуқуқлар берилмайди. Динларига амал қилишга қўймайди. Бунга минглаб мисоллар бор. Бирмада эса, минглаб мусулмон халқ бўлмиш роҳинжаларни, бутпарастлар томонидан оммавий қатағонлар қилинганига дунё гувоҳ бўлган. Улар ҳали ҳануз тинчлик хотиржамлик топмадилар. Ҳиндистонда ҳам мусулмонлар озчиликни ташкил этишади. (Ҳиндистонда мусулмонлар сони 200 милёндан ошади. Лекин, ҳиндулар сони бир ярим миллиарддан ошгани учун, булар озчилик ҳисобланади) Ҳиндистонда ҳам мусулмонларга нисбатан босимлар бор ва олдинроқ ўзаро урушлар ҳам бўлган. Ҳиндулар сигирга ибодат қилишади. Мусулмонлар учун сигир бир ҳайвон. Уни сўйиб ейиш мумкин. Шу оддий масалада ҳам агар ўзаро ҳурматни сақланмаса, катта жанжаллар келиб чиқиши мумкин. Қонлар тўкилиши мумкин. Тарихда бундай ҳолатлар кўп марта такрорланган. Биз Аллоҳга бирор нарсани шерик қилинишини қабул қилмаймиз. Зеро, бу ширк бўлади. Бундай амални Аллоҳ кечирмайди. Аллоҳу Таоло айтади: Албатта Аллоҳ ўзига (бирон нарса ё кимсанинг) шерик қилинишини кечирмайди. Шундан бошқа ... «Ким Аллоҳга (бирор кимса ёки нарсани) шерик келтирса, бас, у буюк гуноҳни тўқиб чиқарибди. Нисо 48 оят

Лекин, биз улар ибодат қиляётган нарсаларни масхара қилмаслигимиз керак. Юқоридаги оятга амал қилишимиз керак. Токи, улар бизни динимизни масхара қилишмасин. Жанжаллар чиқариб, мусулмонларни қонини тўкишмасин. Бугунги кунда мусулмонларни ҳимоя қиладиган Исломиий Давлат йўқ. Улар ўзлари яшаётган давлатлари қонунларига биноан амал қилиш яшашлари лозим. Бутпарастлар билан муомала қилишга келсак, уларнинг динимизда ҳаром бўлган нарсаларини сотиб олиш ва шунга ёрдамлашиш мумкинмас. Уларнинг таомлари ҳаром ва аёлларига уйланиш мумкинмас. (Агар имонга келса, мумкин бўлади) Улар мусулмонларга қарши тажовуз қилмасалар улар билан тинч тотув яшашлик керак. Имкон қадар уларни ҳақ динга даъват қилиб бориш керак. Бу мусулмон даъватчилар вазифасидир. Аллоҳу Таоло айтади: Аллоҳ динингиз бўйича сизлар билан урушмайдиган ва сизларни ўз диёрингиздан ҳайдаб чиқармаган кимсаларга яхшилик қилишингиздан ва уларга адолатли бўлишингиздан сизларни қайтармас. Албатта, Аллоҳ адолат қилгувчиларни севар. Аллоҳ сизларни фақат динингиз бўйича сизлар билан урушган ва сизларни ўз диёрингиздан ҳайдаб чиқарган ҳамда сизларни ҳайдаб чиқаришда бир-бирларига ёрдамлашган кимсалар билан дўстлашингиздан қайтарур. Кимки улар билан дўстлашса, бас, ана ўшалар золим кимсаларнинг ўзидир. Мумтаҳана” сураси, 8,9-оятлар

3. Атеистлар (Даҳрийлар)

Худо йўқ, бу дунё ўз ўзидан яралган дейдиган, файласуф материалист кимсалар, узоқ тарихдан бери мавжуддир. Дарвиннинг эволюцион назариясига асосланган ва кейинчалик, қатор даҳрий файласуфлар томонидан кенгайтирилган. 1788 йилдаги Францияда Қиролга қарши инқилоб қилган исёнчилар раҳбарлари ҳам атеистлар эдилар. Улар Франциyani қадимги Римдаги каби Республика деб эълон қилдилар. Барча фуқароларни тенг ҳақ ҳуқуққа эга деб эълон қилдилар. Атеистларнинг биринчи инқилоби Қиролга қарши бўлиш билан

бирга, Қиролликнинг доимий қўллаб қувватлаб келган Черковга ҳам қаршилик қилиш бўлди. Французлар инқилоби Европада катта ўзгаришларга туртки берди. Немис файласуфи Карл Маркс шу атеистик ғоя асосида иқтисодий социализм ғоясини ишлаб чиқди. Бу билан у Қироллик ва ўтмиш рамзи бўлмиш, капитализм иқтисодига қарама қарши ўлароқ, ғоя сифатида майдонга тушди. Кейинроқ, бу ғоя Ленин томонидан Россия империясида инқилоб қилишга асос бўлди. Россияда ҳукуматга келган коммунистлар ўзлари тўғри деб тушунган асосда социализм қуришга киришдилар. Қизил террор деб тарихга кирган бу даврда, бизнинг диёрларда ҳам атеизм ҳукмрон бўлди. Бу яқин тарихни ёши катталар яхши билишади. Европада иккинчи жаҳон уруши бошланиб, милёнлаб одамни бошига етган бу уруш тугагач, бу каби офатларни олдини олиш учун 1948 йилда БМТ ташкил этилди. Инсон ҳуқуқлари декларацияси қабул қилинди. Бутун дунёдаги давлатларни унга аъзо қилиб, уларга ҳам Конституция асосида фуқароларни ҳақ ҳуқуқини таъминлаш топширилди. Шундан қилиб, дунёда бугунги демократик деб ном олган давлат пайдо бўлди. СССР қулаб йўқ бўлди. Атеизм давлат ғояси сифатида ҳукмронлик қилмайдиган бўлди. Хитой ва Шимолий Корея бундан мустасно албатта.

Лекин, атеистик таълимот мактаб дарсликларида қолди. Гўёки. Илмий таълимот сифатида, мактабларда ҳалигача ўқитилаяпти. Атеистлар бугун дунёнинг ҳамма давлатида мавжуддир. Атеистик ғоя эгалари демократик давлатларда ҳам мавжуддир. Жумладан Францияда ҳам. Шунақалардан бўлган Шарли Эбдо сатирик журнали турли дин вакиллари ва шахсларни масхаралаб юришади. Ваҳолонки, Швецияда ҳам аҳолиси аксар қисми, ақидаси атеистлардан иборат. Буни мактабдаги ўқитувчилар билан гаплашганимизда билганмиз. Улар бизни динимизни ва ғоямизни заррача беҳурматлик қилмайди. Ўзларидан сўраганда, атеистман деб, жавоб беришади. Агар ўзи айтмаганда, уни кимлигини билмасдик ҳам. Сўз эркинлиги ҳам Швецияда бор. Атеистлар кофирлардир. Уларнинг таомлари ҳаром ва аёлларига уйланиш мумкинмас. Уларнинг ақидаларини ҳеч бир шаклда, қўллаб қувватлаш мумкинмас. Уларни инсон сифатида ҳурмат қилиш ва имкон қадар уларни ҳам имонга даъват қилишлик керак. Аммо, уларнинг динга кириши ҳам, жуда камёб ҳодисадир. Атеистлар аксари дунёвий илм эгалари бўлган шахслардир. Уларнинг аксари бошқаларга нисбатан инсоний муомалада мувозанатни сақлайдиган, нисбатан виждонли одамлардир. Мени швед тили ўқитувчим тўғри сўз, ҳалол аёл эканига ўзим гувоҳ бўлганман. Аммо, улар орасида ҳам сурбетлари тубанлари бўлади. Францияда атеистик ғоя эгалари бўлмиш Шарли Эбдо номли газетачи, бир гуруҳ виждонсизлар, бошқалар учун муқаддас бўлган шахслар устидан кулиб масхара қилишяпти. Буни сўз эркинлиги деб, аташяпти. Ваҳолонки, сўз эркинлиги бировни ақидасининг устидан, кулишгача бормаслиги керак эдику?! Атеист бўлсанг, сенга ҳеч ким тазйиқ қилмаса, кимдир диндор бўлса, сен унга тазйиқ қилма! Диндорларни устидан кулиш, нимага керак?! Энг ёмони диндорлар, булар устидан кулиб билмайди. Чунки, бу атеистларда, муқаддас нарсанинг ўзи йўқ. Юқоридаги оятда бутларни сўкмасликка буюрилди. Сабаби, мушриклар Аллоҳни сўкиши мумкин. Шуни учун ҳам бутни сўкмаслик керак. Атеситларнинг эса, ҳеч нарсаси йўқ. Уларни хафа қиладиган нима борки, ўшани сўкиб, уларни хафа қилсак?! Уларда имон йўқ. Муқаддас ҳеч нарса йўқ.

Хулоса:

Модомики, Ислом давлати йўқ экан, БУ КАБИ ХУРУЖЛАРГА ЧОРА КўРАДИГАН ВАКОЛАТ ЭГАСИ БўЛГАН ҲУКУМАТ МАВЖУД ЭМАС ЭКАН, бизда сабр қилиб, ҳикмат билан иш қилишдан бошқа чора йўқ. Францияда яшовчи мусулмонлар, ўша ерни қонунларига бинон уларни судга беришлари мумкин. Лекин, уларнинг ҳукумати буни сўз эркинлиги деб ҳимоя қилиб турибди. Аслида бу сўз эркинлиги эмас. Эркинлик бундай бўлмайди. Улар тажовузкор ва виждонсиз одамлардир. Шундай кимсалар сабабли, ҳаётда атта фитналар келиб чиқади. Ваҳолонки. Шу туфайлидан ҳозирда Францияда яшовчи мусулмонларга тазйиқлар бўлаяпти. 210 Намозхоналар ёпилаяпти. Ҳалиям уларда демократияси бор. ИАК каби, мустабид режим ва кимса ҳукмрон бўлганида, бу пайтга келиб, ўн минглаб диндорни қамаган ва қамоқларда қонлар оққан бўларди. Бу нарсалар бизда бўлдику?! Кўрдикку буларни барини!

Макрон бундай қилмаяпди ва қилолмайди ҳам. Улар аввал масхара қилиб чиқишганида, бизникилар бориб, қатл қилишди. Улар унданда кўпроқ масхаралашни бошлашди. Бизникилар яна, у бу кимни қатл қилишди. Улар энди ўша масхараомуз суратни, уйларни пештоқларидан намоиш қила бошлашди. Бу ҳолатни мен ўша оятдаги воқеъликни, аксига ўхшатаман. Бундай пайтда нима қилиб бўлсада, улар бизни динимизни ва муқаддасотларимизни масхара қилмаслигига, ҳаракат қилишлигимиз керак. Мен Аллоҳ номига қасам ичиб айтаманки. Муҳаммад алаҳиссаломни шаъни ва қадр қиммати бу атеистлар масхара қилгани билан заррача камаймайди. Улар ўзларича алжираб, жим бўлиб йўқ бўлиб кетишади. Агар уларга эътибор қаратилса, ёки, бирор ножўя ҳаракатлар қилинса, улар бу шайтоний ишни авж олдиришади. Шундай бўлди ҳам.

10. 11. 2020

Радикал ва либерал терминларига қисқача изоҳ

Радикал ва либерал деган, терминларга ҳам, бир оз тушунтириш беришликка, зарурат пайдо бўлди. Бу ерда, масала шундаки, бу терминлар халқаро атамаларда, у ё бу сиёсий ва диний қарашдаги шахсларга ва ёки, гуруҳларга қўлланадиган атамадир. Мен бу атамани, Обид қори қавмидаги парчаланиш жараёнида, икки томонда турган гуруҳларга нисбатан қўлладим. Бу атамаларнинг менинг наздимдаги мазмуни қуйидагичадир. Радикал дегани, бир нарсани кечкин ўзгартиришни истаган тоифа ва ёки шахсдир. Шу кескин ўзгаришлар қилувчилар, динидан қатъий назар ва қилаётган ишидан қатъий назар, радикал дейилади. Аммо, қўлига қурол тутган, ҳамма радикал эмас. Хусусан ғарбда, мусулмонлар гуруҳини радикал деб, аташлик урф бўлган. Бу ҳам нотўғридир. Мен бу динда, имом бошчилигида жиҳод қилишни тарихдан бўлган ва қиёматгача бўладиган кураш услубларидан бири деб, тушунаман. Буни инкор қилиш, қуръондаги қатор оятларни инкор қилиш демақдир. Қуръон оятини инкор қилиш, куфрдир! Бу ердаги гап, шаръий нормалар топилган ва уламолар жиҳод фарз деб, фатво берган жойлар ҳақидадир.

Масалан аллома Қарзовий Сурияда Асадга қарши урушни, Суриялик ҳар бир мусулмонга, фарз деб фатво берди. Шаръий шартлар топилганидан кейингина, жиҳодни шу маълум минтақада, фарзи айн деб айтилади. Мана шу билан, у ердаги Асадга қарши кураш, шаръий шартлар топилган жиҳодга айланди. Бу шартлар асосида уруш бўлса, уни инкор қилиш мумкин эмас?! Лекин, бу дунёдаги ҳамма одам, у ерга борсин дегани ҳам, эмас. Лекин, ўша ердагиларга, фарз айн эди. Улар бари урушдан қочиб, Европада юришибди. У ерда дунёнинг турли еридан борган муҳожир гуруҳлар, жиҳод қилишяпти. Тинчлик ҳукмрон бўлган бир диёрда, у бу кимсанинг ёки, кичик гуруҳни катта халқ оммасига қарши хуружлари радикалликдир. Улар кучлари ва имкониятлари етмаган ҳолда, катта жамиятни, кескин ўзгаришини истаган тоифадир. Улар натижага эришолмайдилар. Лекин, кўп қон тўкилишига сабаб бўладилар. Бошқа яхши ишларни, йўлини тўсишликка ва мусулмонларга тазйиқлар бўлишига сабаб бўладилар. Бу том маънода радикал (беҳикмат иш қилувчи) гуруҳдир.

Тохир Йўлдошевни Намангандаги ва кейинроқ, Боткендаги уринишлари, радикал уринишлар бўлди. Унинг кучи, ИАК армиясига тенг эмасди. У бемаъни хуружлар қилиб, мамлакат ичидаги минглаб мусулмонларга, тазйиқлар ўтказилишига сабаб бўлди. Пайғамбар алайҳиссалом Маккада, ўн уч йил даъват қилдилар. Қўлларига қурол ушламадилар. Жамиятни кескин ўзгартиришга уринмадилар. Мадинага бориб, имкониятлар пайдо бўлгач, қуролли урушга изн берилди. Бу нарса, жамиятни ўзгартиришидаги тадрижийликни кўрсатади. Ҳар қандай жамият, шу тадрижийлик асосида ривожланади ва ўзгаради. Тадрижийлик, Аллоҳнинг бу заминдаги барча махлуқотига битган қисматидир. Бир кунда ва бир пасда, ҳеч бир жамият ўзгариб қолмайди.

Шуни англамаган ва тезда ўзгартираман деганлар, радикаллардир. Шу кабилар қўлига қурол олиб, ё пичоқ олиб, ўзича у бу кимни ўлдириши, жиҳод дейилмайди. Намангандаги тавба гуруҳи иши шунақа эди. Толиб Мамажонов диний саводсиз эди. У қуръондаги тавба сурасидаги, икки уч оятни ўқиб, шунга амал қиламан деб, ўзича қилган уриниши эди. Толиб Мамажонов иши, мусулмонларга катта зарар етказди. Аллоҳ уни мағфират қилсин! Ўзи довюрак кимса бўлган. Лекин, илмсизлиги оқибатида ўзини ва бошқаларнинг умрига зомин бўлди. Бошқаларга зарар етишига, сабабчи бўлди. Радикаллик бари, мана шундай бўлади. Обид қори қавмидаги радикаллар деганимда ҳам, шунақаларни назарда тутдим. Айни шу кабилар, у ерда бор. Либераллар деганимда, динда тутган позицияси либерал бўлган шахсларни назарда тутдим. Бу термин сиёсий бўлиб, ғарбда демократларга нисбатан ишлатилади. Ҳаммага эркинлик беришни, назарда тутадиган сиёсий манхаж соҳиблари, либераллар дейилади. Бу китобда либерал деб, аталган шахслар каттаси Ширинов бўлади. Унинг либераллиги шу даражадаки, у хоин ва динфуруш сарой муллаларига нисбатан ҳам, яхши муомила қилиш позициясидадир. Буни ултра либерал деса, ҳам бўлади. Лекин, бу дегани, тоза демократ деганимас. Унинг мақсадинг охириги нуқтаси, демократиядан иборат деганимас. Булар атеист демократлардир. Ширинов диндор либерал шахсдир. Агар унда заррача принцип бўлганида, у динга сонсиз хиёнатлар қилган, сарой муллаларига дўстона муносабатда, бўлмаган бўларди. Ваҳолонки, бу каби, уриниш бевурдликдан бошқа нарса эмасди. Бу ҳақ аҳлига, кўп зарарлар берган қаллобларга нисбатан, дўстлик эълон қилишлик эди. Бу ҳаққа хиёнат эди. Либераллик бунчаликкача бориши мумкин эмасди. Кейин, унда мазҳаб масаласида ва сарой муллаларига муносабатда ва ҳукуматга муносабатда, шу каби ултра либераллик кўзга ташланган. Бунчаликка боришлик, айни шахсларга нисбатан адоватда бўлган, Абдували қори, Обид қори ва бошқаларга ҳам, хиёнат эди. Лекин, Ширинов улар адашганлар ва мен тўғри йўлдаман, демасди. У буларни заррача танқид қилмасдан, лекин, амалда уларга қарши манхажни, таклиф қиларди. Қалам сайти тутган позиция, айнан шундайдир. У ердаги устунлардан бири Муҳиддин назаров, ўз отаси тутган манхажга қарши йўлда кетаётган сайтнинг, устун эди. Бошқачароқ айтсак, у ўз отасига қарши кетаётганди. У буни, билмасдан қилиши мумкинмасди. У билиб туриб, тўғри деб танлаган йўли шу эди. У отасини манхажини хатолардан тозаламоқчи, кимса эди.

Радикаллар уринишлари, бу динга ва мусулмон оммага қанчалик зарар етказса, буларнинг тутган йўли ҳам, улардан кам зарар бермасди. Буларнинг йўлидаги зарарлар, кўзга кўринмайдиган ва динни пойдеворига зарба берадиган, зарарлар жумласидандир. Унинг манхажиди «ал вало вал баро» йўқ эди. Унинг манхажиди, золимга қарата ҳақ сўзни айтишлик, йўқ эди. У золимга ҳам, яхши гапирувчилар жумласидан эди. Сўфилар учун, авлиё ҳисобланадиган Робия Адвия деган, сўфи хотин ўтган. Ўша хотинни, бир сўзи бор. «Менинг қалбимда шайтонга нисбатан ҳам, нафрат йўқ. Чунки, қалбим Аллоҳнинг муҳаббати билан тўла. Унда нафратга жой қолмагандир.» Бу хотиннинг сўзи Мулла Шириновнинг сийратини, тиниқроқ ифодалайди. Бунақа позиция эса, бу динда йўқ. Мен бир шеъримда Шириновни мақтаб, киноя билан ундаги, шу сифатларни танқид қилгандим. Буни кўп одамлар ўшанда ҳам, тушунмадилар ва бугун ҳам тушунмадилар. Лекин, мен аниқ бидаманки, мен нима ёзсам, Ширинов жуда яхши тушунади. Мен уни тушунганим каби, у ҳам мени, яхши тушунадиган шахсдир.

Шириновга аталган шеър:

Менинг бир ҳадисшунос, уламо танишим бор,
У билан ҳужраларда, учрашган эдим илк бор.
Бугун уни эсимга олибон беихтиёр,
Унга атаб қасида ёзишга, қилдим қарор.

Бирор соҳа йўқ, етмас, унинг ақли закоси,
Билмайдиган тили йўқ, бепоёндин даҳоси,

Баҳоласанг, одамлар ичра, қиммат баҳоси,
Қайда юрса пешводир, муридлар қатор – қатор!

Ўзи мазҳабпарасту, лекин, мутаассиб-мас,
Билмайдиган касби йўқ, аммо ўзи, косиб-мас,
Кибру - ҳаво дегани, унга ҳеч муносиб-мас,
Ўзин катта олмайди, мутавозеъ, хокисор!

Феъли юмшоқ, мулойим, доимо кулиб турган,
Ҳатто, ИАКни ҳурмат, қилишликка буюрган,
Доим, тинч - омон яшаб, ҳаётда қандин урган,
Шайтон ҳам ҳатто ундан, топган эмасдир, озор!

Бу ажойиб инсонга, қойил қолмай йўқ илож,
Кимлигини англрсиз, тушса унга эҳтиёж,
Тилақдошмиз ишлари доимо топсин ривож,
Ўзбеклар қилса арзир, бу йигитла ифтихор!

Юксак ахлоқ соҳиби, бу инсон, хуллас калом,
Шунчалик илми бўлиб, бўлмайти лекин, имом,
Нафси иззат талабмас, кутмас иззат эҳтиром,
Доимо кулиб турган, қувноқ, шодон, бахтиёр!

Унда ҳеч бир тоифа билан, ғараз, низо йўқ,
Жудаям эҳтиёткор, амалинда риё йўқ,
Ҳаммани тилин топар, ундан бир норизо йўқ,
Афсус, тириклигинда кўрмаяпди эътибор!

Саҳрода унган гулдир, демакки, шаҳарликмас,
Шунинг учун каломи, шириндир, заҳарликмас,
Бундай даҳолар бугун, афсуски, табаррукмас,
Шунинг учун дарбадар, юрибди ватанга зор!

Мен бу қасидамни сўз гаҳар ила безардим,
Чунки, унинг инсони комиллигин сезардим,
Агар мен баъйат берсам, шу одамга берардим,
Сўфилик иллатига, бўлганимда гирифтор!

Мен таниган билганлар ичинда пешвоси шу,
Казою - казоларнинг, казою - казоси шу,
Мен шунга муридмасман, шум тақдир қазоси шу,
Адашганни ҳақ йўлга, бошласин Парвардигор!

2014 йил

Хуллас, бундай позицияда фақат Муҳиддин Ширинов эмас, балки, Туркиядаги Регистон гуруҳи ҳам бор. Яна бошқа кўп шахслар, шу позицияда туришибди. Буни улар билмасдан ва ёки, илмсизлик билан қилишаётгани йўқ. Улар тутган манҳаж шу. Бу йўл менинг наздимда, нотўғридир. Бу йўл мен учун, нисбатан тўғри деб ҳисоблаган, ихвонлар манҳажидир эмасдир. Бу йўл мен билган, Ҳанафий мазҳаби ҳам, эмасдир. Бу йўл, тарихда сўфиларда бўлган ва турган битгани, залолат йўлидир. Булар сўфи бўлмасаларда, айти шулар манҳажидидаги шахслардир. Демак, бир томонда радикаллар (мужоҳидлар эмас) ва бир томонда либераллар (Ёки, сўфилар) бўлди.

Орасида юқорида зикр қилинган, уруш ва жанжаллар бўлди. Бир тоифа, аросатда бўлганлар ҳам бор эди. Улар на у томон ва на бу томон эмасдилар. Лекин, улар ҳам, либераллар томонга оғдилар. Мен булар ҳақида 2012 йилда ёзилган «Хазон бўлган умрлар» номли китобимда ҳам ёзганман. «Хазон бўлган умрлар» китобидан иқтибос.

МХХ нинг менга тухматлари

2012 йилда МХХ назоратидаги «пресс уз инфо» сайтида “Кто такой Абутов” деган мақола босилади. Унда айтилишича, “Дунё тор. Ўз ватанига хиёнат қилган ярим одам, ярим ҳавон ватанфурушлар қаерда бўлмасинлар, албатта ўз адолатли жазосини оладилар”. Бу мақола 2012 йил 11 февралда чиққан. 22 февралда, Обид Қори Назаров Швецияда, ўз уйи олдида отиб кетилади. Швецияда яшаётган ва ўзининг атрофидагиларга, уларнинг фарзандларига таълим бераётган Обид қори Назаров, шу ерда туриб ҳам ИАК режими учун, таҳдид манбаи сифатида кўрилди. Отиб кетган кимса, қочиб қолади. Обид қори Назаров ўшандан бери, ўзига келмай ётибди. Аллоҳ унга шифо берсин. Албатта, бу суиқасд ортида МХХ тургани, аниқ эди. Араб баҳоридан кўрқувга тушган диктатор ва унинг МХХдаги жаллодлари, халқ орасидаги обрўли кишиларни, йўқотишга уринаётганди. ЎХХ сафида кўриниб қолганим учун, бадном бўлиш навбати энди, менга келганди. Шу йили “Ватангадо” номли бир ҳужжатли филм, марказий телевидениядан намойиш қилинади. Бу кинода мени, террорист ва экстремист эканлигим ва “Ўзбекистонни гуллаб яшнаётганини кўролмаётганимни ва уни мустақиллигига қарши чиқаётганимни, кўп одамлар тарафидан, турли хил тухматларни гапиртириб, гўёки, исботлашади. Филмда қамоқда ўтирган укам Саидкамолни ҳам гапиртиришади. ИАК режими, мени расман, Термиздаги немислар жойлашган базани портлатишга, одам жўнатганликда айблаётган эди. Бу билан улар, мёндан “катта террорист” яшашмоқчи эдилар. «пресс уз инфо» сайти журналистлари ҳам, бу ҳужжатлардан хабардор шекилли, менга қарши, ўнлаб мақолалар ёзишди. Ва мени террорист ва экстремист эканлигимга, қайта қайта урғу беришарди. Яна бошқа сайтларда ҳам, мени қоралаш компанияси бошланди. Tajmigrant.com сайтида бир неча мақолалар чоп қилинади. Mahalla.com сайтида ва Қирғизларнинг бир русча сайтида, мени антисемитликда айблаган мақолалар чиққан эди. Булар МХХнинг навбатдаги нишони, мен эканлигимни англатарди. Буларга ЎХХ радиосида, раддиялар бердим. Ва ИАК режими эшитадиган Озодлик радиосига чиқиб, бу кинога ҳам муносабат билдирдим. Ва бу кинони тухматлиги айтиб, асосийси мен бу кураш йўлидан қайтмаслигимни, эълон қилдим. ИАК режимига қарши бўлиш, ва унга қарши курашиш, менинг ҳаётим мазмунига айланиб бўлган. Бу золим тирик экан, мен унга қарши курашдан тўхташим мумкин эмас эди. (Мен ИАК ўлгунга қадар, унга қарши фаол муҳолиф сифатида, фаолиятда бўлдим)

TeliaSonera Гулнорага пора бергани фош бўлиши 2012 йил сентябр ойида, швед телевидениyasi журналистлари “TeliaSonera – Ўзбек иши” номли ҳужжатли филм намойиш қиладилар. Бу филмда Швеция ҳукуматига тегишли TeliaSonera Takilant воситачи ширкати орқали, Гулнора Каримовага жами 320 миллион АҚШ доллари миқдорида, пора бергани ҳақида гап боради. Шу йил декабрда эса, шу филмни давоми намойиш этилади. “TeliaSonera – Диктаторнинг қизи” деб номланган бу филмда ҳам, ўзбек диктаторини ўз муҳолифларини аёвсиз ўққа тутгани, қамоқларда эса, минглаб виждон тутқунлари ўтирганлиги ва диктаторнинг қизи TeliaSonera ширкатидан пора сифатида, катта миқдорда пул олгани ҳужжатлар асосида ёритилади. Шундан кейин, Швецияда бу порахўрлик ишини тергови бошланади. Ўзбекистоннинг Женевадаги БМТ ваколатхонасидаги элчиси ҳисобланган ИАКнинг қизи Гулнора шундан кейин, Женевага қайтиб келмайди. Булар сабаб диктаторнинг ва оиласининг асл башараси, Европа халқига ҳам, намоён бўла бошлаган эди. Оддий ўзбек халқининг нонга пули йўқ пайтида, бу ИАКнинг қизлари, миллиардлаб долларларни ўмариб, дунёнинг турли банкларига жойлаштириб олишган экан. Бу ноинсофлар отаси ўлгач, мамлакатни тарк этиб кетишни, мақсад қилишган кўринади. Бу золим режимга қарши курашадиган, бирорта сиёсий куч пайдо бўлмади. ИАКга муҳолиф тоифалар кўп.

Ҳаммаси билганини қилиб юрибди. Ҳеч бири жиддий, сиёсий куч эмас. ЎХХ буларга нисбатан, анча жиддий ташкилот бўлганди. Лекин, бу ҳам узоққа бормади. Мен нима бўлганда ҳам, бу зулм тузимига, то ўлгунимча қарши бўлиб қоламан, иншааллоҳ. ИАК режимидан кўрқув ва ёки бошқа сабаб, мени бу курашдан қайтаролмайди. Мен баъзилар каби, амал ва мансаб учун эмас, ўзимга ва оиламизга ва яқин дўстларимга ва барча мусулмонларга етган, сон санјқсиз зулму зўравонликлар учун ҳам, бу режимга қарши бўлдим. Мен ИАКдан ва унинг манфур амалдорларидан қасос олиш учун, унга қарши муҳолиф бўлдим. Мен зулмни ўз танамда ҳис қилганлигим учун, унга қаршиман. Ва иншааллоҳ, шундай бўлиб қоламан. Бу ерда кўпгина муҳолифлик иддаосида юрганлар, ҳали кўллари совуқ сувга ювиб кўрган, одамлар эмас. Улар ҳали ўз таналарида, қийноқларни ва дилларида ҳақоратларни, ҳис қилмаганлар. Мен бугунги муҳолифатни кимлардан иборат эканини ва қанчалик имкону шароитлари борлигини, яхши билдим. Муҳолифат турли бўлакларга бўлиниб, бир бирига қарши “курашиб” ётган тўдалардан иборат эди.

Европа ва Ақшдан бошпана олган диний гуруҳлар эса, ИАК режимига қарши деярли, ҳеч қандай кураш йўлини ушламаган эдилар. ИЖИ ва ЎИХдан бошқа, бу қаттол режимга қарши курашадиган, диний гуруҳ мавжуд эмаслигини, мен аниқ айта оламан. Улар эса, ўзларини портлатиб курашадиган кимсалардир. Шунингдек, улар иқтидорга келса, ИАКдан баттар қон тўкадиган кимсалардир. Шариат аҳкомларини қоим қилишни иддао қилаётган бу кимсалар, ўзбек халқи, ҳали бунга тайёр эмаслигини тушунмайдилар. Улар Толибонлар каби, ҳаммани мажбурлаб, ўзларига бўйсунмаганларни ўлдирадиган кимсалардир. Мен уларни, тўғри деб, тан олмайман. Уларни уламоларини ҳам, тан олмайман. Улар ИАК режимини қулатиб, ўзларини режимини қурмоқчи бўлган кимсалардир. На бу гуруҳлар ва на ҳизбутлар йўли, менга маъқул эмасди. Бошқаларда эса йўлнинг ўзи йўқ эди. Мен бу аччиқ ҳақиқатни тушунгандим. Мен диний гуруҳларни Ихвонлар каби, сиёсий курашишларини ва бугунги давр воқеълигидан келиб чиқиб, ҳикматга мувофиқ, бир йўл тутишларини истардим. Ихвонул Муслиминдан, ибрат олишимиз керак эди. Афсус, ўзбек диндорларида сиёсий фаоллик етишмайди. Улар ё ўта радикал кураш йўлини ушлайдилар ёки, умуман жим юришади. Бундан бошқа манҳажни ушлашга уларда интилишни кўрмайман. Ўзбекистонда эса, қамоқхоналарда минглаб маҳбуслар, ўн йиллаб ётишибди. Уларнинг умри, турмаларда хазон бўлмоқда. Ва яна қама қамалар, давом этмоқда. 2012 йил ҳам аввалгилардан фарқли бўлгани йўқ. АҚШ элчихонаси ҳисоботида ҳам худди аввалги йилдаги, маълумотлар такрорланган. Ўзбек халқи фарзандлари миллионлаб кишилар, мардикорликда юришибди. Ёшу қари, пахтага ҳайдалиб эртадан кечгача, ишлашга мажбурланади. Ишсизлик пулсизлик, давом этмоқда. ИАК ва унинг қизлари ва амалдорлари бойигандан, бойиб бормоқда. Уларга қарши курашадиган куч эса, йўқ. Тарқоқ халқ вакиллари, курашиш учун бирлаша олмайдилар. Ҳамма қандайдир, мўъжиза бўлишини кутаяпди гўё?! Иқтибос тугади.

Булар аслида китобнинг бошида ёзилиши керак бўлган нарсалар эди. Тақдир тақозоси билан, булар китоб ўртасида, ёзилди. Буларни тушунишлик, бу китобни, тўғри тушунишга хизмат қилади. Ўқувчилар бу китобни тушунишда, шу терминларга, мен берган изоҳларни ёдда тутган ҳолда, ўқишлари лозимдир. МСМЮни ва Обид қорини муридлари томонидан улуғланиши, Обид қори муридлари Швецияга келгач, уни Абдували қоригамас, шайх МСМЮга тенглаб бошлашди. Уни иложи борича, Абдували қорига, умуман алоқаси йўқ қилиб кўрсатишга уринишарди. Чунки, улар Абдували қорини, ҳукумат ўғирлаб йўқ қилганини билишарди. Ҳукумат наздидаги «ёмон» одамга, Обид қорини дўст қилиб кўрсатиш мумкин эмасди. МСМЮ ҳукумат наздида, яхши эди. У билан дўст қилиб кўрсатиш, мумкин эди. Ислом овози сайтида, Обид қорини улуғлаб автобиографияси ёзилди. Қизиғи шуки, бу битик ҳам, шайх МСМЮ муридлари, у ҳақида ёзган «Ҳазратим» номли китобдаги битикларга жуда ўхшаш эди. МСМЮни муридлари, уни кўкларга кўтариб, дахлсиз зотга айлантиришганди. Обид қорини муридлари ҳам, уни шунақа қилишди. Шунингдек, бу иккаласи орасидаги адоватни йўқ қилиб, кўрсатишга уринишди. МСМЮ билан Абдували қори орасида, катта ихтилофлар бўлганди. Буни яширишга имкон йўқ. Ҳожат ҳам йўқ!

Обид қоридаги ўзгаришга келсак, у худди шу адоватни, яширишга уринганди. Обид қорини ўзи, ўша МСМЮга ўхшаб қолганди. Гарчи, униси бир умр режимга хизмат қилиб ўлди. Буниси режимни танқид қилиб, ҳижратда юрсада, энди ўзини унга яқинлаштирарди. Унга суиқасд қилинган, ҳам бу тенденцияни унинг болалари ва муридлари, давом эттиришди. Обид қори олдига, фақат санокли одамларгина кириб чиқишини танқид қилиб, бир нарса ёзганимда, муридлардан бири, ажиб бир коммент қолдирганди. Коммент мазмуни: «Обид қори акани олдига киришдан, одамни ахлоқидаги нуқсонни тўсади» деб, ёзганди. Мен унга демак, унинг олдига кириб чиқаётганларда нуқсон йўқ эканда?! Обид қорини ўзидачи?! Унда ҳам нуқсон йўқ эканда? Нуқсондан пок зотлар йиғилибдида Мёлбуга? дегандим. Менинг билганим шуки, Пайғамбарлар гуноҳдан ва катта хатодан маъсумдирлар. Бошқа одамларда хатою нуқсонлар бўлади. Анас розияллоху анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Барча одам боласи хатокордир. Хатокорларнинг яхшиси сертавбалардир», дедилар». Термизий, Аҳмад ва Ҳоким ривоят қилишган Ибн Умар розияллоху анҳумодан ривоят қилинади: «Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам: «Эй одамлар! Аллоҳга тавба қилинганлар! Мен Унга ҳар куни, юз марта тавба қилурман», дедилар». Муслим ва Термизий ривоят қилишган Агар Пайғамбаримиз кунига юз марта тавба қилсалар, шайхлар ҳам тавба қилишлари, ҳеч ажаланарлик нарса эмас эди. Одам одатда, ўзи хатосини билмай қолиб қилади. Билиб қиладиганлар ҳам кўп. Обид қорида ҳам, билмай қолиб қилган хатолари бўлиши мумкинку? Балким, у ўзидаги, бу ўзгаришларни сезмас?! Унга ҳеч ким юрак ютиб, хато қилмасиз деб гапиролмасиз? У ўзини доим тўғри қилаяпман деб, ўйлаши мумкинку?! Бу ҳамма одамга тегишли сифат эмасми?! Нега бу муридлар, ундан бениқсон одам яшашга уринишмоқда?! Обид қори Шириновга «келинг профессор» деб, мурожаат қиларди. Бу гапи масхараомуз, айтилган гаплардан эди. Агар илм эгаси бўлгани учун, Обид қори ҳурматли бўлса, ундан камида, ўн чандон илмироқ бўлган Ширинов, Мёлбу қавми учун, ундан ўн чандон ҳурматлироқ бўлиши керак эди. Лекин, амалда бундай бўлмади. Чунки, у бу кимни ҳурмат қилиш ёки, беҳурмат қилишни ҳам, булар учун Обид қори белгиларди. Унинг гапириши, сўз оҳангидан муридлар, у бу кимни ҳурмат қилиш керакми ёки, керак эмасми, англаб олишарди. Муридларда ўзининг шахсий фикри йўқ эди. Қалблари ҳам, Обид қорини измида, иродасида эди. У кимни ҳурмат қилса, шу ҳурматланар ва кимни беҳурмат қилса, у беҳурмат бўларди. (Қалблар бир шахсга бунчалик боғланиши, дин учун катта хатардир) Уни устидан масхара қилиб кулишарди. Бу ишлари тақвога зидлигини, заррача ўйлаб кўришмасди.

Қуйида «Мутаассибларга раддия» номли китобимдан бир иқтибос келтираман. Бунда МСМЮни муридлари қанчалик мақташганига гувоҳ бўласиз. Ва кейин, у билан Обид қорининг муридлари гапларини солиштириб кўриб, улар орасида заррача фарқ қолмаганига ўзингиз шохид бўласиз.

Мутаассибларга раддия (5)

МСМЮнинг бадарға қилиниши

Тожикистонда бошланган коммунистик режим ва мусулмонлар орасидаги қарама қаршилик, охир оқибат қуролли урушга айланиб кетди. МСМЮ ҳатто, ўша пайтда Коммунистларга қарши, Шохидон майдонига йиғилиб, майдонда турган оломонни қўллаб қувватлаганди. У ҳатто, ўша пайтдаги Тожикистон қозиси бўлмиш Ҳожи Акбар Тўражонзоданинг «Бу майдонда бир соат туришлик, юз ракат нафл намоз ўқигандан афзалдир» деб, фатво чиқарганини, ўзбек телевидениясидан айтиб берганди. Яна бир ўз тарафдорлари билан хос йиғилишда, «энди бундан кейин, сиёсий исломдан бошқа ислом йўқ» деган сўзи ҳам, ёзилиб қолган. (бу гап «Шоядки тақводор бўлсақ» номли китобидаги, мақолаларнинг бирида бор эди) Аммо, ИАК, Тожикистон урушининг Ўзбекистонга ўтиб кетишидан, қаттиқ кўрқарди. Шу сабабли у, Ўзбекистон Ислом Уйғониш Партияси раиси бўлмиш Абдуллоҳ Утаевни, ўзи президент лавозимига сайланиб олган, 1992 йил декабр ойида ўғирлаб, олиб кетиб йўқ қилдирди.

Наманганга борганида, ҳунар кўрсатган Тоҳир Йўлдош ва бошқа гуруҳларни ҳам, тезда тугатишга буйруқ берди. Тоҳир Йўлдош Тожикистонга қочди ва кўпчилик одамлари қамалди. ИАК ўша 1993 йилда Тожикистонда фуқаролар уруши кетаётган даврда МСМЮни ҳам Ўзбекистонда шу Тожикистондаги каби ихтилофлар чиқариши мумкин деган, хавфда мамлакатдан бадарға қилди. МСМЮ гарчи исломий партияга қарши бўлган ва доимо ИАКга хизмат қилган бўлсада, уни бадарға қилишди. Шунингдек, ўша пайтда унга қарши бўлган, кўплаб нуфузли имомлар ҳам, ҳукуматдаги алоқаларини ишга солиб, МСМЮни юртдан кетишини тезлаштиришди. Горбачев даври эркинлигидан сўнг, ўзини ўнглаб президентлик лавозимига сайланиб олган ИАК, энди мамлакатда зулм зўравонлик яккаҳоқимлик сиёсатини юргизишга қарор қилган эди. Секин аста, «ваҳҳобий» тамғаси босилиб қолган, кўзга кўринган бошқа имомларни ҳам ўғирлаб йўқ қилди ва ёки қамади. Қўқон Жомеъ масжиди имоми Муҳаммад Ражаб (Тоштемир Нурматов) қамалди ва ҳалигача қамоқда ўтирибди. Намангандаги Гумбаз масжиди имоми Абдулаҳад қори (Аҳад Барноев) қамалди ва ҳалигача қамоқда ўтирибди. 1995 йилда эса, машҳур имом Абдували Мирзаев шериги билан бирга, ўғирлаб, йўқ қилинди. Шу кишини ўғирлангани муносабати билан, жума маърузасида хутба қилгани учун, Обид қори Назаров ҳам, режимнинг ғзабига учради. Ўша воқеъадан сўнг мен ҳам, Абдували Мирзоевни топиб беришларини сўраб, ўзим имомлик қиладиган масжид намозхонларидан 35 та кишига қўл қўйдириб, президентга мактуб жўнатган эдим. Бу имзо чекканлар бари, қора рўйхатга тушишди. Ва ҳалигача уларга, кўплаб тазйиқлар бўлиб келаяпти. Ўзим шу йили, қамалдим. Бу рўйхатдагилардан кўплари, қамалиб чиқишди. Укам эса 159 модда билан, иккинчи марта қамалганича, ҳалигача қайтиб чиқмади. Булардан бошқа, мамлакат бўйлаб ўнлаб масжидлар ёпилган ва имомлари қамалган эди.

1998 йилда Наманганда Толиб Мамажонов воқеъаси содир бўлди. (Мен бу воқеъани Товоқсой зонасида телевизордан кўрган эдим) Уни Тоҳир Йўлдош гуруҳига алоқадорликда ва бир икки милициянинг ўлдирганликда айблаб, ўзини ва шерикларини ўлим жазосига ҳукм қилишди. Кейинроқ, 1999 йилда 16 февралда Тошкентда, катта портлаш содир бўлди. Бу воқеъа тафсилотларини, кейинроқ 2003 йилда марҳум Зайниддин Асқаров турмада туриб, журналистларга берган интервьюсида ошқора қилган эди. Бу портлашлар ИАК режими, диндорларга қарши қатағон сиёсат юритишга йўл очиш учун қилинган, ҳийла эди. Бу портлашлардан кейин, мамлакат бўйлаб оммавий қама қамалар бошланиб кетди. Ўша пайтдан бошланган қатағонлар, ҳалигача тўхтагани йўқ. Қамоқхоналарда қонлар оқди. Терговларда мусулмонлар, қаттиқ азобларга дучор қилинди. Жаслиқ турмаси қурилиб, у ерда кўплаб одамларни, азобда ўлдирилди. Худди шу пайтда, зулму зўравонлик авжида пайти, Ўзбекистонга кимсан, МСМЮ жаноблари ташриф буюрди. ИАК каби мустабиднинг зулм зўравонлик йўлини тутганлигини кўра била туриб, ўзини оловга ташлаган каби, ёки ўзини ўз қўли билан ҳалокатга ташлаган каби, кел деганига МСМЮ дарров лаббай деб, югуруб келди. Ваҳолонки, у келгач, унга ИАКга хизмат қилиши аниқлигини биларди. Динни бузишини ва зулмни оқлашини, биларди. ИАКни ҳеч нарсадан қайтмайдиган даҳрий каззоблигини ва унга ишониш керакмаслигини, у биларди. У ҳаммасини била туриб, ишлашга рози бўлиб, келди. Бу ташрифни турмада эшитганимдаёқ, ҳа демак, бу чақиришдан мақсад, ИАК режими, бунинг хизматиға муҳтож бўлиб қолибдида деган, фикрга борганман. Бу фикр тўғрилигига тезда гувоҳ бўлдик. Турмаларга МСМЮ Тошкентга қайтиб келгач, ёзиб чоп этган «Ихтилофлар» деган китоби, кириб келди. Ўқиб чиқиб, кимга аталган ва нималар деганига, жуда жуда дақиқ тушундим. Менг афсус, шу китоб бугун қўлимда йўқ. Интернетдан ҳам топмадим. Мен шу китобига, шарҳ изоҳ ёзишни, жуда жуда истардим. Юқоридаги унинг муридлари ёзган китобда унинг ватандан бадарға қилинганига доир маълумот йўқ. Қисқагина қилиб, «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф 1993 – 2001 йиллар орасида Юрт ташқарисида бўлди. Дастлабки бир ярим йил Маккаи Мукаррамада, 1994 йил ноябридан 2001 йилгача Ливияда истиқомат қилди.» дейилади. Кейин қайтиб келгани ҳақида икки оғиз маълумот берилади; «Шайх Муҳаммад Содиқ 2001- йилда Ўзбекистонга қайтиб келгач, мамлакатдаги кўплаб илм аҳллари, унинг атрофига тўпланишди. Уларнинг аксарлари унга шогирд бўлди.» дейилади ўша китобда.

Нега қайтиб келди ва нега кетганди? деган, саволлар очиқ қолган. Муридлар бу ҳақида, гапиришни ишташмаган. Бу кимсанинг ИАК каби золимга, хизмат қилиш учун қайтиб келиши, шак шубҳасиз ўзини ҳалокатга ташлаши ва билиб туриб, онгли равишда қилган жинояти, бўлди. (Яъни, у ўзини икроҳ ҳолатга тушириб қўйди) Ҳар қандай олий ниятларни ва ж қилиб келтирмасин, бу бебурд кимса, уни бадарға қилган ва кўп дин олимларини ўғирлаб йўқ қилган ва минглаб мусулмонларни қамоқларга ташлаб қийнаётган золимга, айна шу қийноқлар давом этаётган пайтда, хизматига етиб келмаслиги лозим эди. Келгандан сўнг албатта, хизмат қилиши керак эди. Хизматни қилди ва кетди. Унинг хизматларига доир маълумотларни ўша китобдан ўқишимиз мумкин;

«Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ўз юртида 2001 – 2015 йиллар орасида кенг миқёсда илмий фаолият олиб борди. Кўплаб китоблар, овозли ҳамда тасвирли ёзувларда илмий суҳбатлар, мавъизалар, туркум дарслар, маърака-йиғинлардаги маърузалари, халқаро интернет саҳифасидаги 25000 дан ортиқ турли мавзулардаги савол-жавоблари билан халқнинг диний саводи ошишига, кишиларнинг соф Исломни англашига, улкан ҳисса қўшди. Унинг илмий асарлари сабабли, халқ орасидаги кўплаб ихтилоф ва тортишувлар барҳам топди, ҳанафий мазҳаби мустаҳкамланди, хатарли фитналарнинг олди олинди, қанчадан-қанча адашган инсонлар, тўғри йўлни тута бошлади, мусулмончиликдан беҳабар одамлар, ўз мусулмончилигига қайтди, эл орасида тинч-тотувлик, дўстлик руҳи таралди.» Иқтибос тугади.

Бу китобни ёзганлар, шунчалик қалб кўзлари кўр кимсалар эканки, шайхларига шунчалик таассуб қилган кимсалар эканки, китобни бошидан охиригача, шайхини мақтаган, беайб бенуқсон, инсони комилга чиқарган. Бу гапларку бари сафсата, аммо, унинг фаолиятига баҳо бериб, «Унинг илмий асарлари сабабли халқ орасидаги, кўплаб ихтилоф ва тортишувлар барҳам топди, ҳанафий мазҳаби мустаҳкамланди, хатарли фитналарнинг олди олинди,» дейишлари, каззобликдан бошқа нарсамас. Айна унинг асарлари туфайли мутаассиблар билан, бошқа диний гуруҳлар орасида, адоват олови ёнди. У сочиб кетган адоват уруғлари, ҳали кўкариб, ўз самарасини беражак! Бу адоват ва нафрат жамиятга қанчалик қимматга тушишини, Аллоҳ билади халос. Бу ишини, Аллоҳ ҳузурида ҳисоб китоб қилинадиган ва жазоси мукамал бериладиган амалларидан қилсин! Муфтийлик давридаги фаолияти билан кейинги фаолиятини солиштирганда, МСМЮ 2001 йил ватанга қайтиб келганида, бутунлай ўзгарган ва мазҳабга мутаассибликни тарғиб қилувчи кимсага айланганди. Унда олдинги пайтдаги гап сўзларидан, асар қолмаганди. ИАКга хизматдан ташқари, турли хил бидъатларни дин деб, тақдим қиларди. (У олдинлари мазҳабга, бунчалик урғу бермасди. Сиёсий нутқлар ҳам қиларди) Муридлар китобидаги иддолардан бири; Шайх Муҳаммад Содиқ, меҳри дарё инсон эди, кенг бағри ҳаммани ўзига сиғдира оларди. У билан яқиндан мулоқот қилган барча одамлар ўзини унга энг яқин инсон деб ўйларди. Ҳеч кимдан меҳру мурувватини аямас, ҳар кимнинг арзини эшитар, додига қулоқ тутар эди. Ҳатто кишилар ўз дардларини ота-онасидан кўра, у кишига арз қилишни кўпроқ ишташарди.» Иқтибос тугади. Бу муридларнинг каззоблигига, менинг далилим шуки, Тошкентлик бир танишим бир куни гапириб қолди. МСМЮнинг уйига бориб, ниманидир сўраш учун, учрашмоқчи бўлибди. Ўша уйни қўриқчилари унга "эртага кел" дейишибди. Анча узоқ ердан оввора бўлиб, яна борган экан, индинга кел дейишибди. Ва охири учинчи куниси, шайх банд гаплашишга вақти йўқ деб, жавоб беришибди. Менга буни гапирганида, ҳайрон қолиб, ундан, нега уни олдига бордингиз савол сўрашга? дегандим. Дунёда одам қуриб кетсаям, ундан сўраш керакмас эди. Сўрагани борганга ҳам, шундай муомала қилибди. Бунга ўхшаш эшитганларим қанча?! Аммо, асосий масалалар булар эмас. Унга қарши жиддий эътирозимиз бор. МСМЮга хос сифатлардан бири, шу эдики, у ким мазҳабда бўлмаса, саводсиз жоҳил, дейишга одатланганди. Усома бен Лодинни ва Айман аз Завоҳирийни диний саводи йўқ, деган. Салла кийиб соқол қўйиб фатво беришга, ҳаққи йўқ уларни, деган. (Видеосида турибди) Ҳизбут таҳрирчиларни саводсиз, деган. Ваҳолонки, Набахоний ва Абдулқадим Заллумлар саводсиз деб, айтиладиган кимсалар эмасди. Салафийларни саводсиз деган ва ҳатто Албонийни "илмини тайини йўқ" деганди.

Мазҳабда бўлишига қарамасдан, Толибон ҳаракатини, ёппасига саводсизликда айблаган. Улар ичида мазҳабчи мутассиблари ҳам, салафийлари ҳам ва бошқа тоифалари ҳам бор эди. Бундай изоҳлаш ва бундай баҳолаш унинг таъбири билан айтсак, саводли одамнинг баҳолаши ҳам эмасди. МСМЮ ва унинг муридлари, унинг бидъатга асосланган таълимотини тарғибот қилаётгани ва сафига кўплаб одамларни жалб қилаётгани бўлса, иккинчиси бу кимса бошқа сарой муллаларига солиштириб айтганда, ИАК режимига бошқалардан кўра, ўн баробар кўпроқ хизмат қилиб, ИАК зулмини бошқаларга қонунийлаштириб, легаллаштириб бергани бўлди. Андижон фожеъасида исёнчиларни қоралаб, қонхўр режимни оқлади. Унинг мавжудлиги гўёки, ИАК диндорларга зулм қилмаяпти деган, фикр уйғотишга, хизмат қилди. Қамокда ўтирган диндорларни эса, тинмасдан бемазҳаблар деб, ёмонлаб бадном қилишдан тинмади. Бу эса диндошларига нисбатан хиёнат эди. Бу ишни расмийлар қилганида ҳам унчалик ажабланмасдик. Бу норасмий бўла туриб шундай қилди. Бу кимсанинг қилмиши айтиш мумкинки, жинояти, бошқа динфурушлардан ҳам оғирроқдир. Бу кишига тенг бўлмасада, ИАКга хизмат қилиб келаётганлардан яна бири, шайх Абдулазиз Мансурдир. Чорак асрдирки, бу шахс Диний Бошқармада муфтий ноиб лавозимида ишлаб келади. У кишининг МСМЮдан фарқи шундаки, аввало унда кибр йўқ. Ва кўп сонли мутаассиб муридлар йўқ. Мен у кишининг холислигига шубҳа қилганман. Унга қарши аудиосўхбатларда гапирганман. Мақолалар ёзганман. Ҳатто, ББСга меҳмон бўлганида савол ҳам бергандим. «Зулм қилганларга мойил бўлманглр. Яна сизни дўзах олови тутмасин. Сиз учун Аллоҳдан ўзга дўстлар йўқ. Сўнгра ёрдам берилмайсизлар.» (Худ сураси 113 оят.) Шу оятни маъносини тушунтириб беринг. Деганимда у қуйидагича жавоб берган; Шайх Абдулазиз Мансур: Муҳаммадсолиҳнинг саволларига жавоб беришимнинг фойдаси йўқ, зеро аминманки, менинг жавобларим уни қониқтирмайди. Чунки, унинг мен тўғримдаги, нотўғри фикрларини интернетда ўқиганман. Юзма-юз кўришиб, гаплашсак фикри ўзгаради, деган умиддаман. <http://www.bbc.com/uzbek>

Шайх Абдулазиз Мансурнинг бу жавоби унинг МСМЮ каби мутақаббир кимса эмаслигини кўрсатади. Унга «Нега ҳижобга қарши гапиргансиз, бу арабларнинг миллий кийими деган маънода фатво бергансиз? деган саволга жавобан қуйидагиларни айтади; Шайх Абдулазиз Мансур: Тушундим. Энди бу "ҳижоб Исломдан эмас" деган сўзни мен айтган эмасман., балки Шайх Юсуф Қардовий деган, зот борлар. У киши халқаро уламолар ҳайъатининг, раиси ҳисобланадилар. Шу кишининг Ал-Жазирадан қилган ҳижоб тўғрисидаги маърузаларини, мен тинглаганман. Шунда бир эмас, бир неча марта "ҳижоб Исломдан эмас, "сатри аврат"да бўлсин, яъни, аёл киши, шундай нафис бир мавжудотки, унинг ёпиб юриши керак бўлган аъзолари бор, ўшаларни нима билан бўлса ҳам ёпсин", деган маънони, мен ўша кишидан олганман. Иккинчидан, ана шу ҳижобга кирганлар, рўмол ўраб юрганларга, шундай таъқиблар бўлдики, "рўмолнинг учларини олдинга туширма, орқадан ўра" деган ташвиқот бўлганда, аёллар дарҳол бизга келиб сўрашади. "Биз шундай қилсак, гуноҳкор бўп қолмаймизми, шариатимизда қанақа?" деб сўрашганда, биз уларга " агар шундай қилмасангиз, ишдан бўшаётган бўлсангиз, шундай қилмасангиз сизга гап тегадиган бўлса, унда сиз рўмолни қулоғингизни ҳам ёпиб, орқадан ўранг-да, қўйланингизни эркакларнинг қўйлагига ўхшаган, энг тепасидан тугмали қилиб олсангиз, ана шунда "сатри аврат"га тўғри келади" деб, биз ноиложликдан шундай маслаҳатлар берганмиз. Қуръони Каримнинг "Нур" сураси 31 оятида ҳам, мана шу тўғрисида айтилган. Ўша пайтдаги аёллар бошида рўмоли бўлгани билан, кўкракларини ёпишмас экан. Кўкраклари томоқларидан очиқ бўлгани учун, эркакларга кўриниб тургани учун "рўмолнинг учи билан ёпиб олинглар" дейилган. Демак, нима биландир, ёпиш кераклиги бу ерда мақсад бўлаяпти. Шунинг учун биз уларга "сатри аврат"ни сақлаб қолишни, маслаҳатини берганмиз. Бу очиққа чиқиб кетиш, ҳижобга қарши гапирмоқчи бўлган эмасмиз зинҳор. Ҳижоб араб мамлакатлари, мусулмон мамлакатларида бор нарса. Лекин бизнинг ўша миллий кийимга бўлган ташвиқотда, биз айтганмизки, агар миллий кийимни сақлайдиган бўлсак ҳам, муслима аёллар ўзининг сатри авратини сақлаб қолиши керак, деган маслаҳатларни, биз берганмиз. Иқтибос тугади. (ББС сайтидан олинди) Яъни, мени солиштириб айтмоқчи бўлганим шуки, бу шайх жавобларида, ўзининг қандай вазиятда ишлаётганини тушунтиришга уринаяпти.

У кибр қилиб, унга қарши гапирганларни саводсизлар деб, сўкишга киришмади. У «биз ноиложликдан шундай маслаҳатлар берганмиз.» деяпти. Тўғри, лекин, унга шартмиди бу ерда ишлаши? Кетса бўлмайдимми бошқа ишга? Каби, саволлар бўлиши мумкин. Лекин, у шу ерда, оғир шароитда ишлаши ҳам, шаръан далили мавжуд нарсадир. Қолаверса, унда бошқа диний гуруҳларга нисбатан, МСМЮДагичалик, ички адоват, нафрат йўқ. Унда бошқа имомларга хасад йўқлиги кўриниб туради. Обид қорини отиб кетишганида, Озодлик радиосидан таъзия билдирган ва шифо сўраб дуо қилганди. Бу ўзининг узрини айтаётган ва ўз хатоларини тан олиб, узрга мойил турган одамнинг, мавқеъидир. МСМЮда ва унинг мутаассиб муридларида эса, бу мавқеъдан асар ҳам, топмайсиз. Кечаю кундуз китоб ёзиб, ҳар варағида, бемазҳаблар айбдор деб, ёзиб ётган ва муридлари қалбига, адоват уруғини экиб кетган кимса, ҳатто, чорак асрдан кўпроқ режимга хизмат қилган, Абдулазиз Мансур даражасида ҳам, холислик қилмади. Унинг Мотуридийлик ақидасини тарғиб қилгани ва бу ақидда билан, ашъарийлик ёки салафийлик орасида, катта ихтилофлар борлигини муҳокама қилмаймиз. Зероки, бу ихтилоф, фақат ўзбек мутаассибларига хос иллат эмас ва бу муаммо дунёдаги барча мазҳабчилар билан, салафийлар орасидаги, глобал ихтилофлардир. Бу масалаларга Аллоҳни Ломакон дейишликлари, исму сифатларига тақйиф беришлик ва бошқалар киради. Бу муаммолар ечими, асрлар давомида топилмаган ва қиёматгача топилмаса керак, валлоҳу аълам! Бизнинг муҳокамамиз ва раддиямиз, МСМЮнинг ва мутассиб муридларининг фаолиятларига ва ёзган китоблари ва сайтларидаги фикрларни рад қилиш, инкор қилиш билан, чекланади. МСМЮ умри давомида қилган фаолиятида, фақат бидъатларга тўла, мазҳабпарастликни мутаассибликни ва сўфиликни ривожлантирди. Ватанга қайтиб келганидан кейин, ўнлаб сайтлар очди. Муридлари билан бирга, ўнлаб китоблар ёзди. Чоп қилиб, сотди. Исоқжон Муҳаммад, Ҳамидуллоҳ Беруний, Ҳикматуллоҳ Иброҳим, Мухтор Али Аброр, Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон, Алоуддин Ҳофий ва бошқалар каби, ўнлаб мутаассиб муридлар, етиштирди. Минглаб муридлар орттирди. Обрў эътибор топди. Агар у кимса, шу ишларини бирорта чет элда қилганида ва шунақа даражага эришганида эди, унга эътирозимиз бўлмасди. Ёки, Ўзбекистонда эркинлик бўлиб, зулму зўравонлик бўлмасдан, бу шайх шу муридларни йиғиб, шу қилган ишларини қилганида ҳам, унга эътирозимиз бўлмасди. Балки, унга қарши бошқалар ҳам, ўз фикрларини айтар ва китоблар ёзарди. Лекин, унга қарши бугунги нафрату адоват бўлмас эди. Лекин, у айнан ИАК каби, золим иқтидорда турган пайтида ва мусулмонларга кўз кўриб, қулоқ эшитмаган зулмлар қилинаётган пайтида, ватанга қайтди. Мазҳабига кирмаганларни, маломат қилиб китоблар ёзди. Золимга хизмат қилиб, мазлумларга нисбатан фақат бемазҳаблар ва адашганлар деган, иддаоларни қилишдан тўхтамади. Шундай бўлсада, бу кимсани фақат давлатга хизмат қиладиган, Худо беҳабар динфуруш деган, иддаодан йироқман. Албатта, бу режим имомлари ичида, кўплаб фирибгарлар ва махфий хизматларга ишлаганлар бўлган ва ҳозир ҳам борлиги, шубҳасиз. Лекин, бу кимса ҳам, ўшалардан бири бўлган, фикрда ҳам эмасман. Бу ўзи тўғри деб билган, залолатни тарқатишда, астойдил холис бўлган деб, биламан. Унинг хатою камчилигини ҳам ва қисман тўғри ишлари мавжудлигини ҳам, тан олиб, қолган ишларини Роббисига топширамиз. Албатта, бизларнинг ихтилоф қилган амалларимиз, яхшими ёмонми Роббимиз ҳузурида, ҳисоб китоб қилинажак, иншааллоҳ! Аллоҳ бизга ҳақни ҳақ деб, ботилни ботил деб кўрсатсин! Омин. МСМЮнинг ўлиmidан сўнг энди бу муридларга, ўғли муршид ва аёл муридаларга, қизлари отинойилик қиладиган бўлди. Ўнлаб сайтларда мазҳабинигина тарғиб қилмасдан ўз оиласини ҳам, улуғлашни унутмади. Минглаб авомунносни руҳини, қалбини ўз шахсиятига боғлади. Ўша юқоридаги зикр қилинган «Ҳазрат» номли китобда, мутассиб муридлари унинг кароматларини гапириб шундай дейишади; «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфни, Аллоҳ таоло бир қанча кароматлар билан сийлаган эди. Аввало у кишининг ёзган ҳар бир асари, халқнинг энг долзарб муаммосини ҳал қилувчи, илҳом бўларди. Ёзган асари, айтган сўзи мусулмон оммасининг қалбига, мақбул тушарди. У кишига берилган замон кенглиги, инсонни ҳайратга соларли даражада эди. Ёзган асарлари ва юритган фаолиятларини кузатган инсон, уларни вақт қолибига сиғдира олмас эди. Уламолар айтганларидек, кароматларнинг энг буюги, Ислом хизмати йўлида берилган кароматдир.

Чунки бошқа кароматлар вақтинча бўлиб, дин хизмати учун берилган каромат бардавом, абадий бўлади. Шунингдек, кўпинча кишиларнинг қалбидаги ўйларни, у кишига Аллоҳ аён қилиб қўярди. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, дуоси ижобат инсон эди. У кишидан дуо олиб, тездан натижа кўрганларнинг сон-саногии йўқ.» Иқтибос тугади. Мана шу гаплар, бу васвасага учраганларнинг кимлигини, ақидаси қандайлигини кўрсатиб турибди. Ёзган асари мусулмонлар кўнглига мақбул тушиши, сафсата гаплардир. Зеро, дунёда қуръони каримни рад қилувчилар бор. Ҳадисларни рад қилувчилар бор. Бунинг китобини, улардан ортиқ жойи йўқ. Халқ бошқа китоб бўлмагач, шуни китобини оладида. Бошқа нима қилсин?! Бу китобга қарши гап гапирса, «ваҳҳобий» деб, қамоққа тиқишади. Қанчадан қанча одамлар, шу сабабли турмаларда, умри хазон бўлмоқда? Кишидаги ўйларни, Аллоҳ унга аён қилиб қўйиши ҳақидаги иддаолар, ширқдир. Одамлар, ким нимани ўйлаяди, бу бошқа учун ғайбдир. Ғайбни эса, Аллоҳдан ўзга биров билмайди. Муридлар пирини, ғайбни билади деб эътиқод қилиши, янгилик эмас. Андижонда Одилхон Ҳожи деган, ўзи саволсизу лекин, тасаввуф пирлигига даъвогар кимса, бор эди. Унинг муридлари менга «ҳожи дада, эртага нима бўлишини билади» деганди. Ҳожини ўзиям, мени оёғимга мих кириб, мадрасадан чиқмай қолганимда, ҳузурга чақиртириб, нега кўринмайсан? деб сўраганди. Шундай, оёғимга мих кирганди, десам, «Мен билардим, киришини деганди. Хуллас, бу МСМЮнинг муридлари, уни ғайбни билишини иддао қилишмоқда. Дуонинг ижобатлиги эса, навбатдаги сафсадан бошқа нарсамас. Чунки, ҳамма одам, ўз дуосини ижобат бўлишини умид қилади. Бўлдими йўқми, буни Аллоҳ билади. Қолаверса, мўминларнинг ҳар бирининг дуосини қабул бўлиши мумкин. Чунки, Аллоҳ ўзига дуо қилишга буюрди. Дуоларни қабул қилишга ваъдаси бор. Парвардигорларингиз: «Менга дуо-илтижо қилинлар, Мен сизларга (қилган дуоларингизни) мустажоб қилурман», деди. (Ғофир сураси 60 оят) МСМЮнинг катта хатоларидан бири, мана шундай, унинг шахсига мутаассиб, уни нуқсондан пок деб, ўйлайдиган ва ғайбни билади деб, ҳисоблайдиган муридлар тайёрлаб кетди. Энг катта хатоси эса, у зулм режимининг жиноятларини оқлади. Авомни ўзи ҳақ деб, билган «Мавлуди Наби» каби, нақшбандия тариқати каби, залолат амал ва йўлларига, эргаштирди. Ўзидан кейин, минглаб мутаассиб муридлар қолдирди. Мутаассибликни ва бошқа диний гуруҳларга нисбатан тоқатсизликни, тарғиб қилувчи китоблар қолдирди. Президент ҳузурдаги Дин ишлари бўйича давлат қўмитаси МСМЮнинг ўлими муносабати билан, чиқарган матбуот баёнотида шундай гаплар бор; «Шуниси алоҳида эътиборга молики, олим ўз фаолияти давомида, Ислом ниқоби остида бузғунчиликлар қилаётган турли оқим ва экстремистик ташкилотлар томонидан бўлаётган турли таҳдидлардан юртдошларимизни, хоссатан, ёшларимизни огоҳ этиш, уларга эзгуликка хизмат қилувчи, асл Ислом таълимотларини етказиш йўлида, беқиёс ишларни амалга оширди. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф томонидан 90- йилларнинг охири ва 2000- йилларнинг бошларида юртимизда фаолияти сезиларли даражада кучайган “Ҳизбут таҳрир” диний-экстремистик ташкилотининг бузғунчи ғоялари, бу адашган тоифанинг Ислом ақидасига зид таълимотларига раддия сифатида ёзилган “Дин насиҳатдир” рисоласи халқимизни мазкур бузғунчи тоифанинг кирдикорларидан воқиф этиш, уларни бу каби, Исломга ёт ташкилотлардан йироқ бўлишга ундаш ишларида, ўзининг катта самараларини берди. Шунингдек, чорак аср аввал бутун Ислом олами, унинг бирдамлиги ва ўзаро биродарлигига хавф сола бошлаган ва ҳали ҳамон Ислом уммати бошига соя солиб турган мазҳабсизлик, сохта салафийлик иллатларига қарши қаратилган илмий фаолиятда ҳам пешқадамлардан эди.” Иқтибос тугади.

Мана шу ташкилот расмий баёноти МСМЮ ҳақида, хусусан унинг ватанга қайтиб келганидан то, ўлимигача конкрет нима иш қилганини, аниқ тиниқ ойдинлаштириб беради. МСМЮ ҳукумат наздидаги "экстремист ва бузғунчи оқимлар!га қарши курашган экан. Булар кимлар? Салафийлар, ҳизбутлар, Таблиғчилар, Нурчилар, ва ҳаказолар... Ўз. Рес. ЖК 159, 244, 241 моддалари билан қамалганлардир. Буларга қарши ИАК режими ҳуқуқ тартибот органлари Суд, милиция, Прокуратура, Адлия вазирлиги, Диний Бошқарма курашиб келмоқда эди. Аммо МСМЮ ҳам, шуларга қўшилиб курашди. Бу хизматлари ўлимидан сўнг, давлат органи томонидан алоҳида, таъкидланмоқда. Биз айтаётган гапимиз ҳам, аслида шу гап. Бизнинг эътирозимиз ҳам, унинг шу қилган ботил хизматларидир.

Ҳукуматдагилар жоҳиллар ва улар динни билмайдилар. Лекин, МСМЮ бу оқимларни динда борлигини ва уларнинг ўз далиллари борлигини ва булар ҳам, унинг мазҳаби ёки нақшбандия тариқати каби, дунёда яшашга ҳаққи борлигини, биларди. У билиб туриб, уларга қарши курашди. У ўз шаръий ҳуқуқи бўлмаган, ишни қилди. Ўз йўлини улуғлаб, бошқаларни қоралади. Оят ва ҳадисларни «ҳанафийлаштирди.» Ўз мазҳаби доирасида талқин қилди. Бу кимсанинг иши, ўзбек жамиятига ва диндорлари орасига, асрларга етгудек, адоват ва фитнани мерос қилиб кетди. Бугун унинг Ҳикматуллоҳ Иброҳим номли сўфи муридлари интернетда «Салафий (ваҳҳобий)ларнинг ботил ақийдалари» деб, номланган гуруҳлар очиб, фитна фасод тарқатиш билан банддирлар. Битта мамлакат аҳолиси ва битта эл фарзандлари ва миллати, тили, дини битта гуруҳлар орасида адоват ва нафрат борган сари авж олмақда. Булар тарқатаётган фисқу фасодларга, тоқат қилолмаган, баъзи қизиққон ёшлар, (жиходчи гуруҳ тарафдорлари) Анвар Турсунга, суиқасд уюштиришганди. Пичоқлаб кетилган имом ўлмади. Лекин, бу учун минглаб ёшлар қамоққа олинди. Бу суиқасдни оқламаган ҳолда, шуни айтаманки, мутассиблар ўзлари адолатсизликлари ва зулмга ёрдам бериб, ўз диндош биродарларига зарар беришлари, бунга сабаб бўлди. Салафий ёшларнинг фаолияти учун, мутлақо имконият йўқлиги табиийки, уларни радикаллашишга, сабаб бўлмақда. Буларнинг ҳаммаси учун, ИАК режими баробарида, мутаассиб мазҳабчилар ҳам масъулдирлар албатта. Менинг мақсадим, МСМЮнинг фаолиятига баҳо беришлик эмас, бидъат бўлмаган аниқ, шаръий далил устига қурилган ижтиҳодларга амал қилганига, эътироз билдириш эмас, балки, қилган амалий хатоларига, айтган хато фикрларига раддия беришликдир. Унинг яхши ишларини гапирувчи муридлари эса, ошиб тошиб ётибди. Ушалар мақташни, мендан яхши эплашади. Уламолар бидъатчиларни қилган яхшилигини эмас, балки, фақат бидъатини айтишни, одамларни ундан қайтаришни, тавсия қилишади. Ибн Боз роҳимахуллоҳга шу хусусда, «яъни, бидъатчининг қилган яхши амалини ҳам, айтиш керакми? деб сўралганида, у куйидагича жавоб берган. «Йўқ, асло бунинг кераги йўқ, асло кераги йўқ. Шунинг учун ҳам аҳли суннанинг китобларини ўқисангиз, огоҳлантирув ирода қилинганини топасиз. Бухорийнинг «Холқ афъал ал-ибад», «ал-Адаб», «ас-Саҳиҳ», Абдуллоҳ ибн Аҳмаднинг «Сунна» китоблари, Ибн Ҳузайманинг «ат-Тавҳид» китоблари, «Род Усман ибн ад-Даримий ала аҳл ал-бидъаъ» ва бундан бошқа китобларни ўқисангиз, улар бидъат аҳлининг ботил ишларидан огоҳлантириш учун асарларни келтириб ўтадилар. Уларнинг қилган яхши ишларини санаш учун эмас... Демак мақсад шуки: уларнинг қилган ботил ишларидан огоҳлантиришдир. Агар кишининг қилган бидъати куфрга олиб борадиган бўлса, қилган ишларининг сариқ чақалик қиймати йўқдир. Барча қилган яхшиликлари ботил бўлади. Агар қилган бидъати куфрга олиб бормайдиган бўлса, у киши катта хатар устидадир. Демак мақсад шуки, огоҳ бўлиш вожиб бўладиган хатолар ва оғишишларни баён қилишдир» Шу тавсияга биноан биз МСМЮнинг қилган бидъатлари ва хато сўзлари ва амалларини гапираман. Унинг катта хатоларидан бири, Суриялик Рамазон Бутийга мухлислиги ва унга эргашиб, мазҳабчи мутаассибликни ихтиёр этганлиги эди. Бу кимса золим Башар Асад режимига хизмат қилиб ўлиб кетди. Сурия жумҳурият муфтий ёрдамчиси Абдурраҳмон Али фатвосида эса, ўзининг бир фатвосида «Сурия аскарларининг террорчи гуруҳларга ёрдам берган барча муслима аёлларнинг номусига тажовуз этиши жоизлигини айтди. Муфтият вакили радио эшиттириш давомида шу жумлани айтди: «Қуролли гуруҳларга» ёрдам бергани учун жазо тариқасида (уларнинг) қизларини, хотинларини, оналарини ҳатто ирзларига кечиш (номусига тегиш) жоиздир». Бу дегани, Асадга қарши курашаётган мужоҳидларга ёрдамлашган аёлларни, Асад солдатлари номусига тегиши жоиз экан. Мана сизга фатво! Бу фатволар сарой уламоларининг манфур башарасини кўрсатувчи далилдир. Ўзбекистондаги сарой уламолари бу каби, фатво бермаган бўлсаларда, бу ишни ҳуқуқ тартибот органлари ишлайдиган бадбахтлар, фатвосиз ҳам, қойилмақом қилиб, ижро қилишди. Қанчадан қанча диндорларни оиласи ва қизларининг, номусига тегишди. Ёки, номусига тегиш таҳдиди остида, эрларига ва оталарига қилмаган ишларини қилдим деб ёздириб олишди. Ва кейин узоқ йиллик жазоларга, озодликдан маҳрум қилишди. Бу ишларни қилишда, уларга Диний Идора ходимлари, имкон қадар ёрдам қилдилар. Кейинроқ ватанга қайтган МСМЮ ҳам, ИАКга хушомадлик қилишда, улардан қолишмади.

Унинг зулм сиёсатини қўллаб қувватлади. Аммо, бу кимсага раддия берилар экан, айна дамда, унинг тимсолидаги бошқа майда мутаассиб мазҳабчиларга ҳам, шу китоб, бизнинг умумий жавобимиз ва раддиямиздир. Мақсад эса, токи, бугунги ёшлар ва бошқа содда одамлар бу ишларни хатолигини тушунсинлар ва уларга эргашишдан тийилсинлар. Иқтибос тугади. Минг афсуски, бу иккала шахс, МСМЮ ва Обид қори, бири куфрга хизмат қилиб, бири куфрдан зарар кўриб, охир оқибатда, муридлари томонидан қилинган талқинга кўра, бир бирига жуда, яқин мақомга келиб қолишди. Устозидан ўзмаган шогирд, яхши шогирдмас дейишади, доно халқимиз. Обид қори устозидан ўсишга, ҳаракат қилганга ўхшаб кўринади.

Обид қори қавмидаги ихтилофнинг мағзи

Аслида барча мусулмонлар, ислом ҳукми юриб турган давлатда яшашни, орзу қиладилар. Лекин, унга бориш йўли қанқалигини, ҳеч ким билмайди. Ўзбек мусулмонларининг бугунги қатламида, бунга олиб борувчи йўл, манҳаж ҳақида тасаввур ҳам, мавжуд эмас. Аммо, дунёдаги аксар мусулмон диёрларида, бу орзуга элтадиган йўллар ҳақида, турли хил қарашлар мавжуд эди. Турли хил гуруҳлар пешволари, бунга ўзича ечимлар беришганди. Булар бари, кейинроқ Ўзбекистонга кириб келди. Булардан бири, Хизбут таҳрир бўлиб, уларда, Халифат қуришликкача бўлган йўл харитаси, тасавурда бўлсада, назарий жиҳатдан бор эди. Булар секин асталик билан ёйилиб, кейинроқ ошқора суратда, фаолиятга ўтдилар. Қамалдилар ва то шу кунгача, у ё бу шаклда, фаолиятда давом этмоқдалар. Буларнинг Мавороуннаҳр бўйича амири (Саудиядаги Мулла Сайфини укаси,) Ҳафизуллоҳ Носиров эди. Мен у билан, Навоий 46 зонада, бирга ўтирганман. Бирга дробилкада, ишлаганман ва бир неча марта изоляторда, бирга ўтирганман. Хуллас, бу киши бугун амир эмас. У бугун Хизбут Таҳрир аъзоси ҳам, эмас. Яна бир тоифа борки, булар у бу жанг бўлаётган ерларга бориб қолган, ўзбеклардир. Булар қўлига қурол олиб, кимгадир қарши уришар экан, пировард мақсадлари, Халифат қуришликдан иборат эди. Лекин, буларда йўл харитаси йўқ эди. Улар у бу конкрет майдондаги жангда иштирок этиб, шу жанглар оқибатида Халифат қурилади деб, тушунадиган кимсалар эди. Уларда конкрет, қай шаклда, қандай қурилиши ҳақида, аниқ тиник, тасаввур йўқ эди. Жиҳодий манҳаж воситасида, Халифат қуришлик, назарий жиҳатдан бўлсада, аниқ концепцияга эга эмас. Яъни, у бу ердаги конкрет урушни оқибатида, бир давлат қурилиши пайдо бўлади каби, йўл харитаси йўқ. Ҳозир ҳам йўқ. Буларга мисол ИШИДни ва қисман ЎИХни, айтиш мумкин. (Халифат давлатини қуриш концепцияси, Хизбут Таҳрирда ҳам ва бошқасида ҳам, бугунги мавжуд давлатларни чегараларини инкор қилишни ва БМТни инкор қилишни, тақозо қилади) Демак, табиийки, бунақа давлат қурилишига бу давлатлар ва БМТ қарши туради. Шундай вазиятда давлат қуришлик, назарий жиҳатдан бўлсада, имкони бор деган, концепция Хизбутдан бошқасида йўқ. Локал ҳудудда, шариат ҳукми юрадиган давлат қуришлик концепцияси, Толибонда бор. Бу Халифат эмас. Бу бир мамлакат ичидаги, локал лойиҳадир. (Халифат давлати, бутун дунё мусулмонларини бирлаштирувчи, катта империя ҳисобланади.) Бугун, бунга имконият берилиши, даргумон. Бунақа давлат қурилишига, бугун мусулмон мамлакатлари ҳукуматлари, биринчи бўлиб қаршилиқ кўрсатишади. Шунинг ўзи, бу каби ҳаракатнинг асоси, пойдевори йўқлигидан дарак беради. Қолаверса, Обид қори қавмидаги радикаллар шу каби, қуролли гуруҳларга мойил бўлган ва лекин, булар каби, Халифат қуришлик йўлида, жонини қурбон қилишгача борадиган, фидокор шахслар эмасди. Уларда бундай имон ва жиддийлик ҳам, йўқ эди. Улар буларни, интернетдан кўриб, яхши кўриб қолган ва уларга ўхшаб юришни, орзу қиладиган ва лекин, ўзларида Халифат қуришга доир, бирорта манҳажга эга бўлмаган ва манҳажга эга бўлишлик учун, етарлик фаҳму фаросатга ҳам, эга бўлмаган шахслар эдилар. Булардан баъзилари, уларга кўшилиб, лекин, кўшилганига минг пушаймонлар еб юрган, бойота кабилар бўлса, баъзилари, уларга интернетдан комментлар ёзиб, қўллаб туришдан, нарига ўтмайдиганлар эди. Обид қори қавмидаги либераллар ҳам, Исломий ҳукмни инкор этувчилар эмасди. Буни инкор этишлик, диндан чиқарарди.

Улар бундай мақсадга етишлик учун, аниқ тиниқ йўл харитасига эга, эмасдилар. Улар мавжуд Хизбут Тахрир ва Жиходчилар манхажига қўшилмасдилар. Мулла Широнов эса, айнан ихвонлар манхажини, ўзига олганди. Уни бу масаладаги қарашлари, олдинги бобларда баён этилди. Ихвонлар манхажига келсак, у бугунги мавжуд давлатлар ва чегараларни тан оладиган ва имкон қадар, қон тўкмасдан мақсад сари интилишни, назарда тутган, локал лойиҳадир. Бунга кўра, мусулмон мамлакатлардаги диндорлар, сиёсий партиялар ташкил этиб, сайловларда иштирок этиш орқалик, иқтидорга келиш ва аста секинлик билан, мамлакат ичида исломий қадриятни жорий этишни, кўзда тутадиган манхаждир. Яъни, шу маънода айтиш мумкинки, Обид қори қавмидаги либераллар ҳам, исломий ҳукми рад қилувчи, том маънодаги демократлар ёки, муртадлар эмасди. Улар ҳам ислом ҳукмини яхши кўрувчилар бўлиб, унга етишиш учун, бошқа бир йўл харитасига мойил, шахслар эди. Бу харитага биноан, камроқ қон тўкилиши ва нисбатан енгилроқ шаклда, мақсадга эришиш назарда тутилганди. Лекин, жиходий гуруҳлар ва Хизбут Тахрир наздида, бу йўл ботил эди. Улар бу йўл соҳибларини, демакрат деб, масхара қилишарди. Ўзлари эса, Пайғамбар алайҳиссалом суннатини ушлаганмиз деб, ишонишарди. Пайғамбар алайҳиссалом даврида, БМТ йўқ эди. Дунёдаги барча давлатлар, ўзаро келишиб бир мақсад сари бирлашиб, иш қилишмасди. Дунёдаги ахборот алмашилиши бугунгидек, сонияларда амалга ошмасди. Бугун, у киши давридаги каби, локал ва регионал шаклда, уруш қилиб, ғалаба қилиб, хотиржам ўтириб бўлмайдиган, давр эди. ИШИД Ироқ ва Суриянинг қанча ҳудудини, ўз назоратига олди. Агар минг йил олдин шуни қилганида, улар қурган Халифат яшаб қоларди. Бугун, яшаб қолмади. Улар бутун дунёга қарши, уруш эълон қилдилар. Дунё ҳам, уларга қарши уруш эълон қилди. Оқибатини эса, кўрдик. Аммо, савияси паст радикаллар, бунга ақли етишмасди. Улар наздида, шу йўл билан, Халифат қуриш мумкин деб, ўйлашарди. Афсуски, бунақа калта ўйлайдиганлар, жиходий гуруҳлар орасида, жуда кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг катта амирлари ва шайхлари ҳам, сиёсий жиҳатдан етук шахслар эмас.

Хизбут Тахрир ҳам, ўз йўлидаги фаолият давомида, шундай давлатни қуришлик мумкин деб, ишонади. Шу йўлда ҳаракат қилишяпти. Олдинлари оз қолди, дейишарди. Энди, унақа демайдиган бўлишди. Ихвонлар манхажига эса, БМТни инкор қилинмайди. Давлатлар чагаралари, тан олинадди. Мақсад, битта мамлакатда, сайловлар орқалик ҳукуматга келишлиқдир. (Сайловлар орқалик ҳукуматга келишлик, қонуний фаолият қилиш демақдир) шу йўл билан, жамиятда исломий қадриятларни, секин асталик билан тиклашлиқдир. Бунга Эрдўғон манхажини, мисол бўла олади. Мисрдаги Муҳаммад Мурсий ҳам, шу йўл билан иқтидорга келди. Аллоҳ уни мағфиратига олсин! У фитначилар қурбони бўлди. Бу йўл бошқа мусулмон давлатларида ҳам, бугун амалда қўллаш мумкин бўлган ва кўп қурбонлар бермасдан, мақсад сари силжиш мумкин бўлган, йўлдир. Буни на жиходчилар ва на Хизбут Тахрирчилар, тан олади?! Буни, ҳаммаси рад қилади. Қолаверса, сарой муллалари борки, улар ҳам рад қилишади. Чунки, сарой мулласида, Исломий Давлат қуришлик мақсади, бўлмайди. Улар қайси режимда яшасалар, шунга хизмат қилиб, ўтиб кетишади халос. Демак, юқоридагилардан хулоса қилсак, аслида радикаллар ҳам, либераллар ҳам, пировардида, битта мақсад сари, интиладиган шахслардир. Лекин, улар ўша мақсадга олиб борадиган йўл харитасида, келишолмайдилар халос. Жумладан Хизбут Тахрир ва жиходчилар ҳам, шундай. Ислом оламидаги кўпгина гуруҳлар борки, уларда бу каби, стратегик мақсадлар йўқ. Сўфилик тариқатларида, нурчиларда ва таблиғ жамоатида, ва мадхалий салафийларда, бунақа, сиёсий оламшумул мақсадлар йўқ. Бу фақат ихвонларда, Хизбут тахрирда ва Жиходчи гуруҳларда бор, халос. Жиходчиларда ҳам, аниқ тиниқмас. Мақсад бору, йўл харитаси аниқмас. Шу тоифаларга мансуб шахслар, Обид қори жамоасида бирлашишганди. Улар орасида, ўзларини ичидагидан кўра кўпроқ, четдаги у бу жамоалар ҳақида ва уларга муносабатлар масаласида, ихтилофлар чиқарди. Улар ИШИД тўғри қилаяпти деса, булар нотўғри қилаяпти дейишарди. Булар УИХ нотўғри деса, униси тўғри дейишарди. Хизбут тахрирчиларни, баробар нотўғри дейишарди. Шу нуқтада, улар бирлашган эдилар. Лекин, Хизбутлар билан ҳам, дўстона алоқада туришарди. Улардан баъзилари, Стромсундга меҳмонга келишса, уларга яхши муомала қилиб, жўнатишарди.

Уларни манжажи ҳақида, гап сўз қилинмасди. Бу нафақат Обид қори қавмини, балким бутун умматнинг аҳволи шундай эди. Дунёдаги воқеълар ривожи, бу ердаги воқеълар ривожига таъсир қиларди. Булар орасидаги, шу тортишувлар натижасида, буларга янги келиб қўшилганлар ҳам, радикаллашди. Ваҳолонки, буларга умуман алоқаси бўлмаган, эшак Ҳожи кабилар, шу ерда ИШИДчига айланди. Буни сабаби, шу ердаги мавжуд муҳит деб, айтишимиз мумкин. Шу ерда у, ИШИДни тарафини олиб, талашиб тортишадиган, кимсага айланди. У ва унга ўхшаганлар, бу ерга келгунга қадар, бу нарсалардан узоқ ва диндан ҳеч нарсани тушунмаган, кимсалар эдилар. Бу ердаги муҳит, уларни шунақа қилиб, тарбиялади.

Лекин, табиати бевурд кимсалар бўлгани учун, тезда ИШИДни унутдилар. Уларга Халифат қуришлик ҳам, энди кераги бўлмай қолди. Энди улар, Ўзбекистонга бориш ҳаракатига, тушдилар. Агар яна бирор ердан, Халифат пайдо бўлиб қолмаса, уларга энди Халифани кераги ҳам, бўлмаслиги аниқ эди. Булар бари, ахборот алмашиниву тезлиги туфайли, содир бўладиган, локал ўзгаришлар дейишимиз, мумкин. Савиянинг аҳволи, шу бўла туриб, мактабда биринчи синфда ўқиб туриб, шу мактабни ўқитувчиси даражасида бўлган, Шириновга қарши чиқдилар. Унинг даржасида фикрлашга имкону иложи бўлмаганлар, унга ақл ўргатдилар. Ҳожи эшак, уни ота онасини ҳақорат қилди. Мёлбу қавми уни, қишлоқдан бадарға қилди. Ваҳолонки, у Обид қоридан илмда ҳам, ахлоқда ҳам, анча устун эди. Унда Обид қоридаги каби, ўзини катта олишлик, йўқ эди. Унинг "айби" шу, камтарлиги эди. Унинг айби, асов қавми бўйсундиришга, урингани эди. Бемаъно, ёки, амалда бажаришлик имконсиз қонунлар чиқариб, уларни шунга имзо қўйишга ва амал қилишга чақиргани эди. Унинг катта айби, сарой муллаларига, дўстлик изҳор қилгани эди. Гарчи, бу радикаллар ҳам, сарой муллаларига дўст бўлишга уринаётган бўлсаларда, Эшак ҳожи ДХХ билан, шу мавзуда, гаплашиб юрган бўлсада, улар худди шу, ўзлари қилиб юрган ишни, қилгани учун, Шириновни айблашга тушдилар.

Ширинов абгор эшакка салом айтганида, улар ҳам бошқа эшакларга, салом айтишаётган эди. Улар наздида Ширинов ёмон ва уни бадном қилиш, яхши иш эди. Ўзлари ҳам, яширинча, шу ишни қилсада, уларни мақташликни исташарди. Уларни ҳам, Шириновга қўшиб, Танқид қилсам, Ширинов жим турибди. Ҳалигача индамади. Улар эса, менга қарши эшак ҳожини, жангга ташлашди. Қани сизларда, инсоф?! Адолат! Фаросат? Сизларни Шириновдан нимангиз ортиқ?! Ширинов сизлар каби, буқаламун эмас. У турланиб, турмайди. У аввалдан қандай бўлса, шундайлигича турибди. У аввалдан мазҳабчи ва радикал эмасди. Ҳозир ҳам, шундай турибди. Сизлар аввал ҳеч ким эмас, эдингиз. Кейин, Обид қорига мурид бўлдинглар. Кейин, радикал бўлдинглар. Энди Ўзбекистонга бормоқчи бўлиб турибсиз. Сизлар тутуриқи йўқ, бевурд буқаламунсизлар!

Обид қори муридлари, Ўзбекистонга боришга урина бошлашди.

Обид қорига суиқасд уюштиришгач, унинг қавми расво бўлди. Унинг борлигида бу қавм ташқаридан қараганда, бирдек бўлиб турарди. Гарчи, унинг фаолиятдаги пайтида ҳам, ўзаро тортишувлар ва манжажий масалада бўлсин, маҳаллийчилик бўлсин, шунга ўхшаган турли хил, катта кичик келишмовчиликлар бор эди. Бу жанжаллар Обид қоригача етиб борса, у буларни панд насиҳат қилиб, тинчитиб қўярди. Уни отиб кетишгач, ҳамма учун бирдек авторитет бўлган шахс, қолмади. Шириновга радикаллар бўйсунушмади. Ихтилофлар кўпайди ва либераллар Млёбуга кўчиб кетишди. Бу жанжалларни имкон қадар, ташқарига чиқармасликка уринишарди. Мен бу китобимда, улар орасидаги воқеъларни, бир озгинасини ёздим ҳалос. Мен кўп нарсани билмайман. Борини, билганимни ва эшитганимни ёздим. Ўша либераллар Мёлбуга кўчгач, эшак ҳожи у ерга ҳам, кўчиб борди. У ерда фитна фасод чиқарди. Фитначилар сони тобора ортиб борди. Шириновга мухолифлар аслида, ўша, Стромсунддаги радикаллар эди. Баъзи, воқеъа ва ҳодисалар бўлиб, уларга либераллардан, кўп одам қўшилди. Ширинов бошлиқ ултра либераллар гуруҳи, Қалам жамиятига асос солишди. Наригилар Қаламдан воз кечишди.

Ҳозир у ерда Қаламчилар ва унга қаршилар қолди. Ажиб томони шундаки, Қаламчилар ҳам ва унга муҳолифатда турганлар ҳам Ўзбекистонга боришга урина бошлашди. Сарой мулларига ҳам пахта қўйишга уринишарди. Бу масалада улар гўёки, ўзаро мусобақа ўйнашарди. Бу уламоларнинг катта хатоси, айти шу манхаж масаласида, одамларга кенгроқ тушунтириш беришмасди. Масалан, ислом ҳукмини жамиятга қайтаришгача бўлган йўл харитаси ҳақида, гапиришмасди. Бу мавзуда, муҳокама қилишмасди. Буни уламоларнинг ўзлари ҳам, аниқ тиниқ тасаввур қила олишмасди. Абдували қорида ҳам, бундай йўл харитаси бўлган эмас. МСМЮда ҳам йўқ. У буни умуман, истамаган ҳам, бўлиши мумкин?! Обид қорида ҳам, йўқ эди. Самарқандийда ҳам йўқ. Регистонда ҳам йўқ. Зуфарда ИШИД варианти, бор эди. У шуни тўғри дегандек, фикрлар айтганди. Бугун унда ҳам, конкрет харита йўқ. Бошқаларида ҳам, йўқ. Улар ҳаммаси, одоб ахлоқ, таҳорат ва намоз ва талоқу никоҳ ҳақида, "дежурний» маърузалар, қилиб юришади ҳалос. У ё бу жанг майдонида юрганларда ҳам, пировардид мақсад сифатида, бундай мақсад бор. Лекин, улар шу қилаётган жангидан кейин, бу мақсад ҳосил бўлмаслигини, яхши билишади. Уларда ҳам, аниқ йўл харитаси йўқ. Хизбут Таҳрир ва Ихвонларда бор. Буларнинг харитасига бошқалар розимас. Булар бири бирига ҳам, қарши. Бу мавзуда гапирмасликни, афзал кўришади. Бу мавзуда гапиришлик, анави таҳорат ва талоқдан кўра, чандон марта муҳимдир. Бу қавмни бир нуқтага келишига ва шунга қаноат ҳосил қилишгач, тинчгина яшашига замин яратарди. Бу каби нуқсон, бугун ислом умматининг ҳаммасида бор. Ҳозир Шириновни демократ деб, ҳақорат қилаётганлар, нодон кимсалардир. У қанчалик демократ бўлса, Обид қори ҳам шунчалик, демократдир. Булар Обид қорини демократ деб, бадном қилишмайди. Қани буларда адолат?! Агар Обид қори демократ бўлмаса, унда Халифатчи эди, деб, айтинлар ахир?! Буни ҳам асло айтишмайди. Шунда у ким эди?! Обид қори радикаллар ва либераллар орасида, доим аросатда яшаган шахс эди. Кейинроқ у, демократларга мойил бўла бошлади. Бу унга Швеция ҳаёти ва қисман Ширинов таъсир қилгани, натижасидан эди. Яъни, у ўзи тоза демократ ҳам, эмасди. Лекин, у демократия бўлса, мусулмонларга катта эркинликлар бўлишини, шу Швеция мисолида кўрган эди. Агар Ўзбекистонда демократия бўлса, унга шу имконлар Ўзбекистонда бўларди. Унга айти шу керак, эди. У Ислом давлати деган, давлатни ўзи тириклигида кўришдан умиди ҳам, йўқ эди. У Озодлик ва ББСга интервьюлар берганида, айти шу позициядан туриб гапирарди. Абдували қори ҳам, ислом давлати қуриш деган, мавзуда гапирмаган. Ҳатто, қуръонни тафсир қилаётиб, жиҳодга буюрган оятлар жамланган тавба сурасини, тафсир қилмасдан ўтган. У киши замон ва макон талабига қараб, иш қилган ҳикмат эгаларидан эди. Обид қори ҳам, аслида шундай бўлган. У ҳеч қачон Халифат қуриш мавзусида, гапирмаган. Демократияни мақтаган. Шунга қарамасдан, унинг қавми уни демократликда, айбламасдан, Муҳиддин Шириновни айблашади. Булар вазиятга қараб иш қилишган, ҳақимлар эди, дейишмайди. (Бунга Шириновни саломини алоқаси йўқ)

Обид қори ББСга меҳмон бўлганида, шундай бир қалтис саволга шундай жавоб берган. Muhammad Solih Toschkandiy, Madina: Assalomu alaykum Obidhon qori aka. Sizga savolim shuki hozir O'zbekistonda dinga va musulmonlarga qarschi qattiq kurasch ketyapti. Ba'zi musulmonlar fikrida bunga sabab Abduvali qori akaning ochiq da'vatga chiqishlari yoki sizning ochiqdan ochiq hukumatni ba'zi bir urinlarda tanqid qilishingiz yoki musulmonlarni shosqaloqliklari deb aytishadi. Nima deysiz balki da'vat uslubida yanglishildimi? Agar shunday bulsa uzingizni bu tazyiqlarni kelib chiqishiga sababchi va aybdor deb bilasizmi?

Обидхон қори: Бу даъволар асоссиздир ва улар фақат ғараз билан айтилади. Чунки, агар динга ва мусулмонларга қарши курашнинг сабаби, Абдували қори ёки мен бўладиган бўлсак, мана, ҳозир майдонда у киши ҳам, мен ҳам йўқмиз-ку?! Энди нима учун, динга кенг йўл очиб бермаяпти ҳукумат? Нима учун ҳукуматни, танқид қилмаган имомлар ҳам, қамоққа ташланди? Мен ҳозир ҳукуматга содиқ бўлгани ҳолда, сал тақволироқ бўлгани учун қамоқхоналарда, азобу уқубатлар тортиб, касалманд бўлиб чиққан, бир қатор имомларнинг номларини келтиришим мумкин эди. Аммо, бу уларнинг хавфсизлигига зид бўлади, деб ўйлайман.

Ҳукуматнинг ёнини оладиганларга савол: нима учун давлат мусулмонларга ўз уйларида йиғилиб бир-бирларига фақат ва фақат Қуръондан дарс беришларига, рухсат бермайди? Бунинг нимаси жинойят? Агар ҳукумат мусулмонларнинг ихтиёрларини, ўзларига берса, ҳар бир маҳаллада, биттадан Қуръон курслари очилади. Агар ҳукумат мусулмонлар манфаатини кўзлаётган экан, нима учун, дин ҳақидаги қонунда “жамоат жойларида диний либосда юриш мумкин эмас деб, ёзиб қўйибди?!” Нима учун мактабларда, қизларнинг рўмол ўраб келишига бўлаётган қаршилиқлар тўхтамаяпти? Нима учун, қамоқхоналарда, қийноқлар давом этаяпти? Демак, ҳукуматнинг динга қарши қатағонларида, айрим исломий намояндаларни айблаш ёки, мусулмонларнинг шошқалоқлиги деб, гапириш ё, ниҳоятда соддаликдан ёки қалбнинг касаллигидан бўлади. Ўйланг, ҳукуматга муҳолифат йўқ, халқ қашшоқ, аёллар мардикорчилик қилмоқда, болалар ишляяпти. Ўзбек қизлари пул топаман деб, ҳатто Таиландда шармандалик кўчаларига кириб юришибди. Бунга ҳам Абдували қори айбдордиларми? Нима учун мусулмонларнинг ҳуқуқларини тиклаш ҳақида ўйлашнинг ўрнига кучсиз деб, билган одамларига тош отадилар?! Майли, фаразан, янглишмовчилик мусулмонлардан ўтган, улар шошқалоқлик қилишган ҳам дейлик, унда мана орадан 10 йилдан ортиқ вақт ўтди. Аҳвол эса ўша-ўша. Нима учун президентни яхши кўрадиган мусулмонлардан биронтаси, у кишига чиройли насиҳат ёки, маслаҳат билан хат ёзмади? “Жаноб президент, айб қилган мусулмонлар жазосини олди, қамалди, қувилди, ўлди, энди бу ёғига биз ўзимиз қолдик, қолган ишларга бизнинг кучимиз етади. Энди қамоқдагиларнинг ҳаммасини озод қилаверинг, ўғирланганлар ҳақида ўзингиз очиқ бирор нарса денг, ёпилган қатор хусусий мадарасаларимизни қайтадан очишга буйруқ беринг”, деб очиқ айтиш шунақа ёмон нарсами? Хузайфа разияллоҳу анҳу айтадилар: Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деётганларини эшитдим: “Фитналар қалбларга бўйра чўпи каби, битта-битта ёпиша бошлайди. Қайси қалб уларни қабул қилса, унга битта қора нуқта жойлаштирилади. Қайси қалб уларни инкор қилса, унга битта оқ нуқта, жойлаштирилади. Шундай қилиб, икки хил қалб пайдо бўлади. Биттаси шундай оппоқ ва силлиқ тошга ўхшайдики, унга осмонлару ер тургунча ҳам бирор фитна таъсир қилмайди. Иккинчиси эса қорамтир, тўнкариб қўйилган кўзага ўхшаган қалбки, у на яхшилиқни билади ва мункарни инкор қилади. У фақат ҳавосига ёққан нарсага эргашади”.(Муслим, 207). Аллоҳ ҳаммамизнинг қалбимизини Ўзи ислоҳ қилсин. Яхшилиқ нимаю ёмонлик нима эканини аралаштириб юборишдан Ўзи асрасин.

Шу савол жавобларда, Обид қори Абдували қорини, ҳимоя қилган. Диний Бошқармага тош отган. «Нима учун президентни яхши кўрадиган мусулмонлардан биронтаси у кишига чиройли насиҳат ёки, маслаҳат билан хат ёзмади? “Жаноб президент, айб қилган мусулмонлар жазосини олди, қамалди, қувилди, ўлди, энди бу ёғига биз ўзимиз қолдик, қолган ишларга бизнинг кучимиз етади. Энди қамоқдагиларнинг ҳаммасини, озод қилаверинг, ўғирланганлар ҳақида, ўзингиз очиқ бирор нарса денг, ёпилган қатор хусусий мадарасаларимизни қайтадан очишга буйруқ беринг”, деб очиқ айтиш, шунақа ёмон нарсами?» Унинг мана шу сўзи, Диний бошқармага қарши айтилганлиги аниқ. Ва бу сўз адолатли, ҳақ сўз эди. Шу позицияни унда 2007 йилда борлигини кўрамиз. Кейинроқ, у бу мавқеъдан чекинди. Диний Бошқармани, танқид қилмай қўйди. МСМЮни устози деб, сайтга ёзилди. Унинг сайтида Абдували қори ҳақида ҳеч нарса йўқ. Бу унинг қарашларидаги баъзи ўзгаришларга тегишли гаплардир.

Қолаверса, у Umuman Uzbekistonga qaytish niyatingiz bormi, va bu borada qandaydir harakat qilmoqdamisiz. Deylik, hukumat «ba'zi bir shartlar ostida» Uzbekistonga kirishingizga «ruhsat» bersa, qanday munosabatda bolар edingiz, va qanday shartlarga kunar edingiz? ? деган саволга шундай жавоблар берган. Ўзбекистонга қайтиш нияти, ҳар бир соғлом фикрли ўзбекистонлик учун, умумий хислат. Аммо мен бу мақсад билан, бирор ҳаракат қилаётганим йўқ. Ҳукуматнинг Ўзбекистонга қайтувчилар учун қўядиган шартга келсак, биринчидан, агар у шарт мусулмонлик шартларига мувофиқ бўлса, қабул қилиш мумкин. Аммо каминга ўхшаш ҳолатдаги одам, “оғизни юмиб” юриш каби, шартлар асосида, Ўзбекистонга қайтишида ҳеч

бир маъно ёки, фойда йўқ. Эътиқод, фикр ва сўз эркинлиги бўлмаган муҳитда яшаш, зиндон ҳаёти каби, оғир бўлади. Бундан Аллоҳ асрасин. Бир марта бериладиган ҳаётда, яхшини яхши, ёмонни ёмон дея, олмасдан ўтиш, “маъруф”ни тарғиб қила олмаслик, “мункар”га рози бўлгандек сукут сақлаб ёки, шивирлаб яшаш гуноҳ. Тўғри, бу гуноҳдан фақат ожиз ва чорасиз қолган инсонлар, (мустанзъафийн) халос бўлишлари мумкин. Бу айтилганлардан ташқари, ҳукумат халқ олдига ишонччи йўқотган бўлса, масаланинг ечими яна ҳам чигаллашади.

Обид қори бу жавобида ҳам, МСМЮни оғоридига тош отган. МСМЮ айна шунақа келишувга асосан, Ўзбекистонга қайтганди. Обид қори, агар жим юришни шарт қилиб қўйилса, қайтмаслигини айтмоқда. У ватанда, жим юрганимдан кўра, ҳижратда туриб, гапирганини афзал кўрган. Лекин, унга суиқасд бўлганидан кейин, то қарийб ўн йил бўлди, уни ҳақида бирорта маълумот чиқмади. Обид қорининг болалари шунақа, жимликни афзал кўришди. Муридлари эса, ҳукуматни ҳамма шартига кўнган ҳолда, ватанга қайтишга киришдилар. Мен айнан, шуни назарда тутиб, муҳим эслатма деган, қисқа мақолани ёзгандим.

Муҳим эслатма:

Муҳиддин Шириновни тутган позициясига нисбатан шуларни таъкидлайман. Муҳиддин Шириновнинг азал аввалдан тутган йўли, шундай бўлган. Яъни, у ҳеч қачон, на сарой муллаларига ва на ИАК режимига нисбатан, қарши позицияда турмаган. Ҳар ҳолда, бунга ошкора далил, ҳужжат йўқ. У аввал бошдан мазҳабчи ва мўмин қобил, кимса бўлган. Шундайлигича қолаяпди. Унга менинг эътирозим фақат, уни Швецияга келиб, қочоқлик мақоми олиб яшаётганида демак, бошқа нарсада йўқ. У бу ерга, беҳуда келибди. У БМТни алдаб, бошпана олган. У сарой мулласи бўлиб, яшаши мумкин эди. Негадир, шуни қилмаган. Энди саройга интиляпди. У абгор каби, сарой мулласи бўлиши мумкин бўлган, кимса эди. У устози Муҳаммад Иброҳим қамалгани учунми, ёки, Саудияда ўқигани учунми, қўрқиб, ватанга бормасдан, четда қолиб кетган. У сарой мулласи бўлолмай қолган ва лекин, бўлишга лойиқ шахс, халос. Буни ҳукуматдагилар билмаяпди, ҳалигача. Абгорга салом айтишдан мақсад, айна шуни, ҳукуматга билдириш бўлиши мумкин?!

Менинг эътирозим, Обид қорининг атрофидагиларгадир. Улар олдин ким эдилару, бугун ким бўлдилар?! Ҳақни гапириб, жонини қурбон қилганлар, адашганмиди? Уларнинг атрофидагилар, бугун юз хотирни йиғиштириб, ҳукуматга пахта қўйишга тушдилар. Қурбонларни хотирасига, тупурдилар. Улар бугунга келиб, ҳанафий мазҳабидамиз ва оминни, жаҳрий айтиш керакмас, дейишяпди. Менинг эътирозим, ана шуларгадир. Булар нега ўзгариб қолишди? Ширинов йўли тўғрими ёки, Абдували қорини тутган йўлими?! Булар, Обид қорига эмас, Шириновга эргашишяпди, бугун. Хўп, унисига ҳам, майли деймиз. Шуни ошкора айтишсин, ахир. Обид қори ва Абдували қорилар адашган экан. Ширинов йўли тўғри экан, десинлар, ахир?! Улар шуни, ошкора айтишмаяпди. Ими жимида индамасдан, 180 градусга, ўзгариб олишди. Менинг эътирозим, мана шу иккиюзламачиларгадир!

Стокҳолмдаги теракт ва Шириновни Мёлбудан кетиши

Ширинов Стромсунддан Мёлбуга кўчиб, қавмини бир мақсад сари, жамлашга уринаётган пайтида, Стокҳолмда Раҳмат Оқилов деган, Самарқандлик бир ўзбек йигит, теракт содир қилди. Юк машинасида юзлаб одамни босиб кетди. Улардан бештаси, вафот этди. Бу ҳам, Ширинов бошлиқ жамоатга, бир руҳий зарба бўлди. Раҳмат Оқилов деган кимса, Самарқандлик бўлиб, у Швецияга, ноқонуний йўллар билан келганди. Ширинов имкон қадар, Мёлбуга радикалларни яқинлаштирамасликка уринарди. У шу йўл билан, Обид қори қавмини қолган қисмини, бирлигини сақлаб қолмоқчи эди.

Имкон топса, уларни оммавий, Туркияга кўчиришни истарди. Туркияда, Истанбулга яқинроқ бир қишлоқдан, ер сотиб олишга киришдилар. Мақсадлари ҳаммаси, бир ерга жойлашиш ва жамоат бўлиб, яшашлик эди. Шу мақсадда улар, Туркиядан уй ва ёки, уй қуришга ер, сотиб олишга киришдилар. Деярли ҳаммаси, Туркиядан уй сотиб олди. Лекин, битта ердан эмас. Ким қаердан бўлсада, уй олишди. Лекин, у ерга кўчиш ҳам, улар ўйлагандек осон эмасди. Туркия ҳукумати уларни, жамоат сифатида яшашга рухсат бериши керак эди. Туркиядаги афғон ўзбеклари каби, ҳаммаси бирга яшашни исташарди. Туркия буларни, Ўзбекистонга бериб юбормасликни ҳам, кафолатлаши лозим эди. Шу мақсадда баъзи, расмий доираларга чиқишга уринишлар бўлди. Лекин, бу иш кутилган натижани бермади. Қавми ичига, эшак ҳожи каби, радикаллар келишни бошлаганди. Ширинов улардан қутулишни, йўлини билмасди. Раҳмат Оқилов шу ерда яшаб қолиш мақсадида, бошпана сўраганди. Унга рад жавоби берилади. Уни Самарқандда хотини ва болалари қолганди. Оиласидан ажралган бўлиб, ўзича дайдиб юрганди. Стокҳолмда юрган пайтида, у бу ерга ишга кириб, ишлашга ҳам, ҳаракат қилганди. Хуллас, у шу пайтларда интернет орқалик, ИШИД сафидаги, постсовет ҳудудидан борганлар билан алоқага чиқади. Чечен миллатига мансуб кимса, у билан нет орқалик, доимий алоқада бўлган. Шу кимсанинг тузган режасига биноан, Раҳмат Оқилов Стокҳолмда, юк машинасини олиб қочади. Машинани одамлар гавжум юрадиган кўчада, одамлар устига ҳайдаб, юзлаб одамни босиб, янчиб кетади. Шулардан 5 таси вафот этган. Қолганлари турли шаклда жароҳатлар олишганди. Бу ишни у, ўша ИШИДдаги, чеченни амрига биноан қилганди. Бу ИШИДни раҳбариятини, амри эмасди. Бу улар сафидаги, оддий солдатни амри эди. Содда ўзбеклар, уларнинг кимлигини билмаслиги туфайли, уларнинг қурбонига айланишганди. ИШИД бу теракт учун, масъулиятни ўз зиммасига олмади. Раҳмат Оқилов иши, уларга керак эмасди. Швеция дунёдаги, жуда кўп мусулмонларга бошпана берган диёр эди. Швеция Фаластинни мустақил давлат деб, тан олган, мамлакат эди. Бу давлат, бирорта ислом давлатига тажовуз қилмаган давлат эди. Бунга қарши теракт уюштириш ҳатто, энг даҳшатли қонхўр гуруҳ бўлмиш ИШИДга ҳам керак эмасди. Лекин, шу ишни, Раҳмат Оқилов қилди. Бунгача ҳам, дунё бўйлаб, ўзбеклар томонидан қатор терактлар содир қилинганди. Буниси Стокҳолмда қилиниши, Шириновни анча гангитиб қўйди. У ўз қавмидан Самарқандийни ва Зуфарни эшитмасликни талаб қилди. Ваҳолонки, Самарқандийни эскидан танирди. У билан битта жойдан эди. Булар орасидаги ихтилоф манҳажда эди. Буларга ўз жойида алоҳида тўхталамиз. Хуллас, Стокҳолмдаги терактдан сўнг, Ширинов ўзларига нисбатан ҳукумат томонидан, босимлар бўлишидан хавотирга тушади. У қавмини тўплаб, қўлларига «Биз террорга қаршимиз!» деб ёзилган, плакатлар кўтариб, Мёлбудаги Коммун олдида, намойишлар ўтказди. Ўзини қавмига, швед журналистларини таклиф қилиб, уларга масжидини кўрсатди. Одамлар билан, суҳбатлар уюштирди. Швед матбуотига ўзлари ҳақида, мақолалар ёздирди. Видеолар қилдирди. Булар бари, эҳтиёткорлик учун эди. Ширинов Швед ҳукуматига, «бизлар яхши одамлармиз. Террористлар эмасмиз» деган, мессенжни йўллаганди. У швед давлати, буларни барини ушлаб, депорт қилиб юборишидан хавфсирарди. Буниси энди, ортиқча эди. Намойишлару, газеталарга интервьюлар беришлиги бари, шу хавотир учун эди. Ислом овози сайти ҳам, бу масалада, жим турмади. Улар ҳам ўз сайтида, Раҳмат Оқилов Обид қорига алоқаси йўқлигини, ёзиб чиқди. Ислом овози сайтидан иқтибос: Ўтган йилнинг апрел ойида Стокгольмда содир этилган террор ҳужуми учун айбдор деб кўрилаётган Ўзбекистон фуқароси Раҳмат Акилов, суриштирувлар натижасида маълум бўлишича, устозимиз шайх Обидхон қори Собитхон ўғилларининг обрў-эътиборларидан ўзининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланмоқчи бўлган. У Швецияга келган илк кунларида, ўзини Обидхон қорининг тарафдори экани, Ўзбекистонда унга катта хавф борлигини, ватанига қайтса ҳукумат томонидан тазйиққа учрашини даъво қилган. Аммо Швециянинг тегишли идоралари Р. Акиловнинг сўзларида ҳеч қандай асос йўқлиги учун унинг бошпана сўраш талабини рад этганлар. Акилов Р.нинг хатти-ҳаракатлари, дунё қараши ва диндорлик ҳолати воқеликда иддао қилаётганидек эмаслиги маълум бўлган. Бинобарин, унинг сўзларида ростлик йўқ деб топилди, Швецияни тарк этиши тўғрисида қарор қабул қилинган. Аммо Раҳмат Акилов ҳуқуқ-тартибот идораларидан яширин ҳолда, Швецияда ноқонуний яшашда давом этган.

2017 йил 7 апрелга келиб, Стокгольм шаҳрининг марказида, тўхтаб турган юк машинасини ўғирлаб, тўсатдан пиёдалар юрадиган кўчага ҳайдаб кириб, одамларни босиб кетди. Натижада 5 инсон ҳалок бўлди. Уларнинг энг кичиги, 11 ёшлиқ қизчадир. 10 дан зиёд одам жиддий жароҳат олди. Бу жирканч террор хуружи ортидан Р. Акилов кўлга олиниб, бир йил давомида, атрофлича тергов қилингани айтилмоқда. Ниҳоят, келаётган сешанба куни унинг суди бошланади. Бу борадаги янгиликларни Швеция матбуоти, батафсил ёритиб бормоқда.

Шайх Обидхон қори маърифатпарвар инсон

Шу ўринда эслатиб ўтиш зарурки, Швеция шайх Обидхон қори Собитхон ўғилларига 2006 йил Ўзбекистон ҳукуматининг таъқиб ва тазйиқларидан қутқариш мақсадида сиёсий бошпана берган. У киши ўшандан бери оилалари билан Швецияда махсус ҳимоя остида истиқомат қилиб келмоқдалар. Кўпчиликка маълум, 2012 йил уюштирилган ваҳшиёна суиқасд ҳаракати оқибатида Қори ака оғир жароҳатланганлар. Швеция маҳкамаси ва ҳуқуқ-тартибот идоралари бу суиқасд ҳаракати ортида Ўзбекистон МХХ си турганига далолат қилувчи, жиддий ишоралар борлигини айтиб келишади. Бу ишга алоқадор деб, топилган бир неча инсонлар маҳкамага тортилган ва асосий ижрочи Ўзбекистон фуқороси Юрий Жуковский бир умрли қамоққа ҳукм этилган. Шу билан биргаликда Швеция ҳукумати Ўзбекистон томонининг бўҳтонларига, асоссиз айбловларига жавоб ўлароқ, шайх Обидхон қори ҳақ учун курашадиган маърифатпарвар инсон эканлигини, у кишининг фаолияти, маъруза ва асарлари доимо исломий таълим-тарбия, одоб-ахлоқ йўналишида бўлганини таъкидлаб келади. Шайх Обидхон қорининг халқ ўртасида ҳурматлари баландлиги сабаб, бундан ўзининг моддий ва ижтимоий манфаатлари йўлида фойдаланмоқчи бўладиган инсонларни кўп учратиш табиийдир. Асоссиз даъволар Швецияда давлат идораларига ўзини мазлум ва ёрдамга муҳтож инсон қилиб кўрсатиш асносида Обидхон қорининг номларини суистеъмол қилиш ҳаракатларига юзлаб мисоллар борлиги айтилади. Шайх Обидхон қорига ўзини ё у – ё бу шаклда яқин инсон сифатида танитишга урунишлар жуда кўп. Бундай ҳолатлар анча йиллардан буён дунёнинг бир қатор мамлакатларида кузатилмоқда. Унутмаслик керакки, Швецияда шайх Обидхон қорининг номларини суистеъмол қилиш орқали сиёсий бошпанага эришиб бўлмайди. Бу ҳолат қачонки инсоннинг ҳаёти ҳақиқатдан ҳам хавф остида қолганини росмана йўллар билан исботлансагина амалга ошиши мумкин ҳолос. МХХ Агентлари Боз устига, Ўзбекистон МХХ си томонидан Швецияга айғоқчи қилиб юборилаётган кимсалар ҳам мавжуд. Улар ҳақида талайгина маълумотлар бор. Айниқса, шайх Обидхон қори ва у кишининг издошларига тегишли маълумотларни тўплаш, умуман олганда Швециядан бошпана олиб ҳаёт кечираётган кўпдан-кўп мусулмонларни кузатиб, МХХ га етказиб туриш амалиётлари ҳақида тез-тез хабарлар чиқиб туради. Биз – мусулмонлар бундай разил мақсадли кимсаларга Аллоҳнинг Ўзи кифоя қилсин деб дуо қиламиз. Барча беайб инсонларни уларнинг ёмонлигидан асрасин, қилаёган бузғунчиликлари ўзига уриб, даф бўлсин. Меҳрибон Парвардигоримиз барча мазлум инсонларга нажот берсин... «Ислом Овози» таҳририяти

Нодон қавм, на Ислом овозини ва на Широнови, бу уринишларини тушунмадилар. Улар Широновга эргашиб, Туркияга ҳам кетмадилар. Ҳаммасини Туркияда уйлари бор. Бу уйлари, ижарага бериб қўйишибди. Бирортаси, у ерга бориб яшамоқчи эмас. Буларнинг болалари, Туркия бориб яшашни ҳам, истамайдилар. Болалари ота онасига, бўйсунмай қўйишган. Болаларини бошқаришга, кучлари етмай қолди. Улар ота оналари қўйган рамкада, юришни иташмасди. Туркияга кўчишдан мақсад, шу болаларни, у ерда мадрасаларда ўқитишлик эди. Булар, Швеция обу ҳавосига ўрганиб қолишганди. Ота онасига қаршилиқ кўрсатишарди. Болалари ёшлиқда кўчиб кетганлари, кўчиб қолди. Бошқаси расво бўлди. Бу ихтилофлар даврида, кўпчилик диндорлар Мёлбудан кўчиб, турли томонларга тарқалиб кетишди. Кимдир Стокхольмга кетди. Кимдир яна, қаерга кетди?! Обид қори қавмидаги ихтилофлардан безор бўлганлари, у жамоатдан қочиб қутулдилар. Қолганлари кўчолмай қолиб кетишди. Бу ёғига, вақт ўз ҳукмини ўтказа бошлаганди.

Болалар катта бўлган ва улар билан ҳисоблашиш, шарт эди. Кимнидир боласи, ўта радикал бўлиб, ИШИДга кетса, кимнидир боласи, наркоман бўлиб қамалиб кетди. Болаларига куч етмаётган ота оналарга, Ширинов ҳукмронлиги ҳам ортиқчалик қилди. Улар Ширинов чиқарган қоидани, рад қилишди. Унга муҳолифлар сони кўпайди. Уни атрофида озгина одам қолди. У Мёлбунни тарк этиб, Лундга кўчиб кетди. Ўзи шу Лунддан Стромсундга келганди. У ердан Мёлбуга келди. Кейин, яна қайтиб, ўз юртига Лундга кетди. Ҳозир Стокҳолмда яшайпти. Бефаросат номлик акаси билан олди қочди суҳбатлар қилиб, Қалам сайтига қўйиб бормоқда. Шу ерда уч тўртта одам билан, алоқаси бор. Булар ҳам, Қалам аҳли бўлиб, шулардан бошқаларга, Ширинов ҳукмронлиги ўтмай қолган. У энди Туркияга кўчиш режасидан ҳам, воз кечди. У энди, Ўзбекистонга боришни истайди, халос. Эшакка юборилган салом, ўша мақсаддаги уринишлардан бири эди. Шириновни бадарға қилган, Мёлбу қавми ҳам, бугун Ўзбекистонга боришга уринаяптилар. Бугун уларнинг йўллари, шу нуқтада яна бирлашди. Пароканда бўлган ва турли томонга тарқаб кетган қавм вакиллари, ўз ҳолича якка якка Ўзбекистонга боришга, йўл излашяпти. Кимдир ДХХ билан, кимдир Прокурор билан, кимдир Милиция билан, гаплашмоқдалар. Кимлардир, Тошкентда юришибди. Довуд эса, отаси ҳақида ҳеч кимга гапирмасдан, жим ўтирибди. Мен Довудга бу мавзуда, бошқа гапирмай қўйдим. Чарчадим. Шу йил суиқасдга 9 йил бўлди. Шу муносабат билан, кичик бир мақола ёзгандим.

Суиқасдга 9 йил бўлди

Обид қори Назаровга, 2012 йил, 22 февраль куни, Швециянинг Стромсунд шаҳарчасида, суиқасд уюштирилди. 22 февралда бу суиқасдга 9 йил тўлди. Шу пайтгача Обид қорини видеога олиб, халойиққа кўрсатилмади. Соғ одам, 9 йилдан бери, яшириниб ўтириши мумкинмас, албатта. Демак, уни соғлиги, аввалгидек эмас. Ё гапиролмайди, Ё юролмайди. Ё қайсидир органи, ишламайди. Хуллас, нормал одам эмас. Нормал бўлганда бу пайтгача, бир кўрсатишлари керак эди. Аммо, қандай бўлсада, шу аҳволда кўрсатсаларлар ҳам, бўларди. Уни касаллиги, уни айби эмас. Бу ИАКни, айбидир. Лекин, яқинлари уни, ўлгунга қадар кўрсатиш ниятлари, йўққа ўхшайпти. Бир куни вафот этди, деган хабарини айтиб қолишлари, мумкин. Буни ўқиб, вой дод қори акага ўлим тилаяпти, деманглар. Мен эртами кечми, ҳамма ўлишини назарда тутаяпман, халос. Ўлимни гапирган ҳам, гапирмаган ҳам, ўлади. Қўрққан ҳам, қўрқмаган ҳам, ўлади. Бусиз иложи йўқ. Қори ака, касал бўлса ҳам, соғ бўлса ҳам, ажали етган кунгача яшайди, халос. Жумладан бошқалар ҳам. Лекин, уни яшириб кўрсатмай ўтиришлик, катта хато иш деб, ҳисоблайман. Қандай бўлса ҳам, кўрсатишлик керак эди. Соғми, ногиронми, қатъий назар, одамлар кўришлари керак эди. Чунки, у омма ичида, машҳур шахс эди. Энди қиёматга қолди, шекилли у билан, дийдор кўришишлик ҳам?! Валлоҳу аълам! Отасининг муридлари бугун, Ўзбекистонда юргани ва пароканда бўлиб, бир бирига қарши тургани учун, Довуд булардан қўлини ювиб, қўлтиғига ургандир балким?! У шулар сабаб, отаси ҳақида, уларга гапирмаса керак?! У шулардан хавфсираса керак?! Жуковскийга подвални эшигини очиб берган ҳам, шулардан бири бўлиши мумкин?! Жуковский Обид қори отиб, подвалга тушиб, нариги томонидан чиқиб кетган. Бу подвал эшиклари, калитсиз очилмайди. Жуковскийда, калит бўлиши мумкин эмасди. Подвал эшиги очиқ бўлиши ҳам, мумкин эмасди. Бу эшиклар автоматик ёпилади. Шу уйда турувчилардан кимдир, эшикни очиб қўйган деган, тахминлар бор. Шу уйда турадиганлардан бири, ҳозир Тошкентда юрибди. Суи занн билан гумон қилинган, бошқалар бўлди. Бу суиқасдга мутлақо алоқаси бўлмаган Ширинов эса, охир оқибат бу қавм томонидан, бадном қилиниб, Мёлбудан бадарға қилинди.

5 боб тугади

Бу бобда хорижда юрган диндор Қаршиликлар гуруҳи кирдикорлари ва исломий жамоларнинг манхажий ихтилофлари, зикр қилинади.

Исроил элчихонаси олдидаги намойиш

2010 йилда Исроил томонидан, ғазо секторига бомбалар ёғдирилди. Бу ҳужумлар рамазон ойида бўлиб ўтганди. (2014 йилда ва бу йил рамазонда ҳам, айти шу, такрорланди) Ўшанда мен Бойотага шу қирғинбаротга қарши намойиш ўтказиш керак. Обид қори қавмида имконият бор. Шуни қилсалар бўлмайдими? дегандим. У Стромсундга бориб турарди. У илм фан шайдоси бўлиб, ҳар ҳафтада бўладиган, одоб ахлоқ маърузасини, эшитиб келарди. Бу одамга қойил қолиш керакки, сувдан қуруқ чиқишга уста эди. У ўша эшитган маърузаларидан бирортасига, умри давомида, амал қилган одам эмас. У шунчаки, ўйнаб келишга борарди. Хуллас, у келиб, менга, агар полицияга ариза бериб, намойишга рухсат ололсангиз, улар келишади экан, деди. Бу гапни мен шундай тушундимки, улар ўзларини ташкилоти номидан, рухсат олмақчи эмаслар. Бошқа бировлар рухсат олсалар, улар қатнашиши мумкин экан. Бу масала, Ўзбекистонга алоқаси йўқ эди. Бу дунё мусулмонларига алоқадор, халқаро масала эди. Шунинг учун, Стокҳолмдаги масжидларга ҳам эълон берилса, улар ҳам қатнашиши мумкин деган, фикрлар айтилди. Бойотани Стокҳолмда ишлаб юрган, меҳнат муҳожирини бўлган, Тошкентлик танишлари бор эди. Уларга айтадиган бўлди. Мен Швецияда рўйхатдан ўтган ҳуқуқбонлик ва сиёсий, ижтимоий фаолият билан шуғулланувчи бўлган, Таянч ташкилоти номидан, полицияга ариза бердим. (У пайтда бу ташкилот раиси Канададаги Акмал Хайдаров ва унинг муовини, Хасан Темиров эди) Камина шу ташкилотни, матбуот котиби эдим. Амалда ташкилотнинг ҳамма иши, фақат менинг зиммамда эди. Каттаконлар, ҳеч нарса қилишмасди. Заррача бўлсада, виждонлари қийналмасди. Швецияда полицияга намойиш ўтказиш учун ариза беришлик, интернет орқалик амалга оширилади. Хуллас, мен аризамда, камида юзта одам қатнашади деб ёздим. Стромсунддагилар келишса, Стокҳолмдаги масжидлардагилар қўшилсалар, юздан ҳам ортиқроқ бўлиши мумкин деб, ўйладим. Буларни Бойотани гапига кириб, қилдим. Уни нормал одам деб, ўйлардим. Полициядан рухсат берилди. Намойиш кунини ва вақтинини белгиланди. Исроил элчихонаси олдида ҳам, борадиган бўлдик. Хуллас, бизни қишлоқдаги уч тўртта одам, бир машинада намойишга кетдик. Стокҳолмдаги майдонга тўпландик. Режа бўйича, у ердан пиёда юриб, Исроил элчихонасига, боришлик керак эди. Майдонга бориб турсак, мени олдимга полиция каттаси келди. У менга намойиш ўтказишга рухсат берилган, қоғозларни берди. Мени ҳужжатимни текширди. Ва менга, улар бу намойиш тугагунга қадар, кузатишларини айтди. Зарурат бўлса, унга мурожаат қилишимни айтиб, кетди. Атрофимизни полиция машиналари босиб кетганди. Мен аризада, юзта одам деб, ёзгандим. Бизни намойишни кузатиш ва ҳимоя қилиш учун, камида икки юзта полициячи келганди. Бизлар анча кам, эдик. Стромсунддагилар келишди. Қарасак, уларда плакатлар йўқ. Мен ҳайрон бўлдим. Бойота сизларни плакатлар билан келади, дегандику дедим. Мусо деган, трехкратний хожи бор. (Асли исми Дилмурод) У Бойотани яқин қадрдони бўлади. Бойота, мен Мусога айтганман деб, туриб олди, қизариб. Мусо келди. Унда ҳам, плакатлар йўқ эди. Хуллас, Стромсунд қавми, ҳеч нарса сиз келишганди. Бойота уларга айтганми, йўқми, билмадим. Хуллас, шарманда бўлдик. Полициячилар биздан кўп ва бизлар ўттиз киши атрофида эдик, халос. Яна бизда намойиш қилишга, қўлда кўтариб туришга микрофон йўқ эди. Плакатлар йўқ эди. Буларнинг барини, улар қилиб келишлари керак эди. Шорасул ака (Бойота) билан, шунга келишгандик. Унга ишониб, бир иш қилиш мумкинмаслигини исботлади. Хуллас, шу ерда магазинга бориб, плакатлар олиб, мегафон олиб, калам олиб, плакатга, у бу нарсалар ёздик. Юзлаб полиция бизга ҳайрон бўлиб, қараб туришди. Расво бўлдик. Хуллас, шу аҳволда плакат кўтариб, Исроил элчихонаси томонга кетдик.

Полициячилар намоёйишчилардан кўп эди. Араблар ва бошқалар, келишмади. Фақат ўзбеклардан иборат бўлган, ўттизга яқин одам намоёйиш қилдик. Элчихонани олдига боришга, рухсат беришмади. Узоқроқда туриб, бақириб, чақириб, хуллас намоёйишни тугатдик. Буларни барини, видеоаппаратга бир киши суратга олди. Мен унга илтимос қилгандим. У пайтларда ҳозиргидек, телефонларда суратга олинмасди. Смартфонлар йўқ эди. Видеоаппарат бўлмаса, суратга олиш, имконсиз эди. Бу намоёйиш ҳақида, Таянч сайтига мақола ёзиоқчи эдим. Лекин, йўлда келаётсак, Стокҳолмда яшайдиган ўзбеклардан бири ҳалиги, видеочини қўлидаги аппаратни олиб, кетиб қолди. У кимса бефаросатни муридларидан бўлган, шахс бўлиб, у бу видеони оммага чиқишини, истамас экан. Уни тополмай қолдик. Видеочини одам, Стокҳолмда яшайдиган меҳнат муҳожирини эди. У ўзим топиб, ундан аппаратни оламан деб, кетди. Биз 500 кмлик масофага, уйга қайтдик. Хуллас, бу қилган ишимизни, бирор маъною мантиқи бўлмади. Энди бу ҳақида сайтга мақола ёзишга ҳам, имкон бўлмади. Биз Аллоҳ учун намоёйиш қилдик. Сайтга чиқариш учунмас. Бизга кўз кўз қилиш керакмас, дейишди, баъзи иштирокчилар. Уйга келиб, Канададаги Акмалга, шунақа шунақа бўлди деб, гапириб бердим. Чарчаб ухлагани ётдим. Акмал эса, Стромсундни танқид қилиб, бир мақола ёзиб, сайтга чиқарибди. Унда намоёйиш дегани, ошкора қилинадиган амал ва уни яширин қилинмайди деган. Агар сайтга қўйишни истамасанглар, уйда намоёйиш қилсанглар бўлмасмиди? деган экан. Хуллас, уларни огородига тош отилганди. У замонлар улар, сал нарсани ҳам кўтаролмайдиган пайтлар эди. Эрталабдан менга Абдулвоҳид телефон қилди. Нега бизга қарши мақола ёздингиз? У бу гаплар деди, хуллас, мен ёзмадим дедим. Улар бари бир бўлиб, мени қоралашди. Мен уларга мақолани, мен ёзмадим десам ҳам, қулоқ солишмасди. Бу сайтга мақола қўйишга, Акмални ва Ҳасанни ҳам, достуни бор эди. Мақолани ёзган улар ва балого қолган, мен бўлдим. Стромсунд ўшандан бошлаб, мени ёмон кўриб қолди. Гарчи, бу ерда мени айбим бўлмасада, улар томонидан бадном қилингандим. Қолаверса, намоёйишга тайёрланмасдан келишлари аслида, уларнинг айби эди. Тўғри, мен уларга эмас, Бойотага айтгандим. У касофат, буларга айтганми йўқми, билмадим. Намоёйиш, расво бўлганди. Охирида эса, бу намоёйиш ҳақида, ҳеч қаерда маълумот берилмади. Ваҳолонки, намоёйиш сирли ибодат, эмасди. Ибодатни риёдан сақланиб, яширин қилиш керак. Намоёйиш, яширин қилинмайдиган нарса эди. Охир оқибат, Стромсундни ғазабига учраган, мен бўлдим. Бу Акмал деган касофатни, менга етказган зарарларидан бири эди. Ҳасан Темиров икки йил давомида, шу сайтга бирорта мақола ёзган эмасди. Акмал ҳам ўша мақоладан, бошқа нарса ёзмаган. Улар ёзган мақолани ҳам, таҳрир қилмасдан сайтга қўйиб бўлмасди. Булар бир фикрни, нормал ифода қилишга ҳам, лаёқатлари етмасди. Шунақа одамлар бугун, ДХХ назоратидаги Азон Уз сайтига, мақола ёзишяпти. Ҳасан Темиров гарчи, ўзи лафзида турмайдиган бевурд кимса бўлсада, ўзини уламо санаб, Азон узга мақола юбораяпти.

Azon.uz - Ахборот-таҳлилий портали уни, **Соддалик бошқа, лақмалик бошқа...**мақоласини чоп этди. Ўзи одамларни, доим алдаб юрадиган фирибгар, қадимги фирибгарлар ҳақида, мақола ёзибди. Бу мақола сихни ҳам, кабобни ҳам куйдирмайдиган услубда, ёзилган бўлсада, булар чоп этилган сайтни, ДХХ назоратида эканлигини биламиз. Демак, Ҳасан Темиров ДХХга, шундай мессенж юбораяпти. «Мен Ўзбекистонга қайтишни истайман. Мен яхши одамман. Уламоман. Мени ҳам, ҳисобга олинглар. Хизматлар бўлса, бажаришим мумкин»

Мубашшир Аҳмадга тегишли бўлган бу саҳифа, унинг сафсатасини босиб чиқараяпти. Бу ерда Мирзиёевни танқид қилинса, босишармиди? Буни ўзи, уни танқид қилишга журъати етармиди? Динга қаршиликларни кўра била туриб, улар ҳақида, лом мим демасдан, олди қочдилар ёзишган. Ҳасан диний уламо эмас. У ҳатто, оддий нормал, мусулмон ҳам эмас. Унга ҳали, башарасини ақллик қилиб, одамларга одоб ахлоқдан дарс беришга, анча қовун пишиғи бор эди. Лекин, қаерда одоб ахлоқдан дарс бераётганларни қарасангиз, шунга ўхшаган фирибгарлар эканини, кўрасиз. Ҳасанни мошеник экани, бир томондан тушунарлидир. Унинг устози, Бефаросат номлик, профессионал мошеник, бўлади. Гарчи Ҳасанни мақоласида, жиддийроқ, пичоққа илинадиган нарсалар бўлмасада, булар бари, юқорида айтган, мессенжни ташишга хизмат қилади. Эҳтимол, ДХХ буларга нисбатан, фикри

ўзгаргандир? Эҳтимол булардан қандай қилиб, фойдаланишни, ўйлаётгандир?! Эҳтимол булардан, алла қачон фойдалана бошлагандир. Бу томонлари менга, ҳозирча сир. Шуниси аниқки, булар ҳаммаси бугун ДХХ билан, алоқада турибдилар. Эшак ҳожи буни ўзи ҳам, тасдиқлаган. Бошқалари тасдиқламасада, шунини қилишяпти. Аини замонда, шунга интилаётган Муҳиддин Шириновни масхара қилиб, демократ деб, алжирашяпти. Қани энди, бу ерда инсоф ва адолат?! Мёлбудагилар ичида, виждонли одамлар қолган бўлсалар, бунга эътироз билдиришлари лозим эди. Улардан садо чиқмаганига қараганда, демак, қолган эмас.

Қозоғистон 29 та ўзбек қочоқни, Ўзбекистонга депорт қилгани

2011 йил 9 июн куни Олмаота ҳибсхоналарида, роппа-роса бир йилдан буён сақланиб келган 29 ўзбек қочқинларининг барчаси, Ўзбекистонга экстрадиция қилинди. БМТнинг Қийноқларга қарши кўмитаси ҳам, бу шахсларга оид ишни текшириб чиққунга қадар, уларнинг Ўзбекистонга экстрадиция қилинмаслигини сўраган эди. Бу шахсларнинг ўз юртида қийноқларга солиниши мумкинлиги ҳақидаги хавотир ва огоҳлантирувларга қарамай, Қозоғистон ҳукуматининг уларни, Ўзбекистонга экстрадиция қилди. Булар бари Олмаотага оиласини олиб келиб, бирга яшашаётганди. Улар бари, БМТ томонидан берилган, қочқинлик ҳужжатига эга эди. Остона 29 қочқиндан ташқари яна, тўрт ўзбек қочқинини Ўзбекистонга экстрадиция қилган эди. ДХХ билан КНБ ўзаро келишган ва ўзбек қочқинларини четга чиқиб кетишларини олдини олишга киришганди. Бу ШХТТ доирасидаги ҳамкорлик натижаси эди. Улар Обид қорини ва муридларини, шу ердан Швецияга кетганини ва кейин ҳам, шу ердан унинг олдига, кўплаб одамлар келишаётганини билишарди. Бу ишлари билан улар, Обид қорини олдига бормоқчи бўлган, муридларни тўхтатишга уринаётганди. 2010 йилнинг 8 сентябр куни, Олмаота шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Ташкенбай Аубакиров Қозоғистон Бош прокуратураси ҳибсхонадаги ўзбек қочқинларини Ўзбекистонга экстрадиция қилиш ҳақида, қарор чиқарганини билдирган эди. Март ойида Олмали туман суди Қозоғистон Бош прокуратурасининг 32 ўзбек қочқинини, Ўзбекистонга экстрадиция қилиш бўйича қарорини қонуний деб топди. 14 апрел куни куни ўтган маҳкамада Олмаота шаҳар суди судяси Ермахан Дилдабаев, Олмали туман судининг мазкур қарорини, тўғри деб топиб, уни ўз кучида қолдирди. Ўзбекистонга депорт қилинган 29 та қочқиндан, қуйида 20 тасини исми шарифи бор. Бошқаларини кимлиги аниқмас. Абдор Қосимов, Турсунбой Сулаймонов, Муҳитдин Ғуломов, Файзуллахон Акбаров, Сухроб Бозоров, Тоиржон Абдусаматов, Шухрат Ботиров, Дилбек Каримов, Ойбек Қўлдошев, Шухрат Холбоев, Алишер Ҳошимов, Маъруф Йўлдошев, 237 Саидакбар Жалолхонов, Аҳмад Болтаев, Улуғбек Остонов, Қобилжон Қурбонов, Ойбек Пўлатов, Ўктам Раҳматов, Исобек Пардаев, Сирожиддин Толипов. Бу қочқинлар барини исм фамилиялари, матбуотда очиқ ҳолда мавжуд эмас. Шуниси аниқки, булар Тошкентлик ва Қашқадарёлик йигитлар бўлган. Булар орасида Обид қорига таниш шахслар ва хориждаги Қашқадарёликларга, таниш шахслар бўлган. Булар бари Ўзбекистонга кетиб, қамалиб кетишди. Буларнинг аёллари, қўлларида болалари билан сарсон бўлиб қолишди. Баъзилари, Ўзбекистонга қайтиб кетдилар. Баъзилари, Россияга ва Туркияга кетишди. Даниядан яшайдиган Байрамали Юсупов, мана шу қочқинлардан баъзиларини, Олмаотага келишига сабаб бўлганди. Унинг ҳижрат қилиш вожиб бўлди деган, фатвосига кўра, ўз уйида ўтирган оддий намозхон йигитлар оиласини олиб, яширинча йўллар билан Олмаотага келиб, БМТга бошпана сўраб, ариза топширишган. Лекин, Қозоғистон уларни ушлаб қайтариб юборгач, бари қамалиб кетишди. Улар уйларида ўтирганида, уларга тегмаётган ментлар, энди барини қамашди. Уйларида, уларга тазйиқлар бўлаётгани айтилганди. Булар, менимча намозхон йигитлар бўлган. Қандайдир назоратга тушиб қолишганди. Менинг масжидимга қатнаганлар ҳам, худди шундай бўлишган. Улар доим назоратда турганлар. Лекин, уларни қамашмаган. Оммавий қама қамада, баъзилари қамалишган. Бошқаси ҳалигача уйда яшашяпти.

Булар ҳам, шулар каби йигитлар бўлганлар. Улар ортига қайтарилгач, қамалиб кетишди. Хотинларини баъзиларига, булар Туркияга боришига ёрдамлашдилар. Эри қамалган хотинни, Туркияга кетиши менга тушунарсиздир. Хотинни вазифаси, уйда ўтириб, болаларига қараш ва имкон топса, эридан хабар олиб туришлик эди. Аммо, буларнинг хотинлари, тўдаланиб, Туркияга кетишди. Эрилари қамоққа кетишди. Шу каби, эри қамалиб кетган аёлларни, Туркияга олиб келиб, улардан бирига Эшак ҳожи уйланиб ҳам олди. Уни Швецияга олиб келмоқчи бўлиб қилган уринишлари, самара бермагач, уч боласи билан талоқ қилди. Хуллас, бу можарода Байрамали Юсупов, катта рол ўйнаган. Аниқроғи унинг ҳижрат вожиб бўлди деган, фатвоси сабаб бўлиб, кўп одамлар сарсон бўлдилар. Ҳаммани ҳижратга чиқишга чақирган полвон йигитни ўзи, кейинчалик, Каримов ўлгач, уйига бориш ҳаракатига тушди. У ментлар билан гаплашиб, уйига боришга йўл излаётганини ҳам, сир тутган. Аммо, бу тасодифан очилиб қолди. 29 қочоқ қамалиб ётган пайтида, Обид қори қавмидан бир гуруҳ ташкил этилди. Бу гуруҳда Толиб Ёқубов ва Муътабар Тожибоева ҳам бор эди. Бу гуруҳ шу 29 қочоқни озод қилиниши учун, озроқ ҳаракат қилганди. Улар орасида, Обид қорига тегишли одамлар ҳам, бор бўлган учун, булар қамалганида шу каби, уринишлар қилишганди. Ўша пайтларда уларга қўшилмасдан ўзи алоҳида яшаётган, Қашқадарёлик Дилмурод Худойқулов деган кимса, мен билан бир суҳбатда, булардан хафаман деганди. Булар ўзларини танишларини озодлиги учун, шунақа ҳаракатлар қилишяпти. Мен учун ё бошқа учун қилишмади, деганди. Шу одам ҳозир, Мёлбу қавмида яшайди. Агар инсофи бўлса, шу сўзимни тасдиқлаши мумкин?! Дарҳақиқат, Обид қори қавми, бу каби уринишни, бошқа диний маҳбусларга нисбатан қилишмаган эди. Лекин, улар Тошкентдаги ўзларини танишлари оиласига, моддий ёрдамлар жўнатиб туришган. Бу пулларни имкон қадар, яширин ва сирли жўнатишган бўлсада, бу пулларни тарқатишда айбланиб, Обид қорига алоқадор, ўнлаб одамлар қамоққа олинди. Озодликда шундай хабар ёзилган.

”Тошкент шаҳрининг Олмазор ва Шайхонтоҳур туманларида истиқомат қилган 4 диндор ҳозир Швециядаги шифохонада қолаётган, таниқли имом Обид қори Назаровга алоқадорлик айби билан ҳибсга олинган Ҳибсга олинганлар — Шайхонтоҳур туманида истиқомат қилган 39 яшар Абдурашид Хорунов ва 45 яшар Шўҳрат Тожибоев, Олмазор туманида истиқомат қилган 33 яшар Бобур Каримов ва 45 яшар Аҳмадҷон Каримовлардир.” Буларни озодликка гапириб берган шахс, Абдувоҳид Йўлдошев бўлиб, у ўзини Аҳмадҷон Валиев деб, гапиради. У ўзини шу йўл билан, шахсини яширишга уринган. Қўйида бу зоти шарифни, интервьюсини тинглашингиз мумкин.

<https://www.ozodlik.org/a/24814258.html>

Буларга ва бошқа қамалганларга, олдинроқ қамалган диндорлар оиласига, моддий ёрдам берганлик айби қўйилади. Булар бари ҳукуматнинг Обид қорига ва издошларига нисбатан қилаётган зулмларидан бири эди ҳалос. Аслида, қамалган шахслар оиласига пул беришлик, жиноят эмасди. Бу динга ҳам ва одамгарчиликка ҳам, зид эмасди. ИАК режими, шунга ҳам йўл қўймасди. Ўша пайтлар МХХ томонидан, «Калаванинг учи» деб, номланган кино ишланди. Кинода Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ходими, подполковник Хасан Асадов, “Кўкалдош мадрасаси мудирини ўринбосари, Аббор Абборов, Тошкент шаҳар имом хатиби Анвар қори Турсунов ва Қашқадарё вилояти бош имом хатиби ўринбосари, Исмоил Райҳоновга қарши содир этилган қотиллик ва суиқасдлар ортида турган «қора кучлар» ҳақида сўз боради. Кинонинг охирида, бу «Жиҳодчилар гуруҳи» Швецияда яшаётган, Обид қори Назаров томонидан, уюштирилаётгани таъкидланади. Обид қори Назаров, ўша пайтда, Тошкентдаги бир квартирада отиб ўлдирилган, уч жангари кишидан бири, Шавкат Маҳмудовнинг устози экани айтилади. Кинода, 2005 йилда, Чимкентда ушланиб Ўзбекистонга топширилган имом, Руҳиддин Фаҳриддинов ҳам гапиради. Филмда берган кўрсатмасида, Руҳиддин Фаҳруддинов 2004 йилда Чимкент шаҳрига чиқиб кетгани ва Обидҳон қори ёрдамида, у ерга жойлашганини гапиради. Шунингдек, Руҳиддин Фаҳруддинов Шавкат Маҳмудов билан алоқаси борлигини ва ўзи Украинга кетмоқчи бўлганини, ва буларни Обид қори Назаров ҳам, билишини айтади.

Хуллас, кино Обидхон Назаровни экстремист ва террорист эканини ва унинг орқасида чет эллик “Ўзбекистонни гуллаб яшнаётганини кўролмаётган, қора кучлар” тургани ва улар мамлакатни, ўз таъсирига олишмоқчи экани, қайта қайта таъкидланади. Бу кино МХХ томонидан, Обид қорини бадном қилиш учун ишланган, кинолардан биридир. Бу кино мен учун, уни қоралашга далил бўлолмайди. Аммо, худди шулар ишлаган бошқа бир кинони, Мёлбучилар, мени қоралашга, далил қилишмоқда.

Абдулқодир Машарипов Туркияда теракт содир қилгани

2017 йил 1 январга ўтар кечаси "Калашников" автомати билан қуролланган террорчи Истанбулдаги "Reina" тунги клубига бостириб кириб, одамларга қарата ўт очган эди. Бинода 700 дан ортиқ киши бўлган. Туркия полицияси хабарига кўра, терактда 39 киши қурбон бўлган, 69 киши жароҳатланган. Содир бўлган бу теракт учун жавобгарликни, ИШИД ўз зиммасига олганди. Орадан 16 кун ўтиб, Ўзбекистонлик Абдулқодир Машарипов деган шахс, 2017 йил 16 январда Истанбулнинг Эсенюрт туманидаги бир хонадонда, махсус операция натижасида, гумон қилинувчи сифатида қўлга олинган. Шу ўтган 16 кун ичида, икки мингдан ортиқ турк полицияси, бутун шаҳарни тит питини чиқариб ташлаган эди. Террорчини топишга бўлган бу уриниш давомида, юзлаб бошқа оддий ўзбек ва бошқа миллатга мансуб муҳожирлар қўлга олинди. Уларни аксарини ўз юртларига депорт қилишди. Туркиядан бошпана топган муҳожирларга нисбатан, муомила ўзгарди. Туркия Ўзбекистон тарафи излаётган шахсларни ушлаб, депорт қила бошлади. Бу теракт содир бўлган пайтда, Самарқандий бошлиқ жамоат аъзолари, Туркияда намойишлар ўтказиб, ўзларини террорга алоқаси йўқлигини, ошкора айтиб чиқишди. Бу террор сабаб, уларга ҳам, анча босимлар бўлганди. Регистончилар ҳам, террорга алоқаси йўқлигини баралла айтишди. Бу воқеъа нафақат Туркия ҳукуматини, балким, бошқа минглаб одамларни ҳам, саросимага солиб қўйган эди. Абдуқодир Машарипов, ЎИХ аъзоси бўлган шахс эди. У ЎИХ парчаланиб кетгач, у ердан қочиб, Эрон орқалик Туркияга келганди. ИШИД ичидаги ўзбеклар, Самарқандийни Эрдўғонга ялтоқлик қилаётган кўрқоқ ва диндан чиққан муртад, кофир деб, ёзиб чиқишди. Абдулқодир Машарипов асл мақсади, Туркиядан Ироққа, ИШИДни сафига кетишлик бўлган эди. Туркияда ҳужжатлари носозлиги сабабли, қолиб кетади. У шу ерда туриб, ИШИДдаги ошналари билан алоқа ўрнатади. Унинг на ортига афғонга қайтишга ва на Ироққа боришга, имкони бўлмай қолган эди. Унга Туркияда узоқ туришлик ҳам, хавфли эди. У шу ердаги пайтида, унга ИШИД томонидан жанговор топшириқ берилади. Туркия давлати расман ИШИДга қарши чиққанди. Туркия ИШИДга муҳолиф бўлган, Жабҳатан Нусрани қўллаб қувватларди. ИШИДни, расмий давлатлардан бирортаси қўлламаганди. Шу муносабат билан, ИШИДда, Туркиядан қасд олиш мақсади, пайдо бўлади. Турли хил вариантлар ўйлаб чиқилиб, охири шу тунги клубни мижозларини, қатли ом қилиш маъқул деб, топилади. Чунки, бу ерга келишган одамлар, ким бўлишидан қатъий назар, булар яхши одамлар ҳисобланмасди. Орасида мусулмонлари бўлиши ҳам, мумкин эди. Лекин, улар ҳам зинокорлар бўлиши, аниқ эди. Шунинг учун ҳам, бу ишга тунги клуб танланди. Агар бошқа ерда теракт содир қилинса, бегуноҳ намозхонлар ҳам, ўлиб кетиши мумкин эди. Бу ерни танланиши, ИШИД ўзини маломатдан сақлашлик учун эди. Қолаверса, бу ерда қуроллик кўриқчилар, деярли йўқ эди. Бу каби масканлар, қаттиқ кўриқланмасди. Бу ишни Абдуқодир Машариповга топиширилди. Бу иш, Туркиядаги жуда кўплаб муҳожирларга, катта зарарлар келтирган иш бўлди. Абдуқодир Машарипов режаси бўйича, ишни қилиб, Ироққа қочиб кетиши керак эди. Уни тириклай қўлга тушишлик, режаси йўқ эди. У бу «тўйни» ўтказишга қарор қилгач, келишилган ерга, таксида бориб туради. Уни турган ерига, бошқа таксида бошқа бир киши, бир сумка олиб келади. Машарипов сумкани олиб, ишга киришади. Бу ёғи эса, маълум. У аввалига кўриқчиларни отиб ташлаб, бинога киради. Кейин, у ерда ўтирганларни, бир четдан Калашининг автоматида отиб бошлайди. Қий чув бўлиб, ким ўлган ва ким қочган, ҳамма ёқ, тўс тўполон бўлиб кетади. Автоматни қайта қайта ўқлаб, ёнидаги запас ўқлари тугагунча, тинмасдан отади. Ўқлари тугагач, Клубдан бошқа томонидан чиқиб, йўлдан такси тутиб, яшириниб ётган ерига кетади.

Шу билан, уни излаб орадан 16 кун ўтгач топишади. Бу 16 кун ичида, қуйидаги воқеалар бўлиб ўтади. Данияда яшайдиган Қашқадарёлик Байрамали Юсуповни, Туркияда уйи бор. У уйини ижарага бериб қўйибди. Ҳар замонда, уйига бориб келиб туради. Байрам уйига борган пайтида, ушбу воқеа содир бўлганди. У Даниядан танийдиган ва у билан, бир маҳаллада турадиган Ўзбекистонлик Иброҳим Аспаров деган, ошнаси бор эди. Бу кимса 2006 йилда Данияга келиб, бир йўллар билан бошпана олганди. У на диний ва на сиёсий шахс эмасди. Шу кимса ҳам, ўша пайтда Туркияда юрган эди. Теракт содир бўлгач, у Байрам билан боғланади ва Данияга уни машинасида, бирга олиб кетишини сўрайди. Байрам уни олиб, йўлга чиқади. Бу воқеа терактдан кейинги, ола ғовурли пайтда содир бўлганди. Машарипов 16 кун ўтгач, қўлга тушади. Унгача, Байрам ошнаси билан, машинада Данияга келишга улгурганди. Кейинроқ, тергов бошланади. Машариповга қурол олиб келган шахс, кимлиги аниқланади. Қуролни Иброҳим Аспаров олиб келган эди. Туркия уни, халқаро қидирувга беради. Дания хавфсизлик идоралари, уни ушлаб савол жавоб қилишади. У сумкани ичидаги нарсани билмаганини ва кимдир илтимос қилгани учун, олиб борганини айтади. Дания уни Туркияга депорт қилмайди. Шу билан, у қутулиб қолади. Лекин, энди Туркияга боролмайди. Бугун у меҳнаткашлар бирлашган fronti деган, дабдабали номдаги, сиёсий бир ҳаракат ташкил этиб, уни раҳбари сифатида, йотубда видео чиқишлар қилаяпти. Бу кимсани, на диний ва на сиёсий шахс сифатида, тутган қатъий позицияси йўқ. Чиқишларини кузатсангиз у демократга ўхшайди. Диний позициясидан, унинг кимлигини англаш мушкул. Хуллас, бу кимса, Байрам сабабли Туркиядан чиқиб қочишга, муваффақ бўлган эди. Булар билибми ё, билмайми ИШИДни қонли терактига, ўз ҳиссасини қўшишганди. Бу теракт туфайли, бошқа минглаб муҳожирлар, Туркия ҳукуматидан тазйиққа учрадилар. Шундан бошлаб Туркия ИШИДга алоқаси бор деб, гумон қилинган шахсларни ушласа, Ўзбекистонга бериб юборишни бошлади. Бу аҳвол ҳалигача, давом этаяпти. Туркиядаги терактдан кейин, Санкт Петербурга метросида, Қирғизистонлик ўзбек йигити томонидан, худкушлик содир қилинди. Санкт Петербургдаги терактдан уч кун ўтиб, Стокҳолмда Раҳмат Оқилов теракти содир бўлди. 2017 йилда ўзбеклар билан боғлиқ терактлар кўп бўлди. Ўша пайтда мен қуйидаги мақолани ёзгандим.

<https://siyosat.wordpress.com/.../%d0%b8%d1%88%d0%b8%d0.../>

Диний жиҳатдан етарли маълумотга эга бўлмаган ёшларни, ИШИД ғояларига эргашаётганлигига, кўп гувоҳ бўлаяпмиз. Стокҳолмдаги терактни, ўзбек миллатига мансуб террорчи, амалга оширгани маълум бўлди. Шунингдек, уларни шу каби, қотилликларга чорлаб турган шайхлар ҳам, мавжудлиги сир эмас. Ислом уммати ичига тушган, бу катта фитна ичига, Ўзбекистонликлар ҳам аралашиб қолмоқдалар.

Швециядаги ўзбеклар билан боғлиқ нохуш воқеалар

Маълумки, Ўзбекистонлик муҳожирлар сони Швецияда, уч мингдан ошиқроқ экани айтилади. Булар аксарияти 1999 йилги портлашлардан кейин, ватанни тарк этиб, Швецияга келган қочоқлардир. Бир қисм фирибгарлар ва кейин келган меҳнат муҳожирларини айтмаганда, бу ерда ўзбеклар деярли, яшамаган эди. Энг аввалги машҳур «ўзбек иши» сифатида, 2007 йилда Гулнора Каримовага, пора берганликда айбланган TeliaSonera ширкати компанияси можаросига боғлиқ, ҳужжатли филм деб, айтиш мумкин. Бу филм швед журналистлари томонидан тайёрланиб швед телевидениясида намойиш қилинган, шведлар Ўзбекистон ҳақида нохуш бўлсада, бир оз тасаввурга эга бўлишди. Бу можаро ҳалигача тугамаган ва бот бот, швед матбуотида чиқиб туради. Иккинчи ўзбеклар аралашган нохуш воқеа, Обид қори Назаровга қилинган суиқасд воқеаси бўлди. Бу воқеа ва у билан боғлиқ, узоқ давом этган суд жараёнлари ҳам, швед матбуотида атрофлича ёритилди. Бу ердаги халқ, шунақа миллат ва мустабид тузум, мавжудлигига яна бир бор, гувоҳ бўлишди. 7 апрел 2017 йил куни эса, Стокҳолмда, юк машинаси билан пиёдаларни босиб янчиб, беш кишини ўлдирган ва 69 одамни жароҳатлаган кимса ҳам, ўзбек бўлиб чиқди.

Aftonbladet интернет портали хабарига кўра, бу шахс Стокхольмда яшаётган ва тўртта болани отаси 39 ёшлик, Ўзбекистонлик экан. У қурилишда ишлар экан. Тушунишимча, бу кимса бошпана олган қочоқлардан эмас. У меҳнат муҳожирларидан бири бўлган. Бу теракт Санкт-Петербургда ўзбек миллатига мансуб, Қирғизистонлик Акбаржон Жалилов метродаги терактни амалга оширганидан уч кун ўтиб, содир бўлди. Швеция халқи, шу учта шов шувли воқеъа орқали, ўзбек деган, миллатни кимлиги ҳақида, аниқроқ тасаввурга эга бўлдилар. Булар ичига Стокхольмда яшаб келган, икки ака укалар воқеъаси кирмайди. Уч йил олдин, Самарқандлик меҳнат муҳожирлари бўлган икки ўзбек йигити воқеъаси ҳам ўзбеклар орасида машҳур бўлсада, кенг оммага маълум бўлмай қолганди. Ўшанда акаси ишга кетгач, укаси унинг ҳомиладор хотинини зўрлаб, кейин пичоқлаб ўлдирганди. Қотил ука қамалди. Акаси эса хотинини ўлигини олиб, Ўзбекистонга кетганди. Бу воқеъани ҳисобга олмаганда, бутун Швецияда катта шов шув бўлган, юқоридаги учта воқеъа туфайли, бугун шведлар ўзбекларни кимлигини танишди. Начора, истаимизми йўқми, бизнинг боримиз шу экан?!

Радикаллар кимлар?

Маълумки, ўзбек халқи советлар зулмида яшаган ва динидан узоқлашган, бир халқдир. Бу диёрда дин, совет Иттифоқи қулагандан кейин кириб келди. Ўшандан бери, ИАК бошлиқ давлат диндорларга қарши, курашиб келмоқда. Аммо, шунга қарамай, турли туман диний гуруҳлар, кўпайишда давом этмоқда. Шулар ичида радикал гуруҳлар, алоҳида ажралиб туришади. Бу гуруҳлар қўшни Афғонистон, Чеченистонда ва бошқа ерлардаги уруш бўлаётган ерларга бориб қолган йигитлардан, ташкил топгандир. Булар қурол воситасида, Ўзбекистонда Халифат ёки, Исломий давлат қуришни мақсад қилган гуруҳлардир. Ислом умматининг турли диёрларида, қирғинбаротлар давом этар экан, бу умматнинг бир бўлаги бўлган ўзбеклар ҳам, бу жангларга аралшиб қолмоқдалар. Албатта, кўплаб ёш диндорларни ватандан чиқиб кетишга мажбур қилган нарса, мустабид тузумни қатағон сиёсати эди. Бу йигитлар, турли туман гуруҳларга қўшилиб, кўпчилиги Афғонистон ва Чеченистонда ва охириги уч тўрт йилда эса, Сурия ва Ироқда қурбон бўлдилар. Айниқса, ўта радикал такфирчи гуруҳлар пайдо бўлиши, уммат ичига катта фитна солди. ИШИД бунга, яққол мисолдир. ИШИД пайдо бўлганидан бери, фақат мусулмонларни қирғинбарот қилмоқда. Дунёнинг турли бурчагида, терактлар содир этмоқда. Бу фитнага эса, ўзбеклар ҳам аралашиб қолишди. Жиход, бошқаларни динга мажбурлаб киритиш, воситаси эмасдир. Зеро динда мажбурлаш йўқдир. Жиход даъват йўлидаги тўсиқларни, бартараф қилиш воситасидир. Даъват учун тўсиқ, Европа давлатларида мавжуд эмас. Бу ерларда диний эркинликлар, тўла таъминланган. Шунингдек, бу давлатларда кўп сонли мусулмонлар, истиқомат қилишади. Масжидлар очиқ ва даъватчилар бемалол, фаолият кўрсатмоқда. Шундай пайтда, бу ерга келиб теракт содир қилишни, нима дейиш мумкин?

Швециядаги муҳожирлар

Европа давлатлари ичида энг кўп муҳожирларни қабул қилган давлат, бу Швециядир. Бу давлатда Босниядаги урушдан қочиб келган қочоқлар ва Ироқ урушидан қочганлар ва Сомалидаги урушлардан қочган ва Афғонистонликлар яшашади. Булардан ташқари яна бошқа, ўнлаб давлатлардан келган қочоқлар, бу ердан бошпана олган. Биргина ўтган йилнинг ўзида, Швеция Суриялик қочоқлардан 150 мингдан кўпроғини қабул қилди. Бу ерда ишлаш ва яшаш учун, Европа давлатларидан келганлар ҳам, талайгина. Буларни ҳаммасига, ўз дининга амал қилиш ҳуқуқи берилган. Истаган шахс, истаган динига амал қилиши мумкин. Аёллар паспорт учун, ҳижобда суратга тушишга рухсат бор. Дўппи кийган ва соқол қўйган учун, полиция ҳеч кимни безовта қилмайди. Ким қайси мазҳабдалиги билан, давлатнинг иши йўқ. Оминни баланд овозда айтасанми, ёки махфийми биров текширмайди.

Шу ҳақ ҳуқуқлар, Ўзбекистонда йўқ. Улар муҳожирларни чақириб келишмаган. Муҳожирлар ўз ватанларидаги урушлардан ва ёки, Ўзбекистонга ўхшаган мустабид тузумлардаги диндорларга бўлаётган зулмлардан, қочиб келишган. Булар ўша қочоқларга, бошпана беришган. Шунча яхшилик қилган давлатга, қарши уруш эълон қилиш мумкинми?! Мустабид диктаторларга қарши урушмасдан, жим ўтирган ва ёки қочиб кетган одамлар, уларни бошини силаган давлатга қарши, жанг қилиши инсофдан бўладими?! Аллоҳу Таоло қуръонда: Яхшиликнинг мукофоти, фақат яхшиликдир. (Раҳмон сураси 60 оят) дейди.

Аммо, ИШИДчилар учун, кимни қачон ва қаерда ўлдиришни, фарқи йўқ экан. Бу фитнадан кимга фойда ва кимга зарар? Фитнада айбсиз, бешта киши нобуд бўлди. Етмиштача жароҳатланди. Бу албатта, ноҳақ адолатсиз, жиний қилмишдир. Швеция Бош Вазири Стефан Ловен, бу теракт ортидан берган баёнотида, унинг ҳукумати, давлат чегараларини қаттиқ қўриқлашга қарор қилганлигини гапирди. Бу дегани, ташқаридан мамлакатга кириш, энди, аввалгидек бемалол бўлмайди. Энди бошпана изловчиларга ҳам, муносабат совуқлашиши мумкин. Бу дегани, яна муҳожир мусулмонларга зарар бўлди. Бу террорни мамлакатдаги ўзбекларга ёки, диний қочоқларга салбий таъсири ҳақида, гапирсак, қуйидагиларни тахмин қилиш мумкин. Бу қотилни Ўзбекистонлик эканидан келиб чиқиб, бу ерда бошпана олиб яшаётган ўзбеклар ичида, террористлар бор йўқлиги қайта текширилади. Ваҳолонки, бу ердаги диний қочоқлар аксарияти, ватанида террорист деб, айбланган шахслардир. Жумладан мен ҳам. ИАК давридаги ҳукумат Швециядаги диний қочоқларни бир қанчасини, «хавфли террорист» сифатида ушлаб, Ўзбекистонга беришни талаб қилганди. Унинг ичида Обид қори ҳам, бор эди. Энди ИАК йўқ бўлсада, бугунги ўзбек ҳукумати, унинг сиёсатини давом эттираяпти. Бу воқеъадан манфаат кўрувчи томонлардан бири, ўзбек ҳукумати бўлди. Зарар кўрувчилар эса, қочоқ диндор ўзбеклардир. Ўзбек МХХси швед ҳукуматига, биз сизларга, «булар террористлар. Уларга бошпана берманг. Бизга топширинг деб, айтгандик. Мана энди, бизнинг сўзимиз тўғрилигига, ўзларинг гувоҳ бўлдингиз» дейишлари, мумкин?! Швециядаги миллатчилар учун ҳам, бу фитна айни муддао бўлди. Энди улар мусулмонларга нисбатан, янада қаттиқ қаршилик кўрсатиши ва олдинроқ қилганлари каби, ноҳақдан мусулмонларни қатл қилишлари, эҳтимоли бор?! Шунингдек, бу фитна ўзбекларни, юк машина ҳайдаш учун, шофёр сифатида, ишга киришларига ҳам, бир тўсиқ бўлиши мумкин? Шунингдек, бу фитнадан ИШИДни ўзига ҳам, заррача манфаат бўлмади. Террорчини ўзини эса, умрбод қамоққа ҳукм қилишларини ва у энди Ўзбекистондаги тўртта боласини, бошқа ҳеч қачон кўролмаслигини, айтмай қўяқолай. Шу дунёда шунча салбий оқибатларга сабаб бўлган бу қотиллик учун, охиратда мукофот берилишига мен ишонмайман. Охират мукофоти имон келтириб, яхши амал қилганлар ва одамларни шу яхшиликка, даъват қилганлар ва шу йўлдаги озорларга сабр қилганлар учундир! Ноҳақ одам ўлдирганлар учун эмас! Валлоҳу аълам.

Саҳвий

8 апрел 2017 йил

Қуйидаги шеърим ҳам, шулар ҳақидадир:

Заррача қадри йўқ сизга инсонни,
Сизлар ўзига хон, ўзига беклар.
Мақсадингиз тўкмоқ беҳуда қонни,
ИШИД гирдобига тушган ўзбеклар.

Динга дахли йўқдир бўлса қатли ом,
Бунга буюрмайди бизларни ислом?
Билмаслар ноҳақдан қон тўкиш ҲАРОМ,
ИШИД гирдобига тушган ўзбеклар.

Топмаган тўғри йўл, роҳи ҳидоят,
Залолатга кетди буткул, ниҳоят,
Дин номидан қилар, бугун жиноят,
ИШИД гирдобига тушган ўзбеклар.

Улкан фитна бўлди, ИШИД умматга,
Бу фитна тушмоқда, бизга қимматга,
Манқуртдек бўйсуниб турар, хизматга,
ИШИД гирдобига тушган ўзбеклар.

Умрида бир жойни қилмаган обод,
Вайрон қилишликка қодир, бу жаллод,
Шунчалик бўларми ваҳший, одамзод?
ИШИД гирдобига тушган ўзбеклар.

Наҳот булар учун, айтинглар манга,
Отаю онанинг қадри, бир танга?,
Душманлик қилмоқда, юртга, ватанга,
ИШИД гирдобига тушган ўзбеклар.

Бу қонхўр гуруҳдир, эмас хилофат,
Ислом умматига келган, бир офат,
Қайга борса топар, бирор касофат,
ИШИД гирдобига тушган ўзбеклар.

Бизни огоҳ этиб, буюк пайғамбар,
Шундай қавм ҳақида, бергандир хабар,
Хўл қуруқни бугун ёқар, баробар,
ИШИД гирдобига тушган ўзбеклар.

Биз ҳам, бу балодан қолмадик омон,
Бир чора бўлмаса, бунданга ёмон,
Залолатда давом этарлар, ҳамон,
ИШИД гирдобига тушган ўзбеклар.

Мўминман деганлар, бўлса бевафо,
Қимдан кутиш керак, адолат, вафо?,
Ўз жонига ўзи қилмоқда жафо,
ИШИД гирдобига тушган ўзбеклар.

Саҳвий

08. 04. 2017

Байрамалининг блогер меҳмони

Данияда бошпана олган ўзбеклар сони, кўп эмас. Дания давлати, уларга бошпана берсада, фуқаролик бермайди. Улар Саудияга ўхшаб, келгиндиларга умуман фуқаролик бермас экан. У ердан бошпана олганлар, у ерда истаганча яшаши мумкин. Лекин, мамлакатни тарк этиб, кетса, улар фуқаролиги йўқ шахсга айланадилар. Фуқаролик бўлмаса, узоққа бориш имкони йўқ. Шунгами ё, билмадим, у ердагилар Швециядагиларга ўхшаб, Туркияга бориб, узоқ яшамайдилар.

Улар реса документ билан, у бу ерга, қисқа муддатга бориб келишлари, мумкин халос. Бу вақтинчалик бўлиб, узоқ муддатга кетиш имкони йўқдир. Байрамали Юсупов ҳам, у ерда 14 йилдан бери, яшаётганига қарамасдан, ҳануз фуқаролиги йўқ шахс, ҳисобланади. Шунгами ё бошқа сабабданми, у Ўзбекистон фуқаролик паспортиини янгилаб олишни истаб, Каримов ўлимидан сўнг, Қашқадарё ички ишлар бўлинмаси билан, доимий алоқа ўрнатди. Уни мақсади, у ватанга бемалол бориб келишга, имконият яратиш эди. Мирзиёев иқтидорга келгач, бу каби уринишлар, кўпчиликда бўлган. 2016 йилда биз, бир неча кишилик хориждаги Ўзбекистонликлар, Президент Мирзиёевга, бизнинг фуқаролигимизни тиклашни талаб қилиб мурожаат йўллаганмиз. Булар ичида марҳум Алибой Йўлдошев, Толиб Ёқубов, Муътабар Тожибоева ва камина ҳам бор эдим. Бизларда, ўзбек фуқаролиги йўқ эди. Каримов даврида, бизнинг фуқаролигимиз бекор қилинганди. Бу мурожаатга, ҳалигача жавоб бўлмади. Хуллас, бу режим бизни, ватанга қайтишимизни истамагани кўриниб турарди. Толиб Ёқубов ватанга қайтишга муваффақ бўлди. Унга паспорт берилмасада, у ўлимига қадар, бир йилча уйда яшаб, фуқаролиги йўқ шахс сифатида, ўлди. Алибой Йўляхшиев, Туркияда вафот этди. Унга уйига боришлик, насиб этмади. Бошқалар, шу ҳолича қолдик.

Байрамали ментлар билан, уйига бориш учун алоқада бўлган пайтида, буни негадир, ҳаммадан сир сақлаган. Бу ерда бир муаммо борки, Ўзбекистон фуқаролари у ердан қочиб чиқиб, бошқа ердан бошпана сўраган бўлса, унга энди ватанига қайтиши мумкин эмасди. Агар ватанига қайтса, унга бошпана берган давлат, ҳимоя қилолмаслигини айтади. Ҳатто, унинг бошпанаси, бекор қилиниши ҳам мумкин?! У борган давлатда қамалиб қолса, унга масалан Швеция ҳуқуқий ёрдам кўрсатмайди. Ўзбекистондан бошқа ерда қамалса, Швеция ташқи ишлар департаменти, ўртага тушади. Кўплаб ўзбекларни шу европа давлатларида, қамалиб қолишганида, шулар озодликка чиқаришган. Шунгами ё, бошқами, аксар ватанга борувчилар, аввал ментлар билан келишиб, унга ватанда хавф хатар йўқлигига амин бўлгачгина, бориб келишади. Улар шу мақсадда, ментлар билан гаплашишади. Улар айтган тавба тазарруларни, ёзиб беришади. Хуллас, улар тегмасликка ваъда бергач, бориб келишади. Бу нарса ҳам, Мирзиёев даврида бошланди. ИАК даврида, биров уйига боришни ўйлаб кўрмасди. Б. Юсупов шу мақсадда, ҳаракат қилганди. Лекин, у негадир уйига боришга, ботинолмади. Уни Қаршилиқ ментлар, бемалол келса бўлади деса, ҳам у ҳалигача бормади. У ўзини ва Мёлбудагиларни, Ўзбекистон ҳукумати олдида легитимлаштиришлик учун, Ўзбекистондан, Каримберди Тўрамурад деган, блогерни меҳмонга чақирганди. Қаламчилар ҳам, уни чақириб, меҳмон қилишди. У Мёлбучилар уйларида ҳам, меҳмон бўлди. У киши булар ҳақида, видеолавҳалар тайёрлаб йотубда эълон қилди. Ўзбек ДХХсига, Мёлбу қавми яхши одамлар экан, деган, мессеж юборди. Қуйида шу лавҳани тамошо қилишингиз мумкин.

<https://www.youtube.com/watch?v=tuJeCoskFcU>

Байрамали Юсуповни отаси ҳам, у билан бирга, Данияга меҳмонга келганди. Улар Каримберди Тўрамурад билан биргаликда, Швецияга ҳам келиб, Стокҳолмда доктор Шириновни Қаламида, меҳмон бўлишди. Бефаросатни уйда ҳам, меҳмон бўлиб, қимматбаҳо туфлилардан совға сифатида, олиб кетишди. Булар ҳақида у киши, қатор видеолар таёрлаб, ДХХни, булар яхши одамлар эканига ишонтиришга ҳаракат қилди. Қаламчилар, у билан қилган суҳбатни тагида, унинг интервьюси қисқача мазмуни турибди.

КАРИМБЕРДИ ТЎРАМУРОД "ҚАЛАМ" ТАҲРИРИЯТИ МЕҲМОНИ *

Каримберди Тўрамурад қисқа автобиографиси ва ижодий йўли * Ватандаги ҳозирги ижтимоий- сиёсий ҳолат * Кеча, бугун ва келажак ҳақида ва амалга оширилётган ислохотлар ҳақида * Ўзбекистон ортга қайтмайди, халқнинг ўзи бунга йўл қўймади! * Ислохотлар илгари юриши учун янги ёш авлод олдинга сафга чиқиши керак! * Халқим, элим, деган ва юраги ёнадиган ўғил-қизлар бошқарувга келиши керак! * Ўзбекистонда ҳам қонунлар инсонлар учун хизмат қилиши керак! * Адолатсизлик, ноҳақликка тинч қараб туролмайман! * Ҳукумат ва

мухожиротдагилар ўртасида кўприкнинг бир тахтаси, тўсини бўлишга тақёрман! * Мамлакатдаги ислохотлар президент томонидан илгари сурилмоқда, лекин пастдагилар буни тортолмаяпти. * "Қўрққан элдан буюклар чиқмайди!" * "Аллоҳ чевардир, бизни ўзимиз яшашимиз керак бўлган замон ва маконда яратган". * Биз 27 йил қўрқиб яшаб келдик ва бу қўрқув юракларда томир ортди. * Президент қўрқманглар, танқид қилингллар, деяпти лекин ҳеч ким танқид қилмаяпти. Одамлар қалбидаги қўрқувни юлиб олмаяпти. * Бир икки йил яна пойлайлик, сиёсат аниқ бўлиб олсин кейин ёзамиз. * Президент ўзи бошлаган ислохотлардан ҳафсаласи пир бўлмайди ва унинг олдига қўйган мақсадига етиш бўйича, аниқ режаси бор! У ҳар қандай ҳолатда ҳам бошлаган ислохотларидан орқага қайтмайди! * Халқ оз бўлса ҳам уйғонди, эркин нафас олиб кўрди. Бизнинг халқимиз қўйдек ювош халқ. * Баъзилар хоҳлайдими ёки хоҳламайдими лекин, Ўзбекистондаги ислохотлар охирига олиб борилади! * Қўли қонга ботмаганлар, Ўзбекистонга қайтинглар! "Қалам" таҳририяти

Тасвир санаси:

2019-10-26

Сухбат мазмунидан кўришиб турибдики, КАРИМБЕРДИ ТЎРАМУРОД Мирзиёевни мақтаб, пастдагиларни танқид қилаяпти. Унинг ислохотлардан ортга қайтмайди деб, урғу бераяпти. Сухбат охирида, қўли қонга ботмаганларни ватанга қайтишга чорлаяпти. Бу сухбат матни Қаламчилар орзу умидини ифодаси ўлароқ, қабул қилишимиз мумкин?! Булар шунақа бўлишини иштаяпти. Лекин, КАРИМБЕРДИ ТЎРАМУРОД деган шахс, булар ўйлаганидек, қўлидан бир иш келадиган одам, бўлиб чиқмади. Унинг олди қочдиси, ДХХга унчалик таъсир қилмади. Буларни, уйига келишига рухсат берилмади. Бу ҳаракатлар бари чиппакка чиқди. КАРИМБЕРДИ ТЎРАМУРОД эса, Данияни ва Швецияни бир айланиб, қимматбаҳо туфлини олиб кетгани қолди халос. Шу билан Байрамали ва Шириновни бу уринишлари, самарасиз бўлиб қолди.

Энди бу ерда, бир қизиқ ҳолатга эътиборингизни қаратаман. Қаршиликлар гуруҳидаги шахслардан Ҳасан Темиров ва Байрам, доктор Шириновга қаршимас. Ҳожи эшак аксинча, унга қарши. Акмал Хайдаров ҳам, Шириновга эшак ҳожи каби қаршимас. Қаршиликлар гарчи, бир кишига нисбатан, турлича муносабатда бўлишсада, ўзаро иноқ ва апоқ чапоқ яшашади. Улар орасида, бошқа ақидадаги шахслар бор. Улар билан ҳам, ораларидан қил ўтмайди. Хориждаги диндор Қаршиликлар, алоқа қилмайдиган ягона Қаршилик, Баходир Чориевдир. АҚШда яшайдиган ва Бирдамлик ҳаракати асосчиси сифатида танилган, Баходир Чориев бошқа Қаршиликлар билан, алоқаси йўқ. Булар унга қўшилмайдилар. У булардан узоқроқ юради. Қаршиликлар орасида, Ўзбекистонда фақат демократия бўлишини иштайдиган ва ундан бошқасини рад қиладиган шахс ҳам шу, Чориев бўлади. У том маънодаги демократдир. Шу сабабли бўлса керак, Чориев диндор Қаршиликларга қўшилмайди.

2012 йилда Норвегида яшайдиган журналист Улуғбек Бакиров, мени ва Чориевни таклиф қилиб, бир радиосухбат уюштирганди. Шунда Чориев мени ва мен у пайтда, аъзоси бўлган ЎХХни, Ўзбекистонда диний давлат қуришга уринаётганликда айлади. Мен унга ЎХХ мақсади, Ўзбекистонда демократик давлат қуришлиқдир ва бу ЎХХ низомида ҳам, кўрсатилган дедим. Шунда у менга қараб, сиз демократмисиз? Деб, сўради. Мен унга йўқ, дедим. Мен демократ эмасман ва лекин, ҳозир Ўзбекистонда, демократия бўлишини иштайман дедим. Шунда Чориев, Эрдўғонни сўзини мисол қилиб айтди: "Буларнинг мақсади Эрдўғоннинг мақсади кабидир. Эрдўғон Демократия трамвайига миниб, керакли остановкада тушиб қоламиз» деганди. Буларнинг мақсади ҳам шу" деди. Тан олиш керакки, Чориев тўғри айтганди. Шу Чориевни ақли фаросати етган нарсага, бошқа Қаршиликларники етмасди. Улар, ким уларга қарши бўлса, демократликда айблаларди. Мени ҳам, жумладан Шириновни ҳам, шунақа деб бадном қилишди. Чориевдаги бор фаросат, уларда йўқ эди.

Шириновни абгор эшакка саломи ҳам, шу Каримберди Тўрамурадни таклиф қилгандек, фаолиятининг, мантиқий давоми эди. Яъни, булар шу йўналишда, узлуксиз фаолиятда бўлиб келишаётган эди. Туркиядаги Регистон гуруҳини ҳам, бу каби ишлари бор. Улар ҳам ЎЗТВда диктор бўлган бир хонандани, Туркияда учратиб, у билан қатор суҳбатлар уюштиришиб, йотубда эълон қилишганди. Бу ишлар бари, уларни Мирзиёев режимидаги у ё бу даражада, кўзга кўринган шахслар билан, алоқа боғлашга уринишлари эди. Булардан фарқли ўлароқ, Туркияда юрган Самарқандий билан Зуфар ва Фазлиддин Парпиевлар, режимга яқинлашишга уринишмасди. Улар аксинча, режимни, фаол танқид қилишарди. Улар сарой муллалари билан, полемикага киришар ва Мирзиёев ҳукумати танқид қилишарди. Зуфар танқиди қаттиқроқ бўлиб, Самарқандийники юмшоқроқ эди. Булар сафига кейинроқ кўшилган Юсуф Даврон ҳам, шундай сарой муллаларига қарши, полемикага кирди. Буларни чиқишларини ва Регистон ТВни ва Қаламни чиқишларини кузатган одам, орасидаги осмон билан ерча фарқ борлигини, англаб олади. Булар бугун, ўзбек миллатига диний раҳнамолик иддаосидаги гуруҳлар, эдилар. Булар авом халқни, бири бу ёққа тортса, бириси у ёққа тортарди. Сал кейинроқ, Шириновчилар сафига Мулла Сайфи кўшилди. Азҳарда таълим олаётган ва саройда хизмат қилишга уринаётганлар ҳам, булар билан иттифоқ бўлдилар. Бу гуруҳни координатори, Тошкентда ўтирган абгор эшак эди.

Риёкорлик оқибати ҳақида

Мен Қаршилиқлар ҳақидаги бобга, бир муҳим мавзунини, қўшиб кетмоқчиман. Бу ҳам бўлса, айни шу тоифада кўп учрайдиган камчиликлар ҳақидадир. Бу камчилик умматнинг аксар қисмида учрасада, бу Қаршилиқларни деярли, ҳаммасида мавжуд камчиликдир. Бу оддий камчиликмас, бу катта гуноҳ амалдир. Бу нарсани Дин уламолари, бир овоздан тасдиқлашган. Бу ҳам бўлса, диндаги Аллоҳ ризосини истаб қилинадиган амалларни, одамлар ризосини учун қилишликдир. Одамлар эътиборига тушишликка, интилишликдир. Одамлар мақтовига учинишликдир. Аллоҳни муносабати қандай бўлиши, буларни унчалик қизиқтирмайди. Бу айни катта хатодир. Бугун ўзидаги Аллоҳ берган молу мулкка мағрур бўлаётганлар, бу нарсани билиб қўйишлари зарурдир. Зеро, булар бари, имон даъво қилган шахслардир. Имон даъво қилган шахс эса, шариат рамкаси ичида юриши лозим бўлади. Бу рамкага сиғмаган амалларни қилиши, мумкинмас бўлади. Қилса, бу унинг катта хатоси ҳисобланади. Бу учун унга дунё ва охиратда, ҳисоб китоб бор. Дунёда бўлмаса, охиратда албатта бўлади. Бу мавзуда, мен 2016 йилда ёзган бир мақоламни, ҳавола этмоқчиман. Бу масалада ҳамма мусулмонлар, диққат қилишлари мақсадга мувофиқдир.

Инсоният амаллари шарийят мезонида

Ислом динида бир яхши амал, Аллоҳ даргоҳида қабул бўлиш ва савоб берилиши ва ёки, ёмон амалдан тийилмоқ ва у учун, савобга эришиш шартини, иккита деб, кўрсатилади. Бунда дунёвий фойда ва зарар билан, охират фойдаси ва зарари мезон қилинади. Охират фойдаси ёки зарари, дунё фойда ва зараридан устун қўйилади.

1. Шу яхши ёки, ёмон амални, Аллоҳ розилиги учун қилиш ва ёки қилмаслик:
2. Шу яхши ёки, ёмон амални, шариат кўрсатган тарзда ва шаклда бажаришлик ёки, тарк этишлик:

Яхши амалларни икки категорияга ажратиш мумкин:

1. Фақат Аллоҳ розилигини кўзлаб ва заррача дунёвий манфаатни ўйламасдан, бажаришлик шарт бўлган амаллар:
2. Ҳам дунё манфаатни ва охиратдаги мукофотни кўзлаб қилишлик ҳам, мумкин бўлган яхши амаллар:

Биринчи тоифага асосан диний илмни ўрганиш ва имон келтириш ва фарз амалларни адо қилиш каби, амаллар киради. Буларни ҳаққуллоқ дейилади. Яъни, Аллоҳнинг бандалари устидаги ҳаққи бўлган, амаллардир. Булар мўминларга хос амаллардир. Кофир кимсаларга бу амалларнинг, алоқаси йўқ. Шу шартлар топилмаса, бу яхши амаллар, гарчи қилинсада, қабул қилинмайди. Демак, уни қилувчи кимса, охиратда мукофот олмайди. Бу амалларни қилиш шарти, ният холислиги эди. Бу қалбда кечадиган жараёндир. Буни Аллоҳдан ўзга билмайди.

Иккинчиси эса, шу амални қилиш жараёни кўзга кўринадиган бўлиб, уни одамлар кўриши ва баҳолаши мумкин. Шу амалларни суннатга мувофиқ қилишлик, уни қабул бўлиши, шартидир. Агар шариат кўрсатган тартибда қилинмаса, демак, у амал ботилдир. Булар ибодатларни адо қилишдаги, шариат кўрсатган шартлардир. Шу шартлар асосида, ҳар қандай яхши амал қилинса, уни бир тарафи бизга кўринади ва иккинчи тарафи, биздан сирлигича қолаверади. Бизга кўринадиган тарафи, ўша суннатга мувофиқлигидир. Ташқи жиҳатидир. Бизга кўринмайдиган, ўша сирли томонига қараб, уни қилувчига охиратда ё, мукофот бўлади ва ёки жазо олади. Қалбида қандай мақсад бўлганлигини, Аллоҳдан ўзга билмайди. Дунёда эса албатта, шу улуғ ишни қилган кимса бўлиб, саналиши мумкин. Шунингдек мукофотланиши ҳам мумкин. Мақтов эшитиши ҳам мумкин. Булар яхши амалларни қиладиган, диндор одамлар учун, қўйилган шаръий мезонлардир. Бу шартлар топилмаса, амаллар ҳабата бўлишини хабари берилади. Қуръони каримда ва ҳадиси шарифлардаги маълумотлар шуларга далолат қилади: Ким (фақат) шу ҳаёти дунёни ва унинг зебу зийнатларини истайдиган бўлса, уларга қилган амалларини(нг ажр-мукофотини) шу дунёда комил қилиб берурмиз ва улар бу дунёда зиён кўрмайдилар. Ундай кимсалар учун охиратда дўзах ўтидан ўзга ҳеч қандай насиба йўқдир. Уларнинг бу дунёда қилган барча яхшиликлари беҳуда кетур ва қилиб ўтган амаллари бефойдадир. (Худ сураси 15.16 оятлар) Абу хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилган машҳур ҳадис мазмуни ҳам шу ҳақидадир: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Албатта, қиёмат куни биринчи бўлиб ҳукми чиқадаиган одам – бир шаҳид бўлган одам. У олиб келиниб, (Аллоҳ унга) берган неъматларини танитади. У танийди. Сўнгра: «Булар ила нима қилдинг?» деб сўрайди. «Сенинг йўлингда жанг қилдим, охири шаҳид бўлдим», дейди. «Ёлғон айтдинг, сен «шижоатли» дейилиш учун жанг қилдинг, шундоқ дейилди ҳам», дейди У зот. Сўнгра амр қилиб, уни юзтубан судратиб бориб, дўзахга ташлатади. Яна бир одамки, илм ўрганган ва илм ўргатган ҳамда Қуръон ўқиган. Бас, у олиб келиниб, (Аллоҳ унга) берган неъматларини танитади. У танийди. Сўнгра: «Булар ила нима қилдинг?» деб сўрайди. «Сенинг йўлингда илм ўргандим, илм ўргатдим ва Қуръон ўқидим», дейди. «Ёлғон айтдинг! Сен илмни у олим, дейилиш учун ўргандинг, Қуръонни у қори, дейилиш учун ўқидинг, шундоқ дейилди ҳам» дейди У зот. Сўнгра амр қилиб, уни юзтубан судратиб бориб, дўзахга ташлатади. Яна бир одамки, Аллоҳ унинг ризқини кенг қилиб, турли молларнинг барчасидан бериб қўйган эди. Бас, у олиб келиниб, (Аллоҳ унга) берган неъматларини танитади. У танийди. Сўнгра: «Булар ила нима қилдинг?» деб сўрайди. «Сен яхши кўрадиган йўлларнинг бирортасини ҳам қўймай йўлингда инфоқ қилдим», дейди. «Ёлғон айтдинг! Сен сахий, дейилиш учун қилдинг, шундоқ дейилди ҳам», дейди У зот. Сўнгра амр қилиб, уни юзтубан судратиб бориб, дўзахга ташлатади. Имоми Муслим, Термизий ва Нисойлар ривоят қилишган.

2. Ҳам дунё манфаатни ва охиратдаги мукофотни кўзлаб, қилишлик ҳам мумкин бўлган, яхши амаллар: Бу ерда кўзланган манфаат моддий ёки, маънавий бўлиши мумкин. Қурбонлик учун қўй сўйган киши, уни ўз оиласи билан ейиши ҳам, мумкин. Бу амалда ҳам дунё ва ҳам охират учун, манфаат бордир. Булардан бошқа қатор амаллар борки, уларни қилишлиқда дунё ва охират учун, манфаатлар бордир. Ота онага ва қариндош уруғларга ва қўшниларга ва етим бечораларга, мусофирларга ва ҳатто ҳайвонларга яхшиликлар қилишлиқда, дунё ва охиратда манфаатлар бордир. Булар мўминларга хос амаллардир. Лекин, кофир кимсалар томонидан ҳам, буларни бажаришлик улар учун, дунёвий манфаат келтиради.

Ёмон амалларни ҳам (тарк этилиш жиҳатидан) икки категорияга ажратиш мумкин:

1. Фақат Аллоҳ учунгина тарк этиладиган амаллар: Яъни, бу амалларни тарк этишда дунёсига фойда ва ёки зарар этишидан қатъий назар, Аллоҳ розилиги учун тарк этиладиган амаллардир. Бунга рибони ва порани ва савдоси ҳаром нарсаларни савдосини, тарк этиш каби, амаллар киради. Ўзи ҳаром бўлган ва уни тарк этишлик одамлардан махфий бўлган ва айни пайтда, уни тарк этишлик вожиб бўлган амалларни, фақат Аллоҳ кўриб тургани учун тарк этишлик, шу категорияга киради. Бу амалларни, бу шаклда тарк қилишлик, имони комил мўминларгагина хосдир. Бошқа мўминлар ҳаммаси ҳам, бу нарсага қодир бўлолмайди. Имон келтирмаганларга, бу амалларни умуман алоқаси бўлмайди. Қуръони каримда зикр қилинган тақводорлар, ана шу амалларни тарк эта олувчи кишилардир.

2. Дунё ва охиратга манфаат бўлишини ўйлаб, тарк этиладиган амаллар; Барча ҳаром амаллар бу категорияга тушади. Зино, маст қилувчи ичимлик ичиш, ёлғон сўзлаш, одам ўлдириш, қиморбозлик, каби, ҳаром амалларни тарк этишликда, дунё ва охират учун манфаатлар бордир. Бу амалларни бажарувчилар ҳам ва тарк этувчилар, мўминлар ичида ҳам ва кофирлар ичида ҳам, етарлича топилади. Буларни тарк этишликда, мўминлар охиратда ажр бўлишини ва дунёда манфаат бўлишини ўйлаб қилиши мумкин. Лекин, улар шу нарсаларни дунёда фойдаси бўлсада, тарк этувчи кишилардир. Чунки, баъзида ҳаром амаллар, дунёда манфаатли бўлиши мумкин. Охиратга имон келтирмаган кимсалар эса, буларни дунёдаги зарари туфайлидан, тарк этадилар.

Яхши амалларни охиратдаги мукофотини ўйламасдан қилувчиларни, икки қисмга ажратиш мумкин:

1. Яхши амални шу дунё манфаатини кўзлаб қилувчилар: Диндор бўлмаган кимсалар баъзи дунёвий яхши амалларни қилишда, фақат дунёвий манфаатнигина кўзлашади. Охиратдаги ажрни ўйламаган одамлар учун, дунёвий манфаатларга эришиш учун, яхши амаллар қилишлиги табиий ҳолдир. Аксарият дунёвий «яхши ишларни» қилувчилар, демак, бу амалдан шу дунёда, эришмоқни кўзлаган манфаати бўлади. Айни шундай амаллар, бугунги инсоният барчаси, баробар амалда бажараётган нарсалардир. Дунёвий илмларни олиш ва уларга амал қилиш, шулар жумласидандир. Бу каби, дунёвий манфаатли амалларни, мусулмонлардан кўра бошқалар кўпроқ ва пухтароқ қилишмоқда. Ва шу меҳнатларини самарасини ҳам, шу дунёнинг ўзида кўрмоқдалар. Бунга бугунги ҳаётимиздан, минглаб мисоллар келтириш мумкин.

2. Яхши амални дунё ва охиратда, ҳеч қандай мукофот умид қилмасдан қилувчилар: Баъзи ҳолатда баъзи одамлар, яхши амални на дунёвий ва охират манфаатини ўйламасдан, қилиб кетиши ҳам мумкин. Булар охиратдаги мукофотга имон келтирмаган бўлсада, инсоний фитрати бузилмаган шахслардир. Шунинг учун ҳам, улар тарафидан бундай яхшиликлар содир бўлади. Ва улар ҳам, шу қилган яхшиликларининг манфаатини, шу дунёнинг ўзида кўришади. Бунга минглаб мисоллар бор.

Ёмон амалларни, охиратни ўйламасдан тарк этувчилар ҳам, икки қисмга ажралади:

1. Ёмон амалларни дунёвий манфаат учун, ёки зарардан сақланиш учун, тарк этувчилар: Бир тоифаси ёлғон гапиришлик, ўғирлик қилиш, фирибгарлик каби, ёмон амалларни тарк этишда дунёвий манфаатлардан келиб чиқиб, тарк этишади. Уларни бу амалларни тийишдан тўсадиган нарса, мавжуд қонунлардир. Улар дунёдаги қонунлар томонидан жазоланиши хавфи борлиги учун, ёмон амалларни қилишдан тийилишади. Бу тоифани мўминларга алоқаси йўқдир. Булар охиратга имон келтирмаган кимсалардир. Шунингдек, ёмон амаллар деганда, мусулмонлар ақидасидаги ёмон (ҲАРОМ) деб, ҳисобланадиган амаллар билан, бошқаларнинг ақидасидаги ёмон амаллар орасида, катта фарқ бордир.

2. Ёмон амалларни на дунё ва на охират манфаатини кўзламасдан, тарк этувчилар: Шундай одамлар борки, улар ёмон амалларни ҳеч қандай фойда ва зарарни ўйламасдан, тарк этадилар. Бунда уларни на охиратдан қўрқув ва на дунёвий қонунлардан қўрқув эмас, балки, уларнинг инсоний фитрати бузилмай қолганлиги, асосий сабабдир. Улар фитратдаги инсонлардир. (Аммо, шу ҳолатида, улар мўмин ҳисобланмайдилар)

Хулоса: Юқоридаги хулосалардан келиб чиқиб, бугунги қилинаётган ҳар бир яхши амални қилишлик ва ёмон амалдан қайтишлик устида, озроқ мулоҳаза юритиш, ҳар кимнинг ўзига боғлиқдир. Аллоҳ тўғри амалларни тўғри қилишликка ва ёмон амаллардан, тўғри шаклда тийилишликка тавфиқ берсин.

02.10. 2016

Юқоридаги матндан далиллари билан билдикки, уч тоифа одамлар жаҳаннам эгаларидир. Булар исломда улуғ амалларни қилган одамлардир. Лекин, уларнинг амали ботил бўлди. Сабаби, бу амаллар Аллоҳнинг розилиги учун қилинмаганди. Инсондаги нафс, мана шундай буюк амал соҳибларини ҳам, алдаб кўйди. Нафс фаришталарда йўқ. У инсону жинларда бор, халос. Нафс доим инсонни, ўзига тортиб, уни у буюрган амалларни қилишга мажбурлаб, туради. Одамлар шариат мезонида, у бу амални қилмоқчи бўлсалар ҳам, нафс бу амални ўзига ёққан шаклда қилишга, ундайди. Оқибатда, одамлар шу яхши амалларни ҳам, нафсини амрига биноан қиладилар. Амаллари ҳабата бўлади. Булар бари, муҳим нарсалардир. Модомики, амал одамларни риояси учун бўлар экан, у амал ташқи кўриниши қандай чиройли бўлмасин, ботил амалдир. Бунга Ҳаж қилишликни ҳам, қўшиш мумкин! Бунга закот беришни ҳам, қўшиш мумкин. Бунга бошқа, барча яхши амалларни, киритиш мумкин. Бу хавфдан холи одам йўқ! Бу авомга ҳам, олимга ҳам, баробар хавфли нарсадир. Агар буларни, шу ҳадисларда баён этилмаганида ҳам, балким, ишонмаслик мумкин эди. Ҳадисларда ва оятларда, очиқ ойдин келиши эса, инсоният устидаги очиқ ҳужжатдир. Энди мен билмадим, дейишга, ўрин қолмайди. Албатта, ҳамма амаллар ҳисоб китоби, қиёматда бўлажак! Шунгача, бизлар ким нима мақсадда амал қиляётганини, билолмаймиз. Ташқи кўринишига қараб, нисбий баҳолаймиз халос! Аллоҳ эса, қалбларни билгувчи Зотдир!

Байрамали ва кун уз ҳамкорлиги

Байрамали Юсупов Ўзбекистонга қайтиш учун, Кун.Уз сайти мутасаддилари билан ҳам, алоқа ўрнатганди. Улар бир интернет нашрига эга бўлиб, унда элликка яқин журналистлар ишлайди. Бу сайтни Ўзбекистондаги, нисбатан ҳурфикрлилар сайти дейиш, мумкин. Булар кам ҳолда бўлсада, у бу ҳокимият органларини ҳам, танқид қилиб туришади. Булар билан алоқаси бўлган Байрамали, отасини ҳузурига улардан бирини юбориб, интервью олишни илтимос қилади. Улардан бири бориб, интервью олиб, кун.уз сайтига қўяди. Лекин, негадир кўп ўтмай кун, уз сайтидан бу видеointервью олиб ташланади. Қизиғи шундаки, бу видеони Байрамни ўзи юклаб олиб, йотубга жойлаштиради. Қуйидаги линда шу видеони тамошо қилишингиз мумкин.

<https://www.youtube.com/watch?v=n9csoiTxSGQ>

Видеода отасининг айтган гапига кўра, у 2003 йилда Россияга ишлагани кетган. У билан Ўзбекистонда бирга ишлаган икки киши, унга қарши кўрсатма берган. Шу сабабли, унга қарши 2004 йил 28 декабрда жиноий иш кўзғатилган экан. Унга қандайдир пул тўплаш ва қаергадир жўнатиш каби, айбловлар илгари сурилган. Қидирувга берилиб, россияда қамоққа олинган. Тюменда бир йилу бир ой, қамоқда ўтирган. Унга «Гражданское Содействия» ташкилоти, ҳуқуқий ёрдам берган. Хуллас, бор йўғи шу халос. Лекин, Байрамни ўша йилларда Тошкентда очилган, Турк лицейида ўқиганини ва бу лицейлар кейинроқ, Нурчилар гоёсини тарғиб қилганликда айбланиб, оммавий ёпилганини ҳисобга олсак, Байрамга шу

Нурчилар оқимига алоқадорлик айби, қўйилган бўлиши мумкин?! Лекин, аслида ўша турк лицейлари Нурчиларники эмасди. Улар Гуланга қарашли, лицейлар бўлиб, ўша пайтда уларни адашиб, Нурчилар дейишган. Гуланчилар Туркиядаги давлат тўнтаришига уринганидан кейин, Туркияда ҳам ноқонуний деб, топилди. Уларга тегишли барча ташкилотлар ёпилди. Аъзолари, оммавий тазйиққа учради. Баъзилари чет элларга қочиб кетди. Ўша пайтда Ўзбекистон расмий доираларида, ЎЗТВда ҳам «биз Гуланчиларни лицейини бекитганда, бизни танқид қилгандингиз. Мана энди, ўзингиз уларга тазйиқ қилаяпсизлар?! Биз уларни кимлигини, ўшанда билгандик» деган, гаплар айтилди. Нима бўлганида ҳам, Байрам диний жиҳатдан, бир манхаж устидаги собит шахс эмаслиги, аниқдир. У диний пешво ҳам эмас. Бунга даъвогарлик ҳам қилмайди. Мен Қаршиликлар ичида энг биринчи бўлиб таниганим, шу йигит эди. Унга ҳуқуқий ёрдам кўрсатган Елена Рябинина деган рус аёл, менга ҳам ёрдам берганди. Байрам у аёлдан, мени тел нумеримни олиб, мен Можайск турмасида ётганимда, менга тел қилиб, гаплашиб турарди. Бу кимса билан менинг орамда, ҳеч қандай шахсий адоват душманлик бўлмаган. У Стромсунддагиларни гапига кўра, ёки, негандир билмадим, менга нисбатан адовати пайдо бўлди. Мен «мустақиллик шарофати» деган китобимда, уни менга қилган баъзи яхшиликларини ёзгандим. Шунда у менга алоқага чиқиб, менга дўқ қилиб, китобимдан уни номини ўчиришни, талаб қилганди. Мен номини ўзгартириб қўйгандим. Шундан бери, у билан алоқам йўқ. Лекин, у мени ҳақимда, ортимдан ғийбатлар қилишни бошлади. Унинг гапларидан мен вофиқ бўлишимни, хаёлига ҳам келтирмасди. Уни менга, бу қадар душманлиги сирини, ҳеч тушунолмасдим. Бу адоват, орамизда ҳеч нарса бўлмаган ҳолда, бугун душманликка айланди. Менинг билишимча, эшак ҳожини чиқишларини материаллар билан таъминлаб турган кимса, шу бўлади. Айни шулар бугун менга, душманга айланишди. Ваҳолонки, улар билан менинг орамизда, шахсий ҳеч нарса йўқ эди. Улар адовати фақат шу Стромсундни, менга қаршилигига асослангандир. Ёки, мени Стромсундга қаршилигим учун, улар менга қарши бўлиб қолишган халос. Чунки, булар руҳан уларга бўйсунувчи каслар, эдилар. Байрамни ота онаси тирик экан. Улар боласини соғинишади. Улар олдига боришлик бу учун, албатта муҳим. Лекин, у ҳалигача боролмаяпди. Энг ёмони шуки, у уларни олдига боришлик учун, сарой муллаларига ялтоқлик қилишга рози бўлди. Ваҳолонки, мен Байрамни ота онасини олдига боришига қаршилигим ҳам, йўқ. Бўлиши мумкин ҳам эмас. Менинг қаршилигим, унинг саройпарастлар билан дўстона алоқада бўлишларигадир. Ҳукуматдагиларга пахта қўйишлигигадир. У дини учун ҳижрат қилган мусулмон эканини, иддао қиладиган шахсдир. Унинг бу ишлари, шу иддаодаги одамга мос ва мувофиқ ишлар эмасдир. Байрамали уларнинг сайтларига, интервьюлар берди. Каримберди Тўрамурад деган, блогерни меҳмонга чақириб, унга Широнов билан бирга меҳмондорчилик қилди. Шунингдек, Байрам ҳижратдаги ўтган умри давомида, ҳеч қачон, сарой муллаларига қарши, танқидий муносабатда бўлмаган. Уни на сиёсий ва на диний жиҳатдан бўлсин, уларни танқид қилгани, маълум эмас. Байрамали Каримов тириклигида ҳам, уни бирор марта танқид қилган шахс эмасди. Хуллас, у ва унинг шериклари барчаси, диний ва сиёсий фаол шахслар бўлмаганлар. Буларнинг Стромсунд наздидаги битта «фазилати» шуки, улар Обид қорига мурид бўлишган. Жуда яқин бўлмасада, озми кўпми, даражада яқинлашишга муваффақ бўлишган ва муридликка қабул қилинган. Улар на ИАКни ва на Мирзиёни, танқид қилмаганлар. Улар бугунга келиб, сарой муллаларига пахта қўйишмоқда. Менга қарши ҳозир алжираётган эшак ҳожи, умрида ҳеч қачон, абгор эшакни танқид қилмаган. У умрида битта одамни, ҳам яширин ва ҳам ошкора танқид қилди. Масхара қилди. Ҳақоратлади. У ҳам бўлса фақат мен эдим. Аллоҳ унга кифоя қилсин! Мен уни ота онасини, ҳақорат қилмадим. Чунки, унда мен ҳам, уни даржасига тушиб қолардим. Бу кимса, Обид қорини ҳимоясига намоишларда, бир оғиз гап гапиролмаганди. Уни духи етмаганди. Менга қараб аккиллашга етди. Бу виждонсиз, пасткаш кимсадир. Бу дунёда виждонли одамлар яшаши, анча мушкулдир. Чунки, улар виждон қўйган рамка ичида, юришга мажбурдилар. Виждонсизларга, бу дунёда муаммо йўқдир. Уларда рамка бўлмайди. Улар истаган нарсани қилиб, юришлари мумкин. У шу каби нафратини, Расуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни сўкиб, масхара қилган шахсларга қилмади. Аллоҳни йўқ дейдиган, даҳрийларга қилмади.

Ваҳолонки, Аллоҳ ва уни Расули, яхши кўришликка ва шаънини ҳимоя қилишликка, Обид қоридан кўра, ҳақлироқ эди. Қолаверса, мен Обид қорини ҳақорат қилмагандим. У шу нафратини, уламоларни қатл қилган Каримовга ҳам, қилмаганди. Қуръон оятларига очикдан очик қарши чиққан, Мирзиевга ҳам қилмади. Обид қорини отиб кетган, Жуковскийга қилмади. Худди шунингдек, Байрамали ҳам, худди шунақа эди. Булар менга қилган нафратини, дунёда ҳали, бошқа бировга қилмаганлар. Мен буларни, буюк Аллоҳнинг ҳукмига топширдим. Агар эшак ҳожи, Обид қорига севги изҳор қилаётгани рост бўлса, Суд пайтида Жуковскийни пичоқлаб, ўлдириб юборарди. Шуни қилса, у Обид қорини қотилидан қасд олган бўлиб, муридлар орасида, катта ҳурматга сазовор бўлиб, олқиш олиб, турмада ётарди. Лекин, у бунга журъат этмади. Унинг журъати Обид қорига қарши пистолет кўтарганга эмас, унга қарши, шахсий фикрини билдирганга етди, халос. Лаъаналлоҳу алайка фиддорайн! Омин!

Мёлбу қавмини мусулмонлар учун жонкуярлигини сохта, дейишимга, кўплаб асосларим бор. 2015 йилда, биз Мўътабар Тожибоева билан биргаликда, ўғирлаб йўқ қилинганлар ҳақида, маълумотлар излаш ойини ўтказдик. Уларни ҳақида, имкон қадар кўпроқ маълумот тўплашга, ҳаракат қилдик. Шунда бу қавмдан, ўшалардан баъзиларини танийдиганлар бўла туриб, бизга маълумот беришмади. Шунда ҳам, ўша ҳаммани нафратига нишон бўлиб турган, мулла Ширинов алоқага чиққанди. У ўшанда «агар шу ишга ҳам ярамасак, бизда яхшиликни ўзи қолмаган бўлади» деганди. Унинг турткиси билан, улардан баъзилари, бу ишда фаол қатнашишди. АҚШда яшайдиган Мирахмад Мўминов дегани, кўпроқ фаолроқ қатнашганди. Бу рўйхатда 26 кишининг номи бор. Улар Ўзбекистон ҳукуматида жўнатилган ва улар ҳақида, маълумот беришлик талаб қилинган. Ҳукумат бу масалада ҳам, ҳалигача жавоб бермасликни афзал кўрмоқда. Шу излаш жараёнида, на Хизбут Тахрирчилар ва на Қаршилиқлар, ўзларига маълум маълумотларни, бизга баҳам кўрмадилар. Ваҳолонки, бу иш, шахсий иш эмасди. Бу ишда тарафкашлик қилиш, керак эмасди. Бу иш мўминлар қилиши лозим бўлган, амаллардан бири эди. Буларда имкониятлар кўпроқ бўла туриб, шу каби, бирорта ишни, ўзлари қилмадилар. Улар қилган иши уч тўрт мартадан, Ҳажга боришлик ва хотин олишлик бўлди. Чунки, пуллари кўп эди. Бу пуллари ишлаб, бели оғриб топмаган эдилар. Бу пуллар швед ҳукуматини, болаларига бераётган пуллари бўлиб, булар шу ҳисобига, ҳожака бўлиб юришганди. Юқорида айтганимиздек, Қаршилиқлардан яна бири Ҳасан Темиров ҳам, Азон уз, сайтида ижод қилаяпти. Мақсад ватанга боришлиқдир. Ваҳолонки, бу кас юқорида мен айтиб ўтган ва бутун мусулмонлар учун зарурий бўлган ишларда, бизга заррача бўлсин ёрдами тегмаганди. Булар ичида энг «ақллироғи» Акмал Хайдаровдир. Бу кимса, ҳам Туркиядан уй олган. У ҳам, Ўзбекистонга боришдан маҳрум. У ҳам, бориш учун йўл излаётган, шахслар жумласидандир. Унинг миясида дунёни, Исроил ёки масонлар бошқариб турибди деган, фикр бор. У дунёда содир бўлаётган ҳар бир воқеъа ва ҳодисани, масонлар билан боғлаб шарҳлайди. Ошналарига ҳам, шунақа таълим беради. Унинг гапидан таъсирланган ошналари ҳам, масонлар ҳақида, у бу деб, алжираб юришади. Менинг шахсий фикрим шуки, булар бари сафсатадан бошқа нарса эмас. Ислом оламидаги сонсиз ихтилофларни, четдагилар эмас, шу умматнинг ўзи, унинг шайхлари томонидан чиқарилаётган ихтилофлардир. Криловнинг Оққуш, Қисқичбақа ва Чўртанбалиқ қиссасига ўхшайди, бугун умматнинг аҳволи. Шайхлар турли томонга тортаяпти. Авом ўртада сарсон бўлиб юрибди. Қуйидаги линкдан ўғирлаб йўқ қилинганлар ҳақидаги, маълумотларни ўқишингиз мумкин.

<https://siyosat.wordpress.com/%d1%9e%d2%93%d0%b8%d1%80%d0%bb%d0%b0%d0%b1-%d0%b9%d1%9e%d2%9b-%d2%9b%d0%b8%d0%bb%d0%b8%d0%bd%d0%b3%d0%b0%d0%bd%d0%bb%d0%b0%d1%80/>

Ахлоқсиз такфирчилар фитнаси ҳақида

Мёлбудаги эшак ҳожига келсак, у бола Стромсундга келиб радикаллашди. Чунки, унда авваллари на сўфилик ва на салафийлик ва на бошқасига доир, тушунчани ўзи йўқ эди. У авом халқнинг, типик вакили эди. Стромсундда унинг тили чиқди. Тушунчаси, пайдо бўлди. У бу нарсалар ҳақида, гапира бошлади. Агар у тақдир тақозоси билан, шуларга қўшилмаганда эди, у ўша оддий ва соддалигида қолган бўларди. Унда бугунгидек, одамларни устидан кулиш ва ҳақоратлаш ва масхаралаш сифатлари, пайдо бўлмасди. У оддий намозхон пайтида, бугунги кундагидан кўра, анча одоблироқ эди. Бу ерга келиб, пули кўпайди Ҳожака бўлди. Хотини кўпайди. Энди тили, икки қарич бўлиб, гапира бошлади. Буни ўн йил олдин тасаввур қилиш, имконсиз эди. Унда ва унга ўхшаганларда, Обид қорини ҳимоя қилиб, обрў орттириш имкони пайдо бўлди. Бундай имкониятни қўлдан бериш, керакмас эди. Уни ортида турганлар, уни қаҳрамонлик қилишга ундадилар. У ишга тушди. Мен у билан биринчи тўқнашувим, шундай бўлганди. Обид қорига суиқасд уюштирилганига неччи йил ҳам, тўлиши муносабати билан, Мёлбу қавми Стокхольмда, намоиш ташкиллаштирди. Муҳиддин Ширинов менга телефон қилиб, шунга келишга таклиф қилди. У менга сизни Стромсунддан келадиганлар, олиб ўтишади деди. Мен ҳўп дедим. Стромсунддан келадиган машина эрталабки, соат еттида мени олиб ўтиши керак эди. Уларга эрталаб телефон қилсам, улар Ҳасан Темировни олиб, ўтиб кетишибди. Улар биз йўлдамиз, дейишди. Мен Муҳиддин Шириновга машина, мени олмай кетди дедим. Хуллас, менсиз ўтказаверинглар энди. Мен бу сафар қатнашмайман, дедим. Муҳиддин Ширинов ҳозир тўхтанг, деди. Кейин, у яна телефон қилиб, сизни олишга боришади, кутинг деди. Мен ҳўп деб, кутиб ўтирдим. Улар келишди. Мен машинага миниб, бирга кетдик. Машинада Ҳасан Темиров ва эшакхожи ўтирарди. Рулда Обид қорини шофёри бўлиб юрган, Мурод исмли бир кимса бор эди. Хуллас, булар мен учун ортга қайтганига, мендан ғазабда эканлар. Аввалига буни сездирмадилар. Йўлда, гап, ИШИДга бориб тақалди. ИШИД бировни тириклай, ўтда ёқишган пайтлари эди. Шу мавзуда, ҳамма ёқда гапирилаётганди. Шунда мен уларнинг бу ишлари хато, дедим. Улар кўп хато ишлар қиляпдилар, дедим. Шунда эшакхожи, тутоқиб кетди. Яхши бўлди. Ўлдирсин куйдирсин! деб бақирди. Сен нима бақирасан? десам, сиз нега бизни йўлдан қолдирдингиз деди. Уни алами шунда эканини, тушундим. Бу у билан орамизда бўлган, бир кичик тўқнашув эди. Бошқа гаплашмадик. Мени олиш учун Ширинов буларни, ортига қайтарганди. Буларга шу ёқмаган экан. Шунга, ИШИД баҳона, менга бақириб олди. Хуллас, намоишга бордик. Камина у ерда ҳам, олдиндан тайёрдаб борган нутқимни ўқидим. Намоиш тугаб, бошқа машинада уйга қайтдим. Орадан анча вақт ўтгач, у бизни қўшнимиз бўлган Қаршилиқни уйига келди. У билан гаплашмоқчимасдим. У қўшни менга, у бола қилган ишидан афсусда экан. Шунга бизга айтди, деди. Мен ўзимча, у тавба қилган бўлса, гаплашаман деб, уни олдига бориб сўрашдим. Шу билан, бошқа гап сўз бўлмади. Орадан вақтлар ўтиб, уни Муҳиддин Шириновни ота онасини ҳақоратлаган, беш ўнта овозли файллар, менга тушиб қолди. Мен уни бир иккисини, Шириновга жўнатдим. Шундан кейин, орадан икки соат ўтиб, у менга телефон қилди. Нормал салом алиқ, қилди. Нега файлни Шириновга бердингиз, деди. Мен унга, сан нега уни ота онасини, ҳақоратладингиз? Бу ишинг яхшимас, дедим. Уни ўзига, юзига айтмайсанми, шу гапларни? Нега орқасидан айтасан, бу ишинг номардлик бўлади, дедим. Хуллас, у мен юзига ҳам айтаман. Қўқмайман у бу деди. Мен унга, бу гаплар учун узр сўраб қўй, дедим. Шу билан хайрлашдик. Шундан кейин, у билан мана, яқинда интернетда яна учрашдик. Бу сафар у менга троллик қилиб, комментлар ёзди. Мен уни кимлигини аниқ билмаганим учун, унга хат ёздим. У менга овозли ҳақоратли файллар жўнатди. Мен унга хат ёздим. Хуллас, у видеода, гапиришни бошлади. Агар у аввалдан, ҳақорат қилмасдан очиқчасига мард бўлиб, гапирганда, мен унга раҳмат дердим халос. Чунки, у шу видеодаги гапларни, ўзи аввалдан ҳам доимо, ортимдан гапириб юрадиган одам эди. Байрамали ҳам, ҳасан Темиров ҳам, шунақа ғийбатчилар эдилар. Менга ортимдан айтгандан кўра, юзимга айтгани мардлик бўларди. У бу ишни ҳақоратдан кейин, қилди. У қизил чизиқдан ўтганди. У билан мен энд,и мунозара майдонига чиқмасдим. У одамгарчиликни йўқотган, ҳайвонга айланганди. Мен учун уни, гаплари сариқ чақага қимматдир. У бугун шведлар пулига, ҳажга бориб келиб, ўзини юқори санаб мақтаняпти. Мен кўп йиллар, турмада ўтирганман.

Ваҳолонки, ҳамма қалтираб қўриб турганида, калтаклар ейишдан, ҳамма чарчаганда, қўрқмасдан тик туриб, икки ракат намоз ўқиб олиш қайдаю, сени ҳожилигинг қайда? Худо билади?! Тарозига қўйса, қай бири оғирроқ бўлади?! Сен бир кун ҳам, турмада ўтирмагансан, ҳали. Тўрт йил ўтирганда ким бўлардинг?! Худо билади. Гапиравер ортимдан. Мен сенга тупурдим. Бу гапларни Мёлбучилар, ҳаммаси гапиради. Зеро, улар бирортаси, мард бўлиб, юзимга гапирмаган. Ортимдан доим гапиришади. Турмада намозга, шундай қаршиликлар бўлдики, аксар намозхонлар, намозни ташлашди. Оз сонли одамларгина, намозда муқим қолишди. Бу Қаршиликлар турмада бўлганида, намозга бўлган қаршиликларга қарши, қаршилик кўрсатолмаган ва намозни тарк этган бўлардилар, валлоҳу аълам! Қаршиликларнинг қаршилиги шу ерда бўлаяпти, халос. Мен буларни ғийбатчилигини билардим. Менинг принципим, аксинча эди. Мен уларни башарасига, гапиришни истардим. Бу китобни ёзиш баҳонасида, уларни башарасига гапиряпман. Зеро, улар ҳам, китоб ёзибми, мақолами, менга шу тариқа гапирсалар, мардлик бўларди. Улар доимо ортимдан, ғийбат қилишади халос. Менга афзали, шу майдонда, мард бўлиб гапиришлиқдир. Булардан мардлик кутиш, аҳмоқлик экан. Буни энди англадим. Менга булар ислом либосини кийиб, шу каби пасткашликни қилиши, ажабланарлидир. Агар булар тақво иддаосини қилмаганларида, мен ажабланмасдим ҳам. Булар ҳам, демократ ўзбеклар каби, оддий одамлар бўлсалар, бу ғийбатларини нормал ҳисоблардим. Булар ўзбек диндорлари, элитаси эдилар. Булар ўғри қароқчи одамлар, эмасди. Булар ўзларича олийжаноб шахслар, эдилар. Лекин, ахлоқлари ўғри қароқчилардан анча паст, кимсалар эди. Ўша динсиз ўзбеклар, буларга қараганда анча одамгарчилиги бор, одамлардир. Улар буларчалик, тубанликка тушишмайди. Жиҳодчи гуруҳлар орасида ҳам, шулар каби, такфирчи, ахлоқсизлар, катта муаммолар пайдо қилишганини кўп ўқиганман. Шулардан бирини, сизни эътиборингизга ҳавола қиламан.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим “Инсон яхшиликка дуо қилганидек, ёмонликка ҳам дуо қилур. Инсон шошқалоқ бўлгандир”. (Исро сураси 11 оят) (Яъни, иймонсиз, Қуръон ҳидоятдан маҳрум бўлган ҳар бир инсон, ўзини яхшиликка урганидек, ёмонликка ҳам ураверади. Чунки у нима яхши ва нима ёмон — ажрата олмайди. Шунингдек, яхшилик тилаб дуо қилганидек, ёмонлик тилаб ҳам, дуо қилаверади. У аввал ёмонликни англаб етмайди, англаган чоғида ҳам, ундан ўзини тўхтата олмайди.) Шубҳасиз Исро сурасидаги Роббимизнинг бизга марҳамат қилган бу оят ҳақида, ҳикмат билан тафаккур қилишда, фойда бор. Бу оят ҳақиқатдан инсон характерини ва умумий ҳолатини, яхши очиб берган оятдир. Одам фарзанди кўпинча шошқалоқлиги туфайли, фалокатга, яна худди шу шошқалоқлиги сабабли, ёмонликка дучор бўлади. Шу муносабат билан, бугунги баҳсимизни ушбу асосга кўра шарҳлашга ҳаракат қиламиз. Бу ерда баҳс қиладиган хусусимиз, авваллари ҳам гапириб ўтган, яқин давр “замонамиз” жиҳод тарихини, ўз ичига олган Хорижий Такфирчилик фитнасида. Бу масала, бугунги кунимизда бўлаётган жуда кўп фалокатларга, алоқаси бўлиши эътибори билан, диққат қиладиган ва шу даражада тушунарлидир. Ҳозирги даврда бўлаётган фитна ва нифоқ ҳаракатларига, янада тўғри ва аниқ баҳо бериш учун, ҳеч шубҳасиз яқин тарихимизда бўлган тажрибаларни, кўздан кечиришимиз, бизга фойда келтиради ва масалани янада яхшироқ тушунишимизга, ёрдам беради. Шундай экан гапни чўзмасдан, билганимизча ва эслаганимизча, бу тарихий ҳодисалардан гапирамиз.

Илк давр, Миср тажрибаси

Яқин ўтмишда Ислам Тарихида пайдо бўлган энг машҳур такфирчи фирқалардан бири, Мисрлик Мустафо Шукрий бошчилигидаги, “Такфир вал Ҳижрат” жамоатидир. Бу гуруҳ аслида ўзини “Жамоатул Муслимин” деб, номлаган эди. Такфирдаги ҳаддан ошишлари ва халқ оммасини тарк қилиб, “ҳижрат” қилишлари сабабли, бу ном билан номланди. Ихвонул Муслиминнинг собиқ аъзоси бўлган, Мустафо Шукрий, Мисрда диктатор Жамол Абдулносир даврида, зиндонга отилган ўн минглаб Ихвон аъзоларидан бири эди. Бу даврда зиндонларда ўтказган оғир қийноқлар тажрибаси, Мустафо Шукрийнинг фикр ва қарашларининг жуда каттиқлашишига сабаб бўлди. Носирнинг ортидан Анвар Садат ҳукумат тепасига келди.

Жамол Абдулносирга нисбатан юмшоқроқ сиёсат олиб боришни афзал кўрган Садатнинг, турмалардаги Ихвон аъзоларини озод қилиши билан Мустафо Шукрий ҳам турмадан чиқди. Шукрий, Ихвоннинг Саййид Қутб асос солган мафкураларга, хиёнат қилганини илгари сурди ва бу гуруҳдан ажралди. Саййид Қутбнинг фикрларини янада, радикал тарзда шарҳлаган Шукрий, вақт ўтиши билан, ўзига ўхшаган қамоқ тажрибаси бўлган, собиқ ихвон аъзоларидан иборат Шайх Али Абду Исмоил етакчилигида, янги жамоатга кўшилди. Қисқа вақт ўтгач гуруҳнинг раҳбарлиги, Мустафо Шукрийга ўтди. “Жоҳилият жамияти” деб, номлаган Миср жамиятини, такфир қилган жамоат, қисқа вақт ўтгач ўз жамоатларидан бошқа ҳаммани, кофир деб эълон қилишни, бошлади. Бу жамоатнинг номини “Жамоатул Муслимин” қўйилишидаги “ҳикмат” ҳам шудир. Жамиятни такфир қилган бу гуруҳ, уни жоҳилий Макка жамияти каби, кўриши халқ яшаган жойлардан ҳижрат қилиниши керак деган, фикрда эди. Бу шаклда қурмоқчи бўлган “Мадина” жамияти, Исломий курашнинг иккинчи босқичига ўтиши керак эди. Шу сабаб билан жамоат мансублари, шаҳар ва қишлоқларни тарк қилиб, чўлларда ва чекка жойларда ўзларига, янги жойлар ташкил қилдилар. Бу гуруҳда охир замон ва маҳдийлик тушунчаси ҳам кучлидир. Қисқа вақт ўтиб, Садат ҳукумати тарафидан босимларга учраган гуруҳ, баъзи ҳужумларга аралашди ва бундан кейин жамоат аъзоларига нисбатан тазйиқлар ўтказилди. Мустафо Шукрий 1978 йилда ҳибсга олиниб қатл қилинди. Бунга қарамай Такфир вал Ҳижра жамоати, бир муддат ўз йўлида давом этди. Бу ерда эътиборни тортадиган, бир неча хусуслар бор. Бу жамоатнинг асосий хусусиятларидан бири, “силсилавий такфир”дир.

Бунга кўра кофир деб ҳисоблаган аниқ бир шахс ёки гуруҳни бошқа одам ҳам кофир демагунча, уларни кофир демаганлар ҳам, кофир бўлади. Бу шундай такфир тушунчасики, такфир қилмаганини, такфир қилмаган ҳам, кофирдир. Бу халққа шу тарзда, ер юзида ўзларидан бошқа бирорта одам қолмагунча, одамларни ва жамоатларни,и такфир қилиш билан тугайди. Бир одам, Анвар Садатни такфир қилмасдан кофир бўлган бу кишини, такфир қилмаса, у ҳам кофирдир. Бунинг ортидан илк икки халқадаги такфир қилинганларни, такфир қилмаган ҳам, кофирдир ва бу занжир шундай, давом этади. Бу жамоатнинг бошқа хусусияти эса, жуда “журъатли” бўлишлари ва ибодатга жуда берилувчанлигидир. Шундайки, бу гуруҳ аъзоларини ибодат қилаётган ҳолда кўрган олимлар ҳам, ўз ибодатларини ҳақир кўрардилар. Такфир вал Ҳижра аъзолари жуда ҳам, қўрқмас инсонлар эди ва очиқчасига бир милициянинг (мелисани) ёнига бориб, Анвар Садатни ҳам ва у милицияни ҳам, такфир қилишарди ва турмага киришади. Турмада оғир қийноқлар кўришларига қарамасдан яна ўз ғояларидан қайтмас эдилар. Такфир вал Ҳижра жамоатининг хусусиятларидан яна бири, етакчилари Мустафо Шукрийнинг, кўп қиррали характерининг таъсиридир. Мустафо Шукрий Мисрнинг жанубидаги Асют шаҳридан бўлиб, зироат муҳандислиги соҳасида ўқиган. Бунга қарамай ўзини тутиши ва хитоб қилиши, жуда таъсирлидир. Ва яна унинг шеърлари ҳам, жамоат аъзоларини оҳанграбодай ўзига тортар эди. Жасорат соҳиби бўлган бу шахс, ўлимга олиб келинганда ҳам, ўз фикрларидан воз кечмади. Бу жамоатнинг аъзолари, Мисрда тоғутий режимга қарши курашган, фақат юмшоқ деб, ўйлашган Ихвонул Муслимин Ҳаракатини, такфир қилиш билан чекланмадилар, балки ўзларидан бошқа бутун жамоатларни ҳам, такфир қилдилар. Абдуллоҳ Аззом, бу жамоатдан бўлган бир йигит билан бўлган воқеани айтиб берганда, ўша йигитни намоз вақт бўлганда, ўзини орқасида намоз қилмаганини, ибрат билан тушунтириб беради. Вақт ўтиши билан бу жамоат йўқ бўлди, ёки майдаланиб-тарқалиб кетди. Бугун ҳамон бу жамоатнинг қолдиқлари, Синай чўлининг чекка жойларида, борлиги айтилади. Мисрда бўлиб ўтган бу тажриба, замонамиз Исломий Ҳаракатлар тарихида бўлиб ўтган, аҳамиятга молик тажрибадир. Жазоир тажрибаси ва Жамоати Исламийатул Мусаллаҳа, Мисрда бўлиб ўтган Такфир вал Ҳижрат тажрибасининг ортидан юзага чиққан, бошқа такфирчи гуруҳ Жамоати Мусаллаҳа, Жазоирда таъсирли бўлди ва ўлкада бўлган қонли ички урушда, Жазоирдаги тоғут режимни бир чеккага суриб қўйиб, Исломий гуруҳларни ва оддий халқ оммасини ҳадафга олишни бошлаши билан, даҳшатли ҳодисалар рўй берди. Бу гуруҳнинг юзага чиқиши даврида, Францияга қарши олиб борилган, Жазоир Озодлик уруши ва Афғонистон Жиҳодининг ортидан бўлган ҳодисалар

ҳам, маълум бир кўринишда, таъсирли бўлди. Аммо бу ҳодисаларнинг энг катта фалокати, ўлкада бўлган, қонли тўнтаришдир. 1991 йилнинг охирида бўлиб ўтган сайловларда, Жазоирлик Аббос Маданий ва Али Белҳаж каби, раҳбарлар етакчилигидаги ФИС (Жабҳатул Исламийяту лил Инқози/Исломиё Саломат Жабҳаси) сайловнинг биринчи босқичидаёқ, овозларнинг 80 фоизидан ортиғини олди ва сайловнинг иккинчи босқичига ўтилмасдан зафарни кафолат қилди. Бунга қарши ҳаракатга ўтган Франция дастагидаги Жазоир армияси, 1992 йил январь ойида, тўнтариш қилиб, сайловларни бекор қилди ва ФИС аъзоларини ҳибсга олишни бошлади. Армиянинг сайловларга, бу қонли аралашувининг ортидан, Жазоирда тартибсизлик бошланди ва Исломиё муҳолифат қуроли курашга ўтди. Афғонистонда Совет ишғоли энди тугаган бўлиши ва у ердан минглаб Жазоирлик АрабАфғон (Афғонистонда жиҳод қилган Арабларга берилган ном) мужоҳидлар Жазоирга қайтаётган эдилар. Ҳудди шу вақтда, бу ҳодисаларнинг бошланиши, Афғонистондан қайтган бу тажрибали мужоҳидларни, ҳаракатга келтирди. Ўша пайтда ҳарбийларга қарши оёққа турган Исломиё гуруҳлар, жуда кўп бошлиқлар ва гуруҳлар остида, режимга қарши уруш қилишни бошлади.

ФИСнинг таъсирли бўлган қуроли гуруҳларнинг илк даврларида, Мансур Малианий ва бир гуруҳ “Араб-Афғон” ажралиб, ўз гуруҳларини ташкил қилди. Малиани ҳибсга олинди, унинг ортидан эса, гуруҳни Абдулҳақ Лияда такрор жамлади. Фақат қисқа бир муддатдан сўнг, у ҳам Марокашда тутилиб, Жазоирга топширилди. Бу сафар гуруҳ бошига, Шариф Ғусмий келди. Бу даврда Жазоирда, ФИСнинг ҳарбий қаноти бошчилигида, кўплаб қуроли Исломиё гуруҳ амирлари, Жамоат Мусаллаҳага қўшила бошладилар. Ажабланарли тарафи шундаки, бу жамоат амирларининг Жамоат Мусаллаҳа тарафидан, аслида таҳдид қилиниши эди. Бу амирларнинг гуруҳга “ичкаридан ўзгартириш умиди” билан, қўшилишгани айтилди. Бу муддатда, жуда кучайган Жамоати Мусаллаҳа, ўлканинг каттагина қисмида, назоратни қўлган олиб, бошқа гуруҳларни бостирди. Ҳудди мана шу пайтда, гуруҳ амири Шариф Ғусмий, ўзини “халифа деб эълон қилди” ва “Амирул Муминийн” сифатини олди. Хилофат эълони ўлкада ва гуруҳ ичида тортишувларга ва бўлинишларга сабаб бўлди. Гуруҳ эса, бу киши ва тузилмаларни, ҳадафга олишни давом эттирди. Бошқа Исломиё жамоатларнинг тинчлик ва музокара таклифларини рад қилган, Жамоати Мусаллаҳа, бу гуруҳларнинг амирларини ҳадаф олиб, қатл қилди. Бу даврда, гуруҳга режимнинг жиддий маънода сизиб кириш ҳақидаги гап-сўзлар эътиборда бўлди. Сўнгра гуруҳ амирлигига, Жамол Зайтуний келди. Бу даврда Францияни ҳам ҳадафга олган, бир қатор ҳужумлар қилган Жамоати Мусаллаҳа, ўлкада бора-бора халққа ҳам, ҳужумлар қилишни бошлади ва фикрий тарқоқликлар, юзага келди. Бу бўлиб ўтган ишлар, гуруҳ ичида жиддий парчаланиш ва бўлинишларга, сабаб бўлди ва гуруҳдан ажралиб чиққан, бошқа бир гуруҳ, Жамол Зайтунийни ўлдирди. Жамол Зайтунийдан сўнг, Жамоати Мусаллаҳага амир бўлган Антар Зувабирий эса, 2002 йилдаги ўлимига қадар, яқин вақтларда содир бўлган, энг дахшатли қотилликларга имзо қўйди. Жазоирда оддий халққа қилинган ҳужумлар, мактабларда ёш болаларнинг ўлдирилиши, баъзи қишлоқларнинг бутунлай харитадан ўчириб ташланганлиги ва бошқа Исломиё жамоат вакилларига суиқасдлар қилинган ҳужумлар туфайли, ўлкадаги ҳарбий ҳунтага қарши курашни деярли, тўхтатиб қўйди. Бу даврда гуруҳ бутунлай такфирчи ғояга, мубтало бўлди ва ўзидан бошқа ҳаммани такфир (хорижий) қилувчи, ақидани шакллантирди. Бу жамоатнинг такфирчилик мафкураси қаршисида, 1998 йилда гуруҳдан ажралиб чиққан, Жамоатус Салафийя лид Даъвати вал Қитал гуруҳи, сал кейинроқ Ал-Қоиданинг минтақадаги қаноти ҳолига келиб, Исломиё Мағриб Ал-Қоидаси, номини олди.

Афғонистон Покистон тажрибаси

Ҳеч шубҳасиз, хоссатан яқин давр жиҳодий ҳаракатлар учун, Афғонистон ва Покистонда бўлиб ўтган бошқа бир такфирчи жамоат тажрибаси бўлган, Абу Исо ал-Рифайй бошчилигидаги, Жамоатул Муслимин гуруҳи, муҳим бурилиш нуқтаси бўлди. Зеро бу ҳаракат, Ал-Қоид ва Толибон билан, бир минтақида бўлишига қарамай, ҳокимият ташкил

қилди ва кейинроқ тарих саҳнасига, ғойиб бўлди. Урдуннинг (Иордания) Зарқо шаҳрида туғилган, асли Фаластинлик Абу Исо ал-Рифоий, ватанида Ихвонул Муслиминга қўшилганди. Кейинроқ Афғонистонда, Советларга қарши бошланган жиҳодга қатнашди ва у ерда жанг қилди. Бу даврда Абдуллоҳ Аззом ва Усома бин Ладен каби, мужоҳид олимлар билан танишган Рифоий, урушдан сўнг, ватани Урдунга қайтганида, Ихвонул Муслимин гуруҳидан ажралди. Урдунда бўлган пайтларида, Абу Муҳаммад ал-Мақдисий ва Абу Мусъаб ал-Зарқовийлар билан муносабат ўрнатган Рифоий, бу ерда жиҳодий тарғибот ишлари билан машғул бўлди. Кейинроқ тутилди ва ҳибсга олинди. Бир муддат қамоқда қолиб, қийноқларга дучор қилинган Рифоий ва бир гуруҳ дўстлари, турмадан чиққанларидан кейин, Урдунни тарк қилиб, Покистоннинг Афғонистон чегарасидаги Пешавор шаҳрига ҳижрат қилди. 1992 йилда Афғонистон-Покистон минтақасида, жиддий бир бўшлиқ пайдо бўлди. Зеро Афғон гуруҳлари, бир-бирлари билан уруш қилишни бошлашди, Абдуллоҳ Аззом каби, жамоатларни тутиб турадиган етакчи шахид (иншаАллах) қилинган эди. Усома бин Ладен эса, гуруҳи билан биргаликда ватанига қайтган, кейинроқ эса, Суданга ўтиб кетган эди. Бўлаётган бу тартибсизликлар ичида Рифоий ва дўстлари, Усмон Филистиний, Абу Айюб ал Барқовий каби, Суданлик баъзи шахслар, бир жойга тўпланиб маслаҳат ва мажлислар қилдилар. Бу муаммоларни ҳал қилиш йўлини, мусулмонларни бир жойга жамлайдиган “амирлик” эканлиги, бунинг ҳам мусулмонларни жамлайдиган “халифа” билангина бўлиши мумкин деган, қарорга келдилар. Бу даврда ораларида бир халифа сайлашга, қарор қилган бу гуруҳ, ораларида “Қурайший” шажарага эга бирортасини бўлмагани учун, бир киши устида тўхтамга келишолмади. Бу орада Лондонга бориб, ўзига янада кўпроқ ҳайрихоҳлар тўплаган Абу Исо, Пешаворга такрор қайтганидан сўнг, бу сифат аслида, ўзининг “пайғамбар авлодидан эканлигини” кашф қилди ва шу тарзда Қурайший шажара билан, хилофатини эълон қилди. Шундай қилиб “Абу Исо Муҳаммад Али бин Аҳмад ал-Ҳошимий ал-Қурайший”га Амирул Муминин сифатида, байъат бердилар. Ўзига вазифа ўлароқ Шариат Аҳкомини қоим қилиб, жиҳод йўли билан, Аллоҳнинг номини олий қилиш ва буни ёйиш сифатида белгилаган, Абу Исо ва гуруҳи, теварак-атрофдан байъат тўплашни ва мусулмонларнинг гуруҳларига баъят бериши вожиблигига доир, иш олиб борди. Абу Исонинг гуруҳи кўплаб ўлкалардан қўллаб қувватловчилар топган бўлсада, эргашганларнинг катта қисмини Шимолий Африка/Мағрибликлар ташкил қиларди. Хилофат эълонининг ортидан, бошқа гуруҳлардан байъат талаб қилган Жамоатул Муслимин гуруҳи билан, низолар бош кўтарди ва баъзи тўқнашувлар бўлди. Хусусан Хуросондаги Араб мужоҳидларнинг ўзларига байъат беришини хоҳлаган гуруҳ, Ал Қоидадан ҳам байъат талаб қилди. Ўзига байъат бермаганларни халифага қарши боришда айблаган ва жазоларини ўлим эканлигини эълон қилган гуруҳ, Афғонистоннинг Кунар минтақасида, мустаҳкамланиб олишга ҳаракат қилди. Бу даврда турли айблов ва даъволарга дуч келган гуруҳ, айна вақтда Афғонистонда юксалган ва халқ ва олимларнинг дастагини олган, Толибон ва амири Мулла Умар қаршисида туриб беролмай, Афғонистонни тарк қилишга мажбур бўлди. Зеро халқнинг ва қуролли гуруҳлар ва амирларнинг катта қисми, Толибонга қўшилган, олимлар эса, бутун ўлка бўйлаб тўплаган катта шўро орқали, Мулла Умарни Амирул Муминин деб, эълон қилишган эди. Бу ҳолат қаршисида Абу Исо дош беролмай, минтақани тарк қилди. Англияга қайтган Абу Исо, даъвосини, бу ерда давом эттирди. Ўзига қўшилмаган гуруҳларни, такфир қилишни бошлаган бу жамоат, хорижий мафкурага дучор бўлди. Вақт ўтиши билан, гуруҳ бўлақларга бўлиниб, йўқ бўлиш эшигига келди. Абу Исо энди, умуман эътиборга олинмайдиган шахсга айланди ва 2006 йилда, Англияда ҳибсга олинди.

Абу Исо гуруҳига мансуб шахслардан бири Абу Умар ал-Қувайтийдир. Абу Умар ал Қувайтий, ИШИДнинг эълонидан кейин бу гуруҳга қўшилди ва бу гуруҳда Шаръий қози сифатида вазифа олган эди. Охириги пайтларда оқибати ҳақида, ҳар-хил гаплар бор. (Абу Умар ал Қувайтий, Идлиб шимолидаги Атмада турарди. Атрофида озгина одамлари бор эди. Толибон ва ал Қоидани такфир қиларди. ИШИД хилофат эълон қилганидан кейин, унга байъат берди ва қозилик қила бошлади. Ҳалабдаги “сулаймон Шох Турбаси”ни бузиб ташлагани учун, Бағдодийни (Давлани) такфир қилади. Кейин уни ИШИД қатл қилди; деган гаплар бор.)

Умумий тарзда жиҳод майдонларидаги ҳаддан ошишлар, Афғонистон жиҳодидан бошланган яқин тарихда, жиҳод майдонларида такфирчилик баъзан, шахслар кўринишида, баъзан эса гуруҳ ҳолида, бош кўтарди. Юқорида айтиб ўтган, Жамоатул Муслимин, Афғонистон мисолида бўлиб ўтган гуруҳ кўринишидаги йўналишдир. Шу билан бир қаторда, шахсий ўлароқ мужоҳид амирлар ва олимлар, ёшларнинг ҳаддан ошувчилиги ва шошқалоқлиги сабабли, бир қанча такфирда ҳаддан ошишларга дуч келдилар ва буларни бартараф қилишга, ҳаракат қилдилар. Бу маънода Афғонистон тажрибасини, энг яхши баён қилган Абдуллоҳ Аззомнинг асарлари, бу каби шошқалоқ ва ҳаддан ошган, такфирчи ёшларнинг ҳикоялари билан, тўладир. Фақат мунчоқ таққани учун, бутун Афғонларни такфир қилган, мақбаралар бор дея, жиҳодни тарк қилган, дарахтларга ип боғлаганларни, қонини ҳалол кўрган, бундай шошқалоқ ва илмдан баҳра олмаган кишилар, жиҳодни ҳар доим, янада қийин аҳволга солиб қўймоқдалар.

Афғонистон тажрибасининг ортидан, Босния жиҳоди ҳам такфирда, ҳаддан ошган баъзи кишилар туфайли, қийин даврларни бошдан ўтказди. Яшаётган тарихий муҳит сабабли, Исломдан анча узоқлашган Босния халқига, доир ислоҳ ишларини босқичма-босқич (тадрижий) йўл билан олиб бориш ўрнига, баъзи кишилар, такфир йўлига кириб, у ердаги жиҳоднинг фасод бўлиш хавфини, туғдирган эдилар. Босния жиҳодининг ортидан, Чеченистон ва умумий маънода юзага чиққан Кавказ жиҳоди ҳам, такфирчилик муаммоси билан юзма-юз келди ва бу ҳолат, Хаттоб каби буюк Ислом мужоҳидларини, қийин аҳволга солиб қўлган эди. Ҳар қанча Хаттоб, Абул Валид, Қози Абу Умар ва Шамил Басаев каби, мужоҳид етакчиларнинг тадрижий ва такфирда ҳаддан ошишдан узоқ, сиёсатларига қарамасдан, баъзи кишилар ва гуруҳлар, бу ерда ҳам тинч турмасдан, халққа қарши муаммоларни келтириб чиқарадиган ишларни, амалга оширдилар. Бу эса вақт ўтиши билан, маълум бир қисмларни, жиҳоддан узоқлашишига сабаб бўлди. 1999 йилда Чеченистондаги мужоҳидларни, Доғистонга даъват қилган жамоатларнинг ичидаги баъзи такфирчилар, амалиётни барбод қилдилар ва Доғистонга мужоҳидлар етиб боришганда эса, ёрдам беришдан қочдилар. Такфирчиларнинг бу хиёлати туфайли, мужоҳидлар Доғистонда жиддий йўқотишлар бердилар. Бутун, бу такфирчи, тузилма ва гуруҳларнинг фитнасидан сўнг хоссатан 11 сентябрдан кейин, жиҳод майдонларида таъсирини орттирган Ал-Қоида, бундай гуруҳларни, иложи борича, жиҳод майдонларидан узоқ тутишга ҳаракат қилди. Ислоҳ қилса бўладиган киши ва гуруҳларни, маълум бир масофада назоратида тутиб, фитналарнинг ёйилишини олдини олишга, ҳаракат қилди. Аммо бу ҳолат хоссатан Ироқда юз берган фитна билан, ўзгача марҳалага ўтди. Бу қисмни тугатишдан олдин, бир нарсани эслатиб ўтишда, фойда бор. Советларга қарши Афғон жиҳодига қатнашган, Шайх Абдулқодир бин Абдулазиз ёзган асарлар, баъзи ёшларнинг такфирчиликка йўналишига, сабаб бўлди. Шайхнинг «Ал-Умда» каби асарларини, илмий пойдевори бўлмаган ҳолда, ўқиб атрофидагиларни такфир қилган ёшлар, Ал-Қоиданинг ҳам, эътиборини тортди ва Шайх Атийятуллоҳ, бу масалага доир қилган баёнотида, илм аҳли бўлмаган ёшларнинг, бундай асарларни ўқимаслиги лозимлигини айтди.

Ироқ Фитнаси ва Такфирнинг восита қилиниши

Юқорида зикр қилиб ўтган такфирчи/хорижий жамоатлар ичида, ҳеч шубҳасиз, хусусан жиҳодий ҳаракатга, умуман эса, бутун Умматга энг катта зарарни берган, Бағдодий Жамоати бошлаган фитна бўлди. Олдинлари Ал Қоидага байъати бўлган бу гуруҳ, Ал Қоидага исён қилиб байъатини бузганидан сўнг, ўзига Ал-Қоиданинг оддий мужоҳидлари орасида хайрихоҳларни тўплаш учун, такфирдан гўёки бир қурол сифатида фойдаланди. Ироқда такфирчилик 2003 йилда бошлаган, жиҳоднинг илк даврларига бориб тақалади. Ҳали Абу Мусъаб ал-Зарқовий ҳаёт экан Ироқ Ал-Қоидаси ичидаги баъзи кишиларнинг такфирда ҳаддан ошганлари учун, Шайх Зарқовий бу кишиларга аралашини мажбур бўлди. Хоссатан Шайх Зарқовийнинг шаҳодатининг (иншаАллаҳ) ортидан, гуруҳ борган сари назоратдан чиқиб, такфирчилар кучли бўлган тузилмага айланди.

Абу Ҳамза ал-Муҳожирнинг амирлиги ва Ироқ Ислому Давлатининг эълон қилиниши билан, жамоат янги марҳалага ўтди. Бу даврда Ироқ жиҳоди, қийин кунларни бошдан кечирди. Ироқ Ислому Давлати, Шаръий Қозиси Абу Сулаймон ал-Утайбий, ал-Қоида Марказига ёзган бир мактубида, такфирда ҳаддан ошганларнинг фитнаси ҳақида, баён қилади. Бу ерда жамоатга сизиб кирганлар (жосуслар) ҳам, катта роль ўйнади. Абу Бакр ал-Бағдодийнинг ИШИДни эълон қилиши ва ал-Қоида Марказининг қарорларига қарши чиқиши билан бирга, ўзини қоидалари бутунлай ўзгарди. Бу ҳолат қаршисида, такфир “қартасини” ишлатишни бошлаган ИШИД, ал-Қоидани манҳаждан оғиб, “илмонийликка юз тутганликда” айблади. Расмий нотиклари Абу Муҳаммад ал-Аднаний, бир баёнотида ал-Қоидани, “Иброҳим Миллатидан қайтди” деган тухмат билан, такфирга олиб борадиган айбловда бўлиши билан, такфирнинг юқори чўққисига чиқди.

ИШИД бу ерда “силсилавий такфир” йўли билан, такфир қилишни бошлади. Ал Қоидани етарлича “такфирчи” бўлмасликда, айблашни бошлаган ИШИД, бу шаклда ал Қоиданинг оддий мужоҳидларини, ўз тарафига оғдиришга ҳаракат қилди. ИШИД такфирчи жамоатларда, кўп эътиборда бўладиган “хилофатни ҳам, эълон” қилди ва ўзига байъат бермаган ҳаммани, такфир қилишни бошлади. Ҳозиргача ИШИД нинг расмий медиаларида ёйинланган маълумотларда, ўзи билан олдин урушган, бутун жамоатларни такфир қилганини маълум қилди. Масалан, Дейр аз-Зорда, олдин Жабҳатун Нусра сафларида жанг қилган кишиларга, мажбурий тарзда, “муртад бўлганини қабул қилиб, тавба қилиш қонуни”ни имзолаттирди. ИШИД ҳозиргача, Суриядаги бошқа жамоатларни, расмий баёнотларида такфир қилди. ИШИД бу нуқтада, такфирни сиёсий восита сифатида қўлланишининг энг катта далиллари билан бири эса, Ироқда Баас, Нақшбандий (сўфий), демократия тарафдори аширатлар билан биргаликда, ҳаракат қилиб улар билан ҳамкорлик қилар экан ва бунда бир муаммо кўрмас экан, Сурияда ОСА (Жайшул Ҳур) билан биргаликда, Асадга қарши урушгани учун, Жабҳани такфир қилишди. Ҳолбуки ўзи ҳам, Сурияда Жайшул Ҳур ва бошқа жамоатлар билан ҳамкорлик қилар эди. Яна бу жамоат, Жабҳатун Нусрани ёки, умумий маънода ал Қоидани такфир қилар экан, келтирган кўп далиллари, ўзига ҳудди шундай ҳолат келганда, қабул қилмаяпти ёки, таъвил қилмоқда. ИШИДнинг бу такфирчи ҳолати ва сиёсати сабабли, олдинлари жиҳод майдонларига киритилмаган ёки, иложи борича олди тўсилган кишилар ёки, гуруҳлар, бу гуруҳга байъат бериб, қўшилишни бошладилар. Ҳозиргача дунёнинг ҳар тарафидан, такфирчи жамоатлар ИШИДга қўшилишда давом этмоқда. Бу ИШИД ичида ҳам, муаммоларга йўл очмоқда. Такфирчиликни қурол сифатида қўллаган ИШИД, вақт ўтиши билан, бу қуролнинг ўзига қарши ишлаётганини бошидан ўтказди. Келажакдаги кунларимизда, бу гуруҳ ичида, яна қонли тўқнашувларнинг бўлиши билан, бу ҳолатни янада аниқ-тиниқ кўра оламиз. Аллоҳу Аълам.

Хулоса:

Натижага қарайдиган бўлсак, биз мусулмонлар бошимизга келган мусибатларда ҳам, бир хайр (яхшилик) бўлишини фикр қилиб, буни имтихоннинг бир парчаси сифатида, қабул қиладиган ҳолатдамиз. Бу кунлар сабрни лозим қилган ва тушкунликка тушмаслик керак бўладиган, кунлардир. Ўтмишда ҳам бунга ўхшаш тажрибалар бўлди ва сомон олови каби, ёнган бу ва бунга ўхшаш гуруҳлар, катта тезликда кўтарилиб яна, ҳудди шундай тезликда, йўқ бўлиб кетдилар. Биз Аҳли суннат ўлароқ, ҳаддан ошмасдан, ифрот ва тафритдан узоқ туриб, ўрта йўл узра, сиротул мустақимда юришда, ғайрат кўрсатишимиз керак ва хоссатан жиҳод амалининг бу нуқтадаги аҳамиятига, янада диққат қилишимиз лозим. Тарихда бўлган тажрибалардан дарс чиқариш ва унга алоқадор бўлган ишларни, янада яхшироқ тушуниш учун, ҳикматли, басиратли, фаросатли ёндошиш, бизнинг устимизда вужубият, айни пайтда Роббимизнинг ҳам, бизга берган имтихонидир. Мужоҳид амирларимиз ва олимларимиз билдирган саҳиҳ манҳаж узра, бу йўлда сабр ва сабот билан, юришимизни давом эттиришимиз ва такфирчи/хорижий фитнасини, бизни тойдиришига асло изн бермаслигимиз керак. Аллоҳнинг ёрдами билан, фитналарнинг бу қадар кўпайиши ва имтихоннинг бу қадар

оғир бўлиши, яқинлашиб келаётган буюк зафарнинг ҳам, бир башоратчисидир. Бу муддатни, жиҳод сафларининг тозаланиш даври сифатида, номласа бўлади. Аллоҳ зафар/нусрат берадиган жамоат/жамиятни оғир, имтихонлар билан синаган ва натижада йўлдан тоймаган, сафларни тарк қилмаганлар, гўзал оқибатларга қовушдилар. Аллоҳнинг изни билан, бу босқичдан ҳам, шундай ўтилади. Мужоҳидларнинг орасида, қалбларида касаллик бўлган, фитна ва нифоқ аҳли, пайт пойловчилар ва манфаатчилар, шон-шуҳрат кетидан қувганлар, шундай сафларни ва мавзеларни тарк қилади, натижада орқада қолган сабр ва сабот аҳли, зафарга қовушади иншаАллаҳ. Аллоҳу Аълам. “Бас, албатта, бир қийинчилик билан осончилик бордир. Албатта, бир қийинчилик билан осончилик бордир”. (Иншироҳ, 5-6) Матн араб тилидан ўзбекчага таржима қилинган. Global Media каналидан олинди.

Бу мақоладаги келтирилган фактлар такфирчиликни пайдо бўлиши ва жиҳодий гуруҳлар ичида, катта фитналарни келтириб чиқаргани, қатор фактлар билан кўрсатилган. Булар эса, МСМЮ таъкидлаганидек, бемазҳаблар чиқарган фитналар эмасди. Булар айнан мазҳабчилар, мутаассиблар ва асосийси, такфирчи радикаллар чиқарган, фитналар эди.

Мулла Сайфининг Мирзиёевга ёзган очиқ хати

Биз таҳлил қилмоқчи бўлган ихтилофлар уч қисмга бўлинади.

1. Давлат раҳбарига муносабатда
2. Мазҳабга муносабатда,
3. Сарой муллаларига муносабатда,

Стромсунд қавми орасида кўпчилиги мойил бўлган, қуролли гуруҳ, бу Тоҳир Йўлдошни Ўзбекистон ИсломиЙ Ҳаракати, гуруҳи эди. Аксар ўзбек ёшларида ҳам, шуларга ҳаваскорлик, бор эди. Аслида, бунга сабаб, Каримовнинг қаттол режими бўлиб, уларнинг сафини кенгайтишига, қаттол режим томонидан диндорларга қилинган зулмлар сабаб бўлганди. Кўпчилик ёшлар, буларни кимлигини билмасдан туриб, уларнинг олдига боришганди. Тоҳирвой Йўлдошев мазҳабпараст мутаассиб эди. У салафийларни, оминни жаҳрий айтмайсан деб, қамаб қўйганди. Мазҳабга кирасан деб, урган ва калтаклаб бўйсунмаганларни, қатл қилганди. Бугун ҳам, кўп ёшлар бу гуруҳни жиноятларини билмайдилар. Улар Тоҳирни шаҳид деб, улуғлашади. Стромсунд қавми ҳам, шундай эди. Асл воқеълик шуки, бу қавм Ислом ва мусулмонларга, кўп зарарлар берган қавм эди. Булар, асл такфирчилар эдилар. Буларда, рамка йўқ эди. Беспределшиқ эдилар. Улар Вазиристонда пайтида, ўзларига уйдан жой берган, ансорларни ҳам, қатл қилишган. Улар, охир оқибат ИШИДга байъат беришди. Уларга 20 йил жой берган ва қурол яроғ берган, Толибонга қарши чиқдилар. Охир оқибат, улар томонидан қириб ташланди. Ўзларини калтафаҳмлиги, ўз бошларига етди. Усмон Ғозий ҳаракатга амир бўлгач, Толибларга ултиматум қўйди. Ўзбекистон ИсломиЙ ҳаракати, «ИсломиЙ давлат» сафига ўтгани ва 1996 йилда тузилган ҳаракат тугатилиб, ИДнинг бир қисмига айланганини, эълон қилди. Ҳаракат раҳбари Усмон Ғозийнинг, ҳалифа Бағдодийга байъат бергани акс этган видео, тарқатилиб, унда Хуросон минтақаси, халифалик тасарруфига ўтгани, иддао қилинганди. Бундан ташқари, Усмон Ғозий, мулла Умарнинг 14 йил муқаддам ўлганини, даъво қилиб, Толибларнинг амалдаги раҳбариятини, «ёлғончилик, афғонпарастлик, қавмпарастлик»да айблади. Покистон махсус хизматлари назоратига бўйсунган, деб қоралаган эди.

ЎИХ Толибларга бир неча, талаб қўйганди: Муртад Покистон махсус хизматлари бўлмиш ISI дан мукамал алоқаларни узиш, Муртад Ашраф Ғаний ҳукумати билан, сулҳ музокараларини дарҳол тўхтатиш, Муртад Қатар ҳукумати соябони остида ташкил этилган, сиёсий қўмитани дарҳол бекитиш.., Афғонистон ИсломиЙ Амирлиги томонидан нашр қилинадиган барча сиёсий баёнотларни афғонпарастлик, қавмпарастлик лафзларидан холи қилиш, Кўкнори ва бошқа наркотик моддаларни ўстириш ва савдо қилишни қатъий равишда узилкесил тўхтатиш ва ҳокозо...

Толибларни «Исломиё давлат»га қўшилишга чақирар экан, Усмон Ғозий, «14 йилдан бери бой берилган қурбонликлар эвазига, Афғонистоннинг 70 фоиз замини, мужоҳидлар қўлига ўтди», «Хуросон минтақаси «Исломиё давлат» тасарруфига ўтди», деб иддао қилган эди. Бу дабдабали мурожаат, Умон Ғозийни биринчи ва охириги мурожаати бўлди. Золим қавм, Толиблар томонидан бутунлай қириб ташланди. Зеро, золимлар оқибати, шундай тугаши керак эди. Адолат талаби шу эди. Булар мазҳабпараст эдилар ва ҳаммадан гумонланиб, кўп одамни, ноҳақдан қатл қилган эдилар. Мазҳабга киришга одамларни мажбурлаш ва кирмаганни қаматишлик, сарой муллаларига хос иш эди. Лекин, Афғонда ўтирган Тохирвой ва унинг гуруҳи ҳам, мазҳабга кирасан деб, одамларни мажбурлаши ва кирмаганни уриши, қамашу, мисли кўрилмаган воқеъа эди. У Хоразмлик 17 йигитни отиб ташлашга буюради. Улар буни жамоасидан қочиб кетишгани учун, ортидан қувиб бориб, қатл қилишган. Булар ҳақида мен «ЎИХнинг жиноятлари» китобимда баён этганман.

Стромсунда эса, мазҳабга кирмаганларни, қатл қилишмасди. (Алҳамдулиллоҳ!) Улар мазҳабга киришни афзаллигини айтиш билан, кифояланишарди. Ваҳолонки, бу масалада аввал айтганимдек, бизларга, ўзлари оминни жаҳрий айтишни, таълим беришганди. Сарой муллалари оминни жаҳрий айтганларни, ваҳҳобий, бемазҳаблар дейишарди. Шу муҳим позициядан, Стромсунд чекинди. Оминни махфий айтиш бошланди. Агар шу масала туфайли умримни қанча йилини қамоқда ўтказмаганимда, мен учун бу, муҳим масала ҳам бўлмасди. Лекин, бу мен учун, муҳим масала бўлиб қолди. Бу принципал муҳим масалага айланди. Сабаби, юртимизда бизни, худди шу нарсадан қайтаришганди. Хорижда ҳам қайтаришмоқчи бўлишди. Афғонда ҳам қайтаришди. Холис мусулмонларга, шу арзимаган нарса учун, катта зулмлар қилишди. Биз буни унутмадик. Булар унутилмайди! Мени ҳайратга солгани, Саудияда ўқиб, доктор бўлганлар мазҳабга киришга чақиритишарди. Ширинов уларнинг биттаси эди. Лекин, у имкон қадар фитна чиқармасликка уринарди. Берлинда мен икки намозни бирлаштириб қаср қилиб ўқимиз деганимда, у бўлди сиз имом бўлинг, деди. Мен нега десам. У мен сизга иқтидо қиламан деди. Пешинда у имом бўлди. Асрга мен имом бўлдим. У буни изоҳламади. Мен қайта сўрамадим. Аслида мен уни тушунганим. У мазҳабчи эди. Ҳанафий мазҳабида, икки намозни жамлаш йўқ. Сафарда бўлсада, қаср қилиб, ўз вақтида ўйиш керак. У менга буни гапиришни эп кўрмади. Шундай қилиб, ўқиб чиқиб кетдик. Агар у гапирса, гап кўпаярди. Мен икки намозни жамлаш мумкинлигини ҳадисда ўқиганим. Менга қайсидир мазҳабга, бу тўғри келадими йўқми, бу ёғини мутлақо қизиғи йўқ эди. Оминни жаҳрий айтишни ҳам, ҳадисда ўқиганман. Бу Ҳанафийга тўғри келадими йўқми, менга мутлақо қизиғи йўқ! Бўлмайди ҳам. Мазҳаблар масаласида, мени тутган йўлим шу. Мен Ҳанафий мазҳабида эмасман. Бошқасида ҳам. Мен бир амални ҳадисда борлигини кўрсам ё, ўқисам шуни қиламан. Мазҳабга тўғри келадими келмайдими, бунисини, менга фарқи йўқ. Ҳозир ҳам, менинг йўлим шу. Мен уни ўзгартирмоқчи ҳам, эмасман. Мени мазҳабга мажбур қилмасалар бўлди. Ким қайси мазҳабда юрса, юриверсин. Мени ҳам, улар билан ишим йўқ. Шу оддий нарсага ҳам, имкон беришмади. Юртимизда ҳам шу, мазҳаб муаммоси бор эди. Хорижда ҳам, бу балодан қутулмадик. Менга бу нарсалар оғир ботади. Сарой муллаларини, сотқинлар дердик. Ёлланма имомлар, дердик. Энди холис имомлар деб, билганларимиз ҳам, мазҳабига чорлашмоқда. Дипломини кўрсатиб, докторман демоқдалар. Менинг умрим давомида курашиб келган, ҳақ деб билган йўлимни, ботилга чиқаришмоқда. Бундай аҳволга қандай, индамасдан қараб туриш мумкин?! Аллоҳ рози бўлсин! Абдували қори сарой муллаларига нисбатан, ўта айёвсиз курашган зот эдилар. Обид қори ҳам, бир пайтлар шунақа эди. Хорижга чиқиб, у Диний Бошқарма билан, орасида ҳеч қандай келишмовчилик йўқлигини, эълон қилди. Ваҳолонки, у уларга қарши бўлган эди! Ўша пайтдаги бемазҳаблик, хато бўлганмиди?! Агар хато бўлган бўлсаю, булар энди тўғри йўлни топган бўлсалар, нега шуни омма олдида, очиқ айтилмади?! Нега Обид қори, бир маърузасида, "мен ўтган умримда, кўп хатолар қилибман, шулардан бири, ҳанафийликка қарши ишларим экан" демади?! Доктор Ширинов ёки Муҳиддин Назаровлар ҳам, Обид қори аввал адашганди. Энди уни, биз тўғри йўлга, мазҳабга йўллаб қўйдик дейишмади?! Индамасдан, бир думалаб мазҳабчи бўлиб олдилар?! Унинг қавми ҳам, шундай бўлди.

Ақида дегани, бир кунда ўзгарадиган нарса, эмаску?! Обид қори ҳам, Муҳиддин Широнов ҳам, буларга эргашганлар ҳам, мазҳаб масаласида бир позицияга, жимгина ўтиб олишди. Буларга Мулла Сайфи ҳам, қўшилди. Регистончилар ҳам, аввалдан шу йўлда эдилар. Сарой муллаларига муносабатда ҳам, булар ўзгариб қолишди. Уларни дўстимиз, устозимиз деб, атай бошлашди. МСМЮни Обид қорини устози деб, Ислом овози сайтига ёзиб қўйишди. Булар орасидаги радикаллар, бундан нафратланишмади. Ваҳолонки, айниқса радикаллар буни рад қилишлари лозим эди! Обид қорини бевурдлиги кўриниб турганди!

Аллоҳ рози бўлсин! Абдували қори сарой муллаларига қарата, қуйидаги сўзларни айтиб кетди. Абдували Мирзаев хутбасидан иқтибос:

Аллоҳнинг оятларини ёлғон деган одамдан, кўра золиброқ ким бор?!

«Сизлар душманинглари билдинглар» деган . Ҳақиқатан Исломнинг бундай душманлари тарихда, сон саноксиз бўлди .Бу душманлик қандай йўлда? Қуръонни ўрганиб туриб, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло айтмаган сўзни, «айтди»- деб бошлайди. Бу яҳуд ва насаролар, ўзларининг атрофларига ёлланма пешволарни , Ислом домлаларини чақира бошлайди . Улар ўзларининг ёмон мақсадларини ижро қилишлик учун, ёлланма домлалардан фойдаланади. Улар (яъни, ёлланма домлалар) Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло нинг айтмаган сўзларини айтди деб, беради. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ҳаром деган, нарсани ҳалол дейишиб, беради . Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ҳалол деган нарсани, ҳаром деб, беради. Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога ёлғонни бўҳтон қилади ва шунинг билан, мушрик бўлади, шунинг билан диндан бегона бўлади. Шунчалик биродарлар, Ислом либосида бўлган, мушрикка айланишади холос!

Биз, мана бу нарсани билайликки, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бизларни огоҳлантиряпти: Ислом ҳеч қайси йўл билан мағлуб бўлмайди. Магар Исломда ёлланма домлалар вужудга келиши билан емирила бошлайди. Чунки , бечора оддий халқ, уларнинг айтган сўзларини ҳақ деб, биладида, шулар билан, Ислом шу экан деб алданиб, яшаб юраверади. Лекин, орқадан ёлланма домлага айланиб қолганидан беҳабар бўлади. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло буларни, энг золим халқлар, деяпти.

Аллоҳга ёлғонни бўҳтон қилгандан кўра, золиброқ ким бор?

Энг дунёдаги катта золим, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло айтмаган сўзни, айтди дейишлик, Аллоҳ ҳалол қилган нарсани, ҳаром дейишлиқдир. Аллоҳ ҳаром деган нарсани, ҳалол деб билган, одамдан кўра золиброқ одам, бўлиши мумкин эмас.

Бу хутба матни гарчи кичик бўлсада, жуда катта маъноларни жамлагандир. Бу ерда у киши Диний Бошқарма деб, номланадиган саройпарастларниб аёвсиз фош қилади. Уларга қаратаб камон ўқидек санчиладиган сўзларниб тик гапиради. Мен учун бу киши, беш юзта доктордан афзалдир! Шу одамни давлат раҳбарига муносабатини қаранг! Сарой муллаларига муносабатини қаранг! Мазҳабга муносабатини қаранг!

Энди Докторларникига қаранг! Орадаги фарқи ер билан, осмон кабидир. Широновга қарши чиқаётган қалби кўрлар, Мулла Сайфига қарши чиқмайдилар. Мулла Тоҳирга, қарши чиқмайдилар. Муҳиддин Назаровга, қарши чиқмайдилар. Ваҳолонки, булар бари, бу масалаларда, бир позициядадирлар! Бари мазҳабчи ва ҳукуматга пахта қўядиган ва бари сарой муллаларига, дўстлик изҳор қилишяпти. Нега буларни барини қўшиб, танқид қилмасдан, фақат Широновни қилиш керак?! Булар бари бир қолипдан чиққан, ғишлардир. Ҳамма масалада қарашлари, бир хилдир. Нодон қавм, буларни ажратолмайди. Широнов демократ ва улар яхши деб, алжирашади. Ваҳолонки, булар бари бир одамлардир. Ақидалари бир. Манхажлари бир. Борар ерлари ҳам, бир, валлоҳу аълам!

Буларга эргашаётганлар, фаросатсиз ва аҳмоқ одамлардир. Агар уларда фаросат бўлганида, булар бари Абдували қорига қарши кетаётганини, пайқашган бўлардилар. Буларга қарши биргаликда, оёққа турардилар. Чунки, булар Абдували қорини ва Обид қорини, аввалда тутган йўлини, манхажини, хато деган, муждани беришяпти. Обид қорини синдиришган. У буларга тобеъ бўлиб, бўлганди. Агар тирик бўлганида, булар Абдували қорини ҳам, ўзларига бўйсундиришга уринишарди. Уни ҳам, сарой мулласига салом айтишга мажбурлашарди. Давлат рахбарини мақташга, мажбурлашарди. Мазхабга киришга ва оминни махфий айтишга, мажбурлашарди. Агар мажбурлашга, қудратлари етса. Буни авом кўрмаяпти. Улар сафсата сотиб, Ширинов ёмон ва наригилар яхши деб, алжирашяпти. Менинг бу сўзларимни ҳам, авом тушунмайди. Лекин, Ширинов жуда яхши тушунади. Бошқалари ҳам, яхши тушунадилар. Улар, мен улар яшираётган сирни, очаётганимни бошқалардан кўра, улар яхшироқ тушунадилар. Мулла Сайфи бу масалада, Шириновдан ҳам, илгарилаб кетди. У Мирзиёга тўғридан тўғри мурожаат билан чиқиб, уни юртга қайтишига имконият беришликни, сўради. Буни бошқача айтганда, "сизни режимга, хизмат қилишга рухсат беринг" дегани, эди. Қуйида шу мурожаат матни билан танишинг.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга Саудия Арабистонида яшовчи Носиров Сайфуллоҳдан МУРОЖААТ

Ҳурматли Шавкат Миромонович! Мен, Носиров Сайфуллоҳ, 1968 йил 24 июнда Сурхондарё вилояти Денов тумани, Интернационал (ҳозирги Тинчлик) қишлоғида туғилдим. 1975-1985 йилларда Ибн Сино номли 45-ўрта мактабда аъло баҳоларга ўқидим. Ўша йилнинг ёзида Душанбе шаҳридаги тиббиёт институтига ҳужжат топширдим. Аммо ўқишни бошлаш олмай уйга қайтишга мажбур бўлдим. Нафас қисма (астма) касалим кўзғалиб, муолажа олдим. 1986 йил кузида армияга жўнатилдим. Термиз шаҳрида кучли чанг тўзони кўзғалиб, нафасим бўғилгани сабабли госпитализация қилиндим. Натижада уйга қайтарилиб, 1987 йил баҳорида менга "годен к нестроевой службе" деган ҳарбий билет топиширилди. Шундан сўнг то 1992 йилгача асарачилик билан шуғулландим, бу касбим соғлигимга фойда бериб, аҳволим анча яхшиланди. 1992 йил баҳорида Саудия Арабистонидаги Мадина Ислом университетига ҳужжат топширдим ва кузда қабул қилиндим. Ўша йилдан 2008 йилгача мазкур университетда Ҳадис фанлари буйича таҳсил олдим. Бу даргоҳда йиллар давомида қадимий қўлёзмалар илмий тадқиқоти билан шуғулланиб, бир неча илмий ишлар ёқладим. Охириги PhD докторлик илмий ишимни, 2008 йилда Мадина университетининг ҳадисшунослик факултетида ёқладим. Шундан сўнг, ушбу университетнинг ўзида, 2011 йилга қадар ишладим. 2011 йилдан ҳозирги пайтгача, Мадина шаҳридаги илмий марказлардан бирида, тилшунослик ва фикҳга оид, қадимий қўлёзмаларни тадқиқот этиш ва чоп этишга тайёрлаш борасида, катта илмий ходим бўлиб иш юритиб келмоқдаман. Ҳурматли Президент, ўтган даврдаги қатағон сиёсати туфайли, менинг устимдан ҳам 2007 йилга келиб жиноят иши очилган экан. Ҳолбуки, мен ҳеч қандай жиноий-диний гуруҳларга аъзо бўлмаганман, одамларни номақбул йўлларга даъват этмаганман. Келганимдан бери Саудия Арабистони Мадина шаҳрида аёлим ва оилам билан яшаб келаман. Йиллар давомида диний илмларни мукаммал эгаллаш, ўз билимларим билан жамият равнақи учун ҳисса қўшишга ҳаракат қилиб келдим. Қарийб йигирма йилдан бери турли ижтимоий тармоқларда фаолият юритиб келдим. Юқоридагиларни, мени шунча йилдан бери кузатиб келаётган кишилар ҳам тасдиқлайди. Сиз иқтидорга келгач, юртимизда бошланган ислохотлар натижасида биз каби юртдан узоқда қолганларда ҳам юртга қайтишга умид боғланди. Бу истакни билдириб бир неча бор мурожаат ва аризалар билан чиқдим. Орада бутун дунё бўйлаб тарқалган коронавирус пандемияси туфайли ишлар тўхтаб, қолиб кетди. Анча йиллар олдин олинган қизил паспортларимиз, вақти аллақачон тугаб кетган. Пандемиядаги оғир шароит туфайли, ҳужжатларимиз вақти аллақачон ўтиб кетганлиги боис, Саудияда яшаш, кўчаларда юриш бениҳоя, оғирлашиб кетди. Аёлим Муслима Аҳмедова, йигирма йилдан бери, сурункали канд касали билан оғирганлиги боис, ўтган йили қийин шароитда, оёғининг бош бармоғини кестириб ташлашга мажбур бўлдик.

Расмий тиббий муолажага имкон берилмаганидан аёлим ҳар куни уч маҳал, инсулин уколини олиб, кун ўтказишга мажбур қолмоқда. Аҳволи кундан-кун оғирлашиб бораяпти. Фарзандлар ҳам ҳужжати йўқлиги туфайли, элементар ҳуқуқлардан маҳрум ҳолда, кунлари ўтмоқда. Ҳурматли Президент! Юртимизда олиб борилаётган диний ислоҳотларга, мен ҳам имкон қадар кўмаклашиш, ўзимнинг қадимий кўлёмаларни тадқиқ қилишдаги, кўп йиллик тажрибам орқали, юртимизнинг турли илмий даргоҳларида сақланаётган, минглаб бебаҳо қадимий кўлёмаларни, нафақат халқимиз, балки бутун оламга танитишда, ўз ҳиссамни кўшиш умидидаман. Юқоридагиларни инobatга олган ҳолда, Сиздан мен ва оиламни Ўзбекистонга имкон қадар тезроқ қайтаришда, ёрдам беришингизни сўрайман. Бу нарса айниқса аёлим учун, жуда долзарб, ҳаёт-мамонт масаласи бўлиб турибди. Ҳурмат билан Сайфуллоҳ Носиров Мадинаи Мунаввара шахри

Бу Миромоновичга мурожаат ҳам, Мубашшир Аҳмадни Азон.уз сайтида чоп қилинганини ҳисобга олсак, бу кимса билан, хориждаги «уламолар» алоқа қила бошлаганини ҳам, ҳисобга олсак, Уни ўзини тариқатчи, мазҳабчи эканини ва МСМЮни ўрнига келишга уринаётганлигини ҳисобга олсак, мулла Сайфи, ўқни нишонга тўғри урганини, пайқашимиз мумкин.

Менинг мулла Сайфига қилган мурожаатим

Мен турмада ИАК даври азобу уқубатларини кўрган шахслардан бириман. Турмадаги азоблар ҳақида Навоий 46 Цемзавод асаримда батафсил ёзганман. Бугун бизга раҳнамолик даъво қилаётган шахслар мулла Сайфи бўлсин, Муҳиддин Ширинов бўлсин, Муҳиддин Назаров бўлсин, мулла Тоҳир ҳам, ҳали бирор кун турмада ўтирмаганлар. Бефаросат эса, ҳаммани сотиб, турмада ҳам, қулоқлик қилиб ўтирган. Мен ишонаманки, Агар мулла Сайфи ёки Ширинов ёки, бошқалари турмага тушсалар, албатта, штабда ишлайдиган шахслар бўлишарди. Булар, бошқа маҳбусларга тавба хати ёзишга чақирадиган ва хизбут йўлидан қайтишга ва жиходчиликдан қайтишга ва салафийликдан қайтишга чақирадиган, мазҳабга киришга чақирадиган шахслар бўлишарди. Бунга менинг шубҳам йўқ. Булар ҳали, хорижда туриб, шунга чақаришяпти. Турмада буни қилмасмиди?! Бунинг эвазига, ўз жонларини саломат сақлаш ва яхшироқ яшаш учун ҳам, қилишарди. Улар буни ҳозир қилишлик учун, Ўзбекистонга боришмоқчи. Диний Бошқармадаги сарой муллалари каби, давлатга хизмат қилишмоқчи бўлиб туришибди. Булар докторми йўқми, илми борми йўқми, бундан қатъий назар, манфур одамлардир. Булар Абдуллоҳ Бухорийни тўпиғига тенг, одамлар эмас. Бухорий очик одам эди. У мард бўлиб, очикчасига гапирарди. У мард бўлиб ўлди. Абдуллоҳ Бухорий вафот этганида булардан баъзилари, ҳатто хурсанд бўлишди. У ЎИХни танқид қиларди. Шу учун, булар уни ҳам, ёмон кўришарди. Стромсундчилар ЎИХчи эдилар. Шунга Абдуллоҳ Бухорий отиб кетилганда, булар хурсанд бўлишди. Шунчалик қалби қора қавм эди бу, Обид қорининг қавми. Булар ўз ораларида фитна чиқмагунга қадар, Шириновни ҳам, ҳурмат қилишган. Стромсундда болаларни, қаттиқ назорат остида сақлашганди. Улар Мёлбуга бориб, енгилликни ҳис қилишди. Болалар дарсдан безор бўлиб кетиб, бузилишганди. Булар Шириновдан кўришди. Шу туфайли Шириновга, қарши бўлиб қолишди. Ўзлари ҳам, ментлар билан ва сарой муллаларига ён босишда, айблашди. Ваҳолонки, Шириновдан уларни фарқи йўқ эди. Шириновдан Мулла Сайфини ҳам, асло фарқи йўқ эди. Булар Мулла Сайфини яхши кўриб, Шириновни ёмонлашяпти. Буни қандай тушуниш керак?! Ҳаммангиз бир гўрсизку?! Мен Мулла Сайфига, очик хат ёзгандим. Бу хатимга, у жавоб бермади. Бу кимса ҳам, мутакаббир одам экан. Агар сал пастроқ тушганида, бир одам хат ёзибди менга деб, жавоб берарди. Мен буни танимаيمان. Укаси билан, кўп йиллар бирга ўтирдим. Укаси кўп йиллар, азоблар чеқди. Охири Хизбутликдан воз кечди. Агар қамалиб қолса, бу кимса шу хизбут укасичалик ҳам, бўлолмасди. Мен бунга аминман. Қуйида унга ёзган очик хатимни ўқишингиз мумкин.

Сайфуллоҳ Носирга очиқ хат

Шайх жаноблари, сизнинг Ш. Мирзиёевга қилган мурожаатингизни ўқиб сизга шу хатни ёзишни лозим топдим. Сиз жаноб билан тенгдошмиз ва лекин, ҳеч қачон, ҳеч қандай шаклда, алоқада бўлмаганмиз. Менинг билганим шуки, сиз, укангиз Ҳафизуллоҳ Носир ва бошқа уруғ аймагингиздан бўлган, қатор шахслар сингари, гарчи, буни мурожаатда ёзмасангиз ҳам, устоз Абдували қорида, таълим олган шахслардан биттаси бўласиз. У киши Ўзбекистондек, даҳрийлар даврида, динсизлик ва хурофотлар ҳукмрон диёрда, тавҳидни ва суннатни тирилтирган, шахс эди. У зулмга хизмат қилмади. Одамларга тавҳидни етказиш ва уларни ислоний тарбиялаш билан машғул бўлди. Абдували қори бидъату хурофотлар ҳомийси ва тоғутлар хизматкори бўлмиш, динсиз бошқармага ҳам, итоат қилмади. Уларга қарши курашди. Аммо, диктатор ИАК ун,и ўз режимига хавф ўлароқ кўрди. У кишининг ҳаёти қандай яқун топганидан, хабаримиз бор. Охир оқибатда йўқ қилишди. У киши илмига амал қилган ва ҳақни етказиб, шу йўлда қатл қилинган кишилар жумласидан бўлди, иншааллоҳ. Сиз ўша мурожаатда шундай дегансиз. Иқтибос: "Қарийб йигирма йилдан бери турли ижтимоий тармоқларда фаолият юритиб келдим. Юқоридагиларни мени шунча йилдан бери кузатиб келаётган кишилар ҳам тасдиқлайди." Ижтимоий тармоқларга ҳали йигирма йил бўланича йўқ. Лекин, ўн беш йилдан ошгани аниқ. Аммо, ИАК даврида сизни тармоқлардаги фаолиятингизни ҳеч кўрмадик. Эшитмадик. Устозингиз Абдували қорилар йўқ қилинганда ва Андижон фожеъаси рўй берганида ва ундан бошқа минглаб воқеъаларда ҳам сизни омма олдигаги ошқора муносабатларингиз кузатилмаган. Сиз ўша Абдували қори йўқ қилинганда ва ундан кейин ҳам, у кишининг ҳимоясига диктаторни қоралаб бирор нарса ёзганингиз менга маълум эмас. Жим житлик билан кузатиб келгансиз. ИАК даврида укангиз ва бошқа минглаб мусулмонлар қамалди. Сургун қилинди. Бу курашда сарой муллалари ва МСМЮ ҳам ИАК тарафида турди. Сиз жаноб нафақат ИАКга, балким динсиз бошқармага қарши ҳам бирор калима гапирмагансиз. Бирор нарса ёзмагансиз. Абдуллоҳ бухорий деган ватандошимиз аксинча, золимларга қарши гапирди ва динсиз идорани ҳам аямасдан хиёнатларини фош қилди. Шу учун ҳам у режим ёллаган қотил томонидан қатл қилинди. Лекин, сизга на аввалги устозингиз бўлмиш Абдували қори ва на кейинги сафдошингиз бўлмиш Абдуллоҳ Бухорийлар, ибрат бўла олмадилар. Охир оқибатда, ИАК бадбахт ҳам жаҳаннамга равона бўлди, иншааллоҳ! Унинг хизматидаги, қатор хоин шайхлар ҳам, у билан кетдилар. Аллоҳ уларни бир жойда, жамласин! Лекин, улар ўлсада, бу динсиз идорани найранглари тугамади. Аксинча, ундан баттар авжига чиқди. Ўлган шайхлар ўрнига, эшаклар пайдо бўлди. Сизни қадрдонингиз ва сиз каби, доктор М. Ширинов ўша эшакка, салом айтаяпти. Сиз каби докторларнинг вазифалари, шу эшак кабиларга, қарши гапириш эмасмиди?! Сизлар олган илм, сизлардан шуни тақозо қилмайдими?! Агар йўқ десангиз, унда Абдували қори ва Абдуллоҳ Бухорийлар хато қилган эдилар, деб айтишлар. Бирор жойда ёзинглар ахир. Ё улар хато қилган ва сизлар тўғри қилаяпсиз?! Ё улар тўғри қилгану, сизлар нотўғри йўлдасиз?! Сиз бугун, Мирзиёевга ватанга қайтаришни сўраб мурожаат қилаяпсиз? Тўғри, сизни оилавий шароитлар қийинлиги, ҳужжатлар йўқлиги каби, қатор муаммолар анча қийнаб қўйган. Мен сизга ва оилангизга, Аллоҳдан офият ва омонлик сўрайман. Сиздек, илм одамига ҳам, ўша ерда ўттиз йил яшаб, ишлашингизга қарамасдан, шу оддий ҳужжатларни ҳам бермаган, сауд режимининг қанчалик ноисломий ва ноинсонийлигини ҳам, бирор ерда гапирмадинг. Майли, буни сиз гапирмасангиз ҳам, биламиз. Аммо, ватанга бориб, қўлёмалар билан шуғулланамн деб, ўйлайсизми?! Наҳотки, сизни ҳам, МСМЮ каби, тоғут хизматида, ишлатишларини билмадингиз?! Сизни ватанга боришингиз, ҳеч қачон ҳақ йўлида хизмат қилишга, имкон бермайди. Тўғри, сиз динсиз бошқарма каби, ҳали ватанга бормасдан туриб, одамларни ҳанафий мазҳабига амал қилишга чақириб бошладингиз. Гарчи, сизни устозингиз, шу динсиз идорага мутлақо бўйсунмасда, сиз ундан ибрат олмасдан, аксинча, шу идорани ноғорасига ўйнай бошладингиз. Сиздан буларни танқид қилган, бирор мақола ё, аудиофайл ҳеч қачон чиқмаган. Энди эса, ватанга боришга, Мирзиёевдан рухсат сўраяпсиз. Боришга рухсат бермаслиги, аниқроқлигини била туриб, унга ялинапсиз.

Мабодо, рухсат берсалар ҳам, динсиз идора сизни, ҳақ аҳлига қарши ишлатиши аниқлигини била туриб, барибир мурожаат қилгансиз. Қўполроқ айтганда, ўзизни тоғутлар олдида хорлаяпсиз. Шу мурожаат ва хорлик, сизга керакмиди?! Устозингиз тоғутларга итоат қилмай мардларча, шу йўлда жон берди. Агар шу сиз тутган йўл, тўғри йўл бўлса, унда Абдували қори, адашган бўлади. Агар у тўғри йўлда бўлса, (бунга мени, шубҳам йўқ) сиз адашган бўласиз. Иккита ҳақ йўл, бўлмайди. Валлоҳу аълам. Биз авомлар, кимга эргашайлик?! Сизга ва ошангиз М. Шириновгами?! Ё Абдували қори ва Абдуллоҳ Бухорийгами?! Ҳақни айтиб, шу йўлда Абдували қори каби, Абдуллоҳ Бухорий каби, жон фидо қилган афзал ва шарафли ва аҳли илмга мос йўлми?! Ёки, сизлар каби, тоғутларга хорлик билан ялиниб, илтимос қилиш, аҳли илмга мос йўлми?! Ҳеч бўлмаганда, Самарқандийчалик, режимни қаттиқ танқид қилмасдан, айлантириб, гапиришни ҳам, эплломадинглар. Шижоъатда ва журъатда, сизни ўғлингиз тенги ёш бола, Зуфарчалик ҳам бўлолмадингиз?! Агар мени сўзларимда, заррача ҳақиқат бўлса, бу Аллоҳдандир. Агар ўша ҳам бўлмаса, демак, ҳаммаси шайтондан деб, билгайсиз! Аллоҳдан сизга ҳам, ўзимга ҳам, ҳақ йўлни сўраб қолувчи..,

Саҳвий

04.07.2021

Динда ҳижрат деб, аталмиш тушунча бор. Аллоҳу таоло айтади: Ким Аллоҳнинг йўлида ҳижрат қилса, ер юзида кўпгина паноҳгоҳлар ва кенгчилик топадир. Ким уйдан Аллоҳ ва Расулга ҳижрат қилиб чиқса-ю, сўнгра унга ўлим етса, албатта, унинг ажри Аллоҳ зиммасига тушадир. Ва Аллоҳ мағфират қилувчи ва раҳмли Зотдир» Нисо сураси 100 оят. Бошқа оятда: Зулму қийноқларга дучор бўлганларидан сўнг, Аллоҳ йўлида ҳижрат қилган зотларни албатта бу дунёда ҳам гўзал (гўшаларга) жойлаштирурмиз. Энди охираат ажри-мукофоти янада каттароқ эканини (одамлар) билсалар эди! Улар (озор-азиятларга) сабр-тоқат қилган ва ёлғиз Парвардигорларигагина суюнган зотлардир”. дейилади. Наҳл сураси, 41,42 оятлар. Бу мавзуга тегишли бошқа қатор оят ва ҳадислар кўп. Зулмга учраб, Аллоҳ йўлида ватанини тарк этишлик бу ҳижратдир. Бу мақсад билан, ватанни тарк этганлар, муҳожирлардир. Менинг фикримча, Обид қори ва укаси Абдумалик Назаров (Абдуфаттоҳ бунга кирмайди) ва атрофидаги оз сонли кишилар, шунга дохилдирлар. Буларга зулм етганди. Бошқалари эса, ҳижрат мақсадида келишмаганди. Улар оддий, яхши ҳаёт изловчи фирибгарлар, халос. Қаршилиқлар гуруҳи ҳам, шунга киради. Буларда на Ўзбекистонда ва на ташқарида, дин ғами бўлган эмас. Буларга аслида, на Халифат ва на бошқа нарсани, кераги йўқ. Буларга қаерда бўлсада, яхши яшаш керак, халос. Мақсадларига мувофиқ, шу дунёда яхши яшашяпти. Шведларни алдаб, пулини олишяпти. Шу пулларга, ҳожака бўлишди. Шу пулларга, бола чақа боқишяпти. Энди болалари наркоман ва даҳрий ва ароқхўр ва зинокор бўлганига, ажабланишмоқда. Бунга Шириновни, айбдор қилишяпти. Ваҳолонки, сизлар қилган меҳнат самараси, шундай бўлиши керак эди халос. Бундан бошқа нарса кутишни, ўзи хато эди. Эккан уруғларингни мевасини, тераяпсизлар. Ҳали маваларни катта ҳосили, олдинда турибди. Чунки, сизлар макор ва фирибгар қавмсиз.

Мен Абдували қорига ҳавас қиламан. У қамалишдан қўрқмади. У билардики, бу золим уни, бир нима қилиши мумкин, эди. У бунга руҳан, тайёр эди. Унда қўркув йўқ эди. Зуфарни қаранглар, у ҳам ўзига зарар келишини, биларди. У шуни билган ҳолда, золимларга қарата ҳақни айтяпти. У қўрқмаяпти. Мана Самарқандий ҳам, қисман бўлсада гапиряпти. Зулм келишини, у ҳам билади. Мен ўша замонларда, қамалиб қолишимни эҳтимолини, билганман. Заррача қўрқмаганман. Мени на қамалиш ва на ўлиш хавфи, қўрқитмаганди. Абдуллоҳ Бухорий ўзига, хавф борлигини биларди. У билан бу тўғрида суҳбатлашганман ҳам. Сизларнинг жонингиз жону, буларники бақлажонми?! Мулла Сайфи, нега жим яшади 30 йилдан бери?! Мулла Шириновчи?! Мулла Тохирчи?! (Буниси энди, сихни ҳам, кабобни ҳам куйдирмайдиган мавзуларда, гапиряпти)

Сизларни жонингиз Абдуллоҳ Бухорий жонидан, азизроқми?! Сизларга ўлим келмайдими?! Эртами кечми, барибир ўлмайсизларми?! Ўзларинг расво бўлганингиз каби, сизларга эргашган қавмингиз ҳам, расво бўлди.

Сарбон адашмасин тутган йўлидан,
Сарбони адашса, Карвон адашгай.

Деган эди Саҳвий.

Сизлар сарбон эдинглар. Сизлар адашдинглар. Сизларга эргашган карвон ҳам, адашди. Энди ҳаммангиз ватанга қайтишни уринаяпсиз. Золимларга ва сарой муллаларига пахта кўяяпсиз. Хор бўлаяпсиз. Бу ҳали, фақат шу дунёдагиси. Охиратда эса...? Валлоху аълам

Зуфар қамалганда менинг ёзган мақолам

Бу қисмда, Абдуллоҳ Зуфар номли йигит билан бўлган қатор воқеъларни бир қисмини ёзишга қарор қилдим. Булардан биринчиси шу бўлдики, менга у ҳақида савол берилди. Мен уни танимасдим. Шу саволга жавоб излаб, уни эшитишни бошладим. Уни, уч тўртта маърузасини эшитиб, кейин, савол берувчига жавоб ёздим. Бу жавобим менинг «Ислом ва сиёсат» номли сайтимда турибди. Қуйида уни эътиборингизга ҳавола этаман.

Абдуллоҳ Зуфарга муносабатим

Менга фаесбоқдан бир йигит хат ёзиб, Абдуллоҳ Зуфарга менинг муносабатимни сўради. Мен у йигитга жавоб беришим учун, бу болани ўрганишимга тўғри келди. Ўрганишим учун йотубдаги, бир нечта маърузаларини эшитдим. Ҳали кўп нарсани, эшитганим йўқ, албатта. Лекин, шу эшитганларимга кўра, шу нарсага амин бўлдимки, бу бола бизнинг миллатга хизмат қилиш учун берилган, Аллоҳнинг неъматидир. Мен шу пайтгача Абдували қори Мирзаев маърузасидан бошқа, шайхлар маърузасини эшитиб, қалбан ҳузур ва роҳат олмаганман. Шу болани маърузаси, таъсири жиҳатидан, мен учун Абдували қори аканикидан кейин турадиган бўлди. Бу менинг шахсий фикрим ва баҳойимдир. Бу дегани, бу иккаласидан бошқа, олиму уламолар йўқ, деганимас, албатта. Лекин, даъватдаги услуб ва йўналиш ва мавзулар ва очиқ ойдин гапиришлик каби, жиҳатларга кўра, Зуфарни Абдували қоридан кейинги ўринга қўйиш, айна адолатдир. Бу менинг шахсий фикримдир. Бунга сабаб балки, у бу воқеа ва ҳодисаларга нисбатан, тутган мавқеъларимиз уйғунлигидир, валлоху аълам?! Маълумки, биз ўзбек миллатига мансуб мусулмонлар бугун, турли гуруҳ ва фирқага ажралганмиз. Ҳаммамиз ўзимиз тўғри деб, билган диний мавқеъдан туриб, мамлакатимиздаги ва дунёдаги воқеа ва ҳодисаларга, муносабат билдирамиз. Тўғри ва нотўғри деб, билган амалларимиз ҳам, бир биридан тубдан фарқ қилади. Улкан ихтилоф устидамиз. Бунга турли ички ва ташқи сабаблар, мавжуд албатта.

25 йиллик мустабидлик даврида, диёримиздаги холис уламолар қатағон қилинди ва қамоқларга ташланди. Мустабид тузумга хизмат қилувчи, сарой уламоларигина, яхши яшашди. Хорижга кетганлар ҳам ё турли жойлардаги жиҳодий ҳаракатларга қўшилиб йўқ бўлиб кетишди. Ёки, ўзлари жойлашиб олган ерларда, жимгина яшашяпти. Наридан борса, одоб ахлоқдан дарс қилиб қўйишлари мумкин. Мустақиллик даврида, хорижга ўқишга кетган аксар талабалар ҳам, шу аҳволда. Бугун улар ҳам, турли давлатларда, тирикчилик билан банд бўлиб юришибди. Ватанга йўл эса, улар учун ёпилган. Оз сонли жонфидоларгина, бу йўлда курашишга бел боғлашган. Улардан бири жасур даъватчи, Абдуллоҳ Бухорий, Туркияда отиб кетилди. Шулардан яна бири, Содиқ Самарқандий деган йигитдир. Ундан кейин эса, Абдуллоҳ Зуфар чиқди. Очиқ даъват юкини елкасига ортиб майдонга чиққанлар, мана шулардир. Бу йўл шубҳасиз хатарли ва шарафли йўлдир. Бу йўлда оғир синовлар келиши шубҳасиздир. Абдуллоҳ Бухорий, Фуад Шокирий ва Абдували Мирзаев ва Муҳаммад Ражаб акалар ва Обид қори Назаров тақдири, бунга мисол бўла олади. Бошқа кўплаб мисоллар ҳам, бор. Зуфар шу каби, жонфидоларга эргашганлар жумласидандир.

Унинг маърузаларида ҳақиқатни очиқ ойдин айтишидан ҳам, унинг бу йўлга жонини гаровга қўйиб кирганлигини, англашимиз мумкин. Мен билган казо казолардан кўплари, бугун ҳатто, ўз номини очиқ айтишга қўрқаётган пайтда, бу болани қўрқмасдан очиқ гапириши, шубҳасиз жасоратдир. Ваҳолонки, у бежавотир масканда эмас. Ўзбек МХХси билан, Сиси айғоқчилари ўзаро тил топишишлари, турган гап. Шундай таҳликали суратда, ўзи билган бор ҳақиқатни етказишга уринаётган бу болага, таҳсин айтмай иложимиз йўқ. Бу ёшларга хос қизиққонлик билан бирга, жасурлик намунаси ҳамдир. Қолаверса, бу жонфидаликка тайёрлигини изҳоридир. Мен бу даъват майдонида, шиддат билан кириб келган бу йигитни, баъзи фикрларига озроқ эътирозим борлиги ва кенгроқ тушунтириб бериши учун, у билан радиосуҳбат қилмоқчи бўлдим. Уни радиосуҳбатга чорлаб, бир киши орқали хабар юборганимда, у ҳозирча у ёққа чиқмай туришни, маъқул кўришини айтган экан. Майли, бу унинг хоҳиши. Қолаверса, Самарқандий билан ҳам, радиосуҳбат қилишга бўлган уринишларим, самарасиз кетди. Мен бу даъватчиларни қўллаб қувватлаб, уларнинг эшитишга чақирар эканман, бу дегани уларни барча фикрига қўшиламан деганим, эмас, албатта. Шунингдек, биз бир кишининг фикрига, юз фоиз қўшилишга маъмур ҳам, эмасмиз. Лекин, биз буларнинг қадрига етишлигимиз керак, деб, ҳисоблайман. Ва бошқаларни ҳам, шунга чақираман. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам, “Золим подшоҳнинг олдида ҳақ сўзни айтиш, жиҳоднинг афзалидир” деганлар. Насоий ривояти. Золимлар олдида бўлмаса ҳам, узоқдан туриб бўлсада, ҳақни айтиб қолиш керак.

Жим туришлик, илм аҳлининг мавқеъси эмасдир. Сарой олимларининг энг яхшиси, жим турганларидир. Лекин, бу холис даъватчилар, амалидан эмас. Мен уни ва Самарқандийни, бугун даъват майдонида турган барча холис мусулмонни, Аллоҳ ўз паноҳида асрасин деб дуо қиламан. Абдуллоҳ Бухорий каби, уларга ҳам, душман ўқлари, етиб қолмасин. Биз, холис гувоҳлик беришга буюрилганмиз. Модомики, мендан Зуфар ҳақида сўралди. Мен ўзимдаги маълумот асосида, ўз гувоҳлигимни айтаман. Тангрининг гувоҳлигида, Зуфарни Аллоҳнинг йўлида ҳақни гапирувчи, холис даъватчи ва ўзбек халқининг мард фарзанди деб, биламан. Абдували қори Мирзаев каби, жонфидалар издоши деб, биламан. Уларга даъват масъулияти билан бирга, ҳикматни ҳам унутмасликларини тавсия қиламан. Мени саҳифамга кирувчиларни барчасини, унинг маърузаларини эшитишга ва мулоҳаза қилиб кўришга, чақираман. Бошқа юзлаб у каби, хорижда таълим олиб, жим юрган талабаларни ҳам, ундан ибрат олишга чақираман. Зеро, бугунги ҳақ ва ботил аралашиб ётган бир пайтда, фуқарон соҳиби бўлган даъватчиларга, эҳтиёжимиз кўп. Илм, бу омонатдир. Уни етказиб кетишлик, олимлар бурчидир. Зуфарга ва барча холис даъватчиларга бу омонатни комил адо қилишда, Аллоҳ мададкор бўлсин! Маломатчилар маломатига парво қилмай, мужодалада бардавом бўлишга, тавфиқ берсин! Бу йўлдаги баъзи хато ва камчиликларини, Ўзи авф этиб, ислоҳ қилсин! Бизларга бу маърузаларни эшитиб, амал қилишни насиб этсин!

<https://siyosat.wordpress.com/.../%d0%b0%d0%b1%d0%b4%d1.../>

15.05.2017

Бундан кейин, анча вақт ўтиб, уни Миср полицияси томонидан қамоққа олингани, хабарини эшитдим. Шу пайтда, қуйидаги мақолани ёздим.

МХХнинг навбатдаги қурбони Абдуллоҳ Зуфарми?

Абдуллоҳ Зуфар номи билан машҳур бўлган даъватчи укамиз, бундан уч кун олдин, ўзи яшаб турган Миср давлатида, Миср хуфя хизматлари томонидан, қамоққа олинган. Инно лиллоҳи ва инно илайҳи рожиъун. Бу ҳақида, менга хабар қилган манбанинг айтишича Абдуллоҳ Зуфарнинг атрофидаги яқинларига, сичқонниг ини минг танга бўлиб, гапиришга ҳам қўрқиб, жим ўтиришган экан. Бу ҳақида, шу пайтгача матбуотда, хабар тарқатилмади. Мен эса Зуфар ҳақида, кўп маълумотга эга эмасман. Унинг аниқ исми шарифини, ҳам билмайман. Қамоққа олинган сабабларини ва тафсилотларини ҳам, табиийки билмайман.

Лекин, мен учун унинг қамалиши қутилмаган воқеъа, бўлгани йўқ. Мен ҳақ йўлдаги даъватчига албатта, синовлар келишини билардим. Чунки, бу ҳақида Аллоҳу Таоло бизга хабар берган. Одамлар иймон келтирдик дейишлари ила, имтиҳон қилинмай, тарк этилишларини ўйладиларми? Ва, батаҳқиқ, Биз улардан олдингиларни ҳам имтиҳондан ўтказганмиз. Бас, Аллоҳ, албатта, содиқ бўлганларни ҳам билажак, ёлғончиларни ҳам билажак. (Анкабут сураси 2,3 оятлар) Энди бу йигитга ҳам демак, шу синовлар кела бошлабди. Аввало шуни айтаемизки, Аллоҳ бу бандасини, бу имтиҳонлардан, имони саломат ва ғолиб бўлиб чиқарсин. Яна дуоимиз шуки, унинг золимлар кўлида, нобуд бўлишдан асрасин. Уни таниган билганлар зиммасида ҳам, уни ҳаққига яхши дуолар қилиш мажбурияти тушади. Модомики, бу синов дунё экан, синовлар келиши табиийдир. Бу синовлар, ҳақ сўзни гапирмасдан, жим юрганларга ва ёки, ботилга хизмат қилаётганларга келмайди, халос. Уларга охир оқибат, ҳисоб китоб ва жазо келажак!

Зуфар ҳақ даъватни олиб чиққан ёш, ғайратли йигит эди. У куйиб пишиб гапиришидан, унинг ўз жонини, шу даъват йўлига тиккан одам эканлигини, англаш мумкин эди. Бунақа одамлар кам бўлади. Ва айна шунақалар, миллат ғурурига айланадилар. Жим юрганлар, шу жимлигида, ўлиб кетишади. Уларни тиригида, биров билмагани каби, ўлганида ҳам, биров билмай қолади. Энди асосий масалага келсак, Зуфарни Миср Хуфя хизматлари олиб кетишлари ортида, ўзбек МХХси тургани, кундай равшандир. Мисрликларга унинг, на оғири ва на енгили йўқ эди. У ўзбек тилида маърузалар қиларди. Бу маърузалар интернетда тарқалиб, минглаб одамларни қалбига кириб борди. Бу нарсани, ўзбек МХХси билмаслиги, мумкин эмасди. Ўзбек МХХси эса, уни Миср МХХсидан, ушлаб ўзбекистонга депорт қилишни талаб қилишини ҳам, англаш учун, катта ақл керак эмас. Менинг тахминим шундай. У бола ўзбек МХХси талаби билан қамоққа олинган. Демак, уни Ўзбекистонга депорт қилишлари эҳтимоли мавжуд. Ўзбекистонга келгач эса, унга 159 модда билан, қатор айбловлар эълон қилиниб, узоқ йилларга қамалиши мумкин. Бундай қисмат Зуфаргагина эмас, бошқа минглаб, оддий намозхонларга ҳам, келган. Бу нарса ҳам, ҳеч кимга сир эмас. Ҳар ҳолда уни Абдуллоҳ Бухорий каби, куппа кундуз куни, отиб кетишмади. Лекин, уни МХХ ертўласида, ими жимида гумдон қилмасликларига, ким кафолат беради?! Уни қамоққа олингани ҳақида ва Суд қилингани ҳақида, биз жамоатчилик вакиллари, қандай биламиз? Мана яқинда қамалган Бобомурод Абдуллаевни ёки, Нуруллоҳ Отахоновнинг воқеъаси, шов шув бўлиб кетди. Оқибатда улар ҳақида, маълумотлар пайдо бўлди. Биттаси озодликка чиқди ва биттасига нисбатан, Суд айблови нусхаси интернетда тарқатилди. Зуфарга келсак, у билан нима бўлаётгани, умуман маълум эмас. Балки, у аллақачон Тошкентдадир? МХХ ертўласида қийноқларга солинаётгандир? Балки, у МХХнинг навбатдаги қатағони қурбони, бўлгандир?! Бу нарсани, на тасдиқ қилиш ва инкор қилиш, иложи йўқ. Муаммо шундаки, унинг яқиндан таниганлар, ҳам жим. Унинг қамоққа олингани ҳақида, жар солиш ўрнига, жим туришни маъқул кўрмоқдалар. Нега? Мен шунга ҳеч, тушунолмаيمان. Бу одамларнинг мана шундай бефарқлиги туфайли, бизнинг миллатдан чиққан, қанчадан қанча истеъдодлар, ғунчалигида хазон бўлди? Ўз яқинларини ҳимоя қилишга чиқолмайдиган, кўрқоқ халқмиз. Афсуски, менда Зуфар ҳақида деярли, ҳеч қандай маълумот йўқ. Лекин, бу маълумотлар, кимлардадир борку?! Нега улар жим туришибди? Мен уни ҳақида, маълумот берувчи бирорта одамни тополмадим. Агар топилса, ўша маълумотларни интернетда, кенг жамоатчиликка эълон қилардим. Инсон ҳуқуқини ҳимоя қилувчи ташкилотларга, жўнатардим. Барча фаоллардан, уни ҳимояси учун ҳаракат қилишларини сўрардим. Ҳозир эса, афсуски, унинг кимлигини, ўзим ҳам билмайман. Паспортдаги исми шарифи ким? Қаерда туғилган? Қаерда ўқиган? Қандай қамалган? Бу нарсаларни билмасдан туриб, у ҳақида бир нарса ёзиш, имконсиздир. Энди мен уни қамалганини эшитиб, шу мақолани ёздим халос. Агар кимда, у бола ҳақида кенгроқ маълумотлар бўлса, марҳамат жамоатчиликка билдиринглар. Уни ҳимоя қилишга, имконият очилсин. Уни депорт қилишдан қутқариб қолишга, уриниш лозим. Агар у депорт бўладиган бўлса, у ҳолда уни, ё ўлим ва ёки, узооқ йиллик, турма азоблари кутади. Валлоҳу аълам! Мабодо у қачонлардир, яна тирик эсон омон, озодликка чиқсада, у энди бугунгидек, Зуфар бўлмайди. Унинг истеъдодини ўлдириб, руҳини синдириб, қуруқ жасадини чиқаришади халос. Мен бундай ўтюррак йигитларни руҳан синдирилганларини, кўп кўрганман.

Яна бир истеъдодни, йўқ қилишларига томошабин бўлиб, турмаслигимиз керак! Энг асосийси, уни МХХнинг навбатдаги қурбонига айланмаслиги учун, ҳамма қўлимиздан келадиган ҳаракатимизни, қилишимиз керак! Уни танийдиганларга, алоҳида мурожаатим: Сизлар довдираб тушкунликка тушиб ,жим ўтирманглар. Агар ўзларинг айтилмасангла,р ўша маълумотларни, бизга беринглар. Биз жамоатчиликка эълон қилайлик. Синов келиши, бу янгилик нарса эмас. Доим шундай бўлган ва қиёматгача шундай бўлади. Сизлар кўрқиб довдираб, ўтирманглар. Қатъийятли ва мард бўлинг! Зеро сизларнинг ажалингиз, МХХларни ё, Миср жаллоди Сисининг қўлида эмас. Аллоҳу Роббал оламин хоҳлаган нарсагина бўлади халос. Аллоҳу Таоло айтади: Бўшашманглар! Хафа бўлманглар, агар мўмин бўлсангиз сизлар устундирсиз. Оли Имрон сураси 139 оят. Натижа Аллоҳдандир. Биз ҳаракатдан масъулмиз халос. Наби саллоллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: Муслим муслимнинг биродаридир. Унга зулм қилмайди. Уни хорламайди. Уни таҳқирламайди. Ҳар бир муслимнинг қони, моли, ва обрўси бошқа муслим учун ҳаромдир. (Имоми Бухорий ривояти) Биз бугун, бир биродаримизга зулм етаётганда, унга ёрдам беришга қодир бўла туриб, жим туришимиз, на адолату инсофга ва дину диёнатга, тўғри келмайди. Мен сизларга шуни эслатиб қўйдим халос! Аллоҳ барча мазлумларга, нажот берсин! Золимларга Ўзи кифоя қилсин! Омин.

08.10.2017

<https://siyosat.wordpress.com/.../%d0%bc%d1%85%d1%85%d0.../>

Бу мақолани Фбга қўйиб, уни ҳақида маълумот тўплашга ҳаракат қилдим. Лекин, уни муридлари, менга маълумот беришмади. Аксинча, улар мени маломат қилиб, бошлашди. Зуфар кофирдан ёрдам сўрамайди деб, ёзишди. Мен унга қандайдир, ҳуқуқий ёрдам бериш керак деб, ҳаракат қилаётган эдим. Чунки, унга, мавжуд диний пешволардан, ҳеч ким ёрдам бермаслигини, билардим. У булар учун, энг ёмон кўрилган шахс эди. Булар уни эшитишни, маън қилишганди. Ундан ҳаммаси қочарди. Унинг нодон муридлари ҳам, унга ёрдам бераман деган, одамни, тош бўрон қилишларига, сал қолди. Кейин, мен майли деб, индамай қўйдим. Аллоҳ унга нажот берсин деб, дуо қилиб юрдим.

6 боб тугади

Фазлиддин Парпиев ва Зуфарнинг одамгарчилиги

Орадан икки ойча вақт ўтгач, менга Фбга мессенжердан бир номаълум кимсадан хат келди. Унда "мен сиз 8 октябры, 2017 йилда, сайтингизда, мен ҳақимда ёзган одамман" дейилганди. Мен ҳайрон бўлиб, ким ҳақида ёзган эканман деб, сайтга кириб қарадим. Бу санада «МХХнинг навбатдаги қурбони Абдуллоҳ Зуфарми?» деган, мақола турганди. Мен хурсанд бўлиб, унга демак Аллоҳ нажот берибди экан, алҳамдулиллоҳ деб, ёздим. У менга ,мана шу телграммдан алоқага чиқинг деб, ёзди. Алоқага чиқдим. Бир оз суҳбатлашдик. Суҳбат овозли файл жўнатиш орқалик бўлди. Хуллас, у менга Мисрдаги қамоқдан, Аллоҳнинг мўъжизаси бўлиб чиқиб кетганлигини, қисқачароқ қилиб айтди. Озодликка чиқиб, менинг мақоламни ўқиганини ва муридларини ёзган комментларини ҳам, ўқиганини айтди. У менга муридлари учун, ўзи узр сўрашини ва менга, уни ҳақида қилган, бу озгина ғамхўрлигим учун миннатдорчилик билдирди. Ваҳолонки, мен унга деярли, ҳеч қандай ёрдам бермагандим. Мен фақат унга ёрдам беришга, урингандим халос. У шунга миннатдорчилик билдирди. «Одамларга шукр айтмаган Аллоҳга ҳам, шукр айтмайди» деган, ҳадисни айтиб, мени бу ишимга раҳматлар айтди. Мен аслида ундан раҳмат ҳам, кутмагандим. Мен бир иш қилсам, одамлар раҳмат айтадими ё лаънат айтадими, буниси билан ишим бўлмайди. Бу йигит шу озгина нарсага, раҳмат айтган эди. Шу ерда, айтиб ўтишлик керак. Фазлиддин Парпиев деган, имом ҳам Мирзиёевга мурожат қилгани учун, ишдан ҳайдалиб, ватанни тарк этиб кетганди. Шу йигитни қоралаб, МСМЮни муриди Мубашшир Аҳмад Азон узда, кўп нарсалар ёзди. Шунда мен унга қарши, «Мубашширнинг муғомбирлиги» деган, мақола ёзгандим. Қуйида шу мақолани ўқишингиз мумкин.

Мубашширнинг муғомбирлиги

Сарой муллалари дин номидан гапириб, халқни ҳукуматга қарши гапирмасликка ва сабр қилишга чорлашмоқда. Булардан бири, Мубашшир деган, МСМЮнинг муридларидан бири, бўлди. Қизиғи шундаки, у ўзининг чақириғига далил сифатида, қатор уламолар китобларидан фойдаланганини, айтиб ўтади. Жумладан аллома Қарзовий номини, зикр қилади. Оддий мусулмонлар англамайдиган жиҳати шундаки, Қарзовийни Дунё Мусулмон Уламолари Уюшмаси раиси деб, дунёдаги аксар уламолар, тан олишган. Шундай кишини номидан фойдаланиш эса, бизни сарой муллаларига доимо, айнаи муддао бўлган. МСМЮ ИШИДни қоралашда, айнан шу Қарзовий чиқарган мурожаатни, гапирганди. Унинг гапини раҳматли Абдуллоҳ Бухорий қоралаб, чиққанди. Лекин, Қарзовий Тунис, Сурия ва Мисрдаги халқ исёнларида, диктаторларнимас, исёнчиларни қўллаб чиққанлигини, МСМЮ табиийки, гапирмади. Сиси тузумига хизмат қиладиган Азҳар шайхи, Аҳмад Тоййиб МСМЮни чақирганда, бориб уч кун меҳмон бўлиб, денгизда кемаларда, сайр қилиб келди. Айнаи ўша пайтда, минглаган ихвонлар, турмада ётишарди. Қамоқларда қирғинлар кетаётганди. Мурсийга ўлим жазоси берилганди. МСМЮ булар ҳақида, ғиринг демади. Қарзовий эса, Мурсийни қўллаб қувватлагани учун, Сиси режими тарафидан, интерполга берилганди. Асли Мисрлик бўлган Қарзовийни, Сиси режими террорист деб, ҳисоблайди. Мубашшир ҳам, ўша сафсатасини ёзганида, Қарзовий номини зикр қилиб ўтади. Бу билан авомда гўёки, бу сафсатани, аллома Қарзовий қўллаб қувватлаган эканда, деган, хато фикр пайдо бўлади. Бу маккор муридларнинг ҳийласидир. Улар у ёки, бу шайхни номини, ўзи гапирётган сафсатага тиқиб, гўё, уни гапини, шу шайх тасдиқлаган деган, сохта тасаввур уйғотишга, уринишади. Мубашшир домла, Сурияни мисол қилиб, бу қирғинбаротни сабабчилари, аллақайси радикал гуруҳлар ва сиз уларга қўшилманг деб," Фазлиддинга насиҳат қилади.

Жаноб "аллома" Мубашшир, сиз Қарзовийни Суриядаги ҳар бир мусулмонга жиҳод фарз бўлди деган, фатвосини эшитмаганмисиз?! Бу фатвони мен амалга оширган ўзбекча таржимаси, мени саҳифамда турибди. Бу фатво, фаросатдан озгина насибаси бор одамга,

сир эмас. Бундан ташқари, айнан Қарзовий Мисрдаги ихвонларни, ҳукуматга қарши исёнларини қўллаб қувватлади. МСМЮ эса, айна дамда Ўзбекистондаги мусулмонларни, ҳукуматга итоат қилишга чақирди. Дунё Уламолари Уюшмаси Мисрдаги норозолик намойишларида иштирок этиш вожиб ва Сиси режимига ёрдам бериш ва Сиси чиқарган, янги давлат Низомини тасдиқловчи сайловда қатнашишни, ҳаром деб, фатво берди. Бу мақолалар каминанинг таржимасида, ўша пайтда интернетда тарқатилган ва ҳозир ҳам сайтимда турибди. МСМЮ эса, ИАКни муҳтарам зот деб, ким унга қарши чиқса, бемазҳаб деб, ўлгунча шу йўлда тинмасдан фатво бериб турди. Дунё Уламолари зулмга қарши исёнга чорлашаётган экан, бу маккор сўфилар, нега шуни элга айтмасдан, балким унинг аксини, гапиришади?! Маккор МСМЮ, Қарзовийнинг мазҳабсизлигини била туриб, бемазҳаблик дин офатидир деган, китоб ёзганди. МСМЮ ўлсада, унинг фитналари тўхтагани йўқ. Мубашшир бугун, уни йўлидан бориб, ҳукуматга салгина норозилиги кўрсатган имомга, бундай қилмасликни ва бу иши Қарзовий ёзган китобга, зидлигини айтиб, огоҳлантиради. Қарзовий нималар деганлигини эса, ўзбек мусулмонлари 99% билмайдилар.

Яна қизиғи шундаки, унинг сафсатасини хориждаги, Қаламчи уламои киромлар, қўллаб қувватлашяпти. Бу мақолани тушуниш учун, катта ақл кераклигини уқтиришяпти. Ўзи аслида сарой муллалари ва булар, бир қолипдан чиққан, ғишлар кабидир. Бир биридан мутлақо фарқ қилмайдилар. Одамларга хитобим шуки, огоҳ бўлинглар, МСМЮ ва унинг муридлари, тоғут хизматида, умрини сарфлаган сарой имомларидир. МСМЮ мутассиб ва бидъатчи тасаввуфчидир. У ўзини пир деб, ўйлаган нусха эди. Аллоҳга қасам ичиб айтаманки, тасаввуф Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам олиб келган йўл, эмасдир! Ҳақ йўлдаги имомлар отилди, чопилди, қамалди ва йўқотилди. Булар каби, фирибгар динфурушларгина, тинч омон қолишди. Буларнинг сафсатасини ўқиб, қойил қолаётганлар кўп экан. Шубҳасиз улар, ҳеч нарсадан хабари йўқ, одамлардир. Улар башарасини ақллик қилиб, одоб ахлоқдан гапирадиган фирибгарларниб ҳидоят йўлда деб, ўйлайдиган нодонлардир халос. Мен сизларни ҳақ ва залолатни таққослаб кўришингизни ва озгина фикрлаб кўришга, чақираман. Ботилни харидори, доимо кўп бўлган. Ҳақни хародорлари, кам бўлади. ИАК даврида ботилнинг бозори касод эди. (Яъни, аксар халқ, бу маккор имомларни залолатдалигига, шубҳа қилмасди) Бугун уларнинг бозори, чаққонлашяпти. Бугун уларнинг баъзи қисми, халқ томонидан тан олина бошланди. Мирзиё даврида ҳам, давру давронини сурадиганлар, яна ўшалар бўлади шекилли?! Лекин, энди ИАК давридаги каби, ҳаммани нафратига сазовор бўлиб эмас, ҳурмат иззат ичида, даврон сурмоқчилар. Авом ичида эса, уларга эргашадиганлар албатта, топилади. Биз ИАК давридаям, бадном эдик. Яна шундай бўлиб қолаяпмиз. Албатта Аллоҳ, кимнинг кимлигини билгувчидир. Динни восита қилиб, одамларни ўзига эргаштираётган ва динни восита қилиб, дунё топаётган ва динни восита қилиб, золимга ёрдам бераётганларни ва уларни қўлловчиларни Аллоҳ хору зор қилсин! Омин!

11.01.2019

Мана шундан сўнг, Фазлиддин Парпиев, Фбдан менга алоқага чиқди. У менга, бу мақола учун, миннатдорчилик билдирди. Ваҳолонки, мен уни, умуман танимасдим ва бу мақолада уни мақтаганим ҳам, йўқ эди. Бунақа ишлар яъни, бирорта яхшилик учун миннатдорчилик билдиришлик тарбиялик одамларга хос бўлади. Тарбия кўрмаганлар, бунақа қилолмайдилар. Қаршилиқлар каби, тарбия кўрмаган ёввойиларни, бир китобимда мақтаб ёзганимда ҳам, менга дўқ уриб, номини ўзгартиришни талаб қилишганди. Хуллас, Зуфар ва Фазлиддин менга раҳмат айтишди. Кўп ўтмай ўша Азон.узда, Фазлидинга қаратилган, Бефаросат номли кимсанинг, очиқ хати ҳам босилди. Бу очиқ хатда, у Фазлидинга ақл ўргатиб, бу қилаётган ишинг нотўғри деган, маънода насиҳат қилган. Унинг сафсатасини, бу ерда келтиришни лозим топмадим. Зуфарни менга нисбатан қилган, яна бир яхшилиги борки, у ҳақида кейинги қисмда ўқийсиз.

Самарқандий муридлари фитнаси

Кунлардан бир куни бир киши, Фбдан менга хат ёзиб, унда Самарқандийни мақтаб бошлади. Мен ҳам, ҳа у яхши одам. Казо казоларга ўхшаб, жим ўтирмаяпди. Билганича гапираяпди. Гарчи мавзулари жамият учун, устувор бўлган бирламчи масалалар бўлмасада, хуллас, никоҳ талоқ каби, умумий мавзуларда гапиряпди деб, ёздим. У гапни кўпайтириб, у Абдували қоридан ҳам устун ва олимроқ деб, ёзди. Мен унга, бу гапни сен ўзингдан айтяпсанми, ё Содиқ шунақа дедими, деб сўрадим. У ўзимники, деди. Мен унга, бундай гапларни айтма! Содиқ ҳали, Абдували қорининг, тўпифига ҳам чиқмайдиган одам. Уни қилаётган меҳнатига Аллоҳ ажр берсин. Лекин, бунақа катта гапларни гапирма, деб, ёздим. У касофат, агар тирик бўлганда Абдували қори ўзи айтарди, Самарқандий ундан зўрлигини деб, алжирарди. Мен у кимсани блокладим. Уша мараз сабаб, катта фитна бошланди. Кейин, шу болани гапи ҳақида, Фбга пост ёзиб қўйдим. Кўп ўтмай постимни тагига, комментлар кела бошлади. Содиқни муридлари бири олиб, бири қўйиб, уни Абдували қоридан ҳам буюклигини гапирарди. Мен ҳайратда қолдим. Айниқса, Стокхольмда яшайдиган бир фитначи, уни мақтаб, менга қарши бир шеър ҳам қўйди. Мен буларга қарши, ёзишни бошладим. Самарқандийнинг муридлари ростдан ҳам, кўп эканига шунда ишондим. Мен уни умуман эшитмайман. У жанобни, мени қизиқтирадиган маърузаси йўқ. Лекин, авом эшитарди. У қозонда борини, чўмичга чиқарарди. Муридлар шунга хурсанд эдилар. Буни тушуниш мумкин, албатта. Лекин, бу нодон муридлар уни, ундан анча катта шахсга, тенглаштирдилар. Ҳатто, ундан ҳам афзалроқ, дейишди. Мен бу иддаога қўшилмасдим. Менда, буларга баҳо бериш мезони бор эди. Ҳеч бир жиҳатидан булар, у кишига тенгмасди. Муаммо шундаки, Самарқандийни ўзи, бунга муносабат билдирмаганди. У муридларини ёзганларини кўриб, эшитиб, туриб уларга ўзи, бунақа деб алжираманглар, деб, айтиши лозим эди. Унинг жимлиги фитна оловига, бензин сепди. Шу пайт Зуфарни суратини қўйиб олган бир akkaунтдан ҳам, мени ҳақоратлаб комментлар ёзилди. Бу akkaунт эгаси Зуфарни муридларидан ва радикаллардан бўлган кимсалиги, аниқ эди. Мен уни кимлигини билолмадим. Агар бу Зуфар бўлсаю, у шу гапларни ёзган бўлса, унда шуни билишни истардим. Бу дегани, шу кундан бошлаб мен ҳам, Самарқандийга ва ҳам Зуфарга ва уларнинг кўп сонли муридларига нисбатан, интернетда жанга киришга мажбур эдим. Улар мени ҳақорат қилганлари каби, мен ҳам уларни ҳақоратлашни, билардим. Фақат бир муаммо бор эди. У ҳам бўлса, бу akkaунт Зуфарникими йўқми?! Самарқандий ростданам ўзини ҳаммадан олим деб, ишонадими йўқми?! Бу асосий нуқта эди. Шуни аниқлагач, мен нима қилишим ҳам, аниқ эди. Самарқандийдан ҳам Зуфардан ҳам, садо чиқмади. Улар буни эшитиб ҳам аралашмагани, уларнинг айби, хатоси эди. Мен Зуфарни топишга ёрдам сўраб пост ёздим. Кимдир менга телеграмм канал берди. Унга овозли файл юбордим. Файлда тахминан, шу гапларни айтдим. Ассалому алайкум биродарлар! Менга Зуфар керак эди. Унинг номидан бир akkaунт чиқиб, мени ҳақорат қилди. Агар шу Зуфар бўлса, бир оғиз ҳа шу меники деб, қўйсин! Кўп гап керакмас. Мен ҳозир бировга ноҳақ, тажовуз қилиб қўймай деб, ўйланиб қолдим» Бу хатни телграммга ёзиб, бир ишим билан бир жойга кетдим. Ва телеграммга, анча кеч кирдим. Унда уч тўртта, овозли файллар бор эди. Уларни бир четдан эшита бошладим. Зуфарни овозидани таниганим учун, билдимки, Зуфар ўзи гапирганди. У менга салом бериб, бир четдан гапира бошлаган. У мени отаси тенги эканимни, айтади. У мени, унга ҳамма қарши пайтида, яхши муносабатда бўлганимни айтади. У қамалиб қолганида, уни ҳимоясига чиққанимни айтади. У мени, сизга ҳеч қачон қарши чиқмайман. Мендан хотиржам бўлинг», деганди. У akkaунт ҳам, уники эмаслигини ва муридлар кўплигини ва уларни назорат қилиш имконсизлигини, айтганди. Хуллас, мен уни овозини эшитиб, анча хотиржам бўлдим. Унга Самарқандийни ўзи нега муносабат билдирмаяпди? деб, овозли файл юбордим. Эртасига ундан яна, файл келди. Бунда Самарқандий гапирганди. У бу фитналарга муносабатини айтганди. Кейин, мен Фитнага доир сўнги сўз деган, мақолани ёзиб сайтга қўйдим. Самарқандийни муносабатини ҳам, сайтда чоп қилдим. Қуйида шу мақола ва муносабатни ўқишингиз мумкин.

Аллоҳга ҳам ва расулига саловату саломлар бўлсин! Мана уч кунлик фитна давомида, қанча шов шувлар бўлди. Юзлаб одамлар бу фитнада, ким холис мақсадда ва кимдир атайин, фитнани авж олдириш учун ва кимдир ўзи билмаган ҳолда, аралашди ва аксар мусулмонлар ва шу жумладан ўзим ҳам, ларзага тушдим. Кўпсонли ҳақоратли изоҳларга жавобан, баъзи шеърларни ёздим. Бу фитна кичкина нарсадан бошланди ва соат сайин катталашиб, борди. Уни гирдобига тушганлар, дунё ва охирати учун фойдага эришмадилар. Жумладан ўзим ҳам. Бу ердаги иштирокчилардан, ҳеч кимни танимасдим. Омма олдига, очиқ юзи билан чиқадигани йўқ эди. Троллар орасида, сарсон бўлиб юрардим. Мен шахсан таниганим Содиқ қорини ўзи эди. (Уни ҳам интернетдан танийман ҳалос.) Бугунга келиб, Абдуллоҳ Зуфар суратини қўйиб олган кимсадан ҳам ҳақоратли комментлар келди. Бу воқеъа сабаб, мен уни излашга тушдим. Кечга бориб, у коммент ёзган кимса, бу саҳифа Зуфарники эмас ва уни мухлисларини саҳифаси деб, ёзди. Мен шу пайтгача Содиқ қори билан бўлаётган жанжалга, Зуфар ҳам аралашдимикан деган, фикрга бориб қолдим. Булар ўзлари томонидан, бу масалага ойдинлик киритилмаса, мен нима қилишимни билмасдим. Ҳаммани васваса қилувчи шайтон, мени ҳам васваса қиларди. Мен жума кунни кечқурундан бошлаб, агар Содиқ қоридан муносабат бўлмаса, узоқ муддатга режаланган, фитнаю фасоддан иборат бўлган ва албатта ичида ҳақоратларга тўла бўлган, мақола ва аудиофайлларни чиқаришни мақсад қилгандим. Бу ҳақида баъзи комментларда ишоралар қилиб ўтдим. Алҳамдулиллоҳ Аллоҳ мени, бу буюк фитнадан асради. Мен у ишни бошлаганда, шубҳасиз ноҳақдан бировни ҳақоратлаган бўлардим. Бу мен учун, дунё ва охиратда яхшилик бўлмасди. Мени ҳақорат қилганлар эса, кимлигини мен ҳам, Содиқ қори ҳам, танимаган одамлар бўлиб, улар фитнани авж олдириб, ўзлари четда қоларди. Булар баъзилар МХХ троллари бўлса, баъзилари шубҳасиз, Содиқ қорига мухлислардир. Менга тушунарсиз бўлгани, бу фитнага мухлислари сабабчи бўлган шахс Содиқ қорини ўзи, шу пайтгача жим тургани эди. Хуллас, менга баъзи холис биродарлар, мен билан гаплашиб насиҳатлар қилишди. Бу ишни тўхтатишни айтишди. Аллоҳ уларни ажрлантирсин. Асосийси эса, бу фитнани ислоҳ қилиш учун, ўртага Зуфарни ўзи тушди. Мен у билан гаплашдим. У сохта аккаунтдан келган ҳақоратли комментга, мутлақо алоқаси йўқлигини айтди. Бу фитнани қилаётганлар троллар эканини ва ДХХ троллари мусулмонлар орасига, фитна солаётганини таъкидлади. Шунингдек, Содиқ қорини, шайх Абдували қоридан, ўзини устун деб, айтадиган одам эмаслигини ва бу гапларни, унинг мухлислари томонидан гапирилаётган, гаплар эканини ва уларни эса, назорат қилиш имконсизлигини гапирди. Асосийси, Содиқ қорини, энг яқин шогирди бўлганини ва у кишини, ўзини Абдували қоридан ёки, бошқа бирорта холис олимлардан устунман деб, айтадиган, мутақаббир одамлардан эмаслигини, айтди. Мен ҳам аслида, у ўзини ўзи шунақаман деб, айтмаса керак деган, фикрда эдим. Бу каби сафсаталар муридлар ва троллар томонидан бўлаётган фитналар эди, ҳалос. Булар эса, унинг мухлислари гапираётган гапларга, Содиқ қорини алоқаси йўқлигини ва демак, унинг шаънига мен томонимдан шеърларимда ва комментларимда ёзилган баъзи ҳақоратлар, ноҳақдан айтилганини англатади. Демак, Содиқ қорини ўзи, бу масалада муносабат билдирмаган бўлсада, унинг баъзи мухлислари туфайли, пайдо бўлган ва ДХХ троллари аралашиб каттайиб кетган фитна туфайли, ёзган ҳақоратлар учун ундан, КЕЧИРИМ СЎРАЙМАН. Шунингдек, кимлигини Аллоҳ биладиган кимсалар томонидан, менга қарши ёзилган ҳақоратларни эса, Аллоҳга ҳавола қиламан. Чунки, улар тайини йўқ ва кимлиги номаълум кимсалардир. Улар билан бу дунёда гаплашиб, бир муаммони ҳал қилиб бўлмайди. Иншааллоҳ бу ҳақоратлар ҳисоб китоби, қиёматга қолади. Бу фитна давомида менга холис насиҳатлар қилган биродарларни, Аллоҳ мукофотласин. Холис мусулмонлар қалбига етказган озорларим учун, улардан ҳам, узр сўрайман. Ўзимнинг хатою нуқсонларим туфайли, қилган барча гуноҳларим учун, Оламлар Парвардигори Аллоҳдан, мағфират сўрайман. Содиқ қори ва Зуфарлар бугунги кунда ислом ҳақиқатини, ўзбек забон мусулмонларга етказаётган, санокли даъватчилардандирлар. Уларнинг бу хизматлари учун, Аллоҳ ажрини берсин. Тўғри йўлдан адаштирмасин. Хатоларини Аллоҳ авф этсин.

Дин душманлари зараридан, саломат сақласин. Уларнинг муридларини эса, ўз шайхларига нисбатан меҳру муҳаббатдаги меъёрдан, адаштирмасин. Албатта, бу фитна мен учун бошқаларига нисбатан, анча ибратли бўлди. Одамлардан кимнинг кимлиги ва ким дўсту ким душманлиги ва ким холис ва ким мунофиқлиги ҳам, айнан шу каби, фитналарда синалади. Кимлардир бу фитналарда холислик ила, собит туриб ажрга эга бўлади. Кимдир гуноҳларини кўпайтиради. Кимлардир ўзига ва ўзгаларга, зулмлар қилади. Кимлардир ниқобини ечиб, ўзининг асл башарасини, кўрсатади. Демак, бу фитнага доир барча ёзувлар, йўқ қилинади. Бу мавзуга, бошқа қайтилмайди. Мавзуга доир гап кўтарганлар, блок қилинади. Бу масала шу билан тугади, тамом! Ислом уммати фитнаю фасодлар, ичида ёнмоқда. Парчаланган уммат, бир бирини фитналар туфайли қириб, йўқ қилмоқда. Дунё бўйлаб, авжига чиққан улкан фитналарда, асосан қурбонлар мусулмонлардир. Бундай фитналардан, кичик бир кўриниши, интернетдаги тармоқларда давом этмоқда. Бизлар ҳам шулардан бирига, дучор бўлдик. Энди эса, шу фитнага бугун, нуқта қўямиз. Аллоҳ бизни, фитналардан асрасин. Имонимизни йўқотмасдан, ҳузурига боришимизни холис мўминларга, насиб этсин. Мунофиқларга ва дин душманларига, Ўзи кифоя қилсин! Ассалому Алекум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳ.

Саҳвий

01.03. 2019

Содиқ Самарқандийнинг муносабати

Ҳа менга айтишди. Фаесбокда шунақа бўляпди деб. Мен ўзи Фаесбокка кирмиман. Бирор марта кирмаган ҳам. Эшитиб ҳайрон бўлдим. Нима бундай бўлаяпди экан, деб. Кейин билсак шу, келишмовчилик бўлиб, бизни номимиздан кимдир, шунақа деди. Абдували қори акадан устунлик даъво қилади» деган, гаплар айтган. Менимча энди, атай қилинган нарсалар бўлса керак булар, ўзи?! Келишмовчилик чиқаришлик учун. Унақа нарсани, ҳеч ким даъво қилмидику? Ўзи маълумки, қайси юз билан, қайси бет билан, қори акадан устунмиз деймиз?! Аллоҳ кечирсин ҳаммамизни! У кишининг фазли, у кишининг устозлиги, ҳаммамизни бошимизни устидаку?! Аллоҳул мустаъон. Майли, бўлар иш бўлибди. Энди тўғирланибди, алҳамдулиллоҳ! Бундай нарсаларни энди, тушуниб ҳал қилишимиз керак. Ўртага шундай нарсалар оралаганда, бир биримиздан тўғри гумон қилиб, иш қилсак яхши бўлади. У кишини иззат нафсига теккан шекиллида?! Келишмовчиликдан кейин, шунақа гаплар келиб чиққан. Аллоҳул мустаъон. Майли, бўлар иш бўлибди. Аллоҳу Таоло гуноҳларимизни, Ўзи мағфират қилсин! Бундан буёғига тоатида ва жаннатида жамласин ҳаммамизни. Алҳамдулиллоҳ! Саломат бўлинглар!

Овозли файлдан кўчирувчи Саҳвий

01. 03. 2019

Зуфарни одамгарчилигига, бу бир мисолдир. Мен уни ҳаётда кўрмаганман. Учрашмаганман. Гаплашмаганман. Ўша замонларда радиосуҳбатлар қилардим. Унга ҳам радиода гаплашайлик деб, бировлардан хабар юборганимда, у кейинроқ гаплашармиз деб, унамаганди. Мен уни маърузаларини аксар жойига, эътирозим ҳам бор. Лекин, унда гапиришликдаги табиийлик ва самимийлик бор. Бу унинг ютуғидир. У кимгадир, пародия қилиб гапирмайди. Унда дин ғами бор. Уни журъати ва шижоъати бор. У қўрқоқ шахс эмас. У жим ўтирмайди. Жонини хатарга қўйиб бўлсада, ҳақни гапиряпди. Бу ёқдаги сирли уламолар, уни эшитишни жоизмас деб, фатволар чиқаришди. Мен уни эшитишликни жоиз деб, фатво бераман. Лекин, унда ҳам, жузъий хатолар йўқ эмас. У бугунги даъватчилар ичида, энг пешқадами деб, биламан. Маърузани мавзуси жиҳатидан ҳам, уники муҳимроқ. Самарқандий ҳам, жим ўтирмайпди. Хизмат қилаяпди.

Шунинг учун, бу иккаласи қидирувга берилган. Бу томондаги уламолар хорижда ва амниятда туриб, ўзлари ватанга боришга уринаядилар. Булар билан улар орасида, осмон билан ер орасида фарқ бор. Буни афсуски, авом халқ, англаб етмайдилар.

[https://tayanchdotcom.wordpress.com/.../%d0%b7%d1%83.../...](https://tayanchdotcom.wordpress.com/.../%d0%b7%d1%83.../)

Яна бир воқеъа муносабати билан Зуфарга атаб, бир шеър ёзгандим.

Зуфарга:

Бошингни тик тутиб, мағрур юр,
Сенга мумкин эмас оқсамоқ.
Доим собитқадам бўлиб тур,
Сени синдиrolмади қамоқ.

Баъзида кам бўлар, даромад,
Сабр қилиш эмас, каромат,
Ҳар доимо кулмайди, омад,
Омадсиз ҳам, мумкин яшамоқ.

Қадрлидир олиму, диндош,
Аксар шулар отар, сенга тош,
Бермоқ керак, барига бардош,
Бўлсада гар, тоқатларинг тоқ.

Шарт эмасдир, эл муҳаббати,
Шарт қилинди, душман нафрати,
Бир кун етар, ўлим навбати,
Насиб этсин, имонда ўлмоқ.

Юрагингда олов ёнмоқда,
Даъватингдан диллар, қонмоқда,
Бугун кўплар, сендан тонмоқда,
Улар сандек мард эмас, кўрқоқ!

Жонинга қасд қилгандир золим,
Адашган дер, кўп шайху олим,
Хатолардан бўлмаган солим,
Дунёдаги ҳеч банда, бироқ!

Душманинг дўстингдан зиёда,
Улар отлиқ, сизлар пиёда,
Ғариб бўлдинг, фоний дунёда,
Даъват йўли шу бўлган, ҳар чоқ.

Келажакдан очолмайман, фол,
Ўзинг фикр қилиб, назар сол,
Бир кун сенга, кулганда иқбол,
Кўпаяди, дўст билан ўртоқ.

Салафлардан ибратлар олиб,
Бардавом бўл, қолмагил толиб,
Ё, бир куни бўласан ғолиб,
Ё шаҳодат етади, шундоқ!

Сен ўзбеклар фахрисан аммо,
Миллат бошига қўнган ҳумо,
Саҳвий тилар, бўлсин доимо,
Бахтинг очиқ, толеинг порлоқ!

16.07.2019

Самарқандий ва Зуфар ҳақида

Содиқ Самарқандий тутган йўли ҳақида, шуларни таъкидлайман. Самарқандий бугунги сарой муллалари ва унга муҳолиф бўлган Регистон ва Шириновлар командаси каби, фақат Ҳанафий мазҳабини ушлашга тарғиб қилмайдиган шахсдир. У гарчи, ўзини Ҳанафийман десада, у бу саволга, бошқа мазҳаблар тутган мавқеъни ҳам, гапириб ўтади. Яъни, авомга Исломни кенглигини ва ибодат қилишда ҳам, турли туман шакллар борлигини ва ҳаказо умумий қилиб айтади. Айни шу, менимча мақсадга мувофиқ йўлдир. Бу билан МСМЮ каби, мутассиб мазҳабпараст пайдо қилиб кетган, бемазҳаблик фитнасини олдини олишга уринади. Ислом умматини бир қисми бўлган, ўзбек миллати ҳам, бугун дунёга чиқаяпти. Эртами кечми улар ҳам, бошқа мусулмонлар қандай намоз ўқишини ва бошқа диний амалларни, қандай бажаришини кўришади ва буларни қилишга уринишади. Бу табиий ҳолдир. Шундай экан, уммат томонидан ҳақ деб, тан олинган тўртта фикҳий мазҳабни барчасини, умматга ҳақ деб, таълим беришлик зарурдир ва шартдир! Аммо, биздаги сарой уламолари, бунинг аксини қилмоқдалар. Улар МСМЮ бошлаб берган мутассибликни давом эттириб, ҳанафийликка зид деб кўрилган, барча нарсага қаттиқ туриб, қаршилиқ кўрсатишмоқда. Улар наздида ҳанафийлик гўё, улар ушлаган йўлдек?! Аслида уларнинг ўзлари, соф Ҳанафийликдан анча йироқ, қавмдир. Самарқандий мазҳабга муносабатда, анча кенгроқ фикрлайдиган шахсдир. Буниси мақсадга мувофиқдир. У мазҳаб тутмаганларга муносабатини, мен билмайман. Бу тўртта мазҳабни тутганлардан ташқари яна, мазҳаб тутмаган салафийлар ҳам, кўп. Улар бутун дунёда бўлганидек, ўзбек миллати ичида ҳам, оз эмаслар. Буларга нисбатан Самарқандий муносабати, менга маълум эмас. Ширинов муносабати, менга маълумдир. Ширинов ҳам, мазҳабни ушлашга тарғиб қилади. Ушламаганларга мужтаҳид бўлишни, шарт қилади. Агар мужтаҳид бўлмасанг, унда марҳамат қилиб, мазҳабга кир деб, туриб олади. Ширинов наздида, мужтаҳид бўлмаган ҳолда, мазҳабни тутмасдан мусулмон бўлиш, мумкин эмас. Бунақаларни у, кофир ҳам демайди. Лекин, бундайларга, мазҳаб ушлашни қаттиқ туриб талаб қилади. У билан бу мавзудаги суҳбатимизни, китобни бошида баён этилди.

Айни масалада Самарқандий нима позицияда, менга маълум эмас. Лекин, у мавжуд тўртта мазҳабни ҳам гапириши, шунинг ўзи уни, битта мазҳабга мутассиб эмаслигини кўрсатади. Бундан ташқари, У сиёсий мавзуларда умуман, гапирмайди. Сиёсатга аралашмайди. Бу унинг камчилигидан бошқа, нарсамас. У айни замонда жиҳод мавзусида ҳам, гапирмайди. Халифат қуришга ҳам, чақирмайди. Бу мавзуларда у, нейтралликни сақлайди. Бунинг менга қоронғу сабаблари бордир, балким? Баъзилар таъкидича, унинг муридлари аксари жиҳодчилар ва ёки, шунга мойиллардан иборат, эмиш. Бунисини ҳам, билмайман. Шуниси аниқки, У Туркияда яшар экан, Туркия хавфсизлик хизматлари назоратида туриши аниқ. Шунингдек, улар билан у бу шаклда, келишиб ишлашга мажбурдир. Жумладан Абдуллоҳ Бухорий ҳам, шундай эди. Расмий фаолият қилувчилар учун, бошқа йўл йўқ.

Шаҳар бедарвоза эмас. Буни тушуниш мумкин? Лекин, ИШИД Самарқандийни, кофир муртад деб, эълон қилганди. Самарқандий Эрдўғонни, кофирга чиқармасди. ИШИД уни кофир деб, фатво берганди. Ҳозирда ҳам ,Эрдўғонни кофир дейувчилар, Туркияда оз эмас. Ҳатто, Зуфар ҳам, бу мавзуда фатво берганди. Зуфарни шу каби, хатолари кўп. Назаримда бу унинг ёшлигидан ва қизиққонлигидан келиб чиққан, хатолардир. Зуфар ҳам Самарқандий ҳам, Хизбут Таҳрирга қарши кўп мунозаралар қилишди. Ҳизбут Таҳрир сарой мулгаларидан ҳам, саройга қаршилар томонидан ҳам, гап эшитадиган, етим болага ўхшаган, бечора гуруҳдир. Улар дунё миқёсидаги аҳволи ҳам, шундайдир. Ўзбек Хизбутчилари ҳам, бу иккаласига қарши, кўплаб бадном қилувчи материаллар, тарқатишган. Қизиғи шундаки, даъвоси Халифат бўлган Хизбут Таҳрир ва ИШИД, бирига қарши гуруҳлардир. Шунингдек, даъвоси шарият бўлган Толибон ва ИШИД ҳам, шундайдир. Булар бари, мақсади ислом шариятини ўрнатишлиқдир. Лекин, мақсад сари боришдаги манҳаж ихтилофлари борлиги учун, бири бирига душмандир. Қайси бири Халифат қурса, иккинчиси тан олмаслиги, аниқдир. Бу дегани, бу уммат бошида, ҳали кўп фитналар бор, демакдир. Тан олишлик керакки, Самарқандий давлат раҳбарига пахта кўядиган шахс эмасдир. Лекин, уни номини тутиб, танқид ҳам қилмаган. Бу жиҳатдан у анча мўътадил, манҳаждадир. Зуфарга келсак, у бу жиҳатдан, анча шерюрак. Уни расмий фаолият қилмаганлиги ҳам, бу каби нозик нуқталарда, гапиришга имкон беради шекилли?! Самарқандийда Зуфарники каби, кенгчилик йўқ. Уни рамкаси торроқ. У шу рамка ичида юришга, мажбурдир. Зуфарни позициясига келсак, у ҳақни гапирадиган мард йигит. Бунга шубҳа йўқ. Уни кўп хатолари бор. Асосийси менинг наздимда шуки, у бугунги воқеъликдан келиб чиқиб, умматга йўл кўрсатишга қодир эмас. Бугунги ўзбек халқининг диний савиясидан ва имкониятидан келиб чиқиб, уларга йўл кўрсатишга, унда салоҳият етишмаяпти. Абдуллоҳ Бухорий мен билан бир суҳбатда, Ўзбекистон халқига нимани тақлиф қиласиз? Деганимда, Исломий давлатда яшашни деб, жавоб берганди. Бунга қандай эришишни эса, у тушунтириб беролмаганди. Зуфар ҳам тушунтиролмади. Самарқандий ҳам. Бу масалада уларда, йўл харитаси йўқ. Улар ихвонларни танқид қилиб, улар адашган, у бу дейишади. Ўзларида эса, алтернатив йўл йўқ. Хизбут таҳрирда назарий жиҳатдан, шундай йўл харитаси бор. Бу харита билан, улар йўлга чиққанига, олтмиш йилдан ошди. Бу Карвон манзилига қачон етиши, номаълумлигича қолмоқда! Бизнинг уламоларда эса, ҳеч нарса йўқ. Булар оддий талоқ ва никоҳ, таҳорат ва ғусл каби, мавзуларга анча усталар. Қолаверса, уммат буларга ҳам эҳтиёжи бор, албатта. Лекин, глобал мавзуларда, уларда йўл харитаси йўқ. Мен буларни қилаётган хизматларини ўзбек миллати учун, етарли деб, ҳисобламайман. Лекин, уларга шу ишларни қилаётгани учун ҳам, миннатдорчилик билдираман. Афсус, бизда ҳали глобал мавзуларга қирадиган даражадаги шахс, мавжуд эмас. Давлат имомларига келсак, уларда катта орзу мақсадлар йўқ. Бўлмади ҳам. Улар қайси режимда яшасалар, шу давр раҳбарини, мақтаб ўтадилар халос. Мен баъзи матнларимда шу каби, холис дин пешволарига қарата, баъзи тақлифларимни айтганман. Қуйида шуларни ўқийсиз.

Холис даъватчиларга даъватим

Мен сарой мулгаларидан, нафратланаман. Буни қатор далил ва ҳужжатларга асосан, қиламан. Мен ўша сарой мулгаларига, дўстлик изҳор қилувчилардан нафратланаман. Бунинг учун ҳам, етарли далилларим бор. Мен сизларни, дин ҳақиқатини етказишда холисликларингиз учун, ҳурмат қиламан. Зулмга хизмат қилмаётганингиз учун, ҳурмат қиламан. Даъват юки, оғир юк. Буни Пайғамбарлар ва уларга ворислик қилган кишилар, кўтаради. Бу йўл оғир ва шарафли йўлдир. Бу йўлдаги холис даъватчилар, шубҳасиз ҳурматга сазовордирлар. Динфуруш саройпарастлар эса, аксинча нафратга лойиқдирлар. Лекин, холис даъватчилар ҳам, баъзан, баъзи хатоларга йўл кўядилар. Улар хатодан, маъсум эмаслар. Хато қилишлари мумкин, албатта. Асосийси, бу хато тизимли бўлмаслиги, керак. Сизлар ўзбек тилида, даъват қилар экансиз, бу даъватни омма олдига чиқарар экансиз, бу тилда гапирувчи халқни, онги фаросатини ва диний саводсизлигини ва ҳали на Аллоҳни ва на расулини ва на қуръонни тушунмаслигини, ҳисобга олиб гапиришларинг

керак. Одамларга ақли етадиган нарсаларни гапиринг, деганлар, Пайғамбар алайҳиссалом. Улар Аллоҳни рад қилиб қўймаслиги учун ва диндан бешиб кетмаслиги учун, улар тушунадиган тилда ва даражада гапириш лозим. Асосийси, уларни диндан бутунлай бездириб, тарк этиб кетадиган гаплар, гапирилмаслиги лозим. Мен ҳақни гапирманг, демаяпман. Одамларга ёқадиган нарсанигина, гапиринг, демаяпман. Мен одамларни бездириб қўймайдиган услуб ва йўлда гапиришни, ҳикмат талаби эканини, айтмоқчиман. Агар динни, қандай бўлса шундайлигича, чиройли етказа олсанглар, одамлар сизлар туфайли динга рағбат қиладилар. Улар қалбида, динга муҳаббат уйғонади. Агар аксинча етказсанглар, уларни қалбида диндан қўрқиш ва қочиш ҳисси, пайдо бўлиши мумкин. Бундай натижага олиб келса, сизни даъватингиздан нима манфаат бор? Тўғри, одамларга ёқсада ва ёқмасда, ҳақни етказиш керак. Лекин, даъват йўлидаги ҳикмат ва етказишдаги тадрижийлик услуби, айна пайғамбарлар услуби эмасми?! Ҳақни эшитган одамлар, ҳаққа эргашиши ва ёки эргашмаслиги, шубҳасиз Аллоҳдандир. Лекин, даъватчи ўз даъватини етказишда, зийрак бўлиши ва ўша даъватни эшитадиган одамларни, ақлий даражасини ҳисобга олмаслиги, бу унинг хатоси бўлади. Агар одамлар динга муҳаббат қилишини истасангиз, улардан нафратланмасдан ва уларни ҳақоратламасдан гапиринг. Эшитувчи одамлар даъватни эшитиб, ўзларини ҳақоратланган деб, ҳис қилишмасин. Уларга меҳрибонлигингизни ва уларни жаҳаннамга ўтин бўлмаслиги учун қайғураётганингизни англасин. Улар буни англасалар, динга муҳаббат қиладилар. Уларни диндан узоқлиги учун, ҳақоратласангиз, улар диндан янада узоқлашадилар. Қолаверса. Даъватчилар, ўз йўлида ва даъватида, у бу кимларни қоралаш компаниясини олиб боришлари ҳам, тўғримас. Бу бошқаларни иши. Даъватчилар модомики, пайғамбарлар йўлини ушлаган эканлар, ҳамма ҳолатда, ўшаларга эргашишлари лозим. Одамларга раҳмат бўлиб келганлиги, оятда собит бўлган Зотга меросхўрлик даъво қилаётганлар, бу юк оғир юклигини ва буни кўтариб ўтиш осонмаслигини асло, унутишга ҳақлари йўқ. Улар ўз шахсларини ҳимоя қилишга ва муҳолиф тарафни қоралашга ҳам, ҳожат йўқ. Уртада ҳақ ва ботил курашиб турар экан, ўша ботилни қоралашни ўзи кифоя. Ҳақни ҳақлигини етказишни, ўзи кифоя. Ҳикматли йўл ҳам, аслида шу, валлоху аълам!

Саҳвий

Шу мазмунда яна бир кичик мақола ёзгандим.

Ҳикмат билан даъват қилинг!

Уммат пароканда ва юз бўлакка бўлиниб ётибди. Бундай пайтда, ҳаммага умум қилиб, йўл кўрсатиб бўлмайди. Ҳар бир минтақани ва мамлакатни, ўзига хос йўли бўлади. Бир шайх бутун умматга, бир нарсани таклиф қилиши, тўғримас. Бир миллатга ва бир регионга, таклиф бериши мумкин! Бунда ҳам аҳолини диний фаол қатламини, имкониятидан келиб чиқиб, йўл кўрсатилади. Уларга қаршиларни сони ва имкониятини ҳам, ҳисобга олиш шарт бўлади. Ҳаммани бир қолипга солиб, фалон оят ва ҳадис бор ва ҳамма фалон ишни қилиши шарт, дейилмайди. Бу ҳикматсиз иш ва айна хато бўлади. Конкрет вазият ва имкониятга қараб фатво бериш керак! Афсуски, бугунги фатвочиларда шу нарса топилмаяпти.

Саҳвий

Исломда террор йўқ

Мен 2015 йилда бир мақола ёзиб, унда террорчиликни исломга алоқаси йўқ, деган, фикрни билдиргандим. Шу мақолани эътиборингизга ҳавола қилиб, кейин мавзуга ўтаман.

Ислом зўравонлар ҳокимиятини тан олмайди. Террор ёки, терроризм 20 асрда пайдо бўлган, курашнинг замонавий воситасидир. Унинг бирорта миллатга ва динга алоқаси йўқ. Бу услубни барча дин ва миллат вакиллари ёки, гуруҳлар ва баъзида давлатлар, ўз кураш сиёсатида, қўллаши мумкин ва қўлламоқдалар. Бу каби кураш воситасининг ихтирочилари мусулмонлар бўлган эмас, эди. Баъзилар, террор курашининг алоҳида мафкураси бор, деган фикрни билдиришади. Кўпчилик исломофоб экспертлар эса, бу мафкура ислом динидан чиққанига ишонишади. Бу аслида, жуда нотўғри ва ноҳолис тушунчадир. Террор учун мафкура, исломда йўқ ва ҳеч қачон бўлмаган. Терроризмни бугунги замонавий шаклини, энг аввал ихтиро қилганлар ҳам, мусулмонлар бўлган эмас. Шунинг учун ҳам, террор бу мафкура эмас, кураш услубидир деган фикрда, қатъийман. Шу билан бирга, ҳар қандай террор актига, қандайдир маъно берувчи, идеологияси, мафкураси бўлади. Бу идеология коммунистик ғоядан ёки, миллий, ирқий устунлик ғояларидан ёки, у бу диний асосдан, олиниши мумкин. Террор атамасининг, шу сўз мазмунидан келиб чиқиб, араб тилида «Ирҳобий» атамаси ифодалайди, деб, бугунги араб оламида уларга нисбатан «ирҳобий» калимаси, ишлатилади. Бу услубда курашиш, гарчи тарихда ҳам, мавжуд бўлган бўлсада, уни у пайтларда террор атамаси билан, аташмаганди. Бу услуб, оз сонли одамнинг, душман ичига кириб, катта зарар етказиши ва имкон қадар одамлар орасида, ваҳима ва кўрқув пайдо қилишидир. Турли қабилалар, бир бирлари билан уришиб юрган даврларда ҳам, бу террор услубида курашлар бўлган. Инсоният тарихидаги энг катта террорчилар, Рус болшевиклари бўлган эди. Улар Николайга қарши курашишда, террор услубида курашишганди. Давлат органларига, имкон қадар катта зарар етказиш, Банкларни ўмаришлик ва амалдорларни ўлдиришлик каби, террор услублари, Ленин бошлиқ коммунистларнинг, кураш услубларидан эди. Бу гуруҳ, давлатни қўлига олгандан сўнг ҳам, террор услубида бошқарди. Тарихга «Қизил террор» атамаси билан кирган бу даврда, Сталин давридаги миллионлаб одамлар, ноҳақ қурбон бўлган. Бу услубни дунёга тарқатди. У пайтларда телевидения ва интернет йўқ ва дунё давлатлари орасида, хабар алмашинуви бугунгидек эмасди. Табиийки, бу рус даҳрийларнинг террористик жиноятлари, у пайтда оламга шов шув бўлмади. Социал тенглик мафкурасига асосланган ва капиталистик иқтисодий тузумга қарши, СССР ёрдамида қатор араб ва Жанубий Америка Республикаларида, 20 аср давомида бўлиб ўтган инқилобларда ҳам, террор услубида кураш олиб борилганди. Немис фашистлари давлати, дунёда террор сиёсати олиб борган давлатдир. Шунингдек, унга қарши кураш ҳам, шу услубда бўлган. Немислар эгаллаб олган ерлардаги, партизанлар урушлари, шубҳасиз террор услубидаги кураш эди. СССР қўшинлари Афғонистонга кирганда, унга қарши курашиш учун, АҚШ ва унинг иттифоқчилари бўлган Покистон ва Сауд Қироллиги ва бошқалар, ислом омилидан фойдаланишди. Покистонда лагерлар ташкил қилиб, у ерга АҚШдан қурол яроғлар олиб келишди. Саудия ва Покистон шайхлари, СССРга қраши жиҳод қилишга чақириб, фатволар беришди. Кейин, булар Афғонистонда турган, совет қўшинларига қарши, курашга отлантирилди. Бу уруш АҚШ ва унинг иттифоқчиларининг, сиёсий манфаати учун қилинди. Лекин, исломдан ва мусулмонлардан фойдаланишди. СССР Афғонистонни тарк этгач, Нажибуллоҳ режими қулади. Жиҳодчи гуруҳлар ҳукуматга келди. Кейин, кўп ўтмай Толибон иқтидорга келди. АҚШ ва Русияга қарши эканини, эълон қилди. Айтиш мумкинки, ислом оламидаги мусулмонлар, АҚШни ислом омилидан фойдаланиб қолишга уринадиган, лекин, ўзи ислом ва мусулмонларга қарши куч эканлигини англашди. Буни Фаластин ва Исроил орасидаги урушлар тарихи ҳам, яққол кўрсатиб турибди. Исроилдек, зўравон давлат, фақат АҚШнинг моддий ва мафкуравий ёрдами ҳисобигагина, ҳалигача дунё харитасидан ўчиб кетмай турибди. Мана оқибатда, АҚШ Россия кўмагида, Афғонистонда, бир пайтлар СССРга қарши, ўзи пайдо қилган, жиҳодий гуруҳларга ва уларнинг ворисларига қарши, курашмоқда. Уларни бугун террористик гуруҳ деб, аташади. Замонавий террорчи давлатлар сифатида, Исроилни кўрсатиш мумкин. Террор сўзининг бир маъноси, «зўрнинг заиф устидан зўравонлигидир» Исроил 60 йилдан ошдики, Фаластин халқига, ана шундай террор услубида, зўравонлик сиёсатини юргизиб келмоқда. Ўз навбатида Фаластинликлар томонидан, Исроилликларга қарши террор услубида, амалиётлар олиб борилади. Бугун Ислом оламида ИШИД пайдо бўлди. Шубҳасиз бу гуруҳнинг кураш услуби, террор

услугидир. Улар ҳам, Болшевиклар каби, террор йўли билан, давлат қурмоқчилар. Фарқи шуки, униси атеистик ва социалистик мафкурада бўлса, буниси исломий асосларга таянадиган давлат қурмоқчи. Дунё жамоатчилиги қонуний Рус Императорини ағдариб, оиласи билан бирга кўшиб, отиб ташлаган болшевиклар давлатини, охир оқибат тан олди. То у давлат йўқолиб битгунича, дунёдаги гегемон давлат бўлиб турганди. Худди шунга ўхшаб, дунё жамоатчилиги бир кун, агар уни курашиб йўқ қилолмаса, демак, ИГИШни ҳам, тан олиши мумкин. Чунки, улар кучни тан оладилар халос. Уларда бошқа қонун ва тартиб йўқ. Лекин, бу давлатни ва Халифани қонунийлигини, дунёдаги ҳақни таниган мусулмонлар, барибир тан олмайдилар. Уммавийлар ва Аббосийларга қарши, кўплаб исёнлар бўлганди. Ўша Халифаликларнинг легитимлиги ҳам, ислом умматининг ҳақни таниган кишилари томонидан, тан олинмаганди. Усмонли турк Халифалиги ҳам, легитим ҳисобланмайди. Султон Салим, Мамлуклар ҳукм сураётган Мисрни, зўравонлик билан босиб олиб, номигагина ўтирган Аббосий Халифалар вакилини, истеъфога чиқишга мажбурлаб, ўзини Халифа деб, эълон қилганди. Унинг Халифалиги умуман, ноқонуний эди. Лекин, куч билангина, бу давлат узоқ вақт ҳукм суриб келди. Чунки, улар танлаган йўл ва давлат қуриш тартиби, нотўғри эди. Чунки, улар зулм зўравонлик йўлини танлашганди. Ким умматни зулм билан, байъатга мажбурласа, у байъат ботилдир. Бу иш ихтиёрий ва ўзаро розилик билан, бўлиши шарт. Шу сабабли, тарихда машҳур фуқоҳолар тарафидан, ўша Халифалик давлатларининг легитимлиги тан олинмади. ИГИШни ҳам, замонамиз уламолари тан олмадилар. Агар у ўз давлатини қуришга ва бутун дунё давлатлари, уни тан олишига эришсада, бу умматнинг ҳақ йўлдаги рижоллари, бу Халифани тан олмайдилар. Чунки, у ҳам аввалгиларнинг нотўғри йўлини, террор йўлини, ботил услубини ушлаган эди. Шунинг учун ҳам у тан олинмайди.

Саҳвий

14. 11. 2015.

Бу мақола ёзишимга сабаб Аллоҳ таоло Анбиё сурасида «Сени оламларга фақат раҳмат қилиб юбордик», деган. Анбиё сураси 107 оят Бу позициям радикалларга ёқмаганди. Биттаси чиқиб, менга дўқ қилди. Тез тавба қилиб, бу мақолани олиб ташла, деди, у бемалол буйруқ бериб. Мен унга, сен кимсан, аҳмоқ?! Нега дўқ қиласан? дедим. Шундай қилиб, у ҳақоратлаб бошлади. Мен уни блокладим. Қуръон оламларга раҳмат олиб келди. Қўрқув ва даҳшат, олиб келмади. Кофиру мусулмонга ва ҳайвоноту набототга, раҳмат олиб келди. Нафрат олиб келмади. Мен бугун ҳам, шу тушунчада қоимман. ЎИХчилар ва шулар каби, радикаллар кофирлар билан уруш кетаётган пайтда, нозил бўлган оятларни далил қилиб олиб, душман қалбига қўрқув солиш керак, деб, ўйлашади. Аксар ҳолларда, улар қуролсиз ва уруш майдонида бўлмаган, тинч аҳоли қалбига қўрқув солишади халос. Жанг майдонида уларни ўзларини, қалбига қўрқув тушиб, сичқонни ини минг танга бўлиб, қоларди. Чунки, булар қўлларида, милтиқ бор халос. Кофирлар эса, бошларидан самолётларда, бомбалар ташлашарди. Минглаб одамлар, ноҳақдан қирилиб кетарди. Булар сабабли, кўплаб тинч аҳоли аёллар ва болалар, ноҳақ қурбон бўлиб кетдилар. ЎИХчилар касофатидан ҳам, кўп аёллар ва болалар қурбон бўлдилар. ЎИХ Толибон томонидан, тўлалигича қириб ташланди. Шу пайтда мен, бир муносабат билдирганман. Қуйида шу муносабатни ўқийсиз.

ЎИХнинг инқирозига муносабатим

ЎИХ деган тоифа ҳақида, матбуотдаги ўқиган хабарларимга кўра, булар ўз табиий инқирозига етиб келишди. Бундан 4 йил олдин уларга, бир мурожаат қилиб, бошим балага қолганди. Ўшанда менга қарши, улар ҳам узундан узун жавоблар ёзиб, ҳақоратлар қилишганди. Уларга тарафдор бўлган Швециядагилар ҳам, қўшилишиб мақоалар ёзишганди.

Ҳатто, Тошкентлик Мўътабар Ахмедова (Ўзини ҳуқуқбон санаган) деган, аёл ҳам, мени демократларга хизмат қилаётганликда, айблаганди. Ҳатто, ЎИХдаги жаллодлар, бир шеърий нарса ёзиб, унда мени муртадликда, кофирликда, айблаганди. Бир марта Швециядаги уларни қўлловчилар ёрдамида, уйимни суратга олиб, сайтларига қўйиб қўйишганди. Бу каби таҳдидлар, кўп бўлди. Ва албатта мен тарафдан шунга яраша, жавоб ҳам олишганди. Бир марта, Швециядаги тарафдорларидан бири, мени ҳақоратлаб бир нарса ёзиб, уни ўзи юбормай, бир ҳизбут орқали юбортирганди. Хуллас, кўп нарсалар бўлиб ўтди. Мени сайтимда уларга қарши ёзилган «Асирлик ичидаги асирлик» номли, китоб ҳам чоп қилинди. Бу китобни, ўшалар ичида бўлиб, кейин уларни тарк этган кишилардан бири, ёзиб юборганди. Мен таҳрир қилиб чоп қилганман. Мана орадан 4 йил ўтди. Бугун ўша бузғунчи тоифа, бу дунёда мавжуд эмас. Бугун улар Толибонга қарши чиқиб, оқибатда улар томонидан, қатл қилинди. Бу ҳақида маълумотлар, ОАВда тарқалди. Менга буларга тарафдор бўлган биттаси, (Россиядан) хат ёзиб, киноя билан хурсандмисиз? Деган, савол беришга ҳам, улгурди. Мен бугун ЎИХ билан, менинг орамдаги можароларга нуқта қўйиш ва уларнинг аянчли ҳалокатларига муносабат билдириш учун, бу мақолани ёзаяпман. Шу нарсани айтиш керакки, бу гуруҳ мени кофир дегани каби, уларни кофирликда айбламайман. Уларни мусулмонларга қилган зулмига ва мазҳабда юрасан деб, мажбурлашига қарши бўлганман ва ҳозир ҳам қаршиман. Улар ўз жиноий қилмишларини, жазосини тортдилар деган, фикрдаман. Улар мусулмонларни пичоқ билан сўйган ва қийнаб азоблаб, отиб ўлдирган эдилар. Шунга мувофиқ уларни ҳам, мусулмонлар (Толиблар) худди шундай қилишди. Уларни қўллаб қувватлаганлар эса, бугун Швецияда, маза қилиб яшашмоқда. Мен уларни, ўша ерларда фитналарга учраб ўлиб кетмасликлари учун, бошпана олиб чет элларга чиқиб кетишга, чақиргандим. Бу ерга чиқиб, бошқаларга ўхшаб, жим ўтирмасдан ИАК режимига қарши, сиёсий йўл билан курашишга чақиргандим. Менинг фикримча, зулмдан қочган бу одамларга, халқаро қонунлар ёрдамида, бирор жойдан бошпана олиш, имконияти бор эди. Ўша хатимда, Гуантанамога тушган ўзбекларни, Европа давлатларидан бошпана олганликларини айтиб, уларни ҳам, шундай бошпана олиб, бу ерларга келишга чақиргандим. Болаларини мактабга ўқитишга ва ўзлари ҳам, ишлаб кун кўришга чақиргандим. Афғонга бориб олиб, Покистон ва Афғонистон армияси ва пуштун қабилалар билан жанжаллашиб, беҳуда қон тўкиб юрмасликка, чақиргандим. Улар сафида бўлиб, гуантанамога қамалганлардан қанчаси, ҳозир Европада яшашяпти? Уларни ИАК зулмидан қочиб, ўша ерга кетганликларини ва у ерда вазият талаби билан, турли туман урушларга араллашиб қурбон бўлаётганликларини, ёзгандим. Мен уларни, ўша ерларда ўлиб кетишларини, истамагандим. Мен мана шундай, аянчли оқибатни, уларга раво кўрмагандим. Улар буни, ўзларига раво кўришди. Тақдир уларга, шуни раво кўрган экан. Мен уларни аёллари ва болаларига, ачинаман. Улар тинч ҳаётдан мосуво бўлган, кўчманчи қабилалар каби, дайдиб юриб, ўлиб кетишди. Минг афсус. Ўлим шак шубҳасиз, ҳаммага келгувчидир. Ундан қочиб бўлмайди. Лекин, ким қачон қаерда ўлишини, билмайди. Мен Аллоҳдан имон билан ўлишни, насиб этишини сўрайман. Мени қайси тоифа ҳақида, нима деб ўйласам, шуни очиқ айтишдан, тўсадиган нарса йўқ. Шунинг учун, шу пайтгача нимани тўғри деб, билсам гапириб келганман. Мен ИАК режимига қарши, гапирман. Мен ИГИШга қарши, гапирганман. Мен Ҳизбутга қарши, гапирганман. Мен мутаассиб мазҳабчиларга қарши, гапирганман. Мен бу ЎИХчиларни жаллодлар деб, айтганман. Яна айтаман. Буларни қўллаётганлар, ҳалиям бор. Мени, у бу тоифани дўқ пўписаси, уларга қарши қандай фикрда бўлсам, шуни айтишдан тўсмаган. Алҳамдулиллоҳ! Шунингдек, мен босқинчи Исроилга қарши гапирганман. АҚШни адолатсизлигига қарши, гапирганман. Менинг у бу шахсга, тоифага, давлатга нисбатан фикр билдиришда таянадиган китобу суннатга асосланган, ақидам бор. Лекин, улар мени кофирга чиқаришди. Кофирларни ювиндисини еб, уларнинг буйруғига мувофиқ, бизга қарши гапиряпти, дейишди. Мен эса ўзим кўриб билганимни айтгандим, халос. Минг афсуски, буларнинг (Ҳизбутлар ва мутаассиблардан бошқа) барчаси, мусулмонларнинг қонини тўкишдан ҳазар қилмайдилар. Лекин, мен бу тоифаларни бирортасини, қонини ҳалол санамайман. Мен уларга қаршиман. Лекин, уларни мўминлар деб, биламан. Мен учун ислом умматининг бундай парчаланиб, бир бирини қонини тўкиб турганлигини кўриш, жуда

аянчлидир. Мен бу умматнинг ҳам, бошқа халқлар каби, ҳар томонлама ривожланишини ва дину дунёвий тараққиётга эришишини, истайман. Менинг истаганим, мен тириклигимда рўёбга чиқадиганга ўхшамайди. Мен бунга бугун амин бўлганман.

Саҳвий

<https://siyosat.wordpress.com/.../%d1%9e%d0%b8%d2%b3%d0.../>

ЎИХни ва ИШИДни ва шу кабиларнинг инқирозидан, бу умматнинг бошқа қуролли гуруҳлари, ибрат олишлари лозимдир. Булар бари, истаймизми йўқми, Ислоҳ умматининг ноҳақ берилган қурбонларидир. Бу каби қурбонликларни, келажақда, яна беришликдан сақланишлик керак.

Мадҳалий салафийлар ҳақида

Биз таҳлил қилмоқчи бўлган ихтилофлар

1. Давлат раҳбарига муносабатда
2. Мазҳабга муносабатда,
3. Сарой мулласларига муносабатда

Салафийлик ҳақида гапирганда, Мадҳалий салафийларни ҳам, гапириш лозим бўлади. Булар гарчи, ўзларини Мадҳалий деб, расман атамасаларда, буларга шу ном, ташқаридан қўйилган. Уларнинг шайхи Рабиъ ал Мадҳалий деган, кишига нисбат берилиб, мадҳалий деган, ном урфга кирган. Хуллас, бу тоифани баъзилар фикрича, Саудия истихбороти томонидан, атай ташкил қилинган, диний оқим деб, гапирилади. Чунки, булар ўз тутган принципларидан бири, давлат раҳбарига, сўзсиз итоат қилишлиқдир. Буларда мутлақо давлат сиёсатига аралаштириш ва уни танқид қилишдан, асар йўқ. Буларнинг менинг наздимдаги ижобий жиҳати эса, булар мавжуд тўртта мазҳабдан, бирортасини тан олмайдилар. Шу жиҳатидан булар, менга яқинроқ туришади. Лекин, менинг салафийлигим буларники каби, эмас. Мен манҳажда ихвонларга яқинроқман. Ақидада, буларга яқинман. Яъни, менда бирорта, мазҳаб йўқ. Мен мавжуд тўртта мазҳабдан, бирортасини тутган эмасман. Лекин, уларни барчасини тўғри деб, биламан. Фақат мени мазҳабга мажбурлашмаса бас. Менга бирортасининг кераги йўқ. Айни замонда мен, баъзан, бу мазҳаблар фатвосини оламан ҳам. Менга қайси мазҳабники экани ҳам, фарқи йўқ. Қайсиники бўлсада олавераман. Хорижда келганимдан бери. Islamweb сайтидан фойдаланаман. Булар мўътадил манҳаждаги уламолар сайтидир. Ҳар бир саволга тўрттала мазҳабдан ҳам фатволар, аралаштириб берилади. Фалон мазҳаб ундай деган. Пистон мазҳаб, бундай деган каби, услубда жавоб берилади. Охирида жумҳур уламолар қавли айтилади. Хуллас, шу сайтни бошқаларга ҳам тавсия қилган бўлардим.

Мазҳаб масаласини 30 йилдан бери, муҳокама қилавериб, тугатолмадик. Демак, биз ўлгунга қадар ҳам, тугамайди. Мен салафийман деганимда, шуни назарда тутаман. Яъни, бирорта мазҳабни тутмаганман. Аммо, мадҳалий салафий ҳам, эмасман. Мен уларни, бу жиҳатдан қоралайман. Уларни бу жиҳати, биздаги сарой мулласларига ва Мулла Широновага яқинроқ. Давлат раҳбарига итоат қилишда, мадҳалий салафийлар билан, ўзбек сарой мулласлари, бир позициядадирлар. Жумладан бизнинг китобимиз бош қаҳрамонлари ҳам. Қўйидаги сайт ўзбек мадҳалий салафийларига тегишлидир. <https://tavhid.com/tag/dilmurod> Ўзбек мадҳалий салафийларининг кўзга кўринган намоёнчаси, Дилмурод деган, кишидир. Бу кимса анча йиллардан бери, Саудияда ўқиб, мадҳалий салафийликни, уламосига айланган. Булар мадҳалий деган номни, ўзларига нисбатан қўлланишини инкор қилишади. Лекин, биз бунга айтганда, асосан уларни давлат раҳбарига нисбатан, тутган позициясини англатувчи, термин

сифатида ишлатамиз. Чунки, салафийларнинг жиҳодчи хиллари борки, улар мадхалийлардан, давлат раҳбарига нисбатан тутган позициясида, ажралиб туради. Улар нисбатан, тозароқ салафийлардир. Лекин, салафийларнинг аксари, мадхалийлар тоифасига мансубдир. Акрамийлар ҳам, бу номни ўзларига нисбат берилса, инкор қилишади. Биз бунини ҳам Акрам Йўлдошга алоқадор шахслар эканини, билдирувчи термин сифатида, қўлланамиз. Андижонликлар дейилса, улардан бошқа Андижонликлар ҳам, тушуниб қолинади. Орасини ажратиб турувчи белги сифатида, акрамии деган терминни, қўлланамиз. Абдували қори яшаган пайтида, Саудия сиёсатини ва у ердаги диний гуруҳларни, чуқур танимагани аниқ. У кишини у ерга бориб келиб, у ерни мақтаб гапирган маърузалари бор. Ҳар ҳолда биздагидан кўра, исломий муҳит борлиги аниқ. Лекин, у ерда жуда кўп фитналар ва зулмлар ҳам бор. Буларни барини, у киши билмай кетган бўлсалар керак?! У ерга шогирдларини юборар экан, у киши, уларни дин олимлари бўлишини, орзу қилганлар. Аммо, бу шогирдлардан аксари, шу юқорида айтилган, мадхалийларга айланишган. Лекин, булар мазҳабни ушлаган мадхалийлар эди. Буларни давлат раҳбарига муносабат, бирлаштирарди. Бошқа масалада булар, ҳанафийликни иддао қиладиган бўлишди. Мулла Тоҳир ва Мулла Сайфилар шулар жумласидандир. Ислому Нури сайтнинг асосчиси бўлган Неъматуллоҳ, мазҳабга қўшилмай қолди. У шу масалада салафийлигича ўтди. Аллоҳ уни мағфират қилсин. У очиқ даъват қилмасда, шу сайтда салафийларга зарур бўлган, анча илмларни қолдириб кетди. Абдували қорини аудиофайллари ҳам, шу сайтга юклаб, уни меросини асрашга ҳаракат қилди. У назаримда ўлгунга қадар, Абдували қорига содиқ қолган, ягона шогирди бўлди. Бошқалари айниб кетишди. Турли мақомда йўрғалашди. Қанчаси Ҳизбий бўлди. Қанчаси жиҳодчи бўлди?! Қанчаси бенамоз, динсиз ҳам бўлиб кетди. Ва бу ҳалигача, давом этмоқда. Мен 2015 йилда Абдували қорининг ўғирлаб йўқ қилинганига 20 йил тўлиши муносабати билан, қуйидаги мақолани ёзгандим.

Синов дунёси

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

Имонга лойиқдир синовнинг бари,
Буни хабар берди Ҳақ пайғамбари,
Шундай бўлиб келган доим илгари,
Ўзига маълумдир ҳикмат, устозим!
Азалда битилган қисмат, устозим!

Саҳвий

Бу дунё қуръони каримда, синовлар дунёси экани, айтилади. Одамлар: «Иймон келтирдик», дейишлари билангина, имтиҳон қилинмаган ҳолларида, қўйиб қўйилишларини ўйладиларми?! Ҳолбуки Биз улардан аввалги (иймон келтирган барча) кишиларни имтиҳон қилган эдик-ку! Бас (шу имтиҳон воситасида) албатта Аллоҳ («Иймон келтирдик» деб) рост сўзлаган кишиларни ҳам, ёлғончи кимсаларни ҳам аниқ билур. (Анкабут сураси 2, 3 оятлар) Синовлар эса, турлича оғир машаққатларга учраб, қамоқда калтаклар еб, оч, юпунлик, хору зорлик билан бўлиши ёки, егани олдида, емагани орқасида, бўлиши мумкин. Кимга қайси хил синов келишини, қуйидаги ҳадиси шарифдан англаб олиш мумкин. Саъд ибн Аби Ваққос разияллоҳу анҳу Наби саллоллоҳу алайҳи васалламдан «Ё Расуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам қайси тоифа одамлар, оғир балоларга гирифтор бўлишади?» деб, сўради. Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васаллам; «Пайғамбарлар ва кейин солиҳ бандалар ва кейин, уларга ўхшаганлар ва уларга ўхшаганлар» дедилар. Аллома Қарзовий бир мақоласида бу ҳақда, шундай ёзади; «Қайси бир банда Аллоҳга ва Унинг расулига (саллоллоҳу алайҳи васаллам) имон келтирганликни иддао қилар экан, албатта, унинг имони

баробарида, унга балолар келади» Қуръони каримда бу каби, оғир меҳнат машаққатлар мўмин мусулмонларга бўлишлигини ва уларнинг ажру мукофотлари, шу туфайли улуғ бўлишлигини, хабари берилган. «Бас, ватанларидан ҳижрат қилган, диёрларидан қувилган, менинг йўлимда азиятлар чеккан ва (менинг йўлимда) жанг қилиб, қатл этилган зотларнинг қилган гуноҳларини ўчиргайман ва уларни Аллоҳ ҳузуридан савоб — мукофот қилиб тағларидан дарёлар оқиб турадиган боғларга (жаннатларга) киритурман. Ва энг гўзал савоб, мукофот Аллоҳнинг ҳузуридадир». 287 (Оли Имрон сураси 195 оят) Албатта, бунга тарихда ҳам ва шу кунимизда ҳам, етарлича мисоллар бор. Абу Ҳанифа Халифалар томонидан калтакланиб, зиндонда ўлганди. Имоми Молик ҳам, ҳақ сўзи, фатвоси туфайли, халифа томонидан калтакланган. Имоми Аҳмад ва Шофийий қамалган. Имоми Бухорий қариганда юртига қайтиб келганида, Бухоро Амири уни юртидан чиқиб кетишга буюради. Аллоҳга вафотини сўраб, дуо қилганларида дуолари ижобат бўлиб, вафот этадилар. Давримиз уламоларидан Албоний, Саид Қутб, Ҳасан ал Банно, Абдуллоҳ Аззом, Имоми Қарзовийлар юртидан бадарға қилиндилар ва баъзилари қатл қилиндилар. Қуръонда кўплаб пайғамбарларни ва уларга эргашган солиҳ кишиларни, золимлар тарафидан ноҳақдан қатл қилингани хабари берилади. «Уларга (золим яҳудларга) хорлик ва мискинлик ёзиб қўйилди ва Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлдилар. Бунга сабаб уларнинг Аллоҳ оятларини инкор қилганлари ва Пайғамбарларни ноҳақ қатл қилганларидир. Бунга сабаб итоат қилмай тажовузкор бўлганларидир. (Бақара сураси 61 оят) Бу ҳақ йўлдаги синовлар, ҳақ йўлдаги уламоларга, оғир бўлиб келган эди. Бугун улар сафига, ўлкамиз уламоларидан, 1995 йилда ўғирлаб йўқ қилинган Абдували қори Мирзаевни, ватанидан ва ўғлидан жудо бўлиб, Швецияга келиб яшаётганда, золимлар тарафидан суиқасдга учраган Обид қори Назаровни, 24 йилдан бери қамоқда ётган, Муҳаммад Ражаб акани ва 1992 йил декабр ойида, ўғирлаб кетиб йўқ қилинган, Абдуллоҳ Ўтаевни ва бошқа ўнлаб ёки, юзлаб мусулмонларни қўшиш мумкин. Буларнинг имонлари улуғ эканки, валлоҳу аълам, буларга имонлари баробарида, улуғ синовлар келди. Баъзилар қуйидаги оятни, пул ва молга нисбатан тушунишади. Оят: «Суйган нарсаларингиздан инфоқ-эҳсон қилиб бермагунингизча ҳаргиз яхшиликка (жаннатга) етмагайсиз. Ҳар қандай нарсани инфоқ қилсангиз, албатта Аллоҳ уни билур.» (Оли Имрон сураси 92 оят) Аслида эса, инсон учун, дунёда пул ва молдан ортиқ суядиган нарсалари бўлади. Булар эса, фарзандлари, аҳли аёли, ота онаси ва албатта ширин жонидир. Нега Иброҳим алайҳиссаломга, ўғли Исмоилни қурбон қилишлик буюрилди? Гарчи пайғамбар бўлсада, у киши ҳам қаттиқ синалган эди. Иброҳим алайҳиссалом ўғлини қурбонлик қилишга ҳозирланганда, унинг ўрнига қурбонликка қўчқор туширилди. Шунинг учун ҳам, синовнинг каттаси, Аллоҳ учун ширин жонни қурбонлик қилишлик экани қуръонда кўп таъкидланади. Оят: «Одамлар орасида Аллоҳ ризолиги йўлида ўз жонини берадиган зотлар ҳам бор. Аллоҳ бандаларига ғамхўр, меҳрибондир. (Бақара сураси 207 оят) Бу жонфидолар, бошқалар каби, мол дунё, пул топаман деб, жонини хатарга қўйган одамлар, эмаслар. Булар одамларга ҳақ йўлни етказаман ва уларни жаҳаннамнинг мангу азобидан қутулишларига, сабаб бўламан деб, ҳаракат қилган ва шу туфайли, ўша одамлар тарафидан, хорликка учраган, кишилардир. Албатта, дин олимлари пайғамбарларнинг ворисларидир. «Олимлар пайғамбарларнинг ворисларидир» деган, ҳадиси шариф бор. (Термизий ривояти) Динни ҳақиқатини етказишлик учун, жони фидо бўлаётган кишилар билан, бир қаторда динфурушлик қилиб, шунинг эвазига иззату ҳурматда яшаётганлар ҳам, кўплаб топилади. Улар шу дунё эвазига, охиратини сотган кимсалардир. Бундайлар дунёда бор ва қиёматгача бўлиши мумкинлигини қуръонда хабари берилган. Ким (фақат) шу ҳаёти дунёни ва унинг зебу зийнатларини истайдиган бўлса, уларга қилган амалларини(нг ажр-мукофотини) шу дунёда комил қилиб берурмиз ва улар бу дунёда зиён кўрмайдилар. Ундай кимсалар учун охиратда дўзах ўтидан ўзга ҳеч қандай насиба йўқдир. Уларнинг бу дунёда қилган барча яхшиликлари беҳуда кетур ва қилиб ўтган амаллари бефойдадир. (Худ сураси 15, 16 оятлар) Улар дин ҳақиқатини била туриб, золимларга айтмайдилар. Айтишдан қўрқадилар. Аксинча, золимларни мақтаб, улар истаган фатволарни чиқарадилар. Бундай илмни ва дин ҳақиқатини яширувчилар ҳам дунёда доим бўлишлигини қуръони каримда хабари берилган. Оят: Биз нозил қилган ҳужжатлар ва ҳидоятдан иборат нарсаларни одамларга Китобда

равшан қилиб берганимиздан кейин, беркитган кимсаларни, шубҳасиз Аллоҳ лаънатлагай ва лаънатловчи зотлар лаънатлагайлар. (Бақара сураси 159 оят) Демак, бундайлар малъун кимсалардир. Аллоҳ лаънатлаган кимсалардир.

Оят: Магар қайсилари тавба қилиб, ўзларини ўнглаб, (одамларга ҳақиқатни) очиқ айтсалар, бас, уларнинг тавбаларини қабул қиламан. Ва фақат Менгина тавбаларни қабул қилгувчи, раҳмлидирман. (Бақара сураси 160 оят) Булар туфайли, холис имомлар бадном бўлдилар. Минглаб мусулмонлар, турмаларга қамалдилар. Бу динфурушларб динни ўз томорқаси қилиб олдилар. Турли бидъат тўйу маъракаларга бориб, пул олганлари етмагандек, қуръону ҳадисни сотиб, пул ишлашга ўтдилар. Китоблар ёзиб «бу китоб муаллифлик ҳаққим, менинг китобимни ҳеч ким, мендан берухсат сотмасин» деб, бошқаларга шу китобларни, чоп қилиб сотишни, маън қилдилар. Агар бошқа китоб фурушлар сотсалар ҳам, халқ олиб ўқиса, муаллифга ажру савоб бўлардику?! Лекин, улар фойдадан қуруқ қолишни, истамасдилар. Савоб эса, унчалик муҳим масала, эмасди. Қуръону ҳадис ҳақиқатини одамларга айтиш, яширмасдан етказиш эвазига, калтак еб, хорликка учраган имомларни, бадном қилиб, «адашганлар» деб, фатволар беришди. Ўзлари эса, китобу суннатни сотиб, золимларга маддоҳлик қилиб, иззату ҳурматда, ошини ошаб, ёшини яшаб, халқни золимга мутеъ қилиб, бидъату хурофотларни, «мазҳаб амалидан» деб, жар солиб, одамларни ўз шахсига қул қилиб, ўтиб кетдилар. Пайғамбарлар Аллоҳдан келган ҳақиқатни, сотган эмаслар. Буни одамларга, ҳеч бир эвазсиз етказиш, зиммаларидаги вазифа деб, тушунганлар. Бу даъвати учун, одамлардан ажру мукофот сўрамаганлар. Қуръони каримда, Нуҳ алайҳиссалом тилидан шундай дейилади; Оят: Мен сизлардан бу (даъватим) учун ажр-мукофот сўрамайман. Менинг ажрмукофотим фақат барча оламларнинг Парвардигори Аллоҳнинг зиммасидадир. (Шуаро сураси 109 оят) Ҳуд алайҳиссалом тилидан шундай дейилади; Оят: Мен бу (даъватим) учун сизлардан ажр-мукофот сўрамайман. Менинг ажр мукофотим фақат барча оламларнинг Парвардигори зиммасидадир. (Шуаро сураси 127 оят) Солиҳ алайҳиссалом тилидан шундай дейилади; Оят: Мен бу (даъватим) учун сизлардан ажр-мукофот сўрамайман. Менинг ажрмукофотим фақат барча оламларнинг Парвардигори зиммасидадир. (Шуаро сураси 145 оят) Лут алайҳиссалом тилидан шундай дейилади; Оят: Мен бу (даъватим) учун сизлардан ажр-мукофот сўрамайман. Менинг мукофотим фақат барча оламларнинг Парвардигори зиммасидадир. (Шуаро сураси 164 оят) Шуайб алайҳиссалом тилидан шундай дейилади; Оят: Мен бу (даъватим) учун сизлардан ажр-мукофот сўрамайман. Менинг ажр мукофотим фақат барча оламларнинг Парвардигори зиммасидадир. (Шуаро 180 оят) Аллоҳу Таъоло Муҳаммад алайҳиссаломда ҳам шундай сифатлар борлигини зикр қилиб айтади; Оят: Сиз улардан бу (даъватингиз) учун бирон ажр-ҳақ сўрамайсиз. Бу (Қуръон) фақатгина барча оламлар учун бир эслатмадир, холос. (Юсуф сураси 104 оят) Пайғамбарлар ва уларга эргашган уларнинг ҳақиқий ворислари бўлган олимлар, дин ҳақиқатини одамларга бепул беминнат, тугун олмасдан, холисона етказишган ва яна шу етказиш йўлида, кўп озору машаққатлар, тортишган. Бугунги динфурушлар ўзларини «Пайғамбарларнинг ворисларимиз» деб, иддао қиладилару, китоб фурушлиқдан бошқа иш қилмайдилар. Улар қуръондаги «Оятларимни оз пулга сотманглар ва Мендангина кўрқинглар. (Бақара сураси 41 оят) оятини ҳам, таржима қилиб сотишмоқда. Имону исломни, бепулу беминнат етказиб, шу йўлда қатл қилинганларни эса, ҳеч андиша қилмасдан «адашганлар» дейишади. Модомики, синов имон баробарида келар экан, кимларга оғир синовлар келди?! Кимлар, бу йўлда қатл қилиндилар, қамалдилар, ватандан бадарға бўлдилар?! Кимлар эса, қўлини совуқ сувга урмасдан, иссиқ ўрнини совутмасдан, яшаб ўтишди ёки ўтмоқдалар?! Кимнинг имони қанақа бўлганлигини, мана шундан ҳам, қисман тасаввур қилишимиз мумкин. Валлоҳу аълам!

27 июл 2015 йил

Энди юқоридаги мақоладан келиб чиқиб, менда қуйидагича саволлар пайдо бўлади?! Агар ҳақ йўлда юрган одамга, синовлар келадиган бўлса, мулла Шириновга нима келди?! Мулла Сайфигачи?! Мулла Тоҳиргачи?! Мулла Муҳиддин Назаровгачи?! Стромсунддагиларгачи?! Мёлбудагиларгачи?! Буларга шведлар пулига ҳожака бўлишлик ва одамларни алдаб машина сотишлик ва икки учтадан, хотин олишликдан бошқа, "синовлар" келмади. Буларга Ўзбекистонга боришлик учун, сарой муллаларига ялтоқлик қилиш ва ментларга ялиниш ва Президентга пахта қўйишдан бошқа, синов келмади. Булар шу туришида яна, ўзларидан олдинги ўтган жонфидолар йўлини, хатога чиқаришмоқчи. Улар адашгану, бизлар тўғри йўлдамиз, деган, муждани авомга етказишмоқчи. Бечора авом фаросати йўқлигидан, шундан кейин ҳам, буларни ҳурмат қилиб, бошига кўтармоқда. (Шириновдан бошқасини) Ширинов Мёлбуни қаҳрига учраган. Бошқалари ҳам, ундан асло фарқи йўқ бўлсада, улар ҳали иззат ва ҳурматда туришибди. Буларга, Обид қори издошимиз, дейишлиги уятмасми?! Обид қори шу режимга қарши озми кўпми, гапирганди. У шу учун, боласидан айрилди. У шу учун, бошидан ўқ еди. Буларга нима бўлди?! Буларга, қандай синов келди?! Булар маишатда яшашяпдилар. Шу аҳволларига уялмай, Обид қорига ва Абдували қорига, издошликни иддао қилаяпдилар. Мен Обид қорини боласига, саволлар бергандим. У ҳали жавоб бермади. Чунки, жавоб берса, даражаси пастга тушиб кетади. Шунга, у жим турибди. Укаси Довуд ҳам худди шу сабаб, менинг очик хатимга, ҳалигача жавоб бермади. Булар шунақа «катта» одамлар эди.

Муҳиддин Назаровга саволлар

Абдували қори даврида, оминни жаҳрий айтиларди. Ҳанафий мазҳабида, махфий айтилар экан. Абдували қори, шуни билмаганми ёки, у мазҳабга кирмаганми? Ёки, у мазҳабда бўлиб, қавми ваҳҳобий бўлганми? Унда у нега, қавмини қайтармаган? Обид қорини масжидида ҳам оминни жаҳрий айтганмиз. Нега, Обид қори бизни қайтармаган? Обид қори адашганмиди? Муҳаммад Ражаб акани масжидида ҳам_ Намангандаги гумбазда ҳам_ оминни жаҳрий айтганмиз.. Булар бари, ҳанафий мазҳабидан чиққанмиди?! Ёки, улар ҳанафий бўлиб, қавми ваҳҳобийлик қилишганми?! Ёки, булар ҳанафийликдан беҳабар, бўлишганми? Бизлар шу масжидларда намоз ўқиганмиз. Таълим олганмиз. Энди бугунга келиб, шу имомлар қавми томонидан, оминни жаҳрий айтишлик мумкинмас, бўлиб қолди?! Нега? Бизга тушунтиринглар ахир. Бу имомлар ўша пайтда, адашганмидилар?! Уларга эргашиб, биз ҳам адашганмидик?! Бугун нега мумкинмас, бўлиб қолди. Бу ўзгариш сабаби, нимада?!

Саҳвий

15.07.2021

Суриядаги ўзбекларнинг жиҳодий гуруҳлари

Тоҳир Йўлдошнинг Ўзбекистон Исломий Ҳаракати номлик гуруҳи, 1996 йил ташкил топганди. Бу гуруҳ 2015 йилда, расман тугатилди. Уни ўша пайтдаги амири, Усмон Ғозий номлик Тошкентлик йигит, ЎИХ қолдиқлари ИШИД сафига кирганини ва ЎИХ деган ташкилот, расман йўқ бўлганини, эълон қилди. Қарийб 20 йил давомида, мавжуд бўлиб турган бу гуруҳни, ўзбек миллатига ва мусулмонларига зиён заҳмати, бениҳоя бўлди. Унга алоқадорликда айбланиб, Каримов даврида, минглаб одамлар қамалди. Каримов зулмидан қочиб, Тоҳирни олдига борганларни эса, у мазҳабга кирасан деб, қамалди. Мажбурлаб, мазҳабга киритди. Каримов ва Тоҳир мусулмонларга зулм қилишда, мусобақа ўйнашди. Ким ғолиб бўлгани, аниқмас.

Шу пайтларда ЎИХдан ажралиб кетганлар (Исломий жиҳод иттифоқи) ИЖИ деган, гуруҳга асос солишди. ИЖИ ва ЎИХ бир бирига душман ҳолда, лекин, бир ерда Афғонистонда туриб, фаолиятда бўлдилар. АҚШда яшайдиган, асли Жиззахлик Жамшид Мухторов улар билан интернетда алоқа қилиб, юрарди. У уларни олдига Туркия орқалик боришга, ҳаракат қилиб, Туркияга кетишга самолётга билет олганида, ЦРУ уни ушлаб қамади. Жамшид ЦРУни кузатувида бўлганди. Шунда бери, Жамшид АҚШ турмасида қолмоқда. Унинг укаси Хуршид Мухторов эса, 2014 йилда, ИШИДга келиб қўшилди. Канадада яшайдиган журналист Улуғбек Ҳайдаров, у билан интервью қилганди. Хуршидни биринчи ва охириги интервьюси, шу бўлди. У тез орада, ўша ерда, урушда ҳалок бўлди. ЎИХ тугаб кетиб, ИШИДга қўшилгач, унинг баъзи аъзолари Эрон ва Туркия орқалик Ироққа, ИШИДга бориб қўшилдилар. ИЖИ ҳам тарқалиб кетди. ИЖИчилар Сурияга келишди. Наманганлик Акмал Жўрабоев деган кимса, Ал Бухорий катибасига асос солди. "Имом Бухорий" гуруҳига, Толибон раҳбариятининг руҳсати билан асос солинган. "Имом Бухорий" катибаси, ўз веб сайтида 2016 йил 19 июль куни, Толиблар ҳаракатининг янги раҳбари Мавлавий Мулла Ҳайбатуллоҳ Охунзодага, байъат берганини эълон қилганди. Сўнги йилларда катиба раҳбари, ўзининг диний, сиёсий маърузалари билан интернет фойдаланувчиларига танилди. Бу гуруҳда ўзбеклар ва Марказий Осиёликлар тўплана бошлади. ИШИД сафидаги ЎИХчи ўзбекларни, буларга эскидан қаршилиги бор эди. Шу пайтларда, Қирғизистонлик бир гуруҳ ўзбеклар ҳам келиб, улар Тавҳид ва Жиҳод деган, гуруҳга асос солдилар. Буни амири асли Ўшлик ўзбек, Абу Салоҳ (ҳақиқий исми Сирожиддин Мухтаров) эди. Бу икки гуруҳ, жабҳатан Нусрага қўшилганди. Жабҳа эса, ИШИДга қарши эди. Хуллас, бу жиҳодчи гуруҳлар, бир бирига қарши бўлганидек, улар ичидаги ўзбеклар ҳам, бир бирига қарши эдилар. Булар тўқнашганда икки томонда ҳам ўзбеклар, бир бирига ўқ отишарди. ИШИДдаги ўзбеклар, ал Бухорий катибасига, бир ўзбекни юборишади. У булар сафига қўшилиб олади. Уни Амир Салоҳиддинни ўлдиришга юборгандилар. У кимса пайт пойлаб, Шом намозини ўқиётганда, Амир Салоҳиддинни ва шерикларини отиб ташлаб, қочиб кетади. Бу воқеъа 2014 йил, содир бўлади. Имом Бухорий" катибасининг етакчиси, Шайх Салоҳиддин номи билан танилган, асли Наманганлик Акмал Жўрабоевнинг, отиб кетган қотилни ушлаб, қатл қилишади. Унинг ўрнини Тожикистонлик Абу Юсуф эгаллади. Акмал қатл қилинганда, Афғонистондаги ИШИДга қўшилган собиқ ЎИХчилар, хурсандлигини яширолмадилар. Улар интернетда «Аллоҳ Ҳақ томон! Кўпчилигингиз Афғонистонда юз берган Зобул воқеъасини, эшитгандирсизлар. Мана ўша орзиқиб кутилган кун. Қасд олиш куни ҳам, келди. Хоин Салоҳиддин, қатл қилинди! Деб, ёзишди. Шайх Салоҳиддиннинг бир ўғли, 2015 йилда Ҳалабда жанглардан бирида ҳалок бўлганди. Булар бари, ЎИХчиларнинг ўзаро бир бирига нисбатан, эски адовати ва душманлиги, натижаси эди. Зобул воқеъаси деб, ЎИХчиларни қолдиқларини, ИШИДга байъат бериб, Толибонга қарши чиққанлиги учун, Толибон томонидан, қатл қилингани назарда тутилганди. Буни Салоҳиддинга алоқаси бўлмасада, у Толибонга байъат берганди. Буларни эса, Толибон қириб ташлаган эди. Бошқача айтганда, ўзбеклар бошқа бир ўзбекни, мусулмон диндошини, Толибондан қасд олиш учун ўлдирдилар. АҚШ 2015 йил 22 март куни Суриядаги ўзбек жангариларидан иборат, Катибат ал Имом Бухорий гуруҳини "глобал террорчилар қора рўйхати"га киритди. Ўша пайтда катиба таркибидаги жангариларнинг тахминий сони, беш юз нафар атрофида бўлган эди. ИШИД Салоҳиддин қатл қилинган бу ҳужумни, ўзининг "Хуросон" номлик жанговар қаноти томонидан, режалаштирилгани ва амалга оширилгани ҳақида, баёнот тарқатди. Хуросон қаноти эса, эски ЎИХчилардан иборат эди. Туркиядаги терактни амалга оширган Абдуқодир Машарипов ҳам, шу ИШИДнинг Хуросон қанотига, аъзо шахс эди. Ал-Бухорий" катибасининг амири Шайх Салоҳиддин, ҳамма қилган сотқинликларига яраша, шаръий жазосини олди," - дея таъкидланди, ИШИДнинг Хуросон қаноти томонидан, Telegram тармоғи орқали, ўзбек тилида тарқатилган баёнотда. Суриядаги "Тавҳид ва Жиҳод" Сурия ҳудудида 2014 йилдан буён, алоҳида гуруҳ сифатида, президент Асадга қарши курашиб келаётган, ўзбеклар жамоасидир. Тавҳид ва Жиҳод гуруҳи аъзоларининг аксар қисми, Қирғизистонлик ўзбеклардир. 2014 йилдан бери бу гуруҳ етакчиси, асли ўшлик Абу Салоҳдир. Иккала гуруҳ ҳам, Сурия шимолий ғарбидаги Идлиб вилоятида фаол. Идлиб Таҳрируш Шом номлик, жиҳодий ҳаракат назоратидадир.

Булар Асад режимига қарши курашаётган гуруҳлардир. Буларга Туркия давлати томонидан моддий ва ҳарбий кўмак берилади. Шунингдек, бу ерга келишни истаганларни ҳам, Туркия орқалик келишларига "имкониятлар" берилади. Бу ишда Туркиядаги имомлар хизматидан ҳам, фойдаланилади. Булар ҳаммаси Туркия ҳукумати назоратида, ими жимида амалга оширилади. 2014 йилнинг декабрь ойидан, Интернетда алоҳида саҳифа очган ва ўз логосини ҳам эълон қилган бу катиба, тармоқда ўзбекларни жиҳодга даъват қилиб келаётган, фаол жангари гуруҳлардан биридир. Ўзбекистон Олий судининг 2016 йил 26 сентябрдаги қарори билан "Тавҳид ва жиҳод катибаси"* халқаро террорчилик ташкилоти сифатида, фаолияти Ўзбекистон ҳудудида тақиқланган. Бу катибани сайтига кирган ва ёки, уни овозли файлини ёки, ёзувли матнини тарқатган ва ўқиган шахсларни, Ўзбекистонда ушлаб қамашяпти. Шу кунгача қамалган, кўплаб ўзбек ёшлари, айти шу катибага алоқадорликда айбланган. Олдинлари ЎИХга алоқадорликда айблаб, қамашлик одат эди. Энди Мирзиёев даврида ДХХ, диндорларни, шу Катибага алоқадор деб, қамаяпти. Қуйида шу қама қамалар ҳақида расмий хабарлардан бир қисмини, эътиборингизга ҳавола этаман.

.....

2020 йилнинг 23 июнь куни Ўзбекистон Республикаси ДХХ, ИИВ ҳамда Тошкент шаҳар ДХХБ, ИИББ ходимлари томонидан ҳамкорликда олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудида яширин фаолият олиб борган, "Тавҳид ва жиҳод катибаси" (ТЖК) халқаро террорчилик ташкилотига алоқадор бўлган гуруҳлар тарафдорларининг ноқонуний фаолияти фош этилди. Бу ҳақда мамлакат ИИВнинг матбуот хизмати хабар беради.

.....

ИИВ маълумотларига кўра, мазкур шахслар ҳозирда Сурияда халқаро террорчилик ташкилоти, ТЖК сафида фаолият юритаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси, 2001 йилда Тошкент шаҳрида туғилган А. Абдуқаҳҳоров ва унинг раҳнамоларининг ғоявий таъсирига тушиб, интернет орқали экстремистик мазмундаги видеороликларни муҳокама қилиб, "ҳижрат" ва "жиҳод" амалларини бажариш мақсадида Сурия Араб Республикасига чиқиб кетишни режалаштирганлар. Таъкидлаш жоизки, ушбу шахслар орасида 3 нафари муқаддам терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноят содир этиб, жазо муддатини ўтаб чиққан бўлсада, тегишли ҳулоса чиқармасдан фаолиятини қайта тиклашга уринганлар ҳам бор. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 2442-моддаси 1-қисмига (Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш) асосан қўзғатилган жиноят иши доирасида Тошкент шаҳрининг Олмазор, Учтепа, Чилонзор, Яккасарой ва Сирғали ҳамда Тошкент вилоятининг Зангиота тумани ҳудудидаги 25 та манзилларда тинтув тадбирлари ўтказилиб, 25 нафар шахслар қўлга олинди.

.....

Ўзбекистон давлат хавфсизлик хизматининг Фарғона вилояти бўйича бошқармаси ва вилоят ички ишлар бошқармаси ходимлари томонидан Қўқон шаҳрида ўтказилган тезкор тадбирда «Жиҳодчилар» диний экстремистик оқими тарафдорларини қўлга олдилар. Дурадгорлик билан шуғулланувчи, 23 ёшли фуқаро муқаддам Туркиянинг Истанбул шаҳрида ишлаган вақтида «Тавҳид ва жиҳод катибаси» террористик ташкилоти эмиссарлари таъсирига тушган ва кейинчалик яшаш манзилига қайтиб келгач, мазкур ташкилот ғояларини атрофдагиларга тарғиб қила бошлаган. Натижада 9 кишидан иборат гуруҳ шаклланди. «18 —27 ёш оралиғида бўлган гуруҳ аъзолари орасида реклама агентлигида ва пойабзал ишлаб чиқариш цехида ишловчи, шунингдек, уй шароитида болалар кийимлари ишлаб чиқариш ва сартарошлик билан шуғулланувчи шахслар бор», дейилади Дарё хабарида.

.....

Ўзбекистонда "Тавҳид ва жиҳод катибаси" халқаро террорчилик ташкилоти 25 аъзоси қўлга олинди. Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги, ДХХ, Тошкент шаҳар ИИББ ва ДХХ ходимлари 23 июн куни пойтахт ва вилоятда "Тавҳид ва жиҳод катибаси" халқаро террорчилик ташкилоти аъзоларини ҳибсга олдилар.

.....

293 2020 йилнинг 30 июнь куни Ўзбекистон Республикаси ДХХ, ИИБ ҳамда Тошкент шаҳар ДХХБ, ИИББ ходимлари билан ҳамкорликда Тошкент шаҳри ҳудудида яширин фаолият олиб борган "Тавҳид ва жиҳод катибаси (ТЖК) халқаро террористик ташкилотининг бир гуруҳ тарафдорлари фош этилди», – дейилади матбуот хизмат тарқатган хабарда.

.....

Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги Матбуот хизматига таяниб, Қалампир.уз сайтининг хабар қилишича, ИИБ ҳузуридаги Тергов Департаменти юритувида бўлган жиноят иши доирасида Тошкент шаҳрининг Олмазор ва Шайхонтохур туманлари ҳудудидаги 8 та манзилларда тинтув тадбирлари ўтказилиб, 11 нафар шахслар ички ишлар идораларига келтирилди. Мавжуд маълумотларга кўра, мазкур шахслар ҳозирда Сурияда террористик фаолият олиб бораётган "Тавҳид ва жиҳод катибаси" жангариларининг ғоявий таъсирига тушган ҳолда Тошкент шаҳрида яширин гуруҳ тузиб, ноқонуний йиғилишлар давомида интернет тармоғи орқали кўчириб олинган экстремистик мазмундаги материалларни муҳокама қилиб келишган ҳамда "ҳижрат" ва "жиҳод" амалларини бажариш мақсадида Сурия давлатига чиқиб кетишни режалаштиришган.

.....

Жорий йилнинг июнь ойида ДХХ ва ИИБ ходимлари томонидан Бойсун туманида ўтказилган тезкор тадбирда "жиҳодчилар" оқими фаолияти аниқланиб, ушбу оқимнинг бир гуруҳ аъзолари қўлга олингани ҳақида хабар берган эдик. Аниқланишича, 15 нафар маҳаллий ёшлардан иборат яширин гуруҳни ташкил этган шахс Россия Федерациясида мавсумий ишлаши давомида экстремистик ва террористик ташкилотлар тарафдорлари таъсирига тушган ва уларнинг бузғунчи ғояларини қўллаб-қувватлаган.

.....

Матнлардан кўриб турганингиздек, ДХХ бугун ўзбекларни, шу гуруҳларга алоқадорликда айблаб қамаяпти. Ваҳолонки, Эрон радиоси, соф ўзбек тилида сайт очиб, худди шу каби жиҳодга ва жангга тарғиб қилиб турганини, ДХХ кўрмайди. Уларга қарши ДХХ, гапиролмайди. Чунки, бу расмий давлат радиоси ва бунга қарши, Ўзбек мулозимлари, сукут сақлашади. Ваҳолонки, ёшлар бу радиони сайтга кириб, энди Шиалар томонига ўтиб, жиҳод қилиш учун, йўл олишлари эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Интернетдан ўша радиони ўқиш ва тамошо қилишингиз мумкин. Юқоридаги жангари гуруҳлар сафида, ўзбеклар бўлганини айтиб ўтдим. У ердаги ўзбеклар билан, фақат Ўзбекистондаги ёшлар эмас, Стромсунддагилар ҳам, алоқа қилиб келишган. Улардан Швецияда теракт ўтказишда ёрдам сўрашган. Булар қиссаси ўз ўрнида баён этилади.

Душманга ҳам, адолат қилиш ҳақида

Мусулмон одамни, унга муҳолиф одамлар, ёмон кўришга ҳақлидирлар. Лекин, бу ёмон кўришлик ҳам, рамкани ичида бўлиши лозим. Яъни, шариат рамкасини ичида, бўлиши керак. Тухмат ва бўхтон қилмаслик керак. Гарчи, ҳожака бўлса ҳам, мени ёмон кўрса, мендаги айбу нуқсонни борини, айтиши керак. Йўқ нарсани, ёлғонни тўқимасдан. Бу дин талабидир. Бу адолат талабидир! Бу шариат талабидир! Бу рамкани Аллоҳу таоло қўйган. Эй иймон келтирганлар! Аллоҳ учун ҳақда туринг, адолатли гувоҳ бўлинг. Бир қавмни ёмон кўришингиз сизни уларга нисбатан адолат қилмасликка олиб бормасин. Адолат қилинг. Бу тақвога оид ишдир. Аллоҳга тақво қилинг. Албатта, Аллоҳ қилаётган амалингиздан харабдор зотдир. Моида сураси 8 оят

Амир Салоҳиддинни ўлдирганда ЎИХчи ўзбеклар хурсанд бўлишди. Қотил ҳам қатл қилинди. Абдуллоҳ Бухорий қатл қилинганда, ЎИХчи ўзбеклар ва Стромсунддаги ўзбеклардан баъзилари, хурсанд бўлишди. Уни "жаҳаннамга кетди" деб, ёзди, ЎИХ сайти ўша пайтда. Ваҳолонки, у ҳақ сўзни айтгани учун, қатл қилинганди. Қани рамка?! Қани инсоф ва адолат?! Бухорийга бунақа беҳурматлик қилишликлари, шариятга зид эди. Шаръий ўлчовга кўра, у иншааллоҳ, шаҳиди аълолар жумласидан эди. Мен Бухорийга атаб, қатор шеърлар ёзганман. Қуйида шулардан бирини ўқийсиз.

Абдуллоҳ Бухорийга атаб:

Мен сени ўзбек элин пешвоси деб, биларман,
Шайху уламоларнинг подшоси деб, биларман.
Ҳақ йўлда собит турдинг, токи чиққунча жонинг,
Бу динни ҳақ сўз айтган, даҳоси деб, биларман.
Сени бадном қилишга уринди, шум рақиблар,
Жоҳилликда улар энг, расвоси деб, биларман.
Суиқасд қилди сендан, кўрққанидан золимлар,
Мустабиднинг бу сендан, қасоси деб, биларман.
Ҳақиқатни доимо, рад айлаган кофирлар,
Сабаб, қалбинда кибру, ҳавоси деб, биларман.
Золимга хизмат қилди, кўп саллалик нокаслар,
Бу уларнинг энг катта, хатоси деб, биларман.
Ҳақ йўлда собит туриб, жон берганлар санокли,
Бу қисматни тақдирнинг, қазоси деб, биларман.
Қадринга етмадилар, казо — казолар, сени,
Мен сени казоларнинг, қазоси деб, биларман.
Ихтилофлар тугамас экан, ҳаётда, бу ҳам,
Шайтон ўртага солган, низоси деб, биларман,
Садоқатдан умматга, ибрат қолдирганлар кам,
Сени шулар ичинда, танҳоси деб, биларман.
Иззат шарафни топмас, уммат кўрқоқлар билан,
Фидокорлик бу диннинг, асоси деб, биларман.
Сенга атаб Бухорий, қасида битди, Саҳвий,
Мен сени шаҳидларнинг, аълоси деб, биларман.

14.12.2018

Мурсий қамалганда

Хизбутлар хурсанд бўлиб, уни маломат қилиб, кўп нарсалар ёзишганди?! Ўлганида ҳамб улар жим турмадилар. Шу адолатданмиди?! Ўша пайтда менб Мурсийни маломат қилар

Ҳизбутлар деган шеъримниб ёзганман.

Бугун Ислом нурин, босган қора тун,
Умматга пешволик қилар, манқуртлар.
Ўзин диндошига ачинмас нечун?,
Мазлумлар қалбини тилар, ҳизбутлар?!

Бугун олам аро, зулмат ҳукмрон,
Умматнинг танасин, кемирар қуртлар.
Адолат йўлинда, берсалар ҳам жон,
Ихвонни маломат қилар, ҳизбутлар.

Ихвонларни қилди, ўлимга ҳукм,
Фиръавнга “имон келтирган” Судлар.
Уларнинг ёнини олмади, ҳеч ким,
Аксинча, ортидан кулар, ҳизбутлар?!

Мазлум биродари кўздан тўкар ёш,
Бунга хурсанд бўлар, кофир, яҳудлар.
Диндоши ғам чекса, қайғурмас диндош,
Наҳотки, исломда булар, ҳизбутлар?!

Дунёга ҳукмини, ўтказар куфр,
Улар соясида яшар, бебурдлар.
Наҳот қалбларига, урилган муҳр?,
Наҳотки, шунчалик бўлар, ҳизбутлар?!

Дунёнинг эгаси ягона Аллоҳ,
Барибир мағлубдир, санамлар, бутлар.
Шунчалик бўларми, адашган, гумроҳ,
Мурсийни маломат қилар, ҳизбутлар?!

2015 йил

Менга тош отишни бошлаганларга эслатмам шуки, мени ёмон кўринглар. Лекин, менга тухмат қилманглар! Бўхтон тўқиманглар! Рамкадан чиқманглар! Биламан, эшак ҳожида рамка йўқ. Унақалар фитрати, маълум. ИШИДда ҳам, рамка йўқ эди. ЎИХда ҳам, йўқ эди. Стромсундда ҳам, йўқ. Мёлбучиларда баъзиларида бор, деб, ўйлайман. Инсоф қилинглар! Шу тақвога яқинроқдир! Қилмасанглар ҳам, майли. Зеро, менга буни фарқи ҳам, йўқ. Сизларга эса, охиратда фарқи бўлади. Агар охират борлигига, имон келтирган бўлсанглар! Менга мақтовдан кўра, маломат афзалроқ. Мақтов кўп шайхларни, йўлдан адаштирди. Менинг бу шеърим шу ҳақидадир.

Шайхлар кўпаймоқда ўзбеклар аро,
Кўпайиб бормоқда фитна фасод ҳам.
Бари буюкликни қилар иддао,
Қанча кўп бўлсада мақтов, шунча кам.

Муридлар уларни мақташар доим,
Дунёда тенги йўқ уламо дея.
Мутассибликдан сақла Худойим,
Иблисга йўл берманг, раҳнамо дея!

Бугун бу муридлар касофатидан,
Урчиб бормоқдадир фитнаю фасод.
Мутассибларнинг залолатидан,
Ҳақ ва ҳидоятни бозори касод!

Ҳақ йўлида, собит ўтганлар бўлса,
Уларга лозимдир, ҳурмат эҳтиром.
Улар мақомига етганлар бўлса,
Уларни беҳурмат қилмоқлик, ҳаром!

Бу аҳмоқ муридлар, ҳали англамас,
Аслида бу динда, ким кимлигини?
Лекин, англашимиз амри маҳолдир,
Бу раҳнамоларнинг, жим житлигини.

27.02.2019

Аллома Қарзовийни Ўзбекистондаги сарой муллалари ҳам, ҳурмат қилишади. Уни доктор Ширинов ҳам, ҳурмат қилади. Уни МСМЮ ҳам, ҳурмат қилган. Уни аксинча, Абдуллоҳ Бухорий ва Зуфарлар ҳурмат қилмади ва қилмайди. Бухорий МСМЮни ҳам, қаттиқ танқид қилганди. Уни Қарзовий фатвоси деб, гапириб берган гапларини, бирма бир таҳлил қилиб, Уни каззобга чиқарганди. Ҳақиқатдан ҳам, МСМЮ Қарзовийни ИШИД ҳақидаги фатвосини, мазмунини айтаман деб, кўп нарсани ўзидан кўшиб, гапирганди. Қарзовий Ихвонларни доим кўллаб қувватлаганди. У киши бемазҳаб одам эди. У ўзини мавжуд мазҳаблардан бирортасига мансуб эмаслигини, айтган. Шунга қарамай уни, МСМЮ ҳурмат қилган. Уни дунёдаги дин уламоларининг аксари, ҳурмат қилади. У шунча илми билан, ИШИДни қоралади. У Мурсийни кўллади. Қайсидир шайх Робия майдонида, бир соат туришлик, неччи йил, нафл намоз ўқигандан афзалроқ деб, фатво берди. У майдонда туришлик, оғир эди. У майдондагиларни, устига ўқ ёмғири ёғдирилди. Танклар билан суриб, қириб ташланди. Улар тириклайин, оловда куйдирилди. Буни дунё ҳамжамияти кўриб, жим турди. Уларни Қарзовий, кўллаб қувватлади. Бемазҳаб Қарзовий, кўллаб қувватлади. Мен шу ҳақида куйидаги шеъримни ёзганман.

Расулulloҳ айтган умматни кўрдим

Миср майдонида боқиб мен бугун,
Тарихда кўрмаган, даҳшатни кўрдим.
Қалбимни ўртагай бу халқ фарёди,
Мазлумларга етган, кулфатни кўрдим.

Бир озгина инсоф қилинг инсонлар,
Нега тўкилмоқда бегуноҳ қонлар,
Одам қиёфасидаги ҳайвонлар,
Халқ бошига солган, офатни кўрдим.

Биродарлар қадрдонлар ихвонлар,
Муборақдир сиздан тўкилган қонлар,
Собит турибсизлар, кетсада жонлар,
Мен сизларда, улуғ ҳимматни кўрдим. 297

Бу шеърим бир, сизга қилган хитобда,
Ичимга сиғмайди дардим, шу тобда,
Тангрим нозил этган, улуғ китобда,

Сизга ваъда қилган, жаннатни кўрдим.

Тенгингиз йўқ шижоъатда, ғайратда,
Таъриф этиб бўлмас, буни албатда,
Сизга насиб этган, бундай кулфатда,
Ақлим етмайдиган, ҳикматни кўрдим.

Собит бўлинг, буюк ҳимматингизда,
Уммат учун қилган, хизматингизда,
Биродарлар сизнинг, сийратингизда,
Расулulloҳ айтган, умматни кўрдим.

Саҳвий 2014 йил

Мурсийни йўқ қилиб, Сиси ҳоқимиятга келгач, Азҳар шайхи Аҳмад Тоййиб МСМЮни меҳмонга чақирди. Бу бориб, меҳмон бўлиб, қандайдир конференцияда иштирок этиб, кемаларда денгизда сайр қилиб, қайтди. Бу кимса, бу золим режимни ўша пайтда, ихвонларга қилаётган зулмини гапирмади. Ихвонлар оммавий қамалган ва аксарига ўлим жазоси берилганди. Бу ҳалигача, давом этаяпти. МСМЮ деган хоин, уларнинг зулмини оқлашга, хизмат қилиб қайтди. Мен МСМЮ ҳақида куйидаги шеъримни ёзгандим:

Аслида ким кимлигин, эл ичра ошкор этди шайх,
Турфа хил ботил фасод, фатвони изҳор этди шайх.
Мазҳабида юрмаган ким бўлса бадном айлади,
Оми элни таассуб дардига дучор этди шайх.
Ўзгаларга нисбатан ёқди адоват ўтини,
Тассуфларким, ўша ишларни бекор этди шайх.
Ихтилофлар ҳақида, ёзди дилинда ҳар на бор,
Омонат дин илмини, сотмоққа бозор этди шайх.
Пиру муршидлик қилиб, ушлаб тасаввуф йўлини,
Муридларни ҳам залолатга, гирифтор этди шайх.
Китобу суннатни тутган, кимсага қилди ғазаб,
Билиб билмай кўп мусулмонларга, озор этди шайх.
Турди фитна тафриқа бошида, етгунча ажал,
Фиску фужур аҳлига, ҳурматни бисёр этди шайх.
Аҳли мансаб, аҳли жоҳга, иззат икром кўрсатиб,
Ўзини нафсин шуларнинг олдида хор этди шайх.
Ҳаммани ўз йўлига кирмоққа чорлаб доимо,
Кенг ҳидоят йўлини, бу халқ учун тор этди шайх.
Барча мазлумни адашган деб, бериб фатво мудом,
Барча золимни ўзига, дўст ила ёр, этди шайх.
Таассуб бирла адоват қолдириб кетди, қаранг,
Билиб туриб кўп хато, ишларни такрор, этди шайх.
Бу аниқ, сарбон адашса, қолмагай карвон, омон,
Эл ичинда йўқ таассуб, иллатин, бор этди шайх.
Умрини сарф айлади, Тоғутни изминда мудом,
Саҳвий каби, мазҳаби йўқларни, безор этди шайх.

01.07.2017

Азҳарлик саройпараст шайхлар, Қарзовийни тан олишмайди. Миср ҳукумати уни террорист деб, халқаро қидирувга берган. Бугунги хориждаги ўзбек уламолари, Қарзовийни тан ола туриб, худди МСМЮ каби, унинг аксига, иш қилмоқдалар. Булар зулмга ёрдам беришга интилкоқдалар. Шунча зулму зўравонликларни, кўра била туриб, бу китоб қаҳрамони бўлган муллалар, бирортаси бирон ерда, ўз норозилигини айтиб чиқмадилар. Жим туриб, қараб турдилар. Жимлик ризо аломат,и дейилади, арабларда. Булар зулмга рози бўлган ва гуноҳига шерик бўлган, кимсалардир. Валлоҳу аълам!

Бундайларни докторми, профессорми фарқи нима?! Адолат томонида туришга, буюрилмаганми? Ё бу оятлар, биз авомга хосми фақат?! Уламоларга, истаган ишни қилиши мумкинми?! Мен бу китобни ёзишга киришишдан олдин, буларга қарата, Докторлар мени кечирсинлар деган, бир мақола ёзгандим. Қуйида шуни эътиборингизга ҳавола этаман.

Докторлар мени кечирсин!

Мен Доктор Широнови анчадан бери танийман. Уни мен билан қилган суҳбатлари ва Қалам сайтидаги баъзи, видеоларидан бошқа нарсаси борлигини, билмайман. Мулла Сайфини каналига кириб кўрдим. Билганим шуки, бу ўттиз йиллик меҳнат натижаси, эмас. У ерда жиддий нарса йўқ. Энди, докторлик бу билан ўлчанмайди, албатта. Доктор бўлиш учун, ўша ёқда, қандайдир илмий ишлар ёзгандирсизлар?! Лекин, ундан биз авомга нима наф? Ўзбек халқига нима фойда?! Бизлар Абдували қорини маърузасини эшитиб, динни англаган авлодмиз. Уни масжидида оминни жаҳрий айтишни, одат қилганмиз. Бунга қарши чиққанларга қарши, имкон қадар курашганмиз. Шу туфайли ваҳҳобий бўлдик ва қамалдик. Энди бугун сиз докторлар ҳам, ўша пайтдаги сарой муллалари айтган гапларни такрорляяпсизлар. Мазҳабга кириш керак. мазҳабда оминни махфий айтилади. Пайпоққа масҳ тортилмайди ва ҳаказо. Шу нарсаларни сарой муллалари, ўша пайтда ҳам, айтишганди. Абдували қори, Обид қори ва ҳаказолар, уларга бўйсунмадилар. ИАКни муҳтарам президент, демадилар. Ҳаммаси балога дучор бўлишди. Мен сизлар айтган сўзлардан, бугун шуни англадимки, ўша имомлар ва ўзим ҳам ва менга ўхшаган минглаб одамлар ҳам, адашган бўлиб чиқаяпмиз. Булар ҳанафий мазҳабини билмаганмиди? Буларда сизчалик илм йўқмиди?! Балким, уларда ростдан ҳам, сизларчалик илм йўқдир?! Улар ҳадисшунос доктор эмаслар. Саудияда ўқишмаган. Лекин, Аллома Албоний ҳадисни сизларчалик билган бўлса керак? (Сизлардан кўп эмас асло, фақат сизларчалик.) Унда нега, у мазҳабга чақирмаган эди?! Мен мазҳабни бидъат деган, кўп уламоларни биламан. Жумладан сизлар ҳам, биласизлар деган, гумондаман. Сизларнинг маърузаларингизни эшитиб, Абдували қорини эшитсам, осмон билан ерча, фарқ топаман. Бу докторлигингиздан элга, нима манфаат бор?! Шу қилган маърузалар билан, доктор бўлсангизлар, Зуфар академик эканда?! Мен ўша эшитган маърузаларга ва уларнинг мавзуларига ва балоғат ва фасоҳатга қараб, одам қалбига етиб борадиган таъсирга қараб, баҳо бераман. Мени мутассибликда айблашингиз мумкин, албатта. Лекин, сизлар каби, доктордан беш юзтасини тарозини бир палласига қўйиб, нариги томонга Абдували қорини қўйса. у оғир келади. Жаноб докторлар, авом халқ, зулмга бош эгмаган ва ҳақни айтиб, шу йўлда қатл қилинган кишига эргашсинми ёки, золимларга пахта қўяётган, сизларгами?! Авом нима қилсин? Ҳар тоифа, ҳар томонга тортаяпди. Мен шахсан сизларни, қабул қилолмайман. Бошқаларни билмадим.

Бойга ишлагандек фақир пулсизлар,
Тоғутлар олдида сизлар қулсизлар,
Кимларга эргашар бугун йўлсизлар?,
Барча йўл бошида шайтон турибди?!

Деган эди, Саҳвий бир шеърида.

Бугун худди шундай аҳволда турибсиз. Валлоҳу аълам?!

Саҳвий

08.07.2021

Шириновга саволлар

Бугун биз қизиқ бир воқеъликка, катта фитна ва оғир имтихонга дуч келдик. Бизларни ватанда ваҳобий деб салафий деб бадном қилишган эдилар. Қанчадан қанча холис имомлар шу тамға босилиб қамалиб, қанчаси йўқ қилинди? Қамалди, ватанидан бадарға бўлди. Бу зулму зўравонликни қилган ИАК бошлиқ ҳукумат ёнида МСМЮ ва Диний бошқарма номлик, аслида динсиз бошқарма турди. Улар бизни бадном қилишда катта рол ўйнашди. Шу сабаблар билан чет элларга чиқиб кетишга мажбур бўлдик. Бугунги кунга келиб, Мирзиёев даврида, ўша динсиз идора томонидан ҳалигача бизга нисбатан тош отишлар тўхтамади. Улар ҳали ҳануз биз холис деб эргашган имомларни, бадном қилишда давом этмоқдалар. Обид қорига қарши бадном қилувчи кинолар ишлаш, ҳали ҳам тўхтамади. Хусусан, Абгор деган лақаби эшшак бўлган кимса, пайдо бўлди. У бадбахт бизни, бадном қилишда ва ватандаги холис мусулмонларни бадном қилишда, катта рол ўйнамоқда. Шундай бир пайтда, холис имомлар вазифаси, бу каби динфуруш ифлосга қарши, курашишдан иборат бўлмоғи лозим эмасмиди?! Улар четда яшаётгани учун ҳам, уларга қарши курашиш, хавфу хатар туғдирмасди. Уларга қарши курашаётган, оз сонли холис аҳли илмлар ҳам бор, алҳамдулиллоҳ. Зуфар ва Содиқ Самарқандийлар ва Юсуф Даврон ҳам, шулар жумласидан. Аммо, ўзлари четда яшаб туриб, ватанида тазйиққа учраб, қочиб келганлар жумласиданман деб туриб, ўша ватандаги динфуруш каззобларга қарши чиқиш ўрнига, уларга дўстлик изҳор қилаётган, иккиюзламачи мунофиқларга, нима дейиш мумкин?! Улардан баъзилари, уялмай нетмай ўша эшакни олдиға, болаларини юбориб, унга дўстлик изҳор қилиб, у билан дўстлашишга уриняпдилар. Яъни, буларни вазифалари, бу каби, динфурушдан мусулмонларни ва ҳақ динни ҳимоя қилишлик бўлиши керак эдику?! Лекин, булар аксинча, ҳимоя қилишмас, ҳеч бўлмаса жим туришликмас, ўша динфуруш томонига ўтиб олишди. Унга турли томондан дўстлик изҳор қилишяпти. Буларнинг мақсади шу, кабилар билан дўстлашиш ва улар воситасида дунёвий манфаатларга эга бўлишликдан иборатдир. Буларнинг бу иши бу динга хиёнатмасми?! Ҳақ аҳлига хиёнат эмасми?! Булар фосиқ ва каззоб кимсаларни қўллаб қувватлаши, ҳақ аҳлига қилинган ҳужум эмасми? Мункарга нисбатан ҳеч бўлмаганда, қалбида ёмон кўришлик бўлиши, лозим эдику?! Буларда ўша ҳам, топилмади. Булар мункарни қўллаб қувватлаб, муҳаббат изҳор этишди. Бу каби, мунофиқ кимсалар қилмишини, баъзи ёшлар тўғри ва дин шундай бўлиши керак, деб, ўйлаб қолмаслиги учун ҳам, бу китобда уларнинг ишларига раддия берилди. Уларнинг бу ишлари аслида уларнинг, ақидаси бузуқ эканидан далолат эмасми?! Бу динда ҳақ аҳлига нисбатан доимо, шулар каби, ақидаси бузуқ кимсалар, душманлик қилишган. Дин душманлари мусулмонларга зарар етказиши мумкин. Лекин, динни бузолмайдилар. Аммо, булар каби шахслар, бу динга катта зарар етказганлар ва етказаяпдилар. Улар динни йўқолиб кетишига ва одамлар ботил нарсани, дин деб, кўтариб юришига сабаб бўладилар. Бу ҳолат тарихда кўп марта, такрорланган. Бугун ҳам, шундай бўлаяпти. Юқорида зикр этилган докторлардан ташқари яна, бир доктор унвонига эга ўзбек бор. Бу киши Қирғизистонлик Юсуф Даврон бўлади. Мен бу зоти шарифни, бирорта маърузасини эшитмаганман ҳали. Лекин, у киши ҳақида тасаввурим бор. Бу доктор ҳам, бугун Самарқандий ёнида, фаолият қилаяпти. Зуфар эса, буларнинг баридан алоҳида, ўзича яққа суратда, фаолият қилади. Уни булар билан манҳажиди ҳам, бироз келишмовчилиги бор. У Самарқандийга кўра, анча кескинроқдир. Мулла Юсуф Даврон нисбатан юмшоқроқ. Булар бари, умуман олганда, баррикадани бир томонидаги шахслар.

Доктор Ширинов ва Доктор Сайфуллоҳ ва уларни ёнидагилар баррикадани, бошқа томонида туришибди. Сарой муллаларига муносабатда, бу фарқ яққол кўзга ташланади. Ширинов командаси, уларга дўстлик изҳор қилсалар. Самарқандий командаси, улар билан талашиб тортишиб юришади. Ўзбек жиҳодий гуруҳларига муносабатда ҳам, шу фарқ сезилиб туради. Ширинов командаси уларни, ҳаммасини рад қилади. Очiqча баёнот билан эмас, шу ўз орасида, уларни қоралайди. Самарқандий командаси, улардан ИШИДга қарши бўлган халос. Жабҳа сафидагиларни, булар қораламайдилар. Бу мавзуда ошкора гапирмасалар ҳам, уларни на ошкора ва на яширинча, қораламайдилар. Зуфарни "одинокий волк" десак, ҳам бўлади. У булардан анча ўзгача мавқеъда, туради. Хуллас, Давлат раҳбарига нисбатан муносабада ҳам, шу фарқликни кузатиш мумкин. Мазҳабга муносабатда ҳам, кузатиш мумкин. Булар орасида Абдували қорига энг яқинроқ тургани, Зуфар бўлади. Кейинги сафда Самарқандий командаси, туради. Ширинов ва унинг командасини, Абдували қорига муҳолиф позицияни эгаллади деб, бемалол айтишимиз мумкин! Мени бу китоб бошида айтиб ўтганимдек, ибрат намунаси ва бошқаларни баҳолашдаги мезоним, аввалги холис имомлар деб, тан олган шахсларнинг каттаси, Абдували қори бўлгани учун, мен буларни барини, ўзимдаги, эскидан шаклланган ўша мезонга солиб, ўлчайман. Шундан келиб чиқиб, менда бугун, булар қилаётган ишларга, қатор саволлар ва эътирозлар пайдо бўлган. Шунинг учун уларга саволлар берганман. Доктор Шириновга ҳам, қатор саволлар йўллагандим. У кишидан ҳам, ҳануз жавоб келмади. Табиийки, уламолар авомга, жавоб бермайдилар. Бу киши ҳам, уламолардан эканига шак шубҳа йўқ! Қуйида шу саволларни ўқишингиз мумкин.

Доктор Муҳиддин Шириновга саволлар:

Жаноб Муҳиддин Ширинов менинг сизга, қатор саволларим бор. Бу саволлар бугунги сизлар тутган манҳаж билан, олдинги холис имомлар тутган манҳаж орасидаги фарқларга, доирдир. Менинг 30 йил олдинги, холис имомлардан кўрган ва эшитган ва тўғри деб, ўйлаган ва имкон қадар амал қилган йўлим ва бугунги кунда, сизлар таклиф қилаётган йўл билан, бошқа бошқадир. Мен бу орадаги фарқларни қуйидаги саволларда баён қиламан. Шу саволларга жавобингиз лозим. Бу китобни ўқувчи одамлар ҳам, мунозарада иштирок этаётган, ҳар икки томоннинг фикрини билиб оладилар. Жавоб бермасангиз ҳам, ўзингиз биласиз.

1. Эшак (абгор) билан дўстлашиш ҳақида?

Модомики, сизни эшакка юборган саломингиз, ухлаб ётган вулқонни уйғотиб юборган экан. Энди бу нарса Аллоҳ хоҳлаган қадарига, етгунга қадар, давом этади. Булар бари, иншааллоҳ китоб бўлиб, тарихда қолади. Бу китобни марказий қаҳрамони, албатта сиз бўласиз. Шундай экан, менинг бу саволларимга берадиган жавобингиз ҳам, шу китобдан жой олади. (Агар жавоб берсангиз)

Бу Абгор эшакни, авлиёни ўлигини васила қилиш мумкин, деган фатвосини била туриб, уни холис мусулмонларга қарши тинмасдан ит каби, аккилашини била туриб, уни беш йилдан бери қилаётган сон саноқсиз, ифлослигини била туриб, нега унга салом йўлладингиз? Мақсад у билан дўстлашишмиди?! Уни сизни наздингизда, ҳурматга лойиқ жойи борми?! Бўлса, шуларни бирма бир, қисқача, баён қилинг. Биз билмаган ва сизга кўринган фазилати бўлса билиб олайлик.

2. Мазҳабга кириш масаласида?

Сиз билан қатор суҳбатлар қилганмиз. Жумладан мазҳаб масаласида ҳам. Бу мазҳабга чақириқлар 30 йилдан бери, тинмади. Мазҳабсиз ҳам мусулмон бўлиб, яшаш мумкинми йўқми?! Сиз ҳадисшунос доктор бўла туриб, мазҳабга чақирасиз ва аллома Албоний ҳам ҳадисдан хабари бўла туриб, мазҳабни инкор қилган. Кимга эргашишлик керак?!

Мазҳабда юрмаган мадҳалий салафий мусулмонларни ҳам, сизга биродар ва тўғри йўлда деб ҳисоблайсизми?! Жиҳодчи салафийларничи? Шунақаларни диндош деб ҳисоблайсизми?!

3. Аввалги имомлар мазҳабда бўлишганми?

Модомики, сизнингча, ҳамма бир, ҳанафий мазҳабда бўлиши шарт экан, Абдували қори, Обид қори, ва бошқа холис имомлар мазҳабда бўлишганми?! Агар мазҳабда бўлган бўлсалар, нега уларнинг масжидида, оминни жаҳрий айтишган? Улар раҳбарга итоат қилмаганлар (амалиш қарши ҳам, чиқмаганлар лекин) ва сарой муллаларига ўхшаб, мақтамаганлар ва сарой муллалари билан, ўзаро адоватда бўлишган сизлар каби, дўстлашмаганлар! Бизга оминни жаҳрий айтишни ва рафъул ядаинни суннат эканини, шулар ўргатишган эди. Улар ўша пайтда, бу суннатни Ҳанафийликка зидлигини билмаганмилар?! Ёки, ўзлари ўша пайтда ҳанафий бўлмаганмилар?! Ёки, улар ҳанафий бўла туриб, барибир ҳанафийликка зидлигини била туриб, оминни жаҳрий айтишганми?! Улар ўша пайтда адашиб, жаҳрий айтишлик, ҳанафийликка зидлигини билмай туриб, айтиб қўйишганми?!

4. Қайси ҳанафийлик тўғри?

Сиз мазҳабга киришни лозимлигини таъкидлаб келасиз. Менинг сарой муллаларига эътирозим ҳам, шу масалада. Жумладан сизга ҳам. Кирганда ҳам, ҳанафий мазҳабга киришни лозимлигини айтасиз. Суҳбатимизни матнини ҳам илова қилганаман. Сарой муллалари ҳам, мазҳабга чорлашади. Ўзбекистондаги ҳанафий мазҳаби деб, айтилаётган мазҳаб, бидъату хурофотдан иборат эмасми?! Сарой муллалари чақираётган мазҳаб, шу Абу Ҳанифа мазҳабими ёки, уни номидан тўқиб чиқарилган, сохта йўл, мазҳабми?! Бу тўғри мазҳаб бўлса, унда нега, ҳанафий мазҳаблик, қўшни Толибонни қилган ишини қилмаяпдилар? Агар Ҳанафийлик шу бўлса, нега Толибон ҳам, ҳанафий мазҳабида бўла туриб, 30 йилдан бери тинмасдан, ислом шариятини ўрнатиш учун, жиҳод қиляпди?! Уларнинг ҳанафийлиги тўғрими ё, Ўзбекистоннинг ҳанафийлигимми?! Бу ҳанафийликни нечта тури бор ўзи? Қайси бирига эргашиш керак?!

5. Давлат раҳбарига муносабат ҳақида?

Энди бу ўзбекча ҳанафийликда, давлат раҳбарига итоат масаласи, мутлақ шарт қилинади? Буни сизга тушунтиришга, ҳожат бўлмаса керак? Толибон Ҳанафийлигида, Давлат раҳбарига қарши, қурол кўтариб, жанг қилишга буюрилади?! Улар тинмасдан курашиб кетаётганини, сиз ҳам эшитиб тургандирсиз?! Бу масалада Абу Ҳанифани тутган позициясини ҳам, биласиз. У Халифага итоат қилмади ва калтаклаб зиндонга ташланди. Ўша ерда ўлди. Энди бу иккала ҳанафийликни, қайси бирини тўғри деб биласиз?! Қайси бирини рад қиласиз?! Давлат раҳбарига итоат, ҳанафийликда вожиб дейилади. Мирзиёевни, шу ҳанафий мазҳабига кўра, итоати вожиб бўлган раҳбар шахс, деб, тан оласизми?! Мирзиёев ва унинг оиласи ҳам, ҳанафий мазҳабидами ё, бошқа мазҳабдамилар?! Ҳанафийликда, шунга итоат вожибми?! Шунга далиллар бўлса келтиринг.

6. Нега аввалги холис имомлар, ўша пайтдаги давлат раҳбарига, итоат изҳор қилмадилар?

Сиз ҳам давлат раҳбарини танқид қилмайсиз. Сарой муллалари эса, уни «муҳтарам президентимиз» дейишади. МСМЮ ҳам, ўлгунга қадар, диктатор ИАКни, муҳтарам президентимиз деб, ўлди. Агар сиз ёки, Сайфуллоҳ Носир, Ўзбекистонга борсангизлар, шулар каби, сизлар ҳам, Мирзиёевни «муҳтарам президентимиз» деб, айтиб юрасизлар. Хўп, нега шу ишни ўз вақтида, Абдували қори, Муҳаммад Ражаб қори, Абдулаҳад қори ва Обид қорилар қилмадилар?! Улар ИАКни бирор марта, муҳтарам президент демаганлар.

МСМЮ ўлгунга қадар, доим такрорлаб келган. Улардан қайси бирлари адашган эди? Яъни, қайси бирларини сиз, адашган деб ўйлайсиз?! Ва биз авомга, шулардан қай бирига эргашишни, тавсия қиласиз? Сизлар эргашаётганларгами ёки, уларга қаршиларгами?!

7. Президент Мирзиёевни, «мухтарам президент» ёки, ҳурматли дейишга, лойиқ шаръий жиҳати, сизнингча нималардан иборат?!

Уни икки хотинга уйланишга, тўсиқ қўйганлигини ва бунга қуръон рухсат берганини биласиз? Уни ёшларни мактабда, рўмол ўрашдан (666 сонли қарор) ва масжидга боришдан тўсганини ҳам, биласиз? Уни махфий фармон чиқариб, диндорларга қарши кураш режасини амалга оширишга, фармон берганини ҳам биласиз? (ўтган йилги сентябр ойидаги махфий фармони) Уни ёшларга, диний таълим беришдан тўсувчи, фармонларини ҳам, мамлакатда ижро қилинаётганини ва муаллимус соний ўқитгани учун, одамларни 15 суткага қамаётганини ҳам биласиз? Уни намоз ўқимаслигини ва Нақшбандий руҳидан мадад сўрашини ҳам, эшитгансиз? (Буни ўз оғзи билан айтган видеоси бор, йотубда) Унинг хотини ва қизлари динсиз ва иштонсиз юришини ҳам, кўргандирсиз? Мирзиёевни устози, ИАҚдан нима фарқи бор? Шуларни барини била туриб, яна уни «мухтарам президент» дейишга, шаръан рухсат борми?! Сизни Ҳанафий мазҳабида бунга далиллар борми?

8. Сарой муллаларига муносабат масаласида

Сиз уларга салом йўллаб, дўстлик изҳор қиласиз. Зеро, салом омонлик, раҳмат ва баракот ва офият тилашликдир. Сарой муллаларидан бири бўлмиш, Мулла Исоқни, Обид қори ҳақида, ёмонлаб гапирган видеоси йотубда турибди. Сарой муллаларига нисбатан, уларни хатоларини айтмаслик, уларга нима десалар ҳам, индамасдан дўстона муносабатда бўлишликни, шаръий далили борми?! Нега шу ишни, ўз вақтида, Абдували қори, Муҳаммад Ражаб қори, Абдулаҳад қори ва Обид қори ва ҳаказолар қилмадилар?! Улар бунга далилларни билмаганмилар?! Буларга сиз каби, дўстлик изҳор қилиш тўғрими ёки, юқоридаги имомлар каби, уларга душман бўлишликми?! Ким тўғри йўлдаю, сизнингча, бу ерда ва кимлар адашган?!

9. Холис имомлар ва хоин имомлар ҳақида

Сизнингча, дин учун холис бўлган ва шу ҳолда дунёдан ўтган имомлар кимлар?! Абдуллоҳ Бухорий ва Абдували қорими ёки, МСМЮ ва Анвар Турсинми?! Бугунги тирик имомлар ичидаги, чет элда яшайдиган имомлардан, қай бирлари динига содиқ ва холисроқ, Абдуллоҳ Зуфар ва Содиқ Самарқандийми ёки, Сайфуллоҳ Носир ва Муҳиддин Широнови? Сарой муллаларидан Мулла Исоқ ва Абгор Эшак динга холисмими ёки, тоғут хизматидан қочган имом, Фазлиддин Парпиевми?! Буларни қай бирига эргашишни тўғри деб, биласиз ва авомга тавсия қиласиз?! Хусусан, жиҳод майдонларида юрган аҳли илмлар орасида, сизнинг наздингизда, эргашишга лойиқ шахслар борми?!

10. Хулоса: Шу масалаларда сизни позициянгиз, менга маълум. Гарчи, ҳали жавобини олмасамда, мен сизни бу масалалардаги позициянгизни биламан. Менинг наздимда, сиз шу масалаларда, аввалги холис имомларга зид йўлдасиз. Мен буни исботу далилларини келтириб, ёздим китобимда. Лекин, сиз аввалги холис имомларни йўлига, зид йўлни тута туриб, уларни ҳеч қачон «адашган» деб, айтмадингиз. Агар шуни айтсангиз, ва уларга зид йўлни тутсангиз, менга тушунарли бўларди. Сиз уларни адашган демасдан, уларни йўлидаги одамга ўхшаб тутасиз, ўзингизни. Уларни ҳурмат ила, тилга оласиз, айти замонда, Улар манҳажига зид манҳаждан кетишда, давом этаяпсиз. Менга шуниси, тушунарсиздир. Сиз улар адашганлар эди. Биз тўғри йўл топдик, деб айтсангиз, уларни мухлислари томонидан маломат остида қолиб кетишдан қўриқиб, жим юрибсизми?! Ёки, улар ростдан ҳам, ҳақ йўлда бўлишган ва мен ҳам шуларнинг тутган йўлидаман деб, ўйлайсизми, ўзингизни?!

Сиз улар манҳажида эмаслигингизни, ўзингиз яхши биласизку?! Унда авомни кўзини чалғитиш, нимага керак?! Гапнинг пўсткалласини, айтиб қўяқолмайсизми?! Гапни пўсткаллеси эса, улар адашганлар эди, демоқликдир. Улар тўғри йўлда бўлса, Сиз адашган бўласиз?! Бу чигал масалага ойдинлик киритинг!

Саволлар тамом. Шулар, ҳозир сизлар билан, аввалги, биз холис деб, таниган имомлар орасидаги ва улардан динни таълим олганлар ўртасидаги, адоватнинг аслидир. Шу саволларга жавобга қараб, кимдир у томонга ва кимдир бу томонга, ўтади. Шулар мен ёзмоқчи бўлаётган китобнинг маъзи, марказий саволлари, ҳисобланади. Шу масалаларда сизлар, аввалги имомларга ихтилофдасизлар.

Саҳвий

05.07.2021

Камина турмада пайтимда, бир неча март, а Анвар Турсун бошлиқ, муллалар тўдаси, зонама зона юриб, бизни тавбага чақиришганди. Улар бизга маърузалар ўқишарди. Бир марта улар бизни, имтихон қилгани келишди. Бу ҳақида мен, муллалар синовидан ўтолмаган маҳкумлар, деган, мақоламда ёзгандим.

МУЛЛАЛАР СИНОВИДАН ЎТОЛМАГАН МАҲКУМЛАР

1999 йил 16 февралда, Тошкентда бўлиб ўтган қатор портлашлардан сўнг, ўзбек режими минг минглаб ёш диндорларни, оммавий қамоққа ола бошлади. Бу жараён 2000 йилда ҳам, тўхтамади. Янги турмалар очилди. Жаслик қамоқхонаси қурилди. Дунё бўйлаб, шов шувлар кўпайди. ИАК «диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш»ни, АҚШ ва Европадан олдинроқ, бошлаб юборганди. 2001 йилда 11 сентябр воқеъалари, АҚШ бошлиқ НАТО га аъзо давлатларни ҳарбий кучларини ҳам, «диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш»га, жалб қилди. Афғонистондаги Толибон режимига қарши, НАТО кучлари кураш бошлади. Бу ИАК учун, айна муддао бўлди. Қаршидаги хонобод таёрагоҳини, АҚШ учқичларига ижарага бериб қўйди. ИАК учун, қўшни давлатда Толибондек жангари гуруҳлар режими қулагани, маъқул эди. Дунё бўйлаб барча ривожланган давлатларда, «диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш» масаласи, актуал бўлиб, инсон ҳақлари масаласи, эътиборсиз қолди. ИАК қамаган мусулмон ёшларнинг кўпчилигини, турмалардан ўлиги чиқди. Турмаларда, қаттиқ қийноқлар бошланди. Машҳур 159 модда билан қамалганлар, турмаларда иккинчи даражали, ҳақ ҳуқуқдан маҳрум одамларга, айландилар. 2002 йилда БМТ инсон ҳуқуқлари қўмитаси ва қийноқларга қарши қўмиталар ва Халқаро Қизил Хоч Жамияти каби, халқаро ташкилотлар Ўзбекистон турмаларига, эътибор қаратдилар. Ўзбекистон қамохоналарига, БМТ қийноқларга қарши қўмита маърузачиси Тео Ван Бовен, ташриф буюрди. Унинг ҳукуматдан талаби, Жасликқа олиб боришлик бўлди. У ерга боришдан олдин албатта, имкон қадар вазиятни яхшилашга, ҳаракат қилинади. Қалтаклаш тўхтатилиб, овқатлар бир оз яхшиланади. Бирор ҳафтача шу ҳолат, давом этади. Ўзбекистон қамохоналарини кўриб чиқиб, Тео Ван Бовен жаноблари, БМТда «Ўзбекистонда қийноқлар муттасил қўлланиши» ҳақида, ўз ҳисоботини берди. Бу анча шов шувга, сабаб бўлди, албатта. Афғонистонда Толибон режими қулаган ва НАТО қўшинлари, мамлакатга ўрнашиб олганди. Президент Буш бошлиқ, АҚШ ҳукумати Ироқ диктатори Саддамнинг, Ироқликларнинг ҳақ ҳуқуқларини поймол қилаётганини, катта катта минбарлардан тез тез гапира бошлаганди. Бу пайтга келиб, АҚШ билан алоқаси илиқлашиб қолган ИАК учун, БМТ каби нуфузли ташкилот вакилининг бу ҳисоботи, албатта яхшиликдан дарак эмасди. 2003 йилда АҚШ бошчилигидаги НАТО ҳарбийлари, Бағдодга ҳужум бошлади. Саддам режими кўпга бормай, қулади.

Бутун дунёда унинг диктаторлиги ва инсон ҳаққига риоя қилмаслиги, гапирилди. Бу шов шувли, қама қамалар давом этар экан, ИАКнинг «еубуи оқибати ўзи учун ҳам, хайрли бўлмай қолиши мумкин деган, хавотири бор эди. Саддамга қарши халқаро қоралаш компаниясига қўшилган ва уни мустабидликда айблай бошлаган ИАК аслида, ўзи ҳам ундай фарқи йўқлигини, биларди. Шу пайтда ИАК ўз ички сиёсатини ўзгартиришга, юмшатишга мажбур бўлди. Саддам режимининг қулаши, ИАКнинг «кўзини очганди». У бир пайтлар, АҚШ билан дўст бўлган, улар талаби билан, Эронга қарши 8 йил урушиб, минглаб фуқароларини ўлимига сабаб бўлган диктатор, Саддамни бир пастда кераксиз чиқиндига айланганини кўриб, хулоса чиқарганди. Энди ИАК МХХ, СУД, ИИБ, каби давлат органлари зиммасига, уч йилдан бери тинмасдан елиб югуриб, ушлаб қамаган диндор фуқароларни, «бир оз камайтириш», вазифасини қўяди. Бу ишда уларга кўмак кўрсатиш учун, Президент ҳузуридаги Диний ишлар қўмитаси томонидан махсус давлат комиссияси, ташкил этилади. Бу комиссия қамалган диндорларни, қайта тест синовидан ўтказиши ва кимни «ҳақиқий экстремист» ким, бошқа аниқлаши лозим эди. Шунинг учун, унинг таркибига диний Бошқармадаги «уламолар», МХХ ходимлари, Олий Суд ва Ўзбекистон Парламенти қошидаги инсон ҳақларини ҳимоя қилувчи давлат қўмитаси, ходимларидан иборат жами тахминан, 50 тача, киши бор эди. Бу қўмига Президент девони ҳузуридаги, Диний ишлар қўмитаси раиси, раҳбарлик қиларди. Қўмига қамоқхоналарга ташриф буюриш ва диний маҳкумлар билан, биттама битта суҳбатлашиш ва ўша суҳбат асосида, уларнинг қайсилари Президент чиқарадиган авф этиш фармони, таҳтига дохил бўлишга лойиқ ва қайсилари, «бу бахтдан» маҳрум бўлишини, бу кимсалар аниқлашлари лозим эди. Бу комиссия Ўзбекистон қамоқхоналари бўйлаб, вилоятма вилоят сафарга чиқди.

Аввалроқ Тошкент Вилоятларидаги қамоқхоналарга ташриф буюргани ҳақида, бизларга хабарлар келиб турарди. 2003 йил ёзида, бу ваҳимаси улкан, «Президент Комиссия» деб, ном олган гуруҳ, ўз таркибида Анвар Турсунов бошлиқ, беш ўнта «диний уламо»лар ва давлат органлари ходимлари билан, Навоий Вилоятидаги қамоқхоналар бўйлаб, ўз ташрифини бошлади. Камина ўша пайтда, Навоийдаги 46 сонли қамоқхонада, жазоимни ўтардим. 1995 дан 2000гача Товоқсойда жазо ўтагандим. Олдинги муддатим тугагандан кейин, тартиббузар деган, Ўз. Рес. ЖК. 221 моддаси билан, қайта жиноий иш очиб, иккинчи муддат, 3 йилу 6 ой қўшиб беришганди. Навоийда, ўша жазо муддатимни ўтаётган эдим. Бу муддатимнинг тугашига эса, 6 ой қолган эди. Яна раскрутка қилармикан деган, хавотирим бор эди. Нафақадаги ота онамни кўролмайд қоламанми деган, қайғуда эдим. Ёшим 34 га кирган, ҳали оила, бола чақа йўқ эди. Бу комиссия келиши, кўнглимда бир яхшиликка умид уйғотди. Булар сабабли озодликка чиқиб кетсам деб, ўйлардим. Зобитлар ҳам Президент Комиссияси, Навоийда зонама зона айланиб юрганлигини ва эрта индин 46 га келишини айтишарди. Хулласи калом, узоқ кутилган «Президент Комиссияси», Навоий 46 сонли зонасига, кириб келди. Ўша куни 159 модда билан қамалганларга, «Промзонага» кетмаслик топширилди. Зобитларнинг муомаласи ўзгарди. Бир пастда хушмуомала одамга, айланиб қолишди. Тушликкачи барақда ўтирдик. Тушликдан кейин соат бирларда, ТСБ (Тартибни сақлаш бўлими) ходимлари бўлмиш маҳбуслар, (Гадлар) бизни отряд олдида саф тортишга, чақира бошлашди. Бир секторда 4 та отряд бўлади. Ҳар бирида 200 тадан ортиқ маҳбус яшайди. Улар орасида 50 тача, 159 лар бор. Зонада 5 та сектор, бор эди. Хуллас, секторлар очилиб, гуруҳ гуруҳ бўлиб, ташқарига чиқа бошладик. Ҳар бир отрядни олдида, отряд бошлиғи ва тезкор бўлим зобитлари, назорат қилиб туришарди. Бу сафарги сафда юришни, бошқаларидан фарқи шундаки, бугун «Мадҳия» куйламасдан бемалол, юриб бордик. Одатда бирорта сафда юриш, Мадҳиясиз бўлмасди. Зимний эстрада деб, аталадиган, қишки клуб олдида бориб, саф тортдик. Бошқа секторлардан келганлар ҳам, навбат кутиб туришарди. Тахминан 500 тача одам, мулалар билан учрашувга, навбатда турдик. Атрофимизда зонадаги, барча зобитлар гирдикапалак бўлиб юришарди. Зона бошлиғи полковник Азиз Бозорович Мардонов ўзи ҳам, у ёқдан бу ёққа югуриб юрарди. Нима бўлар экан деб, ҳаммамиз ҳайрон эдик. Лекин, шу бир кун бўлсада, бизга нисбатан муомала ўзгарганига ва озроқ бўлсада, дам олаётганимизга хурсанд эдик. Қуёш чарақлаб қиздирарди.

Лекин, бизга сояга ўтишга, рухсат йўқ эди. Тезкор бўлими бошлиғи Шавкат, қўлида қозоғ кўтариб олиб, маҳбусларни исм шарифини, ўқиб ичкарига таклиф қила бошлади. Ўнтача маҳбус кириб кетди. Қолганлар, кутиб турардик. Шу зайлда, ўн ўн беш дақиқа ўтгач, яна шунча одам таклиф қилинди. У қоғозда кимни исми шарифи ўқилса, ўша маҳбус сафдан чиқиб, ичкарига кириб кетарди. Кейин, улар бошқа эшиқдан чиқиб, ўз отрядларига кетишарди. Шу зайлда мен ҳам, то ўз навбатим келгунича, кутдим. Охири Абутов Муҳаммадсолиҳ деб, қолди. Мен деб, чиқдим. Битта зобит қўлимдан ушлаб, ичкарига олиб кирди. Катта залда, ўнта ёки ўн бешта стол, айланасига қўйилган бўлиб, ҳар бирини ортида уч тўртта киши ўтирарди. Улар орасида, салла ёки оқ дўппи кийган биттаси, диний бошқарма вакили экани, кўриниб турарди. Қолганлари костюм шим кийган, кишилар эди. Ўртадаги столда Анвар Турсун ўтирарди. Барча столлар устида, ранг баранг ичимлик сувлари ва стаканлар бор эди. Бунақа нарсаларни йиллаб кўрмаган маҳбуслар, буларни кўриб ичида ютиниб қўйишарди. Мени зални чеккасидаги бўшаган курсига олиб бориб, ўтказган зобит қўлидаги қоғозни мулланинг қўлига бериб, кетди. Курсига ўтиришим билан, оқ кийимда оқ дўппида ўтирган, кўз ойнак таққан мулла менга, кўз ойнаги остидан тикилиб қараб, ассалому алайкум тақсир деб, салом берди. Валекум салом дедим. (Ичимда «ало ман иттабал худо») деб қўйдим. (Тўғри йўлдагиларга салом бўлсин) Ўша пайтда, унинг ёнидаги иккита костюм шим кийиб, галстук таққан кимсалар, унга бир нарса деб, туриб кетишди. Столда мулла билан мен, ёлғиз қолдик. Атрофдаги бошқа столларда ҳам, ўнлаб маҳбуслар ўтиришар ва олдидаги мулалар билан нималарнидир, гаплашишарди. Мен олдимдаги одамни қаердадир кўрганга ўхшардим, ҳеч эслаёлмаётгандим. Бир пайт у қўлидаги мени маълумотларим ёзилган қоғозга қараб ўтириб, сиз 159 модда билан қамалмаган экансизу?, деди. Мен ҳа, мен қамалган модда бошқа, дедим. Нега сизни, бу ерга таклиф қилишди деди? Билмадим, дедим. Кейин, нарироқда турган, тезкор зобитни чақирди. У келгач, иккаласи четроққа ўтиб, озроқ гаплашишди. Чамада, мулла зобитга, бу оддий жиноятчини, бу ерга адашиб чақириб шекилли? деди. Зобит эса унга, бир нималарни тушунтирган бўлди. Мулла бир пас эшитиб туриб, кўнди шекилли, индамай бош чайқаб, столга келиб ўтирди. Менимча, зобит унга, буни моддаси бошқа бўлсаям. Сизлар суҳбатлашадиган одамлар жумласидан, деб, тушунтирди шекилли?! Хуллас, мулла кўз ойнагини тагидан, менга тикилиб, Қанча йилдан бери ўтирибсиз? деди. 8 йилдан ошди, дедим. Диний таълим олганмисиз? деди. «Тақсир менда диний илм йўқ, бирорта диний илм даргоҳида ўқимаганман. Оддий намозхонман» дедим, Кўзимни столда турган ранг баранг ичимликлардан узолмай. Ҳмм, дея қўлидаги қоғозга қараб ўтирган мулла, «Президентимизнинг олиб бораётган сиёсатларига қандай қарайсиз? деб қолди. Мен айтдимку тақсир, мен на диний ва на дунёвий таълим олмаганман. Сиёсат ҳақида гапириш учун, уни тушунадиган, ўқиган одамлар гапириши керакда. Мен нимаям дердим, билмасам дедим. Шу пайтда, уни телевизорда кўрганимни эсладим. У «Ҳидоят сари» деган, диний эшиттириш олиб борувчи, кимса эди. Кўз ойнаги остидан, менга ўқрайиб қараётган муллага, бу гапим ёқмаганини англадим. Намоз ўқийсизми? деб сўради, у бир пас жимликдан сўнг. Ҳа, Намоз ўқишга рухсат борку, намоз таъқиқланган, экстремистик амал эмаску?! дедим. Ҳа, албатта, деди у, бир оз юмшаган оҳангда. Намозни, қайси мазҳабга асосан ўқийсиз? Тақсир мен, тўғриси шу бирорта мазҳабни, тушунмайман. Ҳамма ўқиган каби ўқияпман, дедим. Мулланинг башарасидан, кулимсирагани сезилди. Қайси мазҳабдасиз? Ҳмм, шу эл қатори намозхонман. Мазҳабни нималигини билганимда, балки, айтардим. Менда бу нарсалар тўғрисида илм йўқ, дедим. Иккаламиз ҳам, яхши тушуниб турган нарсалар устида, ўзаро сўз ўйини қилиб, гаплашаётган эдик. Лекин, у мени, гапдан ушлаб олмаётган эди. Қочириқлар ва сўз ўйинлари, яна давом этди. Қанча сура ёдлагансиз? Озроқ ёдлагандим ёшлигимда, эсимдан ҳам чиқиб кетган ҳозир. Қорақалпоқда ҳам, диний ҳужралар борми? деб қолди у, бир пас ўйланиб. Мен унга «Қорақалпоғистонни биласизку, на диний ва дунёвий илм, ривожланмаган бир жой. У ерда водийдаги каби, диний уламолар йўқ. Мени ҳам адашиб, қамашган аслида. Мен на диний на дунёвий, илми йўқ одамман. Мақсадим шу, қари ота онамга хизмат қилишлик, оила қуришлик. Одамларга ўхшаб, тинчгина яшашлик, дедим. Хуллас, мени жавобларим муллани қониқтирмаётгани, кўриниб турарди. У қўлидаги қоғозга қараб, тез тез саволлар бера

бошлади. Менинг жавобимга қараб, ўша савол ёзилган қоғоздаги каталарга + ё – белгиларини, қўярди. Қайси диний оқимга аъзосиз? Ҳеч қайси. Қаерда ва кимдан диний таълим олгансиз? Ҳеч қайси мадрасада, диний таълим олмаганман. Ота онам намозхонлиги учун ўшалардан ёшлигимда, намозни ўрганганман. Машҳур диний олимлардан кимларни танийсиз? Тақсир мен Қорақалпоқданман ва айтганимдек, у ерда на бир машҳур диний уламо бор ва на диний таълим бор. Водийдагилардан кимни танийсиз? Шу, одамлар ҳамма танийдиган, касеталарини эшитадиган битта иккитасини танирдим. Улар кимлар? Анвар қори Турсунов. Шайх Муҳаммад Содиқни ҳам, эшитганман. Бошқа яна кимларни биласиз? Абдулазиз Мансурни, яна исмларини унутдим баъзиларни. Учрашганмисиз? Ким билан? Ўшалар билан. Тақсир мен кичкина одамман. Катта имомларни олдида, ўтирмаганман. Узоқдан кўрганман халос. Диний Бошқарма фаолиятига, қандай баҳо берасиз? Энди Диний Бошқармани биладиганлар, баҳо бермаса, мен ҳеч кимни танимасам, билмасам, нима дейишим мумкин?! Ўзбекистонда диний таълим ва ибодатларга эркинлик берилган..., Шундайми?! Ҳа, мана сиз намоз ўқияпсиз. Демак, рухсат бор эканки, ўқияпсиз. Ваҳҳобийлик, Ҳизбут Таҳрир оқимлари ҳақида нима дея оласиз? Мен уларни, шу ерда кўрдим. Бирга жазо ўтаяпмиз. Булар ким, нима қилган, билмайман..., Шу орада ҳалиги, туриб кетган, икки шериги қайтиб келиб, ўрнига ўтиришди. Улардан бири менга қараб, озодликка чиқсангиз нима қиласиз? Деб, сўраб қолди. Озодликка чиқсам, ота онамга хизмат қилардим. Уйланардим. Нима қиламан бошқа?, дедим. Мулла эса, қўлидаги қоғозни катакчаларини тўлдириб бўлганди. У ердаги эллитача саволдан, менга шу 20 тачаси савол берилди. Шу билан мулла зобитга қараб, бўлдик, ишорасини қилди. Менга қараб, сиз кетаверишингиз мумкин, деди. Индамай столдан туриб, олдимга келган зобитга эргашиб, залнинг бошқа эшигидан, чиқиб кетдим. Қишки клубдан ташқарига чиқиб, юзимдан тинмасдан оқаётган терларни артдим. Сахро куёши қаттиқ қиздирар, нафас олиб бўлмас эди. Мендан олдинроқ чиққан беш олти та маҳкумлар, Муассаса зобитлари билан, гаплашиб туришарди. Ташқарида турган зобитлар, тезда отрядларинга кетинглар деб, буюришди. Йўлдаги шерикларим билан, ўзаро гаплашиб кетдик. Клубдан чиқиб атрофига, тикан сим тортилган секторнинг, темир панжара эшигига, икки юз уч юз метрча йўл. Ким ким билан суҳбатлашди? Кимга қандай, савол тушди? Каби масалаларда, ўзаро қисқа гаплашиб бордик. Мени ўйлантираётган нарса, отрядда мен билан бирга, «оила» (Семейка) бўлган Тошкентлик биродарлар, кимга учрашгани ва натижаси нима бўлгани, эди. Отрядда ҳамма маҳкумлар, ўзаро уч тўрт киши, «оила» бўлишади. Бу оила аъзолари, топган тутганини ўртада, бўлиб ейишади. Менинг ҳамроҳларим, Анвар қори Турсуновнинг маҳалласидан бўлган, ёш намозхон йигитлар эди. Улар Анвар қори Турсунов Янгиобод масжиди имоми пайтида, ундан диний таълим олишган болалар эди. Кейинчалик булар, экстремистликда айбланиб қамалишган. Уларнинг устози эса, аксинча амали юқорилаб, Тошкент шаҳар Бош имом хатиби, лавозимига чиққанди. Бугун эса, уларни энди, имтиҳон қилиб, диний илмини тушунчасини тўғри, нотўғрилиги аниқлашга келганди. Уларнинг шу ерда ўтирганлигини Анвар қори билишини ҳам, бу йигитлар биларди. Клубдаги учрашувда, ўшалардан кимдир суҳбатга, Анвар қорини олдига тушиб қолганми йўқми, шуни билолмаётгандим. Бу йилги Амнистия катта бўлишини ва «Бағри кенг» Юртбошимиз, билмасдан адашиб, хато йўлга кириб қолган маҳкумларни, авф этиши мумкинлиги ҳақида, зонада кўп гап сўзлар юрарди. Бу биродарларни, жазо муддатлари 17, 20 йил орасида бўлиб, энди бу муддатнинг икки уч йили ўтганди. Булар учун Амнистияга тушишлик, катта аҳамияти бор эди. Менинг эса, бир йилдан камроқ, муддатим қолганди. Мен яна раскрутка қилмасмикан деган, қайғуда эдим. Мени Амнистияга тушиш масаласи, ўйлантирмасдиям. Муддатини 9 йил ўтириб, 6 ой қолганида Амнистияга тушиб чиқиш, маҳкумлар учун, хурсанд бўладиган ҳолат эмасди. Шунинг учун ҳам шерикларимни, тақдирига қизиқардим. Бу болалар Анвар қорининг маҳалладоши бўлмаганида ва айнан унда ўқимаганида ва айнан Зонага Анвар қори келмаганида ҳам, бу унчалик, муҳим бўлмасди. Лекин, аксинча бўлгани учун ҳам, натижаси қизиқ эди. Бирон соатларда семейкамиз барча аъзоси, отрядда йиғилди. Бир биримизга қараб, кулишиб, ким кимга учрадию, қандай савол жавоб бўлганини, гаплашдик. Ёши мендан каттароқ битта биродаримиз, Анвар қорига рўбарў бўлиб қолибди. Қори уни, танибди. Ҳол аҳвол сўрабди.

Уйдагилари тинч омонлигини айтибди. Бу йилги Амнистия катта бўлишини ва унга кўп маҳкумлар тушишини айтиб, сиз кетаверинг дебди. Яъни, унчалик «оғир» савол жавоб, бўлмабди. Иккинчиси, ҳам ундан кейин кириб, айнан Анвар қорининг столига, дуч бўлибди. Булар ўз маҳалладошлари бўлгани учун ҳам ва айнан Анвар қорининг ўзи, уларга «Ҳизбут Таҳрирнинг» китобидан, ҳужраларда дарс берганлиги учун ҳам, Анвар қори уларни табиийки, таниган. Ва улар билан, инсоний муомала қилиб, яхши гапириб, ўша қоғоздаги катакларни + қилиб, уларни юртбошининг марҳаматига «лойиқ» қилиб, қўйганди. Бу иши уни Аллоҳнинг марҳаматига лойиқ қиладим йўқми, бунисини Аллоҳ билади. Буни декабр ойида, Конституция қабул қилинганининг 11 йиллиги муносабати билан, эълон қилинган Амнистияга биноан, озод қилинганларидан кейин билдик. Яъни, уларга Анвар қори китобдаги саволлардан бермаган. Ва уларни чиқиб кетишлари учун, ўз қўлидан келадиган ҳаракатни қилган. Тан олиш керакки, бу Анвар Турсунни, ўз маҳалладошларига қилган, беминнат «яхшилиги» эди. Агар уни ўрнида, бошқа кимса ўтириб, ўша саволларни берганида, уларнинг жавоблари, уларни Амнистияга тушишига, имкон бермаган бўларди. Бу ишни, Анвар Турсун ўз шогирдлари олдида, виждони қийналгани учун қилдим ёки, у ростданам ИАКни золимлигини яхши биладиган ва билиб туриб, кўрққанидан уни мақтайдиган иккиюзламачими, Аллоҳу аълам. Лекин, яна битта йигит, бошқа бир кишига рўбарў келиб қолган. Табиийки, савол жавоблар бўлган. Унинг жазо муддати 20 йил эди. 2000 йилда қамалганди. У ҳалигача, ўтирибди. Бу савол жавоблар натижаси ўлароқ, ўша йили 159 модда билан қамалганлардан, ҳар бир зонадан 50, 60 тача маҳбус, озодликка чиқди. Лекин. минг минглаб маҳбуслар, муллалар синовидан ўтолмай, турмаларда қолиб кетишди. Уларнинг баъзиларига эса, биринчи муддатлари тугагандан сўнг яна, жинойи иш очиб, қайта муддат қўшиб берилди. Укам Абутов Саидкамол ҳам, ўша йили Товоқсойдан, 29 декабрда озод қилинган эди. Уни 1999 йил 20 февралда, Тошкентдаги портлашларидан кейин ҳизбутларнинг варақасини ташлаб, беш олтига намозхонга қўшиб, қамашганди. Ўша пайтдаги олган муддати 17 йил эди. У уч ярим йилдан кўпроқ ўтириб, юртбошининг «бағрикенглиги» туфайли, Амнистияга тушганди. Кейин, уни 2008 йилда, мен Россия турмасидан озодликка чиққанимда яна, қамашди. Бу сафар 13 йилга қамалди. Ҳалигача ўтирибди. Бу Амнистияга чиққанларни биринчи ва иккинчи гуруҳларини телевидениядан келиб видеога олиб, уларни гапиртириб, айбига иқроқ бўлганликларини ва юртбошининг марҳамати туфайли, озод қилинганликларини қайта қайта таъкидлатиб, кейин чиқаришган. Тўғри, кейинроқ буларнинг аксар қисми яна, қамалди. Бу энди, бошқа масала. Мен эса, муддатим тугашига 6 ой қолганимга қарамай, Амнистияга тушмадим. 2004 йилда апрел ойида, Навоий шаҳар Суди Судяси келиб, мени зонада Суд қилди. Суд ҳукмига кўра, мен озодликка чиққанимдан сўнг, 6 ой уй қамоғида ўтиришим лозимлиги, ҳукми чиқарилганди. Бу ҳукм чиққунгача, мен озодликка чиқаманми ёки, яна янги муддат қўшадими, билмасдим. Май ойининг 8 куни, соат тушдан кейинги иккиларда, мени штабга чақириб, уч йилу 6 ой умрим ўтган масканнинг, ташқарисига олиб чиқишди. Ташқаридаги штабга кириб, ўн йилдан бери кўрмаган паспортимни ва озроқ пулни олиб, Бир зобит етакчилигида, автобусда, автовокзалга йўл олдик. Зобит мени Нукусга кетаётган автобусга ўтқазиб, менинг ҳужжатимни, шоферга берди. Ва то Турткўлга боргунича, ҳужжатни қўлимга бермасликни ўқтирди. Бу озодликка чиққан кунимнинг, энг унутилмас, лаззатли онлари эди. Мен муллалар имтиҳонидан ўтолмаган эсамда, муллалар ўтолмаган бошқа бир имтиҳондан, ўтган эдим. Алҳамдулиллоҳ! Мен уларнинг саволларига, берган жавобларим ёлғон эмасди. Лекин тўла очиқ ва ошкора, эмасди. Менга ҳозир ҳам, шу саволлар берилса, шу жавобларни берган бўлардим. Лекин, энди янада очикроқ аниқроқ, тушунтиришим мумкин. Бу имтиҳон ўзига яраша, оғир эди. Шу ерда, уларга тик қараб ҳақни айта олишлик ҳам, оғир эди. Айтганлар ҳам бўлди, ёки, менга ўхшаб, кўрқоқлик қилган, сўз ўйини қилганлар ҳам бўлди. Ёки, астойдил, росткам «тавба тазарру қилиб, ИАКни мақтаб, ўзини адашганини таъкидлаганлар ҳам, бўлди. Бу имтиҳон аслида бизга, Аллоҳнинг имтиҳони эди. Бу имтиҳон муллалар имтиҳонидан кўра, оғирроқ эди. Бу синов муллаларга ҳам, бизга ҳам, имон йўлидаги синов эди. Бу синов ҳалиям давом этмоқда.

.....

13 август 2015 йил

Бу мақолада ўқиганингиз манфур сарой муллалари, эдилар. Улардан ташқари, Зонани ичида қамалиб ўтирган мулла ёки, дунёвий нарсалар туфайли қамалганлар, бор эди. Улар ҳам бизни, тавба тазарруъга, президент номига тавба хати ёзишга, чақирарди. Рустам Усмонов ва Обидхон Асқаров деганлар, шулар жумласидан эди. Мен Рустам Усмоновни яқинда Фбда кўриб, унга бир очиқ хат ёзгандим.

Рустам Усмоновга очиқ хат

Рустам ака сизни Цемзаводда кўрганман. Гаплашганман ва кимлигингиз ҳақида, тасаввурга эга бўлганман. "Письмо Детям" деган, китобингизни, принтдан чиқариб, маҳбуслар ўқиши учун, зонадаги библиотекага, қўйиб қўйгандингиз. Рус тилида ёзилган бу китобни, ўқиганман. Унда сиз дунёдаги барча динларни бирлаштириб, Янги дин пайдо қилганингизни ёзгандингиз. Ўзингизни Пайғамбарларга қиёслаб, турли сафсаталарни ёзган экансиз. Бу китоб туфайли, сизни бошингизга шу дунёни ўзидаёқ, кичикроқ балолар келганига ҳам, гувоҳман. Сиз кечаю кундуз тинмасдан, мустабид ИАКни мақтардингиз ва Азиз бозорович Мардоновни, мақтардингиз. Доим диндорларга қарши, оташин нутқлар ўқирдингиз. Буни эвазига зонада, биз каби калтаклар еб, қийналмасдан, библиотекада тинч омон юрардингиз. Озодликка чиқиб кетишни, умид қилардингиз. Лекин, сиз мақтаган кимсалар томонидан, сизга балою офатлар келди. Мақтовларингиз, манфаат бермади. Турмада узоқ йиллар, қолиб кетдингиз. Биз каби, ташқаридан бирорта ёрдамчиси бўлмаган ғарибларни ҳам, Аллоҳ марҳамат қилиб, озодликка чиқарди. Сиз каби, Республикага таниш ва ўзингизни айтишингизга қараганда, СССР пайтида биринчи милёнер бўлган шахс бўла туриб, озодликка чиқолмадингиз. ИАК ўлгач, сизни чиқаришди. Бошқа яна, қанча маҳбуслар чиқарилди. Мустабидга Аллоҳни лаънати бўлсин! Сизни зонадаги ўша китобингизни ўқиб, сизни ислом доирасидан ташқаридаги шахс эканингизга, шубҳам қолмади. Бу китобни мўмин киши ёзганида, уни диндан чиқди дердим. Аммо, сизни диндан чиқди, демадим. Чунки, сиз ҳали динга кирмаган, шахссиз. Диндан чиқиш учун, олдин унга кириш керак. Умрингиз аксар қисми, даҳрийлик билан ўтган одам, охир оқибатда, янги дин ихтиро қилган ва ўзингизни дунёда, мисли йўқ даҳога айланган шахс деб, тақдим қилгансиз. Рустам ака, сиз қилган маддоҳликлар ва диндорларга душманликлар, мўминлар нари турсин, оддий виждонли одамлар учун ҳам, уят ва исноддир! Сизда эса, ўша пайтда, на виждонни ва на имонни, асари топилмаган. Мен сиз ҳақингизда, «Цемзавод» китобимда, озроқ таъриф бериб кетганман. Бу ҳам, бир тарих бўлиб қолди. Энди булар бари, ўтган гаплар. Яқин тарих. Бу ҳаётда, ҳамма ҳам адашади. Беайб Парвардигор! Лекин, сизни адашишингиз мен каби, оддий бир авомни адашишидан, фарқ қилади. Сиз жирканч ва разил шахс эдингиз. Мен бунга, аминман. Бунга мени қатор, далилларим бор. Лекин, шунга қарамай, сиз турмада кўп йиллар қолиб кетдингиз. Ўзингиз душман деб билган, диндорлар билан кўп йиллар, бирга ўтирддингиз. Улар бу дунёда чеккан зулмлар учун, ажру мукофотлар олишига, шубҳам йўқ. Аммо, сизга шубҳам бор. Улар, сиз оғзингизни тўлдириб мақтайдиган ИАКни, ёмонлаб турмада ўтиришган эди. Лекин, сиз золим ИАКни, мақтаб ўтиргансиз. Сиз ҳам, аслида золимдан зулм кўрган, мазлумсиз. Лекин, сизга шу туришда, тавбасиз кетсангиз, у дунёда ҳам, бирор яхшилик бўлишига, ишонмайман. Бу эса, дунё ва охират расволигидир! Бу хатни ёзишимдан мақсад шуки, сизга мен икки дунё расволигини раво кўрмайман. Шунинг учун, сизга қуйидагиларни қилишни маслаҳат бераман.

1. Аввало, Аллоҳга ва унинг Расулига ҳаққи рост имон келтиринг ва динига кириг. Намоз ўқиб, рўза тутиб, закот бериб, қодир бўлсангиз Ҳаж қилинг!

2. Ўзингизни қилган жирканч ишларни ҳаммасидан тавба қилинг! Ҳалиги Писмо детъям деган, китобни ўтга ёқинг. Билингки, у китоб сизни, юз марта, кофир! деб ҳукм қилишга етарли, далилларга эгадир.

3. Диндорлардан очикчасига, ошкора узр сўранг. Уларга қилган ёмонлигингизни, тан олинг. Золимларни мақтаганингизни, тан олинг. Энди ИАКга ва унинг гумашталарига эса, лаънатлар айтинг! Агар шуларни ошкора қилсангиз, сизни динга кирган, мўмин биродар деб, тан оламиз. Хатосига тавба қилган, деймиз. Зеро, инсон зоти борки, хато қилади. Асосийси, ўлимдан олдин, тавба қилиб қолишдир. Агар шуларни қилсангиз, сизни чеккан озорлар учун, охирада мукофот оладиган шахслар жумласидан деб, умид қиламиз. Мабодо, ажал етиб ўлсангиз, ҳаққингизга Аллоҳдан мағфират сўраймиз. Жаннат сўраймиз. Агар буларни қилмасангиз, сизни қандай таниган бўлсак, шундай одам деб, таниб қоламиз. Сизни вафотингизни хабарини эшитсак, лаънатлар айтамыз халос. Зеро, ИАК ўлганида, мен унга лаънатлар айтганман. Тириклигида айтганимдан ташқари, ўлганида ҳам айтганман ва ҳозир ҳам айтаман. Бу мактубим кўполроқ бўлса, узр сўрайман. Лекин, бунда сиз учун, хайрихоҳлик бор, халос. Сиз яширин тавба қилганингиз, ҳисоб эмас. Сиз ИАКни очикчасига минбарларда туриб, мақтаган каби, диндорларни қоралаган каби, тавбани ҳам, очикчасига қилинг. Хатони тан олинг. Мардлик қилинг. Кибр қилманг. Дин талаби шудир. Олий Суд мени оқламади деб, очлик эълон қилаяпсиз. Бу дунёда оқланишни, хоҳлаяпсиз. Аллоҳ олдида ҳам ва мўминлар олдида ҳам, оқланинг. Буни кўрган ва эшитган диндорлар, сизни ўзига душман тутиб юрганлар, дўст тутишади. Бу ёғи эса, жуда оз қолди. Яқинда, бу дунёни ҳаммамиз тарк этамиз. Тавба қилиб қолишга, тавфиқ берсин! Истамасангиз, ўзингиз биласиз. Мен етказиб кўйдим. Омон бўлинг!

Навоийдаги 46 сонли муассасани собиқ маҳбуси, Саҳвий

22. 12. 2020

Рустам Усмонов (Лақаби чувалчанг) ва Чортоқлик Обидхон Асқаров, (Зайниддин Асқаровни акаси) ва ҳатто, журналист Хайрулла Ҳамидовлар шундайлар, жумласидан бўлишган. Булар сони, аслида жуда кўп. Мен ўзим кўрганларимни ёздим, халос. Энди бугун мулла Сайфи ёки, мулла Ширинов ватанга қайтсалар, агар қамалсалар, худди шулар каби, маҳбусларни, тавбага чорловчи шахслар бўлишади халос. Агар қамалмасалар, унда юқорида Анвар Турсунни командасидаги каби, шахслар бўлишади. Зонама зона юриб, маҳбусларни, Мирзиёга тавба хати ёзишга, чақиришади. Ояту ҳадисларни қаторлаштириб, териб ташлашади. Шу ишни қилишга, уларни мажбур ҳам қилишади. Улар шуни қилмасалар, ватанда яшай олмайдилар. Булар шуни кўра била туриб, боришга ҳаракат қилишяпти. Ментлар ва сарой муллалари билан, мулоқотлар қилишяпти. Буларга эргашган муридлари ҳам, боришга ҳаракатлар қилишмоқда.

Санжар Ахмедов комментига муносабат

Мен китобни ёзишни бошлаган пайтимда қайсидир бир бўлимни тагига қуйидагича изоҳ ёзилди.

Sanjar Ahmedov Oldin Abduvali qori akaga ixlos qilganlar, Obid qori aka ga ixlos qilganlar, hozir 99 foizi fikri o'zgargan, o'zbekistonda MSMYU ni notogri yolda deydigan odamni topish qiyin, hatto muhammad rajab domla qamoqdan chiqqanlarida borgan edik ko'rishga, u kishi ham msmyu haqida faqat yaxshi gap aytdila, balkim bizni tanimagan birinchi korib turgan odamlari bolganimiz uchun aytgandirla, Qamoqdan chiqyarkanla ham aksari fikri buzilgan, aynan shu abduvali qori aka obid qori akalarni yollarida yurib qamalgan insonlar koplari, oxirgi 3-4 yilda juda kopchilik chiqdi qamoqdan 99 foizi fikri buziq, men ham shunga xayronman, ochiqchasiga adashgan ekanmiz deb

tan ham olishmaydi, yoki togri qilganmiz ham deyishmaydi, hullas arosat

Юқоридаги комментни ёзган Санжар Ахмедов деган, шахс менга нотаниш. Уни шахсан танимайман. Лекин, уни гапларига, шубҳа қилмайман. Бу ҳолат, у очган янгилик ҳам, эмас. Мен буни пайқаганимга, анча вақтлар бўлган. Шу муносабат билан, Муҳаммад Ражаб қорини бугунги позицияси хақида, қисқача гапириб ўтсам.

Махсим ака мен учун, қадрли инсондир. У киши ўша, суронли йилларнинг тирик гувоҳидир. У киши, тирик тарихдир. У кишидаги, ўша замондаги диндорлар ҳаётига оид маълумотлар, бугунги тирик юрганлар ичида, бошқа ҳеч кимда йўқ. У киши 24 йил қамоқда ўтирди. Бу жуда жуда улкан, муддатдир. У киши, кўп азобу зулмлар кўрди. Унинг бола чақаси, отасини кўрмай улғайдилар. У Абдували қорини, сафдоши бўлганди. У киши ҳам, ваҳҳобий деб, номи бадном қилинганди. У киши зоналарда, ментларга ишлайдиган қулоқ бўлган эмаслар. У киши Обидхон Асқаров каби, штабга ишлаган эмас. Энди қариганда, озодликка чиқди. Қолган умрини тинч яшашни истайди. Ва у шунга, ҳақли. Мен у кишига, қолган умрида соғу саломатлик ва тинчлик ва омонлик ва офиятлар тилайман. Чеккан азоблари учун, ажрини қиёматда, албатта оладилар иншааллоҳ! У кишига, менда эътироз ва гап сўз йўқ. Жиддий эътирозим, у кишининг Саудиядаги куёвиги ва уни устозларидан бўлмиш, Мулла Сайфигадир. Булар хорижда юриб ҳам, шунча воқеъалар бўлиб ўтди, лом мим дейишмади. Булар жонини ҳузурини биладиган, шахслар экан. Қолаверса, Махсум акани бугун МСМЮни мақташи ёки, сарой муллаларига нисбатан кескин муомала қилмаслиги, тушунарли ҳолат деб, ўйлайман. Бу учун, у кишини маломат қилиш, керак эмас. У киши, бир инсон қилиши керак бўлган ишни, керагича қилиб бўлган, одамдир. У киши энди, шу ўзидаги 30 йиллик тарихни, ёзиб қолдириб кетиши, керак. Ҳамма нарсани очиқ ва ошкора, ёзиши лозим. Майли бу китоби, юз йилдан сўнг дунё юзини кўрсада, бугун ёзилиши керак. Акс ҳолда, кейин кеч бўлади. У киши ўзидаги маълумотларни, ўзи билан қабрга олиб кетса, бу афсусланарли нарса бўлади. Бу тарих, ёзилиши керак. Келажак авлодларга, қолиши керак. МСМЮни фитналарини ва Абдували қорини тутган позицияларини, ёзиши лозим. Буларни барини, у киши тириклигида қилиш керак. Кейин, кеч бўлади. Бу гаплар Абдулаҳад қорига (Аҳад Барноев) Руҳиддин Фаҳриддиновга ва шулар каби, бошқа дини учун қамалиб чиққан, холис имомларга ҳам, тегишлидир. Энди юқоридаги комментда айтилган, қамалиб чиққанлардан аксари, аввалги позициясидан қайтган деган, гапга келсак, буниси ҳам, балким табиий жараён дир. Баъзилар шу қайта қамалмаслик учун ҳам, ўша позициясини, хато дейди. Баъзилар ростдан ҳам, хато қилибман деб, астойдил тавба қилади. Баъзилари, у тутган йўлини хато эмаслигини билади. Лекин, ундаги руҳий чарчоқ, у йўлда бардавом бўлишга, имкон бермайди. Инсон руҳан ва маънан чарчаши ҳам, бор нарсадир. Бунда у, ўзи тўғри деб билган йўлига, зид ишлар қилади. Бу дегани, у ўз йўлини хато деб, тан олди, дегани эмас. У энди ўзини шу бугунги ишини нотўғри эканини билиб, тан олиб, қилаётган бўлади. Мен бунга кўплаб мисоллар, келтиришим мумкин. Қолаверса, давлат томонидан, тинимсиз бўладиган босим ҳам, ўз таъсирини ўтказади. Бунга бир мисол, Руҳиддин Фаҳриддиновдир. У ҳам ўзи ва оиласи, кўп тазйиқларга учради. Руҳан синдирилди. МХХ закази билан ишланган қатор киноларда у бу деб, гапиришга, мажбур бўлди. Менинг укам Саид Камол турмада пайтида, ўша 2012 йилда, менга қарши ишланган кинода, менга қарши гапирган. Уни тоштурмага олиб келиб, бир кишилик камерада, бир ой сақлаб, унга аввалдан ёзилган матнни бериб, ёдлатишган. У шу ёдлаганларини, камерага қараб, гапириб берган экан. Мен унга булар учун, сендан хафамасман дедим. Лекин, Абдували қорига қарши гапирганинг учун, сендан норозиман, деганман. Булар бари, уларнинг оғир руҳий зўриқиш остида, яшаганига бир мисолдир. Булардан ташқари, бугун сарой муллалари зоналарга бориб, уларни қулоғига қуйиб, ояту ҳадислардан гапириб, тавбага чақиришади. Маълумки, аксар қамалганлар илмсиз ёшлар эди. Улар ояту ҳадисларни эшитиб, шу тўғри эканда, биз адашибмиз деб, ўйлаб қолишлари ҳам мумкин?! Лекин, нима бўлганда ҳам, ҳақ йўл ва ботил йўл қайсиллиги, қайсига кўп одам эргашганига қараб аниқланмайди. Ботил йўлда, одамлар кўп бўлиши мумкин. Аксар ҳолларда шунақа бўлган.

Қадимда ҳам бугун ҳам, ботил йўлларга эргашувчилар кўп бўлган ва қиёматгача, шундай бўлади. Қуръон оятлари, шунга далолат қилади. «Улар дунёнинг зоҳиринигина биладилар. Ҳолбуки, улар охиратдан ғафлатдадирлар!» Рум сураси 7 оят

Кўр билан кўрувчи баробар бўлмас. Имон келтириб, солиҳ амаллар қилганлар билан, ёмонлик қилганлар ҳам. (баробар бўлмаслар) Жуда кам эслайсизлар. Албатта, соат (қиёмат куни) келгувчидир. Унда шубҳа йўқ. Лекин, одамларнинг кўплари, имон келтирмаслар”

Ғофир сураси 59 оят

Лекин, одамларнинг кўплари имон келтирмаслигини, Аллоҳ, Ўзи қуръони каримда, баён этиб қўйган экан, биз бунга нимага ажабланишимиз керак?! Биз ожизлик қилгани учун, ўз йўлидан ва манҳажидан чекинганларга нисбатан, маломат тилини узатмаймиз. Масалан Ҳафизуллоҳ Носировни, маломат қилишга ҳеч бир Хизбутни, ҳаққи йўқ! У кўрган 20 йиллик азобларни, ҳали, булар кўрмадилар. Мен унга бўлган қийноқларнинг, бир қисмига, гувоҳман. Мен у билан уч ярим йил, бирга ўтирдим. Унга қилинган азобларга, гувоҳ бўлдим. Аллоҳ уни, шулар туфайли, мукофотласин. Ажридан маҳрум этмасин. Масала, инсоний ожизликда эмас. Асосий масала, ақидани ўзгаришидадир. Бунда, катта хатар бор. Сарой муллалари билан, бизнинг орамиздаги улкан ихтилоф, ИАК шахсига муносабатдадир. Булар уни мўмин дейишади. Бизлар ун,и кофир деб, таниймиз. Мулла Ширинов ҳам, уни мўмин дейди. (Менимча унинг командасидаги бариси, уни мўмин деб билади) Намозга қаршилик қилган, уламоларни ўғирлаб қатл қилган ва сон саноқсиз мусулмонлар қамаган ва қирган ва ўлдирган лаънати, даҳрийни, булар мўмин дейдилар. Буни биз, қандай қабул қиламиз?! Буни мулла Сайфи айтадими, Афлотун тирилиб келиб айтадими? Булар бари, ботил гаплардир! Бу масалада, аниқ позицияда туришлик керак. Мен уни лаънатлайман. Ишонаманки, уни Аллоҳ ва малоикалар ва холис мўминлар лаънатлайдилар. Аллоҳ уни жаҳаннамда, мангу азобласин! Унинг ортидан қолдирган зурриётлари ҳам, бугун, унга лойиқ эканини кўрсатишмоқда. Улардан бири миллиардларни ўғирлаб қамоқда ўтирса, бириси АҚШда яшайди. Неваралари иштонсиз суратга тушиб, интернетда тарқатмоқда. Аллоҳ буларнинг уруғини қуритсин! Мен бу аблаҳ ҳақида ёзган бир мақоламни, эътиборингизга ҳавола қилмоқчиман.

ИАК ҳақида

Маълумки, зolim мустабид ИАК, ароқ ичиб ўлди. Унга жаноза ўқилиб, кўмилди. Бугун унга Аллоҳдан раҳмат сўраб, дуо қилувчилар сони ошиб бормоқда. Шу масалада, менга бир ватандошимиздан юқоридаги сарлавҳада кўрсатилган, савол берилди. Шу саволга жавоб сифатида, шу мақолани ёздим. Бу масалада динимизда қандай маълумотлар бўлса, баъзи фатво берувчи, арабча саҳифалардан олиб, қисқача хулосамни баён этишга ҳаракат қилдим.

Демак, аввалги масала шуки, ароқ ичишлик ҳаром амалдир. Бунга оят ва ҳадисларда етарли далиллар бор. Аллоҳу Таоло айтади: Эй мўминлар, ароқ (ичиш), қимор (ўйнаш), бутлар (га сиғиниш) ва чўплар (билан фолбинлик қилиш) шайтон амалидан бўлган ҳаром ишдир. Бас, нажот топишингиз учун уларнинг хар биридан узок бўлингиз! (Моида 90 оят)

Шайх Ибн Усаймин бу оятга шундай шарҳ беради: Маст қилган ҳар қандай нарса, (нимадан ишланганидан қатъий назар) ароқ бўлиб, у эса Китоб, Суннат ва мусулмонларнинг ижмоси билан ҳаромдир. Кимки мусулмонлар ичида яшаб, унинг ҳаромлигини инкор қилса, муртад (диндан қайтган) кофир бўлади. Чунки, у китобу суннат ҳукмини, инкор қилган бўлади. унинг қони ҳалол бўлади. У тавбага буюрилади, акс ҳолда, уни муртад сифатида, қатл қилинади. Қуръонда ҳаромлиги очик ойдин, баён қилинган бошқа нарсалар ҳукми ҳам, шундайдир. Наби саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Зинокор зино қилаётганда, мўмин бўлмайди. Маст қилувчи ичимлик ичувчи, уни ичаётганда мўмин бўлмайди. Ўғри, ўғирлик қилаётганда, мўмин бўлмайди. Бухорий ва Муслим ривояти

Юқоридаги ҳадисни шарҳида, Имоми Нававий айтадилар: Муҳаққиқлар бу ҳадис шарҳида айтган саҳиҳ гап шуки, бу амалларни қилувчилар, комил имонли бўлолмайдилар. Ҳақ аҳлининг ижмосига кўра, зинокор, ўғри ва қотил ва ширқдан бошқа, катта гуноҳларни қилувчиларни, кофир дейилмайди. Улар имони ноқис мўминлардир. Тавба қилсалар, азобдан қутулишлари мумкин. Агар тавбасиз, шу гуноҳларни устида ўлсалар, Аллоҳнинг ихтиёридадирлар. Агар Аллоҳ истаса, уларни авф этиб, жаннатга киритади. Агар истаса азоблаб, кейин жаннатга киритади. Демак, ароқни ҳаромлигини, тан олиш шарт. Уни ҳалол дейиш, диндан чиқаради. Уни тарк этиш лозим. Аммо, уни ҳаромлигини тан олиб, ичувчилар катта гуноҳ қилган ҳисобланади. Лекин, кофир дейилмайди. Агар ароқни ичиб ўлса, шунда ҳам, унга жаноза ўқиб, кўмиш мумкин. Мўминларга жаноза намози ўқиш, фарзи кифоядир. Мўминлиги аниқ бўлган одамга, уни гуноҳи кўп камига қаралмайди.

Умар ибн ал Хаттоб разияллоҳу анҳу ривоят қилади: «Наби саллоллоҳу алайҳи васаллам замонида, Абдуллоҳ номли, бир киши бор эди. Унинг лақаби эшак эди. Наби саллоллоҳу алайҳи васалламни ҳам, кулдирган эди. Наби саллоллоҳу алайҳи васаллам уни, шароб ичгани учун, жалда уришга буюрганди. Бир куни уни, яна маст ҳолда олиб келишди. Яна жалда уришга буюрдилар. Қавм ичидан бир киши «Эй Аллоҳим уни лаънатлагин! Кўп марта маст бўлиб келдия», деди. Наби саллоллоҳу алайҳи васаллам «Уни лаънатламанглар. Аллоҳга қасамки, мен уни Аллоҳни ва расулини севади» деб, биламан» дедилар. (Бухорий ривояти) Бу маълумотлардан англашимиз мумкинки, мусулмонлиги аниқ бўлган кишини, катта гуноҳлари учун, диндан чиққан кофир деб, ҳукм қилинмайди. Ва у ўлса, унга жаноза ўқиб кўмилади. Аммо, бенамозга ёки, намозни тарк этувчига келсак: Агар уни дангасалиқдан ва шунга ўхшаган сабабдан, тарк этса, баъзи уламолар уни тарк этиши сабабли, кофир бўлади деганлар. Жумҳур уламолар уни, катта гуноҳ қилган осий ва фосиқ, лекин кофир эмас, деганлар. Аввалги тоифа уламоларга кўра, «бенамоз кимса ўлса, дўзахда абадий қолади ва ундан ҳеч қачон чиқмайди.» Иккичи тоифа фикрича, «Аллоҳ уни, истаса кечиради ва истаса азоблайди»

Ароқ ичиб тавба қилмай ўлганни оқибати, яхши бўлмаслиги ҳақида, кўплаб ҳадислар келган. Имоми Молик ривоят қилган ҳадисда, Ибн Умар разияллоҳу анҳу айтадилар: Наби саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Кимки хамрни дунёда ичса, унга охиратда (жаннатда) хамр ичиш, ҳаром бўлади. Шу билан бирга, ким ароқ ичиб ўлса, унинг шахсига нисбатан қатъий равишда «У дўзах аҳлидан» деб, айтиш жоиз эмас. Бошқа гуноҳлар устида ўлганларга нисбатан ҳам, (Агар улар ўша гуноҳни ҳалол деб, ҳисобламаган бўлсалар) бундай дейиш, жоиз бўлмайди. Ибн Таймия айтади: «Гуноҳлар дўзахга киришни вожиб қилмайди, агар уни монъ қилувчи 10 та сабаби бўлса. 1. Тавба 2. Истиғфор 3. Яхши амаллар 4. Каффорат қилувчи мусибатлар 5. Шафоати Наби саллоллоҳу алайҳи васаллам 6. Бошқалар шафоати 7. Мўминлар дуоси 8. Маййит учун бошқалар қилган садақа ва эҳсонлар 9. Қабрдаги синовлар 10 Қиёматдаги ҳолати. Кимки, биров ҳақида, мана шулардан ташқари, унинг гуноҳлари дўзахга киритади деб, жазм билан айтса, у каззоб ва ёлғончидир.»

Шунинг учун ароқ ичиб ўлган, муайян шахс устидан, қатъий равишда, «у дўзахийдир» деб, ҳукм чиқармаймиз. У билан бирга, унинг намоз, рўза, ва солиҳ амаллари борки, улар сабабли Аллоҳ уни авф қилиши ва даржасини кўтариши мумкин. Валлоҳу аълам.

Бу юқоридаги маълумотлар мўмин кишининг гуноҳ иш устида ўлганида, унга нисбатан бўладиган муносабатлар ҳақида бўлди. Буни ўзбек мустабиди ИАКга, нима алоқаси бор? Тўғри, ИАК ҳам ароқ ичиб бўкиб ўлгани хабар қилинди. Аммо, уни ароқ ичиб ўлгани учунгина маломат қилаётганимиз йўқ. Агар у ароқ ичмасдан ўлганида ҳам, унга биздан яхши гап айтишликка, шаръий асос йўқ эди. Бу юқоридаги муносабат, гуноҳкор мўмин кишига нисбатан бўлиши, кўрсатилган. Ислому мусулмонлар, душманига эмас. Бутун умри динга қарши курашиб ўтган, кимсага эмас. Дин олимларини қатл қилган ва аҳли тавҳидларни хор қилган, кимсага эмас. Намозу рўзани маън қилган ва аёлларга рўмол ўрашга ва эркакларга соқол қўйишга, рухсат бермаган, кимсага эмас. Бундан кимсага нисбатан, қандай муносабатда бўлиши ҳам, динимиз таълим беради.

ИАК мусулмон халққа беҳисоб зулмлар қилди. Диндорларга эса, каттароқ зулм бўлди. Зулм қилувчи кимсага қарши, гапиришга, Аллоҳ бизга изн берган.

Аллоҳу таоло айтади; Фақатгина одамларга зулм қиладиган ва ер юзида ноҳақ тажовузкорлик қиладиганларни (айблашга) йўл бордир. Ана ўшаларга, аламли азоб бордир. Шуро сураси 42 оят.

ИАК одамларни ўлдирди. Унинг амри билан ўлдирилганлар сонини, Аллоҳ билади. Бундайлар ҳақида қуръонда очиқ ойдин айтилган, оятлар бор. Аллоҳу Таоло айтади: Аллоҳнинг оятларини инкор қиладиган, пайғамбарларни ноҳақ ўлдирадиган ва одамлар орасидаги адолатга чақирувчи зотларни ўлдирадиган кимсаларга, албатта аламли азоб «хушхабар»ини етказинг! (Оли Имрон 21 оят) Аллоҳу таоло айтади; Ким қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннам бўлиб, ўша жойда абадий қолажак. Ва у Аллоҳнинг ғазаби ва лаънатига дучор бўлган, Аллоҳ унинг учун улуғ азобни тайёрлаб қўйгандир. (Нисо сураси 93 оят)

ИАК одамларни Аллоҳнинг динидан тўсган, золим эди. Унинг компартиянинг Бош котиби бўлганини, биламиз. Бу партия худосизлар партияси, эди. У кейинчалик ҳам, шулар каби сиёсат олиб борди. Уни имон келтириб, мусулмон бўлганига, ҳеч бандада, аниқ ишонарли далил йўқ. Бундайларга, Ўзи қандай муносабатда бўлишини, Аллоҳ Таоло баён қилиб қўйган. Аллоҳу Таоло айтади: Албатта, кофир бўлган ва Аллоҳнинг йўлидан тўсган кимсалар, қаттиқ адашгандирлар. Албатта, куфр йўлига кириб, жабру зулм қилган кимсаларни, Аллоҳ ҳаргиз кечирмайди ва зинҳор ҳақ йўлга, ҳидоят қилмайди. Магар уларни жаҳаннам йўлига, равона қилур ва улар у жойда абадий қолажаклар. Бу Аллоҳга осондир. (Нисо сураси 167, 168, 169 оятлар)

ИАК динни, жамиятдан узоқ тутишга ҳаракат қилди. Сарой уламолари унга, бу ишда ёрдамчи бўлдилар. Ваҳолонки, Расулulloҳ олиб келган дин, уларнинг динидан катта фарқи бор эди. Улар «Жиходнинг афзали золим ҳукмдор ҳузурида айтилган, ҳақ сўздир». (Абу Довуд ривояти) деган ҳадисни, билдилар. Улар билиб туриб, амал қилмайдиган кимсалардир. Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Мендан сўнг сизларга, билган нарсаларини гапирадиган ва билганларига амал қиладиган амирлар бўлади. Уларга итоат қилиш, тоатдир. Бир замон шу ҳолда турасизлар. Сўнг улардан кейин, билмаган нарсаларини гапирадиган ва билмаган нарсаларини қиладиган, амирлар волий бўлади. Кимда-ким уларга дўстона муносабатда бўлса ва ёрдам берса, уларни қўллаб-қувватласа, ўшалар ўзлари ҳам, ҳалок бўлади, бошқаларни ҳам, ҳалокатга етаклашади. Уларга таналарингиз билан аралашинглар, бироқ амалларингиз билан, улардан ажралинглар! Яхшига яхши деб, ёмонга ёмон деб гувоҳлик беринглар!» (Табароний ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 457).

Бу ҳадисда зикри келган амирлар, мусулмонлиги аниқ бўлган кишилардир. Шуларга нисбатан, шундай муносабатда бўлишга буюрилмоқда. Улар бу ҳадисни, билмайдиларми? Улар билишади. Улар Аллоҳга ва унинг Расулига, билиб туриб қарши чиққан, кимсалардир, халос. Валлоҳу аълам. Бундайлар ҳақида ҳам, Аллоҳ Ўзи хабар берган. Аллоҳу Таоло айтади: «Ким ҳақ йўлни аниқ билганидан кейин, пайғамбарга хилоф иш қилса ва мўминларнинг йўлларида бошқа йўлга, эргашиб кетса, биз уни кетганича қўйиб берамиз. Сўнгра жаҳаннамга доҳил қиламиз. Нақадар ёмон жойдир у!» (Нисо сураси 115 оят).

ИАК нафақат диний асосда, балким дунёвий ва халқаро қонунларга кўра ҳам, том маънодаги мустабид золимдир. Миршаблар уни худо деганига мен гувоҳ бўлганман. Унга нисбатан қилинган сарой имомларининг муносабати эса, қўрқув сабабли, ва дунёвий манфаат сабабли динни бузишликдан бошқа нарсамас. Улар уни, кимлигини била туриб, унга шундай муносабатда бўлдилар.

Пайғамбар алайҳиссалом амакилари Абу Толиб, у кишига ва мўминларни, ўн йил, ҳомийлик қилиб, мушрикларнинг зараридан, ҳимоя қилиб келди. У Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳақ пайғамбар эканини, Ислом ҳақ дин эканини қалбан, тасдиқлаган эди. Бут санамларга сиғинишни, ташлаган эди. Лекин, у шаҳодат калимасини айтиб, динга кирмасдан, ўлди. Шу кишига, Пайғамбар алайҳиссалом, мағфират дуоси қилмадилар. Балки унинг дўзахий эканлигини, баён қилдилар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга ва саҳобаларга, Маккада аввалги ўн йил давомида, ҳомийлик қилган киши дўзахда бўлса, у кишининг умматига 26 йил зулм қилган кимса, жаннатий бўладими?! Ўзбек муллалари қуйидаги ҳадисни билмайдиларми?!

Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Мендан сўнг сизларга шундай амирлар келадики, мункар деб билган нарсаларингизни маъруф, маъруф деб билган нарсаларингизни мункар, дейишади. Сизлардан қай бирингиз, ўша ҳолатга етишса, Аллоҳга осий бўлган кимсага, итоат йўқдир!» (Ҳоким ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 590). Аллоҳга осий бўлган кимсага, итоат йўқдир! деган, очиқ ойдin ҳақиқатни олдида, улар оми одамларни адаштирмоқдалар. Золимлар ёнида туриб зулмига, шериклик қилмоқдалар. Улар туфайли, бошқа диндорлар, сон саноксиз зулмга учрадилар. Ҳалигача, турмаларда ётишибди. Уларга шунча зулмлар қилган ИАКни жаннатга киришини, дуо қилмоқдалар. Унга мағфират сўрамоқдалар. Аллоҳу Таоло охиратда жаннатга эришувчи кишилар сифатини, кўп оятларда баён қилгандир. Бу сифатлар ИАКда кўрилган эмас. Унда бунинг акси кўринган халос. Аллоҳу Таоло айтади: Биз ўша охират диёрини ер юзида, зулму-зўравонлик ва бузғунчилик қилишни истамайдиган кишилар учун қилурмиз. Оқибат тақво қилгувчи кишиларникидир. (Қасос сураси 83)

Саволга жавобан қисқа хулосам шуки: Агар бир мўмин муслмон кишининг, гуноҳ устида ўлим топгани маълум бўлса, унга мағфират сўраб дуо қиламиз. Унга жаноза ўқиб, кўмиш ҳам мумкин, деймиз. Лекин, ИАК каби, ислом ва муслмонларга душманлиги билан маъруф бўлган кимсага нисбатан, у ароқ ичиб ўладими ё, ичмай ўладими, фарқи йўқ, мағфират дуоси қилмаймиз. Чунки, мағфират Аллоҳни яккалигини тан олган, тавҳид аҳлига хосдир. Валлоҳу аълам. Аллоҳу Таоло айтади: Албатта Аллоҳ Ўзига (бирон нарсанинг) шерик қилинишини кечирмас. Шундан бошқа гуноҳларни Ўзи хоҳлаган бандалари учун кечирур. Ким Аллоҳга (бирор кимса ёки нарсани) шерик келтирса, бас, у буюк гуноҳни тўқиб чиқарибди. (Нисо 48 оят) Юқоридаги саволга, булар менинг жавобларимдир. Агар тўғри бўлса Аллоҳдандир ва агар хато бўлса, мендандир. Аллоҳ ҳеч кимни мағфиратидан маҳрум кимсалардан қилмасин. Омин.

Саҳвий

23.10.2016

7 боб тугади

Бу бобда, Обид қори қавмидаги радикалларнинг, уюштирмақчи бўлган фитна фасодлари зикр қилинади.

Давид Идриссон ёзган смслар нимани англатарди?

2018 йилнинг 31 мартада Швеция полицияси Стокгольм ва Стромсундда махсус амалиёт ўтказиб, Бахтиёр Умаров, Фарҳод Тошмухаммедов ва Отабек Умаровниб ҳибсга олди. Кейин яна уч нафар Ўзбекистонлик, Ақромжон Эргашев, Ғулом Турдиев, ва Шоаҳмад Шомахмудов ҳибсга олинди. Хуллас, Обид қори муридлари, терроризмда айбланар эди. Швед прокурорлари айбланувчиларнинг барчасини, террорни молиялаштиришда, уч нафарини эса, Швеция ҳудудида террор ҳужуми уюштиришга ҳаракат қилганликда, айблади. Ислом овози саҳифаси, Раҳмат Оқилов терактида қилганидек, бу олти шахсни, Обид қорига алоқаси йўқлиги ҳақида, махсус баёнот бермади. Булардан баъзилари ҳақиқатда, уларга алоқаси йўқ эди. Баъзилари эса, уларга яқин шахслар эдилар. Ўзбекистонлик меҳнат муҳожирини бўлиб ишлаб юрган, Бахтиёр Умаров, ва Ғулом Турдиевлар, Стромсундда ҳеч қачон бўлмаган, эдилар. Шорасул Маҳмудов (Бойота) ни ўғли, Шоаҳмад Шомахмудов ва Давид Идриссон (Фарход Тошмухаммедов) Стромсундда яшаган ва ҳозир ҳам, яшайдилар. (Аҳмад Гётеборегга кўчган) Асли Қирғизистонлик Отабек Абдуллаев эса, Швецияга Фарходни таклифига кўра келган ва бу ерда ҳали, ишлашга ҳам улгурмаганди. Фарход у билан Москвада танишган ва улар бир муддат, бирга ишлашгандилар. Фарход бу қирғиз ошнасини Швецияга таклиф қилган ва у билан бирга, Швецияда «тўй» қилмоқчи эди. Ақромжон Эргашев аслида, буларга алоқадор шахс бўлмаганди. Уни Туркияга пул жўнатиб тургани ҳам, рост. У бу пулларни, Стокҳолмда ишлаб топганди. Уни пул топишга усталлигига қойил қолмай, илож йўқ эди. Ақромжон Эргашевнинг Туркиядаги воситачи орқали, Суриядаги ИШИДчиларга 18 минг швед кронаси, (2 минг АҚШ доллари миқдорида) пул юборгани иддао қилинганди. Прокурорлар бу даъвога далил ўлароқ, мобил телефонга ўрнатилган чат дастурларидаги ёзишмаларни, келтирган эди. Мен олдинги қисмларда айтиб ўтганимдек, Бойота Стромсундни тарк этиб, ИШИДга қараб йўл олди. У Туркияга бориб, у ердан Сурия томонга ўтган. У ерда кўп бўлмай, ортига қайтган. Туркияда қаеридадир, нелегал ҳолда яшаб юрган. Уни ИШИДга кетгани ҳақида, шу Стромсунддаги либералларнинг ўзлари, СЕПОга хабар беришган. Бу билан улар, ўзларини сақлашга уринганлар. СЕПО унинг паспортини ва бошпанасини бекор қилган. Шу билан, Бойота нелегал ҳолатга тушиб, ҳужжатсиз бошпанасиз, қаердадир қолиб кетди. У кишини билан, бир қишлоқда икки йил яшаганман. Уни озми кўпми, танийман. Гапни рост бу кишига, аслида Халифат қуришлик ҳам, унчалик муҳим иш эмасди. Уни атрофидагилар, уни шу каби, ишларга йўллаб қўйишди. У билан қуда анда бўлган Исмоил ҳам, Сурияга бориб видеога тушиб, қайтиб келганди. Бойотани молиявий жиҳатдан қийин аҳволга тушгани ва бир жойда ишлаб пул топишга, лаёқати йўқлиги ва оиладаги қадр қиммати бир пулга айлангани, уни ҳамма нарсани тарк этиб, Халифат қуришга ундади. Ўзи на сиёсатни ва на динни тушунмайдиган одам эди. У Тошкентда умри бўйи, нонвойчилик қилганди. Унга бир тандир бўлса, бошқа нарса керакмасди. Афсус, шу тандир топилмади. Унинг ўғли Аҳмад (Шоаҳмад Шомахмудов) унга пул жўнатиб турарди. Халифатчи, Туркияда, ейишга нон тополмай қолганди. Булар бари назоратга олингани учун, Аҳмадни кимга пул жўнатгани, СЕПОга маълум эди. У отасига пул юборгани учун, терроризмни молиявий қўллаб қувватлаганга чиқарилди. Ва қамоққа олинди. Туркия орқали ИШИДда юрган ўзбекларга, пул жўнатилгани рост эди. Лекин, бу пуллар Швециядан Туркияга кетгани маълум эди, халос. У ёқдан пуллар қаерга ва қандай кетгани СЕПОга ҳам, маълум эмасди. Туркияга пул жўнатишлик, жиноят ҳам эмасди. Лекин, буларнинг телефонидаги ёзишмалар, бу пуллар қаерга кетганини очиб қўйди. Биз ҳеч нарсани ўйламасдан, телефонда, у бу кимга смслар юборамиз. Бу гўёки, оддий нарса. Аслида ҳам шундай. Лекин, бу смслар йўқолиб кетмас экан. Бу смсларни телефондан удалит қилинса ҳам, СЕПОга, буни топишлик, муаммо эмас экан.

Мен бунга, шу ерда кўп гувоҳ бўлдим. Бухоролик Нодира Аминова ва Баходир Пўлатовлар кўп марталаб, Москвадаги акаси Умид Аминов ва Жуковский билан, смслар ёзишган. Обид қорига суиқасд қилинган, бу эр хотин ўша смсларни тозалаб, нумерларни алмаштириб, ҳеч нарса кўрмаган одамдек, юришган. Кейинроқ, улар ҳибсга олинди. Суд бўлди. Ўша судда камина ҳам, қатнашдим. Мени ҳайратга солган нарса шу бўлдики, Нодира Аминова йўқ қилдим деб, ўйлаган смслар ва компьютер ёзишмалари ва скайпдан ёзишганларигача, бари бирин кетин, чиқиб келарди. Катта экранда буларни, биз ўтириб, тамошо қилардик. Қайси смс, қайси нумердан, қайси минутда жўнатилган ва ёки, қабул қилингани, ҳаммаси бор эди. Буни инкор қилиш, имконсиз эди. Мен бундан ҳайратга тушганман. Буни мен, биринчи марта ўшанда кўргандим. Хуллас, бу пул жўнатувчиларни смслари ҳам, уларни ошқора қилиб қўйди. Шу туфайли улар ҳам, ҳибсга олинди.

Давид Идриссонга келсак, (Фарход Тошмухамедов) бу кимса, шу Нодира Аминова билан бўлган судларни кўриб, билад туриб ҳам, ИШИДдаги Тошкентлик ўзбеклар билан, ёзишмалар олиб борган. 2017 йилнинг 5 июлида Швецияда истиқомат қилаётган ўзбекистонлик Фарход Тошмухамедов (ҳозирги исми Давид Идриссон) ва унинг "Сайфуллоҳ" тахаллусли таниши ўртасида, Telegram мессенжери орқали ёзишма бўлиб ўтади.

Фарход Тошмухамедов: - Биродар утган Хайитлар билан. Туйларга яхши бориб келдизми? Бир жиддий маслаҳат, бор эди. Қачон гаплашсак булади? "Сайфуллоҳ": - Ва иякум ока. Ока ман хозир алокадаман йозувринг, бугун мен алокадаман. Лекин 3 кундан кейин кайтишим керак жойимга.

- Бизага машина устаси керак. Ишини яхши биладиган. Машина ремонтини ургатаолидиган. Четга чиколмайман. Хужжат умуман бермаяпти.

- Ока усталарни зурлари силардаку, йоки сизга заксга чиқишга мошинани ясаиб берадиган одам керемиди?

- Ха туйга. - Ока агар хохласез канаклиб безатиб ясаатишни уратадиган видео ташабераман ва бази заксга машина ясатадиган братлар билам алока қилиб қуяман иншАллах. - Алхамдулиллах.

Ж хойр.

Швед прокуратураси хулосаларига асосан, Фарход Тошмухамедов билан, "Сайфуллоҳ"дан ташқари яна, "Саид-1", "Абу Нух ал Ўзбеки", ва "Баттар" тахаллусларида, алоқада бўлган шахс, Тошкентлик Ботир Юсуповдир. Сайфуллоҳ Суриянинг "Ислом давлати" (ИШИД) назорати остидаги ҳудудларидан туриб ёзаётганди. Ёзишмаларни очиқласак, Фарход Ботир ошнасида «Тўй» ўтказишга машина безовчи, уста кераклигини айтади. Тўй дегани, теракт эди. Машинани безаш дегани, ичини бомба билан тўлдириш, эди. Буни мен авом билар эканман, СЕПО билмасмиди?! Буни ДХХ ёки, ФСБ билмайдиган даража аҳмоқми?! Менимча махсус хизматлар, бизлар ўйлаганчалик аҳмоқ эмаслар. Биз уларни атрофимизда, назорат қилаётганини сезмаслигимиз мумкин. Бу дегани, улар беҳабар қолди, дегани, эмас экан. Булар барини, Фарход билмаган. Билганида у бундай қилмасди. Аҳмоқлик қилган. Судда эса, тўйни бу оддий тўй, мен ўғлимни уйлантирмоқчи эдим. Шу тўйда машинани безамоқчи эдим. Шунга ундан ёрдам сўрадим деган. Қаранг, Фарход СЕПОни аҳмоқ қилишга уринган. Швецияда тўй қилиб, келин ўтирадиган машинани безашга, Суриядаги одамдан, уста топиб беришни сўраганини айтган. Швециядаги ўзбеклар ҳеч қачон, келинни машина безаб, олиб келишмаганди. Булар бари, унинг тўрга тушган балиқ каби, типирчилаши эди, халос. Фарход аслида ким эди?! У пихини ёрган, мошонник эди. Бу кимса ҳақида, алоҳида тўхталаман.

Фарход Тошмухамедов ким эди?

Швецияда терроризмда айбланиб қамалган олти шахс ҳақида, ёзар эканман, аввал Фарҳодни шахсига тўхталаман. Бундан кейин қолганларига ҳам, навбат келади. Бу кимса ҳақида ҳали, узоқ ёзишга тўғри келади. Фарҳодни фирибгар деган, эдим. Уни фирибгарлигига доир маълумотларни, бир оз ёритишга тўғри келади. Бу нусха менга Товоқсой Зонасидан танишдир. Китобни бошида зикр қилиб ўтилганидек, уни мен биринчи марта, 1996 йил Товоқсой зонасида учратганман. Ўғирлик қилиб, қамалганлардан бири эди. У пайтларда зоналарда диний маҳбуслар, жуда кам эди. Улар ҳам ё, наркотик модда ва ё қурол билан қамалганлар, бўларди. Бошқалари, оддий жиноятчилардан иборат эди. Шу каби жиноятчилардан баъзилари, у ерда ўша пайтда мавжуд имконият туфайли, намозхон бўлишганди. Фарҳод аслида, Обид қорига мурид бўлишидан анча олдин, мени шогирдим бўлган. Буни мен ҳам, уни ўзи ҳам инкор этолмайди. У бугун мени, кофир деб, фатво берадиган даражада, такфирчига айланган. Лекин, ўзи тавҳид нималигини, мендан ўрганганди. Диндан беҳабар кимса, эди. Бугун мени тан олмайди. Ўзини, уламо санайди. Ўзи ҳозир ҳам, алифдан калтакни ажрата оладиган, одам эмас. Лекин, у бу кимсани кофир деб, ҳукм чиқаришга, уста одамдир. Хуллас, бу нусха озодликка чиқиб кетди. Уйланди. Шу хотини туфайли у, Обид қори қавмига яқинлашди. Божаси Зиёд ҳам, Фарҳодни хотинини опасига уйланганди. Шу опа сингил буларни, Обид қори қавмига, яқинлаштирди. Зиёд ва хотини Қозоғистон орқалик, Швециядан бошпана олишди. (уларга Тошкентда бирорта тазйиқ бўлмаган ва бўлиши мумкин ҳам, эмасди) Улар Тошкентда диний фаолияти билан танилган, кимсалар эмасди. Божаси Фарҳод Москвада, мардикорларни олиб келиб, ишлатиб юрган крутой мошеник, эди. У ҳам божасидан, БМТни борлигини эшитган ва Москвада туриб, БМТга учраб, бошпана сўраганди. Ваҳолонки, бунга ҳам, бошпана сўрайдиган бир сабаб, ДХХ томонидан, бирорта тазйиқ бўлмаганди. У диндор ҳам бўлмаган ва МХХ назоратида ҳам, турмаган эди. Булар Обид қорини бошқа муридлари, Швецияга кетганидан хабар топиб, унинг ортидан эргашиб келган, фирибгарлар эди, халос. Обид қорига ҳам, буларни аслида умуман, кераги йўқ эди. Булар унга бош оғриқ бўлишди, халос. Бунақалар филдираги йўқ вагонлардир. Буларни судраш, ҳар қандай паровозга, оғирлик қиларди. Обид қори буларни, судрашга мажбур эди. Бойота ҳам шулар тоифасидан эди. Булар на диний ва на дунёвий саводи йўқ ва турган битгани, касофат кимсалар эди. Шулар Стромсундда, кўп хунарлар кўрсатишган. Хуллас, менга Москвада ҳуқуқий ёрдам берган рус аёли, Елена Рябинина, шу Фарҳодга ҳам, ҳуқуқий ёрдам кўрсатганди. У аёл кўп ўзбекларга, ёрдам кўрсатган. Ўзи атеист эди. Унга Швецияга келгач, озроқ ёрдам бермоқчи бўлиб, пул жўнатаман деганимда, у йўқ деганди. У беминнат ёрдам кўрсатган, аёл эди. Бу аёл, мен турмада пайтимда, менга телефон қилиб турарди. (Россия турмасида, у пайтлар яширинча, телефон ишлатиш мумкин эди) у мен ҳақимда, Фарҳодга айтган ва у, танийман деган. У менга Фарҳод ҳақида, гапириб қолди. Мен уни танийман, дедим. Хуллас, У билан ҳам, телда бир икки гаплашган бўлдим. У менга ўзини БМТдан бошпана олганини ва тезда Швецияга кетишини, айтмаган. Мен турмадан чиққанимда, Елена мени, у ремонт қилаётган уйга олиб борди. Менга бир икки кун туришимга, бир жой керак эди. Шунга, унга телефон қилиб, жой сўраганда, у ўша ремонт қилиб турган ерга олиб кел, деган. Бу кунлар ҳақида, мен «муस्ताқиллик шарофати» номли китобимда, тўлиқроқ ёзиб кетганман. Ўша китобдан иқтибос:

БМТ офисидаги бир ҳафта

Мен ўзбек турмасида ўтирганимда танишган, Фарҳод деган бир, бола бор эди. У қандайдир жиноий иш билан, қамалган бўлиб, у ўша ерда, мендан озми кўпми, диний таълим олганди. Уни 1998 йилда озодликка чиққанидан бери, кўрмагандим. 2008 йилда Москвада кўрдим. Шу бола ўша пайтда, Москвада юриб, БМТга бошпана сўраб мурожаат қилган ва Елена уни танир экан. Уни ишлари битган ва тез орада чет элга чиқиб кетар экан. Бу маълумотларни Елена биларди. Мен уни танишимни, Еленага айтгандим. Ўшанда, мен у бола билан бирга ўтирганман деб, айтгандим. Елена ҳайрон бўлиб, у турмада ўтирмаганку, деганди. Маълум бўлишича, У бола Еленани алдаган ва унга жиноий иш билан қамалганини, айтмаган экан. У ўзини диндор тақводор қилиб, диний қарашлари учун тазйиққа учраган қилиб, кўрсатган.

Бундай фирибгарлар жуда кўп эканлигини, мен ўша пайтда, билмасдим. Бундайларни кейинроқ, Швецияга келганимдан кейин, кўрганман. Хуллас, ўша болани телефони Еленада бор эди. Унга телефон қилиб, вазиятни тушунтириб, бир икки кун туришга ишончли жой борми? деб, сўради. У бола бундай жой борлигини ва фалон ерга келишни, айтди. Елена бир танишига телефон қилиб, ундан бизни, шу Суд биноси олдидан, ўша ерга олиб бориб қўйишни илтимос қилди. Биз кўп қаватли, янги қурилган ва ичларидаги сувоқлари битмаган, бир бинонинг олдида бордик. Ўша ердан, у бола келиб, бизни ичкарига бошлади. Мен уни Товоқсойда зонадан чиқиб кетганидан кейин, ўн йил ўтгач, шу ерда кўргандим. Товоқсойда бизлар, қадрдонлар эдик. Мен ҳалиям уни, шундай деб ўйлаб, адашибман. У анча ўзгарган экан. Биз кўп қаватли уйнинг, қайсидир қаватига чиқиб, бир уйга кирдик. Бу уйнинг ичи, остин устун бўлиб, ҳали бу ерда ички ремонт ишлари кетаётганди. Бир хонага кириб, ўтирдик. Уч тўртта ўзбек болалар, ишлашаётган экан. Шу ерда Елена бир пас ўтириб, кейин, душанба куни келиб, сени БМТга олиб бораман деб, кетди. Бизни бу ерга олиб келган бола ҳам, ишим бор деб, тезда жўнаб қолди. Мен шу ерда, учта Фарғоналик болалар олдида, қолдим. Душанбегача шу ерда турдим. Эсимда йўқ, кимдандир эски телефон олиб, янги симкарта олиб, унга пул солдириб, Ўзбекистонга уйимга, телефон қилдим. Турмадан чиққанимни айтдим. Онамни аҳволи, яхши эмас экан. Энди телефонда ҳам, гаплашолмас экан. Баъзи олдида кирганларни, кимлигини ҳам танимас экан. Бу уйдаги болалар менга, Фарҳод, уларни алдаб, ойига икки юз доллар ойлик бераман деб, олиб келганлигини ва келганига, уч ой бўлсада, ҳали ойликдан дарак йўқлигини айтиб, шикоят қилиб қолишди. Унинг бир укаси ҳам шу ерда яшашини ва у қандайдир, рус аёлга уйланганлигини ва у аёл прокуратурада ишлашини ва шу аёл орқали, бу ака укалар, кўп ишлар қилишини гапирди. Бу ерга келган болалардан баъзилари қочиб, бошқа ерга, кетиб қолишган экан. Бурхон дегани ва яна иккиси шу ерда, ишлашаётган экан. Бу уй Рамзан Қодировга хизмат қилувчи, қандайдир чечен генералига тегишли, уй экан. Бу чеченни уйини ремонт қилишни, Фарҳод ўз зимасига олган ва бу болаларни олиб келган экан. Мен бу гапларга ҳайрон бўлдим. Бу бола (Фарҳод) тақводор эди, шекилли? Нима бало бўлдики, бунақа қилаяпти? Деб, ўйлаб, ўйимга етолмадим. Бир тарафни гапини эшитиб қарор чиқариш имконсиз эди. Бир қирғиз бола (Отабек Абдуллаев) ҳам, Фарҳодни ёнида юриб, таксичилик қилар экан. У бола эртасига келганида унга, Фарҳодга айт, бу ерга келсин, унга гапим бор, дедим. Хўп деб, чиқиб кетди. Мен Бурхонни телефон номерини ёзиб олдим. Фарҳод билан бу болани масаласида, гаплашмоқчи эдим. Душанба куни Елена келди. Шу тонгда, қирғиз бола ҳам машинасида келди. Фарҳод бошқа машинада экан. Гаплаша олмадим. У мендан қочишга уринарди. Мен унга Бурхонни пулини беришни ва бундай қилиб одамларни алдашлик яхшимаслигини, айтдим. У эса, у алдаяпти деб, гапни қисқа қилди. Мен қирғизни машинасига миниб, Елена билан бирга, Москвада БМТ қочоқлар кўмитаси жойлашган, бинога бордим. Шу ерда мени олиб келган машина, кетди. БМТ қочоқлар кўмитаси, кўп қаватли бинонинг учинчи ёки тўртинчи қаватида, жойлашган экан. Биринчи қаватда қандайдир, театр бор экан. Бу ердан қайсидир метрога икки юз метрча, масофа бор эди. Елена билан ичкарига кириб, кимнидир кабинетига кирдик. У ерда бир аёл менга, бир БМТнинг кўк ҳужжатини бериб, БМТ мени бошпана изловчи деган, мақомни беришга қарор чиқарганлигини ва бу ҳужжат ўша мақом эгаларига бериладиган ҳужжатлигини айтди. Ҳужжатга мени суратимни қўйиш керак экан. Мени суратга тушишим учун, кимдир бирга боради ва сен бирор жойга жойлаштиргунимизча, шу ерда БМТ биносида турасан деб, тушунтирди. Менга қандайдир ёрдам фондидан юз доллар пул, бир ойга деб, ажратишди. Бу пулни Елена олиб, рус пулига айлантириб, қўлимга бериб кетди. Шундай қилиб, БМТнинг ичидаги қандайдир бир ойнасиз қоронғу ерга, олиб кириб, иккита каравотдан бирини кўрсатиб, шу ерга ётасан, дейишди. Шундай қилиб, БМТда бир ҳафтача, қолиб кетдим. Бу қоронғу уйда кун бўйи ташқарига чиқмасдим. Ташқарида БМТ ходимлари ишлашарди. Мен улар кетгач чиқиб, коридорни айланардим, халос. Ҳалиги пулга пастга тушиб, озиқ овқат магазинидан егуликлар олиб чиқардим. Фарҳодни бошқа кўрмадим. Қирғиздан сўраганимда, у Украинага кетган деб, жавоб берди. Қачон келади десам, у келмайди, ўша ердан Швецияга кетади деб, қолди. Мен ҳайрон бўлдим. Бу қизиқ бўлдику. Бу болаларни, пулини ким беради? У нега, менга айтмасдан, қочиб кетади?

Тушунмадим бу болани. Мен тақво либосига ўраниб, профессионал мошеникка айланган, бу кимсани ҳақиқий турқини, ўша пайтда, билмас эдим. Уни кейинроқ, Швецияда янада аниқроқ билдим. Менга уни, индамай кетиб қолгани, қизиқ туюлди. Бу болалар эса, уни кутиб пул беради деб, юришибди. Мен Бурҳонга телефон қилиб, Фарҳод кетибди. У энди келмас экан дедим. У бечора йиғлаб Фарҳодни укаси келиб, паспортларимизни олиб қўйди. Яна бизни 500 доллар, қарздор қилиб, шу пулни тўласанглар, паспортни бераман деб, кетди, деб қолди. Бу кутилмаган, янгилик эди. Мен икки тарафни бир вақтда ўртасида туриб, қандай шарт шароит бўлганлигини эшитмаганим учун ҳам, бу ерда ким ҳақ ким ноҳақ, англолмасдим. Билганим шуки, Фарҳодни зиммасида, мажбурият бор эди. Бу мажбурият, шу болаларни Россияга олиб келиб, ойига икки юз доллардан пул бераман, дегани, эди. Бу бориш ва келиш харажатларидан ташқари, бўлиши керак эди. Фарҳод бу ваъдани бажармай, Киевга кетганди. Билганим шуки, бу болалар, русча билмайдиган содда ва ёлғон гапирмайдиган, намозхон йигитлар эди. Фарҳод ҳам Товоқсойдан бошлаб, намозхон бўлган бўлсада, унда фитратида кибр ва манманлик бор эди. Унда айёрлик ва фирибгарлик, бор эди. Бу сифатлар имонга келган одамда, йўқ бўлиши керак бўлсада, бу болада йўқолмай қолганди. Баъзиларда, бу сифатлар, фақат жаҳаннамга борганидагина йўқолади. У пайтда на кибру ҳаво ва на фирибгарликдан, асар қолмайди. Лекин, ундан олдинроқ йўқолгани афзал эди. Мен Бурҳондан Фарҳоднинг укасини телефон номерини олиб, телефон қилдим. Мен унга, шу акангни танишиман, шунақа шунақа бўлган экан. Паспортларни олиб кетибсан, дедим. У бола акасидек, инсофини еб қўймаган экан. Менга яхши гапирди. Бу болаларни паспортини олганлигини ва сабаби улар қарздор эканлигини, айтди. Мен унга қанақа қарздор? Буларни ойига икки юз доллар ойлик бераман деб, олиб келибдику аканг, дедим. У эса, ҳа улар еб ичганига, бу пуллар кетиб қолган, деди. Мен ҳайрон бўлдим. Келишувда еб ичиш ва йўл кирадан ташқари, икки юз доллар ойлик бераман деб, ваъда қилган экан. Хуллас, бу масалани, ўртада турганлар бўлмагани учун, биз ҳал қила олмас эдик. Мен ундан шу паспортларни, қайтариб беришни, илтимос қилдим. У бола мен пулига зор эмасман, лекин, улар у бу қилгани учун, шундай пулни берсанг, паспортингни бераман деб, олиб кетдим деди. Мен унга, сен паспортларни қайтар. Майли, ўзи йўлини қилиб, уйига кетар деб, илтимос қилдим. У битта шарт билан, қайтараман деди. Нима десам, ўша пулни сизга берсин, сизда пул йўқ, муҳтожсиз, деди. Мен унга бўпди, пулни ундан ўзим оламан, паспортларни бер, дедим. У эртага бориб, бериб келаман деди. Эртасига Бурҳон телефон қилиб, ака паспортларни олдик. Энди сизга қарздормиз, деди. Мен унга паспортларни олган бўлсанглар, йўл кира топиб, уйинга жўна, дедим. Бурҳон дуо қиламиз, сизни ака, у бу деб, хурсанд бўлиб, қолди. Хуллас, бир ҳафта БМТда ётдим. Кейин мени БМТ машинасида Москвадан икки соатлик йўлдаги, Вербилка деган, қишлоққа олиб боришди. Бу қишлоқда Нажибуллоҳ давридаги амалдорларнинг оилалари ўша пайтда, Толибондан қочиб келишган экан. Булар бу ерда, турли уйларда ижарада туришаркан. Буларни на Россия фуқаролигига қабул қилишмаган ва на бирорта, чет элга жўнатишмас экан. Булар БМТ назоратида, шу ерда, ўн йиллардан ошиқ яшашар экан. Кўпчилик болачалар, шу ерда туғилган ва рус тилида бемалол гаплашадиган, русларга айланган эканлар. Саҳвийнинг Мустақиллик «Шарофати» номли китобидан, 113 дан 116 бетлар.

Қуйидаги линкда шу китобни тўлиқ ўқишингиз мумкин.

<https://tayanchdotcom.wordpress.com/%D0%BC%D1%83%D1%81%D1%82%D0%B0%D2%9B%D0%B8%D0%BB%D0%BB%D0%B8%D0%BA-%D1%88%D0%B0%D1%80%D0%BE%D1%84%D0%B0%D1%82%D0%B8%D0%B4%D0%B0-%D1%9E%D1%82%D0%B3%D0%B0%D0%BD-%D0%B1%D0%B5%D1%88-%D0%B9%D0%B8%D0%BB/>

Хуллас, Фарҳод кўп ўтмасдан, оиласи билан биргаликда, Киевдан Стокхольмга учиб кетганди. У пайтда мен, Вербилка қишлоғида яшаб бошлаган, пайтим эди. Мен бир йил ўтиб, Фарҳодга ўхшаб, Киевга ўтиб, у ердан 20 кунча туриб, кейин, Швецияга келдим. Мен келганимда Фарҳод Обид қори қавмига келиб, қўшилган ва шулар билан бирга яшаётган экан.

Шу Фарход, менинг Товоқсой зонасидан, эски танишим ва шогирдим эди. Мен ҳам Швецияга келгач, у бу ерда ҳам, озми кўпми, кўриб турардим. Лекин, у энди мен таниган оддий, Фарход эмасди. У энди крутой, Фарход эди. У ҳаммани алдаб, лақиллатиб, пулини олиб кетадиган, мошеник эди. Буни, у пайтда Стромсунд қавми, тан олмасди. Улар буни иззат икром қилишарди. Сабаби, ким Обид қорини мақтаса, улар шунақаларни, ўзларига яқин тутишарди. Уни мақтамаганларни, улар душман тутишарди. Фарход ҳам Обид қорига нисбатан, ўз садоқатини кўрсатиб, ишончига кирганди. Бу ҳолат, анча вақтгача давом этди. Фарход учига чиққан, фирибгар эди. Фарход Швецияда ҳам, Россиядаги каби, эски ҳунари фирибгарликни давом эттирди. У бу ерда ҳам, одамлардан пул олиб, бермай кетишни одат қилди. Бундан ташқари, турли фирмалар очиб, фирма номига кредит олиб, бу пулларга машиналар олиб, кейин, фирмани банкрот қилиб, фирмани номидаги машиналарни ўзи у бу кимни номига, арзонга, сотиб олиб, Банкакка ўша пулларни ўтказиб, фирмани ёпарди. Кейин, у машиналарни пуллар ва у бу кимларга, ишлаб пул топишга берарди. Хуллас катта пул топишига қарамасдан, одамлардан ҳам пуллар олиб, бермай кетарди. Уйида Стокхольмдан оптом сотадиган, ердан арзонга озиқ овқат олиб келиб, ноқонуний қилиб, уйида сотарди. Пули кўп бўлсада, баракоти йўқ эди. Нечта машиналар, олиб минди. Баъзилар авария бўлди. Баъзиларини ўзи, у бу кимга заказ қилиб, ёқиб юбортирди. Суғурта компаниясидан машинани пулини, тўлиқ ундириб олди. Ресторан очиб, уни ҳам ўт қўйиб, суғуртадан пул олди. Фирибгарликни нечта хили бўлса, қилди. Тошкентдан бир хотинни топиб, уни боласи билан Грецияга олиб келди. Унга уйланмоқчи бўлиб, Грецияга машинада кетаётганда, халқаро қидирувда бўлгани учун, Болгария полицияси уни ушлаб, қамаб қўйди. Швеция ўртага тушиб, озодликка чиқди. У хотин Тошкентга, қайтиб кетди. (халқаро қидирувга берилгани сабаби, у бир намоийишда видеога тушиб қолганди) Кейин, Россиядан бир чечен хотинни топиб, уни олиб келиб, унга уйланиб олди. Уйидаги хотини уришиб, мажбурлаб уни, уч талоқ қилдирди. У хотиндан иккита боласи бўлди. У хотинни Швеция, Россияга депорт қилиб юборди. Бу шу қадар, устаси фаранг фирибгарга айландики, буни Стромсунддагилар мушугини пишт, дейишмасди. Бу хотинидан олтига, боласи бор эди. Булар социалда ўтирарди. Бу бошқа жойга регистрация қилиб, қўйиб, оиласи билан ажралган шахс сифатида, ўзи мустақил яшарди. Мен уни ҳаммани алдаб юрганини эшитиб, унга атаб, «Фирибгарга» номли бир шеър ёзиб сайтимга қўйиб қўйгандим. Қуйида шу шеърни ўқишингиз мумкин.

Фирибгарга

Бир эски танишим бор,
Кўриниши бинойи.
Сўфинамо, тақводор,
Ўйламанг деб, анойи.

У фирибгар бўлганди,
Шу туфайли қамалган.
Ўтмишдаги қилмиши,
Унутилган, саналган.

Аммо, “тақводор” бўлиб,
Кетолмади узоққа.
Соқоли билан халқни,
Илинтирар тузоққа.

Алданмаган одам йўқ,
Алдамаган, одами.
Фирибгарлик бўларкан,
Фирибгарларнинг «ғами».

Каззобликга доимо,
Буюради шайтони.
Бу қандайин мусулмон,
Қани бунинг имони?!

Қочиб юради олиб,
Одамларнинг пулини.
Совурдингми инсофни,
Ёқиб, кўкка кулини?!

Унинг виждони нега,
Қийналмайди демагил.
Йўқ нарса, қийналмайди,
Бунга, қайғу емагил.

Мараз, энди бунчалар,
Шайтонинга эгма бош.
Ўзинги тузатмасанг,
Мен сени, қиларман фош!

Сенга айтадиган кўп,
Нарсаларим, бор манда.
Ўзинги ўнглаб олгин,
Бўлмай десанг, шарманда!

Бу сенга бир эслатма,
Сал ўзинга, келиб ол.
Худодан кўрқмасанг ҳам,
Халқдан озгина уёл!

Сен алдаб кетган одам,
Қилди менга шикоят.
Сенга таъсир қилмайди,
Барибир, ҳадис, оят.

Шу туфайли шеър ёздим,
Очиқламадим номинг.
Шояд, инсофга келиб,
Давом этса, саломинг.

Акс ҳолда унутма,
Тарихинг менга аён.
Сурату, сийратинги,
Ёзиб, қиларман дoston!

2013 йил 13 ноябр.

Бу шеърни сайтга қўйиб ухладим. Эрталаб, ҳали бомдод ўқимасимдан, менга телефон бўлди. (Қишда Швецияда бомдод вақти, соат 9гача бўлади) Телни олсам, мулла Абдувоҳид Йўлдошев экан. Менга у замонлар Стромсунддан, у бу кимлар оз бўлсада тел қилиб туришарди. Лекин, бу буюк зотдан, ҳеч телефон бўлмаганди. Хуллас, у ўзига хос одатга кўра, у бу гапларни сўраган бўлди. Кейин, мақсадга ўтиб, кеча сайтингизда, Фирибгарга деган, бир шеър қўйдингиз, шу шеър кимга аталган, деди.

Мен унга, бу шеър, бир фирибгарга аталган, номидан маълумки, дедим. У менга, қайси фирибгарга? деб сўради. Мен унга, дунёда фирибгар кўп. Қайси бирини, танийсиз? дедим. Хуллас, у менга ҳа, майли, кимлигини айтмадингизда. Агар айтганингизда, сизга айтадиган гапларим бор эди, деди. Мен унга, мен ҳали намоз ўқимаганимни ва гапи бўлса, кейинроқ гаплашишим мумкинлигини айтиб, телефонни қўйдим. У бошқа телефон қилмади. Маълум эдики, у фирибгар укасини ҳимоясига чиққанди. Мен у яна тел қилса, гаплашмоқчи эдим. Унга бу фирибгарни тийиб қўймайсизларми? деб сўрамоқчи эдим. Шу билан, қолиб кетди. Орадан йиллар ўтиб, 2018 йилда бу Фирибгар терроризмда айбланиб, қамоққа олинди. У бир йилча терговда ётди. Шу орада, мени уйимга тасодифан Абдувоҳид Йўлдошев келиб қолди. У уч тўртта шахс билан каергадир кетаётди, йўл йўлакай бир кириб кетайлик деб, киришибди. Мен уларни бир оз меҳмон қилдим. Гап орасида, унга қараб, Братишкангиз нималар қилди? Сиз қаерга қарадингиз? Бунни тийиб қўймайдингизми? деб сўрадим. У кулиб, у мени братишкам эмас. У фирибгар мени ҳам, алдаганди. Мендан қарз олиб, бермай кетди дегандак, гаплар қилди. Бу кишини пулини олиб, яна бировга бу одамга бер деб, кетган эмиш. Энди мен пулни сўраб бошқа одамга, ялиниб юришим керак бўлди, деганди. Хуллас, шу шеър учун, уни ҳимоя қилмоқчи бўлган Абдувоҳид энди, ундан бароат эълон қилганди. У пайтда, ундан ҳамма бароат эълон қилди. Ҳамма у билан, ҳар қандай алоқаси борлигини, яширди. Унга алоқадор бўлиб, балога учрамайин деб, ҳамма ундан қочди. Уни ўзи ҳам терговда ётиб, мен русча гапираман, ўзбекча билмайман дегани хабари, чиқди. У Судда ўзбекча, таржимон керакмас, менга русча таржимон беринглари деган, экан. У Рус тилида гапирадиган, одамга айланганди. У ўзбекчани, билмас экан. Мен уни шайтонни, ўзига учраса, уни ҳам алдаб кетадиган одам эканига, ишонаман. У фирибгарлик соҳасида, дунёда энг фахрли ўринга муносиб, одамдир. У нафақат Обид қори қавмини, у Швеция ҳукуматини ҳам, аҳмоқ қила олди. Алдаб пулини ўмарди. Лекин, швед ҳукумати ҳам, лақма ва содда одамлардан иборат эмас, экан. Уни хронофогденга тикишди. Бу дегани, у энди, ўз номига фирма очолмайдиган бўлди. Банкдан пул ололмайдиган бўлди. Бирор нарсани, кредитга ололмайдиган бўлди. Шунингдек, хронофогденга тушганларга, бошқа фирмалар, иш ҳам бермайди. У ўзи қазиган чоҳга, ўзи тушган эди. Шундай бўлиши керак, эди. Ҳамма у ўйлагандек, аҳмоқ эмас, эди. Айни шу аҳволга тушгач, унда Швециядан қасд олиш, мақсади пайдо бўлди. Сизлар ҳали менга шунақа қилаяпсизларми? Унда мен сизларга, кўрсатиб қўяман деди у, ўзига ўзи. Аммо, у ўзини портлатадиган (Жонфидолардан) аҳмоқлардан, эмасди. Унга жаннатни ҳам, кераги йўқ эди. У жаннатга шошмасди. У ўлса жаннатга тушишига, ишонмасди. (Жаннатга фирибгарлар кирмаслигини ва ўзини учига чиққан фирибгар эканини, ҳам яхши англари) Унга шу ердаги эркинлик ва у бу кимни алдаб, пул топишига, имкон керак эди. Уни шу имкондан, маҳрум қилган ҳукуматдан, у нафратланарди. Унга бошпана бериб, олти боласини, ўн йилдан бери боқиб ўтирган ҳукуматга, раҳмат айтишмас, ундан нафратланарди. Бойота тандир тополмай қолиб, ИШИДга кетиб, Халифат қурмоқчи бўлгани каби, Раҳмат Оқилов депорт бўлиши аниқ бўлиб қолгач, ИШИДга ёрдам беришга, қасд қилгани каби, ҳамма йўллари ёпилиб қолганда Фарҳод ҳам, ИШИДга ёрдамлашишга қарор қилди. Бу ишни у, ўзи ҳаётда қилмасди. Қила олмасди. Бу ўзини жонини фидо қиладиган, мард одам эмасди. Унақалар, бошқача одамлар бўлади. Улар бунақа, мошениклар бўлмайди. Хуллас, у бир «тўй» қилишга, мақсад қилди. Бу тўйни унинг ўзи эмас, бошқалар қилиши керак, эди. Бу ташкиллаштириб бериб, гумдон бўлиши, керак эди. У шу мақсадда, эски таниши Отабек Абдуллаевни, Москвадан чақиртирди. Отабек миллати, қирғиз эди. У диний саводи йўқ, лекин, намозхон эди. У Москвада пайтида, Фарҳодга муридлик қиларди. У оиласидан ажралиб, ёлғиз ўзи, дайдиб юрган бола эди. Уни қайсидир йўллар билан, Швецияга олдириб, у бошпана сўраб ариза бериб, шунга жавоби чиққунча, бу билан бирга Стокҳолмда бу ижарага олган уйда, яшаб турди. Отабек, номига банкдан ҳисоб рақами очмоқчи бўлишади. Уни номидан, икки уч марта Туркияга (ИШИДга) пул жўнатади. Отабекни, қайсидир фирмада ишлайди деган, сохта справкани банк ходимига, кўрсатади. Банкдаги аёл, шу фирмага телефон қилиб, сўраса, унақа одам, бизда йўқ деб, жавоб беришади. Шу билан, уни номига ҳисоб очолмай қолишади. Бахтиёр Умаровни, бир йўллар билан Туркиядан олдиради.

Бу учовлон ИШИДга ёрдам беришга ва Стокҳолмда безатилган машиналарни қўйиб, Самолётга ўтириб, Туркияга учиб кетишга, қарор қилишади. Туркиядан улар, сурияга кетишга ва шу билан, ортга қайтмасликка қарор қилишганди. Шу мақсадда, учта сохта паспорт ҳам, тўғрилаб олишади. Тўрт дона рация ҳам, сотиб оладилар. Рацияда гаплашганида, уни назорат қилиш, имконсиз эди. Шу мақсадда телефондан эмас, рациядан фойдаланмоқчи бўлишади. Фарходни режасига кўра, унинг катта хотини, олти боласи, шу ерда яшаб қолиши, керак эди. Булар унга, пул жўнатиб туришга, керак бўларди. У буларни олиб кетиб, у ерда боқолмаслигига, кўзи етарди. Машинани безатиб бўлиб, Фарход ўзи, Туркияга кетиши керак эди. Бу иккала шоввоз, машиналарни Стокҳолмда у бу ерга қўйиб, ўзлари ҳам, самолётга миниб, учиб кетишлари керак эди. Бу воқеалар содир бўлганида, Фарход Швецияда бўлмаслиги лозим эди. У анчадан кейин, келиши ва ҳеч нарса бўлмагандек, уйига бориб, яшаб юриши керак эди. Машинани безашга, бир тонна химиявий моддалар, сотиб олишади. Бу моддалар икки учта машинага солиниб, у бу ерга қўйиб, кетилиши керак эди. Тўй бўлган пайтида, булар Швецияда бўлмаслиги режалаштирилганди. Ҳаммаси нормал кетаётганди.

Лекин, бир куни кутилмаганда, СЕПО Стокҳолмдаги булар яшаётган ижара квартирани, босади. Айни вақтда Стромсунддаги Фарходни уйини ҳам, босади. Уни бир вилла уйи бўлиб, уни сотиб олиб, бузиб ташлаганди. Янгидан қураман деб, қурмай қолиб кетди. Шу уйни гаражига, у сотиб олган бир тонна химикатни жойлаб қўйганди. Хуллас, ҳаммаси қўлга олинди. Машинани ҳайдаб борувчилар, йўлда тақиб боришга мўлжалланган, противогазлар ва сохта паспортлар ва рациялар ва химикатлар, полиция томонидан тергов учун, олиб кетилади. Бу учовлон қўлга олингач, Стромсундда яшайдиган Ахмад ҳам, қамоққа олинади. Уни ёнига яна, иккита ўзбек қўшилиб, жами олтига ўзбекистонлик қамалади. Бу воқеа, швед матбуотида ва Озодлик ва ББСнинг ўзбек хизматлари томонидан, жумла жаҳонга, овоза қилинади. Булар бир йилгача турмада, терговда қолиб кетадилар. Ўзбекистонни шаънига доғ туширган ўзбеклар, Ўзбекистонлик Бахтиёр Умаров, Давид Идриссон ва Қирғизистонлик Отабек Абдуллаевлар, шу бир тонна химикат моддани машинага юклаб, Стокҳолмда портлатишга уринганликда, айбланди. Бахтиёр Умаров телефони 2017 йил августидан, Фарход Тошмуҳаммедов телефони эса, айни йил октябридан эшитиб ва ўқиб борилганини аниқланди. 2018 йилнинг 31 мартда Швеция полицияси, Стокгольмда Бахтиёр Умаров, ва Отабек Абдуллаевни, Стромсундда Фарход Тошмуҳаммедовни, ҳибсга олганди. Булар ёнига кейинроқ, Фулом Турдиев, Шоаҳмад Шоаҳмудов, Ақромжон Эргашев, қўшилди. Хуллас, булар ичида, мени танийдиганларим Фарход ва бойотани ёлғиз ўғли, Ахмад эди.

Ахмад мен Швецияга келганимда, отаси билан бирга, яна икки киши билан, уйимга келганди. Уни ўша пайтда, биринчи марта кўрганман. Ахмад у пайтда, 10 ё 12 яшар, бола эди. Икки йил, шу қишлоқда бирга яшадим. Кейин, улар Стромсундга кўчиб кетишди. Орадан йиллар ўтиб, у отасига пул жўнатгани учун қамоққа олинди. Мен уни кўрмаганимга ҳам, ўн йилча бўлди. Хуллас, у бола ювош ва ҳалим табиат бола эди. Уйида, ундан катта учта опаси бўлгани учунми, унда болаларга хос шўхлик йўқ, эди. У одобли, бола эди. Ундан террорист чиқмаслиги, аниқ. У отасига пул юборган, халос. Шунинг учун, у бир йилча, қамоқда қолиб кетди. Унинг қайнотаси, Сурияга бориб, видеога тушиб келган, Исмоил эди. Ахмад отасини касофатига қолиб, қамалганди. Унга шу қамалгани учун, Швецияда энди, ишга кириш ҳам муаммо бўлади. Ўқишга кириш ҳам. Коммун ҳам унга уй бермай қўйган. Хуллас, Швецияда қамалганлар одамларга, ишонч йўқолади. Уларнинг келажаги анча, мушкул бўлади. Ахмадга Аллоҳ ёрдам берсин деб, дуо қиламан. Уни ҳеч қандай айби йўқ, бўлсада, унга катта синовлар, келди. Отасини касофатига қолиб, ноҳақдан қамалиб чиқди. Отабекни эса, мен Москвада кўрганман халос. Уни Швецияда кўрмадим. У ҳам, яхши бола эди. Мен уни, ўзи бунақа ишлар қилади деб, ўйламайман. У ҳам Фарходни касофатига, қолиб кетди. Бахтиёр Умаров. Тошкент шаҳридан. Швецияга илк бор, 2011 йилда оиласи билан келган. Кейинчалик Ўзбекистонга қайтган. Россия ва Туркияда истиқомат қилган. 2016 йил 30 декабрда яна, Швецияга қайтиб, бошпана сўраган.

Полиция томонидан Бахтиёр Умаров Туркияда бўлган пайтида, Ислом Давлати гуруҳининг Суриядаги ўзбек ташвиқотчиларидан бири, Абу Жандал билан, телеграмм орқали бир неча ой давомида олиб борган, ёзишма ва суҳбатлари қайд этилган. Бу суҳбатларда Бахтиёр Умаров ҳам, Фарҳод Тошмуҳаммедов сингари "жиҳод" ўрнига "тўй" сўзини, ишлатган.

Бахтиёр Умаров: Ака яхшимисиз? Бормисиз субҳаналлоҳ. Тўйга кетувмидинглар дейманда? Соғ-саломатмисиз?

Ҳа борман, ўзингиз бир йўқ бўлиб кетасиз, бир кейин келиб "ёзмайсиз" дейсиз.

Абу Жандал: Бизам юрибмиз, у ерда бу ерда айланиб, секин саёҳат қилиб... Ҳа ўша "ранен" бўлмайлик ака, дуо қилинг. Кетувдик ўша ишлар билан, жиҳотимиз бор эди. Тортишиб келаяпмизда, у билан бу билан, эшаклар билан... Нажаслар... Йўл очиш керак шу. Шунга ҳаракат.

Швед прокуратурасига кўра, Бахтиёр Умаров, қалбаки Юнонистон паспортдан фойдаланиб, Туркияга пул жўнатиб турган. Булардан бошқасини мен танимайман ва алоқам ҳам бўлган эмас. Булар қамалганда Фбдан бир киши менга швед тилида хат ёзиб, мен билан гаплашмоқчилигини айтди. Мен унга майли деб, тел нумеримни бердим. У менга телефон қилди ва биз швед тилида узоқ суҳбатлашдик. У қандайдир радиода журналистман деди. Мен унга менга нима хизмат бор? десам, шу Фарходни танийсизми? деб сўради. Ҳа дедим. У ким, менга гапириб беринг, деди. Мен унга, бу бола, террорист эмас. Бу бола қип қизил мошеник, дедим. Ва бу фикримни унга, узоқ тушунтирдим. Шунингдек, Отабекни ҳам сўради. Уни ҳақимда ҳам, шу ерда ёзган фикрларимни айтдим. Бу иккаласи ўзини жонини фидо қиладиган, одамлар эмас. Буларга на Халифат ва на бошқаси, керакмас. Буларга одамларни алдаб, пулини ўмариш керак халос, дедим. Чунки, улар ҳақидаги мендаги маълумотлар, фақат шуни тасдиқларди. Бу журналист кимлигини, мен билмайман. Лекин, билганим шуки, у мени гапларимга унчалик, ишонмагандек бўлди. Бошқа у билан гаплашмадим. Ҳозир ҳам шуни таъкидлайманки, бу Фарход, қип қизил мошеник! Бунақалардан гоё учун, жонини фидо қиладиган одам чиқмайди. У бошқаларни, қурбонликка юбориши мумкин. Ўзини жонини, асло қийнашни истамайди. Бунақалар агар, Абу Бакр Бағдодий олдида бориб қолса ҳам, уни ҳам алдаб, пулини олиб, қочган бўларди. Бу тоифага на Халифат, на жаннат ва дўзах қизиқтирмайди. Чунки, фирибгарларда, имон бўлмайди. Улар дунёда, ўлгунга қадар ҳаммани алдаб юришади. Улар буюк Аллоҳни олдида, фирибгарлик қилолмайдилар халос! Бу дунёда улар, ҳаммани алдашлари мумкин. Алдадилар ҳам. Стокхольмдаги Сулна райони суди, Фарходни етти йилга озодликдан маҳрум қилди. Ва уни бошпанасини бекор қилиб, жазо муддати тугагач, мамлакатдан бадарға қилиш ҳақида, қарор чиқарди. Бу қарор устидан, унинг адвокатлари кассация тартибида, шикоят киритишди. Олий Суд, олдинги суднинг бу қарорини, бекор қилди. Лекин, унинг бошпанасини бекор қилиш қарорини, ўз кучида қолдирди. Шу кунгача турмада ўтирганини, унга етарли жазо деб, уни озод қилиш ҳақида, қарор чиқарди. Лекин, у Суд залидан озод қилинмади. СЕПО уни, Суд залидан ўзининг қамохонасига олиб кетди. Миграция хизмати, унга берилган шахсий нумерни, бекор қилди. Унга берилган ҳамма ҳужжатлар, бекор қилинди. У Швецияда ҳеч қандай ҳужжати йўқ, шахсга айланди. Энди уни мамлакатдан бадарға қилишлик қолганди, халос. Шведларнинг адолатига қойил қолмай, илож йўқ. Улар уни, Ўзбекистонга юборишни, унинг учун хавфли деб, ҳисоблаб, уни бадарға қилмадилар. Уни Стромсунддаги расман ажралишган хотини ва болалари олдида, яшашга рухсат бердилар. Лекин, у энди ҳафтасига уч марта, Стромсунддаги Полиция бўлимига бориб, кўриниш бериши керак эди. Ва ҳафтасига икки марта Остерсунддаги полиция бўлимига бориб, кўриниши шарт эди. У ҳафтани ичида беш кун, полицияга қатнайдиган бўлди. Унга ҳеч қаерда ишлашга рухсат йўқ. Имкони ҳам йўқ. Шу хотини бола чақасига, берилган ёрдам пулдан, у ҳам кун кўради. У доимий полиция назоратида юрадиган, шахсга айланди. Унга Полиция олдида, айтилган вақтда боришлик, шарт қилинганди. У бир куни Остерсунддаги полицияга, 15 минут кечикиб боради. Шу учун, унга қарши жиноий очилди. Уни 15 минут кеч келгани учун, қайта Суд қилишди. Унга узоқ ерга, саёҳат қилишга рухсат йўқ. У Остерсундга полицияга кўриниш учун бора олади, халос. Шундан бошқа нарса учун, у саёҳат қила олмайди. Уни Ўзбекистонда, унинг ҳаётига ҳавф борлиги учунгина, депорт қилишмади халос.

Уни ҳаёти шу аҳволда ўтаяпди. Уни депорт қилишганида, у узоқ йилларга қамаларди. Ўзбек турмасида, мадҳия куйларди. Лекин, уни жўнатишмади. У ношукр банда, бу аҳволига ҳам, шукр қилмайди. Бу унинг, ўзининг ҳаракати билан ҳосил бўлган натижа ва оқибат эди. Бу ноинсоф одамгарчиликни унутган ва ҳаммани алдаб, пулга кўзи тўймайдиган бўлган, бир бадбахт эди. Энди унда пул йўқ. Энди унда ҳужжат йўқ. Энди унда, хуррият йўқ. Лекин, уни аҳволи бойотаникидан афзалроқ, эди. Бу хотини ва болалари олдида, ўтирарди. У ўлгунга қадар Туркияда дайдиб юришга мажбур эди. Фарход билан қамалганлар бари, озодликка чиқди. Отабек билан Бахтиёр миграцияга ариза бериб, жавобини кутишаётганди. Уларга ҳам шу ишни кўриб, тугатгунча полиция назоратида туриб, кутишга рухсат берилди. Агар Миграция хизмати уларни бошпана олишга лойиқ деб топмаса, улар депорт қилинарди. Уларга бошпана берилмади. Кейинроқ, Отабек Абдуллаевни, Қирғизистонга депорт қилишди. У Қирғизистонда КНБ ертўласида ҳам, ўтириб чиқди. Уни ишларини текшириб, уни КНБ жиноий жавобгарликка тортмади. У ҳозир Новқатда, назоратда яшаб юрибди. Ахмад ва қолган иккаласи ҳам, бир йилдан ўтириб, энди отасига пул жўнатмайдиган бўлиб, озодликка чиқишди. Қўйидаги сайтда швед тилида, шулар ҳақида ёзилган.

<https://www.op.se/.../hans-lindeberg-darfor-later-op...>

Швециядаги ўзбеклар, ўзбек миллати номига, доғ туширдилар. Бу доғ тушурувчилардан биринчиси, Гулнора Каримова бўлди. Унинг Телиасонера ширкатида 2 миллиард швед кронаси (320 милён доллар) миқдорида пора олгани ҳақида, Швеция телевиденияси кино ишлади. Бу пулни Гулнорани Офшордаги, Такилант номли фирмасига, ўтказилган. У ердан яна, бошқа ерга ўтиб, охири Швециядаги Гулнорани хизматкори, Гаяна Авакян исмли аёл номига очилган, ҳисоб рақамига келиб тушган. Жами Гулнора Каримовага тегишли пуллар миллиард ақш долларидан кўплиги айтилади. Бундан ташқари унга тегишли, бир неча қимматбаҳо уйлар ҳам бор. Олтин ва қимматбаҳо металллардан ишланган, тақинчоқлар ҳам бор. Унга пора берганликда гумонланиб, телиа сонера раҳбари, ишдан олинди ва унга қарши жиноий иш очилди. Миллардларни ўмарган Гулнора, ҳанузгача Ўзбекистонда қамоқда қолмоқда. Пуллар эса, Швеция банкида, қолиб кетган.

Обид қорини отиб кетилиши ҳам, Швецияда, катта шов шувга сабаб бўлди. Ўзбек режими ҳам, Ўзбекистоннинг шаънига доғ туширди. Швецияда ҳеч бўлмаган суиқасд, содир қилинди. 2014 йилда Швециянинг SVT телеканали, ўзининг "Жиноят хроникаси" теледастурида, ўзбекистонлик имом Обидхон қори Назаровга қарши, уюштирилган суиқасд ҳақидаги фильмни, намойиш этди. "Стромсундда имомга суиқасд" деб, номланган, филм муаллифи Ўзбекистондаги таъқиблардан қочиб, 2006 йилда Швеция шимолида бошпана олган имомнинг ўққа тутилиши ҳақида, ҳикоя қилади. Бу кино ҳақида, озодлик радиоси уюштирган кичик суҳбатда, Обид қори ўғли Довуд Назаров ва камина ҳам, бу борадаги фикримизни билдирганмиз. Суҳбатни қўйидаги линкдан эшитишингиз мумкин.

<https://www.youtube.com/watch?v=t0BGjxoksBw>

Кейинроқ, Раҳмат Оқилов Стокҳолмда, юк машинасини пиёдалар устига ҳайдаб, беш одамни ўлдирди. 70 тача одамни, жароҳатлади. Булар беҳуда, ноҳақ ўлдирилган одамлар, эдилар. Бу аҳмоқ бола, ўзи ҳеч балони тушунмай туриб, беҳудага қон тўккан ва ўзбекларга, ўз уйдан жой берган давлат фуқароларини, ноҳақдан нобуд қилганди. Унинг бу иши на динга ва на одамгарчиликка, тўғри келмасди. Бу адолатдан эмасди. Бу кимса туфайли ўзбекларга, бу юртда бошпана беришлик, анча тўхтаб қолди. Бунинг касофатидан, ўзбек миллатига мансуб кишилар, жуда кўп жойларга ишга киролмай қолдилар. Булардан кейинги катта шов шувли ишни, Давид Идриссон қилди. Уни бир тонна химик моддаси билан, қўлга олингани швед матбуотида катта, шов шув бўлди. Озодлик радиоси бу ҳақида, филм суратга олди.

<https://www.facebook.com/watch/?v=222275375326104>

Отабек Абдуллаев билан Фбдаги ёзишмалар

Швецияда террорчилик қилишга уринганликда айбланиб, қамалган ва кейин, Қирғизистонга депорт қилинган, Отабек Абдуллаев, юқоридаги постни, Фбга қўйганимдан бир муддат ўтиб, бу постни тагига, комментлар ёзди. У буларни барини, тухмат деб, атади. Кейин, мен у билан мессенжердан туриб, анча ёзишдим. Қуйида шуларни ҳам, китобга киритиб кетмоқчиман. Бу ёзишмалар, юқоридаги постдан кейин, шу постда номи тилга олинган, Отабек Абдуллаев билан, менинг орамаизда бўлиб ўтганди.

Атабек вам ответил(-а) Сизни яхши биродар деб, билардим. Афсус. Бу нажасларни куйган айблари нотугри була туриб, сиз айбни гупиртириб ташабсизу. Сизга заказ килишганми нажас хамтовоклариз. Аллох сизга кифоя килсин.

Отабек агар мани мўмин деб, билганингда, аввал салом берардинг. Ошнанг фарход мани кофир дейди, демак сен хам, шундай ақидадасан. Энди менинг китобимга келсак, агар претензиянг бўлса, ёз. Ман сани гапингни хам, киритаман китобга. Кейин билиб ол, мани хамтовоқим йўқ, сен айтгандек. Ман сизлар каби, кеча динга кирган, мошеникмасман. Мани умрим, шу йўлда ўтаяпди Қолаверса сани хакоратламадим китобда. Сани мошеникни қурбони, дедим. У ифлос, менинг шогирдим эди. мендан динни ўрганиб, энди мани, кофир дейди.

Атабек вам ответил(-а) Мен сизни кофир демайман. Лекин мени информациянгиз ичига кушиб ва нотугри хабар ёзиб, хато килибсиз.

Кофир демасанг яхши. Унда гапни салом алиқдан, бошлаш керак эди. Бўпди, сенга бир таклиф. Сен тўғри деб билганигни, ёзиб юбор, китобга киритаман. ва мени маълумотларим билан солиштириб, муносабат билдираман. мени ахлоқ деган шахсни хам, кирит у ким ва нега, ундай деди, сен нега буни, бугун айтяпсан? барини ёз очиқ ва менда яширин гап йўқ. фарходга келсак, мен уни сендан, анча олдиндан танийман.

Атабек вам ответил(-а) Аллохни китобига ёзилятгани кифоя. Илтимос, мени аралаштирман. Ёзган нарсаларингиз купи хато.

Сан буларни хато деб билсанг, нега озодликка раддия бермадинг. нега шу пайтгача жимсан? бу маълумотлар бари, интернетда турибдику? ўзинг биласан, агар истамасанг, ёзма. лекин, шуни бил, агар ўзингни версиянгни ёзсанг, булар китобга киради. мени сенга ғаразим йўқ омон бўл! Сен фарходни касофатига қолгансан, шуни биламан.

Атабек вам ответил(-а) Аюханнас солиб нима фойда. Аллох хаклигимиздан чикарди, нажаслардан. Алхамдулиллах. Ва хаммамизни. Алхамдулиллах мен ота онами бола чакамни олдидаман, алхамдулиллох.

Бола чақа бўлдими, яхши тинчгина яша. ким чақирса югурма. хамма байроқ қўтарганлар, холис одамлар эмас. аксари каллакесар бандит.

Атабек вам ответил(-а) Аллохдан куркинг. Киёмат Куни Роббимни олдида, нима мақсадимиз борлигини, курасиз.

Субхоналлох, мен сени қораламадимку? Сенга нима бўлган ўзи? Тавба, нормал гаплашолмаяпсан. бу мақолада нима бўлса, интернетдаги бор нарсалар, халос.

Атабек вам ответил(-а) Нима кизиги бор сизга, бу ишни. Хаётингизни тинчгина давом этирсангиз, булмайдими.

Бу китоб шу диний жамоатлар хақида. Сен хакингдамас. Бу ерда юзлаб, бошка одамлар бор. хадафим сенмас. Сен шу фарход фитнасига аралашиб, китобга кириб қолдинг. Сенга хусуматим хам йўқ. шунга айтяпманки, агар, сен хато деб, билсанг у бу ерини, тўғри вариантини ёз, ё унга, ё бунга, кўнмаяпсану? КНБ сени тинч қўйибдими, демак, айбинг йўқ экан, тамом!

Отабек Аллох учун, ростини айт! шу ерда, мақсад нима бўлган? мен терговчимасман. мен тушунишни истаяпман халос, балким адашган бўлишинг мумкинку? Буни тан олиш хам, мардлик! у бу кимни гапига кирадику одам. мен агар биз ўзаро гаплашиб, тўғриси топсак, китобга ўзгариш киритаман. шунга сўраяпман.

фарход Ботирга ёзган смсда, тўй ўтказмоқчилигини айтади- машина безашга уста сўрайди. бу тўй нима? Сени фикринг? энди охиригача гаплашгин!

Атабек вам ответил(-а) УАЛЛАХИ сиз ёзган мақсад, умуман булмаган. Хаттоки уша ангар эгаси, химикатлари сотган, узи тасдиқлаган. мен қасқа, стройматериалдан бошқа нарсаларни олмаслигимизни. Судда тасдиқлаган. АлхамдулиЛлах. Ва келган нарсани басцейнчиларга, сотмокчи булганимизни тасдиқлашди. Аллох қалбизни ислох қилсин . Бошини бошлаб қочиб кетма! Субхоналлох, сен мени умуман, қалбида имони йўқ деб, ўйлаясанми, дейман. Аллох ҳаммамизни ислох қилсин. менга ростини айт! Сени вариантингни ёзиб бер! мен китобга киритаман. ёзмасанг, унда ўзинг биласан.

Атабек вам ответил(-а) Имони йук деб, уйламаябман. Адашувга қирябсиз. Шайтон фикрдарингизни эгарлаб олибди.

хўп сен ёрдамлаш. мен тўғриси билай. хато китобда қолиб кетмасин. Тўй НИМА? Безашлик, нимани билдиради? Агар одамлар ҳақиқатни билишни истасанг, ёз ҳаммасини! чунки, ҳамма шу фикрда. Булар озодликда турибди. Сен қириб кўр. мен делони кўрмаганманку.

Атабек вам ответил(-а) Дело керак булса, сиз ҳам танишиб чиқшингиз мумкин. Независимый эксперт булиб. Балким, айбни исбот қилсангиз Швед Сепоси сизга, улугрок унвон берар. Аммо мен бу ишларингиздан, факат узингизга Аллохни олдида зиён олябсиз деб, хисоблайман.

Отабек мен холис одамман. Агар нотўғри ёзганимни билсам, очиқчасига узр сўрайман. Сен менга ҳамма нарсани, ёзиб бер. юз марта айтдим. хато эканини исботла. Буни қилмасанг, бу китоб шу холда, чоп қилинади. Сен тузатишга ёрдам бер! йўқ десанг, унда начора, аҳмоқ экансан! мен СЕПОдан унвон олмоқчимасман. Бу сенга шайтонинг бераётган ваҳй, халос! Отабек Тўй нима? машина безаш нима? Сен аравани, қуруқ олиб қочаясан. мен чарчадим.

Атабек вам ответил(-а) Туй Иброхимни уйлантириш болиб, уйлантирди шекилли. Субхоналлох, келинни олиб келадиган машина безашга, суриядан уста топиш нима? машинани безаш, швеция ўзбекларида бўлганми? Сен холис гапирмаясан Отабек! Бу кўриниб турган нарсани айланттириш, нимага керак? Буни балким, сенга алоқаси йўқдир! Бу унинг ёзишмалари. лекин, буни сен биласан, ҳақиқий маъносини.

Атабек вам ответил(-а) мен чарчадим. Дамизи олинг унда. Мен қаёқдан билай. Қалб иши Аллохни зиммасида.

Хўп, унда омон бўл, укам. Бошқа нарса, ёзма!

Атабек вам ответил(-а) Сиз ҳам саломат булинг

.....

Шу билан у йигитни ҳам, Фбдан блок қилдим. Бошқа, у билан ёзишиш, ниятим йўқ. Агар бу киши, ўз иддаосида ҳақ бўлса, ўша тўй нима? Деган, саволга, очиқча жавоб берарди. У жавобдан қочиб, гапни айланттирди, халос. Фарход ҳам Судда, худди шунақа қилган. Булар ҳамма одамни аҳмоқ деб, ўйлайди шекилли?! Нормал одам бўлганда, хато қилибмиз, узр дейиши, керак эди. Айбига иқроқ бўлиш ҳам, мардликдир. Бунақа мардликни, номардлардан кутиш, аҳмоқликдир. ИШИД ҳам, ЎИХ ҳам, тарихда қолди. Булар ҳам бари, тарих бўлиб қолади.

Шайхи Зоҳирнинг ИШИД ҳақидаги ҳикояси

Мирзиёев иқтидорга келгач, кўпчилик ундан бир янгилик ва енгиллик келишини кутди. Афсуски, бу кутилган умидлар пучга чиқмоқда. Бугун ҳам Ўзбекистонда, қама қамалар давом этмоқда. Обид қори Назаров экстремистик шахс сифатида, ИИБ томонидан, ҳануз қидирилмоқда. Унга жиҳодчилар раҳнамоси деган, айблов қўйилган.

2019 йилда Тошкентдаги жамоат жойларида, таниқли уламо, айна дамда Швецияда истиқомат қилаётган Обидхон қори Назаровнинг қидирувда эканлиги тўғрисида, маълумотлар пайдо бўлди. Экраларга чиқарилган маълумотда, Обидхон қорининг ҳозир қаерда яшаётганлиги, кўрсатилган ва у "Жиҳодчилар" диний экстремизм оқими раҳбари сифатида, талқин қилинган. Қуйида ББС ўзбек хизмати шу ҳақида, қуйидаги филмни намойиш қилди.

<https://www.youtube.com/watch?v=G2MeTCobv5s>

Бу воқеадан бир йил ўтмасдан туриб, Мёлбу қавми, Тошкентга қатнаб бошлади. Обид қорини ИИБ жиҳодчилар раҳнамоси деб, ҳануз қидираётган бўлса, унинг муридлари уйига бемалол, бориб келиб турсалар, буни қандай тушуниш мумкин?! У жиҳодчилар раҳнамоси бўлса, уни ёнидагилар кимлар?! Улар Тошкентда юрганига қараганда, улар демак, жиҳодчилар эмас экан. Унда, Обид қори кимни раҳнамоси? Қани ўша, унга эргашувчилар?! Инсоф билан айтганда, Обид қорини жиҳодчилар раҳнамоси қилганлар, шу Фарҳод Тошмухамедов ва Шорасул Шомахмудовлар, бўлади. Сурияга бориб видеога тушиб келган икки азамат ҳам, шунга, қисман ўз ҳиссасини қўшган, албатта. (Яна бошқалар ҳам, йўқ эмас) Ширинов айна шунга, қаршилиқ қилганди. Шу каби оқибат бўлмаслигига, ўзича уринганди. Унинг уринишлари, самара бермади. Барибир бу қавмдан, террористлар чиқди. Барибир, Обид қори жиҳодчилар раҳнамоси деб, филм ишланди. Буни барисига сабаб, шу аҳмоқ муридлар бўлди. Айбдор эса, Ширинов бўлди. Стромсунддаги раҳнамолар, шуларни ўзига яқин тутдилар. Шуларга ишондилар. Шуларнинг касофатига, қолдилар. Ўша пайтда пайдо бўлган ИШИД ҳам, буларни радикаллашишига замин яратди. Бу ИШИД, Швециядаги кўплаб мусулмон миллатига мансуб шахсларни ҳам, ўзига жалб этди. Унинг сафига кетганлардан кўпи, қирилиб йўқ бўлиб кетди. Баъзилари, қайтиб келишди. Қайтиб келганларни барчаси, Фарҳод каби, вазиятда қаттиқ назорат остида, яшашмоқда. Улар сони, 30дан ошиқдир. Бу ИШИД, бутун дунё учун, фитна бўлди. Каримов каби, диктор режимлар учун, айна муддао бўлди. Улар ўз халқини ИШИДга алоқадорликда айблаб, қамадилар. Репрессияни ушлаб туришга, бир сабаб бўлди. ИШИД йўқ бўлгач, дунё ҳам, бир енгил тортгандек бўлди. ИШИДнинг катта раҳбарлари бари, Саддам армиясидаги ҳарбийлар бўлиб, диндан узоқ одамлар бўлган. Шу ҳақида, шайх Зоҳирнинг қиссасини мен, 2015 йилда сайтимда, чоп қилганман. Шайх Зоҳир ИШИДни пайдо бўлиш тарихини ва унинг сафига, Саддам Армияси офицерлари кирганини, ҳикоя қилади. ИШИДни сафидаги бу офицерлар, катта мансабларга эришган ва кўп бузғунчиликлар қилгандилар. Булар тарих учун, муҳим маълумотлардир. Қуйида шуни эътиборингизга ҳавола этаман.

Шайх Зоҳир ҳикояси

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Шайх Зоҳир Абу Мусъаб ал Зарқовийнинг эски дўсти ва Ироқ Ислом Давлатида, бир аскар эди. Хусусан, Абу Абдуллоҳ ал Рошидга байъат берган эди. Абу Абдуллоҳ ал Рошид, Ироқ Ислом Давлатининг амири эди ва Абу Умар ал Бағдодий сифатида танилган эди. Ундан кейин, Абу Бакр ал Бағдодийга байъат берди. У пайтларда Бааснинг Ироқ Ислом Давлатига ва кейинчалик, ИШИДга қандай сизиб кирганини ва бу қўрқинчли ҳақиқатларни билмас эди. Ироқ Ислом Давлати қурилишидан олдин, Абу Мусъаб ал Зарқовий Америка ишғолидан олдин, Афғонистондан Ироқ Курдистонига, келди ва бу ерда Таҳвид ва Жиҳод гуруҳини, ташкил қилди. Шайх Зоҳир Америка ишғоли бошланишидан олдин, Ироққа етиб борди ва Курдистонда Ансор ас Суннага қўшилди. Сўнгра Зарқовийга қўшилди ва у билан бирга Тавҳид ва Жиҳод Жамоатини, қурди Абу Мусъабал Зарқовий Американинг эрта ё кеч, Ироққа ҳужум қилишига аниқ ишонар эди ва бунга ўзини тайёрлай бошлади. Таълимни бошладилар ва Афғонистонда олган яраларини, даволашни давом эттирдилар.

Сўнгра Зарқовий унга, шайх Зоҳирга Ироқни тарк этишни ва турли қўшни давлатларда, координатор сифатида ишлашни, амр қилди. Сўнгра Ироқ ишғоли бошланди ва тавҳид арслони бўлган Зарқовий, душманга қарши урушни бошлади. Ортидан очиқчасига Тавҳид ва Жиход жамоати қурилганини, эълон қилди. У пайтда Шайх Зарқовий, ал Қоидага қўшилишни ўйлаганди ва бу ҳақида, шўро мажлиси билан, маслаҳат қилган эди. Абу Мусъаб ал Зарқовий Усома бир Ироқликнинг хиёнати туфайли ўлдирилди ва кейинчалик, у хоин тутилди ва қатл қилинди. Зарқовийнинг ўлдирилишидан сўнг, Абу Ҳамза ал Муҳожир амир бўлди ва у хавфсизлик борасида, бошқача услуб қўллар эди. Ал Муҳожир кучли шаклда ҳаракат қилди ва кейинчалик, Абу Умар ал Бағдодийга байъат берди. Абу Умар жамоатда унчалик таниқли эмасди. На катта амир эди, на кичик, ҳамма қатори оддий, бир одам эди. Ҳамма, унга байъат қилинганидан ҳайрон эди ва Абу Умар ал Бағдодийнинг тажрибаларини ва унга байъат қилинишининг сабабини сўрашар эди. Абу Сулаймон ал Утайбининг мактубига қаранг.

Утайбий Ироқ Ислом Давлатининг бош қозиси эди. Сўнгра Ироқ Ислом Давлати эълон қилинди ва яхши ёмон одамлар унга қўшилдилар, кўп жамоатлар байъат бердилар Баъзилари қарши чиқишни хоҳладилар ва баъзилари эса, Ироқ Ислом Давлатига сизиб киришни хоҳлади. Жуда кўпчилик қатори, гўё тавба қилган бўлиб, Ироқ армиясининг эски зобитлари ҳам, қўшилди. Аммо қасддан ёки, қасдсиз, улар Баас тушунчаларини тарк этмадилар. Ал Катаиб ва Ироқ Ислом Армиясидан, кўплаб қўшилганлар бўлди. Баъзилари Сурия ва Саудия Арабистони, махсус хизматларининг баъзилари эса, Иззат ал Дурий ёки, эски зобит, Абу Али ал Халилийнинг буйруғи билан, қўшилдилар. Ал Халилий Саддам даврида, Ироқда Фаластин тузилмаларида, офицер лавозимида эди. Сурияга келганидан сўнг, Сурия махсус хизмати билан, Ироқда вазифа олиш ҳақида, келишди. Буларнинг ҳаммаси, бу Ироқ Ислом Давлатига сизиб киришлар, хавфсизлик ишларидаги тартибсизликлар ва Ироқ Ислом Давлатининг ўзини кучли кўриши ва бу тушунчага таяниб, бошқа шахсларга қилган муомала, авом халқнинг норозилик билдиришига ва Саҳва ҳаракатининг қурилишига, сабаб бўлди. Саҳвачи дегани, (хато қилувчи) бизга қарши урушган ҳаммага, берилган ноаниқ бир, исм эди. Кофир ёки мусулмонми, муҳим эмасди. Биз ҳаммасига кофирга қилинадиган муомала қилдик. Қонларини ва молларини, ҳалол қилдик ва уларнинг атрофида бўлган ва уларни химоя қилган ҳаммани, ўлдирдик. Ёмон муносабатларимизга ва ҳам йўлимизнинг ҳамда, ҳадафимизнинг аниқ эмаслиги ва одам жалб қилишдаги, муваффақиятсизликларимизга қарамасдан, ҳамон фақат ўзимизни ҳақ йўлда эканлигимизга ишонар эдик. Биз заифлашиб борган сари, ташқаридан сизиб кирганларнинг, биздаги таъсири ортди. Бааснинг кўлидан Сурия истихборотининг қўлларига ўтдик. Бир неча амалиёт қилганимиздан кейин, бизнинг ишларимизнинг ҳар қанча Ислом учун фойдалига ўхшаб кўринсада, бошқаларнинг манфаати учун қўлланилганини тушундик.

Бизнинг Рофизийларга қилган бомбали ҳужумларимиз, рофизийларнинг амирлари томонидан буюрилган эди . Чунки бу ҳодисаларни, кейинчалик юзлаб, сунний эркак ва ёшларни ҳибсга олиш учун, сабаб қилиб кўрсатдилар. Бағдодийни кўпчилигимиз, яхши танимасдик. Аммо алоқамиз ёмон бўлгани учун ҳаммамиз, бошқаларнинг ҳам, уни сайлаганини гумон қилган эдик. Бағдодийни сайлаганимиздан сўнг, ривожланиш бўлганини инкор қилмайман Аммо ҳар доимгидек, бу ҳам бир тузоқ эди. Сўнгра Сурия инқилоби бошланди ва Шайх Айман ал Завоҳирий, Жабҳат ал Нусранинг қурилишини амр қилди. Абу Бакр ал Бағдодийнинг ўтмиши ва ИШИДда юксалиши борасида Шайх Зоҳир шундай дейди: Ал Бағдодийнинг исми Иброҳим Аввод ал Бадрийдир ва у Бубадри аширатидандир Самаррада туғилди ва у ерда яшади. Аллоҳ гувоҳимдирки унинг насаби ҳақида изландим ва бу ҳақида ишончли ва содиқ одамлардан сўрадим Улар менга Бубадрий қабиласининг Қурайшга ва Аҳли Байтга ҳеч қандай алоқаси мавжуд эмаслигини айтгандилар. Кейин Аллоҳ мени насабларни ҳақида баҳслар қилган бир мужоҳид биродар билан учраштирди Ва у биродар ҳам Бубадрий қабиласининг Аҳли Байтдан эмаслигини тасдиқлади Шундай қилиб Абу Бакр ал Бағдодий на Бағдодий қабиласидан ва на Қурашдандир. Абу Дуа Самарраи сохта, уйдирма исми. Абу Бакр ал Бағдодий Бағдодда, Саддам Ислом Университетида

ўқиган. Бу университетда тажвид бўлимида, диплом олишга ҳаракат қилди. Аммо ололмади. Абу Дуо Самарраи на Ислон профессори на Бағдодий қабиласидан на Қурайшлиқдир ва на Ҳасан ва Ҳусайн авлодидан эмас. Қурайший исми, бутун ИШИДчи амирлари ишлатадиган куруқ унвондир. Бу ҳам ИШИДнинг, ёлғончи эканлигига, бир далилдир. Мўминлар амири деганлари ва ҳозирда, Сурияликларга қарши урушаётган одамдир, Америка ишғоли бошланганида, Ироқдан қочган эди. Ал Бағдодий кўп йилгача Дамашқда Шиа минтақа, Саййида Зайнабда яшади. Ироқ жиҳодидан қочиб, Сурияда яшади. Ўша даврда Ироқдаги жиҳодга қарши урушиш учун, кўплаб жосуслар тайёрланган эди. Абу Файсал ал Заидий, Бағдодийнинг Саййида Зайнабдаги, энг яқин дўсти эди. Ал Заидий эса, Муоз Саффуқнинг жиянидир. Иккинчи Абу ал Қаъқаъ, Бағдодийни Муоз билан таништирган, эди. Муоз Саффуқ, Сурия режимининг жосусидир. Бағдодий шу йилда, Бағдодга қайтди. Қайн синглисининг эри, Ансор ал Тавҳиднинг амири эди. У одам иймонли ва тақволи эди. Зарқовий уни ҳам, яхши кўрарди ва уни ҳурмат қилар эди. Зарқовий Бағдодий билан, ҳеч учрашмади Зеро Зарқовий ўлдирилганида, Бағдодий Дамашқда эди. Бағдодий Ироққа қайтганида, Муҳариб ал Жубурий билан кўришар эди. Ал Жубурий, Сурияни зиёрат қиларди ва Бағдодий билан зиёрат асносида, танишган эди. Ансор ал Тавҳиднинг бир қисми, Ироқ Ислон Давлатига байъат берди. Сўнгра Бағдодий ҳам, Ироқ Ислон Давлатига байъат берди ва Муҳариб ал Жубурий билан, бирга ишлади. Кейин Бағдодий, бир неча йил турмада қолди. Саддам Ислон Университетида ўқиган даврида юқтирган, Ашъарийя Сўфий мантиғи, ақидаси сабабли, турмада биродарлар билан тортишувларга кирди. Ҳокимият ва Такфир мавзусида, ҳеч қандай илми йўқ эди. Кейин озод қилинди ва яна, Ироқ Ислон Давлатига қўшилди ва почтачи сифатида ишлади. Бағдодийнинг почтачилиқ иши, жуда оддий эди. Бир биродар мактубни ҳовлига отарди ва бошқа биродар келиб, мактубни оларди. Аммо ҳеч қачон, икки тарафнинг ҳам, ким эканлигини билмасди. Икки генерал Муҳаммад Нада ал Жубурий ал Раий ва генерал Самир Абд Муҳаммад Ҳожи Бакр, Бағдодий билан бир вақтда озод қилинди. Иккаласи ҳам, Баас партияси аъзоларидир. Ал Раий Ироқ Ислон Давлатида амир сифатида, лавозимга қўйилди ва ўзига ўнг қўл сифатида, Баас биродари бўлган Ҳожи Бакрни танлади. Абу Умар ал Бағдодий ва Абу Ҳамза ал Муҳожир, ал Раийни яхши танишарди, аммо Ҳожи Бакр билан, ҳеч учрашмаган эдилар. Ал Раий ўлдирилганидан кейин, Абу Ҳамза ал Муҳожир Ҳожи Бакрни амир деб, эълон қилди. Ўзи Ҳожи Бакрни, яхши танимасди. Аммо ал Раийнинг тавсиясига таяниб, уни сайлади. Абу Ҳамзанинг ва Абу Умарнинг хавфсизлик сабаблари туфайли, ташқи дунёга алоқалари йўқ эди. Шунинг учун Ҳожи Бакрни яхши танимасдилар.

Абу Дуо Самарраи яъни, Бағдодий қандай қилиб амир бўлди? Шайх Зоҳир шундай давом этади. Ал Раий турмадан озод қилинганидан кейин, Абу Умар ал Бағдодий ва Абу Ҳамза ал Муҳожир етти ой, маълум бир жойда қолдилар ва кейинчалиқ шу жойларида, ўлдирилдилар. Ёнларида кўриқчилари ва бир неча амирлари билан, бирга ўлдирилдилар. Ташқи дунё билан, ҳеч алоқалари йўқ эди. Улар фақатгина Мунаф ал Ровий билан, кўришар эдилар. Мунаф ал Ровий Бағдодийнинг энг яқин, дўсти эди. Энг ишончли ва янги амирлар орасида ёшда, энг каттаси эди. Бошқа амирлар жуда ёш бўлгани учун, Абу Ҳамза уларни Зарурий Амирлар деб, атарди. Мунаф ал Ровий почтани идора қилиб, жўнатадиган одам эди. Почтахоналардан бири эса, Бағдодийнинг уйи эди. Аммо ал Ровий хабар ташувчиларнинг ҳеч бирини, танимас эди. яъни жўнатувчи ва олувчининг ким эканлигини, билмас эди. Бу етти ой ичида, амир ал Раий ўлдирилди. Ортидан унинг ўрнига Баас аъзоси бўлган, Ҳожи Бакр амир этиб тайинланди. Ҳожи Бакр олдинроқ, Иззат ал Дурий билан бўлган алоқалари учун, ҳибсга олинган эди. Етти ой кейин мухобирлардан бири, ҳибсга олинди. Бу мухобир Бағдодийнинг ва ал Ровийнинг уйини билар эди. Бағдодийнинг хавфсизлик одамларидан бири, Бағдодийга у мухобирнинг ушланганини билдирди. Хавфсизлик таъминлаш масъули Бағдодийга, у мухобирнинг ал Ровийнинг уйини ҳам билишини айтди. Абу Бакр ал Бағдодий эса, ўзини фақатгина почтачи эканлигини ва ҳеч кимни танимаслигини айтди. Ва Мен каби одамнинг, бирортасини танишини ўйлаяпсизларми? Умид қиламанки, у мухобир сабрли бўлади, деди. Хавфсизликни таъминлаш масъули, кўзларида ёшлар билан ташқарига чиқди.

Ҳибсга олинган мухобир, Мунаф ал Ровий, Абу Ҳамза ал Муҳожир ва Абу Умар ал Бағдодий ҳақида маълумотлар берди ва ортидан ҳаммаси ўлдирилди. Амирларнинг ўлдирилишидан сўнг, тартибсизлик бошланди ва бутун Ироқда, жуда кўп одамлар ҳибсга олинди. Орқада фақат Ҳожи Бакр қолди. Бу Ҳожи Бакр тулки каби, айёр эди ва Баасга жуда кучли боғланган эди. Моҳирлик билан, бир режа тузди ва Ироқ Ислом Давлатининг амирларини бирма бир ёнига чақирди ва ҳар бирига бошқаларининг, Абу Бакр ал Бағдодийни, амир сифатида қабул қилишганини айтди ва шундай қилиб ҳаммининг розилигини, олди. Амирларнинг кўпчилиги Бағдодийнинг бир қози ва Зарқовийнинг эски дўсти ва яна Қурайшлик ва Бағдодлик деб, ўйладилар. Табиийки буларнинг ҳаммаси, ёлғон эди. Шундай қилиб ҳамма розилигини берди ва келишдилар. Бағдодий ҳақида келишган ва байъат берган амирларнинг барчаси, кейинчалик турли йўллар билан, жамоатдан четлатилдилар. Ва шундай қилиб, почтачи одам амир бўлди. Бағдодийнинг Баасчи одамлари, шулардир.

Абу Аҳмад ал Алвоний, Абу Абдурраҳмон ал Билавий, Абу Сайф ал Маславий, Абу Ақил ал Ҳамданий ва бошқалар. Сўнгра Абу Дуо ал Самаррай, Абу Бакр ал Бағдодий Мўминларнинг амири ўлароқ, эълон қилинди. Ва шундан кейин, Давлага олдиндан байъат берган бир Баасчи, зобит офицер Абу Муҳаммад ас Сувайдавий қамоқхонадан чиқарилди. У олдин Иззат ал Дурийга бўлган алоқаси туфайли, ҳибсга олинган эди. Ҳибсга олиншидан бир ҳафта олдин, Давлага байъат берган эди. Озод қилинганидан сўнг, Ҳожи Бакрнинг ҳарбий амир бўлишига, қарши чиқди. Бағдодий ал Сувадавийни мамнун қилиш учун, Ҳожи Бакрни мансабидан кетишга кўндирди. Ал Сувайдавий вазифасини, катта иштиёқ билан бошлади ва минтақаларни ҳарбий ва оддий халқни қанчалик бомбалаш қўлидан келса, шунча бомбалади. Унга муҳим бўлган ягона нарса, кўплаб бомбалаш билан амирини кўнглини олиш, эди. Бу даврда эътиборсизлик туфайли, жуда кўп мусулмоннинг қони тўкилди. Буни қилганлар эса, ўзларини татаррус билан, ҳақли деб, даъво қилдилар. Татаррус, душманларнинг оддий халқни ва бегуноҳ одамларни қалқон қилиб фойдаланишидир. Бу эса, мужоҳидларга қарши норозилик чиқишига, сабаб бўлди. Аззом ал Амрикий бу каби амалиётларни, қаттиқ танқид қилган эди. Абу Муслим исмли одам, туркман эди ва Тал Афардан эди. Саддамга ва ундан кейин, Иззат ал Дурийга жуда содиқ эди Ўжарлиги ва Баасга қаттиқ боғлиқлиги учун, узоқ муддат турмада қолди. Бу полковник Абу Муслим ал Туркманий ва бошқа зобитлар қамоқхонада, ал Қоидани ёмонлаганларнинг пешқадамлари эди. Ироқ қамоқхоналарида, биродарларга ҳужум қилишар ва уларни ҳақорат қилишарди. Уларнинг ҳужумларига энг кўп дуч келган одам, Шайх Абу Ратаж ал Ироқий Абу Зайнаб деб, танилган, шайх эди. Бу одам узоқ муддат жиҳодга қатнашган ва Абу Ҳамза ал Муҳожирнинг дўсти эди. Абу Ратажнинг ўзи билан бирга, қамоқхонада қолган Баасчи офицерларни таъриф қилган, машҳур сўзи бор. “Баасчиларнинг қаламидан ҳалиям қон томчиламоқда. Бизга ҳукм қилишларига, қандай рухсат берамиз? “ У бошқаларни Баасчилардан ҳар доим огоҳлантирарди. Абу Абдурраҳмон ал Кимий, Шайх Ҳожи Рашид Абу Умар, Ҳифа Шайх ал Миаҳий, Шайх Абу Мансур Шайх Абу Абдуллаҳ ал Аззавий, Шайх Абу Осие Шайх ал Ҳаррарий ва Шайх Абул Баро ал Курдийлар у билан, бир хил фикрда эдилар. Ёшларнинг ИШИДга нима учун қўшилмаганини, сизга айтай, чунки ИШИДнинг амирлари, Баасчилар эди. Улар хоссатан шўро мажлисининг, аъзолари эди.

Саддам даврида, салафий бўлган мусулмонлар, Баасчи офицерлар томонидан ҳибсга олинган эдилар. Уларни тергов қилмасдан аввал, танасининг бир икки жойини, тошлар билан синдиришарди ва даволамасдан, шундай ҳолатда ташлаб қўйишарди. Қамалган бир биродарнинг ҳужрасига бир нечта Қуръон китобини, устма уст тахлаб қўйишар ва у биродарнинг овқатини эса, шундай, бир тепа жойга қўйишардики, биродар у овқатни олиши учун, Қуръон китобларининг устига босиб чиқиши, керак бўларди. Шу сабабли самимий бўлган мужоҳидлар, ИШИДдаги Баасчи амирлардан, очикчасига нафрат қилишарди. Ироқдаги Муробитун Жабҳасида жуда кўп салафийлар ва манҳаж соф бўлган, мужоҳидлар бор эди. Абу Муслим ал Туркманий ИШИДда амир сифатида тайинланганидан кейин энг хатарли деб кўрган одами Ҳожи Бакр дан қутилишни хоҳлади. Шундай қилиб Ҳожи Бакрни Бағдодийнинг ёрдамчиси сифатида, Шомга жўнатилди.

У Сурияда кўплаб масалаларда таъсирли ва сўзи ўтадиган одам эди. Абу Муслим амир сифатида, вазифасида қолди ва Ироқдаги жанглари идора қилар эди. Ва бу ерда, Ироқлик Туркманлар ҳақида ва уларнинг араблардан ташкил топган ал Қоидага қарши, ҳолатларидан гапирмоқчиман. Тал Афардаги Ироқлик Туркманлар, умумий ўлароқ араблардан нафрат қилишади ва Ироқдан чиқиб, мустақил бирлик бўлишни хоҳлашади. Ироқдаги ал Қоида мужоҳидларига қарши урушдилар ва уларни ўлдирдилар. Туркманлар тарафидан ўлдирилган энг машҳур шахс, Абу Сайф ал Убайдий ал Мосулийдир. У Зарқовий ҳаётдалигида, ал Қоидада хавфсизлик бўйича масъул эди. Уни Абдурахим ат Туркманий ўлдирди. Абдурраҳим ат Туркманий ал Қоиданинг, энг катта душманларидан эди ва мужоҳидларга қарши уруши билан, машҳур эди. Ҳайратланарлиси шундаки, у ҳозир ИШИДда Дейр аз Зорда амир қилиб, тайинланган, янги исми Абдулносирдир. У билан бирга ишлаганларнинг кўпчилиги уни, ал Қоидага қарши урушганини ва бутунлай ал Қоидага қарши эканлигини, билишмайди ҳам. Абу Айман ал Ироқий эса, Абдулносирнинг ҳақиқатда Абдурраҳим эканлигини билсада, аммо сукут қилди ва ҳеч нарса, демади. Абу Айман Бағдод сукутидан олдин, Саддамнинг махсус хизматида ишлаган, бир жосус эди. Абу Айман тамоман Баасчидир ва Баас мафкурасига, идеологиясига шу даражада боғлиқки, ҳеч қачон бу тушунчадан воз кечишни, қабул қилмайди. Аксинча исломийларнинг орасига сизиб кириб, бу идеологиясини, ёйишни хоҳлайди. Моликий даврида, Абу Айман ал Ироқий ҳақиқий исми Али Асвад ал Жубурий бир неча марта ҳибсга олинди ва ҳар сафар бир ой ўтгач, қўйиб юборилди. Бу хавфсизлик одамларининг жосус тўплаш учун қўллайдиганб энг машҳур усулидир.

Абу Айман ҳозирда ИШИД амирларидан бири ва ҳарбий мажлисга мансубдир. Унинг давомий равишда, куфр сўзлар айтгани машҳур ва кўп биродарлар, унинг бу сўзларига гувоҳ бўлишган. Аллоҳнинг қонунларини ҳоким бўлишни хоҳламаслигини ва унинг ўрнига, ўрмон қонунларининг ҳоким бўлишни хоҳлашини, қайта қайта айтган. Бошқаларни муртадлик билан айблашга, жуда ҳирслидир. Ёнидаги кўзичоқларнинг, буни эътиборга олмасликлари, жуда ажабланарлидир. Абу Айман, Шайх ал Раийни, мужоҳид Умар Балушни ва Шайх Жалол Баярлийни, ўлдирди. Бундан ташқари, бир қанча муҳожирни маҳкамасиз ва маккорлик билан, ўлдирди. Баасчилар умуман олганда, фақатгина дўст бўлган гуруҳларнинг ичига эмас, душман бўлган гуруҳларнинг ичига ҳам, сизиб киришарди. Аввало уларни йўналтириш учун, кейин уларни йўқ қилиш ва улардан келган хавфни олдини олиш учун, шундай қилишарди. Сурияда Исломий ҳаракатлар бошланганидан бери, Баас режими жуда кўп жиҳодий гуруҳларнинг ичига, сизиб кирди. Хусусан жиҳодчи ал Уқла, бунинг бир мисолидир. Маҳмуд Қул Ағосий, Абул Қаъқаъ ва Бадрон ал Ҳишон ҳаммаси, жосус режим томонидан Дейр аз Зорга жўнатилди. Баас режими, ИШИДнинг ичига, шундай қилиб сизиб кирди. Бадрон ал Ҳишон ИШИДда, Сурия чегарасида амир эди. Бадрон ал Ҳишон билан алоқада бўлган, бошқа жосус эса, хавфсизлик масъули эди ва ҳамма ҳисоботлар, унинг қўлидан ўтарди. У пайтларда ИШИДга қўшилганларнинг баъзилари, Саддамнинг собиқ куллари эди. Шайх Абу Умар ал Бағдодийнинг ва Абу Ҳамза ал Муҳожирнинг ва бошқа амирларнинг ўлимидан сўнг, ИШИДда Баасчиларнинг сони, анча ортди. Хусусан олий мақомларда собиқ Баас аъзолари, тўпланган эдилар. Ҳожи Бакр, Абу Муслим ал Туркманий, Абу Аҳмад ал Алваний, Абу Муҳаммад ал Сувайдавий ва Абу Айман ал Ироқий каби, собиқ Баасчилар, амирлик қила бошладилар. Бағдодийнинг давлатини кенгайтириш орзуси, Сурия режимининг манфаатига мос келарди. Бағдодийнинг жоҳиллиги ва беъмани фикрлари, режимнинг хоҳишларига жуда тўғри келарди. Уларнинг режимнинг мақсади Жабҳат ал Нусранинг, ал Қоидага ва ИШИДга оид эканлигини кўрсатиш эди. Яъни Жабҳат ал Нусрани, ИШИД назоратида қилиб кўрсатишни хоҳладилар. Буни шундай эълон қила олишлари учун, шўро мажлиси, Бағдодийни кўндириши лозим эди. Бағдодий ҳам буни қабул қилди ва охирида Жабҳат ал Нусра, ИШИД тарафидан қурилганини ва ИШИДнинг амри остида эканини, эълон қилишди. Ҳалигача Сурия режими билан алоқада бўлган ва баробар ишлаган, энг машҳур жосуслар Абу Айман ал Ироқий, Абу Аҳмад ал Жубурий ва Абу Аҳмад ал Туркманий, Ҳожи Бакр режа қилганларнинг ва Баас режими билан, бирга ишлаганларнинг

пешвоси эди. Абу Айман ал Ироқий, бошқа исми Али ал Жубурий Сурияга келганида, баъзи биродарларни ҳибсга олди. У биродарларнинг баъзилари, амир эди. Уларни ўлгунча қийнади ва озодликни хоҳлайсанми деб, қаҳқаҳа отиб кулиб, қийнашда давом этарди. ИШИДдан ва ИШИДнинг ифлос ишларидан қочган бир биродар, Абу Айманнинг қилганларини айтиб берди. У биродар ўзи истамаган ҳолда, қийноқларга гувоҳ бўлибди ва ақлидан Абу Айманнинг бу қилган ишлари, Исломда борми деган, фикрлар ўтибди. Надим Балуш деган, одам олдиндан жосуслиги билан, машхур эди ва шундай билинарди. Бугун эса, ИШИДнинг энг машур нотикларидандир. Матбуот котиби ва Баасчи оғаларининг буйруғи билан, Суриядаги жиҳодий гуруҳларга ҳужум қилган, энг муҳим шахсдир.

Сизга Шайх Али ҳақида, гапириб берай. Зарқовий ўлишидан олдин, агар муаммолар ва фитналар чиқадиган бўлса улар билан, маслаҳат қилиниши учун, киши тайинлаган эди ва шайх Али, улардан бири. У киши узоқ муддат, турмада қолди ва ўша кишилардан ҳаётда қолгани, фақат ўзи эди. Зарқовий ўлдирилганидан кейин, Шайх Али озод қилинди ва Ироқ Ислом Давлатининг йўқ қилинганини ва ўрнига Баасчи офицерлардан ташкил топган, Баас Давлати қурилганини, фаҳмлади. Подполковник Абу Муслим ал Туркманий ИШИДда, бир амир бўлибди. Ал Билавий ҳарбий кўмондон бўлибди. Абу Аҳмад ал Алваний, Дияла волийси ва хавфсизлик масъули ва координатор бўлибди. Подполковник Абу Умар ал Нуаймий, Армадийда волий бўлибди. Ҳожи Бақр эса, Бағдодийнинг ёрдамчиси эди. Шундай қилиб, узун соқол қўлган ва мисвок ушлаган, Баас Давлати ташкил топибди. ИШИДни яъни Баас Давлатини идора қилган ва бошқарган гуруҳ, мана шудир. Ўзларини яхши кўрсатиш учун, Шайх Алини ёнларига олишни хоҳладилар. Аммо, Шайх Али, улардан қочди ва узоқлашди. Шайх Али уларни, Халифалик эмас, Баас Давлати деб, номлаган эди. Бу нуқта жуда аҳамиятли эди. Чунки ИШИДчилар ҳар доим, Зарқовий уларни мақтаганини айтишади ва доим Зарқовийга суянадилар. Шайх Али, улардан қочди ва беркинди. Унинг кетидан ИШИД одамларини жўнатди ва Шайх Алини изладилар. Жабҳат ал Нусра қурилгунча, шайх Али беркинди. Жабҳат ал-Нусра қурилганидан сўнг, Шайх Жовланий билан, алоқага киришга қарор қилди. Шайх Али Шайх Жовланий билан, қамоқхонада танишдилар ва уни яхши одам ва сиёсат ва ҳақиқатлар ҳақида, басират эгаси деб биларди. Шундай қилиб, Шайх Жовланий билан алоқа ўрнатди ва унга байъат бермасдан, у билан бирга ишлади катта оға ва насиҳатчи бўлиб, ёнида турди. Шайх Али Ироқни ва Ироқдаги бошқарувчиларни амирларни эсламаслик учун, Хуросонга кетишни хоҳларди. Бағдодий Шайх Алининг қаердалигини, билиб олган эди. У Шайх Жовланийга, Алини уни ёнига жўнатиши учун, хабар жўнатди. Унга зарар бермасликка ва уни хоҳлаганини бажо келтиришга, сўз берди. Жовланий бу хабарни Шайх Алига етказди. Аммо унга, Бағдодийнинг ёнига бормасликни таклиф қилди. Зеро Баас офицерларининг яхши ва ишончли эмаслигини ва уларнинг хоҳлаганини қилмаса, ўзининг ҳибсга олинишини, Шайх Алига эслатди. Шайх Али истихора намози ўқиди ва кетишга қарор қилди. Баасчилар синдириб парчалаган нарсаларни, таъмирлай олишини ўйлади. У ердан Хуросонга, кетиши керак эди. Бориб Бағдодий билан кўришди ва Бағдодий Шайх Алининг Давланинг офицерлари ҳақидаги, бирорта талабини бажармади. Шайх Али Бағдодийнинг ёнидан кетди. Эртасига Шайх Алининг уйи босилди. Бу гўё, Сурия махсус хизматларига берган маълумотлари туфайли деб, одамларга шундай тушунтирдилар. Аммо ҳақиқатда табиийки, Шайх Али ўзидан талаб қилинган нарсани, рад қилгани учун, уни Ироқ режимига ушлаб беришди. Ундан Давла ҳақида яхши гапиришини хоҳлашган эди. У эса, бунинг рад қилганиди. Бунинг ортидан Баасчи офицерлар, Шайх Алини унинг уйини адресини, Сурия разведкасига бердилар. Сурия махсус хизмати эса, бу маълумотни Моликий режимига берди ва ҳозирда Шайх Али, қамоқхонада ўтирибди. Бу Баас Давлати, Ироқдаги ҳамма муҳим кишиларни таъқиб қилмоқда ва уларни ИШИДга қўшилишга мажбур қилишмоқда. Акс ҳолда уларга зарар бериш билан, таҳдид қилмоқдалар. Мисол учун, Шайх Абу Ҳорис Шайхнинг ёнига келишди ва уни ИШИДга қўшилишга мажбур қилдилар. Шайх Абу Ҳорис эса, рад қилди. Бунинг кетидан Шайх Ҳорисни, мажбурлаб бир хат ёздирдилар ва у хатда, ўзини кўрқоқ эканлигини ва жиҳоддан қочганини ёзишини, талаб қилдилар Агар Давла ҳақида ёмон гапирса у хатни, овоза қилишларини айтишди. Ал Анбарий деган одам, аслида Абу Али Қардош ал Туркманийдир ва Анбар билан, ҳеч қандай алоқаси йўқдир .

У ҳозир ИШИДда амир ёрдамчиси ва ИШИДнинг ҳақиқий, ифлос юзидир. Анбарий яна қонун ва хавфсзлик ҳайъатининг масъули, Саддам даврида, ал Анбарий Баас фаоли ва физика ўқитувчиси эди. Шайх Абу Муҳаммад ал Ироқий ҳафизахуллаҳ шундай деган, эди. Қамоқхонада ҳам илм талабаси эканлигини даъво қилган одамларни кўрдим, ҳамда ҳақиқатдан илм талабаси бўлганларни, кўрдим. Аммо Абу Али Қардош олим эканлигини даъво қилган, ягона одам эди ва ҳақиқатда эса, жоҳил эди. Саддам кетганидан кейин ал Анбарий Ансор ал Исломга қўшилди ва қисқа муддат, улар билан қолди. Кейинчалик ишини яхши қилмагани учун, ўзини ва ўзи билан бирга бўлган гуруҳини, жамоатдан ҳайдадилар Ундан кейин у ва гуруҳи, ал Қоидага қўшилдилар. Ал Анбарий маккор режа билан, юқори мақомга етишга ва амирлик вазифаси олишга, ҳаракат қилди. Зарқовий ал Анбарийнинг қилган жиноятларини эшитиши билан, унинг ва қариндошини вазифасидан олди ва амир бўлиш учун, бошқаларнинг олдини тўсиш ҳаром эканлигини билдирди. Кейин ал Анбарий билан бирга, Абу Марям ал Курдий, АбуҲаммудий Абу Умаран Нуаймий, Абул Ҳуда ал Курдий, подполковник Абу Муслим ал Туркманий ва Абдулносир ИШИДга қўшилдилар. Абдулносир ал Қоиданинг хавфсизлик масъули бўлган, Абу Сайфни ўлдирган мужримдир. Абу Марям ал Курдий ва иниси Абу Ҳаммуд, Американинг ва Шимолий Курдистоннинг, жосуслари эди. Бу одамларни Баасчи деб, атаганимга баъзилар, нимага бундай гапиряпсан, улар тавба қилишган бўлса, дейиши мумкин. Албатта Аллоҳ тавбани қаъбул қилади ва одамлар ҳам, қабул қилади. Аммо бунинг баъзи, шартлари бор. Муслмонларни ўлдирганинг ва қонларини оқизганинг учун, пушаймон бўлишинг керак ва буни қайта қилмаслигингда, жиддий бўлишинг лозим. Аммо булар Сурия махсус хизмати билан, алоқадалар ва бирга ишламоқдалар Суриядаги жиҳодни фасодга учратиш учун, Суриялик Баас давлатининг буйруқларини, бажаришмоқда. Хоссатан Ҳожи Бакр ва ал Алвоний ва бошқалари. Бундан ташқари муртад бўлгандан кейин, тавба қилганлар ёки тавба қилишдан олдин, Аллоҳнинг қонунларидан бошқа қонунлар билан ҳукм қилганлар, тавбаларидан кейин, Исломда янги сифатида қаъбул қилинадилар ва расмий вазифа ололмайдилар ва қўлларига қурол берилмайди. Бу ҳолатда, улар қандай Ироқнинг ва Шомнинг амирлари, бўла олишади?! Ва тавба қилган киши, хоссатан олимларга нисбатан ҳурмат билан, муомала қилиши лозим. Мисол сифатида, Шайх Завоҳирийни олайлик, уни танқид қилиш ва унга исён қилиш ўрнига, тавба қилган киши, бошқа мужоҳидлар каби, унга ҳурмат кўрсатиши ва хорижийларнинг йўлини тутмаслиги керак эди. ИШИД ўлдирган мужоҳидларнинг расмларини тарқатяпти, уларнинг жасадларини хорламоқда ва жинояткорона ўлдирмоқда. Ҳудди, Абу Райёнга қилганлари каби. Буларнинг ҳаммаси Баас режими тарафидан, қасддан қилинмоқда.

Душманга қўрқув бериш учун эмас, инсонларни муслмонларга қарши қўзғаш учун, қилинмоқда. Чунки ИШИД ўзини, Исломнинг ва интизорлик билан кутилган хилофатнинг вакили эканлигини, даъво қилмоқда. Шундай қилиб, инсонлар уларнинг қилганларини Исломдан деб, ҳисобламоқдалар. Натижада, маҳаллий халқни, муҳожирларга қарши қўзғатмоқдалар. Уларнинг асл мақсади эса, Асадга қарши жиҳод қилиш учун, келганларнинг олдини тўсиш ва уларни, заифлатишдир. Шундай қилиб, муҳожирлар ва ансорлар ўртасидаги урушни ва бир бирларини ўлдиришларини, таъминламоқдалар. Бу эса Баасчиларнинг, олдинга силжишини осонлаштирмоқда.

Жабҳат ан Нусра ва Аҳрор ал Шомнинг амирлари бу режани пайқадилар. Ва Аллоҳ биладики, мен буни уларга тушунтирдим. Улар ИШИД билан, жанг қилишдан қочдилар. Аммо ИШИДнинг қилганлари, қабул қилинмайдиган нарсалардир. Баас партияси, энг ҳалокатли партиядан биридир. Хусусан Нусайрилар ва Сурия махсус хизмати тарафидан бошқарилаётган бўлса, янаям хатарлидир. Буни инкор қилганлар, тарихни ўқисинлар ва бу тузилманинг олдин ҳам, қанча ҳаракатни фасодга учратганига, қарасинлар. Бағдодий эса, Саддамнинг қатлидан сўнг, унинг армиясидан мажбурлиқдан ажралган, Баасчи офицерларнинг, тавбасини қабул қилмоқда. Аммо, айна пайтда, ўз иродаси билан ва ўз хоҳиши билан Асаднинг армиясидан ажралганларнинг тавбасини, негадир қабул қилмаяпти?!

Шайх Зоҳир

2015 йил

Таҳририятдан: Бу матн арабчадан ўзбекчага ўгирилган ҳолда 2015 йилда интернетда тарқатилганди. Бизга ҳам юборишган эди. Матнни имловий хатоларини тузатиб, жузъий таҳрир қилиб, 2015 йилда «Ислом ва сиёсат» сайтида чоп қилинган эди. Бу ИШИД тўғрисидаги муҳим ҳужжатдир. Бу китобни ўқувчилар, булар ҳақида гувоҳлар берган маълумотлардан, хабардор бўлишлари учун, бу китобга киритилди.

АБДУЛЛОҲ ЗУФАР ҲАҚИДА ФАТВО

Фарход воқеъасидан кейин, Швецияда сиёсатчилар орасида ҳам, кўп шов шувлар бўлди. Миллатчилар партияси мигрантларни қабул қилмасликни ва борини ҳам, текшириб, кўпчилигини депорт қилишни, талаб қилиб чиқди. Улар бу каби, талабларни олдиндан қилиб келишарди. Стромсундда яшайдиган швед аҳоли, Суриядан келганларни, ва экстремистларни, бу ерга келмасин деб, намойиш ҳам қилишди. Битта оддий шахсга, нега бунча химикатлар сотиб олишга, қонун йўл қўйган деб, ёзди Johnny Åkerlund деган, блогер. У яқка шахсларга, бунақа хавфли моддаларни сотишни таъқиқлайдиган, қонун қабул қилишни лозим деб, ёзди. Химикатлар фақат ташкилотларга, сотилиши керак ва шунда террористлар уларни, сотиб ололмайдилар, деди.

Раҳмат Оқилов ва Давид Идриссон ишидан сўнги сиёсий партиялар орасидаги дебатларда, иқтидордаги социал демократлар позицияси, анча заифлашди. Миллатчилар позицияси анча юқорилади. Уларга овоз берувчилар сони ошди. Келгиндиларнинг бу жиноятлари, бу жамиятни, иккига бўлиб ташлаганди. Бир тоифаси уларни ҳайдаб чиқариш ва киргизмаслик керак деса, бир томони, уларни киргизиш ва назоратда ушлаш ва интеграция қилиш лозим, дерди. Буларда инсоф ва адолат деган, тушунчалар борлиги учун ҳам, Фарход каби, фирибгарлар жони, омонда қолди. Бу ердан, бошқа ерда бўлганида, унга омонлик бўлмасди. Шунга қарамасдан, у фирибгар журналистларга интервью бериб, бу ишлар бари туҳмат, булар бари СЕПОни уйдирмаси деб, алжираб юрибди. У ҳалиям ўзининг қилмишига тавба қилмади. У ҳалиям ўзини, ифлослигини тан олиб, узр сўрамади. У ўзини айбсизман деб, юрибди. Унинг шериги Отабек Абдуллаев ҳам, ўзини айби йўқлигини ва менинг ёзганларимни ёлғонлигини ёзиб, мен билан, анча гап талашди. Лекин, Тўй нима? Деган саволга Отабек, Абдуллаев, очиқ жавоб бермади. Фарход ҳам, Судда, тўй деганда, ўғлини уйлантирмоқчи бўлганини ёзганини айтиб, туриб олди. Машина безашга, устани Суриядан нега изладинг? деганда, Ўша келинни минадиган машинани, безашга уста излаганман деб, судни алдади. Бу гапларга Судя ишонмасида, уни қамоқда ушлашга етарли, далил йўқлиги учун, уни озодликка чиқарди. Лекин, СЕПО уни мақсади нималигини, аниқ биларди. Шу учун ҳам, уни шу бугунги аҳволда, ушлаб туришибди. Тўй ўтказишга уста керак, деган гапи, Фарходни мақсади нималигини, аниқ ифодалаб турибди. У теракт қилишга, машинани бомба билан безайдиган устани, излаётганди. Аммо, буни улар тан олмайдилар. Виждонсиз одамлар, шунақа бўлишади. Бу шунақалар, жумласидан эди. Мёлбудаги эшак ҳожи ҳам, шу тоифадандир. Аллоҳ буларга кифоя қилсин! Швеция ҳукумати ИШИДга қўшилган, швеция фуқаролиги бўлганларни, хотин болаларини ватанга қайтарди.

<https://www.svt.se/.../fyra-svenska-is-kvinnor-pa-vag-hem...>

Ўзбекистон ҳам, шунақалардан анчасини қайтарганди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг топшириғига биноан, 156 нафар ватандошимиз, асосан аёллар ва болалар, Яқин Шарқдаги қуролли можаролар ҳудудидан, юртимизга қайтарилди. Улар 30 май куни, махсус авиарейсда Тошкент шаҳрига, олиб келинди. Деб ёзади, Президент

матбуот хизмати. Бундан кейин ҳам, бу ишлар давом эттирилди. Ироқдан 65 нафар бола ва Суриядан 170 киши қайтиб келишини кутмоқдамиз. Шу маънода, бизга халқаро ташкилотлар ва Яқин Шарқдаги жараёнларда, бевосита иштирок этаётган давлатлар ёрдами керак. Бу, биринчи навбатда, Хавфсизлик кенгашининг, бу ерда йиғилган доимий аъзолари томонидан кўрсатиладиган ёрдамга алоқадор. Биз бундай ҳамкорликка тайёрмиз», - деган эди Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири А. Комилов 2019 йил 29 сентябрда бўлиб ўтган БМТ Хавфсизлик кенгаши йиғилишида.

Булар ҳам кўп ўтмай, ватанга қайтарилди. Менинг назаримда, Мирзиёев иқтидорга келгач, қилган бир муҳим, яхши иши, мана шу бўлган эди. Иккинчиси узоқ йиллардан бери ётган, маъбусларни озод қилиши бўлди. Мен уни бошқа ишларига, ҳозирча ижобий баҳо, бера олмайман. Мирзиёев ҳукумати аксари совет давридаги одамлардан иборат бўлгани учун ҳам, улар диндан ва диндорлардан, кўрқишади. Ваҳолонки, ИАКда ҳам, исломофобия касаллиги бор эди. Бу касалликдан холи одамлар, ҳукуматга келсалар, албатта вазият ижобий томонга ўзгариши, аниқ эди. Агар ҳукумат сарой имомларига ишонмай, уларни барини ҳайдаб солса, ва диний соҳани назорат қилувчи, Диний назорат монополиясига чек қўйса, бу Ўзбекистоннинг ривожига қараб қўйилган, улкан қадам бўларди. Ҳамма мазҳаблар ва мазҳабсизларга, тенг эркинлик берилса, ҳеч ким, ҳеч кимни, динга киришга ва ёки мазҳабга киришга, мажбурламаса, ҳар ким ўзи истаган динга ва мазҳабга кирса, ё кирмаса, бу Конституцияни амалда қўллангани, исботи бўларди. Хориждаги бадном қилинганларга йўл очилса ва улар ватанга қайтсалар ва ўзлари билган шаклда, динга амал қилсалар ва улар фаолиятига, ҳукумат тўсиқлар қўймаса, бу Ўзбекистондаги ўлик Конституцияга, жон кирди дегани, бўларди.

Диний Бошқарма бадном қилаётган Самарқандий ва Зуфарлар бориб, бемалол ўз маърузасини ватанда қилишарди. Уларга қаршилар ҳам, ўз маърузасини қилишда давом этишлари мумкин. Халқ ўзи истаганига, эргашарди. Зуфарни бориши билан, осмон узилиб ерга тушмасди. Бугун ундан ола бўжи ясаб, унга қарши бутун бошли Диний Бошқарма, курашиб ётибди. Бу курашда хориждагиларни ҳам, ўз томонларига оғдиришга уринишмоқда. Бу каби уринишларга, ҳожат ҳам қолмаган бўларди. Шириновни эшакка саломига, ҳожат қолмасди. Қаламини, Ўзбекистонда юргизарди. Мен ишонаманки, агар шундай, ҳаммага бир хил тенг шароит бериб, қўйилса, Ҳизбут таҳрир ҳам, Қаламчилар ҳам, Салафийлару ҳанафийлар ҳам, бари тенг шароитда яшаб, даъват қилсалар, Ўзбекистонда ривожланиш бўлса бўладики, ортга қайтишлик, бўлмайди. Эркинлик дегани ва демократия дегани, шу бўлади. Ҳукуматга пахта қўйишга уринишларга, ҳожат қолмайди. Сарой муллеси ҳам, сароймас мулла ҳам, бир хил мақомда бўлади. Ҳеч ким ҳеч кимга, дўқ урмайди. Турмага қамамайди. Қамалганларга олдига бориб, тавбага чақирмайди. Давлатга ҳам, маблағи ёнига қолади. Чунки, давлатни қанча миллиардлаб маблағи, шуларга қарши курашга, сарф бўлаяпти. Бу беҳуда курашга, ҳожат қолмасди. Ҳамма тоифа, ўз масжидини очсин ва намозни ўзи билганидек, ўқисин. Шиалар масжиди очилиши мумкин бўлса, нега бошқаларни масжиди очилиши, мумкин эмас экан?! Қани адолат? Қани тенглик?! Ҳукумат тепасидагиларни, шу масалага ақли етмаяпти. Ёки, улар кўрқоқ, одамлар. Шунақа эркинлик бўлса, улар курсидан ажралиб қолишидан, кўрқишади. Шунинг учунми, билмадим, эркинлик йўлига, тўсиқлар қўяди?! Шу билан халқ, парчаланиб, ўзи билан ўзи курашиб ётаверади. Ривожланиш ҳақида эса, гап бўлиши, мумкин эмас, бўлади. Ўзбекистонда Зуфарни эшитиш ва тарқатиш жиноят ҳисобланади. Бунику тушуниш, мумкинми?! Лекин, хориждаги бир гуруҳ, сирли уламолар уни эшитишни мумкинмас, деб, фатво берганига, қандай тушуниш мумкин? Сизлар кимсизлар ўзи?! Ким кимни эшитади, кимни эшитмайди, сизлар ҳал қиласизми?! Ким сизларга, бундай ваколат берган?! Мард бўлиб, номларинг билан чиқмайсизми?! Нега бирортангни номинг йўқ, бу фатвони тагида?!

ЗУФАРНИ ҚАДР ҚИММАТИНИ ШУ КАБИ ФАТВОЛАРДАН ҲАМ БИЛИШ МУМКИН?»! Фатвони ўқинг ва тафаккур қилинг! АБДУЛЛОҲ ЗУФАР ҲАҚИДА ФАТВО

Абу Муҳаммад Термизий ал-Асарий (Мутахарриж Куллия Шаръиа Жомеа Азҳар)
Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

САВОЛ Алҳамдулиллаҳи роббил аламин, вассолату вассаламу ала расулиҳил амин ва ала алиҳи ва асҳабиҳи ажмаин. Аммо баъд. Мисрга ўқиш учун келган талабалар баъзида “Абдуллоҳ Зуфарни эшитса бўладими?”, “Толиби илмлар унинг дарсларидан фойдаланса бўладими?” деб сўрар, биз оғзаки жавоб бериш билан кифояланар эдик. Охирги пайтлар бошқа давлатлардан ҳам шундай саволлар тез-тез кела бошлади. Мисрдагилар у ҳақида кўпроқ маълумотга эга деб бизга мурожаат қиладилар. Зиммамиздаги вазифани бажариб мусулмонларга ҳақни етказиш учун ёзма равишда жавоб беришга қарор қилдик. Иншааллоҳ, аввал ижмолий, кейин тафсилий жавоб берамиз.

Бисмиллаҳ, алҳамдулиллаҳ, вассолату вассаламу ала расулиллаҳ.

1. Абдуллоҳ Зуфар ақида ва манҳажда такфирий йўналишини тутиб хавориж ИШИДнинг ўзбеклар ичидаги энг машҳур тарғиботчиси ва “муфтий”си бўлиб келган.
2. У катта мусулмон жамоатларни кофир ва муртадга чиқариб ўлдиришга фатво берган, унинг дарсларини эшитганлар такфирий бўлмақда.
3. У чала мулла бўлиб, шаръий манҳажий илм таҳсилани, хусусан фатво бериш илмларини устозлар олдида ўқиб битирмаган.
4. Унинг устозлари унга умумий шаръий илмда ҳам, фатво беришда ҳам тазкия беришмаган, аксинча фатво беришга ҳаққи йўқлигини айтиб одамларни огоҳлантиришган.
5. У фатвода жуда кўп хато қилади, таҳқиқ қилишни билмайди, жумҳурга хилоф шоз ва заиф қовлларга фатво беради.
6. Мужтаҳидларга нисбатан муомалада хато йўлда. Ўзининг қовлидан бошқа қовлларни тубдан инкор қилиб таассуб, тафриқа ва фитна-фасод уруғларини экади.
7. Саудия, Миср, Шом, Туркия ва бошқа диёрларда шаръий мадрасаларда илм таҳсил қилган, ҳамда Мовароуннаҳрда шайх Ҳакимжон қориака, Абдували қори, Раҳматуллоҳ аллома каби олимларнинг шогирди бўлган ҳижратдаги ўзбек уламолари Абдуллоҳ Зуфарнинг ақида ва манҳажда, хато йўлда эканлигида, фатво беришга аҳл эмаслигида, уммат ичида катта фитна ва тафриқа чиқараётганига иттифоқ қилдилар. Юқорида зикр қилинган сабабларга кўра Абдуллоҳ Зуфарни эшитиш ҳам, толиби илмлар учун унинг дарсларидан фойдаланиш ҳам жоиз эмас. Валлоҳу аълам.

АБДУЛЛОҲ ЗУФАРГА НАСИҲАТ

Абдуллоҳ Зуфар тавбаси дунё ва охираат ҳукмида дуруст бўлиши учун, оммага даъват қилаётган ютуб, телеграм ва бошқа воситалар орқали, ўзининг аввал залолат ва бидъатда бўлганини, ИШИД адашган хавориж эканини очиқ эътироф қилиши, у йўлнинг залолат эканини, у йўлдан воз кечганини баён қилиши, у сабабли ИШИДга кетган ва дарсларини эшитиб такфирий бўлиб қолган илмсиз одамларни ўнглашга ҳаракат қилиши керак. Вақтинча дарс ва фатвони тўхтатиб уламолар олдида манҳажий илм олиши лозим. Улардан илм, амал, ҳикмат, одоб, тавозуъ ва бошқа аҳли илмга зарурий нарсаларни ўрганиб кейин даъватга киришсин. Акс ҳолда ҳаққоний олимлар наздида саҳофий, чаламулла, ғулувга кетган такфирий даъватчилардан бўлиб қолаверади. Охираат азоби эса қаттиқроқ ва боқийроқдир. Фатво тугади.

Бу фатвони чиқарган уламолар ўз номларини ёзишга ҳам духлари етмаган. Шунисига қойилман! Сизларнинг болангиз биланг тенг болага, қарши шунча одам бирлашиб, фатво чиқаришга, уялмадингларми?! Демак, у сизлардан устунроқ экан. У битта ўзи, сизлар билмадим, қанча?! Яна номингизни ҳам, яширибсиз. Ҳайф сизларга илм. Ҳайф сизларга фатво чиқаришлик! Бу Фатволаринг, сариқ чақага арзимайди. Сизларга гапиришга, гап ҳайф.

Регистон гуруҳи раҳбари Тоҳиржон комментига муносабат

Бугун қайсидир постни тагига Туркиядаги Регистон гуруҳини раҳбари Тоҳиржон шунақа коммент ёзган экан.

Tohir Abdulgani Abdullah Aka nimalar bolyapti , nega ozizcha alahsirayapsiz , siz ozizni kim deb oylaysiz? haddimizdan oshib ketmaylik. Мен унга қуйидагича жавоб ёздим.

Муҳаммадсолиҳ Абутов Tohir Abdulgani Abdullah Ўзимни бир авом деб, биламан халос. Сизга нимадир ёқмаяпдими?! Бу китобда сизни гуруҳ ҳақида ҳеч нарса йўқ эди адашмасам. Мулла Тоҳир дегани сизмас. Мабодо адашиб шуни назарда тутаётган бўлсангиз? Уни мулла Абдуллатиф деб ўқинг. Лекин, мен хурсандман агар сиздек уламо вақт топиб мени битикларимга назар солганингиз учун. Ташаккурларим! Агар жиддийроқ гап бўлса, мен суҳбатга очиқ одамман. У кишидан яна комент келди.

Tohir Abdulgani Abdullah Aka Hech kim qomaptiku . Mulla Tohir Abdullatif ustoz bolsalar ham bu gaplariz ,tahlillariz togrı emasku. Registon yoki qalam jamoasini ishlari yollari dan rozi bolmasayiz zarari yoq ozizi togrı deb bilganlaringizni qilaverin Akajon. sizga hurmatim baland edi. Aqillik akalirimizdan deb bilardim ,dushman qimiydigan ishni qilibsizku Aka. Мен жавоб ёздим. Муҳаммадсолиҳ Абутов Tohir Abdulgani Abdullah Тоҳиржон тақсир ҳурматга келсак, ташаккурларим сизга. Мен сизни ҳали ҳам бўлса ҳурмат қиламан. Сиз мени қандай кўришингиз, сизга ҳавола, албатта. Менга қарши бўлишга, ҳақлисиз. Фақат шу қаршилиқда ҳам, адолатли ва инсофли бўлинг. Зеро, бунга Аллоҳ буюрган. Буни сиз мендан кўра яхшироқ биласиз. Қолаверса, душман қилмайдиган ишни қилдингиз деган, таъкидга умуман кўшилмайман. Зеро, душманларингиз (агар Бор бўлсалар) улар, мен ёзган нарсаларимни, мендан кўра яхшироқ билишади деб, ўйлайман. Тоҳиржон қуйидаги охириги комментни ёзди. Tohir Abdulgani Abdullah Aka turkyaga kelib qolsayi, Albatta registonda mehmonimiz boling . yaqından yahshiroq tanishib olamiz shunda notogri tushunchalar barham topadi deb oylayman . chunki Registon ahlini tanimas ekansizda aka . garchi men ham siz bn bir bora qisqa korishganim horiji korisha olmadik otirib suhbatlashmadik. kop hollarda malumotlar yetarsizligi pand beradida . Alloh rozi bolsin . Мен ҳам охириги жавобимни ёздим.

Муҳаммадсолиҳ Абутов Tohir Abdulgani Abdullah омин. Аллоҳ барча холис мўминлардан рози бўлсин! бу китобни ёзишни бошлаганимдан бери менга коммент ёзган жиддийроқ шахс, сиз бўлдингиз. Бошқа казо казолар, жим туришибди. Туркияга борсам, мен регистонга бораман. Тошбўрон қилинишдан кўрқмайман. Зеро, менга қаршилар бу ерда ҳам, оз эмас. хуллас, сизни гуруҳ ҳақида, бу китобда кам нарса, ёзилди. Тўғри айтасиз. балким, ўзиз кўпроқ маълумот берарсиз. Кимсизлар ва нима қилаяпсизлар? Уч нарсага муносабатингиз менга қизиқ. Давлат раҳбарига, сарой муллаларига ва мазхабга. Агар шуларни ўзингиз ёзиб берсангиз, шу китобга кирарди. Миннатдор бўлардим. Буни сиз томондан камтарлик ва холислик деб, қабул қилардим. Қилмасангиз ҳам омон бўлинг!

Энди шу комментни шарҳлашдан олдин, бир оз ортга қайтиб, у кишини қандай танишимни ва у билан билан, қандай учрашганимни ҳикоя қилсам. Сиёсатчи Намоз Нормўмин тоға, у пайтларда Туркияда яшаб, Туркистонликлар деган жамиятда, ишларди. Бу жамият раиси Бурҳон Қовунчи жаноблари бўлиб, у киши таги, Қўқонлик ўзбеклардан эди. Бу жамият Туркиядаги марказий Осиёликларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатадиган ва муҳожирларни у бу, майда муаммоларига ёрдамлашадиган, ташкилот эди. Булар ҳар икки, уч йилда, бир қурултой ўтказиб, Марказий Осиёдан вакилларни ҳам, таклиф қилишарди. Камина ҳам, шу таккилот таклифига биноан, икки марта қурултойда қатнашгандим. Бу қурултойда Туркияда кўзга кўринган олимлар ва баъзида, давлат арбоблари ҳам, иштирок этарди. Умуман олганда, бу қурултойлардан мурод, шу туркий халқларни ўзаро бирлаштиришлик бўлиб, нутқ мавзулари ҳам, шу халқлар тарихига оид мавзулардан, иборат эди. Мен қатнашганимда асосан, Ўзбекистонга тегишли мавзуларда, нутқ қилганман. Ўша Анжуманлардан бирида ҳозирда, Туркияда фаолият қилаётган Регистон гуруҳини раҳбари, Тоҳиржон деган Паркентлик йигит билан, танишдим. Уни ва ёнидаги беш ўнта, шеригини кўрдим.

Улар билан радиосуҳбатлар қилишлик учун, контакларини ҳам олдим. Лекин, у бу деб, улар менга, интервью беришни истамадилар. Мен улардан хафа ҳам, бўлмадим. Менга Абдуллоҳ Бухорийдан бошқаси, ҳали интервью бермаган. Зуфар ҳам, отказ қилганди. Ўша анжуманда Самарқандийни суриштирдим. У келмаган экан. Мен у пайтда, уни келиш келмаслигини ҳам, билмасдим. Самарқандий ҳам, мен билан радиосуҳбатлар қилади деб, ўйламайман. Бу ташкилот Самарқандий билан, алоқа қилмас экан. Уни таклиф ҳам, қилишмаган экан. Бухорий билан ҳам, бу ташкилотни алоқаси бўлмаган. Хуллас, бу ташкилот ўзини, наздида бежавотирроқ бўлганларни, таклиф қилган чамамда. Ўшанда мен, Тохиржонни кўрганман. У турк ва араб тилларини билади. Ўзи самимий гаплашадиган йигит. Гавдаси басавлат ва лекин ўзи, камтарин экан. У бу Млѐбудагиларга ўхшаб, одамни устидан масхаралаб куладиган, ахлоқсиз одам эмасди. Гап сўзи жиддий ва мулоҳазали одамдек, таассурот қолдирди. Хуллас, ўшандан бери у билан, деярлик алоқам йўқ. Шу онда сонда, Фбда бир бир кўриниб қолади халос. Шу йигит юқоридаги комментларни ёзибди. Энди бу ерда, менга битта жиддий айблов қўйилган. Ақиллик akalаримиздан deb bilardim ,dushman qimiydigan ishni qilibsizku Ака. Тохиржон мени ақлсиз одамсан деган, гапни ҳам одоб доирасида, айтган. Унга қойил қолмай, илож йўқ. Дарҳақиқат, ахлоқи комил одам у. Мен гапни мағзини, тушундим. Хафамасман. Зеро, менга қарши айтилган энг энгил гап, шу аслида. Менинг, сиз уламолардан фарқим, тохиржон мен фақат, мақтов эшитиб, ўрганиб қолмаганман. Мен танқид ва сўкиш ва ҳақоратлар эшитиб, ўрганганман. Энди юқоридаги айбловга, келсак, биродар инсоф қилинг. Мени ёзганларим, сирли нарсалар эмас. Уйи куйсин агар, қайсидир махсус хизматларнинг куни, менинг китобимга қолган бўлса. Сиз уларни, бунча ерга урмангда, дўстим. Улар давлатни қанча пулини ейишяпдику?! Мен авом билганни, улар билмайдими?! Қолаверса, мени китобимдаги ёзувлар бари, сайтимда турибди. Мен 10 йиллар давомида, сайтимга ёзиб қўйган мақолаларни, шу китобда ишлатяпман. Америка очмадим. Қолаверса, сизга ва сизни гуруҳга кўрқишга на ҳожат?! Сизларда сирли нарсани, ўзи йўқку?! Мен ҳали сизни гуруҳдаги Одилни, Самарқандий билан ихтилофи ҳақида, гапирмадим. Буни махсус хизматларга унинг ўзи, аллақачонлар айтгандир ҳам?! Ўзларинг ҳар куни, видео чиқариб, у буни тарғиб қиласиз. Болачаларга таълим берасизлар. Булар бари, оддий ишларку?! Жиноятмаску?! Ватанга боришга интилишлик ҳам, жиноятмас. Агар Зуфарга қарши фатвода, сизни гуруҳ ҳам бор бўлса, (мен аниқ, билмайман) демак, шу ишларинга, қўшилмайман. Биринчидан номларинг йўқлигига, қаршиман. Фатво берувчи ўзини яширмаслиги, керак. Иккинчиси, ким нимани эшитишини, уламои киромлар, ҳал қилмайдилар! Қолаверса, ҳамма нарсани, эшитиш мумкин. Яхшисига эргашиш керак, халос. Агар бу фатвога, сизни алоқангиз бўлмаса, унда сизларга, менда эътироз йўқ. Шириновни Қалами каби, бир маърифий фаолият қилучи, гуруҳсизлар. Тамом! Қолаверса, сизни сарой муллаларига нисбатан муносабатингиз, менга очиқ маълум эмас. Шунинг учун ҳам, сиздан ўша баъзи масалаларда, ўз муносабатингизни билдиришингизни, сўрадим. Мени тушунишимча, сиз муносабат билдирмайсиз. Бунга ҳам, хафамасман. Саломатлик тилайман, халос. Шу ўринда мен танқид ҳақида ёзган, бир мақоламни ва шу мавзудаги бир кичик постни, эътиборингизга ҳавола қилмоқчиман. Токи, мени позициямни тўғри тушуниб, хафа бўлмасиз деган умиддаман.

Танқид ҳақида

Ўзбеклар орасида у бу кимсани танқид қилиш, нормал одат деб, ҳисобланмайди. Қайси бир сиёсатчини, Президентни, машҳур одамни, санъаткорни, имомни, шайхни, хуллас, кимнидир танқид қилсанг, ўша кимсани эргашувчилари, танқид қилувчини, ўзларига душман деб, кўришади. Гарчи, уни ҳақорат қилмасдан, ҳурматини жойига қўйиб, гапирсанг ҳам, барибир улар кўзида, дунёдаги энг жирканч одамга, айланасан. Сиёсатчи бўлса, сени ватан хоини деб, жар солади. Қора кучларга сотилган, дейди. Имомлар бўлса, уларни ўзлари ёки, муридлари томонидан "олимни гўшти заҳар" ва уламоларни ҳурмати вожиб, ва тез тавба қилмасанг, катта азобга учрайсан, ва ҳаказолар ва алламбалолар деб, жар солишади. Аслида, улар ҳам оддий одамлар ва хатодан холи, шахслар эмаслар.

Гўшtimi ёки бошқа ерими, тилими заҳари бўлса бордир? Уларнинг гўштини, пишириб ёмоқчимасмиз. Лекин, уларни ҳақорат қилмасдан, танқид қиламиз. Уларни, у ё бу ишлари демак, четдан қараганда хато иш бўлиб, кўринаяпти. Шуларни айтамиз. Бу учун дарров одамни, тошбўрон қилиш керакмас. Диндан чиқариш ва катта азоб, ваъда қилиш керакмас. Аксар ҳолларда, бунақа сафсаталар, уларнинг ўзлариданмас, муридларидан чиқади. Ҳақоратлар ёғдиришади. Одамни мувозанатдан чиқаришади. Кейин, уларга ўша даражадаги гапларни айтишга, мажбур бўлади одам?! Одам боласи, ўзини осмондаги ой каби, тутиши керакмас. Ўша гапирувчини сўзига, қаранглар. Балким, тўғридир?! Балким, у ҳам адашаётгандир?! Пайғамбар эмассизларку?! Демак, сизлар ҳам, оддий одамсиз. Биздан фарқингиз йўқ. Тўғри ишларингиз, бордир? Хатолари бордир?! Танқид қилувчини фикри, ўзи учун, тўғридир. Сизларники, ўзингизга тўғридир. Ҳақоратларни бошламасдан, чиройли мунозара ва муҳокама қилиш, мумкинку?! ИАК деган бадбахт, фақат мақтовни эшитишни, хуш кўради. Уни танқид қилганлар, хонавайрон бўлди. Мирзиёев ҳам, танқидни хуш кўрмайди. Бутун давлат аппарати, танқид қилувчини йўқ қилишга, ҳаракат қилади. Бошқа машҳур шахслар ҳам, шулардан ортиқмас. Уларда ҳукумат йўқлиги учунгина, танқид қилувчилар қатл қилинмайди, халос. Лекин, тарафдорлари ишга тушиб, бадном қилишлари аниқ! Бунақа бўлманглар жаноблар! Кимдир нимадир деса, ўз фикрини айтган бўлади. Бадном қилишни, бошланглар. Нодон муридларни, жангга ташланглар. Одатда ўшалар фитнаю фасодни бошлашади. Кейин, фитна адо бўлмай кетади. У ё бу кимсани, муридлари бўлсангиз, шу сўзларимни ўша кишидан, сўраб кўринг. Агар тўғри айтган экан деса, шунга амал қилинглар! Инсофли бўлинглар. Шайхингизни ҳам, нафсингизни бунчалик юқори тутманглар. Балким, ростдан ҳам, осмонда учадиган, авлиёдирсиз? Лекин, шундай бўлсада, оддий инсонсизлар. Бу миллат ҳам, шу оддий нарсани ўрганиши лозим. Мақтов эшитишга, ўч бўлмаслик керак. Барча мақтовлар ўзидан ўзга илоҳ бўлмаган, Аллоҳга хосдир!

.....

Ўзингдан кетма ихлоси авома,
Қувонма нома келмай яхши нома. Деган Сўфи Оллоёр.

Бу байт мазмуни казо казоларга, пирларга ва шайхларга қаратилгандир. Авомни сенга ихлоси кўплигидан яъни, муридлар кўплигидан қувонма, мағрурланма. То қиёматда, сени номаи аъмолинг ўнг томонидан келмагунча, қувонишга ҳожат йўқ, демоқда. Дарҳақиқат, қиёматда, кимни аҳволи қандай бўлади, Аллоҳ билади. Дунёдаги обрў ва шону шарафга, ғурур қилиш керакмас. Кўп одамлар фақат, мақтов эшитиб ўрганиб қолишган, бўлади. Уларни мақташ керак, халос. Сап танқидий фикр билдирсанг, уларга оғир ботади. Мендек бир буюк Зотга, қандайдир саводсиз кимсала, гапиришга қандай журъат қилдилар? деб ғамга тушадилар. Пайғамбарлар маломатдан, саломат қолмаганлар. Бизлар, ким бўлибмиз, демайдилар. Мен сўзимни охирида, битта муҳим нарсани айтиб қўймоқчиман. Мабодо, ажалим етган бўлсаю, эрта индин ўлиб қолсам, тақдирда битилган, ажалим етиб, ўлган бўламан. Фалон пирга, шайхга, уламога тил теккизгани учун, ўлди деган, сафсаталарни гапирманглар! Мен бу гапни, беш йил олдин МСМЮни муридларига нисбатан ҳам, айтгандим. Бугун ҳам, айтаяпман. Бу ҳар эҳтимолга қарши, гап. Қолаверса, бу дунёда на бирорта пир ва на мурид ва на шайх, қолмайди. Бунда, истисно йўқ.

Саҳвий

07.07.2021

Бу мақола ва постни, гарчи бошқа вақтда ва бошқа бировга атаб ёзилган бўлсада, бу кунги комментларга, умумий хотима қилишга лойиқ деб, топдим.

Сиёсий дастур ҳақида

Мен сиёсий дастур ҳақида бир мақола ёзганман. Унда шу бугунги кунда, бизнинг олдимиздаги устувор йўналиш қандай бўлиши, мақсадга мувофиқлиги ҳақида, фикрлар билдирганман. Қуйида шу мақола билан танишинг.

Сиёсий дастур ҳақида

Бугунги ўзбек мусулмонлари учун сиёсий дастур қандай бўлиши керак деган, масалада диндорлар орасида, катта ихтилофлар бор. Шаръий ҳукми тарафдорлари ҳам, ўзаро келишолмайдилар. Ҳизбут таҳрир ва жиҳодий гуруҳлар, мақсади бир бўлишига қарамасдан, орасида, катта ихтилоф бор. ИШИД Халифасини, Ҳизбут таҳрир тан олмади. Булар Халифат эълон қилсалар, улар тан олмайдилар. Диний гуруҳлар, аксар қисми одамларга, ҳозир Ўзбекистонда шариат ҳукмини ўрнатиш керак. Шундан бошқаси учун, курашиш нотўғри дейишади. Бошқасига ҳаракат қилишмайди. Шу билан, шариат ҳукми ҳам ўрнатилмайди ва аҳволимиз ҳам, яхши тарафга ўзгармайди. Менимча бугун Ўзбекистонда, (Бошқа давлатларда ҳам) шаръий ҳукми ўрнатиш шиори билан, чиқишлик вақти эмас. Менинг таклифим, уммат ва унинг бир қисми бўлган ўзбек мусулмонлари, бугун қилиш имкони бўлган ишни, қилишлиги лозимдир. Бу эса, шу бугунги Ўзбекистон қонунлари доирасида, фаолият қиладиган партия ташкил қилиш ва шу партия ҳукуматга келиши учун, курашишлиқдир. Мабодо, шундай партия пайдо бўлиб, охир оқибат ҳукуматга келса, мусулмонларга ён босадиган, қонунлар чиқариши ва имкон қадар диний тазйиқларни йўқ қилиши ва халққа том маънода, диний эркинлик бериш, имкони бўлади. Бугунги кун муаммолари йўқолади. У ёғига, яна узоқ йиллар, шу ишда давом этилса, пировардида янада катта ишларни қилиш имкони бўлса, ажабмас. Шу менинг позициям. Шунини, тўғри деб биламан. Лекин, бу позициям учун, мени кофирга чиқаришларини, ҳам биламан. Ким нима дейишидан қатъий назар, шу бугун, шу ишни қилиш, мақсадга мувофиқдир. Шариат талаби ҳам, қодир бўлган ишни қилишлиқдир!

20.01.2021

Бу мақоладаги фикрлар, ҳозир ҳам долзабдир. Бу китобда бошдан оёқ ихтилофлар ҳақида, ёзилди. Ихтилофлар сабаби эса, айна шу масалада, бир мавқеъни йўқлигидадир. Жиҳодчилар ҳам ва Ҳизбут таҳрир ҳам ва Ихвонийлар ҳам, бу масалада ўзаро келишишлари лозим. Шу келишув бўлмаса, бу миллатни, уч томонга тортишлик давом этаверади. Бизни аҳволимиз ўзгармайди. Сарой муллаларига, умуман ишонч йўқ. Уларда бундай мақсадни, ўзи йўқ. Улар ДХХни тарбиясини олган одамлардир. Қолаверса, миллатнинг 90% диний саводсизлигини инobatга олиш зарур ва ШАРТ! Бу миллат бир гуруҳни изидан эргашмайди. Бунинг англашга, катта ақл керакмас, деб, ўйлайман. Афсуски, шуни, ҳалигача казо казолар тушунишмади. Шу мақсадда бирлашишга уринишмади. Ўзбекистонда эса, диндан узоқ ҳукумат, билганича ҳукмронлик қилмоқда. Агар шу бирлик амалга ошса, ва кейин, шунга мувофиқ йўл харитаси ишлаб чиқилса, шу асосда фаолиятга кришилса, беш ўн йилда, натижасини кўришга умид қилса бўларди. Зеро, Туркия мисолида бунинг кўрдик. Бизда ҳам, шундай қилиш имкони бор. Бунинг учун, сарой муллаларига дўстлик изҳор қилиш, кераги йўқ. Уларни бу фаолиятга жалб қилишга ҳам, ҳожат йўқ. Улар мазҳабпараст ва мутаассиб одамлардир. МСМЮ катта фитна уруғини, экиб кетди. Бу уруғ кўп йиллар, ўз самарасини беради. Ўша касофат, миллатни парчалади. Зулмга ва зўравонларга, йўл очиб берди. Бугун унинг муридлари, унинг ўрнига келишга, уринмоқдалар. Минг афсуски, холисман деганлар ҳам, уларга пахта қўймоқдалар. Бу эса, уларнинг тарихий хатосидир! Қуйидаги мақола МСМЮнинг муридлари тахт учун зимдан курашмоқда деб номланади. Унда айна шу масалада, сўз боради.

МСМЮнинг муридлари тахт учун зимдан курашмоқда

МСМЮ вафотидан сўнг, унинг ўрнига бошқа бир нуфузли кимсани топиш ДХХ учун, муҳим вазифа бўлиб қолганди. Диний Идорани халқ ичида обрў эътибори йўқлиги ва халқ уларнинг фатвосини, бир пулга олмаслигини, ДХХ биларди. Уларга МСМЮ каби, нисбатан вазни оғирроқ ва лекин, режимга хизмат қиладиган, кимса керак эди. Авомни онгини диний ақидалар орқалик, ўзига бўйсундириши ва кейин, ҳукуматга бўйсунушга чақириши, лозим эди. Бу халқни онгини, дин воситасида манипуляция қилиш, дейилади. Бу сиёсатчилар учун доим, муҳим бўлиб келган. Бутун дунёда мусулмон оламида, айни шунақа шайхлар орқалик, авомни онгига, мутъелик ҳисси ўрнатилади. Ҳукуматдан норози бўлмаслик, бориға шукр қилишлик лозимлиги, уқтирилади. Бу шайхлар ҳам, шу вазифани бажариш эвазига, ўзлари жамиятда, бир мунча нуфузга эга бўладилар. Шогирдлар таёрлашади ва китоблар чоп қилишади. Улар ўзларини, шу билан динга хизмат қиляпмиз деб, ишонишади. Режимга хизмат қилиш воситасида, халққа динни таълим бераяпмиз деган, ваз уларнинг энг асосий хужжатидир. Бу таълимлари, ўзлари тўғри деб, билган ҳанафийликка чақириш, мотуридийликка ва нақшбандийликка чақиришдан иборатдир. Бу жараёни назоратда ушлаш учун, ДХХнинг махсус бўлими бор. Бошида Абгорни шахсини, оммага ошкора қилиб, синаб кўришди. Абгор эшак ДХХлар томонидан, қўллаб қувватланиб, МСМЮни ўрнига келиши, мўлжалланганди. Шунингдек, Диний бошқармага ҳам, шунга ўхшаш кадрларни олиб келиш, ДХХнинг режаларида бор эди. МСМЮни шогирдлари орасида, ўзаро ички рақобат бошланди. Улар икки уч майда, бўлакка бўлиниб, МСМЮ меросхўри бўлишга интилишарди. Абгор булардан олдин, отни қамчилаб қолди ва омма олдиға чиқиб, ваъзхонлик қила бошлади. МСМЮнинг бошқа шогирдлари ундан ва унинг ортидаги, бошқа эргашувчилардан юз ўгирдилар. Бу авомни кўзига очиқ кўринмаста, шайхни курсиси учун, тахт таллашиш жараёни эди. Жараёни ДХХ, зимдан кузатарди. Қолаверса, МСМЮнинг ўғли ва ҳатто аёллар бўйича, қизи ҳам, бугун отасининг изидан кетаётган шахслар бўлиб, улар ҳам одамлар устида, диний пешволикка даъвогар шахслар эдилар. Қолаверса, МСМЮни бошқа яқин шогирдлари, Мубашшир Аҳмад, Ҳасан ва Ҳусан қорилар, ва ҳаказолар бор эди. Ҳасан Муқрий ҳозир шайхни номига қурилган янги масжидда, Тошкентда имомлик қиляпди. Укаси Ҳусан қори Мисрда, ўқишни давом эттирди ва магистратурани битказиб, энди докторантурада ўқишга, ҳаракат қиляпди. Мисрда саройға яқинлардан, Қамариддин қори, Абдуқодир ал Азхарий, ва бошқалар ҳам бор. Булар ҳаммаси Оқсаройға яқин ва уларга хизмат қилишга, тайёр одамлардир. 1995 йилдан бери, Мисрда юрган Алижон қори ҳам, буларга қўшилган. Қори ватанга қайтиш учун, шулар билан ҳамкорлик қилишга, мажбур эди. Буларга МСМЮни қизи ва ўғли моддий томондан ёрдамлашиб туради. Абгорға қарши бўлган бу гуруҳда, Қамариддин Баҳриев деган, Самаркандни жомеъ масжидларидан бирининг имоми ҳам, бор. Бу шахс ҳозирда, Ал Азхарда ўқияпти. Муҳиддин деган кимса, Мисрда узоқ йиллар юрган ва Содиқ Самарқандийнинг тоғаси бўлган у бу курашда, Абгор томонга ўтди. У Самарқандийни қоралаб, шу йўл билан ватанга қайтмоқчи бўлди. Мисрда яна бошқа, абгор томонидагилар ҳам, бор. Лекин, МСМЮ тахти учун, зимдан кетаётган бу курашда, Абгор томонида салмоқли одамлар, кам эди. Лекин, Абгор тулкидек айёр ва курсини қўлга киритиш учун, ҳеч нарсадан тап тортмасди. У ДХХга ўзига рақиб бўлган, бу гуруҳни қоралаб, ахборот берди. Буларни Мисрда катта катта биноларни ижараға олиб, кўплаб ўзбекларни ўқитаётганини, маълум қилди. Бу ишларни МСМЮнинг ўғли ва қизи ва уларнинг мухлис бойваччалар томонидан таъминлаб турилганига, етказди. Абгор МСМЮни ўғли ва қизига ҳам, қаршилик қиларди. "Қолаверса, оддий бир домла, Ҳазратнинг номларидан фойдаланиб, катта имтиёзларға эришаётган бир пайтда, муборак номларини кўтариб юрган, қонларини қонларида ташиётганлар, ким эканлигини ажрата ололмай, ғафлатда қолаётганлардан ҳайронман." деб ёзди, МСМЮни қизи Одина.

МСМЮни қизини водийға сафарини, ДХХлар ёрдамида тўхтатган ҳам, шу абгор бўлади. МСМЮни қизи бу ҳақида куйиб пишиб, Азон уз сайтида мақола эълон қилди. (Азон.уз сайти Одинани бу мақоласини, сайтидан олиб ташлади) ДХХ абгорға кўпроқ ишонарди. Чунки, ДХХдаги кураторлари уни, диндор одаммаслигини ва унга қиёмат, охират, жаннат деган нарсаларни, кераги йўқлигини ва у шу дунёдаги мансаб учун, отасини ҳам сотадиган

шахслигини, англашган эди. ДХХга мана шунақалар, керак эди. МСМЮнинг бошқа шогирдлари, бунақа эмасди. Уларда озгина бўлсада, виждон ва имон деган, нарсалар бор эди. ДХХга эса, шу нарсалардан тўла тоза одамлар керак, эди. Абгор шу сифатларга, эга шахс эди. ДХХ вазиятни ўрганиб, келишга абгорни Мисрга юборади. Абгор Миср махфий хизматларига ҳам, бу ердаги ўзбеклар аксар,и ноқонуний юрганлигини ва уларга қарши курашмаса, Кейинчалик ёмон бўлишини айтиб, кўрқитди. Ўзбек ДХХси юборган маълумотларни, тақдим қилди. Оқибатда, Миср МХХси Хусан қори очган ва кўплаб ўзбекларга таълим бераётган мактабларни, бекитди. Мисрга охирги йилларда, кўплаб ўзбеклар, таълим олишга боришганди. Уларни кўпини ушлаб, ортга қайтаришди. Энди Мисрга бориб ўқиш учун, Диний Бошқармадан рухсат олишни, шарт қилиб қўйишди. Энди Мисрга бориб, Азҳарга кирмоқчи бўлган ўзбеклар, Диний Идорадан рухсат олишлари шарт бўлди. Олмасдан борса, расман ўқиёлмайдилар. Қўлга тушсалар депорт қилинади. Шу йўл билан Абгор ўзининг рақибларини заифлаштирди. Энди ўзи томонига ҳам, жиддийроқ одамлар керак эди. Айни шу пайтда, у четда юрган докторларни эслади. Уларга алоқага чиқиб. Уларни қайтарса, унинг командаси бўлиб, бирга ишлашни, таклиф қилди. Бунга чет элда юрган ва кўп йиллар ўқиб, лекин, илмидан ўзбек халқига, бирор наф бўлмаган кимсалар, рози бўлишди. Улар мақсади, ватанга бориб, халққа хизмат қилиш ва албатта, истаса истамаса, МСМЮ каби, режимга ҳам, хизмат қилишлик, эди. Абгорга булар, командаси кучли бўлиши учун керак, эди. Абгор ДХХни ўз командасига ишонтира олиши, лозим эди. Нариги командани қоралаб, ўзини командасини юқорига чиқармоқчи эди. Хориждаги уламолардан регистон гуруҳи, Қалам гуруҳи, мулла Сайфи гуруҳи абгорни тузоғига тушдилар. Улар ватанга бориб, хизмат қилишга, рози бўлдилар. Энди Абгор ўзига рақиб бўлган, гуруҳ устидан, анча устуликка эришди. Энди бу ёғини, ДХХ ҳал қилади. Қайси гуруҳни қабул қилиб, мансабга келтиради аниқмас. Лекин, хорижда узоқ юрганлари учун Мулла Сайфи ва Доктор Широнова, ДХХ унчалик ишонмайди. Абгор вазифаси эса, ДХХни шунга ишонтиришликдан, иборатдир. Кураш давом этмоқда ва ким ғолиб бўлиши, яқин йилларда маълум бўлади. Менинг таҳлилимга кўра, бу жангда Абгор гуруҳи мағлубиятга учрайди. Унга ишонган хориждаги докторлар, ватанга боролмай, аросатда қолиб кетадилар. Нариги гуруҳ эса, Ўзбекистондаги диний лавозимларни эгаллаб, авомни ҳукуматга бўйсунитиши йўлида, жонбозлик кўрсатиб, хизматлар қилишади. Бунга яқин келажакда гувоҳ бўламиз. Валлоҳу аълам!

23.07.20

Қуйидаги рубоийлар ҳам шулар ҳақидадир.

Рубоийлар:

Итбалиқ эдилар, кит бўлди, булар,

Тоғутнинг итига, ит бўлди, булар.

Ҳақ аҳлин иштонин ичига кириб,

Қонин сўрадиган бит бўлди, булар!

.....

Эшак бўлиб яралганда, агарда,

Ҳеч нарса демасдик, қазо қадарда!

Одам бўлиб, эшак номини олдинг,

Ор номус бўлмайди, баччада, ғарда!

.....

Сен ифлос махлуқсан, шубҳа йўқ, зинҳор,

Буни тасдиқладинг, юз эмас. минг бор!
Сендан ҳам баттарроқ менинг наздимда,
Кимки сенга дўстлик қилади изҳор!

.....

Фаросатсизлар кўп экан, дунёда,
Ўзларин санарлар энг аслзода.
Сурувга менгзасак буларни агар,
Булар эчкилару, қора халқ пода!

.....

Жим турма, гапирсам сўкилади, деб,
Сарвдек қоматим букилади деб,
Йўқ нарса тўкилмас, билсанг ҳеч қачон,
Асло қўрқма, обрў тўкилади, деб!

.....

Адо бўлмас экан, динда ихтилоф,
Уммат бирлашиши, ақлга хилоф.
То қиёматгача, аҳвол шу бўлар,
Бундан бошқа гаплар, демак, қуруқ лоф!

14.07.2021

Мазҳаб ихтилофлари ва зўравонлар ҳақида

Бу қисмда, китобнинг хулосавий қисмини ёзаман. Зеро, китоб вазифаси, диний гуруҳлар ва шахсларнинг ихтилофини гапиришдангина, иборат эмасдир. Балким, шуларни келажакдаги йўналишгарига ҳам, эътибор қаратишлиқдир. Ҳаммага йўл кўрсатувчи мақомига, даъвогарлик қилмайману, лекин, бугунги вазиятда, менинг наздимдаги, афзал вариантни, айтишга ҳаракат қиламан. Менинг яқинан билганим шуки, холис одамлар билан, ғаразлик одамлар ҳеч қачон, биргаликда бир иш қилолмайдилар. Демак, сарой муллалари билан, ҳар қандай дўстлик қилишга уринишлик, хатодир. Хусусан, улар ичидаги, хиёнатни билан кўзга ташланганлари билан, мутлақо дўсту биродарлик, бўлиши мумкин эмас. Сарой муллалари, ҳеч қачон, холис имомларга дўст бўлмайдилар. Холислар, уларга дўстлик изҳор қилиши, тубанликдир. Радикаллар модомики, мақсадлари холис бўлсалар, холис имомларга эргашмагунча, адашиб улоқиб расво бўлишда, давом этаверадилар. Чунки, уларда бугунги реалликка мос ва мувофиқ, манҳаж йўқ. Йўл харитаси йўқ. Улар борган ерида, фитна фасодар чиқаверади. Жамоатлар парчаланаверади. Хизбут Таҳрир агар, ўз позициясида қолар экан, улар умматнинг катта қисмидан, ажралиб қолаверадилар. Олтмиш йилдан бери юришибдими яна, олтмиш йилдан кейин ҳам, шу юришида, давом этаверадилар. Уммат аксар қисми, уларни рад қилган ва қилишда давом этади. Улар буни, эртами кечми, тушунишлари лозим. Уларнинг ўзбек бўлаги, бу масалада фикрлаб кўриши, мақсадга мувофиқдир. Сарой муллаларига, асло умид йўқ. Улардан ҳеч қандай, яхшилик кутиш керакмас. Қачонки, янги йўналишдаги гуруҳ, вақти келиб, иқтидорга келса, улар шу ҳукуматга ҳам, хизмат қилишга, бел боғлаб туришаверади. Улар мунофиқ ва манфур кимсалардир. Мен бу кунги ҳукуматни, сиёсатини танқид қилиб ёзган, бир мақоламни, эътиборингизга

ҳавола этаман. Бу мақола «Яна мазҳаб ихтилофлари ва зўравонлар ҳақида» деб, номланади.

Яна мазҳаб ихтилофлари ва зўравонлар ҳақида

Мазҳаблар орасидаги фикҳий ихтилофлар доимо бўлган ва қиёматгача тугамайдиган нарсас. Сарой муллалари ва ташқаридаги муллалар, (ёки, ватандаги салафийлар) орасидаги ихтилофлар эса, фақат фикҳий ихтилоф эмас, балким сиёсий ихтилофлардир. Агар Ўзбекистон давлати, динга муносабатида ўзи ёзган Конституцияга амал қилиб, нейтрал позицияда турганида ва бугунги кундаги каби, сарой муллаларини ўзи тарбиялаб, уларни бошқаларга қарши, жанга ташламаганида, бунақа интернет жанглари, бўлмасди. Ҳукуматни ўзи, бу сарой муллалари ортида туриб, уларни гижгизлаб тургани учун, улар бемалол истаган одамга, тош отишга журъат қилишяпти. Истаган шахсни, бемазҳабликда ва экстремизмда, айблашяпти. Янада сиёсийлашганлари, ватан хойини ва мустақилликни кўролмади деб, жар солишяпти. Хизбут Таҳрирчиларга нисбатан бўлсин ёки, салафийларга бўлсин ёки, ўзини ҳанафийман дейдиган, Содиқ самарқандий кабиларга бўлсин, тинмай тош отишлари, ҳукуматнинг сиёсий талабини бажаришликдан бошқа, нарсамас. Ёки, бошқача айтганда, бу сўфилар билан, ташқаридагиларни жанг майдонига олиб кириб, уриштириб, тамошо кўраётган, бу давлатнинг ўзидир. Аниқроғи унинг махфий хизматларидир. Ҳукумат томонидаги муллаларни, ДХХ қўллаб қувватлаб туради. Бусиз, уларни журъатли бўлиш, имкони йўқ. Агар ҳукумат, дин ишига аралашмаганида, эди, диний гурҳлар, ўзларини диний ихтилофини, ўзлари ўзаро келишиб, ҳал қилганларида эди, бугунги кундаги каби, интернет жанглари бўлмасди, валлоҳу аълам!

Сўфиларда ҳам, ўз шайхлари бор. Турли хил мазҳабчиларда ҳам, ўз шайхлари бор. Умуман мазҳабсизларда ҳам, ўз шайхлари бор. Буни ҳамма билади. Сиёсий мақсадлардагина у ёки, бу гуруҳ, ҳукуматнинг яширин кўллови билан, бошқасини ўзига итоат қилишга, мажбурлайди. Аксар ҳолларда, уммат ичида фитна чиқмасин деган, ваз билан, у бу суннатни тарк этишга ҳам, чақиривади. Ваҳолонки, Конституцияда ҳукуматни динга муносабати, қандай эканлигини биров ўйлаб ҳам, кўрмади. Агар одамларга ёқмаса, оминни жаҳрий айтма деб, фатво беришади. Буни мен 30 йилдан бери, эшитиб келаман. Ҳатто хорижда ҳам, менга маслаҳат беришганди. Мен бундай пайтда доим, бир нарсани таъкидлайман. Агар Ўзбекистон давлати, ўз конституциясига ҳанафий мазҳабида яшовчи давлат эканлигини ва барча фуқаролар, шу мазҳабга амал қилиши шартлигини, акс ҳолда жазоланишини, ёзиб қўйса, ўшанда мен бунга амал қилишим керак ёки, шунда ҳам амал қилмай, жазо олишим мумкин. Агар шунақа нарсас, йўқ экан, мени қандай намоз ўқишим, бу менинг ШАХСИЙ ИШИМ бўлиши керак, дейман! Мени ҳеч ким, у ёки бу мазҳабга киришга, мажбур қилолмайди. Бунга на шаръан ва қонунан ҳаққи йўқ! На ўзбекистон ҳукуматини ва на сарой муллаларини ва на БМТни ва на Швед ҳукуматини ва ёки, яна аллакимларни ҳаққи йўқ! Мен шахсан одамларга айтадиганим, динни қандай тушунсанг ва қандай амал қилсанг, тўғрими ёки хатоми, Аллоҳ олдида, мукофоти ва ёки жазосини, оласан. Буни бандаси, ҳал қилмайди. Мен шахсан сўфиларни, хато йўлда дейман. Мозорга ибодат қилишни, ширк дейман. Лекин, ўзим тутган йўлимни, тўғри дейман. Ҳизбутларга ҳам, нурчиларга ҳам, мазҳабчиларга ҳам ва бемазҳабларга ҳам ва бошқа ҳаммага ҳам, шундай муносабатдаман. Ҳамма ўзи тушунгани каби, амал қилиб ўтиб кетсин. Ҳисоб китобини, ўзлари берадилар. Бир гуруҳ ҳукумат қўлловига эришса, бошқасини ўзига итоатга мажбурламасин! Айни шу, мажбурлаш шариатда ҳам, ва қонунда ҳам, мумкин эмас. Биз тарихдан биламиз, муътазиллийлар Халифага яқинлашганда, нималар бўлди? Ёки, ИШИД Халифат қурганда, нима бўлди? Тоҳирвой ЎИХ амири пайти, нималар қилди? Эронда аҳволга қаранг! Бошқа минглаб мисоллар бор. Хизбутлар халифат курсалар, нима бўлади? Агар, ўзбекистон диний давлат эмас экан. Конституцияда "Ўзбекистон демократик суверен республикадир" деган, модда олиб ташланмас экан, ҳукуматни ҳам, сарой муллаларини ҳам ва улар билан курашаётган хориждагиларни ҳам, бу масалада ҳаммага мувофиқ, ўрта йўлни ушлашга чақираман.

Агар у ё, бу мазҳабга мажбурлаб, киритар экансиз, унда сизлар билан, Ҳукуматни ёки, Тоҳирвойни фарқи нимада?! ИШИД билан, сарой мулласини фарқи нимада?! Эрон шиалари билан Сталин бошлиқ даҳрийлар, фарқи нимада?! Улар ҳаммаси бир гўр ва ҳаммаси золимлардир, халос! Сизларни улардан фарқингиз, борми?! Конституция расман амалда экан, ким қайси мазҳабга киради, ким кирмийди, бу фуқароларнинг шахсий иши, бўлиши керак. Бугун сарой муллалари, фақат ҳанафий мазҳабига киришга чақирадилар. Бошқалари эса, худди нарсани сал юмшоқ шаклда, жорий қилишмоқчи. Ҳамма мазҳабни тўғри деб, тасдиқлаб, лекин ҳанафийга амал қилишга чақирадилар. Мазҳабсиз яшашни эса, бир овоздан мумкинмас деб, жар соладилар. Мумкин деган одамни, саводсиз деб, ўзларини уламои киром деб, ҳисоблашади.

Аллома Албонийлар мазҳаб ушламаганлиги сабаби, у муҳаддис олим ва мужтаҳид эди. Сен мужтаҳидмассан демак, мазҳаб ушладинг шарт, дейишади. Жаноб уламои киромларга ва шундай позицияни ушлаганлар айтаманки, Мен бирорта Мазҳабдамасман! Ва мени мазҳаб тутишга, мажбур қилишга, ҳаққингиз йўқ! Истаган мазҳабда, яшаб ўтинглар. Лекин, бошқаларни ҳам, шу мазҳабингизга киришга мажбур қилманглар. Ҳатто, фитна бўлмасин деб, оминни махфий айтишга ҳам, чақирманглар. Оминни жаҳрий айтиш суннат! Суннатни қилиш, фитна бўлмаслиги керак! Махфий айтиш ҳам, суннат десангиз, унда танлаш ихтиёрини беринг. Нега, мен сиз танлаган суннатни олишим керак?! Ўзим истаганини олишга, ҳаққим йўқми?! Диндаги танлаш эркинлигини бузадиган, бу фатволар, яна фитна чиқмасин деган, ваз билан, одамни ўзи, қалбида тўғри деб, билмаган нарсани қилишга мажбурлашлиқдир. Биз бундай шароитда, 30 йил яшадик. Омин дейишлик, катта жиноят эди. Ҳозир ҳам аҳвол шу. Энди эса, оминни фитна чиқмасин деб, махфий айтишга, пайпоққа масх тортмасликка ва ҳақозоларга чақирилишди. Мен эса, бу кимгадир ёқадими йўқми, диндаги ҳар бир суннатни, билганингиздек амал қилишга чақираман. Фитна, суннатга амал қилган учун эмас, аксинча амал қилмаганимиз учун, чиқади. Хурофотларни дин деб, амал қилинишлиги эса, фитнанинг энг каттасидир! Суннат йўлидаги тўсиқлар эса, сон саноксиздир.

16.04.2020

Қуйидаги шеърим ҳам шу мавзудадир.

Мени мазҳабинга чақирма ошна,
Мен шу мазҳабсиз ҳам яшай оламан.
Қилмагил мени ҳам жонимга ташна,
Барибир ўз билганимда қоламан.

Ўзинг амал қилгил, ўз билганинга,
Ҳар ким ўзи билган йўлдан кетади.
Етасанми йўқми, интилганинга,
Ҳақ билур ким етмас, кимлар етади?!

Сонсиз зулмларни қилдинглар бизга,
Шу мазҳаб номидан, шу дин номидан.
"Мазҳабингдан чиққин" демадик, сизга,
Қўрқинглар, Аллоҳнинг интиқомидан!

Бизни ҳам қайтарманг, ўз йўлимиздан,
Чунки, бунга йўқдир сизларда далил.
Амал қилайлик келса қўлимиздан,
Шояд қабул қилса Аллоҳу Жалил?!

На мазҳабликкаю, на мазҳабсизга,
Қилинган эмасдир, жаннат башорат!
Мазҳабда юришга, далил йўқ бизга,
Кўрсатинглар бўлса, имо ишорат.

На қонунга тўғри келади, бу иш,
На бир шариатга тўғри, мувофиқ.
Не керак ортиқча, шунчалик ташвиш,
Не керак ясамоқ, биздан мунофиқ?!

Фитнанинг уруғин сочган ўзларинг,
Бизни ваҳҳобий деб, кўтариб вой дод.
Кўр бўлмаса, кўрар эди кўзларинг,
Бизларга қанчалик қилинди бедод?!

Энди бу хорижда, эркин диёрда,
Мени тинч қўйинг, ўз ихтиёримга.
Мени сизда қолган, аламим борда,
Сиғдирмадингларку, ўз диёримга?!

Китобу суннат шу, менга кифоя,
Мен тобеъ бўлмасман, бирор мазҳабга.
Ҳаётим шу билан топса ниҳоя,
Шояд етсам, кутган олий мақсадга?!

Саҳвий

30.07.2016

Ёшлар нега уламолардан юз ўгирмоқда?

Демак, бу китобда қатор воқеълар, зикр қилинди. Хусусан, Абдували қорини ва Обид қорини ва бошқа холис имомларни, 90 йиллардаги тутган позицияси ҳақида, сўз юритилди. Уларнинг Давлат раҳбарига муносабатда, Мазҳабга муносабатда, Сарой муллаларига муносабатда, хусусан, Давлат раҳбарига муносабатда Обид қори гуруҳи тутган, аввалги позиция ва бугунги позиция ва улар орасидаги фарқлар ҳақида, сўз юритилди. Хусусан Обид қорини ўзи ва қавми ҳақида ва ундан кейин, уни қавмига раҳнамолик қилган, доктор Ширинов даври ва улар орасидаги ихтилофлар, баён этилди. Ёшларни уламоларга эргашмагани оқибати ва шу каби қатор масалалар ҳақида, гапирилди. Бу муаммо аслида, фақат ўзбекларгагина, хос эмас. Бу муаммо, бутун дунё мусулмонлари ичида, мавжуд муаммодир. Аллома Қарзовий шу муаммога тегишли, мақола ёзганлар. Унда асосан сарой муллаларини танқид қилган. Нега бугунги ёшлар, уларга эргашмаётганига муносабатини билдирган. Бу мақолада билдирилган фикрлар, жуда муҳимдир. Қуйида шу мақолани эътиборингизга ҳавола қиламан.

Ёшлар нега уламолардан юз ўгирмоқда?

Тан олиш керакки, мусулмон ёшларнинг баъзи доиралари, кўпчилик Ислом уламоларига, айниқса ҳукуматга яқин бўлган олимларга ишончсизликлари туфайли, фақат китобларгагина таянадиган бўлиб қолишган. Уларнинг фикрича, бундай уламолар ҳукуматнинг Аллоҳ нозил қилган шариатга амал қилмаётганлигини, била туриб, унинг тарафини оладилар, зулмни

кўриб туриб, уни тўхтатишга уринмайдилар ва ҳатто жим ҳам турмай, аксинча, зўравон раҳбарга «Сиз нақадар одилсиз! Нақадар қаҳрамонсиз» дея, маддоҳлик қиладилар. Ҳеч бўлмаса ҳақни айтмай, турсалар ҳам майли эди, ваҳоланки улар ёлғонни сўзлайдилар! Ёшлар аввал вафот этиб кетган уламоларни, анча ҳақгўй ва собитқадам деб, биладилар, шунинг учун ҳам, уларнинг китобларига мурожаат қилиб, диний билимларни устозсиз, мустақил равишда, оладилар. Бунинг ажабланарли жойи йўқ.

Мен ана шундай ёшлардан бирига, шундай дедим: «Сиз илмни, уламолардан олишингиз, билмаганингизни зикр аҳлидан сўрашингиз керак!». У шундай жавоб берди: «Илми ва динга амал қилиш даражаси бизни қониқтирадиган уламоларни қаердан топайлик? Биз фақат ҳукумат раҳбарларининг атрофида, гирдикапалак бўлаётганларни кўряпмиз-ку? Раҳбарлар рухсат беришни исташса, рухсат беришади, ман қилишни хоҳлашса, ман қилишади; социалистик ҳукумат бўлса, социализмни кўкларга кўтариб, унинг Исломга хос жиҳатларини қидиришади, капиталистик тузумда эса улар капитализмни Ислом номидан қўллаб-қувватлашади. 356 Раҳбар уруш қилишни истаса, бундай уламолар тинчликни қоралай бошлайдилар, агар сиёсат ўзгариб, тинчлик керак бўлиб қолса, тинч-омонликни тарғиб қилувчи фатволар чиқариб берилади. Қуръони каримда бу ҳақда шундай дейилган «...Уни бир йил ҳалол қиларлар, бир йил ҳаром қиларлар» (Тавба сурасининг 37-ояти)

Мен эса, унга шундай дедим: «Биз баъзи бировларнинг гуноҳларини ҳаммага юклаб, бир нечта ёмонларга қараб, қолган яхши кишиларга, ёлғонни инкор қилиб, зулмга қарши турганларга, тоғутга бўйсунушдан бош тортувчиларга, бунинг учун таҳдид ва террорга дуч келаётган, азоб чекаётган, ҳибсда ўтирган, ўз дини ва ақидасини хорламаслик учун, Аллоҳ йўлида жон берганларга, баҳо бермаслигимиз лозим».

Йигит шундай деди: «Мен буни инкор қилмайман, лекин мен айнан ҳукуматга яқин турганларни, қўлида омманинг онгига таъсир қилиш қуроли бўлган, машҳур кишиларни ёмон деяпман».

Шак-шубҳа йўқки, «Йирик уламоларнинг кўпчилиги раҳбарлар қўлидаги бир воситага айланиб қолган. Улар раҳбарнинг истаганини айтадилар ва унинг буйруғи билан изоҳ бериш керак бўлганда, жим қоладилар. Ваҳоланки, илмни яшириш мумкин эмас, бундай пайтда индамай туриш, ёлғон гапириш билан тенг бўлади, уларнинг иккиси ҳам шайтон бўлади» — дейдиган ёшлар кўп жиҳатдан ҳақ бўладилар.

Бир мамлакатда машҳур олимлардан бирини «Шариат нуқтаи назаридан қариндошчилик» деган, мавзудаги телекўрсатувга таклиф қилишибди. Таклиф қилинган олим ўша ток-шоуни олиб борадиган масъул кишилардан бирига, шундай дебди: «Бу кўрсатувда қариндошликни ёқлаш керакми ёки, қоралашми? Мен шунга қараб тайёрланиб бораман». Бошловчи унинг бу сўзларини эшитиб, ҳанг-манг бўлиб қолибди. Бир пайтлар раҳбарлардан бирига «Оёғини узатган, қўлини чўзмайди» дея олган, уламоларни Аллоҳ раҳмат қилсин. О, қани эди, ҳукуматга яқинлашиб олиб, маддоҳлик қилаётган олимларнинг тақвоси, иймони сусайса ҳам, ҳеч бўлмаса илми, фаросати озгина ошса! Ўз динини чуқур тушуниб етмоқчи бўлган ёшларнинг кўпчилиги баланд минбарларда туриб, маърузалар осмонида жавлон ураётган олимларнинг суҳбатида бўлганлар, бироқ уларнинг Қуръон ва Суннатдан анча бебахра эканлигини кўриб, ҳафсалалари пир бўлган. Уларнинг илмлари на дардларга шифо бўлиши, на чанқоқни қондиришини кўрганлар. Шунинг учун, илмдан ҳам, тақводан маҳрум бўлган бундай «арбоб»лардан юз ўгирган ёшлардан хафа бўлмаслик керак. Бундай сохта олимлар ўз фикрини исбот қилиш учун саҳиҳ ҳадисларни четга суриб, тўқима ҳадисларни келтирадилар, яна бошқалари баъзи ҳукмлар учун тушни ҳам далил қилиб оладилар, уларнинг калласида афсона ва эртақлардан бошқа нарса йўқ. Ёшлар уларнинг, кенг ёйилиб кетган бидъатларни қўллаб-қувватлаб, ҳақ суннат йўлини инкор қилаётганларини, кўпчиликнинг, баъзи обрўли ва бой кишиларнинг назарига тушишга уринаётганларини, кўриб турибдилар. Ёшлар ҳатто яхши обрўга эга бўлиб келган, баъзи олимларни ҳам, эндиликда ҳукуматга ён босишда, шубҳа остига олмоқдалар. Оммавий ахборот воситалари бу олимларга ёшлар билан, бевосита мулоқот қилишга имкон бермай, уларни золим

рахбарларга содиқ кишилар сифатида, кўкларга кўтариб мақтайдилар. Мисрда исломий ёшлар жамоатлари тақиқлаб қўйилиб, уларнинг кўпчилиги ҳибсга олиниб, суд қилинган, машҳур олимлардан бири, бу ҳақда шундай деган эди: «Агар улар ҳақиқатдан ҳам Ислом тарғиботчилари бўлганларида, Аллоҳ уларни ёрдамсиз қолдирмаган бўлур эди. Агар улар ҳақиқатдан ҳам Исломга ёрдам берганларида, Аллоҳ уларнинг ниятларидан, мақсадларидан рози бўлар, уларга на полиция, на ҳарбийлар тўсқинлик қила олмаган бўларди. Бироқ улар бундай бўла олмадилар. Ва уларни бандаси мағлуб қилмай туриб, Аллоҳ мағлуб қилиб қўйди». Шайх бу сўзларни ҳақ ва ёлғонни фарқлашда қўлланиладиган қонидани таъкидлаб айтдилар. Ким мағлубиятга учраса – демак у ботил йўлда бўлган, чунки Аллоҳ унга нусрат бермади. Муваффақият қозониб, ғалаба қозонганлар ҳақ йўлда бўладилар. Бироқ, бундай қонидани Шариат ҳам, реал воқелик ҳам инкор қилади. Зеро, Аллоҳнинг нусрати келиши ва ғалаба қозониш учун тегишли шарт-шароитлар яратилиши ва ғалабанинг сабаблари таъминланиши керак. Ҳақ ва мустақим йўлдагиларнинг баъзиларида эса бундай имконият бўлмаслиги ҳам мумкин. Айни пайтда, ботил йўлда бораётганларда вақтинчалик муваффақиятга эришиш учун зарур шарт-шароитлар бор бўлиши ҳам мумкин. 357 Бугунги кунда ботилга даъват қилаётган ва бу ишда муваффақиятга эришаётганларни ҳам, ҳаққа чақириб, мағлубиятга учраётганларни ҳам кўришимиз мумкин, чунки жаҳон ҳамжамияти буларнинг бирини қўллаб-қувватлаётган бўлса, бошқасига қарши чиқмоқда. Бунинг ёрқин мисоли «Исроил»дир. Олимлар раҳбарлигида Отатурк ва унинг партиясига қарши кураш мусулмон турк халқининг, қандай қирилганлигини, ким билмайди? Ислом халифат тупроғидан йўқотилиб, турк халқининг ўт-олов ва пўлат кучи билан дунёвий ғарб қонунларини қабул қилишга мажбур қилингани-чи? Бу икки тарафнинг қай бири ҳақ, қай бири ноҳақ эди? Яқин-яқингача ҳам баъзи мусулмон мамлакатларда ҳукумат томонидан жорий қилинаётган оила кодексига қарши чиққан олимларни ўлдиришар, уларни ўтда куйдирар эдилар. Бу кодекс Аллоҳнинг қонунларини ўзгартириб, У ҳаром қилган нарсага, рухсат берар, Аллоҳ ҳалол қилган нарсани, ман қилар, Аллоҳ банданинг зиммасига юклаган мажбуриятни, бекор қилар эди. Олимлар бунга “Йўқ!” деб жавоб беришгач эса, уларнинг жазоси ўлим бўлди, улардан кейин ҳеч ким эътироз овозлари эшитилмасин деб, бош кўтармади. Зўравонлар ҳукумати енгиб чиқди, олимларнинг, улар билан бирга халқнинг овози эса ўчирилди. Ҳукумат ҳақ, олимлар ноҳақ эдимиз? Бошқа бир мусулмон давлатида эса камчилик кўпчилик устидан ҳукмрон эди. Ҳақни ёқлаган, ҳақ талашиб курашганларнинг овозини ўчириш, “Йўқ!” у ёқда турсин, ҳатто “Нега?” ва “Нима учун?” деб сўрашга ҳам ўрин қолдирмаслик учун минглаб одамлар қамоққа олинди. Қамоқхоналар тўлиб кетгач эса, уларни ўққа тутиб, сонларини камайтирдилар. Ўлимдан қўрқмайдиган мусулмонларни синдириш, хорлаш ва хўрлаш учун эса бошқа усуллар қўлланилди. Бундай усулни ҳатто Чингизхон ҳам, тарихда номи қолган бошқа золимлар ҳам, қўлламаган эдилар, уларнинг оилаларини кўз олдиларида зўрладилар. Ё Аллоҳ! Қанча бегуноҳ қонлар, тўкилди! Қанча бокира номуслар топталди, қанча қадамжолар, харобага айлантирилди, қанча қимматбаҳо буюмлар йўқ қилинди, қанча гўзал уйлар, чиройли шаҳарлар йиқитилиб, аҳолиси устига ағдарилди... Қанчадан-қанча ожиз аёллар ва болалар ўлдирилди! Бундай мисоллардан юрак қонларга тўлади. Мусулмон халқи золим ва зўравонлар томонидан мағлуб қилинди. Уларнинг қай бири ҳақ йўлда, қай бири ботил йўлда эди? Тарихда бундай воқеалар жуда кўп. Шаҳидлар отаси, Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг набиралари ҳазрати Ҳусайн ибн Али ҳам Язиднинг қўшинлари томонидан мағлуб қилиндилар, ҳокимият Уммавийлар қўлига ўтди. Наҳотки бу воқеа, Язид ҳақ, ҳазрати Ҳусайн эса, ноҳақ эди, дейишга далил бўла олса? Орадан кўп йиллар ўтгач, Ҳижоз ва унинг атрофларида юриб, мусулмонларнинг халифаси ва мўминлар амири деб, ҳисобланган улуғ саҳоба, жасур қаҳрамон Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳу, уммавийларнинг қўшинидан енгилдилар. Шундан сўнг Абдурроҳман ибн Аҳият, Саид ибн Жубайр, аш-Шубий, Мутриф ибн Абдуллоҳ ва бошқа кўпгина олимлар, қатл қилиндилар. Уларни ўлдирганлар, жинойтчилар қавми эди. Уларнинг қўлида кўплаб, аҳли илмлар қатл этилдилар. Хусусан, улар ўлдирган Саид ибн Жубайр ҳақида, имом Аҳмад роҳимаҳуллоҳ шундай деган эдилар: «Саид ўлдирилди. Ер юзидан унинг илмига муҳтож бўлмаган, бирорта мусулмон йўқ эди». Абдуллоҳ ибн Зубайр, ўзининг оз

сонли тарафдорлари билан, Маккада қамал қилиндилар. Шунда у зот «Аллоҳга қасамки, бутун ер аҳолиси унга қарши куч тўпласа ҳам, ҳақни йўқ қила олмайдилар. Ва Аллоҳга қасамки, бошидан ой чиқса ҳам, каззоб устун бўла олмайди!» дедилар. Қуръони каримда баъзи пайғамбарларнинг душман томонидан қатл этилганлиги зикр қилинади. Аллоҳ таоло Бани Исроилга қарата шундай марҳамат қилади: «Ва батаҳқиқ, Мусога китобни бердик ва унинг ортидан Пайғамбарларни кетма-кет юбордик. Ва Ийсо ибн Марямга равшан (мўъжизалар)ни бердик ва уни руҳул қудс билан қўлладик. Ҳар қачон Пайғамбар сизнинг ҳавою нафсингизга ёқмайдиган нарса келтирса, мутакаббирлик қилиб, баъзиларини ёлғончига чиқариб, баъзиларини ўлдираверасизми?!» (Бақара сурасининг 87-ояти). Улардан бири Аллоҳнинг пайғамбари Закариё ва унинг ўғли Яҳё алайҳимассаломлар эди. Бу пайғамбарларнинг қатл қилиниши, душманнинг улар устидан ғалаба қозониши уларнинг ботил йўлда эканлигини, залолатда эканлигини кўрсатадими? Шунингдек, Қуръони каримда хандақ қазиб, унинг ичига олов ёқиб, бу чуқурга иймон келтирганларни ташлаб, сўнг хандақ атрофида ўтириб олиб, мўминларнинг оловда ёнишини томоша қилиб ўтирганлар ҳақидаги хикоя ҳам бор. «Ва (улар) мўминлардан Азиз, Ҳамид Аллоҳга бўлган иймондан бошқа «айб» топа олмадилар». (Буруж сурасининг 8-ояти) Наҳотки бу кофирлар ҳақ бўлсалар? Наҳотки куч жиҳатдан ожиз бўлган мўминларни ўлдириб, уларнинг кулини кўкка совурганлар ҳақ йўлда бўлсалар? Ўша ўлдирилган мўминлар ботил йўлда бўлганлар дейиш мумкинми? Асло! Ҳақ гап шуки, юқоридаги фикрларни билдирган шайхнинг сўзларига, қўшилиб бўлмайди. Бу шайх жаноблари Аллоҳнинг мўминларга синов юбориши, золимларни эса вақтинча устун қилиб туришини унутиб қўйган кўринадилар. Бу киши Аллоҳнинг севган бандаларини синаб туриш суннатини қандай унутиб қўйганлар, билмадим. Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади: Одамлар «иймон келтирдик» дейишлари ила имтиҳон қилинмай, тарк этилишларини ўйладиларми? Ва, батаҳқиқ, Биз улардан олдингиларни ҳам имтиҳондан ўтказганмиз. Бас, Аллоҳ, албатта, содиқ бўлганларни ҳам билажак, ёлғончиларни ҳам билажак. (Анкабут сурасининг 2,3 оятлари) Мусулмонлар Уҳуд жангида катта талафот кўрганларида Аллоҳ таоло қўйидаги оятларни нозил қилди: Агар сизга жароҳат етган бўлса, у қавмга ҳам шунга ўхшаш жароҳат етган. Бундай кунларни одамлар орасида айлантириб турамиз. Токи Аллоҳ иймон келтирганларни билиши учун ва улардан шаҳидларни чиқариб олиши учун. Ва Аллоҳ золимларни севмайди (Оли Имрон сурасининг 140 ояти) Ушбу ояти карима эса душманлар ҳақида нозил бўлган: Ва уларга муҳлат бераман, албатта, Менинг ҳилам метиндир (Қалам сурасининг 45-ояти) Шайх Юсуф Қарозовий, Халқаро Уламолар уюшмаси раиси «ИсломиЙ тафаккур: иймонсизлик ва экстремизм ўртасида» китобидан олинди.

Бу китобда баён этилган ихтилофнинг асоси ҳам, аслида шу мақолада, зикр этилган сабаблар эди. Менинг ва мен кабиларнинг МСМЮга ва бошқа сарой муллаларига қаршилигимиз ва ниҳоят, Олдинлари холис мавқеъда бўлганларни, бугун ўзгарганига қаршилигимиз, айнан шу мақолада айтилган сабаблар туфайлидир. Буни бу докторлар ва бошқалар ҳам тўғри англаб олишлари лозимдир. Уларнинг қадр қийматларини тушираётган нарсалар нималигини ҳам, бир ўйлаб кўришлари фойдадан холи бўлмасди.

Замон ва маконнинг инсон ҳаётидаги ва шаръий ҳукмлардаги ўрни

Биз бугунги Диний Бошқармани тутган позициясини, яхши биламиз. Хусусан, уларнинг салафий мусулмонларга нисбатан, тутган позицияси ва ҳанафийлика нисбатан тутган позициясини ҳам, биламиз. Улар Ҳанафиймиз деган, иддаоларида каззобдирлар. Улар суннатлар устидан, очиқча кулишади. Оминни жаҳрий айтганларни, ошкора масҳара қилишади. Ваҳолонки, бу амал ҳанафийликда бўлмасада, бошқа мазҳабларда бордир. Бу суннат амали устидан кулишлик, эди. Бу баъзилар наздида, куфрга элтувчи бўлган, хатарли амал эди. Улар буни устидан кулишларига, мисоллар интернетда, тўлиб ётибди. Уларни давлат раҳбарига, муносабатларини биламиз.

Уларни ақидада мотуридиймиз ва фикҳда ҳанафиймиз дейишлари эса, ҳеч куракда турмайдиган иддаодир. Мотуридийгача ақида бўлмаганмиди?, Фақат уни ақидасида, туришни иддао қилишса, ундан олдингиларда ақида бўлмаган дейиш, керакку?! Тариқатда Нақшбандийлик иддаоси ва шунга тарғиб қилишлик, Булар ҳаммаси МСМЮ қолдириб кетган, фитналик меросдир. Бу фитна, бугун ҳам авжида. Турмаларни айланиб юришлари, ким тавба қилдию, ким тавба қилмади деб, текширишлари эса, буларни умматга нисбатан қилган хиёнатидир! Уларни қилаётган ишлари, нафақат динга тўғри келмайди, балким мавжуд қонунларга ҳам, зиддир. Аммо, бугунги ҳукумат, уларга шунақа ҳуқуқлар, бериб қўйибди. Тошкентдаги Ислом Университети деб, номланган даргоҳни, аёлларни бошидаги рўмолини ечмаса, ўқишга қўймагани, тарихда мисли кўрилмаган ҳодисадир. Бу даргоҳ ислом университети бўлса, у ерда муслималар ўқиса, нега рўмолда келишга тўсиқлар қўйилади? Қорбобони ролени ўйнашлик, Арча байрами ўтказишлик, Наврўз қилиш ва мавлуд қилиш каби, динда мавжуд бўлмаган бидъатлар бари, шуларда бор. Диний Бошқармани фатволарини, динга зидлигини, гапирмай қўяқоламиз. Ёшларни масжиддан тўсишлик ва куръон ўқишига, ўрганишига тўсиқларни, ҳамма кўриб билиб турибди. Уларнинг шу ишларини кўра билла туриб, уларга дўстлик изҳор қилишлик ва уларнинг энг ифлоси ва энг манфурига салом йўллаши, доктор Шириновнинг тарихий хатосидир! Бу иши билан у, ўзининг диндаги холис имом деган, шарафини йўқотди. Холис имомлар, мунофиқларга дўстлик қилиши мумкинмас, эди. Ширинов нафратланадиган радикаллар, у дўстлик изҳор қилаётган мунофиқ сарой муллаларидан кўра, анча холисроқдирлар. Уларда хатолар кўп. Улар кўп жиноятлар содир қилишди ва қилишмоқда. Лекин, радикаллар аксари, фидокор шахслардир. Шу фидокорлик, холислик шартидир. Улардан кўплари гарчи, илмсиз ва субтсиз бўлсада, жонфидолар, шулар орасидан чиқади. Бошқаларда, бу сифат топилмайди. Уларнинг аксар нуқсони, ахлоқидадир. Сарой имомларида на холислик ва на жонфидолик йўқ! Бўлмаган ва бўлмайди ҳам. МСМЮ бошлиқ сарой муллалар, айнан шу жонфидоларни йўлини тўсишга ва улардаги исён ўтини сўндиришга ва уларни тоғутга итоатли қилиб тарбиялашга, уриндилар ва уринмоқдалар. Тариқатлар ва шу каби сафсаталар, бари айнан шунга хизмат қилди. Ёшларни сиёсатдан узоқлаштиришлик ва сўфи қилиб тарбиялаш, динга ва умматга хиёнатдир! Буларни барини, бу уммат кўриб ўтди. Умматнинг бир қисми бўлган ўзбек миллати ҳам, кўрди. Бугун, боши берк кўчага келиб қолганимизни англаш, пайтидир. Бу туپикдан чиқиш учун, казо казолар бош қотиришлари керак эди. Миллат ёшларига йўл кўрсатишлари лозим эди. Афсуски, уларнинг ўзларида, йўл йўқ. Улар ҳам, оқимга қўшилиб оқишмоқда халос. Хизбут таҳрирга келсак, улар уммат ичида, энг ёш ва энг сиёсатлашган қатламдир. Айни замонда улар, жамиятдан ажратиб қўйилган. Улардаги манхаж, уларни жамиятдан ажратиб ташлаган. Улардаги куч ва энергия, беҳудага сарфланмоқда. Уларнинг раҳнамолари, глобал лойиҳа тузишган. Бу лойиҳага қўшилганлар, локал фаолият қилолмайдилар. Ўзбекистонлик Ҳизбийлар локал доирада фаолият қилолмайдилар. Чунки, лойиҳа раҳбарлари, четда яшашади. Булардан бошқа тоифалар, локал фаолият қилишлари мумкин. Таблиғ жамоати ҳам, казо казолари Покистон ва Ҳиндистонда бўлишига қарамай, уларнинг турли мамлакатдаги ячейкалари, ўша доирада фаолият қила оладилар. Уларда глобал, сиёсий мақсад ҳам йўқ. Ёки, нурчилар бўлсин ва ёки салафийлар бўлсин, бир нуқтадан бошқариладиган, глобал мақсадларни ўз олдига қўйган, фирқалар эмас. Улар дунёнинг қаерида бўлмасин, ўша ерни ўзига хос, шаклда, локал фаолият қилишлари, мумкин. Ҳизбут Таҳрирда эса, шу имконият йўқ. Агар фатволар замон ва маконга қараб чиқарилса, бу муаммога ечим топиларди. Уммат пешволарида, айни шу нарса етишмаяпти. Замон ва маконга қараб, фатволар берилмаяпти. Аксар ҳолларда, на макон ва на замонни ҳисобга олинмаган, фатволар берилади. Аксар ҳолларда, рақиб томонни куч қудратини, ҳисобга олмаган ҳолда, фатволар берилади. Булар бари, бу умматни ҳалокатига сабаб бўлди ва бўлмоқда. Мен 2012 йилда ёзган «Мозийдан сабоқлар» номли рисоламдан, бир кичик парчани шу мавзуга доир қисмини, келтиришни мақсадга мувофиқ деб, топдим. Рисолани тўлиқ шаклда қуйидаги линкдан ўқишингиз мумкин.

<https://tayanchdotcom.files.wordpress.com/2012/01/00001.pdf> 4.

Истиқболдаги эҳтимоллар

(Ёки замон ва маконнинг инсон ҳаётидаги ва шаръий ҳукмлардаги ўрни ва аҳамияти ҳақида)

Бу ерда фикр юритмоқчи бўлган мавзу, асосан юқоридаги гуруҳларни, Ўзбекистон доирасидаги фаолияти, келажакда тахминан қайси йўналишда кетишини ва мамлакат учун мусулмонлар учун, таъсири қандай бўлишини таҳлил қилишдир. Бу каби таҳлил мантиққа ва бугунги воқеъликга асосланади. Ва бу тахминлар айни ҳақиқат бўлмасада, қисман яқин келажакдаги воқеъликни, тасаввур этишга имкон беради. Биз воқеъларни таҳлил қилганда, таянч марказимиз Ўзбекистон бўлади. Ва воқеълар ривожини, уни атрофида яъни, унга бевосита таъсири нуқтаи назаридан таҳлил қилинади. Биз бугунги воқеъликдан келиб чиқиб фикр юритишга мажбурмиз. Бугун эса дунёда, Ўзбекистон деган, давлат мавжуддир. Ва у бизни ватанимиздир. Ва биз ўша ерга Аллоҳнинг иродаси билан, кўп жиҳатдан боғланганмиз. Ва уни келажакнинг йўлашимиз, беихтиёр бизни вазифамиздир. Ва келажак авлодларимизни қайғурашимиз ва уларни ҳаётида, биз қилган хатолар бўлмаслигини, истаймиз. Буни учун келажакда қиладиган турли ишларни, режалар қиламиз. Ва шу масалада, динда миллат ва ватан тушунчалари йўқ деб, кўп хатоларга тушуниб тушунмай йўл қўямиз. Аслида, бизни ҳар биримизни ўз ватанимизга ва миллатимизга бўлган интилишимиз, табиийдир. Муҳими бу асослар, Ислом муқаддасотларидан устун қўйилмаслиги ва уларнинг талабига тўсиқ бўлмаслиги керак. Биз ўзбек халқига мансуб эканмиз ва аждодлар хоки ётган ватанимизни келажакнинг қайғуриш, бизни зиммамиздаги масъулиятдир. Мени айтмоқчи бўлганим, вақтни инсон ҳаётидаги ўрнини, муҳимлиги ҳақидадир. Замон ва маконга қараб шаръий ҳукмлар ўзгаради. Ҳалол нарса ҳаром ва ҳаром нарса, ҳалол бўлиши мумкин. Бунга оддий мисол бир киши очликдан ўлиши мумкин бўлиб қолса, ва бошқа ейишга нарса бўлмаса, чўчка гўштини ҳаётини сақлаб қоладиган даражада ейиш, унга ҳалолдир. Худди шу одам, шу макон ва замондан ташқарига чиқса, яъни бошқа имкониятга эга бўлса, унга ўша ҳалол нарса, ҳаром бўлади. Вақт ва маконнинг аҳамияти, нафақат исломий диний, балки инсоният ҳаётининг барча соҳасида ҳам, жуда каттадир. Вақт ва макон баъзи нарсаларни, қадрини туширади ёки, кўтаради.

Фақат ақидавий арконлар Аллоҳнинг яққалиги ва исми сифатлари ва бошқа имон келтириш лозим бўлган масалалар, замонлар ўтсада, ўзгармайди. Бунга яна баъзи, ваъдага вафо қилиш, омонатга хиёнат қилмаслик каби, маънавий қадриятлар ҳам киради. Ва ақидавий бўлмаган яъни, фикҳий масалаларни деярли, ҳаммасига тегишлидир. Зарурат ҳаромни мубоҳ қилиши, фикҳда машҳурдир. Биз буни, бу каби оддий масалаларда тушунамиз. Худди шунга ўхшаган бошқа каттароқ, жиддийроқ сиёсий ижтимоий ва иқтисодий масалаларда, кўп ҳам тушунавермаймиз. Бу ҳақида Шайх Юсуф Қарзовий “Замон, макон ва вазиятларга қараб фатво ўзгаради!” номли мақоласида, шуларни ёзади. Аллома ибнул Қоййим шундай ёзади: “Маконлар, замонлар, вазиятлар ва одатларнинг ўзгаришига қараб, фатво ўзгариши ҳақидаги фасл”. Сўнг бундай деган: “Бу жуда ҳам фойдали, бир фаслдир. Уни билмаслик оқибатида шариатда, улкан хатолар содир бўлди. Манфаатларнинг энг юқори мартабасида турган ажоиб шариат, бундай ишларга буюрмаслигини билиб туриб, ҳараж, машаққат ва иложи бўлмаган ишларни, мажбурият қилиб қўйилди. Чунки шариат ҳукумат ва одамларнинг дунё ва охирадаги манфаатлари асосига, барпо қилингандир. Унинг барчаси адолат, барчаси раҳмат, барчаси манфаат ва барчаси ҳикматдир. Адолат жаврга, раҳматдан унинг аксига, манфаатдан зиён заҳматга ва ҳикматдан бекорчиликка дахл қилган, ҳар қандай масала, гарчи минг бир таъвил билан киргазилса ҳам, шариатдан эмасдир. Зеро шариат Аллоҳнинг бандалари орасидаги, адолатидир, уларнинг орасидаги раҳматидир, ер юзидаги соясидир, Унинг ва Расули соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ростликларига, тўла-тўқис ҳужжат бўладиган, энг рост ҳикматидир”. Моликийлардан имом Қарофий ўзининг “ал-Иҳком” номли китобида, қуйидагиларни айтганлигини кўрамиз: “Ҳақиқатда урф-одатлар ортда қолдириб кетадиган ҳукмларнинг, ўша одатлар ўзгарса ҳам ўзгармасдан, бир хилда

бардавом қолишлиги, Ижмоъга хилоф ва динни билмасликдир. Аксинча шариатдаги барча ҳукмлар, одатлар билан ёнма-ён юради, одат ўзгарганида, янги одат тақозо қилган тарафга қараб ўзгаради. Бу муқаллидларнинг янги ижтиҳодлари эмаски, уларда мужтаҳидликка лойиқ бўлишлик, шарт этиб қўйилса. Аксинча булар уламолар ижтиҳод қилиб қўйган ва ўзлари ижмоъ қилиб кетган, бир асосдир. Бас, бизлар ана шу масалаларда, ижтиҳодни янгиламасдан туриб, уларга тобеъ бўламиз”. Иқтибос тугади.

Ҳозирги даврда истаймизми йўқми Миллий давлатлар ва сунъий чегаралар, мавжуддир. (ҳақиқий ва сунъийлик каби, ўлчовлар ҳам нисбийдир) Одамларни у ёқ,и бу давлатни фуқароси деган, тушунча одамлар онгига қаттиқ ўрнашиб олгандир. Биз бугун исломда миллатчилик ва ватанийлик йўқ деб, қанча гапирмайлик, бу тушунчалар реал мавжуддир. Ва улар бир кунда, шаклланмагандир ва уларни бир кунда йўқотиш ҳам, асло мумкинмасдир. Асосийси, бу асосда яъни, миллатчилик ирқий қарашлар асосида, қон тўкишларгача етиб бормаслик муҳимдир. Мана шу аслида, ноҳақ қон тўкишликга олиб боради ва қатъий ҳаромдир. Буни шу кунги ҳаётимизда ҳам, кўриб гувоҳ бўлиб турибмиз. Ирқчилик, инсоният бошига кўп қиронлар солгандир. Бутун бошли халқлар, ўзаро қирғин баротларда йиллар ва асрлар жанг қилганлар ва кўп минглаб одамлар, қирилиб кетганлар. Ва уларни кўплари ўз келгуси авлодларига, бошқа бир миллатга нисбатан адоват ва нафратни ҳам, мерос қўйиб кетганлар. Баъзи минтақаларда, ўшаларни бугунги авлодлари эса, ўша ота мерос адоватни ва қирғинни бугун ҳам, давом эттираяпдилар. (Турли халқлар орасидаги мавжуд кўп йиллик миллий низолар назарда тутилаяпди) Вақт, аслида ватан ва миллат тушунчасини йўқ жойдан пайдо қилади ва вақти келиб йўқ қилади. Яъни бу нарсалар, табиий жараёндир. Бу орада кўплаб йиллар ўтади. Ва кўп авлодни умри, шу орада поёнига етади. Биз ўз умримиз қисқалигини ва режалар қилаётганда, шу қисқа умрни ва қодирлигимизни ҳам, ҳисобга олиб қилиш лозим бўлади. Лекин ҳаётнинг бугунги глобаллашув жараёни, келажакда турли хил исломий жамоалар орасидаги (албатта ҳаммасини эмас) ихтилофларга барҳам бериб, ўзаро бирлашувга олиб келишини эҳтимоли ҳам, йўқ эмас, албатта. Бу жараён диний қарашлари турли халқлар орасида ҳам, авваллари кўрилмаган илиқ муносабатларни, пайдо қилиши мумкин. Бу каби ақидалар ва маданиятлар ўзаро тенг шароитда, учрашганда (тинч рақобатда) Ислом сақофати ғолиб бўлади, иншааллоҳ. Бу хулосалар натижаси, шахсан мени аввал тушунган кўп нарсаларни моҳиятини, қайта фикрлаб кўришга ундади. Ва мен учун, баъзи нарсалар мантиқсиз ва шаръан ҳам хато деган, фикр ғолиб бўлди. Валлоҳу аълам!

Ҳизбут Таҳрир Исломий Сиёсий Партияси келажакдаги фаолияти нисбатан куйидагича бўлиши мумкин. Улар ИАК режими даврида бошқа жамоалар каби, фаолият қилолмай тазйиққа учрадилар. Ва бундан кейин ҳам, уларга нисбатан тазйиқлар тўхтамайди. Агар ИАК ўрнига бошқа, нисбатан либерал режим келса, турмалардаги аъзолари озодликка чиқишлари мумкин. Ва ташқарид,а ўша режимга қарши курашни, ошкора ва яширин давом эттиришади. Агар шароит шунга йўл берса, Англиядаги каби, ўз партияларини расман ташкилот сифатида рўйхатдан ўтказишлари ва мамлакатда идорасини очишлари мумкин. Лекин, улар мамлакат сиёсий ҳаётига аралашмайдилар. Сайловларни бойкот қилишади. Халқни Халифат қуришга чақиришади ва ҳаказо..., Улар Ўзбекистоннинг ўз ҳудудида тараққий топишини ва шу аснода яшашни истамайдилар. Улар мавжуд воқеъликни яъни, макон ва замонни, тан олмайдилар. Ва ҳукмларни бошқа замон ва макондаги шаръий ўлчов (стандарт) асосида, қабул қилишади. Худди, шу масала менимча, уларни аъзолари чуқурроқ ўйлаб кўришлари лозим бўлган, масаладир. Лекин, умуман олганда, келажакда Ҳизбут Таҳрир Халифат масаласида, бошқа гуруҳлар билан келишолмай қолиши ва Ислом умматини ичидаги, кучли ихтилофларга сабаб бўлиши ва ўзи мансуб умматга, катта моддий ва маънавий зарарлар келтириши эҳтимоли ҳам, йўқ эмас. Валлоҳу аълам! Шу билан бирга айтиш жоизки, Ҳизбут Таҳрир умматни кўпминг сонли вакилларини сиёсий онгли ва ўзга сақофатларга кўр кўрона эргашиб кетмайдиган, фикрли онгли одамлар қилиб тарбиялади. Бу уларни Ислом умматига қилган ва кўриниб турган, улкан фойдасидир. Салафий жамоаларни радикал бўлмаган қисми, Ўзбекистон воқеълигида, нисбатан анча ижобий рол ўйнашлари, мумкин.

Тан олишимиз керакки, ўша Мадхалийя гуруҳи ҳам, сиёсатга аралашмасликни ва ҳукуматни танқид қилмасликни тарғиб қилсада, оддий халқни дин арконлари билан таништиришда ва исломий тарбияда, яхши ижобий рол ўйнай олади. Лекин улардан сиёсий фаолликни кутиш хато бўлади. Шунингдек, бу хулоса, мазҳабчи расмий дин пешволарига ҳам, тааллуқлидир. Яна Салафийларни сиёсий ислом тарафдори бўлган оз сонли қисмига келсак, улар бугун сиёсатга аралашиб тарафдори. Ва улар мавжуд реалликни, тан олишади. Яъни улар Ўзбекистон деган давлатни ва уни қонунларини чегарасини ва шу ватани эканини ва шу халқга мансублигини, эътироф этишади. (Бугунги реалликда яшаши) Бу тан олишлиги, уни Аллоҳ туширган деб, эмас, албатта, балки ўша нарсалар ҳозирги реаллик деб, тан олишади. Бу гуруҳ ҳам келажакда, кўп ижобий ишлар қила олишига умид бор. Худди шу позициядаги салафий жамоати, Мисрда парламент сайловида қатнашиб, Ихвонлардан кейинги ўринни эгаллашди. Бу дегани икки мусулмон жамоат Миср ҳукуматини ташкил қилиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Ва атиги 9% мандат олган либерал демократлардан, мутлақ устунликга эришишди. Бу салафийларни фаолияти ҳам, бизни ўзбек салафийларига, ўрнатқ бўлиши мумкин. Энди Ватан ичкарасидаги ва ташқарисидаги Салафийлик даъвосидаги жиҳодий ҳаракатга тарафдор шахсларга келсак, (Иттиҳодул ажҳод) Бу тоифа, токи Афғонистонда уруш мавжуд экан, ўша ерда иштирок этишади. Ва қачонлардир бу уруш тугаса, Т олибон яна иқтидорга келса, яъни, шунгача ўз ўзидан йўқ бўлиб кетишмаса, қуйидаги икки вариантдан бири бўлиши мумкин.

1. Бири Толибон ҳукумати уларни ўз ҳудудида қолиб яшашга рухсат беради. Ва улар ўша ерда қолиб кетишади.

2. Бири Ўзбекистонда эркин жамият қурилса, уларга қайтишга рухсат берилиши мумкин. Булар яқин келажакдаги яъни бугунги авлодни ҳаёти давомидаги, бўлиши мумкин бўлган эҳтимоллардир. (Бу гаплар Салафий бўлмаган, мазҳабчилардан иборат жиҳодий жамоа бўлмиш УИХга ҳам, тегишлидир)

Яқин келажакда кутиладиган хавф

Халифат тиклаш иддаосидаги салафий гуруҳлар билан Ҳизбут Таҳрир орасида (ташқи кучларни бевосита ёки билвосита таъсирида) катта фитналар юз бериши, эҳтимол. Аллоҳ асрасин. Чунки, бу иккаласи ҳам, Ислом умматини етакчиси бўлишига ва Халифалик қуришга даъвогар жамоалардир. Ва шунингдек, ҳар иккала жамоат ҳам, кўплаб мусулмон мамлакатларига ёйилган ва деярли барча жойда, эргашувчилар бор бўлган, жамоалардир. Ихвон ал Муслимин жамоаси гарчи Ўзбекистонда мавжуд бўлмаса ҳам, ўрни келганда айтиб ўтиш керак, улар жуда сиёсий фаол жамоатдир. Ва ташкил топганидан бери, ўтган сал кам бир аср муддат мобайнида, улар ҳозир Мисрда парламентни қарийб ярмини эгаллашди. Яъни, улар қонуний йўл билан ҳукумат тепасига келдилар. Тунис ва Ливияда ҳам, айна шу ихвонлар каби, сиёсий исломий жамоатлар ҳукумат тепасига келди. Бу дегани, ўша минтақадаги учта давлатни, бундан кейин маълум муддатгача мусулмон жамоалар бошқаради, иншааллоҳ. Келажакда улар минтақада, кўп яхши, халқ учун манфаатли ишларни амалга оширишларини, умид қиламиз. Бу жамоатлар ҳаётида ва қилган ишларида биз учун ҳам ва кўп йилдан бери, глобал мақсадларни олдига қўйиб олиб, ҳалигача эришолмай юрган жамоалар учун, кўп яхши ибратлар ва ўрнатқлар бор. Чунки, улар тинч йўл билан, кам зарар билан мустабидлар тузумига зулмига, чек қўйишга ва ҳатто ҳукумат тепасига келишга, эришдилар. Аллоҳ уларни турли хил фитналардан саломат сақласин! Энди Ихвонларни кейинги фаолияти Мисрда нормал ҳаётни изга туширишдан иборат бўлади. Кейин эса, ўзларини қачонлардир бир бўлими бўлган, Ғазодаги Хамасга имкон қадар ёрдам беришга, ҳаракат қилишади. Бу билан Исроил давлатини, минтақадаги имконияти ҳам, маълум даражада чекланади. Шунингдек, минтақадаги бошқа исломий жамоаларни ҳам, имкон қадар қўллаб туришларини кутиш мумкин. Аллоҳ уларга ички ва ташқи душманлар тарафидан бўладиган хуружлардан, паноҳ берсин!

Ўзбекистон Исломий Ҳаракати асли ўз низомига ва дастурига эга бўлмаган ва бирорта

курултой томонидан йиғилиб, ташкил этилмаган ва бирорта жойда, рўйхатга олинмаган жамоатдир. Ҳизбут Таҳрир ва Ихвонлар каби, юридик ва бошқаруви жиҳатидан мукамал структурага, эга эмас. Ўзбекистондан Тожикистонга бориб қолган, асосан Наманганлик диндорлар тарафидан, асос солинган. Ва кейинчалик сони кўпайиб кетгач, Афғонистонда Ўзбекистон Исломий Ҳаракати деб, номланган. Уни ташкил топганидан 1996 йилдан, то вафотига қадар, (27 август 2009) Тоҳир Йўлдошев раислик қилди. Кейин куёви Усмон Одил амир бўлди. Бу ҳаракатни кўмондони Жума Намангоний бошчилигида, 1999 йил Ўзбек Режими билан урушиш учун, Қирғизистоннинг Боткен шаҳрига келишди. Ва киролмай, орқага қайтиб кетишди. Шу уларни ИАК режимига қарши қилган жиддий бир хуружи бўлди. Бу гуруҳ Толибон кўшинига қўшилиб Аҳмадшоҳ Масъуд бошлиқ Шимолий Альянсга қарши урушларда, қатнашди. Ва АҚШ бошчилигидаги НАТО кўшинлари, Афғонистонни ишғол қилишгач, Покистонга ўтиб кетишди. Ва то ҳозиргача “Озод Қабиалар” дея, номланадиган ва Покистон ҳукуматига деярли бўйсунмайдиган ҳудудларда, яшашади. Диний жиҳатдан мазҳабчи ва Ҳанафийя мазҳабига, амал қилишади. Озодлик радиосининг уларга бағишланган бир курултойида таъкидланишича, Ҳаракат сафида Ўзбекистонликлар кам қолган. Уларни аъзоларини кўпчилиги бошқа миллат вакиллари билан иборатдир. Ҳаракатнинг номи ва Интернетдаги ўзбек тилидаги расмий сайтидан бошқа, Ўзбекистонга алоқадорлигини билдирадиган, аломати қолмаган. Сайтда эса, Келажакда қилишни режалаган мақсадлар ва Қурмоқчи бўлган давлатлари ҳақида эмас, асосан у ёки бу шахсни шаҳид бўлганлиги ҳақидаги маълумотлар бор, халос. Улар миллий қавмий ва ватаний алоқаларни куфрий деб, ҳисоблашади. Ва бу билан табиийки, Ўзбекистонга бориш, ИАК режимига муҳолиф бўлиш каби, масалалар улар учун, ўз моҳиятини йўқотган ҳисобланади. Айтиш мумкинки, улар учун энди, ўша ердаги вазият ва шароит талаб қилган, душман билан уриш олиб боришдан ўзга чора қолмаган. Улар қабиалараро қирғинларда қатнашганлар ва Покистон ёки Афғонистон ҳарбийларига қарши, уришлар олиб боришган. Келажакдаги глобал мақсадлари, Толибон ва ал Қоидда ва бошқалар билан биргаликда, аввал Афғонистонда Исломий Амирликни тиклаш ва кейинчалик, бутун дунёга ягона Халифат қуришлик, ва Ўзбекистон ҳам, уни таркибида бўлишни таъминлаш ва Исроил ва АҚШни йўқ қилишлик ҳаказо... (Бу маълумотлар ҳаракатни собиқ амири Тоҳир Йўлдошни видеодаги нутқларидаги мазмундир)

Улар мавжуд халқаро қонунларни ва давлатларни, ҳеч бир шаклда, тан олишмайди. Ҳаммасини йўқ қилиш ва улар устига Исломни олий қилишни, мақсад қилишган. Демократияни мутлақ куфр деб, билишади. Ва араб баҳорини мутлақо, рад қилишади. Ҳизбут Таҳрирга ўхшаб, “бу инқилобларни АҚШ уюштираяпти ва уммат учун ҳеч қандай фойдаси йўқ” деб, ўйлашади. Валлоҳу аълам! Замон ва макондаги мавжуд воқеъликни кўриб билиб туриб, инкор қилишади. Улар келажакда ҳам, ўз тор мазҳабий қарашлари ва ўзларидан бошқа манҳаждаги мусулмонларни, куфрга чиқаришлари ва Диндаги турли фикрлиликга тоқатсизликлари жиҳатидан, кўп нохушликларга сабаб бўлишлари эҳтимоли, йўқ эмас. (Адашган бўлсам, хурсанд бўлардим)

Акрамийлар

(Андижон Адолат ва Тикланиш) ташкилоти ҳозир ИАК режимига қарши муҳолиф бўлган, сиёсий фаолиятдан бутунлай тўхтаганлар. Улар ҳозир инсон ҳуқуқлари ҳимояси билан, шуғулланишяпти. (Аниқроғи ўзларини қамоқдаги биродарларига, моддий ва бошқа ёрдамлар етказиб бериш билан, шуғулланаяптилар.) Бу ҳам албатта, улуг ишдир. Балки, келажакда ИАК режими қулаб, ўрнига бошқа либерал режим бўлиб қолса Ўзбекистонга қайтишлари ва ўз ташкилотларини рўйхатдан ўтказиб, яна сиёсий фаолиятга қайтиш эҳтимоллари ҳам бор. Аммо, келажакда уларни ташкилотлари, янги аъзолар ва мутахассислар билан тўлдирилмаса, фақат ўзлари жиддий исломий сиёсий жамоат бўлишлари, даргумон. Улар Ватанга қайтишса, халқ учун, иқтисодий ижтимоий жиҳатдан кўп фойдали ишларни амалга оширишлари мумкин. Агар ИАҚдан кейин ҳам, мустабид режим сақланиб қолса, улар яна кўп йиллар Европа ва АҚШда қолиб кетишлари, мумкин. Ва ўзлари ташкил қилган кичик

бизнеслари ҳисобидан, ватанда қолган сафдошларини моддий таъминлаб турадилар ҳалос. Яқин келажакда уларда бу икки эҳтимолдан бошқаси кўринмайди. Валлоҳу аълам! Лекин улар мавжуд воқеъликда яшашади. Ва уни ривожлантиришга интилишади. Уларни мени фикримча шаръий ва жиддий хатолари, шаръий ҳукми, аҳли бўлмаган шахслардан олишларидир. Бу энди, уларни ўз ихтиёрлари бўлиб, бунга албатта ўзларигина масъулдирлар. Ўзбекистонлик Нурчилар эса, Ўзбекистонда сезиларли куч қувватга эга бўлишган эмасди. Шунингдек, уларни ташқарида ҳам, ташкилот бўлиб бирлашганлиги маълум эмас. Улар вазиятга қараб, яширин ёки ошқора суратда, кўпайиб бориши мумкин. Улар ИАК режимидан кейинги даврда, эркинлик бўлса, анча фаоллашиши эҳтимол?! Ҳозирги шароитда уларни истиқболларида бирор натижа бўлиши даргумон. Лекин улардан умматга фитна ва зарарлар бўлмаслиги кутилади. Валлоҳу аълам!

Хулоса

Бу рисолада мен асосан, инсон умрини қисқалигини ва бу қисқа умр давомида, инсон Роббисига лойиқ ибодат қилиб кетишини ва бу умр давомида, имкон қадар тинч тотув, оиласи билан фаровон яшаши ҳам, лозимлигини ва булар учун биз, бир тинч ва эркин ватанга эга бўлишга муҳтожлиги, буни эса ўзимиз биргаликда, барпо қилишимиз лозимлиги каби, оддий ҳақиқатни яна бир бор, тушунтиришга уриндим. Ҳозирча эса, булар бизда хориждаги диндор Ўзбекистонликларда, мавжуд эмасдир. Ва кўпчилигимиз уни барпо қилишга ҳаракат ҳам, қилмаяпмиз. Диндорлар ва диний жамоалар кўп. Лекин манҳажлар ва мақсадлар турлича. Ихтилофлар кўп. Умр эса қисқа. Айтишга уринган фикрларим, умримиз қисқалиги, бугунги воқеълик, уни қандай бўлса, шу ҳолда тушуниш ва олдимизга, шу ҳолатга мувофиқ мақсадлар қўйиш, Хилофат масаласидаги ихтилофлар, ва кураш услубларини (Шаръий фатволарни) бугунги замон ва маконга қараб мослаштириш зарурат экани, халқаро майдонда, фаолиятдаги жамоалар ва давлатлар курашида, диний омиллар сиёсий манфаатлар олдида, иккинчи даражали бўлиб қолаётгани, ҳозирда юртимизда мавжуд диний жамоалар ва уларни манҳаж ва мақсадлари ва яқин келажакдаги эҳтимоллари ва бу жамоаларни мени назаримдаги ижобий ёки, салбий тарафлари ҳақида, бўлди. Мен айтмоқчи бўлган фикримни етказа олдимми йўқми, билмайман. Буни албатта ўқувчилар баҳолайди.

Саҳвий

2012 йил

8 боб тугади

Хотима

Биз таҳлил қилган ихтилофлар 3 қисмга бўлинади:

1. Давлат раҳбарига муносабат,
2. Мазҳабга муносабат,
3. Сарой муллаларига муносабат,

Китобнинг бошида шахслар ва гуруҳларни фаолиятига баҳо беришлиқда асосий мезон қилиб олинган нарса, шу юқоридаги учта нарса эди. Шу асосда биз, аввалги холис имомларни ва сарой муллаларини ва ўша холислардан баъзиларини кейинги фаолиятини бирма бир, кўриб чиқдик. Буларни аввалгиларга зид манхажда эканини, қатор далиллар билан, исботладик. Давлат раҳбарига муносабада аввалгилар, бугунгиларга мутлақо қарама қарши, позицияда туришган. Бунга бу китобда, қатор далиллар келтирилди. Мазҳаб масаласида ҳам аввалгилар ва бугунгилар орасида, катта фарқи борлиги, қатор далиллар асосида, айтиб ўтилди. Сарой муллаларига нисбатан ҳам, аввалгилар ва бугунгилар фарқи кўрсатилди. Шунингдек, бугунгилар орасида ҳам, аввалгилар каби, ҳақда турганлар борлиги таъкидланди. Биз эргашган холис имомлар мисолида, бугунги пешволикка даъвогарлар таққосланиб, юқоридаги уч асосда, булар орасидаги фарқлар, кўрсатилди. Обид қорини ўзида ва қавмидаги ўзгаришлар, қатор далиллар билан, кўрсатиб берилди. Бошқа қатор шахсларни шахсий ҳаётидаги, турли ўзгаришлари ва манхаждаги доғдирашлари ҳам ёритилди. Булар бари, уларнинг аросатда юрганини кўрсатувчи, далиллар эди. Китобда ўзбек миллатига мансуб, диний пешволар ва гуруҳлар ҳақида, қисқароқ бўлсада маълумотлар берилди. Уларнинг фаолиятлари тарихий нуқтаи назардан, баҳоланди. Китоб нафақат бугунги авлодга, балким келажакдаги ўзбек забон мусулмонлар ўқишларини ҳисобга олиб, ёзилди. Бизлар яқин орада, ўтиб кетамиз. Иншааллоҳ, бу китоблар қолади. Буларни келажак авлодлар, ўқийдилар. Шу китобда номлари зикр этилган шахслар ва гуруҳлар ва уларнинг фаолиятларидан, бохабар бўладилар. Уларга менинг шахсий муносабатимни ва шахсий баҳоимни, ўқийдилар. Асосийси, улар шу бизнинг давримизда, диний жамоаларнинг манхажда, адашиб, улоқиб, йўл тополмай аросатда ўтганидан, воқиф бўладилар. Булар бари, муаллифнинг шахсий кузатишларидан келиб чиқиб, берилган бир баҳодир. Бу баҳо тўғри ва ёки, нотўғри бўлиши ҳам, мумкин. Нима бўлсада, булар менинг қарашларим ва менинг тушунчамга кўра, берилган баҳодир. Мен китобда, нимаики кўрган ва эшитган бўлсам, шуларни холисона ёзишга ҳаракат қилдим. Ҳеч кимга, ноҳақдан тухмат қилмадим деб, ўйлайман. Шунга қарамасдан, китобда баъзи жузъий хатолар бўлиши, эҳтимолдан соқит қилинмайди. Бундай хатолар бўлса, демак атайлабдан эмас, адашиб қилинган деб, тушунишлик керак. Манхажий муаммоларни ёритишда, ўзим ёзган мақолалардан фойдаландим. Шунингдек, баъзи, воқеаларни ёритишда ББС ва Озодлик радиоси ўзбек хизмати, чоп этган мақолалардан фойдаланилди. Шунингдек, Ислом овози сайтидан ва бошқа интернет манбаларидан ҳам, фойдаланилди. Китоб ёзилиш жараёнида менга, кутилганидек, кўплаб қаршилиқлар ҳам, бўлди. Турли хил эътирозлар билдирилган комментлар, ёзилди. Улар ҳам ва уларга менинг муносабатим ҳам, шу китоб ёзилиш жараёнида бўлгани учун, шу китобга киритилди. Китоб ёзиш жараёнида, менинг «ислом ва сиёсат» сайтидаги ўн йиллар давомида чоп этилган, турли мақолаларимдан ҳам фойдаландим. Мавзуга доир бўлганларини, китобга киритдим. Булар бари, менинг Швецияда ўтган 12 йил муддатда, ёзган мақолаларим ва қайсидир маънода, шахсий ҳаётим тарихидир. Менинг шу мавзулардаги тутган позициямни билдирувчи, мақолалардир. Энг муҳими эса, шу йиллар ичида, менинг ўзгармай, бир позицияда собит турганимни кўрсатувчи, далиллардир. Булар бари, тарих бўлиб қолади. Бу китоб, кейинги авлодларга, бу авлоднинг диний манхажлардаги ихтилофлари ва уруш жанжаллари ҳақида, ҳикоя қилади. Балким, уларни бизнинг авлод қилган шу каби, ихтилофлардан ва хатолардан узоқроқ бўлишга хизмат қилса, ажаб эмас?!

Демак китоб ёзилишига сабаб, мулла Широнови Тошкентдаги, эшакка салони бўлди. Бу уларнинг иккиюзламачиликни, ошкора қилишидан уялмай қўйганларига, яққол бир далил эди. Шу салом айтилганда, Фозилхўжа деган йигит, у эшакни мунофиқ деб, гапирганди. Шу гапи учун у, аввалига 15 суткага қамалди. Кейин, унга қарши жиноий иш очиб, ҳозир терговда ётибди. Бу очиқдан очиқ, ифлослик эди. Бу мусулмонга нисбатан, ошкора хоинлик эди. Бу динга ҳам, хиёнат эди. Хориждаги баъзилар, шу масалада Фозилхўжани қоралаб, у эшакни тарафини олишяпти. Шулардан бири ҳасан Темиров деган, мунофиқдир. Ваҳолонки, ҳеч бўлмаганда, жим туришлиги лозим эди. Фозилхўжа кабилар, аввал ҳам кўп бўлган. Шу каби, хоин имомлар томонидан, қаматтирилган. Бундайларга қандай қилиб, дўстлик изҳор қилиш мумкин?! Мен шу пайтда, Аллоҳ учун яхши кўриш ва Аллоҳ учун ёмон кўришлик ҳақида бир кичик мақола ёзгандим. Шуни қуйида ўқийсиз.

Ал Вало вал Баро қани?

Аллоҳ учун дўст бўлиш ва Аллоҳ учун душман бўлиш масаласи, динда асослардан биридир. Мунофиқларда бу сифатлар бўлмас эканлигини, қуръон хабар берган. Агар Аллоҳга, пайғамбарга ва унга нозил қилинган китобга иймон келтирганларида эди, уларни — (кофирларни) дўст тутмаган бўлар эдилар. Лекин улардан кўплари итоатсиз кимсалардир». Моида сураси 81 оят

Биз ёшлигимизда диндан беҳабар эдик. Холисроқ имомлар Абдували қори ва Обид қори ва бошқалар маърузалари асосида, эътиқодимиз шаклланди. Уларга ўхшаган холис имомлар кам эди. Саройпарастлар кўп эди. Саройпарастларда хурофотлар ва тоғутларга пахта қўйиш доимий одат бўлса, холисларда китобу суннатни гапириш, одат эди. Бу иккала гуруҳ орасида, кўп ихтилофларга гувоҳ бўлдик. Шу қарама қаршилиқда, шаклландик. Энди бўлса, бир тоифа мунофиқлар, бизга шу саройпарастлар йўлини тўғри йўл, деган муждани сингдирмоқда. Булар ўзлари саройдан узоқда бўлгани учун ҳам, ва баъзилар наздида, уламо ҳисобланишгани учун ҳам, нисбатан таъсирга эгадирлар. Мен бу нифоқ аҳлини, ўзлари бир алоҳида жойдан чиқиб, шу позициясини намоён қилишганида, ҳам ажабланмасдим. Булар Обид қорини қавмидан бўла туриб, шу ишни қилишяпти. Бизда саволлар пайдо бўлиши табииймасми? Саройпарастларни севишга лойиқ, нимаси бор? Нега уларни Обид қори севмади? Нега уларни, бугун сизлар севмоқдасиз? Мезон, китобу суннат бўлса, шу асосда уларни севишга ҳужжатлар келтиринг! Мирзиёевни ИАҚдан, нима фарқи бор? ИАҚни хизматида, МСМЮ то ўлгунга қадар турди. Бугунги саройпарастлар Мирзиёев хизматида туришибди. Сиз аросат аҳлини, уларни севишлиқдан, мақсад нима ўзи?! Мирзиёевга хизматкор бўлишликми? Ёки, китобу суннат уларни севишга буюрадими? Қалам аҳлини барчаси шу мунофиқликни ёқлаядими бугун?! Мен Қаламчиларга, бароат эълон қиламан. Менга қарши биргалиқда, сайтларингда билган нарсани ёзишга чақираман. Мендан ҳам жавоб кутинглар. Китоб ёзишлик ҳақида, мен 20021 йил 26 июн куни Фбдаги саҳифамда эълон қилгандим. Қуйида шу эълон билан, танишасиз.

ИАҚ даврида тазйиқлардан қочиб, кўп мусулмонлар ватанни тарк этган. Булардан аксари жиҳод майдонларига кетган бўлса, баъзилари Европага келишган. Аммо, аксар ҳолларда, яхши ҳаёт учун келган кимсалар, кўп экан. Европага келганлар ичида, ИАҚ режимидан зулм кўрганлари оз. Акрамийлар мустасно. Булар, бир думалаб энди, Мирзиёепараст бўлиб олдилар. Аксари ватанга бемалол бориб келишяпти. Инқилобни жонфидолар қилади ва роҳатини лўттибозлар кўради деган, гап тўғри экан. Булар диндормиз ва тазйиқдан қочганмиз деб, БМТни алдаб келишган. Энди асл башаралари, очиляпти. Буларни сарой муллаларидан, асло фарқи йўқ. Бўлмаган ҳам. Ўлмасам бу мунофиқлар ҳақида, алоҳида бир китоб ёзаман. Бу мавзуда бир нарса ёзишни ўйлагандим. Лекин, бу йўналишда астойдил ҳаракат қилмагандим. Демак, энди бунга жиддийроқ киришиш лозимга ўхшайди. Келажак авлодга, булар кимлиги маълум бўлиб қолсин. Бундайларни тарих ҳам, қоралаши керак. Шундай қилиб бу китоб 2021 йил 26 июн кунидан ёзишга бошланди.

Бугун 2021 йил 12 август кунда тугалланди. Менга бу китобни ёзишликка муваффақ қилган буюк Аллоҳга, ҳамду санолар бўлсин!

Бу китобни бу миллат мусулмонлари учун, манфаатли бўлиши насиб этсин. Бизларнинг авлодни ҳам, бу аросатдан чиқарсин! Тўғри йўлга бошласин! Пешволаримига ҳидоят йўлини кўрсатсин! Уларни аросатда довдираб, ўтиб кетмасинлар! Чунки, улар ортидан эргашувчилар ҳам, аросатда довдираб ўтишмоқда. Роббим бу китобни, холис имомлар ва хоин имомларни кимлигини, келажак авлодларга етказувчи, манба қилсин. Ўқувчиларга ва муаллифга ҳам дунё ва охирада манфаатли қилсин! Бу китобни ёзишга жами 45 кун сарфланди. Аллоҳим бу китобни ичида, номи зикр қилинган, динда холис шахсларни раҳматинга олгин! Хоинларига Ўзинг кифоя қилгин! Омин!

Китоб охирида, Нажот йўли деб номланган шеъримни, эътиборингизга ҳавола қиламан.

Нажот йўли

Замин узра қадим қадим замонлар,
Дунёни зулматлар қоплаган онлар,
Нажот нурларини ёққан башарга,
Буюк пайғамбарлар, буюк инсонлар.
Заминда қайтадан яшнаган ҳаёт,
Инсоният яна, топган йўл, нажот.

Бундай бўлишлиги асли суннатдир,
Даврон айланиши буюк ҳикматдир.
Зулм зўравонлик ортидан яна,
Адолат келиши, бу ҳақиқатдир!
Бу такрорланади, ҳаётда бот бот,
Инсоният яна, топар йўл, нажот.

Бугун парчаланган уммат бўлакка,
Ҳар бўлак ўзича, яшайди якка.
Ҳаргиз бирлашмайди, ушбу гуруҳлар,
Гарчи, миллат ғами, кирган юракка?!
Курашмаса қилиб, сабр ила сабот,
Бу миллат зулмдан топмайди нажот!

Йўл топмай довдираб турса, оломон,
Бир ҳикмат соҳиби, бўлмаса ёмон.
Пешволар умматни парчалаб қўйган,
Ҳаммаси чорлайди ўзига томон.
Дерлар: «Ҳақ йўлинда молу жонни сот,
Курашгин, агарда истасанг нажот!»

Тавҳид туғи токи, бўлмаса олий,
Адолат нелигин билмас аҳолий.
Даъват қилиш учун, бўлмайди имкон,
Жамият зулмдан бўлмаса холий.
Бизда тугамади, зулмлар ҳайҳот,
Мазлумлар ҳалиям кутмоқда нажот.

Бугун ҳам зўрники, бўлди замона,
Пешволар авомни, тортар ҳар ёна,
Қаёққа юришни билмас оломон,
Кетиб бормоқдадир халқ тўрт томона.
Ҳаммасида бордир, далил ва исбот,
Пароканда бўлдик, топмадик нажот!

Зўравонлик йўли, мақсадга элтмас,
Бу билан зулм ҳам, йўқ бўлиб кетмас.
Бунга ҳаётда кўп мисоллар бордир,
Сиёсий курашда тажриба етмас.
Албатта, курашга киришган заҳот,
Бир пасда келмайди, нусрату – нажот!

Манҳажинг ақлга бўлса мувофиқ,
Сени дерлар дарров, "кофир, мунофиқ".
Шунча қон тўкишлар, жангу жадаллар,
Мақсадга элтмади, бўлинглар воқиф.
Вазиятга қараш, эмас динга ёт,
Дин икки оламда, беради нажот!

Агар келажакни ғамини есак,
Боши берк кўчадан, чиқамиз десак.
Қодир бўлган ишни, қилайлик бирга,
Ёғилса ҳам бошга, тошми ё кесак?!
Шубҳа гумонларни дилдан қувиб от,
Таваккул қил, агар истасанг нажот!

Сўзим англовчилар бўлса зиёда,
Салтанат қолмасди, бу Мирзиёда.
Саҳвий бу курашдан, бир четда қолма,
Қўмондон бўлмасанг, бўл бир пиёда.
Баъзан пиёдалар, шоҳни қилур мот,
Бу умматга ваъда қилинган нажот!

20. 02. 2021



Шайх Абдували қори Мирзаев

Сизни эсладим

Шаҳид устоз Абдували қорига аталган,

«Сизни эсладим» номли кичик бир мақола ва шеър билан китобни тугатамиз. Зеро, у кишининг тутган йўли манхажи, бу китобдаги, бир ўлчов мезони ҳисобланади. Шу кишига қараб, биз бу кунги имомларга ва шайхларга баҳо бердик. Ибрат олишликка лойиқ ва ҳақ йўлида қўрқмас фидокор, шахслар ҳаёти, уммат учун, доимо ўрناق бўлиб қолажак! Шунинг учун биз саҳобалар ҳаётини ва уларга эргашганлар ҳаётини, ўқиб ўрганамиз. Уларга ўхшашликка интиламиз. Улар ўтиб кетсаларда, бизнинг келажагимизни ёритиб турган, йўлчи юлдузлардир. Уларга қараб, бизлар йўл топамиз. Улар қолдирган мероси, бизга қиёматгача ҳидоят манбаи бўлиб, хизмат қилади.

Буюк имомлар қолдирган китоблар, минг йиллардан бери, бу умматга хизмат қилмоқда. Устоз шаҳид Абдували қори ҳам, ана шулар жумласидан эди. Аллоҳ ундан ва у каби, холис имомлардан рози бўлсин! Бизларга, шуларга эргашишга тавфиқ берсин! Омин. Абдували қорини четга чиқиб кетиб, шу пайтгача яшаб қолганида, сайт очиб, у ерга МСМЮни устозим деб ёзиб қўйишини, ҳеч тасаввур қилолмайман. Сарой муллаларига дўстлик изҳор қилишини асло, тасаввур қилолмайман. У четда бўлса ҳам, Абдуллоҳ Бухорий каби, ҳақни гапирар ва отилиб кетарди. У отилиб, ўлмай қолса, бекиниб яшириниб ўтирмасди. У мард бўлиб яшаган ва мардларча ўларди. Унинг шахсияти, Пайғамбарларга эргашган кишилар, шахсияти эди. У ватандами, турмадами, чет элдами, қаерда бўлмасин, ҳақни гапирадиган одам эди. У Саудияда бўлганида ҳам, ҳақни гапирар ва қамалиб кетарди. У саудларни кимлигини билганида, у ерга ўз шогирдларини юбормасди, балким? У ерга борган шогирдлари ҳақда собитқадам бўлган эмас. (Неъматуллоҳдан бошқаси) У киши бугун шогирдларини кўрганида, барини оқ қилган бўларди, валлоҳу аълам?! У мустаҳкамлик ва собитлик тимсоли бўлган, буюк чинордек, шахс эди. Булар эса, япроқ мисоли бўлиб, шамол қаердан эсса, ўша томонга эгилишади. Япроқлар тез сўлиб, йўқ бўлиб кетишади. Чинор асрлар давомида, мағрур туради. Булар бари йиғилса ҳам, чинорни бир шохича бўлолмайдилар.

Сизни эсладим

Шайтонлар ҳукмрон бўлган диёрда,
Ёлғону хиёнат доимо борда,
Дилим хуфтон бўлди, эрта наҳорда,
Шунда мен ногаҳон, сизни эсладим,
Шаҳид бўлган инсон, сизни эсладим!

Шаҳидларни ўлган деманглар ногоҳ,
Шаҳидлар тирикдир, ўлмаган, эй воҳ,
Бундан Аллоҳ бизни этгандир огоҳ,
Ўқиб туриб қуръон, сизни эсладим,
Дилим бўлиб хуфтон, сизни эсладим.

Бу юртнинг ғаминда куйган эдингиз,
Аламлар таъмини туйган эдингиз,
Чунки, сиз бу юртни суйган эдингиз,
Юрагим бўлди қон, сизни эсладим,
Излаб дардга дармон, сизни эсладим.

Чорак аср ўтди, бу муддат аро,
Ҳали шу эски гап, эски можаро,
Дардин давоси йўқ, эл мотамсаро,
Аҳволимиз ёмон, сизни эсладим,
Соғинармиз ҳамон, сизни эсладим!

Хоин динфурушлар кўпайди бисёр,
Бири ўлса бири ўрнига тайёр,
Сиз каби фидоий топилмас зинҳор,
Кераксиз шу замон, сизни эсладим,
Фитна тўлди ҳар ён, сизни эсладим.

Келмади бу элга кутган адолат,
Ҳукмронлик қилар разил, разолат,
Бир аср ўзгармай турар бу ҳолат,
Ўйлаб, қолиб ҳайрон, сизни эсладим,
Бўлиб кўнгли вайрон, сизни эсладим.

Дерлар бу юрт Бухорийнинг диёри,
Ҳақ сўзининг зарра йўқ эътибори,
Динсиздир бу юртнинг кўп ҳукмдори,
Тополмайин имкон, сизни эсладим,
Қийналганда виждон, сизни эсладим.

Яқинлашмоқдамиз охират томон,
Аҳволимиз аввалгидан ҳам ёмон,
Рўшноликдан дарак келмади ҳамон,
Кўз ёшларим гирён, сизни эсладим,
Билмам недан шу он, сизни эсладим.

Хиёнатга тўлиб қолганда олам,
Садоқатнинг қадрин англайди одам,
Маҳзунликдан кўнгил чеккан пайти ғам,
Эй ҳофизи қуръон, сизни эсладим,
Ҳаққа жони қурбон, сизни эсладим!

Эй манқурт миллатнинг, хор уламози,
Иншааллоҳ шаҳидларнинг аълоси,
Насиб этсин сизга Аллоҳ ризоси,
Саҳвий ёзиб достон, сизни эсладим,
Қадри буюк инсон, сизни эсладим!

13.10.2019.

Бу китоб шу кишининг кимлигини элга танитадиган ва унинг манҳажига зид й¹ўлдагиларни, адашганлигини ҳам кўрсатувчи китоб бўлишини, Аллоҳдан сўраб қоламан. Сўзимнинг охирида оламлар Парвардигори Аллоҳга, ҳамду санолар айтаман.

Субҳонакаллоҳумма ва бихамдик. Раббано астағфирука ва атубу илайк!

Китоб тугади

i

